

•ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ• ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ
•МЕРОС• ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЭКСПЕДИЦИЯ
ХАЙРИЯ ЖАМҒАРМАСИ

РУСТАМБЕК ШАМСУТДИНОВ

ҚИШЛОҚ ФОЖЕАСИ:

**жамоалаштириш,
қулоқлаштириш,
сургун**

(Ўрта Осиё республикалари мисолида)

•ШАРҚ• НАШРИЁТ-МАТБАА
АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ
БОШ ТАҲРИРИЯТИ
ТОШКЕНТ — 2003

БЛАГОТВОРИТЕЛЬНЫЙ ФОНД «ПАМЯТИ ЖЕРТВ РЕПРЕССИИ»
МЕЖДУНАРОДНЫЙ БЛАГОТВОРИТЕЛЬНЫЙ ФОНД
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ ЭКСПЕДИЦИИ «МЕРОС»

РУСТАМБЕК ШАМСУТДИНОВ

ТРАГЕДИЯ КИШЛАКА:

**коллективизация,
раскулачивание,
ссылка**

(на примере республик Средней Азии)

ГЛАВНАЯ РЕДАКЦИЯ
ИЗДАТЕЛЬСКО-ПОЛИГРАФИЧЕСКОЙ
АКЦИОНЕРНОЙ КОМПАНИИ «ШАРК»
ТАШКЕНТ — 2003

CHARITY FUND «IN COMMEMORATION OF REPRESSION VICTIMS»
INTERNATIONAL CHARITY FUND OF SCIENTIFIC-PRACTICAL
EXPEDITION «MEROS»

RUSTAMBEK SHAMSUTDINOV

TRAGEDY OF KISHLAK:

**collectivization,
dispossession of kulaks,
exile**

(example of Central Asian republics)

HEAD EDITORIAL OFFICE
OF THE PUBLISHING HOUSE
OF STOCK COMPANY «SHARK»
TASHKENT — 2003

Мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш комиссияси «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси илмий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р : ф. ф. д., проф. *Н. Каримов*

Та қ р и з ч и л а р : т. ф. д. проф. *С. Иноятов, О. Жўрақулов, Н. Ҳакимов*

Тарихшуносликнинг ҳозирги тараққиёт босқичи ва эришган ютуқларига асосланиб, Ватанимиз ва хориждаги кўпдан-кўп, хилма-хил манбаларни илк бор илмий истеъмолга киритиб ёзилган мазкур тадқиқотда Урта Осиё, айниқса Ўзбекистон қишлоқларида мажбуран ўтказилган жамоалаштириш ва у билан боғлиқ деҳқонларни қулоқ қилиш, сургун этиш жараёни, унинг фожасали оқибатлари илмий жиҳатдан очиб берилган. Асар кенг китобхонлар оммасига, айниқса Ўзбекистон тарихи билан қизиқувчиларга мўлжалланган бўлиб, ундан олий ўқув юртлири талабалари, магистрантлари, аспирантлари, профессор-ўқитувчилари ҳам фойдаланишлари мумкин.

Ответственный редактор: *Н. Каримов*, д. ф. н. проф.

Рецензенты: *С. Иноятов, О. Журакулов, Н. Хакимов*, д. и. н. проф.

В данном исследовании, опираясь на современный этап развития историографии и достигнутые ею успехи, впервые вводятся в научный обиход новые, как отечественные, так и зарубежные источники, научно раскрывается процесс насильственной коллективизации и связанные с ней раскулачивание и ссылка деҳкан и их трагические последствия в Средней Азии, особенно в Узбекистане. Труд предназначен для широкого круга читателей, а также студентов, магистрантов, аспирантов, профессоров-преподавателей высшей школы, интересующихся историей Узбекистана.

Editor-in-charge: *N. Karimov*, Ph.D, prof.

Reviewers: *S. Inoyatov, O. Jurakulov, N. Khakimov*, history doctors, prof.

Based on contemporary stage of development of historiography and achieved by it success, as well introducing into scientific use new both local and foreign sources, this investigation scientifically discovers the process of forcible collectivization and relating to it dispossession of kulaks and exile of peasants, and their tragic consequences in Central Asia, especially in Uzbekistan. The work is supposed to be read by a wide range of readers, as well as students, masters, aspirants, professors-lecturers of higher education, who are interested in history of Uzbekistan.

© «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти, 2003 йил.

А С Р Ф О Ж Е А С И

Янги асрнинг дастлабки йиллари утиши билан даҳшатли фожеалар ва оламшумул қашфиётлар шоҳиди — XX аср тарих қаърига тобора кириб бормоқда. Шу кеча-кундузда дунёга келган ва дунёга келаётган янги авлодлар XX асрда рўй берган воқеалар ҳақида энди фақат тарих дарсликлари, тарихий мавзудаги илмий ва бадиий китоблар орқали тасаввур ҳосил қилишлари мумкин. Аммо кўриш бошқа-ю ўқиш ва тасаввур ҳосил қилиш бошқа...

Ер юзининг олтидан бир қисмида яшаган халқлар учун XX аср, аввало, буюк тарихий силсилалар ва шу силсилалар туфайли вужудга келган қирғин ва қатағонлар, тарихий адолатсизликлар асридир. Агар биргина совет даврида халққа нисбатан содир этилган жиноятларни кўз олдингизга келтирсангиз, даҳшат ва ваҳмга тушмай иложингиз йўқ. Халқнинг бошини силаши, унинг ҳаётини муаммоларини ҳал қилиши, фаровон ва эмин-эркин яшаши йўлида жон куйдириши лозим бўлган давлат раҳбарлари эл-юрт олдидаги бурчларини бажармай, аксинча, миллионлаб кишиларни мислсиз қийноқ ва азобларга солиб, маҳв этдилар, бутун-бутун халқларни тарихий ватанларидан бошқа жойларга кўчириб, кафангадо қилдилар. Кишилиқ жамияти тарихидаги энг маданий асрда бир сиқим кишиларнинг айби ва инон-ихтиёри билан юз берган бундай даҳшатли фожеалар асло унутилмаслиги, аксинча, келажак учун сабоқ бўлмоғи лозим. Совет ҳокимияти йилларида содир этилган шундай фожеалар силсиласида «қулоқлаштириш» кампанияси алоҳида бир мудҳиш даврни ташкил этади.

Ўрта Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда ўтказилган «қулоқлаштириш» кампанияси яқин-яқингача тарихий адабиётларда совет давлат тузумининг, жамоалаштириш сиёсатининг қишлоқ районлардаги улкан ғалабаси тарзида талқин этилиб келди. Бинобарин, шу ғайриинсоний кампаниянинг қурбони бўлган кишилар ва уларнинг фарзандларига яқин-яқингача ёт унсурлар сифатида қаралиб, уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари пайҳон этиб келинди. Аммо XX асрнинг сўнгги йилларида, айниқса, СССРнинг давлат сифатида ҳалокатга учраши билан совет даври тарихининг қайта ўрганилиши ва шу даврда рўй берган сиёсий-ижтимоий воқеаларнинг қайта баҳоланиши натижасида «қулоқлаштириш» Совет давлати амалга оширган энг шармандали кампаниялардан бири эканлиги маълум бўлди. Ўтган давр ичида тарихчи олимлар ва журналистларнинг савий-ҳаракатлари билан бу кампаниянинг пайдо бўлиш сабаблари, халқ ва мамлакат

бошига келтирган фожеалари ҳақидаги аччиқ ҳақиқат юзага чиқа бошлади. Бу борада Андижон Давлат Университети профессори Рустамбек Шамсутдиновнинг хизматлари, айниқса, эътиборли бўлди.

Сўнги ўн-ўн беш йил ичида профессор Р. Шамсутдинов Совет давлатининг мустахлақчилик сиёсати билан боғлиқ мавзуларга, умуман, Ўзбекистон тарихига бағишланган ўнлаб газета ва журнал мақолалари, китоб ва монографияларни эълон қилдики, бу илмий ва илмий-оммабоп асарлар марказида «қулоқлаштириш» даврининг муҳим масалалари туради. Тарихчи олимнинг, айниқса, «Совет давлатининг «қулоқлаштириш» сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари» номли монографияси халқимиз тарихининг шу мусибатли даврини ўрганиш ишига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Тарих — одамзод эътиборини ўзига доимо жалб этиб турувчи, унга сабоқ берувчи, уни хатарли йўлларга киришдан сақлаб қолувчи ажойиб бир олам. Ўтмишда яшаб ўтган улуг сиймолар — давлат арбоблари, саркардалар, олимлар, шоирлар, бошқа соҳа вакиллари ҳаёти ва фаолиятини тарих ҳужжатлари орқали ўрганиш бугун нафас олаётган кишилар учун маърифий аҳамиятга эга бўлибгина қолмай, айти пайтда уларнинг маънавий баркамолликка эришувига ҳам хизмат қилади. Ўтмишда ноҳақ жабрланган минглаб-миллионлаб кишиларнинг номларини тиклаш ва абадийлаштириш кейинги авлодлар учун шунчаки илмий изланишларгина эмас, балки улар хотираси олдидаги виждоний бурчлари ҳамдир. Агар масалага ана шу нуқтаи назардан ёндошсак, айтиш жоизки, бир-икки китобни нашр этиш, беш-ўнта мақолани эълон қилиш билан «қулоқлаштириш» кампанияси ёки умуман қатағон даврининг мукамал тарихини яратиб бўлмайди.

Модомики, бугун нафақат республикамиз, балки хорижий мамлакатлардаги махфий архивларда ҳам ишлаш имконияти бор экан, биз, тарихчи, сиёсатшунос ва адабиётшунос олимлар, журналистлар ана шу имкониятдан мумкин қадар тўла фойдаланишимиз зарур. Р. Шамсутдинов ана шу ҳақиқатни яхши тушунгани учун бор имкониятларини ишга солиб, нафақат республикамиздаги, айти пайтда Россия Федерацияси, Украина ва бошқа жойлардаги махфий архивларда ишлаш жараёнида «қулоқлаштириш» кампаниясига доир янги қимматбаҳо маълумотларни қўлга киритди. Москва ва бошқа хорижий мамлакатларда нашр этилган илмий ва мемуар адабиёт билан танишиш имконига эга бўлди. Шунинг натижасида у «қулоқлаштириш» кампаниясини энди янги илмий аспектда ва Ўрта Осиё миқёсида ўрганишга аҳд қилиб, қўлингиздаги «Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун» деган фундаментал китобини яратди. Ушбу китобнинг аввалги нашрлардан фарқли томони шундаки, унда, биринчидан, «қулоқлаштириш» кампанияси деҳқонлар ҳақ-

ҳуқуқини чеклаш ва оёқости қилишга қаратилган Совет давлати сиёсатининг онгли, режалаштирилган натижаси ва жамоалаштиришнинг акс кўриниши сифатида талқин қилинган. Яъни мол-мулкларини кўнгилли равишда жамоа ҳўжалигига топширишни истамаган ёки жамоа ҳўжалигининг деҳқонлар оммаси манфаатига хизмат қилмаслигини сезган-билган кишилар бошқа жойларга сургун қилинган ва улар ўша жойларда жамоалашиб яшашга мажбур қилинган. Иккинчидан, Совет давлатининг ички сиёсатига, шу жумладан, «қулоқлаштириш» кампаниясига қарши қишлоқ жойларда кўтарилган халқ галаёнлари, айниқса, аёлларнинг кўтарилиши шу вақтгача тарихий адабиётларда тилга олинмай келарди. Учинчидан, муаллиф ушбу тадқиқотида «қулоқлаштириш»ни турли даврларга ажратиб, бу даврлар ўртасидаги фарқли ва ўхшаш жиҳатларни аниқлаб берган. Тўртинчидан, сургун қилинган ватандошларимизнинг Украина, Шимолий Кавказ ва Урта Осиё меҳнат посёлкаларидаги, шунингдек, ўз Ватанига қайтганларидан кейинги машаққатли ҳаётини тарих ҳужжатлари ва жонли хотиралар асосида тиклаган. Ниҳоят, бешинчидан, китобда кўтарилган ва таҳлилга тортилган барча масалалар энг янги архив маълумотлари, махфий ҳужжатлар ва жонли хотираларга, бинобарин, тарихнинг бирламчи ҳужжатларига асосланган.

Профессор Рустамбек Шамсутдиновнинг «Қишлоқ фожеаси: жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун» китоби ўтган асрнинг 30-йилларида Урта Осиё республикаларида большевизм томонидан амалга оширилган сургун ва қатағон тарихини бутун даҳшатли манзаралари билан ёритувчи асар сифатида катта илмий-тарихий аҳамиятга эгадир.

Наим КАРИМОВ,

*«Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси,
филология фанлари доктори, профессор.*

К И Р И Ш

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг совет даври тарихидаги яхши ўрганилмаган мавзуларидан бири жамоалаштириш ва у билан боғлиқ қулоқлаштириш, сургун қилиш даври тарихи масаласидир. Зўрлик билан, куч билан ўтказилган жамоалаштириш жараёнини қандай кечган бўлса, шундайлигича очиб бериш ва қатағон этилиб, сургун қилинган деҳқонларнинг аянчли, фожеали ҳаёти, тақдирини тадқиқ этиш ҳозирги Ўрта Осиё тарихшунослигида долзарб муаммолардан биридир. Комфирқа ва советлар ҳукмронлиги даврида «қулоқ», «муштумзўр», «қишлоқ буржуазияси», «аксилинқилобчилар», «халқ душманлари», «социализм душманлари», «колхоз душманлари», «ёт унсурлар», «капиталистик унсурлар», «энг сўнгги эксплуататорлар» каби номлар билан аталиб келинган миллий қишлоқ аҳолисининг ҳақиқий тарихини яратиш имкони бўлмади, бу мавзу оммадан сир сақланиб келинди.

Совет даврида яратилган аксарият тарихий адабиётда бу мавзу бошдан-оёқ комфирқа, социализм, марксизм-ленинизм мафкураси руҳида ёзилган. Тадқиқотчилар замона зайли, ҳукмрон тузум ва унинг мафкуравий, сиёсий босими, тазйиқи билан Ўрта Осиёдаги аграр ўзгаришларни, жамоалаштириш, қулоқ қилиш ва сургун қилиш жараёни ва моҳиятини тўла очиб бера олмаганлар, манбаларга танқидий ёндоша билмаганлар, асосий манбалардан фойдаланиш имконига эга бўлмаганлар, ҳақиқий далилларни четлаб ўтганлар, ҳамма нарсани ижобий баҳолаганлар, салбий, фожеали жиҳатларни атайин тушириб қолдирганлар, тарихий мавзудаги тадқиқот ишлари замонавийлаштирилган, сиёсатлаштирилган, ўга мафкуралаштирилган. Ўрта Осиёдаги аграр ўзгаришлар тоталитар тузум талаби ва андозаси билан таҳлил қилинган ва тамомила ижобий баҳоланган. Чекланмаган мафкуравий режим, партиявий тазйиқ тадқиқотчига эркин, ҳолис тафаккур қилиш имконини бермаган. Кўпдан-кўп ва асосий манбалар «мутлақо махфий» тамғаси остида пўлат сандиқларда сақланиб келинган, улар халқдан сир сақланган. Оқибатда Ўрта Осиё қишлоғидаги ўзига тўқ, ўз тирикчилигини бемалол ўтказадиган, тадбиркор деҳқон хўжалиқларининг тугатилиши, деҳқонларнинг мулкдан, ишлаб чиқариш воситаларидан, умуман, эркин меҳнат манфаатдорлигидан маҳрум қилиниши мудҳиш оқибатларга олиб келганлиги ҳақида тадқиқотчилар оғиз очмай юришга мажбур бўлганлар.

Жамики адабиёт, хоҳ тарихий, хоҳ бадий бўлсин, шунингдек, кўплаб адабиётларда, номзодлик, докторлик диссертацияларида, ҳатто архив ҳужжатлари тўпламларида, саҳна ва кино асарларида Ўрта Осиёда ўтказилган жамоалаштириш, қулоқларни синф сифатида тугатиш ва уларни узоқ ва яқин юртларга бадарға қилиш билан боғлиқ барча тадбирлар, воқеа-ҳодисалар комфирқа ва советларнинг аграр сиёсати ва амалиётининг ютуғи сифатида ижобий баҳоланиб, ҳаттоки ўзга мамлакатларга намуна, андоза қилиб тавсия этиш одат тусига кирган. Хуллас, бу мавзу бошдан-оёқ бузилган, сохталаштирилган, идеаллаштирилган, жамоалаштириш, қулоқларни тугатиш, бадарға қилиш комфирқа ва совет ҳокимиятининг катта ютуғи сифатида кўкларга кўтариб мақталган.

Собиқ СССРда бошланган қайта қуриш ва кейинчалик СССРнинг парчаланиб, мустақил давлатларнинг майдонга келиши, комфирқаларнинг сиёсий саҳнадан тушиб кетиши билан тарихга бўлган муносабат тубдан ўзгара бошлади, тарихни англаш, билиш, ўқитишда ҳукмронлик қилиб келган марксча-ленинча методология таназзулга юз тутди, унинг ўрнига тамоиля янгича методология қарор топа бошлади. Тарихий жараёнларни тадқиқ этишда синфийлик, партиявийлик, тарафкашлик, мафкура тамойилларидан воз кечилди. Аксинча, тарихни тушуниш ва тадқиқ этиш холислик, объективлик, илмийлик, тарихийлик, миллийлик билан умумбашарийликнинг ўзаро боғлиқлиги тамойиллари асосига қуриладиган бўлди. Сир сақланган тарихий манбалар — ҳужжат ва материаллар эълон қилинди. Айниқса, бу соҳада Россия Федерацияси тарихшунослигида янгича ёндошув, янгича концепция асосида хилма-хил, кўлдан-кўп тадқиқотлар юзага келди. Бу позитив, ижобий тенденция Ўрта Осиё республикаларига, айниқса, Ўзбекистонга ҳам кучли таъсир кўрсатди. Ўзбекистонда ҳам жамоалаштириш, қулоқлаштириш тарихига янгича ёндошувлар руҳидаги асарлар, илмий тадқиқотлар эълон қилинди.

Мазкур мавзунини тамоиля янгича методология, янгича руҳда ёритишни марҳума академик Р. Ҳ. Аминова биринчилардан бўлиб бошлаб берди. Таниқли олиманинг 90-йилларда эълон қилган ишлари («Из истории коллективизации в Узбекистане — «История СССР», М., 1991, № 4; Коллективизация в Узбекистане: как это было? «Коммунист Узбекистана», 1989 № 9); «Коллективлаштириш — қашшоқдангириш демак» (Возвращая к истории коллективизации в Узбекистане. Ташкент, «Фан», 1995) мустақиллик йилларидаги ўзбек тарихшунослигига катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Тадқиқотчи А. А. Голованов ҳам ўзининг «Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917—1937» (Ташкент, «Фан», 1992) асарида жамоалаштириш ва қулоқлаштиришни янгича ёритишга ҳаракат қилган.

Урта Осиёдан, жумладан, Ўзбекистондан бадарға қилинган «қулоқлар»нинг Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистондаги, шунингдек, Ўзбекистоннинг ўз ҳудудидаги меҳнат посёлкаларидаги тақдири советлар даврида мутлақо ўрганилмади. Бу масалани тадқиқ этишда ушбу сатрлар муаллифи М. Абдуллаев билан биргаликда маълум ишлар қилди. Уларнинг «Ўзбекистон овози», «Туркистон», «Андижоннома» газеталарида, «Фан ва турмуш» журналларида эълон қилинган туркум илмий мақолалари муҳим аҳамият касб этади. Бизнинг «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари» (Тошкент, «Шарқ», 2001) асаримиз республика ва хориж илмий жамоатчилигида катта қизиқиш ўйғотди. Бу асар газеталар, радио ва телевиденияда, интернетда кенг шарҳланди¹. М. Ф. Абдуллаев мазкур мавзунинг бир йўналиши бўйича номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Хуллас, мазкур мавзу бўйича Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистонда ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар, масалалар, йўналишлар жуда ҳам катта ва кўпдир. Қўшни республикалар — Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Қозоғистонда эса бу масала ҳалигача илмий-тадқиқот объекти сифатида кун тартибига кўйилганича йўқ. Тўғри, Қозоғистонда зўрлаб ўтказилган жамоалаштириш ва 1931—1933 йиллардаги очарчилик масаласи бўйича ҳужжат ва материаллар тўплами² нашр қилинди. Бизнингча, ватанимиздаги, хориждаги манбаларни ўрганиш асосида мазкур мавзунини Ўрта Осиё минтақаси бўйича тадқиқ этишнинг вақти аллақачон етиб келган.

Ҳозиргача ёпиқ ҳисобланган махфий архивларда сақланаётган ҳужжатлар, манбалар мазкур мавзунини яхлит бир бутун ҳолатда Ўрта Осиё минтақаси мисолида ўрганишни тақозо қилмоқда. Жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун қурбонлари, ўша фожеларнинг жабру жафосини тортган собиқ қулоқлар ва уларнинг авлодларидан эсон-омон қолганлари ҳам борки, уларнинг эсдаликлари ҳам мавзунини кенгроқ тадқиқ этишда муҳим ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади. Ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам уларнинг хотираларини ёзиб олиш, тўплаш, тарих мулкига айлантириш лозим.

¹ Қ а р а н г: *Партиев Қ., Халилов Ж.* Тарих ва таҳлил. «Маърифат», 2001. 3 март: *Ҳабибулло*. Олимнинг янги китоби. «Андижоннома», 2001 йил 22 август; *Ортиқов Абдурахмон*. *Ортиқов Абдурахим*. «Сургуннома». «Халқ сўзи», 2001 йил 24 август; *Аминова Р., Жамалхожи Н.* Қулоқ қилинганлар қисмати. «Мулоқот», 2001 йил 11-сон; *Ражабов Қ.* Истиқлол шаҳидлари ҳақида икки китоб. «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари». «Истиқлол йўлида шаҳид кетганлар». «Жаҳон алаббети», 2003 йил 1-сон; *Бозоров Нилуфар*. Янги китоб. Ўзбекистон ахборот агентлиги. Тошкент, 2001 йил 28 февраль; *Валерий Ниёзматов*. «Советская политика раскулачивания и её трагическое последствие в Узбекистане» РИА «Новость». UZBEKISTAN EMBASSI PR // WWW.FERCANU; hl [news] page 01 / стр. 143.

² Насильственная коллективизация и голод в Казахстане 1931—1933 гг. Сборник документов и материалов. Свт. К. С. *Алдажуманов, М. К. Каиргаиев, В. П. Осипов, Ю. И. Романов*. Алматы, 1998.

Ўзбекистондаги қулоқлар меҳнат посёлкаларида Тожикистондан, Туркманистондан, Қирғизистондан, Қозоғистондан ва бошқа жойлардан сургун қилинганлар биргаликда ҳаёт кечиришган. Айни вақтда Украина, Шимолий Кавказ ва Қозоғистонга сургун қилинганларнинг таркиби аксарият Ўрта Осиё минтақасидан бўлган. Бошқача қилиб айтганда, Ўрта Осиё бўйича қулоқ қилиниб, сургун қилинганлар шу минтақанинг ўзида ҳам, ўзга юртларда ҳам бадарғалик азобини биргаликда тортишган.

«Қулоқлик»дан безиб қочиб хорижга чиқиб кетишга мажбур бўлган ўрта осийлик муҳожирлар тақдири ҳам тарихимиз учун муҳим аҳамиятга эга. Улар ўзларини туркистонликмиз деб ҳисоблаганлар ва ҳозирда бу минтақани умумий миллий маконимиз деб билдилар. Уларнинг эсдаликлари ҳам мавзунини тўлақонли ёритишда муҳим ёрдамчи манба бўлиб хизмат қилади. Шу боис сўнгги вақтлардаги илмий тадқиқотларимизнинг асосий йўналиши жамоалаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш фожеаларининг янги қирраларини Ўрта Осиё минтақаси мисолида очиб беришга қаратилди¹.

2001 йил 21 сентябрда Андижонда ишга тушган «Мерос» илмий-амалий халқаро экспедиция хайрия жамғармаси ҳам аynи шу мавзунини тадқиқ этиш билан машғул бўлди. Унинг Ўзбекистон вилоятлари бўйича уюштирган бир неча экспедициялари чоғида собиқ қулоқлар, сургун қилинганларнинг хотиралари, суратлари, сақланиб қолган ҳужжатлари тўпланди, Шимолий Кавказга, Украинага, Урта Осиёнинг ички районларига сургун қилинган қулоқларнинг катта бир қисми аниқланди, уларнинг қисмати, тақдири ҳақида анча материаллар йиғилди. Экспедиция йўли билан Москвага бориб Россия Федерацияси Хавфсизлик хизмати архивидан, Россия ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тарихи архивидан мавзуга оид ноёб ҳужжатлар олиб келинди. Мавзуга доир бир қанча ҳужжатлар ва материаллар тўпламлари, монографик тадқиқотлар ҳам Москвадан келтирилди.

2001 йил 31 августда Тошкентнинг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида «Қатагон қурбонлари хотираси» музейининг ишга туширилиши жараёнида ҳам кўплаб янги материаллар тўпланди. Россия Федерациясида бир қанча архив ҳужжатлари тўпламлари нашр этилди. «Трагедия Советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах, (1927—1939)» номидаги туркум ҳужжатлар тўпламининг 4-жилди

¹ Шамсутдинов Р., Худёеров Н. Қулоқлар сургунини. «Мулоқот» 2002 йил 3,4-сонлари; Шамсутдинов Рустамбек. Қулоқлар сургунини (1932 йилги сургун) — «Мулоқот», 2002 йил 6-сон; Шамсутдинов Рустамбек. Қулоқлар сургунини. «Жамият ва бошқарув», 2002 йил 4-сон; Шамсутдинов Р. Т. Ўзбекистон деҳқонларининг Шимолий Кавказга сургун қилиниши. «Ўзбекистон тарихи», 2003 йил, 1-сон.; Шамсутдинов Рустам. Мудҳиш ҳукмлар. фожеали тақдирлар. — «Жамият ва бошқарув», 2002 йил 2-сон; Шамсутдинов Рустам «Муҳожирликдаги қулоқлар», «Мулоқот», 2003 йил, 4—5-сонлар; Шамсутдинов Рустам. Ойболта кўтарган «учлик» — «Ўзбекистон овози», 2003 йил, 28 август; Шамсутдинов Р. Фожеали тақдирлар. «Андижоннома», 2003 йил 5 апрель ва бошқалар.

2002 йили, 5-жилди 2003 йили нашрдан чиқиши ҳам муҳим воқеа бўлди. Бу ҳар икки жилдда ҳам Ўрта Осиёдаги жараёни акс эттирувчи бир қанча ҳужжатлар эълон қилинди.

«Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД (1918—1939) Документы и материалы в 3 томах»¹ номли архив ҳужжатлари тўпламида Ўрта Осиёдаги жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун қилиш жараёни ва ундаги жазо органларининг фаолияти ҳақида ҳам, оз бўлса-да, ноёб янги ҳужжатлар эълон қилинди.

2002 йили Москвадаги «Международный фонд демократии» нашриётида академик А. Н. Яковлевнинг умумий таҳрири остида «Россия. XX век. Документы. ГУЛАГ (Главное управление лагерей). 1918—1960 гг.» номли ҳужжатлар тўпламининг чоп этилиши ҳам мавзунини тадқиқ этишда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, 2003 йили Москвада нашр этилган «Лубянка. Сталин. ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Январь 1922 — декабрь 1936» номли архив ҳужжатлар тўпламида ҳам Ўрта Осиёда жамоалаштириш, қулоқлаштириш ва сургун қилиш чоғида жазо органларининг олиб борган ишлари қисман ўз аксини топган. Бу тўпламлардаги ҳужжат ва материаллар тадқиқотимизнинг манбавий асосларини бойитишда муҳим ўрин тутди.

Бу тўпламларда 20-йиллар охири — 30-йилларда амалга оширилган жамоалаштиришда оммавий қатагон, террор усуллари қўлланилгани рўй-рост, ошкора эътироф этилган. Уша жамоалаштириш, мажбурлаш, зўравонлик қилиш, қонунга хилоф иш тутиш, ноҳақдан қамоққа олишлар, концлагерларга ташлашлар, оммавий сургун қилишлар, сургун, меҳнат ва ахлоқ тузатув лагерларида, қулоқлар посёлкаларида мислсиз азоб-уқубатлар гирдобида қолганлар тақдирини очиқ-ойдин ёритилган. Жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун қилишдан юз минглаб одамлар азобланди, жабру жафо тортди, жисмонан йўқ қилинди, қишлоқ хўжалиги, чорвачилик таназзулга учради, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кучли буҳрон юз берди. Аммо жамоалаштириш ва у билан боғлиқ ўтказилган қулоқлаштириш, сургун қилиш қанчалик салбий, фожеали оқибатларга олиб келган бўлмасин, бу сиёсатдан, яъни жамоалаштириш, қатагон сиёсатини ўтказишдан бошқа бир йўл тутиб бўлмаслиги сўнгги тадқиқотларда асосланмоқда².

Бу ҳар икки муаллиф совет даври тарихи ва ундаги қахрамонна ва фожеали жараёнлар, воқеа, ҳодисалар, ютуқ ва камчиликлар, нуқсон ва хатоликларнинг туб моҳияти ва сабабларига

¹ «Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД (1918—1939). Документы и материалы. Под редакцией А. Береловича (Франция). В. Данилова (Россия), том 1. Москва. РОССПЭН. 1998; том 2. Москва. РОССПЭН 2000. Том 3. Москва, РОССПЭН. 2003.

² Козенко Юрий. Голгофа России. Схватка за власть. Краткая хроника преступлений мирового сионизма, масонства и Запада против России (от Сталина до Ельцина). Москва, 2003, «Фонд национальных перспектив», стр. 13—38; Карпов Владимир. Генералиссимус. Книга первая. Вече Москва, 2003, стр. 101—117 ва бошқалар.

янгича кўз, янгича фикр билан қараганликларини алоҳида таъкидлаш лозим. Ю. Козенков Ленин бошлаган ишни Сталин давом эттиришга мажбур бўлгани, жамоалаштиришдан воз кечиб бўлмаслиги, уни ўтказишдан бошқача йўл йўқлиги, Сталиннинг мухолифлари даъво қилиб, «Сталин Ленин йўлидан чекинди, ўзгача йўл тутди» деган фикрлари асоссизлиги ҳақида янги маълумотлар келтирди. Унингча, 10—15 йил ичида вайрон қилинган мамлакат хўжалигини тиклаш, оғир индустрияни яратиш ва бу вазифани ҳар қандай шароитда, нима қилиб бўлса ҳам уйдлаш керак эди. Акс ҳолда СССР мажақланиб, парчаланиб, ўнлаб хомашёвий мустамлакаларга бўлиб юборилиши мумкин эди. Ҳаётнинг ўзи жамоалаштириш сари йўл тутган Сталин нақадар ҳақ эканини кўрсатди. Бордию бу иш 5—6 йил пайсалга солинганда Гитлер мамлакатни 2—3 ой ичидаёқ босиб олган бўларди.

1929 йилдан бошлаб қишлоқ аҳолиси, умуман, совет халқи чекига тушган қатагоннинг ҳам олдини олиш мумкин эмасди. Чунки барча жазо органлари — ОГПУ, сўнгра НКВДнинг барча тармоқлари, концлагерлар, армия, суд, прокуратура раҳбарлиги халқаро сионистик, массончилик ташкилотлари билан тил бириктириб иш кўраётган сионизм намояндалари ва шуларга ўхшаш халқ душманлари қўлида эди. Улар мамлакатнинг туб аҳолисига қарши ялпи террорни бошлаб юбориш учун қулай пайт, баҳона кутиб тургандилар. Сталиннинг яқка бир ўзи ўша қора кучларга қарши тура олмас эди. Чунки улар Сталиннинг ҳаётига ҳам хавф солиши мумкин эди. Шу боис Сталин уларга нисбатан вақтинчалик муроса қилиш муносабатида бўлишга мажбур бўлган эди.

Жамоалаштириш деҳқон хўжаликларини йириклаштириш ва шу асосда катта миқдорда ишчи кучини бўшатиши мумкин эди. Тарқоқ ва қолақ майда товар деҳқон хўжалиги мамлакатнинг бутун иқтисодийтини орқага тортаётган эди. Сталин сўнги вақтларга қадар деҳқон ўз ерида эски инвентарлардан фойдаланишга мажбур бўлмоқда, эндиликда деҳқонлар машина ва тракторга эга бўлиб, кўриқ ерни кўтариб, ташландиқ ерларни ўзлаштириши керак, деб айтганди. Шунингдек, у колхозларни куч билан қуриб бўлмайди, бундай қилиш аҳмоқона ва реакциондир, бундай сиёсат бир зарба билан жамоалаштириш гоёсини йўққа чиқариб қўяди, деган эди.

Сталин жамоалаштиришни декретлаштириш, деҳқонларга нисбатан зўравонлик қилиш, номаъқул қўрқитишлар фақат душманларгагина керак, деб ўзларини «революционерлар» деб айтишга жазм қилиб, қишлоқ хўжалиги артелларини ташкил этиш ишини черковлардаги кўнғироқларни олиб ташлашдан бошлаётган ҳайбаракалчаларни кескин танқид остига олган.

Сталин деҳқон колхоздан қўрқмасин, уни колхоз нақадар афзал эканига ишонтирмоқ керак, деҳқонни ихтиёри билан

колхозга киришига эришиш керак, ammo бу жуда жиддий иш ва у маълум вақтни талаб қилади, бунда шошма-шошарликка йўл қўйиб бўлмайди, боши эсанкираганларнинг эсанкирашлардан холос бўлиши керак, деб чиққан¹.

Айни шу масалада турли хил ниқобдаги душман кучлар жамоалаштиришни сохталаштириш, бузиш билан ўтказиш, бу тadbирни қурол кучи, қатагон қилиш билан қўрқитиш, зўравонлик қилиш йўли билан амалга оширмоқчи бўлганлар. Фуқаролар урушидан эсон-омон чиқиб олган, мамлакатни боқиб турган, ўзига тўқ, меҳнаткаш деҳқонларга қилинган тажовуз масалани янада кескинлаштириб юборган.

Владимир Карпов жамоалаштиришдаги барча бузилишлар ва қатагонликларни фақат биргина Сталинга тўнкаб қўйиш, бутун фожеаларда Сталинни айбдор қилиш адолатдан эмас, деган тўғри хулосага келган. Аксинча, муаллиф Сталиннинг нутқларидан биронтасида жамоалаштиришда куч ишлатиш, зўравонлик қилиш, энг сўнгги чоралар қўришга даъват қилувчи биронта ҳам кўрсатма берилмаганини таъкидлайди.

Сталин томонидан ёзилган ёки унинг иштирокида ишлаб чиқилган кўпдан-кўп ҳужжатларда унинг бу борада жуда тўғри йўл тутганлиги ўз аксини топган. Унинг 1930 йил 30 январда ўлка ва вилоятлар партия комитетларига йўллаган директивасида маҳаллий ходимларнинг бир қатор районларда жамоалаштириш ўрнига қулоқ қилишга бутун бор кучларини сарфлаётганликлари кескин танқид остига олинган. Сталин ўша хатда партия сиёсати қуруқдан-қуруқ қулоқлаштиришдан иборат эмас, бу тadbир колхозчилик ҳаракатини ривожлантириш натижаси, жамоалаштиришнинг бир қисми, жамоалаштириш натижасида қулоқ қилиш, жамоалаштиришдан ташқарида, у билан боғлиқ бўлмаган тақдирда амалга оширилмаслигини уқтирган. Сталин жамоалаштиришнинг оғирлик маркази камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларнинг ҳақиқий, оммавий ҳаракатига таянувчи янги колхозлар қурилишига кўчирилиши кераклигини талаб қилган. Унинг 1930 йил 2 мартда эълон қилинган «Ютуқлар олдида эсанкираш» мақоласида жамоалаштиришда йўл қўйилаётган жиддий хато ва бузилишлар кескин танқид қилинган.

В. Карпов жамоалаштиришда нима сабабдан бузилишлар, зўравонликлар, хатоларга йўл қўйилгани сабабларини ҳам кўрсатишга ҳаракат қилган. Масалан, жамоалаштиришга бошқош бўлган, раҳбар куч ҳисобланган коммунистлар ишда, амалий фаолиятда бир хил эмасди, улар орасида иккиюзламачи, мунофиқлар ҳам бор эди. Шунингдек, назарий, сиёсий билими, ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган партия аъзолари ҳам кўп бўлган. Бундайлар колхозлар тузишга қаратилган тарғибот ишларини ўз билганларича олиб борганлар, кўплаб сиёсий,

¹ Дьяков Ю. «Пятая колонна России». М., 1995, стр. 49.

мафкуравий, ташкилий, амалий хато ва нуқсонларга йўл қўйганлар. Бундан партиядоги мухолифатчилар усталик билан фойдаланганлар.

Мухолифатчилар жамоалаштиришда съезд ва Марказий комитет қарорларини бемаъни, тутуриқсиз деб, большевикларни бадном, ёмон отлиқ қилиш тактикасини қўллаганлар. Улар: «Колхозларда ҳамма нарса умумий бўлади, унда ҳатто аёллар ҳам умумий бўлиб, улардан карточка ёки талон билан вақтинчалик фойдаланилади», деган уйдирма ва гийбатлар тарқатганлар. Одамларни «Колхозчилар умумий кўрпада ухлайдилар» каби кўркув, саросимага соладиган ёлгон нарсаларни тарқатганлар. Умумлаштириш ҳатто товукларгача ва майда ҳайвонларгача қўлланилади, деган тарғибот олиб борилган. Буларнинг ҳаммаси жамоалаштиришга нисбатан одамлар нафратини уйғотган, колхозга киришдан бош тортишга, ҳатто унга қарши кураш олиб боришга олиб келган. Бемаънилик ўта революционлик бузилишларга ёки, аксинча, ишончсизлик уйғотиб, тушкунлик кайфиятини туғдиришгача етиб борган. Сталин мухолифатчиларнинг бундай иккиюзламачилигини, мунофиқлигини кўриб турган. Бу ҳақда у 1928 йил ноябридаги пленумда «Ўнглам қулоққа тегманг, унга эркин ривожланиш имконини беринг» деб чиқдилар, «сўллар эса, аксинча, бунга қаршилиқ билдириб, «Фақат қулоқгина эмас, ҳатто ўрта ҳолни ҳам ур, чунки у ҳам қулоқ сингари хусусий мулкдордир», деб чиқдилар, деб айтган. Мухолифатчилар жамоалаштириш вақтида фаол аксилинқилобий ҳаракатга ўтганлиги, қулоқлар на қисман ўрта ҳоллар норозилигидан фойдаланган троцкийчилар, бухаринчилар ва бошқалар кўзғолонлар уюштириш йўли билан фуқаролар урушини келтириб чиқаришга уринганликлари ҳам қайд этилган.

Марказ директиваси билан ниқобланиб олган сионобольшевиклар ўрнашиб олган маҳаллий партия ва ГПУ органлари ходимлари жойларда биргина қулоқларнигина эмас, балки ўз еридан тонг саҳардан кеч шомгача тинимсиз меҳнат қилаётган ўрта ҳол, ўзига тўқ деҳқонларни ҳам таладилар, йўқ қилдилар. Ўша деҳқонлар янги иқтисодий сиёсат йилларида комиссарлар мамлакатини боққан эдилар. Жамоалаштириш жараёнида деҳқонларнинг ана шу қатлами тугатилди.

Айрим минтақаларда жамоалаштириш билан боғлиқ бўлган ҳолатларда ҳам қулоққа тортиш амалиёти қўлланилган. Қулоқлаштириш 6 фоиздан 87 фоизгача кўтарилиб кетган, қулоқ қилинганларнинг 60 фоизини ўрта ҳол деҳқонлар ташкил қилган районлар ҳам бўлган.

Баъзи минтақадаги раҳбарлар Москвага йўллаган хатларида ҳозирги замон сиёсатининг барча қондаларига асосланган ҳолда қулоқларга қарши зарба берилаётгани, қулоқлардан нафақат ҳайвон, гўшт, инвентар, ҳатто уруғликка олиб қўйилган дон, озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа мулклар тортиб олинаётгани, улар

онадан янги туғилгандек қип-ялонғоч қилиб қуйилаётгани ҳақида ахборот бериб гурганлар.

Мухолифатчилар ва бошқа душман кучлар атайин очлик ўлимини тайёрлаш мақсадида одамлардаги мавжуд махсулотни тортиб олишга ҳаракат қилганлар. Очарчиликдан бутун-бутун оила, маҳалла, қишлоқлар аҳолиси қирилиб кетган. Ўлим шу қадар катта кўламда бўлганки, мурдаларни кўмишнинг ўзи катта муаммога айланиб қолган. Чала ўлганлар ҳам чуқур-ҳандаклар қазилиб кўмиб юборилган. Ўликларни кўмишга сафарбар қилинганлар паёк билан таъминланиб турилган. Шу боис улар ўлиб кетмаслик учун паёк олиш илинжида кўглаб ўликлар кўмишдан манфаатдор бўлган ва ярим тирикларни ҳам уларнинг илтижоларига қарамай, ўликлар қаторида кўмиб юбориш ҳоллари бўлган. Одамлар очлик азобига бардош бера олмаганлар, уларнинг бир-бирларни еб қўйиш ҳолатлари расмий ҳужжатларда қайл этилган.

1932 йил июлида Украинага Л. М. Каганович билан В. М. Молотов келади. Қонли интизом жорий қилинади. Ўша йил августида колхоз мулкани ўғирлаганларга нисбатан ўлим жазоси жорий қилинади. Халқ буни «беш бошоқ ҳақидаги қонун» деб кинояли баҳолаган, чунки мазкур «интизом» бўйича ҳатто бошоқ терган болалар ҳам ўлимга ҳукм этилган. Мамлакат бўйича беш ойдан камроқ муддат ичида ўшандай деҳқонлар, болалардан 54645 киши суд қилинган, шундан 2110 киши отувда ҳукм қилинган¹.

1932 йил декабридан кучга кирган янги паспорт тизимига кўра, деҳқонлар ўзлари яшаб турган жойларга крепостнойлар сифатида бириктириб қўйилади, уларнинг бошқа жойга кўчиб кетиши ман этилади. Колхозчиларга паспорт берилмайди. Деҳқонларнинг завод ва фабрикаларда ишлашлари ҳам ман этилади. СССР билан чегарадош жойларга ОГПУ қисмлари ва қизил армия қўшинлари бириктириб қўйилади. Очарчиликдан, ҳар хил таловлардан қочиб кетаётган деҳқонлар отила бошланади.

«Қайноқ» нуқталарга Марказдан турли комиссиялар келиб, ўлиб кетишдан сақланиб қолиш учун итоат этмаган, норозилик билдирган ҳаракатларни ваҳшийларча бостирганлар. Л. М. Каганович бошлиқ комиссия 1932 йил октябрида Шимолий Кавказга келади. Казак деҳқонларининг бор-будлари тортиб олинади, салгина қаршилиқ кўрсатганлар отиб ташланади. Аввалида бой бўлган казак станицалари вайрон қилинади. Натижада сабр-тоқатлари тўлиб тошган казаклар исён кўтардилар. Исённи бостирish учун қизил армия қўшинлари сафарбар қилинади. НКВД собиқ генерали А. Орлов авиаэскадрильяларидан бири станицалардаги кўзғолонларни бостириш учун учишдан бош тортгани сабабли эскадрилья тарқатиб юборилиб, унинг шахсий таркиби отиб ташланганини эслайди. Ана шундай операцияларни ўтка-

¹ «Правда», 1988 йил 16 сентябрь.

зиш бўйича маъсул ходим, ОГПУ чегара қўшинлари бошлиғи Фриновский Сиёсий бюро йиғилишида Шимолий Кавказ дарёлари сув оқими бўйлаб ўз халқини ўлдирган ҳарбий қисмлар аскарларининг юзлаб мурдалари оқиб ётганини тан олган. Ўн минглаб деҳқонлар судсиз отиб ташланган, юз минглаб деҳқонлар Сибирь, Қозоғистон концлагерларига жўнатилган. Архивларда Туркия ҳукуматининг советлар ҳукуматиغا Қора денгиз мурдалар туфайли ифлосланиб кетаётганига норозилик билдиргани ҳақидаги ҳужжат сақланиб қолган¹.

Ўнлар оммавий қўзғолонлар ташкил қилиш билан бир қаторда деҳқонлар, кенг аҳоли қатлами орасида норозилик қўзғатиш учун кенг миқёсда ҳам яширин, ҳам ошкора кураш олиб бордилар. Айни вақтда улар ўзларини жамоалаштириш тўғрисидаги партия қарорлари асосида иш олиб бораётган қилиб кўрсатиш ва бу йўналишда ишчанликларини, партия ва Марказий Комитетга содиқлигини намойиш этиш ниқобида троцкийчилар ва сионистлар халқни большевикларга, Сталинга қарши нафратлантириш, ғазаблантиришни авж олдиришни хоҳлаб қулоқларнигина эмас, ҳатто ўрта ҳоллар ва камбағалларни ҳам қатағон қилишга ҳаракат қилганлар. Улар мамлакатдаги маҳаллий аҳолига нисбатан ҳақиқий геноцидни қўллашган, минглаб руслар, украинлар, белоруслар, ўзбеклар қамоқхоналарга, концлагерларга ташланган, узоқ юртларга сургун қилинган, сургун жойларидан яна такрор қатағон қилинган, отиб ташланган, меҳнат армиясига олинган, урушга сафарбар қилинган. Ҳали-ҳанузгача жамоалаштириш деярли ҳар бир оилادا салбий баҳоланиб келинмоқда.

Хуллас, зўравонлик билан ўтказилган жамоалаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш фожеасига биргина Сталинни айбдор қилиш адолатдан эмаслиги, бунда унинг мухолифатлари бўлмиш троцкийчилар, бухаринчилар, яъни ўнларнинг ҳам, сўлларнинг ҳам айблари катта эканини унутмаслик керак. Ана шундай ўзаро сиёсий кураш бутун мамлакатни, жумладан, Ўрта Осиё минтақасини ҳам ўз гирдобига тортган эди. Ўрта Осиёда бу фожеанинг айбдорлари қилиб ўша вақтдаги республикалар партия ташкилотлари Марказий Комитетлари биринчи котиблари, ҳукумат бошлиқлари, давлат раҳбарлари кўрсатилгудек бўлса, у ҳолда бу минтақага Марказдан юборилган ОГПУ, прокуратура, суд, НКВДнинг кўплаб раҳбар ходимларининг ҳам айблари катталигини унутмаслик керак. Ахир Марказнинг йўл-йўриғи, талаби билан ва ўзлари хоҳлаганларидек жамоалаштириш, қулоқ қилиш ва уларни сургун қилишда «жон олиб жон берган», «социализм душманлари»ни тугатиш бўйича ҳар хил тазйиқ-таъқиб, жазо чораларини қўллаган партия, совет, маъмурий, жазо органлари раҳбар ходимларининг бутун қилмишлари ҳужжатларда акс эттирилган. Масалан, Ўрта Осиёда ўша 20-йиллар охири — 30-

¹ Козенков Юрий. Голгофа России. Схемы и карты, стр. 35.

Йиллар бошларида юқорида қайд этилган фожеали тадбирларни ўтказишда номлари салбий жиҳатдан машҳур бўлиб кетганлари ҳали-ҳануз халқ хотирасидан ўчганича йўқ. Уларнинг қилмишлари архив ҳужжатларида акс эттирилган. Улардан Л. Н. Бельский¹, Е. Г. Евдокимов², В. А. Каруцкий³, Л. Г. Миронов⁴, Г. П. Матсон⁵, Б. М. Куруковский⁶, Н. М. Райский⁷, Р. А. Пиляр⁸, А. А. Слуцкий⁹, К. Я. Бауман¹⁰, М. Д. Берман¹¹, И. А. Зеленский¹², Л. Б. Залин¹³, Н. А. Загвоздин¹⁴, П. Ю. Перкон¹⁵ларни эслаш жоиздир. Айни шу шахслар Ўрта Осиёда жамоалаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш кампаниясининг тепасида турганлари маълум бўлмоқда. Улар жойларда маҳаллий арбоблар ва ходимлардан иборат катта таянчга эга бўлганлар. Миллий кишиларнинг маълум қисми ўша Марказдан келган раҳбар ходимларнинг чизган чизигидан чиқмай иш кўришга мажбур бўлганлар.

¹ Бельский Лев Николаевич (Левин Абрам Михайлович) (1899—1941) — ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги раҳбар ходимларидан. 1941 йил 16 октябрда отувга ҳукм этилган.

² Евдокимов Ефим Георгиевич 1931 йили ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили бўлиб хизмат қилган, 1940 йил 3 февралда отилган.

³ Каруцкий Василий Абрамович (1900—1938) — ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили раиси ўринбосари. Ўз жонига суиқасд қилган.

⁴ Миронов Лев Григорьевич (1895—1938) — ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси ўринбосари, 1938 йил 29 августда отилган.

⁵ Матсон Герман Петрович (1896—1938) — ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили, ЎзССР ГПУси раиси ўринбосари. 1940 йил 21 январда отилган.

⁶ Круковский Всеволод Михайлович (1897—1940) — ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили, ЎзССР ГПУси раиси ўринбосари, 1940 йил 21 январда отилган.

⁷ Райский (Лехтман) Наум Маркович (1895—1937) — 1931—1932 йилларда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили. 1937 йил 15 ноябрда отилган.

⁸ Пиляр (фон-Пильхау) Роман Александрович (1894—1937) — 1929—1932 йилларда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили, 1932—1934 йиллари СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг Ўрта Осиё буйича бошқарма бошлиғи бўлиб хизмат қилган, 1937 йил 2 сентябрда отилган.

⁹ Слуцкий Абрам Аронович (1898—1938) — Андижон уезд-шаҳар партия комитети аъзоси, уезд трибунали раиси, 1929—1930 йилларда ОГПУнинг иқтисодий бошқарма бошлиғи ёрдамчиси, 1937 йили Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссари, 1938 йил февралда тўсатдан вафот этган.

¹⁰ Бауман Карл Янович (1892—1937) — 1931—1934 йиллари ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг биринчи котиби, 1937 йили қамоқхонада вафот этган.

¹¹ Берман Матвей Давидович (1898—1939) — 1924—1939 йиллари ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллигида махфий-оператив бошқармаси бошлиғи, вакиллик раиси ўринбосари, 1932—1937 йилларда ГУЛАГ бошлиғи, 1939 йил 7 мартда отилган.

¹² Зеленский Исаак Абрамович (1820—1938) — 1924—1931 йилларда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси, 1938 йил 15 мартда ўнг троцкийчилик блоки иштирокчиси сифатида отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган. 1959 йил 15 июнда реабилитация қилинган.

¹³ Залин Лев Борисович (Левин Соломон Маркович) (1897—1940) — 1931 йилдан ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси ўринбосари, 1934 йилдан ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари, Ўрта Осиё ҳарбий округи махсус бўлим бошлиғи, 1940 йил 22 январда отилган. 1999 йил Бош ҳарбий прокуратурасининг хулосаси буйича реабилитация қилиш рад этилган.

¹⁴ Н. А. Загвоздин (1898—1940) — 1933 йилда Ўрта Осиё ҳарбий округи махсус бўлим бошлиғи ва ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили, 1934 йилдан ЎзССР Ички ишлар комиссари ўринбосари, 1935 йилдан ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари, 1940 йил 21 январда отилган, реабилитация қилинмаган.

¹⁵ Перкон Петр Юрьевич (1885—1938) — 1928—1930 йилларда ЎзССР ГПУ раиси, 2 — Туркiston ўқчи дивизия махсус бўлим бошлиғи, 1936 йили Қорақалпоқ Ички ишлар халқ комиссарлиги бошқарма бошлиғи, 1938 йил 5 февралда «латвия жосуси» сифатида қамоққа олинган, отилган, 1958 йили реабилитация қилинган.

Бизнингча, юқоридаги ҳар икки муаллифнинг илгари сурган ғоя ва фикрларида, келтирган далилу ашёларида маълум ҳақиқат бор ва улар фандаги энг сўнгги ютуқлар сифатида қабул қилиниши керак. Шу муносабат билан 2001 йилда нашр этилган китобимиз¹нинг «Қулоқлар» масаласи комфирқа ва муҳолифат талқинида» деб номланган бобида Сталин ва унинг муҳолифатларининг жамоалаштириш, қулоқ қилиш ва сургун қилиш бора-сидаги фикр-ғоялари, ҳаракатлари ҳақидаги қарашларни бир оз танқидий мушоҳада қилишга тўғри келади. У бобдаги материаллар Юрий Козенков, Владимир Карповлар илгари сурган ғоя ва фикрлар, келтирилган янги ҳужжатлар руҳида қаралмоғи, мушоҳада этилмоғи керак.

Хукмингизга ҳавола этилаётган мазкур китоб Ўрта Осиё совет қишлоғида зўрлик билан ўтказилган жамоалаштириш, қулоқлаштириш ва уларнинг фожеали оқибатларини баҳоли қудрат очиб беришдек вазифани ўз олдига қўйган. Бунда ҳозиргача яратилган асарлар, фанда эришилган янгидан-янги ютуқларга асосланиб, тарихимизнинг ана шу ачинарли, аламли саҳифаси ёритилади. Истиқлол шарофати ила бундай хайрли, шарафли ишнинг удласидан чиқиш имконияти тўла яратилгани, бундай улғувор ишларнинг тепасида Президентимиз Ислон Каримовнинг ўзлари бош-қош бўлиб турганлиги, тарихимизни янгитдан бунёд этиш, уни поклаш ишига ўзлари бевосита раҳнамолик қилаётгани ҳам мазкур мавзунини янгича, холисона тадқиқ этиш имконини беради. Бу муҳтарам зотнинг сўзи билан айтганда, ўша мустабид советлар тузуми «қаттол замон» тақозоси билан ўз даврида бири «қизил аскар», бири «босмачи», бири «қулоқ», бири «комиссар», яна бири «муштумзўр», яна қай бири «йўқсил» деб гуруҳларга ажратиб ташланганди. «Бўлиб ташлаш, ҳукмронлик қилиш» учун энг маккор усуллар ишга солиниб, бир миллат вакилларини бир-бирига қарши қайраш, адоват ва низо уруғини сочиш амалга оширилди. «Шу бос», — деб кўрсатди йўлбошчимиз, — ота-боболаримизга ана шундай ранглар билан ажратиб баҳо бермаслигимиз, балки уларнинг ҳаёгини, улар яшаган давр моҳиятини тўғри тушунишимиз лозим»².

Бу муаммони ҳал этишда Президент Ислон Каримовнинг 1999 йил 12 майдаги Фармойишига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 июлдаги «Ватан ва халқ озодлиги йўлида қурбон бўлган фидойилар хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори катта имконият уфқларини очиб берди. Қарорда мустамлакачилик даврида қатағон қилинган фидойи ватандошларимизни номма-ном аниқлаш, шаҳид бўлган

¹ Шамсутдинов Рустамбек. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти Тошкент, 2001, 21—54-бетлар.

² Каримов И. А. Ўз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурмоқдамиз. «Туркистон» газетаси муҳбирининг берган саволларига жавоблари. «Туркистон» газетаси, 1999 йил 2 февраль.

юртдошларимиз номини абадий сақлаш ва келгуси авлодларга етказиш мақсадида кўп жилдди «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш, шунингдек, хориждаги турли архив, музей, кутубхона ва бошқа илмий-маърифий муассасалар, мутахассислар билан алоқа ўрнатиш, ватандошларимиз ҳаёти, фаолиятига оид чет эллардаги мавжуд манбаларни топиш ва ўрганиш мақсадида илмий экспедициялар ташкил этишдек улуғвор, илҳомбахш вазифалар белгилаб берилди. Ислом Каримов бошлаб берган бундай эзгулик ишлари ҳозирда ҳатто хорижда ҳам катта таассурот ва акс-садо уйғотди. Масалан, 2000 йилдаёқ АҚШ пойтахти Вашингтонда «XX аср. Коммунизм қурбонлари» мажмуаси хотира ёдгорлиги яратиш иши бошланиб кетди. Бу бўлажак мажмуада Ўрта Осиё, Туркистон, жумладан, Ўзбекистонда XX асрда комфирқа ва совет тузуми даврида қатағон қилинганлар ҳақида алоҳида бўлим очиш режалаштириб қўйилди. Шу боис имкон қадар тезроқ «Қатағон қурбонлари» хотира китобини яратиш лозим. Бу китобдан «Ўзбек қулоқ»лари, «Ўзбек бойлари»га ҳам алоҳида ўрин ажратиш керак. Чунки қаттол тузум 20—30-йилларда ўзбек миллий қишлоқларидаги деҳқонлар оммасига қарши социалистик геноцид қўллаб, бегуноҳ ўзига тўқ, тадбиркор, мулкдор деҳқонларни, ҳунармандларни, диндорларни «қулоқ» қилди, уларнинг кўплари жисмонан йўқ қилинди. Республика матбуотида, журнал ва газеталарда «Ўзбек қулоқ»лари, «Ўзбек бойлари» рукнларини очиб, ўша қатағон қурбонлари ҳаёти ва фаолияти ҳақида мунтазам мақолалар, радио ва телевидениеда кўрсатувлар бериб боришнинг вақти аллақачон келди. Нашриётларда бу мавзуга доир рисола ва китоблар нашр этиш ҳам яхши йўлга қўйилмоғи керак.

Биз, тарихчи-тадқиқотчилар, бундай улуғвор, эзгулик, шарафли, лекин машаққатли вазифаларни ҳал этишга астойдил киришмоғимиз лозим. Тарихимизнинг «оқ доғлари» ҳисобланмиш жамоалаштириш ва у билан бевосита боғлиқ бўлган «қулоқлар» тарихини ҳам бутун бўй-басти билан яратишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Ноҳақдан қулоқ сифатида молу мулкдан, уй-анжомларидан, еридан, от-уловидан маҳрум этилиб, сургун ва қатағон қилиниб, ўзга юртларда шахид бўлиб, кафансиз, жанозасиз кўмилган, юқоридан уюштирилган очарчилик, қаҳатчиликдан ўлиб кетган «қулоқ»ларни номма-ном аниқлаш, уларнинг Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистон ҳамда Ўзбекистоннинг ўзидаги «меҳнат посёлкалари»даги ҳаёти ва фаолияти, айниқса, пахтачиликдаги мислсиз оғир меҳнати, бунёдкорликлари, Иккинчи жаҳон урушидаги иштирокларини, ниҳоят, фожеали қисматини чуқур ва атрофлича ўрганиш тарихшунослигимиз олдида турган долзарб вазифалардир. Бундай вазифани удалаш учун барча имкониятлар ҳозирда мавжуд. Энг аввало, истиқлол туфайли ёпиқ архивларнинг «темир» дарвозалари тадқиқотчилар учун очила бошланди. Аввалида ман қилинган катта

миқдордаги ҳужжат ва материаллардан тадқиқотчилар фойдаланиш имконига эга бўлдилар. Аммо бу кенг қўламли, катта қамровли материаллар якка тадқиқотчилар томонидан ўрганилиб, уларни илмий истеъмолга солиш жуда ҳам мушкул ишдир.

Мазкур мавзуга оид кўплаб ҳаққоний ҳужжат ва материаллар Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони, Миллий хавфсизлик хизмати ва Ички ишлар вазирлиги архивларида, Россия Федерацияси, Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистон, Сибирь давлат, Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирликлари ва вилоят ички ишлар бошқармалари архивларида сақланмоқда ва улар ҳозиргача илмий истеъмолга тушган эмас. Улардан якка тартибда фойдаланишнинг имкони йўқ ва бу борадаги ҳаракат оғир кечмоқда. Бундай иш муайян илмий жамоанинггина қўлидан келиши мумкин. Шу боис республика, масалан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг Ўзбекистоннинг Янги тарихи маркази ёки Республика «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси таркибида мазкур масалани комплекс тарзда тадқиқ этувчи махсус илмий марказ, илмий жамоа ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлур эди. Бу марказ Ўзбекистоннинг, Ўрта Осиёнинг кейинги 150 йиллик аграр тарихини кенг, чуқур ва атрофлича тадқиқ этишдек вазифа устида илмий-тадқиқот ишлари олиб бориши керак. Бундай марказнинг биринчи навбатда амалга оширадиган иши кўп жыллик ҳужжат ва материаллар тўпламини тайёрлаш, нашр этиш, ер-сув ислоҳотини ўтказиш, жамоалаштириш ва қулоқлаштириш, сургун жараёнлари жонли шохидларининг (афсуски, улар тобора камайиб бормоқда), «қулоқ» қилинганларнинг эсдаликларини тўплаш ва уларни нашр этишдан иборат бўлмоғи лозим. Шунда ушбу мавзунинг ўрганиш, тадқиқ этиш учун мустаҳкам манбавий асос яратилади. Мазкур мавзу бўйича номзодлик, докторлик диссертациялари ҳимоя қилиниши, монографик тадқиқотлар, бадиий асарлар, драматик ва кино асарлари яратилиши вақти ҳам етиб келди. Бу масала олий ўқув юртлари тарих факультетларида ҳам махсус курс, махсус семинар тарзида ўқитилиши мақсадга мувофиқдир.

Советлар ҳокимияти Туркистонга четдан олиб келингани, зўрлик билан амалга оширилган октябрь тўнтариши ва у билан боғлиқ орзудаги социализм ғоя ва режаларини маҳаллий халқ, жумладан, ўзбеклар қўллаб-қувватламагани, аксинча, унга қарши кураш олиб борганликларини рўй-рост ёзиш вақти келди.

Ўз-ўзидан равшанки, оддий фуқаро, меҳнаткаш халқ, бутун омма ўша жамоалаштириш, қулоқлаштириш сиёсатини ҳам, амалиётини ҳам хоҳламаган. Ўрта Осиё қишлоқларида ўтказилган бу жамоалаштириш ва қулоқлаштириш маҳаллий аҳолининг эрки ва иродасига қарши зўравонлик билан, мажбур қилиш, қўрқитиш, жазо чораларини қўллаш орқали ўтказилган. Аксинча, бундай социалистик геноцидга қарши ўзбек ва бошқа халқлар деҳ-

қонларининг норозилик чиқишлари, ҳатто қуролли қаршилик кўрсатишлари, исёнлар, қўзғолонлар юз берди. Аини шу масала баҳона бўлиб Ўрта Осиёда истиқлолчилик («босмачилик» ҳаракати) кураши янгитдан бошланган эди. Масаланинг ана шунга ўхшаш бир қанча томонлари ҳам борки, уларни ҳам келгуси тадқиқот ишларида ёритиб бериш лозим.

Тадқиқ қилинаётган даврда, ундан олдин ва ҳозирда ҳам Ўрта Осиё аҳолисининг аксарият катта қисми қишлоқларда яшагани эътиборга олинса, минтақа тарихшунослигида қишлоқ ва ундаги иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маданий-мафкуравий ҳаётни тадқиқ этиш энг долзарб ва кам ўрганилган масалалардан бири эканига ҳеч шак-шубҳа йўқ. Бугунги қишлоқ, унинг узоқ ва яқин ўтмишини миллий истиқлол мафкураси, тарихга янгича ёндошув нуқтаи назаридан ўрганиш, ундан зарур хулоса ва сабоқлар чиқариш қишлоқнинг бундан кейинги тараққиётини, истиқболини, муаммоларини англаш имконини беради.

Ўрта Осиё миллий қишлоқларининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маданий қиёфаси ва анъаналарининг умумий манзарасини илмий жиҳатдан гавлалантириш орқали бу қишлоқларнинг чор Россияси, сўнгра Совет ҳокимияти давридаги ҳолатини ёритиш муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу асарни яратишда бирламчи манбавий асос бўлиб хизмат қилган ҳужжат ва материалларнинг аксарият қисми Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони архиви (ЎзРПДА), Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзРМДА), Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архиви (ЎЗР МХХА), Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирилик архиви (ЎЗРИИВА)ларидан олинди. Мавзунинг бутун мазмун ва моҳиятини батафсил кўрсатиш, унинг айрим мураккаб қирраларини очиб бериш, тарихий жараённи тадрижий тарзда баён этишда Москвадаги марказий архивларда яқингача махфийлик тамғаси остида тадқиқотчилар учун берилмай келинаётган ноёб ҳужжатлардан ҳам кенг фойдаланиш имконига эга бўлинди. Бу ўринда Россия Федерацияси Давлат архиви (РФДА), Россия ижтимоий-сиёсий ташкилотлар тарихи давлат архиви (РИСТТДА), Россия Федерацияси Федерал Хавфсизлик хизмати Марказий архиви (РФФХХМА), Россия Федерацияси иқтисодиёт архиви (РФИА)даги ҳужжатлар ва материаллардан кенг фойдаланилганини қайд этиш лозимдир.

Шунингдек, Украина Республикаси Марказий давлат ва жамоатчилик ташкилотлари архиви (УРМДВЖТА), Херсон вилоят давлат архиви (ХВДА), Николаева вилоят давлат архиви (НВДА), Қозоғистон Республикаси Президенти Девони ва давлат архивлари, Андижон, Фарғона, Тошкент вилоятлари давлат архивларидан ҳам фойдаланилди. Бу номлари зикр этилган архивларнинг мутасадди масъул илмий ходимлари зарур бўлган ҳужжатлар ва материалларни қидириб топиш ишида бизга яқиндан

ёрдам бердилар. Биз уларга ўзимизнинг чин миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

«Мерос» илмий-амалий экспедиция-хайрия жамғармаси йўли билан Ўзбекистоннинг деярли барча вилоятлари бўйича 5—6 марта илмий экспедиция уюштирилди. Унинг ишида экспедиция аъзоларидан **Музробжон Абдуллаев, Нойибжон Худоёров, Ўктамжон Убайдуллаев, Сойибжон Ҳошимов, Фарруҳбек Холиқов, Зухра Қодирова, Дилноза Исроиловалар** фаол қатнашдилар. Экспедиция чоғида Самарқанд вилояти бўйича, СамДУ профессори, тарих фанлари доктори **Шодмонқул Примқулов**, Навоий вилояти бўйича вилоят ҳокимлиги масъул ходими, тарих фанлари доктори, профессор **Сулаймон Иноятов**, Бухоро вилояти бўйича профессорлардан **Ф. Х. Қосимов, М. Мустафоев**, Қашқадарё вилояти бўйича вилоят ҳокими ўринбосари, профессор **Назар Ҳакимов**, Қарши Давлат университети профессорлари **Обод Журақулов, Поён Равшанов**, Сурхондарё вилояти бўйича Термиз Давлат университети профессори **Сайфулла Турсунов**, Наманган вилояти бўйича тарих фанлари доктори, профессор **Султонмурод Солиев**, Фарғона вилояти бўйича Фарғона Давлат университети доценти **Турғунной Эгамбердиевалар** бизга яқиндан туриб ёрдам кўрсатдилар, экспедициямизга ҳамроҳ бўлдилар, қимматли маслаҳатлар бердилар. Биз уларга ҳам самимий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Турли архивлардан олинган ҳужжатли материалларни рус тилидан ўзбекчага ўгириш ишида ёрдам берган Андижон Давлат университети доценти, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ таълими ходими **Примқул Исроилов**, мазкур тадқиқотнинг яралиши учун қулай имконият яратиб берган Бобур номидаги Андижон Давлат университети ректори, профессор, Беруний номидаги Давлат мукофоти совриндори **Сирожиiddин Зайнобиддинов**, проректор **Толибжон Мадумаровларга** ҳам муаллиф ўзининг самимий миннатдорчилигини изҳор этади. Ушбу ишни илмий таҳрир қилиб, сўзбоши ёзиб, масъул муҳаррирлик қилган филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон фан арбоби, Республика «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси раиси **Наим Каримов** жанобларига ўзимизнинг чуқур миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

1-б о б. Жамоалаштириш, қулоқлаштириш ва бу сиёсий кампанияларга қарши ҳаракатлар

1. ДЕҲҚОНЛАР ҲАҚ-ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ЧЕКЛЕНИШИ ВА УЛАРИНИНГ СИҚИБ ЧИҚАРИЛИШИ

Совет иқтисодчилари томонидан 1927 йилда ишлаб чиқилган биринчи беш йиллик режаси барча районларни ривожлантиришни, мамлакатни индустрлаштириш учун бор бўлган ресурслардан фойдаланишни кўзда тутган эди. Бу режани бажариш 1928 йил октябридан бошланиши керак эди. Аммо режа фақат 1929 йил апрелидаги XVI партия конференциясида тасдиқланди.

Тажирибали боксёр ўз рақибини нокаут қилиш учун аввал унинг жигарига, ошқозонига, юрагига, буйракларига зарба бериб, уларни «юшатади» ва кейин асосий зарба беради. Сталин ҳам мудҳиш 1929 йил олдидан «буюк бурилиш» деб номланган ана шундай тактикасини қўллашга, жамият ва партияни «юшатиш» йўлини тутишга мажбур бўлган эди.

Сиёсий бюро ва Марказий Контрол Комиссиясининг 1929 йил февралдаги қўшма йиғилишида «ўнглар» қувилди, Бухарин, Риков, Томскийлар «принципсизлик»да айбланди. Бухарин «Правда» газетаси муҳаррирлигидан, Коминтерн раислигидан олиб ташланди. Унинг маслақдошлари Угланов Москва шаҳар партия комитети ва Марказий Комитет котиблигидан, Сиёсий бюрога аъзоликка номзодликдан бўшатилды.

1929 йил апрелидаги XVI партия конференцияси бош тозалов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Биринчи тозалов 1921 йилда ўтказилган эди. Кимда-ким 1923—1929 йилларда Сталинга қарши овоз берган бўлса ёки қандай бўлмасин муҳолифат платформани қўллаб-қувватлаган бўлса, «тозалов галвири»дан ўтказилди. Партия конференцияси қарори билан «тозалов» совет муассасаларидаги партиясиз ходимларга ҳам қўлланилди. Барча совет хизматчилари «тозалов» гирдобидан қолдилар.

Таржимаи ҳолларни, хизматчилар рўйхатини, ахлоқини, аҳолининг советларга садоқати, хайрихоҳлигини текширишга киришилди ва бу ишда иштирок этишга «меҳнаткашларнинг кенг қатлами» жалб қилинди. Комсомоллардан махсус «енгил кавалерия» отрядлари тузилди, судьялар ролини касаба союз ходимлари, зарбдорлар бажара бошладилар. Партиянинг репрессия фаолиятига аҳолининг кенг қатламлари жалб этилди.

«Тозалов»дан ўтган совет аппаратидагиларнинг барчаси уч тоифага ажратилди. Биринчи тоифадагилар нафақа ва ёрдам олиш-

нинг барча ҳуқуқларидан маҳрум қилиниб, яшаб турган квартираларидан кўчириб чиқарилди. Иккинчи тоифадагиларга бошқа турдаги ёки бошқа жойлардан иш олиш имкони берилди. Учинчи тоифадагиларнинг лавозимлари пасайтирилди. Меҳнат дафтарларига махсус белгилар қўйилди. «Тозалов» шу қадар кенг ва катта қўламда амалга оширилдики, бутун мамлакат аҳолиси қўрқув ҳолатида қолди.

Янги сиёсат натижаларидан бири Совет Иттифоқидан қочиб кетишлар ва совет дипломатик, савдо, разведка хизмати миссияларидаги ходимларнинг ватанга қайтмасликлари бўлди. Чунки советлар хорижда ҳам ўз ходимларини «тозалов»дан ўтказган эди.

«Юмшатиш» зарбаларидан бири динга қарши навбатдаги ҳужум бўлди. 1929 йил 8 апрелда давлатнинг дин устидан назоратини кучайтирувчи қонун қабул қилинди. Конституциянинг 13-бандига тузатиш киритилди. Диний тарғибот амалда давлатга қарши жиноят деб қараладиган бўлди. Руҳоният хизматчилари ва уларнинг оилалари фуқаролик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Маҳрум қилинганлар озиқ-овқат карточкаларидан, тиббий ёрдамдан, коммунал уй жойларидан фойдаланиш ҳуқуқига эга эмас эди. Улар фарзандларининг мактаб ва олий ўқув юртларига киришлари ман қилинди. Руҳонийларнинг болалари ўқиш ва ҳаёт кечириш учун ўз оталаридан воз кечишга мажбур бўлганлар.

Черковлар, масжидлар, тарихий ёдгорликлар бузилди. Етти кунлик ҳафта тугатилиб, беш кунлик ҳафта жорий этилди, тўрт кун иш кунни, бешинчи кун дам олиш кунни бўлиб қолди.

Биринчи беш йиллик режанинг ўзи хаёлий бўлиб, иқтисодий жиҳатдан асосланмаган, реал воқеликдан узоқ эди, келтирилган рақамлар фантастик лойиҳани эслатарди. Рақамлар режа тузувчиларнинг ўзларини сархуш қилган эди. Мамлакат фуқаролари ҳам ўшандай сархуш бўлиб қолганди.

Малакали ишчилар тақчиллиги мислсиз эди. Шу боис беш йиллик режаларини бажариш учун миллионлаб деҳқонлар сарфарбар қилиндилар. Улар носоз асбоб, станок билан муомала қилишни билмас эдилар.

Шаҳар аҳолисининг тез ўсиши турмуш тарзининг ҳалокатли ёмонлашувига олиб келди. Қишлоқларда очликдан ўлиш ҳолатлари кўпайди. 1929 йил апрелидан нонга карточка тизими жорий этилди. Йил охирига бориб, карточка тизими барча озиқ-овқат маҳсулотларига, сўнгра эса саноат молларига ҳам жорий қилинди. 1931 йили қўшимча «ордер» жорий этилиши сабабли карточка билан ҳам тегишли паёкни олиш мумкин бўлмай қолди. Ишчилар кунига 600 граммдан, оила аъзолари 300 граммдан нон олишган. Киши бошига бир ойга 200 граммдан 1 литргача ўсимлик ёғи, 1 кг шакар олинган, ҳар бир ишчи йилда бир марта 30—35 метр чит олган.

Ишчиларнинг каттагина қисми завод ошхоналарида овқат-

ланган. Нарх-наво ўсиб боришдан тухтамас, иш ҳақи номигагина оширилар, меҳнат нормалари муттасил ортар эди. Иш суръатини ошириш мақсадида зарбдорчилик ҳаракатидан, социалистик мусобақадан фойдаланилди. Раҳбарлар учун махсус магазинлар, ошхоналар пайдо бўлди. Мамлакатда молларга камиди 6 хил баҳо жорий этилди: карточкалар бўйича бериладиган паёк моллари баҳоси, савдо-сотиқ баҳо, ўртача юқори баҳо, «намунали магазинлар» баҳоси, фақат валюта ёки тилла сотиладиган товарлар баҳоси, бозор баҳоси. Саноат ва халқ хўжалиги ходимларини зараркунандачиликда айблаш ниқобида репрессияларнинг кенг тизими ишга солинди.

Тўғри, 1928—1932 йилларда мамлакатни индустрлаштириш йўлида сезиларли қадам ташланди. Аммо «буюк бурилиш»нинг бош йўналиши қишлоқ хўжалиги бўлди. Мамлакат аҳолисининг аксарият кўпчилигини ташкил этган деҳқонлар кескин ҳужумнинг асосий қурбони бўлдилар.

Деҳқонларга қарши кураш олиб боришда «фавқуллода чоралар» 1927—1928 йиллардаёқ қўлланилди. «Кулоқ» хўжаликларини чеклаб қўйиш, ғалла тайёрлаш кампаниясини жорий этиш, деҳқон хўжаликларини тинтув қилиш, ортиқча маҳсулотларни, ҳатто уруғлик донларини зўравонлик билан тортиб олиш, меҳнат қуроллари, иш ҳайвонлари ва бошқа мол-мулкни мусодара қилиш, деҳқонларнинг ўзларини эса қамоққа олиш кенг тус олди.

Айни вақтда «кулоқ»ларни сиёсий жиҳатдан ҳам чеклаш, яъни уларни сайланиш ва сайлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш сиёсати олиб борилди. «Кулоқ» деҳқонлар билан бир қаторда ўрта ҳол ва камбағал деҳқонлар ҳам сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

Советлар «кулоқлар»га қарши кураш, уларни чеклаб қўйиш, сиқиб чиқариш сиёсатини ҳар хил қарор ва қонунлар қабул қилиш орқали оқламоқчи бўлганлар. Ҳали «кулоқ»ларни синф сифатида тугатиш бошланмаган бир пайтда совет ҳокимиятининг 1929 йил 20 февралдаги «Кулоқ хўжаликларида меҳнат тўғрисидаги Кодексини қўллаш лозим бўлган кулоқ хўжаликлари белгилари ҳақида»ги қарорлари асосида жойларда, жумладан, Ўрта Осиёда, Ўзбекистонда ҳам «кулоқ» қилиш амалга оширилаётган эди¹. Мазкур қарорларда кулоқ хўжалигини беш хил белги бўйича аниқлаш кўрсатилди:

1. Сурункали ёлланма меҳнатдан фойдаланганлар.

2. Тегирмони, мойжувози ва шунга ўхшаш ишлаб чиқариш воситаларига эга бўлганлар.

3. Сурункали равишда қишлоқ хўжалик воситаларини ижарага бераётганлар.

¹ Коллективизация сельского хозяйства. Важнейшие постановления Компартии и Советского правительства. 1927—1935. М., 1952. стр. 127—164.

4. Сурункали ёки мавсумий равишда меҳнат қуроллари, иш ҳайвонлари ва биналарни ижарага бераётганлар.

5. Судхўрлик, савдогарлик, воситачилик билан шуғулланиб меҳнатсиз даромад топаётганлар.

Бу белгиларни жойларда маҳаллий шароитларга мослаб ўзгартириш ҳам мумкин бўлган. Амалда ана шу беш белги асос қилиб олиниб, яқка хўжаликларга солиқ солинган. Солиқ тўловчилар рўйхати қишлоқ советлари томонидан тузилган ва туман молия бўлими томонидан тасдиқланган.

1929 йили Ўрта Осиё республикаларида 29 минг, шундан Ўзбекистонда 15500 та хўжаликка ўша белгилар бўйича солиқ тўлаш мажбурияти юкланган. Бу мажбуриятни бажармаганларга жазо чоралари қўлланган. Бундайлар мулк маҳаллий советлар томонидан мусодара қилинган ва ўзлари судга берилган, қамоққа олинган. 1929 йили СССР бўйича 182.000 нафар деҳқон солиқларни тўлай олмагани учун судга берилган¹.

Жарима солиш, мулкни мусодара қилиш, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, қамоққа олиш, ўзга юртларга бадарга қилиш сингари жазо чоралари оммавий дус олган. Ўзига тўқ, тадбиркор, фаол деҳқонлар қатлами ана шу тариқа қатағон қилинган. Бунга қарши деҳқонларнинг норозилик ҳаракатлари ҳам келиб чиққан. Бу ҳаракатлар экинларни пайхон қилиш, чорва молларини нобуд қилиш, сўйиб ёки сотиб юбориш, колхоз мулкига зарар етказиш, маҳаллий раҳбарлар, колхоз қурилиши, қулоқ қилиш сиёсатини ўтказувчи «фаоллар»га суиқасд қилиш кабиларда намоён бўлган. Фақат 1929 йилнинг ўзида Ўрта Осиёда 620 та террорчилик ҳаракати юз бергани қайд этилган².

Советлар фақат камбағалларнигина ўзининг ишончли таянчи ҳисоблаб, ўзига тўқ деҳқонларни қулоқ билиб, уларни «душман унсур» деб билган. Ҳокимият қишлоқ камбағалларини қулоқларга қарши қайради. Ўртача ҳаёт кечираётган деҳқонларнинг кўпчилиги қулоқлар рўйхатига тушиб қолишдан хавфсираб, ҳатто янги уй қураолмас ёки иккинчи отга эга бўлаолмас эди.

Айрим деҳқонлар умуман ҳеч қандай қулоқлар йўқ деб ҳисоблаганлар. ОГПУнинг 1929 йилги маълумотномаларида деҳқонларнинг куйидаги фикрлари келтирилган: «Бизда ҳеч қандай камбағаллар ҳам, қулоқлар ҳам йўқ. Ҳамма жамоада бир хил, фақат меҳнаткашлар бор, совет ҳокимияти камбағал деб ҳисоблаган дангаса, ишёқмаслар бор». Ўша вақтлари «инқилоб»нинг 11 йилида қишлоқда қанақасига қулоқлар бўлиши мумкин, ахир ерлар деҳқонларга тақсимлаб берилган-ку, «қулоқ» қишлоқда аллақачоноқ қолмаган, ғаллакор меҳнаткаш деҳқонни «қулоқ» деб тушунмаслик керак, деган гаплар кенг тарқалган.

¹ Голованов А. А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917—1937 гг. Ташкент, «Фан», 1992, стр. 123.

² История крестьянства в СССР. Т. 2. Москва, «Наука», 1986, стр. 105.

«Кулоқ» тушунчаси 20-йиллар давомида аста-секин тарқала борди. Аввал бошда ким батракларни ёллаган, яъни ёлланма меҳнатдан фойдаланган бўлса, у кулоқ ҳисобланди. Кейинчалик эса, барча ўзига тўқ деҳқонларни «кулоқ» деб ҳисоблаш кенг тус олди.

20-йиллар иккинчи ярмидан ўша ўзига тўқ деҳқонларга оғир солиқлар солина бошланди. Солиқлар миқдори шу даражада ортиб кетдики, оқибатда деҳқонлар ўзи емай солиқлар топширишга мажбур бўлганлар. 1928 йилдан деҳқонларга бўлган муносабат тобора қаттиқ тус олди. Иқтисодий чора сифатида ҳукумат деҳқонлар ғалласини зўрлик билан тортиб олиш, уларнинг хўжаликларини тинтув қилиш чораларига ўтди. Бундай чораларни қўллаш Сибирь ва Уралда ғалла тайёрлаш чоғида тажрибадан ўтказилди. Бироқ бу вақтда ҳали «кулоқ»ларни оммавий қамоққа олиш ва бадарға этиш орқали жазолаш юз бермаган эди.

1928 йил 6 январда мамлакат бўйлаб Москвадан бош котиб имзолаган директива тарқалди. Кулоқларга қарши кураш шиори ўртага ташлангач, газета саҳифаларида «кулоқ камбағалга зиён келтиради», «кулоқ ғаллани яширмоқда», «Мирзачўл қашқирлари», «Кулоқлар ва бойларни ҳайдаш керак», «Тайёрлов душманларига зарба», «Ер ва меҳнат жамиятидаги бой кулоқлар устидан суд бошланди» каби сарлавҳалар остида мақолалар чиқди. Партия ташкилотлари кундан-кунга матбуотда душман образини шакллантириб бордилар. Ана шу даҳшатли жараён мамлакатнинг катта минтақаларидан бири — Ўрта Осиёда ҳам кечди ва бу жойда Марказий районларга нисбатан ҳатто анча оғирроқ кечди.

1929 йилдан қишлоқда ёппасига жамоалаштириш сари йўл тутилди. Колхозлар тузила бошланди. Ҳосилнинг деярли ҳаммасини давлат оладиган бўлди. Колхозчига деҳқончилик қилиш учун бир оз томорқа ер берилиб, унда ўзини, бола-чақасини боқалиган бўлди.

1926—1927 йилларда Ўрта Осиёнинг кўпчилик районларида ер-сув ислоҳоти ўтказилса-да, аммо айрим районларда ҳали ислоҳот ўтказилмаган эди. Масалан, Ўзбекистоннинг Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм округларида ер-сув ислоҳоти 1927—1929 йилларда ўтказилган. Ер-сув ислоҳоти ўтказиш байроғи остида деҳқонларга қарши ҳужум ҳам қилинган.

ОГПУ ахборот бўлимининг 1927 йил декабри учун тайёрлаган СССРнинг сиёсий аҳволини умумлаштирувчи маълумотномасида Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистондаги ҳолат тавсифланган¹.

Ер-сув ислоҳоти туфайли ер олган деҳқонлар билан собиқ ер эгалари ўртасида ижтимоий адоват, душманлик юзага келган эди. Ислоҳот туфайли олинган ерлар, экин учун ҳозирлаб қўйил-

¹ Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах (1927—1939). Москва, РОССПЭН, 2000 г. Т. I, стр. 119—135.

ган уруғликлар, йиғиштириб олинган ҳосиллар кўпинча бойлар ҳужуми учун нишон бўлиб хизмат қилди.

Ер олган деҳқонлар кўрқитилган, ҳатто калтакланган, айрим ҳолатларда қон тўкишлар бўлган. Бухоро округида деҳқонларни ўлдиришдан иборат учта ҳодиса юз берган.

Қашқадарё ва Сурхондарё округларида ер ислоҳотини ўтказиш учун олиб борилаётган тайёргарлик ишларига қарши бойлар, мусулмон руҳонийлар, собиқ амирлик амалдорлари кучли қаршилик кўрсатишган. Улар ер комиссиялари томонидан ерларни пинхона тахминий ҳисобга олаётганликларидан, аммо бу ҳақда эълон қилинмай сир тутилаётганидан бохабар эдилар.

Ўша ер комиссиялари таркибида бойлар тарафини олувчилар ҳам бўлган эди. Шу боис ери қирқилиб, олиб қўйиладиган бойлар ўз ерларини ҳар хил йўллар билан яшириб қолишга, ортиқча ерларини сотиб юборишга уринганлар. Советларнинг бундай тадбирларига қарши жойларда қуролли қаршилик кўрсатиш ҳоллари юз бера бошлайди.

Айни шу вақтда аввалги «босмачилик» янгитдан жонланиб кетади. Масалан, Қирғизистонда яшириниб юрган Накир Маматқул тўдаси икки гуруҳга бўлиниб, Ўзбекистоннинг Хўжанд¹ ва Қўқон округларига ўтиб олган. Гуруҳлардан бири Хўжанд округ судининг сайёр сессиясига ҳужум қилиш чоғида милиция билан тўқнашган. Шундан сўнг Лайлак волостида ўтиб олиб Маргун қишлоғи деҳқонларидан 1000 сўм пул талаб қилиб олган. Иккинчи гуруҳ эса Риштон районидаги Жийдалик ва Яйилма қишлоқларини талаган, «қўшчи» союзи идорасини яқсон қилган.

Туркманистонда советларга қарши унсурлар — бойлар, мусулмон руҳонийлар, савдогарлар ва бошқалар ёшларни армияга чақирувга қарши кучайтирилган тарғибот олиб борганлар, бунинг натижасида деҳқонлар чақирувдан озод бўлиш, Афғонистонга кўчиб кетиш, комсомолдан чиқиб кетиш каби ҳаракатлар қилганлар. Чақирилганлар орасида, жумладан, комсомоллардан ҳам чақирувдан озод қилиш тўғрисида ариза бермаган биронта ҳам одам қолмаган. Симуляция, яъни муғомбирлик қилиш кенг авж олган. Характерли фактлар шуки, чақирилганлар тиббий кўрикдан ўтишдан бош тортиб «Яхшиси қалламни кесиб ташланг, лекин армияга бормайман» деб чиққанлар (Ашхобод райони).

Бойлар билан ҳамкорликда мусулмон руҳонияти вакиллари ҳам туркман ёшларининг армияга чақирилишига қарши жадал тарғибот ишлари олиб бориш билан бирга мактаб курилиши масалаларида алоҳида фаоллик кўрсатганлар.

Мулла ва эшонларнинг совет мактабларига қарши кенг тарғиботи деҳқон болаларининг мактаблардан чақириб олинишига эришилган (Тахтабозор райони). Бир вақтнинг ўзиде мусулмон

¹ Бу вақтда Хўжанд Ўзбекистон таркибида эди.

руҳонияти совет ҳокимиятининг ҳар хил тадбирларига, жумладан, суд органлари фаолиятига аҳолини қарши қўйган (Серахс райони).

Ер-сув ислоҳоти бўйича ерга эга бўлган деҳқонлар томонидан ўз ерларини ижарага бериш ҳолатлари ҳам юз берган. Ижарага ер олганларнинг аксарият кўпчилиги ўзига тўқ ўрта ҳоллар бўлган. Аини вақтда ислоҳот бўйича чек ер олган деҳқонларнинг ерларини бойларга — собиқ ер эгаларига қайтариб бериш ҳодисалари ҳам содир бўлган. Ўз навбатида бойлар руҳонийлар ёрдамида деҳқонларни кўрқитиб, ер ислоҳоти бўйича деҳқонларга берилган ерларини қайтариб олишга эришган. Шунинг билан бир қаторда ер ислоҳотидан жабрланган йирик бойлар орасида Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетиш ҳоллари кучайган.

Сув солиғи йиғиш кампанияси даврида айрим районларда деҳқонларнинг норозилик чиқишлари бўлади. Улар ҳеч қачон солиқ тўламаслиқларини баён қилиб чиққанлар, акс ҳолатда Эронга кўчиб ўтишлари мумкинлиги ҳақида қарорлар қабул қилганлар (Каахка райони).

Туркменистоннинг барча чегарадаги рус қишлоқларидаги деҳқонлар совет ҳокимиятининг солиқ ва бошқа тадбирларидан норозилиқларини ошқора баён этганлар. Оммавий норозиликлар сабаб бўлиб рус аҳолисининг Туркменистондан кўчиб кетиш сари ҳаракати ҳам юз берган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилликнинг 1929 йил 13 январдаги махсус маълумотномасида Сурхондарё ва Хоразм округларида меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш тафсилоти берилган.

Хоразм округи Янгиариқ районидаги кенгашда ўтказилажак ер ислоҳоти тўғрисидаги маърузадан сўнг район ер комиссияси раиси қишлоқ советлари раисларидан уларда тугатилиши зарур бўлган хўжалик эгалари ҳақида бор бўлган маълумотларни беришни талаб қилади. Қоранаша, Оқмачит ва Уйғур қишлоқ советлари раислари расмий равишда, бизда бундай хўжаликлар йўқ, деб чиқадилар. Ер комиссияси маълумоти бўйича, бу қишлоқларда 40—50 танобдан ерларга эга бўлган шахслар борлиги аниқланган.

Гурлан райони Шоги қишлоғида Уста Жуманиёзовга қарашли ерни ўлчаш вақтида яширилган бир неча гектар ер маълум бўлади. Бироқ бу ер ёпиқлигича қолаверади, чунки Уста Жуманиёзов қишлоқ совети раисининг аравасини пул олмасдан беқорга тузатиб берган эди.

Боғот райони Зипол қишлоқ совети раиси Жуманиёз Оллоберганов бўлажак ер ислоҳотидан маҳаллий бойларни яшириб қолишни хоҳлаб қишлоқ совети аъзоларини чақириб, уларни ўтказилажак кампания билан таништиргач шундай деган: «Бизнинг районга хўжаликларни тугатиш бўйича комиссия аллақачон келиб бўлди. Бизнинг қишлоқда Оғабойнинг хўжалигини

тугатишлари мумкин, у 3-разрядли савдо патентига эга, ўзининг номида 10 таноб ва 20 таноб унинг қариндошига ўтказилган ери бор. 2-си Худойқул, бу ҳам 10 таноб ва Содиқ қишлоқда яшаётган Бекмуродга ўтказилган ерга ва 3-разрядга эга. 3-си Икромбоев, 25 таноб ери ва Эшмат номида 3-разрядли патентга эга. Бу кишиларнинг ҳаммаси қишлоғимиз учун зарурдир, биз уларни ҳимоя қилишимиз даркор: комиссия сўраганда биз ҳушёр, эҳтиёт туришимиз керак, уларнинг мулкий ҳолатини пайқамасин, буни биздан ташқари ҳеч ким билмайди». Бу бойларни ҳимоя қилишни кимга топшириш масаласи қўйилади, купчилик бу ишни қишлоқ совети раиси Оллоберганов удаллаши кераклигига ишонч билдиради. Маълумотномада ер комиссияси ишидаги хатолар кўрсатилган.

Янги Урганч райони Шакон Шоликор қишлоғида қишлоқ совети раиси Сафо ўғли Машариф ўрта ҳол фуқаро Ҳасан Сарибоевга келиб: «Сизлардан Сарибоевларнинг бутун ерлари ва инвентарлари ҳамда ҳайвонлари тортиб олинади. Сизларга менинг дўстона маслаҳатим — ҳеч бўлмаса ҳайвонларингизнинг бир қисмини яшириб қўйинг, энг муҳими ўзини яшириб қўйинг!» деб айтган.

Сурхондарё округи Шеробод райони Гузарак қишлоғига келган Амирхонов, Шагонов, Хидиров ва Шукуровлардан иборат район ер комиссияси, ишга киришиш ўрнига, ичкилик билан машғул бўлишган. Шеробод райони Оққўрғон қишлоғидаги участкалардан бирининг ер майдонини ўлчашда ер комиссияси аъзолари Жума Примқулов ва Хўжамуротов ер майдони рўйхатига 5 таноб ерни киритиб қўядилар. Иштирок этаётган қишлоқ совети раиси Иброҳимов бу нотўғри, участка 3 таноб ва ундан ўз меҳнат кучи билан фойдаланилаётганини айтади. Бунинг учун ер комиссияси аъзолари Иброҳимовни бойларни ҳимоя қилаётганликда айблаб қувиб чиқаради ва кўрсатилган 5 танобни қолдирадилар.

Шеробод районидаги Дашнобод қишлоғида ер комиссияси раиси Амирхонов шу қишлоқда яшовчи Курбоновни (камбағал) сўроқ қилганда унинг жавобларига ишонмасдан, Курбоновни қамоққа олган.

Хива шаҳрида яшовчи, собиқ хон амалдори, ҳозирда район молия бўлими ходими, меҳнатсиз хўжаликларнинг тугатилишини олдиндан билиб бир отини, араваси билан Боғот қишлоғидаги қариндошиникига жўнатиб юборган. Шу шаҳарлик Исмоилов, ҳозирда хизматчи, бундан ташқари судхўрлик билан шуғулланган, 10 таноб ерга эга бўлиб, чорикорлар меҳнатидан фойдаланаётган, ер ислоҳоти ўтказилишини билиб хўкизини сотиб юборган хивалик Худойберган ўғли Юсупов 2 хўкиз, туя, от-арава, 9 таноб ерга эга ва чорикорлар меҳнатидан фойдалангани, ўтказилажак ер ислоҳотини билиб, мулкларининг бир қисмини қариндошларига тақсимлаб бериб юборган.

Гурлан райони Хондакяп қишлоғида Халилов Хутум савдо билан шуғулланиб, 4-разрад патентига эга, ерининг мусодара қилинишига йўл қўймаслик учун аввал чорикорлар ишлаётган 20 таноб ерини ўғлига беради.

Гурлан қишлоғи яшовчиси Шерматбой Юовшев ўз хўжалигини тугатишдан яшириб қолиш учун қўйларини сотабошлаган ҳамда чорва подаларини бошқа жойлар — Тўртқўл ва Тошовузга олиб бориб қўйган.

Гурлан райони Дусумби қишлоғи яшовчиси бой Ибодулла Сорта 80 таноб ерга эга, ер ислохотини эшитиб, ерини ўғиллари ва укаларига тақсимлаб бериб, ўзида 40 таноб қолдирган, ундан 20 танобини кичик ёшдаги ўғлига хатлаб қўйган.

Тугатилиши керак бўлган хўжаликларни ҳисобга олишда бир қатор районларда декретда кўрсатилган хўжаликларни рўйхатга киритмаслик ҳолатлари қайд этилган.

Боғот райони бўйича 3-разрядли патентга эга савдогар 20 таноб ер, 19 бош ҳар хил ҳайвонлар эгаси, қармоғида икки батрак бўлган Рўзиматқўзи Юсупов рўйхатга киритилмаган.

Хонқа райони Сарипояк қишлоғидан Курбон темирчининг иккита майда-чуйда метал буюмлар моллари сотадиган дўкони бўлиб, 19 таноб ерида чорикорлар ишлайди, учта иш бошчисига, 19 таноб ерга ва унда ишлайдиган 2 чорикорга эга. Сарипояк қишлоғида Мулла Ботир, пахта заводининг собиқ арендатори, Хонқа қишлоғида 20 таноб ерга эга, унинг ўзи савдо билан шуғулланади; Эгамбердикул икки уй ва шакар маҳсулоти ишлаб чиқаридиган устахонага эга, унда 8 киши ишчи бўлиб меҳнат қилади, Хонқа бозорини ижарага олиш бўйича артель аъзоси, 2 та баққоллик дўкони ва бир неча гектар ерга эга. Ниёзматқозини Йўлдош Қозиев 30 таноб ерга эга, 4-разрядли патент бўйича савдогарлик билан шуғулланган.

Хазорасп районида Алимбой Қутлимуродов 40 таноб ерга эга, 91-сон пахта заводининг собиқ эгаси, 1924 йилдаги январь воқеаларининг фаол иштирокчиси; Хазорасп қишлоғининг йирик бойи Сайрибой Курбонбоев Хонқа ва Хазорасп қишлоқларида ерлари бўлган. У ҳам 1924 йилдаги январь воқеаларининг иштирокчиси; Хусаин Фатхутдинов йирик бой, Хонқа ва Хазорасп қишлоқларида ери бор, ўтмишда босмачилик иштирокчиси, Маҳмудфуюн, Машариқ, Курбонбой ва Саиджон Сарикакаловлар пахта заводи собиқ эгаси. Хазорасп, Питняк ва бошқа қишлоқларда ери бор, январь воқеаларида асосий роль ўйнаган; Назарбой Хазорасп қишлоғидан, унинг ҳам бир қанча қишлоқларда ери бор, ўтмишда январь воқеалари иштирокчиси; Салай Шокиров — Хонқа ва Хазорасп қишлоқларида ери бор, 1924 йил январь воқеалари иштирокчиси, партия аъзоси Боқи Муҳаммедовни ўлдиришда шубҳа қилинмоқда; Шокир фин Пирэшонов — январь воқеаларининг ташкилот-

чиси, йирик бой, Исмагил Хуфия, Ислом Хўжаев — январь воқеалари ташкилотчиси, бир неча қишлоқларда ери бор.

Хива шаҳрида ер ислоҳоти масаласи бўйича ўтказилган умумий мажлисдан сўнг ўйга қайтаётган бир гуруҳ руҳоний шахслар мазкур масалада ўзаро фикр алмашишади. Улардан бири шундай деган: «Совет ҳокимияти еримиз ва ҳайвонларимизни олиб қўйишни бошлаб юборди, декрет билан яхши танишиб чиқмоқ зарур, балки бу ерда бузилишлар бўлса керак. Совет ҳокимияти бундай аҳмоқоналикка йўл қўймаса керак деб ўйлайман, ахир биздан тортиб олиб қўйилган ерлардан бизгина эмас, оталаримиз ва боболаримиз ҳам фойдаланиб келганлар».

Янги Урганч райони. Дамуклёр қишлоғи яшовчиси Юсупбой Матназаров (овоз бериш ҳуқуқидан маҳрум этилган, 3-разрядли патент бўйича савдогар) камбағал фаоллар йиғилиши олдидан район ер комиссияси аъзоси олдига келиб, комиссиянинг меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш ишига ёрдам беражакларини айтади. Унга комиссия аъзоси сизнингсиз ҳам ишимиз битади, деган жавоб қилади, бой бундан хафа бўлиб, қишлоқ советидан кетади.

Хивага яқин жойдаги Ашак-муҳамак қишлоғида бир гуруҳ бойлар тўпланиб шундай дейишган: «Ҳукумат декрет эълон қилди ва бизнинг ерларимизни тортиб олиб, уни батрақларга беради: ҳукумат бунга эриша олмайди, бизлар ҳозирнинг ўзидаёқ ўзаро қариндошларимиз ва танишларимиз ўртасида ўз хўжаликларимизни бўлиб юбориш учун чоралар кўришимиз керак».

Сурхондарё округи Шеробод райони Хўжақиё қишлоғида руҳоният хушоматгўйи Муҳаммадқул Мўминов ўша қишлоқ камбағали билан бўлган суҳбатда шундай деган: «Агар ер комиссияси сенга Абдувоҳид эшоннинг ерини берса, сен уни олмагин, чунки эшон сеҳргар ва кимда-ким унинг ерини олса, ер олганинг болалари нобуд бўлади, ерида эса ҳосил унмайди».

Бойсун районидаги Шаит ва Пасхури қишлоқларида бўлиб ўтган камбағаллар мажлисида батрақлар ва чорикорлар мажлисдан бойларнинг чиқиб кетишларини қатъиян талаб қиладилар ва улар бой хўжаликларни аниқлашга кўмаклашадилар. Барча қишлоқлар муллалари, эшонлар ва собиқ амир амалдорлари. жумладан, қуйи мансабли «қоровул беги» ва бошқаларнинг ерларини тезда олиб қўйишни талаб қилиб чиқадилар.

Хоразм округи Янгиариқ райони Янгиариқ қишлоғида камбағал ва батрақларнинг ер ислоҳоти масаласида ўтказган йиғилиши вақтида маърузадан сўнг сўзга чиққан камбағал Ҳабибулло шундай деган: «Ҳамма бойларнинг ерларини аллақачон олиб қўйиши керак эди, аммо 1924 йилдагидек бўлмаслиги керак. Унда бойлардан ерлар тортиб олинди, сўнгра деҳқончилик но-зирлиги томонидан яна ўша бойларга деярли барча ерлар қайта-риб берилганди».

Янги Урганчда батрақлар кўмаклашув гуруҳида бўлишиб ўз

ташаббуслари билан ҳар хил қишлоқлардан вакиллар белгилаб, ер ислоҳоти бўйича меҳнатсиз хўжаликлар тугатилишининг олдини олиб ўз ҳайвонларини сотаётганлар устидан назорат қилиш учун ҳар бир қишлоқдан бозорга вакиллар қўйишган.

Янги Урганч райони Шоликор қишлоғидаги камбағаллар мажлисида уч батрак ўз чиқишларида ўзлари чорикорлик қилаётган бой Сарибой ерларини дарҳол тортиб олишни талаб қилганлар. Шундан сўнг аёл-батрак сўз олиб, 10 йил давомида Сарибойда чорикорлик қилаётганини айтиб, ўзига 6 таноб ер берилишини талаб қилади, бунинг учун ер комиссиясига кўмаклашишни, барча бой хўжаликларни аниқлаб беришда фаол хизмат қилишга ваъда беради.

Янги Урганч районида Жуманиёз бой Баққоловда батрак бўлиб ишлаётган 52 ёшлик Ўразбой Ғоибов ер комиссияси котибига ариза билан мурожаат қилиб, унинг хўжалигида 125 таноб ер борлиги, ундан 10 таноби 1924 йили давлат томонидан унга берилгани, яна 10 таноб ер бошқа батрак Қутлимуродовга берилгани, аммо Баққолов уларга фақат 6 танобдан ер бериб, бунинг учун ҳар йили уларнинг иккаласидан 30 ботмондан бугдой олаётганини қайд этган. Бундан ташқари Ғоибов Тошовуз, Манғит, Уйғур ва Қужрибот қишлоқларида ҳам Баққоловнинг ери борлигини қайд этган. Унинг бу ерларида Берман Эшонхон, Ҳаким Хўжа ва Дўсжон Бакирдек батраклар ишлаётгани кўрсатилган.

Хазорасп райони Хозарасп қишлоғидаги камбағаллар мажлисида райком масъул котиби томонидан декрет ўқиб берилади. Ўқиш бошланганда жимжитлик ҳукм суради, маърузачи тортиб олинган ерлар, иш ҳайвонлари, қишлоқ хўжалиги инвентарлари камбағал ва батракларга фойдаланиш учун пулсиз ўтказилади деган пунктни ўқиганда мажлисда қатнашаётганлар «Яшасин совет ҳокимияти» деб қичқириб юборадилар. Декрет ўқилгандан сўнг ҳозир бўлганлар декретнинг асосий пунктларини яхшироқ эсда тутмоқ учун декретнинг яна бир марта ўқиб берилишини талаб қиладилар.

Хоразм округи Гурлан райони Гурлан қишлоғида аҳолининг умумий йиғилишидан сўнг уйига кетаётган икки ўрта ҳол Қутам Шукуруллаев ва Қаюм Мустаевлар шундай дейишган: «Бу кампания ҳеч қандай натижа бермайди. Йиллар давомида яшаш воситаси бўлиб келган ерларни одамлардан тортиб олиш ва уни бепул бошқаларга бериб юбориш яхши эмас, ахир эндигина босмачиликни тугатган эдик, бу ерда бўлса яна кампанияни бошлаб юборишди. Менинг фикримча, бу кампания шунчаки осойишта ўтмайди»¹.

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2022-иш, 58—60-варақлар.

Хоразм округида меҳнатсиз хўжаликларнинг тугатилиши ва чек ерларнинг берилиши (1929 йил 1 февралгача бўлган ҳолат)¹

Районлар	Тугатилган хўжаликлар	Берилган миқдори (таноб ҳисобида)	Таноб миқдорига берилган чек ерлар	Изоҳлар
Гурлан	35	211	1002	
Янгиариқ	81	105	475	
Ғазовот	33	200	900	
Янги Урганч	34	81	441	
Ҳазорасп	46	88	752	
Шовот	22	70	350	
Богот	34	140	700	
Хонқа	53	130	684	
Манғит	тахминий	маълумот йўқ	—	
Хива	120	350	1760	
Жами:	458	1375	7064	

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ахборот бўлими бошлиғи ёрдамчиси Али ва ГПУ ходими Погодинларнинг 1929 йил 3 февралда тайёрлаган Хоразм округида меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш тўғрисидаги махсус маълумотномасида район ер комиссиялари ва уларнинг фаолиятидаги камчиликлар, бойларни ҳимоялаш, бойларнинг кайфияти, мулкларни яшириш, руҳонийлар тарғиботи, камбағаллар террори, ўрта ҳоллар кайфияти, бойларнинг камбағалларга таъсири, камбағаллар фаолияти таҳлил этилган.

1929 йил 9 январда Манғит райони Ушоқ канали қишлоғида Ҳабибраҳмон эшон Юсупшонов хўжалиги тугатилади. Унинг 31 таноб ери рўйхатга олинади, аммо текшириш натижасида ер анча кўплиги аниқланади. Шу сабабдан комиссия ерни қайтадан ўлчаб чиқишга мажбур бўлади ва унинг хўжалигини қайта ҳисоблаб чиқади. Бундай аҳволга комиссия бошқа хўжаликларда ҳам дуч келади, бунинг оқибатида комиссиянинг иши оқсамоқда. Комиссиянинг ишидаги иккинчи қийинчилик қишлоқдаги комиссиялар вақф ерларини ҳисобга олмаганликларида яққол намоён бўлди.

Ғазовот райони Куниёз қишлоғида вақф ерларини ҳисобга олишда Қутлимуродов Пиржон ва Худойберганов ўғли фойдаланаётган 15 таноб миқдордаги вақф ери ҳисобга олинмай қолган. Бу икки шахс ердан олинган даромаднинг ярмини маҳаллий масжид имоми Матрасул Абдулла ўғлига бериб турган.

Хонқа райони ер комиссияси аъзоси, Зинаҳаз, Науҳаз, Шот Қиёт, Мадир қишлоқларида тарғибот кампаниясини олиб бо-

¹РИСТТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2022-иш. 23-варақ.

риш бўйича вакил Борисов жойларга бориб аввал мулк берганларни рўйхатга олиб, ундан сўнггина тушунтириш билан шуғулланган. Аҳоли бундан қўрқиб ўзларининг бутун хўжалиklarини бир бошдан йўқотишга киришади, камбағаллар, ўрта ҳоллар ўз ҳайвон ва буюмларини сота бошлайди.

Манғит районида қишлоқ ходимлари билан меҳнатсиз хўжалиklarни тугатиш бўйича ўтказилган йигилишдан сўнг Ҳошимбоғ қишлоқ советининг раиси Шомурод Норбоев комсомол аъзоси, кенгашдан қайтиб келгач ўша қишлоқда яшовчи Жуманиёз Бобожонов ва бошқаларни ўз ҳузурига чақириб, уларга Манғитда кенгаш бўлиб, унда руҳонийлар, бойлар ва ўрта ҳолларнинг барча буюмларини тортиб олишга қарор қилинди, деб айтади. Оқибатда эртаси куни бир қатор ўрта ҳоллар ўз буюмларини беркитиб ҳайвонларини сота бошлайдилар.

Богот райони Эски Богот қишлоғи қишлоқ совети раиси Курбондурди Агиллов 1928 йил 31 декабрда ўша қишлоқ совети аъзоси Ёқуб Раҳмонберди, шу қишлоқлик деҳқон Авазбона Шокарфианов совет ҳокимиятининг меҳнатсиз хўжалиklarни тугатиш масаласидаги нотўғри ҳаракатларига норозилик билдиришиб шундай дейишган: «Ўз вақтида очликни бошидан кечирган, сўнгра ҳаракат қилиб бойлик орттирган бой киши дарҳол Марказий Ижроия Комитетнинг қандайдир қарори билан ундаги бойлик тортиб олиниб, уни қашшоққа айлантириб қўймоқда».

Хонқа райони Туркистон қишлоқ совети раиси «Сизда қанча йирик хўжалиklar бор» деган саволга жавоб бериб: «Декретга мувофиқ тугатилиши лозим бўлган бой хўжалиklари бизнинг қишлоғимизда мавжуд эмас» деган. Район ер комиссияси аъзолари текширишлари натижасида бу қишлоқда учта йирик хўжалик борлиги аниқланган.

Манғит райони Хўжақалъа қишлоғида Қиличбой қишлоқ партия ячейкаси аъзоси Амет Абдуллаевнинг ҳимояси туфайли собиқ пахтафуруш, 25 танов ерга эга бўлган, яширин савдогарчилик билан шуғулланаётган Қўйлик Курбонбой хўжалиги рўйхат ҳисобига олинмай қолган.

1927 йилдан партия аъзоси, Богот райони Ўртаяф қишлоғида яшовчи Гайжа Нурматов мулкий ҳолати бўйича ўрта ҳол, меҳнатсиз хўжалиklarда ер ислоҳотининг ўтказилиши ҳақида хабар толиб, ўша қишлоқдаги Бакиржон Эшоннинг уйига келиб унга шундай деган: «Мен сизга шуни билдириб қўяйки, сиз Эшоннинг ерингиз, ҳайвонларингиз декретга мувофиқ тортиб олинади, шу боис нимаики бўлса яшириб қўйишга ҳаракат қилинг».

Собиқ қози Мадамин Абдукаримовнинг хўжалиги тугатилаётгани учун ўша қишлоқ мироби, комсомол аъзоси Аҳмад Ҳараш Юсуповни ўз ҳузурига чақириб, ундан ўз ячейкаси орқали ўзининг қишлоқда қолишига қўмаклашишини илтимос қилган, унинг хўжалиги тугатилгач, ўзини сургун қилиши мумкинлиги-

ни, шунинг учун қишлоқда қолишига кўмаклашишини сўраб Юсуповга чопон тақдим қилади. Шундан сўнг декабрь ойининг охирларида Қози Мадамин Абдукаримов билан Қози Раҳматулло хўжаликлари тугатилади, улар Юнус Эшон Иброҳимов орқали Ашак қишлоқ совети раиси Муҳаммад Оллобергановни, қишлоқ совети аъзоси, комсомол Болта Раҳмонов ва Садр Раҳмонбердиевларни чақириб олиб, улар қишлоқ ходимлари сифатида район ер комиссиясидан қишлоқда қолишларига рухсат олишни сўрайдилар. Шу жойда ҳозир бўлган Юнус Эшон шундай деб айтган: «Мен УРОнинг агентиман ва сизларни сургун қилишларини биламан. Агардаки Оллоберганов ва Садр менга ёрдам берсалар, унда биз сизларни ҳимоя қилишга уриниб кўрамиз». Бунга жавобан Раҳматулло «Агарда сиз мени қутқазсангиз, ишонингки, рўйхатга олинмай қолган менинг отим сизникидир» деб айтган.

Хива райони Хўжабоқа қишлоғида меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш бўйича комиссияга кўмаклашув гуруҳига от савдогари, Курбонбой Кодаев, шу қишлоқ аъзоси Палмин Норжон, шу қишлоқ табиби Мулла Жуманиёз Сўпибоевлар кирган. Бу гуруҳ бойлар ерлари ва мулкнинг бир қисмини яшириб қолиш мақсадида ер комиссиясига нотўғри маълумотлар берган ҳамда маҳаллий масжид мулласининг 15 таноб вақф ерлари ҳам «учлик»лар маълумотида кўрсатилмаган.

Мангит райони Қалаушоқ қишлоғи яшовчиси Ҳабиб Раҳмон Эшон Юсуп Эшонов хўжалигини тугатиш чоғида район ер комиссияси аъзоси район қишлоқ союзи раиси, партия аъзоси Матанов Юсуп Эшонов хўжалигини ҳисобга олиш чоғида комиссияга таъсир кўрсатишга уриниб, комиссия Юсуп Эшонов хўжалигини тугатмасликка шаъма қилиб: «У бой-бадавлат эмас, меҳнат хўжалигига эгадир» каби фикрлар билдиради. Матанов район ер комиссиясини ишонтириб Юсуп Эшоновда нари борса 30 таноб ер бор, шу боис декретга кўра унинг хўжалиги тугатилмаслиги керак, деб айтган. Комиссиянинг бошқа аъзоларининг талаби билан Юсуп Эшонов ери қайта ўлчаб чиқилганида унда 70 таноб ер борлиги аниқланган ва комиссия қарори билан хўжалик тугатиш учун рўйхатга олинган. 12 январда район ер комиссияси йиғилиши вақтида Юсуп Эшонов тўғрисидаги масала муҳокама қилинганда Матанов сўзга чиқиб, у комиссиянинг бошқа аъзолари олдида Эшоновда меҳнат нормасидаги 30 таноб ер борлигини қайд этишга кўндиришга уринган. Натижада комиссия Матанов фикри билан ҳисоблашиб мусодара қилинган ердан бир меҳнат нормасидаги ерни ва уйдаги бир хонани Юсуп Эшоновга бериб, унинг ўзини Хоразмдан ташқарига бадарга қилмасликка қарор қилади. Бундан ташқари Матанов маслаҳати билан Юсуп Эшонов хўжалиги тугатилиши бошланишидан олдин 25 бош йирик қорамол ҳисобга киритилмай яшириб қолинган.

Хазорасп райони Юқори қишлоқ совети раиси Жуманиёз Жумабоев батраклардан Сори Бақалов, Болта Матризаев, Жуманиёз Қурбонниёзов ва Асадулла Матчоновларни учратиб уларга қарата: «Сизларга бепул ер ва мулк берилаётгани учун кўп қишқирманглар ва қувонманглар. Биринчидан, биридан олиб бошқасига беришдан иборат бу ишлар ноқонуний, мусулмонча эмас». Ер комиссияси бераётган ерларни олишдан воз кечишингизлар учун сизларга маслаҳат бераман», деб айтган.

Боғот райони Тожиоға қишлоғида яшовчи Шониёз Отабоев 1929 йил 21 январь кун кечаси Султон Мурод Каримов, Отажон Жиянгилов ва Самандар Абдуллаевлардан иборат ўзига тўқ гуруҳни тўлаб, шундай деган: «Ҳозирги вақтда ҳукумат нотўғри иш тутмоқда, мулкни тортиб олиб уни батракларга бермоқда. Ахир батраклар худо томонидан батрак қилинганлигини, қолаверса ҳар бир батракда мусулмонча қалб борлиги ва у бошқанинг кўз ёшидан баҳраманд бўлишни хоҳламлиги ҳақида совет ҳокимияти ўйлаб кўрмапти. Менинг фикримча, батраклар билан бу ҳақда гаплашиб кўриш керак ва бу декретни бекор қилиш тўғрисида жамоа бўлиб ариза бериш керак».

Гурлан райони Хондакяп қишлоғида яшовчи Абдулла Шағал бой 2 январь кун Гурландаги бозорда ўша қишлоқлик Войбойни учратади ва Маккага кетиш учун ундан бир неча тилла танга сўрайди, Войбой эса тилла танга йўқлигини, агарда унда пул бўлганида эди аллақачон Ўзбекистонни тарк этиб бошқа жойга кетган бўлишини айтади.

Ўша йилнинг 1 январиди шу Хондакяп қишлоғидаги Абдулла Эшоннинг аҳли-аёли Гурланга келиб молия агенти Панкратов ҳузурига кириб, хўжаликлари тугатиладиган барча шахслар Хоразм округидан бадарға қилинар экан, шу боис бизнинг бор-йўғимизни олингларда, фақат қандай қилиб бўлмасин менинг эрим Абдулла Эшонни Хоразмдан бадарға қилмасликка ҳаракат қилинглар, деб мурожаат қилади. Агар у бунинг уддасидан чиқа олса, у ҳолда Панкратовга битта ҳўкиз беришини айтади. Панкратов ҳисобга олиш чоғида Эшон хўжалигини рўйхатга киритмайди.

4 январда Хонқа райони Юқори Мухаман қишлоғи яшовчиси, тугатиладиган хўжалик эгаси Шокир фиён Пир Машариф Пиров ўзининг батраклари Отажон Пўстанов ва Салой Маҳмудовларни чақириб: «Сизлар менинг ерларим ва мулкимни қабул қилинглар, мен эса ҳозир ариза ёзиб, сизлардан ортиб қолган ерни давлат фондига топшираман, агарда мен шу қишлоқда қолсам, сизлар мени қўлаб турсизлар, мен эса кейинчалик ҳам сизларни унутмайман», деб айтади. Пировнинг бу таклифларини батраклар қабул қилмайдилар.


Манғит райони, Манғит қишлоғида Юсуп Қурбонниёзов бир неча батракларни ҳузурига чақириб олиб, уларни палов билан

меҳмон қилгач, барча деҳқонлар номидан ариза ёзиб, район ер комиссиясида у ҳақдаги материаллар нотўғрилигини ва судхўр ҳамда бой эмаслигини маълум қилади. Шундан сўнг Қурбонниёзов аризани район ер комиссиясига йўллайди.

Манғит қишлоғи яшовчиси Тожиботир Юсупов хўжалиги тугатилиши кераклигидан хабар топиб, ўз уйида бир неча деҳқонларни тўплаб уларга шундай дейди: «Менинг хўжалигимнинг тугатилиши сиз камбағалларга боғлиқ, мен сизларга ҳеч қандай ёмонлик қилган эмасман, ҳукуматга ариза ёзинглар, ҳукумат сизларга қулоқ солади ва хўжалигимни тугатмайди. Бундан ташқари қайси шахслар хўжаликлари тугатиладиган бўлса, улар бошқа округларга сургун қилиб юборилади, деган маълумотлар ҳам бор. Менда ёш гўдак болалар қоляпти, агар яна менинг хўжалигимдан мавжуд нарсалар олиб қўйиладиган бўлса уларни ким боқадди. Совет ҳокимияти ажойиб кунларнинг бирида ёрилиб кетади, чунки бу ҳукумат мустаҳкам таянчга, заминга эга, буни газета-лардан билиб олса ҳам бўлади, яқин орада уруш бўлади».

Гурлан райони Шанғи қишлоғида Имомохун Салимовнинг хўжалиги ҳисобга олингандан сўнг ўз мулкининг бир қисмини ўша қишлоқда яшовчи Матёқуб Мадатовнинг хонадонига яшириб қўйган.

Хазорасп районидаги Муҳаман қишлоғидан Шокиржон Пир Машарип Пиров рўйхатдан ўз мулкининг бир қисмини яшириб қолиш учун 8 бошли йирик қора молини Каррё қишлоғига юборган.



Деҳқонлар ўз ҳайвонларини рўйхат асосида топширмақдалар.

Янгиариқ райони Қур Там қишлоғи яшовчиси Шохназарбой Хазорасп райони Ашак Жуандир қишлоғидаги Жуманазар Қалаңдаровга 2 отини олиб келиб, сақлаб туриш учун қолдирган.

Гурлан районидаги Шанғи қишлоғида хўжалиги тугатилган Бузрук Эшоннинг ўғиллари рўйхатга тушиб қолмасликлари учун 10 қоп буғдойни қўшниси камбағал Полвон Темирчиникига олиб борган. Полвон Темирчининг уйига комиссия келганида эса у бу яшириб қўйилган буғдойни Бузрук эшоннинг ўғиллари олиб келганини айтади.

Богот райони Имом қишлоғидаги фуқаро Муллатматқуб Матниёзов 1928 йил 30 декабрда Богот қишлоғи бозорига кетаётган ўша қишлоқда яшовчи Полвон Одамовни учратиб қолади ва унга шундай дейди: «Большевиклар Хоразмни соғин сизга айлантириб қўйдилар, аввалида солиқ солдилар, ҳар хил заёмлар тақсимладилар, эндиликда эса бойлардан ерларни тортиб олмақдалар. Мана сизга жонли мисол: заём берганларида «ютиб оласизлар», ўз деҳқон хўжалигини яхшилаб оласизлар деб айтишди, лекин ким ютуққа эга бўлди? Ҳеч ким. Гўё хўжаликни яхшилаб оласизлар деб ширкатдан аванс бердилар, энди эса шу ссудани талаб этмақдалар; баҳорда деҳқон 100 сўмга сотиб олган хўкисни ҳозирда 40 сўмга сотади, чунки бутун ёз бўйи ишлаб топган деҳқоннинг пулини займ ва солиқ учун олиб қўйишмоқда, деҳқон ссудани тўлаш учун охириги молини сотишга мажбур бўлмақда».



Топширилаётган бузоқни тарозида тортиб олиш.

Хазорасп райони Қўшяп қишлоғи эшони Мамат Салайжон Эшон Махсум (собиқ мударрис, ҳозирда меҳнатсиз хўжалик сифатида тугатиладиган) хўжалиги рўйхатга олинганидан кейин бир гуруҳ деҳқонларни тўплаб, уларга «Сизлардан кимда ким бировларнинг мулкига дахлдорлик қилгудек бўлса у киши худо томонидан жазоланади» деб айтган. Бундан ташқари Мамат Салайжон Махсум ўша қишлоқ имоми Абдуллаҳожи Абдулэшоновни ва Эрназарбек Оллобергановни йўлдан уриб деҳқонлар номидан район ер комиссияси номига ариза бериб уларнинг хўжалиқларига тегмасликни сўраган.

Хива шаҳрида яшовчи Низомиддин Девон Худойбердиев (Исҳоқ ҳожининг собиқ маҳрами) шу йил 2 январда Хива райони Қора дафа қишлоғи аҳолисини тўплайди ва қўлида газета ушлагани ҳолда шундай дейди: «Мен ҳар куни газета ўқиб бораман, газетада большевиклар ҳукмронлиги узоққа бормади, деб ёзилапти, гарчан улар бошқача руҳда ёзсалар ҳам, уларни бошқача тушунмоқ керак. Ҳозирги вақтда ҳукумат кўп маблағ олиш учун ҳар қандай чоралар кўряпти, турли хил реформалар, ердан фойдаланишни жорий этмоқда, умумий омбор қурмоқчи. унга деҳқонлар ғалласини тўкмоқчи ва шундан сўнг ғаллани карточка билан бермоқда. Буни ҳозирда амалга ошириш учун ер ислоҳоти ўтказилмоқда, бойлардан ерлар тортиб олинмоқда, камбағалларга берилмоқда, кейин эса шу камбағалларни қулга айлантarmoқдалар, шу боис ҳам камбағаллар ер олиб қувонаётганлари йўқ».

Хива шаҳрида яшовчи Бобожон Фаласанохун Хива райони Тозабоғ қишлоғига келиб, масжидда бир неча фуқаролар иштирокида шундай деган: «Большевиклар ҳозирги вақтда ўзига тўқлар ерларини тортиб олмоқда ва тез орада ўрта ҳоллар ерларини ҳам тортиб оладилар. Ҳар бир ҳалол мусулмон шуни яхши билишлари керакки, бу ҳукумат вақтлидир, тез вақт орасида Худо бериб бизнинг минораларимиз узра Муҳаммад пайғамбаримиз динига садоқатли мусулмон халқининг байроғи ҳилпирай бошлаганини кўрамиз».

Янгиариқ районидаги Остона қишлоғида камбағал Содиқ Камолов камбағаллар мажлисида сўзлаб бойлардан Матқурбонов ва Мадраҳим ҳожи Камоловни фош этиб, бу хўжаликлар тугатилиш кераклигини, чунки улар йирик ер эгалари эканлигини, камбағалларни эксплуатация қилаётганликларини кўрсатади.

Мадраҳим ҳожи хўжаликларнинг тугатилишини олдиндан билиб, мулкнинг бир қисmini яшириш мақсадида ҳайвонларини бошқа қишлоқларга ҳайдаб юборган. Унинг аризасига мувофиқ район ер комиссияси аъзолари юқоридаги шахслар мулкни рўйхатга оладилар ва уларни тугатишни мўлжалга олганлар. 1928 йилнинг 15 декабрида кечқурун қишлоқ советидан қайтиб келгач, ўз хонадонига яқин жойда ўлдирилади. Қотилликда айбланган Матёқуб Камолов ва Мадраҳим ҳожилар бўлиб, улар уни

ушлаб олиб, аввалида ваҳшийларча урганлар, қўлини боғлаб, оғзини беркитиб, ариққа ташлаб юборганлар.

Боғот райони Давлатноиб қишлоғидан ўрта ҳол Эгамберди Иброҳимов 1929 йил 3 январда Бойгазон қишлоғидаги ўрта ҳол Шермат Полёзовни учратади ва улар ўзаро гаплашиб шундай деганлар: «Яхши, ҳозирча бизларга тегишмаяптилар. Тез орада қишлоқдаги экин майдонлари бутун аҳоли ўртасида тақсимланади, шунда биз ўрта ҳолларга ҳам тегиб ўтилади, деган гаплар бор. Ажабо, бизларни совет ҳокимияти алдасалар-а? Ахир камбағал ва ўрта ҳоллар ҳукумати деб айтишади-ку, агарда еримизни олиб қўйишса, бунинг акси бўлади-ку?»

Гурлан райони Кўрамачой қишлоғи яшовчиси ўрта ҳол Саидниёз Жумаазиз фақат бойларнинг хўжалиги тугатилишига шубҳа қилиб ўз мулкини бошқа қишлоқдаги қариндоши Бобожон Қирбоевникига яшириб қўйган.

2 январда Гурлан райони Эшматжирон қишлоғида Мустафо Оташев ўйида бир гуруҳ ўрта ҳоллар — Жуманиёз Тожиев, Эшонбой Ҳразматов, Жутабой Норбўтаев ва бошқалар тўпланишиб, ер ислоҳоти нотўғри ўтказилмоқда, ҳаммага ўз хўжалигига эга бўлишни ва мулкни кўпайтиришни тақиқлаб қўймоқда, деб ўзаро ҳасрат қилганлар. Жумладан, Мустафо Оташев шундай деган: «Йирик хўжаликлар тугатилгандан сўнг ҳукумат биз ўрта ҳоллардан ҳам мулкимизни тортиб олиш ҳақида декрет чиқаради, деб кўрқмоқдаман».

Гурлан райони Никон қишлоғидаги мажлисда район ер комиссияси аъзоси Вафоев йиғиндагилардан: «Тугатилиши керак бўлган шахслар хўжалиги масаласи бўйича қандай тақлифлар бор?» деб сўрайди. Шу қишлоқлик ўрта ҳол Қурбонов: «Сиз биздан сўраялсиз, сизнинг ўзингиз буни қандай қилишни биласизми, барибир, бизнинг тақлифимиз ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас», деб айтади.

Хазорасп райони Шайх қишлоғида бўлган мажлисда камбағаллардан Тожи Абулов ва Саур Зиёевлар хўжалиги тугатилиши лозим бўлган айрим бойлар ҳақида маълумотлар берган. Мажлис тугагач, ўша қишлоқлик камбағал Раҳимберди Жабборбердиев уларнинг олдига келиб: «Саур бойлар билан сенинг нима ишинг бор эди, қўявер, ўзларича яшайверишсин ва бундан сенга қанақа фойда» дейди. Жабборбердиев ўша қишлоқдаги Сафар Касабой ва Иброҳимбойларнинг таъсирида қолган.

Хазорасп райони Ашоқ Муҳаман қишлоқ совети аъзоси Мирон Аҳмад бой таъсирида бўлиб, хўжалиги тугатилиши кўзда тутилган шу қишлоқлик Раҳматулла Эшонни ҳар хил йўллар билан ҳимоя қилиб чиққан, район ер комиссиясига «Қозим Раҳматулла Эшон энг ҳалол фуқаро ва биз камбағаллар ер комиссиясидан унинг хўжалигини тугатмасликни сўраймиз, чунки у ҳар доим камбағалларга ёрдам бериб келмоқда», деб ариза ёзган.

Манғит райони Қирқўл қишлоғида 42 киши иштирок этган камбағаллар мажлисида сўзга чиққан 14 таноб ери бўлган камбағал Матан Чўлоқ шундай деган: «Хукумат бойларнинг ерларини, хусусан, Абдулла Хўжаевнинг ерини тортиб олиб тўғри иш қилмоқда, чунки у биз камбағалларни озмунча эксплуатация қилдими, унинг болалари эса бизларни кўп урарди, аёлларимизни зўрлади, унинг учун қонун йўқ эди. Ундан сўнг камбағал, 2 таноб ери бўлган Бўтамбой сўзлаб, шундай дейди: «Биз камбағаллар эндигина Совет ҳокимиятининг бутун фаолияти аксарият камбағаллар фойдасига йўналтирилаётганини тушунмоқдамиз. Яшасин Шўролар ҳукумати»¹.

Сурхондарё округи Паттакесар, Жарқўрғон, Шеробод, Денов, Бойсун округларида қулоқ хўжалиги сифатида 293 помешчик, 83 руҳоний, 108 мансабдор, 9 савдогар, 38 судхўр, жами 531 хўжалик тугатилади. Улардан 9413, 15 га суғорма, 3344,28 га ер, иш ҳайвонларидан 724 от, 972 хўкиз, қишлоқ хўжалик буюмларидан 485 ооч, 416 кетмон, 804 ўроқ, 91 борон, 247 лопатка, 7 арава, 50360 пуд сомон, 38594 пуд беда, 11509 пуд арпа тортиб олинган. Бундай ҳолат районлар бўйича жадвалда ўз ифодасини топган (44—48-бетлардаги жадваллар).

ВКП(б) МК Ахборот бўлимининг 1929 йил 3 апрелдаги «Қулоқнинг дастури ва кураш услуби» ҳақидаги мутлақо махфий маълумотида 1929 йил 11 декабрь куни 40 тача кишидан иборат бой ва руҳонийлар Асака райони Қипчоққўрғон қишлоғида тўпланишиб, советларга ўтказилажак сайлов масаласи бўйича кенгаш ўтказишди.

Сирдарё округи Маркен райони 26-сон овулида бир бойнинг уйида овул советларининг янги таркибига номзодларни белгилаш масаласи бўйича кенгаш ўтказилади, унда 30 камбағал, жумладан, икки нафар ВКП(б) аъзоси қатнашади. Овул совети раислигига номзод қилиб бой тарафдорлари кўрсатилади².

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-руйхат, 2022-иш, 26—35-варақлар.

² Трагедия советской деревни... Т 1, 573, 529, 593.

Сурхондарё округи бўйича тугатилган хўжаликлар, мусодара қилинган ер, иш ҳайвонлари, қишлоқ хўжалик инвентарлари ҳамда тортиб олинган меҳиятсиз фойдаланиладиган ем-хашаклар миқдори¹

	Паттақесар райони					Енгил шартлилар		Ҳаммаси бўлиб мусодара қилинган
	Катта ер эгалари	Руҳонийлар	Амалдорлар	Савдогарлар	Жами	1 — норма бўйича	2 — норма бўйича	
1. Хўжаликлар миқдори	9	8	3	4	24	3	—	24
2. Ер (га ҳисобида)								
а) сугорма	229.25	32.94	12.95	37.45	309.69	10.0	—	286.69
б) лалмикор	—	—	—	—	—	—	—	—
3. Иш ҳайвонлари								
а) отлар	15	8	4	2	29	3	—	26
б) ҳўкизлар	2	4	4	4	14	1	—	13
4. Улардаги қ.х. инвентарлари								
а) оочлар	10	5	4	2	21	3	—	18
б) кетмонлар	3	5	1	1	10	2	—	8
в) ўроқлар	14	14	—	1	29	5	—	24
г) сихмолалар	—	1	1	1	3	—	—	3
д) лапаткалар	4	6	—	1	11	3	—	8
е) аравалар	1	1	1	4	—	—	4	—
5. Ем — хашак								
а) сомон (пуд ҳисобида)	545	465	25	65	1100	40	—	1060
б) беда — — —	2090	3100	630	1042	6862	50	—	—
в) арпа — — —								

	Шеробод райони					Енгил шартлилар		Ҳаммаси бўлиб мусодара қилинган	
	Катта ер эгалари	Руҳонийлар	Амалдорлар	Савдогарлар	Судхўрлар	Жами	1 — норма бўйича		2 — норма бўйича
1. Хўжаликлар миқдори	55	21	14	2	22	114	1	2	114
2. Ер (га ҳисобида)									
а) сугорма	1513.0	153.0	147.0	8	1480	1969	3.0	12.0	1954.0
б) лалмикор									

¹ РИСТДА. 62-фонд. 2-руйхат. 2022-иш. 151—155-варақлар.

3. Иш ҳайвонлари	28.0	22.0	—	—	11.0	61.0	—	—	61.0
а) отлар									
б) ҳукизлар	71	25	12	1	17	127	—	2	125
4. Улардаги қ. х. инвентарлари	18	—	4	—	11	33	—	—	33
а) оочлар	31	12	3	2	5	53	—	1	52
в) ўроқлар	—	—	—	—	—	—	—	—	—
г) сикмодалар	46	17	1	2	9	81	—	2	79
д) лапаткалар	2	—	—	—	—	—	—	—	2
е) аралар	3391	1030	505	75	225	5226	—	21	5205
5. Ем — хашак									
а) сомон (пуд ҳисобида)	2940	1130	750	150	150	5120	—	150	4970
б) беда	1189	352	128	27	70	1766	—	1	1765
в) арпа									

	Саркосиё райони						Енгил шартлилар		Ҳаммаси бўлиб қўсқонлар қилинган
	Катта ер эгалари	Руҳонийлар	Амалдорлар	Савдогарлар	Судхўрлар	Жами	1 — норма бўйича	2 — норма бўйича	
1. Хўжаликлар миқдори	10655	11	32	—	4	153	30	1	153
2. Ер (га ҳисобида)									
а) суғорма	2525.19	23.15	459.76	—	48.25	3236.351	1061	11.5	3118
б) лалмикор	1775.28	164.5	315.25	—	27.5	88253	134.75	—	1777.78
3. Иш ҳайвонлари									
а) отлар	144	15	47	—	6	212	16	1	195
б) ҳукизлар	328	29	83	14	454	25	1	428	—
4. Улардаги қ. х. инвентарлари									
а) оочлар	127	12	32	—	5	176	27	1	148
б) кетмонлар	143	12	32	—	5	192	30	1	161
в) ўроқлар	218	16	48	—	4	286	44	1	241

г) сихмола- лар	29	1	10	—	—	40	5	—	35
д) лапатка- лар	—	—	—	—	—	—	—	—	—
е) аравалар	—	—	—	—	—	—	—	—	—
5. Ем — хашак									
а) сомон (пуд ҳисобида)	10948	825	1965	380	14118	2120	20	11978	—
б) беда —	1915	500	1495	—	10	3920	1005	—	2915
« —									
в) арпа —	1843	126	361		90	2420	450	15	1955
« —									

	Жарқўрғон райони					Енгил шартлилар		Ҳаммаси бўлиб мусодара қилинган
	Қатта ер згилари	Руҳо- нийлар	Амил- дорлар	Савдогарлар	Жами	1 — норма бўйича	2 — норма бўйича	
1. Хўжалик- лар миқдори	40	10	3	2	55	11	10	55
2. Ер (га ҳисобида)								
а) суғорма	1020.0	101.6	94.7	26.5	1243.8	33.0	60.0	1150.8
б) лалмикор	—	12.0	—	—	12.0	—	—	12.0
3. Иш ҳай- вонлари								
а) отлар	80	15	5	3	103	10	7	86
б) ҳўкизлар	67	11	6	—	84	1	3	80
4. Улардаги қ. х. инвен- тарлари								
а) омочлар	55	10	5	1	71	11	12	48
б) кетмонлар	50	9	6	2	67	11	8	48
в) ўроқлар	104	15	9	2	130	11	12	107
г) сихмола- лар	—	—	—	—	—	—	—	—
д) лапатка- лар	89	12	5	—	106	11	12	83
е) аравалар	—	—	—	—	—	—	—	—
5. Ем — хашак								
а) сомон (пуд ҳисоби- да)	4148	737	720	90	5696	326	230	5140
б) беда —« —	5635	1210	1000	1000	8845	415	150	8280
в) арпа —« —	1469	115	190	50	1824	165	30	1629

	Денов райони						Енгил шартлилар		Ҳаммаси бўлиб мусодара қилинган
	Катта ер эгалари	Руҳонийлар	Амалдорлар	Савдогарлар	Судхўрлар	Жами	1 — норма бўйича	2 — норма бўйича	
1. Хўжаликлар миқдори	59	16	30	2	4	111	7	16	111
2. Ер (га ҳисобида)									
а) суғорма	1720.9	158.43	261.88	12.0	50.21	2203.31	22.38	109.92	2074.01
б) лалмикор	1.5	7.0	33.25	—	—	41.75	—	1.5	40.25
3. Иш ҳайвонлари						177			
а) отлар	105	20	41	2	9	247	4	17	156
б) ҳўкизлар	114	27	57	3	16	3	15	229	
4. Улардаги қ.х. инвентарлари									
а) оочлар						122			
б) кетмонлар	77	14	28	1	2	128	4	25	93
в) ўроқлар	83	14	26	2	3	177	6	26	96
г) сихмодалар	109	17	45	2	4	42	8	39	130
д) лапаткалар	29	4	8	—	1	—	1	14	27
е) аравалар	—	—	—	—	—	1	—	—	—
5. Ем — хашак	—	—	—	—	1	—	—	—	1
а) сомон (пуд ҳисобида)	8851	1220	2950	200	260	13485	260	1371	11850
б) беда—«—	1982	100	370	50	—	2502	140	842	1520
в) арпа—«—	2872	368	735	40	125	4140	115	1162	2863

	Бойсун райони						Енгил шартлилар		Ҳаммаси бўлиб мусодара қилинган
	Катта ер эгалари	Руҳонийлар	Амалдорлар	Савдогарлар	Судхўрлар	Жами	1 — норма бўйича	2 — норма бўйича	
1. Хўжаликлар миқдори	24	17	26	1	6	74	22	2	74
2. Ер (га ҳисобида)									
а) суғорма	279.75	44.75	94.0	0.75	31.75	451.0	47.25	2.75	401.0
б) лалмикор	811.75	105.5	224.5	2	203.25	1347.0	116.0	43.0	1188.0
3. Иш ҳайвонлари									
а) отлар	52	7	12	—	5	76	16	2	58
б) ҳўкизлар	77	18	31	—	14	140	16	1	123

4. Улардаги қ. х. инвентарлари									
а) оочлар	35	—	5	—	2	42	27	3	12
б) кетмонлар	8	—	—	—	—	8	7	1	—
в) ўроқлар	77	—	9	—	2	88	51	11	26
г) сихмолалар	6	—	—	—	—	6	4	2	—
д) лапаткалар	46	—	2	—	—	48	35	7	6
е) аравалар	—	—	—	—	—	—	—	—	—
5. Ем — хашак									
а) сомон (пуд ҳисобида)	7230	400	1660	—	1450	10740	3040	3040	7100
б) беда—«—	8460	430	2005	—	450	11345	4135	4135	7210
в) арпа—«—	855	80	123	—	300	1358	359	359	999

	Округ райони						Енгил шартлилар		Ҳаммаси бўлиб «усул» ра қилинган
	Катта ер эгалари	Руҳонийлар	Амалдорлар	Савдогарлар	Судхўрлар	Жами	1 — норма бўйича	2 — норма бўйича	
1. Хўжаликлар миқдори	293	83	108	9	38	531	74	31	531
2. Ер (га ҳисобида)									
а) суғорма	7288.98	693.87	1067.39	58.20	304.71	9413.15	224.64	193.17	899534
б) лалмикор	2216.53	311.0	573.0	2.0	241.75	3344.28	250.75	44.5	304903
3. Иш ҳайвонлари									
а) отлар	467	90	122	5	40	724	49	29	646
б) ҳўкизлар	636	89	185	7	55	972	46	20	906
4. Улардаги қ. х. инвентарлари									
а) оочлар	335	53	77	5	15	485	72	42	371
б) кетмонлар	293	42	67	3	11	416	56	36	324
в) ўроқлар	567	84	120	7	26	804	119	67	618
г) сихмолалар	64	6	19	1	1	91	10	16	65
д) лапаткалар	185	35	15	3	9	247	49	21	117
е) аравалар	3	1	1	1	1	7	—	—	7
5. Ем — хашак									
а) сомон (пуд ҳисобида)	34114	4677	7825	340	2405	50360	5786	2241	42333
б) беда—«—	23022	6470	6250	1242	1610	38594	5745	1142	31707
в) арпа—«—	8228	1041	1537	67	636	11509	1089	1209	9210

Жон бошига солинган солиқнинг ўртача миқдори айрим округлар бўйича қуйидаги жадвалда тасвирланган (1928—1929 йиллар):

Округлар	Колхозлар бўйича			Жон бошига яқка тартибда солинган солиқ		
	Жон бошига тушган даромад (сўм ҳисобида)	Жон бошига тушган қишлоқ хўжалиги солиғи	Мусодара қилиш фоизи	Даромад	Солиқ	Мусодара қилиш фоизи
1. Андижон	37,5	0,8	2,07	45	3,7	8,2
2. Фарғона	54,5	1,2	2,18	41	2,8	6,7
3. Тошкент	93,2	1,5	1,63	68	8,3	12,2
4. Самарқанд	42,0	1,7	3,98	65	8,1	12,5
5. Қорақалпоқ	41,6	—	—	62	7,5	12,0
6. Бухоро	53,2	0,9	1,78	53	5,1	9,3
7. Қашқадарё	56,5	2,0	3,56	53	6,1	11,5
8. Сирдарё	55,9	1,9	3,49	36	3,1	8,5
Жами:	48,8	1,2	2,43	54	5,4	9,9

Жадвалдаги бу рақамлар 1929—1930 йилларда ҳам деярли ўзгармаган¹.

ЎзССР МИКнинг 1928 йил 22 декабрдаги қарори асосида Балиқчи райони хўжаликлари бўйича қирқилган ерлар тўғрисида

М а ъ л у м о т

№	Ери қирқилган хўжалик эгасининг исм-шарифи	Қанча ер қирқиб олинган	№	Ери қирқилган хўжалик эгасининг исм-шарифи	Қанча ер қирқиб олинган
1.	Гулистон қ/с		13.	Олимбек қ/с	
2.	Хидирали Қурбонов	34	14.	Ражабалибой Назаров	10
3.	Тошмирза Малазимов	16	15.	Раҳматбой	16
4.	Балиқчи қ/с		16.	Ҳожиматмусаев	
5.	Абдуқодир Темирбоев	12	17.	Жабарқулхожи Боқиев	14
6.	Ҳамдам Искандаров	9	18.	Нурмат Юнусхожиев	16
7.	Гураван қ/с		19.	Қодирали Умархожиев	15
8.	Раҳматулла Лутфуллаев	8	20.	Раҳмонқул Боқиев	8
9.	Шоназар Қосимов	30/2	21.	Муҳаммадқуб	3
10.	Нишонбой Юнусбоев	11	22.	Йўлдошхожиев	
11.	Ислонқул Каримқулов	10	23.	Хўжабод қ/с	
12.	Шамсиқул қ/с		24.	Мирзолим Умматов	18
	Маматқул Холиқов	4		Жўрабой Абдувалиев	8
	Мирзаабдулла Йўлдошев	24/2		Етти қашқа қ/с	
	Шераличеч қ/с			Мадисо Достонбоев	20
	Воситхўжа Хирмонхўжаев	2/2		Мадумар Олмонов	8
	Сайиддин Хирмонхўжаев	2		Худойназар Йўлдошев	29

¹ Қаранг: ЎЗР МДА, 93-фонд, 4-рўйхат, 207-иш, 67-варақ.

№	Ери қирқилган хўжалик эгасининг исм-шарифи	Қанча ер қирқиб олинган	№	Ери қирқилган хўжалик эгасининг исм-шарифи	Қанча ер қирқиб олинган
25.	Эски Ҳақулбод қ/с	21	34.	Аглям қ/с	12
26.	Мулла Собир Солиқов			Абдукарим	
27.	Юнусбой Мамаюсупов	30/2		Абдурахмонов	
28.	Абдурахим Холиқов	59		Чинобод қ/с	
	Сиза қ/с		35.	Мулла Қосим Соқиев	15
29.	Жабарали Ризақулов	14/2	36.	Ҳамроқул Мадаминов	27
	Насриддинобод қ/с		37.	Давронбой Абдураимов	11/2
30.	Ўринбой Усмонов	8	38.	Разапхўжа Назаров	8
31.	Тоштемир Тожибоев	5	39.	Мадумар Холхўжа	13
32.	Тоштемир Уматов	4		Юнусов	
33.	Исмонқул Эгамбердиев	4		Жами	565/2

Балиқчи райони бўйича комиссия раиси .
Котиб

ямзо.
ямзо'

Фарғона округида меҳнатсиз бой-қулоқ хўжалиқларининг тугатилиши бўйича
1929 йил 27 мартда олинган тахминий

маълумот²

№	Район номлари	Тугатилган ёки қирқилган хўжалиқлар		Тортиб олинган ер (гектар ҳисобида)	Чек ерлар хўжалиги ва артеллар	Изоҳ
1.	Олтиариқ	3	3	25,5	8	
2.	Риштон	3	3	21,5	2 артель ва 3 хўжалик	
3.	Кудаш	13	12	23,9	маълумот йўқ	
4.	Бувайда	30	29	40	48	
5.	Боғдод	маълумот йўқ	17	маълумот йўқ	маълумот йўқ	4 хўжа- лик бўй. қўш
6.	Бешариқ	қулоққа	тортиш	ўтказилмаган	15 хўжалик	топшир- тирмаган
7.	Поп	12	11	33,6	2 артель	
8.	Қўқон	735	128	маълумот йўқ		
9.	Фарғона	43	маълумот йўқ	маълумот йўқ	маълумот йўқ	
10.	Марғилон	419	маълумот	маълумот йўқ		
11.	Қува	283	йўқ 124			
	Жами	1541	327	146,5	74 хўжалик ва 4 артель	

СССР Молия халқ комиссарлигининг қулоқ хўжалиқларига
якка солиқ солишининг бориши тўғрисида 1930 йил 28 сентябр-
да жойлардан келган маърузалар бўйича маълумотномасида То-

¹ РИСТГДА, 62-фонд, 2-руйхат, 2023-иш, 33-варақ.

² РИСТГДА, 62-фонд, 2-руйхат, 2022-иш, 49-варақ.

жикистон ССР буйича 1985 хўжаликка якка тартибда солиқ солингани, 1929 йили 2300 хўжаликка солиқ солингани айтилиб, бу барча хўжаликлар умумий миқдорининг 1,1 фоизини ташкил қилгани айтилган. Ўзбекистон ССР буйича эса якка тартибда 17104 хўжаликка, яъни хўжаликлар умумий миқдорига нисбатан 2,3 фоизига солиқ солингани, 1929/30 йилда 16716 хўжаликка солиқ солингани қайд этилган.

Тожикистон ССРда 1929/30 йилда 0,2 фоизгача солиқ солинган. Ўзбекистон ССРда эса 1929/30 йилда 2,1 фоиз, 1930/31 йилда 2,3 фоиз хўжаликка якка тартибда солиқ солинган¹.

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти ўтказилиши даврида комфирқа ва советларнинг аграр сиёсатига қарши террорчилик ҳам амалга оширилганлигидан кўз юмиб бўлмайди. 1927 йилнинг дастлабки ойларида энг илғор округлар ҳисобланган Андижон, Фарғона, Тошкент, Самарқанд, Хўжанд округларида 49 та террорчилик акллари юз берди. 1926 йилда бундай террорчилик 45 та бўлган эди. Агар 1926 йили жароҳат бериш ва ўлдириш 24 фоиз бўлган бўлса, 1927 йилда 38 фоизга кўтарилган.

Террорчилик ҳодисаларининг ўсиб бориши ҳукумат олиб бораётган сиёсатга қарши халқнинг норозилиги кучайиб, қаршилик ҳаракатининг ортиб бораётганини англатарди. Бой-қулоқлар деб аталмиш ўзига тўқ, бадавлат деҳқонларнинг советлар ҳокимияти ўтказётган сиёсатга қарши фаол ҳужумга ўтганлигидан бир нишон эди.

1928 йилдан террор тўлқини анча кескин тус олабошлайди. Бундан Ўрта Осиёнинг айрим районлари буйича мана бу жадвал гувоҳлик беради:

№	Округлар	Террорчилик ҳодисалари			
		1928 йилда	1929 йилда	1930 йил январ-апрелида	Жами
1.	Андижон	22	77	19	118
2.	Фарғона	17	56	6	79
3.	Тошкент	12	24	6	42
4.	Самарқанд	32	42	13	87
5.	Бухоро	62	45	11	118
6.	Зарафшон	38	17	—	55
7.	Қашқадарё	4	42	2	48
8.	Сурхондарё	7	29	18	54
9.	Хоразм	7	74	30	111
10.	Хўжанд	17	23	1	41
1.	Жами:				
2.	Ўзбекистон	218	429	106	653
3.	Тожикистон	маълумот йўқ	15	24	39
4.	Туркменистон	7	89	5	101
5.	Қирғизистон	маълумот йўқ	87	4	91
	Ўрта Осиё буйича	225	620	139	984

Демак, энг кўп террорчилик ҳодисалари Ўзбекистоннинг Андижон, Бухоро, Хоразм, Самарқанд ва Фарғона округларида юз берган. 1929 йилда Ўзбекистоннинг бошқа округларида, хусусан, 1928 йилда жуда заиф террорчилик юз берган Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм округларида ҳам террор фавқулодда кескин кучаяди.

1929 йилда Ўрта Осиёнинг барча районларида террорнинг кучли ўсишини кўриш мумкин. 1929 йилдаги террорчилик актларининг умумий миқдори бундан аввалги 3 йил давомидаги террорчилик миқдорига деярли етиб қолган эди. Террорчилик рельефининг бу қадар кенгайиши, миқдорининг ўсиши советларнинг аграр сиёсатига қарши деҳқонлар оммасининг аксилинкилобий фаолияти тобора ортиб бораётганини кўрсатарди. 1930 йил биринчи кварталда Ўзбекистонда юз берган террорчилик ҳодисалари 25 фоизни ташкил этган. Террорчилик кўринишлари қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган:

№	Округлар	Қотиллик			Жароҳатлаш			Калтаклаш			Бошқа жиноятлар		
		1928	1929	1930 й I-қв.	1928	1929	1930 й I-қв.	1928	1929	1930 й I-қв.	1928	1929	1930 й I-қв.
1.	Андижон	6	38	17	4	16	2	5	3		7	20	—
2.	Фарғона	9	12	3	3	5	1	3	9	2	2	30	—
3.	Тошкент	5	7	2	2	2	2	2	11	2	3	4	—
4.	Самарқанд	7	19	7	—	2	3	15	19	3	10	2	—
5.	Хўжанд	1	3	1	—	3	—	8	4	—	6	13	—
6.	Бухоро	10	20	4	2	3	5	38	8	2	17	14	—
7.	Зарафшон	9	13	—	1	4	—	26	—	—	2	—	—
8.	Қашқадарё	1	26	1	—	2	—	2	2	—	1	12	1
9.	Сурхондарё	4	10	2	1	5	1	1	7	8	1	7	7
10.	Хоразм	6	65	26	—	5	1	1	1	3	—	3	—
1.	Ўзбекистон	58	213	63	13	47	15	101	64	20	49	105	8
2.	Туркманистон	5	62	1	1	5	—	1	7	2	—	15	2
3.	Тожикистон	—	3	6	—	—	—	—	11	18	—	1	—
4.	Қирғизистон	—	12	2	—	6	—	45	—	2	—	26	—
	Ўрта Осиё бўйича	63	290	72	14	58	15	147	82	42	49	147	10

Жамоалаштиришга қарши оммавий чиқишлар жараёнидаги террорлар тури қуйидаги маълумотлар билан тавсифланган¹:

№	Округлар	Террорчилик ҳаракатлари	Қотиллик	Улардан		
				Яралор қилинганлар	Калтаклаб уришлар	Бошқа жиноятлар
1.	Бухоро	42	4	4	34	—
2.	Андижон	15	3	3	9	—
3.	Қашқадарё	12	—	—	12	—
4.	Хоразм	36	—	—	36	—
5.	Хўжанд	17	—	—	17	—
6.	Тошкент	30	3	4	24	—
7.	Самарқанд	6	—	—	6	—
8.	Фарғона	15	—	1	14	—
9.	Сурхондарё	10	—	—	8	2
1.	Ўзбекистон	184	10	12	160	2
2.	Туркменистон	6	—	—	6	—
3.	Қирғизистон	43	9	—	34	—
	Ўрта Осиё бўйича	233	19	12	200	2

Шундай қилиб, партия аграр сиёсатининг, Сталиннинг бу соҳадаги кўрсатмаларини жойларда тадбиқ қилиш ниқобида ўнлар ҳам, троцкийчилар ҳам, бутун мамлакатда бўлганидек, Ўрта Осиё минтақасида ҳам ўзларининг қабиҳ, ёвуз мақсадларини амалга ошириб, деҳқонлар оммасининг советларга, партиёга, айтини вақтда унинг раҳбариятига қарши нафрат-ғазабини уйғотишга, ҳатто террорчилик ҳаракатлари юз беришига эришдилар. Бу билан улар халқ оммасини партиёга, давлатга қарама-қарши қилиб аксилинқилобий исёнлар, ҳатто фуқаролар урушини келтириб чиқаришга уриндилар.

Ўрта Осиёда қулоқларни чеклаш, уларни сиқиб чиқариш учун солиқ солиш сиёсати жуда ҳам қўл келди. Жойларда партия ва молия органлари, ГПУчилар, совет ташкилотлари деҳқонларнинг ерини мусодара қилиш, қирқиб олиш, уларга атайин бажаришнинг ҳеч иложи бўлмаган миқдорда ғалла, пахта солиғи солиш, бунинг уддасидан чиқаолмаганларни сайлов ҳуқуқидан маҳрум этиш, қамоққа олиш, жисмоний жазо чораларини қўллаш, ўзга юртларга бадарға қилиш каби ноқонуний ишларни амалга оширдилар. Оқибатда деҳқонлар, диндорлар, руҳонийлар, хунармандлар кўрқув даҳшатида гирифтор бўлдилар, ерларини, мол-мулкни беркитишга, уй ҳайвонларини сотишга, сўйишга, камбағалларга бепул бериб юборишга, ҳатто хорижга бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлганлар. Ҳали ёппасига жамоа-

¹ РИСТДА, 62-фонд, 2-руйхат, 2200-иш, 178—184-варақлар.

лаштириш ва унинг негизида қулоқ қилиш оммавий тус олмаган 1927—1929 йиллардаёқ Ўрта Осиё қишлоқларида ижтимоий зиддият ниҳоятда кескинлашиб кетган эди.

Ўрта Осиё деҳқонлари ер-сув ислоҳоти, жамоалаштириш, қулоқ қилишнинг бузилган, зўравонликка, куч ишлатишга асосланган усулларига қарши курашни 1927—1929 йиллардаёқ бошлаб юборишга мажбур бўлганлар. Бундан эса партия ва советларга қарши турган ҳам ички, ҳам ташқи мухолифатдаги кучлар усталик билан фойдаланишга ҳаракат қилдилар. Ана шундай ижтимоий-сиёсий беқарорлик ҳукм сургун, ҳатто ижтимоий ларзалар гирдобига қолган Ўрта Осиёда ҳам 1930 йилдан жамоалаштириш ва унинг заминида қулоқлаштириш сари йўл тутилди. Ўрта Осиёдаги совет қишлоқлари ва уларнинг аҳолиси янгидан фожеалар гирдобига тортилди.

2. ЖАМОАЛАШТИРИШ ВА ҚУЛОҚЛАШТИРИШ ҚАНДАЙ ЎТКАЗИЛГАН?

Жамоалаштиришни сунъий тезлаштириш ва бу борада «социалистик мусобақа»нинг ким ўзди «пойгасини» авж олдиришда ВКП(б) МКнинг 1930 йил 5 январдаги «Жамоалаштириш суръати ва колхоз қурилишига давлат ёрдами бериш тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳал қилувчи ўрин тутди. Мазкур қарорда собиқ СССР ҳудуди уч гуруҳ районларга бўлинди ва қайси ҳудуд қачон жамоалаштиришни тугаллаши режалаштирилди. Жумладан, Ўзбекистон учинчи гуруҳга киритилди ва у жамоалаштиришни 1933 йил баҳорида тугаллаши керак эди. Бироқ ВКП(б) МКнинг Сиёсий бюроси мамлакатда жамоалаштириш тажрибасини ўрганиб чиқиб, амалий чоралар белгилади. Унда Ўзбекистон жамоалаштириш жуда секин ривожланиб бораётган ҳудудлар қаторида экани танқид остига олинди. Бу эса Марказнинг Ўрта Осиёдаги югурдак дастёри Ўрта Осиё бюроси учун айни муддао бўлди. Шу боис у жамоалаштириш ва бу билан боғлиқ қулоққа тортиш кампаниясини авж олдириб юборди. Ўрта Осиё бюроси бу минтақадаги миллий компартиялар устидан ҳукмронлик қилар, унинг айтгани-айтган, дегани-деган эди. Марказ директиваси миллий компартиялар ва ҳукуматлар томонидан ҳаётга, амалиётга қанча тадбиқ этилса, Ўрта Осиё бюросининг Марказ олдидаги бурчи, вазифаси бажарилганлиги шунча намоён бўларди. Марказ кўрсатмасини бажариш ниқоби остида Ўрта Осиё бюроси жамоалаштиришни бу минтақада бузишлар асосида олиб борди. Унинг раҳбари ва аъзолари эса бу ишга миллий компартиялар раҳбарларини сафарбар қилдилар.

ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 28 январда қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тадбирлар тўғрисида қарор қабул қилади. «Ўрта Осиё республикаларида жамоалаштириш учун камбағаллар, ўрта ҳол, кенг деҳ-

қонлар оммасининг ҳаракати инкор этиб бўлмас далил ва қишлоқ хўжалигини реконструкция қилиш ва юксалтиришнинг кучли таянчи бўлиб қолди»¹ дейилган ғирт асоссиз, субъективистик фикр қарор мақомида илгари сурилди. Қарорда колхозчилик ҳаракати кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини тез суратлар билан техникавий (тракторларни, мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарини жорий этиш) жиҳатдан қайта қуроллантиришга асосланиши, деҳқонларнинг оммавий ҳаракати асосида бир қатор районларда ёппасига жамоалаштириш учун қулай шарт-шароитлар этилди, деган ғоя ҳам қайд этилди.

Қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачиликда жамоат секторининг тез ўсиб бориши, колхозчилик ҳаракатининг катта миқдорда ўсиб бориши, хусусан, қатор районларнинг ёппасига жамоалаштириш районлари деб эълон қилиниши асосида Ўрта Осиё республикалари партия ва совет органлари қулоқларни синф сифатида тугатишга киришишлари ҳам кўрсатилди. Ўрта Осиё бюроси қарорда И. В. Сталиндан ниқобланган иқтибослар келтириб сўнгги йилда бутун фронт бўйлаб қишлоқда капиталистик унсурларга қарши ҳужум авж олди, бу ҳужум жуда ҳам сезиларли, ижобий натижа бермоқда, шу боис қулоқларга қарши кескин кураш олиб бориш, уларнинг қаршичилигини синдириб, синф сифатида тугатиш, унинг ишлаб чиқариш фаолиятини колхоз ва совхозлар ишлаб чиқаришига айлантириш зарур деган хулосага келди. Қулоқ қилиш камбағаллар ва ўрта ҳоллар оммаси томонидан амалга оширилиши, бундан буён қулоқ қилиш колхозларнинг юзага келиши ва ривожининг таркибий қисми экани ҳақидаги тўғри фикр ҳам таъкидланди. Бу кўрсатма Ўрта Осиёнинг илғор районлари учун тўласинча ва яхлит бир бутун дастур сифатида қабул қилинди. Ўрта Осиё бюроси Марказнинг кўрсатмасига хилоф равишда жамоалаштириш учун юқоридан мажбуран, буйруқбозлик билан юзага келтирилган «оммавий ҳаракат» деган ақида асосида ёппасига жамоалаштириш районларини ҳам аниқлаб берди. Унга кўра бундай районлар Ўзбекистон бўйича янги Бухоро, Сариосиё, Конимех, Шаҳрихон, Асака, Марҳамат, Жалолқудук, Чуст, Бувайда, Боғдод, Риштон, Қува, Янгийўл, Пскент, Мирзачўл, Оқдарё, Пастдарғом, Янгиқўрғон (18 район), Туркманистон бўйича Қизилоёқ, Карки, Фороб, Саят, Денов, Каахка, Семеник, Серахс (8 район), Қирғизистон бўйича Бозорқўрғон, Аравонбура, Приозерний, Беловод, Риков, Калинин (6 район), Тожикистон бўйича (МТСлар мавжуд районларда) Саройқоратоғ, Кабодиён, Паркар Орол, Чептура (4 район) эди.

Ўрта Осиё бюроси бу районларни мустаҳкамлаш учун миллий компартиялар Марказкомлари зиммасига ёппасига жамоалаштириладиган районларда партиявий раҳбарликни кучайти-

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 1-рўйхат. 649-иш. 73—81-парақлар.

риш вазифасини қўйди. Бу районларга Марказ ва округлардан раҳбар ходимлар юбориш, ҳар бир районда 3 кишидан иборат партиявий раҳбар ходимлар бўлиши, қишлоқ партия ячейкалари котибларига маош тўлашни жорий этиш, Ўрта Осиё раҳбар ходимларидан 25 кишини сафарбар қилиш, йирик колхозларда мавжуд бўлган партия ячейкаларини мустаҳкамлаш, йўқ бўлган жойда уларни ташкил этиш, бутун партиявий ишни колхоз қурилишига мувофиқлаштиришдек вазифалар ҳам қўйилди.

Ёппасига жамоалаштириш ва қулоқлар қаршилигига барҳам беришда қишлоқ камбағаллар оммасини уюштиришга, уларнинг уюшқоқлигини, фаоллигини, жипслигини таъминлаш, қулоқ қилиш ва уларни ёппасига жамоалаштирилаётган районлардан бадарга қилиш, тугатилган қулоқ хўжаликлари мулки, буюмларини сақлаш, мусодара қилинган мол-мулкка қулоқлар томонидан қилинадан зараркунандчиликларга зарба бериш, ўрта ҳол деҳқонлар орасида тарғибот ишларини кучайтириш, ўрта ҳол деҳқонлар билан иттифоқни мустаҳкамлаш, колхоз қурилиши учун оммавий ҳаракатни кўтаришга, унга ҳалақит бераётганларга қарши уюшган зарба бериш вазифа қилиб қўйилди. Жамоалаштириш ва қулоқ қилишга раҳбарлик қилиш учун районларда район партия, совет аппарати ходимлари, колхозцентр МКнинг ёки вилоят партия комитетининг махсус вакиллари ва МТС директорларидан иборат сиёсий штаблар тузиш ва бу штаблар ихтиёрига етарли миқдорда партия ходимлари ва мутахассисларни сафарбар қилиш кўрсатилди.

Қарорда ёппасига жамоалаштириш амалга ошириладиган ҳар бир районда мутахассислардан иборат бир бригадага батрак камбағаллар оммасини жамоалаштириш ва қулоқлар қаршилигини бостириш бўйича жамоат ишларини олиб борадиган ишчи ва коммунистлардан иборат яна иккинчи бир бригада хизмат сафарига юборилиши кўрсатилди.

Колхозлар тузилиши уч шаклда олиб бориладиган бўлди. Биринчиси қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш ширкати бўлиб, унда бутун қишлоқ хўжалиги инвентарлари, от-улов, тортув кучлари ва ерни биргаллашиб ишловчилар умумлаштирилган. Иккинчиси қишлоқ хўжалиги артели бўлиб, бунда барча ишлаб чиқариш воситалари, ер ва бутун ишлаб чиқариш жараёни умумлаштирилган. Учинчиси қишлоқ хўжалик коммунаси бўлиб, у ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотдан иборат бўлган.

Дала ишлари бошлангунга қадар колхозлар тузиш масаласи билан боғлиқ барча тадбирлар тузилажак колхозлар ҳудудларида амалга оширилиши керак эди. Қарорнинг VI бўлимида қулоқларни синф сифатида тугатиш учун амалга ошириладиган вазифалар белгилаб берилган. Бу ишни амалга оширишда батрак ва камбағаллар кенг оммаси бевосита иштирок этишлари, жуда фаол бўлишлари лозимлиги кўрсатилган.

Қулоқ-бой эксплуататор унсурларни ер, меҳнат қуроллари ва

ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилиш вазифа қилиб қўйилди. Қулоқларни синф сифатида тугатиш қуйидаги тадбирлар орқали амалга ошириладиган бўлди. Биринчидан, барча қулоқ хўжаликлари, яққа солиқ тўловчилар, эксплуататорлар хўжалик белгиси бўйича сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар тугатилиши кўзда тутилди. Иккинчидан, қулоқлардан сугорма ерлари, ҳовли-жойи, далалардаги дов-дарахтлари, ишчи ҳайвони, озиқ-овқат, ҳайвони, мураккаб қишлоқ хўжалик инвентари, қайта ишловчи ишлаб чиқариш корхоналари тортиб олиниб, колхозларнинг бўлинмас фондларига берилиши, чорикорлик билан боғлиқ барча битимлар, қарз мажбуриятлари қулоқлар хўжалиги бўйича, шунингдек, судхўрлик мажбуриятлари бекор қилиниши ҳам кўзда тутилган. Учинчидан, чек ерлардан ва ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилинган қулоқ хўжаликлари ёппасига жамоалаштириш районларидан кўчириб юборилиши, колхозлаштиришга қарши фаол кураш олиб борувчи ашаддий қулоқлар жиноий жавобгарликка тортиладиган бўлди. Қулоқ хўжаликларининг қолган бошқа тоифадагиларига лалмикор, баҳорикор жойлардан чек ер ва меҳнат нормалари берилиши, айрим ҳолларда ёппасига жамоалаштириш районларидан ташқарида бўлган чўлдаш жойлардан сугорма ерлар ҳам берилиб, бу ерларни пахта етиштириш учун ўзлаштиришлари лозим эди.

Тугатилган қулоқ хўжаликларига ердан фойдаланиш ҳуқуқи берилган бўлса-да, уларнинг ёлланма меҳнатдан фойдаланиши мутлақо ман қилиб қўйилиши ҳам кўрсатилди.

Чек ер олган қулоқ хўжаликлари ер органлари кўрсатмаси бўйича деҳқончилик қилиб товар маҳсулотини топшириш учун давлат олдида мажбуриятлар олишлари ҳам қайд этилади.

Рус қулоқларининг ашаддий мустамлакачи унсур хўжаликларини тугатиб, ўзларини Ўрта Осиё худудидан ташқари жойларга кўчириб юбориш ҳам қарорда кўрсатилганди.

Қулоқ хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариш воситаларини талон-гараж қилиш, ўғирлаб қўйишларининг олдини олиш мақсадида совет ҳукуматининг ишчи ҳайвонларини йўқ қилишни тақиқловчи декретини Ўрта Осиё республикаларига ҳам тарқатиш, ем-хашакни ўғирлаш, дов-дарахтни кесишни ҳам ман этиш қарорда кўрсатилди.

Колхозчилик ҳаракати ва қулоқларни синф сифатида тугатиш сари олиб борилаётган партия ва совет ҳукуматининг бундай сиёсати қулоқ унсурларнинг душманлик, кўпоровчилик фаолиятини авж олдиришлари эътиборга олиниб, мавжуд ҳолатнинг олдини олиш учун республикалар ҳукуматлари қарорлар қабул қилиб қуйидаги вазифаларни амалга оширишлари кўрсатилган: 1) қулоқларнинг ишлатилмай ётган ерларини тортиб олиб, колхозлар ёки камбағалларга бериш; 2) жонли ва жонсиз инвентарларни ҳисобга олиб, инвентар эгасига уларни сақдаш масъулиятини юклаш; 3) жорий экиш мавсумидан бошлаб туга-

тилмаган қулоқ хўжаликларининг жонли ва жонсиз қишлоқ хўжалик инвентарларидан колхоз ёки камбағаллар далаларида ҳашар йўли билан фойдаланишига эришиш, ягона қишлоқ хўжалиги солиғи бўйича қулоқ хўжаликларига техникавий экинлар учун берилаётган барча имтиёзларни бекор қилиш ва бошқалар.

Жорий экиш мавсумида жамоалаштириш 70—75 фоиз бажарилган районлар ёппасига жамоалаштириш районлари деб ҳисобланган.

Ёппасига жамоалаштириш ва қулоқларни тугатиш вазифасининг муваффақиятли амалга оширилиши қишлоқ ва овуллардаги пролетариат диктатураси органлари — қишлоқ ва овул советларини максимал тарзда мустаҳкамлаш ва бу органлар фаолиятини қайта қуриш зарур деган фикр олға суришти. Бунга эришиш учун қишлоқ ва овул советларини саботли, кучли коммунистлар, комсомоллар билан мустаҳкамлаш, советлардан унга суқилиб кириб олган қулоқ-бой унсурлар ва уларнинг думлари, муштумзўрлар тарафдорларини қувиб чиқариш, советлар атрофида батрак-камбағаллар ядросини жипслаштириш, бу ядронинг ўрта ҳол омма билан иттифоқини мустаҳкамлаш, советлар шўъбаларини максимал даражада жонлантириш каби вазифалар қўйилди. Ана шу вазифаларни амалга ошириш, Молотов ибораси билан айтганда, «фақат камбағалларга суяниб, ўрта ҳол билан иттифоқдагина қулоқлар билан кураш олиб боришда, қулоқларни охиригача тор-мор этишни таъминлашда шиддатли ва кескин муваффақиятга эришиш» мумкинлиги қарорда қайд қилинди.

Ёппасига жамоалаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатишни мислсиз авж олдириш қишлоқ камбағал-батраklar қатлами фаоллигининг ниҳоятда юксалишига олиб келиши мумкин деб ҳисоблаб, Ўрта Осиё бюроси маҳаллий партия ташкилотларига бундан фойдаланиб қишлоқдаги камбағал-батраklarнинг энг яхши вакилларини партияга ёллашни маслаҳат беради.

Аёллар оммасини ҳам бу ишга кенг миқёсда жалб этиш қарорда кўрсатилди. Қишлоқ советлари, партия ячейкалари ва колхозлар таркибида хотин-қизлар салмоғини муттасил ошириб бориш вазифа қилиб қўйилди.

Жамоалаштириш ва қулоқларни тугатиш ишида комсомол ташкилотларининг ҳам ўрни ва роли ўша қарорда кўрсатиб берилди.

Ўрта Осиё бюроси қарори сўнггида минтақадаги республикаларда ёппасига жамоалаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатишни ўтказиш бўйича тайёргарлик ишларининг мутлақо қониқарсизлиги таъкидлаб ўтилди. Чунончи, эълон қилинган ёппасига жамоалаштириладиган районлар ҳали ҳам ўрганилмагани, бу иш стихияли бораётгани, сиёсий вазият, моддий ва ташкилий имкониятлар етарли даражада ҳисобга олинмагани қайд этилди. Шу боис ёппасига жамоалаштириладиган районларда

партия, совет, комсомол ва барча жамоат ташкилотлари иш сифатини кўтариш орқали халқ хўжалигини социалистик қайта қуришга қаратилган партия бош йўлининг бажарилишини таъминлашга эътибор қаратилди¹.

Марказнинг «танқидий хулосалари» ва Ўрта Осиё бюросининг қистови, талаби асосида Ўзбекистон совет ҳукумати ва комфирқаси республикада жамоалаштиришни юқори суръатларда ва оммавий сафарбарлик асосида олиб боришга чираниб ҳаракат қилишга мажбур бўлди. Бундай қилмасликнинг иложи ҳам йўқ эди, акс ҳолда антипартиявий тамға ёпиштириларди. Бунда реал сиёсий вазият, қишлоқ аҳолисининг кайфияти, талаби, ҳатто айрим миллий арбобларнинг фикр-мулоҳазалари, маҳаллий шароит, миллий, диний ҳолат, асрий урф-одатлари эътиборга олинмади. Бу борада Ўзбекистон Комфирқаси Марказий Комитетининг 1930 йил 17 февралда «Жамоалаштириш ва қулоқ хўжалиklarини тугатиш тўғрисида» қабул қилган қарорини таъкидлаб ўтмоқ жоиз, албатта.

Ўзбекистон партия раҳбарларининг асосий айби ва хатоларидан бири жамоалаштиришнинг юқори фоишларига ортиқ даражада берилиб кетишдан, Иттифоқнинг энг илғор ҳудудларига етиб олиш ва улардан ўзиб кетишга интилишдан иборат бўлди. ЎзКП(б) МК биринчи котиби Акмал Икромов Самарқанд партия конференциясида шундай йўл-йўриқ берган эди: «Гарчи биз орқада қолган район бўлсак-да, лекин қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш суръатлари бўйича орқада қолишни ўйламаймиз. Баҳорги экиш компаниясигачаёқ Фарғона водийсини жамоалаштириш бўйича ишларни тугаллаш ва Андижон ҳамда Фарғона округларини ёппасига жамоалаштириш учун биз бутун Фарғона водийсини ёппасига жамоалаштиришга киришяпмиз».

Бунинг ҳаётда жорий этилишини ушбу жадвалда яққол кўриш мумкин:

№	Районлар	1929 йил 1 ноябргача жамоалаштириш фоиши	1930 йил 25 февралгача жамоалаштириш фоиши
1.	Жалолқудуқ	7,1	99,6
2.	Норин	10,2	95,6
3.	Зеленский (Асака)	1,7	90,5
4.	Шаҳрихон	2,6	83,1
5.	Пскент	7,5	92,4
6.	Сариосиё	4,8	81,7
7.	Фарғона	3,6	77,0
8.	Денов	4,8	82,8
9.	Чуст-Поп	3,0	71,9
10.	Богдоп	0,4	89,5

¹ РИСТТДА. 62-фонд, I-рўйхат, 649-иш, 81-варақ.

Ўш партия конференцияси Қирғизистон вилоят партия комитети бюросининг 1929 йил 24 декабрдаги мана бу қарорини эълон қилган: «ВКП(б)нинг округ комитети колхозларнинг аҳволини ҳисобга олиб чиқсин, мавжуд қишлоқ хўжалик артеллари ва дастлабки бирлашмаларнинг бошқа турларини жамоалаштиришнинг юқори босқичларига ўтказиб, янгидан ташкил қилинган колхозларни йириклаштириш ва мустақамлаш режасини белгилаб чиқсин»¹.

ВКП(б) Қирғизистон вилоят партия комитетининг бошқа бир қарориди бундай дейилган: «Ўтган йилдаги 6,6 фоизга қарама-қарши ўлароқ колхозлар томонидан 58.000 хўжалик (деҳқон хўжаликлари умумий сонининг 29 фоизи) қамраб олинсин. Ўтган йилдаги 8 фоиздан экин майдонлари 1930 йилда 32 фоизга етказилсин»².

Жамоалаштириш суръатларини шу қадар сунъий жадаллаштириш, тезлаштириш ёппасига жамоалаштириш районларини эълон қилиш маъносиди, шунингдек, Ўрта Осиёдаги айрим республикаларнинг округлари ва районлари ўртасиди жамоалаштириш фоизларини белгилашди носоғлом мусобақани вужудга келтирган эди.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ижроия комиссияси ва ЎзКП(б) МК қуйидаги районларни ёппасига жамоалаштириш районлари деб эълон қилади:

Ўзбекистон ССР буйича:

1930 йил 26 январь	1930 йил 5 февраль	ЁЖР қолди
1. Янги Бухоро	1. Норин	1. Янгийўл
2. Сарносий	2. Зеленский	2. Мирзачул
3. Конимех	3. Шахрихон	3. Кува
4. Шахрихон	4. Жалолқудуқ	4. Пастдарғом
5. Зеленский	5. Чуст-Поп	
6. Марҳамат	6. Боғдод	
7. Жалолқудуқ	7. Фарғона	
8. Чуст-Поп	8. Янгийўл	
9. Бувайда	9. Мирзачул	
10. Боғдод	10. Пскент	
11. Риштон	11. Янги Бухоро	
12. Кува	12. Фиждувон	
13. Янгийўл	13. Сарносий	
14. Пскент	14. Денов	
15. Оқдарё	15. Пастдарғом	
16. Мирзачул	16. Янгиқурғон	
17. Пастдарғом		
18. Янгиқурғон		

¹ РИСТТДА. 62-фонд, 2-руйхат, 2140-иш. 87—91-варақлар.

² Қирғизистон вилоят партия комитетининг 1929 йил 24 декабрдаги 55-6 сонли қароридан.

Туркменистон ССР буйича:

1. Қизилоёқ 2. Карки 3. Фороб 4. Саёт 5. Денов 6. Каахка 7. Сомоник 8. Сарахс	1. Қизилоёқ 2. Карки 3. Фороб 4. Саёт 5. Денов	1. Денов 2. Саёт 3. Фороб
--	--	---------------------------------

Қирғизистон АССР буйича:

Жануб	Шимол	
1. Бозорқўрғон 2. Аравонбура	1. Кўлбуйи 2. Беловод 3. Рыков 4. Калинин	1. Беловод

Тожикистон ССР буйича:

(МТСлар фаолият кўрсатаётган районлар)

1. Сарой-Қоратор 2. Кабодиён 3. Пахта-орол 4. Чегғўра		
--	--	--

Бу районларнинг мутлоқ кўпчилигида 1930 йил баҳоригача (жамоалаштиришнинг аҳволи) колхозчилик ҳаракатининг аҳволи жамоалаштириш фоизи нуқтаи назаридан ҳам, уларнинг хўжалик қувватларининг аҳволи жиҳатдан ҳам унча яхши бўлган эмас. Жамоалаштириш районлари деб эълон қилинган баъзи районлардаги жамоалаштириш фоизи куйидаги жадвалда ифодаланган:

№	Районлар	1929 йил 1 октябргача жамоалаштириш фоизи	1930 йил 25 февралгача жамоалаштириш фоизи
1.	Жалолқудуқ	7,1	99,6
2.	Норин	10,2	95,6
3.	Зеленский	1,7	90,5
4.	Шаҳрихон	2,6	83,1
5.	Пскент	7,5	92,4
6.	Сариосиё	4,8	81,7
7.	Фарғона	3,6	77,0
8.	Денов	4,8	82,8
9.	Чуст-Поп	3,0	71,9
10.	Богдод	0,4	89,5

Ўрта Осиёдаги бошқа округларда ҳам худди шундай манзарани кўриш мумкин.

Тошкент округида 1929 йилнинг декабрида жамоалаштириш 8 фойзни ташкил этган.

Тошкент округ партия комитети пленуми Тошкент округини ёппасига жамоалаштириш округи деб эълон қилиш тўғрисида округ партия комитети бюросининг қарорини тасдиқлайди ва экиш кампанияси охирига қадар 6 та районда ёппасига жамоалаштиришни тугаллаш режалаштирилган.

ЎзКП(б) МК Бухоро округидан 2 та районни ёппасига жамоалаштириш райони деб белгилайди, округ эса 4 та районни ёппасига жамоалаштириш райони деб белгилашни талаб қилган.

Ўз КП(б) Марказий Комитети ўз кўрсатмасида «Хоразм округида қулоқларга нисбатан муносабатда диққат-эътибор қулоқларнинг эксплуататорлик интилишларини чеклашга қаратилсин» деб ёзган эди. Аммо бунга жавобан Хоразм округ партия комитети пленуми мана бундай фикрга келади: «Кейинги ҳафтада камбағал — ўрта ҳол деҳқонларнинг колхозга киришга бўлган интилиши ҳар қандай тасаввурларни ҳам чиппакка чиқарадиган даражага етди»¹.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили ердამчиси Волинскийнинг 1930 йил 7 февралда Москвага, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросига йўллаган мутлақо махфий шошилинич хабарида 5 февраль куни Тошкент округи Оҳангарон райони Сарт қишлоғида деҳқонларнинг умумий мажлиси бўлиб, унда фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш масаласи кўрилиб, ҳуқуқдан маҳрум қилинганларни аниқлаш чоғида бойларнинг гиж-гижлаши туфайли қуролли тўқнашувлар содир бўлгани айтилган. Бу тўқнашувда бир камбағал деҳқон-колхозчи ҳалок бўлгани, биттаси оғир ярадор бўлгани, 5 таси енгил ярадор бўлгани, кўрилган шошилинич чоралар туфайли тўқнашув тугатилгани, бу жойга ГПУ ходимларидан 2 киши, прокуратура вакили етиб боргани, дастлабки тергов ўтказилаётгани хатда келтирилган².

ОГПУнинг 1930 йил март ойи учун Ўрта Осиёда жамоалаштириш ва қулоқларни тугатиш тўғрисидаги маълумотномасида Қашқадарё округидаги ҳолат ақс эттирилган. Округнинг қатор районларида бойларнинг кайфиятида колхоз қурилишига, уруғлик жамғармаси йиғишга ва ҳукуматнинг бошқа тадбирларига, советларга қарши қаратилган фаоллик анча ошган, бойларнинг гуруҳланиш фаолиятлари кучайган. Ҳамма жойларда бойларнинг бошқа районларга муҳожирликка чиқиб кетишга тайёргарлиги ва интилишлари кузатилган.

Бешкент районида янги ташкил этилган колхозларда бойларнинг ташвиқоти билан колхозчиларнинг ерга ишлов бериши-

¹ РИСТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2139-иш. 1—2-варақлар.

² РИСТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2140-иш. 20-варақ

ни амалга ошириш оғир кечаётга, бойлар ташвиқоти таъсири остида деҳ сув иншоотлари қурилишига қарши чинининг Урсим қишлоқ советида бойлар террор қилиш ишларини тайёрлаш ва қишлоқлик кўрсатиш юзасидан яширин кенгаш мотномада келтирилган.

Шу қишлоқ советидаги янги тузилган ко. бойларнинг фаол таъсири остида иккита қишлоқ оқислиги сабаб қилиб уларни алоҳида бир мус. қилиб ташкил этиш ҳақида жамоа бўлиб ариза бе.

Чироқчи районидаги Торжилга, Кўктош қишлоқ советларида бойлар томонидан яширин кенгашлар ўтказилган. Қишлоқ аҳолиси ўз ерларига якка тарзда ишлов бериш истаги ҳақида баёнот бериб колхозга киришдан қатъиян бош тортганлар.

Худди шу ернинг ўзида бойлар ташвиқоти таъсири остида аҳоли томонидан баҳорги ҳайдов ишларини саботаж қилиш ҳоллари намоён бўлган. Умумий мажлисларда шу қишлоқ советларининг аҳолиси колхозга кирмасликларини кескин баён этган ва районга махсус делегация юбориб колхозга киришдан бош тортганликларини баён қилганлар. Колхозга киришдан бош тортган раҳбарлардан 21 киши қамоққа олинади, улардан 16 таси йирик бойлар эди.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакиллигининг 1930 йил 21 февраль кунига берган 2-сонли тезкор маълумотида бутун Ўрта Осиёда, айниқса ЎзССРнинг Фарғона округида ўтган беш кунликда (16—21 февраль) бой ва руҳонийларнинг советларга қарши кескин кўтарилиши бўлгани, бунга сабаб жамоалаштиришдаги бузилишлар, ҳаддан ошишларнинг юз бергани, деҳқонларнинг советларга қарши оммавий чиқишлари бўлгани рўй-рост қайд этилган. Бу ҳолат айниқса Фарғона округида яққол ўз аксини топгани ҳужжатда акс этган: Биринчидан, жамоалаштиришни ўтказётган аппарат фавқулодда заиф, бўш, райондаги биронта ходим колхознинг ўзи нима ва уни қандай ташкил қилишни билмайди. Иккинчидан, ёппасига жамоалаштиришга ўтиш ҳақидаги қарор районда аксарият аппарат тартибида ва тор қишлоқ активи шароитида амалга оширилган. Деҳқонлар йиғинларига тайёр қарорлар олиб чиқилган ва колхоз раҳбариятини сайлаш таклиф этилган. Учинчидан, деҳқонлар оmmasига колхоз қурилиши тўғрисида берилган тушунтиришлар «колхозга ёзилиш мажбурий, ёзилмаганлар сувдан маҳрум қилинади, уларга қатта солиқлар солинади, давлат таъминотидан олиб ташланади ва Ўзбекистон ҳудудидан кўчириб юборилади» деган фикрлардан иборат бўлган. Тўртинчидан, колхозлар тузишда ўрта ҳоллар ҳам бойлар тоифасига киритиб юборилган, ҳамма жойда бирваракайига тинтувлар олиб борилган ва ҳоказо.

Андижон округининг Жалолқудук, Зеленский (Асака —

районларида ёппасига жамоалаштиришни тушунтирилган, колхозга кириш мажбуриятлари жуда ҳам заиф олиб борилган ва жойларнинг ҳолда амалга оширилган. Колхозга кириш мажбуриятлари тушунтирилган, колхозга киришни хоҳламаган камбағил одамлар қамоққа олинган, одамлар зўрлаб мажлисларга олиб келинган¹.

Маълумотномада Сурхондарёдаги ёппасига жамоалаштирилган Сарийосиё ва Денгов районларида аҳоли мутлақо тайёр бўлмагани, тушунтириш ишлари фақат 15 февралдан бошлангани қайд этилган. «Самарқанд округи Пастдарғом районида колхозлар тўғрисида тушунтириш беришларини талаб қилиб чиққан ўрта ҳоллар қамоққа олинганлар»², — дейилган ўша маълумотномада.

В. А. Каруцкий ва Волинскийларнинг 1930 йил 27 февралдаги 3-сон тезкор маълумотида жамоалаштиришни ўтказиш вақтида ҳаддан ошиш, бузишлар аввалги беш кунликларда бўлганидек Ўзбекистоннинг барча округларида тобора оммавий тус ола бошлагани, бу борада партия йўлини оммавий бузиш Фарғона, Андижон, Самарқанд, Сурхондарё ва Қашқадарё округларида юз бергани қайд этилган.

Самарқанд округи Митан районида колхозлар ташкил этиш учун чорвачилик союзи вакиллари тушунтириш ишларини рус тилида эълонлар тарқатиш йўли билан олиб борганлар, колхозларга кирувчи чорвадорлар рўйхати уларнинг иштирокисиз ва розилигисиз тузилган.

Зомин районида эса колхозлар ташкил этиш масаласи бўйича ўтказилган мажлисларда «колхозга кириш — бу умумий қозонга, умумий товоққа ва умумий кўрпага эга бўлиш демакдир» деб «тушунтирилган».

Чолжухут, Куртқул, Қарис ва Тошкент қишлоқларида колхозлар ташкил этиш маъмуриятчилик, зўрлик тартибида амалга оширилган, сиртдан рўйхатлар тузилган ва рўйхатда ёзилганлар колхозчилар деб эълон қилинган.

Қирғизистоннинг Қоракўл кантони¹нинг рус ҳамда миллий аҳоли яшайдиган волостларида қишлоқ советлари қулоқ қилиш бўйича ўзбошимчалик билан ҳаракат қилиб қулоқларни қамоққа олиш, уларни сургун қилиш, мулкларини конфискация қилиш тўғрисида қарорлар чиқарганлар, ҳатто Тепло-Ключин волостида қулоқ ва ўзига тўқ 15 киши қамоққа олинган.

Қашқадарё округи Чироқчи районидаги Турсун, Кўктош, Торжилға, Суфи, Тўқбой ва Чим қишлоқларида жамоалаштириш маъмурий йўл билан, омманинг хоҳиши ҳисобга олинмай, механик тарзда рўйхатга ёзиб олиш йўли билан ўтказилган.

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-руйхат, 2140-иш, 87-варақ.

² Ўша архив, 88-варақ.

³ Қирғизистондаги маъмурий ҳудуд шу номда юритилган.

Юз берган оммавий чиқишлар таҳлил қилинар экан, аҳоли ўртасида колхозга қарши кўтарилган бу галаёнлар колхоз қурилишида партия сиёсатининг бузилиши натижасида юз бераётгани қайд этилган. Бу бузиш, биринчидан, маъмурий тазйиқ ва мажбурлашда, иккинчидан, ҳолатни ҳисобга олмай омманинг хоҳиши ва имконияти билан ҳисоблашмай, колхоз қурилишида максимал суратлар кетидан қувиш, жамоалаштириш билан носоглом тарзда ўйин қилишда, учинчидан, қандай қилиб бўлма-син дарҳол бирлашишнинг олий шакли коммуни ташкил қилиш истагида намоён бўлаётгани эътироф этилган.

Жамоалаштиришдаги бузилишлардан, маъмуриятчиликдан, эсанкирашдан ва маҳаллий ходимларнинг тўғридан-тўғри ифвогарона хатти-ҳаракатидан фойдаланган бойлар ҳамма жойда фаоаллигини анча ошириб юборган, оммавий чиқишлардан фойдаланиб, қишлоқ фаолларини террор қилиб, шу билан бирга колхозларга қарши фавқулодда интенсив тарғибот ҳам олиб борганлар, айрим ҳолатларда мутлақо ошкора чиқишлар қилиб, тарғиботга оммавий тус берганлар, камбағаллар ва ўрта ҳоллар жалб қилинган хусусий кенгашлар, мажлислар ўтказишган. Бойсун районида бойлар икки марта деҳқонлар мажлиси ўтказиб колхоз ва совет ходимларини ишдан олиш тўғрисида ўзларига зарур қарорлар чиқариб олишга эришганлар.

Тошкент округи Юқори Чирчиқ районида жамоалаштириш бўйича ишлар фақат оталиқ ташкилотлари келгандан кейин юришиб кетган. Колхозларга камбағалларнинг оммавий равишда кирётганликларига қарамай ўрта деҳқонларнинг колхозга тортилиши суст кетган. Мажлисларда колхозларга 30—40 нафардан камбағаллар ёзилганлари ҳолда ўрта деҳқонлардан бирорта ҳам ариза тушмаган. Қорасув ва Хўжа қишлоқ советларининг ҳар бирида колхозчилар сони 312 тага, Оққўтон қишлоқ советида 350 тага етган колхозлар ташкил этилган.

Тоштепа қишлоқ советидаги Шўро қишлоғида жамоалаштириш масаласига бағишланган мажлисда битта ҳам ўрта ҳол деҳқон аниқланмаган. Кундузак қишлоқлик Матқулов (ўрта деҳқон) бундай деган: «Ҳоқимият 4 йил муқаддам менга ер берган эди, меҳнат қиляпман, от-арава сотиб олдим, энди эса ҳеч нарса емаслик учун колхозга баъзиш керак экан. Колхозга ёзилиш ҳақидаги таклифга жавобан ёзиш ўрта деҳқонлар шундай жавоб қилганлар: «кутиб тур. ўйлаб кўраман, меҳнат қиляпман, хўжаликка эга бўлдим, энди эса колхозга кир» деб зўравонлик қилишмоқда».

Бир вақтнинг ўзида ўрта деҳқон ва камбағал деҳқонларнинг бир қисми майда (кичик) колхозлар тузишни афзал кўрганлар ва бу ҳолда рус деҳқонлари байналмилал колхозларга ёзилишдан бош тортганлар. Масалан, 15 кишидан иборат рус деҳқонлари гуруҳи, шу жумладан, битта фирқа аъзоси паррандачилик хўжалиги ташкил этиш баҳонаси остида улар учун алоҳида бир колхоз тузишни илтимос қилганлар. Ўрта деҳқон Маталов бун-

дай деган: «Мен маҳаллий аҳоли томонидан ташкил этилган колхозлардан бирон нарса (фойда) чиқишига ишонмайман. Руслар билан иш бошқа, агар улар хоҳласалар, бирон нарса қилишлари мумкин». Кўпчилик деҳқонлар бундай демоқдалар: Катта (йирик) колхозлар тузишдан ҳеч нарса чиқмайди. Баъзи бирлар ишга эрта чиқадилар, бошқалар эса кеч чиқади, пахта эса ҳам-жиҳат бўлиб меҳнат қилишни ёқтиради. Мана, 20—25 киши тезроқ ўзаро келишиб олдилар-да, иш тез кетди. Низом ва ер тузувчиларнинг ҳанузгача йўқлиги туфайли колхозларни расмийлаштириш ўтказилмай келаяпти».

Колхозга кириш олдидан қарзларни узиш баҳонаси билан мол-мулкни сотиб юбориш ҳоллари оммавий ҳодиса тусини олган. Шўро қишлоғилик Довудов Исроил (фирқа номзоди) ўзининг битта отини яшириб туриб колхозга ёзилган. Бундай фактлар Қорасув ва бошқа қишлоқларда ҳам содир бўлган. Бозор кунлари Тўйтепа ва Ўрта Сарой қишлоқларида сотиш учун кўп миқдорда ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, гуруч ва ун келтирилган. Ҳайвонларини сотувчилар қоида бўйича қишлоқ советидан сотишга эҳтиёжи борлиги ҳақида маълумотнома олганлар.

Марказий Ижроия Комитет ва Халқ Комиссарлари Советининг ишчи ҳайвонларини сотишга қарши кураш тадбирлари тўғрисидаги қарори асосида район ижроия комитети ишчи ҳайвонлари, ун ва гуручни соттирмай ушлаб қолиб, шу жойнинг ўзидаёқ уларни эгаларига, камбағаллар ва ўрта деҳқонларга сотиш тақиқланганлигини тушунтириб қайтариб берганлар.

ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ижроия комитетининг 1930 йил 1 мартдаги махфий йиғилишида Икромов, Шубриков, Манжара, Аронштам, Гусейнов, Гасюк ва Остроумовлар иштирок этишган. Унда махсус қарор ва жамоалаштириш шакллари таллашда йўл қўйилган хатоликлар масаласи кўрилади. Қабул қилинган махсус қарорда шундай дейилган:

«1. Баъзи районларда (Янги Бухоро) жамоалаштириш шакллари таллашда йўл қўйилган бузишлар ва маъмуриятчилик муносабати билан барча маҳаллий партия ташкилотларига кўрсатиб ўтилсинки, ялпи жамоалаштириш районларидан ташқари жойларда колхозларнинг асосий шакли ерни биргалашиб ишлаш ширкатлари бўлиши керак.

2. Маҳаллий партия ташкилотлари, шу жумладан, ёппасига жамоалаштириш районларидаги партия ташкилотлари ҳам жиддий огоҳлантирилсинки, жамоалаштиришнинг анча юқори шакллари учун оммавий ҳаракат бўлмаган жойларда жамоалаштиришнинг бошқа шакллари зўрлаб қабул қилдириш мутлақо мумкин эмас.

3. Барча маҳаллий партия ташкилотларига жамоалаштириш шакллари таллаб олган вақтида ўрта деҳқон хўжаликларининг

кайфиятини зўр эътибор билан ҳисобга олиш зарурлиги кўрсатиб ўтилсин»¹.

Ийгилиш Гасюкнн ЎзКП(б) Марказий Комитетидан ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ихтиёрига чақириб олиш ва уни ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси котибининг ёрдамчиси ва экиш комиссиясининг котиби вазифасига тасдиқлади. Унда жамоалаштириш ишида партия сиёсатини бузишлар ва қулоқларни синф сифатида тугатиш тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинган.

Миллий компартиялар Марказий Комитетлари, Қирғизистон вилоят партия комитети ва Округ комитетларига директива берилган. Унда ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси партия ташкилотларини колхозчилик ҳаракатини юқоридан туриб буйруқ бериш билан ташкил қилишга қарши огоҳлантирган. Бу огоҳлантириш айниқса ёппасига жамоалаштириш районларини белгилаганда, жамоалаштириш асосида асосий ишлаб чиқариш воситаларини (ўлик ва жонли ашёлар, хўжалик бинолари, товар маҳсулдор ҳайвон (чорва) ларни) умумлаштиришда катта аҳамиятга эгаллиги кўрсатилган.

Партия органларининг қарори билан ёппасига жамоалаштириш колхоз қурилишининг анча юқори шаклларига ўтиш ҳаракатида кенг омманинг иштирокисиз кўп ҳолларда юқоридан туриб ёппасига жамоалаштириш районларини эълон қилиш намоён бўлаётгани аниқланган. Бу ҳол муқаррар равишда жамоалаштириш учун бораётган ҳақиқий ҳаракатни жамоалаштириш учун бораётган қандайдир бир ўйин билан алмаштириб юборишга олиб келган.

Баъзи партия ташкилотлари партиянинг қулоқларни синф сифатида тугатиш сиёсатини ҳамма жойларда қисқа муддат ичида барча қулоқ хўжаликларини битта ҳам қолдирмай дарҳол йўқ қилиб ташлашдан иборат сиёсат деб тушунганлари танқид остига олинган.

Республикалар ҳукуматлари томонидан қонун ва инструкциялар чиқарилгунга қадар ёки миллий компартиялар Марказий Комитетлари қулоқларни синф сифатида тугатиш тартиби ва муддатлари тўғрисида махсус кўрсатмалар бермагунча қулоқларни амалий тугатишни ўтказишига йўл қўйилмаслиги уқтирилган. Қулоқларни тугатиш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб боришга рухсат этилиб, бу ишга раҳбарлик қилиш ёппасига жамоалаштириш штабларида марказлаштирилиши (қулоқларнинг молмулкини ҳисобга олиш, камбағалларнинг тегишли ташкилотлари, комсомол ва жамоат ташкилотлари томонидан тушунтириш ва ташвиқот тайёргарликлари ўтказиш) кўрсатилган.

Айни вақтда Ўрта Осиё бюроси жамоалаштириш ишини, оммавий ҳаракатни ташкил этишни фақат қулоқларни тугатиш

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 1-рўйхат. 650-иш. 12—15-варақлар.

иши билан алмаштириб юбормаслик ва барча партия ташкилотлари зиммасига фақат миллий компартиялар Марказий Комитетларининг рухсати билангина ёппасига жамоалаштириш районлари деб ҳисоблаш ва шундан келиб чиққан ҳолда тегишли тадбирларни амалга ошириш мажбурияти юкланган.

Ўрта Осиё бюроси ВКП(б) Марказий Комитетнинг «Партия ташкилотлари қуйидан ўз-ўзидан ўсиб бораётган колхозчилик ҳаракатига бошчилик қилсинлар ва расмийлаштирилсинлар, шунга эришсинларки, колхозларда чиндан ҳам жамоат ишлаб чиқариши таъминланган бўлсин, шу асосда фақатгина экин майдонларини кенгайтиришнинг белгиланган режаларини тўла бажаришгагина эришиб қолмасдан, шу билан бирга Марказий Комитетнинг ноябрь пленуми қарорларига мувофиқ равишда шу йилги экиш кампаниясини колхозчилик ҳаракатининг янгидан юксалаши учун пойдеворга айлантирилсин» деган директивасини бажаришни барча партия ташкилотларидан талаб қилган. Колхозларнинг катта қисми пахтани анча кам топшираётгани, бу эса партия ташкилотлари томонидан колхозларда ишлаб чиқариш жараёнини тўғри ташкил қилишга кам эътибор бераётганликларининг натижаси эканлиги, шу боис экиш кампанияси даврида партия ташкилотлари колхозларнинг ишлаб чиқариш режаларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашлари кераклиги ва бунда колхозларнинг ишлаб чиқариш режалари ва имкониятларига мувофиқ келмайдиган контрактациялар ва аванслар беришга йўл қўймасликлари кўрсатилган.

Бу вазифани бажариш масъулияти шахсан округ партия комитетлари котиблари ҳамда ташкилий бўлим мудирларига юклантилган. Раҳбарлик учун мазкур директивалар билан газеталарнинг муҳаррирларини таништириш таклиф қилинган.

Директивада яна шундай дейилган: «Пахта экишга яроқли бўлган ишчи кучи бўлмаган камқувват хўжаликларнинг ерларидан ташқари барча бўш ётган ерлар колхозларга, қишлоқ камбағалларига ва камқувват хўжаликларга ҳеч қандай тўловларсиз ижарага берилиши керак. Шу муносабат билан Тожикистон КП(б) МК томонидан илгари сурилган биринчи экиш кампаниясидаги «батрақлар ва камбағалар, бўш ётган бойларнинг ерларини аниқланг ва унга пахта экин» деган шиорига қарши чиқилмасин».

Ўрта Осиё бюросининг ўша йиғилишида «Ғарбий Тожикистонни жамоалаштириш масалалари» ҳам муҳокама қилинади. Қабул қилинган қарорда: «Тожикистон КП(б) Марказий Комитетига уч ой муддат ичида Ғарбий Тожикистон районларида 1930 йил кузида меҳнат қилмасдан ердан фойдаланишни, шу жумладан, боғдорчиликда ҳам меҳнатсиз ердан фойдаланишни тугатиш юзасидан масала тайёрлаш ва ўзининг таклифларини тақдим этиш таклиф қилинсин. Шу билан бир вақтда Тожикистон МК томонидан Тожикистоннинг ғарбидаги боғдорчилик ра-

ионларида колхоз қурилишини тезлаштириш юзасидан таклифлар тайёрлаш топширилсин» дейилган.

Йиғилишда, шунингдек, «ишчи ҳайвонларни ваҳшийларча сўйиб юборишлар ва талон-торож қилишлар билан кураш олиб бориш туғрисида»ги масала ҳам кўрилади. Иттифоқ ҳукумати-нинг 1930 йил 17 январдаги шу масала бўйича директиваси ҳамда Ўрта Осиё республикалари ҳукуматларининг мазкур соҳа бўйича қарорларига қўшимча равишда Ўрта Осиё бюроси директива тасдиқлаган. Мазкур директивага кўра Ўрта Осиёда ишчи ҳайвонларни ваҳшийларча сўйиш ва талон-торож қилишларга қарши кураш икки йўналишда олиб бориладиган бўлди. Биринчиси қулоқларга муносабат, иккинчиси эса ўрта деҳқонга муносабат бўйича тadbирлар эди. Биринчи йўналишдаги тadbирлар қуйидагилардан иборат эди:

«1. Ҳар бир қулоқ хўжалиги тегишли майдондаги ерни ҳайдаш учун кооператив-ишлаб чиқариш ширкатларининг ишчи ҳайвонлари бўлмаган аъзолари ёки колхозларга ишчи ҳайвонларини бериб туришлари керак.

2. Топшириқнинг ҳажми ўзининг хўжалигидаги ишлов берилиши керак бўлган эҳтиёждан ортиқ бўлган мавжуд ишчи ҳайвонларнинг 10 фоизини фойдаланишни 1 январгача назарда тутиши керак.

3. Қулоқ хўжалиги учун ишчи ҳайвонларга бўлган эҳтиёж ишлов берадиган ер майдони доирасида ҳисобга олинishi керак, яъни меҳнат ердан фойдаланиш нормасидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4. Ширкатлар, қишлоқ советларидаги камбағаллар гуруҳлари-га камбағал-батрак фаолларни қулоқларга қарши қишлоқ советлари ёки ишлаб чиқариш-кооперативи бирлашмалари томонидан берилган ер ҳайдови ва ҳайвонларни сақлаш юзасидан мажбуриятларни амалга ошириш устидан махсус кузатиш ташкил этиш топширилсин.

5. Ёппасига жамоалаштириш районларида қулоқлардан тортиб олинган ишчи ҳайвонлар бузилмас жамғарма капитал қилиб берилсин.

6. Бой-қулоқ унсурлардан мусодара қилиб тортиб олинган ем-хашак ва чорва моллари учун жамоат бинолари бўлмаган ҳолларда боқиб туриш учун колхоз аъзолари ўртасида тақсимлаб жойлаштирилсин».

Иккинчи йўналишдаги тadbирлар қуйидагилардан иборат эди:

1. Ишчи ҳайвонларни йиртқичларча сўйиб юбориш ва сотишнинг зарарли эканлигини тушунтириш учун ишлаб чиқариш-кооперативи бирлашмалари аъзоларининг йиғинлари ёки умумий мажлислари ўтказилсин.

2. Мана шу йўналишда тушунтириш ишлари олиб бориш учун бутун кооператив фаоллари, қишлоқ хўжалик кооперациясининг бутун тизими бошқаруви ва унинг қуйи бўғинлари махсус сафарбар қилинсин.

3. Ишчи ҳайвонларни сотиш ва сўйишнинг зарари ҳақида ҳукумат номидан деҳқонларга қарата оммавий мурожаат нашр этиб чиқарилсин.

4. Яна бир бор колхоз қурилишининг ихтиёрий характерда эканлиги ва жамоалаштириш шаклларининг танлаб олиниши мумкинлиги (ерни биргаликда ишлаш ширкатлари, артеллари ва бошқалар) кенг тушунтирилсин.

5. Деҳқонлар оммасига, айниқса ўрта ҳол деҳқонларга ишчи ҳайвонларни жамоалаштириш жараёнида сақлаб қолиш — бу тракторлаштиришни тўхтатиб туришни ёки уни бекор қилишни билдирмаслигини тушунтириш ташкил этилсин.

6. Қишлоқ ва овул аҳолисининг камбағал-ўрта деҳқонлар оммасига ўзи колхозга аъзо бўлиб кириши олдидан ишчи ҳайвонини сотиб юборган деҳқон колхозга қабул қилинмаслиги кенг тушунтирилсин.

7. Колхозларда фақат ишчи ҳайвонларнигина эмас, балки ёш молларни ҳам сотиш ва сўйишни тақиқловчи қарорлар қабул қиладиган умумий мажлислар ўтказилсин.

8. Колхозга киргандан сўнг ўзининг ишчи ҳайвонини сўйган ёки сотган хўжаликлар колхоздан чиқариб юборилади ёки ундан ана шу ишчи ҳайвоннинг таннархи ундириб олинади.

9. Озуқа жамғармасининг борлиги, унинг районлар ва ширкатларга қандай тақсимланаётганлиги дарҳол текшириб чиқилсин ва бунда биринчи навбатда колхозларни озуқа билан таъминлаш ташкил этилсин, шунингдек, ем-хашак билан энг кам таъминланган камбағал ва ўрта деҳқон хўжаликлари ем-хашак билан таъмин этилсин.

10. Озуқа билан таъминлаш тартиби ва миқдори кооператив-ишлаб чиқариш бирлашмаси бошқаруви томонидан белгиланиши керак. Бунда шундай тартиб ва рўйхат олдиндан камбағаллар гуруҳи томонидан муҳокама қилинган бўлиши керак»¹.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И. А. Зеленскийга Жалолободдан 1930 йил 12 мартда Карасев имзоси билан юборилган хатда шундай дейилган: «Бундан аввалги ахборотларимда ёзган бир қатор бузишлар, сиёсий йўлдан четга чиқишлар ҳамон ўз ишини қилмоқда. Бойлар — ҳақсизлар, муллалар, босмачилар, имомлар ва бошқа аблаҳ одамлар, мана, тўртинчи кунки, райондаги бутун оммани бошқармоқдалар. Жалолобод шаҳрида аҳвол таранг ҳолатда, тўрт кундан бери кўрсатилган унсурлар раҳбарлигида бизларга душман бўлган намоийш олиб борилмоқда. Унда ҳар хил пунктлардан келган бир неча юз отлик ва 2 мингга яқин пиёда кишилар қатнашмоқда. Улар батрак-камбағаллар фаолларини ва қишлоқларда экин экишга вакил бўлганларни ҳайдаб, уриб, район ҳукуматидагиларга қуйидаги талаблар қўйишмоқда: ҳамма колхозларни, эскисию янгисини тарқа-

¹ РИСТГДА. 62-фонд, 1-руйхат, 650-иш, 12—29, 65-варақлар.

тиб юбориш, тузилган контракция шартномаларини йўқ қилиш, батрак-камбағаллар юқори қатламидагиларни қамоққа олиш ва ўзини ўзи суд қилишга бериб юбориш, турмадан босмачилар ва аксилинқилобчиларни чиқариб юбориш ва бошқалар. Маҳаллий ҳукуматдагилар саросимага тушиб, ўзларини йўқотиб қўйиб ва юмшоқлик қилишлари туфайли бу намоёишлар ҳозиргача тўхтаганича йўқ.

Намоёишчиларга колхозчилар рўйхатлари ва шартномаларнинг ҳаммасини берадилар ва улар шу заҳотиёқ йўқ қилинади, барча колхозларни, жумладан, Сузоқдаги гигант колхозни ҳам тарқатиб юборишга розилик билдирилди. Бу гигант колхоз раиси калтак зарбидан ўлиш ҳолатига келтирилган. Бугун округдан ходимлар, Фрунзедан вилоят партия комитети котиби ва Хатқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари келишмоқда. Район партия комитети йиғилишида маълум хулосаларга келамиз, ҳозирча айтиш мумкинки, бу районда пахта дастури жуда катта хавф остида қолган».

Хатда яна шундай дейилган: «Колхозга қарши ҳаракат районнинг Шувоқбел йиғув пунктида Қизил сингир ва Оқбош қишлоқларида бошланиб кетди. Бу ердан вакиллар ҳайдаб борилган ва калтакланган. Бунда аёллар иштирок этишган. Аёллардан байрам вақтида мулла ва эшонлар осонликча фойдаланиб олганлар. Масжидларда колхозларга қарши қасамёдлар қабул қилинди, сўнгра бу ҳаракат тезлик билан деярли бутун районни қамраб олди. Хулоса битта — муллалар бир томондан ва сургун қилиниши белгилаб қўйилган бойлар иккинчи томондан синфий душман сифатида бу ерда, ўйлаганимиздек, унчалик заиф эмас экан, душман тарғиботига қарши бизнинг ходимларимизнинг тушунтиришлари аниқ қарама-қарши қилиб қўйилмабди. Масалан, Сталиннинг колхоз қурилиши суратлари ҳақидаги мақоласини бизнинг ходимларимиз ўқишга улгурмаган бир пайтда душман унсурлар Москвадан барча колхозларни тугатиш тўғрисида телеграмма келди, деб тушунтиришга улгурганлар.

Фалла билан таъминлаш бўйича тушунтиришни олдик ва жойларга юбордик, бу масалада иш йўлга тушмоқда.

Томоша яна давом этмоқда, ҳозир Қорадарёдан 500 киши келиб колхозни тарқатиб юборишни талаб қилишди, уларга рўйхат берилди. Қаерда ишлаб чиқариш ширкатлари ташкил бўлмаган бўлса, у ерга боришга тўғри келмоқда. Ёмони шундаки, олинган маълумотларга қараганда, колхозга қарши бундай ҳаракат ёппасига жамоалаштириш райони Бозорқўрғонда ҳам юз бермоқда»¹.

Ўрта Осиёда бундай сиёсий танглик, беқарорлик авжига минганидан Марказ ҳам ташвишга тушган эди. Жойлардаги, жумладан, Ўрта Осиёдаги бундай аҳволга партия органлари ва уларнинг раҳбар ходимларининг олиб бораётган нотўғри фаолияти сабабчи бўлаётганига Марказ урғу беришга мажбур бўлганди.

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2139-иш, 41-варақ.

ВКП(б) Марказий Комитети 1930 йил 10 мартда колхозчилар ҳаракатида партия йўлининг бузилиши билан кураш олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилишга мажбур бўлган эди. Бу билан аҳволни бир оз тузатиш кутилганди.

Марказий Комитет СССРнинг турли районлари, жумладан, Ўрта Осиёда жамоалаштиришнинг бориши тўғрисидаги маълумотлар ҳақиқий муваффақиятлар билан бир қаторда партия сиёсатини бузиш катта миқдордалигини қайд этди. Энг аввало колхозчилар ҳаракатида ихтиёрийлик принциплари поймол қилинаётгани, бир қатор жойларда ихтиёрийлик тамойили қўпол равишда бузилгани, колхозга зўравонлик билан мажбур қилиш, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилиш, қулоқ қилиш билан кўрқитиш орқали амалга оширилаётгани, оқибатда «қулоққа тортилганлар» сонига ўрта ҳолларнинг катта қисми ҳам киритиб юборилаётгани, баъзи районларда қулоққа тортиш қоидадаги 2—3 фоиз эмас, балки 15 фоизга етиб бораётгани қарорда қайд этилган.

Ушбулардан келиб чиқиб Марказий Комитет қарор қилган: «Зўравонлик билан жамоалаштиришнинг ҳар қандай шакли дарҳол тўхтатилсин. Ҳозирча колхозга бормаётган деҳқонларга нисбатан ҳар қандай репрессиялар қўллашга қарши кескин кураш олиб борилсин. Бир вақтнинг ўзида деҳқонларни ихтиёрийлик асосида колхозга жалб қилиш янада қатъийлик билан олиб борилсин;

қулоққа тортилганлар рўйхати дарҳол текширилсин ва ўрта ҳоллар, собиқ қизил партизанлар ва қизил аскарлар, қизил флотликлар оила аъзолари (оддий аскар ва командирлар)га нисбатан йўл қўйилган хатолар тузатилсин;

бир қатор районларда қулоқлар кийим, уст-бош ва озиқ-овқатсиз сургун қилинаётганлиги фактлари қайд қилиниши тўғрисида бу хатоларни тузатиш учун барча зарур чоралар кўрилсин, ОГПУга эса бундай ҳолат юз бераётган районлардан жўнатиш учун қулоқларни олмаслик таклиф қилинсин»¹.

Қарор телеграф орқали жойларга етказилган.

Бу директив кўрсатма Ўрта Осиё республикалари партия ташкилотларига шошилинч етказилган. ЎзКП(б) Марказий Комитети ўша куннинг ўзидаёқ телеграмма орқали Марказком қарорини ва унинг асосида ўзининг чиқарган қарорини жойларга телеграмма билан етказган. ЎзКП(б) МКнинг, ВКП(б) Марказий Комитетининг жамоалаштириш ўтказишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш тўғрисидаги 1930 йил 10 мартдаги телеграммаси барча округ партия комитетларига келиб тушади.

ЎзКП(б) Марказий Комитети қабул қилган қарорида жамоалаштириш ўтказилганда маҳаллий амалиётда йўл қўйилган партия йўлини бузишлар (сургун қилиш ва қамаш билан кўрқитиш)

¹ Трагедия советской деревни. Том 2, стр. 303—304.

тиб, зўрлик билан колхозга ёзишлар, ердан маҳрум этиш билан таҳдид қилиш ва ҳоказолар) кескин қораланади.

Ўз КП(б) Марказий Комитети барча Округ комитетларига қуйидагиларни таклиф қилган:

1. Район партия комитетларига колхоз қурилишининг ихтиёрийлигини тушунтириш ҳақида дарҳол телеграмма орқали кўрсатмалар берилсин.

2. Колхозцентр йўли билан барча колхозларга сиртдан ёки мажбуран колхозларга ёзилган хўжаликлар, шу хўжаликлар томонидан колхоздан чиқиш истагини билдирган ҳолларда улар колхоздан чиқишлари ҳақида 18 мартга қадар ариза беришлари мумкинлиги тўғрисида хабар етказилсин. Бу ҳолда уларнинг аввалги участкалари ва ашё-буюмлари ўзларининг ихтиёрида сақланиб қолаверади. 18 мартдан кейин колхоздан чиқиш масаласи умумий асосларда (колхоз ташкилотларининг тегишли уставларига мувофиқ равишда) расмийлаштирилиши керак. Колхозцентр Правлениясининг фракциясига шу қарорга асосланиб жойларга зудлик билан телеграф кўрсатмалари бериш топширилсин.

3. Экиш кампаниясини, айниқса пахта экиш режасини амалга ошириш, контрактация шартномаларининг ўз вақтида тузилишини таъминлаш ишини ташкилий равишда ўтказиш мақсадида экиш ишлари вақтида камбағал-ўрта ҳол деҳқон ҳаракати заминида вужудга келаётган янги колхозларни расмийлаштиришни тўхтатиш зарур деб ҳисоблансин, бу иш экишдан кейинги даврга қолдирилсин ва шу вақтнинг ўзида диққат-этибор ташкил этилган колхозларни, айниқса умумлаштирилган асбоб-ускуналарга эга бўлган колхозларни мустаҳкамлашга, шунингдек, ерга биргаликда ишлов бериш ширкатларига қаратилсин.

Колхозларда батрак-камбағаллар гуруҳларини ташкил қилиш, қишлоқ советлари, камбағаллар уюшмаси томонидан колхозларни қатъий ва доимий қўллаб-қувватлаш йўли билан батрак ва камбағалларни уюштириш максимал даражада кучайтирилсин.

Колхозлар бойларнинг ва аксилинқилобий ташкилотларнинг бузғунчилик таъсиридан, бой ва бойлар думларининг безорилик хуружларидан ҳимоя қилинсин.

Камбағаллар уюшмаси ташкилотининг фаоллигини кучайтириш тадбирлари кўрилсин ва ёппасига жамоалаштириш бекор қилинган районларда бу ташкилотлар қайтадан тиклансин.

Советларга қарши қулоқ ва бой унсурларнинг фаоллиги фавқулодда кучайганлигини ҳисобга олиб, МК таклиф қилади:

Қулоқларга қарши ҳал қилувчи ҳужумга ўтиш мақсадида батрак ва камбағалларнинг шундай фаоллигига ва ташкил қилинишига ва уларнинг ўрта деҳқонлар билан алоқаларининг шундай мустаҳкамланишига эришиш керакки, бу ҳол қулоқ бой, аксилинқилобий унсурларнинг колхоз қурилишига, пахта режасига

қарши чиқишларга уринишларини барбод қилишга имкон берсин.

Бутун диққат-эътибор ва куч колхоз ва индивидуал секторда пахта экиш режасини бажаришга қаратилсин ва бунда барча шахсий камбағал ва ўрта деҳқон хўжаликлари билан ўз вақтида контрактация шартномалари тизими таъминлансин. «Пахтасоюз» йўли бўйича раҳбарлик кучайтирилсин ва ширкатлар улар илгари тугатилган районларда қайтадан тиклансин.

Агар текшириш айрим пайтда колхозларда ишлаб чиқариш-молия ва экиш режаларининг бажарилиши таъмин этилмаётганлиги, айниқса, бундай ҳолларда колхозлар ва уларнинг айрим аъзолари билан шартномалар ишлаб чиқариш-кооператив бирлашмалари билан қандай асосларда тузилган бўлса шундай асосларда шартномалар тузилсин ва бир вақтнинг ўзида мазкур колхозлар ерга биргаликда ишлов бериш ширкатлари ёки кооператив-ишлаб чиқариш бирлашмалари қилиб қайта ташкил қилинсин.

Экиш ишлари даври келганлиги муносабати билан пахта топширилмаганлиги, солиқ, қарзлар ва бошқаларни тўламаганлиги учун қамоққа олинган камбағаллар ва ўрта деҳқонларнинг иши тўхтатилсин ва озод қилинсин. Адлия ишлари халқ комиссарлигига жойларга тегишли кўрсатмалар бериш таклиф қилинсин.

Советлар — пролетариат диктатураси органлари қулоқ-бой унсурларнинг жамоалаштиришга, пахта режасини бажаришга қарши чиқишлар ташкил этишга қаратилган барча уринишларини ўз вақтида қатъиян барбод қилиш тadbирларини кўрсинлар, шунингдек, камбағал-батрак фаолларига нисбатан террорчилик ҳаракатларини даф қилиш юзасидан ҳам зарур чоралар кўрилсин.

Пахта режасининг бажарилишини таъмин этиш мақсадида авансларни ўз вақтида бериш юзасидан тadbирлар кўрилсин, шунингдек, ғаллани тезроқ сотиш чоралари кўрилсин, бу ғалла экиш бошлангунга қадар қишлоқлар ва колхозларга етказиб бериладиги, унинг тақсимоли устидан колхозларда ҳам, шахсий секторда ҳам аниқ кузатиб бориш керак.

Қарорнинг «жамоалаштириш ўтказилганда йўл қўйилган хатоларни тузатиш тўғрисида»ги қисмида Давлат пахтачилик комитети (ДПК)нинг пахта экиш бўйича Андижон округидаги вакили Исломовага, Фарғона округидаги вакили Ражабовга, Зарафшон округидаги вакили Мясковга, Бухоро округидаги вакили Россовга, Хоразм округидаги вакили Готфридга, жумладан, телеграф директиваси тасдиқланиб юборилди. Унда, шундай дейилган: «Округ комитетлари котибларига тезда топширилсин ва таништирилсин. Сизларга раҳбарлик учун хабар қилинаётган қуйидаги директиваларнинг жойларда сўзсиз бажарилишини таъминланг».

Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети ВКП(б) МКнинг 1930 йил 10 мартда қабул қилган қарорини ва ВКП(б) МК

Ўрта Осиё бюроси билан келишилган директивани жойларга телеграф орқали юборди. Унда жойларда йўл қўйилган хатолар ва бузишларни кузатиш, колхозларга қарши ҳужум қилаётганлар, пахта режаларини барбод қилиш учун қатор сиёсий аксилинқилобий талабларни илгари сураётган бой унсурларга қатъий зарба беришга жиддий эътибор қаратиш кўрсатилди.

Бойларни сиёсий жиҳатдан яккалаб қўйиш, ўрта деҳқонлар ва камбағалларни бойлардан ажратиб олиш талаб қилинди. Чунки йўл қўйилаётган хатолар, заифлик ва уюшқоқсизликлар туфайли ўрта деҳқон ва камбағаллар табақаларини бойлар ўз орқасидан эргаштириб бораётганликлари тобора кенг тус олаётганди.

Колхозларни мустаҳкамлаш, бойларга қарши фаол кураш олиб бориш учун камбағаллар ва уларнинг ташкилотларини фаоллаштиришга эътибор қаратилди.

Бойларнинг безориликлари, колхозларга, советларга қарши чиқишларига қарши курашни фаоллаштириш вазифаси қўйилди.

Пахтачилик режасини бажариш мажбурий эканлиги алоҳида таъкидланди.

Бойларни уз атрофига оммани уюштириш имкониятларидан маҳрум қилиш учун камбағал батрақлар фаоллигини ошириш зарурлиги кўрсатилди. Бу ишга сафарбар этилган коммунистлардан ёки маҳаллий фаоллардан бўлган ишчиларни, ҳар бир районда, ҳар бир қишлоқ советида камбағалларнинг ташкилотларини ажратиб олиш ва улардан юқорида кўрсатиб ўтилган ишларни ўтказишда фойдаланиш талаб этилди.

Аванслар ҳисобига телеграф орқали берилган нормалар асосида дарҳол ғалла тарқатишга киришиш, шунингдек, тезда аванс пулларини беришни таъминлаш кўрсатилди.

Ғалла ва аванслар бериш вақтида деҳқонлар тўпланган пайтда бойларнинг ташвиқот олиб боришининг олди олиниши, оммавий партиявий ишнинг авж олдирилиши зарурлиги, тушунтириш ишларидан кейин оммавий чиқишлар содир бўлган районларда камбағаллар мажлислари орқали қишлоқ йиғинлари ўтказиш, советларга қарши чиқишларнинг ташкилотчиларини сиёсий жиҳатдан кескин қоралаш ва улар сургун қилинишлари мумкинлиги ҳақида огоҳлантириб қўйиш кераклиги ҳам кўрсатилди¹.

Албатта, бу қарор вазиятни бир оз юмшатиш борасида маълум аҳамиятга эга бўлди, бироқ жойларда ҳамон колхозчиликка қарши ҳаракат сўнмади, у янги куч билан давом этаверди. Бу ҳолатни тасаввур этиш учун яна далилу ашёларга мурожаат этамиз.

Кулоқ қилиш, кулоқларни сургун этиш, колхозчилик ҳаракатига қарши кураш олиб бориш билан бевосита машғул бўлган ГПУ органлари ёзишмаларида қишлоқда жўнбўшга келган аҳоли-

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 1-рўйхат. 650-иш, 80—82-варақлар.

нинг советларга қарши, колхоз тузумига қарши ҳаракатлари ўз аксини топган. Ёлпасига жамоалаштириш райони Мирзачўлда колхозга қарши кураш тўлқини тобора кенгайиб иқтисодий жиҳатдан энг барқарор 14 дан зиёд колхозни қамраб олгани ва бу жараён бутун Тошкент округидаги колхозларнинг бузилиб кетиш хавфини туғдираётгани, бундай ҳаракат Янгийўл районида ҳам юз бераётганини эътиборга олиб ОГПУ ходимлари В. А. Каруцкий ва Поляевлар Тошкент округ партия комитети котиби Богомоловга, округ ижроком раиси Йўлдошевга, нусхаси Ўрта Осиё бюроси раиси И. А. Зеленскийга хат билан мурожаат қилдилар. Бу хатда, жумладан, шундай дейилган: «Колхозчиликка қарши ҳаракат асосан ўрта ҳол колхозчиларни қамраб олган, улар қатор ҳолларда камбағал деҳқонларнинг бир қисмини ўз орқасидан эргаштириб боришга эришганлар. Колхозга қарши ташвиқотлар одатда умумлаштирилган ишчи ҳайвонларни, асбоб-ашёларни эгаллаб олиш билан оммавий равишда колхоздан чиқиб кетиш тўғрисида ариза бериш ва ерни уларнинг собиқ эгаларига қайтариб бериш тўғрисидаги шов-шувлар остида олиб борилмоқда»¹.

Колхозларнинг бузилиб кетишининг асосий сабаблари сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

а) колхоз фаолларидаги ўрта деҳқонга қарши кайфиятларнинг мавжудлиги ва ўрта деҳқонларнинг нафсониятига тегиш, уларнинг камситилиши;

б) меҳнат тақсимоти заминида колхознинг камбағал ва ўрта ҳол деҳқонлар қисми ўртасидаги зиддиятларнинг мавжудлиги, район ташкилотлари томонидан колхозларга раҳбарлик қилишнинг етарли эмаслиги, колхозлар деҳқонлар оммаси тасаввурида муайян ва озгина маош тўланадиган давлат идорасига айланиб кетганлиги;

в) колхозларда мавжуд бўлган етишмовчиликлардан фойдаланаётган ва колхозларни ич-ичидан қўпориб ташлашга интилаётган, қатағон қилинган қулоқларнинг қариндош-уруғларининг борлиги;

г) пахта чопиғи ва ўтоқ қилиш учун талаб қилинадиган ишчи кучини ёллаш масаласи ўз вақтида ишлаб чиқилмаганлиги, бу ҳол эса колхозчиларда иккиланишларни туғдираётгани ва экиш кампанияси ишларини барбод қилиш хавфини яратаётгани, колхозларда юз берган бундай ҳолат район ва қуйи бўғин ходимлари учун кутилмаган воқеа бўлиб, улар орасида саросималик ва довдирашга олиб келгани ва баъзи ҳолларда ўтказилаётган тушунтириш-ташвиқот тадбирлари ижобий самара бермаётгани.

Жамоалаштирилган ҳайвонларни қайтариб олган ва колхоздан чиқиш ҳақида ариза берган колхозчилар масалани фавқу-

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2139-иш, 58-варақ.

лодда кескин қўйишни давом эттириб, ҳеч қандай тушунтиришларни эшитишни истамаётганлари, бир неча бор мажлисларни бузиш ҳоллари содир этилгани, район вакиллари, жумладан, Кирилов ва Реутовлар калтаклангани ҳам кўрсатилган.

Бундай аҳволга барҳам бериш учун Мирзачўл районига партия ташкилотларига раҳбарлик қилишни кучайтириш, тушунтириш-ташвиқот ишларини кенгайтириш ва колхозларнинг бузилишига олиб келган барча сабабларни аниқлаш учун округ миқёсидаги энг тажрибали ходимларни юбориш зарурлиги, суд жазо органлари йўналиши бўйича колхоз устави (низоми)ни бузаётган бузғунчи ва безори унсурларнинг жазога тортилиши кераклиги хатда айтилган.

Советларга қарши унсурларни аниқлаш ва уларга қарши чоралар кўриш учун ГПУнинг ахборот бўлими бошлиғи Поляев юборилиши хатда қайд этилган¹.

1928—1929 йиллардаги ОГПУ органларининг маълумотномаларида «фавқуллодда ғалла тайёрлаш» тўғрисидаги маълумотлар ўрнини «синфий кураш», «қулоқлар террори», «антисовет» ва «контрреволюцион элементларнинг душманлик фаолияти» каби иборалар эгаллай бошлади. 1930 йилдан бошлаб бу мавзу ОГПУнинг давлат раҳбариятига тақдим этилган маълумотлари, маърузалари ва хабарлари оқимида асосий ўринни ташкил этди. Бу вақтдаги ОГПУ ҳужжатларида «ёппасига жамоалаштиришнинг бориши ва жойлардаги «ташкилий нуқсонлар», мажбуран колхозлар тузилишига ва қулоқ қилишга қарши оммавий чиқишлар тўғрисида, эндигина ташкил этилган колхозлардан оммавий чиқиб кетишлар, ишчи ҳайвонлари ҳамда бошқа ҳайвонларни оммавий равишда сотиб юбориш, сўйиб юборишлар ҳақида, қулоқларнинг «ўз-ўзини қулоқ қилишлари ва қочиб кетишлари», «қулоқ қилиш биринчи кампаниясининг якунлари» ҳақида гап борадиган бўлиб қолганди. ОГПУнинг 1930 йилдаги ахборот, материалларининг муҳим хусусияти шунда эдики, уларда қулоқ қилиш ва қулоқ қилишга қаршилиқ кўрсатишни оммавий қатагон воситаси билан бостириш ўз ифодасини топган эди.

ОГПУ 1930 йил 11 январда жойларга 771-сонли директива йўллаб ОГПУ органлари тизимидагилар олдига «қулоққа қарши зарба бериш»ни вазифа қилиб қўяди. Аввал бошдан вазифа қулоқлар билангина чекланиб қолинмаган, «қулоқ — оқ гвардиячи — бандит унсурлар»га зўравонлик билан бир қатор «ташкilotлар, гуруҳлар, якка унсурлар» ҳам киритилган. Ўз-ўзидан равшанки, қулоқ қилиш жараёнида бузилишлар, зўравонликлар, таъкиб-тазийқлар юз берган. Оқибатда, қулоқларгина эмас, ҳатто умуман қишлоқ хўжалигига алоқаси бўлмаган шахслар ҳам қулоққа тортилган. Айрим жойларда, масалан, Фарбий Сибирда ўша директива юборилган 11 январдан кейиноқ қулоқ хўжаликлари

¹ РИСТТДА. 62-фонд, 2-руйхат, 2139-иш, 58-варақ.

ҳисобланган деҳқон хўжалиklarини амалда қулоқ қилиш бошланган. Аммо расмий равишда бутун мамлакат бўйича қулоқ қилиш кампанияси ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги «Ёппасига жамоалаштириш районларида қулоқ хўжалиklarини тугатиш тadbирлари тўғрисида»ги қароридан сўнг бошланиши керак эди. Бироқ Фарбий Сибирдагидек Ўрта Осиёда ҳам қулоқ қилиш кампанияси бу қарордан аввалроқ бошланади. Ўрта Осиёда ҳам қулоқларни экспроприация қилиш тadbирларини амалга ошириш ВКП(б) Марказий Комитетининг 1930 йил 30 январдаги қароригача бошлаб юборилганди. Бунда Марказнинг бу ердаги ваколатли органи — Ўрта Осиё бюроси ва унинг котиби И. А. Зеленский ташаббус кўрсатади. ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 26 январдаёқ «Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тadbирлар тўғрисида»ги масалани кўриб чиқади. Унда раис И. А. Зеленский маъруза қилади ва мазкур масала бўйича лойиҳа тақдим қилади. Фикрлар, мулоҳазалар асосида лойиҳанинг охириги таҳририни ишлаб чиқиш яна И. А. Зеленскийга топширилади.

Йиғилишда Тожикистон масаласи ҳам кўрилиб, бу ҳақда алоҳида резолюция қабул қилинади. Чорвачилик районларида, чегара ва қорақўлчилик районларида қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тadbирларни ўтказиш масаласини Ражабов, Серғозиев, Абдурахмонов, Болдирев, Чори Велипов, Аронштам, Зеленский, Двинов, Айтақовлар таркибидаги комиссияда муҳокама қилиш таклиф қилинади.

Марказий Комитетнинг Ўрта Осиё бюроси қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ тadbирлар ишлаб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилади¹. Бундай тadbирлар шошилинич ишлаб чиқилади ва тасдиқлаш учун Ўрта Осиё бюросига тақдим этилади. Тadbирлар тўғрисидаги махфий қарор 1930 йил 28 январда қабул қилинади. Уни Ўрта Осиё бюроси раиси И. А. Зеленский, котибият мудирини ёрдамчиси Старцев имзолайдилар².

Жамоалаштириш ва у билан баббаравар ўтказиладиган қулоқ қилиш сиёсати маълум нотўғри тезисларга асосланган эди. Деҳқонлар кенг оммаси, хусусан, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларнинг жамоалаштириш учун ҳаракати шак-шубҳасиз факт бўлиб қолган. Бу эса қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва қайта қуришнинг қудратли воситасига айланган ҳамда партия ва совет ҳокимиятининг қишлоқда капитализмнинг илдизларини қуришиб юборишга қаратилган сиёсатининг тўғри амалга оширилаётганлигининг натижасидир, деган нореал хулоса чиқарилган.

Колхозчилик ҳаракатининг «ютуқлари» кўп жиҳатдан қишлоқ хўжалигини техник жиҳатдан қайта қуроллантириш (тракторлар, мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарининг тadbир қили-

¹ РИСТДА. 62-фонд. 1-руйхат. 649-нш. 72—81-варақлар.

² Уша жойда.

наётганлиги)да ўз аксини топаётган, деган фикр ҳам илгари сурилди. Гўё деҳқонларнинг жамоалаштириш учун бундай «оммавий ҳаракати» асосида жамоалаштириш учун ҳаракат энг кучли равишда яққол ифодаланган бир қатор районлар ёппасига жамоалаштириш районларига айланиши учун қулай шароитлар яратилган экан.

Қишлоқ хўжалигида, жумладан, пахтачиликда умумлаштирилган секторнинг «тез ўсаётганлиги», «колхозчилик ҳаракати»нинг «жадал ўсиб бораётганлиги», айниқса бир қатор районларнинг ёппасига жамоалаштириш районларига айланиб кетганлиги бутун Иттифоқдаги каби Ўрта Осиё республикалари партия ва совет ташкилотлари олдига қулоқларни синф сифатида тугатиш вазифаси қўйилди, деган фикрни асослаш учун ўша И. А. Зеленский бошлиқ Ўрта Осиё бюроси И. В. Сталиннинг қуйидаги фикрларини ниқоб қилган эди: «Кейинги йилдаги бизнинг ишимизнинг характерли белгиси шундан иборатки, биз партия сифатида, совет ҳокимияти сифатида: а) қишлоқдаги капиталистик унсурларга қарши бутун жабҳа бўйлаб ҳужумни авж олдириб юбордик ва б) бу ҳужум, маълумки, анча сезиларли ва ижобий натижалар берди ва беришда давом этмоқда.

Энди биз қулоқларга қарши кескин ҳужум олиб бориш, унинг қаршилигини синдириш, уни синф сифатида тугатиш ва унинг ишлаб чиқаришини колхоз ва совхозлар ишлаб чиқариши билан алмаштириш имкониятига эгамиз.

Эндиликда қулоқ қилиш ёппасига жамоалаштиришни амалга ошираётган камбағал-ўрта деҳқонлар оммасининг ўзи томонидан ўтказилаяпти... Энди қулоқ қилиш у ерда колхозларни ташкил қилиш ва ривожлантиришнинг таркибий қисмидан иборатдир»¹.

Ёппасига жамоалаштириш ўтказиладиган районларда қулоқларни синф сифатида тугатиш қуйидаги тадбирлар билан амалга оширилиши ҳам юқоридаги қарорда кўрсатилди:

1. Шахсий тарзда солиқ солинадиган эксплуататорлик хўжалиги белгиларига кўра сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган барча хўжаликлар тугатилади.

2. Экин экиладиган ерлар, боғлар, хўжалик бинолари ва тугар жойлар, далалардаги дарахтлар, ишчи ва маҳсулдор ҳайвонлар, мураккаб қишлоқ хўжалик асбоб-ашёлари, аравалар, қайта ишловчи ишлаб чиқариш корхоналари, ем-хашаклар қулоқлардан тортиб олинади ва уларнинг барчаси колхозларнинг бўлинмас жамғармасига берилади. Барча чорикорлик битимлари ва улар юзасидан қулоқ хўжаликларига қарз тўлаш мажбуриятлари, шунингдек, судхўрлик мажбуриятлари ҳам бекор қилинади.

3. Ер майдонлари ва ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум қилинган қулоқ хўжаликлари ёппасига жамоалаштириш район-

¹ Ўша архив, 72-варақ.

ларидан сургун қилинишлари керак ва бунда жамоалаштиришга ашаддий, фаол қарши чиқувчилар жинойий жавобгарликка тортилиши керак. Бошқа қолган тоифадаги қулоқ хўжаликлари жойлаштириладиган районларда лалмикор ерлардан ер ажратиб берилиши лозим, суғориладиган ерларда эса ёппасига жамоалаштириш районларидан ташқарида ёмонроқ сифатдаги ерлардан, бунинг устига жорий йилда пахта экиш учун мўлжаллаб ўзлаштирилмайдиган ерлардан ажратиб берилади.

4. Ўзи меҳнат қилиб ердан фойдаланиш ҳуқуқи берилиб, тугатилган қулоқ хўжаликларига ерни ижарага бериш ва ёлланма меҳнатдан фойдаланиш қатъиян ман этилади.

5. Ер ажратиб берилган қулоқ хўжаликлари ер органларининг кўрсатмасига мувофиқ экиш ва товар маҳсулоти топшириш бўйича давлат топшириқларини бажариш мажбуриятларини оладилар. Кўрсатилган мажбуриятларни бажариш учун алоҳида қолларда меҳнатли ердан фойдаланиш эҳтиёжларидан четга чиқмайдиган ҳажмда ишчи ҳайвони ва унча мураккаб бўлмаган қишлоқ хўжалик инвентарини қолдириш мумкин бўлган.

6. Хўжаликлари тугатиладиган рус қулоқларининг ашаддий мустамлакачи унсурлари Ўрта Осиё ҳудудидан ташқарига сургун қилиб юборилади.

Қулоқ хўжаликлари томонидан ишлаб чиқариш воситаларини талон-торож қилишнинг олдини олиш мақсадида Ўрта Осиё республикаларида Иттифоқ ҳукуматининг ишчи ҳайвонларни йўқ қилишни тақиқлаш тўғрисидаги декретини кучга киритиш ва бу декретни ем-хашакни талон-торож қилишга, дарахтларни кесишни ман этишга, қурилиш ва инвентарларни бузишга тадбиқ этиш ҳам қарорда ўз аксини топди.

Колхозчилик ҳаракатининг кенг ривожланиши ва партия ҳамда ҳукуматнинг қулоқларни синф сифатида тугатишдан иборат йўли ёппасига жамоалаштириш ўтказилмаётган районлардаги бой-қулоқ унсурларнинг ҳам кучли фаоллигини муқаррар равишда юзага келтириши, оқибатда қулоқ хўжаликлари ўзларига қарашли ишлаб чиқариш воситаларини бузиб ташлашлари, яшириш ва талон-торож қилишидан иборат зараркунандачилик бўлишининг олдини олиш мақсадида Ўрта Осиё бюроси республикалар ҳукуматларига бир қатор талбирларни амалга оширишни вазифа қилиб қўйди:

а) ишлов берилмаган қулоқларнинг ерлари колхозларнинг ёки камбағалларнинг фойдасига тортиб олинсин;

б) жонли ва жонсиз инвентар ҳисобга олиниши керак ва унинг сақланиши учун масъулият инвентар эгаси зиммасига юкланиши ҳақида қарор чиқарилсин;

в) жорий йилнинг ўзидаёқ тугатилмаган қулоқ хўжаликларининг жонли ва жонсиз қишлоқ хўжалик инвентарларига, камбағал деҳқонлар ёки колхозларнинг далаларига ишлов беришда мажбурий ҳашарлардан фойдаланилсин;

г) техник экинлар бўйича қулоқ хўжаликлари учун ягона қишлоқ хўжалик солиғининг барча имтиёзлари бекор қилинсин.

Ёппасига жамоалаштириш районлари деб қарор қабул қилган районлар тан олинсин ва бу районларда жорий экиш кампаниясида жамоалаштириш 70—75 фоизни ташкил қилсин, дейилганди ўша қарорда.

Ёппасига жамоалаштириш вазифасини муваффақиятли ҳал этиш, қулоқларни синф сифатида тугатиш, қишлоқ ва овулларда пролетар диктатураси органларини (қишлоқ ва овул советларини) мустақкамлаш ва улар ишини қайта қуриш қишлоқ ва овул советлари камбағалларни уюштириш ишларини қониқарсиз бажараётгани, улар кўпинча бой-қулоқ табақалар таъсири остига тушиб қолаётгани ва ўз теваракларига қишлоқ ва овуллар асосий табақаларини жипслаштира олмаётганликлари ҳам қарорда таъкидланди. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб Ўрта Осиё бюроси жойларда қишлоқ ва овул советларини содиқ ва мустақкам коммунист ва комсомоллар билан мустақкамлаш, советлар таркибига кириб қолган қулоқ-бой унсурлардан ва уларнинг ҳайбарақачилари — қулоқларнинг думларидан тозалаш, советлар теварагида ва уларнинг ичида батрақлар — камбағаллар ядросини жипслаштириш, бу ядронинг ўрта деҳқонлар билан иттифоқини мустақкамлаш, советлар секцияларининг ишини мумкин қадар кўпроқ жонлантириш зарурлиги вазифа қилиб қўйилди. Бу вазифалар амалга оширилгандагина, камбағалларга таянган чоғдагина ўрта деҳқон билан иттифоқ советларнинг қулоқларга қарши курашида ютуқларга эришувини таъминлаши, қулоқларни охиригача тор-мор келтириши мумкинлиги кўрсатилди.

Ўрта Осиё бюроси ёппасига жамоалаштириш юзасидан олиб борилаётган ишларнинг катта миқёси ва қулоқларнинг синф сифатида тугатилиши қишлоқнинг камбағал-батрақлар табақаларининг мисли кўрилмаган юксак фаоллигини таъминлаши мумкин, шу боис маҳаллий партия ташкилотлари сафларига қишлоқнинг камбағал-батрақлар қисмининг энг яхши вакилларини жалб қилиш зарур деб билди.

Айни вақтда партия ташкилотларининг диққат-эътибори кенг камбағал, ўрта деҳқон хотин-қизлар оммасини жамоалаштириш кампаниясига фаол жалб этиш, улардан ҳам колхозга қарши курашаётган қулоқ-бой унсурларга зарба беришда фойдаланиш зарурлиги қайд этилди.

Делегатлар мажлислари ва бутун хотин-қизлар фаоллари қулоқ хўжалиklarини тугатишда ва қулоқ қилишни амалга оширишда иштирок қилиш ва ёрдам бериш учун уюштирилиши кераклиги талаб қилинди.

Колхозларда деҳқон аёлларнинг салмоғини ошириш, хўжаликнинг асосий тармоқларига хотин-қизларни тортиш, ёрдамчи

тармоқларни авж олдиришда ҳам аёллардан кенг фойдаланиш зарурлиги кўрсатилди. Колхозчи хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқли бўлишига эришишга алоҳида эътибор берилиши талаб этилди.

Партия ташкилотлари хотин-қиз колхозчиларнинг амалдаги озодлигини таъминлаш бўйича ишларни кучайтиришлари кераклиги, ёппасига жамоалаштиришни амалга оширишда районларга республика ва округ хотин-қиз ходимларини юбориш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди. Жамоалаштиришни ўтказишда ва қулоқларни синф сифатида тугатишда комсомол ташкилотларининг роли муҳимлиги кўрсатилиб, қишлоқ батрак-камбағал ёшларининг жанговар комсомол фаоллигини ташкил этиш, комсомолларнинг жамоалаштириш бўйича штабларига ёрдам беришига эришишда деҳқонларнинг ўрта ҳол оммаси орасида ташвиқот олиб боришда фойдаланиш зарурлиги таъкидланди. Комсомоллар «колхозга кирмаган биронта ҳам комсомол қолмасин» деган шиорни амалга оширишлари кераклиги уқтириб ўтилди.

Ўрта Осиё бюроси республикаларнинг ёппасига жамоалаштиришни ўтказишга ва қулоқларни синф сифатида тугатишга тайёргарлиги мутлақо қониқарсиз эканлигини қайд этиб ёппасига жамоалаштириш районлари деб эълон қилинган районларнинг ўрганилмаганлигини, районларни аниқлашда ўзи бўларчилиқка йўл қўйилганини, районларнинг сиёсий вазиятини етарли ҳисобга олмай, моддий ва ташкилий имкониятларини ва бошқаларни етарли ҳисобга олмай иш кўрилганини танқид остига олиб республикалар партия, совет, комсомол ва барча жамоат ташкилотларини, айниқса ёппасига жамоалаштириш районларидаги ишларнинг сифатини кўтаришни тавсия қилди ва шу йўл билан партиянинг халқ хўжалигини социалистик асосда қайта қуришдан иборат бош йўлининг амалга оширилишига эришилиши мумкинлигига ишонч билдирилди¹.

Бу қарор-тадбир Ўрта Осиё республикалари, жумладан, Ўзбекистон учун жамоалаштириш ва қулоқ қилиш кампаниясини ўтказишда дастуриламал, директив кўрсатма бўлиб хизмат қилди. ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 28 январда «Ёппасига жамоалаштиришни ўтказиш ва қулоқларни синф сифатида тугатишда Ўрта Осиё партия ташкилотининг вазифалари тўғрисида»ги қарор билан 36 районни ёппасига жамоалаштириш райони деб эълон қилди. Қарорга кўра Ўзбекистондан 18, Туркманистондан 8, Қирғизистондан 6 ва Тожикистондан 4 районда жамоалаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш амалга ошириладиган бўлди. Бу районларда 1930 йил баҳоридаёқ деҳқон хўжаликларининг 70—75 фоизи жамоалаштирилиши ва қулоқбой хўжаликларни тугатиш амалга оширилиши керак эди. Яқка

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 649-иш, 72—81-варақлар.

тартибда қишлоқ хўжалиги солиғи тўлайдиган барча хўжаликлар ёки сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган эксплуататор хўжаликлар қулоқ қилиниши керак эди¹.

Ўрта Осиё бюроси раиси И. А. Зеленский ушбу қарорни тасдиқлашни ВКП(б) МКдан илтимос қилади. Маҳаллий партия органларининг бундай шошмашошарликлари Сталинни безовта қилган эди. Чунки жойлардаги бу каби «ташаббуслар» ВКП(б) МК Сиёсий бюроси ишлаб чиққан асосий тадбирларни амалга оширишни барбод қилиши мумкин эди. Шунинг учун Сталиннинг шахсан ўзи 1930 йил 30 январда барча партия ташкилотларига хат йўллаб жамоалаштириш зиёнига қулоқ қилишга берилиб кетишга йўл қўймасликни талаб қилган. В. М. Молотов эса Сталин ва ўзининг номидан Тошкентга, Зеленскийга телеграмма йўллаб, Ўрта Осиёда жамоалаштиришни жадаллаштиришни айбловчи фикрни етказди. Ана шу телеграммада шундай дейилган: «Сизнинг 30 январдаги телеграммангизни олдик. СССР марказидан жамоалаштиришнинг тезкор суратини Ўрта Осиё районларига кўчиришни асоссиз деб ҳисоблаймиз. Бу районларнинг, айниқса Тожикистоннинг ўзига хос шарт-шароитларини пухта ҳисобга олиш талаб қилинади. Бу огоҳлантиришга жиддий қаранглар ва жамоалаштириш ишини оммани ҳақиқий жалб этиш орқали ҳаракатлантиринглар.

Сталин, Молотов»².

Бу кўрсатма келиб, уни амалга ошириш учун йўл-йўриқ берилгунга қадар ҳам Ўрта Осиёнинг айрим ҳудудларида қулоқ қилиш кампанияси бошланиб кетганди. Масалан, ЎзКП(б) Тошкент округ партия комитети бюроси 1930 йил 28 январда «Қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ яқин орадаги тадбирлар тўғрисида»ги масалани кўриб чиқади. Бу ҳақда Бакунц маъруза қилади. Қабул қилинган қарорга мувофиқ қулоқларни синф сифатида тугатиш учун батрак фаолларни ташкил қилиш ва ахборот ҳамда тайёрлов ишлари ўтказиш учун районлар бўйича (округ ижроия бюроси аъзоларини) вакиллар таркибини тасдиқлайди ва уларни жойларга хизмат сафарига юборишга қарор қилади. Янгийўл райкомига Олимов, Мирзачўлга Басюбин, Пскенгга Бакунц, Паркентга Умаров, Юқори Чирчиққа Татибеков, Ўрта Чирчиққа Ястремский, Ховосга Гуминский, Қуйи Чирчиққа Хлопкова ва Иброҳимов, Бекобадга Зиёмуҳаммедов, Ангренга Бобониёзов, Тошкентга Йўлдошев юборилади. Округ ижрокомининг барча райижрокомларга йўлланган директив хати тузатишлар билан тасдиқланади, уни узил-кесил таҳрир қилиш Павловскийга топширилади.

¹ РИСТТДА, 62 фонд, 1-рўйхат, 2384-иш, 16—17-варақлар.

² Трагедия советской деревни... Т. 2, стр. 131.

Қулоқларни синф сифатида тугатиш, уларнинг мулкларини мусодара қилиш, қамоққа олиш ва бошқа қатор тадбирларни ўтказиш бўйича қишлоқ советларига ёрдам бериш учун шаҳарлардан 200 киши ажратиб беришга ва уларни дарҳол жўнатишга қарор қилинди. Мазкур қарорни амалга ошириш ташкилий бўлимга топширилди ва 24 соат ичида қарор иш жойлари бўйича тарқатиладиган бўлди.

Қарорга Округ ижроия комитетининг (котиб Лезовский имзолаган) барча вакилларга, райкомлар котибларига ва район ижроия комитетлари раисларига қўйидаги тадбирларни зудлик билан амалга ошириш тўғрисидаги хабари илова қилиниб жўнатилади:

«Округ ижроком йўриқномаси Павловскийнинг имзоси билан қулоқларни ҳисобга олиш қисми бўйичагина амалга оширилсин.

Район ташкилотларига район бўйича режа ва тугатиладиган қулоқ хўжаликлари миқдори, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқаларнинг батафсил рўйхатини топшириш таклиф қилинсин. Амалда қулоқ хўжалиklarини тугатиш ва мулкларини колхозларга бериб юбориш районларнинг тахминий материаллари округ томонидан тасдиқланганидан сўнггина амалга оширилсин.

Рўйхатга олинган қулоқлардаги мулклар фойдаланиш учун уларнинг ўзларида қолдирилиб, уларга жорий экиш кампаниясида экин экиш учун ўз мулки ва ишлаб чиқариш воситаларидан фойдаланиш имконияти берилсин. Қулоқ хўжалиklarини тугатиш ва уларнинг мулкларини мусодара қилиш бўйича қўйи ташкилотларнинг ҳар қандай ўзбошимчалик билан қилаётган ҳаракатлари ва фармойишларига чек қўйилсин.

Бойлар мулкни ҳисобга олиш устидан, уни талон-торож қилиш ва ўғирлашга йўл қўймаслик учун камбағаллар, колхозчиларни уюштириш зарурлигини округ комитети иккинчи бор эслатади. Иттифоқ МИК ва ХКСнинг «Известия» газетасида шу йил 17 январда эълон қилинган ҳайвонларнинг сотиб юборилаётгани ҳақидаги Декретига тўласинча ва бир бутун ҳолда амал қилинсин. Паркент, Ангрен, Ховос, Қўйи Чирчиқ ва Юқори Чирчиқ районларида МИК ва ХКСнинг ҳайвонларнинг сотиб юборилаётгани тўғрисидаги Декретига батрак-камбағаллар ташкилотлари ва колхозчилар тахминий ҳисобга олиш ва кузатиб боришлари билан чеклансин.

Ёппасига жамоалаштириш районларида навбатдаги вазифа қилиб колхозларни ташкилий ва хўжалик жиҳатдан расмийлаштириш, жамоалаштириш атрофида оммавий ишларни максимал даражада авж олдириш, бу ишга камбағални кенг жалб этиш зарур деб билинсин. Жамоалаштириш бир вақтнинг ўзида меҳнат унумдорлигини юксалтириш ва пахта дастурини максимал тарзда амалга ошириш экани эсдан чиқарилмасин. Ҳозирнинг ўзи-

даёқ колхозларда меҳнатни ташкил этишга ва ишлаб чиқариш режаларини тузишга киришилсин.

ЎзКП(б) район комитетларига барча районларда ва қишлоқларда ёлпасига жамоалаштириш учун тарғибот ва ташвиқотни кучайтириш таклиф қилинсин, бунда янгидан ташкил қилинаётган колхозларда ишлаб чиқариш воситаларини умумлаштиришга алоҳида эътибор берилсин.

Васильев ва Павловскийларга округнинг районлари бўйича сургун қилинаётган қулоқлардан тортиб олинadиган ерлар миқдори ва ундан фойдаланиш тўғрисида маълумотлар тақдим этиш вазифаси топширилсин. Шунингдек, ёлпасига жамоалаштириш районларидан сургун қилинаётган қулоқлар учун ер ажратиш ҳақида мулоҳаза таклифлар ҳам берилсин»¹.

Тошкент округ партия комитети котиби Бақунц 1930 йил 31 январда мансабдор шахслардан бири Денисовга қулоқ қилиш масаласи бўйича ёзган хатига жавобан хат билан мурожаат қилди. Унда шундай дейилган: «Сенинг хатингни олдим. Қулоқ қилиш масаласи бўйича биз қарор қабул қилдик, қўшимча равишда уни кеча сенга юбордик. Белгиланган муддатга мен рози эмасман — ҳаддан ташқари жадал суратлар олгансизлар. Биринчи босқичда ўрта ҳолни қўрқитиб юбормайдиган тарзда иш олиб бориш зарур ва йиғинларда МИКнинг ҳайвонларни сотиб юбормаслик ҳақидаги Декретини оммалаштириш керак. Шундай қилиб ишлаб чиқариш воситаларининг талон-торож ва йўқ бўлиб кетишининг олдини олиш имконияти яратилади.

Иккинчи вазифа — учликлар қулоқ қилиш ва кўчириш режаларини тузишлари керак. Бу режалар қулоқ хўжаликлар тўғрисидаги рақамли материал, жумладан, сургун қилинаётганларга ёмон ерларни ажратиб бериш ҳақидаги мулоҳазалар санкцияси учун бизга юборилиши керак, шундан сўнг одатга кўра жамоалаштириш районларида қулоқ қилишга киришилади. Шунинг баробарида жамоалаштириш тўғрисидаги масала туради. Сизнинг районингизда жамоалаштириш ташкилий ва хўжалик жиҳатдан расмийлаштирилмагунча қулоқ қилиш маъносиздир. Қулоқ қилиш жамоалаштиришнинг натижаси ва бир қисми бўлмоғи лозим, аксинча эмас.

Жамоалаштириш бўйича ишларни янада авж олдириш зарур, омманинг кайфиятида кескин бурилиш бўлишига эришиш керак, оммани жамоалаштириш ишига сафарбар қилиш, ташкилий жиҳатдан мустаҳкамлаш, хўжаликни уюштириш лозим, шундан сўнг жамоалашган омманинг талаби бўйича қулоқларни тугатишга киришмоқ керак, акс ҳолда қипяланғоч маъмуриятчилик юз беради.

Ишимизнинг ҳамма босқичларида омманинг иштирокени таъминлаш лозим. Советларга қарши унсурларни қамоққа олиш ак-

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 6-рўйхат. 735-иш. 64—66-варақлар.

сарият ГПУ органлари қўлида марказлаштирилиши керак ва уларга ўртоқлар ҳамда органлар материаллар бериб бу ишда ёрдам беришлари зарур. Сафарбарлик ишлари йўлида қилинган қолган ишларнинг барчасини маъқуллайман.

Пахта дастурини ва экишни бажариш учун тугатилаётган хўжаликларнинг барча ерларини қўлга киритишимиз кераклигини эсдан чиқарма.

Колхозлардаги ишларни чуқурлаштириш тўғрисида такрор эслатиб ўтаман. Ҳозирча менда колхозлардаги ҳақиқий ишлар тўғрисида маълумот йўқ. Колхозлар ташкил қилиш ҳам, қулоқ қилиш ҳам юқоридан амалга оширилаётган, омма эса амалда фаоллашмаган ва сафарбар қилинмагандек бўлмоқда»¹.

Гарчанд юқори партия органи раҳбари бўлса-да, бу хатда Бакунц масалага анча жиддий қарагани ва бу жамоалаштириш ҳам, қулоқ қилиш, қулоқларни сургун қилиш ва тугатиш ҳам «юқоридан амалга оширилаётган»ини эътироф этиши диққатга сазовордир.

ЎзКП(б) Тошкент округ комитети котибиятининг қатъий махфий ёпиқ мажлисида (1930 йил 1 февраль) Алимов, Абубакиров ва Минубоевларнинг «Янгийўл районида жамоалаштириш ва қулоқ қилишнинг бориши тўғрисида»ги ахбороти муҳо-



ЎзССР МИК раиси Й. Охунбобоев, Қирғизистон республикаси МИК раиси А. Ҳрозбеков янги ташкил топган колхоз аъзолари орасида.
1932 йил, август. Уш округи, Аравонбура райони.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 755-а-иш, 67-варақ.



Йўлдош Охунбобоев ва Абдуқодир Урозбековлар Аравонбура қишлоғидаги фаоллар орасида. 1932 йил, август.

кама этилади ва ахборот учун қабул қилинади. Қабул қилинган қарорда Янгийўл райони бўйича бой хўжаликларни ҳисобга олиш юзасидан ва бойларнинг мол-мулкини рўйхатга олишда баъзи бир бузилишлар билан дастлабки ишлар тугаллангани, энди бу ишни ўрганиш ва расмийлаштиришга киришилгани қайд этилади.

Бу районда бой хўжаликларни ҳисобга олиш ишларини мумкин қадар қисқа вақт ичида тугаллаш ва аниқланган бузилишларни бартараф этиш зарурлиги талаб этилади.

Округ комиссияси кўрсатма бергунга қадар қулоқларни тугатишга киришилмаслиги, уларнинг мулкини ҳисобга олиш ва мол-мулки ҳисобга олинган хўжаликлар устидан амалий назорат олиб бориш (шу қишлоқнинг камбағаллари ва батраклари томонидан) билан чекланиб туриш кераклиги кўрсатилади.

Алимов ва Абубакировларнинг ошқора советларга қарши бўлган унсурлар (собик генераллар, офицерлар ва ҳоказо)дан иборат 40 кишини ҳисба олганликлари ва улар ГПУ органлари ихтиёрига берилгани ҳақидаги ахборотлари маълумот учун қабул қилинади. Бундан буён мустақил равишда маҳаллий ташкилотлар томонидан қамоққа олинмаслиги ва бу иш ОГПУ органларида марказлаштирилиши зарурлиги таъкидланади. Қулоқ хўжаликларнинг мол-мулкини мусодара қилиш ишлаб чиқариш воситалари, уруғлик жамғармаси, ем-хашак захиралари, товар-маҳсулот ҳайвонлари, хўжалик бинолари ва кичик саноат корхо-

налари (шу хўжалик ихтиёридаги)ни мусодара қилиш тўғрисидаги илгари қабул қилинган қарор тасдиқланади.

Бакунц томонидан жамоалаштириш ва қулоқ қилишни ўтказиш ҳақида район партия комитетлари котиблари учун тузилган хат тасдиқланади ва унинг ЎзКП(б) барча район комитетларига юборилиши мақсадга мувофиқлиги таъкидланади. Қулоқларни синф сифатида тугатиш борасидаги бундан кейин олиб бориладиган ишлар жамоалаштириш бўйича округ сиёсий комиссиясида марказлаштирилиши ва бу ишнинг бориши ҳақида вақти-вақти билан ЎзКП(б) Тошкент округ кўмитасига ахборот бериб туриш мажбурияти юкланади. Мол-мулкни мусодара қилиш ва қулоқларни республика ва округдан ташқарига кўчириш, уларга ноқулай ерлардан округ ва район чегарасида чек ер ажратиб бериш режаси тузиш ҳам кўрсатилади¹.

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1930 йил 30 январдаги «Ёппасига жамоалаштириш районлари қулоқ хўжалиklarини тугатиш тадбирлари тўғрисида»ги мудҳиш қарорида тугатиладиган қулоқ хўжалиklar уч тоифага ажратилган.

Биринчи тоифага аксилинқилобий қулоқ фаоллари, террорчилик ҳаракатлари ва советларга қарши исёнларнинг иштирокчилари кирган. Уларни дарҳол концлагерларга қамаш ва уларга нисбатан репрессиянинг олий чораси — отув жазосини қўллаш кўрсатилган.

Иккинчи тоифага қулоқ фаолларининг қолган унсурлари кирган. Айниқса энг бой ва ярим помешчиклар ёппасига жамоалаштириш туманларидан СССРнинг олис узоқ туманларига, муайян ўлканинг узоқ районларига сургун қилинадиган бўлди.

Учинчи тоифага қулоқларнинг қолган қисми кириб, уларнинг жамоа хўжалиklари ерларидан ташқаридаги янги ўзлаштириладиган ерларга сургун қилиниши белгилаб қўйилди².

Қулоқ сифатида ҳибсга олиниб, бадарға қилинадиган хўжалиklar бутун мамлакат умумий деҳқон хўжалиklarининг 3—5 фоизидан ошмаслиги кераклиги кўрсатилди.

Кўпдан-кўп хато, нуқсон, ноқонуний тадбирлар кимларни қулоқ қилиш ва сургун қилиш масаласида юз берарди. Бошқача қилиб айтганда, кимларни, қандай хўжалиklarни қулоқ қилиш ва қандай усул, қандай шаклларда ўтказишни шу ишга сафарбар қилинган масъул раҳбарлар, ижрочиларнинг ўзлари билмас, туншунмасдилар. Шу боис, қарийб бир йил ичида Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Совети бу масалада иккита низом, йўриқнома қабул қилишга мажбур бўлган. Бу ўринда 1930 йил 6 апрелдаги «Меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодекси тадбиқ этилиши лозим бўлган қулоқ хўжалиklarининг белгилари ва шундай хўжа-

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-руйхат, 2138-иш, 8-варақ.

² Трагедия советской деревни. Том 2. Ноябрь 1929 г. — декабрь 1930 г. Москва РОСПЭН. М., 2002. стр. 126—130.

ликларни ҳисобга олиш тартиби тўғрисида»ги 52-сонли қарор ҳақида тўхталиш жоиздир. Марказий давлат ва ҳукуматнинг қулоқлаштириш масаласидаги директив кўрсатмаларига асосланиб республика ҳукумати қандай хўжаликларни қулоқ хўжаликлари деб ҳисоблаш мумкин? деган саволга мазкур қарор қуйидагича жавоб қилган:

1. Қишлоқ хўжалик ишларида, касб-ҳунармандчиликда, корхоналарда мунтазам равишда ёлланма меҳнатдан фойдаланувчи деҳқон хўжаликлари.

2. Ўз пахта майдонининг ярмидан кам бўлмаган қисмига пахта экадиган, боғдорчилик, узумчилик ва полизчилик хўжаликларида бир мавсумда 150 кун, бошқаларида 120 кундан ёлланма меҳнатдан фойдаланадиган хўжалиklar.

3. Чорвачилик хўжаликларида ёлланма меҳнатдан фойдаланишда бир йилда 2 ёлланма ходимни ишлатган хўжалиklar.

4. Меҳнатга яроқли эркеклар бўлмаган тул хотинлар оиласи, етим-есирлар, ногиронлар ва ҳарбий хизматчилар оилалари хўжаликларида қишлоқ хўжалик ишлари учун битта доимий ёлланма ишчидан фойдаланган хўжалиklar.

5. Тегирмон, обжувоз, турли дон ва меваларни қуритқич ва тозалагичлар, бошқа саноат корхоналарига эга бўлган хўжалиklar.

6. Алоҳида жиҳозланган биноларини яшаш учун ёки корхона учун доимий ёки мавсумий фойдаланиш мақсадида ижарага берадиган хўжалиklar.

7. Механик двигателларга эга бўлган мураккаб қишлоқ хўжалик машиналарини мунтазам равишда фойдаланиш учун берадиган, ёки бошқа хўжалиklar учун пулга ана шу машиналар билан муайян ишларни амалга оширадиган хўжалиklar.

8. Ижарага топширадиган деҳқон учун асоратли шартлар билан ерни олувчи хўжалиklar.

9. Оиласида меҳнатга яроқли эркеклар ва ўз ерига ишлов бериш учун хўжалик имкониятлари бўла туриб ўзининг ерини ижарага берувчи ёки унга чоракорлар орқали ишлов берувчи хўжалиklar.

10. Савдо ва саноат йўли билан эксплуатация қилиш мақсадида боғ, узумзор ва шунга ўхшашларни ижарага олувчи хўжалиklar.

11. Аъзолари савдо, судхўрлик билан шуғулланувчи хўжалиklar ёки меҳнат қилмай бошқа даромад оладиган хўжалиklar, жумладан, руҳонийлар.

Округлар ижроия комитетлари ва Қозоқ-Қорақалпоқ Автоном район ижроия комитетига ушбу қарорни ЎзССР Молия халқ комиссарлиги билан келишган ҳолда маҳаллий шароитларни эътиборга олиб юқорида белгилаб қўйилган қулоқ хўжалиklarининг белгиларини ўзгартириш ҳуқуқи ҳам берилган.

Қарорда ЎзССР Меҳнат, Адлия ишлари ва Молия халқ комиссарликларига келишилган ҳолда қулоқ хўжаликлари типиди-

ги деҳқон хўжаликларига нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар кодексини тадбиқ этиш тартиби ҳақида йўриқнома ишлаб чиқиш ва уни ХКСга тасдиқ қилиш учун тақдим этиш топширилди. Қарорга мувофиқ Ўзбекистон ҳудудидаги қулоқ типдаги деҳқон хўжаликларини ҳисобга олиш жорий этиладиган бўлди. Бунинг учун қишлоқ советлари зиммасига қарорда қайд этилган хўжаликларни аниқлаш ва уларни меҳнат комиссарлиги томонидан таъсис қилинган ягона формадаги китобга киритиш мажбурияти юклатилди.

Қишлоқ советлари зиммасига ўз вакиллари томонидан ҳар йили энг камда бир марта қулоқ хўжаликларини текшириб чиқиш ва ана шу хўжаликларда юз берган ўзгаришларни «ҳисоб-китоб» китобларида қайд этиш мажбурияти юкланди ва район ижроия комитетларига ана шу масала юзасидан тўла ахборот бериб туриши кўрсатилди.

Район ижроия комитетлари зиммасига эса қишлоқ советларидан олинган маълумот асосида («б» пункти) мана шу мақсадга ЎзССР Меҳнат халқ комиссарлиги томонидан белгиланган нусхадаги махсус китобда хўжаликларни ҳисобга олиб бориш ва ҳар бир хўжалик йилининг охирида (сентябрь) Меҳнат халқ комиссарлиги органлари ҳамда қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалиги ишчилари уюшмасига шу райондаги қулоқ хўжаликларининг сони ва аҳволи ҳақида ахборот бериб туриш мажбурияти юкланди.

Қулоқ хўжаликларини ҳисобга олиш устидан назорат олиб бориш ЎзССР Меҳнат халқ комиссарлиги ва округ ижроия комитетларига топширилди¹.

Ўзбекистон ҳукумати бу масалага яна такрор қайтиб қулоқ хўжаликларини охиригача аниқлаш тўғрисида 1931 йил 7 январда қарор қабул қилди. Бунда СССР МИК ва ХКСнинг 1930 йил 23 декабрдаги қарори асос қилиб олинди. Қарорда социализмнинг кенг жабҳа бўйлаб ҳужуми ва ёппасига жамоалаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатишнинг амалга оширилиши ўрта ҳол деҳқонлар манфаатини ҳимоя қила бориб, барча қулоқларни ҳақиқий аниқлашни таъмин этадиган тадбирлар кўришни талаб қилаётгани таъкидланган. Қулоқ хўжаликларини аниқлаш ишлари натижалари қониқарсиз деб топилган. Шу боис район ижроия комитетларига қулоқ хўжаликларини охиригача аниқлаш ишларини зудлик билан авж олдиришлари барча қишлоқ советларига қулоқ хўжаликларини охиригача аниқлаш ишини олиб бориш учун вакиллар ажратишлари, пахта, ғалла тайёрлаш ёки маблағларни сафарбар қилиш бўйича вакилларга бўлган қишлоқ советларида бу ишни ана шу кампаниялар бўйича вакиллар зиммасига юклашлари вазифа қилиб белгиланди.

¹ ЎЗР МДА. 837-фонд. 8-руйхат. 311-иш. 80—82-варақлар.

Жойларда қулоқ хўжалиklarини охиригача аниқлаш бўйича ишларнинг тўғри ташкил этилиши ва ўз вақтида ўтказилиши учун бутун масъулият райижроком раиси, район молия бўлими мудирини ва пахта-ғалла тайёрлаш бўйича район вакили таркибидаги «учлик» зиммасига юкланди.

Район прокурорлари ва район ижроия комитетларига қулоқ хўжалиklarини охиригача аниқлаш бўйича кампанияни тўғри ўтказиш ва ўрта деҳқонларни бунга жалб қилишга йўл қўймаслик юзасидан узлуксиз кузатиб бориш тавсия қилинди. Уларга қулоқларни аниқлашни охиригача етказиш, ўрта деҳқонларни қулоқликка жалб этишда айбдор бўлган шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш вазифаси топширилди.

Ижрокомларга қулоқ хўжалиklarини охиригача аниқлаш, қишлоқ хўжалик солигининг ҳажмини ҳисоблаб чиқиш ва ана шу суммани тўла ундириб олишни ижро этиш 1931 йил 15 январгача тугалланиши қарорда кўрсатилди ва бу қарор жойларда телеграф орқали кучга киритилиши таъкидланди¹. Бу ҳар икки йўриқнома асосида жойларда қулоқлаштириш сиёсати ва амалиёти олиб борилди.

Александр Роговнинг Чиноздан 1930 йил 3 февралда йўлланган «Янгийўлдаги бой хўжалиklarни тугатиш тўғрисида»ги маълумотномасида Янгийўлда деҳқонларнинг ҳеч шубҳасиз колхозларга интилиши ва барча хўжалиklarнинг 60 фоиздан кўпроғи амалий жиҳатдан жамоалаштирилгани, камбағалларнинг бойлар мулкини мусодара қилишни ва бойларни кўчириб юбориш талаблари билан чиқаётгани, бошқача қилиб айтганда, партиянинг қулоқ-бой хўжалиklarини тугатиш тўғрисидаги қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун зарур қулай шароит борлиги қайд этилган. Шунингдек, батрак-камбағаллар оmmasига маҳорат билан бошчилик қилиш ва бойларни амалда тугатиш сиёсатини ўтказишда хатоликлар ва бузилишлар юз бераётгани, бундай ҳолатга барҳам бериш зарурлиги кўрсатилган. Район ташкилотлари бой хўжалиklarнинг аниқ рўйхатларига эга эмаслиги, қайси хўжалик бой хўжалик ҳисобланишини аниқлаш учун аниқ-равшан мезонга эга эмаслиги қайд қилинган. Октябрь ойигача районга бошчилик қилган районнинг илгариги раҳбарияти партиянинг солиқ сиёсати масаласида йирик бузишларга йўл қўйганлиги билан «шуҳрат қозонган»и ҳам айтилган.

Партия-совет аппарати юқори қатламнинг бойлар билан чапишиб кетганлиги суфайли индивидуал тарзда солиқ солинадиган хўжалиklar сони ўтган йилга нисбатан 389 тадан 195 хўжаликка камайиб кетгани ва бунда солиқ солинишидан энг йирик, энг ашаддий бой хўжалиklарни яшириб қолганиликлари ҳам кўрсатилган. Район янги раҳбариятининг кейинги уч ой мобайнида солиқ солиниши керак бўлган бойларни аниқлаш юзасидан олиб

¹ ЎзР МДА. 837-фонд, 8-руйхат, 311-иш, 80—82-варақлар.

борган иши натижасида якка хўжаликка солиқ солинадиган хўжаликларнинг сони 304 хўжаликка кўпайди.

Район қулоқларни тугатиш режасини тузиб чиқишга округ партия комитетининг пленумидан кейин 27 январда киришди. 29 январда Қовунчига округ вакили Алимов келиб район сиёсий «бешлиги»нинг шошилинич мажлисини чақиради ва бу мажлисда қулоқлар 29 дан 30 январга ўтар кечасидан кечга қолмай тугатилишига қарор қилинади. Кечқурун «бешлик» аъзолари тинтув ўтказиш, бой хўжаликлар мулкани мусодара қилиш ва қаршилик кўрсатган бойларни ҳибсга олиш учун мандат билан участкаларга жунаб кетадилар. Бой хўжаликларни тугатишни амалга ошириш техникаси бўйича йўриқнома турли вакиллар томонидан ҳар хил тушунилган, чунки йўриқнома ноаниқ ва пухта ўйланмай тузилган эди.

Район вакили, «бешлик» аъзоси кечқурун Чинозга келиб пахта заводида ўзининг штабини тузиб, завод директори Абдуллахон билан биргаликда ишончли ва фаол фирқа аъзолари, комсомоллар, қишлоқ советлари ва қишлоқ ходимлари ҳамда Чиноз пахта заводи ишчилари рўйхатини белгилайди.

Қишлоқларга милиционерлар юборилиб, улар орқали илгаридан белгилаб қўйилган кишилар чақиртириб келинади. Бу билан иккита туб хатога йўл қўйилади. Биринчидан, қулоқларни аниқлаш ва уларнинг мол-мулкани ҳисобга олиш ишини ўтказишдан батрак-камбағалларнинг асосий оммаси четлаштирилади. Иккинчидан, мазкур ташбирнинг ўтказилиши (бундай қилишга ҳеч қандай зарурият йўқ эди) ҳар хил мишмишларнинг тарқалиши учун қулай шароит вужудга келтиради. Учинчидан, аҳоли ўртасида дастлабки тушунтириш ишлари олиб борилмайди.

Кечаси соат бирга яқин қишлоқлардан чақирилганлар тўпланадилар. Уларнинг бир қисми кечга қолганларни кутиб турар эканлар, «улар қулоқларни тугатиш зарур деб ҳисоблайдиларми» деган мавзуда кичик суҳбат ўтказишади. Унда «қулоқ бизнинг синфий душманимиз, уни тугатиш керак ва биз унга тайёрмиз» деган фикрлар билдирилади. Шундан кейин тўпланганларга қандай қилиб бой хўжаликларни тугатишни амалга оширишлари кераклиги ҳақида йўл-йўриқлар берилади.

Якка тартибда солиқ тўлайдиган ва бундай солиқ тўлашдан қочадиган хўжаликлар тугатилиши талаб қилинган. Сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган хўжаликлардан, якка солиқ тўловчилардан эксплуататорлик белгисига эга бўлганлари ҳам тугатилиши лозим бўлган. Уларнинг мол-мулки босқичма-босқич, биринчи навбатда ишчи ҳайвонлар, асбоб-анжомлар, экиладиган материал ва кейинчалик қимматбаҳо буюмлар ва ортиқча уй-рўзгор буюмлари мусодара қилиниши керак эди. Ҳар бир оила аъзосига биттадан кўрпа қолдирилиши ҳам белгилаб қўйилган. Қулоқлар 2—3 кундан кейин райондан кўчириб юборилиши ту-

файли уларга 3—5, энг кўпи билан 7 кунга етадиган озиқ-овқат қолдирилиши кўзда тутилган.

Мол-мулкни олиб кетиш ва яширишларга йўл қуймаслик учун йўлларда назоратчи соқчилар қўйилган. Бундай йўл-йўриқлар берилгандан кейин тўпланганлардан қишлоқ советларининг сонига қараб 6 гуруҳ ташкил этилади, улар имкон борича қуроллантирилиб қулоқларга қарши сафарбар қилинади. Бу гуруҳлар борган жойларида камбағал-батрақлар ҳисобига ўз таркибларини тўлдириб, «учлик»ларга бўлиниб, бойларнинг мулкни рўйхатга олиш ва уни тортиб олишга киришадилар. √

Бундай хато йўл-йўриқ ўз ортидан қўшимча равишда ҳар хил бузилишлар, хатоликлар ва адашишларни келтириб чиқарди. Гуруҳлар тўртта қишлоқ совети бўйича рўйхатни оладилар. Иккита қишлоқ совети бўйича ҳеч қандай рўйхат берилмайди, чунки мазкур қишлоқ советларининг ҳудудларида якка тарзда солиқ солинган хўжалик бўлмаган. Шунга қарамай бойларни тугатиш бўйича гуруҳлар ана шу жойларга ҳам юборилади ва бунда қишлоқ советлари ва камбағаллар бойларни билишлари керак деган кўрсатма асосида иш кўрадилар.

Натижада рўйхатга олинган қулоқ хўжаликлари биргина Чиноз участкаси бўйича 77 тадан 120 тага кўпайди. Бунда рўйхатга ўрта деҳқонлар ҳам кўшиб юборилди, баъзи ҳолларда эса шахсий қасос (ўч) олиш мақсадида тугатиладиган хўжаликлар қаторига камбағаллар ҳам киритиб юборилди. Масалан, битта ҳам якка тартибда солиқ солинадиган хўжалик бўлмаган Йўлтушган қишлоғида 8 хўжалик тугатилди. Қишлоқ совети раисининг айтишича, ер ислоҳоти пайтида уларнинг ерлари кесиб олинган, лекин шундан кейин улар ёлланма меҳнатдан фойдаланган эмаслар. Шулар қаторига ер ислоҳоти вақтида ер олган бир хўжалик ҳам тушиб қолган.

Яллама, шунингдек, бошқа пунктларда ҳам баъзан битта одамнинг берган гувоҳлиги у ёки бу хўжаликнинг тездан тугатиб юборилиши учун кифоя қилган.

Бутун Чиноз участкаси бўйича бойлар ва ёлғондакам бойларнинг мол-мулки фақат рўйхатга олинбгина қолмай, балки тортиб ҳам олинди ва маълум жойларга олиб келиб қўйилди. Ҳамма нарса — болиш (ёстиқ), тўн (чопон), пиёла, чойнак, қўл ювувчи ва бошқаларгача тортиб олинди. Йўлтушган қишлоғида тортиб олинган нарсалар қаторига салла, рўмолча каби буюмлар ҳам тушиб қолган. Ялламада аёллар қўйлаклари ҳам тортиб олинган.

Шу вақтнинг ўзида 4 та қишлоқ совети бўйича 101 та тугатилган хўжаликлардан фақат 2 та плуг, 17 та арава, 68 та ҳўкиз, 93 та от ва жуда ҳам оз миқдорда экиш материали тортиб олинган. Бу шундан далолатки, ё бойлар ўз-ўзини тугатишга улгурган, ёки ўзларининг ишлаб чиқариш воситаларини яширишга улгурганлар, ёки тугатилган хўжаликларнинг ҳеч бўлмаганда бир қисми аслида ҳеч қандай бой хўжаликлар бўлмаган.

Мол-мулкни тортиб олишнинг сабаблари хўжаликлар тугатилгандан кейин эртасига ва учинчи кунни тушунтирилган. Бу тушунтиришлар Чиноз участкаси бўйича мутлақо етарли эмасди, чунки ҳали мажлислар ҳамма қишлоқларда ўтказилмаган эди.

Тортиб олинган мол-мулк камбағаллар ва батрақларнинг колхозга киришдаги пайи сифатида колхозларнинг бўлинмас жамғармасига берилиши ҳақидаги хабар Ялламада мол-мулкни тақсимлаб олишга рухсат деб талқин қилинган.

Колхозчилар ўртасида ҳайвонларни тақсимлаш улар бойлардан мусодара қилингандан бир кун ўтгандан кейин амалга оширилган.

Чиноз қишлоғида колхозчилар мусодара қилинган гиламлар, ёстиқлар ва кўрпалар билан ўзларининг чойхоналарини жиҳозлаб олганлар. Колхозчиларнинг бу ўзбошимча хатти-ҳаракатлари район вакили томонидан бекор қилинган. Бироқ, бойлардан тортиб олинган гўштни овқат қилишга, ўтинни эса иситишга, бедани эса колхозчиларнинг ҳайвонларини боқишга ишлатишга рухсат берилган. Тахталарни мактаблар учун парталар ясашга сарф қилишга рухсат берилган.

Бой хўжаликларни тугатишга бундай нотўғри ёндашув вазиятни янада мушкуллаштирган. Ўрта ҳол деҳқон жон-жаҳди билан ўз мулкни яшириб қолишга уринган. Чунки бойлар, баъзи ҳолларда фақат бойларгина эмас (текшириб кўрилмаган хабарларга қараганда, ҳатто Чиноз ячейкаси ижроия бюроси аъзолари), бойлардан сўнг ўрта деҳқонларнинг мол-мулки ҳам тортиб олинди деган миш-мишлар тарқатилган.

Ўрта деҳқон ҳақиқатдан тугатилганлар қаторига киритилган ҳоллар, шунингдек, мусодара қилиш методлари (тунги бостириб киришлар ва ҳоказолар) ўрта деҳқоннинг бўлажак тугатиш ҳоллари ҳақида ифвогарликдан иборат миш-мишларнинг тарқалиши ва кучайиши учун қулай шароит вужудга келтирган.

Мол-мулклари мусодара қилингандан кейин бойларнинг гўзал ва чиройли хотинлари ва қизлари ҳам мусодара қилиниб батрақларга берилади, деган миш-мишлар тарқатилган. Қўловулда битта батрақнинг бойнинг қизига уйланганлиги факти худди ана шундай миш-мишларнинг ёйилишига асос бўлган.

Мажлисла бойнинг қизи батрақнинг олдига келиб (у бу батрақни, шунингдек, батрақ ҳам қизни билмайди), унга турмушга чиқишини айтган. Батрақ жон-жон деб бунга рози бўлган ва шу оқшом унга уйланган. Бу уйланиш (никоҳ) тўйи маҳаллий ячейканинг қарори билан мажбурий тартибда қилинган, деган миш-мишлар тарқатилган.

Қишлоқдаги ташвишли ҳолат қуролли кишиларнинг жойларда бўлиши билан янада кучайтириб юборилган. Шу боис қишлоқ фаоллари қурол-яроғ сақлашга ҳаракат қилишган.

Бошқа участкаларда ҳам бузишлар бўлган. Зангиотада аввал

бошда худди Чиноздагидек қулоқлар мулки фақат рўйхатга олинбигина қолмай, балки тортиб олинди, Сталин участкасида ҳамма қулоқлар — 18 киши ҳибсга олинди, Қовунчига жўнатилган. Ҳаммаси бўлиб барча участкалар бўйича, тахминий ҳисоботларга қараганда, 100 га яқин киши қамоққа олинган. Амалда қаршилиқ кўрсатмаган барча бойлар ва қулоқларни қамоққа олиш зарурияти бўлмаганлиги учун 1—2 кундан кейин ҳибсга олинганларнинг анчагина қисмини қўйиб юборишга тўғри келган. Бу эса туман раҳбарларининг обрў-эътиборига путур етказилишига олиб келган.

Районда округдан қатъий кўрсатмалар олингандан кейингина бойларни тугатиш тактикасида баъзи бир ўзгариш ва бурилиш юз берган. Бойларни тугатиш ишининг тўртинчи куни, яъни 1 февралда қишлоқлардаги участка вакилларига райондан йўл-йўриқ юборилган ва унда ҳеч қандай мулкни мусодара қилиш тугатилиши керак бўлган ҳўжаликлар рўйхатлари район ва округ комиссиялари томонидан тасдиқланмагунча ўтказилишига йўл қўймаслиги айтилган.

Комиссиялар рўйхатларни тасдиқлар экан, қандай мулк ва қимдан мусодара қилинишини аниқ кўрсатганлар. Тугатиладиган ҳўжаликларда фақатгина ишлаб чиқариш воситалари ва қимматбаҳо нарсалар (олтин, кумуш) мусодара қилиниши, қолган мулклар бўйича барча ҳўжаликлардаги рўйхатлар олиб ташланган.

Янгийўлда бой ҳўжаликларни тугатишнинг биринчи босқичида бойларни тугатишга уддабуронлик билан, ташкилий равишда оқилона ёндашмаганлар. Камбағаллар ва ўрта деҳқонларни яккалаб қўйиб, жамоалаштиришни унутиб, район раҳбарлари бойларни тугатишни юқоридан туриб амалга оширишга уринганлар. Натижада ўрта деҳқоннинг манфаатига тегилган ва у йўлдан адаштирилган, бу билан райондаги сиёсий кайфият ёмонлаштирилган ва баҳорги экин кампаниясининг ўтказилиши ҳам хавф остида қолган. Бу масъулиятли ишда партия сиёсатини ана шундай жиддий бузганликлари учун Янгийўл райони раҳбари, айниқса Чиноз участкаси раҳбари муайян жазо олишлари кераклиги маълумотномада келтирилган¹.

ОГПУнинг масъул ходимлари Поляев ва Микеевларнинг Тошкент округидаги ёппасига жамоалаштириш районларида қулоқ қилишнинг аҳволи ва яқунлари тўғрисида мутлақо махфий ёзма ахборотида (1930 йил 4 февраль ҳолати бўйича) жамоалаштириш ва қулоқ қилиш тафсилоти қўйидагича таҳлил қилинган: «1930 йил 29 январда Янгийўл район партия комитети томонидан қулоқ қилиш бўйича район сиёсий бешлиги тузилди. Район 6 та участкага бўлиниб, бу участкаларга партия аъзоси бошчилигидаги беш кишидан иборат бўлган қулоқ қилишни ўтказиш учун ишчи бригадалари юборилди.

¹ РИСТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2138-иш. 10—15-варақлар.

Қулоқларни тугатишда якка тартибда солиқ тўлайдиган ва эксплуататор хўжалик белгисига эга бўлган, сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинган хўжаликлар асос қилиб олинди.

Бешликлар мол-мулкни тинтув қилиш ва мусодара қилишни амалга оширдилар, қаршилиқ кўрсатишлари мумкинлиги хавфи сезилган ҳолларда бойларни қамоққа олдилар. Ҳовли-жойдан тортиб кийим-бош, уй-рўзгор анжомлари, ўрдак, гоз, энг сўнгги пиёла, чинни ва мебелларгача барча мулк рўйхатга олинди.

Чиноз қишлоғининг имоми Мақсуд қори Мақсудовнинг омбори ва уйи қулфини бузиб (имом уйда йўқ эди), ҳамма нарсани, ҳатто тушлик овқатни ҳамда масжидга қарашли шолчани олиб чиқиб кетганлар.

Чиноз черкови руҳонийси (священниги)нинг ҳамма мулкни тортиб оладилар, унда мавжуд бўлган 45 сўм пулнинг ҳаммасига индустрлаштириш заёмига ёзилишга мажбур қилдилар. Гўшт, нонларини ҳам тортиб олиш ва уларни ишчи бригадаси томонидан танаввул қилиш ҳоллари содир этилди.

Мусодара қилинган мол-мулк қишлоқдаги маълум бир жойга олиб келинди ва сафарбар қилинган батрак-камбағал фаолларига кўриқлаш учун топширилди (уларнинг орасида шубҳали, ишончсизлари ҳам бор эди ва ана шундайлар тинтув қилишда ҳам иштирок этганлар).

Чиноздаги фаоллар таркибида партия сафидан ўчирилган ва ҳуқуқдан маҳрум этилган Абдулла Муродов, қишлоқ совети раисининг акаси, ҳуқуқдан маҳрум этилган Комилбек Пўлатов, ЛКСМ аъзоси, домланинг ўғли Раҳмон Иброҳимов, сўфининг ўғли Али Солиев кабилар бор эди.

Ишчи бригадасининг етакчиси Алферов (1928 йилдан партия аъзоси) бригада билан ҳозиргина тинтув ўтказган уйда истиқомат қилувчи аёл билан жинсий алоқада бўлиб турган пайтда ушланган.

Акимов, Усик ва Сосновский (партия аъзоси)лар таркибида бўлган ишчи бригадаси бойнинг уйини тинтув қилишга келиб, ичкилик ичиб, маст-аласт бўлганлар, донг қотиб ухлаб қолганлар, эрта билан туриб яна ичганлар ва тинтув қилишга киришганлар.

Бойлар томонидан жисмоний қаршилиқ кўрсатиш ҳоллари юз бермаган. 2 марта қулоқларнинг шаҳарга мебелларини, ойна, юмшоқ мебелини, ички кийим-бошларни олиб кетишга уринишлари юз берган, бу буюмлар ушлаб қолинган, сиёсий бешлик штабида сақланган. Район сиёсий комиссиясининг «Оила бошлиқлари ва хавфли оила аъзоларини қамоққа олиш ва Қовунчига юбориш» (1930 йил 20 январдаги 2-сонли баённома) кўрсатмаси асосида қулоқ хўжаликлари бошлиқлари ҳибсга олинган.

1930 йилнинг 1 февралигача район бўйича 40 киши қамоққа олинган, 2 февраль куни 11 киши бўшатиб юборилди, шу куни

13 та ҳибсга олинганлар келтирилди. 3 февраль куни район милициясида 42 та ҳибсга олинганлар бор эди (улар асосан полковниклар, офицерлар, собиқ йирик амалдорлардан иборат кишилар эдилар). Кўпчилик қамоққа олинганлар боғбонлардан иборат эди, шуниси ташвишлантирадиги, боғбонларни қамоққа олишлар ва уларнинг мол-мулкни мусодара қилишлар боғдорчиликнинг аҳволига салбий таъсир кўрсатган. Янгийўл район сиёсий комиссиясининг «қулоқларнинг қарзларини бекор қилиш керак» деган кўрсатмаси ва Ўрта Осиё ОГПУ сиёсий вакиллигининг район вакилларига қамоққа олинганларни қабул қилиш, уларни саралаш, бир қисмини озод қилиб юбориш, қолганларини эса Тошкентга жўнатиб юбориш ҳақида фармойиш берилган»¹.

Мирзачўл районида бойларнинг жонли ва жонсиз (ўлик) асбоб-анжомларини, мол-мулкни мусодара қилиш 1930 йилнинг 31 январиди бошланди ва 2 февралга ўтар кечаси якунланди. Мусодара қилиш икки қишлоқ совети — Октябрь ва Сир-Новороссийск қишлоқ советларидан ташқари барча қишлоқ советларида (16 қишлоқ советида) амалга оширилди.

Петропавловск қишлоғида 11 та хўжалик тугатилди ва 2 та фуқаро — Риндин ва Тимченколарнинг мол-мулки тортиб олинди (суд томонидан қораланган шахслар сифатида). Конно-Гвардейск қишлоғида 21 та хўжалик тугатилди ва колхозга кирмаганлар сифатида 7 та чойхоначи хўжалиги тугатилди (қишлоқдагилар ҳаммаси колхозга кирдилар).

Волинск қишлоғида 9 та, Погранично-Селовск қишлоғида 14 та, Сирдарё хуторларида 14 та, Қуйи Татарда 3 та, Янгиобода 4 та хўжалик тугатилди.

Бой бўлмаганлар мол-мулки ҳам рўйхатга олинди. Сир-Новороссийск қишлоғида руҳонийнинг, Октябрск қишлоғида ўрта ҳол деҳқонлар — Пятаев, Пивошенко, Мацко, Тепленко, Чередниковларнинг мулки советларга қарши руҳдаги кишилар сифатида батракларнинг талабига кўра рўйхатга олинди. Петропавловск қишлоғида ўрта деҳқон Торгашиннинг хўжалиги тугатилди. Хўжаликларни тугатишга қаршилик кўрсатиш ҳоллари юз бермади. Тортиб олинган мулк ва асбоб-анжомлар колхозларга берилди.

Мол-мулкни тортиб олувчиларнинг ўз бурчи ва ҳуқуқларини тушуниб етмаганликлари кўзга ташланмоқда, нимани тортиб олиш кераклигини билмайдилар, қандайдир уй-рўзғор буюмларини тортиб олиш керакми, буни билмайдилар. Тортиб олинган нарсалар ўзаро келишув асосида колхозларда қолдирилган»².

Павловскийнинг кўрсатмаси кечикиб келиши сабабидан Бекобод районида бойлар мулкни мусодара қилиш иши дастлаб-

¹ РИСТТДА. 62-фонд, 2-рўйхат, 2140-иш, 10-варақ.

² Уша жойда.

ки вақтда бекор қилинди, мусодара қилиш ва қамоққа олишлар ўтказилмади. Бу ишга тайёргарлик ишлари камбағал-батрак фаолларининг кайфиятини кўтариб юборди. Сретенск посёлкасида 31 январда 118 киши иштирок этган камбағал-батраклар мажлисида қулоқларни синф сифатида тугатиш туғрисида Обуюнчиков маърузасини эшитган камбағаллар кайфияти кўтарилди. Маърузачининг «қулоқлар хўжалиklarини тугатиш — бизнинг ажралмас ва асосий вазифамиз, чунки қулоқ бизнинг синфий душманамиз, у социалистик қурилишнинг турли кўринишларини кўпориб ташлаш, тўхтатиш ва барбод қилиш учун ҳар хил йўллارни ахтаряпти» деган сўзлари гулдурос қарсақлар билан бўлиб турилди. Мажлисида камбағаллар чиқиб сўзладилар.

Қулоқни аксилинқилобий синф сифатида, колхоз қурилиши ашаддий душманининг ядроси сифатида тугатиш ҳақида қарор қабул қилинди. 23 та қулоқ хўжалигини тугатиш бўйича рўйхат эълон қилинади ва қулоқларнинг мол-мулкини мусодара қилиб, уларни кўчириб юбориш талаб қилинади. Қулоқларни кўчириб юбориш масаласи овозга қўйилганда мутлоқ кўпчилик овоз беради.

Пскент районига ҳам Павловский кўрсатмаси кечикиб келади. Шунга қарамай ходимлар тайёргарлик ишларини кенг қўламда бошлаб юборганлар. Бироқ кўрсатма Округ партия комитети томонидан бекор қилинади. Учта бойдан ташқари, улардан 2 таси ҳайвонларни сотгани ва бир қисм мулкини олиб қочиб кетишга урингани (Ёғлиқ қишлоғи) учун ҳибсга олинган, бойларнинг мулкини мусодара қилиш ва қамоққа олишлар ўтказилмайди.

Бойлар кайфияти ёмон, улар саросимага тушган. Куруқсой қишлоқлик 5 та бой қочиб кетган, уларни ушлаш тадбирлари бошланган. Бир томондан, ҳайвонларни сотиш ҳоллари юз бераётган бўлса, иккинчи томондан, баъзи бир бойлар ҳайвонларга ем бермай, «барибир ҳайвонларни колхозларга олиб қўядилар» демоқдалар.

Омманинг меҳнаткаш қатламлари, айниқса батрак ва камбағалларнинг кайфияти юксак фаоллик ва кўтаринкилик билан ажралиб турибди. Бойларнинг кайфияти ташвишли, довдираш, саросимали ҳовлиқиш ҳолатида. Ҳаммаси ҳайвонларини пулга сотишга интилмоқда (Янгийўл, Мирзачўл, Тошкент, Бекобод районларидаги бойлар), асбоб-анжомлар, дов-дарахтлар, қимматли мол-мулкларини сотишга ва камбағал қариндошлариникига яшириб қўйишга ҳаракат қилмоқда. Ҳайвонларни сўйиб юбориш ва уларни тоғлик жойларга ҳайдаб олиб бориш (Ўрта Чирчиқ, Пскент, Мирзачўл, Бекобод районлари) ҳоллари юз берапти. Ишчи-улов ҳайвонларининг нархи тушиб кетяпти. 28 февралда Тўйтепа бозорига кўп ҳайвон олиб келинган. 200—250 сўм турадиган от 80—100 сўмга сотилган. Эски шаҳар бозоридан ишчи ҳайвонлар нархи жуда ҳам пасайиб кетган: бир ой муқад-

дам 150—160 сўм турган ҳўкиз эндиликда 50—55 сўмга сотилган; сигирлар нархи 25—30 сўмга тушиб кетган (серсут сигирнинг баҳоси 60 сўмга тушиб қолган). Қўйлар 30—50 сўм ўрнига 12—15 сўмга сотилмоқда, Сирдарё бозорида қўйларнинг нархи 5—7 сўмгача пасайиб кетган. Сотувчилар «коммунага бекорга топширгандан кўра арзон гаровга сотиб юборган яхши» демоқдалар.

Ҳайвон подаларини қозоқ-кўчманчи жойларга ҳайдаб кетиш ҳоллари рўй бермоқда. Бу ҳол айниқса Бекобод районида яққол намоён бўлмоқда; бу ерда Хаск ва Калск жамоаси бойлари ҳайвонларни 15—30 бошгача Ўратепа вилоятига ҳайдаб кетганлар (800 бошдан кўпроқ қўйни ҳайдаб кетганлар).

Далақўл қишлоғидан (Мирзачўл райони) Элназаров деган бой 400 та қўйни, 2 та отни, 3 та туяни ва 9 бош йирик шохли молни ҳайдаб кетган. Янгийўл райони Қатортол жамоасидаги ҳайвонлар Қозоғистонга ҳайдаб кетилмоқда. Шунингдек, Юқори Чирчиқ ва бошқа районлардан ҳам оммавий тусда ҳайвонлар ҳайдаб кетилмоқда. Баъзи бир қишлоқларда манзарали ва мевали дарахтларни ялпи равишда кесиб ташлаш ҳоллари содир бўляпти (Сретенск посёлкасида). Оқ қишлоғида ҳўқудан маҳрум қилинган Ортиқниёз Сўфиев 50 туп тут дарахтини кесиб юборган.

Ўзларини душман қуршовида, батрак-камбағаллар фаоллари қуршовида ҳис қилаётган бойлар ўз маслақдошларини уюштириш учун «бойларни талай бошлаган совет ҳокимияти бундан буён ўрта ҳол деҳқонларни талашга ўтади ва ниҳоят камбағалларнинг ҳам ҳамма нарсасини тортиб олади», деб ташвиқот олиб бормоқдалар (Янгийўл районининг Чиноз участкасида, Зангиотада, Тошкентнинг эски шаҳарида, Чирчиқ ва ҳоказоларда).

«Колхозга кириш хавфли, ундан чиққанда ҳеч нарса бермайдилар, давлат колхозларни саноат моллари ва асбоб-анжомлар билан таъминлай олмайди», — Мирзачўл районидаги Хондор қишлоқлик Эшназаров, Зангиота маҳаллалик (Тошкентнинг эски шаҳаридан) Тошхўжа Ёқубхўжаев ана шундай миш-мишларни тарқатмоқдалар.

Ўрта Чирчиқ райони Қарши қишлоғидаги бойлар қишлоқ совети раиси иштирокида 2 марта «худойи» ташкил этганлар. 3-Интернационал колхозининг фаоли Зосим Бондаренко шу ҳақда район комитетига ахборот берган. Район партия комитети 4 та бойни ҳибсга олишни буюрган. Тунда 4 та номаълум киши томонидан Бондаренкога суиқасд қилинган.

Оғайни қишлоғида Пўлат Хидиралиев деган бой 30 тача хўжаликни колхозга киришдан бош тортишга ундаган. Тошкент, Мирзачўл, Бекобод, Янгийўл районларида бойларнинг бир қисми қимматбаҳо нарсаларини олиб қочиб кетганлар.

Ўрта ҳол деҳқонларнинг кайфияти ноаниқ, қисман бойларнинг таъсирига берилмоқдалар (бойлар тугатилганидан сўнг эҳтимол ўрта деҳқонларнинг манфаатларига ҳам путур етказилар); ўрта деҳқонларнинг бошқа қисми батрак-камбағаллар фаоллари

билан биргаликда бормоқда. Ҳамма жойда ўрта ҳол деҳқонлар орасида: «Колхозга кирсам дейману, лекин уларга кўп дангасалар киришяптилар» деган гаплар тарқалган.

Ўрта деҳқонлар томонидан ҳайвонларни тоғларга ва Қозоғистоннинг кўчманчи чўлларига аҳён-аҳёнда ҳайдаб кетиш ҳоллари учраб турибди. Бунга Янгийўл ва Мирзачўл районларида ўрта ҳол деҳқонларнинг мулкани тортиб олиш ҳоллари сабаб бўлди.

Ҳамма жойда батрак-камбағаллар оммаси кайфияти юксак, синфий онглилик сезилиб турибди, инқилобий кўтаринкилик сезилмоқда. Шундай қатъий тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида улар бойлар зулмидан абадий равишда қутиладилар, деб ҳисоблайдилар¹.

ОГПУнинг Урта Осиёдаги доимий вакиллиги ахборот бўлими бошлиғи Рибальский ва унинг ўринбосари Поляевнинг Тошкент округида 1930 йил 7 февралгача кулоқларни синф сифатида тугатиш тўғрисидаги 2-сонли ёзма маърузаси муҳим аҳамиятга эга. Унда кулоқларни тугатиш жараёни анча ҳолисона акс эттирилган.

Бекобод районида кулоқларни синф сифатида тугатиш учун 1930 йил 27—28 январь кунлари туман партия комитети томонидан кўпчилиги ДВС ва цемент заводи ишчиларидан иборат бўлган 31 та коммунист сафарбар қилинди. Улардан район бўйича 4 та вакил ажратилиб, йўл-йўриқ берувчи кенгашда округ комитети вакили Зиёмуҳаммадиев томонидан бойлар ва кулоқларнинг мол-мулкани рўйхатга олишга тезлик билан киришиш ва бу ишни 1 февралга тугаллаб, амалда бой ва кулоқ хўжаликларни тугатишга киришиш тавсия этилди.

31 январда вилоят комитетининг 58-сонли баённомаси қароридан кўчирма олинганлиги муносабати билан раҳбар кадрлар ўртасида саросималик бошланади. Бунинг натижасида қишлоқларга юборилган вакиллар номига ҳар қандай ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма фармойиш юборилади, шу туфайли барча вакиллар қишлоқлардан район марказига қайтиб келадилар. Тошкентдан борган ишчилар бригадасини қайтариб, уни Ўзбекободга жўнатиб юборади ва бир неча кун давомида ҳаракат қилмайди. Бундай ҳоллар районнинг бошқа участкаларида ҳам содир этилади. Ҳибсга олиш фақат ўша қишлоқ советидаги Боёвут қишлоғида амалга оширилган. Бу ерда 13 та хўжалик тугатилган, улардан 3 таси ҳибсга олиниб район марказига жўнатилган, эртаси куни эса уларнинг мулклари қайтариб берилган ва озод қилинган.

Кулоқларни тугатиш бўйича келган вакиллар кимни кулоқ қилиш ҳақида аниқ йўл-йўриққа эга эмас эдилар. Оқибатда Сре́тенск посёлкасида қатор бадавлат деҳқонларнинг, яъни 16 та хўжаликнинг мол-мулки рўйхатга олинган ва тугатиш учун

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-рўйхат, 2140-иш, 10—11-парақлар.

мўлжалга олиниб, тугатиладиган хўжаликлар рўйхатига киритилган. Худди ана шу гуруҳга дин намояндалари ва суд ҳукми билан ҳуқуқдан маҳрум этилганлар киритилган. Гарчи посёлкада ўрта ҳол ва камбағал хўжаликлар бўлса-да, қулоқларни тугатиш бўйича махсус комиссиялар тузилмаган, фақат камбағаллар йиғинлари ўтказилган ҳолос.

1930 йилнинг 5 феввалида район бўйича 120—125 та қулоқ хўжаликлари рўйхатга олинган. Қулоқ қилиш усуллари ҳақида кўрсатма олингандан сўнг район комитети фақат 12 февралдан амалда қулоқ қилишни бошлаш тўғрисида қарор қабул қилган. Қулоқларни тугатиш ва қишлоқни жамоалаштириш муносабати билан район аҳолисининг кайфияти жиддийлашиб кетган, бунга сабаб тушунтириш ишлари етарли олиб борилмагани эди. Боёвут қишлоқ советида 5 февралгача колхозга ёзилганлардан ташқари деҳқонларнинг умумий йиғини қабул қилган «ёзилиш» ҳақидаги қарордан бошқа бирор нарса бўлмаган. Хос қишлоғидаги 280 хўжаликдан 3 февралга 20—25 киши колхозга ёзилган ва бунда рўйхатга олиш регистраторлар томонидан ўтказилган. Катта Парчаюз қишлоғида 199 та хўжаликдан 15 таси, Эски Парчаюз қишлоғида 102 хўжаликдан 65 таси колхозга ёзилган. Район партия комитетининг жамоалаштириш бўйича вакилларида жамоалаштириш масалалари юзасидан ягона кўрсатма бўлмаган¹.

Катта Парчаюз қишлоғида вакил деҳқонлар йиғинида ҳатто нарх-наволарнинг ҳам умумлаштирилиши ҳақида гапиришгача бориб етган, деҳқонлар уни шундай деб тушунганлар. Районнинг ўзида раҳбарият қишлоқни жамоалаштириш бўйича кўрсатмадан беҳабар бўлган, хусусан, ҳисса, пай ва бошқалар ҳақида. 1930 йилнинг 19 феввалига қадар райондаги хўжаликларнинг 70—75 фоизини колхозлар қамраб олиши ҳақида қарор қабул қилинган.

Сретенск посёлкасидаги «Далварзин» совхозидан деҳқонларнинг қочиб кетиш ҳоллари содир бўлмоқда; колхознинг ишчи қўлларисиз қолиш хавфи бор, чунки ишлаш учун колхозга кирган хўжаликлар кетиб қолмоқда. Шу боис, қишлоқ совети ижтимоий аҳвол ҳақида маълумотнома беришни тўхтатиб қўйган.

Фаол колхозчилар Дементьев ва Рижих колхоздан чиқиб ўз ерларидан воз кечиб, ишлаш учун совхозга ўтиб кетдилар. Бу ҳол колхозлар орасига парокандалик солди ва Сретенск посёлкасидаги колхознинг ташкилий жиҳатдан расмийлаштирилиши тўхтаб қолди, чунки 423 та колхозчидан 155 тасигина мажлисга келди, шу сабабдан мажлис ўтказиш бошқа кунга қолдирилди.

Қолгансир, Бешюз, Парчаюз қишлоқларининг фаоллари бойларни колхозга қабул қилиш мумкин деб ҳисобламоқдалар, чунки уларнинг фикрича, бойлар колхозга кирса, ўзларининг син-

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2140-иш. 12-варақ.

фий моҳиятини йўқотадилар. Оммавий жамоалаштириш туманларидан 2 та бой Қолгансир қишлоқ советига ўзларининг қўйларини ҳайдаб келганлар, ҳар бир подада 250—400 та қўй бор.

Никольск посёлкасидаги фаоллардан пахтачилик ширкат раиси Гончаров, қишлоқ совети котиби Иглаимов, комсомол аъзоси Давидовлар колхозга от-уловсиз кирдилар.

Жамоалаштириш муносабати билан районда чорва молларининг нархи анча тушиб кетди. Масалан, 1930 йил 3 февралга Сретенск посёлкасидаги бозорга Хос, Тентак ва бошқа қишлоқларнинг деҳқонлари сотиш учун жуда кўп миқдорда қўй ва ҳўкизларни ҳайдаб келдилар. Авваллари 150 сумга сотилган ҳўкизни Мулла Қўшмат Нурматов (Хос қишлоқлик) 30 сўмга сотган. Сигирни эса 25 сўмга сотган. Думбали қўйни илгарилари 80 сўмга сотган бўлсалар, энди 25 сўмга сотдилар. Гўштга сўйиладиган қўй илгари 25 сўм турган бўлса, энди 8—10 сўмга сотилди. Шу куни бозорга 20 та йирик шоҳли қорамол ҳамда 50—60 та қўй олиб чиқиб сотилди.

1930 йил 3 февралда Жума бозорига деҳқонлар 2000 бош қўй, 200 бош шоҳли қорамол сотишга олиб келдилар. Ўзбекобод матлубот жамияти томонидан 123 сўмдан 9 та ҳўкиз сотиб олинди, ваҳоланки, илгарилари ҳар бир ҳўкизнинг нархи 150—250 сўм турган эди; қўйлар эса ҳар бири 15—20 сўмдан сотилди. Район ижроия комитетининг ҳайвонларни сотиш ва дарахт (ўрмон)ларни кесиш тақиқланганлиги тўғрисидаги қарори бўлишига қарамай ҳайвонларни сотиш оммавий тус олиб кетди. Район ижроия комитети қарорининг ижроси устидан назорат қишлоқ советлари томонидан етарли олиб борилмади.

Қулоқлар томонидан жамоалаштиришга ташкилий равишда қаршилик кўрсатишга уринишлар содир этилмоқда. Масалан, Қўшчи қишлоқ советидаги Тентак қишлоғида 26 январдан 27 январга ўтар кечаси меҳмондорчилик ниқоби остида Мулла Сафар Бобоназаров деган бойниқида Тентак, Кал ва Қораит қишлоқларидан 19 та бой йиғилишга тўпланадилар. Улар қаторида Худойкул Назаров, Қувондиқ Умурзоқов, Умар Қодирқулов, собиқ Мирзачўл уезди приставининг собиқ таржимони Йўлчибоев Абдумўмин ва бошқалар бўлган. Собиқ мингбоши Бойбўтаев Мулла Нурмат йиғилганларга қарата мана бу саволни қўйган: «Қишлоқнинг жамоалаштириш масаласига ва умуман қишлоқда содир бўлган кейинги воқеаларга сизнинг муносабатингиз қандай?» Йўлчибоев бундай жавоб қилган: «Ҳамманинг бирданига колхозга кириши ҳеч мумкин эмас. Энг аввало ҳар бир ҳўжаликдан биттадан одам кириши керак, қолганлари эса тагин 3—4 ой кутиб турсинлар, вақт ўтиши керак, чунки Совет Иттифоқи душманлар томонидан қуршаб олинган ва эҳтимол у яқин орада йўқ қилиб ташланса керак»¹.

¹ Уша жойда.

Йўлчибоев босмачиларнинг собиқ кўмакчиларига — Чўлоқ лақабли ва Жоникул Хўжамқуловга мурожаат қилиб: «Нима учун ҳозир бирон-бир қўрбоши бош кўтариб чиқмаяпти? Хўжакент округининг Тўқмоқ тоғларида уларнинг борлигини мен биламан. Сизлар у ерга боришингиз керак ва улар нима қилаётганларини билиши лозим. Уларга айтингки, улар тезроқ бу ерга келиб большевикларнинг ишига тўсиқ бўлишсин». Шоназаров Сафарнинг: «Менинг ихтиёримдаги 80 та кўйни нима қилайин», деган саволларига Йўлчибоев бундай жавоб қилган: «Аста-секин 2—4 тадан олиб бориб уларни сотиш керак, чунки ҳозир замон бетинч».

Шу воқеадан сўнг кўп ўтмай йиғилиш иштирокчиларидан Бобоназаров Мулла Сафар, Сориқулов Мамат ва Суёнов Оллоёр (Тентак қишлоқлик бойлар) қишлоқлар бўйлаб саёҳат қилиш ниқоби остида гойиб бўлганлар».

1930 йил 27 январда Ховос район ижроия бюросида район партия комитети котиби Зубарев округ комитетининг қулоқларни тугатиш юзасидан қарорлари тўғрисида маъруза қилади. Қишлоқларга тезлик билан қулоқларни тугатиш бўйича махсус вакиллар юбориш ҳақида қарор қабул қилинади ва улар олдида қулоқларнинг бутун мулкни тортиб олиб янгидан ташкил қилинган колхозлар ихтиёрига топшириш, колхозлар бўлмаган жойларда бу мулкни камбағаллар уюшмаси ва қишлоқ советларига топшириш вазифаси кўйилади. 29 январда қишлоқ хўжалик солиғи бўйича шахсий солиқ тўловчилар, кўшимча ғалла солиғи тўлаши мажбур бўлган шахслар ва қишлоқ хўжалиги ссудаси бўйича қарздорлар рўйхатини олиб, ким қулоқ қилиниши ҳақида аниқ-равшан кўрсатма олмаган вакиллар жойларга жўнаб кетдилар.

Хўжа қишлоқ совети вакиллар ва шаҳар совети раиси Берило ҳамда район ва совет милицияси бошлиғи Худоёровлар йўл-ўриқ берувчи кенгашда мутлақо қатнашмаганлар. Улар бу вақтда шу қишлоқ советларида ўзаро ихтиёрий солиққа ёзилишни ўтказаятган эдилар. Вакилларга ёрдам бериш учун Тошкентдан юборилган ишчи бригадалари бу масала юзасидан на Тошкентдан ва на район партия комитетидан ҳеч қандай кўрсатма олмаганлар.

29 ва 30 январь кунлари вакиллар район партия комитети кўрсатмаси асосида фақат фаолларнинг тор доирадаги кенгашларини чақариб қулоқларни тугатиш бўйича қишлоқ комиссиялари ва тугатилиши керак бўлган хўжаликлар рўйхатини туздилар. Рўйхатларни кенг камбағал деҳқонлар мажлисларида муҳокама қилмай туриб 30 ва 31 январь кунлари амалий ишга киришилади. Натижада учта қишлоқ советида (Чоканд, Хўжамишкент ва Жўйлантар) 50 та бой хўжаликнинг барча мол-мулки, шахсий истеъмол буюмларидан тортиб (кўрпа-тўшак, идиш-товоқ ва бошқалар) ишлаб чиқариш воситалари ва қуроолларигача тортиб олинади.

Мусодара қилинган ҳайвонлар мусодара этилган ошхоналарда тўпланади ва ем-хашак жамғармаси билан бирга янги ташкил этилган колхозларга берилади. Шахсий истеъмол буюмлари, уй-рўзғор анжомлари ҳамда ғалла захиралари муҳрланиб, сақлаб туриш учун уларнинг собиқ эгаларига топширилади. Бу қишлоқ советларида бойлар (қулоқлар) қаторига баъзи ўрта деҳқонлар ва кичик имомлар ҳам киритилган. Жумладан, Хўжамишкентда Улугбой Паллабоевнинг 1 та оти, 1 та ҳўкизи, 1 та сигири, 1 та эшаги, 20 та қўйи ва уйи бойнинг ўғли сифатида мусодара қилинган. Бу ҳол у 1925 йилда отасидан ажраб чиқиб кетганлиги ва мулақо мустақил хўжаликка эга бўлганлигига қарамай содир этилган. 10 гектар ерга эга бўлган (3 та катта ёшдаги ўғиллари бор) Эллиқбой Назаровнинг 12 та қўйи, 2 та оти, Бойматов Омонбойнинг 2 та ҳўкизи, 1 та оти, 1 та тойчоғи, уй-жойи, 1 таноб боғи ва 2 десятина ери мусодара қилинган, ваҳоланки, у атиги 6 ойгина қишлоқ қассоби бўлиб турган ва ҳафтасига битта қўй гўштини сотишга улгурган.

Чоканд қишлоғида бойлар қаторига 1 ўрта деҳқон ва 1 собиқ имом киритилган, лекин эртасигаёқ уларнинг мол-мулки ўзларига қайтариб берилган.

Қолган қишлоқ советларида, Савай қишлоқ советларидан ташқари, 79 та бойнинг рўйхатга олган мол-мулки (Баланд чакирда — 8, Ховосда — 9, Гашканда — 6, Лочин ва Учқўрғонда — 47, Ободда — 9) сақлаб туриш учун ўзларига қайтариб берилган. Савай қишлоқ совети бўйича ахборот олинмаган, чунки комиссия бу ердан кетгунга қадар мол-мулкни рўйхатга олиш ҳали тугалланмаган эди.

Хўжамишкентда ҳам қулоқларни тугатиш бўйича вакил Берило томонидан бойларни аниқлаш ва мулкни рўйхатга олиш бутунлай маъмуриятчилик йўли билан амалга оширилган. У бир неча бор қишлоқ совети раиси ва маҳаллий ўқитувчига унинг хатоларини кўрсатишга уринганлари учун тўппонча (револьвер) билан ўқталган. Қишлоқ советидан кетар эканлар, Берило ва унинг ёрдамчиси Худоёров ярим фунт мусодара қилинган чой, 5 фунт сигир мойи, 1 та эгар ва 1 та хўржинни ўзлари билан олиб кетганлар.

Чоканд қишлоғидаги битта воқеадан ташқари бойлар томонидан қаршилик кўрсатишга уриниш, ҳайвонларни сўйиб юбориш ёки бўлмаса қочиб кетиш ҳоллари содир этилмади. Чокандлик бой Муқимов Абдуқаҳҳор (1924—1925 йилларда босмачиларга моддий жиҳатдан ёрдам кўрсатган, бунинг учун у камбағаллардан от ва кийим-бошларни тортиб олган) мол-мулкни рўйхатга олиш пайтида таҳдид қилатуриб, фаолларга қарата бундай деган: «Олаверинг, вақти-соати келиб биз сиз билан ҳисоб-китоб қиламиз». Фаоллар талабига кўра суд терговчиси уни қамоққа олади (намунали суд жараёни ўтказиш учун), чунки худди шу вақтда солиқ ва ғалла тайёрлаш ишларини қараб чиқаётган халқ суди

Чоканда эди. Шунга қарамай бойларнинг кайфияти жуда таранг эди.

Бойлар ва имомлар билан шахсий суҳбатлар ҳеч қандай самара бермаган. Бутун район бўйича имомлар ҳали уларга қўшимча ғалла солиғи солиш давридаёқ имомлик қилишдан бош тортганлар. Ҳратепадан келган имомлар куз пайтидаёқ масжидларни тарк этиб ўзлари яшаб келган жойларга жўнаб кетганлар. Турли тоат-ибодатларни, хусусан, рўза тутиш билан боғлиқ бўлган расм-русумларни бажо келтириш кекса деҳқонлар бошчилигида амалга оширилган.

Юқори Чирчиқ районида ҳам жамоалаштириш билан бир қаторда қулоқ қилиш ўтказилган, тинтув қилиш йўли билан бойлар мулки ҳисобга олинган. Районда қулоқларни синф сифатида тугатиш масаласида аниқ ва қатъий йўлнинг йўқлиги, бу ишнинг моҳияти деҳқонларга етарли даражада тушунтирилмаётганлиги туфайли деҳқон хўжалигига эга бўлмаган, ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар мулки ҳам рўйхатга олинган.

Якка тартибда солиқ солинганлар рўйхатидан ташқари бой хўжаликлар ҳисобининг йўқлиги ва қулоқ қилувчи ходимларнинг 60 фоизигача ўзбек тилини билмаслиги шундай ҳолатни вужудга келтирганки, натижада кўпгина таъсири кучли бўлган бойлар камбағалларнинг йиғилишларида ўрта ҳол деҳқонлар гуруҳига киритиб юборилган ва улар ўз мол-мулкларини яшириб қўйганлар. Тўғизбой овулида йирик ва нуфузли бойлар Мирзабошиев Парпибой ва Тўғизбоев Келдибой камбағаллар мажлиси томонидан ўрта деҳқонлар гуруҳига ўтказиб қўйилган. Худди шу овулда якка тартибда солиқ солинганлар рўйхатига киритилмаган йирик бой ошкор этилмай қолган. Кавардак овулида эса аксинча Малиновский ва Стряпуниннинг қулоқ хўжаликлари камбағаллар мажлисининг рўйхатга олиш тўғрисидаги талабига қарамай, қулоқ қилиш бўйича округ вакили Тотибеконинг қистови билан рўйхатга олинмаган, ўрта ҳол Скворцовнинг эса 30 пуд уруғлик буғдойи муҳрланиб қўйилган. Қоратепа овулида Собдонов Бердибой ва Тошпўлатов Сарикбойларнинг қулоқ хўжаликлари камбағаллар йиғилиши томонидан ўрта деҳқонлар гуруҳига ўтказиб қўйилган.

Майда-чуйда нарсаларни (кўрпа-тўшак, теша, болта, шолча, палос ва бошқалар) ҳисобга олиш билан овора бўлишиб, вакиллар энг асосий нарсани назардан четда қолдирганлар. Масалан, Оқ овулда Довудбоев Холдор 2 десятина мевазор боғини ва ҳовлисидаги ярим турар-жой биноларини рўйхатга олишдан яшириб қолган.

Кўпгина бойлар қулоқ қилиш бошлангунга қадар ўз мол-мулкни сотиб юборишга улгурганлар. Қоратепа овулида Олтибой Пармонов ва Қушоқ Тўқаев каби бойларнинг мол-мулкни рўйхатга олиш вақтида комиссия куруқ деворларни кўрганлар ҳолос, бирон-бир нарсани аниқлай олмаган. Худди ўша овулда

бой Ўташ Бичаев қисқа вақт ичида 96 қўйини, 8 та биясини, 2 та отини, 2 та ҳўкизини ва 1 сигирини сотиб юборган. Бердигулон овулида бой Алимқул Хўжақулов 50 туп дарахтни ўтин учун кесиб юборган, Ўтанбоев деган бой эса 60 туп теракни кесиб, сотиб юборган ва битта биносини ўтин учун бузиб ташлаган. Суранкент овулилик бойлар Рустам Отамқулов ва Қутибой Мавлонов ўз ҳайвонларининг бир қисмини Ўрта Чирчиқ туманидаги Чоштепа овулидаги Худойберганов Ўринбойникига ҳайдаб олиб борганлар.

Айни вақтда баъзи бойлар колхозларга кириб олишга уринганлар. Масалан, Қарши қишлоқ советида ҳуқуқдан маҳрум этилган учта бой ва анча бақувват ўрта ҳол овул советининг раиси худойи қилиш ниқоби остида икки марта колхозга ёзилганларни тўплаб, ё қулоқларни ҳам бирга қўшиб ҳаммани колхозга қабул қилишни ёки бўлмаса ҳеч кимни колхозга ёзмасликни таклиф этган. Натижада колхозга ёзилган 27 кишидан 19 таси колхоздан чиқиб кетган ва тез орада номаълум кишилар томонидан фаол колхозчи Бондаренкога нисбатан суиқасд қилиб уюштирилган (бойлар ва овул совети раиси қамоққа олинган).

Айни вақтда ҳужжатда камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларнинг кайфияти айниқса пахта экадиган қишлоқ советларида ялпи жамоалаштиришни амалга ошириш бир оз осон кечаётгани, масалан, Саксонота қишлоқ совети бўйича 204 хўжаликдан 170 таси, Тўғизбой қишлоқ совети бўйича 276 та хўжаликдан 240 таси, Кавардак қишлоқ совети бўйича 420 та хўжаликдан 400 таси, Қарши қишлоқ совети бўйича 485 хўжаликдан 428 таси, Оқ қишлоқ совети бўйича 300 хўжаликдан 270 хўжалик колхозга ёзилганлиги, районда эса ялпи жамоалаштириш билан 17 та қишлоқ советидан 11 таси, 2 та қишлоқ совети 100 тадан аъзоси бўлган колхозлар ташкил этилгани қайд этилган. Қолган қишлоқ советларида колхоз тузиш оғир кечаётгани ва умуман колхозларни расмийлаштириш иши ёмон аҳволдалиги, низомлар (уставлар) йўқлиги, колхозларда ер тузилиши ҳозирга қадар бошланмагани, «III Интернационал» номли колхоз раҳбари ҳокимият органларига шу масала юзасидан бир неча бор мурожаат қилгани, лекин улар оқибатсиз қолаётгани ҳужжатда кўрсатилган.

Ўрта Чирчиқ районидаги аҳвол мана бундай тавсифланган: «Районда қулоқ қилиш бўйича комиссия 1 февралда иш бошлаб район партия комитетининг кўрсатмасига кўра 5 февралда ўз ишини туталлаган. Ҳисобга олиб чиқилган бой хўжаликлари тўғрисидаги якуний маълумотлар олинганича йўқ, чунки бир қанча қишлоқ советларидан бундай маълумотлар келмаган. Бойларнинг рўйхати йўқлиги ва районда қулоқ қилиш бўйича аниқ йўл-йўриқларнинг йўқлиги ишчи бригадаларнинг амалий ишларида қатор хатолар ва бузилишларга олиб келган. Тоштепа ва Ўрта Сарой қишлоқ советларида бутун аҳолининг мулкани ҳисобга олиш ва шундан кейинги бой хўжалиklarини алоҳида рўйхатга

олиш ва камбағаллар мажлисларида актларни тасдиқлаш олдиндан дастлабки тарзда ўтказилган. Бунда ишчи бригадаларининг вакиллари камбағал деҳқонларга бойларни район ҳудудидан кўчириб юбориш ва уларнинг мол-мулкини 10 кун ичида мусодара қилиш ҳақида ваъда қилганлар. Ишлаб чиқариш воситалари ва қуролларини рўйхатга олиш билан бир қаторда Тоштепа, Қундузук ва бошқа қишлоқ советларида кундалик уй-рўзғор буюмлари ва шахсий истеъмол буюмлари ҳам рўйхатга олинган. Қундузак қишлоқ советидаги Ёриқ қишлоғида бой Ёрматов Мусонинг, Қурбонов ва Султонов деган ака-укаларнинг қўшнилари-нинг уйига яшириб қўйилган ётар-турар кўрпа-тўшаклари, идиш-товоқлари ва тикув машиналари ошкор этилиб, улар тортиб олинган ва кейинчалик қизил чойхонага бериш учун қишлоқ совети раисига топширилган.

Қум, Қундузак, Тоштепа ва бошқа қишлоқ советларида омавий тинтувлар ўтказилган. Баъзи ҳоллардан мустасно рўйхатга олинган мол-мулклар тилхат асосида ўзларининг собиқ эгаларига сақлаш учун қайтариб берилган».

Қулоқ қилиш вақтида бойларнинг қаршилик кўрсатиши очиқ сезилмасида, қишлоқ хўжалик солиғи ва бошқа солиқлар солинишидан қочиб яшириниб юрган қатор қулоқлар бундан 1—2 ой илгаридан қочиб юрганликлари (Қум қишлоғидан Отарбой Муҳаммадалиев ва бошқалар) қайд этилган.

Районда ҳаммаси бўлиб 2 бой — Расулов Жумабой ва Бекмурод ҳибсга олинган. 1 та қулоқ думи (подкулачник) шу масала бўйича қабул қилган қарор асосида камбағал Исмон Маматовнинг барча фаолларни чавоқлаб ташлаш зарурлиги ҳақидаги уларнинг гапини эшитганлиги муносабати билан берган баёноти тўғрисида қамоққа олинган.

Пскент районидаги аҳвол маърузада шундай тавсифланган: «Қишлоқ советлари бўйича кўпчилик комиссиялар бой хўжаликларни ҳисобга олишни 5 февралда тугалладилар. Қулоқ қилишни амалда ўтказиш фақат район штабининг маълум қарори чиққандан кейингина ҳар бир айрим хўжалик бўйича амалга оширилган. Бир қатор жойларда (Ёғлиқ қишлоқ совети ва бошқаларда) мол-мулкни колхозлар ихтиёрига ўтказишга уринишлар дарҳол рўйхатга олингандан кейин содир этилган камбағаллар мажлисида тасдиқланиши кутилмаган. Қишлоқ комиссиялари худди ана шундай кўрсатмалар олганликларини, яъни рўйхатга олдинги, дарҳол колхозга бер, деб айтганлар. Бунга ўхшаш уринишлар ОГПУ вакиллари томонидан огоҳлантирилиб борилган.

Қулоқ қилиш ишида камбағалларнинг фаоллиги кенг кўлам касб этди. Районда вакиллар томонидан олинган бойларнинг деярли барча рўйхатлари камбағаллар мажлисларида 50 фоизгача ошириб юборилган ва тездан қулоқ қилишни амалга ошириш талаб қилинган. Ёғлиқ қишлоқ советида камбағаллар бойлар би-

лан биргаликда узлуксиз равишда советларга қарши ташвиқот билан шуғулланиб келаётган ва камбағалларни жабрлаб келган қулоқ думлари (подкулачник)нинг хўжалигини мусодара қилишни талаб қилганлар.

Шу билан бир қаторда бойларнинг фаоллашуви кучайиб, жойларда ошкора ҳужумга ўтиши юз берган. Суйри қишлоқ советида сайлов ҳуқуқидан маҳрум этилган бойлар колхозга қабул қилинмаган бой Каримов Абдураимнинг уйида 4 февралда бўлган кенгашдан сўнг ўзларининг сайлов ҳуқуқларини тиклаш ва колхозга қабул қилиш ҳақида ариза берганлар. 5 февраль куни камбағаллар мажлисида ариза қараб чиқилганда ҳуқуқларини тиклаш ва колхозга қабул қилиш талаблари рад этилган, ҳуқуқдан маҳрум этилган Жиянбоевнинг ҳуқуқда тикланиши ва колхозга қабул қилиниши талаби рад этилган, натижада бойлар жанжали келиб чиққан, оқибатда мажлис тарқатиб юборилган. Мажлисдан кейин батрак Холдаров Абдулҳамиднинг талабига кўра колхозга қабул қилинмаган бой Каримов Абдураим қариндошлари Темирбой ва Абдурахимлар билан биргаликда кўчадан ўтиб бораётган Холдаровга пичоқ уриб бир неча оғир жароҳат етказганлар (шу иш бўйича 7 киши қамоққа олинган ва тергов олиб борилган). Ёғлиқ қишлоқ советида (мол-мулки) хўжалиги рўйхатга олинган кичик қулоқнинг ўғли ана шу хўжаликни талон-торож қилишдан қўриқлаб турган батракни уриб калтаклаган (ота ва ўғил ҳибсга олинган).

Ҳайвонларини сотиб юборганлиги учун 4 та бой қамоққа олинган. Оққўрғон бозорида 172 та қўйини сотишга ҳаракат қилган Ўрта Чирчиқ районида яшовчи Ирисбоев Абдуқодир қочиб кетишга уринган, Орқабоев Саттор ва Тожибоев Ураимлар (Кўйи Чирчиқлик) — биринчиси 32 та қўй ва иккинчиси 29 та қўй билан, Кўк-Чолма қишлоқ советидан бир бой (фамилияси номаълум) рўйхатга олинган қўйларидан 8 тасини сотиб юборган (тортиб олинган қўйлар қулоқ қилиш комиссиясига бойлар яшайдиган жойга жўнатилган).

Районда жамоалаштириш иши асосан тугаллангани, колхозларда ер тузилиши масаласи ташвиш туғдираётгани, район колхоз секцияси ва район ижроия комитетининг Округ ер комиссиясига ер тузувчилар юбориш тўғрисидаги бир неча бор юборган илтимосномалари оқибатсиз қолиб кетаётгани, Округзем ҳар сафар ер тузувчилар бошқа районларда иш билан бандлар, деб жавоб бераётгани ҳам қайд этилган. Шу муносабат билан колхозлар ишлаб чиқариш режаларини тузиш, уруғлик, кредит, инвентар олиш учун лойиқ буюртма бериш имкониятига эга эмасликлари ҳам айтилган.

«Жамоалаштириш бўйича тайинланган масъул ходимларнинг деҳқонларга колхоз қурилишининг маъно-мазмунини тушунтиришга панжа орасидан қараётганликлари, — деб кўрсатилган маърузаномادا, — (унинг моҳиятини тушунмаслик ҳам...)» диқ-

қат эътиборни жалб этади. Масалан, Қораучин қишлоқ советида жамоалаштириш масаласи юзасидан ўтказилган мажлисда унинг ташкилотчилари шундай деганлар: «Сиз, камбағаллар колхозларга алоҳида уюшинглар, ўрта деҳқонлар эса ўзларининг колхозларини ташкил қилсинлар».

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси ўринбосари В. А. Каруцкий ва ОГПУнинг Ўрта Осиё бюроси Ахборот бўлими бошлиғи Рибальский 1930 йил 10 февралда мутлақо махфий тамға билан Тошкент округ партия комитети котиби Бақунца, Тошкент округ ижроия комитети раиси Павловский-га, Ўзбекистон ГПУ сига, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси қишлоқ бўлимига Самарқанд шаҳридан Тошкент округида қулоқ қилиш тўғрисидаги материалларни юбориб унга қўшимча қилиб хат йўллайди. «Биринчидан, — дейилган эди ушбу хатда, — қулоқ ва бойлар синфини йўқ қилиш камбағаллар кенг оммасининг ва ўрта ҳол деҳқонлар онгли қисмининг фаол иштирокида ўтди ва бу ҳол ёппасига жамоалаштириш районларини истисно қилганда ҳам колхозларнинг гуриллаб ўсишида (Ховос ва Юқори Чирчиқ районлари) камбағал ва батраklar томонидан иш жараёнида қулоқ хўжалиklarини оммавий равишда аниқлашда, бойларни кўчириб юборишни талаб қилишда ва бойларнинг камбағалларга қарши террорининг кенгайиб кетганлигида (Пскент, Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ районлари) ўзининг аниқ ифодасини топди. Кенг деҳқонлар оммасининг колхозларга киришга интилишлари кучайиб бораётганлиги билан бир қаторда бойларнинг таъсирида бўлган ўрта ҳол деҳқонлар ва камбағалларнинг онги паст қисми тушунтириш ишларининг ёмон ташкил қилинганлиги натижасида кутиб туриш мавқеида турибдилар ва жамоалаштиришни митти (кичкина) колхозлар тузиш йўлига солиб юборишга уринмоқдалар (Бекобод ва Ўрта Чирчиқ туманлари).

Иккинчидан, жамоалаштиришнинг энг асосий босқичи колхозларни ташкилий жиҳатдан расмийлаштириш, ер тузилиши ва тегишли раҳбарлар билан таъминлаш жиддий хавф туғдирмоқда. Барча районлар бўйича низом (устав) лар йўқ, ер тузиш ва колхозларга ер майдонлари ажратиб бериш амалга оширилмаяпти, колхозларда ишлаб чиқариш режалари йўқ.

Учинчидан, бригадалар томонидан мусодара қилиниши лозим бўлган нарсалар рўйхатининг олинмагани, етарли йўл-йўриқнинг йўқлиги ва ишдаги ҳаддан ташқари шошмашошарлик синфий йўлнинг хилма-хиллигига, бузилишига ва ҳаддан ошишларга олиб келди, ҳатто мулкни бирданига мусодара қилиш тўғрисидаги масаланинг қўйилишининг ўзи партия қарорларига очикдан-очик қарама-қарши эди. Мирзачўл, Янгийўл ва Ховос районларида мулкни мусодара қилиш ўтказилган бир вақтда Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ, Бекобод ва Пскент районларида рўйхатга олиш ўтказилди холос. Қатор районларда қулоқ хўжалиklари билан бир қаторда ўрта ҳол деҳқонларнинг мулки ҳам рўйхатга

олинди. Бекобод ва Пскент туманларидан ташқари ҳамма жойларда ишлаб чиқариш қуруллари ва ишчи ҳайвонлар билан бир қаторда шахсий истеъмол буюмлари ва рўзғор анжомлари ҳам рўйхатта олинган.

Тўртинчидан, бойлар ва бойлар томонидан ташвиқ қилиниб чалғитилган ўрта деҳқонларнинг камроқ қисми томонидан мол-мулкни, кўпроқ ҳайвонлар ва дарахтларни яшириш ва сотиб юборишга интилиш оммавий тус олди ва бу ҳол нарх-навонинг кескин тушиб кетишига олиб келди. Тўйтепа, Бекобод, Тошкент шаҳри, Оққўрғон ва Ўрта Сарой бозорларида чорва моллари (ҳайвонлар) одатдагидан кўра 40—50 фоизга арзон (кам)га сотилди.

Бешинчидан, бойлар томонидан ташкилий равишда қаршилик кўрсатиш айрим жойларда ошқора қарши ҳужумга ўтишга айланиб кетди ва у худойи қилиш ва турли меҳмондорчиликлар баҳонаси остида махфий кенгашлар шаклида (Бекобод ва Юқори Чирчиқ районлари), фаол колхозчилар ҳаётига суиқасд қилишлар (Пскент ва Юқори Чирчиқ районлари), мол-мулкни аста-секин талон-торож қилиш йўли билан камбағалларнинг хушёрлигини синдириш ва босмачилиқни янгидан ташкил этишга уришиш шаклларида намоён бўлмоқда (Бекобод райони).

Олтинчидан, қулоқ қилиш иши жараёнида жойларда бизнинг аппаратимиз томонидан 11 та бой ва кичик бойлар — қаршилик кўрсатишнинг фаол ташкилотчилари қамоққа олинди (Пскент ва Юқори Чирчиқ районлари). Колхозчилар сафини бойлар томонидан ёт унсурлар билан тўлдиришнинг олдини олиш тadbирлари кўрилди ва советларга қарши унсурлар қўлидаги қурул-яроғни оммавий мусодара қилиш ўтказилди¹.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий ваколатхонаси раиси ўринбосари В. А. Каруцкий, ахборот бўлими бошлиғи Волинскийларнинг 1930 йил майида тақдим этган мутлақо махфий «Сиёсий ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар таркибини қайта кўриб чиқиш юзасидан олиб борилган ишлар ҳақида»ги 1-сон ахборотида Бухоро ва Самарқанд округларидаги ҳолат тавсифи берилган. 1929 йил август-сентябрида ҳукумат фармойишларига мувофиқ сайлов ҳуқуқларидан нотўғри маҳрум қилинганлар бўйича шикоятларни доимий район комиссиялари кўриб чиқишлари керак эди. Аммо комиссиялар амалда ҳеч қандай иш олиб бормаганлар. Оқибатда Эски Бухоро районида 1930 йил март ойида 1928, 1929 ва 1930 йиллардан қолган 1767 та ариза мавжуд эди. 1930 йил март ойининг ўрталарида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг ана шу рўйхати қайта кўриб чиқилиши керак эди. Аммо бу ишга оддий кампания туси берилиб, уни амалга оширишга заиф, тажрибасиз, етарли сиёсий саводга эга бўлмаган ва ёмон йўл-йўриқлар олган ходимлар ажратилган. Бунинг оқибати-

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2140-иш. 87-парақ.

да қатор камчилик ва хатоликларга йўл қўйилган. Биринчидан, қишлоқ советларидаги вакиллар мажлисларда бутун апрель ойи давомида сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар сайлов ҳуқуқларини тиклаганликлари ҳолда, бу ишни район ижроия комитетлари ҳайъати орқали расмийлаштираолмаганлар, натижада кампания ўзининг сиёсий аҳамиятини йўқотган, ҳуқуқдан нотўғри маҳрум этилган ўрта деҳқонлар учун ҳеч қандай самара бермаган. Иккинчидан, ишлаги шошмашошарлик, вакиллар таркибининг заифлиги ва синфий жиҳатдан бўшлиги бойлар ва диндор шахслар фаоллигининг жонланишига ва уларнинг баъзи ҳолларда ўз ҳуқуқларини тиклаб олишларига эришилди.

Эски Бухоро райони Сариосиё қишлоқ советида ҳуқуқи тикланган 22 кишидан 9 таси бой, 6 таси савдогар ва 2 таси имом экани маълум бўлган. Харгуш қишлоқ советида ҳуқуқи тикланган 36 кишидан 18 таси ер-сув ислоҳоти бўйича кесилган бой, 14 таси имом, 8 таси эшон ва 5 таси савдогар экани аниқланган.

Вобкент районидаги қатор қишлоқларда сайлов ҳуқуқларини нотўғри тиклаш ҳоллари содир этилган. Кучки Расул қишлоғида ер-сув ислоҳоти бўйича кесилган 2 тадан доимий батраги бўлган 4 та бойнинг ҳуқуқи тикланган. Янги Бозор қишлоқ советида ер-сув ислоҳоти бўйича кесилган 6 та йирик бойнинг ҳуқуқи тикланган. Шунга ўхшаш ҳоллар Қиёқ-Хўжа ва Суяин қишлоқ советларида ҳам содир бўлгани ўша махфий хатда келтирилган.

Ғиждувон райони Пермаст қишлоқ советида 3 та бойнинг сайлов ҳуқуқларини тиклаш ҳодисаси юз берган. Булардан ташқари худди шундай 6 та ҳодиса содир бўлгани қайд этилган.

Янги Бухоро районида 9 марта бойларнинг сайлов ҳуқуқлари нотўғри тикланган.

Қорақўл районидаги қатор қишлоқ советларида 6 та йирик бой ва савдогарнинг сайлов ҳуқуқлари тикланган. Худди шундай ҳоллар Шофиркон районида ҳам содир этилган.

Ҳукуматнинг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилинганларнинг рўйхатини оммавий равишда қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги сўнги фармойиши (директиваси) районларда фойдаланиш учун фақат 26 апрелда юборилган.

Эски Бухоро районида ҳуқуқдан маҳрум қилинганларнинг қатъий рўйхати район ижроия комитетида ҳам, қишлоқ советларида ҳам бўлмаган.

Шофиркон районида ҳуқуқдан маҳрум қилинганларнинг ҳисоби мутлақо йўқ.

Бухоро округидагидек бундай аҳвол Самарқанд округида ҳам юз берган. Бу округда ҳам ҳуқуқдан маҳрум қилинганларни ҳисобга олиш жуда бўш йўлга қўйилган. Аксарият ҳолларда райижрокомлар билан қишлоқ советларининг маълумотлари бир-биридан кескин фарқ қилган.

Пойарнқ районидаги комиссия фавқулудда бўш ишлагани, унинг аъзолари ичкиликбозлик қилиб, мажлисларни барбод

қилаётгани қайд этилган. Митан районида комиссия рўйхатларни расмангина қараб чиқаётгани (битта мажлисда 290 киши қараб чиқилган) ва ҳеч қандай сабаблар кўрсатилмаган ҳолда қарорлар қабул қилгани таъкидланган. Айрим қишлоқ советларининг берган маълумотларига кўра илгари ҳуқуқдан маҳрум қилинганларнинг тахминан 20—25 фоизигина ҳуқуқи тикланаётган эди.

Хўжанд округида ҳуқуқдан маҳрум қилинганларнинг рўйхатини қайта кўриб чиқиш кампанияси фақат 25 апрелда бошланган ва районларга комиссиялар худди ана шу кунни жўнатилган.¹

77-сон пахта заводи қишлоқ хўжалиги бўлими мудирини Белькининг 1930 йил 24 майда Ўзбекистон Компартияси Марказкомининг биринчи котиби Акмал Икромовга йўллаган маъруза-номасида Бойсун районида ўтказилган жамоалаштириш ва қўлоқ қилишдаги бузилишлар, қинғирликлар очиб берилган. Бу районда жамоалаштириш қўпол маъмуриятчилик усуллари билан ўтказилган. Оқибатда советлар тадбирларига, жумладан, экиш-тикиш характеридаги тадбирларга қарши қаратилган оммавий ҳаракат авж олиб кетгани, янгидан-янги қийинчиликлар ошқор юзага чиқаётгани, камбағал ўрта ҳол деҳқонга қарши қилиб қўйилиб, бу икки ижтимоий гуруҳлар ўртасига колхоз қурилишига раҳбарлик қилувчилар жинсий хатти-ҳаракатлари нифоқ солаётгани, ўшандай шахслардан бири округнинг масъул раҳбари Ниёзов бўлиб, у нима учундир округ экиш комитетида бемалол ишларни бошқараётгани қайд этилган.

Белькин Ниёзовнинг жазосиз қолаётганлигини округ ташкилотлари томонидан жиноятчиликни яшириш учун қилинаётган уринишлардан биридир деб билган. «Бутун хавф шундаки, — деб ёзади у, — икки ижтимоий гуруҳнинг орасидаги ажралиш шу жиҳатдан таҳдид солувчи характер касб этадики, ўрта ҳол деҳқонлар оммасининг нисбатан катта қисмини юз берган ажралиш асосида муллалар, бойлар ва қишлоқ судхўрлари ўрта деҳқоннинг норозилигидан фойдаланиб ўз томонларига ағдариб олмоқдалар. Масаланинг бутун моҳияти шундаки, колхозларда маъмурий тазйиқ билан вужудга келтирилган меҳнатни ҳисобга олиш кечикиб амалга оширилгани туфайли шу пайтгача ёки ўрта деҳқонларнинг, ёки камбағалларнинг колхоздан чиқиб кетишга уринишлари ва галаёнлари содир бўлмоқда».²

Жамоалаштирилган далаларда экиш ишлари тугалланган бир шароитда камбағал ёки ўрта деҳқон гуруҳларининг осонгина колхозлардан чиқиб кетишини таъминлаш мумкин эди. Чунки ўрта деҳқон колхоздан чиқар экан, ўзининг ер улушини талаб қилган, камбағал деҳқон эса, кўпчилик ҳолларда ёки кам ер, ёки ерсиз, ўз ҳақ-ҳуқуқига кўра ўзининг манфаатларини ҳимоя

¹ РИСТДА. 62-фонд. 2-рўйхат, 2138-иш, 43—45-варақлар.

² РИСТДА. 62-фонд. 2-рўйхат, 2139-иш, 60-варақ.

қилар экан, колхоздан чиқаётган ўрта ҳоллар гуруҳига экин майдони ажратиб беришдан қатъий бош тортган. Шу боис ҳам қишлоқнинг бу икки асосий гуруҳи манфаатлари бир-бирига тамомла зиддир, шу сабабдан Подан қишлоқ советидаги «Учқун» ва «Ёш куч» колхозларида район ходимлари томонидан меҳнат кунини ҳисоб-китоб қилишга уриниш пайтида 10 май куни тўқнашув бўлиб ўтди. Шунда камбағаллар билан ўрта деҳқонлар муштлашганлар, раҳбар ходимларнинг бир қисми эса қочиб кетганлар.

Колхозларнинг беқарорлиги заминида уларнинг бузилишга мойиллиги очиқ-ойдин кўриниб турибди. бироқ колхоздан чиқиб кетиш туфайли юз берган кескинлик ҳозирги пайтда юзаки осойишталикни вужудга келтирган бўлса-да, у совет ҳокимиятига қарши катта чиқишга айланиб кетиши мумкин, чунки колхоздан чиқиб кетишда ҳар икки гуруҳ — камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларнинг манфаатларини қондириш маъносида колхозларнинг бузилиб кетиш йўллари ҳали ҳеч ким томонидан аниқлаб берилган эмас.

Ўрта ҳол деҳқонлар кўп ҳолларда умумлаштирилмаган ишчи ҳайвонларга эга бўла туриб, мулк ҳуқуқидан фойдаланиб, дала-ларга экин экишда жуда кам қатнашган, барча дала ишларини мулкка эга бўлмаган камбағал хўжаликлар кучи билан бажарган. Бундан, колхоз бузилиш масаласини кўйганда, ўрта деҳқонлар ўз чекини (ерини) талаб қилар эканлар, камбағаллар эса бундай деганлар: ўрта деҳқонлар колхоздан чиққанларида биз уларга ҳеч нима бермаймиз, ҳеч бўлмаганда уларнинг қилган ишларига яраша нарса берамиз».

Мана, ҳозирга қадар ҳеч ким ҳал эта олмаган зиддиятлар тугуни нимадан иборат, ўзаро бир-бири билан жанжаллашган колхоз эса битта умумий фикрга келолмайди. Бундай ҳолатнинг узоқ давом этиши мумкин эмас, чунки ғазабланиш кун сайин кучайиб бормоқда ва мулла ҳамда бойларнинг ёрдамида совет ҳокимиятига қарши бош кўтариб чиқиш хавфи ҳам йўқ эмас.

Муллалар ва бойлар камбағаллар билан ўрта деҳқонлар орасидаги ажралишдан фойдаланиб, ўрта деҳқон сиймосида ўз иттифоқчисини топганлар ва бу ният амалга ошадиган бўлса қаттиқ жангларнинг бўлиши муқаррарлиги аниқ бўлган. Буларнинг барчаси устига молия назоратчиси Шагаев раҳбарлигида туман молия бўлими кўпгина ўрта ҳол деҳқонларни бойлар гуруҳига кўшиб юбориб аҳволни чуқурлаштириб юборган.

Бойсун районида маҳаллий кадрларни етиштириш куннинг навбатдаги энг муҳим вазифаларидан бўлган. Чунки келгинди руслар жамоаси бойларнинг кучли ташвиқоти туфайли Ўзбекистонда пахта экишдан иборат рус сиёсати ўтказилмоқда деган фикрда юрган. Бу масалага районнинг бутун жиноий раҳбар бошлиқлари ҳеч қандай эътибор бермаган, ҳатто қишлоқнинг барча жонли (соғлом) кучлари «молўрага солиб қўйилган».

Белькин бир мисол келтирган: «Мен тасодифан район иж-роия комитетида ёш бир узбек йигити билан гаплашиб қолдим, у ўзаро суҳбатда ҳозирги аҳволни чуқур тушунганлигини намоён этди ва мен у ўзининг район ижроия комитетининг фарроши лавозимида эканлигини айтганда ғоят таажжубландим. Шундай бўлиб чиқдики, мазкур фаррош Термиз шаҳридаги икки йиллик педагогик курсни тамомлаган, комсомол аъзоси. Бу маълумотли фаррошнинг фамилияси ва исми Ҳамро Ҳайдаров, ўша қишлоқ советидаги Шаит қишлоғилик, 22 ёшда, унинг айтишича, отаси кекса камбағал (73 ёшда), маълумотли, ерли ўзбекдан фаррош лавозимида фойдаланилаётганлигини қандай ҳол деб аташ мумкин? Шу вақтнинг ўзида эса район комсомол комитетининг котиби қилиб сиёсий жиноятчи район комитети котиби Қосим Хўжаев ҳомийлигидаги савдогар тайинланган».

Лалмикор пахта экиш яхши ўтгани, экиш майдони 1185 га қилиб бажарилгани, шундан колхозлар томонидан 1084 га, шахсий хўжаликлар томонидан 35 га ва бой хўжаликлар томонидан 66 га пахта экилгани, 1 майда ёққан ёмғир (315 миллиметр) ва 2 майдаги ёққан ёмғир (205 миллиметр) қаттиқ қатқалоқ ҳосил қилгани, район экиш комиссияси ва бошқалар томонидан кўрилган қатор тadbирларга қарамай, пахта экувчилар қатқалоқни юмшатишдан бош тортганлари, ҳаммаси бўлиб Посурхон, Шаит, Работ ва Шўроб қишлоқ советларида тахминан 469 га майдонда экилган пахта нобуд бўлиш хавфи остида қолгани, шартнома пунктларини бажаришдан бош тортган пахтакорларга нисбатан актлар тузилгани ва судга берилгани, ишнинг судга берилганлиги ҳақидаги хабар колхозчиларнинг пахта экинларини оғир мола қилишга киришишларига туртки бергани ҳам Белькин хатида қайд қилинган.

ЎзКП(б) Марказий Комитетининг 1930 йил 15 июндаги қарори билан Савдо халқ комиссарлигига ва Округ комитетларига қулоқ хўжаликларини уларга шахсий қишлоқ хўжалик солиғи солиш учун пухта синчиклаб танлаб олиш кампаниясини ўтказиш топширилади.

Округ партия комитети ва Округ ижроия комитети кўрсатмасига мувофиқ Фарғона округи бўйича қулоқ хўжаликларини ҳисобга олиш 15 майдан бошланиб 1 июнга тугалланиши керак эди. Лекин қишлоқ хўжаликларига солиқ солишнинг белгилари ҳақидаги кўрсатманинг мавжуд эмаслиги ва тўла бўлмаганлиги туфайли ҳисобга олиш бўйича ишлар вақтинча тўхтатиб қўйилган.

1930 йил 22 июнгача қилинган ишларнинг ҳолати бўйича қулоқ хўжаликларининг 4545 таси ёки ўтган 1929 йилдаги қулоқ хўжаликлари миқдори (7579)нинг 60 фоизи ҳисобга олинган.

1929/30 йилда ҳисобга олинган қулоқ хўжаликлари Чуст районида 104, Поп районида 438, Қўқон районида 737, Бувайда районида 967, жами 2446 хўжалик бўлган бўлса, 1930/31 йилда

эса бу кўрсаткич Чуст районида 144, Поп районида 474, Кўқон районида 286, Бувайда районида 587, жами 1489 хўжалик ҳисобга олинган. Яъни бу 4 район бўйича деҳқон хўжаликларининг умумий миқдорига нисбатан 3,02 фоизни ташкил этган.

Бу қулоқ хўжаликларини аниқлаш Фарғона округ ижроия комитети Президиуми қарори ва Фарғона округ молия бўлими йўриқномасида кўрсатилган белгилар бўйича амалга оширилган. Бироқ бу кампания ишининг маълум салбий томонлари ҳам бўлган. Масалан, округ томонидан раҳбарлик қилиш ва йўл-йўриқлар берилганлиги етарли ташкил этилмаган, шу боисдан уларнинг қулоқ хўжаликларини аниқлаш ишида кам иштирок этган, бунинг натижасида комиссиялар қулоқ хўжаликларининг белгилари борлиги ҳақида кам хабардор эди¹.

Қулоқ қилишнинг биринчи кампанияси якунлари ОГПУнинг Ахборот бўлими томонидан 1930 йили умумлаштирилган. Унда қайд этилишича, қулоқ қилиш бўйича авж олдирилган тадбирлар натижасида кўп жойларда асосий омманинг колхозга кириб келиши кучайган. Ҳатто шарқий районлар ҳисобланган Ўрта Осиёда ҳам жамоалаштириш ва қулоқлаштириш бўйича авж олдирилган тадбирлар камбағал-батрақлар оммаси томонидан қўллаб-қувватлаб чиқилган, улар бой хўжаликларни тутатиш талаби билан чиққанлар. Аммо бу сиёсат Ўрта Осиёда ҳам қинғайиш, бузишлар орқали амалга оширилгани қайд этилиб, бунга жойларда юз берган нохуш ҳолатлар эслаб ўтилган. Қулоқлаштириш жараёнида энг кўпол бузишлар Тошкент округининг Мирзачўл ва Янгийўл районларида юз берган. Дастлабида қулоқ қилинадиганлар тоифасига ўрта ҳолларнинг катта қисми киритиб юборилган, Самарқанд ва Тошкент округларининг айрим районларида 525 хўжалик қулоққа тортилиб, 188 минг сўмлик мол-мулк тортиб олинган. Туркменистоннинг 3 та жамоалаштириш районларида қулоқлаштириш амалга оширилган, Денов районида 124 хўжалик қулоқ қилиниб, 115248 сўмлик мулк, Мераб районида 23 хўжалик қулоқ қилиниб, 12134 сўмлик мулк, Саят районида 43 хўжалик қулоқ қилиниб, 41134 сўмлик мулк тортиб олинган. Тирик ва ўлик инвентарлар тўласинча колхозларга бериб юборилган, майда ҳайвонлар — чорвачилик ширкатларига, қорақўл — давлат савдосига, қимматли қоғозлар — молия органларига бериб юборилган.

Ўзбекистонда қулоқлар мулкларини тортиб олиш чоғида кўпчилик ҳолатларда мулкларга ҳеч қандай баҳо қўйилмаган. Масалан, Янгийўл районида тортиб олинган мулкнинг тахминий баҳоси аниқ эмас. Мулк колхозларга бериб юборилган².

¹ РИСТДА. 62-фонд, 2-руйхат, 2138-иш, 63-варақ.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918—1939... Том 3, китоби I, стр. 346—352.

3. «ПАХТА ЯККАҲОКИМЛИГИ УЧУН КУРАШ» НИҚОБИДАГИ ҚУЛОҚЛАШТИРИШ

Пахта яккаҲоқимлигига эришиш йўлида Марказнинг дастёри, югурдаги бўлмиш ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси бу минтақада партиявий диктатурани урнатиш, у орқали қишлоқ аҳолиси, айниқса, деҳқонлар оммасига зулм ўтказиш, пахта мажбуриятини ниқоб қилиб деҳқонларни террор қилиш, қатағон қилиш сиёсатини жуда ҳам усталик, айёрлик билан олиб борди. Далилу ашёларга мурожаат этамиз.

Ўрта Осиё бюросининг 1930 йил 8 октябрдаги мажлисида «Кулоқ сектори пахтасини харид қилиш тadbирлари» масаласи кўрилди. Қабул қилинган қарорда «кулоқ»ларга қарши бешафқат кураш олиб бориш ғояси, сиёсати алоҳида куч билан ифодаланган. Бой-кулоқларнинг пахта кампаниясининг муваффақиятли боришига қаршилик кўрсатишга қаратилган фаоллигининг кучайиб кетганлиги таъкидланиб кулоқ хўжаликлари томонидан пахта топширишни таъминлаш тadbирларини кўриш учун кулоқ хўжаликлари пахтасини сотиш юзасидан район комитетлари, район пахта комитетлари ва ГПУ вакилларида иборат таркибда район комиссиялари ташкил этишга қарор қилинди. Шу билан бир вақтда қишлоқларда кулоқ хўжаликлари томонидан пахта топшириш режасини ўз вақтида бажаришларига ёрдам берувчи ва назорат қиладиган батрак-камбағаллари гуруҳлари ташкил қилиш, уларга қатъий топшириқлар бериш кўрсатилди¹.

Қарорда район комиссиялари зиммасига бой хўжаликлар томонидан контракция қилинган ҳосилнинг 100 фоиз бажарилиши устидан назорат ўрнатиш, бой хўжаликлардан келтирилаётган пахтани ҳисобга олиб бориш, райондаги ҳар бир ишлаб чиқариш ширкати, сотиб олиш пункти, айрим бой хўжаликлар бўйича кўрсатиб ўтилган хўжаликларнинг қатъий рўйхатини тузиш, айни вақтда ҳисобдан ва авансиз контракциядан яшириниб қолган кулоқ хўжаликларини ҳисобга олиш ва аниқлаш, бундай тоифадаги хўжаликлар аниқланса, уларга қатъий топшириқлар бериш кераклиги кўрсатилган.

Кулоқ хўжаликлари учун белгиланган муддатларда йиғиштириб олинмаган пахта ҳосили (бепул) район пахта кооперацияси ихтиёрига ҳеч қандай тўловсиз келиб тушишини таъминловчи тартиб ўрнатиш зарурлиги кўрсатилди. Кулоққа белгиланган режани бажаришдан атайлаб бош тортгани учун унга қарашли пахтани ўз вақтида териб олиш мақсадида район пахта кооперацияси пахтани йиғиштириб олишни ўз кучлари билан ташкил этишлари кераклиги, бу ҳолда бутун ҳосил район пахта кооперацияси ихтиёрига ўтиши кераклиги қарорда таъкидланди.

Район пахта кооперацияси томонидан бундай ҳолларда олин-

¹ РИСТДА. 62-фонд. 1-рўйхат. 654-иш. 113–115-варақлар.

ган маблаг (пул) ижтимоий ва маданий эҳтиёжларга сарф қилинди. Бундан пахта терими учун ишчи кучларига пул тўлаш ва кулоқ хўжаликларининг давлат ва кооператив қарзларини қоплаш мустаснодир.

Шу қарор билан кулоқлар ва бадавлат хўжаликлар томонидан бутун ҳосилни топшириш муддатлари қисқартирилиб энг сўнгги муддат қилиб — 1 декабрь белгиланди.

Ҳақиқий ҳосилга боғлиқ равишда кулоқ ва бадавлат хўжаликлар томонидан пахта топшириш нормаларини кўпайтириш масаласи қайта кўриб чиқиладиган бўлди.

15 октябрдан кечиктирмай кўпайтирилган режаларни кулоқлар ва бадавлат хўжаликларга топширишни тугаллаш вазифаси топширилди.

Кулоқ ва бадавлат хўжаликларга пахта териш ва терилган ҳосилни ташиб олиб бориш учун ёлланган ишчи кучига натура билан (пахта билан) ҳақ тўлаш (ҳисоб-китоб қилиш) қатъий ман қилинадиган бўлди.

Ҳукумат ташкилотларининг хусусий кишилар қўлидаги жун (пахта чигитини чиқариш машинаси)ларини мусодара қилиш тўғрисидаги қарори қандай бажарилаётганлигини, пахтани тозалаш ва уни қайта ишлашни текшириш давлат пахта комиссияси органларидан ташқари бошқаларга ман этиладиган бўлди.

Ўрта Осиё республикалари Марказий Ижроия Комитетлари ва Халқ Комиссарлари Советларининг пахта билан савдо қилишни тақиқлаш тўғрисидаги қарорларини бузувчиларга қарши, уларни судга бериб, кураш олиб бориш тадбирларини кўриш, шунингдек, республикалар ҳукуматларига, агар улар ҳозирга қадар чиқарилмаган бўлсалар, ана шундай декретлар чиқариш тавсия қилинади.

Ҳукумат ташкилотларининг пахта майдонларидан бошқа хил экинлар экиш учун фойдаланишни тақиқловчи директиваларининг бажарилишини текшириши, пахтаси териб олинмаган пахта майдонларига бугдой экилаётганлиги фактларига алоҳида эътибор бериш кўрсатилди.

Камбағаллар пахтасини кулоқ ва бойларнинг транспортдан сўзсиз фойдаланиб ташиш устидан назорат қилиб туриш мажбурияти юкланди.

Кулоқ хўжаликларининг ўзининг пахтасини ташиш учун керак бўлганидан ортиқ ем-хашаклари қатъий нархлар асосида мусодара қилинадиган бўлди.

Ўз ҳаракатлари билан пахта тайёрлаш режасини бажаришга қарши бўлган қишлоқнинг бадавлат хўжаликларига ва шаҳарнинг чайқовчи-олибсотарларига қарши зарба бериш мақсадида ГПУ органлари қишлоқнинг советларга қарши кураш олиб борувчи юқори табақа қисмига, бойлар, миллатчилар, аксилинқилобий унсурлар ва ашаддий пахта топширмовчиларга қарши биринчи навбатда жазо чоралари кўришни кучайтириш, айниқса

бойларнинг етилган ва пишаётган пахта кўчатларини пайхон қилиш, ўриб ташлаш, колхозлар ва сотиб олиш пунктларига ўт қўйиш тарзида намоён бўлаётган советларга қарши чиқишларига дарҳол қарши зарба бериш, уларни қамоққа олиш ва судга бериш юзасидан жазо тадбирлари кўришни кучайтиришга алоҳида урғу берилди. Пахтани хом ҳолида, тайёр буюмлар сифатида сотиб олиш ва чайқов қилиш қатъиян ман этилди.

Совет аппарати, ширкатлар, сотиб олиш пунктлари, ҳисоб-китоб кассаларининг фаолиятларига энг кўп эътибор бериш, пахта кампаниясини барбод қилишга қаратилган саботаж ва заркунандаликнинг ошқора ва яширин шаклларини аниқлашга катта эътибор бериш ва бунда айбдор бўлганларни қатағон қилиш қарорда кўрсатилди.

Адлия халқ комиссарлиги органларига жойларда ашаддий пахта топширмовчилар иши юзасидан ишларни кўриб чиқиш, ҳукмлар чиқариш учун судларнинг кўчма махсус сессияларини ташкил этиш, кўчма сессияларнинг таркибида ҳам, шунингдек, жазо ҳаракатларини қўллашда ҳам, камбағал ва ўрта деҳқонларга тегмаган ҳолда, қулоқларга қарши жазо чораларини қўллаб, синфий йўл тутиш вазифаси топширилди.

Миллий Компартиялар Марказий Комитетларига ва вилоят партия комитетларига ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ушбу қарори бажарилишининг бориши тўғрисида ўз вақтида ахборот бериш вазифаси топширилди. Пахта топширишдан атайлаб бўйин товлашда ва пахта кампаниясини барбод қилишга қаратилган хатти-ҳаракатлари билан фош қилинган қулоқларнинг мол-мулкани тортиб олиш, мусодара қилиш, ўзларини қамоққа олиш фақат ГПУ органлари ва судлар томонидан ўтказилиши қарорда кўрсатиб ўтилди.

Ширкатларга эгасиз майдонлардаги пахтани териб олишга, олинган маблағларни ўз хоҳишига кўра ишлатишга рухсат берилди¹.

Советлар бой қулоқлар фаоллиги кучайиб бораётибди, бу айниқса пахта кампаниясининг муваффақиятли боришига зарба бермоқда деган мақсадда қулоқ хўжаликлари томонидан пахта топширишларини таъминлаш учун кескин чора-тадбирлар кўришга жон-жаҳдлари билан кураш олиб бордилар. Жойларда қулоқ хўжаликлари пахтасини реализация қилиш бўйича район ижроия комитети, район пахта комитети ва ГПУ вакилларидан иборат район комиссиялари ташкил қилинди. Бир вақтнинг ўзида қишлоқларда қулоқ хўжаликларининг қатъий топшириқ асосида пахта топшириш режаларининг ўз вақтида бажарилишига ёрдам кўрсатувчи ва назорат қилувчи батрак-камбағаллар гуруҳлари тузилди. Бу комиссиялар зиммасига бой хўжалиқлардан олинган пахта ҳисобини олиб бориш, қатъий топшириқ асосида пах-

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 1-руйхат, 654-иш, 1, 13—15-варақлар.

та топширувчи қулоқ хўжаликларининг қатъий рўйхатини тузиш, рўйхат ва маблағсиз контрактациядан яшириниб юрувчи қулоқ хўжаликларини топиш, ҳисобга олиш, уларга қатъий топшириқ бериш вазифаси юклатилди. Қулоқ хўжаликларида етиштирилган пахта ҳосили тайинланган муддатда териб олинмаса, бу пахта район пахта кооперативига ҳеч қандай ҳақ тўланмасдан бериладиган, район пахта кооперативи ихтиёрига тушган пахта маблағлари жамоат ва маданий ишларга сарфланадиган бўлди, бир қисми эса қулоқ хўжаликларининг кооператив қарзларини тўлашга сарфланадиган бўлди.

Шунингдек, комиссия зиммасига қулоқ ва бойлар томонидан бутун пахта ҳосилини топшириш муддатини қисқартириш, охириги муддат қилиб 1 декабрни белгилаб қўйиш, қулоқ ва ўзига тўқ хўжаликлар топширадиган пахтани ҳосилдорликнинг ҳақиқий ҳолатидан келиб чиқиб кўпайтиришни қайта кўриб чиқиш, қулоқ ва ўзига тўқ хўжаликларга кўпайтирилган режани 15 октябрдан кечикмасдан топширишни тугатиш вазифалари юклатилди. Айна вақтда ёлланма ишчи кучидан фойдаланган қулоқ ва тўқ хўжаликларга ёлланган кишига ҳақ тўлашда натурал (пахта маҳсулоти билан) ҳолида тўлаш мутлақо ман этилди.

Пахта хом ашёсини қайта ишлайдиган жун машиналарини хусусий шахслардан олиб қўйиш, пахтани тозалаш ва қайта ишлашни фақат пахтачилик давлат комитетлари органлари орқалигина амалга ошириш, хусусий шахслар бундай ишлардан мутлақо маҳрум этиладиган бўлди.

СССР МИК ва ХКСнинг Ўрта Осиё республикаларида пахта билан савдо-сотиқ қилишларни мутлақо таъқиқлаб қўйган декретларининг бажарилишини назорат қилиш ва уни бузганларга қарши кескин чоралар кўриш, уларни судга бериш ҳамда Ўрта Осиё республикалари ҳукуматларига ҳам шундай декретлар қабул қилиш таклиф қилинди.

Пахта учун ажратилган майдонларда бошқа экин экишни таъқиқлаб қўйган ҳукумат декретларининг бажарилишини текшириб бориш, айниқса пахта йиғиштириб олинмаган дала майдонларида буғдой экиш фактларига қарши кураш олиб боришга алоҳида эътибор бериш кўрсатилди.

Комиссиялар зиммасига камбағаллар пахтасини ўзига тўқ ва қулоқлар транспорти билан ташиб келтириш вазифаси ҳам юклатилди.

Қулоқ хўжаликларидаги ортиқча ем хашакни, эҳтиёждан юқори миқдордаги қисмини қатъий баҳо билан тортиб олиш зарурлиги кўрсатилди.

Пахта тайёрлов режасининг бажарилишига қарши, шаҳардаги олибсотарлар, чайқовчиларга ва қишлоқдаги бой-қулоқларга зарба бериш мақсадида Ўрта Осиё бюроси қатор чоралар белгилади:

1. Пахтани топширишдан бош тортаётган бойлар, манаплар, аксилинкилобий унсурлар, ашаддий пахта топширмаганларга қарши ГПУ органлари жазо чора-тадбирларини кучайтириши, айниқса бойларнинг очилган ёки очилаётган пахтани ўриб ташлаш, колхозларга ва пахта пунктларига ўт қўйиш кабиларда ифодаланган советларга қарши фаол чиқишларига тезкорлик билан жавоб бериш, бундай унсурларни қамоққа олиб зудлик билан судга бериш талаб қилинди.

2. Пахта ва пахтадан тайёрланган буюмлар билан олибсотарлик қилиш қатъиян ман этилди.

3. Саботаж ва қўпоровчиликнинг яширин ва очиқ-ошқора шаклларини фош қилишга, пахта кампаниясини барбод қилишга қаратилган хатти-ҳаракатларининг олдини олишга совет аппарати, ширкатлар пахта пунктлари, ҳисоб кассаларининг максимум эътиборини қаратиш, бу борадаги айбдорларни қатағон қилиш кўрсатилди.

Адлия халқ вазирлигига пахта топширмаётган ашаддий унсурлар ишини кўриб чиқувчи ва ҳукм чиқарувчи судларнинг махсус сайёр сессияларини жойларда утказиш вазифаси топширилди.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси мазкур қарори бажарилишининг бориши ҳақида ўз вақтида ахборот бериб туриш миллий Компартиялар Марказий Комитетлари ва вилоят партия комитетларига топширилди.

Пахта топширишдан бош тортган, пахта кампаниясини бузишга уринган ашаддий қулоқлар мулкани мусодара қилиш, уларни мол-мулкидан маҳрум қилиш ва қамоққа олиш билан фақат ГПУ органлари ва судлар шуғулланишлари кўрсатилди.

Хўжасиз қолган майдонлардаги пахтани териб олишни ташкил қилиш ширкат хўжаликларига топширилган, бундан тушган маблағ эса шу ширкат хўжалиги ихтиёрида қоладиган бўлган¹.

Ўрта Осиё бюросининг 1930 йил 13 октябрдаги «Пахта тайёрлашни кучайтириш бўйича тадбирлар тўғрисида»ги қарориде пахта топширишдан бўйин товлаётган қулоқларга қарши кескин репрессив чоралар кўриш ҳақида директив кўрсатма бериш вазифаси ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакили Мироновга топширилди².

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1930 йил 9 ноябрдаги «Кузги экиш кампаниясининг бориши ва баҳорги пахта экиш кампаниясига тайёргарлик тўғрисида»ги қарориде ғалла экин майдонларини яшираётган ва ғалла экинларининг сиқиб чиқарилишига қаршилиқ кўрсатаётган бойларга қарши қатъий репрессия қўлланилсин, улар қамоққа олинсин ва пахтачилик районларидан кўчириб юборилсин дейилган. Бойларга қарашли пахта эки-

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 1-руҳсат, 654-иш. 1—13-варақлар.

² РИСТТДА. 62-фонд. 1-руҳсат, 654-иш. 15-варақ.

ладиган ерлар галла экинлари билан банд қилинган бўлса, бундай ерлар улардан тортиб олиниб колхозларга, айрим ҳолатларда эса камбағал ва ўрта ҳол хўжаликларга бериб юборилишига қарор қилинди¹.

Ўрта Осиё бюроси колхозлар томонидан пахта тайёрлаш мутлақо қониқарсиз аҳволдалигини, бу эса пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда ва пахта топширишда колхозларга етарли ёрдам берилмаётганлигининг, оммавий ишларнинг сустиги, колхозчиларнинг пахта тайёрлаш режасини бажариш теварагида етарли фаоллиги ва жипслигининг йўқлиги, баъзи колхозларнинг бой-унсурлар билан ифлосланганлигининг натижаси эканлигига эътибор қаратади.

Ўрта Осиё бюроси 25 ноябргача баъзи бир ишлаб чиқариш ширкатларида раҳбар ходимлар томонидан ҳар бири 1—2 ишлаб чиқариш ширкатларини текшириб чиқишни ва бу ишни ўтказишни Тўрақулов, Рейнгольд, Зверов, Юсупов, Бисеровлар зиммасига вазифа қилиб юклайди. Текшириш кампаниясини тайёрлаш ва ташкил этишнинг бориши устидан умумий кузатиш вазифаси Тўрақулов ва Рейнгольдлар зиммасига юклатилди.

Пахта топшириш бўйича ишларни кучайтириш, хусусан, текширишни ташкил этиш учун бир ой муддатда давлат пахтачилик комитети ва пахта маркази ихтиёрига саноат академияси ва қизил директорлар курслари ўқувчиларини сафарбар қилишга қарор қилинди.

Қарорнинг «Қулоқ ва ўзига тўқ хўжаликларга нисбатан муносабат» деб номланган қисмида илгари берилган директивларга қўшимча равишда ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг қулоқ ва тўқ (бадавлат) хўжаликларнинг юқори қатламларига 3—4 фоиз доирасида мажбурий топшириқлар бериш ҳақидаги 1930 йил 8 октябридаги қарорининг бажарилишини текшириб чиқиш ва ишни ташкил этишни район «учлик»лари зиммасига юклаш зарурлиги қайд этилди.

Қулоқ хўжаликларига пахта бўйича топшириқларни қисқартирилган муддатларда бажариш тўғрисидаги Ўрта Осиё бюросининг қароридан келиб чиқиб район «учлик»ларига ҳар бир қулоқ хўжалиги томонидан пахта топширишнинг энг охириги муддатда бажарилишига эришиш таклиф қилинди.

Қатъий топшириқлар олган ва бу топшириқларни қониқарсиз бажараётган қулоқ ва бадавлат хўжаликларга нисбатан район «учлик»ларининг кўрсатмаларига мувофиқ ёки ишлаб чиқариш ширкатлари кўрсатмаларига кўра, камбағаллар ва ўрта деҳқонлар вакилларининг сўзсиз иштирокида қулоқларнинг ҳовлиларини, шу хўжаликларда мавжуд пахта заҳираларини аниқлаш мақсадида текшириб чиқиш вазифаси қўйилди.

Қулоқ хўжаликлари томонидан уларнинг ҳар бири учун бел-

¹ РИСТДА, 62-фонд, 1-руйхат, 654-иш, 105-варақ.

гиланган муддатларда пахта топширмаган ҳолларда қулоқ хўжалиklarини жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор ўз-ўзидан кучга кириши ҳам эслатиб ўтилди.

Қулоқ ва бадавлат хўжаликларда пахта тайёрлаш бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши юзасидан барча тадбирларнинг амалга оширилиши устидан кузатиб бориш ГПУ раиси Мироновга топширилди. Сафарбар қилинган ходимларни тақсимлаш Райнгольд, Тўрақулов, Литвин ва Липатов ўртоқларга топширилди¹.

ВКП(б) МК Сиёсий бюроси 1930 йил 15 июлдаги йиғилишида ғалла тайёрлаш масаласини кўриб чиқди. Шахсан И. В. Сталин имзоси билан юборилган қарорда Ўрта Осиё бўйича 30 млн. пуд (шундан Қирғизистон бўйича 8 млн.) ғалла топшириш мажбурияти юклатилган².

Ўрта Осиё бўйича ОГПУ сиёсий вакиллигининг 1930 йил 15 ноябрда тўғридан-тўғри алоқа сими орқали ғалла тайёрлаш ва у билан боғлиқ репрессив чоралар тўғрисида ОГПУга йўллаган мутлақо махфий хатида Ўрта Осиёда ғалла тайёрлаш ноябрнинг 3 беш кунлигида Ўзбекистонда — 13348 ц, ёки 5 кунлик режанинг 7,8 фоизи, Туркменистонда — 2055 ц, ёки 5 кунлик режанинг 15 фоизи, Қирғизистонда — 24398 ц, ёки 5 кунлик режанинг 21,6 фоизи, Тожикистонда маълумотлар олинмади деб қайд этган. 15 ноябрғача колхозлар — 587242 ц, ёки йиллик режанинг 69,8 фоизи, қулоқлар 119430 ц, ёки 76,5 фоиз, кампания бошланганидан бери ҳаммаси бўлиб 3055988 ц, ёки йиллик режанинг 5166625 ц миқдоридagi 59 фоиз (бу миқдорга тайёрловнинг ҳамма турлари, гранц, шולי ва бошқа экин маҳсулотлари киритилган) ғалла тайёрланган. Ҳаммаси бўлиб, кампания бошланганидан бери шолидан ташқари 3042599 ц ёки 69,6 фоиз даражада дон йиғиб олинган. Кампания бошланганидан бери ҳаммаси бўлиб 1224 киши қатағон қилинган. Шундан 938 дан кўпроқ киши бойлар, 198 савдогарлар, 27 ўрта ҳоллар, 41 хизматчилар, 20 руҳонийлар, чиновниклар бўлган³.

ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 18 ноябрда «Пахта тайёрлашни жадаллаштириш бўйича қўшимча чоралар тўғрисида»ги масалани яна қайтадан кўриб чиқди. 1 декабрга қадар пахта тайёрлаш режасини 90 фоиз қилиб бажаришга қарор қилинди. Шу қарорнинг «Қулоқ ва ўзига тўқ хўжаликларга муносабат» деб номланган IV пунктида ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1930 йил 8 октябрдаги қулоқ ва ўзига тўқ хўжаликларга 3—4 фоиз атрофида мажбурий топшириқ берилганлиги ҳақидаги қарорини қўшимча равишда текшириб чиқиш кўрсатилди. Бу текширувларни ташкил этиш район «учлик»ларига топширилади. Қулоқ хўжалиklarининг пахта топшириш муддатини қисқартириш ҳақидаги қарорини бажариш ҳам шу «учлик»лар зиммасига юклатилади.

¹ РИСТДА. 62-фонд. 1-руйхат. 654-иш. 124—128-варақлар.

² Трагедия советской деревни... Т. 2, стр. 544.

³ Трагедия советской деревни... Т. 2, стр. 701—702.

Қатъий мажбурият олган қулоқ ва ўзига тўқ хўжаликлар ўз мажбуриятларини қониқарсиз бажараётганлигини камбағаллар ва ўрта ҳоллар вакиллар, ёки ишлаб чиқариш ширкатлари иштирокида текшириб чиқиш учун бу хўжаликларда пахта заҳиралари борлигини аниқлаш учун уларнинг уй-хонадонларини айланиб чиқиш ҳам қарорда кўрсатилган. Ҳар бир пахта топширмаган қулоқ хўжаликлари белгиланган муддатда топширмаса у хўжалик ўз-ўзидан автоматик равишда жавобгарликка тортилган. Бутун Ўрта Осиё бўйича қулоқ хўжаликлари томонидан пахта тайёрлаш режасини бажариши юзасидан барча тadbирларни амалга ошириш ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакили Мироновга топширилди¹.

1931 йил 1 июндан 1 августгача бўлган даврда, яъни 2 ой мобайнида Ўрта Осиёда советларга қарши фаолият кескин авж олади. «Бой-қулоқлар» деб ном олган қишлоқ аҳолисининг катта бир қисми экин экиш кампанияси билан боғлиқ ҳукумат томонидан ўтказилаётган тadbирларни бекор қилишга ҳаракат қилган. Фақат 5 та оммавий чиқишларнинг ўзида 2350 киши қатнашган. Бу оммавий чиқишларда партия, совет ходимларидан, колхоз фаолларидан 25 киши жабрланган, улардан 5 киши ўлдирилган, 13 киши калтакланган, 5 кишига тажовуз қилинган.

1931 йил апрель-май ойларида бутун Ўрта Осиё бўйича 104 та оммавий чиқишлар бўлиб, уларда 15896 киши иштирок этган. Икки ой ичида 60 та террорчилик ҳаракатлари, 49 та қотиллик, 7 та жароҳат кўриш қайд этилган. Шу давр ичида советларга қарши қаратилган 9 та аноним хат, чақириқ, варақалар тарқатилиб, уларда қишлоқ ва овулда советларнинг олиб бораётган сиёсати, тadbирлари, хўжалик-сиёсий йўли фош этилган.

ОГПУчилар қишлоқ аксилинқилобининг фаол ҳаракатларига қарши кураш олиб боришни ҳеч бўшаштирмаганликлари қайд этилган. Баҳордан, яъни апрель ойдан 1 августда қадар ОГПУ йўли билан 7739 киши, шундан 2792 киши Ўзбекистон бўйича, 640 киши Туркманистон бўйича, 1198 киши Тожикистон бўйича, 2193 киши Қирғизистон бўйича, 196 киши Қорақалпоқ республикаси бўйича қамоққа олингани, 1 июндан 1 августгача бўлган давр ичида эса 3549 киши қатағон қилингани ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича вакили Матсон томонидан қайд этилган².

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И. А. Зеленский номига 1930 йил 24 декабрда йўлланган хатда ҳам колхозлар тарқатиб юборилаётгани қайд этилган. Хатда Асака (Зеленский), Шаҳрихон районларидан ташқари Андижон округи бўйича барча колхозлар тарқатиб юборилгани, 2—3 районда 10 та колхоз (15 фоиз) қолгани, аниқ маълумотни ҳеч ким бера олмаётгани хабар қилинган. «Бойлар, руҳонийлар, — дейилади унда, — шид-

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 642-иш, 1—14-варақлар.

² РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2520-иш, 17—19-варақлар.

дат билан ҳаракат қилишмоқда, колхозларга қарши чиқишларни ташкил қилиш учун махсус кишиларни ҳар ёққа юборишмоқда, уларга маъмуриятчиликдаги хатолар, айрим ходимларнинг давом этаётган аҳмоқоналиклари ёрдам бермоқда, ваҳима туғдирмоқда, қуйи ходимларнинг оммавий кўркуви ваҳима-саросимани кучайтириб юбормоқда, камбағал колхозчилар фаоллигини заифлаштирмоқда, бунинг оқибатида шаклланган ва фаолиятдаги колхозлар тарқалиб кетмоқда. Оқругда баҳорги экиш томон ҳақиқий бурилиш йўқ. Исломов, Шокиров деярли аксарият хатоларни тузатиш устида ишламоқдалар.

Айрим йиғин-оломонларда ихтиёрийлик тўғрисида тушунтиришлардан сўнг бутун Зеленский райони бўйича деҳқонлар тўпланишиб, колхозга киришга мажбур қилишни бекор қилишни талаб қилмоқдалар, батафсилроқ маълумот Перкон орқали бериб юборилди.

Колхозларга қарши чиқишлар билан бир қаторда колхоз қурилишини фаол қўллаб-қувватлашлар ҳам мавжуд, айрим колхозлар сақланиб турибди. Неча марталаб талаб қилинишига қарамасдан Шаҳрихон ва Асака сақланиб қолган колхозлар тўғрисида маълумот бера олмаяптилар, колхозлар сони ҳар куни озайиб бормоқда. Биринчи тоифали қулоқ хўжаликлари тугатилди. Экишни нисбатан маъмуриятчилик хавфи далиллари аниқ юзага чиқаётганлиги сабабли ёппасига жамоалаштириш тўғрисида марказкомнинг қарорини бекор қилишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман: пахта дастурини таъминлаш учун, бойлар ҳужумига зарба бериш учун биринчи тоифага қўшимча қилиб, фаол бой унсурларни ҳам қулоққа тортиш зарурдир. Қувада ҳозиргача осойишталик, аммо юқорида кўрсатилган районлардаги аҳвол албатта Қувада ҳам акс этмоқда. Қўқон округи партия комитети районни янги кучлар билан кучайтириши даркор. Бошқа районлардаги аҳвол ҳақида яна хабар берилади...»¹

4. ҚИШЛОҚДАГИ ИНҚИЛОБ

Комфирқа ва советларнинг олиб бораётган сиёсати ва амалиётига қарши Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси норозилик билдирди, исёнлар, ғалаёнлар кўтарди, хуллас, миллий қишлоғимизда советларга, комфирқага, уларнинг аграр сиёсатига қарши инқилобий ҳаракат юз берди. Большевиклар уни «кишлачная контрреволюция» («қишлоқдаги аксилинқилоб») деб номладилар. Аслида эса бу қишлоқ инқилоби эди. Аммо бу инқилоб большевиклар тажовузига, уларнинг жамоалаштириш сиёсатининг бузишлар билан ўтказилишига, зўравонлик, куч ишлатиш усулига қарши кўтарилган деҳқонлар инқилоби эди. Бироқ қизил салтанат жаллодларига, қизилларга қарши кўтарилган бу қишлоқ

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2139-иш. 61-варақ.

инқилоби, деҳқонлар уруши империянинг қонли панжалари билан бўғиб ташланди. Оқибатда большевикларнинг жамоалаштириш ва қулоқлаштириш сиёсати ва амалиёти Ўрта Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда зўравонлик билан жорий этила бошлади.

Марказдан келган директив кўрсатма ва йўриқномалар асосида маҳаллий раҳбарлар фаолият кўрсатиб жамоалаштириш ва қулоқлаштиришни ўтказишда кўпдан-кўп хато ва нуқсонларга, қинғайиш ва бузилишларга йўл қўйдилар. Оқибатда усиз ҳам таранглашиб бораётган ижтимоий-сиёсий аҳвол янада чуқур ва атрофлича кучайгандан-кучайди, қишлоқ аҳолиси жўнбушга тушди. Бундан расмий ҳукуматдагилар қўрқувга ҳам тушган эди.

Бунда Марказдан келган, ниқобланган десант ходимларнинг ҳам хизмати катта бўлган. Ўрта Осиёда ҳам ўша сиёсий мухолифатга мансуб бўлган кучлар кўплаб раҳбар органларда ўрнашиб қолган ва партияга қарши, Сталинга қарши чиқишлар юз беришига зимдан ҳаракат қилганлар. Улар ҳам Марказ директивасини бузиш, қинғайиш асосида иш олиб бориб, деҳқонларнинг норозиликларини авжига чиқаришга уринаётгандилар.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги тақдим этган 2-сон тезкор маълумотномада 15 февралдан 20 февралгача бўлган даврда Фарғона округида аҳвол мислсиз кескинлашгани, сиёсий мураккаблик ўсиб бориб қуролли кўзғолон даражасигача бориб етгани, Боғдод районида 1—15 февралда 3 та чиқиш бўлиб, унда 1850 киши иштирок этган бўлса, 15—20 февраль кунларида 4 та чиқиш бўлиб, унда 2000 киши иштирок этгани, Риштон районида 15—20 февралда 2 та чиқиш бўлиб, унда 3000 киши қатнашгани, Бувайда районидаги 2 та чиқишда 1400 киши иштирок этгани, Олтиариқ районидаги 2 та чиқишда 600 киши қатнашгани қайд этилган¹.

Бу оммавий чиқишларнинг характерли белгиси энг аввало ёппасига жамоалаштирилмайдиган (Олтиариқ, Риштон, Бувайда) районларда бундай чиқишлар кўп тарқалаётганидир. Бу жойларда оммавий чиқишлар юз бераётганининг сабаби шуки, айти шу ёппасига жамоалаштириш кўзда тутилмаган районлардаги ходимлар ким ўзди қабилдаги носоғлом ҳолатда контрол рақамларни ошириб бериш, шу асосда кўпол равишда маъмуриятчиликка берилиш, объектив аҳвол билан, омманинг жамоалаштиришга нисбатан муносабати ва бошқа ҳолатлар билан ҳисоблашмаётганларида эди. Фарғонадаги оммавий чиқишларга тегишли материалларда кўрсатилишича, бой ва руҳонийлар жамоалаштиришдаги совет сиёсатини бемаъниларча бузиб кўрсатишдан фойдаланишган. Улар колхозчилик ҳаракатига қарши кўтаролган ҳаракатга нотўғри тус беришган ва бу ҳаракат ниқоби остида «Қулоқлар колхозларга киритилсин», «Ҳақсизлар ҳуқуқи тиклансин», «Қишлоқ советларига қайта сайловлар ўтказилсин» деган

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-руйхат, 2140-иш, 87-парақ.

шиорларни ўртага ташлаб чиққанлар. Фарғонадаги аҳвол алоҳида жиддий бўлгани сабабидан бу ерга ЎзКП(б) Марказий Комитети котиби Лепа, ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаев ва Ўзбекистон ГПУси раиси Перконлар етиб келишган¹.

Фарғонада оммавий ҳаракатларнинг катта миқдорда ўсиб бориши билан бир қаторда республиканинг бошқа округларида ҳам жамоалаштиришга қарши жиддий чиқишлар юз берабошляди. Бухоро, Хоразм, Қашқадарё округларида оммавий чиқишлар келиб чиқди. Ўш округида 3 та чиқишда 520 киши, Марв районида 1 та чиқишда 100 киши, Байрамали районида 1 та чиқишда 200 киши қатнашган.

Шундай қилиб 5 кун давомида Ўрта Осиё бўйича (Фарғона билан биргаликда) 18 та колхоз ва совет тузумига қарши оммавий чиқиш бўлиб, улардан 13 тасида 6320 киши иштирок этгани ҳақида маълумот олинган. қолган 5 та чиқишда иштирок этганлар сони аниқланмаган.

Фарғонада бўлганидек, жамоалаштиришга қарши оммавий чиқишлар учун асосий сабаб ҳамма жойда маъмуриятбозлик, колхозга мажбуран ёзишлар, сургун қилинасан деб кўрқитиш ва бошқалар бўлган.

Айни вақтда фаолларга ва колхозларга қарши террорнинг давом этиши кучайиб борган. 5 кун давомида (15—20 февраль) 12 марта террорчилик ҳаракатлари содир бўлади, шундан Тожикистонда 3 та, Жанубий Қирғизистоннинг Ўш округида 1 та, Қашқадарё округида 3 та, Хоразмда 1 та, Самарқанд округида 3 та, Бухоро округида 1 та террорчилик ҳаракатлари юз берган. Характерига кўра, бу ҳаракатларда 4 та қотиллик, 3 та калтаклаш, 5 марта ўлдириш учун тажовуз бўлган.

Тезкор маълумотномада бойларнинг советларга қарши фаоллиги ифодаланган. Бойларнинг жамоалаштиришга қарши курашининг энг кескинлашган формаси оммавий чиқишлар ва террор бўлган. Бир вақтнинг ўзида бойлар ҳар хил шаклларда тарғибот ва фаолликни кескин жонлантириб юборганлар. Бу вақтда бойларнинг колхозга қарши тарғиботлари қуйидаги шаклларда олиб борилган:

1. Йигилишларда бойлар томонидан олдиндан тиклаб қўйилганларгина эмас, ҳатто бойларнинг ўзлари ҳам очикдан-очик, ошкора чиқишлар қилганлар.

2. Бойлар томонидан кенгашлар ўтказилиб оммавий, гуруҳий тарғиботни жорий этиш усулидан фойдаланилган.

3. Бойлар тарғиботи оммада катта таассурот қолдирган.

Бойларнинг бу қадар кескин оммавий чиқишлари, тарғибот олиб бориш учун махсус йигинлар ташкил қилаётганликлари (Қашқадарё округи), кенг тарғибот учун мажлислардан фойда-

¹ Ўша архив, 88-варақ.

ланиши 1929 йил давомида кузатилмаган эди. Аммо галла тайёрлаш, пахта тайёрлаш ва бошқалар синфий курашнинг фавқулодда ўткир намоён бўлишини тўлиб-тошириб юборди¹.

Ўрта Осиёдаги колхозларга қарши оммавий ҳаракатнинг, инқилобий чиқишларнинг тавсифини ўша вақтдаёқ расмий доиралар таҳлил этишган. Ёппасига жамоалаштириш учун белгиланган районлар аввалдан ёппасига жамоалаштиришга ўтишга тайёрланган эмас. Жамоалаштиришнинг белгиланган суратлари раҳбарликнинг аппаратчилиги натижаси, жойлардан олинган ахборотларга етарли даражада танқидий ёндашмаслик, жамоалаштириш режаларини тузишдаги илорапарастлик, иш жараёнида «колхозлар билан ўйнашишга» берилиб кетиш натижаси бўлди. Энг асосий сабаб, бир томондан, жамоалаштириш фонзини белгилашда ҳаддан ташқари катта кўламлилиги ва колхозларнинг олий шаклларига сакраб ўтиб кетишлар бўлса, иккинчи томондан эса, қулоқларни синф сифатида тугатиш шиорини жамоалаштиришдан ажратиб ташлаб, мустақил вазифа деб қараш бўлган.

Ёппасига жамоалаштириш учун белгиланган районлар сиёсий жиҳатдан ҳам, иқтисодий жиҳатдан ҳам хўжаликнинг артель шаклига ўтишга тайёр эмас эди. Оммавий тушунтириш ишлари шошилинич «Етиб олиш ва ўзиб кетиш!» шиори билан алмаштириб юборилган. Деярли ҳамма жойда сабр-тоқат билан деҳқонларга хўжалик юритишда «жамоа шакллариининг устунлигини» тушунтириш мутлақо йўлга қўйилмаган, колхозга кириш ва колхозларнинг шаклини танлаб олиш ихтиёрий эканлиги тушунтирилмаган. Бунда нима қилиб бўлса-да, қишлоқ хўжалик артели ва ҳатто коммуналар тузишга интилиш устун ўрин олган ва бунда умуман Ўрта Осиёнинг, шунингдек, айрим округлар ва районларнинг иқтисодий ва турмуш хусусиятлари бутунлай ҳисобга олинмаган, советлар синфий кучларини жипслаштириш юзасидан жиддий иш олиб бормаган, шунингдек, батрак-камбағал гуруҳларини уюштириш ва фаоллаштириш юзасидан ҳам жиддий иш олиб борилмаган. Буларнинг ҳаммаси, ҳеч шубҳасиз, партиянинг жамоалаштириш ишидаги ва бу билан боғлиқ бўлган қулоқларни синф сифатида тугатишдан иборат тўғри йўлини қўпол равишда бузишларга ва сохталаштиришларга олиб келган.

Ўрта Осиё республикаларидаги партия раҳбарларининг энг асосий хатоси — жамоалаштиришнинг юқори фоизлари ортидан қувиб энг илғор районларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетишга интилиш бўлган. Бу эса республикалар марказларининг округларга колхоз қурилиши соҳасида нотўғри йўл-йўриқлар беришларига олиб келган.

Андижон округи Наманган районида руҳонийлар колхозларга қарши фаол диний тарғибот олиб бориб деҳқонларнинг катта гуруҳини ўз таъсирига олганлар. Янги Бухоро районида бойлар

¹ РИСТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2140-иш, 87—91-варақлар.

барча қишлоқларда «колхозлар билан оч қоласизлар, бир бурда нон учун ишлайсизлар... Фарғонада колхозчилар очликда кун кечирмоқдалар, нон учун навбатда турибдилар» шиорлари остида кучайтирилган тарғибот олиб борганлар.

Самарқанд ва Андижон округларида бойлар камбағал ва ўрта ҳолларга таъсир ўтказиб колхозларга суқилиб кириб олаётганликлари ҳам кўрсатилган. Избоскан ва Марҳамат районларида бойлар оммавий равишда уз ерларидан воз кечканликлари ҳақида аризалар бера бошлаганлар. Бундай аризалар 150 тага етган. Бойлар томонидан ўз ҳайвонларини сотиб йўқ қилиш камбағал ва ўрта ҳол хўжаликларга ҳам ёйилган ва бу жараён фавқулудда жиддий тус олган. Айниқса Самарқанд округида ҳайвонларни сотиб юбориш, йўқ қилиш оммавий тус олиб, кенг кўламада юз берган. Самарқанд бозорида сотиш учун олиб кирилган иш ҳайвонлари 1000 ва ўндан кўп миқдорга кўтарилган. Маълумотномада Ўзбекистондаги оммавий чиқишлар алоҳида таҳлил қилинган. Жумладан, 20—25 февраль кунлари содир бўлган оммавий чиқишлар қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган:

Округлар	1—15 февралдаги оммавий чиқишлар		15—20 февралдаги оммавий чиқишлар		20—25 февралдаги оммавий чиқишлар	
	чиқишлар	иштирокчилар	чиқишлар	иштирокчилар	чиқишлар	иштирокчилар
Фарғона	3	1850	10	5200	4	4700
Бухоро	—	—	1	—	—	—
Кашқадарё	1	30	1	200	2	700
Андижон	1	—	—	—	—	—
Хоразм	1	100	—	—	—	—
Сурхондаре	—	—	—	—	—	120
ЖАМИ:	6	1980	12	5700	6	5520

Бу оммавий чиқишларнинг умумий миқдори иккинчи беш кунликдан бошлаб пасайган бўлса-да, биринчи беш кунликдаги чиқишлар миқдори билан тўғри келмоқда, чиқишларда иштирок этганлар миқдори деярли иккинчи беш кунликдаги ҳолатда қолмоқда. Оммавий чиқишларнинг бундай умумий якуни учинчи беш кунликда Фарғонадаги сиёсий аҳвол максимал даражада кескинлашуви ва оммавий чиқишларнинг қўзғолонга ўсиб чиқиши хавфини туғдираётгани натижаси эди. Буни Чуст-Поп районидаги оммавий чиқишлардан ҳам яққол билса бўлади. «ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаевнинг олиб борган самарали тушунтириш ишлари туфайли энг фаол совет-

ларга қарши унсурларнинг қўлга олинishi туфайли Фарғонадаги аҳвол беш кунлик охирига бориб бир мунча яхшиланди¹, — дейилган ўша маълумотномада.

Советларга қарши фаолларни қўлга олиш, йўқотиш ва совет ҳамда партия йўли билан жамоалаштиришда йўл қўйилган бузиш ва қинғайишларни бартараф этиш ва унинг заминиде келиб чиққан оммавий чиқишларга барҳам беришда қўшимча ишлар олиб борилаётгани маълумотномада рўй-рост тан олинган.

1930 йил 25 февралгача бўлган уч беш кунликда юз берган террор ҳодисалари қуйидаги жадвалда ўз ифодасини топган:

1—15 февралдаги террор			Ҳам-маси	15—20 февралдаги террор			Ҳам-маси	20—25 февралдаги террор			Ҳам-маси
қо-тил-лик	уриш, кал-так-лаш	қур-қи-тиш		қо-тил-лик	уриш	қур-қи-тиш		қо-тил-лик	уриш	қур-қи-тиш	
3	10	1	14	4	3	5	12	1	3	3	7

Сўнгги беш кунликда террорнинг барча турлари республикалар бўйича қуйидагича тақсимланган: Ўзбекистонда 8, Қирғизистонда 2, Туркменистонда 2. Калтак еганлар миқдори аниқланмагани натижасида жадвалга гуруҳ бўлиб калтаклаш, уриш фактлари киритилмаган.

Фаолларни, батракларни ва колхоз қурилишини олиб бораётган ходимларни гуруҳ бўлиб уюшиб уриш, калтаклаш кенг тарқалган ва улар оммавий чиқишлар билан қўшилиб кетган. Буларнинг барчаси жамоалаштириш кампаниясига нисбатан камбағаллар ва ўрта ҳоллар орасида салбий кайфият туғдираётганидан бир нишона эди.

Жамоалаштиришдаги қинғайишлар ва бойлар томонидан маҳаллий ходимларнинг эсанкиратишлари ва бошқа ноқонуний ишлардан фойдаланиши туфайли бир қатор округ ва районларда камбағал-ўрта ҳоллар оммаси орасида салбий кайфиятлар ортиб боргани, оммавий равишда колхозлардан чиқиб кетиш ва жамоалаштиришни инкор этиш юз берган. Ўзбекистон бўйича бутун бир қишлоқлар ва ҳатто қишлоқ советлари колхозга киришдан бош тортиб чиққанлар. Бундай ҳолат 9 та бўлиб, шундан Самарқанд округида 5, Қашқадарё округида 3, Андижон округида 1 та факт содир бўлган.

Бойларнинг фаол тарғиботи таъсирида йирик колхозлар ўрнига (Қашқадарё, Бухоро) кичик колхозлар тузиш, сув иншоотлари ишига чиқмаслик ҳолатлари юз берган. Шу билан бир қатор-

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-рўйхат, 2141-иш, 3—4-варақлар.

да камбағаллар ва ўрта ҳоллар орасидаги салбий кайфият бойларнинг таъсири остида ҳайвонларни сотиб йўқ қилиб юборишда ҳам ифодаланган.

Туркманистоннинг Чоржўй округидаги Қарабековул ва Денов районларидаги бой хўжаликларнинг Бухоро округининг Қорақўл районига кўчиб кетиши катта миқдорда юз берди. Февраль охиригача Қорақўл районининг турли қишлоқларига 50 дан ортиқ туркман бой ва руҳоний хўжаликлари қочиб ўтган.

ОГПУнинг бу ахборотига қўшимча ахборот ҳам илова қилинган. Унда ҳам советларга қарши, колхозлаштиришга қарши қаратилган кураш жараёни округлар мисолида кўрсатилган¹.

Самарқанд округи Зомин районининг Отахон, Еттиқуш ва Итариқ қишлоқ советларида бойлар томонидан зўр бериб советларга қарши ташвиқот олиб борилиб, «Фарғона округи колхозларида колхозчилар оч қолмоқда, улар навбат кутиб ҳар бир хўжаликка 1,5 фунт нон олмоқда», деган миш-мишлар тарқатилаётгани қайд этилган.

Уларнинг Пойарик районида экиш кампаниясига тайёргарлик ишларини барбод қилиш мақсадида зўр бериб уруғлар ўртасида ўзаро нифоқ, низо, можароларни авж олдираётгани, махфий кенгашлар ўтказаётгани, камбағалларни колхозга қарши гиж-гижлаётгани қайд қилинган.

Жиззах райони Равот қишлоқ советида бойларнинг таъсири остида ўрта деҳқонлар колхозларга камбағалларни киритмаслик керак деган талаб қўйганлар. Бунда улар «камбағалларнинг ҳайвонлари йўқ, улар бизнинг ишчи ҳайвонлардан фойдаландилар» деб чиққанлар. Шу район Тошлоқ қишлоғининг бир гуруҳ бойлари ўзларининг ташвиқотлари билан колхоз ташкил этишга мўлжалланган умумий мажлисни барбод қилганлар.

Булунғур районида ҳам бойлар камбағалларни қўллаб-қувватлаб колхозга кириб олиш мақсадида камбағалларни зўр бериб ташвиқ қилиш ишларига жалб этишган.

21—24 февралдан буён Самарқанд бозорига қўллаб ишчи ҳайвонларни олиб келиш (1000 ва ундан ортиқ бош), анча миқдорда буғдой ва шолини Қашқадарё округидан келтириб сотиш кузатилди. Сотувчилар: «Сотмасанг, барибир колхозга олиб қўядилар, шундай қилган дуруст, арзон бўлса-да, сотган яхши» деганлар².

Митан районида ишчи ҳайвонларни сотишни назарда тутган ташвиқот бойларнинг таъсири остида кучайганлиги кузатилган. Бир нечта бой қамоққа олинган. Бир қатор районларда уруғлик жамғармаси тайёрлашдан фойдаланиб ишчи ҳайвонлар сотиб юборилган, ҳайвонларни сотиб юборишга зўр бериб ташвиқот олиб борилган ва бунда улар уруғлик жамғар-

¹ РИСТТДА. 62-фонд, 2-руйхат, 2141-иш, 3—9-варақлар

² РИСТТДА. 62-фонд, 2-руйхат, 2141-иш, 13-варақ.

маси учун ғалла сотиб олиш мақсадида пул топиш кераклигини баҳона қилиб кўрсатганлар.

Бухоро округи Ғиждувон районида сиёсий штаб томонидан 7000 бош ҳар хил чорва молларига эга бўлган йирик бой-чорвалар қамоққа олинган. Бу бой райиждрокомга «Чорва молларини боқиш учун пул бермасангиз, ҳайвонларнинг ўлиб кетиши учун масъулиятни ўзимдан соқит қиламан» деб айтган.

Янги Бухоро районида бойлар колхоз қурилишини бузиб ташлаш учун зўр бериб ифвогарлик ишлари олиб борганлар. Улар «колхозларда оч қоласизлар, бир парча нон учун ишлайсиз, чет элларга чиқиб кетиш керак. Англия ҳукумати Бухоро амирига қироллик берган — унга ташриф буюриш керак» деб жар солганлар. Уларнинг ташвиқоти таъсири остида камбағалларнинг жамоалаштирилган ҳайвонларни янгидан ташкил этилган колхозлардан қайтариб беришни талаб қилиш ҳоллари (9 та) кузатилган. Айни вақтда колхоздан чиқишни талаб қилганлар. Улар аҳолига қарата «Оч қолаверасизлар, бир бурда нон учун ишлайсиз» деган аксилинқилобий ташвиқотлар олиб бориб ўрта деҳқонлар, ҳатто камбағалларни ҳам ўз ҳайвонларини сотиб юборишларига эришганлар.

Наманган районида (ёппасига жамоалаштириш райони эмас) бир гуруҳ бой ва руҳонийлар Катта Қурама қишлоғи масжидида 40 та динга сиғинувчиларни колхозга кирмасликка, шунингдек, пахта экмасликка ташвиқ қилганлар. Гуруҳ қамоққа олинган.

Избоскан ва Марҳамат районларида (ёппасига жамоалаштириш районлари эмас) бойлар томонидан ердан қисман ва тўла воз кечиш тўғрисида ариза бериш кучайганлиги кузатилган. Бундай мазмундаги аризалар 24 февралгача 150 тага етган.

Балиқчи районида (ёппасига жамоалаштириш райони эмас) бойларнинг таъсири остида ва етакчилигида бир гуруҳ камбағал ва ўрта деҳқонлар шу йилнинг 20 февralида Полвонқул қишлоғида колхоз тузишга бағишланган умумий мажлисни бекор қилганлар. Бироқ иккинчи бор чақирилган мажлисдаги тушунтиришдан кейин колхоз ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган ва шундай колхоз тузилган. Бойлар қамоққа олинган.

Шаҳрихон районида баъзи қулоқларнинг ўз мол-мулкларини топшириб, колхозга кириб олишга уринишлари содир бўлган. Район бўйича бундай уринишлар 7 марта содир этилган¹.

Сурхондарё округи Бойсун районида ем-хашак берилмаганлиги туфайли ҳайвонларнинг нобуд бўлиш ҳоллари юз берган. Райондаги мавжуд кунжара захираси бойлар ташвиқоти таъсири остида ҳатто арзон баҳодаги кредит билан сотиб олиш мушкул ҳолда қолган. Шу районнинг Омонхона қишлоғида бойлар уч марта камбағаллар учун меҳмондорчилик уюштириб яширин кенгашлар ўтказишган, бунинг оқибатида бутун қишлоқни колхоз-

¹ РИСТТДА. 62-фонд, 2-руйхат, 2141-иш, 13-варақ.

дан чиқиб кетишга ташвиқ қилишган. Бу ишнинг ташаббускорлари қамоққа олинган.

Ишет қишлоқ советида бойларнинг ташвиқоти билан 500 га яқин киши колхозга киришдан бош тортган. Худди шундай ҳолат Насурхия қишлоғида ҳам юз берган. Ҳар икки ҳолатнинг ташаббускорлари қамоққа олинганлар.

Работ қишлоғида 19 ва 22 февраль кунлари бойлар гуруҳи томонидан ўзбошимчалик билан икки марта деҳқонлар мажлислари ўтказилган. Биринчи мажлисда 60 киши, иккинчи мажлисда эса 80 киши иштирок этган. Ана шу мажлисларнинг қарори билан колхознинг жамоатчи раҳбарлари (қишлоқ совети раиси) ишдан олиб ташланган. Уларнинг ўрнига қулоқларнинг думлари сайланган ва тайинланган, 22 февраль куни ана шу қишлоқдан 8 киши вакил бўлиб райишрокомга келиб, мажлисларнинг қарорларини тасдиқлашга эришишга уринганлар, акс ҳолда 200 киши номидан экин экмаслик, қишлоқни ташлаб кетиш билан кўрқитганлар. Ташаббусчи 2 та бой қамоққа олинган. Тезкорлик билан тергов ишлари олиб борилган.

Ашрабат районида бойларнинг ташвиқоти таъсири остида бойларнинг ҳайвонларини сотиш ва талон-торож қилиш анча кўпайган. Биргина бозор кунида 1000 дан ортиқ бош ҳайвон сотилган.

Кўшсарой районида 7 марта бойлар томонидан ўз мол-мулки, ҳайвонларини сотиш ҳоллари содир этилган ва улар Афғонистонга муҳожирликка чиқиб кетиш мақсадида шундай қилганлар. Улардан учтаси муҳожирликка чиқиб кетган, биттаси чегарада ушлаб қолинган.

Қашқадарё округининг қатор районларида бойларнинг кайфиятида колхоз қурилишига, уруғлик жамғармаси йиғишга ва ҳукуматнинг бошқа тadbирларига, умуман, советларга қарши фаоллик анча ошгани ахборотда тилга олинган.

Айни пайтда бойларнинг гуруҳланиш фаолияти кучайгани, ҳамма жойларда уларнинг бошқа районларга муҳожирликка чиқиб кетишга тайёргарлиги ва интилишлари кузатилган. Уларнинг ташвиқоти таъсири остида Бешкент районида янги ташкил этилган колхозларда колхозчиларнинг ерга ишлов беришини кичик гуруҳлар бўлиб амалга оширишга интилиш ҳоллари юз берган. Районнинг иккита қишлоқ советида бойлар ташвиқоти туфайли деҳқонларнинг оммавий тусда сув иншоотлари қурилиши ишларига чиқишдан бош тортиш ҳоллари юз берган, бунда улар далаларни ҳайдаш ишлари билан банд бўлишлари зарурлигини баҳона қилиб кўрсатганлар.

Чиροқчи райони, Урсим қишлоқ советида бойларнинг фаол батракларни террор қилиш ишларини тайёрлаш ва колхоз қурилишига қаршилиқ кўрсатиш юзасидан яширин кенгаши очилган. Шу қишлоқда янги тузилган колхозга кириб олган бойларнинг фаоллиги билан иккита қишлоқ ҳудудларининг олислиги сабаб

қилиб кўрсатилиб, уларни алоҳида бир мустақил бирлашма қилиб ташкил этиш ҳақида жамоа бўлиб ариза берганлар.

Торжилга, Кўктош қишлоқ советларида бойлар томонидан яширин кенгашлар ўтказилган. Натижада қишлоқ аҳолиси ўз ерларига яқка тарзда ишлов бериш истаги ҳақида баёнот бериб колхозга киришдан қатъиян бош тортганлар. Худди шу ернинг ўзида бойлар ташвиқоти таъсири остида аҳоли томонидан баҳорги ҳайдов ишларини саботаж қилиш ҳоллари намён бўлган. Бу қишлоқ советларининг аҳолиси мажлисларда колхозга кирмасликларини кескин баён этганлар ва шу вақтнинг ўзида районга махсус делегация юбориб колхозга киришдан бош тортганликларини баён этганлар. Бу ишнинг раҳбарларидан 21 киши қамоққа олинган, улардан 16 таси йirik бойлардан бўлган.

ОГПУнинг ўша 3-сон тезкор маълумотига қилинган «Оммавий чиқишлар ва террор» деб номланган иловасида яна шундай ёзилган: «Чуст районини Мозор қишлоқ совети аҳолисидан 300 киши жамоалаштиришга қарши чиқиб, «Аввало савод чиқариш керак, сўнгра колхоз қуриш керак» талабини қўйган. Бу жойда ҳозир бўлган райижроком раиси Сурибеков томонидан истак ва талаблар асосида чиқишда иштирок этган бир неча камбағаллар қамоққа олинган, бу эса оломонни жуда ҳам жўнбушга солган ва улар тўғри район марказига йўл олган. Аҳолини тинчлантириш учун у жойга комиссия ва ГПУнинг райондаги вакили юборилган. Қамоққа олинган камбағаллар дарҳол озод этилган. Оломон қамоққа олинганлардан вакиллар сайлаган, улар 20 февралда маҳаллий ҳукуматдагиларнинг номаълум ҳаракатлари колхозга киришга мажбур қилаётганликлари учун шикоят билан Кўқонга келишган.

Йўлда мзорликларга хонободликлардан 100 киши қўшилган ва оломон 500 кишига етган. 20 февралда оломон Фурумсарой қишлоғида тунаб қолган. Бу қишлоқ ҳам ана шундай кайфиятда бўлган. Натижада 3500 кишилик оломон шаклланган. Оломон турган жойга сиёсий бешлик етиб келган. Ўта нафрат-ғазабга келган оломон ҳақсизларнинг ҳуқуқини тиклашни, қамалганларни озод қилишни, жамоалаштиришни бекор қилишни, колхозга кириш учун тузилган рўйхатни йўқ қилишни, эски усулдаги мактабларни тиклашни талаб қилган. Оломоннинг қистови билан комиссия рўйхатни беришга мажбур бўлган, рўйхат оломон томонидан йўқ қилинган. Деярли тўрт тарафдан қамал ҳолатида қолган комиссия қолган талабларни қондираолмай қийинчилик билан кетишга мажбур бўлган»¹.

21 февралда Самарқанддан Кўқонга ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Файзулла Хўжаев, ЎзКП(б) Марказкоми котиби Лепа ва Ўзбекистон ГПУси раиси Перконлар чиқиб 22

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 2-руйхат, 2141-иш, 10—11-парақлар.

февралда Чуст-Поп районига етиб келганлар. Бу вақтда Чуст-Попдаги аҳвол очиқ-ошкора кўзғолонга ўсиб чиқиш хавфини тугдираётгандек кескинлашган эди. Ҳукумат вакиллари томонидан дарҳол кўролли куч талаб этилган ва шундай куч шошилинич етиб келган. Ҳукумат аъзоларининг гушунтиришлари, жойга взводнинг етиб келиши галаён ташаббускорларининг қўлга олиниши билан оломондагиларнинг бир оз тинчланиб, ўз қишлоқларига тарқаб кетишига сабаб бўлган.

Боғдод райони Бачкир қишлоғида 20 февраль куни 400 кишилик оломон колхоз қурилишидан норози бўлган бойларнинг таъсири остида «Йўқолсин совет ҳокимияти, у бизларни таламоқда» каби аниқ ифодаланган шиорлар билан қишлоқ советига келган. Оломон колхозга кирганлар рўйхатини талаб қилиб, колхозга кирмаслик ҳақида қатъиян фикрлар билдирган. Жамоалаштириш бўйича вакил Ниёзов ва бошқа ходимлар омманинг ўч олишидан қўрқиб қочиб кетганлар. Бу жойга дарҳол милиция отряди етиб келган ва у осмонга қарата ўқ узиб оломонни тарқатмоқчи бўлган. Аммо бу отишмаларга оломон ичидан «қўрқитманглар, барибир бизларга қарата ўқ узмайсизлар, ҳавога қараб отасизлар» деган бақирӣқ овозлар билан жавоб берилган. Бу жойга Боғдоддан масъул ходимлар ва ГПУ вакили етиб келган. 22 февралда бачкирликларга бекободликлар ва хонободликлар қўшилган. Оломон Янгиқўрғонга йўл олмоқчи ва бу ердаги ширкатни йўқ қилмоқчи бўлган, «Ўзбек ходимларини ур, русларга тегма» деган шиорлар ташланган.

Чуст-Поп районига ҳукумат аъзоларининг етиб келиши, қатор кескин тadbирлар кўрилиши, жойларга масъул ходимларнинг юборилиши, Янгиқўрғон ва Чуст-Поп орқали взводнинг келиши бачкирликлар ва бошқа иштирокчиларга таъсир қилган ва Чуст-Попдаги чиқиш тугатилган, оломон тинчланган.

Бувайда районидаги Султон қишлоқ советида 22 февралда деҳқонлар оломони тўпланган ва унга атрофдаги Катта кўчқор, Кичик кўчқор қишлоқларидан 500 га яқин киши кўшилиб, колхоз шўъбасидан колхоз қурилиши ҳақида батафсилроқ тушунча беришни талаб қилган. Бир вақтнинг ўзида бу қишлоқлар деҳқонлари колхозга боришдан қатъий бош тортишларини ва колхозлар яна 5 йилдан кейин ташкил бўлиши мумкинлигини айтганлар. Тушунтириш учун райижрокомнинг 3 та ходими, қишлоқ советининг 2 та ходими оломонга яқин келганида оломон уларга бақирӣқ овозлари билан «Колхозга ҳеч ким қолмасдан ҳамма кирсин, барча қамалганлар озод қилинсин, мусодара қилинган барча мулклар қайтариб берилсин, ҳақсизлар ҳуқуқи тиклансин, қишлоқ советлари қайта сайлансин, Бувайда ва Боғдодда колхозга кирилгандагина, бизлар колхозга кирамиз» деб айтганлар.

Райижроком ходимлари барча талабларни бажаришга ваъда берганларидан сўнггина оломон анча пасайган. Оломондагилар

райиждоком ходимларини тантанавор кузатиб қуйиб, ўзлари қишлоқлар бўйича тарқалиб кетганлар.

Қашқадарёнинг Чироқчи райони Тўраҳон қишлоқ советида 21 февралда жамоалаштиришдан норози бўлган 500 га яқин деҳқонларнинг оммавий чиқишлари бўлган. Оломон бойлар игвоси билан қишлоқ совети вакилини калтаклаган. Тезкор маълумотга илова қилинган бу ҳужжатда жойларда колхозга қарши террор бўлаётгани ҳам қайд этилган.

23 февралда Пастдарғом райони Сарикул қишлоқ советидаги «Хужум» колхозида қишлоқ хўжалик инвентарларини олиб кетаётган колхозчиларга қуролланган 3 кишидан иборат банда хужум қилиб, отларини олиб қўйган. Кўрилган чоралар туфайли банда тугатилган.

Зомин районидаги Ём қишлоқ советидаги бир гуруҳ бойлар мунтазам равишда советларга қарши тарғибот олиб бориб, колхоз фаолларини ўлдирамиз, деб қўрқитиб юрган. Бу гуруҳ қамоққа олинган.

Янги Бухоро округи Гардион қишлоқ советида бой ва қулоқлар гуруҳи қишлоқ совети раиси ва ташкилий ишлар бўйича икки ходимни, баҳолаш комиссияси аъзоларини калтаклашган. Шу гуруҳ камбағаллар йиғинини тарқатиб, бир неча батракларни урган. Бу ишнинг ташкилотчиларини топиш ва қамоққа олиш учун шошилиш чоралар кўрилган.

Туркменистоннинг Марв райони Меано овулида 14 февраль куни тут кўчати ўтказиш бўйича инструкторга тажовуз қилинган. Тажовузчи яшириниб олган.

Қирғизистоннинг Ўш округидаги Советский, Бозорқўрғон районлари бўйлаб бир гуруҳ бойлар колхозчиларни ура бошлашган. Советский қишлоғида Сибирдан келиб қолган рус қулоқлари «агар бизларни қамоққа оладиган бўлсалар, у ҳолда биз ҳам террор ишини бошлаймиз», деб хавф солганлар. Ўша Советский қишлоғида қулоқлар колхозлар ташкил этиш бўйича инструктор Котовни ўлдириш учун тажовуз қилганлар. Қидирув ишлари олиб борилган¹.

Боғдод райком бюроси аъзолари ва район экиш комиссияси 1930 йил 6 мартда ЎзКП(б) Фарғона округ комитетининг ижроия комитетига, ВКП(б)нинг Ўрта Осиё бюроси раиси И. А. Зеленскийга ахборот хати билан мурожаат қилади. Унда айтилишича, Боғдод районидаги Серово станциясида руҳонийлар, қулоқлар ва уларнинг думларининг колхозчилик ҳаракатига қарши биринчи бор чиқишларидан кейин бундай чиқишлар районнинг бошқа қишлоқ советларида ҳам содир этилган. Бу чиқишлар ҳамон давом этаётгани, 1 мартда Қўштегирмон қишлоғида, 2 мартда Хўжа қишлоқда, 3 мартда Чувалачи ва Чек-Мадаминбек қишлоқларида, 4 мартда Қирғиболди қишлоғида, 5 мартда

¹ РИСТДА. 62-фонд, 2-руйхат, 2141-иш, 10—11-варақлар.

Ултарма, Қангли, Амиробод, Самарқанд, Чурунди ва бошқа қишлоқларда бўлиб ўтгани таъкидланган.

Хуллас, колхоз қурилишига ва экин-тикин билан боғлиқ тадбирларга қарши чиқишлар содир бўлмаган қишлоқлар жуда камлиги қайд этилган. Бундай чиқишлар советларга қарши ва аксилинқилобий шиорлар остида бўлиб ўтган. Кум қишлоқ советида бундай чиқиш иштирокчилари ҳуқуқларидан маҳрум этилганларнинг ҳуқуқларини қайта тиклашни, «Битсин колхозлар», «Битсин пахта дастури ва экиш режалари», «Нима хоҳласак, шуни экиш ҳуқуқини беринг» деган шиорларни кўтариб чиқиб, қамоққа олинганларнинг барчасини озод қилиб юборишни талаб қилиб чиққанлар. Ўша куннинг ўзидаёқ ўзлари олган қишлоқ хўжалик ашёларини ширкатга қайтариб берганлар.

Чувалачи қишлоқ советида район экиш комиссияси вакили ва колхозчилик ҳаракатининг ташаббускорлари бўлган фаол батракларни калтаклаганлар, қишлоқ совети идорасини тор-мор қилганлар ва у ерда колхозлар рўйхатини ёндириб юборганлар. Район экиш кампанияси вакили ва милиционердан бундан кейин бу ерга қайтиб қадам босмасликлари ҳақида тилхат олганлар. Шу қишлоқ совети тор-мор этилганидан сўнг қишлоқ совети раисини ҳайдаб юбориб, унинг ўрнига ўзбошимчалик билан раис қилиб собиқ босмачи Ҳасанбойни сайлаганлар.

Чек-Мадаминбек қишлоқ советидаги Бордон қишлоғида батраклар вақф ерларидан воз кечганлар ва район экиш кампанияси комиссияси вакилини калтаклаганлар.

16 февралдан 5 мартгача 47 та колхоздан ўн биттаси қолган ва улар ҳам бузилиб кетиш эҳтимолидан ҳоли бўлмаган. «Руҳонийлар, бойлар ва уларнинг думлари, — дейилади хатда, — том маънода ҳаддидан ошиб кетганлар, ўзларини «ғолиблар» деб ҳис этмоқдалар ва ҳокимият органлари ва уларнинг вакилларини тан олмай қўйдилар. 15 та қишлоқ советида совет ҳокимияти йўқ деб ҳисоблаш мумкин, чунки мазкур қишлоқ советларининг раислари калтакланган, уларнинг кўпчилиги яшириниб юришипти, ўз идораларида ҳеч нарса билан шуғулланаётганлари йўқ, ҳатто бу ерга келишдан қўрқадилар, чунки руҳонийлар ва қулоқлар уларни ўлдириш билан таҳдид қилмоқдалар»¹.

Округ пахтасоюзи бошқарувчиси Пўлатов районни айланиб чиқиб Катта ҳовуз қишлоқ советида қулоқлар ва руҳонийлар фақат янги ташкил қилинган колхозни тарқатиб юбориш билангина чекланмай, ҳатто эски «Тоймас» колхозини ҳам тарқатиб юборишгача журъат этгани, ҳолбуки мазкур колхоз ўз пахта контрактациясини 107 фоизга бажариб, теварак-атрофдаги аҳоли учун намуна бўлиб хизмат қилаётганининг шоҳиди бўлган. Бу колхоз амалда фаолият кўрсатмай қолган, бойлар колхоз раиси

¹ Ўша жойда.

ва унинг аъзоларини ўлдириш хавфи билан таҳдид қилганлар ва бунда «уларни колхозчилик ҳаракатининг юқумли касаллиги» деб чиққанлар. Худди шу қишлоқ советида колхозчилардан барча вақф ерларини масжид ва руҳонийларга қайтариб беришни талаб қилганлар.

Қўнғирот қишлоғида Пўлатов мажлис чақирган чоғда унга камбағаллар «Яхшиси кулоқ ва ўрта деҳқонларни чақиринг ва улардан ишлаб чиқариш ширкати тузинг, чунки улар давлат учун асосий пахта етказиб берувчилардир. 13 йил давомида совет ҳокимияти уларга ҳеч нарса бермади», — деб айтган. Шундай қилиб, чақирилган мажлис барбод қилинган.

Қоратепа қишлоқ советида ишлаб чиқариш шерикчилиги раиси қилиб собиқ қўрбоши сайланган.

Қўштегирмон қишлоғида оломон кооператив магазинларини тор-мор қилиб ташламоқчи бўлган, бироқ баъзи деҳқонларнинг норозилик билдириши туфайли оломон ҳаракат қилишдан ўзини тийган.

Бундай факт ва мисолларни район буйича сон-саноқсиз келтириш мумкин»¹.

Барча қишлоқ советларига район экиш комиссиясининг вакиллари бирктиб қўйилганлигига қарамай, юз берган аҳвол туфайли реал бир ишни амалга оширишнинг иложи бўлмаган, чунки жойларда чақирилган мажлислар барбод қилинган, деҳқонлар бой ва руҳонийларнинг кучли таъсири остида қолган. Деҳқонлар ҳокимият органлари ва экиш комиссияси вакилларига қарата «Улар ҳеч қандай экиш режаларини билишни истамайдилар ва нимани хоҳласа, ўша нарсани экишни истайдилар», деб ошкора айтиверишган.

Шундай қилиб, район деҳқонлари на ҳокимият вакиллари, на экиш комиссияси вакиллари ва на бошқа ташкилотларнинг бирон-бир ташвиқотини қабул қилмаганлар. Юқорида баён қилинган фактлар ҳақида округ комитети ва округ ижроия комитетига бир неча бор хабар берилган, лекин бу ташкилотлар томонидан ҳеч қандай реал чора кўрилган эмас.

Боғдод район партия комитети ва райижрокоми юқорида баён этилганларни назарга олиб, округ партия комитетига шуни билдирганки, кулоқ ва руҳонийларнинг колхоз қурилишини барбод қилишга қаратилган айрим чиқишлари бутун район бўйича советларга қарши оммавий ҳаракат тусини олиб кетаяпти: экиш комиссиялари ва ҳокимият вакиллари калтакланмоқда, қишлоқлардаги совет ташкилотлари ва кооперативлар тор-мор қилинмоқда, ўзбошимчалик билан қайта сайловлар ўтказиш бошланиб кетди ва бунинг натижаси ўлароқ шу ташкилотларга кулоқлар ва собиқ қўрбошилар ўтказилмоқда. Камбағаллар бутунлай руҳонийлар ва кулоқлар таъсири остида қолаяпти ва баҳорги

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2139-иш, 25—28-варақлар.

экиш ишларини барбод қилиш учун қулоқлар томонидан зўр бериб қўпоровчилик ишлари олиб борилмоқда.

Районда махфий равишда босмачилик ҳаракати тайёрланаяпти. Буларнинг барчаси шундан далолат берадики, бойлар ва руҳонийлар колхоз қурилишини бузишда эришган қисман «ғалаба»дан сўнг жуда ҳаддидан ошиб кетгандилар ва камбағалларнинг мададини сезиб ўз кучларига қўпроқ ишонганлар.

Шу боисдан районда оммавий қўзғолон содир бўлмаслиги ва экиш кампанияси узил-кесил барбод бўлишига йўл қўймаслик учун советларга қарши ҳаракатга бошчилик қилаётган, совет ҳокимиятининг тадбирларига қарши ошкора ташвиқот олиб бораётган қулоқлар ва руҳонийларга нисбатан қатъий чоралар кўриш, район аппаратини дарҳол зарур ходимлар билан мустаҳкамлаш кераклиги қайд этилган¹.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 9 мартда И. А. Зеленскийнинг «Тошкент район ижроия комитетининг қулоқ қилиш масаласига муносабати» ҳақидаги маърузасини тинглаб, Тошкент округи партия комитети томонидан қулоққа тортишни ўтказишда йўл қўйилган хато ва нуқсонларни тузатиш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилаётганини қайд қилади. Бу хатоларни тузатиш, қамоққа тортилган хўжаликлар рўйхатини текшириб чиқиш учун районга комиссия юбориш ва 7 кун муддат ичида қулоқ қилиш тўғри ёки нотўғри амалга оширилганлигини аниқлаш вазифаси қўйилади².

Хавос районидаги Жўйлангар қишлоғидаги аҳвол ГПУ ходимлари Волинский, Остроченколар томонидан 1930 йил 9 мартда тайёрланган 10-сонли махсус ахборотда қуйидагича тавсияланган: Хавос районидаги Жўйлангар қишлоғида деҳқонларнинг жамоалаштиришга қарши оммавий чиқиши маъмурий тазйиқ ўтказиш ва партия кўрсатмаларини қўпол равишда бузиш асосида содир бўлди. Район ижроия комитетининг раиси Раҳматиллаев (камбағал, партия аъзоси, раҳбарлик лавозимига кўтарилган ходим) колхоз тузиш масаласига бағишланган мажлисда ўрта ҳол деҳқонлардан мустасно суратда камбағал ва батраклар колхозга мажбурий равишда бир вақтинг ўзида шу йил кузда экилган экин майдонларини умумлаштирган ҳолда киришлари керак деб айтган. Деҳқонлар колхозларни бундай усуллар билан тузишдан норози эканликларини изҳор этиб мажлисни барбод этдилар. Раҳматиллаев вазиятни яхши таҳлил қилмай туриб колхоз тузишга қарши чиққанларнинг барчасини дарҳол қамоққа олиш тўғрисида фармойиш берган. Бунинг натижасида 15 киши қамоққа олинган, лекин уларнинг орасида битта ҳам бой йўқ эди. Қамоққа олинганларни районнинг маъмурий марказига жўнатишга уринган бир пайтда бундан ғазабга келган қишлоқ аҳолиси учта

¹ РИСТТДА. 62-фонд, 2-руйхат, 2139-иш, 25—28-варақлар

² РИСТТДА. 62-фонд, 1-руйхат, 650-иш, 104-варақ.

фаолга енгил жароҳат етказиб ва экиш комитети вакили Қорабоевни отдан тушириб юбориб, қамоққа олинганларни озод қилиб юборган. Милиционерлардан бири осмонга қарата икки марта ўқ узиб, Раҳматиллаев қишлоқ совети раиси, қишлоқнинг баъзи фаоллари билан бирга қочиб кетганлар. Кўшни қишлоқда (8 км олисда) бўлган район партия комитетининг масъул котиби Зубаиров қишлоқда содир бўлган воқеалардан хабар топиб, Хавосдан 10 та милиционер ва Ўратепа шаҳридан милиция чақириб терговчи билан биргаликда тушунтириш ва йўл қўйилган хатони тузатиш ўрнига қайтадан 20 кишини қамоққа олган, улардан 6 тасини кўйиб юборган, 14 кишини тутқунликда қолдирган. Гувоҳларнинг кўрсатма бериши натижасида шу нарса аниқландики қамоққа олинган 14 кишидан фаолларни калтаклашда битта бой, битта ўрта деҳқон ва битта камбағал деҳқон иштирок этган.

Қамоққа олинган бир ўрта деҳқон мажлисда «Колхозларда хотинлар ҳам умумлаштирилади деганлари тўғрими?», бошқа бир киши «Колхозлар тузишга эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак, токи баланд тоғ тепасига чиқиб, бирданига пастга томон қулаб кетмайлик» деганлари учун қамоққа олинганлар¹.

Қолган қамоққа олинган камбағал ва ўрта деҳқонлар норозилик чиқишларида фаол иштирок этмаганлар.

Қамоққа олинганларни қишлоқдан олиб чиқиб кетиш чоғида деҳқонлар тўдаси иккинчи марта қамоққа олинганларни озод қилишга уринганлар, лекин қурол кучи билан улар тарқатиб юборилганлар. Фақат қамоққа олишлардан кейингина тушунтириш ишларига киришилган.

Маҳаллий ҳокимият органлари районда колхозлар тузиш ишига миқдор, фоиз орқасидан қувиб, нуқул расмий равишда ёндашдилар. Сармиш қишлоғида Жўйлангар қишлоғидан 3 км нарида колхозга ёзилган 107 та хўжалик ҳаммаси бўлиб 21 та от ва 19 та хўкизга эгадир. 9 март куни Округ ижроия комитети раиси Зиямухаммедов томонидан бу колхоз тарқатиб юборилган деб эълон қилинган.

Жўйлангарда 135 та хўжаликдан ташкил этилган колхоз атига 17 от, 69 та хўкиз, 5 та плуг, 20 та омов ва экиш учун зарур бўлган 700 пуд ғалла ва 300 пуд буғдойга эга эди².

Жамоа уруғлик жамғармасини ғамлаш ҳам ачинарли аҳволда. 1930 йил 15 февралга Жўйлангар қишлоғида жамоа 1517 пуд уруғ жамғармаси тўкиши керак эди, амалда эса 10 мартга 550 пуд уруғлик тўкилди холос. 1 мартга 730 га ерга экин экиш ҳақида контрактация тузилиши керак эди, амалда эса контрактация расмийлаштиришга фақат 9 мартда киришилди. Район партия комитетининг масъул котиби Зубаиров ўз хатоларини тан олмадигина эмас, ҳатто уларни хаспўшлашга уринган. У

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-рўйхат, 2141-иш, 49-варақ.

² РИСТТДА. 62-фонд. 2-рўйхат, 2141-иш, 49-варақ.

Жўйлангар қишлоғидаги деҳқонларнинг жамоалаштиришга қарши чиқишларини ошқора аксилинқилоб деб, қўзғолон ва совет ҳокимиятига бўйсунмасликдан иборат деб айтган. Зиямуҳаммедовнинг саъй-ҳаракатини маҳаллий ва район ходимлари томонидан йўл қўйилган хатолар билан боғлаб изоҳлашга уринишларига жавобан Зубаиров бундай деган: «Мен сиз билан келиша олмайман, бундай ҳолларда мен қандай ҳаракат қилган бўлсам, шундай ҳаракат қилавераман, сизларнинг ҳаммангиз кабинетларда ўтириб қолгансизлар, жойларга кечикиб борасизлар ва ҳеч қандай ёрдам кўрсатмайсизлар». Қишлоқни намойишкорона ташлаб кетар экан, Зубаиров бундай деган: «Менинг бу ерда қиладиган ишим йўқ, сиз менинг обрўйимни тўкаясиз, мен сиз билан райкомда гаплашаман»¹.

1930 йил 10 мартда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ижроия комиссияси «Жамоалаштиришни ўтказишда йўл қўйилган хатоларни тузатиш тўғрисида» қабул қилган қарорининг 8-пунктида жамоалаштиришга қарши оммавий чиқишлар бўлаётган районларда тушунтириш ишларидан сўнг камбағаллар мажлислари, қишлоқ йиғинлари ўтказилиб, уларда советларга қарши чиқишларни сиёсий жиҳатдан қоралаш, бундай чиқишлар ташкилотчиларини сургун қилиш зарурлиги кўрсатилди².

Жамоалаштириш ва «қулоқ» қилишга қарши Ўрта Осиё деҳқонларининг 1930 йил февралдан 12 мартгача бўлган даврдаги оммавий чиқишлари ҳақида ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилликнинг Москвага йўдлаган маълумотини айнан келтириш мақсадга мувофиқдир. Чунки унда воқеалар аниқ ва холис таҳлил этилган:

«1) Андижон округи Жалолқудуқ районида 1 март куни райком биносига 300 кишилик оломон келиб диний маросимларни ўтказишга рухсат берилишини талаб қилди. Оломондагилар бақир-чақир билан ўзларининг ичидаги собиқ фаол босмачининг «Николай замонида бойлар совет ҳокимиятидагидек таъқибга учрамагандилар ва азобга солинмагандилар», деган овозини қўллаб-қувватлаб чиқдилар.

2) Жалолқудуқ ва Избоскан районларида 1 март куни учта қишлоқ колхозга киришдан бутунлай бош тортди. 50 кишилик оломон Луғумбекдаги пахта сотиб олиш пунктига келиб нима учун колхозга кириш мажбурий эканлигини тушунтириб бериш-ни талаб қилган.

3) Аушка қишлоғида бойлар колхозга кирадиганлар рўйхатини ёқиб юборишган.

4) Найман қишлоғида 1 март куни район экиш комиссияси вакили номоз ўқишни тақиқлаб қўйган. 350 кишилик оломон экиш комиссияси вакилини ушлаб олиб, ўзларича суд қилишга

¹ РИСТДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2141-иш. 51-варақ.

² ЎзР ПДА. 58-фонд. 6-рўйхат. 755-иш. 31—32-варақлар.

уринганлар, бу ерга етиб келган райком
лан кўрқитганлар.

5) Чортоқ қишлоғида 1 март куни колхоз
кирмаётган деҳқонларни кўрқитмоқчи бўлгани
вий чиқиш юз берган. Ифвдан фойдаланган бо
«Ўзимиз қамоқхонага бориб ҳибсликка тортиламиз»
қиришди. Йўлда оломон милиционерга ташланган. Учта
ярадор бўлган.

6) Янгиқўрғон райони: 1 март куни пахта топширмаётган
бойлар мулкани мусодара қилиб, ўзларини кўчириб юбориш
тўғрисидаги қарор муносабати билан 200 кишилик оломон рай-
ижрокомга келиб қарорни бекор қилишни талаб қилган. Қарор
бекор қилинган, оломон тарқалган.

7) Косонсой райони: Гўртепа қишлоғи. 5 март куни 500
кишилик оломон район марказига юриб қамалганларни озод
қилишни талаб қилиб чиққан, йўлда райком котиби ва ОГПУ
вакили билан учрашган, тушунтиришлардан сўнг тинч ҳолатда
оломон тарқалган.

8) 5 март куни Ҳаққулобод қишлоғида колхозга ёзилган деҳ-
қонлар мулкларини рўйхатга олиш учун ўтказилаётган ёппасига
тинтувларга норозилик билдириб оломон тўпланган. Оломонни
милиция тарқатиб юборган.

9) Асака райони: 10 март. Бир қишлоқ советидаги колхозчи-
лар мажлисга тўпланиб колхозни тарқатиб юборишни талаб қил-
ганлар. 7 соат мобайнида насиҳатлар берилгандан сўнг колхозда
қолишга кўнганлар.

10) Андижон шаҳри. 10 март (тўғридан-тўғри сим орқали
етказилган хабар). «Ойим, Кўрғонтепа, қисман Андижон район-
ларида аҳвол ниҳоятда оғирлигини ҳис этиб турибмиз. Ҳамма
жойда юзага келган шиорлар бир хил, ғирт аксилинқилобийдир.
Бугун ёппасига жамоалаштирилган 19 та қишлоқ советлари но-
мидан ташкил топган вакиллар Андижонга келиб: «Колхозларни
тарқатиб юбориш», «Колхозчилар ва ҳақсизлар рўйхатини бе-
риш», «Камбағаллар ташкилотлари ва йиғинларини тутатиш»,
«Ҳақсизлар ҳуқуқларини тиклаш», «Қамоққа олинган қулоқлар-
ни озод қилиш»ни талаб қилганлар. 13 та қишлоқ советларидан
вакиллар келишган. Узоқдаги 6 та қишлоқ советларидан вакил-
лар Андижонга келаолмаганлар».

11) 10 март. Округнинг тўртта бошқа районларидан келган
оломон бугун Ойимда советларга қарши қичқириклардан қониқ-
май тарқалиб кетган. Оломон эртаси куни эрталабгача талаблар-
ни бажариш учун муддат белгилаганини айтган. Қирғизистондан
гуруҳлар келиши давом этган, бугун оломондагилар сони 3000
кишига етган¹.

12) Шаҳрихон райони: 12 март куни соат кундузи 12. Шаҳ-

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2141-иш, 62—63-варақлар.

ноҳуно
пеш
пурх
омма
сабабли
колхоз
иниш
иш
иш

Юқориариқ, Шаҳрихон қишломон келган. Улар «Ҳақсиз-
қ советлари қошида қамалган-
авдога рухсат берилсин», «Кол-
а иш ҳайвонлари қайтарилсин»,
йловлар ўтказилсин» талабларини
арни тарқатиб юбориш тўғрисида
юмон тарқала бошлаган.

қ советидаги колхоз ўз аъзолари то-
ин.
он қишлоқ советида ва Қорақалпоқ
арни тарқатиб юбориш учун галаёнлар

бўлиш

Избоскан. 12 март. Соат 11. 700 кишидан иборат
Қирғизистон ишчилари. Майлисой, Луғумбек ариқларини чо-
пиб, тозалаш ишини ташлаб кетганлар. Бунгача Килём қишло-
ғида колхозга қарши оммавий ҳаракат бўлиб ўтган.

Пойтуғ қишлоғидаги колхозчилардан 600 киши қишлоқ со-
ветига келиб «Колхозни тарқатиб юборишни», «Колхозчилар
рўйхатини беришни» талаб қилган. «Бундан сўнг колхозларда
бўлмаймиз» деган ҳайқириқлар қилишган.

12 март. Майгир қишлоғида 200 киши экин экиш бешлиги
вакилига колхоздан чиққанликларини билдиришган.

12 март. Булоқбоши қишлоғида 100 киши ширкатга келиб
мана бу талабларни қўйганлар: «Дарҳол колхоз тарқатиб юбо-
рилсин», «Йўқ қилиб юбориш учун колхозчилар рўйхати берил-
син», «Ишлаб чиқариш ширкати йўқ қилинсин», «Кооперация-
нинг эски шакли ташкил этилсин». Қўрқитишлар бўлган.

Қўрғонтепа райони: 12 март. Бўйдоқ қишлоғида қўлда ёзилиб,
деворларга ёпиштирилган «афғон йигитлари номидан» мусулмон
динига итоат қилишга, ғайридинлар билан бирга яшамасликка
даъват қилувчи шиорлар топилган. Биргина Марҳаматдан ташқа-
ридаги 12 та районда оммавий чиқишлар бўлиб ўтган.

Фарғона округида ҳам қишлоқ аҳолисининг инқилобий чи-
қишлари кенг кўламда, хилма-хил шаклларда бўлиб ўтгани тез-
кор ҳужжатларда ўз акс садосини топган.

Боғдод райони: 9 февраль. Дўрмончи қишлоғи. Деҳқонлар оло-
мони район ижрокоми биносига келиб колхозга киришдан бош
тортганликларини намоиш этганлар.

13 февраль. Чигелен қишлоғи Ҳақсизлар қишлоқ совети раи-
сини уларни колхозга киришларига қаршилик кўрсатгани учун
уриб калтаклаганлар.

16 февраль. 1500 кишилик оломон ёппасига жамоалашти-
ришга қарши норозилик билдириб Боғдод райижрокоми бино-
сини вайрон қилган.

21 февраль. Бачкир қишлоғи. 400 кишилик оломон «Йўқол-
син совет ҳокимияти, у бизни талон-торож қилди» деган бақи-

рик-чақирик билан колхозга кирганлар рўйхатини қайтариб беришни талаб қилган. Пахтани саралаб олишга қарши норозилик билдирган.

1 март. Қўштегирмон қишлоғида ҳайит куни ибодат қилиш чоғида ҳайқирик ва кўрқитувлар бошланиб кетган. 1500 кишилик оломон совет ходимларини излаб топиб, қўлга олишга ташланган. Рухонийлар оломонга қарата: бугунги байрамда кимдаким ўлса, у муқаддас бўлиб жаннатга киради, деб айтганлар. Оломон жамоалаштириш комиссиясини топиб олиб, ундан рўйхатни тортиб олиб, майда-майда қилиб йиртиб юборган.

2 март. Янгиқўрғон қишлоғи. Қулоқлар томонидан 700 кишилик оломон ташкил этилган. Ширкатдан «колхозга ёзилганлар рўйхатини беришни» талаб қилганлар. Рўйхатлар берилгач, улар йўқ қилинган, оломон тинчланган.

Янгиқўрғон ва Баширда камбағал ва ўрта ҳоллар ширкатга европача қишлоқ хўжалиги инвентарларини келтирганлар.

3 март. Чувара қишлоқ советида йирик колхоз тузилган. Вакил томонидан ҳайвонларни баҳолаш чоғида бой ва ҳақсизлар бошчилигидаги 150 кишилик оломон вакилга ташланган. Иккитаси уриб калтакланган. Қишлоқ совети раиси қочиб кетган. Оломон Тоғада қишлоғига бораркан, 500—600 кишига кўпайган. 5 та қишлоқда барча колхозлар рўйхатлари ёқиб юборилган. Оломон шу ернинг ўзида бундан кейин колхозга хирмаслик учун қасамёд қилиб, қўлга олинган ходимлардан бундан сўнг колхоз тузиш учун уларнинг қишлоққа қадам босмасликлари ҳақида ваъда қилувчи тилхат олган. Бу чиқиш 4 кун аввал ҳақсизлар, бойлар ва рухонийлар томонидан деҳқонларнинг махфий йиғилишларида тайёрланган эди.

3 март. Чек-Мадаминбек қишлоғи комиссиясига ҳайвонларни баҳолаётган пайтда 200—300 деҳқонлардан иборат оломон тўпланиб, комиссиянинг жамоалаштириш бўйича ҳар қандай ишларни тўхтатиб қўйиб дарҳол қишлоқни ташлаб чиқиб кетишини талаб қилган.

3 март. 100 фоиз жамоалаштирилган Хўжанд қишлоқ советида ҳайвонларни баҳолаш комиссияси иш кўраётган пайтда 500 нафар деҳқонлар тўпланиб, қатъийлик билан «уларга колхоз керак эмас, дарҳол колхоз бошқарувини тарқатиб юбориш керак» деб чиққанлар.

Самарқанд қишлоқ советида ҳам шундай аҳвол юз берган. Колхозларга киришдан бош тортиш билан бир қаторда қишлоқ хўжалигининг европача инвентарларидан ҳам воз кечиш ҳоллари бўлган.

Қўштегирмон қишлоқ советида «Барча ҳақсизлар ҳуқуқи тиклансин», «Барча қамоққа олинганлар бўшатилинсин», «Йўқолсин колхозлар», «Йўқолсин пахтачилик дастури ва экиш режаси», «Хоҳлаган экинимизни экиш ҳуқуқини берасан» деган талаблар билан оммавий чиқишлар бўлган.

3 март. Чувалачи қишлоқ советида район экиш комиссияси

вакилини ҳамда фаол батракларни уриб калтаклаганлар қишлоқ совети идорасини бузиб ташлаб ундаги колхозчилар рўйхатини ёқиб юборганлар. Қишлоқ совети вайрон этилгач, қишлоқ советининг раиси қилиб собиқ босмачи Ҳасанбойни сайлаб олганлар.

5 март. 15 та қишлоқ советида совет ҳокимияти йўқ деса ҳам бўлаверган, чунки бу советлар раислари уриб калтакланган, уларнинг кўпчилиги бекиниб юрган, бирор иш билан машғул бўлмаган, ҳаттоки ўз идорасини кўрсатишдан ҳам қўрққанлар. Бунга сабаб шуки, руҳонийлар ва қулоқлар уларни ўлдириш билан кўрқитганлар.

Картахаус қишлоқ советида қулоқ ва руҳонийлар янги ташкил этилган колхозларни нафақат тарқатиб юборганлар, ҳаттоки атрофдаги аҳолига намуна бўлиб хизмат қилаётган эски «Тоймас» колхозини тарқатиб юборишгача бориб етганлар. Бу колхоз раиси ва аъзоларини бойлар ўлдирамиз деб кўрқитганлар, улар «колхоз ҳаракатининг маразларимиз» деб айтганлар. Бу қишлоқ советида колхозчилардан масжид ва руҳонийларнинг барча вақф ерларини қайтариб беришни талаб қилганлар.

Қоратела қишлоқ советида ишлаб чиқариш ширкатига раис қилиб собиқ қўрбоши сайланган. Бунга норозилик билдирганлар район, колхоз пахтачилик мудирига «Агар унинг раис бўлишини хоҳламасангиз, у ҳолда бизга сизнинг ишлаб чиқариш ширкатингиз ҳам керак эмас» деб айтганлар.

Чуст-Поп райони: 20 февраль. Мозор қишлоқ советида 300 киши жамоалаштиришга қарши «Аввал саводни чиқаринг, кейин колхоз тузинг» деган талаб билан чиққан. Унинг ташкилотчилари қамоққа олинган. Шунда районга вакиллар юборилиб жамоалаштириш сиёсати мажбуран амалга оширилаётгани ҳақида шикоят берилган. Уларга яна учта қишлоқ қўшилди, йўл давомида вакиллар сони 500 кишига ўсди, охири 3300 кишига етди. Уларни сиёсий бешлик қарши кутиб олиб мажлис ўтказди. Оломонда душманлик кайфияти кучли. Улар «Ҳақсизлар ҳуқуқи тиклансин», «Қамоққа олинганлар бўшатилинсин», «Жамоалаштириш бекор қилинсин», «Колхозга ёзилганлар рўйхати йўқ қилинсин», «Эски усулдаги мактаблар тиклансин» деган талаб қўйдилар. Комиссия рўйхатларни беришга мажбур бўлади ва улар майда-майда қилиб йиртилиб ташланади.

22 февраль. 500 кишилик оломон ширкатга қарши босқинчилик ҳаракати қилмоқчи бўлганида Файзулла Хўжаев нутқ сўзлаб уларни тинчлантиришга эришади.

3 март. Мозор қишлоғида бойларни қамоққа олиш операциясини ўтказётганларни 150 кишилик оломон ўраб олиб, улардан қамалганларни дарҳол бўшатишни талаб қилган ва бунга эришган ҳам.

3 март. ОГПУ вакили маҳаллий ходимлар билан биргаликда аксилинқилобий унсурларни ушлаб олиш бўйича операцияни

ўтказиш учун Фурумсарой қишлоғига қараб йўл олган. Бу қишлоқда 300 кишилик оломон қуршовида қолган ОГПУ вакили ва район экиш комиссияси вакилига ҳужум қилиб унга оғир жароҳат етказган, қишлоқ совети тор-мор қилинган.

Кудаш райони: 3 март. Жамоалаштиришга қарши учта қишлоқ аҳолиси ғалаён кўтарган. Қурсуқ қишлоғида 500 кишилик оломон колхоз ташкилотчиларидан икки батракни ўлдиришга уринган.

3 март. Шўр қишлоғида 100 деҳқоннинг чиқиши юз берган.

3 март. Янги қишлоқда ғалаён кўтарган 150 деҳқон райижрокомга келиб жамоалаштиришни бекор қилишни талаб қилган. Жамоалаштириш ихтиёрийлиги тушунтирилгандан сўнг оломон тарқалган.

4 март. Бойлар, ҳақсизлар ва руҳонийлар раҳбарлигида 7 та қишлоқ советида (Катта Янги, Шулгакат, Ярим бува, Оқтепа, Оқмачит, Имаш, Хаид қишлоқларида) кучли ғалаён бўлиб, у ошқора чиқишга айланиб кетган.

5 март. Катта Янги қишлоқ советида 200 кишилик оломон ойналарни синдириб ташлаган. 50 тадан 200 тагача деҳқонлар дайдиб юришган. Маълумотларга қараганда, 7 та қишлоқ советининг барчасидаги бу оломонлар уюшган ҳолда чиқиш қилиб «Колхозчилар рўйхатини беринглар», «Солиқларни камайтиринглар», «Қамоққа олинганларни бўшатинглар», «Ҳақсизлар ҳуқуқини тиклаб қўйинглар» шиорларини ўртага ташлаганлар.

Қўқон райони: 3 март. Телешон қишлоғида 100 кишилик оломон бойлар томонидан жўнбушга келтирилиб, райижрокомга келиб «колхозларга ҳақсизларни қабул қилишни» талаб қилганлар, акс ҳолда колхозга кирмаймиз деб қўрқитганлар. Тушунтиришлар бўлгач, одамлар ўз талабларидан воз кечганлар, ғалаённи бошлаганларни кўчириб юбориш ҳақида қарор чиқарганлар.

3 март. Қоракурки қишлоғида ҳам юқоридаги воқеа юз берди. Тушунтиришдан сўнг қишлоқ аҳолиси колхозга ҳақсизларсиз киришга қарор қилган.

3 март. Шендир қишлоғида ҳақсизлардан бири колхозга қабул қилинмагани сабабидан ўзини сўйиб юбормоқчи бўлган. Бойлар 200 кишини уюштириб «Колхозларга ҳақсизлар ҳам қабул қилинсин» талаби билан чиқиш уюштирганлар. Тушунтиришлардан сўнг оломон тинчланган, колхозларга ҳақсизларни ҳам қабул қилишга қарор қилинган.

Бувайда райони: 18 февраль. 400 кишилик оломон райкомга келиб, «Бойлар қамоққа олинмасин», «Мулклар рўйхатга олинмасин», деган талаблар қўйган, «Совет ҳокимиятини ағдарамиз» дея қўрқитмоқчи бўлишган. Райижроком раиси тазйиқ билан қамалганларни қўйиб юборишга мажбур бўлган. 2 соатдан сўнг 1000 кишилик оломон тўпланиб «Колхозлар бекор қилинсин, советларга қайта сайловлар ўтказилсин», «Ҳақсизлар ҳуқуқи тиклансин», «Колхоз қурилиши тўхтатилсин», деган талаблар қўйган.

18 февраль. Қанғали қишлоғида номаълум миқдордаги оломон қишлоқ совети раисини ва жамоалаштириш бўйича вакилни (қочиб кетади) ўлдирмоқчи бўлган. Сўнгра ўтиб кетаётган Окружком котибини ушлаб олишган, аммо фаоллар уни ҳимоя қилиб қолган.

5 март. Яккатут қишлоғида 1500 кишилиқ оломон вакилдан колхозга ёзилганлар рўйхатини қайтариб беришни талаб қилган, рад жавоби берилгач, ширкатга ёпирилиб кириб рўйхатларни топиб олиб, уларни йиртиб ташлашган.

5 март. Қайғали (ёки Қайнил) қишлоғида колхозларга қарши норозилиқ ошқора ғалаёнга айланиб кетган. Кечга бориб қишлоқ атрофида 1500 деҳқон тўпланиб, «Колхозга кириш учун ёзилганлар рўйхатини беришни» талаб қилган. Бир вақтнинг ўзиде оломон ҳақсизлар ҳуқуқини тиклашни талаб қилиб чиққанлар.

Олтиариқ райони: 15 февраль. Чупрак қишлоғида 300 киши жамоалаштириш бўйича комиссияни ҳайдаб юборган.

Араб қишлоғида ҳам шундай бўлган.

18 февраль. Зодион қишлоғидаги жамоалаштириш бўйича йиғилган мажлисда муштлашиш келиб чиққан, жароҳат олганлар бўлган.

2 март. Бўстон қишлоғида 300 кишилиқ оломон ширкатга келиб ғалла талаб қилган. Пахта экадиганлар ўз дафтарчаларини ҳар ёққа ташлаб юборганлар. Шундай ҳолат Ҳамраобод қишлоғида ҳам юз берган.

Бухоро округидаги деҳқонларнинг чиқишлари ҳам кескин тус олгани расмий, махфий ҳужжатларда ўз ифодасини топган:

Янги Бухоро райони: 25 февраль. Тадриян қишлоқ советида баҳолаш комиссиясини тузиш бўйича йиғилишда район вакилини калтаклашган. Ҳайъат сайлашдан бош тортишган. Умумлаштиришни бекор қилишни талаб қилишган. Оломон қўшни колхозга бориб, у ерда баҳолаш комиссиясини ҳайдаб юборган.

27 февраль. Ҳазрати Амир қишлоғи жамоалаштиришдан бош тортган, 8 вакилни райижрокомга юборган. Оломон ташаббускорларидан 8 киши қамоққа олиниши туфайли 50 кишилиқ оломон уларни озод қилишни талаб қилган, уни зўрлик билан амалга оширишга уринган, аммо бу ҳаракат қайтарилган. Шундан сўнг яна 3 та қишлоқ совети жамоалаштиришни тўласинча инкор этиб чиққан.

2 март. Яна ўша Ҳазрати Амир қишлоғида оломон мусодара қилинган ҳайвонлар тўлаб қўйилган уйни босиб олиб, фаолларни урган.

3 март. Якшанба қишлоқ советида 400 кишилиқ жамоалаштириш ва умумлаштиришга норозилиқ билдирган оломон умумлаштирилиб, тўлаб қўйилган ҳайвонлар турган ҳовлига ҳужум қилган. Унга жавобан қамоққа олинасизлар деб қўрқитмоқчи бўлишганда оломон колхоз раисини, қишлоқ совети котибини,

батрақлар фаолларини уриб калтаклаган. Қўшни қишлоқдаги сиёсий вакил ўч олинишидан хавфсираб бошқа ходимлар билан биргаликда қочиб кетган. У иккинчи марта пайдо бўлганда калтаклаган. Шунингдек, райижроком раиси ҳам калтак еган. 600 кишидан иборат жўнбушга келган оломон райижроком биносига келиб «жамоалаштиришни бекор қилиш» талабини қўйган. Тушунтириш ишларидан сўнг оломон тарқалган. Бу оммавий чиқишлардан олдин қишлоқ ходимлари ибодат қиладиган аёлларни ҳайдаб юборган, пахта топширмаганларнинг уйларини ёппасига тинтув қилган, колхозга қираётганларнинг барча буюмларини, ҳаттоки шахсий истеъмолдаги буюмларини ҳам рўйхатга олишган.

4 март. Саримдияк қишлоғида оломон жамоалаштиришга қарши чиқиб сиёсий ходимларни дўппослаб урган. Оломон округ комитети ходимлари томонидан тинчлантирилган.

4 март. Тутқун қишлоқ советида 500 кишилик оломон райижрокомга келиб жамоалаштириш дарҳол тўхтатилишини, колхозларга қираётганлар рўйхатини беришни талаб қилган. Тушунтиришлардан сўнг оломон тарқалган.

6 март. Селан қишлоқ совети аҳолисидан 300 киши Бухорога келиб жамоалаштиришни бекор қилиш ҳақида гаплашиш мақсадида Файзулла Хўжаевни излаганлар. Уни топа олмагач, тарқалишган.

Ғиждувон райони: 3 март. Чатгарон қишлоқ советидаги 3 та қишлоқ жамоаси жамоалаштиришга қарши чиққан. Бунга сабаб қуошқондан чиқиб ҳаракат қилган ишчилар бригадаси деҳқонларни «босмачилар» деб ҳақорат қилгани, деҳқонларга милтиқ билан дўқ уриб қўрқитиши бўлган. Бригадирлар оломон томонидан уриб калтакланган.

3 март. Жипоти қишлоғи. Жамоалаштириш бекор қилингани ҳақидаги қарордан беҳабар бўлган ишчи бригадаси уй ҳайвонларини ҳисобга олишга киришган. 400 кишилик оломон бригадага ташланган. Бригада қочиб қолган.

Шу районда Ҳазрати Имом масжидида ибодат қиладиганлар бригада томонидан қўрқитилиб, «қамоққа оламиз» деб ҳайдаб юборилган. Шу бригада қабристонда ибодат қиладиган аёллар ва болаларни ҳайдаб юборган. Бригада ҳибсга олинган.

Когон райони: 6 март. Ҳар хил қишлоқ советларидан Когонга келган 200 кишилик оломон «Жамоалаштириш бекор қилинсин», «Ғалла билан таъминлаш тартибга солинсин» деган талабларни қўйган.

Хива райони: 10 март. Маъмуриятчиликка қарши қарор қабул қилинганидан сўнг кўпгина ҳолатларга дуч келинган. Хива, Янгиариқ, Гурлан районларида колхозларга қарши оммавий чиқишлар бўлган.

Вобкент райони: 5 март. Жамоалаштириш билан боғлиқ 600 деҳқоннинг чиқиши юз берган. Батафсил тафсилоти йўқ.

Тошкент округидаги деҳқонлар чиқишлари ҳам анча кескин сиёсий тусда рўй берган.

Бекобод райони: 1 март. Боёвут ва Ачамайли қишлоқларидаги колхозчилардан 300—400 киши йиғилган. Ибодат қилганидан сўнг қишлоқ яшовчиси сўзга чиқиб: «Бизлар 15 кундан бери колхоздамиз. Ҳокимият эса бизга ёрдам бермаяпти, очликдан ўламиз» деган. Шундан сўнг оломон колхозга ёзилганлар рўйхатини қайтариб олиш учун йўлга чиққан, уларни тўхтатишга уринган ячейка котиби калтакланган.

5 март. Туркман ва Қўштомгон қишлоқлари йиғилишида колхозчилардан 150 киши «бизларни зўравонлик билан колхозга ёзишган, маълумки, колхоз ихтиёрий ташкилот. Агар шундай бўлса, у ҳолда биз колхоздан чиқиб кетамиз» деб чиқишган. Йиғилиш 6 соат давом этган. Иккита колхоз тарқатиб юборилган.

Ховос райони: 2 март. Жўйлангар қишлоғида ўтказилган умумий мажлисда деҳқонлар «Бойларнинг рўйхат қилиб тортиб олинган буюмлари қайтарилсин ва бойлар колхозларга қабул қилинсин» деган талаб қўйганлар. Улар талаби рад этилгандан сўнг мажлисда қатнашаётган райижроком раисини уришга уринилган. Улардан 15 киши қамоққа олинган.

3 мартда мажлис чақирилиб қамалганларни озод қилишга қарор қилинган. Бутун аҳоли кўчага чиққан ва отишмаларга қарамай, қамоқдагиларни озод қилган. Аҳоли қатъийлик билан «бойлар колхозларга қабул қилинсин ва уларнинг молк-мулки ва буюмлари қайтариб берилсин» деган талабни қўйган.

Ана шундай ғалаёнлар, чиқишлар, исёнлар Хоразм, Қашқадарё, Сурхондарё, ҳаттоки пойтахт, Самарқанд округларида ҳам кўплаб юз берди.

1930 йил январь охири — февраль бошларида Хонқа районининг Саркоян, Чандир, Урганч қишлоқларида аҳолининг тўполонлари бўлиб ўтган. Кўзғолончилар «Йўқолсин колхозлар», «Совет ҳокимияти кооператив ва колхозлар ташкил этмаслик ҳақида тилхат берсин», «Эски усулдаги мактаблар тиклансин» деган ишлар ва талабларни илгари сурганлар.

11 февраль куни Ғузор районида 30 кишидан иборат кетмон ва белкураклар билан қуролланган гуруҳ мажлисда дўқ-пўписа қилиб ҳақ-ҳуқуқларини тиклашни талаб қилиб чиққан.

19 ва 22 февраль кунлари Бойсун районида бойлар 80 ва 60 кишилиқ икки марта деҳқонлар мажлисини ўтказиб, совет ва колхоз ходимларини ишдан олиш ва уларнинг ўрнига қулоқ думларини қўйиш билан боғлиқ ўзлари учун зарур қарорнинг қабул қилинишига эришганлар.

Бойсун районининг Мочка қишлоғида 30 кишидан иборат деҳқонлар гуруҳи 5 март куни калтаклар билан қуролланиб экиш комиссияси вакилини, қишлоқ совети раисини, қишлоқ совети котибинини ва колхоз раисини қамоққа олишга эришганлар.

Пойариқ районидаги Пакруц қишлоқ советида 8 март куни

50 кишилик оломон уруғлик фондини развёрстка қилишда камбағаллар билан келишмаганини рўқач қилиб вакил Муҳаммадиевни ишдан олишни талаб қилиб чиққан. 12 март куни эса Накрач қишлоғида 70 кишилик оломон ташкил этилган колхозни тарқатиб юбориш, яқка ҳолда экин экишга рухсат беришни талаб қилиб чиққан. Бунга розилик билдирилган¹.

И. А. Зеленскийнинг тўғридан-тўғри сим орқали Исломов, Тўрабеков ва Ландер билан гаплашган тасмасидан олинган маълумотлар ҳам диққатга сазовор. Жумладан, унда шундай дейилган: «...Бугун мен бўлган қишлоқ советида 350 киши миқдоридати омма Андижонда бўлишган ва мен билан бирга ўзларининг қишлоғидан қайтиб келишди, ўз сафарларидан ҳақсизларни ҳайдаб юбориш ҳақидаги менинг талабимни бажардилар, аксарият камбағаллар, батраклар ва ўрта ҳоллар қолишди. Ва тушунтиришлар ҳамда бой ва қулоқлар ифвогарлиги фош этилгач, жуда ҳам яхши резолюция қабул қилишди»².

Биз жамоалаштириш, қулоқ қилиш ва сургун этиш сиёсатига қарши кўтарилган деҳқонлар, қишлоқ аҳолисининг сиёсий, инқилобий чиқишларини Ўзбекистон мисолида кўриб чиқдик. Худди шундай жараён Туркменистон, Тожикистон, Қирғизистон республикаларида, ёлпасига жамоалаштириш районларида ҳам юз берган. Ҳатто айрим жойларда инқилобий чиқишлар янада жиддийроқ, кучлироқ бўлиб ўтган. Бу ҳақда ҳужжатли материаллар шоҳидлик беради.

Юқорига юборилган телеграммалардан бирида шундай дейилган: «Сим орқали ёзишма

Ошкор этмасликни таъминлайлик
Тошкент, ПП ОГПУ Каруцкийга

Зеленский районидаги Хонобод қишлоғида 15 март куни жамоалаштириш масаласи заминиди 1000 дан зиёд кишининг оммавий чиқиши содир бўлган ва бу ерда 2 та ходим яраланган. Бу ерга Икромов, Тўрабеков, Резайкин ва бошқа ходимлар 25 кишилик отряд билан жўнаб кетдилар. Тафсилотларини қўшимча равишда хабар қиламиз. 15 март 1930 йил, Лангер»³.

Жамоалаштириш ва қулоқ қилиш муносабати билан қишлоқнинг сиёсий аҳволи ҳақида 1930 йил 15 мартда юқорига жўнатилган 4-сон ахборотномада келтирилган маълумотлар ҳам масаланинг туб моҳиятини очиб беришда аҳамиятлидир. Юз бераётган воқеалар жараёнига берилган умумий тавсифномада шундай дейилган: «Ҳисобот даврида деҳқонларнинг колхозларга қарши чиқишлари ва бойларнинг колхозга қарши фаолияти амалда бутун Ўрта Осиё ҳудудини чўлғаб олиб кескин суръатда кучайиб кетди. Март ойи ўрталарига келиб Ўзбекистоннинг Андижон ок-

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 2-руйхат, 2141-иш, 62–64-варақлар.

² РИСТТДА, 62-фонд, 2-руйхат, 2141-иш, 65-варақ.

³ РИСТТДА, 62-фонд, 2-руйхат, 2139-иш, 50-варақ.

руги ва Қирғизистон АССРнинг Ўш округида ғоят кескин сиёсий вазият юз берди. Бу ерда содир бўлган оммавий чиқишлар деҳқон ва бойларнинг катта бир қисмини қамраб олди ва жамоалаштиришни ўтказиш жараёнида йўл қўйилган бир қатор бузишлар ва хатоликлардан фойдаланиб, оммавий чиқишларга яққол кўриниб турган сиёсий тус беришга эришилди.

Оммавий чиқишларнинг ўсиши жараёнида (чиқишларнинг ўзининг сонига кўра ҳам, шунингдек, қатнашчиларнинг сони ва қамраб олинган ҳудудга кўра ҳам) колхозга қарши ҳаракат Тошкент округининг Мирзачўл районидан ташқари барча илгари белгиланган ёппасига жамоалаштириш районларига ёйилиб кетди. Колхозга қарши бу чиқишлар илгари белгилаб олинган жамоалаштириш суръатлари мавжуд шароитларга мос келмаганлиги ва ўзининг катта бир қисми билан деҳқонларнинг колхозга томон оммавий ҳаракати натижаси бўлмаганлиги муносабати билан директив (юқори раҳбар) органлар томонидан ёппасига жамоалаштириш районлари сони анча камайтирилди. Илгари белгиланган 32 та ёппасига жамоалаштириш районларидан Мирзачўл ва Янгийўл районлари (Тошкент округи), Зеленский ва Шаҳрихон районлари (Андижон округи), Кува райони (Фарғона округи), Саёт, Денов ва Фароб районлари (Туркменистон) қолдирилди. Қирғизистондаги ёппасига жамоалаштириш районлари ҳозирга қадар аниқланмагани қайд этилган.

Ҳисобот даврининг охирига келиб оммавий чиқишларнинг асосий районларида жамоалаштириш мутлақо ихтиёрийлик асосларида ўтказиляпти деб олиб борилаётган тушунтириш ишлари натижасида ва бизнинг бойларнинг аксилинқилобий юқори қисмининг мол-мулкни мусодара қилиш борасидаги оператив ишларимизнинг натижасида умумий аҳвол бирмунча тинчланди (осойишталик юз берди). Шу билан бирга ҳисобот даври охирига келиб Хоразм округида кескин сиёсий вазият юз берди. Бу ерда 14—15 март кунлари бой ва мулла-руҳонийлар раҳбарлигида колхозга қарши фаол чиқишлар содир бўлдики, улар аниқ кўриниб турган ташкилий характерга эга бўлиб, очиқ сиёсий тус олган ҳаракатлар эди»¹.

1930 йил 17 мартда Москва билан бевосита уланган линия воситасида Тошкентдан 14—16 мартда Андижон, Бухоро, Фарғона, Сурхондарё, Хоразмдаги воқеалар тафсилоти империя пойтахтига, ОГПУ га узатилади.

Асака райони Қоратепа қишлоғида 13 мартда тўпланган 1000 кишилиқ оломон бақирӣқ овозлар билан «Йўқолсин колхозлар», «Йўқолсин советлар ҳокимияти» деб, район ижроия комитетига қараб йўл олади. Оломон сафи 2500 кишига кенгайгач, мана бу сиёсий талаблар қўйилади: колхозлар тарқалсин, тортиб олинган ерлар қайтарилсин, қамоққа олиниши сабаби қандай-

¹ РИСТГДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2139-иш, 57-варақ.

лигидан қатъи назар қамоқдагилар озод қилинсин, ҳақсизлар тиклансин, миллатлар мустақил бўлсин, руҳоният эркин ҳаракат қилсин, шариат асосларида ҳаракат қилиш ҳуқуқи берилсин, агроцентлар тўхтатилсин, европача инвентардан, трактордан фойдаланиш тўхтатилсин.

13 мартда Избоскан райони Хайробод қишлоғида 300 кишилик оломон қишлоқ совети раисини қайта сайлашни, ҳақсизлар ишини қайта кўриб чиқиш учун комиссия тузишни, партия ячейкаси котибини ишдан олиб ташлашни талаб қилади.

Норин райони Шўрариқ қишлоғида бойлар томонидан уюштирилган оммавий чиқишни камбағал-батрақлар барбод қилишади, бир қатор бойларни, ташаббускорларни яққалаб, ажратиб қўйиш ҳақида қарор чиқарилади, тўртта бой қамоққа олинади.

15 мартда Зеленский районидаги Хонобод қишлоғида 1000 кишилик оломон жамоалаштиришга қарши чиқади. Жамоалаштиришнинг иккита фаоли яраланади. Воқеа жойига ГПУнинг округ бўлими бошлиғи, 25 қиличлик кишилардан иборат отряд ва партия ходимлари етиб келади.

8 мартда Бухоронинг кўпчилик районларида бўлиб ўтган йиғилишларда бой унсурлар советларга қарши курашда фойдаланадилар. Янги Бухоро райони Қизилтепа қишлоғида бойлар бошчилигидаги собиқ босмачилар гуруҳи мулклари мусодара қилиниб, улар олиб қўйилган ҳайвонларини қайтариб бериш талабини кўяди, қишлоқ совети раисига ва котибига ташланиб, калтаклайди, қишлоқ совети раисининг боласини ўлдиради. Бу иш етакчиларидан учтаси қамоққа олинади.

8 мартда Эски Бухоро районида Қуроджи қишлоғидаги 280 деҳқон иштирок этган йиғинда бойлар 100 кишини пахта бўйича шартномани бекор қилишни, ҳосилнинг контрол рақамини бекор қилишни талаб қилиб чиқишган. Эртаси куни шу талаблар билан 250 кишилик оломон округ ижроия комитети биносига келган, тушунтиришлардан сўнг оломон тарқалган. 6 бой қамоққа олинган.

9 мартда 300 кишилик (улардан 150 га яқини аёллар) оломон қамалганларни дарҳол озод қилишни талаб қилади. Унга жавобан огоҳлантирувчи ўқлар узилади, омма янада кескинроқ хужумга ўтади, ўқ узаётганларнинг бирига пичоқ урмоқчи бўлади. Қўшимча етакчилардан 7 киши қамоққа олинади, оломон тарқалиб кетади.

9 мартда Вағанғози қишлоғида 200 кишилик оломон бойлар, эшонлар раҳбарлигида аҳолининг колхоздан чиқишини талаб қилган, аҳоли қатъиян бош тортган. Колхозчилар ва оломон ўртасида муштлашиш, уруш келиб чиққан, қатор колхозчилар калтак еган. 6 бой, битта эшон қамоққа олинган.

Шундай талаблар билан 100 кишилик оломон Шарислом пахта пунктида чиқиш қилган.

8 март куни имом Қозихон қишлоғидаги йиғинда бойлар қишлоқ совети раисини ва фаоллардан бирини оломон томонидан уриб-қалтаклашини ташкил этган. 6 бой қамоққа олинган.

13 мартда Фарғона округидаги ёппасига жамоалаштириш Кува районидаги бир қатор қишлоқлар аҳолиси район марказига ўз вакилларини юбориб жамоалаштиришни бекор қилишни илтимос қилган. Иккита колхоз бузилиб кетган, қолганлари сақлаб қолинган, аммо колхозларнинг бир қисми иккиланиш ҳолатида бўлган.

14 мартда икки қишлоқ советларидан 200 киши миқдоридagi оломон Шофиркон район партия комитетига келиб ҳашар ишларини бекор қилишни, аванс беришни бекор қилишни талаб қилиб чиққан.

Эски ва Янги Бухоро районларида колхозчилар пахта контрактацияси шартномаларидан оммавий равишда бош тортганлар.

Барча районларда бойлар пахта экиш нормасини бажаришдан, пахтага ишлов беришдан бош тортганлар.

9—14 март кунлари Сурхондарёда иккита гуруҳ (колхозга қарши, советларга қарши ифвогарлик ва террорчилик фаолияти учун) тугатилган. 7 бой қамоққа олинган. Якка ҳолда 12 киши, улардан 8 бой, 2 эшон ва 2 камбағал киши қамоққа олинган.

Бойсун районидаги қатор қишлоқ советларида колхозчилар ўзбошимчалик билан бойларнинг ерларини, ҳайвонларини, мулкларини, қурилишларини тортиб олишган. Бойлар иш ҳайвонларининг олиб кўйилганини рўкач қилиб ерларга ишлов беришдан қатъиян бош тортганлар.

10 мартда Гайзава қишлоғида 150 кишилиқ оломон қишлоқ советига келиб бойлар тоифасига нотўғри ёзилишларга қарши норозилик билдирган. Ҳаддан ошишлар ҳам мавжуд. Уни тузатиш учун район ижроия комитети раиси, ГПУ вакили жойга етиб борган.

12 мартда Жарқўрғон районидаги Хўжамалак қишлоғида 11 нафар қуролланган босмачи пайдо бўлиб, Денов районига ўтиб кетган, у ерга отряд юборилган.

5 мартда Қоратут қишлоғида бойларнинг яширин кенгашида бир қатор фаол батракларни ўлдиришга қарор қилинган. Ташаббускорлар қамоққа олинган.

9 мартда Паттакесар райони Учтут қишлоғида 10 бой ва собиқ босмачиларнинг совет ҳудудларига юриш қилиш учун босмачилар отрядларини тузиш мақсадида Афғонистонга қочиб ўтиб кетиш учун тайёргарлик кўраётганликлари аниқланган. Уларни тугатиш чоралари кўрилган¹.

Жамоалаштириш ва қулоқ қилишга қарши оммавий чиқиш-

¹ РИСТГДА. 62-фонд. 2-рўйхат. 2141-нш. 104—106-варақлар.

ларнинг умумий динамикаси ҳам ахборотномада берилган. «Шу йилнинг 25 февралига сиёсий аҳвол Фарғона округида деярли ҳамма ҳолларда сиёсий тус олган жамоалаштиришга қарши жиддий оммавий чиқишлар билан характерландики, бунда колхозларга қарши чиққанларнинг шиорлари сурункасига советларга қарши ва сиёсий шиорларга айланиб кетган, — дейилади ҳужжатда. — Ўрта Осиёдаги республикаларнинг кўпчилик округлари ва айниқса ёппасига жамоалаштириш районлари шу вақтга келиб бундай оммавий чиқишлар билан қамраб олинмаган эди».

Ўш округидаги ёппасига жамоалаштириш районларида февраль ойида гарчи оммавий чиқишлар содир этилган бўлса-да, бироқ улар жиддий хавф туғдирмаган ва кўп ҳолларда тушунтириш ишлари олиб борилгандан сўнг тарқалиб кетадиган деҳқонлар тўдаларининг колхозларга қарши намойишларидан иборат эди.

Ҳисобот даврида оммавий чиқишларнинг ўсиши ва кўлами яққол жиддий хавф тусини олди ва бутун Андижон округини, Ўш округининг 3 та районини (шу жумладан, ёппасига жамоалаштиришга яқинлашиб қолган 2 районни), Бухоро округидаги ёппасига жамоалаштириш районлари бўлмиш Янги Бухоро ва Фиждувон районларини, Тошкент округини (шу вақтга қадар бу ерда жиддий оммавий чиқишлар фавқулодда заиф намоён бўлган эди), Хоразм округини, Туркменистон ССРнинг Карки районини, Самарқанд округини (бу ерда ҳам ўтган давр мобайнида колхозларга қарши кайфиятлар нисбатан заиф намоён бўлган эди), Хўжанд округини (бу ерда ўтган давр мобайнида колхозларга қарши оммавий чиқишлар кузатилмайгина қолмай, балки, аксинча, колхозларга киришга кўпроқ интилиш кузатилган эди) қамраб олди.

Бу каби чиқишлар 1930 йил давомида жойларда давом этверди. В. А. Каруцкийнинг 1930 йил 28 сентябрда Тошкентдан ОГПУга сим орқали тўғридан-тўғри йўллаган хабар хатида Бухоро округи Вобкент районида 26 сентябрда юз берган ҳодиса тавсифланган. Районнинг Чорбоғ, Рохкент, Қипчоқ ва Холач қишлоқларидан тўпланган 300 киши миқдоридаги камбағал деҳқонлар, ўрта ҳолларнинг ҳуқуқда маҳрум қилинган қулоқ раҳбарлигида оммавий чиқиши юз беради. Оломон райиҷроком котибини ушлаб олиб «Пахтасоюз» биносига олиб келади. Оломон ичидан «Биз сени ғалла бермагунингча тириклайин қўйиб юбормаймиз» деган бақирӣқ овозлар таралади. «Пахтасоюз» биносидаги оломон «Пахтасоюз» раисини урмоқчи бўлади. Оломон ичидан «Ҳамма вақт сизлар бизга ғалла бермай, буғдой экиш ўрнига пахта экишга зўрламоқдасизлар» деган овоз эшитилиб туради. Оломоннинг айрим қисми ғалла мажбурияти бўйича қарзларни беришни зўрлик билан талаб қилади, бу талаб қондирилади. Парткомнинг тушунтиришларидан сўнг оло-

мон тарқалади. Округ бўлими текширув иши олиб боради. Қўшимча хабар қилиш ўша хатда айтилади¹.

Чиқишларнинг ўсиш динамикаси, ҳаракатга кенг деҳқонлар оммасининг тортилиши шунини яққол кўрсатдики, жойларда Фарғонадаги жамоалаштиришга қарши чиқишларнинг ютуқлари таъсири остида, жамоалаштириш ўзини амалга оширишнинг амалий палласига кирганлиги муносабати билан (районларда баҳолаш комиссияларининг пайдо бўлиши, ҳайвонларни амалда умумлаштириш ва ҳ.к.), жамоалаштиришни ўтказишда партия йўлини қўпол равишда бузишлар ва маъмурий ўзбошимчаликлар шароитида омманинг кайфиятида жамоалаштиришга қарши кескин бурилиш юз беради.

Колхозга қарши оммавий чиқишларнинг ўсиш динамикаси ушбу жадвалда ифодаланган²:

Округлар	25 февралгача		17 мартгача	
	Чиқишлар	Иштирокчилар	Чиқишлар	Иштирокчилар
Фарғона	17	11.750	4	2000
Бухоро	1	—	13	2600
Андижон	1	—	36	9.373
Қашқадарё	4	930	1	100
Хоразм	3	550	5	2900
Зарафшон	—	—	2	1000
Самарқанд	1	50	2	70
Тошкент	—	—	5	5870
ЎзССР бўйича жами	27	13.280	78	33.873
Хўжанд	—	—	8	3000
Ўш	3	520	10	5000
Туркманистон	3	370	2	870
Ўрта Осиё бўйича жами	33	14.170	98	42.743

Табиийки, деҳқонларнинг колхозга қарши чиқишлари, ғалаён, исёнларига қарши ГПУ ва бошқа жазо органлари шафқатсизлик билан кураш олиб борганлар, турли хил даҳшатли жазолар, қатғон қилиш усул ва шакллари деҳқонларга нисбатан қўлланилган.

Ўрта Осиёда жамоалаштириш ва қулоқ қилишга қарши кўтарилган чиқишлар марказий ҳукуматни ташвишга солган. Буни ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягода, ОГПУ махфий-тезкор Бошқармаси бошлиги Е. Г. Евдокимовларнинг 1930 йил мартада ВКП(б) Марказий Комитетига, И. В. Сталинга Ўрта Осиёдаги

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. . Том 3. Кн. 1, стр. 483.

² РИСТДА. 62-фонд, 2-руйхат, 2141-иш, 125—127-варақлар

аҳвол ҳақида йўллаган баённома хатидан ҳам билса бўлади. Унда жамоалаштиришга қарши кўплаб одамлар оммавий чиқишларининг тез-тез бўлиб тураётгани Ўрта Осиёнинг сиёсий аҳволидаги энг даҳшатли, таҳликали, жиддий эътибор беришни талаб қилаётган масала экани қайд этилган. Бундай оммавий чиқишлар 1930 йил февраль-мартда Ўзбекистонда 105, Қирғизистонда 13, Туркменистонда 3, Тожикистонда 2 маротаба бўлиб ўтган. Улардан фақат жамоалаштиришга қарши қаратилган чиқишлар Ўзбекистонда 80 та, Қирғизистонда 10 та, Туркменистонда 3 та, Тожикистонда 1 та бўлган. Ўзбекистон бўйича 72 та чиқишда 42713 киши, Қирғизистон бўйича 9 чиқишда 6570 киши, Туркменистон бўйича 3 та чиқишда 800 киши, Тожикистон бўйича 2 чиқишда 700 киши қатнашган¹.

Маърузаномادا бундай чиқишлар айниқса сўнгги кунларда алоҳида авж олаётгани таъкидланиб бир қатор мисоллар келтирилган. Жалолобод райони Сузоқ қишлоғида минг кишидан ортиқ оломон 6 март куни Жалолободга келиб колхозлар рўйхатини йўқ қилишни, топширилган уруғнинг қайтарилишини, колхоз раисини ва фаоллардан 24 кишини ҳибсга олишни, ГПУ томонидан қамоққа олинганларни озод қилишни талаб қилган. Оломон томонидан фаолчи-батрак ўлдирилади. Шундан сўнг оломон ГПУ биносига келиб қамоққа олинганларнинг дарҳол бўшатилишини талаб этган. Жалолободга қизил аскарлар ротаси юборилган.

Тошкент округи Ховос райони Жўйлангар қишлоғидаги деҳқонлар умумий йиғилишда рўйхат билан олинган бойлар мулкни қайтариб беришни, бойларнинг колхозга қабул қилинишини талаб қилганлар. Йиғилишга раислик қилган райижроком раиси талабни қондиришдан бош тортади, натижада райижроком раисини ва уни ҳимоя қилаётган фаолларни урушга ҳаракат қилинади. Кечаси райижроком раиси ташаббускорлардан 15 тасини қамоққа олади. 3 марта қишлоқ аҳолиси йиғилиши қақририлиб қамоққа олинганларни озод қилишга қарор қилинади. Бутун аҳоли кўчага чиқади, огоҳлантирувчи ўқ узишларига қарамасдан қамоқдагиларни озод қилади. Ҳукумат вакиллари қочиб кетади. Аҳоли қатъийлик билан бойларни колхозга қабул қилишни, тортиб олинган мулкни қайтариб беришни талаб қилади². Оломонни тарк этган камбағал аёллардан ўч олиш мақсадида уларни қишлоқдан сургун қиламиз деб кўрқитадилар. Оммавий чиқишлар билан қуршаб олинган районлар кўп ҳолатларда ўтмишдаги босмачилар майдони бўлиб қолмади³.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Бельскийнинг Фарғона округидаги аҳвол тўғрисидаги маърузаномасида совет ҳокимиятидан норозилик жамоалаштиришга, пахтачилик сиёсатиغا,

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Том 3. Кн. 1, стр. 253.

² Ўша асар, 254-бет.

³ Ўша асар, 255-бет.

бойларга тазийқ-таъқиб қилишга, саноат қурилишининг етарли даражада эмаслигига нисбатан юз бераётгани қайд этилган¹.

1930 йил 20 мартда Тошкентдан ОГПУ раҳбариятига тўғридан-тўғри сим орқали узатилган хабарда Зарафшон-Кармана районида колхозга ҳужум қилингани, отлар олиб кетилгани, бир колхозчи яралангани, ҳужум иштирокчилари, бой ташаббускорлар 8 кишидан иборат қулга олингани, 16 мартда Нарпай районида жамоалаштиришга қарши Хоросон қишлоқ совети қарши чиққани, муаммо бартараф қилингани, 260 колхозчидан 60 нафари қолгани қайд этилган.

18 мартда Жалолобод районида Бозорқўрғон қишлоқ советида номаълум миқдордаги оломон экиш режасини, контрактацияни беришни талаб қилиб «Бизлар ўз режамизни тузамиз» шиори остида чиқиш қилади². Бундай чиқишлар қаттиққўллик билан бостирилар, кўзғолончилар ҳибса олинарди, колхоз тузумига қарши турганлар аксилинқилобчилар сифатида қамоққа олинарди. Тезкор маълумотларда бу жараён ўз ифодасини топган. Андижон округида 607 киши, шундан 400 киши оммавий чиқишларда қатнашганлари учун, улардан 257 бой, 31 мулла, 22 савдогар, 54 ўрта ҳол, 33 камбағал аксилинқилобчи фаоллар сифатида қўлга олинган, қолганлари аниқланган эмас. Чунки улар районларда бўлишган. Камбағаллар, ўрта ҳоллар оммавий чиқишларнинг фаол иштирокчилари бўлганликлари учунгина ушлаб турилган. Қамоққа олинганлар орасида 8 хизматчи бор, улар бузғинчилик ва чегарадан чиқишдек ишлари учун қамоққа олинганлар. Қамалганларнинг ижтимоий таркибини, ушлаб қолинганлар асосли эканини текшириш учун воқеа содир бўлган Андижон, Кўқонга ҳарбий бўлим бошлиғи Круковский, тергов ишларини тезлаштириш учун ОГПУнинг доимий вакили ходимлари юборилади³.

Самарқанд округи бўйича қамоққа олинган 127 кишидан 81 киши бой, 10 киши мулла, 13 киши камбағал, 23 киши ўрта ҳол бўлган. Фарғонадаги чиқишлар бўйича 164 киши қамоққа олинган. Бухоро округи бўйича жами 156 киши қамоққа олинган, ундан 67 бой, 5 та мулла, 63 ўрта ҳол, 17 камбағал, 4 таси аниқланган эмас. Ўрта ҳол ва камбағаллар оммавий чиқишларда, хусусан, гуруҳ бўлиб террор қилишда, жинойи босмачиликда фаол қатнашганлари учун репрессия қилинган⁴.

Қашқадарё округидан ҳаммаси бўлиб 123 киши қамоққа олинган, шундан бойлар 50 киши, муллалар 8 киши, савдогарлар 16 киши, ўрта ҳоллар 18 киши, камбағаллар 7 киши, бузилишларга йўл қўйган совет ходимларидан 7 киши эди. Хоразм округидан сўнгги беш кунликда 25 киши қамоққа олинган бўлиб, улар орасида бойлар 8, муллалар 8, ўрта ҳоллар 4, камбағаллар 4,

¹ Ўша асар, 257-бет.

² Ўша асар, 358-бет.

³ Ўша жойда.

⁴ Ўша жойда.

савдогарлар 1 киши бўлган. Ҳаммаси бўлиб Ўзбекистон бўйича 1195 киши қамоққа олинган. Бойлардан ташкил топган аксилинқилобий гуруҳлардан 51 таси тугатилган, улар ичида 385 киши қамоққа олинган.

Шундай ҳолат Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистонда ҳам юз берган. Тожикистондан 126 киши (70 бой, 12 мулла, 3 савдогар, 13 ўрта ҳол, 20 камбағал, 1 совет ходими) қамоққа олиниб, 15 та аксилинқилобий гуруҳ тугатилган. Бу гуруҳларга мансуб 108 киши қамоққа олинган.

Қирғизистонда 420 киши, Туркменистонда 281 киши (180 бой, 6 мулла, 1 савдогар, 77 ўрта ҳол, 14 камбағал, 4 нафари аниқланмаган) қамоққа олинган. Ўрта Осиё бўйича (Тошкент, Зарафшон, Сурхондарё округларидан ташқари) 2022 киши қамоққа олинган¹.

Бу каби қамашлар, репрессиялар халқ оммасининг советларга, колхоз тузумига қарши курашини пасайтирмади, аксинча, унинг янги куч билан, янгича усулда давом этишига сабаб бўлди. Бу вақтда «босмачилик» ҳаракати, уюшган қуроли қаршилик кўрсатиш ҳаракати янгитдан жонланди.

ОГПУнинг махфий бўлимининг 1930 йил 1 апрелдаги «Аксилинқилобий қулоқ-оқ гвардиячи ва бандит унсурларни тугатиш тўғрисида»ги (1930 йил 20 мартдан 30 мартгача бўлган воқеалар) 9-сон тезкор маълумотида Ўрта Осиёда босмачилик фаоллашиб кетгани ҳақида далиллар келтирилган. «Кейинги ўн кунда босмачи унсурларнинг кескин фаоллашиб кетгани тўғрисида қайд қилинмоқда, бандалар ташкил қилиниб, совет ходимларини йўқ қилиш ва кўзғолон кўтариш мақсадида аҳоли яшаётган пунктларга (айрим ҳолларда район марказларига) ҳужумлар қилинмоқда», деб қайд этилган ўша маълумотда.

22 мартда Қирғизистоннинг Талас районида эски босмачилардан кўрбоши Алибой бошчилигида 11 та қишлоқни қамраб олган аксилинқилобий чиқиш ўт олди. Кўзғолончилар сони 400 га яқин кишидан иборат бўлиб, улар уюшиб олганлар. Улар орасида 160 киши милтиқ билан, 25 киши берданка ва 25 киши бошқа қуроли билан қуролланганлиги қайд этилган. Кўзғолончилар район маркази Дмитровское қишлоғига (Авлиёотадан 80 км жануби-шарқда) ҳужум қилади. Қамоқхона биносини вайрон қилиб, 53 қулоқни озод этади ва уларни ўз сафига олади. Бутун кантондаги совет ва партия ташкилотлари ер билан яқсон қилинади, ижроком раиси ва 3 нафар фаол ўлдирилади. Коммунист ва совет партия фаолларидан ташкил этилган кўнгилли отряд томонидан кўзғолончиларга зарба берилади. Жанг натижасида 15 киши ўлади. Кўзғолончилардан 11 киши қўлга олинади (қўлга олинганларнинг барчаси қамоқдан бўшатилган аксилинқилобчилардан бўлган). Отряд томонидан 1 киши ўлдирилган. Кўзғо-

¹ Ўша асар, 358—359-бетлар.

лончилар Николай Поле ва Ключевка қишлоқларини эгаллайдилар. Кўнгилли отряд билан бўлган жангдан сўнг қўзғолончилар 4 дан 50 гача гуруҳ-гуруҳ бўлиб атрофдаги қишлоқларга тарқалиб кетади. Улар бу қишлоқларда аҳолини ўзларининг сафига тортиб, умумий қўзғолон кўтаришга уринадилар. Қўзғолончилар йирик бойлар томонидан бошқарилади. Қўзғолончиларнинг шiori — «Совет ҳокимиятини ағдариш, совет-партия ходимларини йўқ қилиш» бўлган. Қўзғолончилар Канаев волостидаги бой-манапларнинг аксилинқилобий ташкилоти билан алоқада бўлганлар. Бу ташкилотга қарши операция ўтказилиб 28 киши қамоққа олинади.

Қўзғолончиларни йўқ қилиш учун қирғиз отлик дивизия (104 жангчи қилич билан қуролланган), милиция отряди, кўнгилли отряд, маҳаллий коммунистлар, фаоллар, кадрлар ротаси юборилади. Операция жараёнида қўзғолончилардан 21 киши ўлдирилади ва 146 нафари ушлаб олинади¹.

Тошкентдан 70 км. жануби-шарқда жойлашган Аблиқ қишлоғида собиқ қишлоқ совети раиси, собиқ партия аъзоси Усмон-узун Қудратов собиқ босмачи бойлардан тўда ташкил этиб қишлоқни тор-мор қилади. Бу тўда аксилинқилобий унсурлар, зўрлаб сафарбар қилинган аҳоли ҳисобидан 200 кишидан иборат эди: совет-партия ходимларини ўлдириш учун тарғибот олиб борилган. Тўда тоққа қараб чиқиб кетишга уринган, совет отрядларига қарши шиддатли қаршилик кўрсатади. Узлуксиз отишмалар, тўқнашувлар натижасида қўзғолончилардан 10 киши ўлдирилади, 12 киши қўлга олинади.

Ўша маълумотда хориждаги тўдалар ҳам авж олгани қайд этилган. 13 март куни Тожикистоннинг Қўрғонтепа райони Бури чегара заставаси участкасига Афғонистондан Пўлкан Эшон бошлиқ 15 жангчидан иборат тўда ёриб ўтади.

21 мартда Эроннинг Эшкак чегара заставасини Муратбек командирлигидаги 50 йигитдан иборат тўда советлар томонига ёриб ўтади. Тўда чегарачи отряд билан қуролли тўқнашади, жанг қилади, аммо бардош бераолмай Эронга қайтиб кетишга мажбур бўлади. Жанг натижасида улардан 13 киши ўлдирилади, чегарачилардан 2 таси ярадор бўлади².

Афғонистондан Тожикистон ССР ҳудудига Иброҳимбекнинг қўрбошиларида бири Сафар Шайтон 200 кишидан иборат қуролланган тўдаси билан хужумга ўтади. Тўданинг мақсади Тожикистонда қўзғолон кўтариш бўлган.

1930 йил февраль-март ойларида Ўрта Осиё чегараларидаги 42-чегара отряди чегарани бузиб кирган ва киришга уринган тўдаларга тўқнаш келган³. Шу боис ҳам бу вақтда чегара

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Том 3. Кн. 1, стр. 278—279.

² Ўша жойда.

³ Ўша асар, 325-бет.

соқчилиги кучайтирилади. Ўрта Осиё бўйича чегара соқчиси миқдори 100 тадан 400 кишига купайтирилади, ОГПУ кўшинлари 270 кишидан иборат эди, уни мустақкамлаш учун яна 179 ходим сафарбар қилинади. Бу ходимларни жойларга тақсимлаб қўйиш Райнгольд, Тўрақулов, Литвин, Липатовларга топширилган¹.

5. АЁЛЛАР ҚЎЗҒОЛОНЛАРИ

Айрим жойлардаги чиқишларнинг илҳомчиси ва раҳбари аёллар, қулоқларнинг хотинлари, қариндошлари бўлган. Баъзан камбағаллар ҳамда ўрта ҳол аёллар ҳам чиқишларда қатнашганлар. Бу чиқишлар аксарият жамоалаштириш ва уни ўтказишдаги бузилишлар, қинғайишлар заминида келиб чиққан. Аёллар қулоқларни ҳимоя қилиб чиққанлар, қулоқ қилиш, уларни сургун қилиш ва қамоққа олишларга норозилик билдириб чиқишлар қилганлар.

1928 йил декабрининг бошларида Хива райони Хўжабақа қишлоғида аёлларнинг мажлиси бўлиб, унда меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш масаласи кўрилади. Мажлисда қатнашган 28 нафар қария ёшидагилар советларнинг бу тadbирларини қоралаб чиқадилар.

1930 йил январь-июнида Иттифоқ бўйича юз берган 8707 оммавий чиқишлардан 2,8 мингтасининг деярли қатнашчилари таркиби бўйича аксарият аёллар бўлган. Бу рақам албатта унча тўлиқ эмас. Масалан, 1930 йил февраль-мартда Украина бўйича кўпчилигини аёллар ташкил этган 2 мингта чиқишлар бўлиб ўтгани маълум. Шундай ҳолат бошқа минтақаларда, жумладан, Ўрта Осиёда ҳам юз берган. Бу ҳақда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилиги берган маълумотлар ҳам далолат беради.

Колхоз тузумининг жорий қилинишига, қулоқлаштиришга қарши туриб, қулоқларни ҳимоя қилиб, сургун қилинган қулоқларни қайтаришни, қулоқ қилинганлардан қулоқлик мақомини олиб ташлашни, қамоқдагиларни бўшатишни талаб қилиб аёллар Ўрта Осиёда ҳам кўплаб чиқишлар қилганлар.

3 март кунини Бувайда райони Қанғели қишлоғида 100 кишидан иборат аёллар оломони жамоалаштиришга қарши норозилик билан чиқиш қилади. Улар маҳрум қилинганларни, руҳоният ҳуқуқини тиклашни, ёшидан қатъи назар куёвга чиқаришга рухсат берилишини, қамоққа олинган бойларни бўшатишни, солиқ тизимидаги синфийликни йўқ қилишни талаб қилиб чиқдилар².

Боғдод райони Қўштегирмон қишлоғида болта, кетмон ва таёқлар билан қуролланган 70 аёлдан иборат оломон баҳолаш

¹ Ўша асар. 392—395-бетлар.

² Ўша асар. 255-бет.

комиссиясига ҳужум қилади. «Бизларга колхозлар керак эмас», «Ур комиссияни» деган бақирув-чақирувлар қилади¹.

Андижон округи Қўрғонтепа райони Хадирша қишлоғида 1930 йил 8 март куни аёлларнинг йиғилиши чақирилади. Унга эркаклар ҳам қўшилади. Йиғилиш қатнашчилари жамоалаштиришга қарши чиқиб экиш комиссияси вакилини урадилар. Шундан сўн 500 кишилик оломон Хонобод қишлоғига қараб йўл олади. Йўлда Фозилмон қишлоғида оломон бир ўқитувчини сўйиб ташлайди, маҳаллий ходимларни калтаклайди. Ўзбеклар ва қирғизлардан иборат оломон қатнашчилари сони 600 кишига етади. Болта, таёқ ва бошқа қуроллар билан қуролланган оломон милиционерларнинг қолган қисми томонидан берилган зарба туфайли қочабошлайди. Уларнинг ичидан 45 киши қўлга олинади. Қирғизлар ўзбекларга нисбатан анча агрессивроқ эди. Қирғизлар коммунистларни, ўзбек ва русларни ўлдириш ниятидаликларини айтадилар².

Тезкор маълумотлардан бирида «Хоразм округи Шовот райони атрофидаги қишлоқлардан 14 март куни эркаклар ва аёлларнинг уюшган гуруҳлари оқиб келмоқда. Кечга бориб минг киши тўпланди»³, дейилган.

Янги Бухоро райони Ҳазрати Амир қишлоғи аҳолиси 1930 йил 27 февралдаги чиқишида жамоалаштиришдан бош тартади. 200 кишилик оломоннинг ярми аёллар эди. Улар райижроком ва ГПУ биносига келиб, қийқириқ билан «Ғалла беринг», «Жамоалаштиришни хоҳламаймиз» деб чиқадилар. 1930 йил 6 март куни Когон райони ижроком биносига 200 кишилик оломон очликдан ўлган ўзбек аёли мурдасини олиб келиб, йиғинда «Жамоалаштириш бекор қилинсин», «Ғалла билан таъминлаш тартибга солинсин» деган хитоблар билан чиқиш қилади.

Ана шундай кўзғолонлар 1930 йилнинг март-апрель ойларида Қорақалпоғистоннинг Шаббоз туманидаги 406 та хўжаликни ўз ичига олган «Бирлик», 202 та хўжаликни бирлаштирган «Маданият» овулларида, Тўрткўл туманининг Сарибий қишлоғида бўлиб ўтади. Кўзғолон кўтарган хотин-қизлар «Колхозлар бизга керак эмас, қувғин қилинганлар, бой ва руҳонийлардан тортиб олинган нарсалар қайтариб берилсин», «Қамалганлар озод этилсин» каби шиорлар билан чиққанлар. Улар қўлларига таёқлар, белкуракларни олиб мактаб ичкарасига бекиниб олган совет «фаоллар»ига ҳужум қилганлар⁴.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси В. А. Каруцкий Москвага, ОГПУга, Евдокимов, Запорожец, Дьяков-

¹ РИСТДА. 62-фонд. 2-руйхат. 2141-иш. 61-ярақ.

² ОГПУ раҳбариятининг И. В. Сталинга ёзган маърузаномасидан: РФХХМА. 2-фонд. 8-руйхат. 3-иш. 181-ярақ.

³ Ўша жойда. 119-ярақ.

⁴ Абдулаева Я. Қорақалпоғистонда совет ҳокимиятининг мажбурий колхозлаштириш сиёсати ва қишлоқ аёлларининг қатағон қилиниши. «Ўзбекистон тарихи». Т., 2002, 2-сон, 42-бет.

ларга йўллаган мутлақо махфий хатида Хоразм округида жамоалаштириш сурати кучайиши билан боғлиқ бойлар, руҳонийлар раҳбарлигида оммавий чиқишлар ўсиб бораётганини шарҳлаб, бунда аёлларнинг ҳам фаол иштирокини кўрсатган.

1930 йил февраль ойи бошларида Хонқа райони Сороқаян қишлоғида болта, таёқлар билан қуролланган 300 кишилиқ аёллар оломони колхоз тузишга қаратилган деҳқонлар йиғинини тарқатиб юборади. Колхоз қурилиши бўйича тушунтириш ишлари олиб борувчи вакилларни ўлдириш керак, қишлоқ совети раисини ўлдириш керак, деган овозлар пайдо бўлади. Ижтимоий ёт унсурларга мансуб фаол ташаббускорлардан ўн киши қамоққа олинади.

Худди шундай болта, таёқлар билан қуролланган аёлларнинг галаёни 31 январь куни Янги Урганч районидаги Чандир, Қиёт қишлоғида бўлиб ўтади. Оломон колхоз қурилиши бўйича ўтказилаётган бино ичига ёпирилиб киради. Улар тарғибот ўтказаятган вакилни, колхозга жалб этиш бўйича тушунтириш ишлари олиб борувчини, қишлоқ совети раисини ўлдирмакчи бўлади. Йиғилиш бекор қилинади, вакиллардан бири калтакланади, бири йиғилиш ўтказилаётган қўшни хонага яшириниб олади, милиция келгунга қадар у шу жойда жон сақлаб туради. «Тезроқ йўқолсин колхозлар!» деган қичқириқлар садоси остида ташаббусчи тўрт бой қамоққа олингани ҳам қайд этилган.

Урганч райони Али Дўрмон қишлоғида баобрўли эшонлар уруғидан Раҳим Яхшимуродов аёллар орасида колхозга қарши фаол тарғибот олиб борган, аёллар мажлисида қатнашган. Тарғибот натижасида колхоз қурилишига бағишланган ташкилий йиғилишга 150 киши ўрнига 50 киши келган.

Янги Урганчга яқин қишлоқлардан бирида колхоз қурилиши масаласига бағишланган йиғилишда ҳақсиз қилинган камбағал сўзлаб йиғилиш ўтказаятган вакилдан бундан сўнг қишлоқда совет ҳукумати кооперативлар, колхозлар ташкил этмасликни, мактабни, аграучасткани йўқ қилиш, улар ўрнига эски усулдаги мактабни очиб ҳақида муҳрланган тилхат беришини талаб қилган. Йиғилиш бўлаётган пайтда тош, калтаклар билан қуролланган аёллар оломони йиғилишни ўраб оладилар. Йиғилиш тарқалиб кетади. Оломон юқоридаги талабларни қўяверади. Ташаббускорларни қамоққа олиш таклиф этилган. Хат сўнггида Каруцкий шундай хулоса қилади: «Хоразмда ўз йўлимизни ўтказиш ишларини кучайтириш, оммавий галаёнлар ташаббускорларини излаб аниқлаш учун ходим юбормоқдаман. Ўрта Осиё бюроси олдида округга инструкторлар юбориш зарурлиги масаласи қўйишди, жамоалаштириш суръатини амалда округни советлаштириш билан бирга қўшиб олиб бориш зарурдир»¹.

¹ РИСТДА. 62-фонд, 2-рўйхат, 2140-иш, 27—28-ярақлар.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакиллигининг 1930 йил 21 февраль кунига берган 2-сонли тезкор маълумотида Ўрта Осиёдаги советларга қарши фаолликнинг ўзига хос шакли Хоразм округидаги аёлларнинг колхоз тузишга қарши оммавий чиқишларидаги фаоллик, уюшқоқлик алоҳида қайд этилиб, бунга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги кўрсатилган¹.

1930 йил 12 мартда Жалолободдан Карасевнинг ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И. А. Зеленскийга йўллаган расмий хатида Жалолободнинг Шувоқбел йиғув пунктида Қизилсингир ва Оқбош қишлоқларида жамоалаштиришга қарши ҳаракатларда аёллар иштирок этгани, улар колхоз тузишга мутасадди бўлган вакиллари ҳайдаб юборишда, уларни ҳатто калтаклашда фаол қатнашганликлари, бу аёллардан байрам вақтида мулла ва эшонлар осонликча фойдаланаётганликларини баён этган ва бундай чиқишлар тез фурсатда бутун район бўйлаб юз бераётганини ёзган эди².

Тошкент округи Бекобод райони Тақачи қишлоғида 1930 йил 8 мартда бўлиб ўтган колхоз аъзоларининг мажлисига деҳқонлар билан бирга 50 аёл келади. Колхознинг узил-кесил расмийлашуви зўрма-зўраки юз бергач, аёллар шовқин кўтарадилар. Улар «Йўқолсин колхоз ва райижроком вакили» деб қичқирадилар. Уларни колхозчилар қувватлаб чиқадилар, колхозчиларнинг тазйиқи билан вакил мажлисни тўхтатишга мажбур бўлади. 2 мартда мажлис чақирилганда колхоз тузилишига қарши йиғилганларнинг 70 фоизи овоз беради, уларнинг ярмига яқини аёллар эди. Оқибатда колхоз тузилмай қолади³. Жамоалаштириш ва у билан боғлиқ қулоқлаштиришга қарши қишлоқ аҳолисининг бундай инқилобий чиқишларида кўтариб чиққан, ўртага ташлаган чақириқ ва шиорлар ҳам советларнинг Ўрта Осиёда ўтказётган ноқонуний аграр сиёсати ва амалиёти маҳаллий халқ қалби ва онгига нақадар сингмаётганидан бир нишонадир. ГПУчилар ўша вақтдаги шиорлар ва чақириқларни умумлаштириб қайд этганлар: «Колхозга киришни истамаймиз», «Бизларга колхозлар керак эмас», «Йўқолсин руслар, қонга — қон», «Колхозларга қулоқлар киритилсин», «Бойлар ҳибсга олинмасин», «Мулклар рўйхатга олинмасин», «Совет ҳокимиятини ағдарамиз», «Эски колхозларни тарқатиб юборишни талаб этамиз», «Ҳақсизлар ҳуқуқи тиклансин», «Колхоз тузиш тўхтатилсин», «Қишлоқ советлари тарқатиб юборилсин ва улар таркиби янгитдан сайлансин», «Аввал савод чиқариш керак, сўнгра колхозлар тузиш керак», «Йўқолсин мажбуран колхозларга киритиш», «Йўқолсин колхозлар», «Барча қамалганлар озод қилинсин», «Жамоалаштириш бекор қилинсин», «Колхозга кирувчилар рўйхати йўқ

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2140-иш, 87—88-варақлар.

² РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2139-иш, 41-варақ.

³ РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2141-иш, 63-варақ.

қилинсин», «Эски усулдаги мактаблар тиклансин», «Йўқолсин совет ҳокимияти, у бизларни талади», «Йўқолсин колхозлар», «Колхозчилар рўйхати йўқ қилинсин», «Ўзбек ходимларини ур, русларга тегма», «Колхозлар тузилиши тушунтириб берилсин», «Колхозларга боришни хоҳламаймиз, уларни беш йилдан сўнг қуриш керак», «Бойлар ҳам колхозларга киритилсин», «Барча қамалганлар озод этилсин», «Мусодара қилинган мулклар қайтарилсин», «Ҳақсизлар ҳуқуқи тиклансин», «Қишлоқ советлари қайта сайлансин», «Баҳолаш комиссиясини ур», «Колхоз ходимларини ур», «Фаолларга ўлим», «Колхозларга боришни хоҳламаймиз», «Нон беринг, биз очмиз», «Жамоалаштиришни бекор қилишни талаб қиламиз», «Йўқолсин таъқиб-таъйиқ», «Николай даврида яхши эди, совет ҳокимияти давридагидек бизларга азоб бермасди».

Қишлоқ аҳолисининг оммавий чиқишларида ташланган талабларни ГПУ ходимлари умумлаштирган ҳолда қайд қилиб юқори идораларга йўллашган. Мана улар: «Колхозга қаршимиз, рўйхатлар қайтариб берилсин», «Советларга қайта сайловлар ўтказилсин», «Маҳаллий фаоллар ҳибсга олинсин», «Ҳақсизлар рўйхати йўқ қилинсин», «Барча қамалганлар қўйиб юборилсин», «Уруғлик ссудаси қайтарилсин», «Якка солиқ қайтарилсин», «Йўқолсин трактор мажбурияти», «Йўқолсин сув солиғи», «Тирик ҳайвонларни контракциялаш тўхтатилсин», «Камбағалларга ёрдам кўрсатилмасин», «ЗАГС йўқ қилинсин», «Қалинга рухсат берилсин», «Кооперация тарқатиб юборилсин, хусусий савдога рухсат берилсин, бадаллар қайтарилсин», «Бадаллар пахтаасоюзга қайтарилсин, бошқа берилмасин», «Миллийлар ишдан олинсин, улар ўрнига руслар қўйилсин», «Пахта экиш мажбур қилинмасин», «Район советлари тутатилсин, фақат қишлоқ советлари қолдирилсин», «Машина-трактор станциялари чиқариб ташлансин ва агрономлар ҳайдалсин»¹. Бу шиорлар, даъватлар, ҳайқириқларнинг ҳаммаси заминда кенг деҳқонлар оммасининг, Ўрта Осиё халқларининг кучли, ўткир нидоси бор эди. Бу нидо бутун халқнинг дард-аламлари, хўрликлари, фожеаларининг инъикоси эди, ўша мустабид тузумга нисбатан кўрсатилган қаршилик ҳаракати эди.

¹ РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2141-иш, 61—63-варақлар.

2-б о б. «Кулоқлар» сургуни

1. 1930 йилдаги сургун

1930 йил 30 январда СССР ОГПУ коллегияси томонидан ОГПУ доимий вакиллигининг кенгаши чақирилиб, унда кулоқлар бўйича операцияларнинг барча масалалари, жумладан, 2-тоифали кулоқларни кўчириш масаласи батафсил муҳокама қилинади. 2-тоифали кулоқларни кўчириш тўғрисида директива ОГПУнинг 2 февралдаги 44/21-сонли буйруғи билан берилган эди. Унда аксилинқилобий кулоқлар (1-тоифали) дарҳол тугатилсин, операция 2-тоифали кулоқларни кўчириш бўйича кампанияни авж олдиришнинг бошланишига қадар асосан тугалланиши керак, деб кўрсатилганди. Энг бой кулоқларни (собик помешчиклар, ярим помешчиклар, маҳаллий обрўли кулоқлар ва кулоқ оилаларнинг барчасини, черков ва сектантлар фаолларининг советларга қарши кулоқлари) ва уларнинг оилаларини (биринчи навбатда ёппасига жамоалаштириш ҳамда чегара полосаларида) (2-тоифали) СССРнинг шимолий районларига оммавий кўчириш ва уларнинг мулкларини конфискация қилиш кўзда тутилди.

2-тоифали кулоқлар ва уларнинг оилаларини кўчириш бўйича операцияларга раҳбарлик қилиш учун (кўчирилаётганларни танлаб олиш ва кулоқ қилишни ўтказишни пухта кузатиб туриш учун) жойларда тезкор «учлик»лар ташкил этилиши, кўчириладиганларни қабул қилиш, ҳисобга олиб бориш ва узлуксиз жўнатиб туриш учун комендантлар бошлиқ йиғув пунктлари тузиш кўрсатилади. Районлар ва округларга кулоқлар ва уларнинг оилалари рўйхатини тузишни (кўчириш ва мулкларини конфискация қилиш) ҳамда кўчириш бўйича кампанияни ўтказишни пухта таъминлаш вазифаси юклатилди.

Жойларда кулоқларни кўчириш маҳаллий партия, комсомол, совет, ишчи ва батрак-камбағаллар фаоллари томонидан ўтказилиши ҳам директивада айtilганди. Кўчирилаётганларнинг мулкларини конфискация қилиш жойларда ижрокомлар йўли билан Марказ тиваларида белгиланган тартибда район ижроия акиллари томонидан амалга оширилиши керакли-

анларга жўнатилиш чоғида уларга белгиланган а ўзи билан бирга мулкни ва озиқ-овқатлар эрилган. Кўчирилаётган кулоқ оилалари ўзлари та, лопатка, дурадгорлик асбоблари ва озиқ-

овқатлар (икки ойга етарли даражада, ҳар бир оила учун 25—30 пуддан ошмаган ҳолда) олиши керак бўлган.

ОГПУнинг меҳнат бўлимлари органларига йил давомида соқчилиқни ташкил қилиш, кўчирилаётганларни қайнатилган сув билан узлуксиз таъминлаш, станцияларда овқатланиш пунктлари ташкил қилиш, НКСП йўли билан тиббий хизмат кўрсатиш вазифаси топширилади.

2-тоифали қулоқлар ва уларнинг оилаларининг бошқа вилоятларга кўчирилганлар миқдорини контрол рақамлар билан қиёслаганда Ўрта Осиёдан 400 оила (2000 киши) жўнатилиши лозим эди, амалда эса 80 оила (281 киши) кўчирилди. Буйруқда изоҳ сифатида Ўрта Осиёда жамоалаштириш фоизи камайиб кетганлигидан бошқа кўчириш амалга оширилмайди деб ҳам кўрсатилганди.

Сиёсий вазият кескинлашиб кетганлигидан Кавказортдан кўчириш ҳозиргача амалга оширилмагани ҳам қайд этилган. ОГПУнинг буйруғида қулоқларнинг қочиши ҳам қайд қилинган. Унда қулоқларни ўзига энг кўп тортган жойлардан бири сифатида Ўрта Осиё ҳам эслатиб ўтилганди. ВКП(б) МКнинг 1930 йил 30 январдаги қарори тарқатилиши биланроқ қулоқ қилиш, қамоққа олиш ва қулоқ қилинганларни сургун қилиш кенг авж олиб кетади. СССР Марказий Ижроия Комитети ва Халқ Комиссарлари Совети 1930 йил 4 февралда «Ёппасига жамоалаштириш районларида қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуришни мустақамлаш ва қулоқларга қарши кураш юзасидан тadbирлар тўғрисида» қўшма қарор қабул қилади. Унга кўра қишлоқ хўжалигини социалистик қайта қуриш учун энг қулай шароитларни таъминлаш мақсадида совет давлати ва ҳукумати ёппасига жамоалаштириш районларида ерни ижарага олишга рухсат бериш тўғрисидаги Қонуннинг амал қилиши бекор қилинади, ўрта ҳол деҳқонларга нисбатан эса бу қоидалар район ижроия комитетлари, Округ ижроия комитетлари раҳбарлиги ва назорати остида тартибга солинадиган бўлади. Ўлка (вилоят) ижроия комитетлари ва автоном республикалар ҳукуматларига шу районларда қулоқларга қарши курашда қулоқларнинг мол-мулкани мусодара қилиш ва уларни айрим район ва ўлка (вилоят)лардан сургун қилиб юборишгача барча зарур бўлган чораларни кўриш ҳуқуқи берилади. Қулоқ хўжалиқларининг мусодара қилинган мол-мулки қулоқлардан давлат ва кооператив органларига олинадиган мажбуриятларга тўлаш учун кетадиган қисмдан ташқариси колхозларнинг бузилмас фондларига колхозларга кирадиган камбағал ва батрақларнинг аъзолик бадали сифатида бериладиган бўлади. Иттифоқчи республикалар ҳукуматларига шу қарорни ривожлантириш учун вилоят (ўлка) ижроия комитетлари ва автоном республикалар ҳукуматларига зарур кўрсатмалар бериш тавсия қилинади¹.

¹ ЎзР МДА. 837-фонд. 8-рўйхат, 311-иш, 51-варақ.

Марказ махфий йўриқнома ишлаб чиқиб, уни иттифоқчи, автоном республикалар, ўлка ва вилоят ижроия комитетларига юборди. Шунингдек, ОГПУнинг 2 февралдаги 44/21-сонли буйруғи ва унга илова қилинган қулоқ қилиш ва уларни кўчириш бўйича операцияларни ўтказиш, ҳисоб-тергов гуруҳларининг иши тўғрисида, сургун қилинаётганларнинг шахсий варақалар формалари, қулоқ қилинганларни ташиб келтириш бўйича йўриқномалар, бир қатор бошқа ҳужжатлар ҳам жойларга юборилади.

Марказнинг 30 январдаги қарори билан қулоқ қилинадиганлар тоифалари ва миқдорий «нормалари» белгилаб берилади. Биринчи тоифага «аксилинқилобий фаоллар» — террор ва «советларга қарши фаолият» ташкилотчилари кирган. Улар сиёсий жиноятчилар сифатида қамоққа олиниши, қатағон қилиниши ёки ҳатто отилиши керак бўлган. Уларнинг оилалари мамлакатнинг узоқ районларига ҳаёт кечириш учун сургун қилинган. Жамоалаштиришга қарши фаол курашганлар, йирик қулоқлар ва собиқ ярим помешчиклар ҳам (2-тоифа) ўша узоқ жойларга сургун қилинган. Қулоқ қилинганларнинг қолган қисми 3-тоифага мансуб бўлиб, улар аввал ўзлари яшаб турган ўлка ва вилоятлар ҳудудига, аммо ўзларининг хўжаликлар, турар жойларидан ташқари жойларга сургун қилинган. Қулоқ қилинганлар деҳқон хўжаликларининг 3—5 фоизини ташкил этиши керак эди. Аммо 1- ва 2-тоифадагилар учун «чекланган контингент» аниқлаб берилган: мамлакатнинг асосий қишлоқ хўжалик районлари бўйича 1-тоифа бўйича 150 минг хўжалик қулоқ қилиниб, сургун этилиши юқоридан белгилаб берилган эди.

Ёппасига жамоалаштириш районларида қулоқ қилиш зудлик билан амалга оширилиши, қолган районларда эса жамоалаштириш ҳақиқий оммавий тус олган сари қулоқ қилиш ўтказилиши кераклиги кўрсатилган. Зудлик билан қулоқ қилинадиганлардан уларнинг ишлаб чиқариш воситалари, ҳайвонлари, хўжалик ва турар жойлари, қайта ишлаб чиқариш корхоналари, ем ва уруғлик захиралари конфискация қилиниб тортиб олиниши кўзда тутилган. Хўжаликларни тугатиш бўйича қилинган «шошилиш» ҳаракатлар даҳшатли оқибатларга олиб келган. Бутун мамлакат бўйлаб жойларда тун кечаларида қуролланган шахслар хўжаликлар хонадонига бостириб кириб, ҳамма нарсаларни тортиб олиб, хўжалик аъзоларини кўчага ҳайдаб чиқарганлар. Кўчаларда йиғини, дод-фарёдлар кенг тус олган.

Қулоқ қилинган оилалар меҳнат тузатув уйларига, яъни турмаларга олиб бориб ташланган. Маҳаллий арбоблар, ҳасадчи, ғайри қўшниларининг ҳам фаолияти билан ана шундай зўравонликлар амалга оширилган. Бундай даҳшатли зўравонликлар юқоридан туриб бошқарилган, Сиёсий бюронинг ўша 1930 йил 30 январдаги директиваси жойларда асос қилиб ана шундай иш тутилган.

ОГПУнинг 1930 йил 2 февралдаги 44/21-сонли буйруғи билан 1-тоифага мансуб шахслар ишини кўриб чиқиш учун ОГПУнинг доимий вакилликларига партия ва прокуратура вакиллари-дан «учлик» тузиш кўрсатилган; «учлик» таркиби ОГПУ коллегияси томонидан тасдиқланган.

Кулоқлар ва уларнинг оилаларини (2-тоифа) сургун қилиш, кўчириш бўйича операцияларга бевосита раҳбарлик қилиш ҳамда операциялар бўйича барча материалларни концентрациялаш, Марказнинг жойлар билан доимий алоқасини ташкил қилиб туриш учун доимий вакилликларга оператив «учлик»лар тузиш вазифаси юклатилади. Оператив «учлик»ларга, шунингдек, округларда ОГПУ бўлим бошлиқлари бошчилигида «учлик»лар тузиши кўрсатилади. ОГПУ раиси ўринбосари С. А. Мессинг 1930 йил 6 февралда Ўрта Осиё ва бошқа миллий минтақалар ОГПУ органларига кулоқларни кўчириш бўйича операцияни максимал даражада ташкилий ва режали жиҳатдан таъминлаш тўғрисида директива йўллайди. Унда 1- ва 2- тоифали кулоқлар бўйича операцияни ўтказишда нималарга амал қилиш кўрсатиб берилади.

Биринчидан, кулоқларни кўчириш уч ойга (февраль, март, апрель) мўлжаллангани, шу боис доимий ҳаракатда бўлиб, кўрсатилган муддатда ёппасига жамоалаштириш районларида кулоқларга ҳақиқий зарба бериш таъкидланади.

Иккинчидан, зарба синфийлик йўлига қатъиян амал қилиб энг ашаддий, фаол, ҳаракатдаги аксилинқилобий кулоқ унсурларга қаратилиши кўрсатилади, 1-тоифали кулоқларни қамоққа олишда, айрим жойлардагидек, қуруқ миқдор орқасидан қувилмаслигига эътибор қаратилади.

Учинчидан, «учлик»лар иши, айниқса олий жазо чорасини қўллашда қатъиян ўйланиб иш тутиш кераклиги ва бунда тузатиб бўлмайдиган аксилинқилобий, фаол кулоқларга зарба бериш моҳиятидан келиб иш кўриш кераклиги кўрсатилади.

Тўртинчидан, операция муддати чўзилиши муносабати билан кўриладиган ишлар тергови ҳар томонлама кунт билан чуқур олиб борилиши даркорлиги кўрсатилади.

Бешинчидан, зудлик билан ҳисоб-китоб қилиб кўчириладиган хўжаликларни ташиш режаси талаб этилади.

Олтинчидан, районлардаги сиёсий ҳолат тузатилаётган муҳим ишлар тўғрисидаги ахборотларни яхшилаш, ҳисобот беришда қуруқ рақамлар билан чекланмасликлари ҳам кўрсатилади.

Еттинчидан, ўтказилажак операциялар кўчирилаётганлар ва фаол кулоқларнинг хатти-ҳаракатлари, районлардаги сиёсий ҳолатни ушлаб туришга ОГПУ доимий вакиллари-нинг шахсан жавобгарлиги ҳам кўрсатилган¹.

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. 1918—1939. Документы и материалы в 4-томах. Том 3, книга 1. М. РОСПЭН. 2003, стр. 150—151.

ВКП(б) МК Сийёсий бюросининг 1930 йил 20 февралдаги «Жамоалаштириш ва иқтисодий қолақ миллий районларда қолақларга қарши кураш тўғрисида»ги қарорида миллий районларнинг хусусиятларига қараб иш кўришликка эътибор қаратилди.

Биринчидан, аксилинқилобий бой-қолақ фаоллар (бандитчилик, аксилинқилобий ташкилотлар, иштирокчилари ва гумашталари)ни концлагерларга қамаш, алоҳида ашаддий унсурларга нисбатан қатағоннинг олий чораси (1-тоифадаги қолақлар)ни қуллаш, иккинчидан, қолақ 2—3-тоифадаги қолақ-бой унсурларни ёппасига жамоалаштириш районларидан ташқари, чегарадан узоқда, лекин муайян миллий республика ҳудуди доирасидаги энг ёмон ерларга кўчириб жойлаштириш белгилаб қўйилди.

Доғистон ва Ўрта Осиё республикаларининг айрим районларида истисно тарзида қолақларни чекланган миқдорда мазкур миллий районлардан ташқари ҳудудларга ҳам сургун қилишга рухсат берилди.

Туб миллатга мансуб бўлмаган қолақ оилаларини республика ва вилоятлардан мажбурий тартибда кўчириб юбориш, Ўрта Осиёдан кўчириладиган бундай оилалар тахминан 400 дан ортмаслиги ва учала тоифадаги қолақ хўжалиklarини сургун қилиш миллий республикалардаги хўжалиklar умумий миқдорининг 2—3 фоизидан ошмаслиги лозим эди.

Қарорда ОГПУга миллий республикаларни ёппасига жамоалаштириш районларида 15 мартгача 1-тоифага мансуб концлагерларга қамаладиган фаол қолақларнинг тахминий миқдорини аниқлаш вазифаси топширилади. Ўрта Осиёдан 1300, шундан Ўзбекистон бўйича 1000, Туркменистон бўйича 200, Қирғизистон бўйича 100 киши 1-тоифали қолақ сифатида концлагерга олинадиган бўлди¹.

Қарангки, ўша мудҳиш, машъум қарор чиққандан кейин бир ой ўтар-ўтмас Ўзбекистондаги маъсул раҳбарлар, айниқса ГПУчилар Марказнинг ана шу топшириғини ортиғи билан қойилмақом қилиб бажариб, бу ҳақда ҳисоб бериб, 1930 йил 19 мартда Москвага тезкор маълумот юборган. Унда Ўзбекистон бўйича жами 1195 киши бой-қолақ сифатида қамоққа олингани айтилган, яъни юқоридан берилган топшириқ ортиғи билан бажарилган — 1000 ўрнига 1195 киши қамоққа олинган. Ўша қамоққа олинган 1195 киши кимлар эканини билиш, уларни номма-ном аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивидаги ҳужжатлар билан танишиб чиқдик. «Учлик»нинг қарори билан қамоқ жазосига, сургунга ва отувга ҳукм этилган қолақлар ҳақидаги қисқача маълумотлар, аниқроғи «учлик» йиғилишларининг ҳукм қарорлари 180 та жилдик китобни ташкил этаркан.

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 2-руйхат. 2138-иш. 18-варақ: Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы... Т. 2. М., 2002. стр. 251—256.

Жамоалаштириш ва «қулоқ» қилиш авжига минган пайтларда бу мудҳиш сиёсатга қаршилик билдирган, колхозга киришни истамаган кўплаб инсонлар жазо органлари томонидан асосиз отувга, концлагерлар қамоқхоналарига ҳукм қилинганлар. Бу вақтда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги, минтақа республикалари, округ, районлардаги ГПУ органлари қошида тузилган ноқонуний «учлик»лар деҳқонларни қатағон қилишда мислсиз даҳшатли ишларни амалга оширдилар. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Л. Н. Бельский (раис), ОГПУ доимий вакиллиги раиси ўринбосари В. А. Каруцкий, ОГПУ ҳарбий округ кўшинлари бошлиғи Бабкевич аъзолигидаги «учлик» томонидан ОГПУнинг Ўзбекистондаги органлари устидан назорат олиб боровчи прокурор Саричев иштирокида минглаб ҳукмларга имзо чекилган. Тўғри, вақти-вақти билан бу жазо органлари ва уларнинг «учлик»лари таркиблари ҳам ўзгариб турган. Бу мудҳиш ҳукмларни имзолаганларнинг ўзлари ҳам вақти келиб қатағон қилинган.

СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1927 йил 9 июндаги 17—63-сонли қарори асосида 1930—1933 йиллар мобайнида ОГПУнинг Ўрта Осиё доимий вакиллиги ҳузуридаги «учлик»нинг қарорлари билан кўпдан-кўп юртдошлар ҳар хил айблар билан отувга, концлагерларда, меҳнат тузатиш лагерларида, махсус посёлкаларда жазони ўташ учун ҳукм этилганлар.

Минглаб хўжаликларни зўрлик ва зудлик билан қулоқ қилиш ва уларни сургун қилиш, яъни бегона жойларга жойлаштириш маҳаллий ташкилотлар учун муаммолар туғдириши табиий эди. Шу боис, ОГПУ 1930 йил 6 февралда ўзининг барча доимий вакилларига қулоқларни кўчириб юбориш режасини февраль, март, апрель ойлари учун, уч ойга мўлжаллаш кераклигини уқтирган. Аммо бу «ўта инқилобий» муддатлар ҳам ўн минглаб оилаларнинг қашшоқланишига ва ҳалок бўлишига олиб келган.

Сиёсий бюронинг 30 январдаги директиваси бажарилаётганлигини ОГПУнинг 1930 йил 11 январдаги «Қулоқлар бўйича операциялар тўғрисида»ги биринчи махсус маълумотидан ҳам билса бўлади. 15 февралдаги 16-сонли махсус маълумотда мамлакат бўйича 64589 киши, жумладан, 1-тоифали қулоқлардан 52166 киши қамоққа олингани, улар орасида ўша вақтда қулоқ ҳисобланганлардан ташқари ўрта ҳоллар, камбағаллар, собиқ савдогарлар, собиқ «оқлар», руҳонийлар, қишлоқ зиёлилари ва хизматчилар борлиги қайд этилган.

1930 йил 16 февралга қадар Ўрта Осиё бўйича қулоқларни тугатиш ва якка ҳолда қулоққа тортиш тадбири билан 162 киши қамоққа олинган, 2 та аксилинқилобий ташкилот, 278 кишини бирлаштирган 13 та гуруҳ тугатилган, 5 донa қурол олиб қўйилган. Қамалганларнинг ижтимоий таркибида қулоқлар (бойлар) — 65 киши, ўрта ҳоллар — 33 киши, камбағаллар — 31 киши, руҳонийлар — 3 киши, савдогарлар — 1 киши, собиқ одамлар —

1 киши, хизматчилар — 20 киши, масъул ходимлар — 6 киши, бошқалар — 2 киши бўлган¹.

Бу «учлик» фақат 1930 йил 22 февралдан 2 июнгача бўлган давр ичида 583 кишини отувга ҳукм қилган ва бундан бир неча бор кўп миқдордаги кишиларни концлагерларга 3 йил, 5 йил, 8 йил, 10 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм этган. Улардан бир қисми қамоқ ва сургун жазосини ўташ учун Сибирь, Урал, Шимол, Қуйи ўлка — Мари, Қозоғистон ва унинг шимолига ҳукм этилган. Масалан, олтиариқлик Юсуф Эрматов (62 ёшда), андижонлик Нишонбой Ҳожи Қосимбеков (63 ёшда), самарқандлик Карим Халилов (64 ёшда), бухоролик Мирза Ҳамроев (18 ёшда), Қорақалпоғистондан Закатбой Утебоев (65 ёшда), Абдумалик Иримбетов (61 ёшда) Уралга, Намангандан Мулла Жўра (34 ёшда), Сурхондарёдан Минғобил Эрназаров (ёши кўрсатилмаган), Тоғайназар Махсумов (ёши кўрсатилмаган), Заки Мелибоев (60 ёшда), Худойберди Жумабоев (65 ёшда), Муллабой Жиянов (50 ёшда, тожик), Пирбой Сафаров (62 ёшда, тожик) Фарбий Сибирга, Шаҳрихондан Мирусмон Мираҳмедов (65 ёшда), Кенжабой Ашурбоев (62 ёшда) Қозоғистонга, Термиздан Шукур Худойназаров (61 ёшда, туркман), Тўртқўлдан Мамутов Мулла Бакир (62 ёшда, қозоқ), Андижоннинг Қорақўрғон қишлоғидан Усмонхўжа Абдуллахўжаев (42 ёшда) Туркменистоннинг Мари вилоятига 3 йил қамоқ жазосини ўташ учун сургун қилинган.

«Учлик»нинг 1930 йил 22 февралдаги қарори билан Андижон ГПУсининг тақдимида кўра 11 киши бой ва қулоқ бўлгани, ўтмишда босмачиликка кўмаклашгани, босмачиларни яширганликлари айби билан отувга ҳукм этилади. Улар Тошхўжа охун Эшоннов, Мадқобул Мавлонов, Мадумар Мирзаалиев, Шаҳобиддин Омонов (таниқли Омонҳожи Эшоннинг ўғли), Мамадали Эшон Исоқов (бой, руҳоний, ер-сув ислоҳотида ери қирқиб олинган), Мулла Фозил Оқилов, Холматҳожи Мирзалиев, Бозорбой Мадаминов, Тошмат Мадаминов, Дарвишхон Ҳожиев (собиқ бой, ер-сув ислоҳотида ери қирқиб олинган), Мусабой Отабоев (босмачилар тўдасининг фаол илҳомчиси Рустам Эшоннинг кўмакчиси), Юсуфали Дўсталиевлар эдилар. Ўша кунги қарор билан Абдусаттор Нишонбоев, Шамсиддин Раҳимбердиевлар 5 йил муддатга концлагерга ҳукм этиладилар. Жазони ўташ муддати 1929 йил 9 октябрдан бошланадиган бўлади².

22 февралда «учлик» томонидан 377/407-сонли иш кўрилади: отувга қуйидагилар ҳукм этилади: 1. Муллаориф Тошболаев (собиқ босмачи Умрзоқ Халфада юзбошилик қилган, тўда ташкил этган, аввал 6 ой қамоққа ҳукм этилган, 1929 йил августида турмадан қочган), Зайниддин Жамолиддинов (Умрзоқ Халфа

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3. Книга 1, стр. 113.

² УЗР МХХА, 9-рўйхат, 1930 йил учун, 1—3-варақлар.

тўдасининг собиқ йигити, Муллаориф Тошболаев тўдасига қўшилган). Шу қарор билан Мулла Эргаш Ўринбоев, Жўрабой Маманбоев, Тожибой Ҳайтбоев, Ҳакимбой Ҳайтбоев, Мулла-турди Ёқубов, Азим Турдиматов, Ҳамроқул Нурматов, Парпибой Йўлдошев, Тўққизбой Эрназаров, Мансурхўжа Умархўжаев, Абдурахмон Жўрабоев, Араб Бекмуродов, Исмоил Ражаббоев, Жўрамирза Низомиддинхўжаев, Олим Шералиев, Валихон Эшон Мирзабадаловлар отувга, Абдукарим Матмусахўжаев, Тешабой Кодиров, Исоқ Ёқубов, Абдулла Тошматов, Жўра Тошматовларнинг ҳар бири 3 ва 5 йилдан концлагерга ҳукм этиладилар¹.

Ўзбекистон ГПУси тақдими билан Иброҳимбобо Шербоев отувга ҳукм этилади. ГПУнинг Хўжанд бўлими материалларига асосланиб «учлик» Ризо Ашурматов, Абдулла Расулев, Умарбой Қосимов, Мамасаид Мамадалимов, Эргаш Каримовларни 5 йил муддатга концлагерга ҳукм этишга қарор қилади.

«Кулоқлар бўйича операциялар тўғрисида»ги 1930 йил 9 мартдаги 37-сонли махуси маълумотномада Ўрта Осиё бўйича қўшимча 46 гуруҳ тугатилгани, улар бўйича 298 киши қамоққа олингани, 1 тўда тугатилгани, бу иш бўйича 8 киши қамоққа олингани, якка ҳолда 525 киши қамоққа олингани, қочиб кетаётган кулоқлардан 650 киши ҳибсга олингани қайд этилган. Ҳаммаси бўлиб, қўшимча 831 киши якка ҳолда қамоққа олинган. 1930 йил 9 мартгача бўлган ҳолатга кўра, якка ҳолда қамоққа олинганлар 993 кишидан иборат бўлган. Бу вақтда 2 та аксилинкүлобий ташкилот тугатилиб, у билан боғлиқ 17 киши қамоққа олинган, 59 гуруҳ ва уларга аъзо бўлган 337 киши ҳибсга олинган. Якка ҳолда 631 киши қамоққа олинган² (1—5-жадваллар илова қилинмоқда).

1-жа д в а л

Қамоққа олинган, тугатилган аксилинкүлобий ташкилотлар, гуруҳлар, тўдалар миқдори тўғрисида 1930 йил 24 апрелгача бўлган маълумот¹

№	Ви.юятлар	1-тоифа бўйича кулоққа тортилганлар	Тугатилган аксилинкүлобий ташкилотлар	Ташкилот ишгароқчилари	Тугатилган гуруҳлар	Гуруҳлар ишгароқчилари	Якка ҳолда қамоққа олинганлар	Тугатилган тўдалар	Ишгароқчилар
6	Марказий Осиё	2350	2	17	89	917	1416	22	1539

¹ Уша жойда.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3. Книга 1, стр. 126.

³ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3. Книга 1, стр. 140—141.

**Сургун қилинган 2-тоифали қулоқлар миқдори туғрисида
1930 йил 4 майгача бўлган маълумот¹**

Қаердан сургун қилинган	Сургун қилиниши керак бўлганлар		Жойлаштирилганлар		Изоҳ
	Оилалар	жон	Оилалар	жон	
Ўрта Осиё	400	2000	80	281	Қозоғистонга

**Сургун қилинган 2-тоифали қулоқлар ҳақида 1930 йил 20 майгача
бўлган маълумот²**

№	Сургун қилиниши шарт бўлганлар			Сургун қилинганлар	
	Қаердан сургун қилинган	Оилалар	Жон	Оилалар	Жон
9	Ўрта Осиё	400	2000	80	281

**Қулоқ қилинган ва сургун қилинган қулоқлар миқдори туғрисида
1930 йил 10 декабргача бўлган маълумот³**

Ўлка ва вилоятлар	Ўлкадаги қулоқ хужаликлар	Қулоқ қилинган хужаликлар	3-тоифа бўйича		2-тоифа бўйича		Жами		Қулоқ қилинган, лекин сургун қилинмагача қолган қулоқ хужаликлари (оила)	Изоҳ
			Оила	Киши	Оила	Киши	Оила	Киши		
Ўрта Осиё	Маълумот йўқ	748	159	197	349	1764	508	1961	240	

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Документы и материалы. Т. 3. Книга 1, стр. 333.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Документы и материалы. Т. 3. Книга 1, стр. 373.

³ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Документы и материалы. Т. 3. Книга 1, стр. 533.

Кулоққа тортилганлар ва кулоқ қилинганларни сургун қилиш тўғрисида
1930 йил 1 январидан 1931 йил 1 июлгагача бўлган маълумот¹

Марказий Осиё	Ўлка ва вилоятлар	Ўлкадаги деҳқон хўжаликлари	ОГПУ ППнинг 1 июлдаги кулоқларнинг умумий миқдори	Фонд ҳисобида	1930 йилда	1931 йил 1 июль (фонд ҳисобида)	1930 йилда	1931 йил 1 январидан 1 июлга кучиралганлар	Жами	1931 йилда кулоқларни сургун қилиш бўйича умумий давла	Сургун қилинган ружет берилган кулоқ хўжаликлари
		1210000	—	—	748	—	159	6000	6159	—	6000

ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакилликнинг 1930 йил 5 апрелгача бўлган вақт ичида амалга оширган тезкор ишларининг якунлари тўғрисидаги маълумотда жойларда 5 апрелгача 2776 киши қамоққа олингани айтилган. Шундан аксил-инқилобий ташкилотлар, гуруҳларда иштирок этганлиги ҳамда аксил-инқилобий тарғибот, ташвиқот, оммавий чиқишлар, террор учун 990 бой, 41 ўзига тўқ, 216 ўрта ҳол, 84 камбағал, 110 руҳоний, 99 савдогар, 10 кустар, 47 хизматчи, 70 машғулоти номаълум, 1 ҳарбий хизматчи, 1 ишчи, 21 аниқланмаган шахслар қамоқхонада тергов бераётганлиги қайд этилган².

1930 йил 15 июнда Тошкентдан тўғридан-тўғри сим орқали ДТПУга, Е. Т. Евдокимовга узатилган хабарда 1930 йил 1 июнда Ўрта Осиё бўйича ОГПУ қамоқхоналарида 2192 киши тергов бераётгани, улар орасида аксил-инқилобий фаолият олиб бораётган, оммавий чиқишларда, советларга қарши тарғибот ва ташвиқотда, террорда қатнашаётганлардан 415 бой, 142 ўрта ҳол, 66 камбағал, 32 савдогар, 31 руҳоний, 9 собиқ босмачи, 97 хизматчи, 35 собиқ амир амалдорлари, 8 ишчи, 6 кустар, 2 ўқувчи, 5 ҳарбий хизматчи, 16 аниқ машғулоти бўлмаган, 10 аниқланмаган шахслар борлиги қайд этилган.

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Документы и материалы. Т. 3. Книга 1, стр. 716.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3. Книга 1, стр. 306.

Хабарноманинг «босмачилик ва унга хайрихоҳлик» қисмида 201 бой, 209 ўрта ҳол, 58 камбағал, 30 савдогар, 59 руҳоний, 3 кустар, 15 хизматчи, 113 собиқ босмачи, 2 эркин ноёб эгаси, 67 аниқланмаган шахслар борлиги таъкидланган¹.

Ҳужжатларда қулоққа тортиш кўрсатилган йўриқномага хи-лоф равишда ўтказилгани, жойларда кўпдан-кўп хато ва нуқсонларга йўл қўйилаётгани ақс эттирилган. Мазкур масала ҳатто ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1930 йил 9 мартдаги йиғилишида ҳам кўрилган. Унда И. А. Зеленскийнинг «Тошкент район ижроия комитетининг қулоқ қилиш масаласи бўйича муносаба-ти» ҳақидаги маърузаси тингланади. Қабул қилинган қарорда Тошкент округи партия комитети томонидан қулоққа тортишни ўтказишда йўл қўйилган хато ва нуқсонларни тугатиш бўйича етарли чора-тадбирлар кўрилмаётгани қайд қилинган, кўрсатил-ган хатоларни тузатиш, қулоққа тортилган хўжаликлар рўйхати-ни текшириб чиқиш учун районга комиссия юбориш, 7 кун ичида қулоқ қилиш тўғри ёки нотўғри амалга оширилганлигини аниқлаш вазифаси ўша комиссияга юклатилган².

Ўз КП(б) Тошкент округ партия комитети ижроия бюроси-нинг 1930 йил 14 мартдаги ёпиқ мажлисида Тошкент округидаги қулоқларни кўчириш ҳақидаги (Павловский ва Василевларнинг) ахборотларини тинглаб Олтин Ўрда ва Паркентда кўчириш жам-фармалари тайёр эканлиги ҳақидаги баёнотлари маълумот учун қабул қилинади. Олтин Ўрдада 970 га суғориладиган 406 хўжа-лик сифимидаги ер ажратилган, район 26 посёлкага бўлинган. Паркентда 1266 га лалмикор 142 хўжалик сифимидаги ер ажра-тилган, район 7 та посёлкага бўлинган. Паркентдаги ерлар ўзлаш-тириш учун фавқулодда қийин ерлар. Олтин Ўрдага ерлар, баъзи жойлардаги мавжуд шўрхок ерлардан ташқари, ўзлаштириш учун яроқли ерлардир ва одамлар келиб жойлашишлари учун ярайди. Ҳар бир посёлкага биттадан вакил ҳисобидан посёлкалар вакил-лари ажратилган. Ер ишлари халқ комиссарлиги ҳисоб-китобига мувофиқ Паркентда ҳар бир посёлка 20 хўжаликка, Олтин Ўрдада эса 15 хўжаликка мўжалланган.

Биховский ва Йўлдошевларнинг Мирзачўл ва Янгийўл рай-онларида рўйхатларни текшириш, кўчириладиган қулоқларнинг аниқ рўйхатларини белгилаш бўйича тайёргарлик ишлари амал-га оширилганлиги тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинади. Мирзачўл райони бўйича 3-тоифадаги қулоқлар — 73 хўжаликдан, улардан 41 таси рус хўжаликлари, 32 таси ўзбек хўжаликлари эди. Янгийўл райони бўйича — 108 та хўжаликдан, рус хўжаликлари — 2 та, ўзбек хўжаликлари 106 та эди.

Янгийўл ва Мирзачўлдан кўчириладиган умумий миқдордаги 181 қулоқдан ҳаммаси бўлиб 138 тасини округнинг ўзида қолди-

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3, кн. 1, стр. 389—390.

² РИСТДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 650-иш, 104-варақ.

ришга, рус қулоқларидан қолган 43 хўжаликни округдан ташқарига кўчириб юборишга қарор қилинади. Округдан четга кўчириш ОГПУ органлари билан келишиб амалга ошириладиган бўлади. Мазкур қарорни маъқуллаш ЎзКП(б)дан сўралади ва бир вақтнинг ўзида бу қарор ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси билан келишилганлиги (Зеленский билан) хабар қилинишига қарор қилинади.

Аввалги топшириққа қарши ўлароқ, бошқа округлардан оз сонли қулоқлар юборилгани ҳолда уларни Паркентнинг олис эканлиги, ерларни ўзлаштириш қийинлиги ва Паркент районидаги сиёсий аҳволнинг ночорлиги эътиборга олинаиб, Олтин Ўрдага жойлаштириш мақсадга мувофиқ деб топилади.

Тошкент округига кўчириладиган қулоқларнинг тўла аниқланган миқдор рақамларини округкомга маълум қилишни ЎзКП(б) МКдан сўрашга қарор қилинади. Бунда агар ЎзКП(б) МК рози бўлса, округда 138 та қулоқ хўжалиги қолдирилган тақдирда округ бошқа округлардан Олтин Ўрдага 268 та қулоқ хўжалигини қабул қила олиши мумкинлигини хабар қилишга қарор қилинади.

«Учлик»нинг 1930 йил 15 мартдаги қарори билан Қорабев Носирқул, Тўрабоев Саодат, Шарипов Араб, Аҳмедов Абдулфайзлар 3 йил қамоқ жазоси билан Ўрта Осиё худудидан ташқари жойга бадарға қилинади. Сургун муддатини 1930 йил 7 февралдан ҳисоблаш қарорда кўрсатилади. Шундай жазога Батрақулов Жўрабой, Қўлдошев Нишонбой, Муротов Бобобек, Норбоев Жўрақул, Жўлябеков Хидирали, Солиев Мамаюсуфлар ҳам тортилиб, улар ҳам Ўрта Осиё худудидан сургун қилинадиган бўлади. Юсупов Аббос, Раҳмонбердиев Сафар, Норматов Очил, Қорақулов Муҳаммад Мусо, Дўстмурод Содиқов, Мирзабоев Ҳожиёр, Холназаров Ўрозларга 3 йил қамоқ жазоси берилади, Жазо муддати 1930 йил 7 февралдан белгиланади.

ОГПУнинг Тожикистон бўлими тақдимига кўра «учлик»нинг ўша 1930 йил 15 март қарори билан Муҳаммад Алиев, Доновой Қороулбеги (50 ёшда, бой оиласидан, собиқ амир амалдори, маҳрум этилган), Норҳожиев Бўрибой Саркор (50 ёш, бой, маҳрум қилинган, босмачилик ҳаракатининг фаол кўмакчиси) отувга ҳукм этилади.

«Учлик»нинг 1930 йил 15 мартдаги йиғилишида ОГПУнинг Ўш округи бўлими тақдим этган маълумотлар асосида ёши 27 дан 53 гача бўлган қирғиз миллатига мансуб 14 киши (Содиқ Тўхтабоев, Эргаш Тўхтабоев, Мати Кўчобоев, Жойнали Оромбоев, Отабой Мақсутов, Мирза Умаралиев, Иброҳим Уменов, Самиддин Жобосаров, Юнус Бойбозоров, Мамет Исмоилов, Девон Асанов, Бакир Мамасодиқов, Қорахўжа Бойбодоров, Холчиқ Дўланов) отувга ҳукм қилинади. Қорабоев Эрмиш, Адай Саримсоқов, Адол Алиев, Асан Тожиқов, Тешабой Султонов-

ларга берилган ўлим жазоси 10 йилдан қамоқ жазоси билан алмаштирилади. Яна 5 кишига — Чўдон Айтбоев, Бакир Избосаров, Умар Темиржонов, Иса Алиев, Аҳмат Холмирзаевларга 10 йилдан қамоқ жазоси берилади¹.

Марказий Комитет Сиёсий бюросининг ўша 1930 йил 20 февралдаги топшириғи бажарилгандан сўнг ҳам «қулоқ»ларни террор қилиш тўхтамайди, бу жараён кучайгандан кучайиб боради, қатагон домига кўпдан-кўп ватандошларимиз тортилаварадилар. Бунга ҳужжатлар шоҳиддир.

«Учлик» 1930 йил 19 апрелда Андижон округи ГПУси тақдим этган 421/4435-сонли Ойимдаги чиқишлар иштирокчилари ҳақидаги ишни кўриб чиқиб Яминхон Ёқубхўжаев, Нурмонхон Камолов (31 ёшда, ўзбек, Жалол қўрбошининг собиқ йигити), Тожибой Тошоломов (60 ёшда, бой, ҳуқуқдан маҳрум қилинган), Қирғизбой Худойназаров, Абдужаббор Мадраҳимовларни отувга ҳукм қилади.

Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл ва Шаббоздаги хотин-қизлар кўзғолонларида фаол қатнашганларни, айбдорларни, бой, эшонларни 3-тоифа бўйича Кегайли ҳамда Қоракўзак туманларига 1930 йил 10 апрелда Амударё орқали қайиқларда жўнатишган ва шу йўл билан бадарга қилишган.

1930 йил 24 апрелдаги маълумотда Ўрта Осиёдан 1-тоифали қулоқлардан 2350 киши қамоққа олинган, 17 азбоси бўлган 2 аксилинқилобий ташкилот, иштирокчилари 917 кишидан иборат 89 гуруҳ тугатилган, 1416 киши яқка тартибда қамоққа олинган, таркибида 1539 киши бўлган 22 аксилинқилобий тўдалар (шайкалар) тугатилгани қайд этилган².

1930 йил 4 майгача Ўрта Осиёдан 2-тоифали қулоқлардан 400 оила (2000 киши) сургун қилиниши керак эди, амалда 80 оила (281 киши) Қозоғистонга сургун қилинган³.

1930 йил 23 июнда «учлик» Ҳамро Норқулов, Яссанбой Нурмуҳаммедов, Жумабой Бекқулов, Қудрат Исаев, Боймат Эрназаров, Алиқул Норматов, Ёқуб Холматовларнинг Ўрта Осиёда истиқомат қилишларини ман этиш, уларни бошқа жойга сургун қилишга қарор қилади.

ОГПУнинг 1930 йил 28 августдаги мутлақо махфий маълумотномасида 2- ва 3-тоифали қулоқлар кўчирилгани, 20 майга қадар 2-тоифали қулоқларни кўчириш бўйича операциялар ўтказилгани, шунда Ўрта Осиёдан 80 оила (281 киши) сургун қилингани айtilган. 3-тоифали қулоқларни кўчириш амалга оширилиши натижасида Ўрта Осиёда 349 оила (1764 киши) сургун этилган⁴.

¹ ЎзР МХХА, 9-рўйхат, 1930 йил учун, 2—3-варақлар.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т. 3, кн. 1, стр. 140.

³ Ўша манба, 333-бет.

⁴ Трагедия советской деревни... Т. 2, стр. 593—595.

ОГПУ раҳбариятининг жойлардаги барча органларига 1930 йил 30 августда йўллаган телеграммасида Ўрта Осиё ҳудуди ҳар хил районлардан, айниқса Сибирдан оммавий қочиб келаётган қулоқлар билан тўлиб кетаётгани, бу келганлар галла тайёрлашни барбод қилаётгани, аксилинқилобий тарғибот олиб бораётгани, ҳудудида ўрнашиб олган ОГПУнинг маҳаллий органлари 3—4 ойлаб Марказнинг саволларига жавоб бермаётганлиги таъкидланган. Шу боис қочиб кетган қулоқлар ҳақидаги сўровларга қисқа вақт ичида жавоб бериш чораларини кўриш талаб этилган¹.

«Учлик»нинг 1930 йил 27 октябрдаги йиғилишида 5054-сонли иш — Носирхон тўра Камолхонтўраев (56 ёшда, тожик, бой, хўжалиги тугатилган, машҳур мударрис, февраль инқилобидан октябрь тўнтаришигача бўлган даврда Наманган шаҳар думаси аъзоси, «собиқ аксилинқилобий Қўқон мухторияти ҳукуматининг собиқ вазири», Наманган руҳоният идорасининг собиқ раиси, 1925 йилдан 1928 йилгача советларга қарши фаолияти учун сургунда бўлган) иши кўрилиб, у отувга ҳукм қилинади. У билан бирга яна бир неча киши ҳам отувга ҳукм этилган. Ҳаммаси бўлиб 92 кишининг иши кўрилган, шундан 19 таси отувга, қолганлари 3 йилдан 10 йилгача қамоқ жазосига, концлагерга ҳукм этилади.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Л. Г. Миронов²-нинг фармойишига мувофиқ, Ўрта Осиёда қулоқ хўжаликлари ни топиш, аниқлаш бўйича «учлик»лар ташкил қилиниб, улар жойларда қулоқ қилиш, қулоқ қилинганларга жазо бериш, сургун қилиш, отувга ҳукм этиш каби қатағонлик билан машғул бўлган. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги иқтисодий бўлим бошлиғи ёрдамчиси Деноткин 1930 йил 26 ноябрда ВКП(б) МКнинг Ўрта Осиё бюроси котиби И. А. Зеленскийга мутлақо махфий тамғали «Қулоқ хўжаликларини топиш бўйича учликларнинг иши ҳақида маърузанома» йўллайди. Унда жойлардаги аҳвол умумлаштирилган, таҳлил қилинган.

Фарғона тезкор сектори бўйича қуйидагилар хабар қилинган: «Учлик» масаласи бўйича директивани тезкор сектор 24 ноябрь эрталаб олди. Район аппаратларига кўрсатма берилди.

Айрим районлар бўйича маълумотлар тезкор секторга ҳали келиб тушганича йўқ. Қўқон бўйича 20 ноябрда Ўрта Осиё бюроси директиваси ва «учлик»лар иши тўғрисидаги масала райком кенгашида муҳокама қилинди. 153 қулоқ, 28 ўзига тўқ хўжаликлар аниқланди, уларга муддати қисқартирилган ҳолда қатъий

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т. 3, книга 1, стр. 140.

² *Миронов Лев Григорьевич* (1895—1938) — Полтава губернияси Приятин шаҳридан, хизматчи оиласидан. 1916—1917 йилларда Бунд аъзоси бўлган, 1918 йилдан большевиклар партияси аъзоси, тугалланмаган олий меълумотли, 1924 йилда лавлат хавфсизлиги органларида хизмат қилган. 1930—1931 йилларда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили, ОГПУ, ЭКУ бошлиғи. СССР НКВД контрразведка бўлими бошлиғи, СССР НКВД ГУГБ 3-бўлим бошлиғи, 1937 йил 11 июлда қамоққа олинган, 1938 йил 29 августда отувга ҳукм этилган, ҳукм ўша куни ижро этилган, реабилитация қилинмаган.

мажбуриятлар топширилди. Тезкор сектор маълумоти бўйича 5 фоиз кулоқ хўжалиklarини тугатиш вазифасидан келиб чиқилса ҳаммаси бўлиб 800 га яқин хўжалик тугатилиши керак. Райондан кулоқ хўжалиklarини аниқлаш мақсадида райком ва шаҳар советининг барча масъул раҳбар ходимлари жўнаб кетишди. 25 ноябрдан Ўрта Осиё бюроси директивасини бажаришга киришилиб уй-ҳовлиларни текшириб чиқиш бошланди. Секторнинг энг тажрибали ходимлари районларга жўнатилди»¹.

Самарқанд тезкор секторидаги ҳолат шундай эди: «Директива олингунга қадар учлик ташкил этилмаганди. Тезкор кўрсатма ишлаб чиқилди ва у районлардаги аппаратларга етказилди. Бугунга келиб учликлар ҳақида маълумот фақат 5 райондангина келиб тушди: бу районларда махсус вакиллар ажратилиб қишлоқ советларига беркитилган ва улар зиммасига кулоқ хўжалиklarининг аниқ миқдорини аниқлаш, янгидан кулоқ хўжалиklarини топиб, уларга қатъий мажбуриятлар бериш юклатилди».

Термиз тезкор сектори бўйича қуйидагилар ёзилган: «Кулоқларни топиб аниқлаш бўйича учликлар Денов, Сарисий, Паттақесар ва Жарқўрғон районларида эндигина ташкил этилмоқда. Шеробод районида район партия комитети ва райижроком раҳбар ходимларининг райондан ташқарига чиқиб кетганликлари оқибатида учлик ташкил этилгани йўқ. Денов ва Сарисий бўйича органларимиз томонидан 34 кулоқ хўжалиги топиб аниқланди, улардан 21 хўжалик колхоз аъзоларидир. Янгидан аниқланган 13 кулоқ хўжалигига буйруқлар топширилди. Район тезкор союзлари йўли бўйича кулоқ хўжалиklarини топиб аниқлаш борасида ҳеч қандай иш олиб борилмаётир. Районларга кулоқ хўжалиklarини излаб аниқлаш ва уларга қатъий мажбуриятлар топширишни жамоалаштириш бўйича кўрсатмалар берилди».

Хоразм тезкор секторидаги аҳвол мана бундай тавсифланган: «Районда учликлар ноябрь ойи бошларида тузила бошланди. Гурлан районида 36 кулоқ ўрта ҳол хўжалик сифатида пахта топширди. Манғит районида кулоқлар қолган ижтимоий гуруҳларга нисбатан режани бажаришда биринчи бўлдилар. Бу ҳолат текширилганида район пахта кооперативи кулоқлар сектори бўйича топшириладиган пахтанинг аниқ рақамларига эга эмаслиги аниқланди. Ҳозирги вақтда кулоқларнинг аниқ рўйхати тузилган ва пахта топшириш нормалари белгиланган. Кулоқ хўжалиklари бўйича пахта топшириш нормаси уни кўпайтириш ҳисобидан қайта кўриб чиқилди. Пахта топширилиши ва кулоқ хўжалиklarининг режани бажаришлари 20 ноябрга — 41, 18%, 21 ноябрга — 41, 89%, 22 ноябрга — 42, 66%, 23 ноябрга — 43, 11%ни ташкил этган. Контракция режаси бўйича эса 23 ноябрдаги ҳолатга кўра Урганч районида — 35 фоиз, Хивада — 66, Гурланда — 80, 22 фоиз бўлган. Учликлар ишлари натижасида кулоқ

¹ ИСТИДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2138-иш, 80-варақ.

хўжаликлари томонидан пахта топшириш режасининг бажарилиш фоизи Хонқада — 33%, Шовотда — 56, 9%, Хазораспда — 67% бўлган.

Райкооппахта маълумоти бўйича қулоқлар режани 113 фоизга бажарганлар, учлик текширганидан сўнг қулоқ хўжаликлар режани 65 фоизгагина бажарганликлари аниқланган».

«Тошкент округининг Пскент райони бўйича 22 ноябрда сиёсий вакил ва қишлоқ советлари раислари иштирокида фаолларнинг йўриқномавий кенгаши ўтказилиб, унда Ўрта Осиё бюроси қарори муҳокама этилади. Кенгашдан сўнг барча ходимлар қишлоқлар бўйлаб тарқалади. Ҳозирги кунга қадар биронта ҳам паналаниб писиб олган қулоқ хўжалиги топилмади. Район аппарати йўли билан 50 га яқин хўжаликка солиқ солиш олдиндан белгиланди.

Ўрта Чирчиқ райони бўйича учлик 18 ноябрда ташкил бўлди. Аммо у учлик фаолият кўрсатмаётир, биронта ҳам қулоқ хўжалиги топилмади.

Тошкент райони бўйича учлик 18 ноябрда ташкил бўлса-да, у ҳозирга қадар ҳеч қандай иш олиб бормади.

Қуйи Чирчиқ районида ҳам аҳвол худди шундай. Учликнинг сўнгги йиғилишида қулоқ ва ўзига тўқ хўжаликларнинг пахта топшириш нормаси гектаридан 80 дан 120 пулгача қилиб белгиланди. Бу қарор қулоқ хонадонларига 19 ноябрда етказилди. Янгидан қулоққа тортилганлар бўлмади.

Янгийўл районида учлик 20 ноябрда ташкил бўлди. Жойларга кўрсатмалар берилди. Қулоқ хўжаликлари бўйича пахта топшириш кучайишида бурилиш кузатилмаётир. Район аппарати томонидан колхозларда камбағал ниқобида юрган 4 бой ва 1 қулоқ аниқланди.

Пскент районида 23 ноябргача Ўрта Осиё бюросининг учликлар ишини кучайтириш ҳақидаги директиваси йўқ эди. Район ташкилотлари томонидан амалда ҳеч нарса қилинмади».

Қирғизистондаги аҳвол Ўш тезкор сектори мисолида қуйидагича тавсифланган:

«Жалолобод райони бўйича 134 қулоқ пахтачилик хўжалиги (1,36 фоиз), ғаллакор қулоқ хўжаликлар 151 (2,39 фоиз) мавжуд. Қулоққа тортиш иши давом этмоқда. Янгидан қулоққа тортилган хўжаликларга ҳали мажбуриятлар топширилгани йўқ.

Бозоркўрғон райони бўйича 75 қулоқ хўжалиги (0,65 фоиз) мавжуд. 22 ноябрда 68 ўзига тўқ хўжалик қулоқликка тортилди. 9 та қишлоқ советлари бўйича қулоққа тортиш иши давом этмоқда.

Аравонбура райони бўйича 211 қулоқ хўжалиги бор. Ноябрь ойи давомида 152 ўзига тўқ хўжалик (3,02 фоиз) қулоқликка тортилди. Мажбуриятлар топширилди, қулоққа тортиш давом этмоқда.

Суюкта райони бўйича 75 қулоқ хўжалиги (0,75 фоиз) бор, ғалла тайёрлаш даврида бундай хўжалик 295 та (3 фоиз)га кўпайди. Ўзига тўқ хўжаликлар ҳақида маълумот келмади, қулоқликка тортиш бўйича учлик ташкил бўлди.

Гулча райони бўйича қулоқликка тортиш ноябрь ўрталаридан бошланди. Қулоқ хўжаликлари миқдори ҳақида маълумот келиб тушмади.

Новқат райони бўйича учлик 22 ноябрда ташкил бўлди. Бир қатор районлардаги қулоқ хўжаликлари фоизи юқоридаги рақамлардан юқори.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси директивасини ўз вақтида 100 фоиз қилиб бажариш режаси жуда ҳам ёмон ҳолатда амалга ошмоқда, топширувчиларнинг катта қисми мукофотланмай қолиб кетди. Кимда-ким мукофотланишга лойиқ бўлса, уларни икки кун муддатда мукофотлаш ҳақида таклиф киритилди ва босим кўрсатилди.

Колхозлар дум сингари судралиб юришибди. ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг колхозлар бўйича директиваси олингани йўқ. Колхозларга бориб, уларга туртки бериш ва ижтимоий ишларни кучайтириш учун зарбдор бригадалар тузилмоқда.

Ҳозирги вақтда пахтачилик ширкати раҳбарияти назорат учликлари, қишлоқ советларининг масъулиятсизлиги ва фаолиятсизлиги, қишлоқлардаги вакилларнинг заифлиги сезилмоқда. Улар ташкилотлари томонидан тез-тез район алмаштирилиб, ўзгартирилиб турибди. Қишлоқ вакилларининг сафарбарлик руҳининг бўшашуви пахта топшириш шартномасининг кўп жиҳатдан но-реаллиги билан боғлиқдир».

Қорақалпоқ автоном вилоятидаги аҳвол қуйидагича тавсирланган: «Районларда вилоят вакиллари ва бригадалари иш олиб бормоқда. Кўмаклашувчи камбағал-батрак гуруҳлар тузилмоқда. Иш бўйича директива ва кўрсатмалар берилди.

Вилоят партия комитети томонидан ходимларга нисбатан бир қатор репрессиялар қўлланилди, аммо ишда бурилиш заиф кетмоқда. Ўзимизнинг йўл билан учликлар иши бўйича бир қатор кўрсатмалар берилди, пахта теримига тўласинча кўмак кўрсатилди. Ҳар кунги босим билан қулоққа тортиш ва қулоқ хўжаликларига солиқ солиш ва мажбуриятларни топшириш бўйича учликлар ишлай бошлашига эришдик»¹.

Қулоқларга қарши кураш жараёнида партия зўравонлиги туфайли шу ишга сафарбар қилинган масъул раҳбар ходимларга ҳам репрессив чоралари кўрилади. Ҳаттоки Марказдан Ўрта Осиёга юборилган ходимларга ҳам ҳеч қандай шафқат қилинмайди. Бу ўринда Зубковнинг қисматини келтириш мумкин.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 23 ноябрда «Ўртоқ Зубковнинг пахта тайёрлаш кампаниясидаги иши тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб, пахта тайёрлаш учун Ўрта Осиёга вакил қилиб юборилган Зубков фаолиятини кескин танқид остига олади. Барча кучларни пахта тайёрлаш режасининг бажарилишига сафарбар қилиш, камбағал-батраклар ва ўрта ҳол оммани қулоқ-

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 2-руйхат, 2138-иш, 80—84-парақлар.

ларга қарши ташкил этиш, қулоқларнинг пахта тайёрлаш ишини барбод этишга уринишларига, ҳар хил ифвогарлик, қўпоровчилик хатти-ҳаракатларига қарши кураш ўрнига Зубков пахта тайёрлаш режасини бажариб бўлмаслиги ҳақида баҳс бўлишига имкон яратганлиги қайд қилинади. Шунингдек, у ҳосилдорлик миқдорини қайта кўриб чиқишда ва ҳосилдорлик камайиб кетганлигида ҳам айбланади.

Зубков камбағал-батрақлар ва ўрта ҳоллар оmmasига таяниб қулоқлар қатламига қатъий босим ўтказмаган, пахта топширадиганлар томонидан пахта экиш мавсумини саботаж қилаётганларга қарши чора кўрмаган деган айблар ҳам кўйилади.

Ушбулардан келиб чиқиб Зубков ВКП(б) сафидан чиқарилишга, уни пахта Марказий бошқаруви аъзоси лавозимидан олиб ташлашга ва ишини ВКП(б) Марказий назорат комиссиясига юборишга қарор қилинади¹.

Жиззах районидаги Катта Боғдон қишлоқ советининг Жайраҳона қишлоғида яшовчи Турғун Исматов тўй қилиш учун тайёргарлик кўраётгани ва тўй муносабати билан улоқ ташкил қилаётганини маълум қилади. Тўйга кўплаб деҳқонлар келади, уларнинг кўпчилиги турли районлардан келган «қулоқ»лар эди. Пахта теримида ишлаётган 250 га яқин киши ҳам ишни ташлаб тўйга келган.

Катта Боғдон қишлоқ советининг камбағаллар мажлиси чақрилиб унда партия ячейкаси ва қишлоқнинг жамоат ташкилотлари томонидан маъқулланган қарор қабул қилиниб, экиш, пахта тайёрлаш ва ғалла кампанияси кетаётганлиги туфайли тўй ва улоқ ўтказиш тақиқланган. Бу қарорни эълон қилиш қишлоқ советининг котиби Жавлон Ортиқовга топширилган ва у тўйга бориб, йиғилганлар олдига қарорни эълон қилган. Тўйдагилар уни қамчи билан уриб калтаклайдилар. ОГПУ сиёсий ахборот бўлим бошлиғи Никитинлар 1930 йил 17 декабрда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И. А. Зеленский номига «Тўйни тақиқлаш тўғрисидаги эълон муносабати билан қулоқлар томонидан қишлоқ совети котибини калтаклаш тўғрисида» деб номланган хатида «Тўй қилган қулоқ Исматов Турғун қамоққа олинган, унинг устидан тергов олиб бориляпти» деб ёзганлар².

1930 йил 10 декабрга бўлган маълумотда Ўрта Осиёда 748 хўжалик қулоқ қилингани, 2-тоифали 159 хўжалик (197 киши), 3-тоифали 349 хўжалик (1764 киши), ҳаммаси бўлиб 508 хўжалик (1961 киши) сургун қилингани ва 240 хўжалик сургун қилинмай қолиб кетгани қайд этилган³. Ўрта Осиёдан Қозоғистонга сургун қилинган қулоқларнинг бир қисмидан Орол денгизининг орол ва ярим оролларида фойдаланилган. Улар Орол денгизидан

¹ РИСТДА. 62-фонд, 1-руйхат, 644-иш, 16—18-варақлар.

² РИСТДА. 62-фонд, 2-руйхат, 2139-иш, 105-варақ.

³ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3, кн. 1, стр. 533.

балиқ овлаш учун «Казарс» хўжалигига уюштирилган. Сургун қилинган қулоқлар учун турар жойлар қуриш тўласинча амалга оширилмаган, озиқ-овқат билан таъминлаш ҳам ночор аҳволда бўлган. Шу боис меҳнат сургунига келтирилганлардан 1930 йил 15 августгача 1400 киши қочиб кетган, улардан фақат 8 киши ушлаб қолинган¹.

Қулоққа тортилган, лекин сургун қилинмаган 37901 қулоқ хўжаликлари мавжудлиги ОГПУ махсус бўлими вакили Винчке томонидан хабар қилинган².

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мамлакат бўйича қамоққа олиш, сургун этиш тўғрисидаги директивадаги «чекланган континент»га нисбатан 1,5—2 баробар кўп миқдорда одамлар қулоқлаштирилган, жазоланган. Буни «қулоқлар»ни қамоққа олиш жараёнидан ҳам билиш мумкин. Масалан, 1930 йил 28 февралгача 76313, 5 мартгача 29591, 7 апрелгача 111714, 24 апрелгача 123716 киши ҳибсга олинган³. Бундай аҳвол Ўрта Осиё минтақасига ҳам хос бўлган.

Қулоққа тортиш ва сургун қилишда кўпдан-кўп ҳаддан ошишлар, зўравонликлар, чегарадан чиқишлар, бузишларга йўл қўйилди. Буни ҳам расмий ҳукумат амалдорлари, шу фожеали тadbирларни ўтказаяётганларнинг ўзлари ҳам эътироф қилишган. ОГПУ ахборот бўлимининг 1930 йил 17 майдаги қулоқ қилишнинг тахминий натижалари ва йўл қўйилган бузишлар тўғрисидаги маълумотномасида Ўзбекистонда қулоқлаштириш жараёни Тошкент округининг Мирзачўл ва Янгийўл районларида энг кўпол бузиш ҳолатида ўтказилгани, дастлабда қулоқ қилинганлар тоифасига жуда катта гуруҳ ўрта ҳоллар ҳам киритиб юборилгани қайд этилган⁴.

Қулоқлар мулки тортиб олинаётган чоғда аксарият ҳолларда мулк баҳоланмаган, мусодара этилган мулкнинг аниқ ҳисоби юритилмаган, шу боис мулкнинг тахминий баҳоси (Янгийўл райони) аниқланмаган, мулклар колхозларга берилган. Туркманистонда тирик ва ўлик инвентарь бутунлай колхозларга бериб юборилган, майда ҳайвонлар — чорвачилик ширкатларига, қорақўл давлат савдо ташкилотига, қимматли қоғозлар — молия органларига бериб борилган⁵.

Ўрта Осиёда ўтказилган жамоалаштириш, қулоқ қилиш, сургун қилиш жараёнида бу сиёсатдан норози бўлган, унга қарши турганларга нисбатан кенг қўламда қатағон сиёсати олиб борилади. 1930 йил 15 июнь кундаги ҳолатга кўра, Ўрта Осиё ГПУ органлари терговидан ўтаётганлар, қамоқхонада ётганлар манзараси қуйидагича тавсифланган:

¹ РФХХМА, 2-фонд, 10-руйхат, 20-иш, 181-варақ.

² Ўша манба, 181-варақ.

³ Ўша манба, 10-варақ.

⁴ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3, китоби I, стр. 346—349.

⁵ Ўша асар, 352-бет.

Ўрта Осиё бўйича қамоқхоналарда тергов бераётганлар сони 1 июнда 2192 кишини ташкил этган, шундан аксилинқилобий (оммавий чиқишлар) фаолият, аксилинқилобий тарғибот, террор учун 415 бой, 142 ўрта ҳол, 66 камбағал, 32 савдогар, 51 руҳоний, 9 собиқ босмачи, 97 хизматчи, собиқ амир амалдорлари 35, ишчилар 8, кустарлар 6, ўқувчилар 2, ҳарбий хизматчилар 5 та, машғулоти номаълумлар 16, аниқланмаганлар 16 киши бўлган;

босмачилик ва шериклик: бойлар — 201, ўртаҳоллар — 209, камбағаллар — 58, савдогарлар — 30, руҳонийлар — 59, кустарлар — 3, хизматчилар — 15, собиқ босмачилар — 113, эркин касблилар — 2, аниқланмаганлар — 67;

жосуслик: бойлар — 7, ўртаҳоллар — 3, камбағаллар — 5, савдогарлар — 5, руҳонийлар — 1, хизматчилар — 7, ишчилар — 7, машғулоти аниқ бўлмаганлар — 9, эркин касб кишилари — 1, қизил аскарлар — 1, аниқланмаганлар — 4 киши;

контрабанда: бойлар — 3, ўртаҳоллар — 3, камбағаллар — 3, савдогарлар — 12, ишчилар — 1, машғулоти аниқланмаганлар — 4, аниқланмаганлар — 1;

иқтисодий контрреволюция: хизматчилар — 13, ҳарбий хизматчилар — 1;

нолегал чегарадан ўтиш: бойлар — 6, ўртаҳоллар — 8, қўшимча савдогарлар — 16, ишчилар — 24, хизматчилар — 21, кустарлар — 10, аниқ машғулотлари бўлмаганлар — 32, руҳонийлар — 1, аниқланмаганлар — 8;

валюта билан чайқовчилик қилиш: бойлар — 1, хизматчилар — 2, савдогарлар — 4, маълум машғулоти бўлмаганлар — 4, ҳарбий қизил аскарлар — 7, командирлар таркиби — 1;

мансабдорлик жинояти: хизматчилар — 60, савдогарлар — 2, ҳарбий хизматчилар — 3;

сохта монета чиқарувчилар: машғулоти аниқ бўлмаганлар — 4, қўшимча ижтимоий хавfli унсур, маълум касбсиз — 55, бойлар — 7, камбағаллар — 5, руҳонийлар — 1, савдогарлар — 3, ишчилар — 3, хизматчилар — 15, қизил аскарлар — 1, аниқланмаганлар — 10, қочиб кетган кулоқлар — 133¹.

2. 1931 ЙИЛДАГИ СУРГУН

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1930 йил 9 ноябрда «Кузги экиш кампаниясининг бориши ва баҳорги пахта экиш кампаниясига тайёргарлик кўриш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унда ғалла экин майдонларини яшираётган, ғалла экинларининг сиқиб чиқарилишига қаршилик кўрсатаётган бойларга қарши қатъий репрессия қўлланилсин, улар қамоққа олинсин ва пахтачилик

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3, книга 1. стр. 389—390.

районларидан кўчириб юборилсин, дейилган. Шунингдек, қарорда бойларга қарашли пахта экиладиган ерлар галла экинлари билан банд қилинган бўлса, бундай ерлар улардан тортиб олиниб колхозларга, айрим ҳолатларда эса камбағал ва ўрта ҳол хўжаликларга бериб юбориш ҳам кўрсатилган¹.

Шу қарор асосида Ўрта Осиё бўйича бой-қулоқларга қарши кескин репрессив чоралар кўрилди, уларни турли ҳудудларга кўчириш амалга оширилди. Аммо кўчирилганларнинг хорижга қочиб ўтиб кетишлари мумкинлигини эътиборга олиб ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1931 йил 22 январда Тожикистоннинг шарқий қисми чегарага яқин бўлганлиги учун ёппасига жамоалаштириш районларидан тугатилаётган қулоқ хўжаликларини ҳамда суд ҳукми билан жазоланганларни бу жойга кўчиришга йўл қўймаслик ҳақида қарор қилишга мажбур бўлди².

ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг 1931 йил 25 февралдаги йиғилишида «қулоқлар тўғрисида»ги масала кўрилади. И. В. Сталин, В. Р. Менжинский, Г. Ягодалар ахборотлари тингланади. Қабул қилинган қарорда ОГПУга 6 ой муддатда 200—300 минг қулоқ оилаларини жойлаштириш учун қулоқ посёлкаларни аниқлаш ва кўчирилаётганларни жойлаштириш учун жойларни тайёрлаб қўйиш вазифаси топширилади. Бу иш энг аввало Қозоғистон ва Қарағанданинг жанубий қисмларида амалга оширилаётган бўлди. Қулоқ қилинганларни кўчириш ва жойлаштиришни назорат қилиш СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари А. А. Андреевга топширилади. Қулоқларни кўчириш билан боғлиқ барча масалаларни ОГПУ, А. А. Андреев билан, у бўлмаган ҳолда эса В. М. Молотов билан келишиб иш кўриши кўрсатилди. Шу йиғилишда А. А. Ждановнинг қулоқларни кўчириш тўғрисидаги илтимоси қондирилади³.

Миронов 1931 йил 25 мартда Тошкентга Е. Г. Евдокимовга телеграмма йўллайди. Унда Ўрта Осиё бюроси 6 мартда икки тоифадаги бойларнинг биринчисини репрессия қилиш, иккинчисини колхозлар массивларидан ташқарига кўчириш ҳақида қарор қилгани ва бу ҳақда 17 мартда Евдокимовга хабар қилингани айтилган. Ўрта Осиё бюроси бойларнинг Украина ва Шимолий Кавказнинг пахтачилик районларига кўчирилишига қарши эмаслиги ҳам қайд этилган. Ўрта Осиёда жамоалаштирилган хўжаликларнинг умумий фоизи 20 март кунига 45,3%ни ташкил қилгани, Ўзбекистоннинг ёппасига жамоалаштирилган 4 та районида қулоқларни тугатиш тугаллангани, Ўрта Осиё бюроси қўшимча равишда учта районни ёппасига жамоалаштириш райони деб белгилангани ва уларда қулоқларни тугатиш амалга оши-

¹ РИСТТДА. 62-фонд. 1-руйхат. 654-иш. 105-варақ.

² РИСТТДА. 62-фонд. 2-руйхат. 2520-иш. 1-варақ.

³ РИСТТДА. 62-фонд. 1-руйхат. 738-иш. 1—5-варақлар.

рилаётгани, янги районларда жамоалаштириш 73—88 фоизни ташкил этгани қайд этилган. Бундан ташқари хўжаликларни ёппасига жамоалаштириш эълон қилинмаган яна икки районда бойларни репрессия қилиш амалга оширилган. Ўзбекистоннинг қайд этилган тўққизта районида 1-тоифали бойлардан 269, 2-тоифалилардан 764 киши ҳибсга олинган. Туркменистоннинг ёппасига жамоалаштириш ўтказилган учта районида бойларни тугатиш амалга оширилади, бешта районда аксилинқилобчиларнинг юқори табақалари қўлга олинади. Туркменистоннинг саккизта районида 21—23 март кунлари 1-тоифали 131 кулоқ қўлга олинди, 2-тоифали 75 кулоқ сургун қилинди. Тожикистоннинг Оралӣ районида ҳисобдаги 20 бой хўжалиги репрессия қилинди. Барча операциялар ўтказилаётгани 25 мартда яқун топиши ўша телеграммада қайд этилган¹.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг 1931 йил 10 мартдаги «Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон масалалари» тўғрисидаги қарорининг аҳолини кўчириш масаласидаги 3-пунктида «Ўрта Осиё республикаларида кўчириш бўйича ишларга раҳбарлик қилиш шахсан ўртоқ Серғозиевга юклатилсин, 5 кун ичида бу ҳақда Ўрта Осиё бюросига ахборот тайёрлаш ундан талаб қилинсин» деб кўрсатилган.

1931 йил 18 мартда А. А. Андреев бошчилигида қулоқлар ҳақидаги комиссиянинг мажлиси бўлиб ўтади. Унда «Қулоқларни Фарбий Сибирь ўлкасига сургун қилиш тўғрисида»ги масала кўрилади. Қабул қилинган қарорга мувофиқ 1931 йилнинг май, июнь, июль ойларида Фарбий Сибирь ўлкасининг шимолий районларига 40 минг қулоқ хўжаликлари кўчириладиган бўлди. Бу кўчириладиганлар Фарбий Сибирь ўлкасининг Картосовский, Перебельский, Кедпешевский, Чаинский, Кривошеинский, Заксинский, Ново-Куксовский, Зирянский ва бошқа районларига жойлаштириладиган бўлди.

Сибирь ўлка партия комитетига қулоқларни сургун қилиш учун дарҳол тайёргарлик кўришни бошлаш таклиф қилинади. Сургун қилишга раҳбарлик қилиш ва операциянинг ўзини амалга ошириш учун жавобгарлик Фарбий Сибирь ўлкаси ОГПУсининг мухтор вакили Заковский зиммасига юклатилади. Бу сургун қилинган қулоқ хўжаликларидан қоратупроқ массивларини қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштиришда, хўжалик ташкилотлари томонидан ўрмон кесиш ишларида ишчи кучи сифатида фойдаланиш кўзда тутилган.

Кўчирилаётган хўжаликлар ўзлари билан энг оз миқдордаги деҳқончилик қуроллари, ишчи ҳайвонлари ва бошқа ишлаб чиқариш қуроллари (болта, арра, курак ва ҳоказо)ни олиб кетиши, озиқ-овқат захираларини олишлари, олиб кетиладиган озиқ-овқат ҳажмининг олдиндан белгилаб қўйилиши, Чаин районида

¹ ФХХМА. 2-фонд, 9-рўйхат. 332-иш. 18-яврақ.

ўрмон кесишлар бўйича совхоз ташкил қилиш, Сибирь ўлкаси доирасида қулоқ хўжалиklarини кўчириш билин боғлиқ бўлган сарф-харажатлар учун 3.000000 сўм маблағ ажратилиши қарорда кўрсатилади.

Мажлисда Ғарбий Сибирь ўлкасининг барча меҳнат аскарлари 3650 киши миқдорида сафарбар қилинганлиги ва улар «Востокуголь»га берилганлиги ҳақида баёноти ахборот учун қабул қилинади. «Союззолото» учун меҳнат аскарларини ишга яроқли қулоқ хўжалиklари билан алмаштириш зарур деб топилади. Шу мажлисда «Қулоқ хўжалиklарини Шарқий Сибирга сургун қилиш тўғрисида»ги масала ҳам кўрилади.

Г. Г. Ягодага бир ярим декада (ўн кунлик) муддат ичида комиссияда кўриб чиқиш учун қулоқ хўжалиklарини Шарқий Сибирга кўчиришнинг Ғарбий Сибирга кўчириш режасига ўхшаган режасини тақдим этишни таклиф қилиш вазифаси топширилади.

Қозоғистон АССРнинг собиқ Оқмола ва Қарҳара округларига қулоқ хўжалиklарини сургун қилиш тўғрисида Е. Г. Евдокимовнинг маърузаси тингланади. 1931 йилда Қозоғистонга сургун қилинадиган қулоқ хўжалиklарининг умумий контингенти 50000 хўжалик миқдорида бўлишига ва улар собиқ Оқмола ва Қарҳара округларида жойлаштирилишига қарор қилинади. Қозоғистонга сургун қилинадиган бу қулоқлардан тошкўмир, мис, темир рудаси қазиб олишда, темир йўл қурилишида ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш зарурлиги кўрсатилади. 15 апрелдан кечикмай сургун қилинадиган районларга 10000 та яккаҳоллар (онила бошлиқлари, қолган контингентларни қабул қилиб олиш учун ша роит тайёрлашда фойдаланиш мақсадида (уй-жой қурилиши ва бошқа тайёргарлик ишларида) жўнатиш мажбурияти ОГПУ га юклатилди.

Сургун қилинганлар жойлаштириладиган жойларни тайёрлаш, жойлаштириш пунктларини аниқлаш учун бўлажак сургун жойларига (Оқмола ва Қарағанда) Ольшанский (раис) ва аъзолари Берман ва Горшков таркибида расмий комиссия юбориш, шунингдек, СССР ВСНХ, СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги ва ВКП(б) ўлка комитетларининг вакиллари юборилиши ва бу комиссиянинг иш олиб бориш муддати 4-декада қилиб белгиланади.

Қозоғистонга сургун қилинадиган 50000 қулоқ хўжалиklарини кўчириш ва ўзлаштириш юзасидан амалга ошириладиган ишларни молиявий жиҳатдан таъминлаш режасини тақдим этиш мажбурияти ОГПУга юклатилди. Мажлисда 25000 қулоқ хўжалиklарини сургун қилиш бўйича жорий ишларнинг бориши ҳақида Г. Г. Ягода ва Е. Г. Евдокимовлар ахборотлари эшитилади. ОГПУ томонидан 25000 қулоқ хўжалиklарини кўчириш юзасидан ишлаб чиқилган режа тасдиқланади ва қулоқ хўжалиklарини кўчириш учун сарфланадиган 6000000 сўм пулни захира жамғармадан ажратиб бериш СССР ХКС ва ОГПУдан сўралади.

«Ўлкаларнинг ичкарасида кулоқ оилаларини сургун қилишнинг бориши тўғрисида»ги Е. Г. Евдокимов маърузаси бўйича қабул этилган қарорга кўра Шимолий Кавказ ўлкасида, Ленинград вилоятида, Фарбий Сибирь, Шарқий Сибирь, Кавказорти ва Узоқ Шарқ ўлкаларида кулоқ хўжалиklarини сургун қилишнинг бориши тўғрисидаги маълумотлар ахборот учун қабул қилинади. ОГПУга ва унинг маҳаллий органлари зиммасига кулоқ хўжалиklarини бундан буён кўчириш фақат Марказий комиссия рухсати билангина ўтказилиши лозимлиги кўрсатиб ўтилади.

Мажлисда кулоқ қишлоқларини вақтинча минимал миқдорда озиқ-овқат билан таъминлаш режасини ишлаб чиқиб, масалани А. И. Микоян, И. А. Зеленский билан келишилган ҳолда ҳал этиш ОГПУга топширилади. Кулоқ посёлкалари ва комендатуралар хизмат кўрсатишининг бутун мол-мулк ва пул маблағи билан таъминлаш иши ОГПУ ихтиёрига берилишига қарор қилинади¹.

А. А. Андреев бошлиқ комиссия 1931 йил 31 мартда Ўрта Осиёнинг ичкарасидан бойларни кўчириш масаласини кўриб чиқиб, ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросига Ўзбекистон, Туркменистон ва Тожикистондан бойларни минтақанинг ўзининг ички ҳудудлари доирасида кўчиришга рухсат беради. Аммо кўчириладиганларни чегарадан узоқликдаги республикаларнинг шимолий қисмига жойлаштириш мажбурияти юклатилади².

Айрим ҳолларда республика ва ўлка раҳбарлари ўз сарҳадларидан кулоқларни бошқа ҳудудларга сургун қилиш ташаббуси билан чиққанлар. ВКП(б) Қозоғистон ўлка партия комитетининг котиби Ф. И. Голошчекин Қозоғистоннинг пахтачилик районларидан 1,5 минг кулоқ оилаларни, Қозоғистоннинг чегара районларидан эса 1,5 минг кулоқ оилаларни кўчириш ҳақида ВКП(б) МКнинг махсус кўчкиндилар бўйича комиссиясига телеграмма йўллаган. Бу масала 1931 йил 24 мартда бўлиб ўтган йиғилишда кўриб чиқилиб, кулоқ оилаларни Қозоғистоннинг ички районларига кўчириш таклиф қилинган³.

Ўрта Осиё бюросидаги кулоқлар бўйича комиссия 1931 йил 1 апрелда Ўзкомпартия Марказкомининг «Ёппасига жамоалаштириляётган районларда кулоқ қилишнинг бориши ҳақида»ги масалани кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади.

ОГПУнинг махфий сиёсий бўлимининг 1931 йил 3 апрелдаги маълумотида 1-тоифали кулоқларни тугатиш Ғиждувон, Денов, Сарисийё, Кўқон, Оқдарё районларида амалга оширилиб, 214 та кулоқ хўжалиги тугатилганлиги қайд қилинган⁴.

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 2-иш, 1—3-варақлар.

² Трагедия советской деревни... Т. 3, стр. 98.

³ Трагедия советской деревни... Т. 3, стр. 96.

⁴ Трагедия советской деревни... Т. 3, стр. 104.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1931 йил 11 апрелда Ўрта Осиё халқ хўжалигининг социалистик секторига камида 100.000 батракларни суриш тўғрисида қарор қабул қилади.

Ўзбекистон республикаси бўйича батракларни социалистик секторга суриш контрол рақамларида 60.788 киши ёки 84,4%, жумладан, совхозларга 14094 киши ёки 23,6%, колхозларга 25616 киши ёки 42,1%, саноатга 5.678 киши ёки 9,3%, қурилишга 10,100 киши ёки 16,7%, «установка» курслари учун 5000 киши ёки 8,2 фоиз қилиб белгиланган.

Сўнги вақтда олинган маълумотларга кўра, 1931 йил 1 июль куни совхозларга 4800 киши сафарбар қилинган, бу режага нисбатан 33,35 фоизни ташкил этади¹.

ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягода, ОГПУнинг махсус бўлими бошлиғи Е. Г. Евдокимовлар 1931 йил 27 майда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили В. А. Каруцкий²га меморандум йўллайди. Унда Ўрта Осиёда тўпланиб қолган қочоқ қулоқлар ишини жўнгина расмийлаштиришга рухсат берилганига, аниқланган ҳақиқий қулоқларни аввалги жойига, қулоқ посёлкаларига қайтаришга ҳам розилик билдирилади.

ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакилига қуйидаги вазифалар топширилади. Биринчидан, чиндан ҳам қочиб кетган қулоқларни жиддий танлаш, назоратдан ўтказиш ва махсус посёлкаларга жойлаштириш. Иккинчидан, текширилмаган, «шубҳали»ларни уларнинг ижтимоий аҳволини аниқлаш учун маҳаллий органлардан маълумотлар сўраш. Учинчидан, тинтув орқали қўлга олинган ва махсус посёлкаларга жойлаштирилган қочоқ қулоқлар миқдори ва улар фойдаланиш учун қайси ташкилотларга бериб юборилгани ҳақида ОГПУ махсус бўлими тезкор гуруҳини хабардор этиш. Тўртинчидан, қочиб кетган ва махсус посёлкаларга жойлаштирилган қулоқлар (уларнинг оиласи таркиби ва яшаш жойи кўрсатилган ҳолда) рўйхатини келажақда улар оиласи аъзоларининг оила бошлиғи турган жойга сургун қилиш учун ОГПУ махсус бўлими тезкор гуруҳига юбориш³.

ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюроси 1931 йил 20 июнда Ўрта Осиёдан қулоқларни кўчириш тўғрисида қарор қабул қилади ва қулоқлар бўйича комиссия раиси СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари А. А. Андреев тақдим этган қарор лойиҳасини тасдиқлайди. Жумладан, унда шундай дейил-

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 7-рўйхат. 871-иш. 50—53-варақлар.

² Каруцкий Василий Абрамович (1900—?) — Томскдан, мешан оиласидан. Ўрта маълумотли, 1920 йилдан большевиклар партия аъзоси, 1921 йилдан давлат хавфсизлик органларида ишлаган, 1924—1928 йилларда ОГПУнинг Амурскдаги губерния бўлими бошлиғи, 1928—1929 йилларда Туркменистон ОГПУ бошлиғи, 1929 йилда Ўрта Осиё бўйича ОГПУ доимий вакили раиси ўринбосари, махфий тезкор бошқармаси бошлиғи, 1931—1934 йиллари ОГПУнинг Қозғоғистон бўйича доимий вакили, Қозғоғистон АССР бўйича УНКВД бошлиғи, 1925 йили Фарбий Сибирь УНКВД бошлиғи, 1937 йили Фарбий вилоят УНКВД бошлиғи, 1938 йили Москва вилоят УНКВД бошлиғи.

³ РФДА. 9479-фонд. 1-рўйхат. 3-иш. 25-варақ.

ган: а) Ўртоқ Бауманнинг¹ Ўрта Осиёдан 6 минг қулоқ хўжалигини кўчириб, ундан 3 мингини Украина ҳудудига ва 3 мингини Шимолий Кавказга кўчириш ҳақида С. Косиор² ва Шеболдаевлар билан келишилган таклифи маъқуллансин; б) Бу қулоқ хўжаликларини Украина ва Шимолий Кавказга жойлаштириш ўртоқ Евдокимовга³ топширилсин⁴. Ушбу қарордан келиб чиқиб ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягода ва ОГПУ бошқарма бошлиғи Е. Г. Евдокимов 21 июнда Тошкентга, ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Матсонга⁵ телеграмма йўллаб, Ўрта Осиёдан 6 минг қулоқ хўжалигини кўчиришга қарор қилингани, 3 минг оилани Шимолий Кавказ ўлкасига, яна 3 минг оилани Украинага жўнатиш зарурлиги билдирилади. Телеграммада миллий аҳоли яшайдиган жойлардан синфийлик тамойилига асосланиб қатъийлик билан бой-қулоқ унсурларни ажратиб олиб, уларни сургун қилиш учун тайёрлаб қўйиш вазифаси қўйилади. Сургун қилинаётган ҳар бир оилада меҳнатга яроқли киши оила бошлиғи бўлиши шарт қилиб қўйилади.

Кўчириш чоғида бирон-бир кўнгилсиз ҳолат юз бермаслиги учун ахборот ишлари ва тезкор тadbирлар кучайтирилиши, сургун қилинаётган ҳар бир оила камида 3 ойлик озиқ-овқат заҳираларини, қишлоқ ва оёқ кийими, уй-хўжалик анжомларини ўзи билан бирга олиши, меҳнатга яроқли қулоқлар қочиб кетмасликларининг олдини олиш учун ГПУ ходимлари бундай унсурларни олдиндан, тахминан аниқлаб, уларнинг ижтимоий аҳолини пухта текшириб чиқишлари телеграммада кўрсатилган. Бир кун муддатда сургун қилиш режасини телеграф орқали юбориш талаб этилган. Бу режада қайси райондан қанча оила, нечта жон, қайси станциядан жўнатилиши, вақт-соати, эшелонларни жўнатиш навбати, йўналиши, сургун қилиш операциясини ўтказиш билан боғлиқ харажатларнинг минимал сметаси акс этилиши талаб қилинган. Сургун қилишнинг бориши, жойлардаги сиёсий вазият ҳақида мунтазам хабар қилиб туриш ҳам талаб этилган.

Ушбу директивани бажариш шахсан Г. П. Матсон зиммасига юклатилган. Эшелонларни жўнатишнинг аниқ вақти тўғрисидаги жадвал ОГПУ томонидан юборилиши ҳам телеграммада қайд этилган⁷.

¹ Бауман Карл Янович (1892—1937) — ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг котиби (1931—1934 йиллар).

² Косиор Станислав Викентьевич (1889—1939) — ВКП(б) Украина Марказий Комитетининг биринчи котиби (1928—1938).

³ Шеболдаев Борис Петрович (1895—1937) — Шимолий Кавказ ўлка партия комитетининг биринчи котиби (1931—1934).

⁴ Евдокимов Ефим Георгиевич (1891—1940) — ОГПУ раиси ўринбосари.

⁵ Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. М. РОССПЭН, 2001, т. 3, стр. 146.

⁶ Матсон Герман Петрович (1896—1938) — ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили.

⁷ РФДА. 9479-фонд. 1-руйхат. 3-иш. 53—54-варақлар.

ВКП(б) Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 1931 йил 10 июлдаги йиғилишида А. А. Андреев бошлиқ қулоқлар бўйича комиссиянинг масаласи кўриб чиқилади. Қулоқлар бўйича 8 июлда А. А. Андреев комиссияси томонидан тақдим этилган таклифни Сиёсий бюро тасдиқлайди. Унинг «Тожикистон ва Ўзбекистон бўйича» деб номланган 8-бандида Тожикистон ва Ўзбекистондан Шимолий Кавказ ва Украина ССРга кўчириб юборилаётган 6 минг бой-қулоқ оилаларни пахтачилик районларига жойлаштириб, улардан пахта етиштиришда фойдаланиш кўрсатилган. Сургун қилинаётган 6 минг оилани қуйидаги районларга жойлаштириш мўлжалланган: Шимолий Кавказ ўлкасининг Прикум районидаги Прикум пахтачилик совхозига — 1100 оила; Воронцово районининг Александровскдаги «Терек» пахтачилик совхозига — 1000 оила; Темрюк районидаги Бутосовск совхозига — 450 оила; Таман пахтачилик совхозига — 450 оила.

Украина ССРнинг собиқ Херсон округидаги Каховск районида 400, Харловск районида 800, Скадовск районида 400, Голопристан районида 300, Геническ районида 350, собиқ Мелитопольск округининг Ново-Васильевск районида 250, Ново-Троицк районида 250, Акимовск районида 250 оилани жойлаштириш режалаштирилади¹. 9 июль соат 12 да узил-кесил шартнома тузиш учун илтимоснома ёзиш топширилади.

ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюроси ижроия комиссияси 1931 йил 13 июлда «Қулоқлар бўйича комиссия таркиби тўғрисида»ги масала юзасидан А. Икромовнинг ахборотини тинглаб қулоқ бўйича комиссия таркибига Исломовни ҳам киритишга қарор қилади².

Г. Г. Ягода 1931 йил 30 июлда Тошкентга, ОГПУ вакили Г. П. Матсонга мана бу телеграммани йўллайди: «Кўшимча тарзда ушбу билан маҳаллий миллат бойларини кўчириш операциясини амалга оширишда:

Биринчидан, ниҳоятда қаттиқ назоратни максимал таъминлаш учун барча чоралар кўрилсин, ҳақиқатдан ҳам қулоқ-бой унсурлар синфийликдан келиб чиқиб пухталиқ билан танлаб олинсин, кўчиришда ҳар қандай хатоларга йўл қўйилмасин.

Иккинчидан, ўз таркибида собиқ қизил партизанлар, қизил гвардиячилар, қизил армия командирлари, партия, комсомол аъзолари, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ишчилар, алоҳида хизматлари бўлган шахслар бор оилалар ҳар қандай шароитда ҳам кўчирилмасин.

Учинчидан, қулоқ-бойларни кўчириш асосан пахтачилик районларида, пахта етиштиришни биладиган жойларда амалга оширилсин.

Тўртинчидан, кўчириш операциясини бошлаш муддати кўчи-

¹ Трагедия советской деревни... Т. 3, стр. 149—151.

² РИСТДА, 62-фонд, 1-руйхат, 758-иш. 65-парақ.

риладиганларни жойлаштириш жойи аниқлангач, бир-икки кун ичида қўшимча хабар қилинади»¹.

Г. Г. Ягоданинг 1931 йил 11 августда Г. М. Матсонга йўллаган меморандумида Г. П. Матсон томонидан белгилаб қўйилган бой-қулоқ хўжаликларни эшелон билан жўнатиш йўналиши тасдиқлангани билдирилган. Кўчирилатган бой хўжаликлар миқдорини кўпайтириб юбормаслик, 6 минг хўжаликдан ортиқ миқдорда хўжалик кўчирилмаслиги, сургун қилинаётганларни эшелон-эшелон қилиб жўнатишнинг аниқланган режасини юбориш зарурлиги талаб қилинган. Сургун қилинадиганларни эшелон-эшелон қилиб поезларда жўнатиш муддати 20 августдан эрта бўлмаслиги, жўнатишнинг аниқ вақти бугун-эрта қўшимча тарзда хабар қилиниши кўрсатилган².

ВКП(б) Марказий Комитети махсус сургун қилинаётганлар комиссиясининг 1931 йил 23 августдаги йиғилишида (Постишев, Ягода, Коган, Берман, Николаев, Штрангфельдлар иштирокида) «Ўрта Осиёдан бойлар кўчирилишининг бориши ҳақидаги ахборот маълумот учун қабул қилинсин» деган қарор қабул қилинади³.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг кўрсатма ва талаблари асосида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети республика прокуратураси ва ГПУ билан биргаликда республика бўйича қулоқ қилиш ва қулоқ қилинганларни сургун қилиш операциясини ўтказишга киришади. ЎзКП(б) Марказий Комитети 1 августда қулоққа тортиш ва сургун қилиш бўйича 20 кишидан иборат, 6 августда эса қўшимча 5 кишидан иборат ўз вакиллари тасдиқлаб, уларни жойларга хизмат сафарига йўллайди⁴. Алихўжаев Андижон райониغا, Аҳмадбеков (райком котиби) Наманган райониغا, Эрматов (Адлия халқ вазирлиги) Зеленский райониغا, Харченко (Ўз Комсомол МК) Янгиқўрғон райониغا, Тўрақулов Кудаш (Ўзбекистон) райониغا, Миркомиллов (Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги таъминоти) Сталин (Шаҳрихон) райониغا, Маҳмудхўжаев (райком котиби) Марғилон райониغا, Тўрабеков Тошкент райониغا, Сариқулов (бригада аъзоси) Юқори Чирчиқ райониغا, Азизов (райком котиби) Самарқанд райониغا, Авербух (бригада аъзоси) Қорадарё ва Каттақўрғон районларига, Мирисхаков Вобкент райониغا, Гончаров Эски Бухоро райониغا, Гончаров Янги Бухоро райониغا, Обидова (Марказий Ижроия Комитети) Бауман (Шофиркон) райониغا, Антонов (Марказий Контрол Комиссияси партия коллегияси) Нарпай райониغا, Муҳаммаджонов (Марказий Комитет) Жарқўрғон райониغا, Ритман (Халқ маорифи комиссарлиги) Пойариқ райони-

¹ РФДА, 9479-фонд, 1 с — рўйхат, 3-иш, 89-варақ.

² РФДА, 9479-фонд, 1 с-рўйхат, 3-иш, 99-варақ.

³ РФХХМА, 2-фонд, 10-рўйхат, 379-иш, 163-варақ.

⁴ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 292-иш, 26—27-варақлар.

га, Монеев (Марказий Ижроия Комитет) Ромитан райониغا, Арслонбеков (райком котиби) Норин райониغا юборилади.

Марказком 1931 йил 6 августдаги қарори билан Бешариқ райониغا Бекмуродовни, Чуст-Поп райониغا Левинни, Боғдод райониغا Коноваловни, Қоракўл райониغا Ҳамробоевни, Сталин (Шаҳрихон) райониغا Шомансуровни вакил қилиб юборди¹.

Ўзкомпартия МК «Еппасига жамоалаштириш районларида кулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ бўлган тadbирларни ўтказиш тўғрисида йўриқнома» ишлаб чиқади. Вакиллар жойларга ўша йўриқнома билан борганлар ва унга амал қилиб иш кўрганлар. Еппасига жамоалаштириш асосида кулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ бўлган тadbирлар районларда МИКнинг вакили раислиги остида (у айнаи вақтда Марказий Комитетнинг вакили ҳамдир) район комитетининг котиби ва райижрокомнинг раиси таркибида «учлик»лар ташкил қилиш орқали ўтказилиши кўзда тутилган. Бу тadbирлар муайян районнинг бутун ҳудудида бир вақтда ўтказилиши ва 15 сентябрдан кечикмай пахта йигим-терими бошланганга қадар тугаллашиши керак эди.

Кулоқ қилиниши керак бўлган кулоқ хўжалиklarининг рўйхати район «учлик»лари томонидан ГПУ аппарати билан биргаликда аниқланадиган ва белгиланадиган бўлади. ОГПУ органлари томонидан аниқланадиган 1-тоифали кулоқ хўжалиklари бундан мустасно эди. Кулоқ қилинадиган хўжалиklarнинг умумий сони райондаги хўжалиklarнинг умумий сонига нисбатан 2—3 фоиздан ошиб кетмаслиги кўрсатилган.

Айрим районларда 2—3 фоиздан ошириб юбориш ҳолларига йўл қўйиш ҳар бир конкрет шароитда фақат Ўз КП(б) Марказий Комитети бюросининг махсус қарори билан ҳал этилиши мумкин эди. Кулоқ қилиш тadbирларининг давлатга қишлоқ хўжалик хом ашёси ва маҳсулотлари топшириш юзасидан қатъий топшириқларни бажармаганликлари учун қатағон қилинган кулоқ хўжалиklarига нисбатан ҳам қўлланилиши кўрсатилган.

Кулоқ қилиниши керак бўлган хўжалиklar рўйхати партия ва комсомол ячейкаларида, колхозчилар ва камбағаллар мажлисларида кенг муҳокама қилиниши ва бунда у ёки бу томонга ўзгартиришлар киритишга йўл қўйиш мумкин эмасди.

Район «учлик»ларининг мажлисларида киритилган ўзгартишларни ҳисобга олиб кулоқ қилиш юзасидан қабул қилган қарорлари узил-кезил қарор бўлиб ҳисобланган. Кулоқ қилинганлар комиссияси қарорига нисбатан норозилик билдириб ЎзССР Марказий Ижроия Комитетига шикоят қилиш мумкин бўлган. Бироқ бу шикоят уларнинг кулоқ қилиш ишини тўхта-тиб қўймаган.

¹ Ўша жойда.

Район партия комитетлари котиблари зиммасига кулоқ қилинадиган хўжаликлар рўйхатини қаттиқ назорат қилиш, текшириш мажбурияти юклатилган. Бундан мақсад рўйхатларга камбағал-ўрта ҳол деҳқон хўжаликлари киритиб юборилмаслигининг олдини олиш эди. Камбағал ва ўрта деҳқонларга нисбатан йўл қўйилган бузилиш ва чекинишлар учун ҳамма ҳолларда райком котиблари билан бир қаторда Ўзкомпартия МКнинг вакиллари ҳам жавобгар ҳисобланган. Бундан олдинги бобда кўрсатилганидек, ёппасига жамоалаштириш районларидаги барча кулоқ қилинадиган хўжаликлар 3 та тоифага бўлинган. Бу қоидага 1931 йилда ҳам амал қилинади.

Биринчи тоифага ОГПУ органлари томонидан «фаол аксилинқилобий унсурлар» деб аталмиш кишилар билан кураш чоғида қатағон қилинган бой-кулоқ, аксилинқилобий фаоллар кирган.

Иккинчи тоифага бой ва кулоқлар, шу жумладан, партия ва совет ҳокимиятига қарши ҳаракат қилувчи ва аксилинқилобий ташвиқот олиб борувчи уруғ бошлиқлари, бой ва кулоқлар, ўтмишда ва ҳозирда иқтисодий қувватига кўра энг машҳур бўлган (собиқ ер эгалари, мингбошилар, йирик амир амалдорлари, бойлар ва таъсирли уруғ бошлиқлари, манаплар), шунингдек, ОГПУ органлари томонидан отиб ташланган ва ҳукм қилинган кулоқлар оиласининг аъзолари кирган. Кулоқ қилинадиган мазкур тоифадаги оилалар меҳнатга яроқли эркаклар бўлса уларни республикадан ташқаридаги жойларга, бир қисмини Ўзбекистоннинг ичкарисига ташкил этилаётган махсус кулоқ посёлкаларига сургун қилиш кўзда тутилган.

Учинчи тоифага биринчи ва иккинчи тоифаларга киритилмай қолган барча кулоқлар ва уларнинг оилалари кирган. Улар шу район чегарасида колхоз массивидан ташқари жойларга сургун қилиниши лозим эди.

Оила аъзолари орасида инқилобий хизматлари бўлган кулоқлар (қизил фронтларда ва қизил партизан отрядларида фаол иштирок этган, босмачиларга қарши курашда қатнашган ва ҳ.к.) ёки қизил армия сафида бўлган, эски малакали ишчи сифатида корхоналарда ишлаётган аъзолари бор кулоқлар кулоқ қилинмаган ва улар сургун ҳам қилинмаган. Бундай оилаларни кулоқ қилиш, сургун қилиш зарурлиги колхозчилар ва камбағал-ўрта деҳқонлар оммаси томонидан тан олинган ҳолларда тегишли ташкилотлар билан ана шу оила аъзоларини армиядан ёки корхонадан чиқариб юбориш тўғрисида ёки улардан ўз оиласи билан алоқасини узгани ҳақида ариза олиш асосида амалга оширилган. Бундай оила аъзоси армиядан ёки корхонадан четлатиб юборилгандан кейингина шу оила кулоқ қилиниб, сургун этилиши мумкин бўлган.

Умумий қоида сифатида чет мамлакатларнинг фуқаролари кулоқ қилинмаган. Бундан Польша давлати фуқаролари мустасно эди.

Ҳар бир райондан ЎзССРдан ташқарига, шунингдек, ЎзССРнинг бошқа районларига сурун қилинадиган қулоқ қилинганларнинг сони райижроком қарори билан белгиланган ва у маҳаллий ташкилотлар томонидан мутлақо ўзгартирилиши мумкин эмас эди. Ўзининг таркибида янги яшаш жойига (сурғунда) оилани таъмин этишга қодир бўлган меҳнатга яроқли эркаклар бўлган бой-қулоқ оилалари сурғун қилинган. 65 ёшдан ошган кексалар ва ногиронлар сурғун қилинмаслиги керак эди.

Декрет маҳалидаги ҳомиладор аёллар фақат ўз хоҳишлари билангина сурғун қилинишлари мумкин эди. Бундай ҳолларда улардан ёзма аризалар олинishi лозим бўлган.

Сурғун қилинаётганлар рўйхатига диний унвондаги шахслар киритилмаган.

Ўзбекистондаги бой-қулоқ унсурларнинг фаоллиги ҳисобга олиниб, ОГПУ органлари томонидан сурғун қилинадиганларнинг рўйхати «учлик»лар томонидан тасдиқлангандан сўнг (мажлисларда қулоқларнинг рўйхатлари муҳокама қилингунга қадар ҳам) қочиб кетишлар ва босмачи тўдалар ташкил топишининг олдини олиш учун оила аъзолари — эркакларнинг қамоққа олинишлари йўриқномада кўрсатилган.

Ўзбекистон ССРдан ташқарига сурғун қилинаётган оилалар камида икки ойга етадиган озиқ-овқат, зарур кийим-бош, оддий қуроллар (кетмон, болта, арра, сўйил ва бошқалар), уй-рўзғорда ишлатиладиган буюмлар (оғир буюмлардан ташқари) билан таъмин этилиши керак бўлган. Кустар ишлаб чиқариш асбоб-ускуналари, жумладан, чилангарлик, дурадгорлик, темирчилик ва бочка ясаш ускуналарини олиш ҳам таъқиқланмаган, аксинча, уларни ўзи билан олиш тавсия этилган.

Ҳар бир оилага ишлаб чиқариш воситалари ва озиқ-овқатдан ташқари 30 пуд чамасида юк олиш белгиланган ва бунда юк юмшоқ идишда жойлаштирилиши, юкка оғир буюмлар, масалан, сўри (каровот), сандиқ ва шу кабилар киритиш ман этилган.

Ҳар бир хўжаликда 500 сўмдан ортиқ бўлмаган пул қолдирилган, мулк мусодара қилинаётган пайтда шу оила ихтиёрида қолдирилган пуллар мусодара қилиниб, тегишли рўйхатлар билан соқчи бошлиғи томонидан янги жойлашадиган ерга келгандан сўнг қўлга қайтариб бериш учун чегара пункти комендатурасига топширилган.

ОГПУ органлари томонидан белгиланган режа бўйича юқорида баён этилган ишларни амалга ошириш район ташкилотларининг зиммасига тушган. Ўша оилаларни тўпланадиган пунктларга (юк-лаш пунктларига) олиб келиш, бундан буён юк-лаш пунктларини ҳам, йўлда кетишни ҳам қўриқлаш тартиби ОГПУ органлари томонидан белгиланиб амалга оширилиши кўрсатилган.

Сурғун қилиш учун қулоқ қилиш ва мол-мулкни мусодара қилиш ишига ҳарбий қисмлар жалб этилмаган. Қулоқ қилинган

оилаларни қўриқлаш ва кузатиб бориш эса милиция, кўнгилли отрядлар, колхозчи фаоллар ва умуман қуйи совет-партия фаоллари томонидан амалга оширилган.

ОГПУ органлари комендатураларнинг қабул қилиш ва юк-лаш пунктларини ташкил этганлар. Район ижрокомлари ОГПУ органларининг буюртмаларига мувофиқ жўнатиш пунктларини зарур ва минимум озиқ-овқат маҳсулотлари, иссиқ овқат билан кунига камида бир марта таъмин этганлар ва чекланмаган миқдорда қайнатиш сув билан таъминлаб туришлари ҳам кўрсатилган.

Район соғлиқни сақлаш бўлими комендантлик пунктларининг жойлашуви ҳақидаги ахборотни олиши биланоқ улар устидан тегишли тиббий назоратни таъминлашлари, юқумли касаллик билан оғриганларни ажратиб олиб, уларга жиддий тиббий ёрдам кўрсатишлари шарт эди.

Таркибида меҳнатга яроқли шахс бўлмаган, инқилобий хизматлари тўғрисидаги тегишли ҳужжатлар топширилган ёки оила аъзолари қизил армияда хизмат қилаётганлиги тўғрисида ҳужжатлар тақдим этилган, оилада меҳнатга яроқли кексалар, касаллар, чўлоқлар ва ногиронлар йўқ бўлган ҳолатларда бундай оилаларни қабул қилмаслик мумкин эди.

Сургун қилинаётган қулоқлар контингентини саралашдаги мумкин бўлган узилишлар ва келишмовчиликларни ОГПУ органлари билан биргаликда бартараф қилиш мақсадида «учлик»нинг ОГПУ органлари билан алоқа ўрнатиш ва ана шундай шароитдагина ОГПУ комендатуралари томонидан сургун қилинаётган қулоқлар ва уларнинг оилаларини қабул қилишдан бош тортиш ҳолларидан қутилиш имкониятига эга бўлганлар. Бу ҳолат эса «учлик»ни ҳам, ОГПУ органларини ҳам бадарға қилиш бошлангунга қадар сургун қилинаётган қулоқлар ва уларнинг оилалари контингенти (таркиби)ни аниқлашга жуда пухта ва жиддий ёндошишни тақозо этган.

Ҳар бир бадарға қилинувчилар гуруҳига райижроком ёки қишлоқ совети томонидан жавобгар шахс тайинланган ва бу ҳолда кузатувчи соқчилар озиқ-овқат билан таъминланган бўлиши, унинг таркиби соқчилик қилиш давомида ҳар қандай кўнгилсиз ҳоллар, талон-торожлик ва бошқаларнинг олдини олиш учун садоқатли партия аъзолари билан тўлдирилиши керак бўлган.

Йўриқномада Ўзбекистон ҳудудидаги қулоқ посёлкаларига сургун қилиш тартиби ҳам белгилаб берилган.

Ўзбекистоннинг ўз ҳудудларидаги махсус ташкил қилинган қулоқ посёлкаларига сургун қилинадиганларнинг таркиби ва сургун қилиш тартиби ҳам Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига сургун қилинадиган қулоқларга нисбатан қандай қоидаларга амал қилинса, уларга ҳам ўша қоида қўлланилган.

Районлардан ташқарига сургун қилинганларнинг сони ЎзКП(б) МК бюроси томонидан белгиланган. Қулоқ қилинади-

ган хўжаликларнинг барча меҳнатга яроқли эркалари Ўзбекистоннинг ўз ҳудудларидаги қулоқ посёлкаларига қишлоқ хўжалик ишлари бошлангунга қадар (1932 йилнинг баҳорига) сургун қилиш ва улардан йирик ирригация ишлари ва бошқа қурилиш ишларида фойдаланиш кўзда тутилган.

Район «учлик»лари қулоқ қилинаётган хўжаликларнинг бу тоифаси бўйича рўйхат тузганларида ҳар бир оиланинг меҳнатга яроқли шахси учун алоҳида рўйхат тузишлари кўзда тутилган. Бу рўйхатлар 20—25 августдан кеч қолмай Ўзбекистон КП(б) МК қошидаги Марказий Комиссияга тақдим этилиши талаб этилган.

Сургун қилиш ва соқчилик қилиш тартиби худди Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига сургун қилинаётган қулоқ хўжаликларига нисбатан белгиланган тартибда амалга оширилган.

3-тоифадаги қулоқларни район ҳудудига сургун қилиш тартиби ва таркиби қуйидагича бўлган:

Район ҳудудига, қишлоқ колхоз массивларидан ташқарига сургун қилинадиган қулоқ хўжаликларининг таркибига у ёки бошқа мулоҳазалар туфайли 1- ва 2-тоифаларга киритилмай қолган барча қулоқлар ва уларнинг оилалари киритилган. 65 ёшдан ошган кексалар, бой оилаларнинг касал аъзолари, ногиронлар ва бошқаларни ҳам сургун қилиш кўзда тутилган.

Сургун қилинаётган хўжаликлар мажбурий тартибда колхозлар массивидан ташқари ҳудудларда жойлаштирилган. Ердан фойдаланиш шакли яққа хўжалик ёки гуруҳли қилиб белгиланган. Ер участкалари меҳнат нормасидан, яъни 2 тектардан ортиқ бўлмаслиги, ўзлари билан ишлаб чиқариш воситаларини олган хўжаликлар кузги-баҳорги экин экишга қатъий топшириқлар олишлари, жойлаштирилган ерларда қишга турар жойлар бунёд этишлари керак бўлган.

Район ташкилотлари бу хўжаликларга ер участкалари ажратганда бирмунча яхши меҳнат сарфланадиган бўлса ўзлаштирилиши мумкин бўлган ер участкаларини ажратиб беришлари, ўзлаштиришнинг иложи бўлмаган участкаларни ажратишга йўл қўймасликлари лозим эди. Бундан аввалги йилларда бу каби ҳолатларга йўл қўйилган эди.

Йўриқномада қулоқ хўжаликларнинг мол-мулкларини мусодара қилиш тартиби ҳам кўрсатиб берилган.

Қулоқ қилинаётган хўжаликларда ишлаб чиқариш воситалари, ортиқча ғалла ва ем-хашак, қурилишлар, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар (тегирмонлар, мойжувозлар ва бошқалар), шунингдек, олиб-сотар (чайқовчилик) захиралари мусодара қилинган ва уларни ўзларида керакли уй-рўзғор буюмлари (уй анжонлари, кўрпа-тўшак, тўн-чопон ва бошқалар), ҳар бир оила учун 500 сўмдан ортиқ бўлмаган пул, икки ойлик миқдордаги озиқ-овқат захираси, бир бош ишчи ҳайвони (от ёки хўкиз), меҳнат нормасини ишлаш учун етарли миқдордаги қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари (осиёча ёки европача), оилада қоладиган

ҳайвонларни боқишга етадиган миқдордаги ем-хашак қолдирилган. Йўриқнома эслатмасида Ўзбекистон ҳудудидан ташқарига сургун қилинадиган қулоқ хўжаликларига нисбатан иккинчи марта юборилган қўшимча кўрсатмаларга амал қилиш уқтирилиб ўтилган.

Қулоқ қилинаётган хўжаликларда мусодара этилаётган тирик ва ўлик қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари, ғалла, ем-хашак ва бошқалар колхозларнинг бузилмас фондларига берилиши керак бўлган. Бу ҳолда ана шу қулоқ хўжаликларининг давлатга қарзларини қоплаш зарурлигини ҳисобга олиш ва колхозга ўтказилаётган мол-мулкнинг амалдаги қийматини назарда тутиб нарх қўйиш талаб этилган.

Колхоз ихтиёрига ўтказилаётган мол-мулкнинг белгиланган нархи қулоқ қилинаётган хўжаликнинг давлатга тўлайдиган қарзи суммасидан ошиб кетса мусодара қилинаётган мулкнинг қолган қисми тўловларсиз колхозга ўтказилган. Ўз-ўзидан равшанки, бу қулоқ қилинаётган хўжаликнинг давлатга тўлайдиган қарзи суммаси колхозга берилаётган мулкнинг қимматидан ошиб кетадиган бўлса, бу қулоқ хўжаликларининг бутун қарзини колхоз тўлайди, дегани эмас эди.

Йўриқномада қулоқ қилинаётган қулоқ хўжаликларига қарашли бўлган бинолар ва қурилишлар, жамоат ва маданият муассасалари фойдаланиш учун акт ва рўйхатлар бўйича тегишли раёйжрокомлар ихтиёрига ўтказилиши, агар бу бино ва қурилишлардан юқорида кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш мумкин бўлмаса, улар колхозларга берилиши ва уларнинг бузилмас фондларига киритилиши ўз аксини топган. Бу борадаги эслатмада шундай дейилган: «Қулоқ қилинган хўжалик ўз жойида (қишлоқда) қолдирилган ҳолда (алоҳида қулоқ массивларига сургун қилинмай қолдирилса) колхознинг ер массивидан ташқарида ер ажратиб берилган ҳолда уларга унча қиммат бўлмаган қурилишларни (уйлар, бостирмалар) шу хўжаликлар учун зарур кам ҳажмда қолдириш мумкин».

Қулоқ қилинаётганларнинг мулкни мусодара қилиш ва тақсимлаш бўйича ишлар амалга оширилаётганда икки нусхада акт тузилиб, биттаси Ер ишлари халқ комиссарлигига юборилган, биттаси районнинг ўзида қолдирилган. Бунда ана шу актларнинг жуда аниқ тўлдирилишига алоҳида эътибор бериш талаб этилган. Айни вақтда уларда қурилишлар ва бошқа мусодара қилинаётган мулкларнинг белгилари яхши кўрсатилиши, тасвири батафсил акс эттирилиши, актларда ҳар бир буюм алоҳида қайд этилиши зарур бўлган.

Қулоқ қилинаётган хўжаликларнинг мол-мулкни ҳисобга олиш бўйича ишлар, ва шунингдек, мусодара қилишнинг амалда ўтказилиши тегишли комиссиялар томонидан қишлоқ советлари раҳбарлиги остида колхозлар вакилларининг албатта иштирок этиши билан ўтказилиши назарда тутилган.

Район ижроия комитетлари қулоқ хўжалиklarининг мусодара қилинган мулкни мусодара қилиш тартибига кўра мусодара қилингандан сўнг 8 кундан кечиктирмай колхозларнинг бузилмас фондига беришга мажбур эдилар.

Савдо йули (аукцион орқали) билан мулкни сотиш мутлақо тақиқланган. Қандайдир йўллар билан мусодара қилинган мулкнинг совет ва партия ходимлари қўлига ўтиб кетишига ҳеч бир йўл қўймаслик, бу қондани бузган айбдорлар қаттиқ партиявий ва суд жавобгарлигига тортилишлари йўриқномада кўрсатилган.

Ёлпасига жамоалаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга ошириш бўйича барча ишларни ўтказганда партия аъзолари, комсомоллар, колхозчилар, камбағаллар, батраklar, шунингдек, ўрта ҳол деҳқонларнинг фаол иштирокини таъминлаш кераклиги йўриқномада кўрсатилган¹.

ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягода 1931 йил 11 августда Тошкентга, Матсон номига меморандум йўллаб, Матсон томонидан белгилаб қўйилган бой хўжалиklarни жўнатиш йўналиши тасдиқланганини билдиради. Шунингдек, шахсан унинг ўзи фаол аксилнқилобий қулоқ оқгвардиячилар ва уларнинг оилаларини кўчиришга йўл қўймаслик ҳақида йўллаган кўрсатмасининг тўғрилигини эслатади.

Худди шундай йўриқнома ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси томонидан Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон Компартиялари Марказий Комитетларига юборилган. Бутун Ўрта Осиёда жамоалаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш ва уларни сургун қилиш шу тартиб-қоида асосида ўтказилган ва қулоқларни ўзга юртларга сургун қилиш бир вақтда, бир мавсумда амалга оширилган.

ВКП(б) Марказий Комитети Сийсий бюроси 1931 йил 10 августда ОГПУ таркибида ўзгариш қилиш ҳақида қарор қабул қилади. Мессинг ва Бельскийлар ОГПУда ишлашдан озод қилинади, Евдокимов эса ОГПУнинг махфий-тезкор бошқармаси бошлиғи вазифасидан бўшатилиб, Ўрта Осиёга юборилади. У энди ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили этиб тайинланади².

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги раиси ўринбосари, махфий-тезкор бошқармаси бошлиғи В. А. Каруцкийнинг 1931 йил 28 августда Ўзкомпартия Марказий Комитети котиби Лепага ҳамда фақат Марказий Комитет аъзоларига берилиши лозим бўлган «Қулоқ хўжалиklarини қўлга олиш ва сургун қилиш ишининг бориши тўғрисида қисқача ахбороти»да республика

¹ ЎЗР ПДА Фарғона бўлими, 110-фонд, 1-рўйхат, 468-иш, 11—16-варақлар.

² Лубянка Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Январь 1922 — декабрь 1936. Россия XX век. Документы. М., 2003, стр. 280.

бўйича қулоққа тортиш ва уларни сургун қилиш операциясини ўтказиш тафсилоти батафсил берилган¹. Бу ҳужжатни айнан келтирамиз:

«Андижон райони: 23 август соат 11 даги ҳолатта кўра, 150 қулоқ хўжалиги қўлга олинган, улардан 200 таси меҳнатга яроқли эркаклардан иборат. Шаҳар ва район аҳолисининг кайфияти ҳозирча қониқарсиз аҳволда. 23 август куни кечки пайт шаҳар советининг фавқулоддаги кенгайтирилган пленуми бўлиб, унда Андижон райони ёппасига жамоалаштириладиган район деб эълон қилинди. Ўқитувчилар вакиллари пленум қарорини маъқуллаб чиқдилар. Пленумга Фароб участкасидан келган 500 колхозчи ёппасига жамоалаштириш тўғрисидаги қарорни маъқуллаб чиқди.

24 августда барча вакиллар чақиртирилиб кенгаш ўтказилди. Унда олиб борилган ишларни яқунлаш учун тадбирлар ишлаб чиқилди. Эрлари билан биргаликда кўчирилишига қарши бўлган аёллар эрларидан ажралишни талаб этаётганларнинг чиқишлари оммавий тус олмоқда. Ота-оналар фарзандларидан алоҳида тарзда кўчирилишига қарши эканликларини қайд этгувчи аризалар ҳам борлиги кўрсатилган. Районларда қишлоқ оилаларини кўчириш вақтида турли хил иғволар тарқатилгани ва бу турдаги фитна, иғво тарқатаётганлар шаҳарлардан қидирилаётгани ҳам қайд этилган. Қуролли қаршиликлар кўрсатиш ҳолатлари бўлган. Далварзин қишлоқ совети томонидан қулоқ қилинган Мирзааҳрам Ортиқбоев кўчириш пайтида ишни олиб бораётган ишчи бригадир Ҳакимжон Умрзоқовга пичоқдан оғир жароҳат етказган. Пичоқлаган Ортиқбоев қочиб кетган. Қулоқ қилинган оилаларнинг ўз уйларида кетиб қолиш ҳолатлари учраб турибди. Барча қишлоқ советларида Фарғона водийси ва Жанубий Қирғизистонга қочиб кетган қулоқларни қидириш ишлари уюштирилган.

Наманган райони: 21 август куни кечки пайтда районнинг 43 та участкасига қишлоқ вакиллари юборилиб, улар кўчирилаётган қулоқ хўжаликлари рўйхати билан аҳолини таништирилди.

22 август куни эрталаб камбағал гуруҳлари колхозчилар ўртасида кенг тушунтириш ишларини бошлаб юбордилар. Партия ячейкаларига сиёсий хатлар юборилди. Ишчи ва колхозчиларга қарата мурожаат эълон қилиниб тарқатилди. Ёппасига жамоалаштиришга бағишлаб газетанинг махсус сони чиқарилди. 22 август куни кечки пайт шаҳар партия комитети ва шаҳар советининг қўшма пленуми бўлиб ўтди, унда районда ёппасига жамоалаштиришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилинди. Ишчилар томонидан митинг ва намойишлар ўтказилди. Намойишларда 3,5 мингдан ортиқ одамлар қатнашди. Ёппасига жамоалаштириш ҳақидаги қарор намойишчилар томонидан маъқулланди. Колхоз-

¹ РИСТТДА. 62-фонд, 1-рўйхат, II-қисм, 2138-иш, 95–99-варақлар.

чи ва камбағаллар оммасининг кайфияти яхши, қулоқларни кўчириш операциясида колхозчилар фаол қатнашди. Колхозга, советларга қарши ва шунга ўхшаш намойишлар бўлмаган. Тушунтириш ишлари олиб борилгандан сўнг омманинг фаоллиги ортди. Районда кўп миқдорда 3-тоифадаги қулоқлар бор, улар яшарин ҳолатда яшамоқдалар. Район партия комитети аҳоли орасида 3-тоифадаги қулоқлар районнинг ўзида қолади, деган тушунтириш ишларини олиб бормоқда.

Янгикўрғон райони: 22 август тун кечасида Ўрта Осиё худудидан ташқари жойларга сургун қилинадиган меҳнатга яроқли қулоқлар район бўйича қамоққа олина бошланди. 22 августда 122 қулоқ оилалари Наманганга жўнатилди. Қулоқ қилинганларни қамоққа олиш, сургун қилинаётган қулоқлар устидан соқчилик қилиш коммунист ва комсомоллар томонидан колхозчиларнинг фаол иштирокида амалга оширилмоқда. Сургун қилиш билан боғлиқ бирон-бир ижтимоий тартибни бузиш ҳолати юз бермади.

23 август кечқурун қишлоқ советлари пленуми ўтказилиб, унда райком ва райижроком районни ёппасига жамоалаштириш райони деб эълон қилдилар. Кенгайтирилган бу пленум колхозчи камбағаллар, ўртаҳоллар иштирокида колхозларни мустақкамлаш, колхозларга янги кучларнинг кириб келиши учун тадбирлар қабул қилди. Пахта кампаниясини ўз вақтида ўтказиш, камбағал батракларни партиёга қабул қилишга эътибор берилди. Барча қулоқлар рўйхатлари камбағаллар ва колхозчилар гуруҳлари йигинларида муҳокама қилинди.

Бешариқ райони: Район бўйича мўлжалдаги қулоқларни ушлаб сургун қилиш тайёр ҳолатга келтирилади. Сиёсий комиссиянинг хабарига кўра, сургун қилинадиганлардан 10 хўжалик етишмаган. Қулоқларни ушлаб жўнатиш учун қилинган операция чоғида бир қанча хўжаликлар турли шаҳарларга қочиб кетишган. Советларга қарши, колхозларга қарши чиқишлар кузатилган. 22 августда кенг тушунтириш ишларига киришилган.

Буларнинг ҳаммаси, ҳеч шубҳасиз, партиянинг жамоалаштириш ишидаги ва бу билан боғлиқ бўлган қулоқларни синф сифатида тугатишдан иборат тўғри йўлини купол равишда бузишларга ва сохталаштиришларга олиб келган.

Ўрта Осиё республикаларидаги партия раҳбарларининг энг асосий хатоси — жамоалаштиришнинг юқори фоизлари ортидан қувиб энг илғор районларга етиб олиш ва улардан ўзиб кетишга интилиши бўлган. Бу эса республикалар марказларининг округларга колхоз қурилиши соҳасида нотўғри йўл-йўриқлар беришларига олиб келган.

Андижон округи Наманган районида руҳонийлар колхозларга қарши фаол диний тарғибот олиб бориб деҳқонларнинг катта гуруҳини ўз таъсирига олганлар. Янги Бухоро районида бойлар барча қишлоқларда «колхозлар билан оч қоласизлар, бир бурда

нон учун ишлайсизлар... Фарғонада колхозчилар очликда кун кечирмоқдалар, нон учун навбатда турибдилар» шиорлари остида кучайтирилган тарғибот олиб борганлар.

Самарқанд ва Андижон округларида бойлар камбағал ва ўрта ҳолларга таъсир ўтказиб колхозларга суқилиб кириб олаётганликлари ҳам кўрсатилган.

Избоскан ва Марҳамат районларида бойлар оммавий равишда ўз ерларидан воз кечканликлари ҳақида аризалар бера бошлаганлар. Бундай аризалар 150 тага етган. Бойлар томонидан ўз ҳайвонларини сотиб йўқ қилиш камбағал ва ўртаҳол хўжаликлар бошига ҳам тушган ва улар бундай қилишга мажбур бўлганлар. Алмаз ва Попдан қолганларни излаб топиш учун милицияга ёрдам юборилган.

Каттақўрғон райони. Операциянинг бориши ҳақида ахборот келмаган. Каттақўрғон сиёсий комиссияси Марказком олдида сургунга юбориш учун қишлоқ хўжалик комиссиясидан одам олишга рухсат бериш масаласини кўяди. Адлия вазириликни колониялардаги қамоқ жазоси ўтаётган қулоқ хўжаликлари бошлиқларини сургун қилиш мумкин эмас, чунки уларни Ўрта Осиё ҳудудидан ташқарига сургун қилиш хавфлидир, шу боис бу турдаги қулоқлар жамоалаштирилаётган ҳудуднинг ўзида қолдирилиши керак, деб кўрсатма беради.

Нарпай, Зеленский (Асака), Каргол, Тошкент районларидан маълумотлар келмаган.

Юқори Чирчиқ райони: 75 қулоқ хўжалиги тўласинча қўлга олинади. Оммавий-сиёсий тушунтириш ишлари авж олдирилган, камбағаллар гуруҳида ва колхозларда қулоқлар рўйхатини муҳокама қилиш ишлари олиб борилган. Районда сиёсий кайфиёт қониқарли даражада бўлган.

Ромитан райони: 21 августда сиёсий комиссия мўлжалга олган қулоқ хўжалиklarини қўлга олиш ишлари тугалланади. 23 август кунини ГПУ йўли билан яна қўшимча равишда 10 та қулоқ хўжалигини топиш вазифаси олинади. Фаол колхозчилар ва камбағаллар орасида кенг тушунтирув ишлари ташкил қилинган. Районда ҳеч қандай гайритабиий чиқишлар юз бермаган. Қулоқлар мулкни рўйхатга олиш ва уни колхозларга бериш амалга оширилган.

Сталин (Шаҳрихон) райони: Операциянинг бориши ҳақида маълумот йўқ. Сиёсий комиссиянинг тахминий маълумотларига қараганда, сургун қилиш режасидаги хўжаликлар тўласинча аниқлаб қўйилган, ҳатто режадагидан ҳам кўпроқ, яъни Марказком белгилаб берган рақамдан 30 хўжалик кўп қулоқ қилинган.

Сариосиё райони: 21 август кунини ГПУ, милиция ва унинг отряди кучлари қулоқ қилиниб, сургун этиладиганлар рўйхати билан қишлоқларга боришади. Операция 22 августга ўтар кечаси бошланади. 22 август соат 19 га бориб 25 нафар меҳнатга

яроқли қулоқ, 2 та оила бошлиғи, 24 киши қамоққа олинади. Тоғли пунктлардан 14 оила тўла таркибда келтирилган. Уларнинг ёш таркиби эътиборга олиниб, ўз ихтиёрлари билан учта кампир ва 2 бола сургун қилишдан қолдирилади. Операция бошлангунга қадар жўнатиладиганлардан 5 оила бошлиғи қочиб кетган. Уларнинг ўрни захирадагилар билан тўлдирилади. Бу вақтда мазкур районда қандайдир советларга қарши тарғибот кузатилмайди. Колхозчилар, қизилкалтакчилар қулоқ қилиш, сургун қилиш, соқчилик қилишда фаол иштирок этадилар. Улар қулоқлар арз-додига жавобан «Сизлар яхши яшаётганингларда бизлар йиғлаб турардик, энди навбат бизга келди», деб чиқадилар. Умумий йиғинларда қулоқлар сургун қилинган жойдан яна орқага қайтарилмасин, деган қарор қабул қилишади. Улар «Сургун қилишни табриклаймиз», деб чиқадилар.

Сургунга юбориш пунктларида тушунтирув ишлари олиб борилади. Сургун қилинаётганларни озиқ-овқат билан таъминлаш зарурлиги ҳақидаги кўрсатмага айрим қишлоқ сиёсий комиссиялари амал қилмайдилар. Натижада сургун қилинаётганларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари колхозларда қолиб кетган. Районлар қолиб кетган бу озиқ-овқатларни қайтариб келиш чораларини кўрадилар. Район ва сиёсий комиссияларнинг айрим вакиллари сургун қилинаётганларга бу сургуннинг сабабларини, сургун жойларини тушунтириб бермаганлар. Натижада сургун қилинаётганлар орасида қатағонликдан кўрқиб ниҳоятда кучли бўлади¹.

Қулоқ қилиш, сургун этишга бошчилик қилган сиёсий комиссиялар ва республикалар Марказкомлари вакиллари фаолиятида юз берган салбий фактлар ҳам маълумотномада келтирилган:

Марғилон райони: Марғилон шаҳар совети 7 августда квартал комиссияларига, қишлоқ советларига ва фабрика, завод ишчи комитетларига хат йўллаб, унда район ёпасига жамоалаштириш район деб эълон қилингани билдирилади. Ҳужжатни олиб қўйиш бўйича чоралар кўрилади, тергов олиб борилади. Сиёсий комиссиялар ишида синфийликка риоя қилиш сохталаштирилганлиги факти қайд қилинган. Сургун қилинганлар рўйхатига бир ишчи, бир батрак, икки ўрта ҳол киртилган эди, улар йиғин пунктида сургун қилинишдан бўшатилади.

Эски Бухоро райони: Қишлоқ фаолларига раҳбарлик қилиш ночор бўлганлигидан камбағаллар ташаббуси сиёсий комиссиялар томонидан қўллаб-қувватланмаган. Кўпчилик қишлоқ советлари фаоллари қандайдир раҳбар кўрсатмаси асосида иш олиб бормаганлар. Марказком вакили Саиджонов партиянинг қулоқларни сургун қилиш тўғрисидаги директиваси билан таниш эмас,

¹ Ўша жойда.

қишлоқдаги ишлар билан қизиқмаган, қишлоқда нималар юз бераётганидан беҳабар. Бунинг оқибатида камбағаллар фаоллиги ўз ҳолича ташлаб қўйилган. Сиёсий вакил Гоши Халилов қулоқ хўжалиklarини қўлга олиш чоғида уларни минимум буюм ва усти-бошларидан ҳам маҳрум қилган. Сиёсий вакил Маҳмудов иккита ҳомиладор аёлни урган. Финданана участкасида 70—80 ёшдаги қариялар ҳам қулоқ қилиниб қўлга олинган.

Бухоро райони: 21 август соат 18 гача овқатланиш пунктига озик-овқат берилмаган. ОГПУнинг тезкор сектори бу масалани ҳал этишга мажбур бўлади.

Денов райони: Тушунтирув ишлари ночорлигидан қулоқларни сургун қилиш чоғида колхозчилар томонидан қулоқларни ҳимоя қилиб чиқиш ҳодисалари рўй беради.

Чирчиқ райони: Районда «учлик» комиссияси томонидан тушунтирув ишлари етарли даражада таъминланмаган. Участкалар вакиллари иши юзасидан Марказком вакилларига ахборот берилган.

Тошкент райони: Қулоқларни қўлга олиш ва сургун қилиш суст олиб борилган. Участкалар вакиллари, айрим партия аъзолари ёмон иш олиб борганлар.

Қулоқларни жўнатиш чоғида айрим партия аъзолари, масалан, Ўзбекистон Компартияси ячейкаси котиби, Қибрай қишлоғидан Азим Миродилов, партия аъзоси, талаба Раҳим Муталов, милиционер Тошмуҳамедов ва бошқалар сургун қилинаётганларга раҳмлари келиб йиғлаганлар..*¹

Сурхондарёнинг Сариосиё районида 25 оила (148 киши), Жарқўрғондан 50 оила (282 киши), Деновдан 25 оила (128 киши), жами 100 оила (558 киши) сургун қилиш учун 1931 йил 24 августда тайёрлаб қўйилган. 27 август куни Термиз станциясида эшелонга 100 оила (482 киши) ортилиб олиб кетилган².

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилликнинг Ўрта Осиё республикаларидан 6 минг қулоқ хўжалигини сургун қилиш ҳақидаги тезкор маълумотида 1931 йили қизил вагонлардан иборат эшелонларда 21714 кишидан иборат 5401 оила жўнатиш учун тайёрлаб қўйилганлиги, айрим узоқ районлардан ҳалигача сургун қилинувчилар етказиб келтирилмагани, жами 32 минг кишини сургун қилиш лозимлиги кўрсатилган. Ўзбекистондан 3500 хўжалик (18672 киши), бадарға қилиш учун темир йўл станцияларидаги йиғув пунктларида ушлаб турилгани маълумотномада қайд қилинган.

1931 йил августида Ўрта Осиёда ўтказилган операция ва қулоққа тортилганларни сургун қилиш жараёнлари ҳақида ОГПУнинг маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис улардан муҳимларини келтираемиз.

¹ РИСТТДА, 62-фонд, 1-рўйхат, 11-қисм, 2138-иш, 95—99-варақлар.

² РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2520-иш, 93-варақ.

ОГПУ транспорт бўлими 6000 хўжаликни эшелонларда келтириш графигини тузиб чиқади. Кўчириш 1931 йил 24 августда бошланиб 5 сентябрда тугалланадиган бўлади. Ҳар кеча-кундузда Шимолий Кавказ ўлкасига иккитадан эшелон, Украинага иккитадан эшелон жўнатилиши режалаштирилади. Эшелонлар йўналиши Шимолий Кавказ ўлкаси бўйича темир йўлда Красноводск станциясигача, бу жойдан Махачқалъагача Каспий денгизи орқали, у жойдан яна темир йўли орқали белгиланган жойигача қилиб белгиланади. Украинага эса эшелонлар ҳаракати Оренбург орқали йўналишда кетадиган бўлади.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилининг хабарига қараганда Тошқовуз районида қулоқ бойларни қўлга олиш операцияси 19 августдаёқ амалга оширилган, 430 хўжалик (2332 киши) Орол станциясига келтирилиб тўплаб қўйилган, 25 ва 26 август кунлари жўнатилиши учун тайёрлаб қўйилган.

Туркменистонда қулоқларни қўлга олиб сургун қилиш операцияси бу ердаги босмачилар тўдасини тугатиш ва қуролсизлантиришдан кейин ўтказиладиган бўлди. Шу боис 25 ва 28 августда бу ердан жўнайдиган 601- ва 607-эшелонлар операция ўтказилгунга қадар тўхтаб турадиган бўлди. Шунингдек, Каспий денгизи бўйига келтириладиган пароходнинг тоннажи ҳам бекор қилинди. Бундан ташқари 26—27 августда жўнатиладиган 603-эшелон ва 27—31 августда жўнатиладиган 611-эшелонни жўнатиш муддати, жойлаштириш станциялари ҳам ўзгартирилди. Туркменистондан қулоқлар ортилган эшелонларни жўнатишни бекор қилиш ҳақида буйруқ ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакилига ОГПУ транспорт бўлими томонидан берилди¹.

26 август учун келтирилган яна бир жадвалда Ўрта Осиё бўйича 5401 қулоқ оиласи, 32525 киши қулоқ қилиниб сургун қилиниши кераклиги, аммо 4776 оила, 21714 киши қулоққа тортилиб сургун учун тайёрлаб қўйилгани, жумладан, Ўзбекистон бўйича режадаги 3590 оила, 18672 киши ўрнига 3210 оила, 14175 киши, Тожикистон бўйича режадаги 700 оила, 5840 киши ўрнига, 521 оила, 2709 киши, Қирғизистон бўйича 700 оила, 4761 киши ўрнига 609 оила, 2498 киши, Туркменистон бўйича 501 оила, 3252 киши ўрнига 430 оила, 2332 киши сургун қилиш учун тайёрлаб қўйилгани² акс эттирилган.

Бу ҳолат Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон мисолида қуйидаги жадвалда шундай ифодаланган:

¹ РФХХМА. 2-фонд. 9-рўйхат. 110—111-варақлар.

² РФХХМА. 2-фонд. 9-рўйхат. 75—77-варақлар.

№	Районлар	Кулоққа тортилиб сургун қилиниши лозим бўлганлар		Кулоққа тортилиб сургун қилинганлар		Изоҳ
	Тожикистон					
1.	Янгибозор	50	350	41	175	
2.	Обигарм	20	228	18	39	
3.	Сталинобод	60	544	48	303	
4.	Шаҳринов	50	438	—	40	
5.	Лоқайтожик	60	512	60	235	
6.	Кўргонтепа	10	77	6	11	
7.	Орол	15	130	—	100	
8.	Қабодиён	85	758	90	386	
9.	Саройкамар	45	250	24	200	
10.	Панжикент	25	250	26	121	
11.	Хўжанд	75	597	57	279	
12.	Ашт	25	230	44	213	
13.	Ўратепа	45	306	—	—	
14.	Исфара	40	30	—	—	
15.	Шаҳристон	15	134	12	42	
16.	Конибодом	50	425	50	239	
17.	Нов	35	317	45	327	
	Ж а м и	700	5840	521	2709	
	Қирғизистон					
1.	Аламиддин	120	783	124	500	
2.	Қорақўл	100	646	100	400	
3.	Еттиоғиз	25	194	30	149	
4.	Иссиққўл	25	282	35	140	
5.	Сталин	140	901	38	66	
6.	Чуй	75	494	50	200	
7.	Балиқчи	100	741	110	435	
8.	Калинин	108	720	122	608	
	Ж а м и	700	4761	609	2798	
	Туркменистон					
1.	Тошҳовуз	501	3252	430	2332 ¹	

1931 йил 27 август соат 22 дан 28 минут ўтганда Тошкентдан сим орқали тўғридан-тўғри Москвага, Г. Г. Ягодага узатилган хатда 27 августгача ўлкада 5015 хўжалик, шундан 3328 хўжалик Ўзбекистондан, 638 хўжалик Тожикистондан, 619 хўжалик Қирғизистондан, 430 хўжалик Тошҳовуздан қўлга олинди. Бухоро, Самарқанд, Термиз, Фарғона, Қирғизистон, Тожикистоннинг қатор районлари бўйича иш тўласинча тугатилди. Бошқаларга қараганда Фарғонада аҳвол ёмон, 27 августга қадар 193 хўжалик етмаяпти, деб хабар қилинган.

¹ РФХХМА, 2-фонд, 9-руйхат, 75—77-варақлар.

Кўчирилаётганларни юклаш, эшелонлар ҳаракати нормал ҳолда бормоқда. Аммо Тошкент эшелони бундан мустасно, чунки бу эшелон 7 соат кечикди. Сабаб шуки, икки оилани йиғув пунктига олиб келиш қийин кечди, жўнатиш ишлари ёмон ташкил қилинган, Тошкентнинг салбий тажрибаси ҳисобга олинди. деб кўрсатилган хатда.

Кўчириш, аввалгидек, ўлканинг барча районларида колхозчилар, камбағаллар, қуйи партия фаолларининг юқори фаоллиги шароитида амалга оширилаётгани, раҳбарлик ўз ишини тўғри-лаб олаётгани, кўплаб одамлар колхозга қираётгани, ғалла топшириш суратлари кучайиб бораётгани, Ўзбекистон, Қирғизистонда партия ташкилотларига оммавий рапортлар келиб тушаётгани ҳам қайд этилган. Салбий ҳолатлар ҳам кўрсатилган. Самарқанд районида 25 августда колхозчи томонидан тасодифий ҳолатда бир фаол отиб ўлдирилди. Колхозчилар уни ўзлари суд қилмоқчи бўлишди, аммо бунга барҳам берилди. Термизда кўчирилаётган оилалар деярли ялангоёқ келмоқдалар, оёқ кийимларини тазйиқ билан қариндошлари олиб келиб бермоқда. Қулоқларнинг ўзлари қишлоққа бориб беркитиб қўйган уст-боши, пуллари олиб келиш учун рухсат сўрамоқдалар. Янги Бухоро районида кўрпа-тўшак, оёқ кийими, кийим-кечагини ўзи билан бирга олиб келишга рухсат берилмаган 10 та воқеа содир бўлди.

Бухоро ва Фарғонадаги советларга қарши ташвиқот СССР билан Афғонистон ўртасида уруш келиб чиқиши масалалари атрофида олиб борилаётгани, Эски Бухоро йиғув пунктларидан қулоқларнинг қочиб кетишини ташкил қилишга уринишлар бўлиб, бунга барҳам берилгани, сургун қилинаётган қулоқлар томонидан қишлоқ советлари ходимлари орқали ўзларини қолдириш ҳақида деҳқонлар ҳукмларини тўплаш тенденцияси (Термизда) юз бераётгани хатда қайд этилган. «Рухоният тарғиботи ҳам жонланиб қолган, «Ҳозир қулоқлар, сўнгра муллалар, имомлар, амалдорлар, улардан сўнг ўртақоллар сургун қилинди» деган ташвиқот кенг тус олган.

Хатда қочиб кетган қулоқлардан тўдалар ташкил этиш қайд этилмагани, тўдаларнинг аксилинқилобий чиқиши юз бермагани, Қирғизистондан Фарғонанинг Марҳамат районига босмачи тўда келиб кооперацияни талагани таъкидланган.

Районлардаги сиёсий аҳвол қониқарли эканлиги, йўл учун захиралар қониқарли даражадалиги, оёқ кийими ўткир муаммо бўлиб тургани ҳам хатда кўрсатилган.

Хатни Евдокимов, Петросьянлар имзолаганлар¹.

Ўрта Осиёдан қулоқ бойларни кўчириш тўғрисидаги 1931 йил 28 августдаги маълумотда ҳам бу жараённинг бориши ўз ифодасини топган. Унда айтилишича, қулоқ бойларни сургун қилиш учун қулоққа тортиш операцияси бир вақтда барча рай-

¹ РХХФМА, 2-фонд, 9-рўйхат, 332-иш, 5—6-варақлар.

онларда 21—22 августда бошланган. Бундай чора қўллашдан мақсад кўчириладиганларнинг қочиб кетишига йўл бермаслик эди.

Туркменистонда бойларни кўчириш (Тошҳовуз бундан мустасно) кўзғолончи бойларни қуролсизлантириш операциясини ўтказишгача қолдирилади. 27 августда келган маълумотлар бўйича Ўзбекистондан 3328, Тожикистондан 638, Қирғизистондан 619, Тошҳовуздан 430, жами 5015 бой-қулоқ хўжаликлари қўлга олинган. Бухоро, Самарқанд, Термиз секторлари, Фарғона, Қирғизистон, Тожикистоннинг қатор районларида бой хўжаликларни қўлга олиш тугалланади. Фарғона бўйича 27 август кунига қадар ҳисобдаги 193 хўжалик қўлга олинмай қолган.

28 августдаги ҳолатга кўра, 5 та эшелонда 1217 хўжалик, шундан Украина ССРга 3 эшелонда 698 хўжалик (3640 киши), Шимолий Кавказ ўлкасига 2 эшелонда 519 хўжалик (3262 киши) жўнатилади. Йўл давомида қочиб кетиш, касалликка чалиниш, вафот қилганлар бўлмайди. Эшелонларга одамларни жойлаштириш ва эшелонлар ҳаракати нормал ҳолатда бўлади. Озиқ-овқат билан таъминлаш қониқарли даражада, йўл учун захира таъминланган. Оёқ кийим билан таъмин этиш жуда оғир кечган¹.

Уша маълумотда салбий ҳолатлар ҳам қайд этилган. Термизда сургун қилинаётган оилалар деярли яланғоёқ келишган, оёқ кийимларни қариндошлари таъқиб остида келтиришган. Қулоқларнинг ўзлари қишлоқларга бориб беркитиб қўйган пул ва кийим-кечакларини олиб келиш учун рухсат сўраганлар. Кўрилаётган тadbирлар ҳам маълумотномада келтирилган. Ўрта Осиё бюроси операцияни ўтказишда бузилишларга йўл қўйган айбдорларни жавобгарликка тортиш масаласини қўйган. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили кўчиришни ўтказишда бузилишларга йўл қўймаслик тўғрисида, сургун қилинаётганларни белгиланган озиқ-овқат захиралари билана таъминлаш ҳақида фаол тарғибот олиб бораётган аксилинқилобий унсурларни қамоққа олиш тўғрисида тушунтириш ишлари олиб бориш, чайқовчиларни ҳибсга олиш, тил бириктиришларни бекор қилиш тўғрисида директив кўрсатма йўллади².

1931 йил 30 августда Тошкентдан Москвага тўғридан-тўғри сим орқали мана бу хат узатилган: «Ўрта Осиёдан 29 август кунига белгиланган 32000 киши қўлга олинди. Уларни вагонларга жойлаштириш, эшелонлар ҳаракати нормал ҳолда бормоқда. Придоновнинг хабарига қараганда, сургун қилинаётганларни вагонларга жойлаштириш тугалланган. Аввалгидек колхозчилар, камбағаллар фаоллиги юқори даражада. Бухоро округи районларида камбағаллар қўшимча қулоққа тортиш, сургун қилишни талаб этмоқда. Эски Бухорода колхозга киришни ис-таб келаётганлар оқими шунчалик каттаки, раҳбарлик уларни

¹ РХХФМА, 2-фонд, 9-рўйхат, 332-иш. 62—63-варақлар.

² Уша жойда.

расмийлаштиришга улгурмаяпти. Тошкент районида зарбдор колхозчилар слёти юқори даражада ўтди, ҳар кунни участкаларда мева-сабзавот юкланган аравалар қизил карвонни келиб турибди. Ёппасига жамоалаштириш тўғрисидаги эълон энтузиазм билан қарши олинди. Сургун ўтказилаётган районларда сиёсий аҳвол нормал ҳолатда.

Айрим салбий ҳолатлар бор: Бухоронинг бир қатор районларида колхозларни мустаҳкамлаш муваффақиятли ўтказилиши жараёнида ғаллани йиғиштириб олиш, пахтани реализация қилиш ишларининг уддасидан чиқа олмадилар. Ёйдувон районида кулоқлар қариндошларининг таъсири остида колхозчилар сургун қилинаётган кулоқларни ҳимоя қилиб қарорлар қабул қилдилар. Бир қатор районларда кейинги кунларда сургун қилинаётганлар кулоқлар қариндошларининг ўч олишдаги фаоллиги ортиб бормоқда. Фарғонанинг Бешариқ районида сургун қилинган кулоқнинг укаси собиқ босмачи 10.000 сўм бериб фаоллардан бирини ўлдириб беришни таклиф қилган. Ромитан районида сургун қилинаётганларнинг қариндошлари фаолларни ўлдирамиз, деб қўрқитмоқдалар. Янги Бухорода кулоқлар камбағаллар фаолларига террорчилик ҳодисалари қилиш йўли билан таъсир қилишган. Кудаш районида номаълум шахслар йиғув пункти йўлида соқчидан кулоқнинг хотинини қўлга олиб кузатиб борувчи фаолни қуролсизлантирган. Айбдорлар қидирилмоқда. Фарғонанинг Янгиқўрғон районида босмачиларнинг номаълум қўрбошиси томонидан сиёсий вакил, қишлоқ совети раиси ўлдирилган, кооператив талаб кетилган. Тожикистонда аввалгидек хорижга чиқиб кетиш кайфияти юз бермоқда, Саройкамар районидан 5 хўжалик милиционер иштирокида хорижга чиқиб кетиш ниятида, шу районнинг бошқа бир қишлоғидан 5 хўжалик Афғонистонга ўтиб кетган. Вобкент районидаги сиёсий комиссия фаолиятида иккита ҳаддан ошиш факти юз берган, қишлоқ сиёсий вакили сургун қилинаётганларни урган, текширув олиб борилмоқда. НР. 361391. Евдокимов»¹.

Айрим республикаларда эшелонларни тасдиқланган жадвал асосида жўнатиш муддатини бузиш ҳоллари ҳам юз берган. Е. Г. Евдокимов имзоси билан Тошкентдан Москвага Г. Г. Ягодага 1931 йил 30 августда йўлланган телеграммада гап айти шу ҳақда борган. Қирғизистон районлари темир йўлдан узоқдалиги туфайли 612-эшелон вагонларига сургун қилинаётганлар белгиланган муддатда жойлаштирилиб жўнатиш учун эшелон тайёр ҳолга келтирилмаган эди. График бўйича 612-эшелон 30 августда соат 13.25 дақиқада жўнатилиши керак эди. Шу боис телеграммада поезд номерини сақлаган ҳолда бу эшелонни жўнатиш муддатини 1 сентябрга кўчириш илтимос қилинган. Бунга рухсат берилса, бу ҳақда ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакилликка ва Туркис-

¹ РХХФМА. 2-фонд. 9-руйхат. 332-иш. 10-варақ.

тон — Сибирь темир йўл раҳбариятига «молния» телеграмма билан хабар қилиш илтимос қилинади. Айни вақтда тadbирсизлиги, калтабинлиги учун Қирғизистон ГПУси бошлиғига қатъий ҳайфсан берилганлиги телеграммада кўрсатилган¹.

Е. Г. Евдокимов Тошкентдан Москвага Г. Г. Ягодага тўғридан-тўғри сим орқали қуйидагиларни хабар қилган:

«Биринчи. 31 август маълумотига асосан ўлка бўйича 5690, Ўзбекистондан 3818, Тожикистондан 737, Қирғизистондан 705, Тошҳовуздан 430 хўжалик қўлга олинди. Ҳаммаси бўлиб ўлка бўйича 27466 киши қўлга олинди.

Иккинчи. Эшелонлар ҳаракати нормал ҳолда бормоқда. 31 августга келиб 20 эшелондан 9 таси жўнатилди ва йўлда кетмоқда. Бу 9 эшелон бўйича (610-эшелонсиз) 2108 хўжалик, 12637 жон, улардан 3757 эркаклар, 3611аёллар, 5269 болалар жўнатилди. 610-эшелон билан жўнатилган кишилар миқдори бунга кирмайди. Бундан ташқари Сталинобод, Пишпек эшелонларига одамлар чиқарилган, жўнатишни кутишмоқда. Эшелонлар манзил сари ҳаракатида йўл давомида қулоқларнинг қочиб кетиш учун уринишлари, очиқ-ошқора қаршилиқ кўрсатишлари юз бермади. ОГПУнинг йўл-транспорт бўлимининг маълумотига кўра, эшелонлар озиқ-овқат билан яхши таъминланган, айрим камчиликлар Фарғона эшелонларида сезилмоқда, аҳвол тузатилмоқда.

Учинчи. Колхозчилар, камбағаллар фаоллиги юқори.

Тўртинчи. Кўчирма қилинаётган районлардаги сиёсий аҳвол қониқарли. Айрим салбий ҳолатлар бор. Янги Бухородаги сургун қилинаётганлар орасида бундан кейин камбағаллардан ўч олиш кайфияти мавжуд. Самарқанд округининг Қорадарё, Каттақўрғон районларида колхозчилар ва батрақларда қулоқлар хотинларини олиб қолиш тенденцияси кузатилмоқда. Бундай талаблар билан ОГПУнинг район бўлимларига ҳатто бир партия аъзоси ҳам мурожаат қилган. Пойарик районидида қишлоқ советлари ходимлари томонидан қулоқларга тегишли буюмларни ўзиники қилиб олиш ҳодисалари ҳам рўй берди. Чуст-Поп районидида 28 август кечасидидаги фаоллар кенгаши вақтида қишлоқ совети раиси ҳовлисига олов ташлаб юборилган, 350 боғ беда ёниб кетган. Текширув кетмоқда.

Бешинчи. Озиқ-овқат, оёқ кийими, қишлоқ хўжалиги инвентарлари масалаларида бизнинг тазйиқимиз натижасида сезиларли даражада яшиланиш, маҳаллий ресурсларни жалб қилиш юз берди.

Олтинчи. Кўчириш жараёнида советларга қарши унсурларни қамоққа олиш тўлиқ ҳисобга олинмади. Менинг маълумотларимга кўра, ўлка бўйича 413 киши советларга қарши аксилинқилобчи унсур сифатида қамоққа олинди. Қамоққа олинганлар миқдо-

¹ РХХФМА, 2-фонд, 9-рўйхат, 332-иш, 12-варақ.

рининг нисбатан камайиши қисман июль-август ойларида қулоқларга қарши берилган йирик зарбанинг таъсири бўлса керак»¹.

Е. Г. Евдокимов билан Петросянларнинг 1931 йил 1 сентябрда тўғридан-тўғри сим орқали Г. Г. Ягодага йўллаган хатида 30 августгача бўлган маълумотларга асосан ўлка бўйича 5203 хўжалик, Ўзбекистондан 3663, Туркманистондан 430, Тожикистондан 725, Қирғизистондан 705 хўжалик, ҳаммаси бўлиб 27185 жон қўлга олингани қайд этилган.

ОГПУнинг транспорт бўлими томонидан жўнатилаётганларнинг ҳисобини олиб бориш ташкил қилинган. Эшелонларга одамларни жойлаштиришнинг бориши қониқарли, 605-эшелон бундан мустасно, чунки бу эшелон 28 август соат 22 дан 40 минут ўтганда Кашут станциясида ҳалокатга учраган, иккита вагон рельсдан чиқиб кетган. Бунга сабаб чегара соқчиларининг оти вагон остида қолган. Курбонлар бўлмаган. Хатда колхозчилар ва камбағалларнинг аввалгидек фаоллиги қайд этилган. Марғилонда фаоллар қочиб кетган қулоқларни излашмоқда. Уларни оилалари билан бирга олиб келиб топширмоқда. Самарқанд районида омманинг фаоллиги меҳнат интизомини кўтариш шаклида юз бермоқда.

Сургун қилинаётган районлардаги сиёсий аҳвол қониқарли, сургун қилиш учун қўлга олишлар аввалгидек тинч ҳолатда ўтмоқда. Айрим салбий ҳоллар ҳам мавжуд, Зеленский, Балиқчи, Фиждувон районларида сургун қилинаётган бойларнинг қочиб кетаётганликлари фактлари қайд этилмоқда.

Зеленскийда қочиб кетган қулоқлардан бештаси советларга қарши босмачилар тўдаси ташкил қилиш ҳаракатида Кува районида қулоқларни ёппасига сургун қилиш ҳақида тарғибот олиб бормоқда. Натижада ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар буюмларини беркитиб Қирғизистонга қочиб кетмоқдалар. Марҳамат районида бундай ташвиқотни Андижондан собиқ қулоқларни излаб келган бригадир, бошқа бир ҳолатда қишлоқ совети раиси олиб бормоқда. Текширув ишлари олиб борилмоқда. Қорақўл районида сургун қилинмай қолиб кетган бойлар бундан кейин ҳам қатағон бўлиши муқаррар деган тушунча билан пахтага қайта ишлов беришдан бош тортмоқда. Эски Бухородаги сиёсий комиссия вакили Жонгиоров бир руҳонийни излаб топиш бўйича буйруғини бажармаган камбағални урган, руҳонийнинг оиласини қамоққа олиб, уларни ҳам урган. Шу боис Жонгиоров қамоққа олинган.

Андижондаги йиғув пунктида сургун қилинаётганлар бир қулоқни ўзларига имом қилиб сайлаб олиб, намоз ўқиганлар. Сургун қилинаётганларнинг қариндош-уруғлари қулоқларни озод қилишга эришмоқдалар. Конибодомда қариндошларнинг ташаббуси билан қишлоқ совети вакилларининг иштирокида, партия

¹ РХХФМА, 2-фонд, 9-рўйхат, 31-иш. 3-4-варақлар.

ячейкаси 150 деҳқон номидан сургун қилинаётган қулоқларни озод этишни сўраб илтимоснома ташкил қилган. Бу масалادا ҳам текширув ўтказилмоқда. Бойларнинг таъсири остида Андижонда 28 август куни колхозчилардан қулоқларни озод қилишни сўраб 30 та ариза тушган. Сургун қилинаётганларни озиқ-овқат, кийим-кечак билан таъминлаш масаласида айрим районларда бузилишлар келиб чиқаётгани ҳам хатда қайд этилган¹.

1931 йил 2 сентябрда Тошкентдан Г. Г. Ягодага тўғридан-тўғри сим орқали узатилган хатда Фарғонада 12 хўжалик сургун қилинмай қолиб кетгани, Қирғизистонда сургун қилиниши керак бўлганлар миқдори уч баробар ортиб кетгани, 1 сентябрь кунисидаги маълумотга кўра, жами 5681 хўжалик (27745 киши) сургун қилингани, қулоқларни қўлга олиш асосан тугаллангани, 2759 хўжалик ортилган 12 та эшелон жўнатилгани, эшелонлар емоқ-ичмоқ билан яхши таъминлангани айтилган.

Хатда сургун қилиш Қирғизистонда айниқса колхозчилар фаоллигини ошириб юборгани, Кува райони колхозчилари ғаллани йиғиштириб олиш бўйича муқобил режани илгари сурганликлари, районларда сиёсий аҳвол асосан қониқарлилиги, сиёсий комиссия иштини кучайтириб юборганлиги, тушунтирув ишлари сифати кўтарилганлиги қайд этилган.

Ўлкада, айниқса Фарғонада советларга қарши кураш сўниб бораётгани, Вобкент районида 3 жиноятчи билан ҳамкорликда қочиб кетган қулоқнинг террорчи ҳаракати натижасиз чиққани, шу районда қулоқларнинг бир гуруҳ қариндошлари колхоз раисини ўлдириш мақсадида кенгаш ўтказгани, Ромитан районида сургун қилинганлар билан қизил аскарлар ўртасида тўқнашув бўлгани ҳақида игво тарқатилгани, Фарғонада миллий гиж-гижлаш асосида тарғибот кучайтирилгани, Андижон районида қулоқлар томонидан пахтаги нобуд қилишдек 2 воқеа содир бўлгани, шаҳар савдогарлари, совет хизматчилари орасида советларга қарши унсурларнинг ташвиқоти кучайиб бораётгани, бу каби барча ҳодисалар бўйича тезкор чоралар кўрилаётгани хатда билдирилади. Озиқ-овқат қониқарли даражадалиги, инвентарь ва озиқ-овқат билан таъминлаш район ресурслари ҳисобидан амалга оширилаётгани ҳам қайд этилган².

Тошкентдан Москвага Г. Г. Ягодага 1931 йил 6 сентябрь куниси хабар қилинишича, 5 сентябрь куниси охириги эшелон жўнатилган, Туркистон — Сибирь темир йўли бўйича ҳаракатдаги 610-эшелон ҳақида маълумот олинмагани қайд этилади. Шу эшелондан ташқари ҳаммаси бўлиб 5343 хўжалик, яъни 27351 киши, шундан 8537 эркак, 7545 аёл, 11351 болалар жўнатилган. 5 сентябрда Когон станциясига етмасдан 101-разъездда 619-эшелоннинг келишини кутиб турган ўзбеклар томонидан уч киши соқчига ҳужум

¹ РХХФМА, 2-фонд, 9-рўйхат, 332-иш. 1—2-варақлар.

² РХХФМА, 2-фонд, 9-рўйхат, 332-иш. 13—14-варақлар.

қилган. Бири ўлдирилган, бири ушлаб олинган ва бири яшири-
ниб олган. Текширув олиб борилмоқда¹.

1931 йил 7 сентябрь ҳолатига кўра, Ўрта Осиёдан махсус сургун қилинганлар жойлашган Шимолий Кавказ ўлкасига кетаётган 5 эшелон (1459 оила, 7460 киши), Украинага кетаётган 8 эшелон (2735 оила, 41460 киши), ҳаммаси бўлиб 4194 оила, 18920 киши йўлда кетаётгани махфий маълумотномада келтирилган. Ўша куннинг ўзида Ўрта Осиёдан Шимолий Кавказ ўлкасига 3 эшелон вагонлардан 754 оила, 4870 киши туширилгани, Украина республикасига 3 эшелон вагонлардан 709 оила, 3651 киши, жами 1463 оила, 8520 киши туширилгани қайд этилган².

8 сентябрдаги ҳолатга кўра, Термиздан Прикумск сари йўл олган 611-эшелон Махачқалъага етиб келган. Бу орада бир аёл, бир бола вафот этган. Сталинободдан чиққан 613-эшелон Екатириноград разъездига етиб келган, бу ерда 2 касал бола касалхонага топширилади, 2 эркак ва 1 бола ўлган. Самарқанддан чиққан 617-эшелондагилар Каспий денгизида парохотда кетаётганлиги, бир бола Красноводскда вафот қилгани, Намангандан чиққан 620-эшелон Украинанинг Сапане станциясига етиб боргани, Челкарда бир бола ўлгани, Андижондан чиққан 621-эшелоннинг қаерга етиб келгани ҳақида маълумот олинмагани, бир бола ўлгани, бир эркак қочишга урингани учун қолдирилгани, Кўқондан чиққан 618-эшелон Златоуст темир йўлининг Оқбулоқ станциясига етиб келгани, бир бола ўлгани қайд этилган³.

Г. Г. Ягода 1931 йил 15 сентябрда Сталин номига мутлақо махфий маърузаномга йўллаб 1931 йилги сургун натижаларини баён қилади. Ёппасига жамоалаштириш районларидан қулоқларни кўчириш шу йилнинг 20 мартдан 25 апрелигача ва 10 майдан 18 сентябригача ўтказилгани, шу вақтда 162962 оила (787341 жон), эркаклардан — 241776, аёллардан — 223834, болалардан — 320731 киши кўчирилганини хабар қилади. 1930 йилда эса жами бўлиб 77795 оила (371645 жон), шундан эркаклардан — 123807, аёллардан — 113639, болалардан — 134185 киши кўчирилгани хабар қилинган. Шундай қилиб 1930—1931 йиллари ҳаммаси бўлиб 240757 оила (1.158986 киши) кўчирилган, шу вақт мобайнида қулоқлар билан бирга 15355 бош от, 7488 бош телеч, 8958 плуг, 9528 барон келтирилган. Бу ишларда 715 эшелон, 37897 вагондан фойдаланилган⁴.

Аммо бутун мамлакатда бўлганидек, Ўрта Осиё минтақасида ҳам қулоққа тортиш ва сургун қилишга қарши қишлоқ аҳолисининг, айниқса деҳқонларнинг советларга қарши кураши тўхтамади, у турли шаклда, ҳатто террорчилик кўринишларида юз беради. Бундан қуйидаги жадваллар гувоҳлик беради:

¹ РХХФМА, 2-фонд. 9-рўйхат, 332-иш, 13—14-варақлар.

² РХХФМА, 2-фонд. 9-рўйхат, 332-иш, 34-варақ.

³ РХХФМА, 2-фонд. 9-рўйхат, 331-иш. 91-варақ.

⁴ РХХФМА, 2-фонд. 9-рўйхат, 339-иш, 93-варақ.

1931 йил 1 январдан 1 октябргача Ўрта Осиё қишлоқларидаги советларга қарши оммавий ҳолатнинг намоён бўлиши¹:

Ўрта Осиё	Оммавий чиқишлар	11
	Террор	28
	Варақалар	5
	Оммавий чиқишлар	8
	Террор	20
	Варақалар	—
	Оммавий чиқишлар	47
	Террор	30
	Варақалар	—
	Оммавий чиқишлар	36
	Террор	26
	Варақалар	1
	Оммавий чиқишлар	48
	Террор	32
	Варақалар	14
	Оммавий чиқишлар	28
	Террор	31
Варақалар	7	
Оммавий чиқишлар	6	
Террор	33	
Варақалар	3	
Оммавий чиқишлар	4	
Террор	30	
Варақалар	2	
Оммавий чиқишлар	1	
Террор	37	
Варақалар	—	

1931 йил 1 январдан 1 октябргача Ўрта Осиёда юз берган террорчилик ҳаракатлари характери²:

Ўрта Осиё	Қотиллик	42
	Ярадор бўлиш	10
	Суйқасл қилиш	8
	Калтаклаш	15
	Енгин	3
	Мулкий зараркунонадлик	—
	Терактларнинг жами	78
	Қотиллик	55
	Ярадор бўлиш	18
	Тажовуз	5
	Калтаклаш	5
	Ўч қўйиш	6
	Мулкий зараркунонадлик	—
	Терактларнинг жами	89
Қотиллик	64	
Ярадор бўлиш	16	
Тажовуз	10	
Калтаклаш	2	
Ўч қўйиш	8	
Мулкий зараркунонадлик	—	
Жами	100	

Ўрта Осиёдан сургун қилинган «қулоқ» ҳужаликларининг республикалар, вилоятлар, районлар бўйича миқдори куйидаги жадалда берилган:

№	Районлар	Қулоқ қилиниб сургун қилинадиганлар		Қулоқ қилиниб сургун қилинганлар	
		Ҳужалик	Жон	Ҳужалик	Жон
1.	Тошкент райони	300	1344	293	1102
2.	Юқори Чирчиқ райони	75	350	73	412
	Жами:	375	1694	355	1514

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Т. 3. Книга 1, стр. 781.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Документы и материалы. Т. 3. Книга 1, стр. 785

3.	Самарқанд тезкор сектори бўйича: Юқори Дарғом	250	1429	250	1152
4.	Пойариқ	50	475	50	447
5.	Каттақурғон	75	393	75	349
6.	Қорадарё	125	642	125	678
7.	Нарпай	200	1071	200	1053
	Ж а м и:	700	4010	700	3680
8.	Фарғона тезкор сектори бўйича: Андижон	200	1255	210	817
9.	Марғилон	175	1011	181	793
10.	Қува	25	103	52	225
11.	Наманган	225	1767	277	1181
12.	Янгиқўрғон	125	694	130	670
13.	Сталин (Шаҳрихон)	100	492	100	493
14.	Зеленский (Асака)	100	482	109	480
15.	Қўқон	25	102	69	266
16.	Кудаш (Ўзбекистон)	175	671	224	376
17.	Боғдол	100	394	109	506
18.	Молотов (Учқўприк)	125	455	151	483
19.	Бешариқ	100	543	119	526
20.	Чуст-Поп	75	283	79	482
21.	Норин	150	655	139	539
	Ж а м и:	1706	9123	1949	8343
22.	Бухоро тезкор сектори бўйича: Ромитан	100	493	113	683
23.	Эски Бухоро	150	524	150	692
24.	Вобкент	125	551	147	755
25.	Янги Бухоро	50	184	69	258
26.	Ғиждувон	25	109	34	187
27.	Бауман	100	688	102	647
28.	Қоракўл	75	618	75	633
	Ж а м и:	625	3217	691	3820
29.	Термиз тезкор сектори бўйича: Жарқўрғон	50	232	50	269
30.	Сариосиё	25	143	25	112
31.	Денов	25	128	25	101
	Ж а м и:	100	553	100	482
	Республика бўйича: Ж а м и	3506	18597	3795	17839
32.	Туркменистон Тошҳовуз	501	2253	430	2332
33.	Тоҷикистон Янгибозор	50	350	58	295
34.	Обигарм	20	228	58	295
35.	Сталинобод	60	544	61	313

36.	Шаҳринов	50	438	51	334
37.	Лоқайтожик	60	512	60	370
38.	Кўргонтепа	10	77	9	46
39.	Орол	15	130	17	102
40.	Кабодион	85	750	94	482
41.	Саройкамар	45	250	43	178
42.	Хўжанд	75	597	81	431
43.	Ўратепа	40	300	44	222
44.	Шаҳристон	15	134	15	73
45.	Кафарин	40	300	40	150
46.	Конибодом	50	425	50	252
47.	Нов	35	317	45	327
	Ж а м и	700	5840	737	3003
48.	Қирғизистон				
	Аламинин	120	783	130	
49.	Қорақўл	100	645	133	
50.	Еттиогиз	25	194	30	
51.	Иссиққўл	35	282	39	
52.	Сталин	140	201	74	
53.	Чуй	75	494	72	
54.	Балиқчи	100	741	105	
55.	Калинин	105	720	124	
	Ж а м и	700	4761	708	3850
	Ўрта Осиё буйича:				
	Ж а м и:	5401	32525	5681	27745

Демак, 1931 йил августидаги операция натижасида Ўзбекистондан 3795 хўжалик (17839 жон), Туркменистондан (Тошқовуздан) 430 хўжалик (2332 жон), Тожикистондан 737 хўжалик (3003 жон), бутун Ўрта Осиё буйича эса 5681 хўжалик (27745 жон) кулоқ қилиниб сургун қилинган¹.

Тадқиқотчи В. Н. Земсков 1930—1931 йилларда Ўрта Осиёдан 6944 хўжалик сургун қилинган, шундан 159 хўжалик Қозоғистонга, 2213 хўжалик Шимолий Кавказга, 3444 хўжалик Украинага, 1128 хўжалик Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига сургун қилинган, деган маълумотлар келтирган².

ОГПУ махсус бўлимининг 1930 йил январидан 1931 йил 1 июлигача кулоқ қилинганлар ва кулоққа тортилганларни кўчириш тўғрисидаги маълумотномасида Ўрта Осиёда 1210000 деҳқон хўжалиги бўлиб, шундан 748 хўжалик 1930 йил 1 июлгача кулоққа тортилгани, 1931 йил 1 январдан 1 июлгача 6159 хўжалик сургун қилингани қайд этилган.

¹ РИСТДА. 62-фонд, 2-руйхат. 2530-иш. 92—94-варақлар.

² Земсков В. Н. Сульба «кулацкой ссылки» (1930—1954 гг.). Отечественная история. М., 1994. № 1. стр. 118—120.

ОГПУ махсус бўлимнинг 1931 йил 30 сентябрдаги 1-сонли маълумотномасида кўрсатилишича, 1931 йили Ўрта Осиёдан 6785 оила, 33081 киши сургун қилинган¹. 1931 йилнинг ўзида эса Ўрта Осиёнинг ички вилоятларига 1128 хўжалик (5640 киши) сургун қилинган².

Бизнинг аввалги китобимизда Тошкент, Фарғона округларидан сургун қилинган деҳқонларнинг Украинанинг Херсон вилоятидаги ҳаёти, қисмати ёритилган³.

Ўзбекистоннинг қайси округларидан Шимолий Кавказга сургун қилинганлар тўғрисида тарихий адабиётларда акс этмаган? Шу боис «Мерос» илмий-амалий халқаро экспедиция хайрия жамғармаси 2002 йил апрель ва октябрь ойларида республиканинг Самарқанд, Навоий, Бухоро, Қашқадарё вилоятларига икки марта, 2003 йил апрелида бир марта экспедиция уюштирди. Шунда Шимолий Кавказга сургун қилинганлар ва уларнинг авлодлари билан учрашилди. Нарпайнинг Пускарон қишлоғидан Абдуғаффор Юсупов, Абдусаттор Юсупов, Салват Асадова, Каттақўрғондан Шукрулло Ражабов, Абдулазиз Зубайдуллаҳўжаев, Зубайда Худоёрова, Зайнаб Худойназарова, Зоир Мўминов, Абдуллажон Ражабов, Самарқанд тумани Толибарзу қишлоғидан Марҳабо Эшонқулова, Оғалиқ қишлоғидан Асрор Курбонов. Пойариқ тумани Чопорошли қишлоғидан Абдурахмон Тоштемиров, Бухоро шаҳридан Исоқ Мардонов, Когон шаҳридан Ҳамро Азизова,



Самарқанд вилояти Пускарон қишлоғидан Юсупов Абдуғаффор ота.


¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3, книга 1, стр. 714–721.

² Ўша манба, 271-бет.

³ Шамсутдинов Рўстамбек. Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Т.. «Шарқ». 2001.



Мамаюсуф Саидовнинг
ўгли Абдуқолир.



Мамаюсуф Саидовнинг қизи
Саломатхон.

Вобкент тумани Усмон Юсупов кўчасида яшаётган Ширин ая Паноева (Уринова)ларнинг эсдаликларида Шимолий Кавказдаги меҳнат посёлкаларида аксарият Самарқанд, Бухоро округларидан сургун қилинганлар яшаганлиги ифодаланган. Демак, ўша 1931 йили Самарқанд округидан 700 оила (3680 жон), Бухоро (ҳозирги Навоий вилояти ҳудуди ҳам ўша округда бўлган) округидан 691 оила (3820 жон), яъни бу икки округдан 1391 оила (7500 жон) Шимолий Кавказга сургун қилингани маълум бўлмоқда. Улар ўша йилнинг 26—27 август кунлари темир йўл станцияларидаги йиғув пунктларидан қизил вагонларга жойлаштирилиб эшелон қилиниб жўнатилади. Шимолий Кавказга сургун қилинаётганлар эшелони Красноводсккача етиб борган, сўнгра улар пароходда Каспий денгизи орқали Махачқалъага етиб келганлар, бу жойдан яна вагонларга ортилиб, 3—4 суткадан сўнг Георгиев станциясидан айланиб Прикум (ҳозирги Будёновск) станциясига келганлар.

Бухоро вилояти Когон шаҳри Арабхона кўчаси, 22-уйда истиқомат қилаётган 83 ёшли Ҳамробиби Азизованинг 2003 йил 30 апрелда ёзиб олинган эсдалигида мана бундай сатрлар бор: «Ўшанда мен 11 ёшда эдим. Ёшлари 50 га бориб қолган отам Азиз Холиқовни 1929 йили қулоққа тортиб Тошкентга олиб кетишди. Аммо тез орада оқланиб, қутилиб ҳовлимизга келди. Колхозда ишларди. 1930 йили бизнинг оиламиз яна қулоқ хўжалиги деб рўйхатга олинди. Милиция, ГПУ ходимлари ҳовлимизни чор атрофдан ўраб олдилар. Бизнинг турар жойимиз Вобкент райони Чибоғни қишлоқ совети Биронкечти қишлоғида эди. Шу жойда қулоқ қилинганимизда 16 бош туя, 8 бош соғин сигир, бир неча бош ҳўкиз, чўлда 5 минг, уйимизда 600 та қўй бор эди. Тегирмон,

ёғ ишлаб чиқарадиган жувоз бор эди. Ҳовлида 4 та ака-укалар ўз оилалари билан яшарди. Отам катта бой эди. Ўзи деҳқончилик қилар, еримиз ҳам катта эди. Буғдой, маккажўхори экардик. Отамнинг арабча саводи бор эди. Қишлоқда обрўйли киши эди. Камбағалларга ёрдам берарди, уларга ғалла улашиб турарди. Тўртта ака-укалар ўз оилалари, бола-чақалари билан бир қозонда овқат ерди. Тўйдагидек овқатланар эдик. Отам савдогарчилик билан шуғуланарди. Файтон аравада юрарди. Файтончимизнинг ўлганига 20 йилча бўлди. 24 кишидан иборат оиламизни бир аравага жойлаштириб, уй ҳовлимиз, мол-мулкимизни, уй-рўзгор буюмларимизни олиб қўйиб Пешкуга олиб бориб бир саройга қамадилар. Ҳомиладорларни алоҳида ажратиб, сизлар қоласизлар деб айтишди. Оиламизда 4 аёл ҳомиладор эди. Бир амаким сизлар бу жойда қолиб нима қиласизлар, қишлоққа борсангизлар қулоқнинг қизи деб дашном берадилар, кун кўришга имкон бермайдилар, сизлар ҳам биз билан бўласизлар, ўлсак бирга ўламир деб айтди. Сарой қамоғида 3 кун турлик, сўнг Бухорога олиб келишди. Шунда отам биз билан бирга эмасди, чўлда эди. Уни ҳам Бухоро станциясига олиб келишди. Бизларни қизил вагонларга уришди. Бир амакимнинг ўғли касал эди, уни ҳам вагонга уришди. Ҳар станцияда 3—4 кундан туриб Красноводск деган шаҳарга келдик. У ердан пароходга чиқариб Бокуга олиб келишди. Пароходда кўп



Самарқанд вилояти Танишка қишлоғидан Асадова Саловат момо.



Ҳамробиби Азизова (1920 йили Вобкент райони Чибогни қишлоғи Биронкечти (ҳозирги Пешку тумани) қишлоғида таваллуд топган).

одамлар касал бўлишди. Бокудан бизни тўрт гилдиракли аравада олиб кетишди. Воронцовага келдик. Ҳамма шу жойга жойлаштирилди, уй беришди. Бу жойда 2 йил бўлдик. Биз 24 кишини битта ҳовлига жойлаштиришди. Уй эгалари қулоқ қилиниб Озарбайжонга сургун қилинган эканлар. Бу ерда иш йўқ, озиқ-овқатдан хабар ҳам йўқ, касаллик бошланди, очарчилик авжига минди. Оиламиздаги 24 кишидан 5—6 киши қолдик. Ўлганлардан амакиларим Назар, Жўрақул, амакимнинг ўғли Эшон Назаров, онам Шамсия-биби. Бир амакимнинг аёли Адолат туғишда вафот қилди, унинг чақалоғи ҳам нобуд бўлди. Отам, укам ҳам шу сургунда вафот қилишди. Бир амаким юртга қочиб келди. Мен ва опам Пўлатой, амаким Назарнинг 17—18



Бухоро вилояти Вобкент тумани
Усмон Юсупов кўчаси 1-уйда яшовчи
Паноева (Ўринова) Ширин ая.



Паноева (Ўринова) Ширин ая оила аъзолари ва
«Мерос» экспедицияси иштирокчилари билан.



Мархабо Эшонқулова турмуш ўртоғи билан. 2002 йил, октябрь.
Самарқанд тумани Толибарзу қишлоғи.

ёшли ўгли Сано қолдик. Ҳамма пахта етиштириш билан банд эди. Бизлар Воронцовада 2 йил турдик, сўнгра бизларни Николо-Александровскка олиб келишди».

Вобкент тумани, Усмон Юсупов номли кўча, 1-уйда яшовчи 86-ёшли Паноева (Ўринова) Ширинхон ая 2002 йил октябридаги суҳбатимизда сургун қилиш ҳақида мана буларни эслаганди: «...Отам бой яшаганликлари учун уни қулоқ қилганлар. Шофиркон районида яшаганлар, унга тегишли 4 та от, 4 та мол, 200 та қўйни мусодара қилиб олганлар. Кечаси келиб отамни олиб кетишди, 1931 йил августида қамоққа тиқиб қўйишди. Икки кечадан сўнг бизни ҳам олиб кетишди, ойим нон ва кўрпача олайин деганда, улар ҳеч нарс керак эмас, ҳозир қайтиб келасизлар деб олиб кетишди. Бизни Қизилтепа станциясига олиб келдилар, ўша ерда отамизнинг фамилиясини ўқиб вагонга чиқараётган экан, отамиз бизни кўриб сизлар нега келдиларинг, мени сургун қияптилар, сизлар кетинглар деди. Бизни ҳам олиб келишди, деди ойимлар. Шунда бизни ҳам, укам, мен ва ойимларни ҳам вагонга чиқинглар дейишди. Ойимлар йўқ деб туриб олдилар, шунда мени укам билан вагонга ирғитиб юбордилар ва ойимни ҳам мажбурлаб чиқаришди. Отам Панобой, онам Тўхтаой Хўжакул қизи, бизни Каспий денгизига қадар поездда, сўнгра Каспий денгизидан пароходга ўтказишди, кейин эса поездга ўтказишди. Шимолий Кавказга қараб йўл олдик».

Мархабо Эшонқулова сургун қилиш тафсилотини мана бундай тавсифлайди: «Ушанда 7 ёшда эдим. Кечагидай эсимда: 1931

Йилнинг июнь ойи кунларининг бирида уйимизда қий-чув, йиғисиги бўлиб қолди. Бу вақт уч-тўртта папкали, шапкали одамлар уйимизга ҳовлиқиб кириб келди-да, отамни сансираб «арава олиб келдик, кўч-кўронингни орт. Шу кеча гумдон бўласанлар», дейишди ва лод-фарёдимиизга ҳам қарамай уйимиздаги нарсаларимизни обчиқиб, от аравага ортаверишди. 4 та кўрпа ёстиқ, 1 та эски гилам, 1 та мис кўза, қозон-товоқ, бор бисотимиз ярим арава ҳам чиқмади. Шу куни биз: ота-онам, акам ва мен тўрт кишини аравада Самарқанд темир йўл вокзалига олиб келиб тиқилинч, остига пахол ташланган иссиғу сассиқ вагонга тиқишди. Эшигига отнинг калласидай келадиган қулф уриб беркитишди. Бизнинг оиламизни қулоқ сифатида сургун қилишаётган экан.



Ражабов Эгамназар (Шимолий Кавказга сургун қилинган).

Вокзалда мотам эди. Кузатишга чиққанларнинг лод-фарёди, фиғони эшитилади холос. Вагон ичидаги оҳ-нолалар ундан ҳам баттар эди. Йўл азоби — гўр азоби экан. Ун олти кеча-кундуз йўл юриб Бокуга етиб келганмиз ва у ердан Шимолий Кавказга қандай азоб-уқубат, ғариблиқда етиб келганимиз ҳақида айтиш-гаям уяламан, аниқроғи ҳозир у ҳақида эслашни хоҳламайман, юрагим сиқилади. Чунки бизни ёзнинг иссиғида дим, ифлос, тору қоронғи вагонда ёшу қари, эркагу аёл, соғу бемор, ҳаммамизни қушхонага жўнатилган молдек олиб келишган эди...».

Каттақўрғоннинг «Катта араб» қишлоғидан 12 жондан иборат Ражаб Дўстмуродов бошлиқ хўжалик Шимолий Кавказга сургун қилинган. Бу оиланинг 10 яшарлик аъзоси Эгамназар Ражабов 1992 йил февралда битган эсдалигида сургун йўналишини шундай тасвирлаган: «Бир куни қатор тизилган қизил вагонлар «қулоқлар» жойлашган пахта заводи майдонига кириб келиб тўхтади. Ҳар бир қизил вагонга оилаларнинг катта-кичиклигига қараб 3—4 хўжалиқдан жойлаштирилди. Вагонларнинг эшик-туйнуқлари чамбарчас маҳкамланди, икки вагоннинг ўртасига 2 аскар қурол билан тайёр ҳолда қўйилди. Ахлат учун хотинларга битта, эркақлар учун битта сатил берилган. Станцияларда поезд тўхта-тилмади ва тўхтаган жойларда ҳам пастга гушиб-чиқиш ман этилган. Агар ўлганлар бўлса ўша станцияга ташлаб кетилаверилган. Қизил вагонлар билан, билмадим, 4—5 кеча-кундузда Красноводск шаҳрига, Каспий денгизи портига етиб келдик. Бу жойда катта сув пароходи пайдо бўлди, унинг номи «Туркистон»

эди. Шу пароходга қизил вагонларда келган одамлар нарса-парсалари билан ортилди. Олиб-ортишлар нарса эгалари эркаклар кучи билан бажарилди. Атрофни қизил аскарлар ўраб олган эди. Бирон киши четга, ташқарига чиқа олмайди. Пароход узун ва баланд гудок билан Каспий денгизи бўйлаб суза бошлади. Бир ярим кеча-кундузда Махачқалъа портига етиб келиб тушдик. Шунда одамлар худди маст кишидек бошлари айланиб, кўнгиллари айниб ёмон аҳволга тушдилар. Эпини қилганлар аччиқ пиёз едилар. Йўлда бир қанча одам ўлган эди. уларнинг ўликлари дарҳол денгиз сувига отиб юборилди. Шу пароход ичида менинг ҳам битта тишим тушганлиги ҳали ҳам эсимда. Пароход йўлда битта катта балиқни кесиб ўтди. Махачқалъадан яна қизил вагонларга ортилдик, 3—4 кеча-кундуздан сўнг Георгиевск станциясидан айланиб ўтиб, Прикумск (ҳозирги Будёновск) станциясига келтириб туширишди. Бу жой поезд йўлининг охириги нуқтаси экан. Шу станция майдонида кўпгина икки бошдан катта шоҳли хўкизлар қўшилган узун-узун чаргах аравалар йиғилиб қолди. Вагонлардан тушган одамлар юк-тақи билан оила-оила бўлиб, шу араваларга жойлашдилар. Аравалар кун чиқар томонга, дашт томонга... тупроқ йўл билан тахминан 40 километр масофа йўл босиб Николо-Александровск деган қишлоққа етиб келди. Бу жойнинг комендатураси сургун қилинганлар хўжалиklarининг катта-кичиклигига қараб тайёр ҳовлиларга бўлиб, араваларда ўша аввалдан мўлжалланган ҳовлиларга жўнатди. Ўша белгиланган номерли ҳовлиларга жойлашилди. Бизларнинг хўжалигимиз 12 жон бўлгани учун катта майдонли ва уйли 6-сонли сотник 56-сонли уйга жойлашдик. Айтишларича, бу ҳовли эгаларини қулоқ қилиб, бошқа томонга кўчириб юбориб, улар ўрнига бизларни олиб боришган экан... Шу ҳовлига жойлашган бизнинг оиламиз: отам Ражаб Дўстмуродов, онам Сапарова Шарофат, акаларим Абдуҳаким, Абдухалил, Дўстназар, мен — Эгамназар, опам Назокат, синглим Ойдин, катта янгамиз Ҳикмат Ражабова, кичик янгамиз Назон, катта акамнинг ўгли Муродилла, кичик акамнинг қизи Маҳарлардан иборат эди»¹.

Эгамназар Ражаббой ўглининг бу фикри сўнгги вақтда топилган архив ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топмоқда. Масалан, 1931 йил 28 июнда Шимолий Кавказдан қулоқлар ортилган 18 эшелон (6303 оила, 31710 жон), Украинадан 13 эшелон (5874 оила, 24953 жон) Урал йўналишида кетаётганлиги ОГПУнинг тезкор маълумотларида келтирилган. Режага кўра, Уралга Украинадан 30 минг, Шимолий Кавказдан 1500 оила сургун қилиниши керак эди². Ўша Уралга сургун қилинганларнинг уйларига Ўрта Осиёдан сургун қилиб олиб борилган қулоқлар қисман жойлаштирилган.

Бухоро шаҳридан Исоқ Мардонович Мардонов, Вобкент ту-

¹ Эгамназар Ражаббой ўглининг «Ўтмиш тарихдан» номли эсдалигидан. Эсдалик илмий экспедиция пайтида қўлга киритилган.

² РХХФМА. 2-фонд. 9-рўйхат, 20-иш. 161-варақ.

мани Усмон Юсупов кўчаси, 1-уйда яшаётган Паноева (Ўринова) Ширинхон ая, Самарқанд вилояти Карнай тумани Пускарон қишлоғидан Абдуғаффор бобо Юсупов, Самарқанд тумани Толибарзу қишлоғида яшаётган Марҳабо ая Эшонқулова, Оғалиқ қишлоғидан Асрор Қурбонов каби Шимолий Кавказ сурғунда бўлганлар билан экспедиция чоғида суҳбатлашганимизда ҳам Ўзбекистондан, Ўрта Осиёдан сурғун қилинганларни сурғун манзилларига етказиш йўналиши, юқорида Ражабов Эгамназар тасвирлаганидек, яъни Тошкент—Самарқанд—Бухоро—Чоржўй, Байрам Али, Красноводск—Каспий денгизи — Махачқалъа, Боку—Шимолий Кавказ йўналишидан иборат бўлган.

Бухоро вилоятидан сурғун қилинган Алишер Навоий номидаги ширхат ҳўжалигида яшовчи Бешим бобо

Авезов шундай эслайди: «Бизни Қоракўл пахта заводи саройига олиб келишди. Бу ерга тумонот одам, атрофда милтиқ ушлаган соқчилар туришарди. Ота-онам, ола-сингилларим, опаларим ҳам шу ерда экан. Улар бизни кутиб, севинганларидан йиғлаб юборишди. Орадан бир неча кун ўтгач, станцияга одам тўла эшелон келди. Қий-чув бошланди. Кимдир додлар, кимдир бақириб-чақириб, яна кимдир ўқсиб йиғлар эди. Ҳаммани уриб-суриб, қизил вагонларга қамадилар. Вагон эшиклари залвор билан ёпилди. Паровоз қора тутун буруқситиб, поезд жойидан қўзғалди.

Қадрдон гўшалар, чопқиллаб ўйнаганимиз таниш тепаликлар ортда қолиб борарди. Айни саратон. Вагонда нафас қайтади. Оналар оҳ тортиб, чақалоқлар биғиллаб йиғларди.

Ўн кунча йўл юрдик. Вагонлардан тушиб пароходга, кейин яна вагонларга ўтириб Ставрополь ўлкасининг Николо-Александровск қишлоғига етиб бордик... Ўзбекистондан сурғун қилинган беш минг оила шу қишлоққа жойлаштирилди¹.

Ўрта Осиёдан «кулоқлар» ортилган поезд эшелонлари Тошкент, Қизил Ўрда, Оренбург орқали Харьковга, у ердан Херсонга қараб юргани ўша сурғун азобини тортганлар эсдаликларида озми-кўпми даражада аниқ ва ноаниқ ҳолда ўз аксини топган. Лекин бу эсдаликларни тасдиқловчи ҳужжатли материал йўқ эди. Шундай ҳужжатлардан бири юқорида зикр этилган «Со-



Қулоқ қилиниб Шимолий Кавказга сурғун қилинган Тожиёва

Куйсуннинг ўғли Исоқ Мардонович Мардонов Шимолий Кавказда туғилган.

¹ Ўша эсдаликлдан



Раҳимжон Ҳожи Норматовнинг
аҳли аёли Уминисо.

ветская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД» номли архив ҳужжатлари тўпламида эълон қилиндики, у айрим эсдаликлар тўғрилигини кафолатлайди.

Бу ҳужжат ОГПУ Транспорт бўлими бошлиғи ўринбосари Балашовнинг 1931 йил 8 сентябрдаги ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягодага йўллаган маъруза хатидир. Унда Ўрта Осиёдан кўчириб келинаётган деҳқонлар озиқ-овқатга эга эмасликлари айтилган. ОГПУ Транспорт бўлими Жануб округи бошлиғининг хабар беришига қараганда, Ўрта Осиёдан Украинага келаётган эшелонлар Харьковда тўхтаганида кўчириб келинаётганлар йўл учун озиқ-овқат билан мутлақо таъминланмаганликлари маълум бўлди. Хусусан, Харьковга етиб келган 608-эшелонда

даги одамлар оч бўлган, улар на нонга, на пулга эга бўлганлар, чунки уларнинг пуллари эшелон йўлга чиққан жойларда тортиб олиб қўйилган. Харьковда бу эшелон нон, чой, шакар билан таъминланган, бу билан кўчирилаётганларнинг мутлақо тушиб кетган руҳ-кайфияти биров энгиллашади. Худди шундай ҳолат 606-эшелонда ҳам юз беради. ОГПУ Транспорт бўлими йўли билан озиқ-овқатга эга бўлмаган эшелонларни иссиқ овқатдан ташқари, қўшимча равишда нон билан таъминлашга фармойиш берилади¹.

Ўша 606, 608-эшелонлар ҳақида, уларда кимлар кетаётганини аниқлаш учун уларнинг ҳаракатини акс эттирувчи диспетчер маълумотларига мурожаат қиламиз. Маълум бўладики, 606-эшелон Тошкентдан Херсонга қараб йўлга чиққан, 1 сентябрга келиб Злотоуст темир йўли Платовка станциясига етиб келган. Эшелонда 279 хўжалик, 1309 жон, эркаклар 389, аёллар 324, болалар 596 жондан иборат бўлган. 608-эшелон ҳам Тошкентдан йўлга чиққан, 1 сентябрда Оренбургда бўлган ва унда 387 оила (1315 киши), жумладан, 434 эркак, 445 аёл, 436 болалар бўлган².

2003 йил 10 январь куни «Мерос» илмий-амалий халқаро экспедиция жамғармасига Олтинкўл тумани Мамажон Ризаев номли ширкат хўжалиғи Ўртаариқ маҳалласидан икки нуроний — 1924 йилда туғилган Абдумажид Раҳимович Норматов, 1936 йилда

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3. кн. 1. стр. 266—277.

² Ўша архив, 9-руйхат, 131-иш, 6—8-варақлар.



Раҳимбой ҳожи Норматовнинг ўғли Абдумажид, қизи Холисхонлар ҳозирда Олтинқўл тумани Уртаариқ қишлоғида яшашмоқда.

туғилган Холисхон ая Усмоновалар ташриф буюришди. Улар ака-сингиллар экан. Оталари Раҳимбой ҳожи Норматов оиласи билан 1931 йили Украинага сургун қилингани ва у ерда Р. Норматов қатағон қилиниб отилгани ҳақида бизнинг китобимиздан¹ билишиб, уз оталари ҳақида яна нималар борлигини суриштириш учун келганлар экан. Улар шу вақтгача оталари тақдири нима билан тугаганидан бехабар эканлар. Биз уларнинг эсдаликларини видеокамера лентасига ёзиб олдик. Улар, жумладан, ўша вақтда сургун қилинганларнинг Украинага бориш йўналишини ҳам қисман айтиб беришди. «Бизнинг оила, — дейди улар, — 1931 йили сургун қилинган. Бизларни араваларга ўтқазиб Асака станциясига олиб боришди, у ерда юк ташийдиган вагонларга юклаб, 12—13 кун деганда етиб бордик. Ёш эдик, қайси йўллардан кетганимизни эслай олмаймиз. Херсонга етиб боргунча бизларни йўлларда ҳеч туширмаганлар. Поезд тўғри Херсонга бориб тўхтади, бизларни поезддан тушириб Днепр дарёсида пароход бор экан, ўша пароходга юклаб Каховкага олиб борди. Каховкага бориб Сергеевка деган қишлоқда жойлашдик, битта уйда 2—3 хўжалик сиқилиб яшардик...»

Ҳалима Шабонова эсдалигидан: «Отам Зайниддин Шабон 1898 йилда Бухоро вилояти Зармитан қишлоғида туғилган. Миллати — ўзбек, партиясиз, диний маълумотга эга. Диний мактаб-

¹ Шамсутдинов Рустамбек. Ўзбекистонда советларнинг кулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари. Т. «Шарқ». 2001, 212—215-бетлар.



Шабонова Ҳалима.

да ўқиган. Халқ шунинг учун у кишини Мулло Шабон деб атаган. Отамнинг дадалари, яъни бобомиз Зайниддин, у кишининг акалари Йўлдош оқсоқол, Бозор оқсоқол бўлиб, барча ака-укалар бир оила бўлиб яшаганлар. Отамнинг дадалари саводсиз бўлиб, деҳқончилик билан шуғулланганлар. Анчагина хусусий ерлари бўлиб, ғўза, узум етиштирганлар. У кишининг акалари Бозор оқсоқол саводли бўлиб, Зайниддин бобо етиштирган ғўзаларни отам мулло Шабон билан Ғиждувон, Бухоро, Карманагача олиб бориб сотганлар. Катта акалари Йўлдош оқсоқол саводли киши бўлганлар. Бу киши сотилган ғўза даромадларини бутун оилани боқиш, иморатлар қуриш,

етим-есирларни боқишга сарфлаганлар. Айтишларича, қишлоқда масжид қурганлар. Улар жуда катта оила бўлиб, бир оилада 65 киши овқатланган. Уларнинг ичкари ва ташқари ҳовлилари бўлган, бу ҳовли ҳамон менинг эсимда. Ташқари ҳовлилари шарқона усулда қурилган бўлиб, ганчдан ўймакорлик қилинган икки қаватли бино эди. Бу иморатлар ва уларнинг барча молу мулклари давлат томонидан мусодара қилинган. Ниҳоят инқилоб, колхозлаштириш, Сталиннинг бебош репрессияси — буларнинг ҳаммаси отам ва бобомларнинг тинчини бузди.

1931 йилда бобомиз Йўлдош оқсоқол, Бозор оқсоқол, отам Зайниддинов Шабонлар кулоқ қилиниб, Сурхондарёнинг Денов туманига сургун қилишга қарор қилинган. Йўлдош оқсоқол бобомиз шу ондаёқ вафот этган. Бозор оқсоқол бобомиз ва у кишининг хотин-болалари Ҳамида, отам Зайниддинов Шабонлар Деновга сургун қилинган 1932—1933 йилларда Бозор оқсоқол бобомиз ва у кишининг хотинлари Деновда вафот этган. У кишининг икки боласи, онам ва мени отам 1937 йили Зармитанга олиб қочиб келган. Онам — Ҳожиойим 1906 йилда Қўқон туманидаги Аравон қишлоғида туғилган. Оталари араванлик Қосимов Рамазон 1881 йилда Қўқон туманидаги Аравон қишлоғида туғилиб, шу ерда яшаган, ўзбек, партиясиз, саводсиз, деҳқончилик билан шуғулланган. 1931 йили Ўрта Осиёдаги бирлашган давлат сиёсий бошқармаси ҳузуридаги «учлик» комиссиясининг қарорига кўра 5 йил муддатга қамоқ лагерига ҳукм қилинган. Украинага сургун қилинган. У кишининг ўғли Баротали, хотинлари ва

болалари ҳам Украинага сургун қилинган. 1933 йилда қизлари Ҳожийойимни (яъни менинг онамни) Деновга сургун қилганлар. Деновда онам билан отам турмуш қуришган ва 1935 йилда мен Деновда туғилганман. Ҳозир Зайниддинов Шабондан ва Ҳожийойимдан мен Шабонова Ҳалима, ўғиллари Шабонов Шодмон тирикмиз. Қўқонда қариндош-уруғлардан Баротали тоғамизнинг бир ўғли Маҳмуджон тирик. Шундай қилиб отам мулло Шабон Бухоро вилоятидан Деновга, онам Ҳожийойим Қўқондан Деновга сургун қилинган».

Тошкент вилояти Зангиота тумани, Хонобод қишлоғилик Раҳимжон Ёқубжоновнинг эслашича, 1931 йил августида қулоқлар ортилган поезд Қозоғистон чўлларидадан ўтиб, олти кундан сўнг эшелон Пенза шаҳрига етиб келиб тўхтаган, у жойдан Херсон шаҳрига қараб поезд юрган. Тонг саҳарда Херсонга етиб келган. Бу ердан кемаларга жойлашиб кечаси билан денгизда сузиб, Қора денгиз бўйидаги Скадовск портига етиб келинган, бу ердан бричка араваларда Херсон вилояти туманларига тарқатилган. Қўйлиқ атрофидаги қишлоқлардан борганлар Скадовск райони Ястреба қишлоғига, Қибрайдан борганлар Нижегородкода жойлашган. Бошқалар 11-хутор, 1-база деган жойларни макон қилишади¹.

Таниқли файласуф олим, гўдаклигидан қулоқлик азобини Украинада тортган, профессор Иброҳим Карим Ўзбекистондан «қулоқлар» ортилган поезд 15 кечаю кундуз юриб Херсонга етиб келган»², — деб ёзади.

2003 йил январидан 20 июнигача бўлган вақт мобайнида «Мерос» экспедицияси раҳбарияти бир неча хат, факс, телефон орқали Россия Федерал хавфсизлик хизмати архиви директори Александр Тихонович Жадобин, унинг ходимлари Светлана Васильовна, Татьяна Михайловналар билан боғланиб мавзуга оид ҳужжатлар билан танишиб чиқишга розилик бериш масаласини қўйди. Ниҳоят архивда ишлаш учун руҳсат олинди. Москвага бориб ҳали мутлақо илмий истеъмолга тушмаган ноёб ҳужжатларни олиб қелишга эришилди. Улардан бири 1931 йил август-сентябрида Ўрта Осиёдан жўнатилган эшелонларнинг ҳаракати тўғрисида ОГПУ транспорт бўлими диспетчерининг кунма-кун берган тезкор маълумотларидир. Бу ҳужжатлар жуда қимматлидир. Шу боис уларни жадваллар шаклида айнан келтирамиз:

¹ Эгамназаров Алиназар. Сургун. Тошкент, «Адолат», 1999, 72—77-бетлар.

² Иброҳим Карим. Бегона (Даяр фожеаси менинг тақдиримда). Биринчи китоб. Тошкент, «Янги аср авлоди», 2001, 16-бет.

«Кулоқ» лар ортилган эшелонларнинг 1931 йил 28 августдаги ҳаракати ҳақида диспетчер маълумоти¹

Эшелонлар рақамлари	Қаердан йўлга чиққан	Қайси станциядан жўнаган	Бориладиган станция	Омлар	Одамлар	Эркаклар	Аёллар	Болалар	Қайси станциями босиб ўтди	Туширилган	Йўлда	Қолин	Изоҳ
602	Ўрта Осиё	Орол денгизи С. Златоуст т/й	Жанубий Алексе- евка	234	119	441	336	414	Кинель С. Златоуст т/й	—	—	—	—
603	— • —	Марв Ўрта Осиё т/й	Шимолий Кавказ Перопавловский	228	1170	481	483	756	Бахардин Ўрта Осиё	—	—	—	—
604	— • —	Орол денгизи С. Златоуст т/й	Жанубий Алексеевка	185	1140	328	339	473	Разъезд — 18чи Ўрта Осиё т/й	—	—	—	—
605	— • —	Когон Ўрта Осиё т/й	Шимолий Кавказ Прикумск	231	1542	437	459	646	Анненкова Ўрта Осиё т/й	—	—	—	—
606	— • —	Тошкент	Екатерина т/й Херсон	279	1309	387	324	596	Тартучой Ўрта Осиё т/й	—	—	—	—
			Ҳаммаси бўлиб Ўрта Осиёдан олинганлар	1157	6902	2076	1941	2885		—	5	15	—

¹ РФХХМА. 2-фонд. 9-руйхат, 131-иш, 65-варақ.

«Қулоқ»лар ортилган эшелонларнинг 1931 йил 29 августдаги ҳаракати ҳақида диспетчер маълумоти¹

Эшелонлар рақамлари	Қаердан йўлга чиққан	Қайси станциядан жўнатилган	Бориладиган станция	Ойлар	Одамлар	Эрақлар	Аёллар	Боалар	Қайси станцияни босиб ўтди	Изоҳ
602	Ўрта Осиё	Орол денгизи С. Златоуст т/й	Жанубий Алексеевка	234	1191	441	336	414	Чадаевка	
603	— « —	Марв Ўрта Осиё т/й	Шимолий Кавказ Петропавловск	228	1720	481	483	756	Красноводск. Ўрта Осиё т/й.	
604	— « —	Орол денгизи С. Златоуст т/й	Жанубий Алексеевка	185	1140	328	332	473	Кинель. С. Златоуст т/й	
605	— « —	Когон Ўрта Осиё т/й	Шимолий Кавказ Прикумск	231	1542	437	459	646	Каушат. Ўрта Осиё т/й.	
606	— « —	Тошкент Ўрта Осиё	Херсон Катерина т/й	279	1309	387	324	596	Казалинск. Ўрта Осиё т/й.	
607	— « —	Тошкент Ўрта Осиё	Херсон Катерина	387	1315	414	445	436	Туркистон. Ўрта Осиё т/й.	
			Ўрта Осиёдан олиб кетилаётганларнинг Ж а м и	1544	8217	2510	2386	3326		

ОГПУ Транспорт бўлими бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи (Балашов)
ОГПУ Транспорт бўлими диспетчери (Зикеев).

¹ РФХХМА, 2-фонд, 9-руйхат, 131-иш, 67-варақ.

«Кулоқ»лар ортилган эшелонларнинг 1931 йил 1 сентябрдаги ҳаракати ҳақида диспетчер маълумоти¹

Эшелонлар рақамлари	Қаердан йўлга чиққан	Қайси станциядан жўнаган	Бориладиган станция	Оила-лар	Одам-лар	Эрак-лар	Аёл-лар	Бола-лар	Қайси станцияни босиб ўтди	Эшелонларнинг жами		
										Ту-шил-ган	Йў-лда	Қол-ди
602	Ўрта Осиё	Орол денгизи	Жанубий	234	1191	441	336	414	Лозовая (жанубий)	—	—	—
603		С. Златоуст т/й	Алексеевка	228	1720	481	483	756	Ўрта Осиё	—	—	—
604		Марв Ўрта	Шимолий Кавказ	185	1139	328	329	472	Николо	—	—	—
605		Орол денгизи	Петровское	231	1542	437	459	646	Жануби-Шарқий	—	—	—
606		С. Златоуст	Жанубий Алексеевка	279	1309	389	324	596	Волуйна	—	—	—
608		Когон Ўрта	Шимой Кавказ	387	1315	434	445	436	Пароход келишини	—	—	—
609		Осиё т/й	Прикумск	295	1608	470	451	687	кутади	—	—	—
610		Тошкент	Херсон Екатерина т/й	—	1766	494	526	746	Пятовка	—	—	—
611		— « — « —	— « — « —	276	1342	337	636	—	С. С. Златоуст	—	—	—
613		Когон	Шимолий Кавказ	288	1602	447	430	735	Оренбург	—	—	—
	Пишпек	Прикумск	2403	14538	4295	4130	6114	С. Златоуст	10	10	—	
	Туркистон	Херсон. Екатерина т/й.						Казанжик Ўрта Осиё				
	Сибир т/й							Казалинск				
	Термиз Ўрта	Шимолий Кавказ						С. Златоуст				
	Осиё т/й	Прикумск						Чоржўй Ўрта Осиё				
	Сталинобод	Шимолий Кавказ						т/й				
	Ўрта Осиё т/й	Прикумск						Самсонов Ўрта Осиё				
		Ж а м и						т/й				

¹ РФХХМА, 2-фонд, 9-рўйхат, 131-иш, 68-варақ.

Қулоқлар ортилган эшелонлар ҳаракати (1931 йил 9 сентябрдаги ҳолат)¹

Эше- лонлар рақам- лари	Йўлга чиқилган станция	Бориладиган станция	Ояла- лар	Одам- лар	Эркак- лар	Аёл- лар	Бола- лар	Босиб ўтилган станция	Изоҳ
610	Пишпек — ← • —	Херсон шаҳри Екат. т/й.	359	1766	494	526	746	Лозовая. Жан. т/й.	А) Махачқалъада бир бола ўлган. Б) Орол денгизида бир бола ўлди. В) Қизил Ўрдада бир бола ўлди. 9 киши тушириб қолдирилди. 10 киши йўлда тушириб қолдирил- ди.
612	— ← • —	Акимовка. жануб. т/й.	367	1459	466	411	582	Поворино Жан. Шар- қий т/й.	
615	Каттақўр- ғон	Шим. Кавказ. Ка- рамюк.	282	1450	471	396	583а	Прохладная Шим. Кавказ	
616	Қўқон	Херсон.	299	1466	460	403	603	Балшово Укр. ССР.	
617	Самарқанд	Шим. Кавказ Семичная	304	1493	611	416	666	Махачқалъа Шим. Кавказ т/й.	
618	Қўқон	Херсон	383	1496	499	414	583	Батраки.	
619	Урсатьевск	Шим. Кавказ. Стодеревская.	304	1466	488	375	603	Пароходда.	
620	Наманган	Херсон Екат. т/й.	382	1566	535	385	646	Тунгузская С. Златоуст	
621	Андижон	Херсон Екат. т/й.	320	1470	461	397	612б	Киргизская	
622	Андижон	Херсон Екат. т/й.	238	911	347	216	348в	Орол денгизи	
		Ж а м и	3238	14643	4732	3935	5972		

¹ РФХХМА, 2-фонд, 9-руйхат, 131-нш. 75-ярақ.

«Кулоқ»лар орттилган эшеловлар ҳаракати диспетчернинг 1931 йил 11 сентябрга берган маълумотидан¹

Эшелонлар рақамлари	Йўлга чиқилган станция	Бориладиган станция	Ойлар	Одамлар	Эркаклар	Аёллар	Боалар	Босиб утилган станция	Изоҳ
612	Пишпек	Акимовка	360	1459	466	411	582	Лиски. Жануб.-Шарқий т/й. Мантуч С. Златоуст Переволоцкая Оқбулоқ С. Златоуст	Купянск, Харьков- да 2 та бола ўлган I эркак қочиш учун ҳаракат қилгани са- бабли Казалинск станциясида ГПУчиларга топ- ширилди. 11 киши тушириб қолдирилди, 8 киши йўлда.
616	Қуқон	Херсон	299	1464	460	403	601		
617	Самарқанд	Шим. Кавказ Семич- ная	304	1591	511	416	664		
618	Қуқон	Херсон	383	1495	428	414	583		
619	Урсатьевск	Шим. Кавказ Стоде- ревоск	304	1466	488	375	603		
620	Наманган	Херсон Екатер. т/й.	382	1566	535	385	646		
621	Андижон	Херсон Екатер. т/й.	320	1470	461	397	612		
622	Андижон	Херсон Екатер. т/й.	238	911	347	216	348		
		Ж а м и	2590	11422	4766	3017	4639		

¹ РФХХМА, 2-фонд, 9-руйхат, 131-иш, 73-варак.

«Қулоқ»лар ортилган эшелонлар ҳаракати (1931 йил 10 сентябрдаги ҳолат)¹

Эше- лонлар рақам- лари	Йўлга чиқилган станция	Бориладиган станция	Оила- лар	Одам- лар	Эркак- лар	Аёл- лар	Бола- лар	Босиб утилган станция	Изоҳ
610	Пишпек	Херсон шаҳри Екат. т/й.	359	1766	494	526	746	Апостолово. Екат. т/й. Харьков. Жан. т/й. Волуйпи жан. шарқ т/й. Скрябико Пароходда Ново-Сергеевка Оқбулоқ Актюбинск	Оилалар текши- рилганда 7 оила кам чиққан. 2 бола ўлган, 10 киши тушириб қолдирилган, йўлда 9 киши.
612	Пишпек	Акимовка жон. т/й.	360	1459	466	411	582		
616	Қўқон	Херсон	299	1466	460	403	603		
617	Самарқанд	Семичная Шим. Кав. т/й.	304	1591	511	416	664		
618	Қўқон	Херсон	383	1496	999	414	583		
619	Урастьевск	Стодеревская	304	1466	488	375	603		
620	Наманган	Херсон	382	1566	535	388	646		
621	Андижон	Херсон	320	1470	461	397	612		
622	Андижон	Херсон	238	911	347	216	348		
		Ж а м и	2949	13191	4261	3543	5387		

«Кулоқ»лар ортилган эшелонлар ҳаракати¹

Эше- лонлар рақам- лари	Йўлга чиқилган станция	Бориладиган станция	Оила- лар	Одам- лар	Эркак- лар	Аёл- лар	Бола- лар	Босиб утилган станция	Изоҳ
616	Қўқон	Херсон	299	1463	460	403	600	Диспетчер Диспетчер	Маълумот берилмаган Маълумот берилмаган Маълумот берилмаган а) 1 бола ўлган; б) 10 бола ўлган, 13 киши тушириб қолдирил- ди, 6 таси йўлда.
618	Қўқон	Херсон	383	1495	498	413	584		
619	Урсатьевск	Стодеревская	300	1463	487	375	601		
620	Наманган	Херсон	382	1565	535	385	645а		
621	Андижон	Херсон	320	1470	481	397	612		
622	Андижон	Херсон	238	910	347	216	3476	Поворенко Пенза М-Каз.	
Ж а м и			1922	8366	2788	2189	3389		

1931 йил 14 сентябрдаги ҳолат²

619	Урсатьевск	Стодеревская Шим. Кавказ	300	1463	487	375	601	Вагонлардан туширилишига яқинлашди. Гренкова Толовая Пенза	15 киши туширилиб қолинди 4 таси йўлда 1 эркак қочишга уринга- ни учун 1 оила қолдирил- ди. 1 бола Балашавада ўлди.
620	Наманган	Херсон	382	1565	535	385	645		
621	Андижон	Херсон	319	1469	460	398	611		
622	Андижон	Херсон	238	910	347	216	347		
Ж а м и			1239	5407	1829	1374	2204		

¹ РФХХМА, 2-фонд, 9-руйхат, 131-иш, 77-варақ.² Ўша жойда.

«Кулоқ»лар ортилган эшелонлар ҳаракати ҳақида диспетчернинг 1931 йил 15 сентябрга берган маълумоти¹

Эше- лонлар рақам- лари	Йўлга чиққанган станция	Бориладиган станция	Ойла- лар	Олам- лар	Эркақ- лар	Аёл- лар	Бола- лар	Босиб утилган станция	Изоҳ
619	У р с а - тъевск Наманган Андижон Андижон	Шим. Кавказ Стодеревская.	300	1463	487	375	601	Шим. Кавказ Аллатова. Лозовая южная Купянск. Толовая Южно- Восточ.	Текширилганда 4 киши, шундан 1 аёл, 3 бола йўқлиги аниқланган.
620		Херсон. Екат. т/й.	382	1565	535	385	645		
621		Херсон. Екат. т/й.	319	1469	460	398	611		
622		Херсон. Екат. т/й.	328	906	347	215	344а		
		Ж а м и	1239	5403	1829	1373	2201		

Эшелонлар ҳаракати ҳақида диспетчернинг 1931 йил 16 сентябрга берган маълумоти²

620	Наманган Андижон Андижон	Херсон	382	1565	535	385	645	Сничеревка Синельнинково Купянск	16 киши тушириб қолди- рилди, 3 киши йўлда қолди.
621		Херсон	319	1469	460	398	611		
622		Херсон	328	906	347	215	344		
		Ж а м и	939	3940	1342	998	1600		

¹ РФХХМА, 2-фонд, 9-руйхат, 131-иш, 71-варақ.

² РФХХМА, 2-фонд, 9-руйхат, 131-иш, 72-варақ.

Ўрта Осиёдан Уралга, Фарбий Сибирга, Шимолий Қозоғистонга, Туркменистонга ҳам қулоқлар сургун этилгани маълум бўлмоқда.

Ўзбекистондан Жанубий Қозоғистонга сургун қилинган «қулоқ»лар асосан пахтачилик билан шугулланган. Бу ҳақда СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1931 йил 16 августда «Шимолий ва Жанубий Қозоғистонда махсус кўчкиндиларни жойлаштириш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қарориди ҳам қайд этилган. Ана шу қарор асосида Қозоғистон ўлка партия комитети махсус кўчкиндиларни жойлаштириш ва улардан фойдаланиш масаласини 1931 йил 28 августда, 16 сентябрда, 9 октябрда бўлиб ўтган йиғилишларида кўриб чиқади ва тегишли қарорлар қабул қилади, тadbирлар белгилайди. Хукумат қарори жойларда бажарилмаётгани қайд қилиб ўтилади.

Хўжалик органлари махсус кўчкиндиларни уй-жой билан қониқарсиз таъминлаганлари, бунинг оқибатида оилаларнинг катта қисми қишлоқлардаги каттак уйларга жойлаштирилгани, бараклар қурилгани ва улар қониқарсиз жиҳозлангани, элементар шарт-шароитлар яратилмагани, оммавий эпидемик касалликлар тарқалгани, ўлим юқори кўрсаткичдалиги, меҳнат унумдорлиги бениҳоя пасайиб кетганлиги кўрсатиб ўтилган.

Меҳнат кўчкиндилари меҳнатидан фойдаланиш ёмон ҳолатдалиги, кучлар нотўғри жойлаштирилганлиги, зарбдорлик ва меҳнат мусобақаси айниқса ёшлар орасида авж олдирилмагани, меҳнатта ҳақ тўлаш фавқулодда пастлиги, меҳнат кўчкиндиларининг асосий қисми ҳаёт кечириш учун зарур бўлган минимал миқдордаги озиқ-овқат билан таъминланмагани, иш ҳақи ўз вақтида берилмаётгани таъкидланган. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб ўлка партия комитети «Пахтаорол», «Мингбулоқ», «Чордара», Чу қурилиши, «Бурлитела» пахтачилик совхозлари, Зирянов ўрмон кесиш хўжалиги директорлари зиммасига махсус кўчкиндиларни қабул қилиб олиш, унинг учун шарт-шароитлар яратиш, биринчи навбатда уй-жой билан, тиббий хизмат кўрсатиш ва озиқ-овқат билан таъминлаш вазифалари юклатилади¹.

ВКП(б) Қозоғистон ўлка комитети 1932 йил 7 майда «ВКП(б) Марказий Комитетининг махсус кўчкиндилар тўғрисида»ги масала бўйича ўлка партия комитетининг биринчи қотиби Ф. И. Голошчекиннинг маърузасини тинглайди. Ушбу қарорни бажариш учун Кахиани, Исаев ва Каруцкийлардан иборат комиссия ташкил қилинади. Комиссия сургун қилинганларни қабул қилиб олиш, жойлаштириш ва уларга яшаш, меҳнат қилиш учун элементар шарт-шароитлар яратиш бўйича имконият доирасида фаолият кўрсатган. Биргина «Пахтаорол» пахтачилик совхозига 414 оила, «Чордара» пахтачилик совхозига 400 оила жойлашти-

¹ Қозоғистон Республикаси Президенти девони ҳузуридаги архив. 141-фонд. 1-руйхат. 5033-иш, 83—88-варақлар.

рилиб, улар ихтиёрига 2632 гектар ер майдони, ҳар бир киши учун 2,36 гектардан ер ажратиб берилган¹.

Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати архивидаги мутлақо махфий ҳисобланган ҳужжатларда 1931 йили яқка тартибда Фарбий Уралга сургун қилинган юртдошларимиз ҳақида материаллар бор. Масалан, Ўрта Осиё ГПУси қошидаги «учлик»нинг 1931 йил 28 сентябрдаги қарори билан Қорақалпоғистондан Мулла Байрам Байрамгелди уғли (66 ёшда, туркман, бой, имом ҳуқуқидан маҳрум қилинган, қулоқ), Шермат Тўрақулов (40 ёшда, ўзбек, ўзига тўқ деҳқон, қулоқ), Отаҳожичи Чумаев (66 ёшда, ўзбек, ер-сув ислоҳотида ери қирқилган, қулоқ), Герри Ҳаммет (66 ёшда, туркман, бой, ер-сув ислоҳоти даврида қулоқ қилинган, қулоқ), Намангандан Муллажўра Мадиев (34 ёшда, ўзбек, ҳуқуқдан маҳрум қилинган, имом, қулоқ)ларнинг ҳар бирига 3 йилдан (Отаҳожичи Чумаевга 5 йил) қамоқ жазоси берилиб, жазони ўташ учун Фарбий Сибирга сургун қилинган.

«Учлик»нинг 1931 йил 21 октябрдаги қарори билан Фарбий Сибирга Сахат Бадиомон (65 ёшда, туркман, бой, ҳуқуқдан маҳрум қилинган), Абдурахим Аvezов (61 ёшда, ўзбек, бой, босмачилар билан алоқада бўлган, ҳуқуқдан маҳрум қилинган, қулоқ)лар сургун қилинган.

Олтиариқдан Юсуф Эрматов (62 ёшда, ўзбек, ўзига тўқ оила, ўтмишда босмачиликка кўмаклашган, қулоқ), Андижондан Нишонбой Ҳожичи Қосимбеков (63 ёшда, ўзбек, бой савдогар қулоқ), Самарқанддан Карим Халилов (61 ёшда, ўзбек, амирнинг собиқ амалдори, қулоқ), Бухородан Мирза Ҳамроев (18 ёшда, ўзбек камбағал, қулоқ)лар Уралга 3 йилдан концлагерга сургун қилинганлар. Шунингдек, ўша 1931 йилда Қирғизистондан Жонпўлат Турғунбоев (28 ёшда, қирғиз, камбағал, қулоқ), Раҳимберди Турдиев (43 ёшда, қирғиз, камбағал, қулоқ), Жонарқул Тожибоев (23 ёшда, қирғиз, камбағал, қулоқ)лар ҳам Уралга уч йил муддат билан концлагерга сургун қилинганлар.

Сурхондарё округидан, яъни Термиз тезкор секторидан «учлик»нинг 1931 йил 12 октябрдаги қарори билан 12 кишига қулоқлик айби кўйилиб, ҳар бирига уч йилдан қамоқ жазоси берилган. Қамоқ жазосини ўташ учун улар Фарбий Сибирга сургун қилинган:

1. Мингқобил Эрназаров — ўзбек, бой, қулоқ.
2. Тоғайназар Мақсумов — ўзбек, бой, қулоқ.
3. Заки Мелибоев — 60 ёшда, ўзбек, руҳоний, имом, ўтмишда босмачиликка кўмаклашган.
4. Худойберди Жумабоев — 65 ёшда, ўзбек, бой, қулоқ.
5. Муллабой Жиянов — 50 ёшда, тожик, йирик бой оиласидан, босмачиликда қатнашган.

¹ Ўша архив, 141-фонд. 1-рўйхат, 5032-иш, 103—145-варақлар.

6. Пирбой Сафаров — 62 ёшда, тожик, собиқ амир амалдори, ўрта ҳол.
7. Тожироси Собиров — 60 ёшда, ўзбек, қулоқ.
8. Муллакомил Ёқубов — 68 ёшда, ўзбек, эшон, савдогар, босмачиликда қатнашган, қулоқ.
9. Хусайн Саидов — 71 ёшда, ўзбек, тугатилган қулоқ, қулоқ.
10. Мулла Иброҳим Ёқубов — 60 ёшда, тожик, бой, руҳоний, қулоқ.
11. Қурбонмурод Норқобилов — ўзбек, бой, қулоқ.
12. Мулла Маматқул Сафаров — 70 ёшда, ўзбек, руҳоний, имом, савдогар, қулоқ.

Қорақалпоғистон мухтор вилоятидан «учлик»нинг 1931 йил 25 ноябрдаги қарори билан Закатбой Утебаев (65 ёшда, қорақалпоқ, бой, чорвадор, ҳуқуқдан маҳрум қилинган, Алдаберли уруғи бошлиғи, қулоқ), Абдумалик Иримбетов (61 ёшда, қорақалпоқ, эшон, ҳуқуқдан маҳрум қилинган, қулоқ) 5 йил муддат билан Уралга сургун қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивида ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузурида ташкил этилган «учлик» йиғилишлари баённомаларида қулоқларнинг қатағон қилиниши ўз аксини топган. Жумладан, уларда Сибирга сургун қилинганлар ҳам кўрсатилган:

ОГПУ Термиз тезкор сектори 9616-сонли иш бўйича 157 «айбдор» кишини «учлик»нинг 1931 йил 12 сентябрдаги йиғилишига тақдим этади. «Учлик» 21 кишини ўн йилдан концлагерларга, жазо муддатининг 5 августдан бошланишига, 129 кишини эса 3 йилдан концлагерга, жазо муддатининг 1931 йил 5 июлдан бошланишига қарор қилади. Фақат бир киши — Шоим Маллабоевгина шартли жазо олиб, қамоқдан озод қилишга қарор қилинади. Ўша куннинг ўзида «учлик» ғалвиридан Термиз тезкор сектори тақдим қилган 66 киши ўтказилади: 18 кишига 5 йилдан, 14 кишига 3 йилдан, 16 кишини Сибирга сургун қилиш шарти билан қамоқ жазоси берилади.

«Учлик»нинг 1931 йил 8 октябрдаги қарори билан ОГПУнинг Қорақалпоқ бўлими бўйича 67 кишининг иши кўрилади. Уларнинг барчаси 5, 8 ва 10 йил муддат билан қамоқ жазосига ҳукм этилган.

Термиз тезкор сектори тайёрлаган 9670/329-сонли иш материаллари бўйича «учлик»нинг 1931 йил 13 октябрдаги йиғилишида 159 кишининг тақдири ҳал қилинади. 14 кишига 5 йилдан, 12 кишига 3 йилдан концлагерда қамоқ жазосини ўташга қарор қилинади. Жазо муддатининг бошланиши 1931 йил 1 августдан белгиланади, 10 кишига 3 йилдан қамоқ жазосини Фарбий Сибирда ўташга қарор қилинади.

«Учлик»нинг сайёр йиғилиши 1931 йил 16—17 октябрь кунлари Янги Урганч шаҳрида ўтказилади. «Учлик» таркиби Евдокимов (раис), Болтаев, Давидовлар (аъзо), Абдураҳмонов (проку-

рор)дан иборат эди. 16 октябрда Хива, Урганч, Хазорасп районлари бўйича ишлар кўрилиб Хивадан 17 киши отувга ҳукм этилади. Улар қаторида Матёқуб Ясоулбоши Юсупясовулбошев (55 ёшда, ўзбек, хон амалдорлари оиласидан, 1928 йили қулоқ қилинган), Полвон Қози (Қизилёр қишлоғидан, 1930 йилда колхозга қарши кучайтирилган тарғибот олиб борган), Исмоил Ражаб Девон Ҳожи Девонов (55 ёшда, Уста Хўжакет қишлоғидан, собиқ маҳрум қилинган, 1930 йилда советларга қарши тарғибот олиб борган, қатағонга учраган), Нақиб Ҳожи Фахриддин Нақибов (55 ёшда, Хива шаҳрида яшовчи, билотқумдан, аввал ҳуқуқдан маҳрум қилинган, қулоққа тортилган, Асфандиёрхоннинг қайинотаси ва унинг ўринбосари, 1929—1930 йилларда советларга қарши тарғибот олиб борган, бир неча бор қатағон қилинган) бор эди. Жонабек Қушбеги Худоёр Қушбегиев, Саъдулла Унни Тўра Саид Абдуллахонов, Салимхўжа Хонхўжаев, Абдураим девон Матёқуб Девонов, Бобожон Эшон Улуғжон Эшон, Матёқуб Эшон Улуғжон Эшон, Абдулла Эшон Улуғжон Эшон, Отаёр Эшон Улуғжон Эшон, Умаржон Эшон, Абдулла Эшон Мамажон Эшон, Исаохун Мисаевлар ҳам отувга ҳукм этиладилар¹.

Урганч районида Худойберган Одилов, Қурбонбой Сатторов, Қурамбой Қози, Оллоберган Раҳматуллаевлар, Хазорасп районида Яраш Назарбоев, Айна Омонов, Раҳим Улдабоев, Рўзи Эшниёзов, Назарбой Обидниёзов, Қаландар Жонмуродов, Облоқул Қутлимуродов, Давлат Отаниёзов, Ашир Худойбергановлар (яна 11 киши, жами 20 киши), Шовот районида Маширип Қаландаров, Матёқуб Қаландаров, Абдалхўжа Тоиров, Аҳмадэшон Қорахонов, Абдурахмон Аҳматов, Султон Юртмасов, Мулла Қўччай (75 ёшда), Худойберган Юсупмаш (69 ёшда), Ҳайдаров Абдураим (55 ёшда), Бердиев Оқназар (34 ёшда), Нурман қичиқ «юзбоши» Воисов (85 ёшда), Абдуллаев Юсуп (25 ёшда), Раджап Юсупов (29 ёшда), Мулла Рўзмат Худойберганов (60 ёшда), Матниёз Аvezов (45 ёшда), Худойберган Тангрибердиев (43 ёшда)лар отувга ҳукм этилганлар.

Шовот районида 55 кишининг иши кўрилиб, бундан 16 киши отувга, қолганлари эса 3 йил, 5 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Бундан ташқари 17 октябрдаги «учлик» йиғилишида Шовот районида Нурумжума Ниёзов, Бобожон Худойберганов, Сафониёз Метов, Арнем Адам Фоев, Алла Худойберганов, Фойиб юзбоши Матмуродов, Мулламаггарим Санаевлар, Манғит районида эса Сафаров Юсуф, Султон Бойматов, Султонмуродов Аҳмад, Амет Матниёзов, Далмуродов Оллоберганнўс, Йўлдош Ўрозметов, Мадъёр Оллоберганов, Салим Матсафо, Ёқубов Нурмансори, Мулла Юсуф Хўжаевлар ҳам отувга ҳукм этиладилар.

¹ ЎЗР МХХА, 5-китоб. 1931 йил октябрь-ноябрь ойлари учун, 1—4-варақлар

«Учлик» ўзининг 1931 йил 29 октябрдаги йиғилишида Яккабоғ ДПЗ (тахминий қамаладиганлар уйи)ги маҳбуслар ишини кўриб чиқади. Худайкул Узоқов (26 ёшда, ўзбек, бой, савдогар, маҳрум қилинган), Муқим Тўраев (52 ёшда, ўзбек, савдогар, маҳрум қилинган, собиқ дипкурьер), Берди Шукуров (41 ёшда, ўзбек, кулоқ), Раҳим Суюнов (63 ёшда, ўзбек, бой, собиқ амирликда оқсоқол)лар 3 йил муддатга қамоқ жазосига тортиладилар. Раҳим Суюнов Фарбий Сибирга сургун қилинадиган бўлади.

Бухоро қамоқхонасидаги маҳбуслардан Пўлат Ёдгоров (32 ёшда, ўзбек, ўрта ҳол, 30-йилда судланган, бироқ оқланган) 3 йил муддатга концлагерга ҳукм этилади. Мирза Ҳамроев эса Фарбий Сибирга сургун қилинади. Хоразм тезкор секторидан Бекжон Бобожоновга бир йил қамоқ жазоси берилади. «Учлик»нинг 1931 йил 11 ноябрдаги қарори билан Кутлигелди Аташ Бобомурод Машарипов, Кашкумбой Тухумбетов, Ёқуб Бобожонов, ҳаммаси бўлиб 37 киши Хоразм ҳудудида яшашдан маҳрум қилинган. Улардан бири Айтжон Маметов оталиқ 63 ёшда, миллати қозоқ, йирик бой бўлган. 1917 йилгача хон ҳузурида оталиқ, маслаҳатчи мансабида бўлган. Унинг Ўрта Осиёда яшаши тақиқлаб қўйилган, яъни сургун қилишга ҳукм этилган.

«Учлик»нинг 1931 йил 21 ноябрдаги қарори билан Маткарим Оллоберганов (60 ёшда, хон оиласидаги амалдорлардан, Мангит райони Дўрмон қишлоғида яшаётган, саводсиз, партиясиз, қарамоғида хотини, 5 киши бўлган, 9 кишидан иборат советларга қарши кулоқлар гуруҳини ташкил этган ва раҳбар бўлган) отувга ҳукм этилган. Отувга Жумамурод Худойберган (45 ёшда), ўзбек, маълумотсиз, партиясиз, оилали, қарамоғида 6 жон, хўжалигида 1, 2 таноб ери, 1 моли, 1 қўйи бўлган, солиқдан озод этилган ҳамда отувга ҳукм этилган.

«Мерос»нинг 2002 йил октябридаги экспедицияси чоғида Қашқақларё вилояти Чироқчи туманида истиқомат қилаётган Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси Шомурод Тоғаев билан хонадонида учрашдик. Суҳбатда аён бўлдики, унинг отаси Меҳмонлар Тоғаймурод 1893 йилда туғилган ва 1931 йили унинг хўжалиги Сибирга сургун этилган. Сургундалигида отаси Тоғаймурод ва онаси, ақалари Иб-



Чироқчилик Тоғаймурод бахши.

Оиласи билан Сибирга сургун қилинган. Ўзи, аҳли-аёли,

фарзандлари сургунда ўлиб кетган, ўғли Шомурод юртга қайтиб келган.



Тоғаев Шомурод — Сибир сурғунида бўлган. 1932 йили туғилган.
Ҳозирда Ўзбекистон халқ бахшиси. Чироқчи, 2002 йил, октябрь.

роҳим, Раҳим, Давлат, Умбарлар ўлиб кетган. 1932 йили Сибирда туғилган Шомурод Тоғаев ва бир синглиси 1948 йили она юртига қайтиб келганлар.

2002 йил октябрида Косон тумани Фудина қишлоғидаги масжиддаги учрашувимизда шу нарса аён бўлдики, Авлиёхон Омонов эшон бўлгани учун 1932 йили Сибирга сургун этилган. Наим Мутовали, Олим Боқиев, Остонхожи Абдурахмонов, Муллажаббор Боқиевларнинг ҳам Сибирга сургун қилинганликлари маълум бўлди.

1922 йилда Танишка қишлоғида туғилган Саломат Асадованинг эслашича, унинг ота ва оналари, яқинлари Шимолий Кавказга сургун қилинган. Онаси Очилбуви ўша сургундалигида вафот қилган. С. Асадова ҳозир 82 ёшда, 1976 йили нафақага чиққан. Ўғли Равшан, набираси Рустам билан бирга туради.

Бу каби мисолларни яна давом эттириш мумкин.

Хуллас, 1931 йилда ҳам Комфирқа ва Советларнинг жамоалаштириш, қулоқ қилиш ва сургун қилиш сиёсати ва амалиёти оқибатида Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистондан кўглаб ўзига тўқ, тadbиркор, бадавлат, ўрта ҳол, ҳатто камбағаллар, шаҳар ва қишлоқлар аҳолисининг турли қатламига мансуб кишилар ноҳақ бор-будидан маҳрум этилиб бегона юртларга сургун қилинганлар. Юқорида кўриб ўтганимиздек, Ўрта Осиёлик деҳқонлар советлар салтанатининг Сибирь, Шимол, Украина, Шимолий Кавказ, Урал, Қозоғистон, Туркманистоннинг чўл зоналарига сургун қилинганлар.

3. 1932 ЙИЛДАГИ СУРГУН

Ўрта Осиё бюроси 1932 йил январида Фарғона водийси пахтакор районларида 1000 хўжаликни ихтиёрийлик тамойили асосида Тожикистон ССРга кўчиришга қарор қилади. ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги коллегияси ушбу қарорга кўра Тожикистонга Асака районидан 700, Риштон районидан 300 хўжаликни кўчиришни мақсадга мувофиқ деб топади. Сафарбар қилиш кампанияси ихтиёрийлик асосида ўтказилиши ва сафарбар қилиш комиссияларида Тожикистоннинг масъул вакиллари иштирок этишлари ҳамда кўчирилаётганларни расмийлаштириш, уларни олиб келиш учун кетадиган барча куч ва маблағлар Тожикистон ҳисобидан бўлиши кўрсатилади. Кўчирилаётганларни озиқ-овқат ва йўл харажатлари учун маблағ билан таъминлаш ҳам Тожикистонга юклатилган¹. Хуллас, номига ихтиёрийлик, аслида зўравонлик билан кўплаб деҳқонлар водийдан Тожикистонга кўчирилади. Улар тажрибакорлар деб ҳам аталади.

1932 йил майида оммавий равишда қулоққа тортиш, уларни кўчириш операцияси ўтказилади. Бу ишнинг тепасида ҳар галгидек «жамиятнинг етакчи кучи» ҳисобланмиш партия органлари туради. Ўрта Осиё Компартиялари, жумладан, Ўзбекистон Компартияси Москвадаги ВКП(б) Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюросига қарам ва тобе эди. Миллий Компартиялар учун Марказнинг айтгани айтган, дегани деган эди. Марказ томонидан нимаки топширилса, уни Ўзкомпартия МК сўзсиз, итоаткорлик билан бажаришга мажбур эди. Ҳар галгидек, 1932 йилги сургун ҳам аввал бошида ўша «карвонбоши» Марказ ва унинг бу жойдаги иржочиси Ўрта Осиё бюроси кўрсатмаси билан амалга оширилади.

1932 йил 10 апрелда ВКП(б) МК Сиёсий бюросининг махсус кўчирилувчилар комиссияси мажлисида «Қулоқларни сургун қилиш ҳақида»ги масала кўриб чиқилади.

Қабул қилинган қарорда қуйидагилар таъкидланган эди:

а) жорий йил мобайнида колхозлардан тозаланган ва қулоқ қилинган 30—35 минг қулоқлар оиласини сургун қилиш зарур деб ҳисоблансин;

б) Махсус кўчирилувчилар бўйича Комиссиянинг яқин орадаги мажлисида қайси районлардан қанча оилалар сургун қилишга тегишлилиги ҳамда улар қайси ўлканинг қайси вилоятларига йўлланиши зарурлигини аниқлаш батафсил кўриб чиқилсин;

в) ОГПУга қулоқларни сургун қилишга алоҳида синчковлик билан ёндошиш тўғрисида жойларга кўрсатма бериш таклиф этилсин;

г) ОГПУга сургун қилиш белгиланган қулоқларнинг ҳаммасига уларнинг меҳнатидан фойдаланиш юзасидан хўжалик ташкилотлари билан шартнома тузиш таклиф қилинсин;

¹ ЎЭР МДА, 90-фонд, 4-руйхат, 90-иш, 2—3-парақлар.

д) ОГПУга ўн кун муҳлатда Иттифоқ Молия халқ комиссарлигига қулоқларни сургун қилиш бўйича харажатлар сметасини тақдим этиш, мазкур сметани кўриб чиқиш ва Иттифоқ Халқ Комиссарлари Советига мазкур маблағни Халқ Комиссарлари Совети резерв фондидан ажратиш тўғрисида илтимоснома билан қириш таклиф этилсин¹.

Ўзкомпартия Марказий Комитети котиби Лепа барча районларга телеграмма йўллаб, улардан ўз ҳудудларида қанча қулоқ хўжаликлари бор, улардан қанчаси Адлия комиссарлиги тизимида тергов қилинаётганлиги ҳақида маълумот сўраган. Унга жавобан районлардан келган маълумотларга қараганда, республикадаги 41 та районда 1932 йил майидаги операция арафасида 4477 қулоқ хўжаликлари бўлиб, улар орасида меҳнатга лаёқатли 1047 эркаклар бўлгани, 575 эркак республика Адлия комиссарлиги йўли билан қамоққа олиниб тергов ҳукми билан уларнинг ҳар бирига уч йилдан ошмаган қамоқ жазоси берилгани қайд этилган. Уларнинг районлараро миқдори қуйидаги жадвалда ўз аксини топган:

Мутлақо махфий

Ўзкомпартия Марказий Комитети котиби Лепанинг телеграммасыга қулоқ хўжаликлари миқдори ва Адлия халқ комиссарлиги терговда турганлар тўғрисида жавоб берган районлар

РЎЙХАТИ (1932 йил)

№	Районлар	Меҳнатга яроқли қулоқ хўжаликлари миқдори ва эркаклар сони	Адлия халқ комиссарлиги йўли билан қамоққа олиниб тергов берётганлар ва 3 йилдан ошмаган қамоқ жазоси олгандар
1.	Ворошилов (Қўрғонтепа)	12 2	10
2.	Янгийўл	64	
3.	Косонсой	64	
4.	Балиқчи	32	
5.	Зеленский (Асака)	22 8	
6.	Пойариқ	49	
7.	Ромитан	110—20 тел. қаранг	
8.	Боғдод	97	3 телеграммага қаранг
9.	Чуст	66 ←→→	
10.	Шаҳрихон	53 ←→→	
11.	Фарғона	49 ←→→	
12.	Сариосиё	110	22
13.	Бешариқ	8	10
14.	Марғилон	73	2
15.	Андижон	183	21 тел. қаранг
16.	Каттақўрғон	136	55
17.	Молотов (Учкўприк)	94	74 тел. қаранг

¹ РИСТТДА. 17-фонд, 162-рўйхат, 12-иш, 106-варақ.

18.	Поп	58 78	29
19.	Янги Бухоро	510 тел. қаранг	
20.	Гурлан	16 тел. қаранг	
21.	Денов	162	
22.	Хонқа	97 148	54 тел. қаранг
23.	Паттақесар	27	
24.	Нурота	53	3
25.	Манғит	105	7
26.	Избоскан	153	18
27.	Кармана	73	
28.	Ойим	53	12
29.	Пскент	75	6
30.	Шовот	267 253 тел. қаранг	
31.	Икромов	43	6 тел. қаранг
32.	Булунгур	463	
33.	Жалолқудуқ	56	42
34.	Эски Бухоро	80	
35.	Бауман (Шофиркон)	45 21	6 тел. қаранг
36.	Марҳамат	81	22
37.	Хатирчи	53 99	6
38.	Юқори Чирчиқ	39	26
39.	Хазорасп	46	13
40.	Вобкент	121	26
41.	Риштон	210 303	
	Ж а м и	4477 1047	575 киши

Бу маҳбусларнинг катта қисми қамоқ жазосини республика ва ундан ташқари бегона юртларда ўтаган¹.

Биргина Пскент районининг Кўштом, Фала, Пскент, Бўка, Қуюқариз, Иваляк, Кулота, Қорақўйли, Кўштепа, Муротали, Янгиобод, Ўрат Пскент, Алексеев, Донқўрғон, Оққўрғон, Кўкчалма, Ёрлиқ қишлоқларидан 1931 йил январидан 1932 йил январигача бўлган муддат ичида 87 хўжалик қулоқ қилиниб, мол-мулки мусодара этилиб, хўжалик бошлиқлари 1—3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилганлар.

**ГПУ органлари ва Адлия халқ комиссарлиги томонидан репрессия қилиниб
қулоққа тортилган қулоқ хўжаликлари рўйхати**

№	Исми-шарифи	Қишлоқ совети	Қишлоқ	Мулки мусолара қилинган	Изоҳ
	Бўка участкаси	Будал	Будал	Ярми	
1.	Бўранбой Ирисбоев	— « —	— « —	— « —	
2.	Ҳамдам Ойбеков	— « —	— « —	— « —	
3.	Абдичапар Нурматов	— « —	— « —	— « —	
4.	Чалдибай Жамбоев	Оқтепа	Оқтепа	— « —	
5.	Мирзақобил Юқунбоев	посёлкаси	поселкаси	— « —	
6.	Турқул Эшов	— « —	— « —	— « —	

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 292-иш, 1-варақ.

7.	Қўшбой Имбоев	— «» —	— «» —	— «» —
8.	Қуралбай Минбоев	— «» —	— «» —	— «» —
9.	Тожиқул Бигбоев	— «» —	— «» —	— «» —
10.	Қошбай Онарқулов	— «» —	— «» —	— «» —
11.	Қазақбай Одилбеков	— «» —	— «» —	— «» —
12.	Малай Турғунбоев	— «» —	— «» —	— «» —
13.	Абдухалик Чинтемиров	— «» —	— «» —	— «» —
14.	Ҳосилбек Ҳасанов	— «» —	— «» —	— «» —
15.	Абдурайим Бўрибеков	— «» —	— «» —	— «» —
16.	Турсунбой Алматов	— «» —	— «» —	— «» —
17.	Мамадқул Абдукаримов	Куруқсой	Куруқсой	мусодара
18.	Шарофат Каттахожаева	Бўка	Бўка	қилинмаган
19.	Тошпўлат Исакулов	— «» —	— «» —	— «» —
20.	Қодирқул Абдуллаев	— «» —	— «» —	— «» —
21.	Турсунқул Очилов	— «» —	— «» —	— «» —
22.	Худойберган Каримов	— «» —	— «» —	— «» —
23.	Жума Каримбердиев	Донқўрғон	Донқўрғон	мусодара
	Оққўрғон участкаси	— «» —	— «» —	қилинмаган
	Абдухолик Йўлдошев	Оққўрғон	Қўкчалма	Ярми
1.	Пскент участкаси			
1.	Бусун Жўраев	Қора	Суйри	— «» —
2.	Қодир Қўчабеков	Қуйли	— «» —	— «» —
3.	Элбой Ансаров	— «» —	— «» —	— «» —
4.	Ўрзабой Каримов	— «» —	— «» —	1/3
5.	Игра Танир Бирдиев	— «» —	— «» —	Ярми
6.	Ибраим Абдурахимов	— «» —	— «» —	— «» —
7.	Турсунбой Алматов	— «» —	Куруқсой	Ярми
8.	Абдулла Мавлонов	Куруқсой	— «» —	— «» —
9.	Бегмат Кенжаев	— «» —	— «» —	— «» —
10.	Холиқул Мирзабоев	— «» —	— «» —	— «» —
11.	Пайшан Алиев	— «» —	1. Оқтепа	— «» —
12.	Таир Арслонов	1. Оқтепа	Қўрғонга	— «» —
13.	Раимқул Эшов	Саид	Саид	— «» —
14.	Қодиржон Холиқулов	— «» —	— «» —	— «» —
15.	Бегимат Жамакулов	— «» —	Куруқсой	— «» —
	Алимкент участкаси	Куруқсой	Алимкент	Ярми
1.	Умурзақ Широф	Алимкент	— «» —	— «» —
2.	Андре Машунцев	— «» —	— «» —	— «» —
3.	Ходжибек Саидов	— «» —	— «» —	— «» —
4.	Матқосим Хатамов	— «» —	— «» —	— «» —

1932 йил 1 январидан 1 майгача бўлган давр ичида ўша Пскент районининг Пскент, Алимкент, Саид, Керауч, Қўштепа, Қайирма, Куруқсой, Иттифоқ, Будал, Оқтепа, Чимқўрғон, Равот, Қўрғон, Қулота, Бўка, Бессараб, Қоракўл, Чалма, Донқўрғон, Янгилик, Ново-Дмитрий, Оққўрғон, Муротали, Янгиқўрғон қишлоқларидан 185 хўжалик қулоқ қилиниб, молмулки мусодара қилиниб, хўжалик бошлиқларининг барчасига 2—3 йилдан қамоқ жазоси берилади (246—251-бетлардаги иловага қаранг)¹.

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 6-рўйхат. 776-ини, 82—83-парақлар.

**Пскент райони 23-участкадан халқ суди томонидан қамоқ жазосига
ҳукм этилган қулоқлар рўйхати
(1931 йил 1 январидан 1932 йил 1 январигача)**

№	Исм-шарифи	Ижтимоий аҳоли	Яшаш жойи	Қанча муддатга ҳукм этилган	Мулки мусодара қилинган	Изоҳ
1.	Сафар Қурбонov	қулоқ	Қўштам	3 йил	Мусодара қилинган	Бутун мулки
2.	Комилмақсуд Умархўжаев		Ғалла			
3.	Мадали Азаматов	→→	Пскент	3 йил	→→	→→
4.	Зулфиқор Исаев	→→	→→	3 йил	→→	→→
5.	Юсуфжонов Олимжон	→→	→→	3 йил	→→	→→
6.	Уринбой Турбатов	→→	→→	3 йил	→→	→→
7.	Аъзам Шамсиев	→→	→→	3 йил	→→	→→
8.	Нурматов	→→	→→	3 йил	→→	→→
9.	Исабек Ҳусанов	→→	→→	3 йил	→→	→→
10.	Абдуқодир Мамажонов	→→	→→	3 йил	→→	→→
11.	Зокир Мирзавбоев	→→	→→	3 йил	→→	→→
12.	Тошқодир Нурматов	→→	→→	3 йил	→→	→→
13.	Ҳайдар Ҳамидов	→→	→→	3 йил	→→	→→
14.	Абдураим Ғоиев	→→	→→	3 йил	→→	→→
15.	Эшонхўжа Улуғхўжаев	→→	→→	3 йил	→→	→→
16.	Зулуншa Сандов	→→	→→	3 йил	→→	→→
17.	Усмонхон Камолхонov	→→	→→	3 йил	→→	→→
18.	Маматхон Салихонov	→→	→→	1/2	→→	→→
19.	Мамарасул Бобометов	→→	→→	3 йил	→→	→→
20.	Иноқ Бусунов	→→	→→	3 йил	→→	→→
21.	Аъзамхон Валихонov	→→	Пскент	3 йил	мусодара қилинган	барча буюм
22.	Аброрхон Мадалихонov		3 йил			
23.	Махмут Матқаримов	қулоқ	→→	3 йил	→→	→→
24.	Мирсалим Мирюсупов	→→	→→	3 йил	→→	→→
25.	Мирзатулла Набиrow	→→	Бука	2 йил	→→	→→
26.	Юсуп Яукашев	→→	→→	3 йил	→→	→→
27.	Қосим Раҳматбоев	→→	→→	3 йил	→→	→→
28.	Нематулла Раҳманқулов	→→	→→	2 йил	→→	→→
29.	Карим Норматов	→→	→→	1/2	→→	→→
30.	Қўзи Рўзиев	→→	→→	3 йил	→→	→→
31.	Қодирқул Абдуллаев	→→	→→	1/2	→→	→→
32.	Анар Ишев	→→	→→	3 йил	→→	ярми барча буюм
33.	Саид Холбоев	→→	→→		→→	
34.	Қурбонқул Йўлдошев	→→	→→	3 йил	→→	→→
35.	Эрмат Норматов	→→	Қуло	1/2	→→	→→
36.	Турсунқул Очилов	→→	Қариз	3 йил	→→	→→
37.	Қорабек Бўтабеков	→→	→→	1/2	→→	ярми барча буюм
38.	Абдуваҳоб Жалилов	→→	→→	3 йил	→→	→→
39.	Сулаймон Матмуродов	→→	Иваляк	3 йил	→→	→→
40.	Саидмаҳмуд Ҳайдаров	→→	→→	3 йил	→→	→→
41.	Аширқул Норматов	→→	→→	3 йил	→→	→→
42.	Олим Иброҳимов	→→	→→	2 йил	→→	→→
43.	Исроил Тўйчиев	→→	→→	3 йил	→→	→→
44.	Ғофур Маматов	→→	Қулота	3 йил	→→	→→
45.	Тошқуролов	→→	Қора	3 йил	→→	→→

46.	Тошқул Тулматов	—	Куйли	2 йил	—	—
47.	Холиқул Тўхтабоев	—	—	1/2	—	—
48.	Орзиқул Мирзақулов	—	—	1/2	мусодара	—
49.	Бобоота Имонқулов	қулоқ	Қўштепа	3 йил	қилинган	барча
50.	Менбай Исмоилов	—	—	3 йил	—	мулки
51.	Ниез Шаниқулов	—	—	3 йил	—	—
52.	Қодир Аширов	—	—	3 йил	—	—
53.	Маврафат Хатамова	—	—	1 йил	—	—
54.	Ниез Қўлдошев	—	—	2 йил	—	—
55.	Туржун Нурмухамедов	—	Муротали	3 йил	—	—
56.	Турсунбой Турдибеков	—	Янгиобод	1/2	—	—
57.	Иван Нижельский	—	Ўрта	2 йил	—	—
58.	Сегизба Канақов	—	Пскент	2 йил	—	—
59.	Баймал Колматов	—	—	3 йил	—	—
60.	Абдурахмон Эрназаров	—	—	1/2	—	—
61.	Мардон Кузиев	—	—	1 йил	—	—
62.	Аллиқори Аҳмедов	—	—	3 йил	—	—
63.	Абдунаби Исматуллаев	—	—	3 йил	—	—
64.	Ҳошим Хачитупов	—	—	1/2	—	—
65.	Павленко Григорий	—	Донқўрғон	1/2	—	—
66.	Самсон Никфон	—	—	2 йил	—	—
67.	Андрей Наумич	—	—	3 йил	—	—
68.	Андрей Наумов	—	—	1 йил	—	—
69.	Бойсунхўжа Турсунхўжаев	—	—	3 йил	—	—
70.	Худайберган Каримов	—	Оққўрғон	1 йил	мусодара- расиэ	—
71.	Жумакарим Бердиев	—	—	1/2	—	—
72.	Жўра Эрматов	—	Кўкчалма	3 йил	—	—
73.	Али Абдукаримов	—	Кўкчалма	2 йил	мусодара	барча
74.	Тожибой Аҳмеҳдов	—	—	2 йил	қилинган	мулки
75.	Абдухолиқ Йўлдошев	—	—	1/2	—	—
76.	Сайдиҳамат Асадуллаев	—	—	2 йил	—	—
77.	Маматқул Сигиндуқов	—	—	2 йил	—	ярми
78.	Мўмин Холмуротов	қулоқ	—	2 йил	мусодара	барча
79.	Жаббор Исмоилов	—	—	3 йил	қилинган	мулки
80.	Душабай Ортиқов	—	—	2 йил	—	—
81.	Тўйчи Холмуродов	—	—	3 йил	—	—
82.	Холмат Онақулов	—	—	1 йил	—	—
83.	Исамбай Аритунов	—	—	3 йил	—	—
84.	Худойберди Жигитов	—	Ёрлиқ	2 йил	—	—
85.	Ҳайдар Ғайибов	—	—	2 йил	—	—
86.	Йўлдош Отақулов	—	—	1/2	—	—
87.	Анда Каримов	—	—	3 йил	—	—

Бўка, Оққўрғон, Пскент, Алимкент участкалари бўйича яна ГПУ органлари ва Адлия халқ комиссарлиги томонидан 47 киши қулоққа тортилиб, мол-мулки мусодара қилиниб, сургун учун тайёрлаб қўйилган¹.

¹ Уша архив. 3—4-парақлар.

**Пскент райони 23-участкадан халқ суди томонидан қамоқ
жазосига ҳукм этилган қулоқлар рўйхати
(1932 йил январидан 1 майгача)**

№	Исм-шарифи	Ишти- мой аҳволи	Яшаш жойи	Қанча муддатга ҳукм этилган	Мулки мусодара қилинган	Изоҳ
1.	Ҳайдар Бадалов	қулоқ	Пскент	2 йил	Мусодара	Барча
2.	Холиқ Мирсодиқов	—	—	2 йил	қилинган	мулки
3.	Абдувосит Шукуров	—	—	1/2	—	—
4.	Тепанкул Тиллаев	—	—	1/2	—	—
5.	Ҳамроқул Ташматов	—	—	3 йил	—	—
6.	Ўрмонхожи Шарипов	—	—	1/2	—	—
7.	Ҳайматов Дусмат	—	—	1/2	—	—
8.	Файзиев Ғози	—	—	1/2	—	—
9.	Дўстмурот Хожамқулов	—	—	2 йил	—	—
10.	Жўра Абдукаримов	—	—	2 йил	—	—
11.	Айматов Дус	—	—	2 йил	—	—
12.	Исхан Қобулов	—	—	2 йил	—	—
13.	Раҳматжон Шокиров	—	—	3 йил	—	—
14.	Саидкарим	—	—	3 йил	—	—
	Саидмуротов	—	—	—	—	—
15.	Пўлат Ясаулов	—	—	3 йил	—	—
16.	Нурқурбан Мусаев	—	—	3 йил	—	—
17.	Сағатхожа	—	—	2 йил	—	—
	Ботирхаджаев	—	—	—	—	—
18.	Кульмат Раҳжапов	—	—	3 йил	—	—
19.	Юлдашхон Шодиев	—	—	3 йил	—	—
20.	Дўсмат Каримжонов	—	—	3 йил	—	—
21.	Шўхрат Қодиров	—	—	2 йил	—	—
22.	Жўраҳон Имомоҳунов	қулоқ	Пскент	3 йил	мусодара	барча
23.	Комил Қобилов	—	—	3 йил	қилинган	мулки
24.	Мамасоли Зоиров	—	—	3 йил	—	—
25.	Раҳимжон Каримжонов	—	—	2 йил	—	—
26.	Шахмат Юнусов	—	—	2 йил	—	—
27.	Тўракул Қулматов	—	—	5 йил	—	—
28.	Дадамат Жиянов	—	—	3 йил	—	—
29.	Мусахон Аброрхонов	—	—	3 йил	—	—
30.	Комил Худойберганов	—	—	1/2	—	—
31.	Павел Федюнин	—	Алимкент	1/2	—	—
32.	Нормат Арслонов	—	—	3 йил	—	—
33.	Сулаймон Хўжаназаров	—	—	3 йил	—	—
34.	Никифор Шлюкин	—	—	3 йил	—	—
35.	Абдумажит Файзуллаев	—	—	2 йил	—	—
36.	Абдулла Тўхтабоев	—	—	2 йил	—	—
37.	Маъмурбеков	—	—	5 йил	—	—
38.	Онорбой Душабоев	—	—	3 йил	—	—
39.	Ражаб Хонқулов	—	—	3 йил	—	—
40.	Мустофоқул Умаров	—	—	1/2	—	—
41.	Мазаихон	—	Саид	3 йил	—	—
	Музаффархонов	—	—	—	—	—
42.	Тожибой Қуролов	—	Керау	3 йил	—	—
43.	Омон Мирзақосимов	—	Қўштепа	1/2	—	—
44.	Коштай Анаркулов	—	—	3 йил	—	—
45.	Ҳошим Қосимов	—	—	3 йил	—	—
46.	Азим Қулбоев	—	—	3 йил	—	—

47.	Хурбой Аҳмедов	—→	Каирма	2 йил	—→	—→
48.	Саркабай Расулов	—→	Куруқсой	3 йил	—→	—→
49.	Раҳмон Курбонқулов	—→	—→	7 йил	—→	—→
50.	Исак Курбонов	қулоқ	Иваляк	3 йил	—→	—→
51.	Онарбой Орзиев	—→	—→	3 йил	мусодара	барча
52.	Азим Ашурматов	—→	—→	3 йил	қилинган	мулки
53.	Оқил Ёрқинбоев	—→	—→	3 йил	—→	—→
54.	Ибраҳим Назаров	—→	Керауч	3 йил	—→	—→
55.	Исоқ Эшназаров	—→	—→	3 йил	—→	—→
56.	Эгамберди Абдурасулов	—→	—→	5 йил	—→	—→
57.	Ҳайитжон Ботиров	—→	—→	3 йил	—→	—→
58.	Абдулла Абдураҳмонов	—→	—→	2 йил	—→	—→
59.	Қодирбой Қучқорбоев	—→	Суйри	2 йил	—→	—→
60.	Тожи Шермуҳамедов	—→	—→	3 йил	—→	—→
61.	Назиржон Муҳаммаджонов	—→	—→	1/2	—→	—→
62.	Холдибой Эргашев	—→	—→	1/2	—→	—→
63.	Мамат Норбеков	—→	—→	1/2	—→	—→
64.	Холбой Сабоев	—→	—→	1/2	—→	—→
65.	Умар Мирзақулов	—→	—→	1 йил	—→	—→
66.	Бусун Жўраев	—→	—→	1 йил	—→	—→
67.	Қодир Қунақбоев	—→	—→	озод - лик	мусодара - сиз	—→
68.	Жўра Бекйигитов	—→	—→	м а х - рум	—→	—→
69.	Илёсбой Ойсаров	—→	—→	3 йил	—→	мусо - дара
70.	Комилбой Тожибоев	—→	—→	2 йил	—→	қилин - ган
71.	Саиджалол Саидахмедов	—→	—→	3 йил	мусодара	маган
72.	Қулдош Имиров	—→	—→	1 озод	—→	мусо - дара
73.	Ўрозбой Каримов	—→	—→	м а х .	—→	—→
74.	Абдураим Кардибоев	—→	—→	қил	—→	қилин - ган
75.	Туран Умаров	—→	—→	1/2	—→	—→
76.	Умар Бўрибоев	қулоқ	Суйри	3 йил	олиб	—→
77.	Мавлонқул Ишбоев	—→	—→	1/2	қўйиш	ярим мусо - дара
78.	Ойнақул Расул	—→	—→	2 йил	—→	—→
79.	Хоназар Ишмасев	—→	—→	1/2	—→	қилин - ган
80.	Ирга Танибердиев	—→	—→	1/2	—→	—→
81.	Тепал Ҳотамов	—→	—→	1 йил	—→	барча
82.	Тожиёқуб Ҳожикўлов	—→	—→	1 йил	—→	мулки
83.	Гойипназар Турғунбоев	—→	—→	2 йил	—→	—→
84.	Маҳкам Гойипназаров	—→	—→	3 йил	—→	—→
85.	Мамасоли Анаркулов	—→	—→	1 йил	—→	1/3
86.	Абдуҷаббор Анорқулов	—→	—→	1 йил	—→	мулки
87.	Ботир Туғанов	—→	—→	3 йил	—→	барча
88.	Илёсбой Абдулқосимов	—→	Иттифок	3 йил	—→	мулки
89.	Аббосқул Усмонов	—→	—→	2 йил	мусодара - сиз	барча мулки
90.	Мустафоқул Умаров	—→	Алимкент	2 йил	олиб	—→
91.	Номозбой Ҳамроев	—→	—→	1/2	қўйиш	—→
92.	Димитрий Сепан	—→	—→	2 йил	—→	—→
93.	Шербаченко Тимофей	—→	—→	3 йил	—→	—→

94.	Пётр	—»—	—»—	3 йил	—»—	ярми
95.	Зиганов Алексей	—»—	—»—	2 йил	—»—	барча
96.	Евдоким Зинагов	—»—	—»—	2 йил	—»—	мулки
97.	Кузенко Яков	—»—	—»—	1/2	—»—	—»—
98.	Умурзоқ Широв	—»—	—»—	4 йил	—»—	—»—
99.	Андрей Машунцев	—»—	—»—	1/2	—»—	—»—
100.	Ҳожибек Соилов	—»—	—»—	1/2	—»—	—»—
101.	Матқосим Ҳотамов	қулоқ	—»—	1/2	—»—	—»—
102.	Сафина Франс	—»—	Алимкент	2/2	—»—	—»—
103.	Муллақуш Раимқулов	—»—	—»—	3 йил	—»—	барча
104.	Пётр Касенко	—»—	—»—	2 йил	—»—	мулки
105.	Худойберди Абдурасулов	—»—	—»—	3 йил	—»—	—»—
106.	Маъмур Абдурасулов	—»—	Будаль	3 йил	Мусодара	—»—
107.	Бўранбой Ирисбоев	—»—	—»—	2 йил	қилинган	—»—
108.	Ҳамдам Ойбеков	—»—	—»—	3 йил	—»—	—»—
109.	Абдуҷаббор Нурматов	—»—	—»—	2 йил	—»—	—»—
110.	Чалдибой Жамбоев	—»—	—»—	1 йил	—»—	—»—
111.	Мирзақобил Юқунбоев	—»—	—»—	1/2	—»—	—»—
112.	Турдиқул Ишов	—»—	—»—	йил	—»—	—»—
113.	Қошбой Илибоев	—»—	Оқтепа	3 йил	—»—	—»—
114.	Уралбой Сафарбоев	—»—	—»—	3 йил	—»—	—»—
115.	Қушлар Сулаймонов	—»—	—»—	3 йил	—»—	—»—
116.	Уралбой Минбоев	—»—	—»—	3 йил	—»—	ярми
117.	Тожиқул Бегбоев	—»—	—»—	2 йил	—»—	—»—
118.	Қўшбой Анорқулов	—»—	—»—	3 йил	—»—	—»—
119.	Қозонбой Одилбеков	—»—	—»—	2 йил	—»—	—»—
120.	Мала Турғунбоев	—»—	—»—	2 йил	—»—	барча
121.	Абдуҳолик Чинтемиров	—»—	—»—	2 йил	—»—	мулки
122.	Ҳосилбек Ҳасанов	—»—	—»—	2 йил	—»—	—»—
123.	Абдураим Дурбеков	—»—	—»—	2 йил	—»—	—»—
124.	Турсунбой Алматов	—»—	—»—	2 йил	—»—	—»—
125.	Абдулла Мавлонов	—»—	—»—	3 йил	—»—	—»—
126.	Бегмат Кеңжаев	—»—	Қуруқсой	1/2	—»—	ярим
127.	Бегмат Жалолқулов	—»—	—»—	йил	—»—	мулки
128.	Ҳолиқул Мирзабоев	қулоқ	—»—	3 йил	—»—	—»—
129.	Туллатожи Холиқов	—»—	—»—	3 йил	—»—	—»—
130.	Карим Ботилов	—»—	—»—	2 йил	—»—	—»—
131.	Қубатбой Тошматов	—»—	Қуруқсой	2 йил	—»—	—»—
132.	Мурод Қўзибоев	—»—	—»—	1 йил	—»—	—»—
133.	Пайшан Алиев	—»—	Оқтепа	3 йил	—»—	—»—
134.	Акмиш Жултубаев	—»—	—»—	3 йил	Мусодара	—»—
135.	Лакан Жумабеков	—»—	—»—	3 йил	қилинган	—»—
136.	Бегмат Байбулов	—»—	—»—	1/2	—»—	—»—
137.	Ёдгор Синаев	—»—	—»—	5 йил	—»—	—»—
138.	Қоранбой Тулабоев	—»—	—»—	2 йил	—»—	—»—
139.	Умарқул Астрақулов	—»—	—»—	1/2	—»—	—»—
140.	Ишанқул Баматов	—»—	—»—	1/2	—»—	—»—
141.	Юсуп Сафаров	—»—	—»—	1/2	—»—	—»—
142.	Маҳхамқул Байжуманов	—»—	Чим	1/2	—»—	—»—
143.	Илвай Қосимов	—»—	Қурган	3 йил	—»—	—»—
144.	Худоёр Одилов	—»—	Талдиаул	2 йил	—»—	—»—
145.	Ишонқул Умаров	—»—	Равот	1/2	—»—	—»—

146.	Тоир Арсламов	→→	→→	3 йил	→→	→→
147.	Пўлатхон Мусахонов	→→	→→	2 йил	→→	→→
148.	Маткомил Алматов	→→	→→	2 йил	→→	→→
149.	Раимқул Ишев	→→	→→	2 йил	→→	→→
150.	Қодиржон Холиқов	→→	→→	1/2	→→	→→
151.	Турғун Анорходжиев	→→	Қўрғон	1 йил	→→	→→
152.	Ҳошим Ибрагимов	→→	Саид	3 йил	→→	барча
153.	Исақул Норматов	→→	→→	3 йил	→→	мулки
154.	Умар Имонқулов	→→	→→	2 йил	→→	→→
155.	Эргаш Нашарқулов	→→	→→	2 йил	→→	→→
156.	Маматқул Абдукаримов	→→	→→	1/2	→→	→→
157.	Тошпўлат Исақулов	→→	→→	3 йил	→→	ярим
158.	Шарофат Каттахўжаев	→→	→→	3 йил	→→	мулки
159.	Очилхон	→→	→→	2 йил	→→	барча
160.	Оллабердиҳўжаев	→→	→→	2 йил	→→	мулки
161.	Зайди Азимхўжаев	→→	Қулога	2 йил	→→	→→
162.	Оқил Фарнабеков	→→	Бука	3 йил	→→	→→
163.	Тошев	→→	→→	1/2	→→	→→
164.	Дўснат Норматов	→→	→→	йил	→→	→→
165.	Дурбек Нарйигитов	→→	→→	3 йил	йўқ	→→
166.	Маматқул Дўсов	→→	→→	1/2	мусодара	→→
167.	Мирпўлат Утаев	→→	→→	йил	қилинган	→→
168.	Мараберов Алексей	→→	→→	3 йил	→→	→→
169.	Маматқул Наров	→→	→→	3 йил	→→	→→
170.	Абдумўмин Раҳимов	→→	→→	3 йил	→→	→→
171.	Муллочил Султонов	→→	→→	3 йил	→→	ярим
172.	Тоир Шаимқулов	→→	→→	3 йил	→→	мулки
173.	Исмоил Тўраев	→→	Бессараб	3 йил	→→	→→
174.	Тошбой Ҳузубоев	→→	Будаль	2 йил	→→	барча
175.	Тошкар Тилаев	→→	Қорақўл	2 йил	→→	мулки
176.	Сулаймонқул Раҳимов	→→	→→	5 йил	→→	→→
177.	Руслан Заиров	→→	→→	3 йил	→→	→→
178.	Эргаш Ишонходжаев	→→	→→	2 йил	→→	→→
179.	Маргаретский	→→	Суути	3 йил	→→	→→
180.	Абдураим Абдураҳимов	→→	Кўк	3 йил	мусодара-	→→
181.	Душабоев	қулоқ	Чалма	3 йил	сиз	→→
182.	Худойберди Йигитов	→→	Оқтепа	3 йил	мусодара	→→
183.	Ойишабиби Норматова	→→	Донқўрғон	3 йил	қилинган	→→
184.	Мустафо Умаров	→→	Янглик	3 йил	→→	ҳамма
185.	Пўлатхон Исахонов	→→	Ново-	3 йил	иши	мулки
186.	Трофим Галкин	→→	Дмит	3 йил	мусодара	→→
		→→	Суйри	1/2	қилинган	→→
		→→	Оққўрғон	3 йил	→→	барча
		→→	→→	3 йил	→→	мулки
		→→	→→	3 йил	→→	→→
		→→	Муротали	3 йил	→→	→→
		→→	Алимкент	2 йил	→→	→→
		→→	Пскент	3 йил	→→	→→
		→→	Янги	→→	→→	→→
		→→	Қўрғон	→→	→→	→→

Хоразм округи Гурлан районида қулоқ қилинган 193 кишидан 115 нафари қамоққа олинган, 54 нафари қочиб кетган, 8 нафари вафот қилган, қолган 16 нафарига «қулоқ» учун қатъий солиқ мажбурияти юклатилган.

Чинободда 648 «қулоқ» ҳўжалиги аниқланиб, ундан меҳнатга яроқли 32 киши қамоққа олинган, ГПУ йўли билан эса 93 киши қамалган¹.

ЎзКП(б) Марказкоми 1932 йил 23 апрелда қулоқ ҳўжаликларини кўчириш бўйича 20-сонли махсус махфий фармойиш ва йўриқномани қабул қилиб, уни жойларга йўллайди. Марказий Комитет қулоққа тортиш ва сургун қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш учун вакиллар таркибини тасдиқлайди. Ёппасига жамоалаштириладиган эски районларда қулоқларни кўчириш бўйича ЎзКП(б) МК ўзининг вакиллари қилиб Андижон бўйича шаҳар партия комитети котиби Худойқуловни, Асака (Зеленский) районига райкомнинг ташкилий бўлим мудирини Букреевни, Наманганга райком котиби Шермухаммедовни, Сталин (Шахрихон) районига райком котиби Эгамбердиевни, Марғилонга райком котиби Бойхонбоевни, Қўқонга райком котиби Мирзажоновни, Тошкентга райком ташкилий бўлим мудирини Салкинни, Мирзачўлга райком котиби Никулинни, Янгийўлга райком котиби Абдурахмоновни, Оқдарёга райком котиби Азимовни, Ғиждувонга райком котиби Қаҳҳоровни, Бауман (Шофиркон)га райком котиби Агеевни, Янги Бухорога райком котиби Мўминовни, Эски Бухорога райком котиби Имомназаровни, Янгиқўрғонга Марказком вакили Галиулинни, Икромов районига райком котиби Юнусовни, Қувага Марказком вакили Каллистратовни, Кудаш (Ўзбекистон)га Бутуниттифоқ халқ кенгаши аъзоси Зайкони. Юқори Чирчиққа Марказком вакили Сариқуловни, Қорадарёга Марказком аъзоси Мирисҳоқовни, Каттақўрғонга Марказкомдан Тарасовни, Вобкентга «Ўзйўлтранс»дан Ҳамробоевни, Саросиё ва Деновга Тошкент шаҳар Совети раиси Иброҳимовни, Самарқандга ташкилий бўлим мудирини Лушниковни тайинлайди².

Жамоалаштириш асосан тугалланган районларда ҳам қулоққа тортишни амалга ошириш учун Марказий Комитет бу районларга вакиллар тайинлайди. Райком котибларидан Ризаевни Норинга, Қодиралиевни Қорақўлга, Арслонбековни Булунғурга, Элмуродовни Молотов (Учкўприк)га, Исқандаровни Фарғонага, Абдураззоқовни Балиқчига, Марказкомдан Ўлмасбековни Хонқага, Урта Осиё бюросидан Ҳасановни Манғитга, райком котиби Эрматовни Гурланга, райком котиби Курановни Хазораспга, Марказкомдан Усмоновни Бешариққа, Пахта тайёрлов идорасидан Гуревични Попга, «Ўзйўлтранс»дан Алихўжаевни Пскентга,

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-руйхат, 292-иш, 6-варақ.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-руйхат, 292-иш, 2—3-варақлар.

Марказкомдан Тўрақуловни Ворошилов (Кўрғонтепа)га, Марказий назорат комиссиясидан Канцни Нарпайга, Марказий ижроия комитетдан Обидовани Ромитанга, Марказий назорат комиссиясидан Ритманни Пойариққа, Марказкомдан Алмазовни Карманага, Давлат план комиссиясидан Маҳмудхўжаевни Митанга, Марказкомдан Ҳасановни Нуротага, «Ўзбек ипаги» уюшмасидан Левинни Шовотга, Молия комиссарлигидан Ганчаловни Хатирчига, Таъминот комиссарлигидан Фоинкинни Патта-кесарга, шаҳар партия комитетидан Саидхоновни Жарқўрғонга вакил қилиб тайинлайди.

Бундан ташқари ЎзКП(б) Марказий Комитети ёлпасига жамоалаштирилмаган районлардан ҳам қулоқларни махсус қишлоқларга сургун қилиш мақсадида бундай районларга ўз вакиллари тайинлайди. Избоскан районига райком котиби Эрматов, Жалолқудуқ районига Акрамов, Марҳамат районига Али Мусаев, Ойим районига ташкилий бўлим мудири Шоаҳмедов, Косонсой районига Ерсув ишлари халқ комиссарлигидан Болтаев, Богдод районига Марказий ижрокомдан Аҳмедов, Хива районига ташкилий бўлим мудири Егоров, Риштон районига Бутуниттифоқ халқ хўжалиги Кенгашидан Ёқубов, Чуст районига Марказий ижрокомдан Манеев, Шеробод районига трактор марказидан Давидов, Янги Урганч районига қишлоқ хўжалик таъминотидан Миркомилловлар Марказнинг вакили қилиб тайинланадилар¹. Бу вакиллар тегишли йўриқнома билан жойларга бориб қулоқ қилиш ва сургун қилиш ишларига партия ва ҳукумат номидан туриб раҳбарлик қиладилар.

Райкомлар ижроия бюросининг ёпиқ мажлисларида Марказком вакиллари ахборотлари тингланиб, уларнинг тавсиялари билан сиёсий «учлик»лар тузилади. Одатда, бу «учлик»лар Марказком вакили раислигида ташкил топиб, унинг таркибига райком котиби, райижроком раиси кирган. Пскент район сиёсий «учлиги» Исроилов (Марказком вакили), Тошпўлатов (райком котиби), Норинбоев (райижроком раиси)лардан иборат тузилган.

Қулоқ қилиш ва қулоқ хўжаликларини сургун қилиш тадбирларини ўтказиш бўйича Пскент райони сиёсий «учлиги» 1932 йил 1 майда «Сургун қилинаётган қулоқ хўжаликлари ва уларнинг оилалари таъминоти ва тиббий ёрдам кўрсатиш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқиб шундай қарор қилади:

1. Қулоқлар ва уларнинг оилалари йиғув пунктида ҳаммом, сартарошхона ва тиббий ёрдам билан таъминланишлари ҳақидаги Абдурахимов ва Менецларнинг ахборотлари маълумот учун қабул қилинсин.

2. Абдурахимов ва Григорянцларга узлуксиз тўласинча таъминлаш (врачлар, ҳаммом, сартарошхона ва бошқалар) бўйича

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-рўйхат. 292-нш. 2—3-варақлар.

чоралар кўриш, Абдурахимовга бир кун муддат ичида иссиқлик масаласини ҳал этиш топширилсин.

3. Абдурахимовга ва райижроком Муҳаммаджоновга кулоқ хўжаликлари ва уларнинг оилаларини иссиқ овқат (кунига бир марта) ва нон билан таъминлаш топширилсин. Бунинг учун:

а) ошхонанинг қанча одамга хизмат кўрсатиш имкониятини билиб, оддий ўзбек ошхонаси ташкил этилсин;

б) мавжуд новвойхоналар ҳисобга олинсин ва кулоқ хўжаликларини ўз вақтида нон билан таъминлаш (ГПУ таклифи билан) чоралари кўрилсин;

в) Абдурахимовга ҳам ошхона, ҳам новвойхонани ўтин, кўмир билан таъминлаш, керак бўлса ишчи кучи билан таъминлаш топширилсин.

4. Абдурахимовга 2 кунлик муддатда тахминан 20 та от ва 10 та молга старли ем-хашак (лагерлар учун бериладиган) тайёрлаш топширилсин.

Мазкур қарор ижроси ҳақида 1932 йил 12 майда сиёсий учликка хабар қилинсин»¹.

Кулоққа тортиш ва кулоқларни кўчириш операциясини ўтказиш учун Коровкин Пскент участкасига, Абдурахимов Оққўрғон участкасига, Черников Бўка участкасига, Чилмуҳаммедов Муродали участкасига, Мақсудов Қиручлик участкасига, Мирзаев Алимкент участкасига вакил қилиб тайинланади. Кулоққа тортиш ва кулоқларни кўчириш тadbирлари амалий иш бошлангунга қадар сир сақланган, бу тартибни бузганлар айбланиб, партиявий жавобгарликка тортилган, кулоққа тортиш усуллари, шакллари йўриқномавий кенгашда кўриб чиқилган. Сиёсий «учлик», ГПУ ходимлари участкалар бўйича тезкор бригадалар тузиб, уларни зарур йўриқномалар билан қуроллантирган².

Юқори Чирчиқ райони сиёсий комиссияси Закарий Айтметов ва Турсунқуловлардан иборат бўлган. Бу комиссия кулоқ-бой хўжаликларни топиш, кулоқ қилиш ва сургун қилиш бўйича 1932 йил 8 майда тезкор режа тузиб, ўша режа асосида ўз фаолиятини бошлаган. Бу район бўйича 138 кулоқ хўжаликлари, жами оила аъзолари билан 1220 киши кулоққа тортилиши ва сургун қилиниши режалаштирилган.

Кулоқ хўжаликларини топиш ва кулоқ қилинганларни сургун қилиш мақсадида район 4 та тезкор участкага ажратилган. Ҳар бир тезкор участкага район партия комитетидан вакил ажратилган, амалий иш учун партия, комсомол, кишлоқ советлари аъзолари ва колхозчилар жалб қилинган.

Ҳар бир участкага коммунистлар, комсомоллар, фаол колхозчилар, камбағаллар ва ўртаҳоллардан зарур миқдорда қуролланган соқчилар ва уларнинг бошлиқлари қўйилган. Соқчилик

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 669-иш, 6-варақ.

² Ўша архив, 8-рўйхат, 295-иш, 6-варақ.

бошлиғи райком сиёсий комиссияси вакилига бевосита буй-сунган. Ҳар бир участка учун техник ходим ажратилган, бу ходим зарур карточкаларни тўлғазган, қулоқ хўжаликлари ва уларнинг мулкани рўйхатга олиб, актлар тузиш билан машғул бўлган.

Тезкор участкалар жойларда (қишлоқ советларида) район партия комитети вакиллари раҳбарлигида тезкор пунктлар тузган. Тезкор гуруҳлар вакиллари ихтиёрида қишлоқ фаоллари бўлиб, улар коммунист, комсомол ва синовдан ўтган партия-сизлардан иборат бўлган. Улар қулоқ хўжалиklarини қулоққа тортиш ва меҳнатга яроқли эркакларни йиғув пунктларига олиб келиш билан машғул бўлганлар.

Мулкларни ҳисобга олиш, қулоқ қилинган хўжаликлар буюмларини мусодара қилиш бўйича қишлоқ советлари раислари раҳбарлигида комиссиялар тузилган.

Район марказида комендантлик пункти ташкил бўлган, унинг тепасида комендант ва унинг ёрдамчиси турган. Унинг ихтиёрида милиция, қуролланган фаоллар ва фаоллардан тузилган қизил калтакчилар бўлган.

Комендатура қулоқ оилалари аъзоларининг меҳнатга яроқли қамоққа олинган эркакларини қабул қилиб, уларни ДПЗда сақлаб турган, йиғув пунктида қулоқ оилаларни қабул қилган, операция тутагач, барча қондаларга риоя қилиб қулоқлар ва уларнинг оилаларини белгиланган махсус қишлоқларга жўнатиб қўйганлар.

Комендатура қошида тиббий-ветеринария пункти бўлиб, у сургуни қилинаётганларга ва уларнинг ҳайвонларига тиббий ёрдам кўрсатиш билан машғул бўлган.

Биринчи участка Янгибозор, Қарши ва Оққишлоқ советларини бирлаштирган. Янгибозор қишлоқ советидан 4 қулоқ хўжалиги, 7 нафар меҳнатга яроқли эркаклар, ҳаммаси бўлиб 22 жон, Қарши овулидан 1 хўжалик (3 жон), Оқ овулидан 2 хўжалик (16 жон) қулоққа тортилган.

Биринчи участкага вакил қилиб Рўзиев белгиланган. Бу участкани мудофаа қилиб туриш бошлиғи қилиб милиция инспектори Ҳолмуродов, техник ишлар бўйича давлат банки ходими Гарифов тайинланган. Ўз навбатида ҳар бир тезкор пунктларга ҳам вакиллар тайинланган.

Янгибозор овули бўйича Азизов, Қарши тезкор пункти бўйича Бондаренко, Оққишлоқ тезкор пункти бўйича Булекбоев вакил қилиб тайинланган. Фаоллардан қуролланган 10 киши ажратилган, улардан икки киши доимий равишда резервда турган.

Иккинчи участка Самарак, Суранкент ва Усмонак қишлоқ советларини бирлаштирган. Самарак қишлоқ советида 13 меҳнатга яроқли эркак бўлган, оилалар таркибида 35 киши истиқомат қилган 5 қулоқ хўжалиги тугатилиши керак бўлган. Суранкент овули бўйича 3 қулоқ хўжалиги (меҳнатга яроқли 3 эркак,

ҳаммаси бўлиб 12 киши), Усмонак овули бўйича жами 36 оила аъзолари, меҳнатга яроқли 5 эркак киши қулоққа тортилиши керак эди. Иккинчи участкага район сиёсий комиссияси вакили томонидан Умаров, унга ёрдамчи қилиб Тугедев ажратилган. Бу участканинг соқчилари бошлиғи қилиб катта милиционер Боймеков тайинланган. Техник ишлар учун райиждроком тугатиш комиссиясидан Зубжевский тайинланган.

Самарак тезкор пункти бўйича Бердишуров, Суранкент тезкор пункти бўйича Алиқулов тайинланган. Қуролланган фаоллардан 18 киши ажратилиб, улардан 5 киши резервда бўлган, қолган 3 киши колхоз фаолларидан отлич алоқачи бўлган.

Учинчи Кавардан ва «Биринчи май» қишлоқ советларини бирлаштирган Кавардан қишлоқ советидан 7 хўжалик, жами 60 киши ажратилиб, улардан 12 эркак қулоққа тортилади.

«Биринчи май» қишлоқ советидан меҳнатга яроқли 5 киши, оила аъзоларининг жами 22 киши бўлган 3 хўжалик қулоқ қилинади.

Учинчи участкага райкомнинг вакили қилиб Гайдешинов тайинланган, участка қўриқчиси қилиб Тереусов, техник ишлар учун Трубин тайинланган. Каварданга тезкор участка вакили қилиб Сидиқхўжаев, «Биринчи май», «Меҳнат бирлиги» овули бўйича тезкор пункти вакили қилиб Айманов тайинланган.

15 кишидан иборат қуролланган фаоллар ажратилиб, улардан 5 киши резервда ва 3—4 фаоллар алоқа учун «Меҳнат бирлиги» колхозидан ажратилган.

Тўртинчи участка Иик ва Бордонқул қишлоқ советларини бирлаштирган. Иик қишлоқ советидан 5 хўжалик, меҳнатга яроқли 7 киши, ҳаммаси бўлиб оила аъзолари билан 25 киши қулоққа тортилиши режалаштирилган. Бордонқул қишлоқ совети бўйича 3 хўжалик, меҳнатга яроқли 5 эркак, ҳаммаси бўлиб 12 киши қулоққа тортилиши кўзда тутилган. Райкомнинг вакили қилиб тўртинчи участка Салямов, шу участка соқчилик бошлиғи қилиб Холматов (катта милиционер) тайинланган, техник ишлар учун Кастилев ажратилган.

Район комендантлик пункти комендантлари Каширцев, унга мудофаа бўйича ёрдамчи қилиб Холмуҳаммедов, маъмурий хўжалик бўйича Қўрғонбоевлар тайинланган.

Район марказидаги комендатура ҳузурда 25 қизил таёқчилардан ва 10 қуролланган захирадаги фаоллардан иборат Азизов командирлигида отряд тузилган, у фақат комендант ихтиёрида бўлган. Бундан ташқари алоқа ва бошқа мақсадлар учун қуролланган отлич беш жангчи бўлган.

Қулоқлар, уларнинг оила ва буюм-анжомларини ташиш учун «III Интернационал» ва «Меҳнат бирлиги» колхозлари транспорт воситалари билан таъминлаб турган.

Қулоқлар турадиган йиғув пункти учун пилла қуритиладиган ҳовли ва савдо корпуси ажратилган. Иик участкасидаги қулоқлар

Янгибозорда тўпланмай, бирданига участка пунктидан жўнатилиши режалаштирилган.

Қулоққа тортиш ва қулоқ хўжаликларини сургун қилиш бўйича ажратилган ходимлар билан йўриқномавий кенгаш 1932 йил 12 майда ўтказилиши ва қулоққа тортилган оилалар бошлиқлари ва меҳнатга яроқли қулоқлар барча участкалар бўйича бир вақтинг ўзида 12 майдан 13 майга ўтар кечаси, соат 12 да олиниши кўзда тутилган¹.

Избоскан райони 16 та йирик қишлоқ советларидан иборат бўлгани учун 6 та — Қўқон қишлоқ, Чувама, Пойтуғ, Избоскан, Лугумбек, Озодлик участкаларига бўлинади. Ҳар бир участкада сиёсий «бешлик»лар тузилади. Операцияни ўтказиш учун 84 коммунист, 56 комсомол ва милиция таркибидагилардан иборат отряд тузилади. Тарғибот гуруҳи ташкил бўлади.

Операцияни ўтказиш ҳақидаги кўрсатма 12 май тун соат 4 да олинади. Соат 6 да йўриқномавий кенгаш ўтказилади.

«Сиёсий бешликлар ҳар бир участкага келгач, — деб ёзган эди Марказком вакили Эрматов Тошкентга, Марказком котиби А. Икромовга йўллаган ахборотида, — ҳар бир қулоқ хўжалигига учтадан вакил (коммунист, комсомол ва фаол) бириктириб қўйилди. Ҳар бир бириктириб қўйилган ўртоқ соат 4 даёқ белгиланган жойларда бўлади. Соат 4 дан қулоққа тортиш ва қулоқларнинг мол-мулкани рўйхатга олиш ҳаракати бошланади. Қулоққа тортилганларнинг ҳаммаси йиғув пунктларига олиб келинади»².

14 майда қулоққа тортилган барча хўжаликлар участкаларда тўласинча тўпланади, улар район маркази Чувамада жойлашган марказий участкага келтирилади. 16 майда сургун қилинадиган қулоқ хўжаликлари Андижонга келтирилади ва бу ерда станция ёнидаги йиғув пунктига жойлаштирилади³.

Балиқчи район сиёсий комиссияси операцияни 12 майдан 13 майга ўтар кечаси ўтказди. Қулоқ хўжаликлари уйлари тинтув қилиниб, оила бошлиқлари ҳибсга олинади, қочиб кетаётганлар ушлаб қолинади. Операция чоғида рўйхатга кирмай қолган янги қулоқлар топилди. 100 хўжалик қулоққа тортилади, сиёсий комиссия текшируви натижасида 9 хўжалик озод қилинади.

Режадаги 78 хўжалик ўрнига 91 хўжалик қулоқ қилиниб сургун қилинади. Балиқчи участкасидан 15, Гулистон участкасидан 8, Чинобод участкасидан 15, ИТС участкасидан 10, Сиза участкасидан 12, Ҳаққулбод участкасидан 14, Эски Ҳаққулбод участкасидан 18 хўжалик, яъни 125 эркак, 98 аёл, 150 бола, жами 375 киши сургун қилинади. Уларнинг мулки, от-улови колхозга бериб юборилади⁴.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 776-иш, 170—174-варақлар.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 293-иш, 21-варақ.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 293-иш, 13-варақ.

⁴ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 296-иш, 127—129-варақлар.

Район бўйича қулоқлар бадарға этилиши билан ҳар бир қишлоқда қизил калтакчилар отрядлари ташкил бўлади. Қўштепа саройидан 31 киши, Чинободдан 20 киши, Хўжаободдан 25 киши шу отрядларда фаолият кўрсатган¹.

Асакада ўтказилган операцияда йўриқномага ҳилоф ҳолда қўпол хатоликларга йўл қўйилган. Марказком вакили 1932 йил 15 майда Тошкентга йўллаган маърузаномасида шундай ёзган: «Тезкор участкаларда қўпол хатоликларга йўл қўйилган. Масалан, қулоқ хўжалиги бошлиғи сифатида Қипчоққўрғон қишлоғидан 9 ёшли болани, Лабигардон қишлоқ советидан эса ақлан мутлақо заиф аёлни сургун қилишга тайёрлаб қўйишган»².

Қулоқ хўжаликларини жўнатиш жараёни шундай тасвирланган: «Соат 10 дан бошлаб райондаги йиғув пунктига қулоқ оилалари бошлиқлари, меҳнатга яроқли эркаклар келтирилди. Икки соат ўтиб эса уларнинг оилалари олиб келтирилди. Аммо уларни кутиб олиб жойлаштириш оғир кечди. Ягона раҳбарлик, аниқ тадбирлар йўқ эди. Комендант ва унинг ёрдамчилари, ГПУ аппарати ходимлари ўзаро келиша олмай бир-бирларини зимдан кузатишарди. Қулоқ хўжаликларини қабул қилиб олиш тунги соат 2—3 ларгача чўзилиб кетган. Қишлоқлардан олиб келинган қулоқларни эшелон комендантига топшириш кундузи соат 12 дан бошланиб тунги соат 1—2 гача давом этди.

Комендатуранинг айрим аъзолари ва тиббий пункт шифокори пунктда спирт борлигидан фойдаланиб, уни аста-секин ича бошлаган. ГПУнинг Андижон сектори бошлиғи Мартинов бундан хабар топиб комендант Умаровни, унинг ёрдамчиси Кондинскийни ишдан олади, шифокор Кожевниковни пунктдан ҳайдаб юборади.

14 майга ўтар кечаси йиғув пунктида сургун қилинадиган 146 қулоқ хўжалиги, 138 оила бошлиқлари, 182 меҳнатга яроқли эркаклар, 162 аёллар, 276 болалар тайёрлаб қўйилади».

Андижон шаҳар партия комитети қошидаги сиёсий комиссия 1932 йил 9 майда 127 қулоқ хўжаликлари ишини кўриб, 96 қулоқ хўжаликларини сургун қилишга қарор қилади. Архивда қулоқ қилиниб, мол-мулки мусодара этилиб, ўзлари сургун қилинганларнинг тўла рўйхати сақланиб қолган. Уни илова сифатида келтирамиз:

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 296-иш, 127—129-варақлар.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 295-иш, 9-варақ.

**Ўзбекистон КП(б) Андижон шаҳар партия комитети
қошидаги ёппасига жамоалаштириш асосида қулоқлар-
ни синф сифатида тугатиш бўйича сиёсий комиссия
йиғилишининг 2-сон
б а ё н н о м а с и**

Андижон шаҳар

1932 йил 9 май

Қатнашдилар: ЎзКП(б) МК вакаллари Худойқулов,
Агапов, Буриятев (шаҳар партия комитети), Домье-
ров ва Коваленко (шаҳар совети), Ҳошимов (шаҳар
касба уюшмаси), Қобилбоев (ИДИ НК), Михайлин
ва Лунев ўртоқлар.

Эшитилди:

Қарор қилинди:

Қулоқ хўжаликлари материалларини кўриб чиқиш

- | | |
|-----------------------------|---|
| 1. Мамадазиз Убайдуллаев | Қулоқ қилинсин, кўчирилсин, тасдиқлансин. |
| 2. Абдуллаев Қодирохун | Қулоқ қилинсин, кўчирилсин, материал аниқлаштирилсин. |
| 3. Мусабоев Мирхалил | Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин, материал аниқлаштирилсин. |
| 4. Маҳмудбеков Саримсоқ | Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин. |
| 5. Низаматуллаев Абдулазиз | Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин, материал аниқлаштирилсин. |
| 6. Убайдуллаев Абдулазиз | |
| 7. Юсуфбеков Турсун | Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин. |
| 8. Маҳмудалиев Ҳайдарали | Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин, материал аниқлаштирилсин. |
| 9. Тошматов Аҳмадали | Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин. |
| 10. Умархўжаев Абдуқодир | |
| 11. Матқосимов Қосим | |
| 12. Мирзабахромов Абдулхон | |
| 13. Мансурқулов Аҳмадали | |
| 14. Абдураҳмонов Абдуллажон | |
| 15. Мулларозиёв Саидназар | |
| 16. Холматов Қори | |
| 17. Умарсўфиев Абдурасул | |
| 18. Ҳамдамхўжаев Худойберди | |
| 19. Қурбонбоев Аҳмадали | |

20. Нуралиев Мулла Шерали

21. Ҳожиматов Ҳусайн

22. Холиқов Абдуҳаким

23. Ҳусанбоев Худойберди

24. Йўлдошев Отақул

25. Наратов Йўлдошбой

26. Абдукаримов Мирзакарим

27. Хўжамбердиев Парпибой

28. Ниёзматхўжаев Тошмат

29. Мадрҳошимов Мамаджонхўжи

30. Саидалиев Тилаболди

31. Жумабоев Йўлдош

32. Кенжабоев Эргашбой

33. Ҳусанбой Мамасодиқов

34. Отабоев Холберди

35. Абдумўминов Абдумухтор

36. Абдужалолов Абдулҳолиқ

37. Абдулқосим Жалилов

38. Низомов Ҳожимат

39. Ҳусанбоев Назир

40. Содиқалиев Аҳмат

41. Йўлдошев Шатинбой

42. Бадалбоев Мамаюсуф

43. Исмоилов Мамаджон

44. Абдуқодиров Машҳолиқ

45. Комилов Деҳқонбой

46. Саидалиев Мадамин

47. Маткаримов Абдухалил

48. Отабоев Азимбой

49. Алиев Фулом Акбар

50. Расулбердиев Йўлдошбой

51. Тиллабоев Қўчқор

52. Хўжаев Нурулла

53. Мамасолиев Ҳакимжон

54. Ҳожиев Фулом

55. Сотимбоев Шодмон

56. Умаралиев Абдутолиб

57. Бўтабоев Эргаш

58. Ирисов Муллаодил

59. Каримов Боймирза

260

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

60. Бобоназаров Тожибой
61. Курбонов Бегмат

62. Хўжаев Йўлчибой
63. Исабоев Маматқул
64. Мусабоев Сотинбой
65. Ҳамроқулов Б.
66. Исломов Матқосим
67. Аскаралиев Ёқубжон
68. Абдуҷабборов Собир
69. Розиков Худойберди
70. Қурбонҳожиев Йўлдошбой
71. Қозиев Матқози
72. Дўсматов Мирзакарим
73. Мамайўлчиев Абдуллажон
74. Отахонов Мамажон
75. Комилжон Ҳожиматов
76. Орзибоев Худойқулқори
77. Олимжонов Худойқул
78. Рустамбеков Тўйчибой

79. Раҳматқулов Муҳитдинбек
80. Муҳаммадалиев Эшонхўжа
81. Мадқулхўжаев Солиқўзи
82. Исмоилов Фиёсиддин
83. Содиқбоев Холидбой
84. Эшонхўжаев Худойберди
85. Аҳматқулов Юнусали
86. Ҳасанов Бахтиёр
87. Йўлдошев Қаҳҳоржон
88. Юсуббоев Зокирқори
89. Тиллақулов Назирбек
90. Ҳайитматов Содиқжон
91. Мавлонов Мулларахмон
92. Абдурахмонов Мадалиҳожӣ

93. Усмонов Камолитдин

94. Тоиров Сидиқ
95. Мулла Алиев Долимжон

96. Қосимбеков Раимбек
97. Қўчқоров Сиддиқ
98. Мамадқулов Саидқул
99. Абдурахмонов Муҳитдин
100. Раҳмонбердиев Хусанбой
101. Худойбердиев Тоштемир
102. Маролимов Йўлчибой

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.
Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.
Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.
Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин,
материал аниқлаштирилсин.
Қулоқ қилинсин ва кўчирилсин.

Қайтадан текшириш учун мате-
риал очиқ қолдирилсин.

103. Алиев Мирзасаид
104. Тошбоев
105. Раҳматов Раҳимбой
106. Абдуллаев Абдумалик
107. Маллатошев Йўлдош
108. Мирзакаримов Абдуқаим
109. Озиқбоев Нўъмон
110. Зиямутдин Муҳитдинов
111. Мирзараим Мирза Маҳмудов
112. Тошматов Жўрахон

Юқоридаги шахсларга берилган тавсияномалар илова қилинади.

Комиссия раиси
Котиб

(Худойқулов)¹
(Попов)

Бешариқ район сиёсий «учлиги» райком билан ҳамкорликда қулоқ қилиш ва уларни сургун қилиш операциясини ўтказди, 12 майдан 13 майга ўтар кечаси қишлоқ советлари бўйича ўз вакиллари юборди, 13 ва 14 майда 48 хўжалик қулоққа тортилди. Улардан 70 киши меҳнатга яроқли эркаклар, 59 нафари аёллар ва ёши 14 га тўлмаган 77 нафар болалар эди.

22 майдан 23 майгача йиғув пунктидан қулоққа тортилганларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилиб, вагонларга юкланди. Марказкомга йўлланган ахборотида «Биринчи тоифа бўйича ишни тугаллаяпмиз, иккинчи тоифа бўйича ишни давом эттирмақдамиз, қилинган ишлар бўйича қўшимча ахборотни бериб борамиз» дейилган².

Айрим районлардаги сиёсий комиссиялар ўз фаолиятларида жиддий хатоликларга йўл қўйган. Масалан, бундай ҳолат «Шеробод районидан қулоқларни кўчириш бўйича иш тўғрисида» номи остида Марказком вакили Давидовнинг ЎзКП(б) Марказий Комитетига йўллаган маърузасида ўз ифодасини топган: «ЎзКП(б) МКнинг оғоҳлантиришига ва бунинг учун етарли муддат бўлишига қарамай кўчириш тайёргарлик иши жуда ёмон олиб борилди. ГПУ район аппаратида фақат РУПга маълум бўлган 500 дан ортиқ карточка мавжудки, бундан на райком котиби, на ташкилий бўлим мудирини, на район ижроком раиси хабардор. Бу карточкалардан кейинчалик комиссия қулоққа тортиладиган 128 хўжаликни танлаб олди. Тайёргарлик сифати паст даражада бўлганлиги қулоқ хўжаликларини аниқлашдаги тайёргарлик ишларида ҳамда тезкор жараёнда мутлақо сезилиб қолди»³.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 779-иш, 130—136-варақлар.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 6-рўйхат, 297-иш, 7—10-варақлар.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 297-иш, 2—5-варақлар.

Операцияни ўтказишда Шеробод районидаги ҳолат бошқа районларга нисбатан анча мураккаб кечган эди.

Биринчидан, район ёппасига жамоалаштириш райони эмасди, жамоалаштиришда юқори фоизга жуда ҳам яқинда эришилган эди.

Иккинчидан, мавжуд колхозлар ташкилий-хўжалик жиҳатдан жуда ҳам ночор, иш ҳайвонлари кўп ҳолатларда фақат расмиятчилик учунгина умумлаштирилган, амалда эса колхозчиларнинг хусусий мулки ҳисобланган.

Учинчидан, районда фақат бир қишлоқ совети ҳудудидагина эмас, ҳатто бир қишлоқнинг ўзида ҳам катта миқдорда уруғ, қабила, уруғ-аймоқлар бор бўлиб, улар ўртасида яширилган ўзаро адоват ҳам бор эди.

Тўртинчидан, айрим қишлоқ советларидаги майда миллатлар синфий душманни синфий кураш билан («миллий жипслашув») алмаштириш ҳолати мавжуд эди (Араб қишлоқ совети — Робот тоғ).

Бешинчидан, районда гуруҳбозлик кураши бўлиб, у айрим қишлоқ советларида (Истора, Пошхўрт, Зарабоғ) катта ўринга эга эди.

Олтинчидан, районнинг чет эл давлати билан чегарадош ҳолатдалиги эди. Бунинг устига район раҳбарияти билан ГПУ ўртасидаги ўзаро муносабатнинг ёмон аҳволдалиги ҳам вазиятни анча мураккаблаштираётган эди. Оқибатда Гловонинг ишдан олиниши юз берди.

Амалда операцияга тайёргарлик ишлари Марказком вакилининг 3 майда келишидан бошланди, чунки бунга қадар райком МКнинг қарори ва йўриқномасини олмаган эди. Марказ вакили келгач, сиёсий комиссия томонидан ГПУнинг собиқ фармо-йишларидаги барча карточкалар кўриб чиқилди. Бу карточкалар бундан аввал ҳам қайта текширилиб чиқилганди. Бироқ, шубҳали карточкалар (206) райком томонидан махсус ажратган партия аъзолари билан бирга биз томонимиздан яна бир марта текшириб чиқилди. Ниҳоят, карточкалар учинчи марта текширилганда ҳам уларга нисбатан шубҳа қолди. Бу текширувлар натижасида 101 хўжаликни қулоққа тортиб, кўчириш учун белгилаб қўйилди ҳамда 27 колхозда қулоққа тортиш кўзда тутилди.

Ишнинг бу қисмидан ташқари сиёсий «учлик» биз тахминий «рўйхатга киритиш»га эътибор қаратди. Бунинг учун энг аввало ВКП(б) МКнинг сўнгги қарорлари асосида колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлаш ишидаги хатоларни тузатишга тўғри келди.

Умумшаҳар партия йиғилишида бутун фаоллар махсус йўриқнома билан таништириб чиқилди, райком бригадаларни қайта кўриб чиқиш учун 54 кишини сафарбар қилди.

Тезкор участкаларнинг бўлажак бошлиқлари операцияни ўтказадиган жойларга юборилди. Бу билан, биринчидан, колхозлар-

ни мустаҳкамлаш, оммавий ишларни авж олдириш ва участка бошлиқларини район билан, уларнинг бўлгуси ишлари билан таништиришларига эришиш кўзда тутилди.

Ўз-ўзидан маълумки, ўтказиладиган операцияни район прокуратураси бошқармасининг сиёсий комиссиясидан ва райкомнинг ташкилий бўлимидан ташқари ҳеч ким билмаслиги керак эди.

Қолаверса, районда қишлоқ советларига бириктирилган айрим вакиллар операцияни авж олдиришдан анча илгари бир қатор «сўллар»ча хатоликларга йўл қўйгандилар, хусусан, колхозларни қулоқлардан тозалаш тартибида камбағаллар ва ўрта ҳолларнинг бир қисми колхозлардан чиқариб юборилганди ва бундан ташқари камбағал ва ўрта ҳолларнинг сайлов ҳуқуқидан маҳрум қилишлар ҳам юз берганди. Шу боис сиёсий комиссия тезкор участкалар бошлиқларига бир вақтнинг ўзида кўчириш иши билан бирга ноҳаддан сайлов ҳуқуқидан маҳрум бўлганлар ҳуқуқини тиклаш ҳамда ноҳаддан колхозлардан чиқарилганларни колхозларга киритиш, айти вақтда колхозларга янги аъзоларни жалб қилиш бўйича ишни авж олдириб, бу ишга партия ва комсомолни сафарбар қилиш билан машғул бўлди.

Шеробод районида ҳам Марказкомнинг тегишли кўрсатмасига мувофиқ операция 12 майдан 13 майга ўтар кечасида бошланди. Шу тун кечасида сиёсий комиссия белгилаб қўйган барча хўжаликлар қўлга олинди ва эрталаб кўчириб юборилди. Материаллари тасдиқланмаган хўжаликлар бундан истисно бўлди. Кейинги кунларда, 22 майга қадар қўшимча қулоқ хўжаликларини аниқлаш ва нотўғри қулоқ қилиниб, йиғув пунктларида сақланаётганларни «элакдан ўтказиш» бўйича ишлар давом этди.

128 хўжаликни қулоққа тортиш ва кўчириш ҳақидаги қарор бекор этилди, янгидан 45 қулоқ хўжалиги аниқланди. Натижада жами бўлиб 81 хўжалик кўчирилди, янгидан 54 хўжалик қулоққа тортилиб, кўчирилди, ҳаммаси бўлиб 135 хўжалик қулоқ қилиниб кўчирилди. 49 та от, 8 та ҳўкиз, 71 та мол, 71 та туя, 83 та эшак, 3203 та қўй ва эчки мусодара қилинди. Кўчирилган хўжаликлар билан бирга Термизга 15 та от, 3 та ҳўкиз, 3 та туя, 10 та эшак, 7 та мол, 876 боғ беда юборилди. Мусодара қилинганларнинг жами 100.000 сўмга яқин маблағни ташкил этган.

Бу маълумотлар тахминий эди, чунки вакил Давидовнинг кетиши олдидан хўжалик ҳисоби тўласинча тузилмаганди, уни тузиш райком сиёсий комиссия аъзоси Раҳимовга топширилганди.

Барча мулк колхозларга топширилди. Операция жараёнида айрим хўжаликлар кўчирилмай қолди. Уларнинг бир қисми тезкор участка бошлиқлари томонидан ўз жойида текширилди, тор доирадаги фаоллар мажлисида комиссия томонидан келтирилган маълумотлар нотўғрилиги аниқланган.

Аксарият ҳолатларда участка бошлиқлари хўжаликларни қолдириш эмас, уларни 2-тоифага ўтказиб қўйиш билан шуғулланишган, чунки бундай хўжаликларда меҳнатга яроқдилар бўлмаган. Яна хўжаликларни «элакдан ўтказиш» Шерободаги йиғув пунктида амалга оширилди, бу ерда комиссия олиб келган барча хўжалиklar сўроқ қилинди, шубҳалилар аниқланди, участка бошлиқлари билан сиёсий комиссия аъзолари жойларга бориб текшириш ўтказдилар. Ва ниҳоят, 16 майдан 19 майгача бўлган даврда Термизга эшелонлар жўнатилгач, иккинчи жўнатиш 19 майдан 22 майгача бўлган даврда амалга оширилди. Сиёсий комиссиянинг барча аъзолари ва яна 2—3 ўртоқлар билан биргаликда бевосита жойларга бориб иккинчи марта текшириш ўтказилди. Натижада 1 ишчи, 2—3 хўжалик оиласида комсомоллар ва бир қанча камбағал ҳамда ўрта ҳол хўжалиklar бўлгани аниқланди.

Операцияни ўтказиш чоғида айрим партия ва комсомол аъзолари, ҳатто бутун бир ячейкаларнинг синфий нуқтаи назардан тойиб кетиш ҳоллари юз берди. Бундай ҳолат Зарабоғ қишлоқ советида ҳам содир бўлди. Бу ердаги «қулоқ»ларни муҳокама қилиш анкетаси ва баённомасини мажлисда қатнашганларнинг барчаси, жумладан, икки колхоз ячейкалари бюро аъзолари имзолаганлар, сиёсий комиссия кўчиришга санкция берган. Сургун учун Шеробод йиғув пунктига келтирилган бу хўжалиklar билан бирга суҳбатда биринчи хўжалик (Остан Омонов) камбағал, иккинчиси (Равшан Жўраев) ўрта ҳол хўжалик экани аниқланди. Бу аҳволни яна бир бор текшириш учун одам юборилди. Натижада уларни кўчириш фитначилик, чақимчилик ва гуруҳбозлик маъсули экани маълум бўлди.

Шуниси диққатлики, биринчи баённомани имзолаганларнинг деярли ҳаммаси иккинчи баённомага ҳам имзо чекканлар. Ячейкалар бюро аъзолари ўз «хато»ларини тан олдилар. Райком бюроси қарори билан ячейкалар бюrolари тарқатиб юборилди, ячейка бюроси аъзоси ва тезкор участка бошлиғи Ҳиммат Ашуров (райком бюроси аъзолигига номзод)нинг иши район комиссиясига берилди.

Гилясбоб ва Роботой қишлоқ советларида, кўчирилаётганлар тўғри кўчирилаётганликларини кўп марта текширишларига қарамасдан, 20 майда кўчирилаётганлар орасида ҳақиқий камбағал хўжалиklar ҳам борлиги аниқланган.

Сийлон қишлоқ советида колхоз раиси бир гуруҳ колхозчилар билан райижрокомга келиб кўчирилган қулоқни ҳимоя қилган, сўнгра бунга эришмагач, умумий мажлисда бир неча кун сўзлаган, лекин у фаоллар томонидан фош этилган.

Маърузада қулоқлар қаршилиги бир неча шаклларда юз бергани ҳам ўз аксини топган. Биринчидан, қулоқ, камбағал ва ўрта ҳол хўжалиklarнинг қочиб кетиш ҳоллари юз берди. Операция давомида кўчирилиши керак бўлганлардан 7—8 киши қочиб

кетган. Уларни ушлаш мумкин бўлмаган, фақат учтаси қайтариб олиб келинган. Кўчирилиши белгиланмаган бир неча (6 ёки 7) ҳақсизлар ва 8 ёки 9 камбағал-ўрта ҳол хўжаликлар ҳам қочиб кетган. Булар ГПУнинг маълумотлари. Бу қочиш май ойида юз берган. Энг кўп қочиш Гилясбоб қишлоқ советида юз берган.

Иккинчидан, қулоқлар қаршилигининг иккинчи шакли игвогарликдан иборат бўлиб, бу ҳолат кўпроқ Зарабоғ, Гилясбоб, Сиплоит ва бошқа қишлоқларда юз берган.

Учинчидан, қулоқлар кучли тарғибот олиб борганлар. Бу тарғибот асосан «Қулоқлар эмас, мусулмонлар кўчирилаяпти, чунки Афғонистон билан уруш бўлади», «Мулкларни, ҳатто шахсий мулкни ҳам йўқ қилиш керак, акс ҳолда қулоқ бўлиб қоласан», «Иккинчи беш йиллик режасига кўра барча мусулмонлар Россияга жўнатилади», «Барча чиройли аёллар сургунга жўнатилмайди, уларни Термизда, ГПУда қизил аскарлар учун қолдиришадди» каби миш-миш гаплардан иборат бўлган. Сиёсий комиссия бундай тарғиботнинг аниқ йўналишларига зарба беришга уринади. Хўжа Чойкан қишлоқ советида мулкларни йўқ қилиш зарурлиги ҳақида тарғибот олиб борилган. Комиссия текширув ўтказиб у ерда яшириб қўйилган шахсий мулк ҳам мусодара қилинганини аниқлайди ва бу мулкни эгасига қайтариб беради. Маърузаномادا колхозчилар, камбағаллар ва ўрта ҳол-якка хўжаликларнинг операция даврида қўшимча қулоқ хўжаликларини аниқлаш ва уларни текшириб «элакдан ўтказиш»га нисбатан пассив муносабатда бўлиш ҳоллари юз бергани, айрим ҳолатларда эса улар қулоқларни аниқлаш ва уларни «элакдан ўтказишга» ёрдам кўрсатгани, ёппасига жамоалаштириш райони ҳисобланмаган Шеробод районида колхозга кириш фактлари кўп бўлгани, ҳатто «12 май» номли колхоз ташкил қилингани, 20 майда қишлоқ советлари раислари ва уларнинг ўринбосарлари, ячейкалар котиблари ва номзодлик гуруҳлари иштирокида партия кенгаши ўтказилиб унда қулоқларни кўчириш, экин экиш якуни ва ҳосил учун курашнинг бориши, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини тайёрлаш ва ВКП(б) МКнинг колхозлар тараққиёти билан боғлиқ қарорларини муҳокама қилиш масалалари кўриб чиқилгани қайд этилган.

«Бутун партия ташкилоти ҳам қулоқлар билан курашиш тугаллангани йўқ, ҳали кўп қулоқ хўжаликлари аниқланган эмас, уларнинг қаршилиги жуда ҳам кучли бўлади, шу боис синфий хушёрлик кучайтирилиши керак, деган фикрдадир»,¹ — дейилган маъруза сўнгида. Маъруза 1932 йил 16 майда Шеробод райкоми ижроия бюросидаги йиғилишда муҳокама қилиниб, бу ҳақда алоҳида резолюция қабул қилинди. Унда қулоққа тортиш ва сургун қилиш операциясини ўтказиш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликлар очиб ташланди, галдаги вазифалар белгилаб олинди.

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-руйхат. 297-иш. 2—5-варақлар.

Резолюцияда партия ташкилоти амалга оширилган ишда тай-ёргарлик ва фаолликни таъмин этгани, қулоққа қарши курашда колхозчи батрак-камбағаллар, ўрта деҳқонлар ҳамда якка секторнинг фаоллигини ҳам авж олдириб юборишга эришгани, Зарабоғ қишлоқ советидаги Ф. Хўжаев, Зеленский номидаги колхозларнинг партия ячейкалари ўрта деҳқонларни қулоқ қилиб (Равшан Жўраев, Остон Омоновларнинг) синфий йўлни бузишга йўл қўйганлари қайд этилди. Ишчи-деҳқон инспекцияси назорат комиссиясига (Турсунов) ўн кун муддат ичида ячейка бюроси аъзоларининг хатти-ҳаракатларини Зарабоғ қишлоқ совети тезкор участкасининг бошлиғи, район комитетининг ижроия бюроси аъзолигига номзод Ҳиммат Ашуровнинг хатти-ҳаракатларини текшириб чиқиш, бунда Хашак қишлоқ совети бўйича унга (Ашуровга) нисбатан дахлдор бўлган материаллар ҳисобга олиниши, хусусан, камбағалларни колхозлардан чиқариб юбориш ҳолларини аниқлаш зарурлиги кўрсатилди.

Ташкилий бўлим мудирининг Негановнинг ячейкалар бюрolari аъзоларининг хатти-ҳаракатларини текшириш юзасидан қилган ишлари тасдиқланганлиги ҳақидаги ахбороти қабул қилиниб, Зеленский, Ф. Хўжаев номли колхозлар партия ячейкаларининг бюрolarини тарқатиб юбориш тўғрисидаги масала олдиндан ҳал қилиниши таъкидланди.

Шунингдек, ўтказилаётган операциянинг аҳамиятини старли баҳолай олмаслик ҳоллари мавжудлиги ҳам қайд этиб ўтилди. Район халқ маорифи бўлими мудирининг Маҳмудов, ЎзЛКСМ район комитети ташкилий бўлими мудирининг Файзиев, район ижроия комитети котиби Земалитдинов, почта бошлиғи Олимжонов (партиясиз) томонидан тезкор участкаларни ўзбошимчалик билан ташлаб кетганлиги ва РКХС ташкилий бўлим мудирининг Леушкиннинг ишга бюрократларча ёндошганлиги кўрсатиб ўтилди. Комсомол ташкилотининг айрим қуйи бўғинларида бу ишда ёт унсурлар билан алоқада бўлганлиги намoён бўлган.

Сиёсий «учлик»нинг район бўйича ҳаммаси бўлиб фақат 54 хўжаликни қулоқ қилганлиги, 61 хўжалик қулоқ қилиниб, сургун қилинганлиги ҳақидаги ахбороти қабул қилинди.

Шунингдек, «ёт унсурларнинг» қуйидаги «тезислар» бўйича ташвиқот олиб бораётганликлари қайд этилди: иккинчи беш йилликда барча мусулмонларни РСФСРга кўчириб юборадилар, мусулмонлар кўчириб юборилган жойларга руслар олиб келиб жойлаштирилади, бадарга қилинаётган аёллар ГПУ ихтиёрида қолдирилади, чет элларга муҳожирликка чиқиб кетиш зарурияти юзага келди ва ҳоказо.

Резолюцияда шундай дейилганди: «Тезкор участкаларнинг бошлиқлари орқали сиёсий комиссияга ва оммавий ташвиқот бўлими Менглиевга колхозчилар ва якка хўжаликлар сектори ўртасида ўтказилган ишларнинг аҳамияти тўғрисида кенг тунтуриришни дарҳол таъминлаш тавсия этилсин, синфий душ-

маннинг ҳар қандай чиқишларига қатъий зарба берилсин. Ана шу ишларни амалга ошириш учун қатор масъул ташвиқотчи, тарғиботчилар белгилансин, уларнинг рўйхати бюро билан келишиб олинсин. Бутун партия ташкилотига тушунтирилсинки, қулоқларни сургун қилиш бўйича ўтказилган ишлар қулоқларга қарши кураш энди тўхтатилади дейишга ҳеч қандай асос бўлмайди.

Фош қилинмай қолган қулоқларнинг қолдиқлари ва қулоқларнинг думлари авж олаётган социалистик қурилишга ҳали қаттиқ қаршилик кўрсатадилар, бу ҳол эса бутун партия ва комсомол ташкилотларини колхознинг батрак, камбағал, ўрта ҳол фаоллари, яқка деҳқонлар билан биргаликда синфий ҳушёрликни кучайтиришни ва мустақкам колхозлар учун, СССРнинг пахта мустақиллиги учун қулоқларга қарши муросасиз кураш олиб боришни талаб қилади. Қулоқ қилиш ва сургун қилиш ишлари партия ва комсомол ячейкаларининг умумий мажлисларида ана шу нуқтаи назардан муҳокама қилинсин ва бунда ҳар бир партия ва комсомол аъзоси томонидан шу масаладаги партия йўлини тушуниб олишларига эришилсин, улар бундан буён ҳам қулоқларга қарши курашни давом эттиришга, камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларга тўғри муносабатда бўлишга сафарбар қилинсин¹.

Барча тезкор участкаларнинг бошлиқларига ўз участкалари доирасидан чиқиб кетмай шу жойларда бўлишлари кераклиги ўқтирилди ва улар ўз эътиборларини колхозларда меҳнатни ташкил қилишни яхшилашга, яғана ва чопиқ учун қишлоқ хўжалиги экинларининг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашга қаратишлари, колхозлардаги бригадалар ва партгурӯҳлар ишларини мустақкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Сиёсий тушунтириш ишларини бевосита бригадаларга кўчиришга қарор қилинди.

Участка ишидан ташкилий бўлим мудирини Леушкин чақириб олиниб, унга колхоз қурилишининг ўсиши ва белгиланган вазифаларни таъминлаш ишлари билан шуғулланиш тавсия қилинди. Жумладан, унга ўзининг йўриқчисини дарҳол Хамканга камида 2 ҳафтага колхоз қурилишини текшириб чиқиш ва мустақкамлаш учун юбориш тавсия қилинди, йўриқчига аниқ топшириқлар бериш ва уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиб туриш вазифаси топширилди.

Истора қишлоқ советида гуруҳлар кураши кескинлашиб кетганини эътиборга олиб у жойга Ниёзов ва Якушкинлар таркибидаги комиссияни юбориш, бу комиссия ўз ишини 5 июнга қадар тугаллаши ва бюрода колхоз партия ячейкаси котиби Тўрахўжаевнинг ахбороти, «Коммунизм» колхозини таянч ячейкаси котиби ва райком комиссиясининг қўшимча маърузаларини эшитиш зарурлиги қайд этилди.

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд, 8-рўйхат, 296-иш, 62-варақ.

Турсуновга район сиёсий комиссиясининг юқоридаги қарори асосида қулоқ оилалари аъзоларининг партия, комсомол аъзоси бўлишлари ва Қизил Армияда хизмат қилишлари мумкинлиги ҳақидаги масалани текшириб чиқиб, ишнинг якуни ҳақида 1 июнда ахборот бериш вазифаси топширилди.

ЎзКП(б) МКнинг кўрсатмаларига қарамай район раҳбарлари етарли даражада тайёргарлик кўрмагани оқибатида анкеталарни қараб чиқиш ва операция бошлангунга қадар уларни қайта текшириб чиқиш учун анча қўшимча вақт ва кучларни сарфлашга тўғри келган эди.

Тезкор участка бошлиғи ўринбосари сифатида почта бошлиғи Олимжонов ўзининг хатти-ҳаракатлари билан синфий душман қиёфасини ошкор қилганлиги туфайли уни бундан буён раҳбарлик ишида қолдириб бўлмаслиги таъкидланди. Район ижроия комитети фракциясига почта бошлиғини дарҳол ишдан олиб ташлаш ва унинг почта бошлиғи сифатидаги ишини текшириб чиқиш таклиф қилинди. Валиев ҳам участка ишдан чақириб олинди. Беляков, Шамгунов, Подвигинлар Кампиртепадан чақириб олинди. Абдурахмонов, Содиков, Дониёр Чориевлар участкада ишни давом эттириш учун қолдирилди.

Раҳимовга тезлик билан Бешқўтонга бориш ва Данилянининг ишини тавсифлайдиган материалларни яна бир бор текшириб чиқиш топширилди. Валиев ва Абдурахмоновлар томонидан қулоқларнинг мусодара қилинган икки пуд ёғини ўзлаштириб юборилганликлари тўғрисидаги Голотовнинг хабари текшириб чиқиладиган бўлди. Четдан келаётган аҳолининг катта оқимини ҳисобга олиб, шаҳар аҳолисининг таркиби ёмонлашувига қарши кураш мақсадида Голотовга ўз йўли билан шаҳар аҳолисининг таркибини қўшимча текшириб чиқиш юзасидан тadbирлар кўриш вазифаси топширилди.

Комендатуранинг ишида анча тартибсизликлар намоён бўлганлиги қайд этилиб, уларни тузатиш учун Вальченко томонидан анча куч сарфлашга тўғри келганди. Бу ҳақда ОГПУнинг Термиз тезкор секторига хабар етказиши қайд этилди. Комендатуранинг хўжалик қисмини текшириш зарур деб топилиб, бу иш Раҳимовга топширилди.

Партия ячейкалари бўлмаган колхозлар ва қишлоқ советларида фаолларнинг партия сафига кириш истаги борлиги туфайли ва тавсияномалар йўқлигидан улар буни бажара олмасликларини ҳисобга олиб ташкилий бўлимга партия сафларига жалб қилиш бўйича «учлик»лар ташкил этиш, шунингдек, қабул комиссиялари иши амалиётига колхозларга қабул ишларини қараб чиқиш учун боришлари зарурлиги топширилди.

ЎзКП(б) Марказий Комитетига 30 майда йўлланган «Бешариқ районида қулоқларни синф сифатида тугатиш туфайли (1932 йил 13—19 май) юзага келган сиёсий аҳвол» ҳақидаги хатда

шундай дейилган¹: «Сиёсий учлик Бешариқ район партия комитети билан биргаликда мазкур масала атрофига партия фаолларини сафарбар қилиб, ёппасига жамоалаштириш асосида қишлоқ советлари бўйича вакиллар орқали қулоқларни синф сифатида тугатиш ва уларни махсус посёлкаларга жўнатишга, колхозчилар, якка хўжаликлар, камбағаллар ва ўрта ҳоллар фаолларини сафарбар этди. Бешариқ район партия комитети ҳузурдаги вакилларга йўл-йўриқ берилгандан сўнг 12 майдан 13 майга ўтар кечаси қишлоқ советлари бўйича вакиллар юборилди. Белгиланган режага ва рўйхатга қўра 13 ва 14 майда мулкый ҳолати бўйича қулоқ хўжалигига мансуб бўлган 48 хўжалик қулоққа тортилди, улардан меҳнатга лаёқатли эркаклар 70 киши, 59 аёл ва ёши 14 га тўлмаган 77 бола. Шу йил 11 майдаги район ижроия комитети пленумида райиҷрокомдаги мавжуд маълумот ва материаллар бўйича районда 4 қулоқ бор, деб айтилган эди. Сиёсий вакиллар келгунга қадар 17 қулоқ аниқланди, улардан ери бўлган 4 қулоққа қатъий мажбуриятлар топширилган, аммо улар рўйхатга киритилмай қолинган ҳамда сиёсий вакилларга бу ҳақда маълумот берилмаган.

Ҳар хил сабаблар — касаллик, нотўғри қулоқ қилиш, аёлларнинг оғир оёқ бўлиши, қулоқларга қариндош бўлганлиги каби сабаблар билан йиғув пунктдан 17 киши жўнатишмай олиб қолинди. Айрим аёллар эрлари билан бирга кетишга розилик билдириб, жўнаш олдидан эса бормасликларини билдирадилар. Ҳаддан ошиш, чегарадан чиқиш ҳам бўлади, бундай ҳолатга ўз ўрнида барҳам берилади.

Бешариқ райони бўйича ҳаммаси бўлиб 13 та қишлоқ советлари мавжуд. Район ижроия комитети раиси ўринбосари Муҳаммадҷонов сиёсий учликнинг вакили сифатида қулоққа тортиш ва қулоқларни кўчиришнинг аҳамияти тўғрисида камбағаллар йиғилишларида етарли даражада тушунтириш ишлари олиб бормаган. Шундан сўнг қўшимча равишда қулоқликка тортилганларнинг мулкый ҳолати текширилганда ячейка котиби ва қишлоқ совети раиси (у ҳам партия аъзоси)нинг тасдиғидан ўтган рўйхатда мулкый ҳолати жиҳатидан ўрта ҳолга мансуб 5 оила қулоққа тортилгани маълум бўлади, улардан бири қулоқ қилиниб кўчириш учун район марказидаги йиғув пунктига олиб келинган, иккинчи оила Яккатут қишлоғидаги махсус посёлкада қўлга олинган, қолган 3 оила йиғув пунктида қабул қилинмади, орқасига қайтариб юборилади. Сиёсий «учлик» райком билан биргаликда жойларга текширув учун комиссия юборади. 16 майда вакил тақдим этган материаллардан ташқари комиссия томонидан иккинчи марта камбағал-батрақлар ва колхоз фаоллари билан мажлис ўтказилади, унда бу оилалар бой-қулоқ хўжаликларга мансуб эмаслиги аниқланади. Аҳвол аниқлангач, қулоққа

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-рўйхат. 296-иш. 61—63-варақлар.

тортилган мазкур оилалар дарҳол озод қилинадилар, қишлоқ совети раисига таклиф қилиниб, унга бу ҳўжаликлар ҳуқуқини тиклаш, ўзларини уйларига қайтариб юбориш вазифаси топширилади.

1. Сиёсий учлик келгунга қадар райком бу кампанияни ўтказиш учун етарли тайёргарликка эга эмас эди, камбағаллар, ўрта ҳоллар, колхозлар ва партиялилар оммаси ҳам бу ҳақда етарли тушунчага эга эмасдилар.

2. Қишлоқларда қулоққа тортиш ва қулоқларни кўчириш вақтида ҳеч қандай тартиб бузишлар, аҳоли томонидан норозиликлар юз бергани йўқ, аксинча, Бешариқ районидagi 13 та қишлоқ советларининг барчасида тушунтириш ва фаолларни сафарбар қилиш чоғида етарли даражада фаоллик кўрсатилди ва вакилларга қишлоқларда қулоққа тортиш ва қулоқ ҳўжалиklarини сургун қилиш ва бундайларни йиғув пунктларига олиб келишда зарур ёрдам кўрсатилди.

Қум қишлоқ советига қарашли Янгиқўрғон қишлоғида қулоқ қилинганларни олиб кетиш пайтида уларни кузатиш учун аёллар кўчага чиққан, улардан 50 га яқини сургун қилинаётганларнинг қариндошлари бўлган, қолган аёллар шунчаки қизиқиб кўчага чиқишган, эркаклар эса кўчаларда пайдо бўлишмаган.

Қулоққа тортилгач ва тушунтиришлардан сўнг фаоллар томонидан яна 27 кишидан иборат янги қулоқлар аниқланди, улардан 1 таси қулоқликка тортилди, қолганлари рўйхат бўйича текширилганида уларнинг ҳақсиз қилинганлар, яширин савдогарлар, руҳонийлар экани маълум бўлди, аммо бир қисмидагилар қулоққа тортиш учун материаллар етишмаслиги туфайли қайтадан ишлаб чиқиш учун тегишли ташкилотларга қайтариб юборилди.

Қишлоқлардан синфий ёт унсурлар олинганига жавобан колхозчилар, якка ҳўжаликларнинг далага чиқиб меҳнат қилишлари сезиларли даражада авж олди, пахтага ишлов беришга аҳамият берилди бошлади, эркакларгина эмас, аёллар ва ўсмирлар ҳам далага чиқабошладилар. 22 майдан 23 майгача йиғув пунктдан қулоққа тортилганларнинг ҳужжатлари расмийлаштирилиб, вагонларга юкланди.

Биринчи тоифа бўйича биринчи кампанияни тугаллаямиз, иккинчи тоифа бўйича ишни давом эттирмақдамиз, қилинган ишлар бўйича қўшимча ахборотни бериб бораемиз.

Райком котиби Умаров

Сиёсий вакиллар Зарифбоев, Сельниченко¹.

1932 йил 14 майда Избоскан районидан Марказкомга келиб тушган «Қулоқ ҳўжалиklarини кўчириш бўйича беш кунлик ахборот»да айтилишича, 3 май кечкурун Марказкомнинг қулоқ ҳўжалиklarини кўчириш бўйича 23 апрелдаги 20-сонли

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-рўйхат. 297-иш. 7—10-варақлар.

махсус фармойиши ва йўриқнома олинади ва дарҳол ишга киришилади. ГПУ бошлиғи Силинга ишни тезлаштириш топширилади.

Қулоқлар материаллари (ҳисоб карточкалари) билан таҳминан танишиб чиқилгач, камбағал-ўрта ҳол хўжаликлар қулоқ хўжаликлари рўйхатига тушиб қолмасликлари ҳақида кўрсатма берилади. Руҳонийлар ва савдогарлар ҳам қулоқлик белгиларига эга бўлмасалар қулоқ хўжаликлари рўйхатига тушиб қолмасликлари ҳақида огоҳлантирилади.

Районнинг сиёсий ҳолати шундай таърифланади: «Ҳозирги вақтда ҳеч қандай бандитлар тўдаси йўқ ва қулоқлар ҳамда руҳонийлар томонидан очиқ-ошкора чиқишлар ҳам йўқ. Бироқ айрим жойларда яширинган қулоқлар гуруҳи бор эди, унга қарши ўз вақтида чоралар кўрилди ва колхозчилар ва камбағал-ўртаҳоллар фаоллиги билан деярли тугатилди»¹.

Ҳар бир участкага операциянинг ўтказилишини таъминловчи сиёсий бешликлар ажратилган. Уларга районнинг синалган раҳбар-коммунистлари киритилган.

Бутун участка бўйича қуролли Ҳимоя қилиш учун энг ишончли коммунистлардан 84 киши, комсомолдан 56 киши, қолганлари милиция таркибидан отряд тузилади.

Ҳар бир қишлоқ совети учун райком уч кишидан иборат махсус тарғибот гуруҳларини ташкил қилади.

Операциядан кейиноқ биринчи кунда колхозлар ва ишлаб чиқариш ширкатларида кенг оммавий ишлар олиб борилади.

Қизил чойхоналарда умумий оммавий ишлар олиб борилади. Районнинг тарғибот гуруҳи озми-кўпми сиёсий жиҳатдан саводли кишилардан тузилган ва у тарғибот-оммавий ишни таъминлайди. Тарғибот гуруҳларининг раҳбарлари эълонлар, йўриқномалар билан тушунтириш ҳамда вазият билан таништириш учун чақирилиб турилади.

Қудаш (ҳозирги Ўзбекистон тумани) районида қулоқ хўжаликларни сургун қилиш бўйича сиёсий комиссия Яйпан қишлоғида 1932 йилнинг 8, 9, 10 май кунлари бўлиб, камбағаллар йиғини ва район солиқ комиссияси текширувидан ўтган 116 қулоқ хўжаликларини кўчириб юборишга қарор қилади. Шундан 30 хўжалик сургундан (айримларида меҳнатга яроқли киши бўлмаган, баъзилар қочиб кетгани, яна бошқалари эса қулоқлик белгиларига эга эмаслиги) қолдирилади². Ушбу рўйхат 273-284-бетлардаги иловада берилмоқда.

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-рўйхат. 293-иш. 23-варақ.

² ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-рўйхат. 295-иш. 39-варақ.

1932 йил 12 майдан 18 майгача бўлган вақтда Қудаш (ҳозирги Ўзбекистон тумани) районидан сургун қилинган қулоқ хўжаликлари

р ў й х а т и

Яйпан Оқтепа	1	Мир Усмон Мирпозилов	45 ёшда	Оила бош.
	2	Носира Қодирбоева	38 ёшда	Хотини
	3	Норқали	6 ёшда	Ўғли
	4	Мирали	3 ёшда	Ўғли
	5	Тарантай	13 ёшда	Қизи
	6	Ҳафиза	7 ёшда	Қизи
Бекобод	1	Турсунқул Маматқулов	45 ёшда	Оила бош.
	2	Сорабиби	20 ёшда	Хотини
Кичик Таган	1	Йўлдош Бекназаров	45 ёшда	Оила бош.
	2	Саврай биби	60 ёшда	Онаси
	3	Бехарали	35 ёшда	Хотини
	4	Эргашбой	6 ёшда	Ўғли
	5	Сотиболди	1 ёшда	Ўғли
	1	Бердиқул Рустамқулов	30 ёшда	Оила бош.
	2	Турсунбиби	30 ёшда	Хотини
	3	Тиллабиби	6 ёшда	Ўғли
	4	Излаболди	1 ёшда	Ўғли
	1	Самдناзар Искандаров	50 ёшда	Оила бош.
	2	Отахон	20 ёшда	Ўғли
	3	Аттабиби	45 ёшда	Хотини
	1	Турсунбой Рузибоев	40 ёшда	Оила бош.
	2	Уғилбиби	40 ёшда	Хотини
	3	Гуласал	5 ёшда	Қизи
	1	Абдурахим Ҳамроқулов	30 ёшда	Оила бош.
	2	Саломатбиби	26 ёшда	Хотини
	1	Ортиқбой Қурбонқулов	50 ёшда	Оила бош.
	2	Салима	35 ёшда	Хотини
	3	Турсунбой	8 ёшда	Ўғли
	4	Холинис	2 ёшда	Қизи
	1	Шаимқул Ҳайитбоев	45 ёшда	Оила бош.
	2	Қозоқбой	2 ёшда	Ўғли
	3	Майрамбиби	31 ёшда	Хотини
	1	Мирзахон Эшонов	55 ёшда	Оила бош.
	2	Озода	40 ёшда	Хотини
	3	Умри	10 ёшда	Қизи
	4	Ҳадича	2 ёшда	Қизи
Бекобод	1	Муллатош Қўзибоев	43 ёшда	Оила бош.
	2	Энажон	30 ёшда	Хотини
	3	Инобат	3 ёшда	Қизи

	1	Йўлдош Муллақўзиев	45 ёшда	Оила бош.
	2	Малика	30 ёшда	Хотини
	3	Ўғилхон	12 ёшда	Қизи
	4	Раҳима	1 ёшда	Қизи
	1	Юнус Аҳмедов	35 ёшда	Оила бош.
	1	Олимбой Мирзабоев	50 ёшда	Оила бош.
Қизил қақир	1	Абдуқодир Тўрақулов	40 ёшда	Оила бош.
	2	Қорақизбиби	25 ёшда	Хотини
	3	Ҳабибулло	12 ёшда	Ўғли
	4	Собит	5 ёшда	Ўғли
	5	Махпират	1 ёшда	Қизи
Ёмонжар қишлоғи	1	Абдуазиз Йўлдошев	38 ёшда	Оила бош.
	2	Сайрабиби	25 ёшда	Хотини
	3	Сотимбиби	2 ёшда	Қизи
Ўқчи қишлоғи	1	Сагтарқул Рўзиматқулов	50 ёшда	Оила бош.
	2	Малика	42 ёшда	Хотини
	3	Кўчқорбой	30 ёшда	Ўғли
	4	Умарабиви	25 ёшда	Келини
	5	Мадали	18 ёшда	Набираси
	6	Умарали	15 ёшда	Набираси
	7	Қамбарали	11 ёшда	Набираси
	1	Аҳмаджон Тошпўлатов	38 ёшда	Оила бош.
	2	Робиябиби	35 ёшда	Хотини
	3	Холмат	3 ёшда	Ўғли
	1	Рўзимат Сафарматов	58 ёшда	Оила бош.
	2	Файзихон	58 ёшда	Хотини
	3	Бўрибой	25 ёшда	Ўғли
	4	Абдуллажон	17 ёшда	Ўғли
	1	Ҳазратқул Турсунқулов	35 ёшда	Оила бош.
	2	Тутихон	56 ёшда	Онаси
	3	Усмон	40 ёшда	Акаси
	4	Дунёбиби	35 ёшда	Келини
	5	Ҳалича	28 ёшда	Хотини
	6	Ҳавохон	18 ёшда	Келини
	7	Туранбой	9 ёшда	Жияни
	8	Жўрахон	2 ёшда	Жияни
	9	Дилором	4 ёшда	Қизи
	10	Минавархон	1 ёшда	Қизи
	1	Алимқул Собиров	55 ёшда	Оила бош.
	2	Хонбиби	48 ёшда	Хотини
	3	Ўрмон	26 ёшда	Ўғли
	4	Робияхон	20 ёшда	Келини
	5	Маматқул	18 ёшда	Ўғли

	6 7 8	Лутфиниса Мелибой Онарбиби	17 ёшда 4 ёшда 16 ёшда	Келини Ўғли Қизи
	1 2 3 4 5 6 7 8	Пўлатбой Тўрақулов Тожибиби Ҳасанбой Аҳмадбой Рўзвонбиби Зумратой Олимжон Бунаш	52 ёшда 50 ёшда 9 ёшда 75 ёшда 20 ёшда 4 ёшда 11 ёшда 19 ёшда	Оила бош. Хотини Ўғли Акаси Келини Қизи Ўғли Акаси
	1 2 3 4 5 6	Далабой Нурматов Тўтинисо Ҳамиджон Холинисо Аширбиби Датбула	50 ёшда 45 ёшда 18 ёшда 12 ёшда 55 ёшда 13 ёшда	Оила бош. Хотини Ўғли Қизи Хотини Ўғли
Ўқчи	1 2 3 4 5 6 7	Ислонбек Ҳакимбеков Тўтинисо Фотима Назира Гулсун Марали Кимсаной	46 ёшда 42 ёшда 46 ёшда 11 ёшда 7 ёшда 4 ёшда 1 ёшда	Оила бош. Хотини Хотини Қизи Қизи Қизи Қизи
	1 2 3 4 5 6 7 8	Собир Матҳолиқов Зулайҳо Норинса Инамарсан Аҳмадали Кентиниса Зобра Эргаш	58 ёшда 20 ёшда 25 ёшда 5 ёшда 8 ёшда 25 ёшда 60 ёшда 35 ёшда	Оила бош. Хотини Божаси Жияни Жияни Божаси Онаси Ука
	1 2 3	Эргаш Маматқулов Қулдош Ҳайларали	65 ёшда 20 ёшда 25 ёшда	Оила бош. Хотини Ўғли
	1 2 3 4 5 6	Тошмурот Мақсудов Мирзаолим Асалбиби Махфиратбиби Турдиали Юнус	77 ёшда 40 ёшда 60 ёшда 32 ёшда 3 ёшда 3 ёшда	Оила бош. Ўғли Хотини Келини Невараси Невараси
Даш маҳалла	1 2 3 4 5	Эргашбой Исмадуллаев Тожибиби Асанали Фани Раҳим	45 ёшда 30 ёшда 18 ёшда 8 ёшда 4 ёшда	Оила бош. Хотини Ўғли Ўғли Ўғли

Раджабгарди	1	Сайдали Мамасобиров	55 ёшда	Оила бош.
	2	Жонбиби	50 ёшда	Хотини
	3	Саидахмад	25 ёшда	Ўғли
	4	Анкаят	22 ёшда	Келини
	5	Ворис	17 ёшда	Ўғли
	6	Тунел	10 ёшда	Ўғли
	7	Раҳбар	6 ёшда	Қизи
Ўқчи	1	Мамарози Имомқулов	65 ёшда	Оила бош.
	2	Баҳринисо	50 ёшда	Хотини
	3	Мадмусо	30 ёшда	Ўғли
	4	Турсун	25 ёшда	Келини
	5	Жўра	23 ёшда	Ўғли
	6	Шертож	20 ёшда	Келини
	7	Миркарим	5 ёшда	Невараси
	8	Тожибой	2 ёшда	Невараси
	9	Жалол	1 ёшда	Невараси
Раджабгарди	1	Мадмусо Мамазиёев	65 ёшда	Оила бош.
	2	Масан	45 ёшда	Хотини
	3	Қосим	20 ёшда	Ўғли
	4	Иноят	18 ёшда	Ўғли
Ўқчи	1	Жўрабой Саримсоқова	55 ёшда	Оила бош.
	2	Ойимбиби	45 ёшда	Хотини
	3	Қўзибиби	9 ёшда	Қизи
	4	Турдиали	2 ёшда	Ўғли
	5	Тургунбой	14 ёшда	Ўғли
	1	Асқарали Ҳакимов	45 ёшда	Оила бош.
	2	Қурбонбиби	35 ёшда	Хотини
	3	Муҳитдин	8 ёшда	Ўғли
	4	Абсамат	6 ёшда	Ўғли
	5	Мансур	1 ёшда	Ўғли
	1	Мамасоли Маматқосимов	62 ёшда	Оила бош.
	2	Олимжонбиби	35 ёшда	Хотини
	3	Мирзахон	28 ёшда	Ўғли
	4	Хандамали	17 ёшда	Ўғли
	5	Чўлпон	25 ёшда	Ўғли
	6	Аҳмадали	2 ёшда	Ўғли
	7	Асанали	9 ёшда	Ўғли
	8	Имомали	3 ёшда	Ўғли
	1	Усмон Қўлдошев	42 ёшда	Оила бош.
	2	Хайринса	32 ёшда	Хотини
	3	Кимсанбиби	4 ёшда	Қизи
Раджабгарди	1	Ниспунбой Сулаймонқулов	52 ёшда	Оила бош.
	2	Саломатбиби	40 ёшда	Хотини
	3	Юктянбиби	9 ёшда	Қизи

Дошмаҳалла	1	Ашурмат Ирматов	53 ёшда	Оила бош.
	2	Умриниса	35 ёшда	Хотини
	3	Умрибиби	70 ёшда	Онаси
	4	Лахрамбиби	6 ёшда	Қизи
	1	Нуриддин Имоминов	52 ёшда	Оила бош.
	2	Масаланус	30 ёшда	Ўғли
	3	Абдуҷаббор	16 ёшда	Ўғли
	4	Ўринбой	5 ёшда	Ўғли
	5	Ойшабиби	51 ёшда	Хотини
	6	Машака	21 ёшда	Келини
Ўрта маҳалла	1	Абдуғофир Онабоев	43 ёшда	Оила бош.
	2	Ҳамида	35 ёшда	Хотини
	3	Қурбонали	17 ёшда	Ўғли
	4	Қумри	11 ёшда	Қизи
	5	Ойша	8 ёшда	Қизи
Дошмаҳалла	1	Юсуфали Мирзалиев	42 ёшда	Оила бош.
	2	Хайринисо	30 ёшда	Хотини
	3	Безата	6 ёшда	Қизи
	4	Нишмам	6 ёшда	Ўғли
	5	Кенжабой	20 ёшда	Укаси
	1	Аҳматқул Саитқулов	54 ёшда	Оила бош.
	2	Хайринисо	52 ёшда	Хотини
	3	Тавага	14 ёшда	Ўғли
	4	Йўлдош	9 ёшда	Ўғли
	5	Тожибой	5 ёшда	Ўғли
Ўқчи Дошмаҳалла	1	Мирсолиҳ Мирсаидов	34 ёшда	Оила бош.
	2	Аҳлибиби	30 ёшда	Хотини
	3	Раҳмонберди	12 ёшда	Ўғли
Ўқчи	1	Тауль Мамазияев	53 ёшда	Оила бош.
	2	Зебинисо	40 ёшда	Хотини
	3	Туронбой	23 ёшда	Ўғли
	4	Кумушбиби	5 ёшда	Қизи
Қушқуноқ	1	Маҳмудбой Гурнатов	33 ёшда	Оила бош.
	2	Аҳматқул	50 ёшда	Акаси
	3	Мамадали	20 ёшда	Жияни
	4	Ҳамида	20 ёшда	Хотини
	5	Абдар	1 ёшда	Қизи
	6	Олича	30 ёшда	Келини
	7	Хадича	18 ёшда	Жияни
	8	Мамадали	13 ёшда	Жияни
Туман	1	Хайназар Ҳожиматов	28 ёшда	Оила бош.
	2	Ибодат	18 ёшда	Хотини
	3	Ҳамдам	1 ёшда	Ўғли

Қораёзбобо Дастурхон	1	Ашраф Мирғозиев	48 ёшда	Оила бош.
	2	Тўхташ	18 ёшда	Ўғли
	3	Зумрад	40 ёшда	Хотини
	4	Нисрат	8 ёшда	Қизи
	5	Музрот	4 ёшда	Қизи
	1	Абдурахмон Саидмуротов	30 ёшда	Оила бош.
	2	Қўшмат	30 ёшда	Хотини
	3	Бузайда	6 ёшда	Қизи
	4	Ҳайитбиби	2 ёшда	Қизи
	1	Каримжон Тўхтасинов	34 ёшда	Оила бош.
	2	Ҳожи	25 ёшда	Хотини
	3	Ақбарали	7 ёшда	Ўғли
	4	Эргашали	4 ёшда	Ўғли
	5	Зулайҳо	1 ёшда	Қизи
	1	Пўлатбой Каримқулов	75 ёшда	Оила бош.
	2	Абдуллажон	22 ёшда	Ўғли
	3	Раджабиби	40 ёшда	Хотини
	1	Шохрух Йўлдошев	28 ёшда	Оила бош.
	2	Тумансой	25 ёшда	Хотини
	3	Ҳабиба	8 ёшда	Қизи
	4	Мариям	6 ёшда	Қизи
	5	Холбиби	4 ёшда	Қизи
	1	Абдуқодир Эргашев	28 ёшда	Оила бош.
	2	Хатаким	22 ёшда	Хотини
	3	Тошматбой	14 ёшда	Ухаси
	4	Зийрат	3 ёшда	Қизи
	1	Холикул Тошматов	50 ёшда	Оила бош.
	2	Тургунбой	28 ёшда	Ўғли
	3	Разаамия	50 ёшда	Хотини
	4	Зургиса	22 ёшда	Келини
	5	Искабар	3 ёшда	Невараси
Давлат Ботир	1	Мамадиси Мамаюсупов	38 ёшда	Оила бош.
	2	Пайзибиби	23 ёшда	Хотини
	3	Хатабиби	70 ёшда	Онаси
	1	Хатшахан Раҳмонбердиев	50 ёшда	Оила бош.
	2	Пайзибиби	25 ёшда	Хотини
	3	Максуак	2 ёшда	Қизи
	4	Усмонжон	25 ёшда	Ўғли
Кудаш	1	Нишонбой Мустафақулов	44 ёшда	Оила бош.
	2	Сайдамат	26 ёшда	Хотини
	3	Подмагу	11 ёшда	Қизи

	1	Мухинит Усмонхўжаев	53 ёшда	Оила бош.
	2	Санбиби	40 ёшда	Хотини
	3	Исахан	19 ёшда	Ўғли
	4	Масида	18 ёшда	Қизи
	5	Патинисо	1 ёшда	Қизи
	6	Асилбиби	17 ёшда	Келини
	1	Мақсун Муҳитдинов	50 ёшда	Оила бош.
	2	Ҳасанбиби	40 ёшда	Хотини
	3	Бобохон	22 ёшда	Ўғли
	4	Хосият	20 ёшда	Қизи
	5	Ваққос	2 ёшда	Невараси
	6	Жайпабиби	25 ёшда	Қизи
	7	Иномжон	10 ёшда	Ўғли
	8	Манноб	3 ёшда	Ўғли
	1	Исомитдин Исақбоев	60 ёшда	Оила бош.
	2	Бозорбиби	45 ёшда	Хотини
	3	Абдуллажон	20 ёшда	Ўғли
	4	Исомитдин	8 ёшда	Ўғли
Дашҳасан	1	Ҳожибой Худойназаров	62 ёшда	Оила бош.
	2	Аршалай	50 ёшда	Хотини
	3	Ҳошимбай	25 ёшда	Ўғли
	4	Гавҳар	23 ёшда	Келини
	5	Турхон	3 ёшда	Невараси
	1	Холмат Холназаров	55 ёшда	Оила бош.
	2	Хонабиби	30 ёшда	Хотини
	3	Тошбиби	20 ёшда	Қизи
	4	Тўхтасин	4 ёшда	Ўғли
	5	Мамақўзи	2 ёшда	Қизи
	6	Эргута	1 ёшда	Ўғли
Ўрганча	1	Ўрмон Эрбутаев	37 ёшда	Оила бош.
	2	Пайзибиби	30 ёшда	Хотини
	3	Фуломжон	6 ёшда	Ўғли
	4	Йигитали	7 ёшда	Ўғли
Дашқўлпон	1	Ҳосилбой Рустамқулов	52 ёшда	Оила бош.
	2	Эргашбиби	45 ёшда	Хотини
	3	Жабарали	10 ёшда	Ўғли
	4	Раҳматали	8 ёшда	Ўғли
	5	Сайдали	5 ёшда	Ўғли
	6	Салайбиби	2 ёшда	Қизи
	1	Исакул Сулаймонқулов	65 ёшда	Оила бош.
	2	Тамасбиби	40 ёшда	Хотини
	3	Юмасана	25 ёшда	Хотини
	4	Турсунбай	12 ёшда	Ўғли

Сочтепа Қиркетмон	1	Абдурахим Саттарқулов Сорабиби	27 ёшда	Оила бош. Онаси
	2		52 ёшда	
	1	Абдурахмон Каримов Сорабиби Маҳмуд Муроджон Сорабиби Арабиби Пайғам	62 ёшда	Оила бош. Хотини Ўғли Ўғли Келини Келини Невараси
	2		58 ёшда	
	3		28 ёшда	
	4		20 ёшда	
	5		20 ёшда	
	6		18 ёшда	
	7		2 ёшда	
	1	Юнус Алимқулов Умарқул Юнусов Аҳмаджон Норинса	70 ёшда	Оила бош. Ўғли Ўғли Хотини
	2		29 ёшда	
	3		22 ёшда	
	4		40 ёшда	
	1	Йўлдашбой Мелиқулов Кумушбиби Малиса Алима Ҳожибиби	54 ёшда	Оила бош. Хотини Ўғли Ўғли Қизи
	2		40 ёшда	
	3		20 ёшда	
	4		20 ёшда	
	5		6 ёшда	
	1	Қўзибой Юнусов Кимсанбиби Иномжон	39 ёшда	Оила бош. Хотини Ўғли
	2		34 ёшда	
	3		12 ёшда	
Чирля-жийда Эски қапа	1	Ашурмат Дўсматов Ашурмат Ходжай	55 ёшда	Оила бош. Ўғли Ўғли
	2		22 ёшда	
	3		18 ёшда	
	1	Назармат Алимов Ўғилбиби	22 ёшда	Оила бош. Онаси
	2		58 ёшда	
	1	Исақбой Умрзақов Хайринса Турдинисо Эргаш Ҳалима	40 ёшда	Оила бош. Хотини Қизи Ўғли Қизи
	2		20 ёшда	
	3		9 ёшда	
	4		5 ёшда	
	5		3 ёшда	
	1	Азимбой Абдухалимов Ҳазрат Жабарали Муратбой Маматбой	40 ёшда	Оила бош. Хотини Қизи Ўғли Ўғли
	2		35 ёшда	
	3		13 ёшда	
	4		6 ёшда	
	5		4 ёшда	
Қизил Кляк Қулбобо	1	Абдухолик Абдужалилов Жамолиддин Ҳадича Ҳалима Солинисо	50 ёшда	Оила бош. Ўғли Хотини Келини Невараси
	2		30 ёшда	
	3		50 ёшда	
	4		27 ёшда	
	5		5 ёшда	

Ардақша Чирқай	1	Маҳкам Норманов	45 ёшда	Оила бош.
	2	Айтдинбиби	40 ёшда	Хотини
	3	Тоштемир	10 ёшда	Ўғли
	4	Қуролай	13 ёшда	Қизи
	5	Ўктам	4 ёшда	Ўғли
	6	Отажон	1 ёшда	Ўғли
Томашо Горск	1	Қўшмак Шермаматов	50 ёшда	Оила бош.
	2	Чинбиби	45 ёшда	Хотини
	3	Холқўзи	16 ёшда	Ўғли
	4	Ялабиби	7 ёшда	Қизи
	5	Деҳқонбой	4 ёшда	Ўғли
Янги	1	Абдували Деҳқонбоев	45 ёшда	Оила бош.
	2	Зайнатой	35 ёшда	Хотини
	3	Рустам	10 ёшда	Ўғли
	4	Қурбон	8 ёшда	Ўғли
	5	Милли	3 ёшда	Қизи
Шумкарский Қуш Қақум	1	Қамолитдин Исамутдинов	48 ёшда	Оила бош.
	2	Робиябиби	18 ёшда	Келини
	3	Қуролибиби	18 ёшда	Келини
	4	Маматбиби	50 ёшда	Хотини
	5	Маматқул	19 ёшда	Ўғли
	6	Муқумжон	1 ёшда	Жияни
	1	Исматулла Абдужабборов	35 ёшда	Оила бош.
	2	Жаҳон	50 ёшда	Онаси
	3	Мукат	6 ёшда	Қизи
	4	Ҳикмат	3 ёшда	Ўғли
	1	Исақул Содикбоев	45 ёшда	Оила бош.
	2	Мурабей	20 ёшда	Ўғли
	3	Бўсмабтиби	30 ёшда	Хотини
	4	Ойимқўзи	3 ёшда	Қизи
	5	Сантанхон	8 ёшда	Қизи
Оқмажит	1	Эгамберди Абдуллаев	35 ёшда	Оила бош.
	2	Кандасмурза	22 ёшда	Хотини
	3	Силоп	60 ёшда	Онаси
	4	Жўрабой	13 ёшда	Ўғли
	5	Ибодат	8 ёшда	Ўғли
	6	Мансур	6 ёшда	Ўғли
	1	Шермат Бойматов	58 ёшда	Оила бош.
	2	Тўқбиби	55 ёшда	Хотини
	3	Боймат	34 ёшда	Ўғли
	4	Пирматқулбиби	36 ёшда	Келини
	5	Нурсит	4 ёшда	Невараси
	6	Эгам	6 ёшда	Невараси
	7	Исломбой	20 ёшда	Ўғли

	1	Пўлат Эрматов	55 ёшда	Оила бош.
	2	Тожибой	25 ёшда	Ўғли
	3	Хайринисо	36 ёшда	Хотини
	4	Икром	15 ёшда	Ўғли
	5	Собиржон	9 ёшда	Ўғли
	6	Патма	2 ёшда	Қизи
	1	Паратбой Тошматов	40 ёшда	Оила бош.
	2	Ҳусанбиби	25 ёшда	Хотини
	3	Абдурахмон	1 ёшда	Ўғли
Султон	1	Муроджон Қўзибоев	33 ёшда	Оила бош.
Қўш Қўнякский	1	Ҳотамқул Маматқулов	45 ёшда	Оила бош.
	2	Исрабиби	35 ёшда	Хотини
	3	Юсупжон	5 ёшда	Ўғли
Қўш- Қўноқ	1	Ботирбой Рустамқулов	42 ёшда	Оила бош.
	2	Раҳимжон	19 ёшда	Ўғли
	3	Фуломиддин	7 ёшда	Ўғли
	4	Ҳалимбиби	1 ёшда	Қизи
	1	Ботирбой Нишонбоев	28 ёшда	Оила бош.
	2	Ҳасаясибиби	65 ёшда	Онаси
	3	Энабиби	25 ёшда	Хотини
	4	Ўринбой	22 ёшда	Акаси
	5	Усмонали	9 ёшда	Акаси
	6	Акасининг хотини	20 ёшда	
	7	Маҳмуд	4 ёшда	Ўғли
	1	Абдусалом Маматхолимов	68 ёшда	Оила бош.
	2	Маматхалил	39 ёшда	Ўғли
	3	Тошбиби	64 ёшда	Хотини
	4	Сайрабиби	35 ёшда	Келини
	5	Асрорали	6 ёшда	Невараси
	6	Абдулҳай	3 ёшда	Ўғли
Қатга маҳалла	1	Тўтабой Маматқулов	46 ёшда	Оила бош.
	2	Ўлмасхон	38 ёшда	Хотини
	3	Ёқубжон	15 ёшда	Ўғли
	4	Шухолоскан	10 ёшда	Қизи
	5	Аҳмаджон	5 ёшда	Ўғли
	6	Эргашбой	1 ёшда	Ўғли
Қатга янги	1	Ҳазмутдин Ҳотамқулов	60 ёшда	Оила бош.
	2	Хоппарбой	26 ёшда	Ўғли
	3	Таганбиби	60 ёшда	Хотини
	4	Майрам	21 ёшда	Келини
	5	Гайча	2 ёшда	Невараси
	6	Тожибиби	32 ёшда	Келини
	7	Жамолитдин	41 ёшда	Ўғли

	1	Маматқұл Исамбоев	60 ёшда	Оила бош.
	2	Ойимча	60 ёшда	Хотини
	3	Ўлмас	26 ёшда	Ўғли
	1	Ҳайитбой Умаралиев	72 ёшда	Оила бош.
	2	Ғофурбой	25 ёшда	Ўғли
	3	Ғанибой	22 ёшда	Ўғли
	4	Сафиябиби	65 ёшда	Онаси
Ҳайт	1	Жўрабой Абдуқодиров	60 ёшда	Оила бош.
	2	Абдуллажон	45 ёшда	Ўғли
	3	Умаржон	40 ёшда	Ўғли
	4	Розиқжон	35 ёшда	Ўғли
	5	Майрамбиби	40 ёшда	Хотини
	6	Султон	28 ёшда	Келини
	7	Мазам	8 ёшда	Невараси
	8	Раҳбар	4 ёшда	Невараси
	9	Марҳамбиби	35 ёшда	Келини
	10	Хайрамбиби	30 ёшда	Келини
Султон	1	Умрзоқ Суярқулов	37 ёшда	Оила бош.
	2	Тириаш	62 ёшда	Онаси
	3	Инитай	24 ёшда	Хотини
	4	Шахран	6 ёшда	Қизи
	5	Ашай	4 ёшда	Қизи
	6	Атбахан	1 ёшда	Қизи
Деҳқонобод	1	Олтибой Эргашев	46 ёшда	Оила бош.
	2	Жаҳонбиби	45 ёшда	Хотини
	3	Хасабиби	7 ёшда	Қизи
	4	Кароматбиби	2 ёшда	Қизи
	5	Ҳамиджон	10 ёшда	Ўғли
Эшон	1	Аҳмаджон Саитрозиев	36 ёшда	Оила бош.
	2	Аёли	30 ёшда	
	3	Қизи	6 ёшда	
Карим девоин Кайкабот	1	Ҳайитбой Ҳамдамов	70 ёшда	Оила бош.
	2	Аёли	62 ёшда	
	3	Мирзараҳим	37 ёшда	Ўғли
	4	Келини	23 ёшда	
	5	Невараси	5 ёшда	
Деқана- Қақир	1	Эгамберди Раҳимқулов	75 ёшда	Оила бош.
	2	Каримберди	45 ёшда	Ўғли
	3	Келини	35 ёшда	
	4	Аёли	50 ёшда	
	5	Жияни	13 ёшда	
Ойимча Қақир	1	Жўрабой Турсунбоев	67 ёшда	Оила бош.
	2	Мирамбиби	45 ёшда	Хотини
	3	Нишонбой	38 ёшда	Ўғли

	4	Султонбиби	30 ёшда	Келини
	5	Раҳбар	15 ёшда	Невараси
	6	Булейха	5 ёшда	Невараси
	7	Невараси	1 ёшда	Невараси
	8.	Онаси	80 ёшда	Онаси
Элчи Яйпан	1	Султонкул Тўранкул	40 ёшда	Оила бош.
	2	Сорабиби	35 ёшда	Хотини
	1	Мадраим Ҳамроқулов	44 ёшда	Оила бош.
	2	Тупанисо	32 ёшда	Хотини
	3	Абдугофур	5 ёшда	Ўғли
	4	Абдуғаҳар	6 ёшда	Ўғли
Нурсук Оталиқ	1	Йўлдош Зокиров	45 ёшда	Оила бош.
	2	Баҳринисо	45 ёшда	Хотини
	3	Йўлчибой	7 ёшда	Ўғли
	4	Шарихон	4 ёшда	Қизи
Нурсук	1	Тўхташ Исроилов	56 ёшда	Оила бош.
	2	Абдусолиқ	22 ёшда	Ўғли
	3	Абдусаттор	9 ёшда	Ўғли
	4	Эгамберди	57 ёшда	Жияни
	1	Мирмадат Мирзақулов	55 ёшда	Оила бош.
	2	Сотиболди	32 ёшда	Ўғли
	3	Абдураим	25 ёшда	Ўғли
	4	Ҳалима	17 ёшда	Қизи
	1	Йўлдош Абдуллаев	50 ёшда	Оила бош.
	2	Холмат	15 ёшда	Ўғли
	3	Аҳмаджон	11 ёшда	Ўғли
	4	Арзабиби	8 ёшда	Қизи
	5	Собитжон	3 ёшда	Ўғли
	6	Ҳалимабиби	45 ёшда	Хотини
Қўрғонча	1	Раҳматулло Далилботиров	70 ёшда	Оила бош.
	2	Нишонбиби	45 ёшда	Хотини
	3	Бозорбой	25 ёшда	Ўғли
	4	Караматбиби	24 ёшда	Келини
	5	Амаджон	12 ёшда	Ўғли
	6	Муқаррам	6 ёшда	Қизи
	1	Давил Бўтаёров	65 ёшда	Оила бош.
	2	Назомитдин	55 ёшда	Хотини
	3	Абдулладин	28 ёшда	Ўғли
	4	Исмоил	15 ёшда	Ўғли
	5	Махнабиби	32 ёшда	Келини
	6	Мулазар	6 ёшда	Невараси
	7	Ҳалича	3 ёшда	Невараси
	8	Малибиби ¹	2 ёшда	Невараси

Ж а м и: 107 оила, 528 киши жўнатилган.

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд. 8-руйхат, 295-ит. 24–34-варақлар.

«Шофиркон тарихи» (Салим Мухтор, Карим Бобомуродов) китобида Шофиркон тумани молия бўлими архивидан шу район бўйича 1928—1934 йилларда қулоқ қилинганлар рўйхати келтирилган. Рўйхатда қулоқ қилинган 521 кишининг исми ва шарифлари келтирилган¹. Уларнинг бир қисми Шимолий Кавказга, бир қисми Ўрта Осиёдаги меҳнат посёлкаларига сургун қилинган.

Марказком вакили Эрматовнинг 1932 йил 16 майда Марказком котиби Икромовга йўллаган иккинчи сон ахборотида шундай ёзилган: «Операцияни ўтказиш кунини кутиб турардик, ниҳоят 12 май тун соат 4 да кўрсатма олдик. 12 май кундузи белгиланган кишилар (коммунистлар ва комсомоллар)ни чақирдик, кеч соат 6 да йўриқномавий кенгаш ўтказдик ва унда режа ҳамда йўриқномани ўқиб бердик. Режа ва йўриқнома кунт билан кўриб чиқилгач, шу заҳотиёқ одамларни ишга киришиш учун жойларга юбордик.

Сиёсий бешликлар келиши билан белгиланган коммунистлар, комсомоллар ва партиясиз колхоз фаолларини сафарбар қилдик. Сиёсий бешликлар ҳар бир участкага келгач, ҳар бир қулоқ хўжалигига учтадан коммунист, комсомол ва фаол бириктириб қўйилди. Ҳар бир бириктирилган ўртоқ соат 4 даёқ белгиланган жойида бўлди. Соат 4 дан қулоққа тортиш ва қулоқлар мол-мулкни рўйхатга олиш ҳаракати бошланди.

Қулоққа тортилганларнинг ҳаммаси йигув пунктларига олиб келинди. Қулоқ хўжаликларида рўйхатга олинган мулклар уларнинг бутун оиласи назоратига топширилди. Ҳамма жойда колхозчилар ва камбағаллар мажлислари ўтказилди, унда кўчириладиган қулоқлар рўйхати муҳокама қилинди. Ҳамма жойда колхозчилар ва камбағаллар оммаси фаоллик кўрсатишди, ҳатто улар ҳали аниқланмаган қулоқ хўжаликларини ҳам топиб беришда фаоллик кўрсатишди.

13 майда колхозчилар, камбағаллар мажлислари ўтказилгач, кечга бориб барча участкалар бўйича қулоқлар оилалари ҳам кўчириш учун қўлга олинди.

13 май кечқурун барча қишлоқларда умумий мажлислар ўтказилиб, уларда қулоқлар билан курашиш ва катта тарғибот-оммавий ишлар олиб бориш масалалари қўйилди. Омманинг кайфияти жуда яхши, ҳамма жойда партия ва ҳукуматнинг сиёсатини маъқуллаб чиқишмоқда...»².

Зарифбоев, Умаров, Селниченколардан иборат Бешариқ сиёсий «учлиги» 12—17 май кунлари 45 та хўжаликни қулоққа тортиди. Улар Бешариқ, Янгийўл, Пастки қиёт, Дехқон Турди, Тол, Новкат, Раппан, Қум қишлоқларидан эди. Улар орасида 50 ёшли

¹ Салим Мухтор, Карим Бобомуродов. Шофиркон тарихи. Тошкент, «Ёзувчи», 1998, 16—22-бетлар.

² ЎзР ПДА. 58-фонд, 8-рўйхат, 293-иш, 21-варақ

Ҳайитбой Мамедов, 47 ёшли Қамбарали Маматбоев, 48 ёшли Ҳошимбой Бозорқулов, 40 ёшли Шермат Умарқулов, 57 ёшли Маматқул Нусратуллаевлар бор эди¹.

Қудаш (ҳозирги Ўзбекистон тумани) районида сиёсий комиссия 8—10 май кунлари Яйпан қишлоғида бўлиб, 116 қулоқ хўжалигини сургун қилишга қарор қилади. Қайта текширувдан сўнг 30 хўжалик қолдирилади.

Кармана районида қулоқ қилиш ва кўчириш ишига раҳбарлик қилган Марказком вакили Ризаев МКга «Менинг келишимгача ГПУнинг Карманадаги район аппарати томонидан 1-тоифали 33 хўжалик қулоққа тортилиб коншлагерларга сургун қилинган, райком бўлими мудири Зокиров, райижроком раиси Абдураҳмонов, ГПУ район бўлими бошлиғи Катаевдан иборат сиёсий комиссия апрелда ГПУ аппарати билан биргаликда 35 хўжаликни қулоққа тортган» деб ёзган. Ризаев келиши билан бу комиссия тарқатилиб, Ризаев раислигида сиёсий «учлик» ташкил бўлади. Сиёсий «учлик» 12 майда йўриқномавий кенгаш ўтказиб, районни 7 участкага ажратади ва уларга вакиллар тайинлайди. Барча вакиллар операцияни ўтказиш учун 12 май кечқурун жойларга жўнаб кетишади.

Ўз КП(б) МК котиби А. Икромов номига Марказком вакили Эрматовнинг ёзган хатида Избоскан районида қулоқ хўжаликларини кўчириш жараёни қуйидагича тасвирланган: «13 майда қулоққа тортилган барча қулоқ хўжаликлари 14 майда участкаларда тўласинча тўпланди ва улар район маркази Чувамада жойлашган марказий участкага келтирилди. 14 май кечга бориб ҳамма кўрсатилган участкага тўпланилди, бир қанча хўжаликлар бундан мустасно, чунки улар 13 майда кўрсатилган йиғув пунктига келтирилган эди.

Қулоқ хўжаликларини қўлга олишда колхозчилар, камбағаллар, ўрта ҳоллар оммасининг фаол иштироки кучайиб кетди. Натижада янги қулоқ хўжаликлари ҳам аниқланди.

Шуни қайд этиш керакки, ўтган йилларда қулоқ хўжаликларини аниқлашда «сўл»га оғиш ҳам бўлди, масалан, Қўқонқишлоқ участкасида (қишлоқ совети) 47 йил батраклик қилган бир деҳқон сўнгги 1927—1928 йиллари ҳеч қандай ёлланма меҳнатдан фойдаланмай Сойга 12 таноб ерга шולי эккан, қулоқ билан тил топади.

Камбағал-ўртаҳолларга нисбатан бошқа оғишлар ҳам бўлган, ҳақиқий қулоқлар эса четда қолган.

Қулоққа тортиш жараёнида, шунингдек, ўнг оғмачилик ва «сўл»га оғишлар ҳам бўлди. Тўғри, бундай ҳолат кам юз берган ва булар ўз вақтида тузатилган.

Колхозчилар ва камбағал-ўртаҳоллар ўртасидаги оммавий ишлар туфайли ўнг оппортунистлар ва «сўл»га оғувчиларнинг ҳар қандай гуруҳлари фош этилди. Айниқса 14 майдан 16 майгача омма фаоллиги юз берди, барча колхозчилар ва аҳолининг ўрта-

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-рўйхат. 297-иш, 2—4-варақлар.

ҳол-камбағал гуруҳлари қулоқлар йиғув пункти жойлашган участкалар атрофларига тўпланишиб қўлларида қизил калтаклар билан совет ҳокимиятининг қутурган душманлари қулоқларга қарши кураш олиб бориш ва уларни ёппасига жамоалаштириш асосида синф сифатида тугатишни талаб қилиб чиқдилар. 16 майда қулоқ кўчкндиларни жўнатган колхозчилар махсус қизил калтакчилар ажратиб, уларни шаҳарчага кузатиб қўйишди.

Қулоқлар кўчирилгандан сўнг тарғибот бригадаси, райком томонидан оммавий ишлар давом эттирилди, бундай ишлар барча қишлоқ советларида олиб борилди»¹.

Учкуприк (Мологов) районида 57 хўжалик (57 киши оила бошлиғи, 7 киши меҳнатга яроқли эркак, 63 меҳнатга яроқли аёл, 99 болалар, 5 қария) сургун қилинган. Қоракўл районида 145 хўжалик (941 жон, шундан 145 таси оила бошлиғи, 117 таси меҳнатга яроқли эркак) сургун қилинади².

Булунғур районида 283 хўжалик (1610 киши) сургун қилинган, шундан меҳнатга яроқли эркаклар 424, меҳнатга яроқсиз эркаклар 33, аёллар 415, болалар 378 нафар эди.

1932 йил 26 майда Булунғур район сиёсий комиссиясининг қулоққа тортиш ва қулоқларни Булунғур районида ташқари жойларга сургун қилиш тадбирларини ўтказиш бўйича йиғилиши бўлиб ўтади. Унда раис Арслонбековнинг қулоқ қилиш ва сургун қилишни ўтказишда нотўғри қулоққа тортилиб йиғув пунктларига олиб келинганлар ҳақидаги ахбороти эшитилади.

Бедана қишлоқ советида яшовчи Йўллошев Холйигит «Тойпаксой» колхози аъзоси, ўша қишлоқ советида кооператив мудири, ижтимоий келиб чиқиши жиҳатидан ўртаҳол, қулоқлик белгиларига эга бўлмагани учун қамоқдан бўшатилади.

Холваин қишлоқ совети яшовчиси, манғит Бобомуродов Муҳаммадқул, ижтимоий келиб чиқиши — камбағал, колхоз аъзоси, район сиёсий комиссияси қарори асосида қулоқ қилиниб, сургун қилишга қарор қилиниб йиғув пунктига олиб келинган. Қайтадан текширилганда Холваин қишлоқ совети камбағал-батрақлар аҳолисининг мажлисида аниқланган қулоқлик белгилари тасдиқланмаган.

Бобомуродов чиндан ҳам колхоз сафига батрак сифатида бой билан биргаликда кирган. Бобомуродовни сургун қилиш ҳақида район сиёсий комиссиясининг аввалги қарори бекор қилиниб, Бобомуродов қамоқдан бўшатилади. Холваин қишлоқ ячейкасига ва Холваин қишлоқ советига, раис муовини ўртоқ Кливлеевга ушбу ишни кўриб чиқиш ва Бобомуродовга шахсий адоват би-

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-руйхат, 293-иш, 13-варақ.

² ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-руйхат, 296-иш, 133—138-варақлар.

³ Ислонбек Арслонбековнинг ҳаёт йўли ва тақдири ҳақида қаранг: *Рустамбек Шамсутдинов*. Истиқлол йўлида шахид кетганлар. Т., «Шарқ», 2001, 375—381-бетлар.

лан уни қулоқ қилиниб, сургун қилинаётганлар рўйхатига ноҳақдан киритган айбдорларни аниқлаш топширилган. Боймуродов иши бўйича барча материаллар район сиёсий комиссияга тақдим қилинган¹.

Когон шаҳри йиғув пунктидан олиб кетилган қулоқ хўжаликлари ушбу жадвалда кўрсатилган:

№	Қишлоқ советлари	Қулоқ қилинган хўжаликлар	Қулоқ қилинган кишилар	Сигири борлар	Бузоғи борлар	Қўйи борлар	Эчкиси борлар	Ҳукин борлар	Оти борлар
1	Фрунзе қ.с.	4	17	2	—	—	—	—	—
2	Катта аргун қ.с.	5	18	3	3	—	—	1	1
3	Саёзипоён қ.с.		13	—	—	—	—	2	—
4	Хўжайқшаба қ.с.		66	8	7	1	2	1	2
5	Тойталки қ.с.		44	5	3	7	7	11	2
6	Янги ҳаёт қ.с.		26	3	3	2	3	5	—
7	Хужабарги қ.с.		27	4	4	4	4	4	—
	Ж а м и:	55	211	25	20	14	16	24	15

Нурота сиёсий «учлиги» 1932 йил 16 майда район бўйича сургун қилинадиган қулоқ хўжаликлари материалларини кўриб чиқиб, 31 қулоқ хўжалигини райондан сургун қилишга қарор қилади. Улар орасида 60 ёшли Рустам Кўзиев, 30 ёшли Истам Мирзаев, 35 ёшли Ҳайдар Шодмонов бошлиқ оилалар ҳам бўлган.

Бу 31 хўжаликнинг аввалги бошлиқлари 1930—1931 йиллари солиқ тўламаганликда айбланиб жиноий жавобгарликка тортилиб қамалганлар, айримлари қочиб кетишган эди. Бу сафар ўша хўжаликларнинг қолган аъзолари сургун қилинадиган бўлади².

ЎзКП(б) Марказий Комитети вакили Ризаевнинг А. Икромовга йўллаган мутлақо махфий хатида Кармана райони бўйича ёппасига жамоалаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш юзасидан ўтказилган тадбирлар кўрсатилган. Энг аввало районнинг сиёсий ҳолати тавсифланган:

а) район ташкилотлари 25 апрелдан 5 майгача пахта режасини бажариш бўйича қаттиқ ҳужум эълон қилганлар;

б) қаттиқ ҳужум эълон қилиниши билан қулоқлар фаоллиги ўсиб бормоқда ва синфий кураш янада авж олмақда.

Қулоқлар колхозчилар ва якка хўжаликлар орасида тарғиботни авж олдириш йўли билан ҳар қанақасига пахта режасини барбод қилишга уринадилар.

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 8-руйхат, 291-иш, 153—160-варақлар.

² ЎЗР ПДА, 58-фонд, 8-руйхат, 296-иш, 113—118-варақлар.

Қалқонота қишлоқ советидан Абдулла Ражапов, келиб чиқиши руҳоний, айни вақтда «Ворошилов» колхози аъзоси, аҳоли ўртасида тарғибот олиб борган. У шундай деган: «Япония ва бошқа буржуа мамлакатлари қулоқларни озод қилишни талаб қилиб Совет Иттифоқига босим ўтказишяпти ва Совет Иттифоқи энди қулоқларга тегишдан қўрқмоқда».

Учтут қишлоқ советидан «Будённий» колхози котиби Юсупов Муртоза (ижтимоий аҳоли — руҳоний шахс) ва ўша колхоз бригадири Эргаш Азизов (собиқ савдогар) колхоз раиси Пўлатов (камбағал)ни ўз таъсирига олганлар, оқибатда колхоз пахта экиш режасини бажара олмайди, юз пуд чигит ерга кўмиб юборилган. Бу колхозда ер ҳайдаш қоникарсиз бўлган. Уларнинг ўзлари яшириниб олганлар ва ҳозирча қаердалиги аниқ эмас.

Собиқ амир амалдори «Порахўр» Мозор қишлоғидан (Кармана) Фатаев Қаҳҳор Хитой билан чегара жойда кучли жанглار бўлмоқда ва уларга ёрдам бермоқ керак, агар биз ишламасак, СССР кураш олиб боришда кучсизланади, деган гап тарқатиб юрган ва унинг ўзи иш ташлашга даъват қилган.

Айрончи қишлоқ советидан Той Баратов деган қулоқ, «Сталин» номли колхоз аъзоси, ўзи ишга чиқмаган ва бошқаларни ҳам ишга чиқмасликка чақирган. Камбағаллар ва колхозчилар колхозларни ичидан бузишга ҳаракат қилаётган бундай қулоқлар тарғиботи билан кураш олиб бордилар. Қулоқларга қарши шафқатсиз кураш олиб борилмоқда.

Камбағал ё қулоқдан қўрққани учунми, ё қулоқ билан қариндошчилиги борлиги учунми, ёки унинг таъсирида қолгани учунми қулоқларни ҳимоя қилиб чиқмоқдалар. Ҳазорда «Файзулла Хўжаев» колхоз раиси Турди Шукуров «аҳоли» имзоси остида (қулоқлар қариндошлари) ариза ёзиб қамоққа олинган қулоқни бўшатишни талаб қилган ва уни камбағал деб ҳисоблаган. Колхозчилар буни инкор этдилар ва уни ҳамда қулоқ қариндошларини фош қилдилар.

Аримжон қишлоқ советидан қулоқ Ўрин Нуров ўз агрофига бир қанча камбағалларни — қулоқлар қариндошларини тўплаб олиб камбағалларга қарши чиқишлар қилган. Қулоқлар қариндошлари ҳам иштирок этган камбағаллар мажлисида сўзлаганлар Аримжон қишлоқ советида қулоқлар йўқ ва бўлиши мумкин ҳам эмас, деб чиқдилар, камбағаллар эса қишлоқ совети раисидан, қулоқлар думларидан қўрқиб гапирмадилар ҳам, қулоқларни сотмадилар ҳам.

Райондан келган вакил бундай ҳолатнинг уддасидан чиқа олмайди ва Ризаевнинг кистови билан расмий йиғилиш ва катта жанжалдан сўнггина райком котиби Ҳамдамов ва район контроль комиссияси раиси Козлов жойга етиб келишган. Улар томонидан мажлис ўтказилганидан сўнггина камбағаллар қулоқлар рўйхатини тасдиқлайдилар ва ҳатто шу мажлисда иштирок этаётган яна битта йирик, таъсирчан қулоқни топиб, уни ва қишлоқ

совети раисини — кулоқлар думини фош этадилар, раисни ишдан оладилар.

Туркистон қишлоқ советидаги бир қатор колхозларда раҳбарлик лавозимларини руҳонийлар, савдогарлар ва бошқа ёт унсурлар эгаллаб олишган. «Қизил қаҳрамон», «Пахтакор», «Камбағал» колхозлари котиблари руҳонийлар, имомлардан бўлган. Террорчилик ҳодисаси (Жаноус қишлоқ советида кулоқ Жўра Эшмуродов ташаббуси билан фаолни ўлдириш юз беради) ҳам бўлади. 1932 йил апрелида фаол, комсомол аъзоси, комсомол ячейкаси котибаси Башорат Бердиева ўлдирилган.

Жалоир қишлоқ советида кулоқларни синф сифатида тугатиш вақтида жамоалаштириш 45 фоиз бўлган. Бу қишлоқ совети бошқа қишлоқ советларидан шу билан фарқланадики, унинг таркибида бошқаларга нисбатан амир амалдорлари ва босмачилик ҳаракати иштирокчилари кўпроқ бўлган. Кулоқларни камбағаллар томонидан қўллаб-қувватлаш Ойранчи, Бурман, Маржонхотин қишлоқ советларида бўлган.

Кулоқлар камбағалларга қарши гуруҳ тузишга ҳаракат қилган ва камбағални кулоқ сафига киритиш учун фаол уринган. Кулоқлар ва бошқа синфий душманлар пахта режасини барбод қилиш учун курашмоқдалар. СССР пахта мустақиллигига қарши тарғибот олиб бордилар, имкон борича экин экишни орқага судрашга ва унинг муддатини узайтиришга уринганлар. Бу каби фактлар жуда кўпдир. Бундай аҳвол қишлоқда синфий кураш қанчалик кескинлашиб кетганини исботламоқда, бироқ колхозлар оммасининг саъй-ҳаракати билан режа 5 майда (маълумот бўйича) 85 фоиз қилиб бажарилган. Колхозчиларнинг аксарият кўпчилиги кулоқлар тарғиботига ва уларнинг тadbирларига қарши кураш олиб боргани ҳам қайд этилган.

Партия ячейкалари жойларда синфий курашни бошқариб туришни эплай олмаётгани, бу иш билан шуғулланишни ўз бурчлари деб ҳисобламаётганлиги оқибатида партия қарорларини партия ячейкалари ҳозиргача билмаётганлиги ҳам кўрсатилди.

Район фаоллари партия директивасини беришни ҳам эплай олмади, чунки фаолларнинг ўзлари бесабр ва ўз маълумотларини ошириш билан машғул эмас. Мисол учун XVII партия конференцияси қарорлари, ВКП(б) МКнинг сўнгги қарорлари, ВКП(б) МК Сиёсий бюроси ва Ўз КП(б) Марказий Комитети қарорлари ўрганиб чиқилмаган. Район ташкилоти умумий партия йиғилишида район соғлиқни сақлаш бўлими мудири Золотушкиннинг XVII партия конференцияси якунлари тўғрисидаги маърузасини тинглаш билангина kifояланган.

Қишлоқ ва шаҳарларда коммунистлар учун сиёсий мактаб ташкил этилмаган. И. В. Сталиннинг «Пролетарская революция» журнали таҳририятига ёзган тарихий хати бирон жойда акс эттирилмаган. Район бўйича бирон жойда Ўз КП(б) район комитетининг ячейка таянчи тузилмаган ва бу масала ўрганиб чиқилмаган.

Сиёсий ва техникавий жиҳатдан саводсиз бўлган коммунистлар бундай аҳвол шароитида синфий курашга раҳбарлик қилишга, партиянинг бош йўли учун, пахта мустақиллиги учун курашга, колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатдан мустаҳкамлашга ва бу курашда етакчи роль ўйнашлари фавқулудда оғир экани, ҳатто айрим ҳолларда улар партия йўлидан оғиб кетиб, синфий душман томонида қолиб қулоқларнинг ҳимоячиларига айланиб қолиш ҳоллари бўлиши мумкинлиги қайд этилган.

Ёппасига жамоалаштириш асосида қулоқларни синф сифатида тугатиш бўйича тадбирлар ўтказишда етакчи ролни ким ўйнаши кераклиги кўринмаётгани, коммунистлар омманинг орақасидан судралиб юраётгандек туюлаётгани ҳам таъкидланган.

Район партия ташкилоти партиявий-оммавий ишларни авж олдириш ва партия тармоғини қайта ташкил қилиш учун ҳеч қандай чоралар кўрмаётгани, бу аҳвол туфайли қулоқларни тугатиш бўйича тадбирларни ўтказиш атрофида зарур оммавий ишни авж олдирмаётгани, партия комсомол ячейкалари бу ишда ёрдам бера олмаётганликлари ҳам кўрсатилган.

Марказком вакили Ризаевнинг келишига қадар ГПУнинг Кармандаги район аппарати томонидан 1-тоифали 33 хўжалик қулоққа тортилиб, концлагерларга сургун қилинган.

Район партия комитети ўз ҳузурда район ходимларидан Зокиров (райкомнинг маданий-тарғибот бўлими мудири, 1930 йилдан ЎзКП(б) аъзоси) раислигида ва аъзолари Абдурахмонов (райижроком раиси ўринбосари), Катаевдан (ГПУ район бўлими бошлиғи) иборат сиёсий комиссия ташкил қилган. Комиссия апрель ойида ГПУ аппарати билан биргаликда 135 хўжаликни қулоққа тортган. Ризаев келиши билан комиссия тарқатиб юборилади ва унинг раислигида райком котиби Ҳамдамов ва район ижроком раиси ўринбосари Абдурахмонов (аъзолар)лардан иборат сиёсий «учлик» ташкил этилган.

Сиёсий «учлик»нинг бутун иши давомида «учлик» аъзоси Ҳамдамов биронта кенгашда ҳам қатнашмагани ва Абдурахмоновнинг икки кенгашда иштирок этгани, оқибатда Ризаев йиғилишларни маданий-тарғибот бўлими мудири Зокиров ва МТС директори Қаҳҳоров иштирокида ўтказишга мажбур бўлгани қайд этилган. Бу «учлик» қулоққа тортилиб, сургун қилиш учун олинган 135 хўжаликдан 85 хўжаликни тасдиқлайди ва улар 1932 йил 9 майда сургун қилинади — 16 хўжалик 3-тоифа бўйича, қолганлари ҳар хил сабаблар (касаллик ва бошқалар) туфайли озод қилиниб қўйиб юборилади. Бу операция ГПУ кўрсатмаси билан амалга оширилгани учун қулоқлар муддатидан олдин сургун қилинганлар. Ўзбекистон ГПУси кўрсатмаси билан сургун қилинган 85 қулоқнинг оилалари районда қолдирилган.

Район ташкилоти бу (135) қулоқ хўжалигини қулоққа тортишгача камбағаллар мажлисини ўтказган ва уларни қулоққа тортиш камбағаллар мажлисида муҳокама этилганидан сўнггина

амалга оширилган. Камбағаллар мажлисларидан ташқари меҳнаткашлар оммаси ўртасида ҳеч қандай оммавий-тушунтириш ишлари ўтказилмаган.

85 хўжалик сургун қилингандан сўнг сиёсий «учлик» қолган қулоқларни сургун қилишга киришади ва бундай мақсад учун улар устидан материал йиғиб олиш бошланган. ГПУ ва районнинг бошқа ташкилотларининг маълумотларига кўра, яна 110 хўжалик қулоққа тортилиши керак бўлган. Ишни кўриб чиққан сиёсий комиссия 92 хўжаликни қулоққа тортишни мўлжалга олади. Ўзбекистон ГПУси фармойишига мувофиқ қулоқларни қўлга олиш 12 майдан 13 майга ўтар кечаси ўтказиладиган бўлади. Бу ишга сиёсий «учлик» район ташкилотлари билан биргаликда 29 кишидан иборат район партия фаоллари ҳам сафарбар қилинади.

12 майда йўриқномавий кенгаш чақрилади, унда вакил Ризаев маъруза қилади. Район 7 та участкага ажратилади ва участка вакиллари тайинланади. Қишлоқ советлари бўйича ҳам вакиллар белгиланади. Тақсимлаш шундай бўлган:

I участка — Кармана:

- | | |
|-----------------------|-----------------------|
| а) Кармана шаҳри | Катаев, Зокиров, |
| б) Варх қишлоқ совети | Раҳматуллаев, Тиллаев |
| в) Янгиариқ | |
| г) Айрончи | |

II участка — Буркут:

- | | |
|-------------------------|------------------|
| а) Уйрат қишлоқ совети | Аҳмедов, Мирзаев |
| б) Бурман қишлоқ совети | Дубровин |

III участка — Янгиқўрғон:

- | | |
|------------------------------|-----------------------------------|
| а) Янгиқўрғон қишлоқ совети | Сурхоилюев, Отахонов,
Қаҳҳоров |
| б) Арабсарой қишлоқ совети | Содиқов |
| в) Маржонхотин қишлоқ совети | Гуржиев, Ширмуратов |

IV участка — Хазоро:

- | | |
|--------------------------|-----------------------|
| а) Армижон қишлоқ совети | Мирзакаримов, Рамонов |
| б) Хазоро қишлоқ совети | Татаулин, Умрзоқов |

V участка — Калқонота:

- | | |
|----------------------------|------------------------|
| а) Қалқонота қишлоқ совети | Шевченко, Абдураҳмонов |
| б) Учтут қишлоқ совети | Симонов, Қорахонов |

VI участка — Туркистон:

- | | |
|----------------------------|---------------------------------|
| а) Туркистон қишлоқ совети | Гарчин, Салихов,
Энштейн. |
| б) Сарпаш қишлоқ совети | Отамуродов, Маханов,
Аҳмедов |

VII участка — Жалойир:

- | | |
|--------------------------|---------------------|
| а) Жалойир қишлоқ совети | Қулармедов, Турдиев |
|--------------------------|---------------------|

Барча вакиллар 12 май кечкурун участкалар бўйича ва қишлоқ советлари бўйича жойларга жўнаб кетишган.

92 хўжаликни қўлга олиш пайтида 79 хўжалик борлиги маълум бўлган, 13 хўжалик районда эмаслиги аниқланган. 13 майда барча майда қишлоқ советлари бўйича камбағаллар мажлислари ўтказилиб, уларда қулоққа тортиладиганлар рўйхати муҳокама қилинган. Комиссия қулоққа тортган қулоқларни озод қилиш ҳоллари ҳам бўлган, чунки улар камбағаллар мажлисларида тасдиқланмаган. Қунт билан текширилгандан сўнггина айрим қулоқ қилинганлар озод қилинган. Бундайлардан 26 хўжалик аниқланган ва камбағаллар мажлисларида қўшимча яна 70 қулоқ хўжалиги аниқланган. 7 қулоқ хўжаликдан 5 таси касаллиги ва 2 таси хужжатлари расмийлаштирилмагани сабабидан сургун қилишдан озод этилган. Чунки бу икки хўжалик бошқа райондан бўлган ва у район эса уларга хужжат бермаган. Камбағаллар мажлислари ва қишлоқ советларининг кенгайтирилган пленумларида камбағаллар иштироқида сиёсий «учлик» томонидан тасдиқлангандан кейин 56 хўжалик сургун қилинади. Уларнинг оилалари 13 майда бўлиб ўтган камбағаллар мажлислари қарорларидан сўнггина сургун учун олинган. Қулоқларнинг ўзларини ҳам, уларнинг оилаларини ҳам қишлоқ фаоллари кузатиб қўйишган.

Қулоқлар рўйхатини муҳокама қилиш чоғида қулоқларни ҳимоя қилувчи икки воқеа содир бўлган; Армижон қишлоқ советидаги камбағаллар мажлисида қулоқлар қариндошлари иштирок этишган. Сиёсий «учлик» вакилининг райондан кетиши билан масала бутунлай бошқача, қулоқлар фойдасига ҳал қилинган. Бу қишлоқ советида ҳозиргача ушланмаган босмачилик ҳаракатининг 3 кишидан иборат иштирокчилари бор эди. Уларнинг тазйиқ-таъқиб билан қишлоқ советлари пахта экиш режасини бажара олмаганлар ва экилмаган катта жойлар қолиб кетган.

Иккинчи воқеа шу эдики, Арабсарой қишлоқ советида қулоққа тортиш муҳокамаси жуда оғир кечган. Бу жойда кучли уруғлараро кураш мавжуд бўлиб, у синфий курашни сусайтирган. Бу қишлоқ советида икки марта мажлис ўтказилиб, уларда Ризаевнинг ўзи қатнашишига тўғри келган.

Марказком вакилининг ёзишича, қулоққа тортишда бузилишлар асосан юз бермаган. Бундан Айрончи қишлоқ совети бўйича вакиллардан бири Тиллаев камбағаллар мажлисини ўтказиш ўрнига колхозлар раислари ва котибларининг мажлисларини ўтказган. Бунинг оқибатида «Обидова» номли колхоз раиси, ўрта ҳол ва фаол, пахта учун кураш олиб борган қулоққа тортилгани мустасно эди. Бу ҳақда маълум бўлиши биланоқ колхоз раиси тезлик билан озод қилинади ва ўзининг жойига қўйилади. Тиллаевга шошилиш тарзда камбағаллар мажлисини ўтказиб, унда қулоқлар рўйхатини муҳокама қилиш таклиф қилинади ва бу амалга ошади.

Тиллаевни жавобгарликка тортиш учун тегишли ташкилотлар олдига масала қўйилади. Бундан ташқари айрим хўжаликлар оиласида меҳнатга яроқли кишиси бўлмаган кексаларни ҳам сургун қилишдек хатоларга йўл қўйилгани учун бундайлар озод қилинган ва қишлоқ советига улар учун меҳнат нормаси миқдоридида махсус ер ажратиб бериш таклиф қилинган.

Сургун қилинаётганлар учун Кармана станциясидан махсус жой ажратилган. Улар сиёсий ходим, комендант ва соқчилик билан таъминланган. Иссиқ овқат билан суткасига бир марта таъминланиб турилган.

Кафандўзлик ва сургун қилинаётганларга нисбатан қўпол муносабатда бўлиш ҳоллари юз бермаган. Натижада 215 кишини бирлаштирган 56 қулоқ хўжаликлари 1932 йил 22 майда сургун қилинади.

Қулоқларни тугатиш вақтида 141 хўжаликдан 84 хўжалик колхозларни тозалаш оқибатида қулоқ қилинган, улардан 22 хўжалик колхозлардан бўлган ва 35 хўжалик колхозда бўлмаган. Демак, қулоқларнинг кўпчилиги сургун қилишгача колхозларни тозалаш чоғида аниқланган.

Марказком вакили Жалойир қишлоқ советида бўлганида «Молотов» колхозида шундай аҳволни кўрган. Бу колхоз раиси камбағал, лекин қулоқлар билан қариндошчилиги бор эди, у бир қулоқнинг синглисига уйланган ва шу боис у қулоқни ҳимоя қилиб чиққан. Бу колхозда қулоқларнинг қариндошлари кўп бўлган ва улар қулоққа тортилгандан сўнг улар (қариндошлари) ишга чиқмаган (қамоқдаги қулоқларни кўриш учун борганлар), натижада уч кун мобайнида 80 ишчи куни йўқотилган. Бу экиш авжига чиққан даврда юз берган. Бу воқеа тўғрисидаги иш районда ўрганиб чиқилган ва айбдорлар жавобгарликка тортилган.

Қулоқлар сургун қилинганидан сўнг 3 та колхоз ташкил бўлган, улар район колхозлар иттифоқи томонидан расмийлаштирилган. Бу тадбир ўтказилганидан сўнг меҳнаткашлар оммаси кайфияти ўзгаради, фаоллик ўсади, айниқса камбағаллар кайфияти ва фаоллиги кўтарилади. 3 та колхознинг ташкил топиши, қўшимча 10 қулоқ хўжалигининг аниқланиши бунинг ёрқин натижасидир. Агарда оммавий иш авж олдириб юборилганида эди, у ҳолда ҳозирги эришган натижага нисбатан жуда катта ютуқларни қўлга киритиш мумкин бўларди.

Сургун қилинган қулоқларнинг бутун мулклари колхозларга берилади. Мулкни бериш чоғида йўл қўйилган камчилик шу бўладики, қулоқлар мулкларини ҳар хил шахсларникида яширганлар ва улар сургун қилингандан сўнг қишлоқ советларига топширишади. Улар орасида шундай буюмлар бор эдики, низомга кўра уларни колхозга бериш мумкин эмасди, чунки бу буюмлар қулоқларнинг ўзлари билан бирга бўлиши лозим эди (идишдан тортиб уст-бошгача ва ҳоказо). Бироқ шундай уй-рўзғор бу-

юмларини колхозга топширишга мажбур бўлинади, уларни бошқа жойга топширишнинг иложи йўқ эди.

Ишда кўзбўямачилик кенг томир отгани, кейинги пайтларгача райком бюроси, райком аъзолари участкаларга бириктириб қўйилмагани, Марказий Комитет директиваларига панжа орасидан қаралаётгани, райком иш фаолияти тизимида тўласинча хотиржамлик, ўз ҳолига ташлаб қўйиш мавжудлиги қайд қилинган.

Марказий Комитет вакили Кармана районида ВКП(б) МК ва унинг Ўрта Осиё бюроси ҳамда ЎзКП(б) МКнинг муҳим қарорлари ташкилотларда ишлаб чиқилмаётганини, ўрганилмаётганини танқид қилади. Карманадаги раҳбарият танқид ва ўзини ўзи танқид қилишни ёқтирмаётганини таъкидлаб ишни соғломлаштириш ва МК директиваларини бажариш бўйича бир қанча тадбирлар таклиф берилганда райком котиби Ҳамдамов бунга бефарқ қарагани қайд этилган. Масалан, Марказком қарорига кўра Кармана райони бу йил 14.500 гектар ерга пахта экиши керак эди. Аммо район ўз олдига 14.000 гектарга пахта экиш вазифасин қўйган. Шунда Марказком вакили нима учун район МК тасдиқлаган режани ўзинча камайтиради, деб талаб қилганида Ҳамдамов бизга Икромовнинг ўзи режани 500 гектарга камайтиришга рухсат берган, деб айтган. Ризаев шундан сўнг Икромовга бу ҳақда телеграф орқали хабар қилади. Марказком котиби Лепадан режа 14.500 гектар қилиб тасдиқлангани ҳақида телеграмма келади.

Район раҳбарияти ҳатто телеграмма олингандан сўнг ҳам нозилик билдириб, узоқ қаршилик кўрсатган. Кўп муҳокама қилинганидан сўнггина қишлоқ советлари бўйича (1932 йил 20 майдан кейин) кўрсатма берилади.

Ана шундай раҳбарлик туфайли қулоқларни тугатиш бўйича тадбирлар ўтказилаётган даврда партиёга кириш учун бирорта ҳам ариза тушмаган. Пахта экиш режаси бажарилмаган. Чопиқ қониқарсиз борган. Маблағлар сафарбар қилиш 1 майда 6,7 фоизни ташкил қилган эди ва Икромов телеграммасидан сўнг биз бурилишга эришдик. 20 майда район режанинг 30 фоизини бажарди, 31 майга келиб эса 55 фоиз (аниқ эмас) бўлди¹.

ЎзКП(б) МКнинг Шерободдаги вакили Давидов Марказга шундай деб ёзган: «Операциянинг ўзи Марказкомнинг тегишли кўрсатмасига мувофиқ 12 майдан 13 майга ўтар кечасида бошланди. Шу тун кечасида сиёсий комиссия белгилаб қўйган барча хўжаликлар қўлга олинди ва эрталаб кўчириб юборилди.

...Бу операциялар «қулоқ»ларнинг қаттиқ ва хилма-хил қаршилиги шароитида амалга оширилди. Операция ўтказилаётганда «қулоқ»лар, ўртақоллар, ҳатто камбағалларнинг қочиб кетиш ҳол-

¹ ЎзР ПДА, 52-фонд, 8-руйхат, 297-иш, 30—42-варақлар.

лари кўп бўлди. Уларни ушлаш, қайтариб келиш қийин кечди. Энг кўп қочиш 1932 йил майида Гилясбоб қишлоқ советида юз берди.

Пскент райони бўйича қулоқ қилиш ва қулоқ хўжаликлари-ни сургун қилиш тадбирларини ўтказиш бўйича сиёсий «учлик» 1932 йил 11 майда «Сургун қилинаётган қулоқ хўжаликлари ва уларнинг оилаларини таъминлаш ва тиббий хизмат кўрсатиш» масаласини кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади. Абдураҳимов ва Менешлар қулоқлар ва уларнинг оилаларини йиғув пунктларига олиб келиш вақтида уларга тиббий ёрдам кўрсатиш ва ҳаммом, сартарошхона билан таъминлаш ҳақида тўхтаб ўтади. Сиёсий «учлик» қарор билан мазкур масалани, жумладан, иссиқликни бир кун ичида ҳал этишни Абдураҳимов ва Григорьянцларга топширади. Сургун қилинаётган қулоқ хўжаликлари ва уларнинг оилаларини ҳар куни бир марта иссиқ овқат ва нон билан таъминлаш Абдураҳимов, Муҳаммаджоновлар зиммасига юклатилади.

Ошхоналарнинг таъминлов имкониятини ҳисобга олиш, зарур бўлса оддий ўзбек ошхонасини ташкил этиш, ошхона ва новвойларни ўтин, кўмир ва ишчи кучи билан таъминлаш, икки кун муддатда лагерларга юборилаётган 20 от ва 10 сигирга ем-хашак тайёрлаб қўйиш учун келишиб олинади. Мазкур қарорнинг бажарилишини 12 майда сиёсий «учлик»ка хабар қилиши кўрсатилади¹.

Хатирчи райони бўйича юқорига йўлланган ҳисоботда шундай дейилган: «20 майда қулоққа тортилиб, бадарга этиладиган 103 қулоқ хўжаликлари 416 нафар оила аъзолари билан тасдиқланди. Улардан 127 киши меҳнатга яроқлидир. Улардан 96 хўжалик, 388 киши йиғув пунктида қабул қилинди. Бадарга этилаётган барча қулоқлар Хатирчи йиғув пунктидан 19 май ва 20 май эрталаб Зирабулоқдаги йиғув пунктига олиб келинган. Гончаров, Бобожонов»².

Марказкомнинг Зеленский (Асака) районидаги вакили Букреевнинг 1932 йил 15 майда Тошкентга йўллаган маърузаномасида шундай дейилган: «13 май тонг саҳар соат 4 дан қулоқ хўжаликларининг бошлиқлари, қулоқ оиласидаги меҳнатга яроқли эракалрнин уйларидан топиб, йиғув пунктига олиб келиш бутун район бўйича бошланди. Сиёсий комиссия аъзолари барча қишлоқларда бўлишиб қулоқларни тутиб, йиғув пунктига олиб келиш билан машғул бўлишди.

Тезкор участкаларда кўпол хатоларга йўл қўйилган. Масалан, қулоқ хўжалиги бошлиғи сифатида Қипчоққўрғон қишлоғидан 9 ёшли болани, Лабигардон қишлоқ советидан эса мутлақо ақлан заиф аёлни сургун қилишга тайёрлаб қўйишган.

¹ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-руйхат, 295-иш, 6-парақ

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-руйхат, 296-иш, 133—135-парақлар.

Соат 10 дан бошлаб райондаги йиғув пунктига қулоқ оилалари бошлиқлари, меҳнатга яроқли эркаклар келтирилди. Икки соат утиб эса уларнинг оилалари олиб келтирилди. Аммо уларни кутиб олиб жойлаштириш оғир кечди.

Ягона раҳбарлик, аниқ тадбирлар йўқ эди. Комендант ва унинг ёрдамчилари, ГПУ аппарати ходимлари ўзаро келишаолмай бир-бирларини зимдан кузатишарди. Хуллас, қулоқ хўжаликларини қабул қилиб олиш тунги соат 2—3 ларгача чўзилиб кетди. Қулоқларни сургун қилиш операциясини ўтказувчилар қишлоқлардан олиб келинган қулоқларни эшелон комендантига топшириш кундузи соат 12 лардан бошланиб тунги соат 1—2 гача давом этди.

14 майга утар кечаси йиғув пунктида сургун қилинадиган 146 қулоқ хўжалиги тайёрлаб қўйилади. 138 оила бошлиғи, 182 меҳнатга яроқли эркак, 162 аёл, 276 бола, сургун қилинаётганлар билан бирга кетишни хоҳлаганлар 13 киши, ҳаммаси бўлиб 628 киши сургун қилиниши керак бўлиб, лекин уй-жойдан топилмаганлар ва қулоқ хўжаликлари бошлиқларини йиғув пунктига олиб келиш учун колхоз камбағал-батрак фаоллари сафарбар этилади.

Қулоқ хўжаликлари аъзоларининг айримлари тинтув вақтида яшириниб олиб, бир неча соат ўтгач, йиғув пунктига келганлар. Ҳатто қулоқларни тутиб олиш операциясида қочиб кетганлар ҳам келишиб, оила аъзолари билан бирга сургун қилинишларига розилик билдирган ҳолатлар ҳам бўлди»¹.

Асака йиғув пунктида «қулоқ»ларни эшелонга уриш вақтини кутиб турганларнинг кайфияти шундай тасвирланган: «Сургун қилинаётганларни билган қулоқлар тезроқ сургун қилишса бўларди, дейишмоқда. Қулоқ руҳонийлардан бири тез орада совет ҳокимиятининг умри туғайди. Совет Иттифоқи чор тарафдан ўраб олинган. Афғонистон, Эрондан ҳужум бўлади, ҳозирнинг ўзида Ёзёвон чўлида совет ҳокимиятига қарши кураш олиб бораётган одамлар бор. Инглизларнинг келиши билан бизларнинг азобларимизга барҳам берилади»².

1932 йил 21 майда ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг 211-сонли «Қулоқ хўжаликларининг белгилари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Унда жумладан шундай дейилади:

1. Қуйидаги белгилар хўжаликларни қулоқ хўжаликлари сифатида ҳисоблаш учун белгилаб қўйилсин:

а) агар мазкур хўжалик мунтазам равишда қишлоқ ишларини корхоналарда иш бажариш учун ёлланма меҳнатдан фойдаланиб келаётган бўлса қулоқ хўжалиги ҳисобланади, қуйида (2-моддада) кўрсатилган ҳолларда ва ҳажмда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш бундан мустаснодир;

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-руйхат. 295-иш. 9-варақ.

² ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-руйхат. 295-иш. 12-варақ.

б) агар хўжалик ўз ерини тўла ёки қисман ижарага берса ёки чоракорлардан ишлов беришда фойдаланса. Бундан қуйидаги ҳолларда мустасно:

1) ерни ижарага ёки чоракорларга бериш 2-моддага тааллуқли эслатмада санаб ўтилган сабаблар туфайли содир этилаётган бўлса («а» пункти);

2) ерни ижарага бериш табиий офатлар туфайли хўжаликнинг заифлашуви натижасида содир этилаётган бўлса (хонадондаги яккаю ягона меҳнатга яроқли эркакнинг узоқ давом этган бетоблиги, ишчи ҳайвонларнинг нобуд бўлиши, ўт кетиш (ёнғин чиқиши ва бошқалар);

3) оиладаги меҳнатга яроқли ягона эркак тракторчи, рулевик ва агрономия ходими сифатида ишга жалб қилинган бўлса ва шу муносабат билан мазкур хўжалик ўз ерини ижарага ёки чоракорга берса;

в) агар хўжалик қуйидаги манбалардан даромад оладиган бўлса;

1) механик двигателъ, шамол ёки сув кучи билан ҳаракатга келтириладиган саноат корхоналаридан, ҳайвон кучи билан ҳаракатга келтириладиган обжувоздан, шу шарт биланки, ана шу манбалардан олинадиган даромад йилига 150 сўмдан ошса;

2) турар-жойлар ва савдо-саноат биноларини ижарага беришдан, шу шарт мавжуд бўлсаки, турар-жойлардан олинадиган даромад йилига 350 сўмдан кўп бўлса, савдо-саноат биноларидан ва қурилишлардан даромад йилига 150 сўмдан ошиб кетса;

3) савдо-сотик, савдо воситачилиги (даллолчилик), карвонсаройлардан олинадиган даромад, ана шу манбалардан олинадиган даромад йилига 150 сўмдан ва чойхоналардан олинадиган даромад йилига 300 сўмдан ошиб кетса (бошқа меҳнатсиз даромадлар бўлмаса);

4) савдо-саноат мақсадларида боғлардан, узумзорлардан, поллизлардан даромад олиш, уларнинг майдони 1/4 гектардан ортиқ бўлса;

5) судхўрликдан даромад олинса;

б) диний маросимларда хизмат кўрсатишдан олинадиган даромад.

2. Ёлланма меҳнатдан фойдаланиш (муддатли ва кунбай) қуйидаги меъёрлардан ошиб кетмаган хўжаликлар қўлоқ хўжаликлари деб ҳисобланмайдилар:

а) республиканинг барча районларида 160 киши-куни, собиқ Хоразм округининг районларида эса 180 киши-куни деҳқончилик хўжаликларида: мазкур хўжаликларда пахтачилик фоизи шу райондаги ўртача пахтачилик фоизидан кам бўлмаса ва шу хўжаликдаги умумий суғориладиган экин майдонининг 60%идан кам бўлмаса;

б) республиканинг барча районларидаги боғлар, узумзор, поллиз ва шоли экиладиган хўжаликларда 130 киши-куни, собиқ

Хоразм округининг ана шундай хўжаликларида йилига 150 киши-кунидан ошмаса, шундай шарт биланки, боғлардан, узумзорлардан, полизчилик ва шоликорликдан олинадиган даромад хўжаликнинг бутун деҳқончиликдан оладиган даромадининг 75 фоизидан кам бўлмаса;

в) пахтачилик фоизи 60 фоиздан кам фоизни, бироқ 25%дан қуйини эмас, ташкил этган хўжаликларда 60 киши-кунигача ёлланма меҳнатдан фойдаланишга, собиқ Хоразм округи районларида эса 80 киши-кунини ёлланма меҳнатдан фойдаланишга йўл қўйилади;

г) лалмикор-ғаллакор хўжаликларда 50 киши-кунидан кўп бўлмаган ёлланма меҳнатдан фойдаланишга йўл қўйилади;

д) чорвадор хўжаликларда битта ёлланма чўпондан фойдаланишга йўл қўйилади, мазкур хўжаликларда белгилаб қўйилган даромадлик нормаларига кўра чорвачиликдан олинадиган даромад бутун қишлоқ хўжалигидан олинадиган даромаднинг ярмидан камини ташкил этмаслиги керак;

е) касб-хунармандчиликда ва корхоналарда (қишлоқ хўжалиги учун белгиланган нормалардан ташқари) йилига 60 киши-кунини ёки бутун йил бўйи битта шогирднинг мавжудлиги.

Эслатма. Мазкур моддада (2) кўрсатиб ўтилган ёлланма меҳнат нормалари ошиб боради (бутун нормалар туфайли хўжаликлар қулоқ хўжаликлари деб ҳисобланмайди):

а) оилада меҳнатга яроқли эркеклар бўлмаганда (тул хотинлар, етим-есирлар, меҳнатга яроқли ёшдан ўтган кексалар, уч гуруҳдаги ногиронлар, ҳарбий хизматчилар хўжаликлари, шунингдек, яккаю ягона меҳнатга яроқли эркек сайловларда қатнашганлиги, бир йилдан кам бўлмаган муддатга ўқишга жўнатилганлиги оқибатида ишлаб чиқариш жараёнида иштирок эта олмаса ёки қишлоқда оммавий кампаниялар ўтказишда ундан фойдаланилса, бундай хўжалик шу муносабат билан ёлланма меҳнатдан фойдаланишга мажбур бўлса) ёлланма меҳнатдан фойдаланишнинг ортишига йўл қўйилади — деҳқончилик хўжаликларида йилига 360 киши-кунигача, чорвадор хўжаликларда 2 чўпондан фойдаланишга йўл қўйилади;

б) касб-хунармандчилигида битта меҳнатга яроқли киши билан ишлаб чиқаришнинг амалга оширилиши мумкин бўлмаган ҳолда (темирчилик ва аравасозликда) оилада иккинчи меҳнатга яроқли одам бўлмаган шароитда битта доимий ишчини ёллаб ишлатишга йўл қўйилади;

в) касибчиликда ёлланма меҳнатдан фойдаланиш зарурияти оила аъзосининг узоқ муддатли бетоблиги ёки ўлими туфайли туғилган бўлса, агар унинг ўрнини оиланинг бошқа аъзоси билан алмаштиришнинг иложи бўлмаса район комиссиясининг ижозати билан «е» пунктида белгилаб қўйилган норма оширилиши мумкин (4-модда).

3. Қулоқ хўжалиklarининг рўйхатини тузиб чиқиш қишлоқ

советлари томонидан амалга оширилади. Бу рўйхатлар колхозчилар ва якка хўжалик фаоллари мажлисларида муҳокама қилинади.

4. Қулоқ хўжалиklarининг рўйхатини узил-кесил тасдиқлаш райижроком раиси, район назорат комиссияси ишчи-деҳқон назорат раиси, район прокурори, район молия бўлими мудир ва машина-трактор станцияси ва батраklar уюшмаси маҳаллий органи вакили таркибидаги район комиссиялари томонидан амалга оширилади.

5. Қишлоқ советлари ва район комиссиялари меҳнат хўжалиklarини қулоқлар қаторига киритиб юборганлари ва қулоқларни тўла аниқлаб чиқмаганлари учун суд ва маъмурий тартибда жавобгардирлар.

6. Район комиссияларининг қарорлари (4-модда) устидан қулоқ хўжалиklarининг шикоятларини кўриб чиқувчи марказий комиссияга арз қилиш мумкин (Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитети Президиуми ҳузуридаги марказий комиссия)¹.

Қулоқ қилиш ва сургун қилиш операциясини утказишда бу қарор асосий дастур, йўриқнома хизматини ўтайди.

Шерободдан 86 хўжаликни «сургун сафари»га жўнатиш чоғида одамлар орасида: «Иккинчи беш йилликда барча мусулмонлар РСФСРга кўчирилади, сургун қилинган мусулмонлар жойларига руслар жойлаштирилади, сургун қилинаётган аёллар ГПУда қолдирилаяпти, эрлари қамоққа олинмоқда, хориж мамлакатларга муҳожир бўлиб чиқиб кетишдан бошқа бир илож қолмади» деган гаплар ҳам тарқатилганди².

14 май куни Асакадаги йиғув пунктида сургунга юборилаётганлар олдида «Қизил ботир» колхозини бошқаруви аъзоси тўпланиб турган деҳқонларга қарата «Мана, совет ҳокимияти қулоқларни сургун қилаяпти, аҳолининг тинч-осойишта ҳаёт кечиришига йўл бермаяпти ва тез орада катта ўзгаришлар бўлади», деб тарғибот қилади. Бу шахс шу заҳотиёқ қамоққа олинади. Шу вақтда «Иттифоқ» қишлоқ советида ҳам советларга қарши тарғибот олиб борилаётгани ҳақида икки воқеа юз беради. Бунга қарши райком ва ГПУ аппарати чора кўради³.

Қулоққа тортилиб, сургун қилиш учун йиғув пунктларига олиб келинганларни жўнатиш олдидан қайта текширилганида улар орасида ноҳақдан қулоқ қилинганлар аниқланган ҳолатлар ҳам бўлган. Масалан, бешариқлик Эгамқуловнинг қарамоғида 17 киши бўлиб, шундан 5 таси меҳнатга яроқли, 12 таси боқиманда бўлган. Унинг 3 укаси 1931 йил декабрида «Гулистон» колхозига кирган, от-улов, 1 от, 1 хўкиз, 1 плут ва 48 таноб ерни колхозга топширган. Унинг оила аъзоларидан бири якка хўжалик бўлган

¹ ЎзР МДА, 837-фонд, 1-рўйхат, 35-иш, 41-варақ.

² ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 294-иш, 2—3-варақлар.

³ ЎзР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 295-иш, 11-варақ.

Эгамқулов 1931 йил учун қишлоқ хўжалиги солиғини 197 сўм 55 тийин, сув солиғини 85 сўм, суғурта солиғини 56 сўм 23 тийин миқдоридан тўлаган. Бундан ташқари 2 таноб боғдорчилик, узумчилик, 2 таноб экин экиладиган ерини топширган. Шу боис у 1932 йил 17 майда йиғув пунктида озод қилинган.

Шу куни Миразим ўғли Абдуқодир ҳам йиғув пунктида сургун қилинмай озод этилган. У 13 таноб ерга эга бўлган якка хўжалик эди. 1931 йил охирида «Ботир» колхозига кириб бутун ерини, бир отини, 1 молини, 1 аравасини колхозга топширган, 1931 йил учун 50 сўм 75 тийин қишлоқ хўжалиги, 7 сўм 83 тийин сув, 38 сўм 98 тийин суғурта солиқларини тўлаган эди. Қулоққа тортилишидан олдин колхозда оддий аъзо эди, асраб олган бир ўғли билан биргаликда 1924 йилдан 1931 йилгача деҳқончилик қилиб кун кўрган. Колхозга аввал ўғли, кейин ўзи кирган эди. Бу оила 1932 йил 17 майда йиғув пунктида озод қилиниб, аввалги ҳуқуқини тиклашга қарор қилинган¹.

1932 йил май охирида Ўзбекистон бўйича сургун қилинган қулоқ хўжаликлари қуйидаги жадвалларда ифодаланган:

Ўзбекистон районларидан сургун қилинганлар тўғрисида

(1932 йил 28 майгача бўлган ҳолат)

№	Районлар	Қулоқлар жўнатиладиган станциялар	Эшелонда юкланиб жўнатирилганлар				
			Хўжа- ликлар	Жон	Эркак- лар	Аёллар	Бола- лар
Тошкент тезкор сектори							
1	Тошкент	Тошкент	86	400	120	92	188
2	Янгийўл	—•••—	27	99	30	29	40
3	Юқори Чирчиқ	—•••—	34	180	52	52	76
4	Пскент	—•••—	68	296	81	71	144
5	Мирзачўл	—•••—	32	157	41	37	79
	Ж а м и:		247	1132	324	281	527
Самарқанд тезкор сектори							
6	Икромов	Жума	54	324	85	86	153
7	Оқдарё	Самарқанд	58	219	72	50	97
8	Самарқанд	—•••—	83	382	116	88	178
9	Каттақўрғон	Каттақўрғон	105	526	170	142	214
10	Митан	—•••—	74	304	89	86	129
11	Қораларё	—•••—	135	779	288	203	288

12	Булунгур	Красногвардейск	285	1613	462	413	738
13	Нарпай	Зирабулоқ	87	430	129	120	181
14	Хатирчи	→→→	111	429	138	136	155
15	Нурота	Кармана	30	132	42	37	53
16	Пойариқ	Самарқанд	106	578	156	159	263
	Ж а м и:		1128	5716	1747	1520	2449
Андижон тезкор сектори							
17	Андижон	Андижон	101	400	141	107	152
18	Избоскан	→→→	96	322	119	76	127
19	Норин	Хаққулбод	198	891	291	248	352
20	Балиқчи	→→→	90	372	125	98	149
21	Кува	Ферченко	110	492	153	129	210
22	Ворошилов (Қурғонтепа)	Қурғонтепа	169	729	236	165	328
23	Ойям	→→→	99	450	138	113	199
24	Марҳамат	Асака	142	635	197	153	285
25	Зеленский (Асака)	→→→	163	749	246	196	307
26	Жалолқудук	Турунғозор	107	416	144	101	171
27	Сталин (Шаҳрихон)	Шаҳрихон	129	520	173	130	217
	Ж а м и:		1404	5977	1963	1516	2498
Қўқон тезкор сектори							
28	Фарғона	Горчакова	60	229	73	65	91
29	Марғилон	→→→	109	441	160	112	169
30	Бешариқ	Посетъевка	45	153	54	47	52
31	Олтиариқ	Ванновская	65	184	82	42	60
32	Қўқон	Қўқон	80	358	114	94	160
33	Молотов (Учқўприк)	→→→	56	250	77	71	102
34	Кудаш (Ўзбекистон)	→→→	108	495	163	147	185
35	Борлод	Серево	75	328	110	92	126
36	Риштон	→→→	43	156	58	36	54
	Ж а м и:		641	2596	891	706	999
Бухоро тезкор сектори							
37	Кармана	Кармана	57	217	99	63	85
38	Ғиждувон	Қизилтепа	92	434	246	274	403
39	Бауман	→→→	79	489	190		
40	Янги Бухоро	Когон	68	234	80	80	74
41	Эски Бухоро	Эски Бухоро	114	524	155	158	211
42	Ромитан	→→→	140	768	217	214	337
43	Вобкент	→→→	211	1097	355	319	423
44	Қорақўл	Қорақўл	145	941	286	280	375
	Ж а м и:		906	4704	1408	1388	1908

Наманган		тезкор сектори					
45	Наманган	Наманган	81	257	113	61	83
46	Косонсой	→→→	41	171	53	46	72
47	Янгиқўрғон	→→→	36	142	44	37	61
48	Чуст	Чуст	64	309	109	87	113
49	Поп	Поп	53	267	74	73	120
	Жами:		275	1146	393	304	449
Термиз		тезкор сектори					
50	Денов	Денов	96	412			
51	Сариосиё	→→→	50	275			
52	Жарқўрғон	Жарқўрғон	15	52	17	17	18
53	Паттакесар	Термиз	18	103	24	34	45
54	Шеробод	→→→	86	392	110	120	162
	Жами:		265	1234	151	171	225
	54 район бўйича						
	Ж а м и:		4865	22505	6877	5886	9055

Изоҳ: а) Бауман (Шофиркон) райони бўйича қанча эркак, қанча аёл, қанча бола сургун қилингани айтилмаган; б) Денов ва Сариосиё туманлари бўйича дарё суви тошиб кетганлиги сабабидан қулоқлар эшелонга чиқарилмай қолган, улар йиғув пунктида сақлаб турилган; в) Денов ва Сариосиё районлари бўйича сургун қилинганлардан эркаклар, аёллар, болалар миқдори ҳақида маълумот берилмаган. Маълумот умумий тарзда берилган¹.

**Ўзбекистондан кўчириш учун олдиндан белгилаб
кўйилган қулоқ хўжаликлари
жадвали**

Районлар	Жамоалаштирилганлиги ҳақида белгилаш	Районда хўжаликларнинг умумий миқдори	1931 йилда кўчирилган қулоқ хўжаликлари	1932 йилда кўчирилиши керак бўлганлар	1932 йил 1 апрелда ҳибсга олинган қулоқ хўжаликлари	Райондаги умумий миқдорига нисбатан қулоқ хўжалигининг фоизи
Самарқанд						
тезкор сектори						
Икромов	Жамоалаш-	10273				
Пастдарғом	ган F	23919	—	40	90	0,3
Самарқанд	→→→	19989	409	60	92	1,9
Булунгур	тасдиқ	10381	—	400	593	2,0
Фаллаорол	→→→	8885	—	65	133	0,6

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 229-иш, 81—83-варақлар.

Пойариқ	—→—	9449	100	65	—	1,8
Митан	72%	13974	—	110	169	1,1
Ургут	61,6%	8527	—	50	143	0,3
Оқдарё	жамоалашган	105397	—	110	162	1,2
Ж а м и:	—		509	900	1382	
Тошкент тезкор сектори						
Ховос	47,0	4093	—	75	83	1,8
Ўрта Чирчиқ	51,6	7081	—	15	48	0,2
Бекобод	52,0	4058	—	19	76	0,5
Тошкент	жамоа.	20284	326	85	140	2,04
Янгийўл	Даража	12289	—	72	132	0,6
Юқори Чирчиқ	—→—	7729	160	85	97	3,2
Мирзачўл	—→—	9644	—	30	83	0,3
Пскент	—→—	9822	—	120	133	1,2
Куйи Чирчиқ	тасдиқ	4931	—	26	26	0,5
Паркент	52,2	5516	—	90	126	1,6
Курама	56,9	8153	—	103	191	1,3
Жиззах	64,3	12017	—	180	275	1,5
Зомин	68,4	7991	—	100	179	1,3
Ж а м и:	48,2	113608	486	1000	1591	1,3
Зарафшон водийси тезкор сектори						
Каттақўрғон	жамоа.	6495	123	39	60	2,4
Қорадарё	Даража	12233	226	80	15	
Нарпай	—→—	18107	315	110	175	2,0
Хатирчи	тасдиқ	9391	—	26	50	0,3
Нурота	—→—	7607	—	20	68	0,3
Кармана	—→—	9796	—	25	58	0,3
Ж а м и:	—→—	63729	664	300	627	1,5
Бухоро тезкор сектори						
Ғиждувон	жамоа.	22,975	50	120	250	0,7
Бауман	даража	8,943	173	80	154	2,8
Янги Бухоро	—→—	4,849	91	40	120	2,7
Эски Бухоро	—→—	16,153	233	90	198	1,9
Вобкент	—→—	12,035	202	55	103	2,1
Қорақўл	—→—	9,432	131	40	116	1,8
Ромитан	—→—	9,149	186	75	120	2,8
Ж а м и:	—→—	83,536	1,066	500	1,061	
Қашқадарё тезкор сектори						
Косон	19,0	12957	—	180	317	1,3
Шаҳрисабз	56,0	17719	—	200	402	1,1
Яккабоғ	30,0	9455	—	75	140	0,8
Бехбудий	39,0	12785	—	30	66	0,2
Ғузур	68,0	9516	—	50	101	0,5
Чироқчи	18,0	9728	—	65	87	0,7
Ж а м и:		72160	—	600	1113	0,8

1971-1972-1973

Сурхондарё		тезкор	сектори			
Сариосиё	жамоалаш	8681	—	—	—	—
Денов	—→→—	14041	—	29	—	—
Паттақесар	тасдиқ	2914	—	—	—	—
Жарқурғон	—•→—	5790	—	70	—	—
Шеробод	50,0	11591	—	—	—	—
Бойсун	86,4	9154	—	—	—	—
Ж а м и:		52272	—	127	—	—
Хоразм		тезкор	сектори			
Хива	жамоа.	16031	—	160	—	0,9
Мангит	—→→—	5220	—	60	—	1,1
Гурлан	—→→—	6861	—	95	145	1,3
Хазорасп	тасдиқ	8599	—	100	132	1,1
Хива (шаҳри)	37,0	11653	—	100	192	0,8
Янги Урганч	53,0	9228	—	85	193	0,9
Шовот	76,0	6868	—	80	140	1,2
Ж а м и:		89460	—	680	1160	0,7
Фарғона		тезкор	сектори			
Қўқон	жамоа.	17266	91	20	67	0,6
Маргилон	—→→—	16217	261	85	138	2,1
Фарғона	41%	10811	—	50	80	0,4
Андижон	жамоа	23319	342	150	187	2,1
Наманган	—→→—	24000	375	75	67	1,9
Бешариқ	74%	13882	201	110	180	2,2
Кудаш	жамоа	29911	331	75	97	1,3
Чуст-Поп	47,4%	17281	134	180	294	1,8
Молотов	жамоа	17831	172	70	95	1,3
Боғдод	65,4%	16848	145	35	69	1,0
Риштон	58%	12979	—	60	94	0,4
Олтиариқ	57,6%	14612	—	150	251	1,0
Кува	жамоа.	9990	66	30	36	0,9
Косонсой	49,1%	18409	—	55	112	0,2
Янгиқўрғон	жамоа.	15031	258	85	118	2,2
Норин	тасдиқ	15923	159	120	153	1,7
Избоскан	56%	19978	—	180	298	0,9
Балиқчи	тасдиқ	11505	—	50	68	0,4
Сталин	жамоа.	14298	157	60	73	1,5
(Шаҳрихон)						
Зеленский	—•→—	15111	162	40	50	1,3
(Асака)	61,3%	8722	—	160	243	1,8
Марҳамат	51%	14844	—	100	132	0,6
Жалолқудуқ	тасдиқ	11807	—	45	60	0,3
Қургонтепа	53,6%	6169	—	35	54	0,5
Ойим						
Ж а м и:			2844	2020	3046	1,2
Республика	бўйича ¹	375744	5626	4400	10659	

¹ ЎЗР ПДА, 58-фонд, 8-рўйхат, 301-иш, 34—39-варақлар.

Узбекистонда «қулоқ» этилганлар тўғрисидаги

жадвал

	Район тезкор секторлари	Райондаги барча деҳқон хўжалик-лари сони	Сургун қилинган 1931 йилда	Сургун қилинган 1932 йилда	Хўжалик-лар	Деҳқонлар хўжалик-ларининг умумий сонига нисбатан сургун қилинганлар фоизи	Районда жамоа-лаштиришнинг фоизи
Тошкент тезкор сектори							
1.	Тошкент	21021	293	86	379	1,8	78,8
2.	Янгийўл	12228	—	27	27	0,2	82,9
3.	Мирзачўл	9792	—	32	32	0,3	46,0
4.	Пскент	11995	—	68	68	0,6	(52,0)
5.	Юқори Чирчиқ	7709	73	34	107	1,4	53,2 71,1
	Ж а м и:	62745	366	247	613		
Самарқанд тезкор сектори							
1.	Икромов	9992	—	54	54	0,5	99,5
2.	Оқдарё	8494	—	58	58	0,7	92
3.	Самарқанд	23805	253	83	336	0,3	86,9
4.	Каттақўрғон	6614	75	105	180	2,7	87,0
5.	Митан	9118	—	74	74	0,8	72,0
6.	Қорадарё	12157	125	135	260	2,1	59,0
7.	Булунгур	21711	—	285	285	1,3	62,5
8.	Нарпай	21711	—	285	285	1,3	62,5
9.	Хатирчи	10724	—	111	111	1,0	78,0
10.	Нурота	7871	—	30	30	0,4	80,3
11.	Пойариқ	12608	50	106	156	1,2	79,9
	Ж а м и:	144316	703	1128	1831		
Андижон тезкор сектори							
1.	Андижон	18528	232	101	333	1,8	91,3
2.	Избоскан	21994	—	96	96	0,4	50,0
3.	Норин	17873	112	198	310	1,2	75,8
4.	Балиқчи	12241	—	90	90	0,7	80,8
5.	Ворошилов	11926	—	169	—	—	—
6.	Ойим	6102	—	99	99	1,1	68,6
7.	Марҳамат	8527	—	142	142	1,6	62,7
8.	Зеленский	15810	114	163	277	1,7	77,1
9.	Жалолқудуқ	14697	—	107	107	0,7	52,2
10.	Сталин	13035	100	129	229	1,8	85,5
	Ж а м и:	151230	599				

Қўзон							
		тезкор		сектори			
1.	Фарғона	12122	—	60	60	0,5	52,7
2.	Мирғилон	19525	183	109	292	1,5	84,5
3.	Бешариқ	13665	133	45	178	1,3	74,1
4.	Олтиариқ	12505	—	65	65	0,5	73,2
5.	Қўзон	17605	89	80	169	0,8	84,9
6.	Молотов	15671	151	56	207	1,3	84,4
7.	Кудаш	17585	238	108	346	1,8	89,6
8.	Богдол	16674	109	75	184	1,1	67,5
9.	Риштон	12634	—	43	43	0,3	62,8
Ж а м и:		137986	903	641	1544		
Бухоро							
		тезкор		сектори			
1.	Кармана	10316	—	57	57	0,6	80,8
2.	Ғиждувон	24088	30	92	122	0,5	94,4
3.	Бауман	8516	100	79	179	2,1	88,4
4.	Янги Бухоро	46929	67	68	135	2,9	85,0
5.	Эски Бухоро	17549	150	114	264	1,5	89,0
6.	Ромитан	9729	105	140	245	2,5	86,7
7.	Вобкент	13688	102	211	313	2,3	85,6
8.	Қорақўл	10663	59	145	204	1,9	80,9
Ж а м и:		99231	613	906	1519		
Наманган							
		тезкор		сектори			
1.	Наманган	27007	301	81	382	1,4	85,4
2.	Қосонсой	16716	—	41	41	0,2	60,2
3.	Янгиқўрғон	14608	168	36	204	1,4	78,6
4.	Чуст-Поп	15892	76	61 (117)	193	1,2	69,1
Ж а м и:		74223	545	275	820		
Термиз							
		тезкор		сектори			
1.	Денов	14498	25	96	121	0,8	70,5
2.	Сариосиё	9739	25	50	75	0,8	79,5
3.	Жарқўрғон	6511	50	15	65	0,9	71,5
4.	Қатта Ҳисор	3900	—	18	18	0,4	77,0
5.	Шеробод	11848	—	86	86	0,7	62,6
Ж а м и		46496	3829	4866	8695	1,2	
Ҳаммаси бўлиб:		716227	3829	4866	8695	1,2	

Ўзбекистон Давлат сиёсий бошқармасининг махсус посёлкалари ГПУси СПО мухтор вакили Ларин¹.

Шундай қилиб, Ўзбекистон бўйича 1932 йил майида 4865 хўжалик (22505 киши) қулоқ қилиниб сургун қилинган. Бироқ 1932 йилда сургун қилинганлар жадвалига нима учундир Қашқадарё ва Хоразм округларидан сургун қилинганлар кирмай қолган. Бошқа бир жадвалда эса Қашқадарё (Косондан 180, Шаҳрисабздан 200, Яккабоғдан 75, Беҳбудийдан 30, Фузордан 50, Чирочидан 65 хўжалик) округидан 600 хўжалик (1113 киши), Хоразм (Хивадан 160, Манғитдан 60, Гурландан 95, Хазораспдан 100, Хива районидан 100, Янги Урганчдан 85, Шовотдан 80) округидан 680 хўжалик (1160 киши) қулоқ қилиниб сургун қилингани кўрсатилган².

Агар бу икки округдан жўнатилган 1280 хўжалик (2273 киши) ҳам 1932 йил май ойида қулоқ қилиниб сургун қилинганларга қўшилса, у ҳолда фақатгина ўша йилнинг ўзида Ўзбекистон бўйича 6145 хўжалик (24778 киши) қулоқ қилиниб, сургун қилинган деган хулосага келиш мумкин. 1931 йил августида эса 3506 хўжалик (18597 киши) сургун қилинган эди. Демак, 1931 йилнинг августи билан 1932 йил май ойида ўтказилган «операция»лар натижасида республикада 9651 хўжалик (61872 киши) қулоқ оиласи сифатида сургун қилинган. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, бу икки «операция»дан ташқари, ўша давргача, икки операция оралиғида ва ундан сўнг ҳам «қулоқлар сургуни» давом этган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати архивида сақланаётган ОГПУ (Давлат сиёсий бошқарува бўлими — ДСББ) доимий вакилликнинг Ўрта Осиёдаги вакиллиги ҳузурдаги «учлик»нинг йиғилишлари баённомаларида якка ва жамoa тартибида қулоқ қилиш ва сургун қилиш жараёни акс эттирилган. Бу турдаги ҳужжатларнинг ижобий афзалликларидан яна бири шундаки, ўша «учлик»ларнинг қарорларида қулоқлар қандай жазо билан қайси ҳудудларга сургун қилингани ҳам кўрсатилган. Масалан, ўша «учлик»нинг 1932 йил 27 июндаги қарори билан Қирғизистоннинг Норин районидан миллати қирғиз, ёши 44 да, ижтимоий аҳволи бой манап Қосим Дадаевга қулоқ айби қўйилиб 3 йил муддатга Фарбий Сибирга сургун қилинган. Сургун муддати 1932 йил 31 январдан ҳисобланиши кўрсатилган.

Тожикистоннинг Ўратепа районидан ёши 68 да, ўзбек, ижтимоий аҳволи бой Эсонқул Мавлоновга қулоқ айби қўйилиб «учлик»нинг 1932 йил 27 июндаги йиғилишида 3 йил муддатга концлагерга Қозоғистонга сургун қилинган. Шу кунги йиғилиш қарори билан Ашурбой Кенжабоев (ўзбек, 62 ёшда, бой, қулоқ, Шаҳристондан), Мирисмон Мираҳмедов (тожик, 65 ёшда, бой, қулоқ, Шаҳристондан), Солиҳжи Эшонхўжаев (тожик, 57 ёшда, бой,

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-рўйхат. 299-иш. 78—80-парақлар.

² ЎзР ПДА. 58-фонд. 8-рўйхат. 301-иш. 34—39-парақлар.

қулоқ, Ұратепадан), Қурбонбой Абдуллаев (ўзбек, 58 ёшда, бой, қулоқ, Ұратепадан), Гойибназар Хидирназаров (ўзбек, 45 ёшда, бой, қулоқ, Ұратепадан), Жўрабой Полвонов (тожик, 47 ёшда, бой, қулоқ, Ұратепадан), Козимжон Шокиров (тожик, 47 ёшда, бой, қулоқ, Хўжанддан), Абдураззоқ Иноятов (тожик, 58 ёшда, бой, қулоқ, Хўжанддан)лар 3 йил муддат билан Қозоғистонга концлагерга сургун қилинганлар. Ҳа қарор билан 3 йил муддатга хўжандликлардан Мирзабахром Дониёров (45 ёшда, тожик, бой, қулоқ), Эгам Бадалов (47 ёшда, тожик, савдогар, қулоқ)лар ҳам 3 йил муддат билан концлагерга, Қозоғистонга сургун қилинган.

Қорақалпоғистоннинг Тўртқўл шаҳридан Дўсман Қушбеғиев (60 ёшда, туркман, бой ҳуқудан маҳрум қилинган қулоқ), Нурумбет Кипчисеитов (59 ёшда, ўзбек, ўрта ҳол, қулоқ), Холмурод Худойбердиев (66 ёшда, ўзбек, бой, қулоқ), Додо Аҳмедов (64 ёшда, тожик, бой, қулоқ)лар ҳам 3 йил муддатга Қозоғистонга концлагерга сургун қилинган.

«Учлик»нинг юқорида қайд этилган 1932 йил 27 июндаги йиғилиши қарори билан Термиздан Худойназар Шўқуров (61 ёшда, туркман, бой, собиқ босмачи, қулоқ), Тўртқўлдан Мулла Бакир Мамутов (62 ёшда, қозоқ, имом, қулоқ), Қирғизистоннинг Норин районидан Жейлабой Исенаев (64 ёшда, қирғиз, чорвалдор, бой, қулоқ), Албан Чўлхўжаев (61 ёшда, қирғиз, бой, қулоқ), Жасур Каримбеков (21 ёшда, қирғиз, бой, қулоқ), Жакшилиқ Нарқаев (60 ёшда, қирғиз, бой, қулоқ), Алдибой Айдарбеков (60 ёшда, қирғиз, имом, қулоқ), Унқул Қуйтумбетов (56 ёшда, қирғиз, манап, қулоқ), Иброҳимқул Иллибоев (62 ёшда, қирғиз, бой, қулоқ), Абдулла Жолдибоев (59 ёшда, қирғиз, манап, қулоқ), Абдуллабек Найманбеков (39 ёшда, қирғиз, бой, манап, қулоқ), Манбетали Тошбеков (42 ёшда, қирғиз, манап, қулоқ), Аманжон Соснеев (60 ёшда, қирғиз, бой-манап, қулоқ)лар 3 йилдан концлагерга Туркменистоннинг Мари вилоятига сургун қилинганлар.

«Учлик»нинг 1932 йил 27 июндаги йиғилишида Ұратепа қамоқхонасида сақланаётган маҳбуслар иши кўрилиб улардан бир қанчаси уч йил қамоқ жазосига ҳукм этилади, жазони Қозоғистонда ўташ учун ОГПУ йўли билан у ерга сургун қилишга қарор қилинади. Шу кунги йиғилишда Андижон меҳнат тузатув бошқармасида ҳибсда турган Исроилхожи Тошматов (46 ёшда, бой) 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилади. Жазо муддати 1931 йил 26 декабрдан бошланиши белгилаб қўйилади. Шу қамоқхонадаги маҳбуслардан Йўлдошев Қўлдош (41 ёшда, ўзбек, қулоқ) 1931 йил 26 декабрдан 5 йил муддатга концлагерга ҳукм этилади. Ҳа кунги қарор билан андижонликлардан Қозоқбой Орзиқулов (55 ёшда, ўзбек, қулоқ) 5 йилга, Абдурахмон Раимов (35 ёшда, қулоқ) 5 йилга, Жумабой Тўрақулов (30 ёшда, ўзбек, камбағал, босмачилиқда қатнашган) 3 йилга, Ҳақимбой Тўйчибоев (25 ёшда, ўзбек, ўрта ҳол) 3 йилга, Мамадали Мансуров (35 ёшда, ўзбек, ўртаҳол) 3 йилга концлагерга ҳукм қилинади.

4. 1933—1937 ЙИЛЛАРДАГИ СУРГУН

ВКП(б) МК ва СССР ХКС 1933 йил 8 майда «Деҳқонларни оммавий кўчиришни тўхтатиш, қамоққа олиш ва қамоқхона жойларини камайтириш тўғрисида» махфий директив йўриқнома қабул қилади. Бу ҳужжат матбуот учун ман этилган. Ўша йўриқномада мамлакатнинг 14 минтақасидан 12 минг хўжалик сургуни қилиниши кўрсатилган. Жумладан, Ўрта Осиёдан 500 хўжалик сургуни қилиниши керак эди¹. Бу йўриқнома И. В. Сталин, В. Молотов (Скрябин) имзолари билан жойларга, жумладан, ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросига жўнатилган. Ўша кўрсатма асосида Ўрта Осиёда қулоқ қилиш, сургуни этиш 1933 йилда ҳам давом этади.

Очарчилик, қаҳатчилик авжига чиқади, миллионлаб одамлар очликдан ҳар хил юқумли касалликлардан ўлиб кетаётган 1932—1933 йилларда ундан кейин ҳам деҳқонларни қулоққа тортиш, уларнинг мол-мулкани тортиб олиб қўйиб, ўзларини сургуни қилиш, қамоқ ва ўлим жазосига маҳкум этиш давом этади.

ВКП(б) Марказий Комитети 1933 йил 16 апрелда К. Я. Бауман, Р. А. Пилляр ва А. И. Икромовлар таркибидаги «учлик»ка олий жазо беришни қўллаш ҳуқуқини беришга қарор қилади. Бу ҳақда Ўрта Осиё бюроси Марказий Комитетига 23 апрелда юборилган 136, 78—54 сонли телеграмма юборилади. Ўрта Осиёдаги кўзғолончилар ва аксилинқилоб ишларини кўриб чиқишда бу ижтимоий ҳимоялаш «учлиги»га жазонинг олий чорасини қўллаш ҳуқуқи берилгани айtilган².

Аммо Сиёсий бюро 1933 йил 10 майда «ОГПУ учликлари тўғрисида»ги масала бўйича қабул қилган қароридан республикалар, ўлкалар ва вилоятлардаги (Узоқ Шарқ ўлкасидан ташқари) ОГПУнинг «учлик»ларига олий жазо чорасини кўриш ҳақида ҳукм чиқаришлари таъқиқлаб қўйилади³. Шу боис бўлса керак ОГПУ Ўрта Осиёдаги «учлиги» 1933 йил 30 декабрда Қирғизистондан 55 кишига қулоқ сифатида 3 йилдан 5 йилгача муддат билан тузатув лагерига ҳукм қилиш, улардан 26 кишини узоқ Шимолга сургуни қилиш ҳақида ҳукм чиқариш билан кифояланади. «Учлик»нинг ўша кунги йиғилишида Қирғизистондан Абилқосим Дайдиев (қирғиз, бой, қулоқ), Кодинс Саонбоев (қирғиз, бой, қулоқ) Бехбудий (ҳозирги Қарши) шаҳрига 3 йил муддатга қамоқ жазосига сургуни қилишга ҳукм қилинган⁴.

Пахта мустақиллигига эришишнинг энг асосий ва оғир юки Ўрта Осиё минтақасига тушганига қарамай Марказ бу минтақа республикаларига галла тайёрлаш ва уни давлатга топшириш

¹ Трагедия советской деревни. Т. 3. стр. 746—750.

² Лубянка Сталин и ВЧК-ГПУ-ОГПУ-НКВД. Январь 1922, декабрь. 1936. Россия XX век. Документы. М., Издательство «Материк», 2003, стр. 428.

³ Ўша асар, 435-бет.

⁴ ЎЗР МХХА. 9-рўйхат, 1933 йил учун, 25—26-варақлар.

вазифасини юклайди. Ҳам пахта, ҳам ғалла топширишдек ўта оғир вазифани бажариш жараёнида ҳам деҳқонлар азоб-уқубат гирдобига тортиладилар, бу масалада ҳам улар яна қатағон объекти бўлиб қоладилар. Ғалла тайёрлашнинг бажариб бўлмайдиган миқдори юқоридан туриб белгилаб берилади.

СССР Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети 1934 йил 10 февралда 1934 йилги ҳосилдан ғалла тайёрлашнинг йиллик режаси тўғрисида қарор қабул қилади. Бу қарорни матбуотда босиш ман этилган. У махфийлик тамғаси билан Ўрта Осиёга ҳам юборилган. В. М. Молотов, И. В. Сталинлар имзоси билан юборилган ушбу қарорда шундай дейилган:

«1. 1934 йилги ҳосилдан ғалла тайёрлаш йиллик режаси 952,2 миллион пуд миқдориди, жумладан: колхозлар бўйича — 855,83 миллион пуд, яқка хўжаликлар бўйича — 96,37 миллион пуд ССР Иттифоқи бўйича тасдиқланган.

2. 1934 йилги ҳосилдан ғалла тайёрлаш йиллик режаси республикалар, ўлкалар ва вилоятлар бўйича қуйидаги тартибда тасдиқлансин (миллион пуд ҳисобида)».

Ўрта Осиё минтақаси зиммасига юклатилган мажбурият ушбу жадвалда ўз аксини топган¹ (миллион пуд ҳисобида):

Ўрта Осиё республикалари	Колхозлар	Яқка хўжаликлар	Жами:
	9,23	2,67	11,9
Жумладан:			
Ўзбекистон ССР	6,4	1,3	7,7
Тожикистон ССР	1,9	1,3	3,2
Туркменистон ССР	0,86	0,04	0,9
Қорақалпоқ АССР	0,07	0,03	0,1
Қирғизистон АССР	5,3	1,5	6,8

СССР ХКС 1934 йил 23 апрелда «Қулоқ қилинган хўжаликлар учун давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мажбурий равишда топшириш нормалари тўғрисида» қарор қабул қилади. Унга кўра яширин даромадлар, капиталлари ва мулклари бўлмаган қулоқ қилинган хўжаликлар ҳам яқка хўжаликлар каби давлатга мажбурий равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини белгиланган нормалар бўйича топширишлари шарт қилиб қўйилади ва бу хўжаликлар ҳеч қандай имтиёзларга эга эмаслиги ҳам кўрсатилади².

Бугуниттифоқ, жумладан, Ўрта Осиё бўйича Марказнинг давлатга ғалла етказиб бериш топшириғи анча юқори эди, уни бирон-бир минтақа бажариш имкониятига эга эмасди. Айниқса,

¹ Трагедия советской деревни... Т. 4. Москва. РОССПЭН, 2002. стр. 66–67.

² Уша манба, 107-бет.

1932—1933 йиллардаги очарчилик, қаҳатчиликдан кўплаб одамлар ўлиб кетган, тирикларнинг тинка мадори қуриган бир ша-роитда 1934 йилга келиб катта миқдорда ғалла етказиш ниҳоятда оғир эди. Жойлардан Марказга бу ҳақда хатлар кела бошлайди. Ниҳоят партия ва ҳукумат режани қисқартиришга мажбур бўлади. СССР ХКС ва ВКП(б) МК 1934 йил 11 сентябрда қарор қабул қилиб, ғалла сотиб олиш йиллик режасини Ўрта Осиё бўйича қисқартиришга мажбур бўлади. Қисқартирилган режа ушбу жадвалда кўрсатилган (млн. пуд ҳисобида)¹:

Республикалар	Йиллик режа	Жумладан. озиқ-овқат экинлари
Ўрта Осиё	5,5	4.0
Жумладан:		
Киргизистон	2,2	1,55
Ўзбекистон	2,3	1,7
Туркманистон	0,3	0,27
Тожикистон	0,7	0,48

Ана шу режанинг бажарилишини таъминлаш жараёнида маъмурий ва жазо органлари яна қулоққа тортиш, жазолаш, сургун қилиш сиёсати ва амалиётини олиб борадилар.

Ўша очарчилик йили — 1933 йилда ҳам Ўрта Осиёда қулоқ қилиш давом этади. Буни биргина Фарғона округи Кудаш райони мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ва ундан сўнгги вақтларда қулоқ қилиш аввалгидек зўрма-зўраки олиб борилган, кўп ҳолатларда қулоқлик белги-аломатлари бўлмаган меҳнат хўжаликлари ҳам қулоқ хўжалиги деб расмийлаштирилган.

1933 йил 21 ноябрда ЎзССР Молия комиссари ўринбосари Матвеев, оммавий солиқ тўлов сектори раҳбари Круцковскийлар Фарғона округи Кудаш район молия бўлими ва ишчи-деҳқон инспекцияси назорат комиссиясига хат йўллайдилар. Унда қулоқ хўжалиқларини текшириш бўйича расмийлаштирилган баённомалар таҳлили берилган. Текширув ўтказилган қишлоқ советларида район солиқ комиссиялари томонидан аввал қулоқ хўжаликлари ҳисобланган хўжалиқлар таркибидан барча қулоқ хўжаликлари чиқариб юборилгани қайд этилган. Бу хўжалиқларнинг кўпчилиги шахсий адоватлар ва гуруҳбозлик қурашлари оқибатида қулоққа тортилгани айтилган. Еппасига синфийлик йўли бузилиб, қишлоқ советлари, район молия бўлими, райондан борган вакиллар «тегишли инқилобий ҳушёрлик» кўрсатмаганликлари, ҳатто қулоқ унсурлар билан тўғридан-тўғри ҳамтавоқ бўлиб кетиш ҳоллари юз бергани хатда кўрсатилган. Бунга йўл қўйганларга нисбатан қандай чоралар қўлланилгани баён-

¹ Трагедия советской деревни... Т 4 Москва. РОССПЭН, 2002, стр. 214—217.

номаларда кўрсатилмагани таъкидланиб, мазкур масалани рай-ижроком ҳайъатида муҳокама қилиб, айбдорларни жавобгарликка тортиш талаб қилинган¹.

Бу директив кўрсатманинг амалга оширилганлиги ва қулоқ қилиш жараёни қандай кечганлиги айрим ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Кудаш райони Охчи қишлоқ советида 1933 йил 9 октябрдаги район ва қишлоқ солиқ комиссияларининг фаоллар иштирокида қулоқ хўжаликларини текшириш бўйича йиғилиши ўтказилади. Унда район солиқ комиссияси раиси Аҳмедов, район ишчи-деҳқон инспекциясидан Арусланов, район молия бўли-мидан Ғаффоров, МТСдан Погосов, Алиматов, қишлоқ солиқ комиссияси раиси Тошматов, колхоз ячейкалари вакиллари, жами 52 киши иштирок этади.

Йиғилиш кун тартибига колхозчиларнинг 1933 йил 3 августдаги йиғинида янгидан аниқланган қулоқ хўжаликлари рўйхати-ни тасдиқлаш ва район солиқ комиссияси томонидан 1932 йил 2 июнда тасдиқланган қулоқларни якка тартибда солиқ тўлашга тортилганларнинг норозилик аризаларини кўриб чиқиш масала-си қўйилади. Биринчи масала кўрилиб аввал қулоқ хўжалиги деб тасдиқланган 6 хўжалик меҳнат хўжалиги деб эътироф қилин-ганди, бу хўжаликлар якка тартибда солиқ тўлашдан озод қили-нади. Улар қуйидаги хўжаликлар эди.

1. Эрмат Жуматов, 60 ёшда, 1931 йилдан «Ғайрат» колхозининг аъзоси, колхозга киргунга қадар 9 таноб ери бўлган, 1922—1923 йилларда ўз ерида деҳқончилик қилишда ходимларни ёлла-ган, бошқа белгиларга эга эмас, гуруҳбозларнинг оғзаки гапи билангина умумий мажлисда қулоқ қилиб тасдиқланиб қолган.

2. Кўзибой Исломов, 45 ёшда, 1931 йили колхозга киргунга қадар 5 таноб ери бўлган, ўзи колхозда зарбдор бўлиб ишлайди, хўжалигида қулоқлик белгиси йўқ.

3. Акбарали Умнатқулов, 35 ёшда, 1931 йилдан колхоз аъзо-си, унга қадар 8 таноб ери бўлган. Унинг хўжалигида кўрсатил-ган чорикорларни унинг маҳрум отаси ёллаб ишлатган. Ҳозир бу хўжаликда қулоқлик белгиси йўқ. 3 йилдан бери колхозда карвон бўлиб ишламоқда.

4. Исоқ Тошматов, 58 ёшда, 1931 йилдан колхоз аъзоси, ўзи карқулоқ, оёғи синган, 1927—1928 йиллари меҳнатга яроқли эркак киши бўлмагани сабабли зарурият туфайли ерини иш-лашда чорикорлардан фойдаланган. 3 йилдан бери колхозда иш-лайди. Хўжаликда қулоқлик белгиси йўқ.

5. Абдуллажон Ҳошимов, 32 ёшда. 3 таноб ери бор. 1931 йили колхозга кирган, 1926—1927 йилларда ўз ерида мардикорлар иш-латган. Ҳозирги вақтда 3 йилдан бери колхозда зарбдор бўлиб ишламоқда. Қулоқлик белгиси аввалида бўлгани учун бу хўжа-ликни меҳнат хўжалигига киритиш мумкин.

¹ ЎЗР МДА. 93-фонд. 8-рўйхат. 496-иш. 9-вариқ.

6. Мелибой Норматов, 55 ёшда, якка хўжалик, 6 таноб ери бўлган. Оилада ногирон бўлгани учун хўжаликда ёлланма меҳнатдан фойдаланишга мажбур бўлган. Бошқа белгиларга эга эмас.

Қулоқ хўжаликларидан тушган шикоят аризаларини кўриб чиқиб йиғилиш қарор қабул қилади. Унга кўра Эркабой Кўчқоров, аввал меҳнатсиз даромад ҳисобидан кун кўрган, шикоятда қулоқлик белгилари йўқлиги ҳақида келтирилган далиллар асосланмаганлиги учун унинг шикояти ўринсиз деб топилади.

Абдулла Эшматов, 5 таноб ери бўлган, 1931 йилдан колхоз аъзоси, аввал бойлар ерида ишлаган, баённомада кўрсатилган қарорда ҳам унинг қўлида ишламаган, колхоз дўконида қассобчилик қилган, бошқа қулоқлик белгисига эга эмас. Шу боис 1932 йил 22 октябрдаги 16-сонли қарорини бекор қилишга қарор қилинади.

Абдуқодир Абдурахимовнинг шикояти тўласинча алоҳида деб топилсин, колхозга киргунга қадар 2 таноб ери бўлган, 1931 йилдан колхоз аъзоси, ёлланма меҳнатдан фойдаланмаган, кўй сотиш билан шуғулланган, аввал ўзи чорикор бўлиб ишлаган, ўзаро гуруҳбозлик кураши туфайли бойларда қулоқ қилиб тасдиқланган. Қулоқлик белгиси бўлмагани учун район солиқ комиссиясининг 31 майдаги 7-сон қарорини бекор қилишга, солиқ учун тўланган пулни қайтариб беришга қарор қилинади.

Ҳасанбой Сатторов, колхоз раислигида шартнома бўйича пахта топширишни 106 фоиз қилиб бажарган, колхозга кириш олдидан 7 таноб ери бўлган, қулоқлик белгисига эга эмас, гуруҳбозлик курашининг қурбони бўлган, унинг хўжалиги меҳнат хўжалиги деб ҳисоблансин, район солиқ комиссиясининг 30 майдаги 6-сон баённомаси бекор қилинсин.

Йиғилишда 21 та шикоят аризалари кўрилиб, улар асоссиз экани ва ариза эгалари қулоқ хўжалиги сифатида якка тартибда солиқ тўлашлари кераклиги тўғрисида қарор қилинади. Натижада Мирзарайим Абдураимов, Эркабой Кўчқоров, Мулла Жумон, Мулла Аҳмедов, Шарифжон Мамажонов, Дўснат Ниёзматов, Рўзи Дўсматов, Худойназар Бекназаров, Ҳамиджон Ризаев, Мирзабой Насриддинов, Дадабой Назиров, Соли Исоқов, Деҳқонбой Кўзиев, Саттибой Султонқулов, Мамаюсуп Содиқов, Низомиддин Дўсматов, Исомиддин Қодирқулов, Шокир Хонкелдиевлар хўжалиги қулоқ хўжаликлари ҳисобланиб, улар якка тартибда солиқ тўлашлари шарт қилиб қўйилади.

Камбағаллар йиғинида аниқланган янги қулоқ хўжаликлари тўғрисида масала кўрилиб, бир қатор деҳқонлар ноҳаддан қулоқ қилингани аниқланади ва уларнинг хўжаликлари меҳнат хўжаликлари эканлиги тасдиқланади. Бу хўжаликлар қуйидагилар эди.

1. Нишонбой Дауров, 40 ёшда, 5 таноб ери бор, 1932 йилдан колхоз аъзоси. Ердан ўз меҳнати билан фойдаланган. Қулоқлик белгиси йўқ.

2. Ұразали Саитбоев, 21 ёшда, якка хўжалик, 10 таноб ери бор, ундан 5 таноби яроқсиз, 1931 йилгача ёшлигида ёлланма меҳнатдан фойдаланган, бошқа белгиларга эга эмас.

3. Маҳкам Сойибов, 1933 йилдан колхоз аъзоси, ёши 40 да, 10 таноб ери бўлган, колхозга киргунга қадар вақтинча ишчи ёллаган. Яширинча савдогарлиги тасдиқланмади, колхозда зарбдор бўлиб ишламоқда.

4. Аҳмад Маматқулов, 38 ёшда, 1933 йилдан колхоз аъзоси, колхозга киргунга қадар 6 таноб ери бўлган, хўжаликда қулоқлик белгиси йўқ. Баённомада қайд этилган қулоқлик белгилари асосланмади.

5. Худойберди Назаров, 69 ёшда, 1930 йилдан колхоз аъзоси, 6 таноб ери бўлган, қарилиги туфайли ёлланма меҳнатдан фойдаланишга мажбур бўлган, қулоқлик белгиси йўқ.

6. Каримберди Абдуллаев, якка хўжалик, 12 таноб ери бўлган, шундан 9 таноби колхозга берилган, ўзи касалманд, оилада меҳнатга яроқли эркак киши бўлмагани учун 1928—1930 йилларда ёлланма меҳнатдан фойдаланишга мажбур бўлган, қулоқлик белгиси йўқ.

7. Назир Мадмуротов, 65 ёшда, 1930 йилдан колхоз аъзоси, колхозга киргунга қадар 10 таноб ери бўлган, ўзи ногирон, вақтинча ёлланма меҳнатдан фойдаланган, қулоқлик белгиси йўқ.

8. Эрназар Дўсназаров, 57 ёшда, 1930 йилдан колхоз аъзоси, 12 таноб ери бўлган, ундан ўз ўғиллари билан фойдаланган, ёлланма меҳнатдан фойдаланмаган, хўжаликда қулоқлик белгиси йўқ.

9. Ортиқ Эшматов, 60 ёшда, 22 ёшли ўғли билан яшайди, 1931 йили колхозга кирган, 1928 йилгача ёлланма меҳнатдан фойдаланган, қулоқлик белгиси йўқ. Ҳозирги вақтда колхоздан олган даромадига яшайди.

10. Эгамназар Имомназаров, 1931 йилдан колхоз аъзоси, 1926 йилгача 11 таноб ери бўлган. 1923—1926 йиллари ерида ёлланма меҳнатдан фойдаланмаган. 3 йилдан бери колхозда. Солиққа тортилгандан бери узоқ вақт ўтиб кетган, хўжалик меҳнат хўжалигидир.

11. Ҳотамқул Раҳмонқулов, 1931 йилдан колхоз аъзоси, 8 таноб ери бор, баённомада кўрсатилган ёлланма меҳнат ходимлари унда вақтинчалик 1927—1928 йилларда ишлаган, ўзи колхозда зарбдор бўлиб ишлайди. Шунингдек, йиғилишда биргина хўжалик — Жаббор Пайзиев хўжалиги қулоқ хўжалиги деб топилди. Унинг ёши 27 да бўлган, якка хўжалик, 18 таноб ери бўлган, ерни ишлашда 1924 йилдан 1933 йилгача Эргаш Умаралиев, Жўрабой Тошматов ва Сафар Ҳамроқуловларни ёлланма ходим сифатида ишлатган. Қулоқ бўлиб қолишидан қўрқиб тегиримони ва жувозини бузиб юборган, ундан 1930 йилгача меҳнатсиз даромад сифатида фойдаланган. Ушбулардан келиб чиқиб

йиғилиш Жаббор Пайзиев хўжалигининг қулоқ хўжалиги эканини тасдиқлади¹.

Кудаш район солиқ комиссияси билан Бозор Яйпон қишлоқ солиқ комиссиясининг Бозор Яйпон қишлоқ совети бўйича қулоқ хўжаликларини текшириш юзасидан қўшма йиғилиши 1933 йил 16 октябрда ўтказилади. Унда бутун фаоллар, колхозлардан раҳбарлар қатнашади. Муҳокамалардан сўнг йиғилиш қуйдагиларни меҳнат хўжаликлари деб ҳисоблайди ва улар ҳеч қандай якка тартибда солиқ тўламаганлигига қарор қилинади:

1. Бурхон Шарипов (1929 йилдан колхоз аъзоси, 12 таноб ери бор, деҳқончилик қилиш учун 2—3 ой муддатда вақтинчалик ходимлар ёллаган, колхозда 4 йилдан бери ишлайди, бошқа белгиларга эга эмас). 2. Мирзарайим Ёқубов (якка хўжалик, 5 таноб ери бор, 40 йилдан бери ўзи деҳқончилик қилади, қулоқлик белгиси йўқ). 3. Мирзажон Тошматов (якка хўжалик, 3 таноб ери бор, 40 йилдан бери масжидда имомлик қилган, бошқа белгилари йўқ). 4. Абдуваҳоб Рустамов (1930 йилдан колхоз аъзоси, 7 таноб ерга эга, ўз кучи билан деҳқончилик қилади, бошқа белгиси йўқ). 5. Фанибой Аҳмадқулов, ногирон чўлоқ, 1930 йилдан колхоз аъзоси, 1924 йилдан сайлаб қўйиладиган лавозимларда ишлаб келган, 3 йил қишлоқ советига раислик қилган, қулоқлик белгиси йўқ, 5 аъзоси бўлган гуруҳбозлар томонидан мажлисда қулоқ сифатида тасдиқланган). 6. Ўринбой Тожибоев (8 таноб ери бор, ҳеч қандай қулоқлик белгиси йўқ, 1930 йилдан колхоз аъзоси). 7. Абдурахмон Ҳамроқулов (ўзи батрак, камбағал, 2 таноб ери бор, гуруҳбозлик қурбони бўлган, Попда ишчи бўлиб ишлайди). 8. Абдулқайюм Абдураззоқов (1930 йилдан колхоз аъзоси, 7,5 таноб ери бор, 2-бригадада бригадир бўлиб ишлаган, колхозда энг яхши бригада бўлиб ҳисобланган, ёлланма меҳнатдан фойдаланмаган). 9. Абдурауф Халилов (24 ёшда, 4 таноб ери бор, ёш, ногирон бўлганидан ёлланма меҳнатдан фойдаланишга мажбур бўлган, 1928 йилдан ўз меҳнати билан ерида деҳқончилик қилади, колхозда омборчи бўлиб ишлайди). 10. Оқилжон Нозимов (1930 йили колхозга киргунига қадар 28 таноб ери бўлган, ўзи доимий касал, колхозга киргунга қадар ёлланма меҳнатдан фойдаланишга мажбур бўлган). 11. Пўлат Ҳамроқулов (6 таноб ери бор, қулоқлик белгиси йўқ). 12. Нормат Пайзиев (1932 йилдан колхоз аъзоси, 8 таноб ери бор, 1925 йилгача ёлланма меҳнатдан фойдаланган). 13. Мамазиё Муротов (1930 йилдан колхоз аъзоси, колхозга киргунга қадар 4,5 таноб ери бўлган, колхозда бригадир бўлиб ишлайди, гуруҳбозлик кураши қурбони бўлган, қулоқлик белгиларига эга эмас). 14. Абдуҳолик Маҳмудов (1930 йилдан колхоз аъзоси, 3 йилдан бери колхозда зарбдор бўлиб ишламоқда, колхозга киргунга қадар 7 таноб ери бўлган, қулоқлик белгиси йўқ). 15. Олимов Нозим (67 ёшда,

¹ ЎЗР МДА. 93-фонд, 8-рўйхат. 496-иш, 1—2-варақлар

колхозга киргунга қадар 17 таноб ери бўлган, 3 та меҳнатга лаёқатли ўғиллари бор, ёлланма меҳнатдан фойдаланмаган, ердан ўз кучи билан фойдаланган). 16. Исоқ Умаров (23 ёшда, колхоз аъзоси, колхозга киргунга қадар 6 таноб ерга эгалик қилган, ёш бўлганлигидан 1927 йилгача ёлланма меҳнатдан фойдаланган, ундан сўнг ерда ўзи ишлаган). 17. Маҳкам Шерназаров (1931 йилдан колхоз аъзоси, 3,5 таноб ери бўлган, майда-чуйдалар сотиш билан шуғулланган, 12 йил муқаддам ўзи ёлланма меҳнат қилган). 18. Маматқул Аҳматқулов (1931 йилдан колхоз аъзоси, 7 таноб ери бўлган, унинг ўзи бойлар ерида қаролик қилган, қулоқлик белгиси йўқ).

Қуйидагиларнинг эса қулоқ хўжалиги ва якка тартибда солиқ тўлашлари кераклигига қарор қилинади:

1. Эргашбой Сулаймонқулов (1930 йилгача патент билан гўшт сотувчи бўлган, унинг ўзи яқин вақтгача савдо билан бозорда ун сотиб олиб нон қилиб сотиш билан шуғулланган, колхозда ишламайди, хўжаликни меҳнатсиз хўжалик деб ҳисоблаб якка тартибда солиқ тўлаши керак). 2. Маткарим Марайимов (қулоқ хўжалик белгиси борлиги асосли деб топилди, шикоятни ман қилишга қарор қилинади).

Қурбон Усмонқулов, Сатар Халиқов, Тўйчи Қорабоевларнинг масаласи очиқ қолаверади¹.

Янги қулоқ хўжаликларини аниқлаш бўйича ўтказилган ёллагига текширув натижалари борасида Кудаш участкасида 1933 йил 13 октябрда йиғилиш бўлади. Унда район солиқ комиссияси раиси Аҳмедов, аъзолари — Абдураимов, Ғаффаров, Погосов, Аҳмедов, қишлоқ солиқ комиссиялари — Холматов, Ғозиев, Хўжаев, Қосимов, Қўчқоров ва колхоз вакиллари иштирок этади. Кун тартибига нотўғри якка тартибда солиқ солинганларнинг шикоятлари ва янгидан аниқланган қулоқ хўжаликлари ҳақида колхозчилар йиғини баённомаларини кўриб чиқиш масалалари қўйилади.

Қабул қилинган қарорда 55 ёшли Турсун Худойназаровнинг хўжалигида ҳеч қандай қулоқлик белгиси йўқлигидан у меҳнат хўжалиги деб топилади. Унинг хўжалигида 4 меҳнатга лаёқатли киши бўлган, колхозга киргунга қадар 11,25 таноб ери бўлиб, ундан 3 таноби деҳқончилик учун яроқсиз ва фойдаланилмаган, 1930 йилдан колхоз аъзоси, 3 йил раис бўлиб ишлаган, колхозга киргунга қадар миробликка сайланган, 1928 йили 5 ой муддатга Деҳқонбой Эрназаров ёлланма меҳнат қилган, у эса Турсун Худойназаровнинг куёви бўлган.

Дўнгсарой қишлоғидан қулоққа тортилган М. Ортиқов ва Н. Собировларнинг қулоққа ноҳақ тортилгани ҳақидаги аризаси йиғилишда кўрилади ва район солиқ комиссиясининг Маткарим Ортиқов ва Нишонбой Собировларни қулоққа тортиш ҳақида

¹ ЎЗР МДА, 93-фонд, 8-рўйхат, 496-иш, 8-варақ.

1933 йил 2 июлда қабул қилган қарорини тўғри деб топди. Унга асос шу бўладики, М. Ортиқов ва Н. Собировлар колхозга кирётганларида қулоқлик белгиларини ҳамда аввал меҳнатсиз даромадга ҳаёт кечирганларини яширганлар¹.

Уша 16 октябрда бундай йиғилиш йирик қишлоқ советида бўлади. Унинг кун тартибига «Янги аниқланган қулоқ хўжаликлари тўғрисида камбағаллар йиғилиши баённомаларини кўриб чиқиш» ва «1933 йилда тасдиқланган қулоқ хўжаликларини яқка тартибда солиққа тортиш тўғрилигини текшириш» масалалари қўйилган:

1. Маҳкамов Абдурайим, 37 ёшда, 1930 йилдан колхоз аъзоси, колхозга киргунга қадар 7 таноб ерга эга бўлган, 3 йил колхозда раис бўлиб ишлаган, 1925 йилдан сайлаб қўйиладиган вазифада ишлаган, 1926 йилгача ёғ ишлаб чиқарадиган хўжалиги бўлган. Қулоқлик белгиси бўлмагани учун хўжалик меҳнат хўжалиги ҳисоблансин.

2. Маҳкамбой Мадғозиев, яқка хўжалик, 9 таноб ери бўлган, ерининг бир қисмини колхозга берган. 1930 йилдан бошлаб колхозда ишламайди, махфий савдо билан шуғулланади, ўзининг тан олиб айтишича, бозордан зиғир ва чигит сотиб олиб, ундан ёғ ишлаб чиқариб деҳқонларга доимий сотиб туради, бундан ташқари магазин мудирини билан алоқада бўлиб, унинг ёрдамида саноат моллари олиб бозорда сотиш билан шуғулланади. 1930 йил колхозга киргунга қадар Ҳусанбой Содиков ва Эгамберди Усмоновлардан иборат ерида ишлатиш учун қарамига эга бўлган. Қулоқлик белгиси мавжуд бўлгани учун бу хўжалик қулоқ хўжалиги деб тасдиқлансин ва яқка тартибда солиқ тўлашга мажбур қилинсин.

3. Абдулла Мўминов, 1930 йилдан колхоз аъзоси, 1,5 таноб ери бўлган ва бойларнинг 8 таноб ерида меҳнат қилган. 1929 йили 6 ой муддатга Ўринбой Ғойипов ва Зиёвитдин Тошпўлатовни ёллаб ерида деҳқончилик қилишда фойдаланган. Колхозда зарбдор бўлиб ишламоқда. Хўжалиги меҳнат хўжалиги деб ҳисоблансин.

4. Низомбой Азимов, 37 ёшда, 1930 йилдан колхоз аъзоси, 2 йил колхоз раиси бўлиб ишлаган, колхоз пахта режасини 1931 йили 125 фоиз, 1932 йили 136 фоиз қилиб бажарган. Колхозга киргунга қадар 1,5 таноб ери бўлган (хотининики), қишлоқ советида ишчи, қоровул, мироб бўлиб ишлаган. 6 таноб ер ва 1 том тегирмонни бойдан ижарага олган, ундан 6 ой фойдаланган. Баённомада кўрсатилган Эргаш Азимов ёлланган эмас, у унинг укаси. Шу боис бу хўжалик меҳнат хўжалигидир.

5. Мадали Норқўзиев, 1930 йилдан колхоз аъзоси, 5 таноб ери бўлган, ёлланма меҳнатдан фойдаланмаган. Баённомада кўрсатилган Ашурали Норқўзиев ёлланма меҳнатчи эмас, у унинг

¹ ЎзР МДА. 93-фонд. 8-рўйхат. 496-иш. 3-варақ.

укаси, у билан бирга яшайди. Шу боис хўжаликни меҳнат хўжалиги деб ҳисоблаш керак.

6. Курбон Хожиматов, 1930 йилдан колхоз аъзоси, 2 таноб ери бор, хўжаликда меҳнатга яроқли эркак бўлмагани сабабидан 1927, 1928, 1929 йилларда шартнома бўйича вақтинчалик 10 таноб ерга пахта экишда чорикор меҳнатидан фойдаланган, бойлар ерида ишлаган. Шу боис унинг хўжалиги меҳнат хўжалиги деб ҳисоблансин.

Ушбу йиғилишда Мирзоид Фозилов, Сотиболди Ҳалимбоевларни яқка тартибда солиққа тортишга қарор қилинади.

Мамажон Бобожонов, колхозга киргунга қадар 15 таноб ери бўлган, 1930 йилдан колхоз аъзоси, ёши 60 да, меҳнатга яроқли ўғли бор, колхозда бригадир бўлиб ишлайди, 1929 йилга қадар ёлланма меҳнат хўжалиги, шу боис қишлоқ солиқ комиссияси қарори бекор қилинсин, деган қарор қабул қилинган.

1933—1937 йилларда ҳам кўплаб деҳқонлар қулоқ тамғаси билан қатағон қилинган. 1933 йил 1 декабрдаги «учлик» йиғилишида Гарм тезкор сектори тақдим этган 404/4652-сонли иш бўйича 17 нафар қулоқ турли муддатларга қамоқ жазосига ҳукм қилинади.

Залин, Жуков, Вальтер, Яковлевлардан иборат «учлик»нинг ўша кунги йиғилишида Низом Хўжаев (38 ёшда, ўзбек, Нарпай райони, Қадрис қишлоғидан, қулоқ, эшон, Таткент пахта пунктининг собиқ мудири), Орзиқул Қуватов (42 ёшда, ўзбек, Нарпай райони Чоркент қишлоғидан, қулоқ, колхознинг собиқ котиби ва газначиси), Зайнутдин Хўжаев (31 ёшда, ўзбек, Нарпай райони Қадрис қишлоғидан, собиқ кўрбоши, КП(б) аъзоси)лар отувга ҳукм қилинади.

1933 йил 19 декабрдаги «учлик» йиғилишида Андижон тезкор сектори тақдим этган 195/4643-сонли иш кўрилади. Султон Болтабоев (27 ёшда, Марҳамат райони, Қўшчи қишлоқ советидан, қулоқнинг ўғли, қишлоқ советининг собиқ ҳисобчиси), Қози Хўжа Мадраимов (34 ёшда, ўзбек, ЎзКП(б) аъзоси, Марҳамат райони Қорақўрғон қишлоқ советидан, қулоқ, собиқ агроном), Қаҳҳор Азимов (36 ёшда, тожик, ЎзКП(б) собиқ аъзоси, Марҳамат райони Қўшчи қишлоқ советидан, қулоқ, райкомнинг собиқ сиёсий вакили)ларга меҳнат тузатиш лагерларида жазони ўташ учун ҳар бирига 10 йилдан қамоқ жазоси берилади. Султон Болтабоевга жазо муддатининг бошланиши 1933 йил 25 февралдан, қолганлари учун эса 1932 йил 28 октябрдан белгиланади.

Собиқ қулоқ сифатида айбланганлардан Ўман Жақов, Эргаш Исақов, Дадахон Орифхўжаев, Мирзаали Дўстматов, Камол Дайдақов, Қаям Довутов, Эгамберди Тўясанов, Мамарасул Абдурашулов, Қосим Ҳошимов, Раимжон Усмонов, Адоқ Тошкентбоев, Абдурахмон Абдуллаев, Олимжон Раджабоев, Абдулла Исломовларга 5 йилдан қамоқ жазоси беришга қарор қилинади.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ҳузуридаги «учлик»нинг 1933 йил 19 декабрдаги қарори билан Андижоннинг Қорақурғон қишлоғидан Отахон Узоқбоев (56 ёшда, ўзбек, бой, қулоқ), Усмонхўжа Абдуллахўжаев (42 ёшда, ўзбек, колхознинг собиқ котиби, қулоқ)лар 3 йил муддатга Туркменистоннинг Чоржўй шаҳридаги концлагерга сургун қилинганлар¹.

«Учлик»нинг 1934 йил 9 январдаги йиғилишининг 1-сон баён-номасида Ўзбекистон, Туркменистон ва Қирғизистонда 36 киши қулоқликда айбланиб, уларнинг ҳар бири 3 йилдан тортиб 5 йилгача меҳнат тузатув лагерида қамоқ жазосини ўташга ҳукм этилгани қайд этилган.

26 февралда «учлик» Қирғизистоннинг Ўрозбеков районидан 9 кишининг, Наманган округидан 15 кишининг ишини кўриб, шундан 16 кишига 3 йилдан 5 йилгача муддатга қамоқ жазоси беради.

1934 йил 29 мартда «учлик» Ўрта Осиёнинг турли районларидан бўлган 40 кишига қулоқлик айби қўйиб турли муддатлар билан қамоқ жазоси беришга қарор қилади. Улардан атига иккитасининг тафсилотини қайд этамиз: Эшқобил Янгибоев, 55 ёшда, ўзбек, Митан райони, Робот қишлоғидан, қулоқ, Абдусалом Исмоилов, 30 ёшда, ўзбек, Митан райони, Бош Чигатой қишлоғидан, қулоқ. Уларни 3 йил муддатга Ўрта Чирчиққа сургун қилишга қарор қилинган.

Қулоқ қилиш, сургун этиш, қулоқларга қамоқ жазоси бериш, олий жазо — отувга ҳукм этиш 1934 йил 1 декабрдан бутун мамлакатда бошланган «катта террор» йилларида ва қатағонликнинг авжига чиққан 1937—1938 йилларда ҳам давом этади. Деҳқонларни қатағон қилиш умумий ва ялпи қатағонга улаиб кетади.

1937 йил 30 июлда СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг «Собиқ қулоқлар, жиноятчилар ва бошқа советларга қарши унсурларни репрессия қилиш бўйича операция тўғрисида»ги мутлақо махфий 00447-сонли тезкор буйруғига Н. Ежов қўл қўяди. Мазкур буйруққа мувофиқ 1937 йил 5 августдан барча республикалар, ўлкалар ва вилоятларда собиқ қулоқлар, фаол унсурлар ва жиноятчиларни репрессия қилиш бўйича операция ўтказилган бўлади. Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон ва Қирғизистон республикаларида операция ўша йил 10 августидан бошланади. Ўрта Осиё республикалари Ички ишлар халқ комиссарликларининг СССР НКВДга оғзаки берган маълумотлари бўйича репрессия қилинадиганлар миқдори қуйидагича белгилаб берилган:

¹ ЎзР МХХА. 9-рўйхат. 1933 йил учун. 15–28-варақлар.

Республикалар	1-тоифа	2-тоифа	Жами
...5. Қирғизистон ССР	250	500	750
6. Тожикистон ССР	500	1300	1800
7. Туркменистон ССР	500	1500	2000
8. Ўзбекистон ССР	750	4000	4750

Ушбу буйруқ билан республикалар, ўлкалар ва вилоятлар «учлик»ларининг шахсий таркиби ҳам тасдиқланади.

Қирғизистон ССР «учлиги» Четвертаков (раис), Жинбоев, Гуцев (аъзолар), Тожикистон ССР «учлиги» Тарасюк (раис), Ашуров, Байков (аъзолар), Туркменистон ССР «учлиги» Наев (раис), Анна Муҳамедова, Ташли Аннамурадов, Ўзбекистон ССР «учлиги» Загвоздин (раис), Икромов, Болтабоев (аъзолар)-лар СССР Ички ишлар халқ комиссари Н. Ежов томонидан тасдиқланади¹.

Бу вақтда энди СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1937 йил 30 июлдаги 00447-сонли директиваси асосида иш кўрилган эди. Қўлимизда Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги «учлиги»нинг 1937 йил 10 августдаги йиғилишининг 1-сон баённомаси. «Учлик» раиси ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари Загвоздин, давлат хавфсизлиги катта майори, аъзолари: Ўзбекистон КП(б) Марказий Комитети биринчи котиби А. Икромов, ЎзССР Халқ Комиссарлари Совети раиси ўринбосари Тўрабековлар.

Эшитилди:

1894 йилда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, собиқ йирик қулоқ, 1919 йилдаги Осиповнинг аксилинқилобий исёни иштирокчиси, йирик ер эгаси, эксплуататорнинг ўғли Абдусаттор Хўжа Абдужабборхўжаевнинг айбловчи 4315-сонли иши.

Қарор қилинди:

Абдужабборхўжаев Абдусатторхўжа — отилсин.

Унинг шахсига мансуб буюмлар конфискация қилинсин.

Шу йиғилишда 80 маҳбус отувга ҳукм этилади.

1937 йил 14 августдаги «учлик» йиғилишида 56 киши отувга ҳукм қилинади.

СССР ХКС 1935 йил 20 мартда Тожикистоннинг Вахш водийсини ўзлаштириш мақсадида водий ерларини суғориш ва суғориладиган ерларга 12.000 хўжаликни кўчириб олиб бориш тўғрисида қарор қабул қилади. Унга кўра 3.000 хўжалик Тожикистондан, 3.000 хўжалик Ўзбекистондан ва 6.000 хўжалик Иттифоқнинг бошқа районларидан кўчириладиган бўлади. Тақсимотга кўра, 4000 хўжалик 1935 йилда, 4000 хўжалик 1936 йилда, 4000 хўжалик 1937 йилда кўчирилиши керак эди.

¹ Книга памяти жертв политических репрессий. Ульяновск, 1996, стр. 766–780.

1935 йилда Вахш водийсининг суғориладиган ерларига Ўзбекистондан 1000, Тожикистондан 1000 хўжалик ва мамлакатнинг бошқа районларидаги махсус кўчкиндилардан 3000 кишини кўчириб келтириш ва уларнинг хўжалик жиҳатдан жойлаштирилиши устидан бевосита назорат қилиш Ички ишлар халқ комиссарлиги зиммасига юклатилади.

Давлат хавфсизлик бошқармаси махфий сиёсий бўлим бошлиғи ва Меҳнат тузатув лагерлари давлат бошқармаси бошлиғи ёрдамчиси 1935 йил 29 мартда Тожикистон ССР ички ишлар халқ комиссари Тарасюк номига хат йўллайди. Хатда Тожикистонга юборилаётган кўчкиндилар контингентини 1935 йилда хўжалик жиҳатдан жойлаштиришга тайёргарлик кўриш, кўчиришни ташкил этиш ва кўчирилаётганлар тўласинча хўжалик жиҳатдан Тожикистон ССР Ички ишлар халқ комиссари зиммасига юклатилади¹.

Раҳимбоев ва Шадунц ВКП(б) МК котиби Сталинга, СССР ХКС раиси Молотовга телеграмма юбориб Ленинград вилоятининг чегара полосасидан сургун қилинаётган қулоқ ва советларга қарши унсурларнинг Вахш водийсини ўзлаштиришдан иборат хўжалик вазифаларини бажаришга жавоб бермаслиги сабабли уларнинг ўрнига Тожикистонга Ўрта Осиё, Шимолий Кавказ ёки Украинадаги меҳнат лагерларидан махсус кўчкиндиларни юборишни сўраганлар. Афтидан, Шадунц ва Раҳимбоевлар 1931 йили Ўрта Осиёдан Шимолий Кавказ ва Украинага сургун қилинган қулоқларнинг бу сургун жойларида пахтачилик билан шуғулланганликларини эътиборга олган бўлсалар керак. Ҳақиқатдан ҳам Шимолий Кавказ ва Украинага сургун қилинган Ўрта Осиёликлар бу жойларда ташкил топган пахтачилик совхоз ва колхозларида меҳнат қилаётган эдилар.

СССР Ички ишлар халқ комиссари Г. Г. Ягода Раҳимбоев ва Шадунцларнинг фикрига қўшилмай Сталин билан Молотовга телеграмма йўллаб, унда «Ленинград вилоятдан сургун қилинаётганларни қабул қилишдан бош тортишга асос йўқ, чунки Шимолий Кавказлик махсус кўчкиндилар ҳам, Ленинград вилоятилик махсус кўчкиндилар ҳам баббаравар пахтачилик билан таниш эмаслар ва теппа-тенглиги, уларнинг иш ва ҳаёт шароитларига мослашувлари кераклигини таъкидлайди.

Ўрта Осиё лагерларидаги махсус кўчкиндиларни ажратиб беришга келганда шуни айтиш керакки, НКВД Шадунц ва Раҳимбоев ўртоқларнинг илтимосини қондира олмайди, чунки НКВД лагерларида махсус кўчкиндилар йўқ, балки жиноятчилиги учун ҳукм қилинганлар сақланади»².

И. В. Сталин ва В. М. Молотов 1936 йил 26 февралда Ўз Компартия Марказкоми котиби А. Икромов, ХКС раиси

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 29-иш, 3—6-варақлар.

² РИСТТДА, 62-фонд, 2-руйхат 17-иш, 18-варақ.

Ф. Хўжаев, Тожикистон Компартияси Марказкоми котиби У. Ашуров, ХКС раиси Нусратулла Максумовлар ҳамда Иттифоқ идоралари раҳбарларидан Яковлев, Молотов, Мураловлар номига 282/314-сонли меморандум йўллайди. Унда шундай дейилган: «Халқ Комиссарлари Советининг 21 февралдаги фармойишига ўзгартириш киритиб ВКП(б) МК ва ХКС Ўзбекистон Марказкоми ва Халқ Комиссарлари Советига 5 мартга қадар Вахш водийсига 1000 хўжаликни ва 1936 йилнинг 15 мартдан кечиктирмасдан 500 хўжаликни кўчириш вазифаси топширилсин»¹.

Г. Г. Ягода 1936 йил 29 февралда Ички ишлар халқ комиссарлиги Сталинград ўлкаси бошқармаси бошлиғи Г. Я. Раппопортга махсус кўчкиндиларни Вахш водийсига жўнатиш тўғрисида директива йўллайди. Уни айнан келтирамиз: «Директив органлар қарорларига мувофиқ Вахш водийсини ўзлаштириш мақсадида сизга Сталинград ўлкасида ички ўлка районларига жойлаштирилган махсус қишлоқлардан 1 минг махсус кўчкиндиларни жўнатиш топширилди. Махсус кўчкиндилардан бир минг оилани жўнатиш майда, хўжалик жиҳатдан энг ёмон жойлашган махсус қишлоқларни тўласинча тугатиш ҳисобидан амалга оширилсин. Махсус қишлоқларнинг бир қисмини тугатиш ва кўрсатилган миқдордаги махсус кўчкиндиларни Тожикистонга жўнатиш қуйидаги асосларда амалга оширилсин:

1) Махсус қишлоқларни тугатишни ҳудудида тугатилаётган махсус қишлоқлар мавжуд бўлган УНКВД район бўлимлари, район ижроия комитетлари ва район ер бўлимлари вакиллари-дан иборат комиссиялар амалга оширсин.

2) Тугатилаётган махсус қишлоқларнинг қўзғалмас мулки (турар жой, турар жой бўлмаган қурилишлар) қишлоқ советларига берилсин. Махсус қулоқларнинг қишқи (кузги) экинлари ва қишлоқ хўжалигининг йирик инвентарлари муайян баҳолар билан яқин колхозларга бериб юборилсин. Экин қишлоқ хўжалиги инвентарлари учун берилган маблағ махсус қишлоқлар ҳисобидаги қарзларни тўлашда ва шунингдек жўнатилаётган махсус кўчкиндилар учун озиқ-овқат сотиб олишда фойдаланилсин.

3) Махсус кўчкиндиларни жўнатиш бўйича амалий ишларнинг барчаси УНКВД районлари аппаратлари шахсий таркиби кучлари томонидан бажарилсин. Уларга ёрдам кўрсатиш учун совет, партия, комсомол фаолларини жалб этишга рухсат берилди. Махсус кўчкиндиларни жўнатиш бўйича ишларга раҳбарлик қилиш учун жойларга УНКВДнинг тезкор ходимларини хизмат сафарига юборинг.

4) Тожикистонга фақат тугатилаётган махсус қишлоқлардаги таркибида камида меҳнатга яроқли бир эркак киши бўлган оила-

¹ РФДА, 9497-фонд, 1-рўйхат, 32-иш, 29-парақ.

ларгина жўнатилиши керак. Истисно тариқасидаги ҳолатларда меҳнатга яроқли аёллар бўлган, аммо 8 ёшгача кичик болалари бўлмаган оилаларни жўнатишга рухсат этилади. Кексалар, ногиронлар ва қаровсиз болалар жўнатилмагин, улар қариндошларига боқиманда қилиб берилсин.

5) Ўлкаларнинг ички махсус қишлоқларига тўтри кўчирилганлиги тан олинган махсус кўчинди оилаларгина жўнатишга лойиқдир. Барча жўнатилаётган махсус кўчинди оилаларга бир вақтнинг ўзида собиқ ОГПУнинг 042-сонли буйруғига мувофиқ уларнинг шахсий варақалари юборилиши керак. Шахсий варақаларда район ижроия комитетининг ёки УНКВДнинг мурайян оилани махсус қишлоққа кўчириш тўғрисидаги қарори албатта бўлиши керак.

6) Барча жўнатилаётган махсус кўчиндилар икки ойлик озиқ-овқат захирасига, жумладан, бутун йўл давомида етадиган тандирда ёпилган нон билан таъминланишлари лозим. Озиқ-овқат жамғармаси махсус кўчиндиларнинг шахсий захираларидан, уларнинг артелларидаги захирасидан, шунингдек, колхозлардан тушган маблағ ҳисобидан сотиб олинган етишмаган озиқ-овқатлардан иборат бўлиши керак.

Жўнатилаётган махсус кўчиндиларга ўзлари билан ҳар бир оила учун 30 пуд миқдорда бутун кийим-кечагини, оёқ кийимини, уй анжомларини ўзлари билан бирга олишлари учун рухсат берилади.

7) Жўнатилаётган махсус кўчиндилар билан бирга уларнинг барча озиқ-овқат ва оилавий захиралари, отлари, бутун майда ҳайвонлари, қушлари, ҳайвони учун озуқаси, майда қишлоқ хўжалиги инвентарлари, темир ва дурадгорлик инструментлари ҳам жўнатилиши керак.

Жўнатилаётган махсус кўчиндиларга тегишли барча қорамол, хоҳ индивидуал, хоҳ артеллардаги махсус кўчиндиларда бўлмасин, «Бошгўшт»нинг яқинроқ идорасига топширилиши керак. Ҳайвонларнинг топширилганлиги ҳақидаги ҳужжатлар Сталинободдаги «Бошгўшт» идорасига юборилиши, ҳужжатларнинг нусхалари махсус кўчиндилар қўлига берилиши керак. Тожикистоннинг «Бошгўшт»и махсус кўчиндиларга топширилган ҳайвонларнинг оғирлиги ва семизлигига тенг келадиган тарзда Сталинободда берилади.

8) Махсус кўчиндилар эшелонлар билан жўнатилинсин. Барча жўнатилаётганлар ўз вақтида райижрокомлар ҳисобидан ташиб келтирувчи воситалар орқали жўнатиладиган пунктларда тўпланишлари керак. Жўнатилаётганларнинг барчаси вагонларга жойлаштирилишларидан олдин қунт билан тиббий кўриқдан ва санитария назоратидан ўтказилиши керак.

9) Жўнатилаётганларни йўл давомида кўриқлаб кетиш, эшелонларга комендантлар ва кузатиб борувчи тиббий персонал шахсларни ажратиш Сталинград УНКВДсига юклатилади.

~~СЕКРЕТНО~~

~~297~~ ~~25~~ ~~18~~

ПРОТЯЖЕНИЕ ЧУМЫ № 911-750/сс

ФИНАНСОВЫЙ ОТДЕЛ
Задолженность
399/с
20/1

СОВЕТА НАРОДНЫХ КОМИССАРОВ СОЮЗА ССР
21-го Мая 1936 г.

~~19~~
14

О переселении кулацких хозяйств из Дагестана в Чечено-Ингушетию.

Совет Народных Комиссаров Союза ССР постановляет:

4/0

1. Разрешить Северо-Кавказскому Краю переселить за пределы края 500 кулацких хозяйств из ДССР, 500 кулацких хозяйств из Чечено-Ингушской Области в Казахстан и Среднюю Азию.

2. Давать им промазати в течение 1936 года по мере возможности устройства переселяемых в спецпоселках, до начала октября 1936 года.

3. Ответственность за отбор и порядок переселения возложить персонально на т. т. ЕВДОКИМОВА, ПИРОВАРОВА и МАГИНА.

4. Предложить НКВД представлять смету на расходы, связанные с указанным переселением.

*Вниманию
соответствующих
органов*

ПРЕДСЕДАТЕЛЬ СОВЕТА НАРОДНЫХ КОМИССАРОВ СОЮЗА ССР

В. МОЛотов.

УПРАВЛЯЮЩИЙ ДЕЛАМИ СОВЕТА НАРОДНЫХ КОМИССАРОВ СССР

И. МИРОШНИКОВ.

В е р н о /подпись/.

Копия верна:

Борис
1936

4 27/1 1936

Хужжат.

10) Жўнатилаётганларни йўл давомида қайноқ ичимлик суви билан таъминлаш учун ҳар бир эшелон кўчиб юривчи ошхоналар билан жиҳозланиши керак.

11) Жўнатилаётган махсус кўчкиндиларнинг оила бошлиқлари — эшелонлари қочиб кетмасликларининг олдини олиш мақсадида эшелонлар жўнатилишигача 7—10 кун қамоқда ушлаб туришга рухсат берилади.

12) Махсус кўчкиндилар ортилган эшелонлар шу йилнинг 20 мартидан 26 мартигача жўнатилиши керак. Белгиланган станция — Сталинобод.

Шу йил 10 мартга қадар СПО ГУГБ (Давлат Хавфсизлик Бош бошқармаси махфий сиёсий бўлими)га телеграф орқали махсус кўчкиндиларни жўнатишнинг батафсил режасини тақдим этинг. Қанча оила, қанча жон жўнатилиши, қайси станциядан, қанча одам вагонга ортилиши, эшелонларни шакллантириш, юк ва ҳайвонлар учун талаб қилинадиган вагонлар миқдори, эшелонларнинг жўнатиладиган аниқ муддати кўрсатилиши керак.

Эшелонларнинг ҳаракат қилиш графиги қўшимча тарзда ТО ГУГБ (Давлат Хавфсизлик Бош бошқармаси транспорт бўлими) йўли билан хабар қилинади.

Махсус кўчкиндиларни жўнатиш ва тайёргарликнинг бориши ҳақида СПО ГУГБни хабардор қилиб туринг.

СССР Ички ишлар халқ комиссари, Давлат хавфсизлиги Бош комиссари
Ягода¹.

Ана шу кўрсатмалар асосида Ўзбекистондан деҳқонлар Тожикистонга кўчирилади. Бу ҳам деҳқонларга нисбатан қўлланилган ўзига хос қатағон эди.

1937 йилги қатағоннинг қўлами катта бўлганини, репрессия қилиш оқибатида концентрацион лагерлар қамоқхоналарида қамоқ азобини тортаётган Ўрта Осиёликлар ҳақидаги мана бу жадвал ҳам характерлидир:

¹ Трагедия советской деревни... Т. 4. стр. 719—720.

**СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги меҳнат тuzатув лагерларида
қамoқ жазосини тортаётганлар миллий таркиби
(1937 йил 1 октябрдаги маълумот)¹**

№	Миллатлар										
		Байкал-Амур лагерида	Дмитлагерида	Волголагерида	Белбалтлагерида	Ухтеч лагерида	Темлагерида	Дальлагерида	Сибирь лагерида	Урта Осиё лагерида	Севастополь лагерида
1.	Қozoқлар	2605	400	335	261	170	49	2550	614	452	—
2.	Қирғизлар	297	—	69	491	—	99	—	253	430	—
3.	Тожиқлар	139	—	82	56	—	16	20	72	930	—
4.	Туркманлар	565	—	470	49	—	94	753	131	734	—
5.	Ўзбеклар	1759	1923	1531	474	618	293	2151	596	8959	—
1.	Қozoқлар	1105	752	154	239	21	70	33	28	32	622
2.	Қирғизлар	120	—	8	500	11	20	10	2	8	174
3.	Тожиқлар	71	8	18	112	9	—	11	9	7	73
4.	Туркманлар	209	9	20	104	730	185	15	—	5	93
5.	Ўзбеклар	854	12	23	1199	69	250	96	47	70	655
	Жами:										
1.	Қozoқлар	10492									
2.	Қирғизлар	2050									
3.	Тожиқлар	1633									
4.	Туркманлар	3519									
5.	Ўзбеклар	21579									

5. МУҲОЖИРЛИҚДАГИ «ҚУЛОҚЛАР»

Қўплаб юртдошларимиз чор Россияси ва совет мустамлакачилигининг қаҳру ғазабидан, тазйиқ-таъқибидан, зулму зўравонлигидан, қатағону терроридан бешиб, ноиложликдан уй-жойини, мол-мулкени, от-уловини, қавми-қариндошларини, маҳалла-қўйини ташлаб муҳожирликка чиқиб кетганлар. Ана шу ватандошларимизнинг фожеали тақдиру қисматлари, тарихи миллатимиз тарихининг бир бўлаги, ажралмас қисмидир. Юртбошимиз ташаббуси ва ташкилотчилиги билан холисона, ҳаққоний янги тарихини яратиш давлат сиёсати даражасига қўтарилган ҳозирги мустақиллик даврида тарихимизнинг ана шу кемтик қирраларидан кўз юма олмаймиз. Бунга миллий виждонимиз, илмий диёнатимиз, минталитетимиз, дину эътиқодимиз, миллий ва умумбашарий қадриятларимиз йўл бермайди.

¹ РФДА. 9414-фонд. 1-руйхат, 1139-нш. 232—235-варақлар.

Хуллас, тарих тақозоси билан Ватанни тарк этишга мажбур бўлган юртдошларимизнинг фожеси, қисмати, тақдирига бe-фарқ қарай олмаймиз. Мустабид тузум зулму асоратига бардош бераолмай, ўзлигини, дину диёнатини, ору номусини ҳимоя этиб, ҳақсизликка, қабоҳату жаҳолатга, зўравонлигу тажовузга асосланган муҳитдан бош олиб хорижга чиқиб кетиш жараёни ўша «оқ» подшо давридан, айниқса мудҳиш 1916 йилги қирғин давридан бошланиб, советлар даврида давом этади ва бу даврда муҳожиратга чиқиш кенг тус олади. Айниқса Комфирқа ва Советларнинг халқимиз хоҳиш-истагига қарама-қарши ер-сув ислоҳотини ўтказиш, ёппасига жамоалаштириш, «қулоқ»ларни синф сифатида тугатиш, хотин-қизларни озод қилиш ниқобида машъум «Хужум» кампаниясини ўтказиш, ислом динига, мусулмончиликка қарши ўт очилган ва ниҳоятда «катта террор» даврида муҳожиратга чиқиш кескин тус олади.

1917—1934 йилларнинг ўзида Ўрта Осиёдан 900 мингдан ортиқ киши хорижга чиқиб кетган. Бу жараён Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам давом этган. Расмий маълумотларга қараганда, XX аср охирларида хорижда 3 миллионга яқин ўзбеклар яшаётгани, шундан 2 миллиони ўзбекистонлик ўзбеклар экани қайд этилган. Туркияда 170,5 минг, Саудия Арабистонида 300 мингдан зиёд ўзбек яшайди. Ҳозирда ўзбеклар дунёнинг кўплаб мамлакатларида, Америкадан тортиб Европагача, Узоқ Шарқдан тортиб бутун Осиё, ҳатто Африка, Австралияда сизу бизларнинг миллатдошларимиз яшамоқда. Уларнинг маълум қисми жамоалаштириш ва у билан баб-баравар амалга оширилган қулоқлаштириш даврида ўтиб кетганлар. Совет ва комфирқа ҳукмронлиги даврида уларга «ватангадолар», «ватанфурушлар», «ваган сотқинлари» каби ҳақоратомуз номлар қўйилди, халқ оммаси, онги ва қалбига ғазаб ва нафрат туйғуси сингдирилди. Ватандан ташқарида бўлган жамики юртдошларимиз душман сифатида баҳоланди. Мана, буюк Истиқлолимиз туфайлигина бу ўтмиш сарқитлари барҳам топди, хорижга кетиб қолган ватандошларимиз қисмати ҳақидаги бор ҳақиқатлар рўёбга чиқмоқда. Тарихимизнинг ана шу очилмаган саҳифаларидан айрим лавҳалар келтирамиз.

Аввал-азалдан яшаб келаётган юртдошларимизнинг ўз миллий маконларини ташлаб хорижга чиқиб кетишларининг сабаблари кўпдир. Бунинг асосий сабаби энг аввало Советлар ва Комфирқанинг ўлкамиздаги мустамаккачилик сиёсати ва унинг амалиёти эди. Улар қисқа муддат ичида Ўрта Осиё халқларининг миллий давлатчилигига барҳам берди, тарихидан маҳрум қилди, динини таъқиқлаб қўйди, тилига кишан солди, маданият ва маънавиятини гораг қилди. Ер-сув ислоҳоти ва жамоалаштиришни амалга ошириш баҳонасида деҳқонларнинг ери, от-улови, турар-жойлари, молу мулки, ҳатто рўзғор буюмлари тортиб олинди, ўзлари бегона юртларга сургун қилин-

ди, бир қисми отиб ташланди, катта қисми концлагер қамоқ-хоналарига ташланди.

Жамоалаштириш ва қулоқ қилиш амалга оширилаётган вақтдаёқ бутун Ўрта Осиёда советларнинг бу йўлига қарши кураш авж олган. 1930 йилнинг ўзида 332 марта советларга қарши террорчилик, 336 марта оммавий чиқишлар, 40 марта варақа тарқатиш факти қайд қилинган. Гуруҳий ва оммавий чиқишлар Урта Осиё бўйича 1930 йилнинг январидида 1 та, февралда 29 та, мартада 219 та, апрелида 16 та, майда 28 та, июнида 13 та, августидида 4 та, сентябрида 8 та, октябрида 10 та, ноябрида 3 та, декабрида 5 та, ҳаммаси бўлиб 336 та чиқиш бўлиб, уларда 115950 киши қатнашган. Уларнинг аксарият катта қисми қишлоқ аҳолиси, деҳқонлар бўлган¹. Советлар уларга қарши жазо чораларини кўрган.

ОГПУ махфий тезкор бошқармасининг 1930 йил 15 февралдаги «қулоқлар бўйича ўтказиладиган операциялар» натижасида Ўрта Осиёда 162 киши қамоққа олинади, 2 аксилинқилобий ташкилот, 13 та гуруҳ тугатилади, уларнинг аъзоларидан 278 киши қамоққа олинади. Қамоққа олинганларнинг ижтимоий таркиби куйидагича бўлган: қулоқлар (бойлар) — 65 киши, ўрта ҳоллар — 33 киши, камбағаллар — 31 киши, черковчилар — 3 киши, савдогарлар — 1 киши, собиқ амалдорлар — 1 киши, хизматчилар — 20 киши, масъул ходимлар — 6 киши ва бошқалар — 2 киши².

1930 йил 24 апрелгача бўлган маълумотда Ўрта Осиёда 2350 киши 1-тоифали қулоқ сифатида қамоққа олинган, 2 аксилинқилобий ташкилот тугатилган (17 киши қамоққа олинган), 89 аксилинқилобий гуруҳ (917 киши қамоққа олинган) тугатилган, 1416 киши якка тартибда қулоққа тортилиб қамоққа олинган, 1539 кишини бирлаштирган 22 тўда тугатилгани қайд этилган³.

1930—1939 йилларда камида 1 миллион 700 минг киши сургун қилинади. Фақат Ўзбекистоннинг ўзидан 1931 йилнинг августи билан 1932 йил май ойида ўтказилган «операция»лар натижасида 9651 хўжалик (61872 киши) қулоқ оиласи сифатида сургун қилинади. Бу икки «операция» оралиғида ва ундан сўнг ҳам «қулоқлар сургунни» давом этади. Деҳқонларни террор — «қулоқ» қилиш 1935 йилда бошланган «катта террор»га уланиб кетади, қатағон авжига минган 1937—1938 йилларда эса янада кучаяди. УзССР Ички ишлар халқ комиссари Загвоздин, республиканинг биринчи раҳбари Акмал Икромов, ҳукумат бошлиғи ўринбосари Тўрабековлардан иборат «учлик»нинг фақат 1937 йил 1 августдаги қарори билан 80, 14 августдаги қарори билан 56, 20 августдаги қарори билан 55, 23 августдаги қарори билан 96 киши

¹ Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5-томах. 1927—1939. М. РОССПЭН. 2000. Т. 2. стр. 801.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3. Книга 1, стр. 113.

³ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3. Книга 1, стр. 140.

«қулоқ», «ёт унсур», «халқ душманлари», «босмачиларга кўмак-лашган» айблари учун отувга ҳукм этилади ва кўплаб кишилар концлагерларга, қамоқ жазосига, узоқ юртларга сургун қилишга қарор қилинади.

1929—1935 йиллари Ўрта Осиёдан, жумладан, Ўзбекистондан бегона юртларга, Сибирь, Шимол, Украина, Қозоғистон, Узоқ Шарқ, Урал, Шимолий Кавказга «қулоқлар меҳнат қилдиган» «махсус қишлоқ»ларга кўплаб қулоқ қилинган юртдошларимиз сургун қилинади. Уларнинг маълум қисми очликдан, совуқдан, касалликдан ўлиб кетади. Сургун жазосини ўтаётган юртдошларимиз ўша бегона юртларда 1937—1939 йиллари яна қатағон қилиниб, кўплари қамоқ ва ўлимга ҳукм этилганлар. Оқибатда қулоқларнинг «меҳнат посёлкалари»дан қочиши одадий бўлиб қолган. Ўзбекистон ҳудудидаги «қулоқ қишлоқлари»дан 1935 йили 1531, 1936 йили 844, 1937 йили 816 қулоқ қочиб кетган. Ўзбек «қулоқлари» Ўрта Осиё, Украина, Шимолий Кавказ ва Қозоғистон, Сибирдаги сургунда ҳам кўп азоб тортганлар, уларнинг катта қисми ўша жойларда ўлиб кетган, қатағон қилинган. Ўрта Осиёдаги «қулоқлар қишлоқлари»дан 1932 йили 7333, 1933 йили 15790, 1934 йили 3897 киши, Украинадаги «меҳнат посёлка»ларидан 1932 йили 961, 1933 йили 473, 1934 йили 333 киши, Шимолий Кавказ «меҳнат посёлкалари»дан 1932 йили 6897, 1933 йили 7109, 1934 йили 3906 киши қочиб кетган. Уларнинг бир қисми ушланиб жойларига қайтарилган, бир қисми қамоқ ва отув жазосига ҳукм этилган. Бу сингари фожеаларни билган, ўзларининг ҳам бошларига шундай фожеалар тушишини фаҳмлаган юртдошларимизнинг бир қисми бирдан-бир нажот бошни олиб чиқиб кетиш, деган хулосага келганлар. Умуман, советларнинг ер-сув ислоҳоти, колхоз тузилиши, қулоқ қилиш каби тадбирларига қарши турганларнинг маълум қисми хорижга чиқиб кетиш орқалигина офатдан сақланиб қолганлар. Хорижга чиқиб кетиш учун эса сабаблар кўп бўлиб, уларнинг ҳаммаси совет тузуми билан боғлиқ эди.

ОГПУ ахборот бўлими 1927 йил декабрь ойи учун берган шарҳида «советларга қарши бўлган унсурлар — бойлар, мусулмон руҳонийлари, савдогарлар ва бошқалар армияга чақирувга қарши кучайтирилган тарғиботлар олиб бораётгани, натижада деҳқонларнинг армия чақирувидан озод бўлиш учун Афғонистонга кўчиб кетишга ҳаракат қилаётганликлари» қайд этилган.

«Ер ислоҳотидан жабрланган йирик бойлар орасида Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетиш тенденцияси кучайиб бораётгани ҳам таъкидланган. Ҳатто рус аҳолисининг бир қисми кўчиб кетиш сари ҳаракат қилаётгани ҳам таъкидланган»¹.

Солиқ тўлашга мажбур қилинган деҳқонлар солиқлар миқдо-

¹ Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. М., РОССПЭН, 1999. т. 1, стр. 119—135.

ри ҳаддан ташқари катта миқдордалиги, уни тўлаш мумкин эмаслиги, тўланмаган ҳолда қулоқ қилинишларини олдиндан билиб бирдан-бир нажот Эронга кўчиб ўтишлари зарурлиги ҳақида қарорлар қабул қилаётганликлари ҳам қайд этилган.

ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягода 1927 йил декабрида СССРнинг сиёсий аҳволи тўғрисидаги шарҳида Ўрта Осиёда ер ислоҳотидан жабрланган йирик бойлар орасида Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетаётганлар ҳам борлигини қайд этишга мажбур бўлган эди¹.

Ҳужжат далолати. Мутлақо махфий.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси

Ўрт. Остроумовга

12.1.1929 йил

Биз Ташқи ишлар халқ комиссарлигининг Ўзбекистондаги вакилидан помешчилик типидagi номеҳнат хўжалиklarининг тугатилиши ўтказилаётганлиги муносабати билан Сурхондарё округи ҳудудидаги афғон фуқаролари ўзларининг ер мулкларини сотиб юбориб, Афғонистонга кўчиб кетаётганликлари тўғрисида хабар олдик. Бундан ташқари, маҳаллий аҳолининг кўпчилиги ҳам афғон фуқаролигига ўтиб, худди шундай қилмоқдалар.

Бундай хабарлар бизнинг ўзимизнинг маълумотларимиз билан ҳам тасдиқланмоқда. Биздаги мавжуд маълумотларга кўра 16.XII га уч ҳафта ичида Афғонистонга расмий йўл билан 60—70 та хўжалик ўтиб кетган, улардан кўпчилиги маҳаллий фуқаролардир.

Ўрта Осиёдаги ОГПУ ПП СОУ бошлиғи:

(Бокша).

Инфо бошлиғи:

(Дьяков).²

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили ахборот бошлиғи ёрдамчиси Алининг 1929 йил 13 январда «ЎзССР Сурхондарё ва Хоразм округларида меҳнатсиз хўжалиklarни тугатиш бўйича кампаниянинг бориши ҳақида махсус маълумоти»да шундай дейилган: «Шеробод райони Айни қишлоғида амирнинг собиқ амалдорлари Парда Каримов, Жевали Жумаев ва бошқаларнинг ерларини олиб қўйиш пайтида улар ўзаро гаплашиб турганларида мана бу фикр айтилган: «Ҳукумат ерни зўрлик тартиби билан олиб қўймоқда. Бундан буён биз бу жойда яшай олмаймиз. Қутилишнинг бирдан-бир йўли — Афғонистонга ўтиб кетишдир. Совет ҳокимияти ўзининг тадбирлари билан ёмон ҳолатга тушиб қолади»³.

Денов райони Хотоев қишлоғида баобруйли Қорамиеҳон Эшонникидаги йиғинда ер ислоҳоти тўғрисида ўзаро фикр бил-

¹ Уша жойда.

² РИСТТДА, 62-фонд, 2-руйхат, 2022-иш, 52-варақ.

³ РИСТТДА, 62-фонд, 2-руйхат, 2022-иш, 58—59-варақлар.

дирилиб, жумладан: «Агар совет ҳокимияти бизларга 40 танобдан ер қолдирмас экан, у ҳолда биз ўз мулкимизни сотиб юбориб Афғонистонга кўчиб кетамиз»¹, дейилган.

Денов райони Юрча қишлоғида маҳаллий савдогар ҳамқишлоқлари орасида Афғонистоннинг Тошкентдаги консули ЎзССРдан кетишни хоҳлаганлар ва Афғонистон фуқаролигини қабул қилган ҳар бир киши учун 600 сўмдан пул бермоқда, деган гап тарқатаётгани ҳам ўша юқоридаги шарҳда қайд этилган².

1929 йил 3 февралдаги «Хоразм округида меҳнатсиз хўжаликларни тугатиш тўғрисида махсус маълумотнома»да мана бу далил келтирилган: «Гурлан райони Хондакяп қишлоғида яшовчи Абдулла Шағалбой 2 январь куни Гурландаги бозорда ўша қишлоқлик Войбойни учратади ва Маккага кетиш учун ундан бир неча тилла танга сўрайди, Войбой эса тилла танга йўқлигини, агарда унда пул бўлганида эди, алақачон Ўзбекистонни тарк этиб бошқа жойга кетган бўлишини айтади»³.

Жамоалаштириш ва кулоқ қилиш, сургун қилиш кампаниялари даврида хорижга чиқиб кетиш тенденцияси кучайиб кетади. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили В. А. Каруцкийнинг Ўрта Осиё районларидаги сиёсий аҳвол тўғрисида 1930 йил 11 февралда Москвага тўғридан-тўғри сим орқали йўллаган хабарида хорижга чиқиб кетиш узлуксиз давом этаётгани ва ўсиб бораётгани қайд этилган. Сўнгги маълумотларга қараганда январда ва февраль бошларида Туркменистон орқали 185 хўжалик, Тожикистон орқали 64 хўжалик, Қирғизистон орқали 6 хўжаликнинг хорижга чиқиб кетгани қайд қилинган. Эмиграцияга чиқиб кетаётганларнинг катта қисми ёппасига жамоалаштириш районларидан бўлган, бу эса эмиграцияга чиқиб кетаётганларнинг умумий миқдорига нисбатан 60 дан 80 фоизни ташкил қилган. Эмиграцияга ҳозирлик кўраётганларнинг катта қисми ҳайвон, инвентарь, буюмларини сотиб юборган. Фарбий Хитойга эмиграцияга чиқиб кетиш оммавий тус олган. Айниқса Шимолий Қирғизистоннинг Фрунзе (ҳозирги Бишкек), Қоракўл кантонларида Фарбий Хитойга оммавий эмиграция яши тайёрланган. Ўрта Осиё республикаларида жамоалаштириш ва кулоқ қилишнинг аниқ директивалари йўқ⁴, — дейилган тезкор хабарлардан бирида.

Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Ўзбекистоннинг давлат чегара районларида хорижга чиқиб кетадиганлар оқимлари пайдо бўлган. Уларнинг асосий қисми чегарани бузиб ўтиб кетишга эришган. Бу ҳолат СССР ҳукуматини ҳам ташвишга солган, шу боис Ўрта Осиё, Қозғистон чегараларини мустаҳ-

¹ Ўша жойда.

² РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2522-иш, 53—60-варақлар.

³ РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2022-иш, 26—35-варақлар.

⁴ РИСТТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2022-иш, 26—35-варақлар.

камлаш, хорижга чиқиб кетиш йўллари бекитиш чораларини кўришга мажбур бўлган.

ВКП(б) Марказий Комитети Сийёсий бюросининг 1930 йил 20 февралдаги «Жамоалаштириш ва иқтисодий жиҳатдан орқада қолган миллий районларда қулоқларга қарши кураш тўғрисида»ги махфий қарорида жамоалаштириш ва қулоқ қилиш жараёнида Ўрта Осиёда муҳожирликка чиқиб кетиш ҳаракатлари кенг тус олгани, уй ҳайвонларини чегарадан олиб кетаётган хўжаликлар сони ортиб бораётгани қайд қилиниб, бундай ҳолатга қарши кескин чоралар кўриш, хорижга чиқиб кетаётганларнинг уй ҳайвонларини, бутун мулкни мусодара қилиш учун тадбирлар белгилаш кўрсатилган. Қарорда ОГПУ зиммасига Ўрта Осиёда чегара соқчилигини кучайтириш, ҳайвонларни чегарадан ҳайдаб кетишга қарши махсус чоралар кўриш вазифаси юклатилган¹.

Қарорнинг «Чегара районларига муносабат» бандида ҳайвонларни чегарадан ҳайдаб олиб ўтиб муҳожир бўлиб чиқиб кетишга уринаётган хўжаликларга нисбатан ҳайвонлари ва бутун мулкларини мусодара қилишгача кескин чоралар кўриш Ўрта Осиё республикалари ҳукуматларига вазифа қилиб топширилган.

ОГПУга Ўрта Осиёда чегаравий соқчиликни кучайтириш ва чет элга ҳайвонларнинг ҳайдаб кетилишига қарши алоҳида пухта чоралар кўриш вазифаси топширилади.

Ўрта Осиё бюросига дарҳол чегара чорвачилик районларини масъул ходимлар билан мустаҳкамлаш таклиф қилинади. Бунинг учун Ўрта Осиё бюроси 100 нафар партия аъзосини (улардан камида 30 нафари округ, қолганлари эса район кўлаמידан паст даражада бўлмаган) сафарбар қилиши кўрсатилди.

Бу боралаги аҳвол нақадар тигиз ва хавfli экани куйидаги икки ҳужжатда ҳам ўз аксини топган. ОГПУ раиси ўринбосари Г. Ягода, ОГПУ махфий бўлими бошқарма бошлиғи Ольский 1930 йил 22 февралда Тошкентга, ОГПУнинг Ўрта Осиё бўйича доимий вакили В. А. Каруцкий номига мана бу телеграммани йўллаган: «Қочиб кетаётган қулоқларни, яқка ҳолдагиларни қамоққа олинг, икки-уч вагонга гуруҳлаштириб Сибирга жўнатиш, бу ерда улар Заковский томонидан ишга жўнатилади. Оиласи билан қочаётган қулоқларни Қозоғистонга жўнатиш учун ушлаб туриш, районларни қўшимча хабар қилмиш. Бошқа вилоятлардан қочиб келиб ўрнашиб қолган, қўлга олинган қулоқлар миқдорини зудлик билан хабар қилинг. Сизнинг ўлкангизга қочиб келаётган қулоқлар оқимини пасайтириш мақсадида Кинель, Оренбург, Кавказнинг асосий портларига чегара тўсиқлари куйилди»².

¹ Трагедия советской деревни. ... Том 2. стр. 251—256.

² Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т. 3. Книга 1, стр. 162.

Ўша куннинг ўзида, яъни 22 февралда Москвадан, ОГПУнинг Йўл-транспорт бўлиmidан Тошкентга, ОГПУнинг Транспорт бўлимига мана бу телеграмма келади: «Кинель, Оренбург орқали ва Каспий денгизидан Красноводск орқали қулоқлар Ўрта Осиёга қочиб келмоқдалар. Ҳамма жойларда тўсиқлар қўйилди. Зудлик билан Красноводскда махсус тўсиқлар қўйинг, ўтаётганларни текширинглар, қулоқларни ушлаб, уларни ўз ҳисобларидан қайтаётган пароходлар билан қайтариб юборишга мажбур қилингллар. Кетмайдиганларни қамоққа олиб маҳаллий округ бўлимларига топширинглар. Кўплари камбағаллар, ўрта ҳолларнинг сохта ҳужжатлари билан келишмоқда. Бажаринг, етказинг»¹.

Туб миллатга мансуб бўлмаган қулоқ оилалари мажбурий тартибда миллий республикалардан кўчириб юборилади. Ўрта Осиёдан 400 дан кўп бўлмаган миқдорда оилалар сургун қилиниши белгилаб қўйилади². 15 мартга қадар Ўрта Осиё бўйича 1300, жумладан, Ўзбекистон бўйича 1000 миқдорда 1-тоифали қулоқларни концлагерларга қамоққа олиш вазифа қилиб қўйилади.

1930 йил 27 февралдаги 3-сон махфий тезкор маълумотноманинг сўнгги банди «Чет элга муҳожир бўлиш ва бойларнинг бошқа районларга қочиши» деб номланган. Унда шундай дейилган: «Бойларнинг ўзлари яшаб келаётган жойларидан бошқа районларга қочиб кетиши анча кучайиб кетгани, қочиб кетиш фактлари Ўзбекистон бўйича Андижон, Бухоро ва Сурхондарё округ, арида қайд қилинган». Янги Бухоро райони бўйича ёппасига жамоалаштиришда бой ва таниқли руҳонийларнинг Ўзбекистоннинг турли шаҳарларига қочиб кетганликлари ҳақида 10 та воқеа юз бергани ҳам қайд этилган.

Андижон округи Марҳамат районида 4 кун (20 февралдан 24 февралгача) давомида 37 та бой хўжаликлари қочиб кетгани, Ўш округидан Андижон округига чорвадорларнинг катта миқдорда кўчиб ўтганликлари, Балиқчи ва Шаҳрихон районларида 500 дан 2000 гача подалар пайдо бўлгани маълумотномада қайд этилган.

Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетиш тенденцияси Сурхондарё округида бошлангани, ҳозирча бевосита муҳожирликка чиқиб кетаётганлар рўйхатга олинмагани ўша махфий ҳужжатда акс этган³. Шунингдек, Туркманистондан четга чиқиб кетиш ҳаракати нафақат бойларда, ҳатто бошқа ижтимоий қатламларда ҳам жиддий тус олгани, жамоалаштиришдан, тўласинча умумлаштириш тўғрисидаги гаплардан қўрқиб кетганларнинг хорижга чиқиб кетиш ҳаракатлари кенг тус олгани қайд этилган.

¹ Ўша жойда.

² Трагедия советской деревни: коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы. ... Т. 2., стр. 251—256.

³ РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2141-иш, 3—9-варақлар

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги вакилининг Москвага йўллаган хабарида 1930 йили Сурхондарё округи Қўшсарой райони бўйича бойлар етти марта ўз мол-мулки, уй ҳайвонларини сотиб Афғонистонга ўтиб кетиш учун ҳаракат қилганликлари, улардан учтаси муҳожирликка чиқиб кетгани, бир киши чегарада ушлаб олингани айтилган.

Карки округидан 1930 йилнинг икки ойи мобайнида барча ижтимоий қатламларга мансуб 138 хўжалик Афғонистонга ўтиб кетган. Шу вақт ичида чегарадан ўтиш чоғида чегара соқчилари томонидан 49 эркак, 37 аёл ва 60 бола ушланган.

Февралнинг охирларида ёппасига жамоалаштириш ва қулоқ қилиш тўғрисида гаплар кенг тарқалиши туфайли Туркменистон ССРнинг Тахтабозор районида муҳожирлик кайфияти жуда ҳам кескин тус олгани, Афғонистонга уч хўжалик муҳожирликка чиқиб кетгани қайд этилган.

Сурхондарёнинг Ашработ районида бойларнинг ҳайвонларини сотиш ва талон-торож қилиш анча кенг тус олгани, ҳар бозор кунида 1000 дан ортиқ бош ҳайвон сотилаётгани, бунинг бирдан бир табаби эса Афғонистонга муҳожирликка чиқиб кетишдан иборатлиги кўрсатилган¹.

1930 йил 17 мартда Тошкентдан Москвага, ОГПУга бевосита уланган линия орқали йўлланган махфий хабарда 9 март куни Сурхондарё округи Паттакесар райони Учтут қишлоғида 10 бой ва собиқ босмачилар советларга қарши қуроли кураш олиб бориш мақсадида Афғонистонга қочиб ўтиб, бу жойда қуроли отряд тузишга ҳаракат қилаётганликлари айтилган².

1930 йил мартда Москвага юборилган хабарда Қашқадарё округида бойларнинг муҳожирликка чиқиб кетиш учун тайёргарлик кўраётганликлари қайд этилган³.

Бойсун районида жамоалаштиришда маъмурий-буйруқбозлик, зўравонлик, қонунсизлик кенг қўлланилиб, колхозга кирмаганларни Афғонистонга сургун қилиб юбориш, ерини, мол-мулкни тортиб олиш, колхозга кирмаганларни қулоқ сифатида рўйхатга олиб, уларни бошқа ўлкаларга бадарға қилиш каби қўрқитиш усулларида фойдаланилганлиги ҳужжатларда қайд этилган⁴.

Аммо барибир хорижга чиқиб кетиш учун ҳаракат тўхтамаган, давом этаверган. ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакилигининг 1930 йил 5 апрелгача бўлган тезкор ишлари яқунлари ҳақидаги хабарида 19 бой, 12 ўрта ҳол, 4 камбағал, 6 руҳоний, 31 савдогар, 11 хунарманд, 19 хизматчи, 1 ҳарбий, юмуши аниқланмаган 112 киши, аниқланмаган 1 киши, жами бўлиб 214 киши нолегал чегарадан ўтиб кетганлиги таъкидланган⁵.

¹ РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2141-иш, 13-варақ.

² Ўша архив, 104—106-варақлар.

³ Трагедия советской деревни... Т. 3. Стр. 96.

⁴ УзР МДА, 95-фонд, 1-рўйхат, 2219-иш, 244-варақ.

⁵ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3, книга 1, стр. 306.

Тошкентдан Москвага, ОГПУ раҳбариятига 1930 йил 15 июнда йўлланган тезкор хабарда яширин чегарадан 6 бой, 8 ўрта ҳол, 16 савдогар, 24 ишчи, 21 хизматчи, 10 кустар, 32 машғулоти аниқ бўлмаган, 1 руҳоний, 8 аниқланмаган кишилар ўтиб кетганликлари қайд этилган¹.

Таниқли жадидчи Лазиз Азиззоданинг 1930 йил 2 июндаги терговда берган маълумотида Фулом Қори Тиллашайхов, Ориф Каримов, Муҳаммад Амин Афандизодалар хорижга чиқиб кетгани қайд қилинган². Андижонлик «Миллий иттиҳод»чи 1937 йил 23 декабрда ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги қошидаги «учлик» ҳукми билан отилиб кетган Салоҳ Сайфийнинг отаси ҳам ўша 30-йиллар бошида муҳожир бўлиб Саудия Арабистонига ўтиб кетган³. Тошкент давлат шарқшунослик институти кафедра мудири, тарих фанлари доктори, профессор Мирсодиқ Исҳоқовнинг айтишларича, унинг буvasи Ҳасан Тўхтабоев Юнусободнинг Оқтепа қишлоғидан 1932 йили Қашқарга ўтиб кетган, 1946 йили 92 ёшида Фулчада бандаликни бажо келтирган. Унинг авлодлари ҳозирда Фулчада яшамоқда.

1931 йил 27 августда Москвага сим орқали тўғридан-тўғри йўлланган тезкор хатда Саройкамарда кўшимча сургун қилиш тўғрисида иғволар тарғиботи туфайли Афғонистонга муҳожир бўлиб чиқиб кетишдан иборат 3 та ҳодиса юз бергани қайд этилган⁴.

1931 йил 30 августда Москвага тўғридан-тўғри сим орқали узатилган хатда Саройкамар районидан 5 хўжаликнинг милиционер иштирокида Афғонистонга ўтиб кетгани қайд этилган.

ОГПУ махфий сиёсий бўлимининг 1932 йил 5 августда мутлақо махфий тамға остида тузилган «Қишлоқдаги салбий ҳодисалар ва антисовет унсурлар фаолияти тўғрисида» деб номланган маълумотномасида: «Ўрта Осиё бўйича январь-июль мобайнида махфий Сиёсий бўлим йўли билан қишлоқда 834 кишини қамраб олган 73 аксилинқилобий бой-қулоқлар гуруҳлари аниқланди ва улар йўқ қилинди. Шу муддат мобайнида 60 тагача одам ўлдирилган, 82 террор ҳодисаси ҳисобга олинди. Чегара районларида аҳолининг кўшни мамлакатларга ўтиб кетиш ҳоллари кўплаб қайд этилди.

Қулоқ-бойлар тарғиботи таъсирида кўпинча камбағал ва ўрта-ҳол хўжаликлар кетганлар. Тўлиқ бўлмаган маълумотларга кўра Эронга — 1073, Афғонистонга — 1218, Хитойга — 40 га яқин хўжалик муҳожирликка кетган, 1867 хўжалик чегарада тутиб қолинган. 49 ҳолатда муҳожирлик чет элдаги босмачи бандаларнинг чегарадан ўтишни ҳимояловчи босқинлари билан кечди...»⁵, — дейилган.

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... стр. 389.

² УЗР МҲХА П-33391, 4-жилд, 701—705-варақлар.

³ Уша архив, П-27513, 7-жилд, 135—136-варақлар.

⁴ РФХХМА, 2-фонд, 9-руйхат, 332-иш, 5—6-варақлар.

⁵ Трагедия советской деревни. Коллективизация и раскулачивание. Документы и материалы в 5 томах. Т. 3. М., РОССПЭН, 2001.


Аммо хорижга ўтиб кетиш жараёни мислсиз оғир кечган ва кўп ҳолатларда қочоқлар тақдири ўша ўтиб кетиш чоғидаёқ ҳал бўлган, яъни улар чегарачилар ўқидан ҳалок бўлганлар, дарёлардан ясама, қўлбола қайиқлар билан ўтиб кетаётганларида сувга чўкиб кетганлар. Бундай фожеали ҳолатлар Амударёдан ўтиш чоғида юз берган.

Жамоалаштириш ва қўлоқ қилиш, сургун этиш авж олган ўша 30-йиллар бошида Ўзбекистондан чиқиб кетган кўплаб ватандошлар билан биз 1992 йил май-июнь ойларида Бобур номли халқаро илмий сафарда, Муборак ҳаж ва Умра амалларини адо этиш чоғларида, АҚШ, Туркия, Англиядаги конгрессларда бўлганимизда, кўплаб хорижий мамлакатлар бўйлаб қилган саёҳатларимизда яқиндан мулоқотда бўлганмиз. Ўша суҳбатдошларимизнинг талайгинаси айти жиамоалаштириш, қўлоқлаштириш дастидан фарёд чекиб юртдан чиқиб кетганларнинг фарзандлари эди. Улар хотирасида ўша аянчли қора кунларнинг, кифирқа ва шўроларнинг халққа қарши олиб борган сиёсати ва амалиётларининг даҳшатли, фожеали манзаралари муҳрланган.

Асли балиқчилик, ҳозир Мадинаи Мунавварада яшаётган Уста Муҳаммадамин Уста Аҳмад ўғли (1910 йилда Балиқчида туғилган), асли марғилонликлардан, ҳозир Маккаи Мукаррамада яшаётган Сопохон тўра, қўқонлик Обиджон Муҳаммадамин Умарали, шаҳрихонлик Маҳсум ҳожи ака, марғилонлик,



Уста Муҳаммадамин Уста Аҳмад ўғли ватан ҳақида соғинч сўзларини изҳор этаётган дақиқалар. Мадинаи Мунаввара. 2002 йил, январь.



Жамоалаштириш вақтида Қўқондан Умарали амин Афғонистонга ўтиб кетган. У шу жойда қазо қилган. Унинг ўғли Мухаммад амин Саудия Арабистонига ўтиб 80-йилларда шу жойда вафот қилган. Суратда Мухаммад амин ўғли Обиджон, 1974 йили Афғонистонда туғилган, ҳозирда Мадинаи Мунавварала яшайди.



Ибродулла Маҳсум Бухорий «қулоқ» қилинишдан ҳимояланиб, Афғонистонга ўтиб кетган. Бухорода тушган сурат.

ҳозир Мадинанинг Билоли масжидида яшаётган Мухаммад Закариё, Андижоннинг Тахтақўприк маҳалласидан кетиб қолган, ҳозирда Мадинада яшаётган Абдумалик ота, унинг ўғли Абдуқаюм ва бошқалар билан суҳбат қуриб, уларнинг эсдаликларини ёзиб олганмиз.

«Мерос» халқаро илмий-амалий эспедиция хайрия жамғармаси йўли билан республикамиз бўйича уюштирган илмий сафаримизда ҳам хорижга чиқиб кетганлар ва уларнинг бу ердаги авлодлари ҳақида маълумотлар тўпладик. Масалан, 1924 йили Бухоро вилояти Гиждувон тумани Шохамдил (ҳозирги «Саттор Жабборов» ширкат хўжалиги) қишлоғида туғилган онахон Матлаб Нозимова билан учрашганимизда у бизга шуларни айтди: «Акам Ибродулло Маҳсум Раҳимов очарчилик, қаҳатчилик авжига чиққан 1933 йили Афғонистонга ўтиб кетган. У киши Гиждувон районида район ижтимоий таъминотида бошлиқ эди, отда юрар эди. Отамиз қатта бой бўлган, тоғамиз мударрис эди. Акамнинг Файзулла Хўжаев билан борди-келдиси бўлган... Афғонистонда сўнгги инқилоб бўлгандан сўнг акамдан хат билан расми келди».

Хорижга кетиб қолган ватандошларнинг ўзлари берган маълумотларга кўра жамоалаштиришда одамларни ўз касбини қўйиб бошқа соҳалар, аниқроғи фақат деҳқончилик, пахтачилик билан шуғулланишга мажбур қилиш ҳоллари кўп бўлган. Савдогарлардан ва ҳунармандлардан деҳқончилик билан шуғулланиш талаб қилинган. Ўша жамоалаштириш бошланган пайтда Ўзбекистондан Аф-

ғонистонга чиқиб кетган. ҳозирда Туркияда яшаётган Шаҳобилдин Яссавий шундай деган: «Келажакни олдиндан башорат қилиб ҳақиқатни айтган боболаримиз олдида уч йўл бор эди, бири ҳақ йўлда жонни қурбон қилиш, иккинчиси, истибдодга кўниб тақдирга тан бериш, учинчиси, тарки дунё қилиб, ғарблик жандасини кийиб ватандан бош олиб кетмак. Не қилайликки, тақдир экан, бизларнинг оталаримиз учинчи йўлни танлаган»¹.

Сурхондарёнинг Шўрчи шаҳридаги фахрий Турдимурод Мардаевнинг эслашича, Амударё ёқасида жойлашган Паттакесар районидан кўплаб бойқулоқ, ўрта ҳол, ҳатто камбағал деҳқонлар, ҳунармандлар Афғонистонга ўтиб кетганлар. У вақтда ҳозирдагидек кема ва баржалар бўлмаган. Бечора қочоқлар мол терисини олиб, унинг ичига сомон тиқиб, ўзига хос қўлбола қайиқларда Афғонистонга ўтиб кетишга ҳаракат қилганлар, омади юришганлари бир амаллаб ўтиб кетган, омади юришмаганлари дарёга чўкиб оқиб кетганлар. Айрим ҳолатларда дарёдан ўтиб кетаётганларни чегарачилар, қизил аскарлар фаҳмлаб қолиб, улар устига ўқ узганлар. «Уқ ёмғири»дан ёшу қарилар сувда жон берганлар. Отаси ўтиб олиб, бола-чақалари ўта олмай қолган ҳолатлар юз берган. Чегарада қўлга олинганлар «учлик»ларга берилган, улар бу қочоқларни концлагерлар қамоқхоналарига, узоқ юртларга сургун қилиб юборганлар.

2002 йил Умра зиёратига борганимизда 32 ёшли ўзбек ватандошлардан Абдуҳалил Абдусалом ўғли билан Маккаи Мукаррамада суҳбатлашганимизда унинг отаси Андижон Оқ масжидида имомлик қилган Қори Рўзий Абдусалом домла бола-чақалари билан 1931 йили Амударёдан Афғонистонга ўтиб кетгани, Амударёдан қочиб ўтишга ҳозирлик кўраётганда тўсатдан қизиллар босиб келгани, амакиси кичик гўдак бўлганидан хумлонда яшириниб қолгани, оталари эса уни эздан чиқариб ўзлари шошилинич тарзда юк-анжомларини олишиб кемага тушиб Афғонис-



Ибодулла Маҳсум Бухорий.
Афғонистонда тушган сурат. 1977
йили бу сурат Маглаб Нозимовага
жўнатишган.

¹ Ҳайитов Ш. А., Собиров Н. С., Легай А. С. Хориждаги ўзбеклар. Тошкент. «Фан», 1992. 13-бет.

тонга ўтиб олганлари, қарасалар амакиси йўқлиги аён бўлгани, шунда кемачидан илтимос қилиб ўша гўдакни олиб ўтишни сўрагани, кемачи у ёққа ўтиб амакисини олиб келгани, бундан суюниб кетган ота кўзига ҳеч нарса кўринмай кемачига устидаги тўнини ечиб, инъом этгани, оталари билан бирга ўтаолмай дарё бўйида қолганларни қизиллар ушлаб отиб ташлаганини айтиб берди.

1904 йилда Ўшда таваллуд топган, 1917—1933 йилларда советлар шартларини бажариб яшаган, деҳқончилик билан шуғулланган, сўнгра қулоққа тортилган, ниҳоят 1936 йилда қамоқ ва таъқиб, дўқ-пўписалар билан кўрқитишлардан безиган 6 минг қишлоқдошлари билан Афғонистонга ўтиб кетган Раҳмонқулхон 1980 йили Покистонга ўтган, кейин Туркияда яшаган. 1896 йили 86 ёшида оламдан ўтган.

Бу каби фожеали воқеалар махфий хужжатларда ҳам ўз ифодасини топган. Улардан бирини келтирамиз.

Амударёга яқин ўша вақтдаги Паркар райони теваракларида Афғонистонга ўтиб кетиш учун Ўрта Осиё, ҳатто Қозоғистоннинг айрим районларидан ҳам кўплаб одамлар келишиб, ўтиб кетиш чораларини кўрадилар. Муҳожирликка отланганлар орасида қозоқ бойларидан ака-ука Қосимовлар, таъсири кучли руҳонийлардан Мулло Абдураҳим Кўзибоевлар маҳаллий руҳонийлар билан яқин бўлиб, уларни ўз таъсирига олиб 12 кишидан иборат гуруҳ тузадилар. Бу гуруҳ Афғонистонга ўтиб кетишни оммавий ташкил қилмоқчи бўлади.

Шу мақсадда 1931 йил декабрида Афғонистонга чегарани ёриб ўтиш мақсадида Пархар кўнгилли отрядидан фойдаланиш учун отряд командири ёрдамчиси билан келишиб олинади. Аммо чегара соқчилиги комендатураси бу ҳақда маълумот олади ва кўнгилли отряд қуролсизлантирилади. Бу билан муҳожирликка ўтиб кетиш бироз сусаяди. Кўп ўтмай бу жараён яна кескин тус олади.

1932 йил 16 февралнинг тунда гуруҳ томонида масжидда шошилинч мажлис ўтказилади. Ўтиб кетувчилар ўша туннинг ўзида Афғонистонга ўтиб кетмоқчи бўладилар. Чегара қўшинлари билан тўқнашиб қолиш мумкинлиги эътиборга олиниб қуролли отряд ҳам ташкил этилади. Унга чегарачилар билан тўқнашилганда уларни йўқ қилиш вазифаси топширилади. Йиғилишдан сўнг тун кечасида муҳожирлар қуролли гуруҳ билан бирга Қизил сув қишлоғига келади. Бу ердаги аҳоли ҳам Афғонистонга ўтиб кетувчиларга қўшилади. Аҳолининг катта оқими чегара чизигига қараб силжий бошлайди. Аммо бундан қуролланган отлиқ отряд хабар топади ва тезда тўп бўлиб бораётган аҳолига қарата ўт очади. Ўтиб кетаётганлардан бирининг ўзбекчалаб «чегарачилар оз, шунинг учун улар тириклайин ушлаб олинсин» деган овози эшитилади. Махсус хизмат вазифасини бажарувчи отлиқ кишилар чегарачиларни айланиб ўтиб аҳолига қарши кучли ўт очади.

Тўқнашув жойига 100 та туяга жойлашган муҳожирларнинг асосий карвони ҳам етиб келади. Гранаталар усталик билан аҳоли томон отилади, муҳожирлар жиддий зарбага учрайди, улар саросимада қолиб, ўзларича ҳаракат қилиб ҳар тарафга қоча бошлайди. Улар ўқ ёмғирида қоладилар. Чегарадан ўтиб кетувчилардан 10 эркак, 7 аёл, 1 бола ҳалок бўлади, 2 эркак ярадор, 48 киши асир олинади, 3 милтиқ, 8 ов милтиғи ўлжа олинади. Уларнинг энг фаолларидан 8 киши «учлик» қарори билан отиб ташланади, қолганлари қамоқ жазосига тортилади¹.

Ўзбекистон, Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистон ҳудудларида жойлашган махсус меҳнат посёлкаларидаги ўзбек «қулоқ»ларининг маълум қисми ҳам хорижга чиқиб кетиш учун ҳаракат қилганлар. Бу меҳнат посёлкаларидан қочиб кетганларнинг маълум қисми четга чиқиб кетганлар.

Бу жараёни тўхтатиш учун ҳукумат тегишли чоралар кўришга мажбур бўлади. 1940 йил 2 августда СССР НКВДнинг 001519-сонли буйруғига мувофиқ темир йўл яқинидаги 5 км зонадан барча меҳнат посёлкалари темир йўлдан узоқликдаги жойларга кўчирилади. Шунда «Хазорбоғ» пахтачилик хўжалигидаги меҳнат посёлкасидаги «қулоқ»лар Хайробод темир йўл бекатидан совхознинг ўз ичида темир йўлдан 7—8 км наридаги 1 ва 2-сонли бўлимларига кўчирилади. Кауфман темир йўл станциясидаги 10-сон боғдорчилик хўжалигидаги «қулоқ»лар посёлкаси ва «ЎзССРнинг 5 йиллиги» хўжалигидаги илмий-тадқиқот институти қошидаги тажриба-станцияси посёлкаси илғари жойлашган ўрnidан 20 км нарига кўчирилади. Красногвардейск темир йўл бекатидagi «Булуғур» хўжалиги қошидаги «қулоқ»лар посёлкаси «Боёвут» хўжалигига кўчирилади².

Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларидаги 18 дан 55 ёшгача бўлган собиқ «қулоқ»лар ва уларнинг фарзандлари аскарликка олинган. 1942 йил 1 июнигача 1152 киши, Тошкент вилоятидан 923, Андижон вилоятидан 80, Наманган вилоятидан 70, Сурхондарё вилоятидан 70, Самарқанд вилоятидан 9 киши армияга олинади. Улар аксарият «Хазорбоғ», «Боёвут», «Далварзин», «Савай», «Норин» пахтачилик хўжаликлари ва Дзержинский номидаги қишлоқ хўжалик артелида қулоқлик меҳнат сурғунини ўтаётганлар эди.

Хужжатларда бу аскарликка олинганлар аксарият кўпчилигининг кайфияти ижобий бўлиб, улар Ватан ҳимояси учун курашажакларини билдирганлар. Шу билан бирга аскарликка олишга салбий муносабат билдирганлар ҳам бўлган. Оққўрғон районидagi Е. Аразмуродов 3-комендатура ҳарбий комиссарияти чақирув комиссиясига кириш олдидан: «Агар мени армияга олишмаса, улар мени топиша олмайди, мен Афғонистонга қочиб кетиб ўша

¹ ЎзР МХХА, 7-сон китоб, 1932 йил учун, 24—26-варақлар.

² РФДА, 9497-фонд, 1-руйхат, 57-иш, 84—88-варақлар.

жойда яшайман. Эронга қочиб кетиб бўлмайди, чунки у жойни ҳам бизнинг қўшинларимиз босиб олган, бу ерда ҳам барибир ушлаб олишади»¹, деб айтган. Аразмуродов аскарликка олинмайди, НКВД район бўлими томонидан давлатга қаршилар устидан назорат олиб бориш рўйхатига олинади.

1942 йилнинг ўзида «қулоқ»лар посёлкалари комендантлари томонидан район ички ишлар бўлимларига топширилган материалларда 306 киши советларга қарши фаолият кўрсатганликда, 21 киши жиноий иш, 101 киши ахборот тарзида, 12 киши қизил аскарликдан қочганликда, 72 киши меҳнат посёлкасида қочишда айблангани қайд этилган. Улардан 24 киши аксилинқилобий фаолияти учун суд томонидан олий жазога, 22 киши қамоқ жазосига ҳукм этилган².

Фашистлар Германияси Украина ва Шимолий Кавказда «меҳнат посёлкалари» жойлашган ҳудудларни ҳам вақтинча оккупация қилиб турган. Бу «меҳнат посёлкалари»да 1931—1933 йиллари сургун қилинган Ўрта Осиёлик «қулоқлар» ҳам яшаган. Оккупация даврида ва немис-фашистлар қўшинлари қизил армиядан зарбага учраб, бу ҳудудларни ташлаб чиқиб кетишган. Ана шу даврда ҳам маълум миқдорда ўзбек «қулоқлари» Германияга ўтиб кетганлар, уларнинг қисмати алоҳида мавзудир.

Муҳожир фарзанди эсдалигидан

Менинг дадам Муҳитдин Маҳсум Андижон шаҳар ҳозирги Шокиров кўчасида истиқомат қиларди. 1930 йилгача савдогарчилик билан шуғулланган ва катта боззоз бўлган. Октябрь «инқилоби»дан кейин бизнинг ўлкамизга маълум мақсадлар билан йўналтирилган одамлар келиб, дадамизнинг ошнолари ва бошқалардан маълумот йиғиб қулоқ қилишга шайланиб қолишади. Шундан сўнг 1932 йил ҳеч иложини қилаолмасдан, атрофдаги хавф-хатардан қутилиш учун ўзига яқин одамлар билан маслаҳатлашиб, Андижон, Ўш орқали Қирғизистон ҳудудидан ўтиб, Қирғизистон ва Эргаштом орқали Қашқарга равона бўлади. Шу вақтда мен 3 ойлик гўдак эдим. Олти ойдан сўнг дадам Қашқардан ўша вақтда йўл билувчиларни ёллаб, онам ва мени Андижондан Қашқарга олиб кетиш учун Андижонга одам жўнатади. Бу одамлар ёрдамида биз йўлга равона бўлганмиз. Бу 1932 йилнинг куз пайтлари эди ва биз ва биз каби бир неча оилалар билан биргаликда узоқ муддат ўша даврдаги асосий транспорт эшаклар бўлгани учун эшакда Қирғизистондан ўтиб Хитой чегараси Эргаштомга чегарагача борганмиз. Онамнинг айтишларича, шу пайтда мен 9 ойлик гўдак бўлганман. Ҳеч нарса билмасдим. Чегарада биз ва бошқа оилаларнинг ҳаммасини чегарачилар (бу-

¹ РФДА. 9479-фонд, 1-руйхат, 143-иш, 22-варақ.

² РФДА. 9479-фонд, 1-руйхат, 106-иш, 20—26-варақлар.



Ўнгдан чапга — Абдулхамид Ҳожи Толипов (Муҳитдин Маҳсум ўғли) Андижон Давлат университети доценти, Абдулазиз Муҳитдин Маҳсум ўғли, профессор, Қашқар-уйғур нашриёти директори, унинг рафиқаси Умарова Мунисхон.
Қашқар, 2002 йил, сентябрь.

лар советлардан бўлган эди) бизни тутиб олиб Хитой томонига ўтказмаганди. Шу билан биз орқага қайтишга мажбур бўлганмиз. Шундан сўнг дадам бизни узоқ кутган, бир неча бор Андижонга хат жўнатсада, Қашқардан хат бизга етиб келмаган. Ниҳоят, 1941 йилда Иккинчи жаҳон уруши бошланиб кетгач, буни эшитган дадам энди улар Андижондан Қашқарга келишаолмайдилар деб умидини узган. Ва 1941 йили Қашқарда уйланган, кичик онамиз Фотима онадан Абдулазиз деган фарзанд дунёга келган. Дадам Абдулазизни менинг исмимга монанд қилиб Абдулхамид деб ном қўйган. Қашқарда турлича қийинчиликларни бошдан кечирганликларидан кейин, дадам 1945 йили вафот этган. Вафотлари олдидан васият қилиб, Фотима онамизга мен Абдулхамиднинг Андижонда бор эканим ва уруғ-авлодларимиз Андижон шаҳрида эканлиги ҳақида васиятномада қолдирганлар. Фотима онамиз 1975 йил вафотларидан аввал укам Абдулазизга бўлган воқеани сўзлаб берганлар. Аммо давлатлар орасидаги муносабат мураккаблашиб кетганлиги туфайли бизнинг Андижонда бор эканлигимизни Қашқарда ҳам сўзлаш имкони бўлмаган. Ниҳоят мустақиллик шарофати билан 1991 йили Андижон шаҳридан бир гуруҳ шоир ва зиёлилар Андижондан Қашқарга томон йўл олишади. Бу делегация аъзоларини Қашқардан келган бир гуруҳ зиёлилар чегарада кутиб оладилар. Чегарадаги кутиб олувчилар орасида менинг укам Абдулазиз ҳам бўлади. Узоқ суҳбатлардан

сўнг меҳмонлардан бирига укам Абдулазиз Андижонда менинг акам бор деб бизнинг яшаш манзилимизгача ва қариндош-уруғларимизгача хабар беради.

Ниҳоят, 1991 йил, бу пайтда мен 60 ёшга бориб қолган эдим. 60 йилдан сўнг, ҳаётда укамнинг борлигини билдим. 1993 йили укам оиласи билан биргаликда Андижонга ташриф буюришди. Шундан сўнг билдимки, укам журналист, профессор экан. Оиласи ва фарзандлари ҳам турли касбларни эгаллаган инсонлар бўлиб етишган экан. Қалбимда доимо Қашқардаги даламнинг қабрларини зиёрат қилиш тўғриси уриб турар эди. Ниҳоят 2002 йил август ойида Андижондан Қашқарга равона бўлдим. Ўша машъум Эргаштом чегарасини ҳам кўрдим. Ҳозирда тинч, осойишталик, Қирғизистон томондан Қашқарга виза орқали бемалол одамлар Қашқар томонга саёҳатга ўтишмоқда. Мен ҳам Қашқарга бориб дадам Муҳитдин Маҳсум босиб ўтган йўллари зиёрат қилдим. Айтишларича, ўша вақтда ҳам ҳозиргидан ҳам улканроқ заргарлик дўконлари кўп экан. Менга таништиришлари бўйича, шу заргарлик дўконларининг дастлабки дўқонида базозлик қилиб ҳаёт кечирган эканлар. Ниҳоят 1945 йили Қашқарнинг Оқсув районида дадамнинг вафот этганлари ва ўша жойда дафн этилганликларини ўз кўзим билан кўрдим. Бундай изтироблар ордан сўнг босиб ўтган йўллари аниқлаш ва ўз кўзим билан кўриш фақат мустақиллик шарофати билан амалга ошди деб ўйлайман. Ҳозирда менинг укам Абдулазиз Қашқар-Уйғур нашриётининг бош директори, оиласи шаҳар адвокатура-сида ишлайди. Иккита фарзанди журналист, бир қизи вилоят соғлиқни сақлаш бўлимида жарроҳ бўлиб ишлайди.

3-б о б. Сургун азоблари

1. УКРАИНАГА СУРГУН ҚИЛИНГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗ ҲАЁТИ

Ўрта Осиёдан Херсонга сургун қилинган меҳнат кўчкиндиларининг, хусусан, ўзбек «қулоқ»ларининг Украинадаги ҳаёти, бир қисмининг 30-йилларда иккинчи маротаба қатагон қилиниши, Иккинчи жаҳон урушида шаҳид кетганлар ҳақида 2001 йилда нашр қилинган «Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари» (116—287-бетлар) монографик тадқиқотимизда озми-кўпми ёзилган эди. Шу боис уларни такрорламасдан бу мавзуга доир янги топилган архив ҳужжатлари, экспедиция материалларини келтириш билан кифояланишни лозим кўрдик. Ана шундай янги ҳужжатлар қаторига Россия Федерал Хавфсизлик хизмати архивидан олинган ОГПУ ва унинг қуйи органлари томонидан юқори партия ва совет раҳбариятига, жойларга йўллаган маърузаномалар, маълумотномалар, турли хил ёзилмалар, ГУЛАГ ҳузуридаги меҳнат қишлоқлари бўлимларининг ҳисоботлари муҳим аҳамият касб этади. ОГПУнинг Лагерлар бош бошқармасининг 1931 йил 15 августдаги маълумотида 1930—1931 йиллардаги операцияда янги жойларга 324665 оила (1427539 киши) қулоқ хўжаликлари сифатида жойлаштирилгани, шундан Ўрта Осиёга 969 оила (3876 киши), Шимолий Кавказ ўлкасига 15276 оила (67358 киши), Украинага 3000 оила (21100 киши) жойлаштирилгани қайд этилган¹.

1931 йил июлига қадар кўчирилган қулоқларнинг ҳуқуқий аҳволида бирон-бир аниқлик бўлмаган. 1931 йил 3 июлда СССР МИК қарор қабул қилиб, бу масалани анча ойдинлаштиради.

Қулоқ посёлкаларини ташкил этиш, бошқариш ва уларга хизмат кўрсатиш ОГПУнинг Лагерлар бош бошқармаси зиммасига юклатилган. А. А. Андреев бошлиқ қулоқлар бўйича комиссия йиғилиши якуни бўйича ОГПУ 1931 йил 20 июнда 330/198-сонли буйруқ чиқарган. Унга кўра махсус кўчкиндилар меҳнатидан фойдаланиш бўйича махсус кўчкиндилар бўйича бўлим ташкил бўлган. Унинг тузилмаси маъмурий, молиявий, таъминот, маданий-тарбиявий, санитария, ветеринар ва ишлаб чиқариш аппаратидан иборат бўлган. Ўша буйруқ билан бир қатор республика, ўлкалардаги ОГПУ доимий вакилликлари қошида ана шундай бўлимлар ташкил топган. Шундай бўлимлар Тошкентда, Шимолий Кавказ ўлкасида, Украинада фаолият кўрсатган. Украина,

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3. китоб 1, стр. 725—726.

Шимолий Кавказ ўлкасига жойлаштирилган ўртаосиёлик махсус кўчиндилар ҳамда Ўрта Осиёнинг ўзидаги меҳнат (махсус) посёлкаларидаги меҳнат кўчиндиларининг ҳаёти, турмуши, меҳнати, аҳволи ўша бўлимлар томонидан бошқарилган¹.

ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягоданинг 1932 йил 4 январда И. В. Сталин, П. П. Постишев, Я. Э. Рудзутакларга ёзган маърузаномасида Украинадаги қулоқ посёлкаларининг аҳволи тавсифланган.

Ўрта Осиёдан Украинанинг Херсон вилоятига сургун қилинганлар ҳаёти, турмуш аҳволи ҳолати ана шу маърузаномада умумлаштирилган тарзда баён этилган. Шу боис уни тўлиғича келтирамиз: «Махсус кўчирилганлар асосан аввал маҳаллий қулоқлар эгаллаб турган доимий биноларга жойлаштирилган. Ҳаммаси бўлиб 785 та уй ва 3 та барак бор, жуда зич ҳолда жойлаштириш амалга оширилган. Посёлкалар бир-бирларидан жуда ҳам узоқ ва тарқоқ ҳолда жойлашган, собиқ хуторлар сақланиб қолган. Бу эса уларни бошқаришни ва хизмат кўрсатишни қийинлаштирган. 1932 йил баҳоридан янги қурилиш тўғрисида хўжалик органлари олдига масала қўйилган.

14 та медпункт орқали тиббий хизмат кўрсатиш амалга оширилмоқда. Улардан 3 тасигина шифокорлар назорати ва раҳбарлигида фаолият кўрсатмоқда, қолганларидаги тиббий персонал квалификацияси бўйича қониқарли эмас. Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги шифокорларни сафарбар қилиш топшириғини бажармади.

Махсус кўчирилганлар орасида кўз, таносил касалликлари тарқалган, бир неча ич терлама ҳодисалари юз берди. Дизентерия кўп миқдорда болалар ўлимини келтириб чиқармоқда. 6 та дизенфекция камераси ва ҳаммом — кир ювадиган мослама мавжуд. Янги тиббий пунктлар қурилишига киришилган эмас.

Ҳозирги вақтда таъминот қониқарли даражада. Айрим районларда бир ойлик захиралар ташкил қилинган. Маҳсулотлар сифати деярли қониқарли. Махсус кўчирувчиларга бериладиган маҳсулотларни эркин ишчиларга бериб юбориш ҳоллари бўлган (Каховск, Ново-Васильевск районларида). Умумий овқатланиш етарли эмас. Ўзбеклар паёқни олишни афзал кўришмоқда.

Меҳнатнинг ёмон ташкил этилиши, йўриқноманинг яхши изга тушмагани ва пахта терими бўйича раҳбарликнинг яхши йўлга қўйилмагани (700 кишига 3 та йўриқчи) натижасида ўзбошимчалик билан, берухсат ишни ташлаб кетиш (Скадовск, Голлопристан, Ново-Васильевск районларида) ҳоллари юз берди. Бригада усулига ўтилиши ҳам ишга чиқиш, ҳам меҳнат унумдорлигининг кўтарилиши жиҳатидан аъло натижалар берди. Норма 25 кг.дан бўлгани ҳолда 60 кгдан пахта терилди. Бир неча махсус кўчирилганлар мануфактура билан мукофотландилар. Иш ҳақи

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3, книга 1, стр. 726—739, 834.

кунига ўртача 2,50—2,70 тийинга тўғри келмоқда, силос учун чуқурликлар ковлашда иш ҳақи 4 сўмгача етди.

Хўжалик ходимлари томонидан (Голопристан районида) иш ҳақидан уриб қолиш, уларнинг айби билан мажбуран бекор туриб қолишлар учун ҳақ тўламасликлар юз берди. Ҳисоб дафтарчалари ва шахсий ҳисоб китобчалари ҳамма жойда ҳам жорий этилмаган. Махсус кўчирилганларга нисбатан хўжалик ва хизмат кўрсатиш ходимлари томонидан чидаб бўлмайдиган даражада муомалада бўлиш ҳолатлари содир этилган. Масалан, уларни уриш, отув билан кўрқитиш, милтиқнинг затворини тўғрилаб шарақа-шуруқ қилиш каби қатор ҳодисалар (Ново-Троицк районидаги Скотовод — 95 да, Голопристан, Ново-Васильевск, Скадовск, Акимовск районлари комендатураларида, Доренбург совхозида) юз берди. Айбдорлар судга берилди.

Украинага 3520 бой хўжаликларни кўчириб жойлаштиришдан кутилган асосий мақсад Украина учун янги экин маданияти ҳисобланган пахта ишлаб чиқариш малакасини жорий қилиш бўлган. Бунга қарамасдан Украина пахтачилик комитети уларни қабул қилишдан бош тортмоқда, натижада улар «Скотовод» ва «Овцевод» совхозларига жойлаштирилган. 1932 йил баҳоридан барча бой хўжаликлар бизнинг СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги билан тузилган шартномамизга мувофиқ Украина пахтачилик комитетига берилади.

Украина пахтачилик комитети раҳбарияти дастлабда 1410 хўжаликни қишлоқ хўжалиги бўйича тадбирлар билан қамраб олишни кўзламоқда. Бу режани биз тасдиқламадик ва орқага қайтариб юбордик. Украинага жойлаштирилган барча кўчириб келтирилганларни қишлоқ хўжалигига жойлаштиришни талаб қилдик.

Махсус кўчирилганларни қишлоқ хўжалигига жойлаштириш мақсадида 1931—1932 йиллар учун бюджетдан 332 минг сўм маблағ ажратилган эди. Шундан Украина пахтачилик комитети фақат 22 минг сўм олиб, унинг ҳисобидан 149 мол сотиб олди, қолган маблағ ишчи ва маҳсулот берадиган ҳайвон ҳамда қишлоқ хўжалиги инвентарларига сарфланиши лозим эди. Украина пахтачилик комитети бу маблағни олишдан бош тортмоқда.

Кўчириб келтирилганларни қишлоқ хўжалиги бўйича жойлаштириш масаласида ҳеч қандай тадбир ўтказилмади.

Бино ва Ўрта Осиё халқлари тилларини биладиган ўқитувчиларнинг йўқлигидан мактабда ўқитиш тўхтаб қолган. Мактаб ёшидаги 2—3 минг болага (аниқ ҳисоб йўқ) ва 15 мингга яқин катта ёшдаги аҳолига хизмат кўрсатиш учун 25 ўқитувчи ва 15 маданият ходими (ўзбеклар ва тожиклардан) керак. Ўрта Осиёдан 29 ўқитувчи келиб, улар жойларга тарқалди. Уларнинг иши ҳақида маълумот йўқ.

Каховка, Скадовск, Геническ районларида кўчириб келтирилганлар ичидаги ўқитувчилардан мактаблар ташкил этилди.

Саводсизликни тугатиш бўйича ишлар авж олдирилгани йўқ. Бунинг энг асосий сабаби махсус кўчирилганларнинг жуда ҳам пахтани териб олиш билан бандлигидир.

Профессионал техника таълими бўйича Ново-Троицкда тракторчилар курслари ҳамда курувчилар курслари ташкил этилди. Комендатуралар жойлашган пунктларда 6 та алоқа почта бўлимлари ташкил бўлган¹.

1932 йил 1 январдаги ҳолатга кўра, Херсон вилоятида жойлашган меҳнат кўчкиндилари 14394 кишидан иборат бўлган, туғилганлар 383, янги қўшилганлар 3, қочоқликдан қайтарилганлар 140, жами қўшилганлар 526 кишини ташкил этган. Уларнинг камайиб кетиши анча юқори бўлган, вафот этганлар 704, қочиб кетганлар 961, бошқа ҳар хил сабаблар билан қочиб кетганлар 359, жами қочганлар 2024 кишини ташкил этган. 1932 йил охирига бориб меҳнат кўчкиндилари миқдори 13436 кишига тушиб қолган².

1933 йилги очарчилик, қаҳатчилик жуда кўплаб меҳнат кўчкиндиларининг ҳалок бўлишига олиб келди. Шу йили Херсон вилоятидаги юртдош меҳнат кўчкиндиларидан 9379 киши вафот қилди, ҳар хил сабаблар билан 2110 киши қочиб кетди, жами камайганлар сони 4489 кишига етди³. Кўпайиш кўрсаткичи туғилиш 152, янги қўшилганлар 33, қочганларни қайтариб олиб келинганлар 111, бошқа ҳар хил сабабларга кўра қўшилганлар 1149 кишидан иборат эди.

1934 йил 1 январи билан 1935 йил 1 январи оралигида, яъни бир йилда кўпайиш кўрсаткичи 2753 оила (10392 киши), туғилганлар 179, бошқа ўлкалардан келганлар 1, ўлка ҳудудидаги кўчиришлардан келиб қолганлар 92, қўшилганлар 5, қочоқликдан қайтариб келтирилганлар 74, ўз ихтиёри билан қайтганлар 11, бошқа сабаблар билан қўшилганлар 35 киши, жами қўшилганлар 397 кишини ташкил қилган бўлса, камайиш кўрсаткичи қуйидагича бўлган: нотўғри кўчирилганлар 7, бошқа жамоаларга кўчирилганлар 100, бошқалар қарамоғига ўтказилганлар 20, вафот этганлар 538, қочганлар 333, бошқа сабаблар билан кетиб қолганлар 516, жами камайиш 1534 кишини ташкил қилиб, 1935 йил 1 январда меҳнат қишлоқларида 2255 оила (9255 киши) қолган.

1935 йилда кўпайиш шундай бўлган: 247 киши туғилган, 47 киши бошқа ҳудуддан кўчириб келтирилган, 8 киши оила қурган, 28 киши қочоқликдан қайтарилган, 12 киши ўз ихтиёри билан қайтиб келган, қўшилганлар 365 кишини ташкил этган. Камайиш эса қуйидагича рўй берган: нотўғри кўчирилганлар 24, қочганлар 273, маҳкум этилганлар 38, ҳуқуқи тикланиб озод

¹ РФХХМА, 2-фонд. 10-руйхат, 379а-иш. 85—91-варақлар.

² РФДА. 9479-фонд. 1-руйхат, 89-иш. 208-варақ.

³ Уша архив. 209-варақ.

қилинганлар 13, бошқа жамоаларга кўчирилганлар 63, бошқа сабаблар билан кетиб қолганлар 292, жами камайиш 1184 кишини ташкил этган ва йил охирига бориб меҳнат қишлоқларида 2329 оила, яъни 8436 киши қолган холос¹. Бундан яна 1936 йил 1 январда 261 кишининг ҳуқуқи тикланиб, озод қилинган.

1936 йили туғилиш 251, бошқа ўлкалардан келганлар 2, ўлка ичидаги кўчишлар туфайли 7, оилага келиб қўшилганлар 3, қочиб кетиб қайтарилганлар 29, ўз ихтиёри билан қайтганлар 9, бошқа сабаблар билан келиб қўшилганлар 48, жами келганлар 349 кишини ташкил қилган. Камайиш қунидагича бўлган: боқимандаликка берилганлар 111, ўлганлар 292, қочганлар 197, судда ҳукм этилганлар 20, ҳуқуқи тикланганлар 33, бошқа жойларга бериб юборилганлар 96, бошқа сабабларга кўра камайганлар 363, камайганларнинг жами 1112 кишини ташкил қилган. 1937 йил январига келиб меҳнат кўчкиндилари сони 7673 кишидан (2073 оила) иборат эди².

1937 йилда кўпайиш 644, камайиш эса 1177 кишидан иборат бўлган. Мамлакатда бошланган оммавий қатағон Херсон вилоятидаги Ўрта Осиёдан сургун қилинган меҳнат кўчкиндиларини ҳам ўз домига тортган эди. Оқибатда уларнинг камайиб кетиши сезиларли даражада юз берди. Ўша йили 196 киши вафот қилган, 500 киши қочиб кетган, 68 киши суд ҳукми билан қамоққа олинган, 51 киши бошқа ташкилотларга бериб юборилган, 120 киши бошқа сабаблар билан меҳнат қишлоқларидан кетказилган³. Конституция қабул қилиниши билан 328 меҳнат кўчкиндисининг ҳуқуқи тикланиб озод қилинган. 1938 йил 1 январга келиб меҳнат қишлоқларида 1878 оила, яъни 7140 йилда эса 1682 оила, 6517 киши қолган⁴.

Меҳнат кўчкиндиларининг миллий таркиби аксарият ўзбек, қирғиз, тожик, туркман, қozoқ, уйғур, қорақалпоқлардан иборат бўлган. Кейинчалик улар қаторида рус, украин ва бошқа миллат вакиллари ҳам бўлган. Масалан, 1933 йил охирида ўртаосиёликлар меҳнат қилаётган Скадовск районининг Чолбаси қишлоғида яшаш шароитлари ёмон бўлган махсус кўчкиндиларнинг 316 оиласи Украинанинг чорва совхозларидан олиб келиб жойлаштирилган. Бу оилалардан низомсиз қишлоқ хўжалик артели ташкил қилинган. Артель 1934 йилнинг I-кварталида ўзига керак бўлган ишлаб чиқариш воситаларини қарз сифатида олган. 1934 ва 1935 йиллар давомида артель қишлоқ хўжалиги солиғини тўлашга ва давлатга ғалла, бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаб топширишга қодир эмасди. Шу боис СССР Ер ишлари халқ комиссари ўринбосари Мурадов, ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягода СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси В. М. Моло-

¹ РФДА, 9497-фонд. 1-руйхат, 89-иш, 43-варақ.

² Ўша архив, 212-варақ.

³ Ўша архив, 214-варақ.

⁴ Ўша архив, 50—51-варақлар.

товдан Одесса вилояти Скадовск районидаги махсус кўчкиндиларнинг Чолбасидаги низомсиз қишлоқ хўжалик артелини бир йил муддатга, яъни 1935 йил 1 январгача қишлоқ хўжалиги солиғидан, йиғимлардан ва давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (пахтадан ташқари) тайёрлашдан озод қилинишини сўрайдилар. Бу фикрни маъқуллаб Чернов ҳам В. М. Молотовга мурожаат қилади, оқибатда масала ижобий ҳал қилинади¹.

Ҳужжатлар тилга кирганда

УКП(б) МК секретари ўрт. Косиорга

13 май 1937 йил.

Сизга танишиб чиқиш учун Фейгиннинг Одесса вилоятидаги пахтачилик совхозларида ўзбек меҳнат кўчкиндиларига нотўғри муносабатда бўлаётганлиги тўғрисидаги мактубини юборялман.

Шу билан бирга ўрт. Черновга аҳолини тузатишга қаратилган чоралар кўришни ва айбдорларни жавобгарликка тортишни таклиф қиламан.

СССР ХКС ҳузуридаги Совет назорати комиссияси раиси. (Н. Антипов)².

Совет назорати комиссияси раиси ўртоқ Н. К. Антиповга

Бизнинг томонимиздан Одесса вилоятидаги пахтачилик совхозларида ўтказилган текшириш шу совхозлардаги ўзбек меҳнат кўчкиндиларига нисбатан мутлақо чидаб бўлмайдиган муносабатни аниқлади.

Вилоятнинг 4 та совхозида ҳаммаси бўлиб 14.713 та ўзбек меҳнат кўчкиндилари бўлиб, улардан 8.751 киши ишлайди (қолганлари боқимандалар). Улар пахтачилик совхозларининг асосий ишчи кучидилар. Маъмурият ва хизмат кўрсатувчи шахслар томонидан ўзбекларга нисбатан муносабатни эса буюк давлатчилик шовинизмидан бошқача ном билан атаб бўлмайди. Барча соҳаларда ўзбеклар билан ўзбек бўлмаганлар орасидаги фарқ алоҳида қайд этиб ўтилади ва ўзбек бўлмаганлар ўзбеклардан устун қилиб қўйилади.

Ўзбекларнинг кўпчилик оилаларида кроватлар йўқ, матрацлар, кўрпа ва ёстиқлар ҳам йўқ. Пойафзал ва кийим-бошлар жуда камчил, худди шу вақтда совхознинг рус аҳолиси ана шу буюмлар билан анча яхши даражада таъминланган.

Бундай ҳол фақат саноат моллари етарли олиб келинмаётганлиги билангина эмас, балки яна совхоз базаларига келтирилаётган моллар (товарлар) рус аҳолиси томонидан олиб қўйилаётганлиги билан ҳам изоҳланади. Ўзбеклар эса келтирилган саноат моллари сотилиб кетганидан кейингина хабар топадилар.

Совхозларда нон савдоси етарли бўлмаганлиги туфайли ўзбеклар қўшни (теварак-атрофдаги) колхозлардан галла сотиб оладилар, бироқ уларга сотиб олган донни олиб келиш учун арава-улов беришдан бош тортадилар, ваҳоланки, совхозлардаги от-уловлар бекор туради (Скадовск совхозидаги 1-база). Сотиб олган долларини ўзбек аёллари келиларда туядилар, чунки совхозларнинг тегирмонлари мутлақо сабабсиз уларга ун чиқариб беришдан бош тортадилар (1-сон Скадовск совхоз). Меҳнат кўчкиндиларининг рус тилида гаплаша олмаганликларидан фойдаланиб, уларнинг галлаларидан уриб қоладилар, қонунсиз равишда жарима оладилар, ўзбошимчилик қилиб, нотўғри нарх белгилайдилар (Скадовск совхозлари, «Коминтерн» совхоз).

Кўпчилик ўзбеклар чўчка гўштини истемол қилмасликларини билганлари ҳолда ўзбек бригадаларининг тракторчиларига чўчка гўштидан тушлик овқат

¹ УРФДА, 9497-фонд, 1-рўйхат, 20-иш, 11-12-варақлар.

² УРМДВЖТА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6751-иш, 1-3-варақлар.

пишириб берадилар, бунинг оқибатида тракторчи ўзбеклар даладаги тушлик овқатини танаввул қилишдан қатъий бош тортдилар (4-бўлимдаги Қаюмов бригадаси).

Шу нарса характерлики, бизнинг назоратчимиз: «3-бўлимда нечта ишчи бор?» деган сўроғига бўлим агрономи Суликов «5 та ишчи бор, қолганлари ўзбеклар» (?) деб жавоб қилган.

Одамларга нисбатан ана шундай шармандаларча муносабат билангина меҳнат кўчкнндиларининг фавқулодда ёмон турар-жой аҳволларини изоҳлаш мумкин холос. Ўзбек оилалари бузилай-бузилай деб турган уйларда жуда тикин бўлиб яшайдилар. 1-сон Скадовск совхозида 15—18 кв. м. майдонда 8—10 киши яшайди. Отажон Баёзовнинг 10 кишидан иборат оиласи 18 кв. м. майдонда яшапти. Нурмат Боратбоевнинг 9 кишидан иборат оиласи 15 кв. м. жойда яшамоқда.

Яшайдиган хоналар ифлос, поллари йўқ, деразалари йўқлиги туфайли майдора чорва моллари одамлар яшайдиган хоналарда сақланади.

Скадовск совхозида 1933 йилдан бошланган ҳаммом қурилиши ҳануз тугаллангани йўқ. Фақат иккита бўлимдагина ҳаммом учун мослаб қурилган бинолар бор, кўпчилик ишчилар, уларнинг оилалари айниқса қиш пайтларида ҳаммомда ювинишдан маҳрум этилганлар.

4 та совхоз бўйича маданий хизмат кўрсатишга катта суммадаги пул — йилига 2 млн. сўм сарф қилинади. Ўзбек кўчкнндиларига маданий хизмат қилиш эса жуда ёмон йўлга кўйилган.

16 ёшдан то 50 ёшгача бўлган ўзбекларнинг 33 фоизи саводсиз, ана шулардан 610 киши (40 фоизи) 16 ёшдан 30 ёшгачаси саводсиз. Мактаб ёшидаги болаларнинг 7 фоизи бутунлай мактабга тортилмаган. Ўзбек мактабларида таълим ишлари қандай кўйилганлиги билан ҳеч ким қизиқмайди, текширмайди ва унга ҳеч ким раҳбарлик ҳам қилмайди.

Меҳнат кўчкнндиларига тиббий хизмат кўрсатиш биттагина Каховка совхозидан ташқари жуда қониқарсиз аҳволда. Бундай ҳолат Ўзбек аҳолиси ўртасида туғилишга нисбатан ўлишнинг устун бўлиб қолишига олиб келди. 1935 йилда 247 киши туғилган ёки аҳолининг 2,7 фоизи, 407 киши ўлган ёки аҳолининг 4,5 фоизи, 1936 йилда 260 киши туғилиб, 291 киши ўлган, ёки ўзбек аҳолисининг 3,4 ва 3,7 фоизига тўғри келади.

Совхозлардан ўзбек кўчкнндиларининг қочиб кетиш ҳоллари кўпайиб бормоқда. Агар 1936 йилда Каховка совхозидан 17 киши қочиб кетган бўлса, 1937 йили эса бир кварталнинг ўзида 16 киши қочиб кетган. «Коминтерн» совхозидан ҳар икки йилда 58 ва 35 киши ва 2-Скадовск совхози бўйича 25 ва 11 киши қочган.

Шу айтилганларга қарамай ўзбек меҳнат кўчкнндиларининг кўпчилиги виждонан, ҳалол меҳнат қилмоқдалар, кўплари эса ажойиб натижаларга эришганлар. 1936 йилда 1-сон Скадовск совхозида далачилик бригадаларига тиркалиб қўйилган 532 ўзбекларнинг 71 фоизи пахта қатор ораларига ишлов бериш нормаларини ошириб бажардилар. Улардан 162 киши 150 фоизга ошириб бажардилар, 173 киши 150 фоиздан 200 фоизгача ошириб бажардилар, 37 киши эса 200 фоиздан ортиқ норма бажардилар.

Пахта теримида ҳар бир киши учун мавсумда белгиланган 16 центнерлик нормани 60 фоиз теримчи ошириб бажардилар, улардан 165 киши нормани 150 фоизгача ошириб бажардилар, 80 киши 150 дан 200 фоизгача, 49 киши эса нормани 200 фоиздан ҳам ошириб бажардилар.

Кўпгина меҳнат кўчкнндилари ҳуқуқда тикландилар ва паспорт олдилар, агар шароит ўзгармаса (яхшиланмаса) совхозлар ишчи кучисиз қолишлари мумкин.

Ўрг. Чернов зиммасига совхозлардаги мавжуд аҳволни ўзгартириш ва айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш мажбурияти юкланган зарур.

Шунингдек, Украина КП(б) Марказий Комитети ҳам Одесса вилоятидаги пахтачилик совхозларидаги мазкур аҳвол билан танишиб чиқиши (қизиқиши) мақсадга мувофиқ бўлур эди.

(В. Фейгин)¹.

Украина ССР Олий Совети Ташкилий комитетининг Николаево вилояти Ташкилий комитети 1937 йил 28 декабрда «Николаево вилоятидаги меҳнат қишлоқларида меҳнат кўчиндиларига хизмат кўрсатишнинг аҳволи тўғрисида»ги масалани кўриб чиқади. Николаево вилояти ички ишлар бошқармаси бошлиғи Войнерманинг меҳнат қишлоқларидаги меҳнат кўчиндиларига хизмат кўрсатишнинг аҳволи ҳақидаги ахбороти эшитилади. Унда пахтачилик совхозлари директорлари, район ва вилоят ташкилотлари (район ижроия комитетлари, ер бўлими, совхозлар секцияси, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлимлари ва бошқалар) томонидан совет ва партия органларининг меҳнат кўчиндиларига хизмат кўрсатиш масаласи тўғрисидаги директив кўрсатмалар ва қарорлари бузилаётгани, партия ҳамда ҳукумат томонидан меҳнат кўчиндиларини улар жойлашган қишлоқларни ўзлаштириш ва мустақамлаш бўйича қўйилган сиёсий вазифанинг бажарилиши барбод бўлаётганлиги қайд қилинади. Шу боис Ташкилий комитет пахтачилик совхозлари директорларига зиммасига қуйидагиларни топширади:

1. Йил бўйи барча меҳнат кўчиндилари узлуксиз иш билан таъминлансин ва маошлари ўз вақтида тўлансин. Пахтачилик совхозларининг ишчи ва хизматчилари штатлари маъмурий-техник раҳбарлиги таркибидан ташқари меҳнат кўчиндилари билан тўлдирилсин.

2. Саноат артеллари бирлашмаларида ишчиларнинг ишга тўла яроқли бўлмаган қисми меҳнатидан фойдаланиш учун ташкилотлар, совхозлар, саноат артеллари бирлашмалари билан шартномалар тузилсин, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлари билан тўла банд бўлмаган даврда пахтачилик совхозларида ишдан бўш бўлган меҳнат кўчиндиларини бериш ҳақида шартномалар тузилсин ва бу шартномалар тўла бажарилсин.

3. Меҳнат кўчиндиларидан доимий ишлаб чиқариш бригадалари, шу жумладан, махсус ёшлар бригадалари ва звенolari ташкил этилсин, стахановчилар ва зарбдорлар ҳар томонлама рағбатлантириб турилсин.

4. Қишлоқлардан узоқ жойлардаги дала ишлари олиб бориладиган участкаларда меҳнат кўчиндилари табор (дам оладиган жой)лар билан таъминлансин ва уларда нормал маданий-маиший ва санитария шароитлари яратилсин.

5. Меҳнат кўчиндиларининг меҳнат-ишлаб чиқариш малакаларини ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилансин, му-

¹ УМРДАВЖТА. 1-фонд. 20-руйхат. 6751-иш, 2—5-парақлар.

айян малакага эга бўлганларидан эса уларнинг мутахассислиги бўйича ишда фойдаланилсин.

6. Меҳнат кўчкиндилари учун яхши умумий овқатланиш ташкил этилсин, ишда банд бўлганлар учун арзон нархда овқатланиш ташкил қилинсин.

7. Совхоз ишчи кооперативлари билан ишчи кооперативларига озиқ-овқат ва товарларни меҳнат қишлоқларига олиб келиш учун транспорт, савдо бирликлари ва омборлари учун бинолар бериш тўғрисида тузилган шартномаларга қатъий риоя қилинсин.

8. Меҳнат қишлоқларида бундан буён шахсий чорвачилик ва паррандачиликни янада ривожлантириш чоралари кўрилсин, меҳнат кўчкиндиларига ҳайвонлар сотиб олишда ёрдам берилсин, шунингдек, меҳнат кўчкиндиларининг чорваси ем-хашак ва бинолар билан таъминлансин (озуқа ем таннархида сотилсин) ва ветеринария хизмати кўрсатилсин. Ем-хашак тайёрлаш 1938 йил 15 январгача тугаллансин.

9. Меҳнат кўчкиндиларининг турар жойларини тўла таъмирлаш ишлари 1938 йил 1 февралга қадар тугаллансин.

10. Меҳнат кўчкиндилари учун ёқилғи тайёрлаш 1938 йил 25 январгача тугаллансин.

11. Меҳнат кўчкиндиларининг ўзлари томонидан квартираларини кичик жорий таъмирлаш учун шароит яратиб, уларни таъмирлаш учун керакли бўлган материаллар билан узлуксиз таъминлаб турилсин (оҳак, тупроқ, гишт ва бошқалар билан).

12. Барча маданият, соғлиқни сақлаш, халқ таълими органлари меҳнат кўчкиндилари мактабларининг ўқитувчилари учун нормал уй-жой ва маиший шароитлар яратилсин ва улар керак бўлган ҳолларда транспорт билан таъмин қилинсинлар.

Меҳнат қишлоқларининг маданият муассасалари учун таълим бинолари бириктириб қўйилсин, уларни ўз вақтида совхозлар ҳисобидан таъмирлаш амалга оширилсин ва улар мунтазам равишда ёқилғи билан таъминлаб турилсин.

13. Барча ҳаммомлар, кир ювиш бинолари ва дезинфекция секторлари таъмирлансин ва муайян тартибга солинсин, улар ўз вақтида дезинфекция воситалари, совун ва бошқалар билан, шунингдек, ёқилғи билан таъмин қилинсин. Бу тадбирларни бажариш муддати 1938 йил 15 январгача деб белгилансин.

14. Бош врачлар билан ўзаро ҳисоб-китоблар асосида болалар яслилари ва касалхоналар учун зарур озиқ-овқатлар ажратиб берилсин.

Вилоят ер бошқармаси бошлиғига мана бу вазифалар юклатилди:

1. Бир ой муддат ичида пахтачилик совхозлари меҳнат кўчкиндилари ҳисоб-китоб китобчалари билан таъмин этилсин, ойлик маошлари ўз вақтида берилсин.

2. Ер ишлари халқ комиссарлиги олдига меҳнат кўчкинди-лари шахсий ҳайвонлар сотиб олишлари учун зарур кредитлар ажратиш тўғрисида масала қўйилсин.

3. СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги олдига янги турар жойлар қурилиши учун фонд (жамғарма) ажратиш тўғрисида масала қўйилсин. Муддати 1938 йил 15 январгача.

4. «Новый путь» низомсиз қишлоқ хўжалик артелининг йўналишини полизчилик, чорвачилик ва боғдорчилик йўналишига томон ўзгартириш тўғрисида масала ишлаб чиқилсин.

5. Мелиорация трести тизими орқали пахтачилик совхозлари-ни сув билан таъминлаш юзасидан зарур ишлар амалга оширилсин.

6. «Новый путь» артелининг ғалла, ем-хашак балансидаги оғир аҳвол муносабати билан Ер ишлари халқ комиссарлигидан 800 центнер ғалла, ем-хашак ссудаси беришга эришилсин.

7. Ер ишлари халқ комиссарлиги олдига меҳнат кўчкинди-ларига нисбатан колхозчилар билан тенг миқдорда гўшт топши-риш нормаси тадбиқ этиш масаласи қўйилсин.

8. Ер ишлари халқ комиссарлиги олдига қишлоқ хўжалиги учун меҳнат кўчкиндиларидан мутахассис кадрлар тайёрлаш тўғрисидаги масала қўйилсин.

Вилоят саноат кенгаши раиси зиммасига қуйидаги вазифа-лар топширилди:

1. Меҳнат қишлоқларидаги саноат артеллари бирлашмалари-да ишлайдиган меҳнат кўчкиндиларига маош тўлашдаги қарзлар тугатилсин ва бундай ҳолларга келажакда йўл қўйилмасин.

2. Саноат артеллари бирлашмалари бинолари ва асбоб-уску-наларини таъмирлаш амалга оширилсин ва уларнинг ишлаши учун нормал шароитлар яратиб берилсин.

3. «Новый путь» қишлоқ хўжалик артелида ва пахтачилик совхозларида ишда банд бўлмаган меҳнат кўчкиндиларини сано-ат артелларида энг кўп иш билан таъминлашга эришилсин. Пах-тачилик совхозлари билан тегишли шартномалар тузилсин ва улар қатъий бажарилсин.

4. Саноат артеллари бирлашмалари узлуксиз хом ашё билан таъминлаб турилсин.

5. Саноат артеллари бирлашмаларида ишлайдиган меҳнат кўчкиндиларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш яхшилансин.

Вилоят совхозлар секцияси раиси зиммасига юкланган вазифа-лар қуйидагилардан иборат эди:

1. Меҳнат кўчкиндиларини уларнинг миллий хусусиятларини ҳисобга олиб озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат моллари билан узлуксиз таъминлаш юзасидан тезлик билан тадбирлар қўрилсин.

2. Савдо нуқталаридан узоқдаги қишлоқларда кооператив дўкончалари ёки қишлоқларга олиб бориб савдо қилувчи дўкон-лар ташкил қилинсин.

3. Меҳнат қишлоқларида меҳнат кўчиндиларининг шахсий ҳайвонлари учун ем-хашак сотиш ташкил қилинсин.

4. Скадовск 1—2-сонли пахтачилик совхозларига хизмат қиладиган совхоз-ишчи кооперативини кичрайтириш тугаллансин ва ана шу совхозлар ҳар бирининг қошида ишчи кооперативи ташкил этилсин.

5. Ишчи кооперативларига саноат товарлари лимити ва келтирилиши кўпайтирилсин ва шу товарлар билан болалар яслилари, боғчалари, мактаблар қошидаги интернатлар ва ўқувчиларни таъминлашга эътибор берилсин.

6. Меҳнат қишлоқларида сабзавотлар, балиқ, гўшт, ёғ ва бошқалар билан савдо қилиш ташкил этилсин (1938 йил 20 январгача).

7. Маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, уларнинг ходимлари ва меҳнат кўчиндиларининг уйларини ёритиш учун керосин билан узлуксиз таъминлаб турилсин.

Вилоят халқ маорифи бўлими мудирини зиммасига мана бу тадбирлар юкланди:

1. Мактабларда ўқув-тарбия ишлари яхшилансин. Мактабдан ташқари ишлар ташкил этилсин. Бошланғич маълумотга эга бўлмаган ўсмирлар учун махсус мактаблар ташкил қилинсин.

2. Меҳнат кўчиндилари орасидаги саводсизлик тўла тугатилсин. Муддат 1938 йил 1 майгача.

3. Клублар, ўқиш уйлари ва қизил бурчақларнинг ишлари яхшилансин, меҳнат қишлоқларидаги сиёсий маориф муассасалари учун кадрлар тайёрлаш ташкил қилинсин. Маданият муассасалари зарур маданият ашёлари билан таъмин этилсин. Кутубхона ишлари йўлга қўйилсин, кутубхоналар тегишли миллий адабиётлар билан тўлдирилсин.

4. Меҳнат қишлоқларидаги болалар уйларида тарбиявий ишлар яхшилансин. Болалар уйларидаги тарбиячи кадрлар текширишдан ўтказилсин, улар таркиби тўлдирилсин ва ярамайдиганлари алмаштирилсин.

5. Меҳнат қишлоқларидаги миллий тўлиқсиз ўрта мактабларни тугатаётган болаларга бундан буён таълим бериш масаласи ҳал қилинсин. Муддат 1938 йил 1 февралгача.

6. Меҳнат кўчиндиларининг мактаблари педагогик кадрлар билан тўла тўлдирилсин (бутлансин), яроқсиз муаллимлар алмаштирилсин, муддати 1938 йил 15 январгача.

7. УССР Маориф халқ комиссарлигидан меҳнат кўчиндилари орасидан ўқитувчилар ва маданий-маърифий ходимлар тайёрлаш учун бир йиллик курс ташкил этиш сўралсин, муддати 1938 йил 15 январгача.

8. Вилоят ер бошқармаси ва облплан билан биргаликда 1938 йилда пахтачилик совхозларида ва «Новый путь» қишлоқ хўжалик артелида 3 та клуб, 6 та ўқиш хонаси ва 5 та янги мактаб қурилиши режалаштирилсин.

9. Меҳнат посёлкаларидаги маданият шоҳобчаларига раҳбарлик қилиш тубдан яхшилансин, бунинг учун халқ таълими вилоят бўлимининг штатига сектор мудирини ҳуқуқида махсус ходим лавозими киритилсин ва у бевосита халқ таълими мудирига бўйсунсин.

Районларда меҳнат кўчкчиларига маданий хизмат кўрсатишнинг аҳволи учун жавобгарлик шайхсан райони мудирини зиммасига юклансин.

Тўртта пахтачилик совхозларининг ҳар бирида ва «Новый путь» низомсиз қишлоқ хўжалик артелида маданий хизмат кўрсатиш бўйича бевосита райони мудирига бўйсундиган биттадан инспектор лавозими жорий этилсин. Шу билан бир қаторда миллий кўчкчилардан мактаблар бўйича зарур миқдордаги инспектор-методистлар киритилсин.

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими мудирини зиммасига қўйидагилар юкланди:

1. Меҳнат кўчкчилари тиббий шоҳобчаси етишмаётган кадрлар билан бутлансин, бунинг учун қўйидагилар амалга оширилсин:

а) Скадовск — битта бош врач, 1-сон пахта совхозини — тиш докторини, болалар врачини ва кўз докторини билан;

б) Каховка — битта тиш докторини билан;

в) Голопристан — педиатор ва терапевт билан бутлансин.

Булардан ташқари мазкур қарорда қўйидагилар ҳам вазифа қилиб топширилган:

2. Болалар яслилари етишмаётган ашё-анжомлар, кийим-кечак, оёқ кийимлари ва бошқалар билан таъмин этилсин.

3. Вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига район ижроия комитетлари билан биргаликда меҳнат посёлкаларидаги аҳвол, тураржой бинолари ва жамоат фойдаланадиган жойлар устидан қаттиқ санитария назоратини ўрнатилсин. Меҳнат кўчкчиларининг санитария жиҳатдан мунтазам тиббий кўриқдан ўтказиб туриш йўлга қўйилсин, меҳнат қишлоқларининг медициналар ва бошқа тиббий материаллар билан узлуксиз таъминлаш юзасидан чоралар кўрилсин.

4. Тиббий тармоқлар ходимлари томонидан меҳнат қишлоқларида меҳнат кўчкчилари ўртасида мунтазам равишда санитария-оқартув ишлари олиб бориш таъминлансин.

5. Пахтачилик совхозлари ва низомсиз қишлоқ хўжалик артели «Новый путь» томонидан Ташкилий комитетнинг меҳнат қишлоқларининг санитария ҳолатини яхшилаш тўғрисидаги қарорининг бажарилиши мунтазам равишда текшириб борилсин.

6. Янги болалар яслилари қурилиши ҳақидаги масала маълум тартибга солинсин ва уларнинг қурилишини тезроқ тугаллашга эришилсин.

7. Чолбасидаги сил касалларини даволаш тўғрисидаги масала 1938 йил 15 январгача ишлаб чиқилсин.

Район ижроия комитетлари раислари зиммасига қуйидагилар юкланди:

1. Каховка район ижроия комитети 1938 йил 10 январгача меҳнат қишлоғидаги янги мактаб қурилишини қабул қилиб олсин.

2. Скадовск, Каховка ва Голопристан район ижроия комитетлари меҳнат посёлкаларини санитария-гигиена жиҳатдан аҳволини яхши сақлаш қоидалари тўғрисида мажбурий қарор чиқарсинлар ва бу қарорнинг бажарилиши устидан назорат қилиш район соғлиқни сақлаш бўлимлари зиммасига юклатилсин. Муддати 1938 йил 10 январгача.

3. Скадовск район ижроия комитетига «Новый путь» қишлоқ хўжалик артелида меҳнатни ташкил этишнинг аҳволини текшириш ва йўлга қўйиш вазифаси юклансин.

4. Скадовск район ижроия комитети ва низомсиз «Новый путь» қишлоқ хўжалик артели вакилига артелнинг чорва молларини ем-хашак ва бинолар билан тўла таъминлаш топширилсин.

Хўжаликдаги ҳайвонларнинг яроқсизлари ажратилсин ва яроқсиз деб топилганларини сотиш ҳисобига маҳсулдор чорва молларини ёш наслдорлари сотиб олинсин. Артель подаси бундан буён насли яхши маҳсулдор моллар ҳисобига тўлдириб борилсин. Индивидуал (шахсий) чорвачиликни ривожлантириш чора-тадбирлари кўрилсин.

Скадовск район Чолбаси қишлоғидаги низомсиз «Новый путь» қишлоқ хўжалик артели меҳнат кўчкиндиларини саноат моллари, айниқса газламалар, пойафзал ва тайёр кийим бош билан таъминлашни яхшилаш юзасидан дарҳол чора-тадбирлар кўриш вилоят матбуот уюшмаси раисига топширилсин.

Меҳнат кўчкиндиларининг турар-жой биноларини ва молхоналарини катта ва жорий ремонт қилиш учун зарур қурилиш материаллари фондини ажратиш масаласини қараб чиқиш ва таъминлаш вилоят режа комиссияси раисига юклатилди.

Шунингдек, пахтачилик совхозларидаги ва «Новый путь» қишлоқ хўжалик артелидаги меҳнат кўчкиндиларини ўзбек, туркман, қирғиз ва қозоқ тилларидаги дарсликлар, адабиётлар ва кўргазмалар қўлланмалар билан мунтазам таъминлаб туришни йўлга қўйиш, меҳнат қишлоқларидаги мактаблар, болалар муассасаларини маданий моллар — дафтарлар, ёзув буюмлари, ўйинчоқлар ва ҳоказолар билан узлуксиз таъминлаб туриш китоб ва маданий моллар савдоси директори зиммасига юклатилди.

Вилоят кинолаштириш трести директорига эса меҳнат қишлоқларидаги меҳнат кўчкиндиларига мунтазам кино кўрсатиш ташкил қилиш бир ойлик муддат ичида Скадовск, Голопристан ва Каховка районларига меҳнат кўчкиндиларига хизмат қилиш учун чемодан типидagi учта овозли кўчма кино ажратиб бериш, меҳнат кўчкиндилари орасидан киномеханик кадрлари тайёрлаш вазифалари юклатилди.

Шунингдек, меҳнат қишлоқларидаги хўжаликларда меҳнат кўчиндилари ҳисобидан радиоузеллар ва радио нуқталари жиҳозлаш, уларнинг маҳаллий алоқа почта агентликлари томонидан нормал хизмат қилишларини таъминлаш юзасидан шошилиш чора-тадбирлар кўриш, «Большевиктик йўл» газетасининг муҳарририга эса меҳнат кўчиндилари учун миллий газета чиқариш мумкинлиги ҳақидаги масалани ўрганиб чиқиш ва шу масала юзасидан мулоҳазаларни Ташкилий комитетга 1938 йил 1 мартга тақдим этишга қарор қилинди.

Кам қувватли низомсиз «Новый путь» қишлоқ хўжалик артели аъзолари шахсий хўжаликларининг кам қувватли эканлигини ҳисобга олиб, артель аъзоларига нисбатан низомли колхоз аъзолари учун белгиланган давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топшириш нормалари бўйича ставкаларни меҳнат кўчиндилари шахсий хўжаликларига ҳам қўллаш масаласини УССР Халқ Комиссарлари Совети олдига 1938 йил 1 мартга қадар қўйишга келишилди.

Вилоят Давлат банки бошқарувчиси зиммасига меҳнат қишлоқларидаги пахтачилик совхозларини, низомсиз қишлоқ хўжалик артели «Новый путь»ни ва саноат артеллари бирлашмаларини мавжуд пул маблағлари билан узлуксиз таъминлаш мажбурияти юкланди.

Вилоят молия бўлими мудирини зиммасига 1938 йилда меҳнат қишлоқларидаги меҳнатга яроқли аъзолари бўлмаган меҳнат кўчиндилари оилаларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш учун Скадовск райиждрокомига — 8000 сўм, Голопристан райиждрокомига — 4000 сўм ва Каховка райиждрокомига — 3000 сўм пул ажратиб бериш мажбурияти юкланди.

Меҳнат кўчиндиларига хизмат қилиш билан боғлиқ бўлган барча тадбирларни Николаево вилояти ички ишлар бошқармасининг маҳаллий қамоқхоналари бўлими ва комендатурлар билан яқиндан алоқада бўлиб оширишга қарор қилинди.

Пахтачилик совхозлари, «Новый путь» қишлоқ хўжалик артелида ўтказиладиган юқоридаги барча чора-тадбирларнинг бажарилишини икки ой ўтиб текшириб, унинг натижасини Николаево вилояти Ташкилий комитетига тақдим этиш қарорда белгилаб қўйилди.

Ушбу қарор ва ундаги тадбирлар қанчалик ҳаётга тадбиқ қилингани, амалга оширилганлиги партия органлари диққат-эътиборида бўлган. Масалан, шу қарор Каховка, Скадовск, Голопристан районларида қандай бажарилаётгани ҳолати УССР Олий Советининг Николаево вилояти бўйича Ташкилий комитетининг 1938 йил 26 июндаги йиғилишида алоҳида қараб чиқилди.

Ташкилий комитет комиссияси ўтказган текширишда тегишли барча вилоят ташкилотлари, пахтачилик совхозлари директорлари ва Скадовск, Каховка ва Голопристан районлари иж-

роия комитетлари раислари Николаево вилояти бўйича Ташкилий комитетининг 1937 йил 28 декабрдаги 182-сонли «Меҳнат посёлкалари ва низомсиз «Новый путь» артелидаги меҳнат кўчиндиларига хизмат кўрсатишнинг аҳволи тўғрисидаги қарорини бажармаганлари қайд қилинади, пахтачилик совхозларида иш ҳақи вақтида тўланмаётгани, текшириш ўтказилган кунгача икки ой учун иш ҳақи тўланмагани, пахтачилик совхозларида меҳнат кўчиндиларининг турар-жойларини таъмирлаш ишлари ҳали тугалланмагани, уларнинг молхоналарини таъмирлаш ва улар учун озуқа келтириш жуда суст олиб борилаётгани, ҳайвонлар учун мутлақо яроқсиз бўлган молхоналар ва қишда уларни сақлаш учун жойлар йўқлиги, меҳнат кўчиндилари орасида оммавий-сиёсий ишлар суст олиб борилаётгани, клублар, ўқув уйлари ишламаётгани, саводсизликни тугатиш мактаблари ишламаётгани, кино хизмати кўрсатиш йўлга қўйилмагани, мактаблар муаллимлар ва дарсликлар билан тўла таъмин этилмагани, пахтачилик совхозларида ва низомсиз «Новый путь» артелида тиббий хизмат кўрсатиш етарли олиб борилмаётгани, трахома (шилпик), сил ва бошқа касалликлар билан касалланиш ҳоллари борлиги, бундай касаллар ҳисобга олинмагани, беморлар ўз жойларида мунтазам равишда даволанмаётганликлари, штатли ўринлар тиббий ходимлар билан бутланмаганлиги, пахтачилик совхозларида меҳнат кўчиндиларини сув билан таъминлаш ёмон аҳволдалиги, қудуқларни тозалаш ишлари йўлга қўйилмагани қарорда қайд этилади. Ушбу ҳолатдан келиб чиқиб Ташкилий комитет тегишли қарор қабул қилади.

Пахтачилик совхозлари директорлари Синельников, Сименюк, Скитов ва Насельниковлар зиммасига давлатга пахтани ўз вақтида териб топширишни таъминлаш ва маош тўлаш бўйича қарзларни 1938 йил 1 ноябргача бартараф қилиш мажбурияти юкланди, бундан кейин бундай ҳолларга йўл қўйилмаслик кўрсатилди.

Қишлоқлардан йироқдаги дала ишлари участкаларидаги меҳнат кўчиндиларини нормал, маданий-маиший шароитларга эга бўлган табор (жиҳозланган дам олиш жойлари)лар билан таъмин этиш, уларнинг ишлаб чиқариш малакасини ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаш, тегишли малакага эга бўлган кўчиндилардан мутахассислиги бўйича фойдаланиш, дала ишларида банд бўлган меҳнат кўчиндилари учун арзон нархларда умумий овқатланишни ташкил қилиш зарурлиги қайд этилди.

1938 йил 1 ноябргача турар-жой биноларини таъмирлашни тўла тугаллаш, 1939 йил учун молия режасида янги турар-жой бинолари қуришни кўзда тутиш, меҳнат кўчиндилари учун ёқилғи тайёрлаш ва олиб келишни 1938 йил 1 ноябргача тугаллашга қарор қилинди. Қарорда шундай дейилган: 1939 йилда ҳар бир меҳнат кўчинди оиласи ўз сигири бўлишига эришилсин; совхоз директорлари кўчиндиларга сигир сотиб олишларига

ёрдам берсинлар; меҳнат кўчкдиларининг ҳайвонлари молхоналар билан тўла таъмин қилинсин; 1938 йил 1 ноябргача бўлган муддатда меҳнат кўчкдилари ҳайвонлари учун озуқа келтириш тўла тугаллансин; барча ҳаммомлар ва дезинфекция секторлари таъмирланиб, тартибга келтирилсин, улар ёғилғи билан таъминлансин; 25 ноябргача 1937 йил ҳосилидан қолган бутун пахта заводларига олиб келинсин¹.

Пахта гуруҳи ва вилоят ер бошқармаси бир ой муддат ичида меҳнат кўчкдиларини ҳисоб-китоб дафтарчалари билан таъмин этишлари, чиқариб ташланган оқсил касалига мубтало бўлган ҳайвонлар ўрнига меҳнат кўчкдилари томонидан сигир сотиб олишлари учун кредит бериш тўғрисидаги масала СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги олдига қўйилди. Низомсиз «Новый путь» артелида умумий 5700 гектар ер майдонидан 2500 гектари ноқулай ер майдони маъжудлиги эътиборга олиниб шу хўжаликнинг йўналишини ўзгартириш тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш, меҳнат кўчкдиларидан қишлоқ хўжалиги мутахассислиги бўйича кадрлар (шофёрлар, темирчилар, комбайнчилар ва бошқа кадрлар) тайёрлашни ташкил қилиш, пахтачилик гуруҳи зиммасига пахтачилик совхозларини етишмаётган кадрлар, жумладан, агрономлар, зоотехниклар, ветврачлар, бухгалтерлар ва бошқалар билан буглаш (тўлдириш) мажбуриятини юклаш қарорда ўз аксини топди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бўлими зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилди:

1. Пахтачилик совхозлари ва низомсиз «Новый путь» артели бўйича таносил касалликлари билан касалланганларни аниқлаш ва уларни жойида даволашни ташкил этиш мақсадида аҳолини текшириш ўтказилсин.

2. Барча сил ва шилпиқ касалликлари билан оғриганлар аниқлансин ва уларни жойида даволаш ташкил қилинсин.

3. Пахтачилик совхозлари ва Чолбаси қишлоғидаги тиббий тармоқ етишмайдиган тиббий кадрлар (врачлар ва ўрта тиббий ходимлар) билан тўлдирилсин.

4. Район соғлиқни сақлаш бўлими зиммасига пахтачилик совхозлари ва низомсиз «Новый путь» артелидаги санитария аҳволи устидан мунтазам санитария назорати ўрнатиш мажбурияти юклансин.

Вилоят халқ маорифи бўлими зиммасига юкланган вазифалар пахтачилик совхозлари ва низомсиз артель «Новый путь»даги мактабларни педагогик кадрлар ва етишмаган дарсликлар билан таъминлаш, вилоят халқ маорифи бўлими мудири Чернявскийга етти йиллик мактабни тугатган меҳнат кўчкдиларидан ўқитувчилар ва маданий-маърифий ходимлар тайёрлаш учун бир йиллик курс ташкил қилиш, меҳнат кўчкдилари орасида са-

¹ НВДА. 992-фонд. 1-руйхат. 32-иш. 56—57-варақлар.

водсизликни тугатиш бўйича мактаблар ва гуруҳли таълим ташкил этиш, 1939 йил 1 майгача бўлган муддатда саводсизликни тугатиш, болалар уйларида, болалар боғчаларида ва болалар майдончаларида болалар орасида тарбиявий ишларни кучайтириш, бунинг учун яхши тайёргарликка эга бўлган кадрлар танлаб олиш, болалар уйларини тегишли қўлланмалар билан таъминлаш, клублар, ўқув уйлари ва қизил бурчакларнинг ишини яхшилаш, уларни ишончли ходимлар билан таъминлаш, уларда қандай китоблар борлигини текшириб чиқиш ва кераксиз китобларни чиқариб юбориш, ўз навбатида кутубхонларни тегишли адабиётлар билан тўлдиришдан иборат эди.

Вилоят кино трести директори зиммасига пахтачилик совхозлари ва низомсиз «Новый путь» артелидаги меҳнат кўчкиндиларига мунтазам кино хизмат кўрсатиш мажбурияти юклатилди.

Вилоят алоқа бошқармаси мудирига пахтачилик совхозлари ва «Новый путь» низомсиз артелида 1939 йил 1 январгача бўлган муддатда радио узеллари ва радио нуқталарини жиҳозлаш топширилди.

Вилоят давлат банки бошқарувчиси Агаповга Каховка, Скадовск ва Голопристан Давлат банки бўлимлари пахтачилик совхозларидаги меҳнат кўчкиндиларининг ойлик маошларини ўз вақтида тўлашлари устидан мунтазам назорат ўрнатиш топширилди.

Низомсиз «Новый путь» артели банкка тўлаши керак бўлган 458 минг сўм ҳажмида қарзи борлиги, лекин у бу қарзни тўлашга қурби етмаганлиги инобатга олиниб, Халқ Комиссарлари Советидан бу қарзни тўлаш муддатини 1939 йилгача чўзишга рухсат беришини сўрашга қарор қилинди.

Вилоят режа бўлими зиммасига пахтачилик совхозларида турар-жой бинолари, мактаблар, шифохоналар ва бошқа маданий-маърифий муассасалар қуриш учун зарур миқдорда қурилиш материаллари (ёғоч, ғишт, черепица) ажратиш мажбурияти юклатилди.

Қарор билан вилоят ҳунармандчилик совети раиси зиммасига пахтачилик совхозларидаги ҳунармандчилик артелларининг иш ҳақи бўйича қарзларини дарҳол тугатиш, совхозларнинг ҳунармандчилик артелларини узлуксиз хом ашё билан таъминлаб туриш, ҳунармандчилик артеллари цехларини тегишли инвентарлар билан жиҳозлаш ва уларнинг нормал ишлаши учун шароит яратиш мажбурияти юклатилди.

Вилоят совхозлар секцияси раиси Белийга меҳнат кўчкиндиларини озик-овқат маҳсулотлари (гўшт, консервалар, сабзавотлар, балиқ, ёғлар) билан узлуксиз таъминлаш вазифаси юкланди.

Район кооперативларига саноат моллари ажратиш ва келтириш кўпайтирилишига эришиш ва бунда болалар ясиллари, бо-

лалар боғчалари, болалар интернатлари ва мактаб ўқувчиларини саноат моллари билан таъминлашга эътибор бериш вазифаси юклатилди.

Меҳнат посёлкаларида ем-хашак ва зарур миқдордаги керосин сотиш йўлга қўйилиши, озиқ-овқат маҳсулотлари ва саноат молларини тайёрлашни кучайтириш ва бу маҳсулотлар билан меҳнат посёлкаларидаги аҳолини таъминлашни кўпайтиришга қарор қилинди.

Вилоят матлубот уюшмаси зиммасига низомсиз «Новый путь» артелини саноат моллари билан таъминлашни яхшилаш юзасидан тadbирлар кўриш мажбурияти юклатилди.

Қарорда Каховка район ижроия комитетининг пахтачилик совхозидаги мактаб қурилишига масъулиятсизлик билан қараганлиги кўрсатиб ўтилди, ижроком ҳайъатида мактаб қурилишининг боришини муҳокама қилиб, мактаб қурилишини тугаллаш тўғрисида конкрет тadbирлар белгилаб, мактаб қурилишини 1938 йил 1 декабрда тугаллаш кўзда тутилди.

Каховка район ижроия комитетига соғлиқни сақлаш бўлими бўйича тежаб қолинган маблағдан Каховка пахтачилик совхозида шифохона қурилишини тугаллаш учун зарур пул ажратиш ва шифохона қурилишини 1939 йил 1 январга тугаллаш тавсия қилинди.

Скадовск райижрокоми зиммасига низомсиз «Новый путь» артелига раҳбарликни кучайтириб, унда ташкилий ишларни йўлга қўйиб, меҳнат дафтарчаларига ўз вақтида меҳнат кунларини қайд этиш, артель аъзоларининг умумий мажлисларини мунтазам ўтказиш туришини йўлга қўйиш мажбурияти юклатилди.

Низомсиз «Новый путь» артелида 2 та молхона қурилишини тугаллаш юзасидан чоралар кўриш ҳам кўрсатилди.

Вилоят халқ таълими бўлими зиммасига «Коминтерн» номли совхозда 1939 йилда мактаб қурилиши тўғрисидаги масалани ишлаб чиқиш ва Ташкилий комитетнинг навбатдаги мажлисида шу масала хусусида ахборот бериш мажбурияти юклатилди.

«Коминтерн» пахтачилик совхозида фақат амбулатория борлигини, ишчиларга тиббий хизмат кўрсатиш етарли эмаслигини ҳисобга олиб, болалар яслиси учун қурилган бинодан шифохона учун фойдаланишга қарор қилинди. Шу билан бир вақтда вилоят соғлиқни сақлаш бўлимига 1939 йилда «Коминтерн» пахтачилик совхозида болалар яслиси қурилишини лойиҳалаштириш топширилди.

Вилоят ташкилотлари раҳбарлари, РИК раислари, совхозларнинг директорлари ушбу қарорни тўла ва ўз вақтида бажариш учун Ташкилий комитет олдида шахсан жавобгар эканликлари алоҳида огоҳлантириб қўйилди.

Меҳнат кўчкиндиларига хизмат қилиш билан боғлиқ юқоридаги барча тadbирларни НКВДнинг Николаево вилоят бўлими билан биргаликда ўтказиш, районларда эса НКВДнинг меҳнат

посёлқалари район комендатуралари билан яқин алоқада амалга ошириш кўзда тутилди¹.

Николаево вилояти I-сонли Скадовск пахтачилик совхозидagi меҳнат кўчкиндиларига хизмат кўрсатишнинг аҳволи тўғрисидаги 1937 йил 28 декабрдаги қарорнинг бажарилишини махсус комиссия текширади. Комиссия хулосасида қуйидаги ҳолатлар қайд қилинган.

Совхоздаги меҳнат кўчкиндилари йил давомида, ҳатто январь ойида ҳам иш билан таъминланганига қарамай уларга ойлик маош қоидага кўра ўз вақтида берилмай келинган. 1938 йилнинг январь-октябрь ойлари учун маош бўйича совхознинг қарзи 195,8 минг сўмни ташкил этган, шундан август ойи бўйича қарзи 39,4 минг сўмни, сентябрь ойи учун 156,4 минг сўмни ташкил қилган.

Совхоз Чолбаси хунармандчилик артели билан меҳнат кўчкиндиларининг меҳнатидан фойдаланиш ҳақида шартнома тузган, лекин шартнома шартларини тўла бажармаган.

Совхоз меҳнат кўчкиндиларидан доимий ишлаб чиқариш бригадалари ва ёшлар звенolari ташкил қилинган 1938 йилда стахановчилар ва зарбдорларга 14,640 сўм мукофот берилган, шундан 9350 сўми ўтоқ қилиш, 5290 сўми эса пахта терими учун берилган.

Совхозда 6 та табор (дам олиш жойлари) ташкил этилган, улардан 3 таси санитария жиҳатдан ёмон аҳволда, қолганлари бирмунча ободроқ.

Меҳнат кўчкиндилари ўртасида оммавий-маданий ишлар яхши ташкил қилинмаган, чойхоналарнинг кўпчилиги жиҳозланган ва ремонт қилинган, бироқ уларда самарали иш олиб борилмаган. Меҳнат кўчкиндилари орасида 328 та саводсиз ва чаласавод кишилар бўлган, 150 киши савод чиқариш билан оғда-сонда шуғулланган, қолганлари орасида иш олиб борилмаган.

Меҳнат кўчкиндиларининг ишлаб чиқариш малакасини ошириш учун совхоз 4 та стахановчилар мактабини ташкил қилган, уларда 114 киши шуғулланган. 28 киши шуғулладиган бригадирлар курси ташкил этилган. Тракторчилар курсига 7 киши, шофёрлар курсига 2 киши юборилган.

Совхоздаги 19 бригададан 18 тасида иссиқ овқат бериш ташкил қилинган, овқатнинг сифати яхши ва нисбатан арзон нархда.

Ишчи кооперативига озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа моллар (товарлар) келтириш учун транспорт ажратиб берилган. 7 та савдо қилинадиган бинодан 2 таси бутунлай яроқсиз ҳолда. Ишчи кооперативи омборлар билан таъминланган. Уч квартал учун 243 минг сўмлик товарлар режалаштирилган, 233,3 минг сўмлик товар олиб келинган.

¹ НВДА, 992-фонд, I-руйхат, 32-иш, 56—59-варақлар.

Балиқ ва селдьни 105,5 центнер келтириш режалаштирилган эди, амалда 64,9 центнер келтирилган, совунни 15,6 центнер келтириш керак эди, 10,2 ц келтирилган.

Новвойхона биноси мутлақо яроқсиз ҳолда, ишчи кооперативда гўшт маҳсулотлари, консервалар, ем-хашак, ёғлар ва керосин бутунлай йўқ.

Совхозда 388 та оила бўлиб, улардан 220 тасининг сигири бор, 124 та оиланинг бузоғи ва 74 тасининг қўйи бор, шунингдек, кўпчилик оилаларнинг паррандалари бор. 1938 йилда 8 та оилага уй ҳайвонлари сотиб олишлари учун ёрдам кўрсатилган. Уй ҳайвонлари 60 фоиз бинолар билан таъминланган.

Меҳнат кўчиндиларининг ҳайвонлари 80 фоиз ем-хашак билан таъминланган, ем-хашакнинг қолгани 1938 йил 20 октябргача олиб келиб берилиши кутилмоқда.

Меҳнат кўчиндиларининг мол-ҳолларига ветеринария ва зоотехника хизмати кўрсатиш қониқарли эмас, уларнинг чорваси ёз мавсумида ўтлоқлар билан таъминланмаган, шу боис 1939 йилда подалар сонининг камайиш хавфи бор.

Меҳнат кўчиндиларининг ҳаммаси квартира билан таъмин этилмаган, айрим квартираларда иккитадан оила яшайди.

Совхоз бўйича 144 та яшайдиган ҳовли-жой бор, улардан 13 таси яроқсиз ҳолда, капитал ремонтга, қолган уйлар эса жорий ремонтга муҳтож. Бу уйларни қуриш, совхоз директорининг айтишига қараганда, 1938 йил 1 ноябрда тугалланади.

Меҳнат кўчиндиларининг 70 фоизи ёқилғи билан таъминланган, қолганлари учун ёқилғи келтирилади.

Тиббий ходимлар ва ўқитувчилар квартиралар билан таъминланган, уларнинг транспортга бўлган эҳтиёжларини қондириш етарли даражада эмас. Мактаблар учун сотиб олинган ёқилғи ҳанузгача олиб келинмаган. Совхознинг 4 та бўлимида чойхоналар ташкил қилинган, бироқ улар ёмон жиҳозланган, ёқилғи билан таъминланмаган, таъмирлаш тугалланмаган.

Ҳаммомлар ҳаммаси бўлиб 3 та, лекин улар ремонт қилинган эмас, уларга ёқилғи олиб келинмаган, дезинфекция секторлари ҳам ремонт қилинмаган. Баъзи ҳолларда болалар яслилари-га совхоз озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беради.

Совхоз томонидан 1937 йилги пахта ҳосилидан 93767 килограмми олиб чиқиб кетилмаган, бунинг учун совхоз дирекцияси томонидан ҳеч қандай чора кўрилмаган.

Совхоз ҳудудида 21 та қудуқ бўлиб, улардан 5 таси истеъмол учун яроқсиз. Улар ремонт қилинмаса ва тозаланмаса тез вақт ичида қулаб, емирилиб кетиши мумкин ва бу ҳол совхоз аҳолисини қийин аҳволга солиб қўйиши мумкин.

Почта хизмати кўрсатиш совхозда ғоят қониқарсиз, барча бўлимлар, базаларга фақат битта почталён хизмат қилади, у транспорт воситаси билан таъминланмаган.

Пахта терими ва уни тайёрлов пунктига толшириш қониқарсиз борган. 1938 йил 1 октябргача 540 тонна пахта териб олинган, шундан 420 тоннаси топширилган, режа 35 фоизгина бажарилган.

Пахта топширишга пунктларда қабул қилиш жуда секин бо-раётганлиги тўсқинлик қилган, пахта ортилган машиналар 2 ва ундан ортиқ соатлар туриб қолиш ҳоллари мавжуд.

Совхоз дирекцияси пахта терими бўйича 2 хил норма, меҳнат кўчиндилари учун бир кунда 30 килограмм, пахта терими-га ташқаридан жалб этилганлар учун 10—15 килограмм миқдо-рида белгилаган.

Ишчи кооперативида махсус кийим-кечаклар йўқлигидан меҳнат кўчиндилари улар билан таъминланмаган.

Совхоз ҳудудларидаги барча мактаблар ремонтдан чиқарилган ва уларда ўқув машғулоти ўз вақтида бошланади. 10 та ўқитувчи етишмайди. Ўзбек мактаблари дарсликлари билан 60 фоиз, қирғиз мактаблари эса 75 фоиз таъминланган.

Меҳнат кўчиндилари аҳолиси орасида турли шаклдаги сил касаллиги билан оғриганлар, сифлис ва кўз касалликлари билан оғриганлар бор, лекин уларни районда даволаш имкони деярли йўқ даражада¹.

1938 йил 28 декабрда УССР Олий Совети Ташкилий комите-тининг Николаево вилояти бўйича ташкилий комитетининг нав-батдаги йиғилишида бундан бир йил аввал, яъни 1937 йил 28 декабрда Каховка, Скадовск, Голопристан районларидаги меҳнат кўчиндиларига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги қарорининг бажарилишини текшириш тўғрисидаги масала кўрилади. Унда комиссия тақдим этган маълумотнома муҳокама қилиш учун асос қилиб олинади.

Мактаблар ўқитувчилар ва дарсликлар билан тўла таъмин-ланмагани, пахтачилик совхозларида ва низомсиз «Новый путь» артелида меҳнат кўчиндиларига тиббий хизмат кўрсатиш етар-ли даражада амалга оширилмаётгани, трахома (шилпиқ касалли-ги), сил касаллиги ва бошқа касалликлар билан касалланиш ҳол-лари учраб тургани, бироқ бу касалларнинг ҳаммаси ҳисобга олинмагани ва ўз жойларида мунтазам равишда даволанмаётган-лари, меҳнат кўчиндиларини сув билан таъминлаш ёмон аҳвол-далиги, қудуқлар етишмаётгани, қудуқларнинг ўз вақтида тоза-латилмагани қайд этиб ўтилган. Ушбулардан келиб чиқиб Таш-килий комитет қарор қилган:

1. Пахтачилик совхозлари директорлари зиммасига пахта те-риш ва давлатга топширишни ҳукумат томонидан белгиланган муддатда ўтказиш мажбурияти юклансин.

2. Пахтачилик совхозлари директорлари Синельников, Си-менюк, Скитов ва Насельниковларга 1938 йил 1 октябргача

¹ НВДА. 992-фонд. 1-руйхот. 32-иш. 119—120-варақлар.

ойлик иш ҳақи тўлашдаги қарзларини узиш ва бундан буён иш ҳақи беришдан қарз бўлиш ҳолларига йўл қўймаслик топширилсин.

3. Қишлоқлардан анча олисдаги дала ишлари участкаларида меҳнат кўчиндилари таборлар (яшаш ва дам олиш жойлари) билан таъмин этилсин, уларда нормал, маданий-маиший шароитлар яратиб берилсин.

4. Меҳнат кўчиндиларининг ишлаб чиқариш малакаларини ошириш юзасидан конкрет талбирлар белгилансин ва тегишли малакага эга бўлган меҳнат кўчиндилари ўз ихтисосликлари бўйича ишдан фойдаланилсин.

5. Дала ишларида банд бўлган меҳнат кўчиндилари учун уларга қулай нархларда умумий овқатланиш ташкил этилсин.

6. 1938 йил 1 ноябргача турар жойларни тўла таъмирлаш тугаллансин. 1939 йил учун молия режаларида янги турар жой бинолари қурилиши кўзда тутилсин.

7. 1938 йил 1 ноябргача меҳнат кўчиндилари учун ёқилғи тайёрлаш ва олиб келиш тугаллансин.

8. 1939 йилда ҳар бир меҳнат кўчиндиларининг битта сигири бўлишлигига эришилсин. Пахтачилик совхозлари директорлари меҳнат кўчиндилари оиласига сигир сотиб олишларида ёрдам берсин.

9. Меҳнат кўчиндиларининг барча уй ҳайвонлари бинолар билан тўла таъминлансин.

10. Меҳнат кўчиндиларининг ҳайвонлари учун ем-хашак келтириш 1938 йил 1 ноябрда тугаллансин.

11. Барча ҳаммомларни, дезинфекция секторларини таъмирлаш ва тегишли тартибга келтириш, уларни ёқилғи билан таъминлаш амалга оширилсин.

12. 1937 йилги ҳосилдан қолган барча пахта 1938 йил 25 январгача пахта заводига олиб келиб топширилсин.

Ташкилий комитет қарори билан пахта гуруҳи ва вилоят ер бошқармасига меҳнат кўчиндиларини ҳисоб-китоб дафтарчалари билан бир ой муддат ичида таъминлаш топширилди.

СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги олдига меҳнат кўчиндиларига бруцеллёз билан касалланган ҳайвонлар мусодара қилинган ҳайвонлари ўрнига сигир сотиб олишлари учун кредит (қарз) бериш тўғрисида масала қўйилди.

Низомсиз қишлоқ хўжалик артели «Новый путь»да 5700 гектар ноқулай ер борлиги муносабати билан хўжаликнинг йўналишини ўзгартириш зарурлиги тўғрисидаги масалани ишлаб чиқишга қарор қилинди.

Меҳнат кўчиндиларидан қишлоқ хўжалиги мутахассис кадрлари (шофёрлар, темирчилар, комбайнчилар ва бошқалар) тайёрлашни ташкил этишга пахтачилик совхозларини етишмаётган кадрлар, масалан, агрономлар, зоотехниклар, ветеринария врачлари, бухгалтер билан бутлашга қарор қилинди.

Вилоят соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлимлари зиммасига ҳам қатор долзарб вазифалар юклатилди.

Ташкилий комитетнинг Николаево вилояти меҳнат қишлоқларидаги пахтачилик совхозлари ва низомсиз «Новый путь» қишлоқ хўжалик артелидаги меҳнат кўчкдиларига хизмат кўрсатиш тўғрисидаги қарорлар бажарилмаётгани, пахтачилик совхозларида ойлик иш ҳақлари ўз вақтида тўланмаётгани, текшириш кунда икки ойлик иш ҳақи тўланмагани, пахтачилик совхозларидаги турар жой биноларини ремонт қилиш ҳалигача тугалланмагани комиссия томонидан қайд қилинган.

Меҳнат кўчкдиларининг уй ҳайвонлари учун бостирмаларни ремонт қилиш ва ем-хашак келтириш жуда камлиги, бу иш заиф ўтказилаётгани, ҳатто ҳайвонлар сақланадиган бинолар яроқсиз бўлиб қолаётгани ва қишда ҳайвонларни сақлайдиган жой йўқлиги кўрсатилган.

Меҳнат кўчкдилари ўртасида оммавий-сиёсий ишлар жуда бўш ўтказилаётгани, клублар, ўқиш уйлари, саводсизликни тугатиш мактаблари ишламаётгани, кино хизмати кўрсатиш йўқлиги ҳам қайд этилган.

Аммо бу қабул қилинган қарорларнинг маълум қисмини ҳаётга тадбиқ этиш, амалга ошириш жуда ҳам оғир кечган. Кўп ҳолатларда меҳнат кўчкдиларнинг аҳволини бироз бўлсада энгиллаштириш, уларнинг тақдири учун зарур долзарб масалаларни ҳал этиш Иттифоқ ҳукуматининг ва унинг халқ комиссарликларининг аралашуви, талаби билан амалга оширилганлигини қайд этиш ўринлидир. Мисоллар келтирамиз: СССР Ички ишлар халқ комиссари ўринбосари Чернишев 1941 йил 8 февралда Украина ССР Совхозлар халқ комиссари В. Козиревга хат йўллади. Унда шундай дейилган: «УССР Николаево вилоятидаги пахтачилик совхозлари ҳудудларида жойлаштирилган меҳнат кўчкдиларининг ҳаёт кечириш-турмуш шароитлари мутлақо қониқарсиз аҳволда. Пахтачилик совхозлари ўзларига олган шартномавий мажбуриятларни бажармаяптилар.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлигида мавжуд бўлган маълумотлар бўйича совхозлардаги меҳнат кўчкдиларининг иш ҳақлари вақтида берилмаётир, яшайдиган бинолар таъмир қилинмаяпти, совхозлар маъмурияти меҳнат кўчкдиларига иссиқлик ва уларнинг ўзлари фойдаланадиган шахсий хўжаликларидagi ҳайвонлар учун озиқ-овқат сифатида ем-хашак сотиб олишларига кўмаклашмаяпти.

Биринчи зарур озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлашни савдо қилувчи ташкилотлар яхши йўлга қўймаганлар.

Юқоридагиларни хабар қила туриб СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги УССР пахтачилик совхозларида ишлаётган меҳнат кўчкдиларининг турмуш шароитларини нормал ҳолатга келтириш учун тегишли чоралар кўришни сўрайди. Қабул қилинган

чора-тадбирлар тўғрисида СССР Ички ишлар халқ комиссарлигини хабардор қилишингизни сўрайман»¹.

Чернишев 1941 йил 17 февралда СССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари Б. А. Митерев номига мана бу хатни йўллайди: «УССР Николаево вилояти ички ишлар бошқармаси меҳнат тугатиш колониялари ва меҳнат қишлоқлари бўлимининг хабар беришига кўра, жойлаштирилган меҳнат кўчкдиларига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш илгаригидек шилпиқ кўз касаллиги билан оғриган 150 киши, сил касаллиги билан оғриган 100 киши, жинсий касаллиги билан — 85 киши ҳисобга олинган, қирма темиратки касаллиги кенг тарқалган. Ички ишлар халқ комиссарлиги бошқармаси меҳнат тугатув лагерлар бўлимининг бир неча бор мурожаат қилишига қарамай, тиббий ходимлар кадрларининг йўқлигини писанда қилиб район соғлиқни сақлаш бўлими ва вилоят соғлиқни сақлаш бўлими қатъий чоралар кўрмаётирлар.

Юқорида баён этилганлар тўғрисида хабар берар эканман, СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги зарур чоралар кўриш ҳақида Украина ССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигига кўрсатма беришни илтимос қилади.

Фармойиш берганлигингиз тўғрисида СССР НКВДсига хабар беришингизни сўрайман»².

Бунга жавобан СССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссари Колесников 1941 йил 25 февралда Украина Халқ комиссари Овсиенкога ушбу хатни йўллаган: «СССР Ички ишлар халқ комиссарлигидан УССР Николаево вилоятида жойлаштирилган меҳнат кўчкдиларига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш (пахтачилик совхозлари ҳудудида) ҳозирги пайтгача қониқарсиз аҳволда қолаётганлиги тўғрисида ахборот келди. Масалан, Скадовск райони бўйича 150 та юқумли кўз касаллиги (шилпиқ) билан, 100 та сил касали, 85 та жинсий касалликлари билан оғриганлар ҳисобга олинган. Темиратки билан касалланиш кенг тарқалган.

Бирок, жойларда соғлиқни сақлаш органлари кўрсатиб ўтилган касалликларни даволаш ишларини ташкил этишга қаратилган ҳеч қандай тадбирлар кўрмаяптилар ва Николаево вилоятидаги меҳнат кўчкдиларининг касалликларнинг олдини олиш юзасидан тадбирлар кўришни ва тиббий хизмат кўрсатишни таъминлаётганлари йўқ.

Меҳнат кўчкдиларига тўлақонли тиббий-санитария хизмати кўрсатишни таъминлаш юзасидан шошилиш тадбирлар кўришни ва меҳнат кўчкдиларига хизмат қиладиган тиббиёт тармоғини врачлар ва ўрта тиббий кадрлар билан таъминлашни тавсия этаман.

¹ РФДА, 9479-фонд, 2-руйхат, 69-иш, 170-варақ.

² РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 69-иш, 167-варақ.

Мазкур фармойишнинг бажарилганлиги тўғрисида 1941 йил 10 мартда менга хабар қилинг»¹.

Шоҳидлик

1931 йили биз Қирғизистондан Украинага сургун қилинган эдик. Бизни шу сабабдан сургун қилиб юбордиларки, Ер ишлари халқ комиссарлигининг 1924 йилдаги Шарқ халқлари ўртасида чорвачиликни юксалтириш тўғрисидаги қарори асосида биз чорвачиликни ривожлантирдик ва ўрта деҳқон деб ҳисобландик. 1929 йилда биз «Қизил Челпек» колхозига кирдик, лекин 1931 йили баъзи бир фаолларнинг шахсий адоватчилиги туфайли март ойида ўрта деҳқон сифатида бизни колхоздан чиқариб юбордилар. 1931 йил сентябрь ойидан бошлаб менинг эрим Украинада «Чаплинский» совхозида молбоқар, чўпон лавозимида ишлай бошлади ва шу совхозда 1933 йилнинг охиригача ишлади, у зарбдор бўлиб, яхши ишлаганлиги учун бир неча бор мукофотланган эди. Шундан сўнг, 1934 йилдан бошлаб Скадовск районидаги Чолбаси қишлоғидаги «Новый путь» қишлоқ хўжалик артелига аъзо бўлиб кирди ва бу ерда 1938 йилгача отларни парвариш қилиш бўйича ишлади ва ана шу артелда 4 йиллик меҳнати мобайнида бир неча бор қўй билан мукофотланди ва квартира олди. Унинг душманлари у тез-тез мукофотланиб тургани ва яхши яшаётганлиги учун уни кўраолмай 1938 йил апрель ойида унинг устидан сохта материал ташкил қилишиб, шахсан ундан ўч олишиб, унга туҳмат қилиб чиқдилар. У ҳеч қандай фактлар билан текширилмасдан туриб қамоққа олинди ва Херсон турмасига жўнатилди. Қамоққа олингандан буён ҳеч қандай хабар ва хат йўқ...

Скадовск райони Чолбаси қишлоғи «Новый путь» қишлоқ хўжалиги артели аъзоси Халипа Раҳимбердиевнинг Эри Нурмухамбет Раҳимбердиевнинг иши бўйича СССР прокурорига ёзган аризасидан. I.VIII.39 йил»².

Туҳтасин Мирзараҳматов эсдалигидан ларча

1931 йил Яйпандан сургун қилинган ва Скадовск портидан 30—40 километр узоқликдаги қишлоқлардан бирида жойлашган Сотволди Раҳимов (аҳли аёли Анорбуви, ўғиллари Абдусамад, Абдураҳмон, Аъзамжон, қизи Мухлисой, куёви Алибой) оиласи ҳам ниҳоятда қийин ва оғир шароитда кун кечирган.

Абдураҳмон Сотволдиев 1933 йилдаги очарчиликнинг фожеали манзарасини шундай эслайди: «...1933 йилга келиб очарчилик бошланди. Сургун қилинганларда ҳеч қандай моддий маблағ захираси қолмаганди. Давлат томонидан болаларга 200 грамм, катталарга 400 грамм бериладиган нон 30—40 даражали совуқда ҳеч нарса бўлмасди. Устига-устак, уйларни иситишга ўтин йўқ, буғдой сомонини ёқиб исинардик. У ҳам назоратта олинганди. Яйпанлик Карвон бува оиласида беш киши яшарди. Бир куни «юртдошларнинг ҳоли хароб» деган хабар келди. «Паёқларимиз»ни жамлаб уларни кўргани бордик. Онам кўлидаги нонни кўриб шундай егим келди-ки, бироқ бир тишлам ҳам бермади. «Ҳамқишлоқларимиз касал ётишибди. Шу нонни олиб борсам тузалиб кетишади», — дедилар онам. Аммо... Карвонбобо яшаётган хонадонга етиб борганимизда даҳшатли аҳволга дуч келдик. Бобонинг ўғли осмонга қараганча тўшақда, унинг бошини кўксига қўйганча хотини музлаб қолибди. Атрофдаги 40 дан ортиқ чол-кампир ярим ўлик, ярим чалажон ҳолатда ётишарди. Дадам: «Болалар очлик ва совуқдан нобуд бўлишибди», деди. Уларга қарайдиган бирорта ҳам инсон йўқ эди. Онам чалажон

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 69-иш, 167-варақ.

² ХВДА, 4033-фонд, 6-рўйхат, 689-иш, 18-варақ

ётган одамлардан 3 нафарига нонни узатиб: «Мана, сизларга нон олиб келдик, енглар!» дедилар. Онамнинг қулидаги нонни улар зўрга олишди.

Нонни еган кишилар ўзларини бироз ростлаб олишгач, дадам билан биргаликда жон таслим қилган юртдошларимизни қўлтиқлаб ташқарига олиб чиқди. Лекин уларни кўмишга на кетмон, на белкуррак бор эди. Хаммаёқ тақа-тақ музлаб қолганди. Яхшиямки шу яқин орада бир чуқурлик бор экан. Уларни шу ерга кафансиз, устиларига қор тортиб кўмиб қўйишди¹. Абдурахмон Сотволдиев қулоқлар яшаётган қишлоқлардаги ўзбек, тожик, қирғиз, қозоқларни, умуман, озодлик, мустақилликка зор бўлиб дунёдан ўтганлар деб эслайди



Мўминов Йўлдош. 1939 йилнинг сентябрь ойида Украинанинг Николаево (Херсон) вилояти Скадовск туманидаги I-пахтачилик совхозининг 4-бўлими, 6-базасида олинган фотосурат (1895 — 1967).

Чунки отамиз ўша пайтда Қибрайдаги «қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ширкати»да оддий ишчи бўлиб ишлаётган эди. Кейинчалик, 1932—1938 йилларда яна уч тоғам асосиз қамоққа олинди, йўқ қилиб юборилган. Улар 1990 йилда оқланганлар.

Хуллас, оиламиз уй-жойи, мол-мулкдан айрилиб, бир сира эски кийимда, эски кўч-кўронлари билан олис Украина қўлларига улоқтириб ташланди. Оиламиз билан бирга Қибрай қишлоғидан яна 28 деҳқон хўжалиги сургун қилинган. Қибрайликлар Скадовск районидаги I-пахтачилик совхозининг IV бўлимига қарашли Нижегородка хуторида жойлашганлар.

1932—1933 йилларда юқоридан атайлаб уюштирилган «сунъий очарчилик»дан юртимиздан сургун қилинган деҳқон оила-ларнинг тўртдан бир қисми қирилиб кетган. Бу очарчилик — қаҳатчилик 1935—1936 йилларгача давом этди. Бизнинг оиламиз

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани, Улуғбек шаҳарчаси, Бобур кўчаси, 14 а-уй, 39-хонада истиқомат қиляётган нуроний Собир Мўминовнинг мана бу эсдалиги ҳам диққатга сазовор: «...Бизнинг оиламиз ҳам 1931 йил августида Украинанинг Херсон вилояти Скадовск районига мажбурий ишга, асосан пахта етиштиришга сургун қилинган эди. Бунга асосий сабаб 1929 йил октябрда тоғамнинг Қибрайда бир гуруҳ навқирон кишилар билан биргаликда «советлар тузумига қарши ташвиқот юргазганликда» айбланиб қамоққа олинди, йўқ қилиб юборилгани эди. Ўша пайтда отамнинг — оиламизнинг қулоқ қилиниб, сургун этилишига бошқа ҳеч қандай асос бўлмаган.

¹ Тўхтасин Мирзараҳматов. Сургундаги оғриқлар. — «Саховият», 2002 йил, 1-сон, 15-бет.

ўша пайтда қил устида жон сақлаб қолган. Бунга сабаб отамизнинг ишбилармонлиги, уддабуронлиги, меҳнаткашлиги, ўша ерли халқлар билан тил топиб яшаганлиги бўлган.

...Дадамиз ишдан эртароқ қайтаётган экан, биз яшаб турган хуторга яқинроқ бўлган Птаховка қишлоғи яқинида 10—15 киши ниманидир ўраб туришганини кўради. Дадамиз бирортаси очликдан ўлиб қолган бўлса керак деб ўша ерга боради. Қараса, ўша қишлоқлик бир кишининг 30—40 литр сут берадиган зотдор сигири кўп беда еб, қорни шишиб, оғир аҳволда ётганини кўради. Сигирни турғазиб бироз юргизса у соғайиб кетиши мумкин эди. Бироқ, вақт ўтган, молнинг аҳволи оғир экан. Ўрнидан турғазишнинг иложи бўлмаган. Мол эгаси сигирни ҳаром ўлиб қолади деб мол дўхтирини қидиртириб топиб келади. Мол дўхтири сигирга баъзи бир чора-тадбирларни қўллайди. Молнинг аҳволи оғирлашади. Шунда мол дўхтири йиғилганларга: орангизда мол суядиган одам борми? дейди. Шунда дадамиз сўйиб бераман дейдилар. Мол дўхтири молнинг аҳволи оғирлиги, ҳаром ўлиб қолиши тўғрисида акт ёзиб, йиғилганларга қўл қўйдириб, дадамга молни сўйишни буюради. Дадам Тошкентдан олиб кетган пичоқларини яширинча олиб юрарди. Молни сўйиб, терисини шилаётганида совхоз коменданти Гуляев келиб қолади ва уларни сўкиб, бақириб кетади. Чунки ўша пайтда зотли сигирларни сўйиш таъқиқланган бўлиб, сўйиш учун аввал ҳужжат тайёрлаб, сўнгра сўйиш лозим эди.

Мол дўхтири комендантга актни кўрсатгач, у бироз жаҳлдан тушиб, мол дўхтирига, мол эгасига ва дадамга кечқурун уникага боришни айтиб, буни ҳужжатлаштириб қўймасақ, менга гап тегает дейди.

Дадам молни нимталаб аравага ортишиб, мол эгасиникига олиб боришади. Дадам ўз ҳақини олиб уйга қайтаётганларида мол эгасига, хўжайинга нима олиб борасан, дейди. Шунда у мен гўштни майдалашни билмайман, ўзинг тўғрилаб бер дейди. Шунда дадам молнинг яхши қисмидан 5—6 кг гўштни майдалаб, мана буни олиб борасан дейди. Кечки пайт комендантникига боришади. Йўлда яримта оқидан топишади. Гуляев ҳам уларни яхши кутиб олади. Ярим кечагача суҳбатлашиб ўтиришади. Шунда Гуляев дадамдан қаердансан, нечта боланг бор? деб сўрайди. Дадам Тошкентданман, 4 та болам бор дейди. Болаларинг кўп экан, шароит оғир, уларни қандай боқаяпсан, дейди комендант раҳмдиллик билан. Шунда Гуляев дадамга менинг бир оғайним бор, яхши ишда ишлайди, унга айтаман сенга иш топиб беради, дейди.

Дадам кечқурун уйга жуда хурсанд бўлиб келади. Эртаси куни Гуляев дадамни совхоз ишчилар таъминоти бўлими бошлиғи Н. Кувалдин билан таништириб, дадамга иш топиб беришни айтади. Кувалдин дадамга яна 2 та одам топиб, Каховка қишлоғи яқинидаги шамол тегирмони олдига бориб туришни айтади. Эрта-

сига дадам уч киши бўлишиб шамол тегирмони олдига боришди. Кувалдин уларга: «Иш жойларинг шу ерда бўлади, арава ва машиналарда дон келади, уларни тепага олиб чиқасизлар, ун тайёр бўлгач, қоплаб яна арава ва машиналарга ортиб берасизлар. Иш оғир, лекин билиб қўйинглар, оч қолмайсанлар, оилаларингга ёрдам бериб тураман» дейди. Дадам ва оғайнилари худога шукур қилишиб, севинишиб, ишга тушиб кетади. Шамол тегирмони тепаликда қурилган бўлиб, уч қаватли уй баландлигида эди. 60—70 кг.лик донни зинадан кўтариб чиқиш осон бўлмаган. Шунга қарамай дадам ва шериклари ўша ерда бир йилдан ортиқ ишлашди. Кувалдин ҳам ўз сўзида туриб, уларга ёрдам кўрсатиб турди. Дадам Кувалдин билан ҳам яқин оғайни бўлиб қолди. У дадамни пекарнийга ишга жойлаштирди. Шунда дадам Аллоҳ таолога минг бир шукрлар айтиб, болаларимни қорни нонга тўядиган пайт келди, деб қувонгани ҳануз кўз олдимдан кетмайди.



Мўминов Йўлдош оиласи. 1937 йил.
Скадовск туманидаги
1-пахтачилик совхози 4-булими,
6-база. Чапдан 2-қаторда Собир
Мўминов, ҳозир Қирайда
яшамоқда.

қилинганлар учун ягона касалхона эди. У ерга пиёда бориб келишнинг ўзи бир азоб эди.

Онамиз аҳволи оғирлашиб қолгач, дам олиш куни дадам Каримжон акам билан бирга бориб кўриб келишди. Янаги ҳафта Маҳбуба опам билан бориб келишди. Раҳимжон ака ўша пайтда Тошкентда ўқишда эди. Учинчи марта дадам мени олиб онамни

...1938 йил оиламиз учун жуда оғир, мусибатли ва йўқотишлар йили бўлди. Қишнинг қаҳратон кунларидан бирида 1,5 ёшли синглим Манзура қизамикдан сўнг вафот этди. Кўп ўтмай онамизнинг дарди оғирлашди, истисқо хасталигидан қаттиқ азоб чекаётган эди. Икки марта операция қилиниб, қорин бўшлиғидаги суюқлик олиб ташланди. Онамиз сургун ҳаётидаги азоб-уқубатлар, ғам-ташвишлар туфайли жуда нураб қолганди. Бунинг устига ота-оналаридан, беш акасидан айрилиб қолганликлари учун кечаю кундуз йиғлаб, эзилиб, дардлари янада оғирлашиб бораётганди.

1938 йил ёзида дадам онамни биздан 10—12 км олисда жойлашган Чолбаси (Чўлбоши) қишлоғидаги касалхонага жойлаштирди. Бу касалхона Скадовск районидаги қулоқ-сургун

кўриб келишга бордик. Касалхонага киришимиз билан бир қозоқ аёл «Жўлдас оға, апажон ўлиб қолди» деб йиғлаб чиқди. Мен ҳеч нарса тушунмадим. Моргни очишиб онамни кўрсатишди. Мен онамга ташланиб, ойи тулинг, уйга кетамиз дедим. Шунда дадам онангдан айрилиб қолибмиз болам, дедилар йиғлаб. Шундан сўнг мен ҳақиқатдан ҳам онамизнинг вафот этганини билиб хўнграб йиғлаб юбордим. Дадам ҳалиги қозоқ аёлга ва бошқа ходимларга эртага арава билан келиб олиб кетамиз деди. Ушбуларни эслар эканман кўзларимдан дувиллаб ёш оқади, юрагим санчиб оғрийди. Бечора онажоним ноҳақ қатагон қилиниб, қанчадан-қанча азоб-уқубатларни кечириб ўзга юрт тупроғида қолиб кетди. Ўша куни уйга келгунча йиғлаб келдим. Эртаси куни дадам бир-иккита оғайнилари билан бориб онамизни олиб келишди, ўша ердаги мусулмонлар қабристонига қўйишди. Эртаси кундан бошлаб биз опам билан ҳар куни қабристонга бориб онамиз қабри устида йиғлаб ўтирар эдик, баъзан ўтган-кетганлар, баъзан подачилар урушиб, бизни ҳайдаб юборишар эди. Шундан сўнг дадам кўшнмиз наманганлик Мирғози отанинг аёли Онахон холага бизни топшириб ишга кетадиган бўлди. Онахон хола жуда болажон, меҳрибон аёл эди. Беш-олтита болалари бўлишига қарамай бизга ҳам оналик қилиб, хабардор бўлиб турдилар.

Ўрта Осиёдан сургун қилиб келтирилган меҳнат кўчкиндилари зиммасига юклатилган асосий вазифа, мажбурият Украинада пахтачиликни жорий қилиш, уни ривожлантиришдан иборат эди. Бу билан мамлакатда пахта мустақиллигига эришишда ўртаосиёлик деҳқонлардан фойдаланиш мақсад қилиб қўйилганди. «Кулоқ» тамғаси билан Украинага сургун қилинган ўртаосиёлик деҳқонлар бу бегона юртда пахтачилик билан шуғулланишга мажбур қилинди, улардан қулларча фойдаланилди. Ҳали бу ерга Ўрта Осиёдан сургун қилинмасдан аввалроқ Украинанинг жанубий вилоятларида пахтачиликни йўлга қўйиш учун сайъ-ҳаракат бошланганди.

Советлар Ўзбекистондан пахтакор вакилларни юбориб улардан Украинада пахтачиликни жорий этишда маслаҳатлар олиб, жойларда пахтачилик самара бериш, бермасликларини ўрганишга ҳаракат қилган.

Мулоҳаза учун маълумот

Ўзбекистон пахтакорлари Херсонда

Ўткан куни Николаевага Харьковдан Херсонга ўтиб кетаётиб Украинанинг пахтакор районларини оталиққа олган ўзбекистонлик колхозчи-пахтакорлар делегацияси ташриф буурди. Делегация таркибида куйидагилар бор: Ўрт. Абдулла Қосимов — собиқ батрак, партия аъзоси, ҳар гектар ердан деярли 200 пуд пахта олган, «Журьят» артели ташкилотчиларидан бири; Ўрт. Қурбонов — собиқ батрак, партия аъзоси, қишлоқ совети раиси ва колхозчи; Ўрт. Юсупов — колхозчи, собиқ батрак, Ўрт. Юнус Алиев—Сталин номидаги артель бошқарув аъзоси, мазкур артель қулоқ ҳўжаликларидан ташқари Тожик қишлоқ советидаги барча

хўжаликларини ўз ичига олади; ўрт. Маликов — комсомол аъзоси, 70 фоиз жамоалаштирилган — тажриба райони ҳисобланган Зеленский районнинг агроном ташкилотчиси. Делегатлар суҳбатда улар Украинада 3 ой мобайнида бўлишларини айтдилар ва бизни пахтакор районларимизга ўзларининг жуда катта тажрибаларини чигит экиш вақтида ва пахта кўчатларига уч марта ишлов берган пайтларида мумкин қадар кўпроқ етказиб беришлари учун куч-ғайратларини сарф қилажакларини гапириб бердилар. Улар дедиларки, биз сизнинг колхозларингизга пахта экиш энг қизиган пайтда келдик ва биз ишонамизки, бизни экиш суръатини жуда кучайтириб, социалистик мусобақа ва зарбдорлик ҳаракатини юқори босқичга кўтариб, экиш муддатини анча қисқартириб кутиб оладилар.

Кеча делегация Херсонга пахтачилик бош комитетига жўнаб кетди. Бу ердан делегация аъзоларининг ҳар бири Украинанинг пахтакор районларига борадилар. Ишонамизки, икки кун ичида ўзбек колхозчиларининг зарбдор оталиқ бригада делегатларидан бири бизнинг районларимизга ташриф буюради. Биз уни пахта экишининг муқобил режаси, большевистик суръатлар билан кутиб оламиз¹.

Украинанинг Одесса, Николаево, Херсон, Днепропетровск вилоятларида пахтачиликни йўлга қўйиш учун текин меҳнат кучидан фойдаланиш советларга қул келган. Шу боис 1931 йил августида бу жойга Ўрта Осиёдан 3 мингдан ортиқ хўжалик кўчириб келтирилди. Ўз она юртидан, уй-ҳовли жойидан, от-уловидан, молу дунёсидан, уй-рўзгор буюмларидан, еридан, қавми-қариндошидан, маҳалла-куйидан, ҳақ-ҳуқуқидан маҳрум бўлиб келтирилган меҳнат кўчкиндиларининг бу бегона юртларга мослашиши жуда мушкул ва оғир кечган. Турар-жой, озиқ-овқат билан таъминланиши, энг муҳими ватан ташналиги, тинка-мадорни қуритадиган оғир меҳнат, камситишлар, ҳақ-ҳуқуқларининг топталиши, қишлоқларда жорий этилган комендантлик режими ва бошқалар юртдошларимизни шу ўзга юртларга кўниқиб кетишга имкон бермасди.

1932 йили пахта йиғим-терими барбод бўлган. Бунинг сабабларини Украина Компартияси Марказий Комитети ўрғанади. Шунда Каховка райони бўйича пахтакорларни моддий рағбатлантиришга ҳукумат томонидан ажратилган 29 тонна ғалла шу мақсадда ишлатилмасдан, пахтакорларга тарқатилмасдан давлатга ғалла топшириш мажбурияти ҳисобидан топшириб юборилгани, бунинг бирдан-бир айбдори район ижроком раиси Алленсенко экани маълум бўлади.

Пахта терими суратлари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада паст бўлиши юз бераётган бир пайтда пахтакорларни рағбатлантириш учун ажратилган ғалланинг бундай нотўғри сарфланиши пахтакорлар руҳини янада сусайтириб юборган. Бундан ташқари маълум миқдордаги ғалла умумий овқатланишга сарфланганлиги ниқоби остида ҳам талон-торож қилинган. Бу ажратилган ғалладан пахтада ишламайдиган колхозчиларгина эмас, балки умуман колхозда ишламайдиганлар ҳам фойдаланган. Бу ҳол райондаги «Қизил байроқ» артелида содир бўлган, 60 центнер ғалладан бир килограмм ҳам меҳнат кунларига берилмаган.

¹ «Путь индустриализации» газетаси, 1931 йил 6 май.

1932 йилда бошланиб, 1933 йилда кучайиб кетган мудҳиш очарчилик, қаҳатчилик пахтачиликнинг барбод бўлишининг асосий сабабларидан бири бўлган. Бу вақтда пахтачиликнинг энг оғир юки айни меҳнат кўчиндиларининг елкасида эди. Шу боис Комфирқа ва Советлар Украинада пахтачиликни ривожлантиришда меҳнат кўчиндиларининг фаолиятига — меҳнатига алоҳида эътибор беришга мажбур бўлган. ВКП(б) Марказий Комитети Марказий назорат комиссияси ва СССР Ишчи-деҳқон инспекцияси халқ комиссарлиги 1933 йил 21 апрелда «Пахтачилик совхозларида махсус кўчирилганлар меҳнатидан фойдаланиш тўғрисида»ги масалани алоҳида кўриб чиқади.

Пахтачилик совхозларидаги махсус кўчириб келтирилганлар жойлаштирилгандан бери ҳукуматнинг ОГПУ органлари орқали кўрсатаётган ёрдамга қарамасдан уларни моддий ва ҳўжалик жиҳатдан таъминлашда СССР Ер ишлари халқ комиссарлигининг пахтачилик совхозлари иттифоқи томонидан, хусусан, унинг Украинадаги раҳбари Жогалев ва совхозлар директорлари томонидан тегишли чора-тадбирлар кўрмаётганликлари, махсус кўчирилган аҳолининг меҳнатга яроқлиларидан тўласинча фойдаланишга етарли эътибор берилмаётгани танқид остига олинган. Махсус кўчирилганларни айниқса озиқ-овқат билан таъминлаш ва уларга ҳўжалик жиҳатдан ёрдам бериш оғир аҳволдалиги, уларнинг моддий шарт-шароитларини ўйлаш эътибордан четда қолгани ҳам қайд этилган.

Совхозлар директорлари махсус кўчирилган пахтакорларнинг амалий тажрибасидан Украина совхозларида пахтадан юқори ҳосил олишда етарли фойдаланилмаётгани кўрсатилиб, Украина пахтачилик совхозларида ҳосилдорлик гектаридан 1,5—2 центнер олингани ҳолда ўша йили Шимолий Кавказ махсус посёлкаларида пахтачилик билан машғул бўлганлар ҳар гектардан 5,6 центнердан пахта ҳосили олишга эришганликлари таъкидланади. Ушбудан келиб чиқиб 1933 йилда Украина меҳнат посёлкаларидаги махсус кўчирилганлар — пахтакорлардан тўла фойдаланиш муҳим вазифа қилиб кўрсатилди, улардан жорий йилнинг июнь-июль ойларида, умуман, бутун йил давомида самарали фойдаланиш кераклиги талаб этилди.

1933 йил учун ишлаб чиқилган режада ҳам махсус кўчирилганлардан пахтачиликда фойдаланиш ҳар жиҳатдан асосланмаганлиги, ҳар ойига 2500 кишидан иборат ишчи кучидан фойдаланилмаётгани ҳам қайд қилинди. Томорқа ҳўжалиги, кустарлик, кенг истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳам яхши йўлга қўйилмагани, йирик йўл қурилиши зарур материаллар билан ҳам таъминланмагани кўрсатилган. 1933 йилги режа 14 апрелга қадар ҳам тасдиқланмагани қайд қилиб ўтилган¹.

¹ РФДА. 9479-фонд. 1-руйхат, 15-иш, 9—10-варақлар.

Ушбулардан келиб чиқиб ВКП(б) Марказий назорат комиссияси ҳайъати ва Ишчи-деҳқон назорати халқ комиссарлиги ҳайъати қарор қилган:

1. а) СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги пахтачилик совхозлари иттифоқига Украина ССРдаги пахтачилик совхозларида яшовчи меҳнат кўчиндиларининг меҳнатга яроқли аҳолисидан тўла фойдаланиш бош режасини ишлаб чиқиш, бунда пахта бўйича асосий кўрсаткичларни 1933 йилда кўтаришни назарда тутиш, ёрдамчи хўжалик, айниқса полизчиликни кенгайтириш, махсус кўчиндилар ўртасида содир этилган моддий-маиший турмушдаги қийин аҳволни ўз жамғармалари ҳисобидан зарур миқдордаги озиқ овқатлар, биринчи навбатда, ғалла ажратиш йўли билан бартараф этиш юзасидан дарҳол шошилишч тадбирлар кўриш вазифаси юклатилди.

Жогаевнинг пахтачилик совхозлари иттифоқи томонидан ўзининг Украинадаги вакилигини мустақамлаш юзасидан тадбирлар кўрилиши ҳақидаги баёноти ахборот учун қабул қилинди. УССР Марказий назорат комиссияси ва Ишчи-деҳқон назорати халқ комиссарлиги ҳайъатига қуйидагилар тавсия этилди:

А) Пахтачилик совхозлари иттифоқининг Украинадаги вакили Абдуллаевнинг иши ва унинг махсус кўчиндилар 1933 йилда озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўла таъмин этилганликлари тўғрисидаги баёноти тўғри эканлигини текшириб чиқиш (УССР Ер ишлари халқ комиссарлиги ҳайъатининг 22. XII 1932 йилдаги баённомаси 2-банди бўйича);

СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги пахтачилик совхозлари иттифоқининг район ташкилотлари томонидан район ғалла тайёрлаш режасини бажариш учун Скадовск совхозида 125 тонна, Голопристан совхозидан 10 тонна ғаллани совхозлар учун режадан ортиқча белгилангандан ташқари қонунсиз олганликлари тўғрисидаги баёнотининг тўғрилигини текшириб чиқиш, баёнотнинг тўғрилиги тасдиқланса қонунсиз ғалла тортиб олишда айбдор деб топилганларни жавобгарликка тортиш ва қонунсиз олинган ғаллани совхозларга қайтариб бериш;

ОГПУнинг лагерлар бошқармасига пахтачилик совхозлари иттифоқи ва пахтачилик совхозлари томонидан жойларда марказий назорат комиссиялари ва ишчи-деҳқон инспекциясининг юз берган аҳволни бартараф этиш ва пахтачилик совхозларидаги махсус кўчиндиларининг моддий-маиший шароитларини яхшилаш тўғрисидаги талаблари бажарилаётганини кузатиб бориш¹.

«Фрунзе» артелида 52 центнердан меҳнат кунларига атига 15 центнер, «Ғалаба» артелида 3,28 центнердан фақат 5,38 меҳнат кунларига берилган, қолган ғалла эса талон-торож қилинган. Район пахта тайёрлаш идораси (раҳбари Казвич), ер бўлими (мудири Нестренко) рағбатлаштириш фондларидан тўғри фой-

¹ РДА. 9479-фонд. 1-рўйхат. 15-инч. 9—10-варақлар.

даланишни ташкил этиш масалалари билан мутлақо шугулланмаганлар. Оқибатда Одесса вилояти назорат комиссияси 1933 йил 7 апрелда пахта териш ва тайёрлаш натижалари тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб Каховка район ижроия комитети раиси Алексенкога ҳайфсан эълон қилган. Шундай жазо Снегуровка, Скадовск, Цурюпин райиҷроком раисларига ҳам берилган ва яна шундай ҳолларнинг такрорланишига йўл қўйилган тақдирда улар қаттиқ партиявий жазога тортилажаклари ҳақида жиддий огоҳлантирилганлар.

Каховка, Цурюпин, Голопристан, Скадовск, Снегуровка райиҷрокомларидан ва Николаево шаҳар советидан қонунсиз тортиб олинган ғаллани пахтакорларга қайтариб бериш тавсия қилинган. Марказий назорат комиссияси 29 апрелда марказий комитетга Скадовск, Каховка ва Голопристан райиҷрокомларининг ноқонуний ҳаракатларини тўхтатиш масаласини қўяди. Скадовск райони бўйича ғаллани ноқонуний мусодара қилиш билан бир қаторда пахтада ишловчи ходимларни қонунсиз асосда қамоққа олиш фактлари ҳам мавжудлиги қарорда қайд этилган¹.

Украина Компартияси Марказий Комитети котиби С. Косиор ташаббуси билан 1933 йил 29 апрелда Одесса вилоятидаги пахтачилик ҳолати бюро мажлисига қўйилади ва тегишли қарор қабул қилинади. Унда жумладан шундай дейилган:

А) Одесса ва Днепропетровск вилоятлари партия комитетларига ҳар бир районда пахта экишга тайёргарликнинг аҳволини ва ҳар бир МТСнинг ишини текшириш таклиф қилинсин, барча пахтакор ходимлар фақат пахта экишни тайёрлаш ва ўтказиш ишига сафарбар қилинсин;

Б) Одесса вилоят партия комитетига пахта экадиган районларда, айниқса Скадовск, Каховка, Голопристан, Николаево, Цурюпинск ва Снегурск районларида мавжуд бўлган пахта экишни рағбатлантирадиган жамғармаларни ўзи белгилаган мақсадларда сарфламаслик амалиётини тезлик билан тўхтатиш таклиф қилинсин;

В) Одесса вилоят партия комитети ва пахта экадиган район партия комитетлари котиблари зиммасига барча нотўғри сарфланган пахта жамғармалари фақат ўз йўлида сарфланишини таъминлаш топширилсин;

Г) Одесса вилоят партия комитетига ноқонуний қамоққа олишларга йўл қўяётган Скадовск, Каховка ва Голопристан район ижроия комитетларининг ноқонуний ҳаракатларини тўхтатиш таклиф қилинсин².

Пахта мустақиллигига эришиш учун пахтачиликни ривожлантириш борасида партия органлари маъмурий-буйруқбозлик тэмойиллари асосида иш кўрганлар. Марказком котиби П. П.

¹ УРМВЖТА. I-фонд. 20-рўйхат. 6361-иш. 29—30-парақлар.

² УРМВЖТА. I-фонд. 20-рўйхат. 6361-иш. 29—30-парақлар.

Постишевнинг 1933 йил 20 июнда йўллаган телеграммасида вилоятда пахта культивацияси экин майдонининг 5 фоизидagina ўтказилгани, биринчи ўтоқ 57 фоиз ўтказилгани, биринчи культивация ўтоқнинг муддати 10 июнгача ўтиб кетгани, бундай аҳвол пахтага ишлов беришни яққол хавф остига қолдираётгани, шу боис культивация — ўтоқни қўл кучи билан ҳам 25 июндан кечиктирмай таъминлаш чораларини кўриш талаб қилинган¹.

Одесса вилоят партия комитети котиби А. Соколов, вилоят ижроия комитети раиси Ф. Голубларнинг 1934 йил 1 ноябрда Украина ССР ХКС раиси П. П. Любченкога «Одесса вилояти колхозларининг пахта экиш учун аванс бериш бўйича қарзлари тўғрисида»ги ахборот-мактубида кўрсатилишича, 1933 йилда пахтанинг ривожланиши учун иқлим шароитларининг ноқулай келганлиги натижасида вилоятдаги экилган пахталар деярли тўла нобуд бўлган, колхозлар томонидан пахтага ишлов бериш учун олинган 4,007 тонна ғалла эса колхозлар учун қарз сифатида қолдирилган. 1934 йилда экилган пахтанинг 30 фоизи униб чиқмаган, бу ҳол ғалла соҳасидаги қарздорликни янада кўпайтириб юборган. Бу барча қарзлар Украина пахта тайёрлов ташкилоти томонидан ундириб олинishi талаб қилинган.

Жорий 1934 йилнинг оғир хўжалик шароитларида қолган пахта экувчи колхозлар фақат шу йилги қарзларини узиб қолмай, балки ўтган йилги қарзларини ҳам тўласинча тўлашлари керак эди. Бундай ҳолат колхозларни фавқулодда қийин шароитларга солиб қўяр ва виждонан ишлаётган ва давлат олдидаги ўз мажбуриятларини бажаришни истаётган, лекин табиий офатлар туфайли уларни бажаришга имкони бўлмаган колхозчиларнинг бир қисмида ҳаққоний норозиликлар келтириб чиқиши мумкин эди.

Амалга оширилган ҳисоб-китоблар асосида пахта экиладиган колхозларни рағбатлантириш мақсадида 1934 йилда топширилган пахта учун 7,250 тонна ғалла олишлари керак эди. Йил давомида улар томонидан 1,655,2 тонна ғалла олинган. Ғалланинг қолган қисмидан колхозлар ўзларининг бутун қарзларини тўлашлари керак, шу туфайли айрим колхозлар ва районларда шундай вазият юзга келганки, агар колхозларга бериладиган ҳамма ғаллани 1934 йил ҳисобидан охиригача олсалар, бу ҳолда қарзларни қоплаш учун тагин 982,2 тонна ғалла етмай қолади.

Вилоятнинг жанубий районларида жойлашган, айниқса ҳосил бўлмай қолган пахтакор колхозларнинг бу йилдаги ғоят оғир аҳволини ҳисобга олиб вилоят партия комитети ва ижроия комитети Украина ҳукуматидан қуйидагиларни сўрайди:

1. 1.581,5 тонна миқдордаги ғалла қарзини 1933 йилда бутунлай нобуд бўлиб кетган пахта майдонига тўғри келадиган ва

¹ УРМВЖТА, 1-фонд, 20-рўйхат. 6361-иш. 48-варақ.

давлат суғуртаси томонидан расмийлаштирилган қарзни колхозлардан тўла кечиб юбориш зарур, чунки ана шу майдонлардаги пахтанинг нобуд бўлиб кетганлиги агротехника қоидаларига рио қилинмаганликнинг натижаси бўлган эмас.

2. Қолган 2.725,5 тонна ғалла миқдоридagi қарзни уч йил мобайнида тенг қисмларда тўлашни кечиктириш сўралсин.

3. Давлат суғуртаси зиммасига ва шу йили нобуд бўлган пахтани ана шу нобуд бўлган майдонларга тўғри келган миқдордаги қарзни чиқариб ташлаш учун расмийлаштириш мажбурияти юклансин.

«СССРнинг пахта мустақиллиги учун кураша бориб Голопристан райони колхозчилари Одесса вилоят партия комитети ва ижроия комитети раҳбарлиги остида Украинада биринчи бўлиб 12.00 гектар майдонда пахта экишни белгиланган муддатда тугалладилар»¹, дейилган эди Фидман Носовнинг 1933 йил 9 майда Украина партия ва ҳукуматига йўллаган телеграммасида.

Украина Компартияси Марказий Комитети котиби П. П. Постишовнинг 1934 йил 28 мартада Одесса вилоят партия комитети котиби Вегерга йўллаган хатида унга Одесса вилоятида пахта экишга тайёргарлик жуда ёмон аҳволда эканлигини маълум қилади. Вилоятда пахта экиш режасига кўра колхоз сектори бўйича 120 минг гектар ўрнига пахта экиш учун ҳаммаси бўлиб атиги 61.760 га ёки 60,5 фоиз ер шудгор қилинган холос. Шу вақтнинг ўзида ана шу оз миқдордаги шудгордан энг эртанги экиш учун фойдаланишга уринишлар бўлган, баъзи жойларда бу қилинган ҳам. Колхозларга фақат 62 фоиз уруғлик чигит тақсимлаб берилган холос. Буларнинг барчаси Одесса вилоят партия комитети пахта экиш режасини бажариш ва пахтадан юқори ҳосил олиш тўғрисида етарли ғамхўрлик қилмаётганлигини кўрсатди.

Ўтган 1933 йил сабоқларини ҳисобга олиб, Украина ўтган йили пахта етиштириш ва топшириш режасини барбод қилгани, Одесса вилояти эса Украинада пахтачилик соҳасида ҳал қилувчи роль ўйнаш кераклигидан чиқиб УҚП(б) Марказий Комитети шахсан вилоят партия комитети котиби Вегер зиммасига қуйидагиларни таъминлаш мажбуриятини юклайди:

1. 1 апрелгача колхозларга пахта чигити уруғини олиб келиш ва тақсимлаб бериш;

2. 10 апрелдан кечикмай пахта экиш учун зарур бўлган миқдордаги ерни ҳайдаб тайёрлаб бериш;

3. 5 апрелдан кечиктирмай пахта экиш сеялқалари ва культиваторларини таъмирлашни тугаллаш ва уларнинг тайёр ҳолга келтирилганлигини текширишни тугаллаш;

4. 5 апрелга пахта топшириш бўйича колхозлар билан контракцион шартномалар тузиб чиқиш².

¹ УРМВЖТА, 1-фонд, 20-руйхат, 6361-иш, 33-варақ.

² УРМВЖТА, 1-фонд, 20-руйхат, 544-иш, 9-варақ.

Украина ССР Халқ Комиссарлари Совети раиси П. П. Любченко пахтакор районларнинг район ижроия комитетлари раислари ва район партия комитетлари котибларига мана бу телеграммани йўллайди: «Районингизда пахта терими мутлақо қониқарсиз ташкил этилганлигини кўрсатиб ўтамиз ва бу ҳол қимматли маҳсулотнинг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Пахтани ўз вақтида сифатли қилиб териб олиш учун пахта режаси сўзсиз бажарилиши учун сизнинг шахсан жавобгар эканингизни огоҳлантириб ўтамиз. Шу кундан бошлаб пахта териб олиш ишига барча меҳнатга яроқли колхозчиларнинг камида 75 фоизининг, айрим аҳволи танг колхозларда 90 фоизигача кунига ишга чиқishларини таъминлаш мажбуриятини юклаймиз.

7. Октябрдан (1934 йил — *Р. Ш.*) кечиктирмай пахта теримида ишлаётган колхозчиларга терим давомида ишланган барча меҳнат кунларига ҳар бир меҳнат кунига 2 сўмдан аванс беришни таъмин этинг. Терилган барча пахтани уч кун ичида тайёрлов пунктларига олиб келиш мажбуриятини юклаймиз, бундан кейин терим билан топшириш ўртасида узилиш бўлишига йўл қўйманг»¹.

ВКП(б) МК котиби И. В. Сталин, СССР ХКС раиси В. М. Молотов Украинадаги пахтачиликнинг оғир аҳволи ҳақидаги Украина Компартияси Марказий Комитети котиби С. Косиорга, ҳукумат бошлиғи П. Любченкога 1935 йил 26 апрелда телеграмма йўллайди. Унда шундай дейилган: «1932 йилдан бошлаб сиз пахта етиштириш ишини барбод қиляпсиз ва экилган пахтанинг гектаридан 4—5 пуддан кам пахта бермоқдасиз. Бунинг бирдан-бир сабаби шундан иборатки, партия ва совет ташкилотлари пахта ишини ташлаб юбордилар. Совет ва партия ходимлари ўртасида гўёки суғорилмайдиган районларда пахта яхши ҳосил бермайди деган назария кенг тарқалиб кетган.

Кўпчилик районларнинг 1931 йилдаги тажрибаси, шунингдек, кўпгина илғор колхозларнинг шундан кейинги йиллардаги юқори ҳосиллари кўрсатдики, 1935 йил режаси бўйича сиздан талаб қилинаётган гектаридан фақат 3 центнергина ҳосил олиш мумкин бўлиб қолмай, балки, агар бу ишни большевикчасига ўз қўлингизга олсангиз анча кўп ҳосил олиш мумкин бўлади. Бу йил пахта етиштириш ва тайёрлаш режасини албатта бажариш учун сиз пахтага иккинчи даражали экин сифатида қарашдан ўзингизни тийишингиз керак.

Пахта экиш районларига масъул ходимларни юборинг, пахта экадиган районлар ва колхозларнинг ишини текширинг, пахта-ни мутлақо кузги шудгор қилинган ерга экишни таъминланг, колхозларга пахтани контрактация қилиш тўғрисидаги қонун ва режаларни ошириб бажарилгани учун мукофотлаш тартибини тушунтиринг, ўлка ва район газеталари зиммасига пахта бўйича

¹ УРМВЖТА, 1-фонд. 20-рўйхат, 675-иш. 38-варақ

ишларнинг боришини мунтазам ёритиб бориш мажбуриятини юкланг.

Пахта экишнинг ва унга ишлов беришнинг бориши тўғрисида ХКС ва МКни ҳар 5 кунда хабардор қилиб туринг. Бизнинг кўрсатмаларимизни телеграф орқали район партия комитетлари котиблари, район ижроия комитетлари раислари ва пахта экадиган МТС директорлари ва директорларининг сиёсий бўлим бўйича ўринбосарларига етказинг.

Курган тadbирларингиз тўғрисида ХКС ва МКга хабар беринг»¹.

Бунга жавобан 1935 йил 29 апрелда С. Косиор ва П. Любченколар «Г» серияли гриф билан И. В. Сталин ҳамда В. М. Молотовга телеграмма билан мурожаат қиладилар. Унда шундай дейилган: «Сизнинг пахта тўғрисидаги қарорингиз муносабати билан хабар қиламизки, ҳали февралнинг охиридаёқ Украинада кейинги уч йил мобайнида пахтачиликдаги муваффақиятсизликнинг сабаблари бизнинг томонимиздан батафсил текшириб чиқилган эди.

УКП(б) МК ва УССР ХКСнинг 1935 йил 16 мартдаги қарорида барча хулосалар ва амалий таклифлар батафсил таърифлаб берилган эди. Бизнинг қароримиз ВКП(б) МК ва СССР ХКСнинг пахта тўғрисидаги қарори чиққан вақтга тўғри келган. Шу пайдан эътиборан УКП(б) Марказий Комитети ҳам, Одесса ва Днепрпетровск вилоятлари партия комитетлари ҳам пахта масаласи билан анча кўпроқ шуғулланидиган бўлиб қолдилар.

Кейинги вақтда биз пахтакор районларга бир неча масъул ходимларни юбордик. Ана шундай юборишлар туфайли колхозлар бўйича контрактацияда ва ҳосилни аниқлашда қатор йўл қўйилган хатоликлар аниқланди ва улар бартараф этилди, пахтани кузги шудгор қилинган майдонларга экиш таъминланди».

УКП(б) МК Сиёсий бюросининг 15 апрелдаги мажлисида Хатаевич ва Вегерлар ўз районларининг пахта экишга тайёргарлиги ҳақида шахсан ахборот берадилар. Ана шу мажлисда қатор амалий ва ташкилий масалалар ҳам ҳал қилинади ва асосий эътибор пахтага ўз вақтида ва юқори сифатли ишлов беришга қаратилади. Марказкомнинг 27 апрелдаги қарори район партия комитетлари котиблари, район ижроия комитетлари раислари, МТС директорлари ва директорларининг сиёсий қисм бўйича ўринбосарларига хабар қилинади ва колхозларга етказилади.

«Умуман, биз пахта билан шуғулландик ва бундан буён ҳам жиддий шуғулланаверамиз, — дейилади Москвага юборилган телеграммада, — агар ноқулай иқлим шароитлари юз бермаса, биз бу йил Украинада пахтадан яхши ҳосил олишга эришамиз»².

¹ УРМВЖТА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6750-иш, 16—17-варақлар.

² УРМВЖТА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6750-иш, 28-варақ.

ВКП(б) МК кўрсатмаси билан 1935 йил учун Украинага Ўзбекистондан 4749 тонна пахта уруғлик чигити бериладиган бўлган. Бироқ Ўзбекистондан йил бошида атиги 878 тонна уруғлик чигит жўнатишган. Шу муносабат билан ВКП(б) Марказий Комитети СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги Тайёрлов қўмитасига қолган 3971 тонна уруғлик чигитни зудлик билан Украинага жўнатишни талаб қилади. Ўзбекистондан 622 тонна, Қозоғистондан 660 тонна, Кавказ ортидан 2689 тонна, жами 3971 тонна пахта уруғлиги Украинага жўнатилиши ҳақида кўрсатма берилади. ВКП(б) МК қотиби С. Косиорга Украинага зудлик билан пахта уруғлик чигитини жўнатишга ёрдам беришини сўраб Икромов, Берия, Мирзоянларга телеграмма юбориш топширилади¹.

1935 йил 10 январда А. Икромов С. Косиор номига «Украинага 930 тонна уруғлик чигити жўнатилди, зудлик билан (қолган 470 тоннани) 20 январгача Украинага уруғликни жўнатишни тўла тугаллаймиз» деб телеграмма йўллайди².

1935 йил 23 августда қишлоқ хўжалик гуруҳи тақдим этган маълумотномада таъкидланишича, МТС йўли билан экилган пахта майдони 3820 гектарни ташкил этган, шундан 218 гектар пахта экин майдони нобуд бўлган, 150 гектар чигит жуда чуқур экилгани туфайли нобуд бўлган, биринчи культивация ҳамма майдонда, иккинчи культивация 3265 гектар, учинчиси 192 гектар майдонда ўтказилган. Подкалиновка қишлоғидаги «Сталин», «Калинин» колхозлари далаларининг ҳолати нисбатан қониқарли бўлган. Баъзи жойларда учинчи культивацияни тезроқ ўтказиш талаб этилган, бу ерда пахта гуллаган, лекин ҳосил унча юқори эмас. Пахта чопиғини ўтказиш учун раббатлантиришга мўлжалланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва кенг истеъмол буюмларини ажратиб беришни маҳаллий кооперация пайсалга солаётгани қайд этилган.

Маячка МТСида 4063 гектар ерга пахта экилган, шундан 900 гектар нобуд бўлган. Биринчи культивация 1653, иккинчиси 408 гектарда ўтказилган. Шу боис пахтанинг аҳволи жуда ёмон бўлган, уни бегона ўтлар босиб кетган. Механизация билан пахта чопиғи бутунлай ўтказилмаган, дирекция бу ҳолни чигит кеч униб чиққанлиги ва далалар ўт босиб кетганлиги билан изоҳлаган.

Ново-Маячка МТСига қарашли «Петровский» колхозида 470 га майдондаги пахтадан биринчи чопиқ 308 гада ўтказилган холос, бошқа чопиқ ўтказилмаган. Бунга сабаб колхозда меҳнатни ташкил этиш ёмон аҳволдалиги, оммавий ишга чиқмаслик, меҳнат кунлари фоизи жуда паст бўлганлиги эди. Колхозда борйўғи 243 та меҳнатга яроқли аъзо бўлган. «Маяк социализма»

¹ УРМВЖТА, 1-фонд. 20-руйхат. 6750-иш, 27-варақ.

² Ўша архив, 52-варақ.

колхозида 170 гектар майдонга пахта экилган ва икки марта культивация қилинган. Шундай бўлса ҳам пахтанинг аҳволи ёмон ҳолатда бўлган¹.

1935 йил 3—5 сентябрда Херсон шаҳрида пахта терими кампанияси олдидан пахтакорларнинг кенгаши ўтказилди. Уни пахта теримига яхшироқ тайёргарлик кўриш ва пахта экиладиган районларнинг асосий фаолларига (колхоз раислари, совхоз директорлари, бригадирлар, звено бошлиқлари, агрономлар, МТС директорлари) пахта терими кампаниясининг муҳим масалалари юзасидан йўл-йўриқлар бериш мақсадида Республика ер ишлари халқ комиссарлиги ўтказди.

Кенгашда 500 га яқин киши қатнашди. Улар орасида кўплаб ўзбек, қирғиз, туркман, тожик пахтакорлари ҳам бўлган, улардан 300 га яқини колхозчилар, меҳнат кўчиндилари, пахтачиликнинг зарбдор фаоллари эди.

Кенгашда 40 га яқин киши нутқ сўзлайди. Улар Украинанинг жанубида пахтачилик мустақкам ўрин эгаллаб олганини қайд қилдилар.

Колхозчилар, ишчилар, раҳбар ходимларнинг чиқишлари шуни кўрсатдики, Украинада пахтачилик жорий этилганининг 5 йиллиги давомида пахта агротехникаси бўйича катта тажриба тўпланди.

Кенгаш пахта экадиган районларнинг барча пахтакорларига қарата пахтани ўз вақтида ва нобуд қилмай териб олишни ташкил этиш тўғрисида, пахта териш ва топшириш давлат буюртмасини бажариш ва ошириб бажариш тўғрисида мурожаат қабул қилади².

380 киши имзолаган мазкур мурожаат матбуотда эълон қилинади. Унда, жумладан, мана бу сатрлар бор эди: «Жорий йилда биз ўтган йилдагига қараганда икки баробар кўп ерга экин экиб, экиш ишларини ўз вақтида тугалладик. Барча пахтакор колхозлар ўз вақтида уч марта пахтага ишлов беришни ўтказдилар, кўпчилик колхозлар эса тўрт марта ишлов бердилар. Пахта ҳосилдорлигини ошириш учун курашда биз бу йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни 153.000 гектарга етказдик, ёки бу барча экин майдонининг 98 фоизини ташкил этади, ўтган йилларда эса бизда пахта экилган майдон билан ҳосили йиғиштириб олинган майдон орасида катта тафовут бўлган эди.

Амалда юқори ҳосил учун большевикчасига кураш олиб борган кўпчилик колхоз ва совхозлар пахтани ўз вақтида яхши тайёрланган тупроққа экишни ўтказдилар, ўз вақтида ва сифатли қилиб кўчатларга ишлов бердилар ва ишлов беришда механизациядан фойдаландилар, шу туфайли улар жорий йилда пахтадан юқори ҳосил оладилар ва фақат давлат олдигаги маж-

¹ УРМВЖТА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6361-иш, 52—53-варақлар.

² УРМВЖТА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6751-иш, 45-варақ

буриятларини бажарибгина қолмай, балки ошириб ҳам бажарадилар.

Бироқ ҳаммамиз шу нарсани яхши тушуниб олишимиз керакки, пахта иши бўйича барча ишларимизнинг узил-кесил ютуғини яхши ташкил этилган пахта йиғим-терими ҳал қилади. Биз, 500 та делегат-пахтакорларнинг биринчи Украина кенгаши, барча пахтакор колхозчилар, колхозчи хотин-қизлар, агрономлар, совхоз ва МТСлар ходимларига қизғин чақириқ билан мурожаат қиламизки, пахтачиликда эришган мавжуд ютуқларни мустақамлаш ва Украинада пахтачиликни юксалтириш ишида янада каттароқ натижаларга эришиш учун бу йилги пахта ҳосилини йиғиб олишни юқори сифатда ва ҳеч нобуд қилмай ўтказайлик.

Биз барча пахтакорларни пахта ҳосилини йиғиштириб олишни шундай ташкил этишга чақирамизки, йиғим-теримни белгиланган муддатда — 1. XII га тўла тугаллаб, бутун пахта ҳосилини 15. XII дан кечиктирмай давлатга топширайлик, теримда, қуриштида, ташишда ва пахтани топширишда бир грамм ҳам пахтани нобуд қилишга ва йўқотишга йўл қўймайлик. Бунинг учун, қадрли ўроқлар, қуйидаги мажбурий шартларни ёдда тутиш зарур:

1. Ҳар бир колхозда, совхозда барча колхозчилар билан кенг ишлаб чиқилган пахта ҳосилини йиғиштириб олиш тезкор режалари тузиб олинishi керак.

2. Пахта қуриткичлар, шунингдек, қуруқ, тоза, яхши шамоллатиб туриладиган бинолар (бостирмалар, чердаклар, айвонлар) тайёрлаб қўйилиши керак ва далаларда пахтани қуриштиш ва сақлаш, қабул қилиш учун шийпонлар тайёрлаб қўйиш лозим.

3. Пахта ҳосилини териб олишни пайсалга солмай тезда бошлаш керак ва уни кўсақлар очилиши биланоқ тўхтовсиз териб олиш ва бунда пахтани тўғри навларга ажратиш, унинг ерга тўкилишига, чаноқларда қолиб кетишига йўл қўймаслик керак.

4. Звенолар ишини уларни йил бошидан биркитиб қўйилган участкаларда таъминлаб, пахта теримида меҳнатни тўғри ташкил этинг. Албатта, пахтани икки қўллаб теринг, бунинг учун ҳар бир колхозчи, теримчи аёл пахта теримига пахта навларини солиш учун алоҳида чўнтақлари бўлган фартуқлар билан таъмин этилган ҳолда чиқишлари керак.

5. Жорий йилда комбайнлар билан ғалла ўришда намуна кўрсатган илғор МТСлар изидан бориб, пахтакор МТСлар барча пахта териш машиналарининг ишини тўла таъминлашлари керак ва бу машиналар учун белгиланган топшириқларнинг бажарилишига эришмоқлари лозим.

6. Кун давомида терилган пахтани тайёрлов пунктларига кунлик топширишни тезлик билан амалга оширамиз.

Бутун пахта ҳосилини давлатга тўла топширамиз ва қаттиқ кураш олиб бориб юқори сифатли теримга эришамиз, белгиланган давлат режаси — 44,5 минг тоннани ошириб бажарамиз.

Шуни ёдда тутинги, ҳукуматимиз режани ошириб бажарганлик учун юқори устама мукофот белгилаган, бундай мукофотга эришиб моддий турмуш даражамизни анча оширишимиз мумкин, тўқимачилик саноатига севикли ватанимиз иши ва колхозчилари учун дунёда энг яхши газламарлар ишлаб чиқариш учун яхши сифатли пахта етказиб берамиз.

Келгуси йил ҳосилини ҳам унутмайлик ва пахта экиладиган бутун майдоннинг эртанги чуқур кузги шудгорини тула таъминлаш учун тезлик билан шудгор қилишни авж олдириб юборамиз. Давлат олдида пахта топшириш мажбуриятини ортиғи билан бажарамиз»¹.

Украина ССР Ер ишлари халқ комиссари Поперныйнинг 1935 йил 25 октябрда С. Косиор, П. Постишев, Попов, Любченколарга, СССР Ер ишлари халқ комиссари Черновга «Пахта теримига тайёргарлик ва уни бошлашнинг аҳволи тўғрисида» йўллаган маърузаномасида пахтачиликнинг аҳволи анча чуқур таҳлил этилган. Унда таъкидланишича, ҳосилни йиғиб олишга киришилган дастлабки пайтда пахта майдонларининг аҳволи қониқарли бўлган. Ўтган йиллардан фарқли ўлароқ, районлар, МТС, совхоз ва колхозлар бўйича ҳар гектар ердан 1 центнердан тортиб 5—6 центнергача ҳосил олинган бир шароитда (ҳосил анча хилма-хил бўлган эди) бу йил эса пахта ҳосилининг бир текисда бўлишига эришилди. Бунга сабаб ҳосил учун курашга колхозчиларнинг барчасининг жалб қилинганлиги бўлди.

Ҳосилдорлик Голопристан районида 3,8 центнерни, Херсон районида — 3,8, Каховка районида — 3,3, Ново-Воронцовск районида — 3,2 центнерни ташкил қилган. Ҳосилдорлик бўйича орқада қолаётганлардан Скадовск районини (2,6 центнер), Горноста́й районини (2,0), Цюрупин районини (2,0), Хорловск районини (1,8) кўрсатиш мумкин эди.

1935 йилда ҳам ҳосилдорлик бўйича юқори кўрсаткичларга эришган совхоз ва колхозлар орасида Голопристан районидаги «Коминтерн» пахтачилик совхозини тан олинди. Бу хўжаликда ҳар гектар пахта майдонидан 6,5 центнердан ҳосил олинган. «Завети Ленина», «Коминтерн» колхозлари (Голопристан райони) — 7,8—8,0 центнер. Херсон районидаги «Қизил байроқ» ва «Будённый» номли колхозлар гектаридан 6 центнердан ортиқ, Каховка районидаги «Ғалаба» ва «Вегер» номли колхозлар 5 центнердан кўпроқ ҳосил кўтарганлар.

Геническ районидаги «Чернова хвиля», «Червоний шлях» колхозлари. Н. Троиц районидаги «Зелений чай» ва «Северний уголок» колхозлари, Акимов районидаги «Блюхер» ва «Демян Бедный» номли колхозлар, Мелитопол районидаги «Дормшгадт» ва «Нейдорф» колхозлари гектаридан 4 дан 5 центнергача ҳосил олганлар.

¹ УРМВЖТА. 1-фонд, 20-руйхат. 654-иш. 102—104-варақлар.

Одесса вилояти бўйича ҳар гектар ердан олинishi мўлжалланаётган ўртача пахта ҳосили 2,9 центнерни, Днепропетровск вилояти бўйича ҳар гектар ердан ўртача 2,85 центнерни ташкил этган.

Маърузаномада қайд этилганидек, пахта теримиға жорий 1935 йилда анча яхши тайёргарлик кўрилган. Сентябрьнинг биринчи декадасидаёқ, пахта майдонининг айрим участкаларида кўсақлар очила бошлаган эди, иккинчи декадаси охириға келиб пахтанинг етилиши янада ортган. Асосий жанубий районларда, айниқса Одесса вилоятининг Скадовск, Голопристан, Цюрупин ва Каховка районларида, қисман Херсон ва Акимов районларида пахта ёппасиға очила бошлаган. Айрим районларда пахтанинг эртанги ялпи очилиши сентябрнинг учинчи декадасида ҳам кутилган. 1935 йил 15 сентябриғача 5000 центнерғача пахта териб олинган.

1935 йилда ўтган 1934 йилдагиға нисбатан пахта теримиға ҳозирлик кўриш ҳам кўлчилик МТС ва колхозларда меҳнатни ташкил қилиш ҳам, кадрлар тайёрлаш бўйича ва моддий-техник базани таъминлаш бўйича ҳам яхши ва ташкилий равишда тadbирлар кўрилган.

1935 йилги пахта ҳосилини териб олишни барча МТС ва колхозлар томонидан тўла тайёргарлик кўриш ва ташкилий равишда ўтказиш талаб қилинган. Шу боис асосий диққат-эътибор йиғим-теримиға тайёргарлик ва уни ўтказишдаги барча камчиликларни бартараф этишға қаратилган. Теримдаги камчиликлар куйидагилардан иборат бўлган:

а) пахта кўсақларининг очилишини кузатиб бориш ташкил этилмаган, ҳамма жойларда пахта очилиши билан дарҳол териб олинмаган ва бу ҳол айрим пайтларда ҳосилнинг нобуд бўлишиға ва ерга тўкилиб кетишиға олиб келган;

б) Каховка районидаги айрим колхозларда («Петровский» «Постишев», «Ильич» номли колхозларда) пахта териб олинганда навларға ажратилмаган, бир қисм пахта ҳали пишмасдан туриб, хомлиғича териб олинган. Оқибатда юқори навлар ўрниға паст, кам баҳоланадиган пахта нави олинган;

в) колхозларда меҳнатни ташкил этиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар бўлган. Масалан, «Шевченко» номидаги колхозда (Сиваш райони) ишлаб чиқариш ва баҳолаш нормалари ҳалихануз қараб чиқилмаган.

Геническ районидаги «Қизил байроқ», «Якир», «51-Перекоп дивизияси» колхозларида пахта терими энг бошданоқ звенолар орқали эмас, балки шахсларнинг тайини бўлмаган ҳолда ўтказилган.

Пахта териш бўйича ишларни ташкил этиш ва ана шу камчиликларни бартараф этиш мақсадида УССР Ер ишлари халқ комиссарлиги томонидан ҳосилни йиғиштириб олишни ташкил этиш ва асосан нобудгарчиликка қарши кураш бўйича район-

лар, МТСлар ва колхозларга ёрдам бериш учун 10 нафар малакали мутахассислар жўнатилган.

1935 йили пахтачиликнинг моддий-техника базасини тайёрлаш ҳам яхши йўлга қўйилмаган. Масалан, УСССР ХКС ва УКП(б) Марказий Комитетининг пахта териш машиналари тайёрлаш тўғрисидаги кўрсатмаси айрим МТСларда ҳали ёмон бажарилган, Скадовск райони бўйича 1935 йил сентябргача 12 та турман-вакумдан фақат 7 таси таъмирланган, 4 та турман-вакум монтаж қилиниб, синаб кўрилган холос.

Каховка районида мавжуд 9 та турман-вакумдан 10 сентябргача 6 тасини, Геническ районидаги «Риқов» МТСида 4 та турман-вакумдан 2 тасини йиғиш белгиланган. 10 сентябргача Одесса вилояти бўйича 96 та турман-вакумдан 67 таси ёки 70 фоизи ва Днепропетровск вилояти бўйича 30 та машинадан 17 таси ёки 57 фоизи таъмирланган.

Енгил саноат халқ комиссарлиги томонидан фартуклар (этаклар) тикиш учун мануфактура ажратиб беришда кечга қолганлиги натижасида теримчилар этаклар билан оз таъминланганлар, борлари эса асосан колхозларнинг маҳаллий ресурслари ҳисобидан тайёрланган.

Одесса вилояти бўйича пахта теримчилари учун 33 минг дона этак керак бўлгани ҳолда терим бошланган пайтда колхозларда атиги 10 минг дона этак бор эди холос.

Днепропетровск вилоятининг учта райони бўйича 2.900 та этак керак эди, ҳақиқатда эса 630 та этак бўлган холос.

Табиийки, теримчиларнинг пахта териш этаклари билан таъмин этилган бўлиши пахта теримининг юқори сифатли бўлиши, уни навларга ажратиш, меҳнат унумдорлигини ошириш учун катта аҳамиятга эгадир.

Фартуклар тикиш учун 60 минг мануфактура ажратиб берилиб Украина пахта тайёрлов ташкилотидан дарҳол фартуклар тайёрлаб, уларни колхозларга тақсимлаб бериши талаб қилинган.

Одесса вилоятининг 12 та райони маълумотлари бўйича керак бўлган 38.000 кв. метр майдонга эга бўлган 509 та қуритгичдан 26.000 кв. метр қуритиш майдонига эга бўлган 384 та қуритгич жиҳозланган.

Қурилган бир қатор қуритгичларда ички жиҳозлари тугалланмаган (стеллажлар), юқори ҳароратни ушлаб туриши жиҳатидан қуритгичлар текшириб кўрилмаган, ёқилғи тайёрланмаган.

УСССР Ер ишлари халқ комиссарлиги томонидан Ер ишлари халқ комиссарлиги ва вилоят ер бошқармасининг командировка қилинаётган ходимларига биринчи навбатда қуритгичларнинг тайёргарлигини текшириш ва уларнинг қурилишини тугаллашда ёрдам бериш зарурлиги кўрсатилди.

УСССР ХКС ва УКП(б) МКнинг Савдо халқ комиссарлиги ва

бошқа тегишли ташкилотларга пахта теримини саноат моллари билан таъминлаш тўғрисидаги кўрсатмаси бажарилмаган. Пахта экиладиган районлардан саноат моллари етишмаётганлиги ҳақида шикоятлар келиб турган.

Одесса ва Днепропетровск вилоятларидаги районларда қишқи иссиқ кийимлар, пойафзал ва мануфактура йўқ даражада. Ваҳоланки, бу моллар октябрь-ноябрь ойлари вақтидаги совуқ кунларда пахта терувчилар учун жуда ҳам зарур эди.

Савдо ташкилотларининг ношудлиги туфайли пахта экиладиган районларни саноат моллари билан таъминлаш етарли бўлмаслиги хавфи туғилган.

1936 йилги пахта учун кузги шудгор қилишга ҳам етарли эътибор берилмаганки, Одесса вилоятида кузги шудгор қилиш режага нисбатан 4,5 фоизнигина ташкил қилган. Шу боис пахта майдонларини чуқур кузги шудгорлаш учун зарур миқдордаги тракторларни сафарбар қилишга кўрсатма берилди¹.

П. Постишев билан Любченко 1935 йил 17 октябрда ВКП(б) МК ва Халқ Комиссарлари Советига мурожаат қилиб Меҳнат ва мудофаа советининг қарори билан 1 октябрдан пахта топширишда авансларни узиш учун колхозчилар топширган пахта қисми учун берилаётган пул тўла ушлаб қолинаётгани, бу эса колхозчилар ишлаган меҳнат кунлари учун пул олмаётганликлари, бундай ҳолат эса пахта теримига салбий таъсир этаётганини ёздилар. Бундай аҳволга барҳам бериш учун октябрь ойи давомида колхозчилардан пахта учун тўланадиган суммадан 70 фоизини ушлаб қолишга ижозат бериш сўралади. Шундан колхозларга пул олиш ва пахтани тезроқ териб олиш манфаатдорлигини ошириш имконини бериши мумкинлиги айтилади².

Мулоҳаза учун ҳужжатлар

1. Украина КП(б) махсус сектори

Телеграмма

Киев. Ук КП(б) МК ўрт. Косиорга
Халқ Ком. Совети ўрт. Любченкога

Москва.
9.XI. 35 йил.

Днепропетровск ва Одесса вилоятлари пахта тайёрлаш бўйича Иттифоқнинг барча пахтакор районларидан орқада қолмоқда.

ВКП(б) МК ва Иттифоқ Халқ Комиссарлари Совети сизларни тасдиқланган пахта топшириш режасининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича барча чораларни кўришингизни талаб қилади. бунинг учун:

1. Барча меҳнатга лаёқатли колхозчиларнинг пахта йиғим-теримига чиқишларини таъминланглар.

¹ УРМДВЖТА, 1-фонд. 20-рўйхат. 6751-иш, 39—44-варақлар.

² УРМДВЖТА, 1-фонд. 20-рўйхат. 675-иш, 70-варақ.

2. Очилаётган бутун пахтани териб олиш ва териб олинган пахтанинг кунлигини кечиктирмасдан тайёрлов пунктларига топшириш устидан қатъий назорат ўрнатинглр.

Курилган чоралар ва пахта йиғим-терими ва пахта топширишнинг бориши тўғрисида ҳар беш кунда бир марталаб мунтазам хабар қилиб туринглр.

НП. 2482. 9.XI.35 йил.

Сталин. Молотов.¹

2. УКП(б) Марказий Комитетининг махсус сектори

Телеграмма

Москвадан
19.XI.35 йил.

Киев. Украина МКга
Халқ Комиссарлари Советига

Марказий Комитетнинг 19 ноябрдаги қарори хабар қилинмоқда:

•1935 йилги пахта ҳосилидан пахта толасининг СССР бўйича ўртача олинishi илгари белгиланган 32,5 фоиз қилиб белгилансин, СССР ХКС Тайёрлов комитети ва Енгил саноат халқ комиссарлиги зиммасига СССР ХКС тасдиғига беш кун муддат ичида айрим республикалар, ўлкалар ва вилоятлар бўйича пахта толаси олиншининг табақалаштирилган нормаларини тақдим этиш юклансин.

СССР Енгил саноат халқ комиссарлиги, республикаларнинг МК ва ХКСлари, ВКП(б) ўлка ва вилоят комитетлари, ўлка ва ижроия комитетлари зиммасига ҳар бир алоҳида пахта тозалаш заводи бўйича пахта толаси олиш нормаларини белгилаб чиқиш мажбурияти юклансин ва завод директорларининг заводлар белгиланган пахта толаси олиш нормаларига эришиш учун жавобгар эканликлари огоҳлантирилсин.

МК котиби.
20.XI.35 йил.

Сталин².

Одесса.

Серия «Г»

Облком. Голубга.

Бешинчи декабрда пахта теримини якунлаш бўйича белгиланган муддат тугади. Ваҳоланки, вилоят режадаги пахта териб олишнинг фақат 87 фоизини уддалади. Сизда айни сизнинг берган маълумотларингиз бўйича режани кўзда тутилган муддатда бажариш учун тўла имконият бор эди. Марказком белгиланган режани бажармаслик вилоят партия комитети, ижроия комитет, пахтачилик районлари партия ташкилотлари раҳбарлари айримларининг фаолиятсизлиги оқибатидир, деб ҳисоблайди.

Украина КП(б) Сизга берган районларга пахта териб олишни, ҳар бир қўсақни ҳам қолдирмасдан тўла териб олишни ва ўн бешинчи декабрда пахта топширишни ташкил қилиш вазифасини юклайди.

Украина Компартияси Марказий Комитети котиби Косиор.

8.XII.1935.

№ 015594.³

¹ УРМДВЖТА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6751-иш, 96-варақ.

² УРМДВЖТА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6751-иш, 98-варақ.

³ УРМДВЖТА, 1-фонд, 20-рўйхат, 6751-иш, 129-варақ.

4. ВКП(б) МК — ўрт. Сталинга
СССР ХКС — ўрт. Молотовга
УКП(б) МК — ўрт. Постишевга
УССР ХКС — ўрт. Любченкога

1934 йилда бизнинг вилоятимиз бўйича ҳаммаси бўлиб 45014 гектар ерга пахта экилган эди. Экиш 26792 гектар майдондаги кузги шудгор ерда ўтказилди, 18222 гектарга эса пахта баҳорда ҳайдалган ерга экилди, бунда кузги шудгор ва баҳорги ҳайдалган ер экиш пайтига келганда бутунлай қуруқ эди ва деярли барча уруғ қуруқ ерга экилди. Фақат чигитнинг озгина қисмигина кузги шудгор ва баҳорги ҳайдалган тупроқнинг нам қатламига экилди ва май ойининг охирида униб чиқди.

Уруғнинг бир қисми июнь ойида биринчи ёмғирдан сўнг униб чиқди. Қўпгина чигит умуман униб чиқмади ва бу майдонларга қайтадан бошқа экинлар экилди.

Шундай аҳвол натижасида ҳосилни йиғиштириб олиш вақтига 23568 га пахта майдони қолди. Омон қолган пахта майдонларида ҳосилдорлик фавқулодда хилма-хил бўлиб чиқди. Пахта ҳосилдорлигини аниқлаш бўйича давлат комиссияси ҳар гектардан ўртача 1,47 центнер бўлишини аниқлади ва бутун майдондан олинадиган ялпи ҳосил 3240 тонна бўлишини белгиледи.

Бироқ, 17—18 сентябрда ва 5 ноябрда вилоятда об-ҳавонинг совуши, аёзли ҳол юз берди, бунинг натижасида ҳали пишиб етилмаган пахта зарарланди ва ҳосили пасайди. Бердянский, Коларов, Н. Васильевск районлари бўйича пахта барглари нобуд бўлди ва совуқ уриб кетган тепа қўсақлар чирий бошлади.

Шундай қилиб, эксперт комиссияси томонидан белгиланган 1,47 центнер ўрнига ҳақиқатда ҳосил анча кам, ўртача ҳар гектардан 48 килограмм бўлиб чиқди, пахтанинг териб олинган ялпи ҳосили эса 3240 тонна ўрнига — тахминан 1123 тонна бўлди. Шу йилнинг 5(ХII) га вилоят бўйича 3549,7 центнер ёки режага кўра 10,9 фоиз пахта тайёрланди.

Буларнинг ҳаммаси бизни пахта тайёрлаш режасини камайтириш тўғрисидаги масалани қўйишга мажбур этади. Биз пахта топшириш бўйича бизга белгиланган режани қайта кўриб чиқишни ва уни 2117 тоннага камайтиришни илтимос қиламиз.

УКП(б) Одесса обкоми котиби (Н. Матвеев)

Оближроком раиси

(И. Гаврилов)¹

Украина пахта тайёрлов трести бошқарувчиси Чернишев-Дудникнинг 1935 йил 27 декабрда Украина КП(б) МК котиби П. П. Постишевга йўллаган рапортида тарихда биринчи марта 25 декабрда пахта толаси ишлаб чиқариш йиллик режаси ошириб бажарилганини, 7939 тонна тола ишлаб чиқариш йиллик режаси 114,2% бажарилганини ва Бош пахта тайёрловнинг қўшимча топшириғи — 1025 тонна — 101,2% бажарилгани, ҳаммаси бўлиб 9069 тонна тола, шу жумладан, 55,2% биринчи нав тола ишлаб чиқарилганини хабар қилади. 1 январгача яна қўшимча 400 тонна тола бериш мажбурияти олингани, биринчи марта хўжалик йилида 2 миллион сўм тежаб қолингани айтилади.

¹ УРМДВЖТА, I-фонд, 20-руйхат, 6544-иш, 92—93-варақлар.

Бешта пахта тозалаш заводидан тўрттаси — Каховка, Николаева, Херсон, Геническ заводлари йиллик дастурни ошириб бажарган. Бу заводларнинг 69 ишчиси стахановчи-виноградовачи иш усулларига ўтган.

28 декабрда, заводларнинг директорлари ва энг яхши стахановчиларнинг кенгашида 1935 йилги ишларга дастлабки якун ясалди, 1936 йилги дастурни тўла бажаришга кучларни сафарбар этиш, дастурни 1935 йилга нисбатан 89 фоизга кўпайтириш кераклиги қайд қилинди.

1936 йилда пахтадан юқори ҳосил олишга, таннархини 5 фоизга камайтиришга, машиналарнинг унумдорлигини 15,5%, меҳнат унумдорлигини 25%га оширишга, мамлакатга юқори сифатли тола етказиб беришга, тўқимачилик саноати ишчилари билан бирга жаҳонда энг яхши газлама етказиб беришга ваъда қилинди¹.

Николаево вилоят партия комитети ташкилий бюроси 1937 йил 17 ноябрда пахта экиладиган ҳақиқий майдонни ва қўшимча контрактацияни текшириш тўғрисидаги масалани кўриб чиқади. Қабул қилинган қарорда қатор районлар ва колхозларда контрактация қилинган майдондан ортиқча экилган ва контрактация шартномалари билан расмийлаштирилмаган яширин пахта экилган майдонлар борлиги, бу майдонлар пахта топширувчилар томонидан ноқонуний мукофот-надбавка олиш учун фойдаланилаётгани қайд қилинган.

Иттифоқ Халқ Комиссарлари Совети ва ВКП(б) Марказий Комитети қарори асосида пахта экиладиган ҳақиқий майдонни аниқлаш ва аниқланган майдонлардаги пахтани қўшимча контрактация қилиш мақсадида район ижроия комитетлари раислари ва район партия комитетлари котиблари зиммасига пахта экиладиган ҳақиқий майдонларни аниқлаш бўйича агроном — ер тузувчи, МТС пахта тайёрлаш пунктнинг вакили ва текшириладиган колхознинг раиси таркибида текширув комиссияси тузиш, текшириш актларини тузиб пахта пунктларига топшириш, контрактацион шартномалардан ортиқча аниқланган майдонлар тўғрисидаги текшириш актларига мувофиқ пахта заводлари директорлари ва пахта пунктлари мудирларига қўшимча контрактация шартномаси тузиш мажбуриятини юклаш вазифаси юклатилди. Экин майдонларини ва қўшимча контрактацияни текширишни тугаллаш муддати — 25 ноябрь деб белгиланди².

Николаево вилоят партия комитети ташкилий бюроси 1937 йил 28—29 ноябрь кунлари «Пахта териш, топшириш ва уни сақлашнинг аҳволи ҳақида»ги масалани кўриб чиқади. Қабул қилинган қарорда қуйидаги ҳолат қайд этилган: вилоят колхоз-

¹ УРМДВЖТА. 1-фонд, 20-рўйхат, 6751-иш, 133-варақ.

² НВДА. 7-фонд, 1-рўйхат, 1-иш, 40-варақ.

лари ва совхозларидаги пахта ҳосили 1937 йил пахта териш ва тайёрлаш режасини белгиланган режадан анча ошириб бажариш имконини берди. Бу катта сиёсий ва хўжалик аҳамиятига эгадирки, бироқ буни район ташкилотлари, пахта трести, пахта заводлари, пахтачилик совхозлари, МТС ва колхозларнинг раҳбарлари ҳисобга олмаётирлар, оқибатда қатор районларда (Голопристан, Каховка, Береслав ва бошқа районларда) пахта далаларида пахта ҳосилининг ерга тўкилиши ҳоллари содир бўлмаган, кўпчилик районларда бутун очилган ва ярим очилган пахта териб олинган эмас.

Териб олинган пахта ҳосилининг катта қисми шу вақтга қадар тайёрлов пунктларига топширилмаган (К-Александровск райони бўйича териб олинган ҳосилнинг 44 фоизи, Янги Воронцов райони бўйича — 32 фоизи, Катта Лепетиха бўйича — 30 фоизи, Голопристан бўйича — 27 фоизи, Привольянский бўйича — 27 фоизи топширилмаган. Ново-Троицкий, Скадовск районлари эса пахта терими, ҳосилини топшириш ва сақлаш мутлақо қониқарсиз олиб борганлар, натижада бу районларда пахта топшириш анча паст фоизни ташкил этган.

Пахта заводлари ва тайёрлов пунктлари қабул қилиб олинган пахта ҳосилини лозим даражада сақланишини таъминлай олмаганлар, оқибатда баъзи пахта толалари ёмғирда қолиб ивиб қолган, бундай ҳолат Каховка ва Скадовск пахта заводларида юз берган. Бу заводлар колхозларни пахта ҳосилини ташиш учун зарур бўлган қоп-идишлар билан таъмин этаолмаганлар. Ушбулардан келиб чиқиб УКП(б) Марказий Комитетининг Николаево вилояти бўйича ташкилий бюроси қарор қилган:

1. УКП(б) район комитетлари котиблари, район ижроия комитетлари раислари ва МТС директорлари зиммасига очилган ва ярим очилган пахтани териб олишни шу йилнинг 10 декабригача тугаллаш мажбурияти юклатилсин. Очилган ва ярим очилган пахтани териб олишни тугаллашни таъмин этиш учун барча ишга яроқли колхозчиларни пахта теримига сафарбар қилиш ташкил этилсин.

2. Териб олинган пахтани қуритиш ва уни териш билан топшириш орасида узилишга йўл қўймай тайёрлов пунктларига топшириш ташкил қилинсин.

3. Очилган ва ярим очилган пахтани териб олингандан сўнгра барча пахта майдонларидаги териш жараёнини шу йилнинг 15 декабригача тугаллашни ҳисобга олиб кўсақларни йиғиштириб олиш ташкил этилсин.

4. УКП(б) район комитетлари ва район ижроия комитетларига колхозларда колхозчиларга ҳар ҳафтада аванс ва звеноларга мукофот — қўшимча ҳақ тўлаш ташкил этиш топширилсин. Давлат банкига (Агаповга) колхозчиларга аванс ва қўшимча мукофот тақсимлаб бериш учун пул бериш таъмин этилсин.

5. Скадовск, Херсон, Голопристан пахта заводлари пахтани келтириш ва сақлашни ёмон ташкил этаётганлиги қайд этиб ўтилсин, бунинг натижасида пахтага ишлов беришда унинг анча қисмининг нобуд бўлишига йўл қўйилмоқда.

Херсон, Каховка, Скадовск, Николаево пахта заводлари директорлари зиммасига пахтани келтириш ва сақлашни ташкил этиш, пахта ташувчи қоп-идишларнинг айланишини кўпайтириш, шунингдек, канадан зарарланишдан сақлаш юзасидан чоралар кўриш мажбурияти юклатилсин.

6. Пахта заводлари директорлари зиммасига пахтани заводлар ва тайёрлов пунктларида муносиб равишда сақлаш мажбурияти юклансин, шунингдек, колхозлардан тайёрлов пунктларига пахтани ташиб олиб келиш, қоп-қанорлар билан таъминлаш вазифаси топширилсин.

7. Халқ Комиссарлари Советининг пахта тайёрлаш ва галла тайёрлаш бўйича вакили зиммасига пахта заводлари ва тайёрлов пунктларига ижарага бериш шартлари асосида бинолар ичига пахтани жойлаштиришдан аввал уларни пухта дезинфекция қилиб биноларни вақтинча фойдаланиш учун ажратиб бериш мажбурияти юклатилсин.

8. Одесса пахта трести Николаево вилояти пахтасини териб олишни, ташишни, сақлашни ва унга ишлов беришни ташкил этишга раҳбарликни таъминлай олмади деб ҳисоблансин, вилоят районларидаги ҳосилнинг ҳақиқий аҳволини билмайди, бунинг оқибатида берилган контроль рақамлари анча камайтириб юборилган, бинолар, ташийдиган қоп-қанорлар ва пахтани сақлаш таъмин этилмаган, йўл қўйилган хатоларни тан олиш ўрнига трест раҳбарияти ҳақиқий ҳосилни қалбаки кўрсатиш ва алдаш йўлига кириб кетган, бу ҳол чидаб бўлмайдиган ва зараркундалик хатти-ҳаракатларига ўхшаб кетадики, буни УКП(б) МКга етказиш керак.

9. Одесса пахта трести томонидан етарли раҳбарлик қилинмаётгани муносабати билан Одесса пахта трестини Одессадан Херсонга кўчириш тўғрисидаги масала УКП(б) МК олдига қўйилсин.

10. Вилоят ер бошқармаси мудир Грешкога пахтакор мутахассислар кенгашини чақириш ва унда пахтанинг стандартизация фоизи тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш ва ўз мулоҳазаларини ташкилий бюрога тақдим этиш топширилсин.

11. Вилоят районларига ёрдам кўрсатиш учун Грешко зиммасига районларга вилоят ер бошқармасининг 10 та масъул ходими жўнатиш вазифаси топширилсин...»¹.

1-сон пахтачилик совхози директори Семеевнинг 1938 йил 1 январдаги совхознинг муваққат (жалб қилинган) ишчилари

¹ НВДА, 7-фонд, 1-руйхат, 1-иш, 75—77-варақлар.

учун пахта териш нормаси камайтирилгани тўғрисидаги тушунтириш хатида четдан ишчи кучи жалб қилинганлиги қайд этилган. Бу иш совхознинг 2—5-бўлимларида, яъни 373 гектарлик майдонда амалга оширилган. Ишчи кучи йўқлигидан бу майдонлардаги пахтага жуда ёмон ишлов берилган, бу майдондан олинган ҳосил паст, 2 центнердан 4 центнергача бўлган.

Четдан жалб қилинганлар Килигей, Кардошкин ва бошқа қишлоқлардаги якка ҳўжаликлар бўлиб, улар пахтачиликда ма-лакага эга эмасдилар, шу боис уларнинг меҳнат унумдорлиги паст эди, кунига 15—40 кгдан ортиқ пахта тераолмас эдилар. Шунинг учун совхозларнинг асосий пахтакор ишчиларига бериладиган кунлик нормани жалб қилинганларга бериб бўлмасди, чунки бундай нормани улар бажара олмас, иш ҳақи паст бўлган, оқибатда улар ишни ташлаб кетганлар, бу эса ҳосил терилмай қолиб нобуд бўлишига олиб келарди.

1 сентябрга берилган прогнозларга кўра ҳосилдорлик меҳнат кўчкиндиликларига беркитилган майдонларда совхоз бўйича ўртача 7,2 центнер ишчилар ишлаётган майдонларда эса 2 центнердан 4 центнергача бўлиши мумкин. Шу туфайли жалб қилинган ишчилар учун ана шундай паст норма белгиланган. Меҳнат кўчкиндиликларига беркитиб қўйилган майдонларда ҳар бир пахтакор совхоз бўйича ўртача 50 кгдан 10 кг гача пахта тераётгани ҳам совхоз директори томонидан қайд этилган.

Ўзбекистондан борган меҳнат кўчкиндиликларининг пахтачиликда эришган ютуқлари «Южная правда» газетасида алоҳида қайд этилган. Журналист М. Фортус «Совхоз пахтакорларининг ютуқлари» сарлавҳали мақоласини ёзган.

Ҳужжатлар тилга кирганда

Пахтакорлар эришган муваффақиятлар маҳаллий матбуотда бериб борилган. «Южная правда» газетасининг 1938 йил 27 октябрь сониди мана бу хабар эълон қилинган:

«2-сон Каховка пахтачилик совхозиди пахта теримида ўтказилган стахановча ўн кунлик ажойиб натижалар берди. Шу ўн кунликда 350 тонна пахта териб олинди.

Ўн кунлик ичиди стахановчилар сафи анча кўпайди. Улар орасиди айниқса 10 кун ичиди 2220 килограмм пахта терган, яъни кунига ўртача 220 килограммдан терган П. Мирзараимов ва П. Болтабоевлар ажралиб турдилар.

Совхоз дирекцияси ва сиёсий бўлими 90 нафар энг яхши стахановчиларни умумий сумма 10 минг сўм пул билан мукофотлашди. Совхознинг иккинчи бўлими пахта теримидаги кунлик топшириқни мунтазам равишда ошириб бажарганлиги учун кўчма қизил байроқ олишга муяссар бўлди.

Далада яхши йўлга қўйилган оммавий-сиёсий иш стахановча ўн кунликни муваффақиятли ўтказишни таъмин этди. Коммунист ва комсомоллар ҳар кун бригадаларда газета ўқиш ва суҳбатлар ўтказиб турдилар. социалистик мусобақа шартномаларининг бажарилишини текшириб туришни ташкил этдилар, дала бригадалари газеталарининг чиқарилишига ёрдам бердилар. Стахановча ўн кунлик ичиди 120 та дала газеталари чиқарилди.

Стахановча ўн кунлик ютуқларини мустаҳкамлай бориб, совхознинг бутун ишчи жамоаси октябрлиди мусобақасига қўшилди ва октябрнинг 21 йиллиги шарафига пахта териш ва давлатга топширишни тўла тугаллаш мажбуриятини олди¹.

Тамарахонимнинг Николаевога ташрифи

Кеча эрталаб Ўзбекистон ССР халқ артисти Тамарахоним ўзининг ансамбли билан Днепропетровскдан Николаевога ташриф буюрди.

Тамарахоним бундан илгари ҳам бизнинг шахримиз томошабинлари учун концерт берган эди. Бу концерт 1938 йилда бўлган эди. Яшнаётган Совет Ўзбекистонининг ажойиб артисткаси николаеволикларда ҳаяжонлантирувчи таассурот қолдирган эди, томошабинлар уни севиб қолган эдилар. Тамарахонимнинг янги ташрифидан бехад хурсанд бўлган николаеволиклар вокзалда уни зўр қувонч билан кутиб олдилар.

Қардош республика артисткасини кутиб олиш учун партия ва жамоат ташкилотларининг вакиллари, санъат ходимлари, шаҳар Совети депутатлари пешвоз чиқдилар. Поезд перронга яқин келиб, артистка вагондан чиққанда Тамарахонимга, ансамблнинг қатнашчиларига катта гулдасталар тақдим этилди. Дарҳол жонли суҳбатлар авж олиб кетди. Шу ерда ҳозир бўлганлар орасида Тамарахонимнинг кўпгина танишлари чиқиб қолишди...²

— Мен николаеволиклар олдида иккинчи бор чиқайтганлигимдан жуда хурсандман, — дейди Тамарахоним. — улар 1938 йилда ансамблини жуда илиқ кутиб олган эдилар. Николаевода берган биринчи концертим ҳали-ҳали хотирамда. Ўша кунлари комбайнчи ва тракторчиларнинг вилоят слёти бўлаётган эди. Мен Николаево вилоятининг Цюрупин райони колхозчилари бизнинг республикамизнинг Фарғона вилояти пахтакорлари билан мусобақадosh эканликларини билиб хурсанд бўлдим. Слётда чиқиб сўзлар эканман, мен ўшанда фарғоналикларга саломларингни топширишни, николаеволикларнинг ютуқлари ҳақида сўзлаб беришни, мусобақа шартномаси бажарилишининг боришини мунтазам текшириб боришни ваъда қилган эдим.

Николаеводаги ташрифимиздан Цюрупинск райони пахтакорлари эндиликда юқори ҳосил олиш учун қандай курашаётганликлари билан танишиш учун фойдаланмоқчиман...

Кеча кечқурун заводнинг маданият ва истироҳат боғи театрида Тамарахонимнинг концерти катта муваффақият билан ўтди. Бугун Қизил Армия уйи биносига унинг иккинчи концерти бўлади³.

¹ «Южная правда» газетаси, 1938 йил 27 октябрь.

² Бу танишлар эҳтимол Ўзбекистондан сургун қилинган меҳнат кўчкимдиларидан бўлган. — Р. Ш.

³ «Большевистский путь» газетаси, 1940 йил 3 июнь.

Пахтачилик совхозларида пахта термиш бўйича стахановчилар¹

№	Исми-шарифи	Тергани		Бир кунда
		1937 йил	1938 йил	
	Совхозлар			
	1-Скадовск совхози			
1.	Тўрамуротов Шукур	6013 кг	7841 кг	200 кг
2.	Алимов Иноят	6988 кг	8629 кг	260 кг
3.	Картаев Уктимбал	5022 кг	9285 кг	260 кг
4.	Мирзахамдамов Райим	5450 кг	9500 кг	204 кг
	2-сон Скадовск совхози			
1.	Яҳёев Аблазим	4000 кг	6100 кг	210 кг
2.	Шералиев С.	4200 кг	563 кг	
	«Коминтерн» совхози			
1.	Аваноев Миткул	— — —	7100 кг	
2.	Ўғилбек Нури	— — —	7382 кг	
3.	Усмонов Мўйдин	— — —	7000 кг	
4.	Ёқубов Табон	— — —	9189 кг	
5.	Жамолова Адолат	— — —	7721 кг	
6.	Дусмонов Тузанбой	— — —	7725 кг	
	«Каховка» совхози			
1.	Мирзарахимов Парохиддин	— — —	10185 кг	
2.	Майсикудов Мурза	— — —	8291 кг	
3.	Ладабоева Ҳамза	— — —	7571 кг	
4.	Матхалилова Онахон	— — —	7986 кг	

Голопристан райони «Коминтерн» номи пахтачилик совхозида пахта бўйича илғорлар рўйхати (1939 йил 1 декабрдан булган маълумот)²

№	Исми-шарифи	Лавозими	Кўрсаткичлар		Изоҳ
			Терилган пахтаси	Терилган пахтаси	
	Совхоз бўйича гектардан 5,24 центнердан ҳосил олинди				
1.	Остапенко Василий Василевич	Бошқарувчи	5,40	—	
2.	Костиченко Иван Иванович	Агроном	5,40	—	
3.	Ёқуббеков Давронбек	Пахтачилик бригадир	5,74	—	
4.	Тўлаков Боқибой	—•—•—	5,30	—	
5.	Подгрушко И.	—•—•—	5,37	—	
6.	Рибалко Кузьма	—•—•—	5,32	—	
7.	Туний Егор	—•—•—	6,3	—	

¹ НВДА, 2764-фонд, 1-рўйхат, 80-иш, 95-варақ.

² НВДА, 2764-фонд, 1-рўйхат, 80-иш, 36-варақ.

8.	Ниёзметов Сафармурат	—●—●—	5,02	—	
9.	Умаров Мирзадебед	—»—»—	5,22	—	
10.	Бриков Пётр	—»—»—	5,25	—	
11.	Рашидов Абдулла	—»—»—	5,14	—	
12.	Мамажоналиева А.	Пахта	—	5985	
		теримчиси			
13.	Ботиров	—»—»—	—»—	5983	
14.	Қурбонова П	—»—»—		5983	
15.	Шамрат Качон	—»—»—		5674	
16.	Канабой Саттор	—»—»—		5189	
17.	Ўғилниёзик Баба	—»—»—		5182	
18.	Анахон Матқулий	—»—»—		5010	
19.	Раҳмонов Гаппар	—»—»—		5628	
20.	Ёқубов Отабой	—»—»—		7203	
21.	Холниёзов Ананиёз	—»—»—		4527	
22.	Мирзабоев Инъом	—»—»—		4553	
23.	Носиров Жаббор	—»—»—		4814	
24.	Исроилова И.	—»—»—		4483	
25.	Тожибоева	—»—»—		4950	
26.	Алдашов	—»—»—		4152	
27.	Инжиқ Аросқулий	—»—»—		4228	
28.	Хўжа Эляман	—»—»—		6021	
29.	Нуржон	—»—»—		5148	
30.	Назар Элямон	—»—»—		6255	
31.	Байрам Қозоқ	—»—»—		4303	
32.	Омон Марат	—»—»—		4205	
33.	Эшмат Омон	—»—»—		4505	
34.	Коржа Жок	—»—»—		4825	
35.	Мамат Амомат	—»—»—		4354	
36.	Парнопас Алтий	—»—»—		4040	
37.	Мамажонова Х.	—»—»—		3195	
38.	Исроилова С.	—»—»—		3245	
39.	Иминова С.	—»—»—		3408	
40.	Қосимов	—»—»—		3602	
41.	Эшонов	—»—»—		3159	
42.	Бойматова П.	—»—»—		3105	
43.	Мамажонова П.	—»—»—		3132	
44.	Анна Есен	—»—»—		3407	
45.	Нурмат Қозоқ	—»—»—		3405	
46.	Султон А.	—»—»—		3632	

Херсон вилояти Голопристан райони «Коминтерн» пахтачилик совхозидаги ўзбекистонлик меҳнат кўчкиндилари ҳам пахта етиштириш бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида фаол қатнашиб, энг яхши стахановчилар номига муносиб бўлиб Москвадаги қишлоқ хўжалиги кўргазмасида иштирок этганлар, уларнинг айримлари фахрий ёрлиқлар билан тақдирланганлар¹.

¹ РФДА. 9479-фонд. 1-рўйхат. 55-иш. 16-парақ.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангач, меҳнат кўчиндилари ҳаётида янги босқич бошланди. Ҳамма нарса фронтга, душман устидан ғалаба қозонишга сафарбар қилинди. Меҳнат кўчиндиларидан фронт ортида ишлаш учун меҳнат фронтга олинди, улар ва уларнинг фарзандлари ҳаракатдаги армияга чақирилди. Улар жангоҳларда жанг олиб борди. Меҳнат кўчиндилари фронтга зарур бўлган озиқ-овқат, кийим-устбошларни юбориб турадилар, заёмларга ёзилдилар. Хуллас, фронт орқасида қилиниши лозим бўлган юмуш ва мажбуриятларни бажариб турганлар.

Немис-фашистлар оккупация қилиб турган даврда эса улар оккупациячилар тасарруфида яшаб, уларнинг айтганларини бажаришга мажбур бўлганлар.

Каховка район ижроия комитети ва район партия комитети 1943 йил 20 ноябрда «Районда ёқилғи тайёрлаш тўғрисида», 27 ноябрда «Қизил Армия фонди учун давлатга гўшт, сут тайёрлаш тўғрисида», «Район колхоз ва совхозларида аҳолини Донбасни тиклаш бўйича ишга сафарбар қилишни ўтказиш тўғрисида», 30 ноябрда «Қизил армия фонди учун давлатга буғдой, кунгабоқар ва картошка топшириш тўғрисида», 17 декабрда «Граждан аҳолини мудофаа ишларига сафарбар қилиш тўғрисида» қарорлар қабул қилди¹.

Бу каби қарор ва тадбирларни амалга ошириш аксарият меҳнат кўчиндилари зиммасига тушган.

«Ўзбекистонда советларнинг қулоқлаштириш сиёсати ва унинг фожеали оқибатлари» номли китобимизнинг «Украинада шаҳид бўлган юртдошлар» деган бобида Херсон вилоятининг Голопристан, Каховка районлари меҳнат посёлкаларидаги юртдошларимиздан 1937—1938 йилларда қатағон қилинганлардан 300 га яқинининг фожеали тақдири таҳлил қилинган эди². Лекин унда қатағон қилинган юртдошларнинг барчаси ҳақида маълумот бераолмаган эдик. Мазкур асарда улардан айримлари ҳақида тўхталиб ўтишни лозим кўрдик.

Николаево вилояти бўйича махсус «учлик»нинг 1938 йилдаги 36-сонли баённомасида 1892 йили Қирғизистон ССРнинг Қорақўл районида туғилган Нормухаммад Раҳимбердиев қулоқ қилиниб, Скадовск районида сургун қилингани, Хитойга қора дори жўнатиб тургани, Скадовск райони Чолбаси қишлоғида яшаётгани, «Новый путь» қишлоқ хўжалик артелида ишлагани, меҳнат кўчиндилари орасида ватан хонилари Тухачевский, Якир ва бошқаларнинг отиб ташланганлиги ҳақида сохта фикрлар баён қилгани, совет конституциясини бузиб тасвирлагани учун 1938 йил 12 февралда қамоққа олинган, Херсон шаҳри турмасида сақланган. «Учлик» уни отиб ташлашга ҳукм қилади, ҳукм ўша куни 13 апрелда ижро этилади³.

¹ ХВДА. П-134-фонд, 1-рўйхат, 19-иш, 32-варақ.

² Ўша асар, 172—261-бетлар.

³ Ўша асар, 172—261-бетлар.

13 апрелда Мадраҳимов Абдураҳим ҳам отувга ҳукм этилди. У 1893 йили Туркменистоннинг Кушкола қишлоғида туғилган, кулоқ қилиниб, 1937 йили сургун этилган. Унга қўйилган айб аввалида босмачиларга моддий ёрдам берган, уларни озиқ-овқат, ем-хашак билан таъминлаб турган. Скадовск райони 1-сон пахтачилик совхозида яшаб, ишлаган. У сургунда юриб меҳнат кўчиндилари орасида партия ва ҳукуматнинг тадбирларига қарши ташвиқот олиб борган, Сталин конституциясини аксилинқилобий руҳда талқин этган, фашизм фойдасига тарғибот олиб борган, совхоз ишчиларини ишга чиқмасликка даъват этган. Бу айблари учун 1938 йил 28 февралда қамоққа олинган. Терговда у ўз «айблари»га иқрор бўлмади¹.

Уша «учлик» 18 апрелда Жўрабой Аҳмадалиевни ҳам отувга ҳукм этади, ҳукм ўша куни соат тун 12 да ижро этилади. Аҳмадалиев Жўрабой ЎзССР, Ленин райони Қошғар қишлоғида туғилган, ўзбек, кулоқ қилинган, сургун этилган. Унга қўйилган айб — ўтмишда босмачилик ҳаракатининг фаол иштирокчиси, Каховка пахтачилик совхозида яшаб, ишлаган, жамоалаштириш даврида колхозларга қарши курашга ташкилотчилик қилган, советларга қарши ташвиқот олиб борган, конституцияга қарши тарғибот олиб борган, меҳнат кўчиндиларини сургун жойларидан қочиб кетишга даъват қилган. У ўзини айбдор деб тан олган, 1938 йил 10 февралда қамоққа олинган, Херсон шаҳри турмасида сақланган².

Юқорида зикр этилган китобимизда Абдуолим Тоғаевнинг Шаҳрихон райони Шерқўрғон қишлоғиданлиги, 1865 йилда таваллуд топгани, 1931 йили сургун қилингани, Каховка 2-пахтачилик совхозидаги саноат артелида ҳар хил ишларда ишлагани, 1937 йил 28 сентябрда қамоққа олингани, 1937 йил 22 октябрда «учлик» томонидан отувга ҳукм қилингани, ҳукм ўша куни ижро этилгани ҳақида ёзган эдик³.

Аммо нимагадир А. Тоғаевнинг тергов баённомасини архивдан топаолмагандик. Шу боис Херсон вилоят давлат архивига мақсадимизни баён қилиб хат ёздик. Бизга маҳбус А. Тоғаевнинг анкетасидан «учлик»нинг ҳукмидан ва Абдуолим Тоғаевнинг шахсан ўзи араб имлосида ёзган кичик бир хатидан нусха олиб юборишди. Унинг дастхатини равон ўқишнинг имкони бўлмади. Шундай бўлса ҳам уни университетимиз ўқитувчиси Муҳаммаджон Абдураҳмонов ўзбекча имлога кўчириб берди. Уларнинг ҳар иккисини илова тарзида келтиришни лозим топдик:

— *Ўзим мен олиб келурман деб кирдим. Олиб келаолмадим. Сен шу ишларни қилдинг, деб кўп мандан хафа бўлди. Мен айтдимки, 5 йил бермоқ тугул отиб ташласанг ҳам розиман ва мен ҳам қўлинг-*

¹ ХВДА, 4033-фонд. 6-рўйхат. 689-нш. 16-варақ.

² Уша архив. 503-нш. 23-варақ.

³ Уша китоб. 216—218-бетлар.

дан нима келса, шунни қил дедим. Бизнинг закон ҳам ва мен ҳам ҳаммасини ёзиб олай, сўйлаган гапларини, энди нима бўлар эркан, билмайман. Аммо Иброҳимжон ука! Ушбу хат қўлингизга теккан замон бўлган ишлардан хабар беринг. Кимлар ўлди, неча киши хатна қилинган болалардан, нима гаплар бўлди. Тезлик билан хат қилиб бўлган воқеаларни баён қилгайсиз. Жон ука! Аммо ҳеч ким ўлмагани, муаллимларнинг гапи тарафсизлик эрканини айтгайсиз. Мен ўйлайманки, муаллимлар танқид қилиб турганда, йўқ, ҳеч нима деб, агар ҳеч ким ўлмай муаллимлар танқид қилиб юргани ҳеч нима бўлиб чиқса, чорасига кириб, тезлик билан бирлашиб хат юборгайсизлар, кейинда ногоҳ, агарда мумкин бўлса, ёки ўлганлари рост бўлса, ҳаммаси сизларга қарши бўлса, хижолат бўлманглар. Ҳар нарса бўлса худони хоҳиши, пешонамдагини кўрурман. Мард киши эл ишида туруши, ҳозир уйимда турибман деб мен...

Имзо

Хатнинг араб имлосидаги нусхаси мана бу эди (400-бет).

Абдуолим Тоғаев ноҳақдан отилганида унинг орқасида 58 ёшли аҳли-аёли Бибинисо, қизлари Ҳамидахон — 13 ёшда, Ҳабибахон — 9 ёшда қолган эди. Уларнинг тақдири қандай кечганини билиш «Мерос» экспедицияси дастурига киритилди. 2002 йил мартда йўлимиз Шаҳрихон тумани Шерқўрғон қишлоғига тушди. Сўраб-суриштириб Абдуолим Тоғаевнинг набираси, қишлоқдаги мактабда математика ўқитувчиси Абдувоҳид хонадониди



Абдуолим Тоғаевнинг набираси Абдувоҳид оила аъзолари билан.
Шаҳрихон тумани. Шерқўрғон қишлоғи. 2002 йил, март.

бўлди. Суратга олди, видеотасмага туширдик. Анча нарсалар равшанлашди.

Қатагон қурбони бўлган Абдуолимнинг отаси Тоғай охун, онаси Ширинбуви бўлган. Абдуолимнинг 1908 йили туғилган ўғли Абдулҳамид Украинада вафот этган, уйланмаган, Абдулҳамиднинг онаси 1911 йили туғилган, 1990 йил мартада вафот этган.

Абдуолим Тоғаевнинг ўша маҳбуслик анкетасида қайд этилган қизи Ҳамидахон (1924 йили туғилган) Мингбулоқ туманида 2002 йил 25 февралда вафот этган, яна бир қизи Ҳабибахон (1928 йили туғилган) Норин тумани Кемабоши қишлоғида яшаган, 1966 йилда вафот этган. Бу ҳар икки қизлар ўша 1931 йил августда отаси Абдуолим, онаси Бибинисо билан кулоқ қилиниб Украинага сургун қилинганлар. Ҳамидахон шундай эслагани: «Отам намоз ўқиётган эди, уйга уч киши бостириб киришди. Шу пайт мен, синглим Ҳабиба билан ўйнаб ўтирган эдик. Миршаблардан бири токчага терилган китоблардан бирини суғуриб олиб устига ўтириб олди. Отам номозини тугатибоқ ҳалиги миршабни итариб юборди ва бир шاپалоқ солди. Шериклари югуриб келиб отамни ушлаб олиб кетишди ва қамаб қўйишди. Ҳар куни отамга овқат олиб бораман, ўзини кўрсатишмайди, миршаблар овқатни олиб кириб кетишади. Бир куни махси ва чопанини сўраган экан, олиб бордим. Отам дом-дараксиз йўқ эди. Бу вақтда акам Тоғаев Абдулҳамид Андижондаги педагогика билим юртида ўқир эди. Ёзда ўртоғи Солижон Худойбердиев билан каникулга келади. Солижон Худойбердиевнинг ота ва онаси ҳам



Шаҳрихондан Украинага сургун қилинган Худойберди ўз ўғли Солижон билан Сергеевка қишлоғида. 1934 йил.

шу Каховкадаги 2-сон пахтачилик совхозида эди. Акам отамни қидириб Украинанинг кўп шаҳарларида бўлди. Отамдан номнишон йўқ эди...».

1918 йилда таваллуд топган, ҳозирда Шаҳрихонда кексалик гаштини суриб турган Солижон ота Худойбердиев шундай хотирлайди: «Абдуолим бобо илмли, қайтмас, ботир, келишган, гавдали, сирли олим одам эди. У кишини ва оила аъзоларини ҳамма ҳурмат қиларди. Кампирри Бувинисо холани ҳамма муаллима буви деса, ўзларини мулла бува дер эдилар. Дўстим Абдулаҳад билан ёзда каникулга борганимизда домла бувани биринчи бўлиб ушлаб кетган экан. Кейин битта-битта қилиб кекса кишиларни олиб кетишди. Эшитишимча, домла бувани алоҳида хонада, тизза бўйи сувда уч кун сақлашган экан. Лекин домла бува уларга бўйсунмаган».



Солижон ҳожи ота Худойбердиев 1936—1937 йиллари Сергеевқадаги тўлиқсиз ўрта узбек мактабини. Андижон педагогика билим юртини тамомлаб (1937—1940 йиллари), Сергеевқага бориб ўзи ўқиган мактабда ўқитувчилик қилган.



Мулла Мавлон Сулаймонов (1891) 1938 йил 10 июнда отилган. Уғиллари: Султонмурод 1986 йили Шерқўрғон Жунтепада вафот қилган, Мирзамурод (1928 йили туғилган). 1934 йил. Каховка.



Мавлон Сулаймоновнинг аҳли-аёли
Зебунисо ўғиллари Султонмурод,
Мирзамурод билан.



Каримжон амин Шохбой ўғли оила
аъзолари билан Скадовск туманида.
1937 йил.

Сургунда бирга бўлган, қатағон қилиниб отилиб кетган Сулаймон Мавлоновнинг ўғли Мирзамурод ака (1928 йили туғилган, ҳозирда барҳаёт) шундай эслайди: «Мулла бува доимо китобини қўлдан қўймас эди. Бир куни отам, мулла бува чакки иш қилди-да, деди. Онам нима бўлганини сўраганда, чойхона олдида одамлар йиғилишса албатта миршаблар айланиб юришарди. Шу куни ҳам мулла бува китобини олиб келади. Бир оз ўтириб, китобни стулга қўйиб нари кетади. Қайтиб келиб қараса миршаб китобнинг устида ўтирган экан. Абдуолим бува миршабни шапалоқ билан тортиб юборади. У киши қулаб кетади, мулла бува китобни олиб кўзига суртиб, ўпиб, қўйнига солиб қўйибди. Мен ўз бурчимни бажардим, хоҳлаган чорангизни кўринг дейди. Лекин мулла бувани олиб кетишмайди, ҳисобга олиб қўйишади. Каховкада ҳам мулла бувани ҳамма ҳурмат-иззат қилишар, кампирини ҳам ҳурмат билан муаллима буви дейишарди».

Хуллас, Абдуолим Тоғаев каби бегона юртларда сургунлик азобини тортиб, қатағон тигидан ҳалок бўлиб кетган, концлагерларга, узоқ жойларга қамоқ жазосини ўташ учун юборилган кўплаб юртдошлар Украинада ҳам, Шимолий Кавказ ўлкасида ҳам, Ўрта Осиёда ҳам жуда кўп бўлган. Уларнинг тақдири, фожалари тафсилотлари алоҳида тадқиқот мавзусидир. Бунинг учун Херсон, Грозный, Ростов на Дону, Тошкент, Москвадаги хавфсизлик хизмати. Ички ишлар вазирликлари, вилоят бошқармалари архивларидаги ҳужжатлар ва материалларни кўтариш, жойларга илмий экспедициялар уюштириш талаб қилинади. Ўйлай-



Скадовск райони 1-пахтачилик совхози ҳудудида жойлашган 6-сон ўзбек мактаби ўқувчилари мактаб директори Одилжон Давидов дафн этилганидан сўнг олинган сурат. 3-қаторда чапдан иккинчи най ушлаб турган Тўрамурод Умаров (Фахриддин Умаровнинг акаси). 1-қаторда ўтирганлар: чапдан Отажонов Отамурод, ўнгдан охири Отажонов Аннамурод.



Голопристан райони, Михайловка қишлоғи. Ўнгдан биринчи В. М. Баденко, Л. Ф. Шапурко, муаллиф Р. Т. Шамсутдинов, 5-қишлоқ совети раиси В. Ф. Уткин.



Асакадан қулоқ қилиниб Каховкага сургун этилган ва у ерда 1937 йили отилган Далабоев Мамажоннинг ўғли Юсупжон Мамажонов.
2002 йил, 9 март.



Отажонова Мастон Скадовскдаги 1-пахтачилик совхози 4-бўлими боғчасининг ошпази. Урушдан сўнг Бешёғочда яшаган, қизлари Норбуви, Санобар Тошкентда яшайдилар. ўғли Тожибой 1943 йилда Херсон яқинидаги жангда ҳалок бўлган.

мизки, бу каби ишлар вақти-соати билан амалга оширилажак. Бунда ёш тадқиқотчилар, тарихчи олимларнинг янгидан-янги авлодлари вакилларининг ўрни катта бўлишига ишончимиз комил.

2. ШИМОЛИЙ КАВКАЗ СУРГУНИДАГИ ЮРГДОШЛАРИМИЗ ҲАЁТИ

Шимолий Кавказда дастлаб меҳнат қишлоқлари, махсус қишлоқлар 1930 йили Терек ва Ставрополь округларининг деҳқончилиқ учун ноқулай ерларида, ўлканинг шимоли-шарқий қисми бўлган Қолмиқ АССРнинг ғарбий ва жанубий чегарасида ташкил этилган. 1930—1931 йиллари Шимолий Кавказ ўлкасининг ичида 2-тоифали қулоқлар сургун қилинган. 1932 йил 1 январь маълумотиغا кўра, ўлкадаги меҳнат қишлоқларида 55318 нафар қулоқ қилинганлар яшаган. Улар Оржоникидзе, Краснодар ўлкаларидан, Ростов вилоятидан, Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистондан ОГПУнинг «учлик»лари ва ижроия комитетлар қарорлари асосида бу жойга келтирилган. Шунингдек, казак ста-

нициалари, қишлоқлари ва хуторларидан ҳам «учлик»лар томонидан бу меҳнат қишлоқларига «қулоқ»лар сургун қилинган¹.

Сургун қилинганларни эшелонда олиб келиш чоғида йўл кўйилган хатолар ОГПУнинг Лагерлар бош бошқармаси бошлиғи М. Д. Берманнинг ОГПУ раиси ўринбосарига ёзган рапортида қайд этилган. Масалан, сургун қилиб олиб келинаётганларнинг кўпчилигига шахсий иш, меҳнат қишлоқларига сургун қилингани тўғрисидаги қарорлар расмийлаштирилмаган, эшелонлар милициянинг ҳеч ким томонидан тасдиқланмаган бир неча рўйхатлари билангина келган. Иккита эшелонда 8 та тиббий чечак, 1 та тиф билан оғриган касал аниқланган. Келганларнинг орасида ёппасига битлаб кетилганлиги маълум бўлган. Соқчининг гувоҳлик беришича, жўнатиш олдида сургун қилинаётганлар тиббий кўриқдан ўтказилмаган, вагонлар антисанитария ҳолатида бўлган. Ҳатто айрим вагонлар бўйича келаётганларнинг рўйхатлари бўлмаган, айрим ҳолатларда фақат оила бошлиқлари фамилияси кўрсатилган, исми, шарифи берилмаган. Эшелон комендантларининг айтишича, ҳар бир вагонга одамларни қабул қилиб олиш ўтказилмаган. Бундай ўтказиш соқчи вагонларга сургун қилинаётган ОГПУ органлари томонидан шахсий ишлар почтасига расмийлаштирилмаган рўйхатлар топширилган².

Г. Г. Ягоданинг 1932 йил 4 январда И. В. Сталин, П. П. Постишев, Я. Э. Рудзутакларга ёзган маърузанома хатида Шимолий Кавказ ўлкасидаги махсус посёлкалар ҳолати тавсифланган. Қимматли бу ҳужжатни айнан келтирамиз: «Барча махсус кўчирилганлар доимий уйларга жойлаштирилган. Моздак районида 112 оиланинг ҳаммаси вақтинчалик биноларда қолдирилган. Ўлка соғлиқни сақлаш бўлими тиббий хизмат кўрсатиш режасини ишлаб чиққан махсус кўчирилганларга хизмат кўрсатиш учун алоҳида шахс ажратилган, махсус инспекторлар тайинланган.

Барча посёлкаларда ич терлама, безгак, шилпиклик касалликлари тарқалган. Моздак районидаги 227 оиладан ич терламага учраган 30 ҳодиса юз берган. Бунинг сабабларидан бири — сувнинг ёмонлиги.

Дивенск районида 40 ўринли касалхона, қолганларида фельдшерлик пунктлари бор. Дори-дармонлар етарлича. Дезинфекция камераси йўқ. 15 та бундай камера қуриш лойиҳалаштирилган. Сувнинг йўқлигидан кўп жойларда ҳаммом йўқ. Умумий оқватланиш фақат дала ишлари жойларида ҳамда ёшлар артелларида ташкил бўлган. Айрим посёлкаларда ошхоналар очилган, бироқ уларнинг хўрандаларга хизмат кўрсатиш имконияти чекланган, маҳсулотлар тайёрланмаган. Қочиб кетганлар, совхозларда вақтинчалик ишлаётганлар ва бошқалар ҳисобидан ташкил бўлган

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 77-иш. 87—90-варақлар.

² РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 19-иш. 2—3-варақлар.

озик-овқат захиралари бор. Матлубот кооперациясига қарашли 18 та савдо нуқтаси бор.

Махсус кўчирилганларнинг кўпчилигидан қишлоқ хўжалигида, бир қисмидан корандалик сифатида вақтинчалик шаҳарга чегарадош хўжаликлар ва ҳар хил қурилиш ишларида фойдаланилмоқда. «Скотовод-3» совхозида шартномадаги меҳнатга лаёқатлилардан ярмидан озроғидан фойдаланилмоқда. Прикумск пахтачилик совхозида ҳам аҳвол шундай. Совхозлардаги турар жой бинолари етишмайди, сув қайнатгичлар йўқ, нон беришда узилишлар бор, махсус кийим-кечак йўқ. Булар туфайли ишга чиқишдан бўйин товлашлар бўлмоқда. Совхозларда иш ҳақи 3 ойлаб берилмаётир, ишлаб чиқариш ҳисоби йўқ. Шимолий Кавказда қишлоқ хўжалигида махсус кўчирилганлардан фойдаланиш режасига кўра, оби ҳаво, ер шароитлари бир-биридан фарқланган, Прикумск ва Дивенск районларини ўзлаштириш кўзда тутилган.

Чек ер бериш Дивенск районида ҳар бир оилага 10 га, Прикумск районида эса 2,4 га миқдорида ташкил қилинган. Ердан фойдаланиш ишларини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган тадбирларга киришилди.

Махсус кўчирилганлар билан келтирилган 2905 бош миқдордаги чорва умумлаштирилган, 3725 бош ҳайвондан яқка тартибда фойдаланилмоқда. Қишлоқ хўжалиги инвентарлари ҳам умумлаштирилган. 1.650320 сўм миқдорида берилган кредит ҳисобидан 2018 бош сигир, от, туя, ҳўкиз, 30000 бош қўй сотиб олиб келтирилган. Жорий йилда 22987 гектар ерга экин экилган. 1932 йилги баҳорги экиш кампаниясида 29987 гектар ерга ҳар хил экинлар, жумладан, 4000 гектар ерга пахта экилган. Посёлкаларда ҳозирнинг ўзида 5537 хўжаликни қамраб олган 36 устасиз қишлоқ хўжалиги артеллари ташкил бўлди.

Дивенск район хўжалигида аксарият йўналишни қўйчилик эгаллаган, 20 минг бошга эга бўлган қўйчилик артеллари ташкил қилинди.

Прикумск районидаги хўжалик аксарият пахтачилик йўналишига мослашган. Бу ерда меҳнат сурғунидегилар билан биргаликда 4 минг гектар ерга пахта экилди, Кавказ пахтачилик комитетига 10000 гектар ерга пахта экиладиган қудратли пахтачилик совхози ташкил этиш таклиф қилинади.

Агрозоо ва ветеринария хизматлари Шимолий Кавказда қониқарли ташкил қилинган.

Ҳозирги вақтда махсус посёлкаларда пойабзал, чарм пойабзал тикиш, пайпоқ, тўр тўқиш ҳунармандчилик, кустар артеллари ташкил бўлган, ёғочни қайта ишлайдиган, спирт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган, арғамчи чиқарадиган, кулолчилик, черепица, гишт, оҳак ишлаб чиқариладиган корхоналар ишга тушмоқда.

Кустар саноатни 1932 йилда ривожлантириш режаси ишлаб чиқилган.

Маданий-тарбиявий ишлар соҳасида маълум ишлар қилинмоқда. Дивенск районидаги 4775 боладан 254 таси 31 та мактабда ўқимоқда. Прикумск районидаги 15 мактабда 2020 бола ўқимоқда, мактаб ёшидаги болалар 2700 кишидир.

Кийим-кечак ва пайабзал йўқлигидан кўплаб ўқувчилар мактабга қатнай олмаяптилар.

Дивенск районидаги 70 ўқитувчидан биттаси махсус кўчирилганлардан. Прикумск районидаги 54 ўқитувчидан 10 таси, махсус кўчирилганлардан 4 таси рус, 6 таси ўзбек.

Ўқитувчилар иш ҳақи кечиктириб берилмоқда, озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминлаш ёмон аҳволда.

Ўзбек ва тожиклардан ёши 8 дан 15 гача бўлган 994 бола саводсиз. Прикумск райони туркман посёлкасида ўзбек ва тожик тилларида ўқиш дарсликсиз бошланган.

Атаманов посёлкасида саводсизликни тугатиш бўйича 258 киши ўқитилмоқда. Дивенск посёлкасида ёшларнинг 226 кишидан иборат қишлоқ хўжалиги, 66 кишидан иборат қуёнчилик, 68 кишидан иборат полизчилик, 17 кишилик ҳунармандчилик уставсиз артеллари ташкил бўлган. Лиман, Киста, Дербетовка, Киевка, Бело-Копани посёлкаларидаги артелларда ёшларнинг сабзавот маҳсулотлари тайёрлашдаги ғайратли ишлари қайд этилган...»¹.

Каттақўрғондан сургун қилинган Эгамназар Ражабов Николо-Александровск қишлоғига жойлашгани ҳақида ўз эсдалигида шундай эслайди: «Бу жой қора тупроқли, лалмикор, қудуқлардан сув ичилади, уларнинг чуқурлиги 6—8 метр, суви чучук. Ҳар куни пешиндан кейин ёки кун оша бир соатча шивирлаб ёмғир ёғади. Оқар сув Коми деган дарёда. Бу дарё биз турган жойдан 12 км узоқликда, Левакомка қишлоғи бор. Ҳамма жой кўм-кўк, ҳавоси тоза, нафас олиб тўймайсан киши. Борган вақтимизда дашт майдонида бир неча юз гектар лалми пахта, лалми макка-жўхорилар бор экан, пишиб тайёр бўлиб турибди, уларни йиғиштириб оладиган кишилар йўқ экан, Ўзбекистондан сургун қилинганлар териб, ўриб йиғиштириб олдилар.

Қишлоқнинг узунлиги 12 км, шунда 8 қатор бир-бирига уланган иморат — ҳовлилар бор экан, ўртадан узунасига текис сой ўтган. Бу сойдан апрель-май ойларида эриган қор сувлари катта ёмғирлар туфайли пайдо бўлган сел сувлари оқиб ўтар экан, бир-икки ойдан кейин қурурган, молларга яйловлар бўларкан. Шу сой ичидан ва чеккаларидан ичиладиган сув қудуқлари қазилган.

Бориб тушганимиздан кейин маълум бўлдики, ҳовлилар эгалари бизлардан 3—4 ой олдин қулоқ қилиниб бошқа жойларга сургун қилинган экан. Ўзбекистон ва Тожикистондан мажбурий равишда 8000 (саккиз минг) киши сургун қилиниб бу ўлкага

¹ РФХХМА, 2-фонд. 9-руйхат, 379а-иш, 84-варақ.

келтирилган. Уларнинг бир бўлаги Нальчикда, бир бўлаги Моздакда ва бир бўлаги бизлар турган Николо-Александровск қишлоғида жойлаштирилган эди. Қишлоқ 9 та сотник (юзлик)дан иборат бўлиб, бир неча қишлоқ артеллари тузилган. 1934 йилдан бу артеллар колхозларга айлантирилган. Бу қишлоқда 5 та колхоз ташкил бўлди. Улар ихтиёрида 40 минг гектар ер бўлган».

1943 йил 23 сентябрда Арзгир райони Николо-Александровск меҳнат қишлоғида таваллуд топган, ҳозирда Бухоро вилояти адлия бошқармасининг масъул ходими Исоқ Мардонович Мардонов ўша қулоқ қилиш, сургун билан боғлиқ фожеали воқеаларни катта оналари, ойисидан сўраб билиб олган. У билан биз 2002 йил октябрида учрашиб эсдаликларини видеотасмага тушириб олганмиз. Унинг эсдалигида бир оила бошига тушган оғир савдолар акс этган. Шофиркон райони Қайрағоч қишлоғидан Тожи Шукуров 1929 йили қулоққа тортилиб, 10 йил қамоқ жазосига ҳукм этилади. Унинг орқасида катта оила қолади. Қулоқ қилиш ва сургун қилиш авжига чиққан 1931 йили бу оилани ҳам қулоқ хўжалиги сифатида сургун қиладилар. Оила бошлиғи қамоқдалигига қарамай Тожи Шукуровнинг 22 ёшли укаси Қилич Шукуровни оила бошлиғи сифатида расмийлаштириб сургун қилишган. Қиличнинг бир ўғли бўлган, бу оила мулкдор ҳисобланган, 10 таноб ерга, 6—7 отга, 3—4 жуфт хўкизга, кўплаб мол-қўйга эга бўлган. Уларнинг ҳаммаси мусодара қилиниб, ўзларини Шимолий Кавказга сургун қилганлар.

Ота томонидан оила бошлиғи Шодмон бўлиб, унинг Мардон исмли ўғли, Рисолат, Адолат исмли қизлари, акаси Шодмонов Тўра, Шодмонов Исмоил ва уларнинг оилалари сургун қилинган. Она ва ота уруғидан ҳаммаси бўлиб 17 жон сургун қилинган.

Қайрағоч қишлоғидан 15—20 км масофадаги Қизилтепа станциясига сургун қилинганлар араваларда келтирилган. Уларга фақат бир сидра кийим, уст-бош, пахтаси олиб қўйилган 2—3 та кўрпа олишга руҳсат берилган. Йиғув пунктида бир ҳафта турилган. Сургун қилинаётганлар орқасидан кўплаб қариндош-уруғи, таниш-билиши, қўшнилари келишган. Сургун қилинувчилар қамоқ ҳолатида, ҳаммаёқда бола-чақалар йиғиси, қий-чув, тўстўполон. Ҳайвон, юк ташиладиган вагонлардан иборат эшелон поездига одамлар чиқарилади, ҳар бир вагонга 4—5 та оила, жон ҳисобида 40—50 киши жойлаштирилган. Вагонлар хароб, на ювинадиган, на ҳожат чиқарадиган жой бор, тепадан кичик бир туйнук бор холос. Поезд юриш олдидан вагонлар эшиклари тақа-тақ бекилади. Қоронғу, дим, иссиқ ҳолатда эркагу аёл, ёшу яланг, гўдаклар йиғиси ҳолатида эшелон Қизилтепа станциясидан жилган. Узоқ масофадан сўнг поезд Байрамалига, сўнг Красноводскга етиб келади. Йўл давомида сувсизликдан, очликдан, иссиқдан, касалликдан ўлганлар ҳам бўлди. Улар эшелон тўхтаган жойда шошилинич тарзда наридан бери қўмилган, майит тепасидан қум ёки тупроқ тортилган; вагонларга чиқиб олиб

дуои фотиҳа қилиб кетган. Красноводскдан пароходга ўтказилган. Йўл ниҳоятда азобли кечган. Сув тўлқинида пароход чайқалиши туфайли одамларнинг кўнгли айниган, эмизикли гўдаклар, ёш болалар, чол-кампирлардан ўлганлари ҳам бўлган, улар денгизга ташлаб юборилган. Боқудан яна поезд эшелонга ортилган. Поезд борадиган охириги нуқтага олиб бориб ташланган. Аввал «Будёный», кейин Прикумск деган жойларга араваларда оила-оила қилиб ташиб олиб кетилган. Бизларнинг оиламиз ниҳоят Николо-Александровскка келтирилган, 2 хонали уйга 17 жон жойлаштирилган».

Эгамназар Ражабов ўшанда яна кимлар улар билан шу Николо-Александровскда бирга бўлганларни эслайди: «Николо-Александровский қишлоғига келиб тушганимиздан сўнг 2—3 кун ўтиб Абдуҳаким акам қишлоқда жойлашган кишилардан таниш-билишларни топиб билиб чиқди. Лўблехўр қишлоғидан Шодмон Карвоннинг уч ўғиллари билан, Ҳожибобонинг ўзи, кампири ва икки ўғли оиласи билан, акамизнинг қайнилари Қобилбобонинг уч ўғли оиласи билан, Каттақўрғон шаҳридан; Худойназаров Нуриддин онаси ва оиласи билан, Ҳакимов Маҳаммади оиласи билан, Мустафақуловлар оиласи билан, Қорахонбобо оиласи билан, Муротдоштовондўз оиласи билан, Пастчордордан Тўранбойнинг Мамади ва Рашид ўғиллари оиласи билан, Зубайдуллаев Қори Мамарасулбобо оиласи билан, Шукур носфурушнинг уч ўғли оиласи билан, Ямондумбобо оиласи билан, Ниёзмаматбобо оиласи билан, «Муллакичқина» қишлоғидан Нурматбоболар икки ўғли оилалари билан ва бошқалар, Саройдан Султонбой икки ўғли оилалари билан, Пайшанбадан Муллаҳамро ва Маъруфбоболар. Бу юртдошлар бир-бировлари билан келиб танишиб, борди-келди қилиб турадиган бўлдилар».

Меҳнат кўчиндиларининг миқдор жиҳатидан кўпайиш ва камайиш статистикасига мурожаат қиламиз. 1932 йил январигача 55318 нафар меҳнат кўчиндиси бўлган. Шу йил бошидан 1933 йил январигача бўлган давр оралиғида 703 киши туғилган, 303 киши янгитдан қўшилган, 1890 киши қочоқликдан қайтариб келтирилган. 3010 киши бошқа сабаблар билан қўшилган, жами



Худойназаров Нуриддин (1900—1981). Каттақўрғон шаҳридан Шимолий Кавказга сургун қилинган (1931—1941).

қўшилганлар 5906 кишидан иборат бўлган. Энди шу давр ичида камайиш қўйидагича юз берган: 2845 киши вафот қилган, 6897 киши қочиб кетган, 864 киши бошқа сабаблар билан қочган, камайганлар жами 10606 кишини ташкил этган. 1933 йил январда меҳнат қишлоқларида 50618 меҳнат кўчкисиди қолган, яъни бир йилда 4700 киши камайган¹.

Шимолий Кавказ ўлкасига сургун қилинганларнинг маълум қисми ўзларининг бу жойга ноҳақдан қулоқ қилиб кўчириб келтирилганларидан норози бўлиб аризалар билан мурожаат қилиш имконига эга бўлганлар. Мазкур масала билан шуғулланувчи комиссия тузилган. Комиссия аъзолари ҳар бир аризани ўрганиб чиқиб ўз мулоҳаза, таклифларини тақдим қилган.

Шимолий Кавказ ўлкасидаги махсус кўчирилганлардан 2041 ариза тушган. Улардан 259 аризачининг талаби қондирилиб, сургундан озод қилинган, 615 та аризани қайта кўриб чиқишга, 1167 та аризага салбий жавоб беришга қарор қилинган².

Шу билан бирга ногирон ва етим болаларни жойлаштириш, уларнинг яшашлари учун минимал даражада бўлса ҳам имконият яратишга ҳаракат қилинган.

1931—1932 йилнинг ўзида Шимолий Кавказдаги қулоқлар посёлкаларида 40 нафар етим ва ногиронлар аниқланган ва улар тегишли ҳужаликлар қарамоғига ўтказилган. Бундан ташқари 150 бола ва 454 кекса кишилар бошқалар қарамоғига ўтказилган.

Шимолий Кавказдаги «қулоқлар сургуни»да, бошқа минтақаларга қараганда, туғилиш билан ўлим даражасида катта фарқ бўлган. Масалан, 1934 йилда Ўрта Осиёдаги меҳнат посёлкаларида туғилиш 301 кишини, ўлим 518 кишини ташкил этгани ҳолда Шимолий Кавказда эса туғилиш 311 кишини, ўлим 1585 кишини ташкил қилган. 1935 йилда туғилиш кўпайиб, ўлим озайган. Ўша йили Шимолий Кавказ меҳнат посёлкаларида 1085 киши туғилган, 1134 киши вафот қилган. Бу жойдан қочганлар 1934 йилда 3906 киши бўлса, 1935 йилда 3626 кишини ташкил этган. 1935 йил 1 январда Шимолий Кавказдаги «қулоқлар сургуни»да 12975 оила (50238 жон) истиқомат қилган³.

Туғилишга нисбатан ўлим айниқса 1932, 1933 йилларда кўп бўлган, 1932 йили туғилиш 703 кишини, ўлим 2845 кишини, 1933 йили эса туғилиш 341 кишини, ўлим эса 7107 кишини ташкил этган. Бунинг сабабини қисман 1932—1933 йилларда Бутуниттифоқ бўйича юз берган қаҳатчилик, очарчиликдан ҳам кўриш мумкин⁴.

Шимолий Кавказга 1932 йил октябрида Каганович бошлиқ «жаллодлар комиссияси» келади, деҳқонлар, казаклар меҳнат сургунидагиларнинг бор-будиларини тортиб оладилар, қарши-

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 77-иш, 208-варақ.

² РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 77-иш, 85—91-варақлар.

³ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 89-иш, 40—41-варақлар.

⁴ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 89-иш, 208—209-варақлар.

лик кўрсатганларни отишади. Оқибатда казаклар қўлга қурол олиб қўзғолон кўтаради. Уни бостириш учун Қизил Армия ташланади. НКВДнинг собиқ генерали А. Орловнинг хабарига қараганда, авианос эскадрильялардан бири қўзғолончиларни бостириш учун учишдан бош тортган. Уни тарқатиб, шахсий таркибининг ярми отиб ташланади. Сиёсий бюрода Шимолий Кавказ дарёларида ўз халқини қирган ҳарбийлар мурдалари оқиб ётган, ўн минглаб деҳқонлар судсиз отиб ташланади, уларнинг катта қисми Сибирь ва Қозоғистон лагерларига юборилади. Каспий денгизи мурдалар билан ифлосланаётгани ҳақида Туркия ҳукумати советларга норозилик билдирган¹.

Хуллас, 1933 йилги даҳшатли фожеали очарчилик, қаҳатчиликда меҳнат кўчиндилари сафида йўқотиш жуда катта миқдорни ташкил этган. Шу йили Шимолий Кавказ меҳнат қишлоқларида туғилиш 341 кишини, янги қўшилганлар 619 кишини, қочоқлардан қайтарилганлар 3721 кишини, бошқа сабаблар билан қўшилганлар 5239 кишини, жами қўшилганлар 9920 кишини ташкил этган бўлса, камайиш кўрсаткичи қуйидагича бўлган: 7107 киши вафот қилган, 7109 киши қочиб кетган, 4625 киши ҳар хил сабаблар билан қочиб кетган, камайиш 18922 кишини ташкил этган. 1934 йил 1 январига келиб меҳнат кўчиндиларининг умумий сони 41616 кишидан иборат бўлиб қолган². 1934 йилда 311 киши туғилган, 871 киши бошқа ўлкалардан келиб қўшилган, 1817 киши ўлка ҳудудидан кўчириб олиб келинган, 255 киши қўшилган, қочоқликдан қўлга олиниб 722 киши қайтарилган, ўз ихтиёри билан қочоқликдан 750 киши қайтиб келган, жами 5125 киши қўшилган. 1934 йилдаги камайиш кўрсаткичлари қуйидагича бўлган: нотўғри кўчирилгани учун яна қайтарилганлар 217 кишини, бошқа жойларга кўчирилганлар 1024 кишини, бошқалар қарамоғига ўтказилганлар 162 кишини, вафот қилганлар 1585 кишини, қочиб кетганлар 3906 кишини, бошқа сабаблар билан кетганлар 1870 кишини, жами камайганлар 8764 кишини ташкил этган. 1935 йил январида меҳнат қишлоқларида 1150 оила (37977 киши) қолган эди³. Аммо йил давомида қишлоқлардаги меҳнат кўчиндилари миқдориди кескин ўзгариш юз беради.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Лагерлар давлат бошқармаси 1935 йил 20 февралда СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси В. М. Молотовга хат йўллаб, Шимолий Кавказ ўлкасидан қолган-қутган қулоқ хўжаликлари, аксилинқилобий, миллатчи унсурлар, Украинадаги қулоқлар ва Москвадаги қулоқ унсурлардан, ҳаммаси бўлиб 36000 киши кўчириляётгани, шун-

¹ Козенков Юрий. Голгофа России. Схватка за власть. Краткая хроника преступлений мирового сионизма, массонства и Запада против России от Сталина до Ельцина. Москва 2003... «Фонд национальных перспектив», стр. 35—36.

² РФДА. 9479-фонд, 1-рўйхат, 89-иш. 209-варақ.

³ Ўша архив, 218—219-варақлар

дан 750 оила (3000 киши)нинг меҳнатидан фойдаланиш учун Ўзбекистоннинг пахтачилик совхозларига юборилганини хабар қилган¹.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1935 йил 15 июлдаги йилнинг биринчи ярмида қулоқлар советларга ва унсурларни кўчириб юбориш тўғрисидаги маълумотида 1935 йил 1 мартдан 8 мартгача Шимолий Кавказ ўлкасининг Ставрополь, Терек, Доғистондаги рус районларида қолиб кетган қулоқ оилалари таркибида 15052 киши бўлгани, 3261 оилани Шимолий Кавказ ўлкасининг ичкарасидаги махсус қишлоқларга кўчириш амалга оширилгани, Дивенскдаги махсус қишлоқларга 1825 оила (8357 киши) жойлаштирилгани қайд қилинган².

1935 йил 1 январда 11500 оила (37977 киши) бўлган бўлса, 1936 йил 1 январда эса 12975 оила (50238 киши) Шимолий Кавказ меҳнат қишлоқларида сургун азобини тортаётган эди. Шу йил кўпайиш кўрсаткичи куйидагича бўлган: туғилганлар 879, бошқа ўлкалардан келганлар 53, ўлка ичидаги кўчишлар туфайли 315, оилавий муносабатлар билан келиб қўшилганлар 251, қочиб кетганларнинг ушлаб қайтарилганлари 527, ихтиёрий қайтганлар 1504 кишини ташкил этган. 1936 йилда уларнинг камайиш кўрсаткичларида шундай ҳолат юз берган: нотўғри сургун қилинганлар 124, боқимандаликка берилиб кетганлар 22, ўлганлар 1137, қочганлар 4464, суд ҳукми билан қамалганлар 165, ҳуқуқи тикланганлар 1582, бошқа сабаблар туфайли меҳнат қишлоқларидан кетиб қолганлар 1479, жами камайганлар 9563 кишини ташкил этган. 1937 йил 1 январда меҳнат қишлоқларида 12119 оила (45354 киши) яшаган. Ҳуқуқи тикланиб қулоқликдан озод бўлганлар 2533 кишини ташкил этган. Шу йилда туғилиш 1044, қочиб кетганлардан ушлаб олиниб қайтарилганлар 445, ўз ихтиёри билан қочоқликдан қайтганлар 1197, бошқа сабабларга кўра кўпайиш 628, янгидан қўшилганларнинг жами 3679, нотўғри сургун қилинганлар 109 кишини ташкил этган. 1933 йилдаги камайиш куйидагича бўлган: ўлганлар 594, қочиб кетганлар 4276, судда ҳукм қилинганлар 253, ҳуқуқи тикланганлар 4, бошқа ташкилотларга бериб юборилганлар 325, бошқа сабаблар билан камайганлар 837, жами камайганлар сони 6540 кишини ташкил этган. 1938 йил 1 январга келиб ўлкада 11477 оила (42493 киши) яшаган. 1939 йил 1 январдаги маълумотга кўра, ўлкада 11370 оила (43023 киши) меҳнат қишлоқларида истиқомат қилган. Ўша йили туғилиш 1679 кишини, бошқа ўлкалардан келиб қўшилганлар 2702 кишини, қочиб кетиб, ушланиб қайтарилганлар 182, ихтиёрий қайтганлар 700 кишини, ўқиш учун озод қилинганлар 640 кишини, 1938 йил 22 октябрдаги қарор бўйича озод қилинганлар 35 кишини ташкил қилган.

¹ РФДА. 9479-фонд. 1-руйхат, 29-иш, 19—20-нарақлар.

² Трагедия советской деревни... Т. 4. стр. 550—551.

1941 йили 11215 оила (44540 киши) меҳнат қишлоқларида яшаган, бошқа меҳнат қишлоқларидан келиб қўшилганлар 10, ўлка ичидан ишга келганлар 397, оила қуриш туфайли қўшилганлар 496, қочиб кетганлардан ушлаб олинганлар 17, ўз ихтиёри билан қайтганлар 64, турмадан озод бўлиб келганлар 46, СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1143280с-сонли қарори бўйича озод қилинганлар 542, жами келиб қўшилганлар 1509 кишини ташкил қилган. Йил охирига бориб меҳнат қишлоқларида 11251 оила (44376 киши) қолган¹.

Шимолий Кавказ «қулоқлар сургуни»дагилар дислокацияси 1941 йили қуйидагича бўлган: Дивноеда 7078, Новоромановкада 4487, Николо-Александровскда 4437, 4-сон меҳнат посёлкасида 4159, Малая Жалгада 3282, Киевкада 3281, Бело-Копанида 1230, Новая Кистада 933 меҳнат кўчкиндилари истиқомат қилишган².

1941 йил маълумотига қараганда, Шимолий Кавказ ўлкасида 11 меҳнат қишлоғи мавжуд бўлган, улардан Апанасенск районидаги Дивенск худудида 7 та, Арзгир районида 3 та, Будёний районида 1 та (4-сон меҳнат қишлоғи) меҳнат қишлоқлари бўлган. 1941 йил 1 январ ҳисобига кўра, бу меҳнат қишлоқларида 11251 оила (44376 киши) яшаган. Меҳнат кўчкиндиларининг 1941 йилдаги миллий таркибида 10218 рус, 336 ўзбек, 197 немис, 176 туркман, 113 тожик, 55 арман, 38 украин, 22 кабардин, 10 черкас, 7 грек, 6 авар, 1 белорус, 1 поляк, 1 латиш, 1 қирғиз, 1 яхудий оилалари бўлган³. Улар бу вақтда меҳнат посёлкаларида қишлоқ хўжалик артеллари аъзолари сифатида аксарият қишлоқ хўжалигида меҳнат қилганлар. Бу вақтда Дивенск меҳнат посёлкаларида 22 та, Арзгир меҳнат посёлкаларида 12 та, 4-сон меҳнат посёлкасида 4 та қишлоқ хўжалиги артеллари мавжуд эди. Меҳнат посёлкаларидан ташқарида 140 оила (937 киши) истиқомат қилиб, улар мавсумий коранда ишларда банд бўлганлар. Невиномиск канали қурилишида 42 оила (480 киши), Ворошилов шаҳридаги УНКВД маъмурий хўжалик қурилиши бўлимида 260 киши, Кисловодскдаги НКВД санаториясида 52 оила (191 киши) меҳнат қилган⁴.

Қуйидаги жадвалларда меҳнат кўчкиндиларининг жойлашув дислокацияси, уларнинг ёши кўрсатилган.

1933 йил бошларида Прикумск ва Двинск районларида жой-

¹ РФДА, 9479-фонд. 1-руйхат. 89-иш. 45—51-варақлар.

² Земсков В. Н. «Кулацкая ссылка» накануне и в годы Великой отечественной войны Социологические исследования. 1992. № 2, стр. 10.

³ Шамсутдинов Р. Ўзбек деҳқонларининг Шимолий Кавказга сургун қилиниши. «Ўзбекистон тарихи». Т., 2003, 1-сон, 59-бет.

⁴ РФДА, 9479-фонд. 1-руйхат. 77-иш. 50—91-варақлар.

Оржоникидзе (Шимолй Кавказ) ўлкасидаги меҳнат

Маъмурий район ёки марказ номи	Райко-менда-тура дисло-кация қилин-ган жой	Посёлка коменда-тураси номи ва дислока-ция қилинган жойи	Меҳнат посёлка-сининг номи	Қайси райсо-вет ёки шаҳар совети-га кир-ди ва унинг масо-фаси	Миқдори					
					Оила-лар	Одам-лар	18 ёш ва катталар		18 ёшгача болалар ва	
							эркак-лар	аёллар	3 ёшга-ча	3 дан 8 ёшга-ча
Апана-сенков райони	Див-надаги Дивен-лосёлкаси	Д и в н о е м/п	Дивное	—	1790	7074	1753	1879	663	796
		Киста посёлкаси	Киста	—	1253	5085	1374	1516	508	509
		К и е в к а	Киевка	—	774	3294	1007	974	236	224
		М а л а я	Малая	—	859	3234	873	1048	333	283
		Жалго посёлкаси.	Жалго	—	—	—	—	—	—	—
		Дербетов-ка посёлкаси	Дербетовка	—	1224	4475	1259	1392	298	387
		Н о в а я	Новая	—	—	—	—	—	—	—
		Киста посёлкаси	Киста	—	412	1712	539	499	235	163
Арзи-гир райони	Арзи-гир м/посёлкаси	Бело-Ко-пань посёлкаси	Бело-Копань пос.	—	1509	5817	1664	1659	467	484
		Ново-Ро-мановка посёлкаси	Ново-Романовка	—	1081	4299	846	674	405	726
		Петропав-ловск посёлкаси	Петропавловка	—	1159	4382	1025	1184	610	401
		Никола-Александровск.	Нико-ло ёки Александровск қиш-лоғи	—	950	4034	1030	1093	376	562
Будён-ный райони	4-сон посёлка коменда-тураси	4-сон м/п коменда-тураси	4-сон меҳнат қиш-лоғи							

1 РФДА, 9479-фонд. 1-руйхат. 92-иш. 151-варақ

қишлоқларининг 1941 йил 1 июлдаги дислокацияси¹

Бўлган ўсмирлар		Маъмурий район марказигача масофа (км қисобидан)	Қишлоқлар жойлашган жой							
			Станция, сув пристанига қанча км масофа	Темир йулга қанча км узоқда	Райондан қанча км узоқда	ОИТК-гача қанча км масофа	Қандай алоқа мавжуд	Чегарагача бўлган масофа	Қайси хўжалик органи қарамоғида	
8 дан 14 ёшгача	14 дан 18 ёшгача									
1055	928	—	1 км	1 км	—	183 км	Почта, телефон, телеграф, темир йўли ва грунт йўли (трайдер)	Туркия Эрон чегараси 1000 км.	НКВД меҳнат қишлоғи қишлоқ хўжалиги артеллари колхозлари кустар саноат.	
826	352	25 км	25 км	25 км	25 км	208 км				
414	439	37 км	Винодельное станциясидаги 33 км	33 км	37 км	159 км				
385	312	50 км	Дербетовка темир йўлидан 37 км	25 км	50 км	179 км				
596	5543	25 км	1 км	1 км	25 км	142 км				
127	108	15 км	10 км	4 км	15 км	152 км				
158	118	25 км	—	18 км	25 км	160 км				
771	7720									
918	730	45 км	Будённий т/й станциясидан 37 км	57 км	—	578 км				
419	737	35 км	47 км	47 км	10 км	580 км				
		55 км	37 км	37 км	10 км	551 км				
438	535									
		18 км	Будённий станцияси 18 км							

Оржоникидзе (Шимолий Кавказ) ўлкасидаги меҳнат қишлоқлари

№	Маъмурий район ёки марказ номи	Меҳнат қишлоғи жойлашган райкомендатура номи	Посёлка комендатуралари номлари	Меҳнат посёлкалари номи	Қайси қс-ветига ёки шв-советага қарайди	Миқдори			
						Ойлар сони	Одамлар сони	18 ёшдан катталар	
								Эркалар	айллар
1.	Апасенков райони	Дивна посёлкасидаги Дивен	Дивное посёлкасидаги Дивен.	Дивное	—	1805	6944	1729	1802
			Киста посёлкасида Киста комендатураси	Киста	—	1218	4916	1043	1441
			Киевка посёлкасидаги Киевская	Киевка	—	775	3270	747	944
			Малая-Жалга посёлкасидаги Малая-Жалга	Малая Жалга	—	846	3162	836	1007
			Дербетовка посёлкасидаги Дербетовка.	Дербетовка	—	1227	4365	1216	1378
			Новая Кистинская посёлкаси. Н. Киста.	Новая Киста	—	170	739	178	223
			Бело-Копань посёлкаси. Бело-Копань.	Бело-Копань	—	413	1694	5114	495
2.	Арзигир райони	Ново-Романовка посёлкасидаги Арзигир	Ново-Романовск	Ново-Романовск	—	1385	5093	1345	1341
			Петропавловск.	Петропавловка	—	1083	4117	758	640
			Петропавловск посёлкасида	Петропавловка	—	1109	4121	946	1093
			Николо-Александровск қишлоғида	Николо-Александровск	—	3577	1333	—	—
			Николо-Александровск	Николо-Александровск	—	948	4046	1012	1103
3.	Будённый райони	4-сон посёлка комендатураси	4-сон посёлка комендатураси	меҳнат посёлкаси	—	948	4046	1012	1103

РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 92-иш, 151-варақ.

дислокацияси (1942 йил 1 январгача бўлган маълумот)¹

18 ёшгача бўлган болалар, ўсмирлар				Меҳнаткашларнинг турар жойлари						
				Район маъмурияти-гача бўлган масофа (км)	Яқин станция ёки сув пристан-ларигача км ҳисобидаги масофа	Темир йули-га яқин-лик масо-фаси	Меҳ-нат қиш-лоғи ОИТК ўртаси-даги масофа	Дав-лат чега-раси-гача бўлган масо-фа	Қайси хўжалик орган-ларига меҳнат қишло-ғига қарайди	Қайси халқ комис-сарли-гига қарай-ди.
3 ёш-гача бўл-ган-лар	3 ёш-дан 8 ёшгача бўл-ганлар	8 ёш-дан 14 ёшгача бўл-ганлар	14 ёш-дан 18 ёшгача бўлган-лар.							
670	823	1061	859	—	ст. Дивен 1 км	1 км	200	Эрон	Меҳнат	НКВД
536	474	931	491	35 км	ст. Дивное 35 км	35	—	Тур-кия	қўчин-дилари	
306	420	414	439	45 км	Дербетов-ка 35 км			Чега-раси 1000 кмга-ча	қулоқ хўжа-лиги артел-ларида,	
369	285	384	281	56 км	Дербетов-ка қиш-лоғи 35 км	35	56		кустар саноат артел-ларарида	
347	359	552	513	25 км	Дербетов-ка станци-яси 2 км	25	175		УНКВД совхоз-ларида,	
92	58	109	79	18 км	Дербетов-ка ст. 15 км	1 дан 5 км-га 18	180		меҳнат қиладил-лар	
263	165	160	97	30 км						
421	578	747	661	45 км	Будёновск те-мир йўл стан-цияси 45 км	45 км	578			
424	717	913	665	35 км	Бу ҳам 47 км	47 км	580			
593	388	401	700	55 км	Бу ҳам 77 км	10 км	570			
—	—	—	—	—						
552	485	531	—	18 км	ст. Будё-новск 18 км	18 км	551			

УНКВД ОИТК бошлиғи давлат хавфсизлиги комитети лейтенанти Цекур (Алтекман).

лашган собиқ бой қулоқ хўжаликларидан 4 та низомсиз артеллар ташкил этилади. Аммо ўша 1933 йилги даҳшатли очарчилик ва бошқа сабабларга кўра бу артеллар қишлоқ хўжалиги солиғини тўлашга ва давлатга ғалла ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаб топширишга қодир эмасдилар. 1934 йилда ҳам жуда паст ҳосил олинган. Бу артеллар озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжларни қондираолмаганлар ва зарур қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш воситаларини сотиб ололмаганлар. Шу боис улар қишлоқ хўжалик солиғи, йиғинлар ва давлатга тўла равишда топширилиши керак бўлган (пахтадан ташқари) қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаб топшириш имконига эга эмасдилар. Бу артелларнинг мустақамланиб олишлари учун бир йил мобайнида қишлоқ хўжалик солиғи, йиғимлар ва давлатга тўла равишда топширилиши керак бўлган пахтадан ташқари бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаб топширишдан озод қилиш масаласи Иттифоқ ҳукумати олдига қўйилди. СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги ва ОГПУ В. М. Молотовдан Шимолий Кавказ ўлкасининг Прикумск ва Дивинск районларидаги бой низомсиз қишлоқ хўжалик артеллари (пахтадан ташқари) бир йил мобайнида, яъни 1935 йил 1 январгача қишлоқ хўжалик солиғидан, йиғимлар ва давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширишдан озод қилинишини сўрайдилар. Бу илтимос қондирилади¹.

Айни вақтда Шимоллий Кавказда жойлаштирилган бошқа қишлоқ хўжалик артеллари ва якка хўжаликларни 2 йил давомида давлатга чорвачилик маҳсулотлари топширишдан озод қилиш масаласи ҳам қўйилган эди. Бироқ бу хўжаликлар бир неча йил давомида яшаб келаётганлиги эътиборга олиниб уларни чорвачилик маҳсулотлари топширишларидан озод қилишга ҳукумат розилик билдирмайди. Шуниси диққатга сазоворки, пахтачилик билан шуғулланган ўртаосиёлик меҳнат кўчкиндилари Шимолий Кавказда ҳам, Украинада ҳам, Қозоғистонда ҳам солиқ тўлаш, давлатга маҳсулот топшириш борасидаги ана шундай имтиёзлардан маҳрум бўлганлар, юқоридаги енгилликлар уларга тааллуқли бўлмаган.

Собиқ Терек округи ҳудудидаги Петропавловск, Ново-Романовск ва Николо-Александровск ва собиқ Ставрополь округи ҳудудидаги Дивное, Дербетовка, Киста, Малая Жилга, Киевка, Бело-Копань ва Новая Киста қишлоқлари қулоқлар жойлаштирилладиган жойлар бўлган. Бу қишлоқлардаги меҳнат хўжаликлари артеллар томонидан аввал қишлоқ ва станицалардаги қулоқларга қарашли энг яхши ерлар, усальба ва уйларга кўчирилган.

1933 ва 1935 йиллари Шимолий Кавказнинг миллий вилоятларидан бу вилоятларда колхозларни тозалаш ва ғалла тайёрлашга саботажлик қилаётган қулоқ хўжаликлари кўшимча равишда кўчирилган¹.

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 20-иш, 11—12-варақлар.

Г. Г. Ягода 1934 йил 15 декабрда Ички ишлар халқ комиссарлиги Шимолий Кавказ ўлкаси бошқармаси бошлиғи И. Я. Дагинга кулоқ хўжаликларини кўчириш тўғрисида махфий директива йўллайди. Шимолий Кавказ чегарасидаги Ставрополь, Терек ва Доғистоннинг рус районларидан қолиб кетган кулоқ хўжаликларидан 3500 хўжалигини Дивное ва Прикумск махсус қишлоқларига кўчиришга юқори директив органлар рухсат берганлиги қайд этилган. Кўчириш 1935 йил июнида кечиктирилмасдан амалга оширилиши кўрсатилган. Бу сургун қуйидаги асосларда амалга оширилган:

Биринчидан, фақат ҳақиқий кулоқ оилаларигина кўчирилиши керак эди. Советларга ижтимоий жиҳатдан яқин турган қизил партизанлар, қизил аскарлар оилалари, ижтимоий аҳволи ўзгариб турувчилар, чет эллик фуқароларнинг кулоқлар номи остида кўчириб юборилишига мутлақо йўл қўйилмаслиги уқтирилди.

Иккинчидан, кўчириладиганлар қатъиян якка тартибда танлаб олинган. Кўчириладиганларни расмийлаштириш ОГПУнинг 1933 йилдаги 042-сонли буйруғи асосида амалга оширилган. Ҳар бир оилани кўчириш НКВД маҳаллий органининг қарори билан амалга оширилган.

Учинчидан, ўз таркибида камида меҳнатга лаёқатли бир эркак киши бор оилаларгина кўчирилган. Айрим ҳолатларда ўлканинг ичкарисига ёш болалари бўлмаган меҳнатга лаёқати бор аёллар ҳам кўчирилган.

Тўртинчидан, кўчириладиганлар ҳар бир оила икки ойлик озиқ-овқат маҳсулотлари билан, жумладан, йўл давомида етадиган миқдорда ёпилган нон билан, оддий қишлоқ хўжалик инвентарлари билан, ҳар бир беш оила биттадан от билан таъминланган.

Бешинчидан, кўчириладиганлар ўзлари билан кийим-кечак, оёқ кийими, уй-рўзғор буюмлари, кустар-ҳунармандчилик қуроллари олганлар. Ҳар бир оила учун юкларнинг умумий оғирлиги 30 кг пуддан ошмаган миқдорда бўлган, улар ўзлари билан чекланмаган пул олишлари мумкин бўлган.

Олтинчидан, Шимолий Кавказ ўлкасининг ичидаги кўчириладиганлар учун уй-жой тайёрлаш даражасига қараб амалга оширилган.

Еттинчидан, Прикумск районига кўчириладиганлар учун Ўрта Осиёдан келтирилган меҳнат кўчиндилари яшаётган 3-сон пахтачилик совхози майдони бутун қурилиш ва инвентарлари билан ажратиб берилган. Янгидан ташкил топаётган қишлоқ хўжалик махсус қишлоқларига пахтачилик билан шуғулланиш бўйича йўналиши берилган.

Саккизинчидан, Шимолий Кавказ ўлкасидан ташқарига кўчириладиганлар Жанубий Қозоғистон ва Ўзбекистонга жўнатишган, жўнатиш эса эшелонлар билан амалга оширилган. НКВДнинг

¹ РФДА. 9479-фонд, 1-руйхат, 77-иш, 91—92-варақлар.

Шимолий Кавказ ўлка бошқармаси эшелонларни соқчилар ва комендантлар билан таъминлаган. Эшелонлар коменданти қилиб давлат хавфсизлик ходимлари тайинланган¹.

Ўз-ўзидан равшанки, бу кўчириш шу вақтгача Шимолий Кавказда сургун муддатини ўтаётган ўртаосиёлик меҳнат кўчиндиларининг умумий яшаш аҳволига салбий таъсир кўрсатган. Усиэ ҳам аҳволи оғир бўлган бу юртдошларнинг турмуш кечиришлари янада оғирлашган.

1934 йил 1 ноябрдаги маълумотда келтирилишича, Шимолий Кавказ ўлкасидаги меҳнат кўчиндиларидан 1698 тасини ҳуқуқлари тикланган, улардан 399 таси ўлка меҳнат қишлоқларида қолганлар².

СССР Халқ Комиссарлари Совети 1935 йил 20 апрелда «Украина ССР, Шимолий Кавказ ўлкаси ва Москвадан сургун қилинаётганларни хўжалик жиҳатдан жойлаштириш тўғрисида» мафий қарор қабул қилади. Унга кўра, Шимолий Кавказ ўлкасининг Прикумск ва Дивенск районларига 14 минг киши, Ўзбекистон ССР га 3 минг киши жойлаштириладиган, бунинг учун бу жойларда меҳнат қишлоқлари ташкил этиладиган бўлади. СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига Шимолий Кавказ ўлкаси районларида жойлаштириш учун турар жойлар қуришни амалга ошириш ва барча контингентларни ўша жойларга ташиб келтириш юклатилади. Прикумск ва Дивенск районларига жойлаштириладиган шахсларни қишлоқ хўжалиги жиҳатдан (ҳайвон, уруғлик ва бошқа қишлоқ хўжалик инвентарлари билан) таъминлаш ва-зифаси ҳам юклатилади.

Тегишли иттифоқчи республикалар Соғлиқни сақлаш ва Халқ маорифи комиссарлиқларига Шимолий Кавказ ўлкасига кўчириб жойлаштирилаётганларга тиббий, санитариявий хизмат кўрсатиш, маданий-тарбиявий тадбирлар ўтказиш топширилди.

Кўчириб келтирилганлардан ташкил топадиган артел ёки якка хўжаликлар барча солиқлардан, тўловлардан ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширишдан 4 йил муддатга озод қилиниши ҳам қарорда кўрсатилади³.

ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР ХКСнинг 1935 йил 15 октябрдаги 2663-сонли қарорига кўра Шимолий Кавказдаги меҳнат кўчиндиларидан 102 киши, ГУЛАГнинг меҳнат кўчиндилари бўлими ва прокуратура қарори бўйича 61 киши, Ички ишлар халқ комиссарлиги қошидаги махсус кенгашнинг 1941 йил 12 апрелдаги қарори билан 93 киши меҳнат кўчиндилигидан озод этилиб Невиномиск канали қурилишига зарбдор иш учун сафарбар этилган. СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги

¹ Трагедия советской деревни... Т. 4. стр. 339.

² РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 29-иш, 14-варақ.

³ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 480-иш, 227—229-варақлар.

1143—280-сонли қарорига кўра эса 1160 киши меҳнат кўчиндилигидан озод қилинган.

1941 йил 11 майгача бўлган даврда Оржоникидзе ўлкасидан 793 оила, Краснодар ўлкасидан 750 оила, Ўзбекистондан 362 оила, Ростов вилоятидан 201 оила, Тожикистондан 74 оила, Туркменистондан 37 оила меҳнат кўчиндилигидан озод қилиш учун расмийлаштириб қўйилган эди. Аммо бошланиб кетган уруш бу ишнинг амалга оширилишини тўхтатиб қўйди. Лекин 1941 йилнинг I-кварталида Шимолий Кавказдан 551 киши озод этилган. Бу жойдаги меҳнат қишлоқларидан ўзларининг озод этилишини сўраб кўплаб меҳнат кўчиндиларининг аризалари келиб тушаверган. Бироқ бу аризалар қараб чиқилмай қолиб кетган¹.

Меҳнат кўчиндиларининг турмуш ва турар жойлари оғир шароитда эди. Улар сомондан қилинган уйчаларда 2—3 оила бир бўлиб кун кечирганлар. Будённый районидаги 4-меҳнат қишлоғи ва Апанасенков районидаги Новая Киста қишлоқларидан ташқари барча меҳнат қишлоқларидаги шароит мутлақо яроқсиз бўлган, меҳнат кўчиндилари учун шароит чидаб бўлмайдиган даражада оғир эди. Бу жойларда янги турар жойлар қурилиши олиб борилмаган. Бунга қурилиш материалларининг йўқлиги, колхозлар раҳбарияти ва райзонинг ташкилий соҳалардаги укувсизлиги, лоқайдлиги сабаб эди.

Когонлик Ҳамробиби Азизова Шимолий Кавказ сургунидаги фожеали кунларни мана бундай эслайди: «...Бу ердаги пахтачилик колхозида сургундагилар оғир меҳнат қилишарди. Ота ва оналаридан ажралиб қолган 4—5 қиз болалар нима қилишимизни билмай юрардик. 13—14 ёшлардаги бизлар мислсиз оғир шароитда яшардик. Бир кун Санго биз қизларни уйга қамаб, устимиздан қулф солиб қаёққадир кетди. У кетаётиб бизлар ҳаммамиз болалармиз, бу жойда ўғри ҳам бор, тўғри ҳам бор, бизларни ўлдириб юборишлари ҳам мумкин, шунинг учун мен келгунча эшикни очмай ўтиринглар деди. Унинг ёнида бир жўраси бор эди. Амакиваччам Санго 3—4 кундан кейин келди. Акажон, қаерда эдингиз, деб сўраганимизда болалар уй-



Ғайбуллаев Шамсиддин, Ҳамро Азизова, қизи Пулатхон, ўғли Назрулло, набираси Дилбархон. Когон, 1972 йил.

¹ РФДА. 9479-фонд. I-руҳхат, 77-иш. 92—93-парақлар

ига бориб келганини айтди, сизларни ўша жойга олиб бораман деди. Биз 4 нафар қизларни аравага ўтказиб болалар уйига олиб борди. Биринчи ва саккизинчи сотник (юзлик)да болалар уйи бор экан. Бизларни 8-сотникдаги болалар уйига топширди. Амакимнинг бир қизи Фотима, яна бир амакимнинг 2 та қизи ва мен болалар уйида жойлашдик. Ҳаммомга олиб киришди, битлаган сочимизни қириб ташлашди, кўйлак, иштон беришди. Биримиз 4-синфга, иккитамиз 3-синфга, биримиз 1-синфга бўлидик. Болалар уйида 2,5—3 йил яшадик, мактабда ўқидик.

Сургун қилинган 24 нафар жондан мен, опам, амакиларимнинг угли Сано ва 2 қизи қолган эдик. Опам Пўлатой пахта теришга олиб кетилгани сабабидан бизларнинг болалар уйига топширилишимиздан беҳабар қолган эди. У пахтадан қайтиб болалар уйига келганида кўришдик. Опам бизларни олиб кетмоқчи бўлди. Тарбиячимиз кўнмади, бу қизларни қаерга олиб борасиз, улар бу жойда овқатланяпти, ўқишяпти, деб жавоб бермади. Амакиваччам Сано Назаров болалар уйида аравакаш эди, озиқ-овқат ташир эди. Болалар уйдан Сано кетганидан сўнг иккита қиз қолдик, яна битта жияним Фотима яра чиқиб шу болалар уйида ўлди. Ўзлари гўр кавлаб, ўзлари кўмишди. Шундан кейин мен опамнинг олдига қочиб келдим. Чунки болалар уйида ҳеч ким қолмагани, акам кетган, жияним ўлган эди. Опам Пўлатой биринчи сотникда турарди, комбайнда ишларди.

Меҳнат сургунидагиларнинг ўзлари билан яширин йўл билан олиб олган тилла буюм, тақинчоқларини, тиллаларини давлатга мажбурий йиғиб олиш кампанияси ҳам амалга оширилган. «Тилла менда йўқ деганларни, — деб эслайди Эрназар ака, — уйлари тинтув қилинар, ўзларини уриб ҳақорат қилар ва олиб кетиб қамардилар. Тилласи борлар қўрққанларидан борки тиллаларини ички ишлар комментураларига олиб бориб топширардилар, тилласи йўқлар топширмаганлари учун калтакланар, таёқ, қийноқ зарбидан ўлиб кетар, қамоққа олинарди. Абдуҳаким акамнинг қайнисининг 40 дан ортиқ тилласи янгамиз — Ҳикматхон аямизнинг қўлида экан, бундан акам беҳабар эдилар. Ички ишлар бўлими Ҳикмат янгамизни ҳам 15 кун қамаб тиллаларини топиб оладилар ва кейин янгамизни қамоқдан бўшатадилар».

Экспедициянинг 2001 йил октябридаги сафарида каттақўрғонлик зиёлилардан Абдулазиз Зубайдуллаев билан учрашиб унинг бобоси, отаси бошига тушган фожеалар видеотасмага ёзиб олинган. 1932 йили унинг отаси Қори Муҳаммад Расул Шимолий Кавказда сургундалиги чоғида бобоси Зубайдуллаҳужани қамоққа оладилар. У киши Каттақўрғон турмасида ётади. Ўшанда турмада ҳар куни камераларга тиббий ходим кириб, кузатув ўтказиб турган. Ҳар хил баҳоналар ишга солиниб кунига бир неча киши турма касалхонасига ўтказилиб турилган. Касалхонадан ҳеч ким тирик чиқмас экан.

Турмадаги аравакашлардан бири Зубайдуллаҳужанинг касал-



Қори Муҳаммад Расул.



Зубайдуллаев Абдулазиз (1938 йил).

хонага ўтказилганлиги ҳақида унинг ўғли Муҳаммад Аминга хабар қилади ва кечаси соат 1—2 ларда Лагерсой йўлига чиқиб туришларини тайинлайди. Арава етиб келгач, бир неча мурдалар орасидан Зубайдуллахўжани ажратиб оладилар ва Эшонмозор масжидига олиб келадилар. Ҳаво ниҳоятда совуқ бўлишига қарамасдан эрта тонгда энг яқин кишилар иштирокида ювиб, кафланлаб, жанозасини ўқиб, дафн этадилар.

Зубайдуллахўжанинг Муҳаммади, Муҳаммад Амин, Муҳаммад Расул, Муҳаммад Шариф (Ўлмасхон) ва Ойшабиби исми фарзандлари бўлган. Булардан фақат Муҳаммад Расул бойнинг куёви бўлганлиги учун сургун қилинган эди.

Қори Муҳаммад Расул Шимолий Кавказнинг Будёновск, Махачқалъа, Нальчик, Моздак, Ново-Александровск, Прикумскдаги жойларида сургунда бўлган. У ўз саргузаштлари, билганларини ўғли Абдулазиз акага сўзлаб берган: «Дала бригадалари тузилганди. Одамлар қишлоқдан ўн чақиримча наридаги баракларда яшаб, меҳнат қилишарди. Улар экинлар батамом йиғиштириб олинганидан кейингина қишлоққа қайтишарди.

1931 йилнинг охирларида негандир уйлар қайта тинтув қилиниб, олтин ва шунга ўхшаш қимматбаҳо буюмлар тортиб олинди. Бундай нарсалари бўлмаган одамлар ноҳақ калтакланди, қамалди, аҳоли қаттиқ азият чекди. Натижада ота-онаси ўлган, қамалган етим-есирлар кўпайди, турмуш янада ночорлашди. Устига-устак, 1932 йилнинг охирларида очарчилик, қаҳатчилик бошланди. Егулик нарсаларни пулга ҳам топиб бўлмас эди. Одамлар ўлган мол, от, қуён гўштларини пишириб ейишга мажбур бўлдилар. Мол терисидан бўлган супраларни ҳам

қайнатиб едилар. Қандайдир юқумли касаллик тарқалиб, бутун бошли хонадонлар қирилиб кетди. Ҳаммаёқни сичқон, каламуш, курту қумурсқалар, далаларни чигиртка, юмронқозиклар босиб кетди. Уша йили аҳли-аёлим узоқ давом этган касалликдан вафот қилди.

Ҳар куни ўлган одамлар жасадларининг бир нечтасини арваларга саржин шаклида ортиб мазор жойларга олиб боришар, у ерга аввалдан қазиб қўйилган катта-катта чуқурларга ағдаришар ва устига озгина тупроқ ташлаб қайтишарди. Эртасига яна шу аҳвол. Чуқурлар батамом тўлгач, устига тупроқ тортилиб, кўмиб ташланарди. Яқин кишиси бўлмаган кўлаб одамларнинг жасадлари ювилмасдан, жаноза ўқилмасдан, кафансиз кўмилиб кетди».

Абдулазиз аканинг эслашича, унинг отаси Муҳаммад Расул қорихонада, мактабда, Бухородаги Кўкалдош, Мирараб мадрасаларида ўқиган, 1920 йилдан Каттақўрғон шаҳрида имомлик қилган, Хоиб тахаллуси билан ижод қилган, унинг илк шеърлари 1924 йилдаёқ «Маҳдий баёзи»дан ўрин олган. У русча ўқиш ва ёзиш, сўзлашишни билган. Шу боис сургундалигида Қори Муҳаммад Расул аввал қишлоқ хўжалиги артели, сўнгра колхозда раҳбарлик ишларига аралашиб кетган: сотник (юзбоши), бригадир, сут йиғиб топширувчи экспедитор бўлиб ишлаган. Ҳикматулла Авазов деган етим болани уйига олиб келиб, ўз ўғлидек тарбиялаган. У ниҳоятда истеъдодли, шоиртабиат, шўх-шаддод бола бўлган. Асли Жом қишлоғидан бўлган ана шу Ҳикматулла вояга етгач, урушга кетиб, қайтиб келмаган.

Уша сургундагилар бошига тушган оғир мусибат, фожеали ҳолатни Қори Муҳаммад Расул шундай эслаган: «...Уйлардан, одамлардан хабар олиб юрамиз. Ёлғиз ўзи қолган қизлардан бир нечтаси «Қори тоға ёки қори амаки бирор кишига турмушга беринг, йўқса очликдан ўлиб қоламан», дея ялиниб ёлворишарди. «Она қизим, сени ҳозирги шароитда ким ҳам олади. Бунинг асло иложи йўқ, сабр қил, қизим, сабр қил», дея яхши гаплар билан кўнглини кўтаришга ҳаракат қилардик. Эртаси куни бориб қарасак, ўша қиз бошгинасини остонага қўйган ҳолда ўлиб ётган. Уйма-уй юриб, ўликларни олиб чиқиб кўмардик. Сургундагилар орасида танлаб олиб қўйилган раҳбарларга ҳам жуда қийин эди. Ҳар куни кечқурун ГПУ, кейинчалик НКВД идораси вакилининг ҳузурда ҳисоб-китоб йиғилиши бўлган. Арзимаган гап учун, масалан, бирорта киши касаллиги туфайли ишга чиқолмаса ёки кимдир режадаги ишни уddалай олмаса бригадир юзбошиларни колхоз омборига қамаб қўйишган. Тўғри, иш бошидан келган бригадир оч ҳолда шу ерда қамалиб ётиб, эрталаб яна ишга кетаверган. Ҳар куни тақдорланиб турадиган ҳақорат, сўкишлар, дўқ-пўписалар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Бир куни хавфсизлик идораси мени колхоз саройига қамаб

кетади. Қоронғидан «Қори ака, келинг, мана бу похолни тўшаб олинг, мени ҳайдаб келаётган пайтда даладаги ғарамдан бир қўлтиқ олиб кирган эдим» деган таниш овоз эшитилади. Бу киши асли пайшанбалик бўлган юзбоши Мулло Ҳамроқул деган киши экан. Бундай қамашлар ҳафтада икки-уч маротаба такрорланиб турарди. Бир сўз билан айтганда, ўша йиллари ватанларидан ноҳақ бадарга қилинган одамлар ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан қийналган, хўрланган, шаъни вайрон қилинган эди, қадриятлар топталган, оёқости қилинган эди. Расм-русумлар, тўй-маъракалар ўтказиш қатъиян тақиқланганди. Одамлар энг зарурий маросимларни ҳам ўтказа олмаганлар. Масалан, никоҳ ўқитиш, болаларни хатна қилиш сингари удумлар мутлақо маҳ-файр ҳолда, кечалари амалга оширилган. Биз ана шундай тadbирларни ташкил этиш ва ўтказишга бош-қош бўлган эдик. Бир кечада олти-етти хонадонга устани эргаштириб бориб, болаларни суннатга ётқизганмиз»¹.

Сургундаги қурбонларни Ширинхон Паноева (Ўринова) мана бундай эслайди: «У ерда ота-онамиз оғир меҳнат билан шуғулланишди. Отам касал бўлиб қолди ва машинага солиб қаргадир олиб кетишди, Отам вафот этди, укам Дониёр ҳам вафот этди, у 3 ёшда эди. Ойим тепага хат йўллаб озод этишларини сўради, улар рухсат берди, лекин ҳеч нарса бермади, на йўлкира, на озиқ-овқат, қандай кетсаларинг кетаверинглар дедилар. Биз Ўзбекистонга пиёда келдик, ойим, мен ва бир аёл қизи билан. Ватанга қайтиб келганимизда давлат уйимизни олиб қўйган экан. Бизни киритишмади. Ойим колхозда ишладилар. Мени 15 ёшимда бир бойга узатишди, у кишининг 3 та хотини бўлиб, улардан фарзандлари йўқ эди. У киши 60 ёшда эди. Менинг 6 фарзандим, 2 ўғил, 4 қизим, улардан эса 40 та набирам, 20 та чеварам бор».

Самарқанд тумани Толибарзу қишлоғида яшаётган собиқ меҳнат кўчиндиси Марҳабо Эшонқулова Ўзбекистондан борганларнинг Шимолий Кавказ сургундаги ҳаёти, турмуш аҳволи ҳақида мана буларни эслайди: «...Шимолий Кавказнинг Прикумск райони тоғ ортидаги даштлик — воҳа экан. Чўлнинг ўртасидаги иккита пешайвонли тош, харсангдан қурилган уйда жойлашдик. Эркаклар чодир қуриб далада ётиб турадиган бўлишди. Тоққа яқин жойда биттагина қудуқ бор. Ҳаммаёқни тикан, ёввойи ўтлар босиб кетган, атрофда паст-баланд тепачалар, жарлик. На ариқ бор, на бир канал. Кечалари зим-зиё, ваҳимали, йиртқич ҳайвонлар ва ҳашоратларнинг ҳаммасидан бор.

Биз бу ерда деҳқончилик қилиб, турмуш кечира бошладик. Кишига омад келмаса қийин экан. Ўша йили шундай қимматчилик ва қаҳатчилик бўлдики, ҳаммамизнинг тинкамизни қуритиб

¹ Абдулазиз Зубайдуллаҳўжаевдан 2002 йил октябрида ениб олинган эсдалик. «Ҳилал» газетаси, 2001 йил, 14—21 май.

юборди. Боз устига катта-катта, баҳайбат оч каламушлар бирам кўпайиб кетдики, уларнинг дастидан на овқатланиб бўларди, на тинч ухлаб, каламушлар бор будимизни талаб, кемириб ташлади.

1933 йилнинг март ойи эди. Биз қулоқ оилаларни бошқа районга кўчиришди. У ерда пахта экиларкан. Отамни бригадирликка тайинлашди. Дастлаб бизларга 2 хонали уй беришди. Пешайвон, оғил ҳам бор эди. Сўнгра яна уйимизга 2 оила кўчиб келди. Ҳаммамиз бир қозон, бир дастурхонда овқатланидиган бўлдик.

Отам шулар ва бошқа аъзолари билан ҳафта-ўн кунлаб далада қолиб кетар, мен эса олис даштда отамга ҳар куни пиёда юриб, овқат олиб борардим. Гоҳида гўза оралаб бориб, отамни аранг топардим, улар дала бошидаги зах қоронғи ертўлада туришарди. Шундай ертўладан эркакларга 3 та, аёлларга 2 таси бириктирилган эди. У ерда айниқса аёллар, болаларнинг ғарибона аҳволини кўриб, ич-ичимдан ачинардим.

Инсон танасидаги ҳар бир нарсанинг табиатан ўз ўрни, ўз вазифаси ва, биринчидан, ҳусни ҳам бўлар экан. Бироқ, аёл кишининг ёки бўйи етган қизнинг сунбул сочи устарада таг-тубидан қириб ташланса, жуда хунук кўринаркан. Шунақаси фақат Иккинчи жаҳон урушида, немисларнинг аёллар лагерида бўлган дейишади. Мен эса уни урушдан 8—10 йил олдин собиқ Иттифоқда, Шимолий Кавказда, тўғриси айтсам, қатагон бўлган ўзбек, тожик ва бошқа миллат аёлларининг зах ертўлаларида, тахтали баракларида кўрдим. У ердаги комендант ва дўхтирининг гапи билан барча 70 нафар аёлу қизларнинг сочлари бир кунда қирқиб ташланди. Сабаби, кир совуннинг йўқлиги, кийимлари, баданларни вақтида ювмаслик, тоза сувнинг тақчиллиги ва ҳар хил тери касалликлари туфайли ҳамма битлаб кетганди»¹.

«Отам Ражаб Дўстмуродов, — деб эслайди Эгамназар, — ҳовлимизга акамлар ва кўшнилари, таниш-билишларни тўплаб шундай насиҳат қилган эди: Давлатимиз бизларни бола-чақамиз билан 10—15 кунлик йўлга олиб келиб ташлади, мана ҳовли, уй-жой билан таъминлади, бола-чақани ташлаб қочманглар, деҳқончилик қилинг, артелда ишланг, ишлаган кишига нон ва ойлик берар экан. Шунда отам Абдуҳаким акамга шу бугуноқ бир бош сут берадиган сигир рўзгорингиз учун сотиб олиб келинг, деб буйруқ қилди. Эртасига қаердан бир уч бош сут берадиган сигир сотиб олиб келинди. Бирининг эгиз боласи бор, учаласи ҳам говмуш сигирлар, уч марта соғиларди, бир кунда уч сатилдан сут берарди. Бир бош сигир ўзимизда қолди, бир сигир Шодмон карвоннинг ўғилларига, бир бош эгиз боласи билан акамнинг қайниси Қобилов Юсуфга берилди.

Бир оз вақт ўтгач, акам Абдуҳаким дала бригадасига брига-

¹ «Қишлоқ ҳаёти», 2002 йил, 4 октябрь.

дир, кичик акам Абдухалил икки ҳўкиз қўшилган фургон арава-
да аравакаш бўлди, отам артелнинг бир жойини кундузги қоро-
вуллигини олди. Ишга яроқли аёллар артелда ишлай бошладилар.
Шу тариқа тирикчилик ўтаверди.

1932 йил баҳорига соғ-саломат чиқиб олдик. Бу ернинг баҳори
апрель-май бўларкан, икки янгамиз пахтачилик бригадасига
чиқиб ишладилар. Пахтачилик бригадаси 4 км дан 8 кмгача ма-
софани ташкил этарди, ўша жойда ётоқ учун «барак» биноси
солинган, ҳамма шароит яратилган, баракда ётиб қолиб ишла-
нарди, ҳафтада бир кун уйга келиб кетилар эди. Эркаклар эса
ундан ҳам узоқда «полеводческий бригада»да буғдой, арпа (чай-
жуғори) зиғир, индав, бошқа экинлар экар, парвариш қилиб,
ҳосилни йиғиштириб оларди. Улар ҳам бир ҳафтада бир кун уйга
келиб кетардилар. Бундай аҳвол экин экиладиган даврдан ҳосил
йиғиштириб олингунга қадар давом этган, бошқа вақт эса уй-
ларда яшашган. Қишда қор жуда кўп ва катта бўлар, пастроқ
якка уйларни қор бутунлай кўмиб кетарди. Эрталаб кўни-кўшни
бир бўлиб қор кураб, йўл очиларди, йўлларнинг икки бети
қордан девол бўлиб кетарди. Одамларнинг қишда қиладиган
иши — йўл очиш, қор кураш, экиладиган экин майдонларида
қор сақлаш учун тўсиқ ва иҳоталар қилиш билан ўтарди. Чунки
лалмикор ерларда оқар сув йўк, фақат ёмғир ва қор суви билан
деҳқончилик қилинарди.

Артеллар колхозларга айлангач, чорва ҳўжалиги ҳам пайдо
бўлди. Чорва қорамол, қўй, эчки, от, чўчқа ва паррандалардан
иборат эди. Чорва моллари қишлоқда сақланар, ёзда ҳар хил ўт
билан, қишда сомон, похол билан озиқлантириларди».

Меҳнат сургунидагилар ичида ишнинг кўзини биладиган, тад-
биркор, меҳнаткаш, ҳўжалик юритишни, деҳқончилик қилишни
биладиганлар ҳам кўп бўлган. Эгамназар Ражабов шундай эслайди:
«Биз турган қишлоқда 150—200 ҳўжалик бўлса, шундан 10—15 ҳўжа-
лик ҳовли орқасидаги томорқа ерларга ҳар хил экин экканлар хо-
лос. Қолганлар барибир яқин орада жавоб беради, ўз юртимизга
қайтамыз деган умид билан ҳеч нарса экмаганлар. Бизнинг отамиз
экин экканлар, ҳовли ва томорқа бўлиб қарийб бир гектардан ор-
тиқ ерни бир ўзлари лапатка, белкурак билан (у ерда кетмон бўлма-
ган) ерни оғдариб, Ўзбекистондан, ўзи туғилган қишлоқдаги Са-
парова Шакар холамиз орқали почта посилкаси билан сабзи, пиёз,
нос бўладиган кўк тамаки, бодринг, ҳандалак уруғлари олиб деҳ-
қончилик қилган. Маккажўхори, тарвуз ҳам эккан. 1932 йил кузида
юқори ҳосил кўтарилди. Еб-ичгандан ташқари қишлоққа захира
қилиб энг каттаси 80 килограммик 600 дона рус половкади, 15
халта маккажўхори, 4 пуд кўк тамаки, бир қанча тарвуз олиб қўйилди.
Қишда қорамол ва қўйлар ейдиган бир катта ғарамда кўк шўра
босиб қўйилди. Фарамнинг узунлиги қарийб 15, эни 4—5 метр, ба-
ландлиги 4 метр эди.

1932 йилдан 1933 йилга ўтар қишида очарчилик бошланди.

Нон-дон йўқ, артелда ишлаган кишига 200 граммдан арпа уни берган, аравага қўшиладиган бир бош ҳўкизга 4 кгдан арпа уни берилган. Қишда ишлайдиган иш ҳам йўқ ҳисоби. Одамлар фақат қор кураб йўл очадилар, озроқ чорвачиликда ишлайдилар.

Қишлоқ атрофига қуролланган отлик қоровуллар қўйилган, ҳеч кимни қишлоқдан далага чиқиб бирор нарса топиб келишга йўл қўймайдилар.

Одамлар қўлида тугун-тугун қоғоз пул ва тангалар, ҳатто олтинлар ушлаб, бирор егулик нарса тополмайдилар. Бу аҳвол 1933 йилда янада оғирлашди. Одамлар ўлган мол, от, қуён, ҳатто мушук, теридан тикилган сурпаларни пишириб едилар. Кўп кишилар уй-уйлари билан очликдан ўлиб кетдилар. Шу 1933 йилда одамлар ичига қандайдир «вабо» касали ҳам келди, ҳаммани бит босиб кетди, ҳовлилар тўла сичқон, далалар юмронқозиқ ва чигиртка билан ёпилиб кетди.

Одамлар пахта чопигини тўхтатиб ҳамма қатори қўлларида шишада дори, қўлларида қамишдан даста-даста нунчўп билан юмрон қозиқларнинг уясини топиб, нунчўпни тиқиб чиқадилар. Ўлган одамларнинг жасадини ҳўкиз қўшилган аравага бир нечтасини саржин шаклида ортиб қабристонда аввалдан қазиб қўйилган катта-катта ҳандақларга ағдариб, озгина тупроқ ташлаб келинади, қачонки ҳандақлар ўлик билан тўлгандан кейин кўпроқ тупроқ тортилиб кўмиб қўйилган. Орқасида одами йўқ ўликлар ювилмасдан, кафанланмасдан, жаноза ўқилмасдан кўмилиб кетилган.

Қабристонда Нарпай райони Кўкота қишлоғидан сургун қилинган Турдихўжа Эшонбобо қоровул эди. У кишига икки хонали қоровулхона солиб берилган эди, фарзанди йўқ эди, фақат чол-кампир иккаласи эди. Раҳми келса, ўлган одам обрўйлироқ бўлса, майитни уйининг бир хонасига олиб кириб, ювиб, кафанлаб, жанозасини ўқиб берарди, ўзи эркакларни, кампири аёлларни ювиб, кафанлаб берарди.

Ўшанда 18 ёшли Назокат исмли олам тиф касалига чалиниб вафот қилди. Майитни касалхонадан уйимизга бермасдан тўғри қабристонга олиб боришни буюришди. Отам, акамлар ўликни кўтариб қабристонга олиб бордилар. Эшонбобонинг кампири ювиб, кафанлаб берди, жаноза ўқилиб, дафн қилинди. Кўп одамлар бола-чақаси билан моллар учун фарам қилиб қўйилган кўк шўранинг баргини шилиб олиб келиб қовуриб тановул қилардилар. Кўк ўт одамни ишириб юборар экан.

...Отам акамларга буюриб дарвозамиз ичкараси ўнг томонига битта катта қозон қурдирдилар. Унга мендан уч ёш катта Дўстназар акамни бошлиқ қилиб қўйдилар.

Қозонга сув тўлдирилади, унга бир половкадининг тўртдан бири ва икки кг макка, дон ярма қилиниб, солиб пиширилади, пиширгандан кейин келган ҳар бир кишига бир косадан бепул



Шимолий Кавказга сургун қилинган Шукуров Тожининг қизлари:
Куйсун (1920—1983), Хосият (1924).

ичириб юбориларди. Бу ҳол пишиқчиликка қадар 2—3 ой давом этарди.

Тамакининг баргини нос қилиб, стаканларга солиб сотилар, пояси ва томири туйилиб махорка қилиб, бир стакани 2—3 сўмдан сотиларди. Ўша вақт уч сўмга битта майдароқ эчки берар эди. Шуларнинг орқасидан бизларнинг оила хор-зор бўлмади ва йўқчилик билинмасдан 1932—1933 йиллардаги очарчиликни қурбонсиз ўтказдик».

Шофирконлик Муҳаррам Шукурованинг эслашича, сургун қилинганлардан қишлоқ хўжалиги артеллари, жамоа хўжаликлари ташкил қилинган, ғалла ва пахта экилган. Пахта ҳосилдорлиги 10—12 центнергача кўтарилган. Кейинчалик сургундагилардан турар жойдан 20—25 км масофалик узоқликдаги дашт зоналарда окоплар қазишда фойдаланилган. Шимолий Кавказда ноябрь-март ойларида қаттиқ совуқ, изғирин шамол кучли бўлди. Окоп қазиш учун 20—25 км масофали жойга олиб бориларди, иш эрталабдан кечгача бўларди, эмизикли, гўдак болалар ясли ва боғларда қолдириларди. Ҳар бир одамга окоп қазиш учун 20—30 метрли жой ажратиларди. Ер жуда қаттиқ, худди тошдек, ерни лопатка билан урсангиз данакча-данакча бўлиб ажралиб чиқарди. Тушликда гўштсиз суюқ овқат, 50 гр. нон бериларди. Шунда кўплаб эркаклар ўлиб кетган. Режим ниҳоятда қаттиқ бўлган,

одамлар қўл ва пешоналарини лопатканинг сопига қўйиб, тик турган ҳолда ўлиб қолганларининг гувоҳи бўлганмиз. Болалар ўлими кўп бўлган. Ота-оналари окоп қазишдан келгунларигача ўлиб қолган. Болаларни Ново-Александровскийдаги бир томонидан сув чиқиб кетадиган Балка деб аталган катта қўлга араваларга солиб ташлаганлар. Оналари кечкурун келганларида болалари ўлиб қолганини билиб, ўша Балканинг олдига бориб дуои-фотиҳа қилиб йиғи-сиғи билан қайтардилар. Бу Балкадан сув ичилмасди. Балка деб аталишига сабаб шу эдики, бир томондан сув келиб, бошқа бир томондан чиқиб кетарди. Менинг Кўйсун, Хосият исмли қизларим ва Шамсиддин исмли ўғлим бўлган. Шамсиддин ҳам боғчада ўлиб қолиб ўша Балкага ташланган. Бизнинг хўжалигимизга бош бўлиб борган қайним Шукуров Қилич, аҳли-аёли, 2—3 яшар боласи ҳам шу Николо-Александровскда қафо қилишган».

«Ота-онасиз, қаровсиз қолган болалар учун давлат томонидан «Болалар уйи» (сағир болалар уйи) очилди. Унда ёш болалар йиғиб олиниб тарбияланганлар. Улар орасида суннат қилинмаган



Шимолий Кавказга сургун қилинган Мулла Ниёзмухаммад Мўминов сургундан қайтиб келганда оила аъзолари билан бирга тушган сурат.

Ўғил болалар кўп эди. 1932 йили бизларни ва Лўблехўр қишлоқликларни орқасидан йўқлаб Каттакўрғондан уста Абдулло келди. Отам болалар уйи директори билан келишиб, сизларни ёзги лагерга олиб борамиз деб ўғил болалардан 25—30 болани уйимизга олиб келиб, шу уста Абдуллога суннат — хатна қилдирдилар. Уста Абдулло шулар билан мени ҳам хатна қилиб кетган эди. Отам 6 килограмм гўштдан шўрва пиширтириб атроф қўшнилари «тўй» деб чақириб ўша маросимни ўтказганлар. Орадан бир-икки йил ўтиб яна отам хат орқали юртдан уста Абдуллони чақириб олиб келган ва «болалар уйи»даги бир қанча болаларни хатна қилдирган», — деб эслайди Эгамназар Ражабов.

1940 йили Оржоникидзе ўлкаси ҳудудида 3 та меҳнат қишлоғи: «Дивное», «Дербетовка», «Новая Киста» меҳнат қишлоқлари мавжуд бўлган. Бу қишлоқлар Петровское — Дивное қишлоғи темир йўл изидан 1 км.дан 7 км.гача масофада жойлашган. Уларда 3285 оила — 12340 кишидан иборат меҳнат кўчқиндилари яшаган¹. Улар экин экиладиган 15 минг гектар ерга, 810 отга, 6500 бош йирик шохли молга, 38000 қўйга, МТС, касалхонага, 11 мактабга, электростанцияга эга бўлган. Меҳнат кўчқиндилари 9 та колхозга бирлашганлар.



Самарқанд райони Оғалик қишлоғидан Шимолий Кавказга сургун қилинган Зарипов Курбоннинг ўғли Асрор Курбонوف рафиқаси билан (1978 йил).
Ҳозирда шу қишлоқда яшайди.

¹РФДА. 9497-фонд. 1-рўйхат, 57-иш. 84-варақ.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги 1940 йил 2 августда 001519-сонли буйруқ чиқариб, темирйўл яқинидаги 5 км.лик зонадан меҳнат қишлоқларини кўчиришни талаб қилади. НКВД Оржоникидзе бошқармаси бу борада ўз таклифлари билан мурожаат қилади. Унда Петровское-Дивное темир йўл изи алоҳида стратегик ва хўжалик аҳамиятига эга эмаслигидан «Дивное», «Дербетовка», «Новая Киста» меҳнат қишлоқларидаги меҳнат кўчкиндиларини кўчирмасдан ўз жойларида қолдириш мумкинлиги айtilган.

«Дивное» ва «Дербетовка» бекатлари Ворошилов номли темир йўл ҳаракати Ворошилов бўлимнинг охириги бекатлари ҳисобланган. Бу бўлим энг кам юк ташиладиган транзит бўлмаган бўлим эди. Охириги бекат «Дивное» кичик хўжаликка эга бўлган. Қолаверса «Дивное», «Дербетовка» махсус қўриқланган бекатлар ҳам эмасди. Улар алоҳида стратегик б-хўжалик аҳамиятига ҳам эга эмас эди. Оқибатда «Дивное», «Дербетовка» ва «Новая Киста» меҳнат қишлоқлари ўз жойларида қолдирилган. Бироқ меҳнат кўчкиндилари орасида агентура хизматини кучайтириш ва «Дивное» бекатида милиция хизматини кучайтириш талаб қилинган!

Ўлкадаги меҳнат қишлоқларида 37 қишлоқ хўжалик артеллари — колхозлар бўлиб, улардан 21 таси Дивен меҳнат қишлоқларида, 12 таси Арзгир меҳнат қишлоқларида, 4 таси Будённый



Шимолий Кавказ сургунида бўлган Худайназарова Зайнаб.



Ражабов Шукрулло. 1936 йили Шимолий Кавказ Николаевск шаҳрида туғилган, 1945 йили Каттақўрғонга қайтиб келган.

¹ Уша жойда.

районидаги 4-сонли меҳнат қишлоғида жойлашган. Меҳнат қишлоқларидаги барча аҳоли колхоз аъзолари ҳисобланган. Бу колхозлар уруш арафасида анча бақувват бўлган. Дивендаги «Коммунизм йўли», «Коминтерн» колхозлари, Новая Кистадаги «Стаханович» колхози миллионер колхозлардан бўлган. Киевка қишлоғидаги «Красноармеец» колхози 1940 йили 680.000 сўм даромад олган. Бу эса кам кўрсаткич эди.

Кўйчилик колхозлар иқтисодиётида катта ўрин эгаллаган. Давлатта «Сталинский путь» колхози 300.000, «Красноармеец» колхози 357.000 сўмлик жун сотган.

Аммо баҳорнинг совуқ келиши, ноқулай об-ҳаво туфайли қатор хўжалиқларда пахта кўчатларининг 50—70 фоизи нобуд бўлишига олиб келган. Ғалла экинларидан эса мўл ҳосил олинган. Кузги бугдойдан гектаридан 20—22 центнердан, баъзи участкаларда 30 центнердан ортиқ ҳосил олинган¹.

Шимолий Кавказдаги меҳнат кўчкиндиларидан асосан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш соҳасида фойдаланилган. 1941 йил 1-кварталида жами меҳнат кўчкиндилари 11251 оила (44376 жон)дан меҳнатга яроқлиси 21226 киши бўлиб, ундан 20270 киши қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида банд бўлган. Бу деган сўз 95,5 фоизи меҳнат билан банд бўлгани демак эди. Меҳнатга яроқлилардан 956 киши ишлаб чиқаришга жалб қилинмай қолган².

Уруш туфайли мудофаа иншоотлари бўйича махсус қурилиш ишларига меҳнат кўчкиндиларидан бир қисми сафарбар қилинади. Айни вақтда меҳнат қишлоқларидан қочиб кетиш ҳолати давом этаверган. 1941 йилнинг иккинчи ярмида 31 киши, бевоҳита меҳнат қишлоғидан 11 киши қочиб кетган. Шу ярим йил ичида қизил армия учун валенкалар (кигиз этиклар), ярим пўстинлар, пуфайкалар, қўлқоплар ва ички кийимлар ишлаб чиқилиб фронтга юборилган. Шу даврда 2803 меҳнат кўчкиндиси ишлаб чиқариш билан банд бўлган.

Қишлоқлардаги меҳнат кўчкиндилари ўша ҳудуддаги хўжалик ташкилотлари билан шартнома асосида ҳам ишлаганлар. Улар меҳнат кўчкиндилари бўлмаганлар билан бир хил шароитларда ишлаганлар ва нормани 150—200, ундан ҳам кўпроқ фоиз бажарганлар. Ҳатто улар социалистик мусобақа билан қамраб олинганлар. Ҳисоботда айтилишича, 1941 йилнинг иккинчи ярмида ишга кечишиб келиш, ўзбошимчалик билан ишни ташлаб кетиш ҳоллари содир бўлмаган.

Мудофаа иншоотлари қурилишларида 8000 меҳнат кўчкиндиси банд бўлган. Мазкур мудофаа қурилишларида қатнашган кўпчилик меҳнат кўчкиндилари яхши кўрсаткичларга эришган, уларнинг маълум қисми ҳатто мукофотланган.

Ишни ташлаб қочиб кетганлар ҳам бўлган. Дивен меҳнат

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 77-иш, 5-варақ.

² РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 77-иш, 92-варақ.

қишлоқларидан қочиб кетганлиги учун 7 киши турли муддатлар билан қамоқ жазосини олганлар. Қочиб кетганлиги ва меҳнат мажбуриятидан бўйин товлагани учун жавобгарликка тортиш ҳоллари Арзгир меҳнат қишлоқларида, «Будённый» районидаги 4-сон меҳнат қишлоқларида содир бўлган.

Уруш бошланиши билан меҳнат кўчиндиларининг маиший ва уй-жой шароитлари анча ёмон аҳволга тушиб қолган. Бунинг сабабларидан бири Шимолий Кавказдаги барча меҳнат қишлоқларига уруш ҳаракатлари зоналаридан қўшимча равишда 6 минг кишининг жойлаштирилгани бўлди¹.

Дивендаги меҳнат кўчиндилари фронт учун иссиқ кийим-кечақлар тўплашда пешқадам бўлганлар. Улар 300 та калта пўстин, 500 та кигиз этик, 700 жуфтдан кўпроқ қўлқоп, катта миқдорда иссиқ пайпоқ топширганлар. Мудофаа жамғармасига 500 минг сўмлик пул ва буюмлар топширилган.



Акрам Эшонқулов Шимолий
Кавказда урушга олинган.
жангларнинг бирида ҳалок бўлган.

Арзгир меҳнат қишлоқларида лоторея билетларини тарқатиш ва иссиқ кийимлар йиғиш муваффақиятли ўтган. Маданий-оммавий ишлар суҳбат ўтказувчилар, газета ўқиб берувчилар томонидан ўтказилган. Ҳар бир меҳнат қишлоғида клуб бўлган, колхозлар қошида ҳам клублар очилган, қишлоқлар радиолаштирилган. Фронтлардаги аҳвол ва халқаро аҳвол тўғрисида суҳбатлар, маърузалар ўтказилиб турган, уларда меҳнат кўчиндилари иштиёқ билан қатнашганлар.

Уруш бошланиши муносабати билан айрим меҳнат кўчиндиларининг кайфиятида кескин ўзгаришлар бўлган. Баъзи душманлик кайфиятидагилар совет ҳокимиятидан ўзларининг норозиликларини ошқора айта бошлаганлар. 1942 йилнинг ярим йили ичида Киевқа қишлоғида советларга қарши ташвиқот

олиб борганлиги учун 2 киши, Малое Жалгада 1 киши, Дербетовкада 1 киши ва Новая Кистада — 1 киши қамоққа олинган. Улар турли жазо муддатларига ҳукм қилинган.

Фронтнинг Ростов участкасида аҳвол кескин тус олган пайт-

¹ РФДА. 9479-фонд. 1-рўйхат. 82-нш. 93-парақ.

да Дивен қишлоғидаги меҳнат кўчиндиларидан иборат 4 кишилик гуруҳнинг аксилинқилобий фаолият кўрсатганлиги маълум бўлади. Бу гуруҳ ўз олдига немислар яқинлашиб келган ҳолда қишлоқдаги маҳаллий совет хизматчиларининг чиқиб кетишларига йўл қўймай, уларни немислар қўлига қийнаш ва ўлдириш учун топширишни мақсад қилиб қўйганлар. Бу гуруҳ қишлоқ коменданти Фоменко томонидан фош этилган. Бошқа қишлоқларда ҳам душманлик хатти-ҳаракатлари бўлган. «Будённий» районидаги 4-сонли меҳнат қишлоғида ташвиқот ойнаси мажакланган ва агитпункт биносига осиб қўйилган шиорлар олиб ташланган, давлат солиқларини тўлашдан бош тортилган. Баъзи бир совет ходимлари томонидан тарқатилаётган ваҳимали миш-мишлар ҳам меҳнат кўчиндиларининг сиёсий-маънавий аҳволига салбий таъсир кўрсатган!

Меҳнат кўчиндилари хўжалик ташкилотларида ишласа, улар хўжаликларнинг эркин ёлланиб ишловчи ишчилари ва хизматчилари билан бир хил шароитда меҳнат қилганлар. Улар меҳнат қишлоғидан ташқарида, хўжалик ташкилотлари ажратиб берган жойларда истиқомат қилишган.



Худоёрова Зиёда. Каттакўрғондан. Шимолий Кавказга сургун қилинган.



Тоштемиров Абдурахмон Самарқанд вилояти Челак туманида яшайди. Шимолий Кавказ сурғунида бўлган. 2002 йил, ноябрь.

Шимолий Кавказ ўлкаси ички ишлар бошқармаси маъмурий-хўжалик бўлими қурилишида, НКВД санаторияси ёрдамчи хўжалигида, Невиномиск канали қурилишида ишлаётган меҳнат кўчкдиларининг турар-жой шароитлари нисбатан қониқарли ҳолатда бўлган. Улар капитал типдаги уйларда яшаган, бўйдоқлар ётоқхоналарда яшаган, оилалилар алоҳида хоналарда яшаган, койка, ёстиқ-кўрпа, тўшаклар билан таъминланганлар¹.

1940—1941 йиллари Шимолий Кавказ меҳнат қишлоқларида вилоят ички ишлар бошқармаси қошидаги махсус қишлоқлар ва меҳнат инспекцияси томонидан қўйилган катта инспектор Цекур фаолият кўрсатган. Район ва қишлоқларга қўйилган комендантлар талаб даражасидаги ходимлар бўлган. Бироқ Александровск қишлоғи коменданти Бондаренко, Дербетовка коменданти Аверинларни ўз вазифасига нолойқлиги учун бўшатишган.

Фашистлар Германияси билан бошланиб кетган урушнинг бошларида Шимолий Кавказдаги меҳнат кўчкдиларининг умумий аҳволи Ички ишлар халқ комиссарлиги Оржоникидзе ўлкаси бошқармаси бошлиғи, Давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Март Панковнинг 1941 йил 14 августдаги маърузаномасида тавсифланган. Унда меҳнат кўчкдиларининг турмуш шароитлари, уларни озиқ-овқат, саноат моллари билан таъминлаш аҳволи, тиббий-санитария хизмати кўрсатиш ҳолати, маданий-оммавий ишлар, сиёсий аҳвол, комендатура иш фаолияти тавсифланган.

Яшаш шароитлари, айниқса Арзгир меҳнат посёлкасида қониқарсиз ҳолатда бўлган. Меҳнат кўчкдиларининг аксарият катта қисмининг турар жойлари ниҳоятда ачинарли аҳволда бўлган, бир квартирада 2—3 оила биргаликда ҳаёт кечирганлар. 1941 йилнинг ярим йиллик ҳисобот йилида Дивное посёлкасидан ташқари янги турар уй-жойлар қурилиши олиб борилмаган, бу жойда 30 дан ортиқ уй қурилиши бошланган. Меҳнат кўчкдиларининг 30 фоизга яқини ўз шахсий уйларида яшаган, қолган район коммунал бўлимига қарашли уйларда истиқомат қилган. Уй нархи юқори бўлгани сабабидан меҳнат кўчкдиларининг уй сотиб олишга қурби етмаган.

Болалар боғча ва яслилари, барча колхозларда мавжуд бўлсада, болаларни жойлаштириш масаласи талаб даражасида бўлмаган, боғча ва яслиларда хизмат кўрсатувчи педагог ва хизматчилар тақчиллиги кучли бўлган.

Меҳнат қишлоқларининг озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминланиши ҳам ночор аҳволда бўлган. Меҳнат кўчкдилари ўз томорқа хўжаликларида етиштирилган ва меҳнат кунига оладиган озиқ-овқатлар ҳисобидан яшаганлар. Улар қишлоқларда саноат моллари билан қишлоқнинг бошқа аҳолиси билан баробар тарзда район матлубот жамияти савдо нуқталари орқали таъминланган. Меҳнат кўчкдилари мавсумли ишга кетган деҳ-

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 77-иш, 4-варақ.

қонлар сифатида қишлоқлардан ташқаридаги хўжалик ташкилотлари ташкил этган ошхоналар ва дўконлар орқали таъминланган.

Тиббий-санитария хизмати кўрсатиш ҳам ачинарли ҳолда бўлган. Бу жойдаги даволаш муассасалари район соғлиқни сақлаш бўлимлари тасарруфида бўлган. Дивенскдаги меҳнат қишлоқларида иккита касалхона, бири Дивное қишлоғида, бошқаси Малое Жалгада бўлган. Арзгир меҳнат қишлоқларида 2 та касалхона бўлиб, бири Ново-Романовкада, иккинчиси Николо-Александровскда жойлашган. Будённый районидаги 4-сон меҳнат қишлоғида ҳам касалхона ва амбулатория бўлган.

Дори-дармонлар барча қишлоқларда мавжуд бўлган, даволаш тармоқлари аҳоли талабини қондириб турган. Кейинги вақтларда дорихоналарда айрим дориларнинг етишмаслиги сезилган.

Ярим йиллик ҳисобот даври давомида эпидемик касалликлар юз бермаган. Николо-Александровскда болаларнинг қизамиқ ва қизилча касалликлари билан оғриган айрим ҳолатлар юз берган. Аммо бу касалликларнинг бошқа жойларда олдини олиш чоралари кўрилган.

Меҳнат қишлоқларида 42 та мактаб ишлаб турган. Мактаб ёшидаги болаларнинг жами 11153 киши бўлиб, улардан мактабда ўқитилаётганлари 9118 болани ташкил этган, қолганлари турли сабаблар билан 7 синфни битирмай мактаб ҳисобидан чиқиб кетган, уларнинг кўпчилиги колхозларда иш билан банд бўлган.

Қишлоқларда ҳунар-техника мактаблари бўлмаган. Қишлоқлардан ташқаридаги мактабларда мавсумли ишга кетганлар ўз ота-оналари билан бирга яшаб ўша мактабларда ўқиганлар. Бундай болалар жуда ҳам озчиликни ташкил этган.

Барча меҳнат қишлоқларида саводсизликни тугатиш пунктлари ташкил этилган, бироқ уларнинг иш фаолияти ночор аҳволда. Бунга сабаб саводсизликни тугатиш ишининг қониқарсизлиги ва ўқувчиларнинг ўзларини дарсга қатнашиш хоҳишларининг йўқлиги бўлган. Бу меҳнат қишлоқларида район партия ва совет ташкилотлари раҳбарлигида маълум ижтимоий-сиёсий тадбирлар олиб борилган.

«3-беш йиллик» заёмига ёзилиш тадбирлари яхши ўтказилган. Меҳнат кўчкиндилари — колхозчилар 888925 сўмлик заёмига ёзилганлар, шундан 738938 сўмини нақд пул билан тўлаганлар, яна 149987 сўм тўлашлари керак бўлган.

Ҳар бир меҳнат қишлоғида клуб бўлган, унинг қошида эса қиротхона ва қизил бурчаклар ишлаб турган. Уларда массовиклар, суҳбатчилар, газета ва китоб ўқиб берувчилар иш олиб борганлар.

Марказий қишлоқларнинг ҳар бирида 500—600 ўринли клублар мавжуд бўлган. Ҳар бир клубда ва ўқув залида кутубхона, журналлар, газеталар, стол устидаги ўйинлар мавжуд бўлган.

Клублар қошида тўғараклар ташкил қилинган. Меҳнат кўчкиндиларининг болалари ана шу тўғарак ишларига жалб этилган.

Бироқ тўғарақлар иши ночор олиб борилган, бунга сабаб район ташкилотларининг етарли эътибор бермаётганлиги эди.

Ҳар куни клубларда кинокартиналар намойиш қилинган, кўпчилик қишлоқлар ўз радиоузелларига эга бўлган. Меҳнат кўчкиндилари мажлисларга иштиёқ билан қатнашганлар.

Меҳнат қишлоқларидаги умумий сиёсий-ахлоқий аҳвол қониқарли даражада ушлаб турилган. Меҳнат кўчкиндилари орасида бораётган гаплар атрофидаги марказий масала — бу уларнинг ҳуқуқий аҳволи эди.

Меҳнат кўчкиндилари ёшларининг оммавий равишда кўчкиндиллик ҳисобидан чиқишлари муносабати билан кўплаб меҳнат кўчкиндилари комендатуранинг тугатилишини орзиқиб кутганлар, уларга меҳнат қишлоғидан бошқа жойларга эркин ҳолатда бориб келишлари ҳуқуқи берилишига умид боғлаганлар. Уруш муносабати билан қочиб кетиш ҳолатлари унчалик сезилмаган. Жорий йилнинг май-июнь ойларида қишлоқлардаги меҳнат кўчкинди ёшлардан 1578 киши ишчи-деҳқон қизил армиясининг қурилиш батальонларига олинган. Уларни кузатиб қўйиш нормал ўтган.

СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги 1143—280-сонли қарорига мувофиқ ҳисобдан чиқарилган меҳнат қишлоқларида доимий яшаш учун қолаётганлари ҳам анча миқдорни ташкил этган. Ҳисобот ярим йиллигида озод қилинган 836 кишидан фақат 1—3 кишигина меҳнат қишлоғидан кетиб қолган, аввалида кетиб қолганларнинг кўпчилиги яна қишлоққа қайтиб келишган.

Меҳнат кўчкиндиларининг асосий оммаси колхозларда ишга ҳалол муносабатда бўлган, хўжалик жиҳатдан мустаҳкамланиб борган қишлоқлардан бутунлай кўчиб кетишни хоҳловчилар жуда ҳам озчиликни ташкил этган.

Район ва қишлоқлар комендатуралари тақдим этилган штатлар бўйича комплектация қилинган. Қишлоқ комендатураларининг кўпчилиги чаласаводли кишилар, канцелярия ишлари билан таниш эмас, бу ҳолат эса доимий кундалик ишда ўз аксини топган.

Сўровлар катта кечикиш билан бажарилган, шахсий ишларни кўришни тартибга келтириш, архив ишини йўлга қўйиш, оилавий карточкаларни тўлғизиш жуда ҳам суст олиб борилган.

Дивное қишлоғи ўлкадаги энг йирик меҳнат қишлоғи эканлиги ва район комендатураси фаолиятининг мураккаблиги эътиборга олиниб қишлоқ комендатураси штатига комендантлик лавозими берилган, районлар комендатураларига эса иш юритувчи машинистка штати берилган¹.

Шимолий Кавказ меҳнат сурғунидан 1932 йил 1 январидан 1941 йил 1 январигача бўлган даврда 34210 меҳнат кўчкиндиси

¹ РФДА. 9479-фонд. 1-рўйхат. 77-иш. 91—93-варақлар.

қочиб кетган. Шу даврда қочганлардан 14712 нафари қайтариб олиб келинган.

«Сургун қилинганлардан, айниқса йигитлар келган кунидан бошлаб ота-оналарини, ёш хотинларини, бола-чақаларини қолдириб ўз юртларига қоча бошладилар. Улардан айримлари йўл топа олмай бекордан-бекор овора бўлиб қайтиб келдилар, кўплари ҳукумат қўлига тушиб қамалиб кетдилар. Шундан кейин қишлоқ комендант қишлоқ атрофига бир неча отлиқ қоровуллар қўйди, улар кечаси қурол олиб айланиб қочганларни ушлаб келадиган бўлдилар. Шу постда турадиганлардан бири қўшнимиз Нуриддин Худойназаров, бири акамизнинг кичик қайниси Қобилов Юсуф эди. Қобилов Юсуф қоровуллар бошлиғи эди», — деб эслайди Ражаббой Эгамназаров.

Шофирконлик Муҳаррам Шукурованинг (1886 йили туғилган) эслашича, Шимолий Кавказда немислар армияси 8 ой турган. Шу даврда кўплаб ўзбеклар қочиб ватанига келишган, колхозлар, совхозлар тарқатиб юборилган, совет комендатураси йўқ қилинган, чорва моллари одамларга тақсимлаб берилган. Немислар меҳнат кўчкиндиларига азоб беришмаган, ўзларинг ишлаб, ўзларинг кунларингни кўринглар деган қабилда иш тутганлар. Бу ҳолатдан фойдаланиб қолган меҳнат кўчкиндиларининг бир қисми ҳар қанақа рухсатсиз меҳнат қишлоқларини тарк этиб, ватанига қочиб келганлар. Эркаклар фронтларда ўлиб кетган, кўплари меҳнат фронтларига олинган. Шу боис қочиб кетганларнинг аксарият катга қисми аёллар бўлган. Аёллар ўғил ва қизларини олиб, 4—5 оила бирлашиб, бирон-бир чол бошчилигида мислсиз йўл азобини чекиб ватанларига қочиб келишган.

Сурхондарё вилояти Жарқўрғон тумани Боғори маҳалласида яшовчи Рўзибой Оллаёров билан 2003 йил 27 апрелдаги суҳбатдан айрим лавҳалар:

Рўзибой ака 1939 йили туғилган. Отаси-онаси қулоқ қилинган. Қорабоев Оллаёр полвон, онаси Бобожонова Лола. Рўйхатга олинганда 1 та тегирмони, қўш ҳўкиз, 50 таноб ери бўлгани учун бой сифатида қулоқ қилинган. Жарқўрғон район, Жарқўрғон қишлоғида истиқомат қилишган. «Ўша пайти отамнинг 4 ўғли бўлган. 1 — Оллаёров Мўмин, 2 — Оллаёров Жума, 1942 йили туғилган, 3 — Оллаёров Ҳиммат, 4 — Оллаёров Умар кенжаси бўлган.

Жарқўрғонга олиб бориб, у ердан Паттакесар деган жойга олиб келиб, эшелонга юклаб 1931 йил 27 августда Шимолий Кавказга, Ставрополь ўлкасига сургун қилинган. Онамнинг айтишича, Красноводскдан пароходга ўтқазиб, 2,5 сутка олиб юришган. Шу пароходда очлиқдан бошқа сабаблар билан болалар, қариялар ўла бошлаганлар. Ўз кўзим билан кўрганман, ўлганларни тўғри денгизга улоқтириб юборишган. Сув бермайди, кейин Махачқалъага бориб тушдик. У ердан пиёда, қария касалларни араваларга юклаб ҳаммани чўлнинг ўртасига ҳайдади. Яна

поездга чиқаришди. Шу поезд билан тўғри Маздокка олиб бориб туширишди. Бир кеча-кундузда Прикумск, ундан Николо-Александровска олиб боришди. Сотникларга олиб бориб 1 хўжалик, 2 хўжалик қилиб жойлаштиришди. Биз билан Мулла Қурбонназар ўгли Жуманазар 11 фарзанд, отаси Қурбонназар ва онаси биз билан бирга жойлашган. Шу Жуманазар деган йигит дастлаб қочиб кетиб, у ер-бу ерда чорва боқиб, Бокуга бориб шофёрлик курсида ўқиб, соат ишлаб чиқарадиган заводда ишлаб, 21—22 ёшида бу ёққа — ватанига қайтиб келган.

Отам ўша ерда онам билан маслаҳатлашиб, қочиш режасини ўртага ташлаган. Ҳозир бола-чақа билан қочадиган бўлсак, қўлга тушиб қоламиз. Кўряпсан, қўлга тушганларни отиб ташлашяпти. Биринчи мен кетсам, шароитни ўрганиб, пул-мул қилиб келиб сизларни ҳам олиб кетаман, дейди. Бунга онам рози бўлади ва машаққат билан талбир ишлатиб сақлаб қолиб ўзи беркитиб юрган пулини ҳам берган.

Онам Бобожонова Лола бу ҳақда шундай ҳикоя қилган: «Ҳама кулоқларни ватанимиздалигимизда Жарқўрғонга тўплаган, кечаси тўпланиб ётган жойимизда соат 1—2 бўлган эди, бир маҳал қарасам, чироқ милтиллаб кўриняпти. Эътибор қилсам, икки аёл хотинларни, бир эркак эса эркакларни уйғотиб тинтув қилишяпти. «Ёнингладаги пулни бизга берингла, йўлда сизлардан олиб қўйишади. Борганимизда сизларга қайтарамиз», — деб бор пулларини йиғиштиришяпти. Отанг хуррак отиб ухляпти. Менинг хаёлимга дарров бир фикр келди. Уйда кўпқарига чопадиган отимизни сотиб пулини менга берган эди. Ўзида ҳам анча пули бор эди. Чеккароқда бўлганимиз учун мени унча кўришмаяпти. Болалар билан чанқаганимизда еймиз деган ниятда тарвуз, қовун олган эдик ўзимиз билан. Шартга «бўриқалла» қовунини иккига бўлиб, уруғини ташлаб юбориб пулни жойладимда, яна бир-бирига ёпиштириб қовунларни ичига ташлаб қўйдим. Шу орада отангни уйғотдим, пулингизни беркитинг, ҳаммани уйғотиб тинтув қилишяпти, топиб олишяпти пулларни, — дедим. Отанг пулимни яшириб қўйганман, ҳеч ким тополмайди, бошимни оғритма, деб яна ўзини уйқуга ташлади. Бизга ҳам навбат келди.

Отамни уйғотишди. Этигини ечтиришди. Пайтавасининг ичидан пулни топиб олишди. Мендан ҳам пулни сўрашди. Рўмолимнинг орасига 10 сўмликни қистириб олган эдим. Болаларни қорни очса у-бу егулик олиб бераман деб зўрга қайтариб олдим.

...Шундай қилиб отанг ҳадеганда қайтмади. Совуқ кунлар бошланди. Овқатларга ҳеч ким тўймайди. Ҳар куни ўлик ташилади. Айниқса ёш болалар кўплаб ўла бошлади.

Мен суриштириб билдимки, ёнгинамизда қишлоқ бўлиб, аҳолиси уй чорвасига тарик берар экан. Чўққа молларини охурига тарик ташлаб берар экан. Ҳар куни кечаси мен ўша ҳовлиларга кираман, охурлардаги тарикни йиғиштириб чиқаман. Ахлатхо-

надаги кулларнинг тагига кўмиб яшириб қўяман. Болаларга шу тарикдан кулча қилиб берардим. Қандай бўлса ҳам болаларни омон сақлаш учун кечалари ухламай чиқар эдим. Қоровуллар нега ҳамманинг боласи ўляпти, сени болаларинг эса семиряпти, сенда пул кўп, яширган пулингни бер, деб дағдаға қилишар эди. Бундан ташқари, кечаси комендантлар келиб безовта қилиб, сени эринг қочган, сенларга ҳам одам келадими, деб ҳар кеча тинчимизни бузар эди.

Охири катта ўғлим Мўминни чақириб, ўғлим, кўряпсан аҳволни, ҳар кеча ҳаммамизни безовта қилиб, тинчимизни бузаяпти. Бундай яшагандан кўра қочганимиз яхши. Қўлга тушмасак иқболимиз, қўлга тушсак бир нарса бўлар, кечиршар бизни.

Ёнида пули, сирғаси, бўйнига тақадиган мунчоқларни халтага солиб, тун яримдан ўтганда йўлга отландик, ёмғир севалай бошлаган, лагернинг симли деворлари ҳар 50 метрида соқчилар турибди. Шу соқчилардан иккитаси совуқ қотишганидан бир жойда олов ёқиб, пальтосини ёқасигача кўтариб энкайишиб исиниб ўтиришган экан. Бизга худойимнинг ўзи раҳми келдими, улар пайқамади. Биздан 10—15 метр нарида гаплашиб, исиниб ўтиришибди. Катта аканг Мўминжон билан тиканли симдеворни кўтариб турдик. Болалар эмакляб ўтишиб олди. Ҳаммамиз ўтиб олдик. Лагердан 500 метрча нариёқда қамишзор, ундан нарида чакалакзор, далалар бошланади.

Ейишнинг мазаси йўқ, 2 яшар Умаржонни қорни сутга тўймайди. Уни йиғлаб, бизни ошкор қилиб қўймасин деб оғзини димлайман. Қарасак, ҳеч бўлмади. Яна Мўминжон билан маслаҳатлашиб, пешонамиз энди, шу укангни ташлаб кетмасак бизни қўлга тушириб қўяди. Ҳеч бўлмаса тўрталамиз омон қоламизку, — дедим. Ҳаммамиз йиғлаб-йиғлаб кўндик. Уни қолдириб йўлга тушдик. Бир маҳал жўхоризорларни ичидан эмакляб чиқиб, биз тушган йўлда ортимиздан эмакляб, судралиб йиғлаб келяпти. Биз ҳам унга қараб-қараб кетяпмиз. Охири Мўмин аканг йиғисини эшитиб чидамади. Шарт қўлидаги юкни қўйиб, ўлсак ҳаммамиз тенг ўлайлик, уни ташлаб кетмаймиз деб укасига қараб чопиб кетди.

Шу йўсинда фақат кечаси йўл юрамиз, кундузи яшириниб ётамиз. Чунки лагер атрофида қочганларни қўлга тушириш мақсадида отлич қоровуллар кезиб юради.

Юриб-юриб беда ғарами олдидан чиқиб қолдик. Ўра очиб, ўша ерга жой қилиб ётдик. Қандайдир отличлар сезиб қолган эканми атрофимизни бир-икки айланганини сезиб қолдим...

Эрта тонгда турсак атрофимизни турли ёшдаги қишлоқ аҳолиси ўраб олган экан. Ҳаммаси бизни кийимимизга, аҳволимизга қараб турарди. Билсак улар нўғой, ингуш ва бошқа мусулмон миллати вакиллари экан.

Бизга раҳми келиб бири нон келтириб беряпти, бири пул, бири печенье. Шуларнинг ичида Зулфиқор ҳожи билан ёши улуғи

бор экан. У киши бу ерда юрсангиз комсомоллар, қизиллар бор, сизларни тутиб кетиши мумкин деди. Сизлар ҳозир тўғри масжидга боринглар. Эртага жума намозида кўпчилик йиғилади. Биз айтамыз, сизларга пул йиғиб беради, кейин поездга тушиб тўғри Бокуга, Бокудан Красноводскка, ундан кейин юртингизга ўтиб кетасизлар, деди. Ўғилларидан бирига, «буларни масжидга олиб бориб қўй» деб тайинлади.

Масжидда қорнимиз тўйди. Яхши ётдик. Эртаси кунни жума намозида бизга ёрдам беришди. Қор ёғишни бошлади. Бизни поездга чиқариб юборишди.

Бокуга етиб келдик. Вокзалда утирсам бир чўлоқ келди. Она, сизга билет керак бўлса, олиб келиб берай, болаларингиз билан қийналманг, деди. Мен пулни бердим. Ҳа деганда у келавермади. Кейин атрофдагиларга дардимни айтдим. Улар бир оз фурсат ўтгач, уни топиб келишди. Оёғида зўрға турибди. Билетга берган пулни ичиб юборибди. Пулни ундирадиган аҳвол йўқ. Ўша атрофдагилар бизга бир амаллаб билет олиб беришди. Красноводскка 1 суткада пароходда етиб келдик. Красноводскдан Когонга келиб тушдик. Қарга борасизлар? деб сўрашди. Паттакесарга бораман дедим. Анчадан кейин поезд келди. Бир амаллаб Жарқўрғонгача келиб олдик. Бу ёғига пиёда юриб келдик.

Рўзибой Оллаёров яна шуларни эслайди: «...Отам ўша қочиб келганда бу ердаги опалари, ақалари ўртага олишиб, у ёққа қайтма, сени ушлаб олишса тирик қўймайди. Лола болалари билан пешонасида борини кўрар, деб орқага қайтаришмаган.

Отам қулоқ қилинганда яшириб айтмаган катта хотини билан бирга турмуш қура бошлайди. Ундан фақат 4 та қизи бўлган. Шу хотини билан танишиб олиб яшаб юраверган. Лола келибди, деган хабар бирзумда отамнинг қулоғига етиб борган. Шу заҳоти отам хушидан кетган. Энди қайси юзим билан хотинимни, болаларимни кўзига қарайман, бундан кўра менинг ўлганим яхши эмасми деб койинган. Домла Эшон 1—2 оқсоқолни олиб онамнинг олдига келган. Лекин онам уларга раддия билдириб, отам билан яшашга қаршилик кўрсатган. Бечора онам юзингизни ҳам кўришни хоҳламайман, нима деб кетган эдингиз олдимиздан, болалар билан у ерда яшаш қандай азоблигини билар эдингизку, дея қайта ярашмаслигини, кечира олмаслигини билдирган.

Ниҳоят, отам вакиллар жўнатавериб, роса уч йил деганда онам билан қайта қўшилган. Ўша 4-ўғлидан кейин яна 2 ўғилли, 1 қизлик бўлишган. Равшан акамдан кейин мен туғилган эканман. Она, агар сиз ярашмаганингизда мен қайдан дунёга келар эдим, деб онамга ҳазиллашиб қўяр эдим.

1970 йиллар эди. Мен ўқитувчилик касбини эгалладим. Онамга мурожаат қилдим. Она, мана 70 ни қоралаяпсиз. Фарзандларингиз бири катта бригадир, бири шофёр, бири ўқитувчи. Ўзимизга тўқмиз ҳаммамиз. Нима армонингиз бор, айтинг, биз бажарамиз, — дедим. Шунда онам кўп жойларга бординг, Тошкент,

Душанбе қолмади. Агар қароринг қатъий бўлса шу қулоқ бўлганда юрган жойларимизга олиб борсанг, ғарибмозор бўлиб қолиб кетган таниш-билишлар бор. Умар акангдан кичик Аҳмад деган ўғилчам бор эди. У очликдан эмас, касаллик тегиб, 1 яшарга етмай ўлиб кетган, деди. Яна 20—30 кишининг номини санаб, шуларнинг қабрини зиёрат қилиб келсам деган эдим. Шу армоним бор. деди унча ишонқирамай.

Мен акаларимни тўпладим, бор гапни айтдим. Биттаси пахта бригадири, 3 таси шофёр. Мен отпускага чиққанман, 2 ой бекорман. Акам бизнинг вақтимиз бўлиши қийин, у ёқларга бориш учун тилни ҳам билмаймиз. Ўзинг олиб бориб келавер иложини қилсанг, деди. Ҳа, мен олиб бораманда, сизлар рухсат берсанглар бўлди. Яна озгина ҳалигиндан, яъни пулдан ёрдам берсанглар бўлди, дедим қулиб.

1972 йил август ойида йўлга тушдик. Прикумскка бориб тушдик. Менга Николо-Александровск деган жой керак дедим. Мана шу автобус боради, охириги рейс шу деди. 20 тача одам ўтирдик автобустга. Ёмғир ёғиб турибди. Кечга яқин борганимиз учун мен меҳмонхона сўрадим. Шу меҳмонхона ходими, бир кампир онамни кўриб қотиб қолди. Бир лаҳзадан кейин: «Я знаю эту женщину», — деб юборди. «Бу средниазиатские. Ўша 30-йилларда мени отам лагерда сторож бўлиб ишлаган. Мен отамга 3 маҳал овқат ташиб эслаб қолганман. Онангни кўрганман деди. Шунақа кийинган хотинлар кўп эди», деб айрим хотираларини гапириб берди.

Бу ерга Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Самарқанддан 15000 га яқин аҳоли келган. Шундан 8000 нафари қолиб кетди, 7000 нафари тарқаб кетди бутун Кавказга. Кимлардир ўлиб кетди, кимлардир кетиб қолган. Айрим ёш-ёш қизлар шу ерда турмушга чиқиб, бутунлай қолиб кетди.

Ҳаммалари сени опангга ўхшаган халат кийиб юришар эди, ҳар хил рангли, деб кийимини ўхшашлигини гапирди. Шу одамлар отамни орқасидан пичоқлаб, қочиб кетишган экан. Мен овқат олиб борсам, отамни ўртага олиб туришган экан лагер ходимлари. Миямга ўрнашиб қолгани шу манзара деб хотирлади.

Ўша Ҳамдамбой деган қолиб кетганлардан бири билан гаплашдик. Қабристонда бўлдик. Яна Прикумскка боришимиз керак эди. Биз бу ёққа келаётганимизда шу ерларда қолиб кетганларни авлодлари бериштириб келинглари тақдирини деб кўпчиликни рўйхатини беришар эди.

Кекса онамнинг қийналмаслиги учун таксини 50 сўмга бир кунлигини сотиб олиб йўлга тушдик. Йўл-йўлакай мақсадимизни англаган ҳайдовчи сизларни бир аёлга учратаман деди. Ўша йилларда комендант бўлиб ишлаган. Ҳозир 90 дан ошган, Наталья Афанасьевнанинг уйига олиб бораман. Ҳар йили сизлар томондан 1 марта, 2 марта одамлар келиб туришади, деди. Шу аёлда ҳамма келганларнинг оила-оиласи билан рўйхати бор, деди...».

Бухоро вилояти, Вобкент тумани, Усмон Юсупов номли кўча,

1-уйда яшовчи 86-ёшли Паноева (Ўринова) Ширинхон ая билан 2002 йил 5 октябрда учрашганимизда бизга мана буларни айтган: «...Отам — Пано, фамилиясини эслолмайман¹, онам Хўжақулова Тўхтаой Хўжамурод қизи. Шофиркон тумани Шўробод қишлоғида яшаганлар. Даласини бой деб кулоқ қилишган. 4 от, 2 жуфт ҳўкиз, деҳқончилик қиладиган ерларини колхоз мусодара қилган. Онам нон ёпаётган эди. Бирдан отларда дупур-дупур қилишиб советлар вакиллари келди. Ҳамма ёқни қовлаб тинтув қилишди. Уйдаги ҳамма нарсани олиб чиқиб кетишди. Кечаси келиб отамни олиб кетишди. Тахминан 1931 йил август ойлари эди. Отам бизга тайинлаб, мени олиб кетяпти, сизларни ҳам олиб кетади, ҳушёр бўлиб туринглар, деди.

Мен 5 ёшда эдим чамаси. Отамни олиб кетган куниёқ қамаб қўйишган экан. Икки кечадан сўнг бизга ҳам келишди. Гиждуноннинг нарёғида бир шаҳар бор экан, бойларни ўша ерда тергов қилади деб, олиб кетишган эди дадамни. Ойим кўрпача, нон олай деб турганда, улар ҳеч нарса керак эмас, дадангларни высылка қиляпти, хайрлашиб келасизлар дейишди. Қизилтепа станциясига бизни олиб келдилар. Борсак дадам ҳам ўша ерда экан, фамилияларини ўқиб бирма-бир вагонга чиқаришаётган экан. Ҳаммани санаб чиқараётган экан.

Бизни ҳам вагонга чиқинглар деди. Онам унамади, мен бормайман деб. Шунда мени ва уч яшарлик укам Дониёрни вагонга иргитишди. Онам ҳам шунда мажбур чиқди. Красноводсккача поездда, сўнг Каспий денгизида пароходда Бокуга, Бокудан яна поездда юриб Шимолий Кавказга бориб тушдик. Николо-Александровскда, Арзгир, яна бошқа бир неча жойларда яшадик.

Ўша ерда дадам касал бўлгани учун Москвага жўнатишди. Шу ердан кетганларнинг сигири қолган экан, шу сигирни бизга беришди. Бир кун биз, бир кун қўшнимиз соғиб ичиб юрдик. Барақда яшадик. Онамиз узоққа бориб ишлаб келишарди. Биз эса укам билан боғчага борар эдик. 3 йил деганда бизга хабар келди дадамизнинг ўлгани ҳақида. Хоҳласанглар яшанглар, хоҳласанглар юртингизга қайтинглар деди. Онам кетиб олишга пул беринглар, кетамиз деса, сизларга иш ҳам, пул ҳам йўқ, қандай келган бўлсангиз шундай кетаверинглар деди.

Шу тариқа пиёда йўлга тушдик. Онам, мен (укам боғчада ўлиб кетган эди), қаршилик бир хотин ва унинг қизи билан йўлга тушдик. Денгизгача пиёда, кейин пароходда Красноводсккача келиб, у ёғига яна пиёда йўл босганмиз.

Ҳамроҳларимиз Қаршига кетди, биз Вобкентга келдик. 18 кун йўл юриб фақат пиёда келдик. Келсак, на уйимиз, на еримиз бор эди. Колхоз бизга ҳеч нарсамизни қайтармади. Нина ҳам

¹ Тадқиқот жараёнида бу фамилияни аниқладик. Ширинхон аянинг отаси Пано Раҳматов Шофиркондан 1929 йили кулоқ қилинган, кейин суртун қилинган.

бермади. Онам колхозда ишлади, кейинроқ мен ҳам колхозда, пунктда ишладим. Ижарада яшаб юрганмиз.

Турмуш қийинчиликлари сабабидан мен 50 ёшли, хотини ва 7 фарзанди ўлиб кетган Мўминов Ҳамид деган одамга турмушга чиқдим. У кишидан фарзандларим: 1 — Ашурбой — ўлган, 2 — 1938 йилда туғилган Ўринова Ҳожибиби, 3 — Ўринов Собир — 1940 йилда туғилган, 4 — Ўринов Олим — 1947 йилда туғилган. Кенжа қизим Мавжуда Ўринова билан бирга тураман, онам Шофирконда дафн қилинган».

3. ЎРТА ОСИЁДАГИ МЕҲНАТ ПОСЁЛКАЛАРИ

1930—1953 йилларда Ўрта Осиёдаги меҳнат посёлкалари тарихи ҳам тарихшунослигимиздаги «оқ доғлар»дан биридир. Бу мавзу бўйича на диссертация, на монография, на рисола, на илмий мақола ёзилган. Шу боис мазкур тадқиқотда ушбу масалага ҳам тўхталиб ўтамиз.

Сургун қилинган «қулоқ»ларни жойлаштириш арафасидаги меҳнат қишлоқлари, у жойларда ташкил этилган совхозларнинг умумий аҳволи жуда ҳам ночор эди, инсон яшаши, меҳнат қилиши учун оддий шарт-шароитлар ҳам мавжуд эмас эди. «Савай», «Учқўрғон», «Далварзин» совхозларининг 1930 йилдаги, яъни «қулоқ»лар келтирилгунга қадар ҳолатини тасаввур қилиш мақсадга мувофиқдир.

«Савай» совхози 5658 гектар майдонда ташкил қилинган. 1930 йили совхоз 4098 гектарга пахта эккан, шундан 2007 гектардаги пахта нобуд бўлган. Совхознинг 32 гектарли полиз экинлари, 642 гектарли бедаси бўлган. Нобуд бўлган майдоннинг 103 гектарига соя(ловия), 84 гектарига наша, 46 гектарига тамаки, 42 гектарига маккажўхори экилган. Пахтанинг ўртача ҳосили 28—38 пуддан ошмаган. Ўша йили пахта мавсумида 1200 теримчи ишлаган, яна қўшимча 500 теримчи зарур бўлган.

Пахта топшириш режаси 1930 йил 4 ноябрда 25 фоиз бажарилган, 20 ноябрда бутун ҳосил териб олиниши лозим эди.

Ишчиларнинг турар-жой шароитлари «Учқўрғон» совхозига нисбатан бирмунча дурустроқ бўлган. Барча хутор (қўрғон)ларда вақтинча типдаги бараклар бўлган, уларда об-ҳаво совутан пайтда ўт ёқиб иситиладиган печкалар мавжуд эди.

Санитария ва гигиена ҳақида сўз юритишга ўрин йўқ эди. Бараклар жуда ҳам ифлос, одамлар тикилиб яшашган, болачақа жуда кўп, хуторларда ҳаммомлар йўқ, борлари ҳам шунчалар кичикки, улар нормал ишлаган чоғларида ҳам фақат битта хуторгагина хизмат кўрсата олиши мумкин.

Ишчиларга тиббий хизмат кўрсатиш ҳам жуда оқсоқ ҳолда.

Совхоз бошқармаси қошида битта врач ва фельдшер-акушеркага эга бўлган тиббий пункт бўлган. Совхознинг ўз касалхонаси бўлмаган, касаллар соғлом одамлар билан бирга қолдирилган.

Шу боисдан баракларда касаллар ойлаб терлама билан оғриб ётаверганлар, болаларнинг эса кўпчилигининг кўзи касал, медицинаментлар ва юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш хароб ҳолда, тиббий пункт ёпилиш хавфи остида қолган.

Пахта қуруқ-қақшаб турган ерга экилган, оқибатда 200 гектар пахта нобуд бўлган, майдан ноябргача 137 га от ҳалок бўлган. Бирон-бир хуторда отхона йўқ, қаттиқ ишлатиш, ёмон парвариш туфайли отлар ҳалок бўлган.

Баъзи хуторларнинг пахта далалари гўё ёв қўшинлари далаларни топтаб ўтганга ва ҳамма нарсани ер юзасидан супириб ташлаганга ўхшайди.

«Совхозда турли ишларда қулоқ қилинган қулоқлар, ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар, молия йўриқчиларидан қочиб юрган чайқовчиларнинг оммавий тусда ишлаётганликлари совхозга ҳеч қандай фойда келтирмаган. Совхозда ўзларига бошпана топган бу ёт унсурларнинг ҳар бири нима қилиб бўлса ҳам совхозга зарар келтиришга ҳаракат қиладилар...»¹, дейилган ишчи-деҳқон халқ комиссарлиги катта йўриқчиси Никличнинг маърузаномасида. У яна шуларни ёзган: «Далада ҳамма нарсалар очик ҳавода турибди. Шу ерда трактор таъмирланади, овқат ҳам пиширилади, турибми ёки ерга ўтирибми овқатланишади (ким қандай қилишни лозим топса шундай қилади). Ёки матраста ёки кигиздан ясалган чодирга ўхшаган кичик палаткаларга зўрга эмаклаб, кириб олишиб тунайдилар, яшашадилар».

1929 йил кеч кузида ташкил топган «Учқўрғон» совхозидаги аҳвол қуйидагича тасвирланган: Бу совхозда 1930 йил 4480 гектар майдонга пахта экилган. 3 ноябрга режадаги пахтанинг 35 фоизи миқдорида пахта териб олинган. Совхозда 3800 киши ишлаб турган, ҳар бир теримчи ўртача 84 кг пахта терган, 8 соатлик иш куни белгиланган. Режада белгиланган муддатда пахта теримини тугаллаш учун 8 ноябрга яна 1000 га теримчи керак бўлган.

Барча хуторларда уй-жой шароитлари жуда ёмон. Хуторларда қамишдан ва бардондан қурилган ёзги муваққат бараклар мавжуд, лекин уларни ҳақиқий барак ҳам деб бўлмайди, улар фақат одамларни ёзда жазирама иссиқдан сақлаши мумкин бўлган ҳолос, зинҳор қишки қаҳратон совуқдан сақлай олмайди. Бараклар истилмайди, уларда печкалар йўқ, чунки уларга печка ўрнатиб иситишдан ҳеч қандай фойда йўқ. Бундай қилиш очик ҳавода гулхан ёқиш билан баббаравар. Бараклар чидаб бўлмайдиган даражада ифлос, улар жуда гиқин, майда болалар жуда кўпчиликни ташкил қилади, баракларда пашшалар тўлиб ётибди. Одамлар тунайдиган ётоқ жойларидан тортиб ишчиларнинг ўзларигача ифлос. Буларнинг ҳаммаси турли касалликларнинг тарқалишига ва эпидемияларнинг ривожланишига олиб келади.

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд, 6-рўйхат, 340-иш, 2—3-варақлар.

Ишчилар учун етарли турар-жойларнинг йўқлиги шубҳасиз пахта теримининг муваффақиятли боришига ва тугалланишига ёрдам бермаган.

Бундай қийин аҳволдан чиқиш учун теварак-атрофлардаги қишлоқлардан турар-жойлар ижара олинган. «Марказий Чек» хуторида ижарага олинган ана шундай уйларда 300 га яқин ишчи истиқомат қилиб турган.

Совхоз ишчиларини саноат моллари, энг аввало пойафзал, устки ва ички кийим-кечак билан таъминлаш жуда ҳам ёмон аҳволда бўлган. Улардан кўпчилиги совхозга ёз вақтида яланг оёқ ва фақат ички кийимдагина ишга кириб, шу либосда кеч кузга-ча юрганлар.

«Далварзин» совхозининг экин майдони 5460 гектар бўлиб, 3748 гектар пахта экилган. Шундан 3128 гектари нобуд бўлмай сақлаб қолинган. 620 гектар пахта майдони шўрлангани ва сув етишмаслиги туфайли нобуд бўлган, 201 гектар майдонда бедая бўлган. Гектаридан ўртача 55 пуд ҳосил олиш режалаштирилган.

1930 йил 20 ноябрда пахта ҳосилининг 80 фоизи териб олинган. Совхозда 12 ноябрда 1795 ишчи бўлган, 15 ноябрда — 423 киши, 20 ноябрда эса 176 ишчи бўлган. Пахта теримига индустриал институт, ер тузилиши, тиббиёт институти ва 5-сонли мактаб ўқувчилари (Самарқанддан) сафарбар қилинган. Улар бир неча ҳафта пахта терган, улар кетиб қолгач, уларнинг ўрнига ҳеч ким юборилмаган. Ҳар куни теримга 1000 киши етишмай турган. Меҳнат биржалари томонидан Пенза, Самара, Ульяновск ва бошқа жойларда жам қилинган ва совхозга юборилган одамлар пахтачиликдан мутлақо хабари бўлмаган. Йўриқчи Никлич ишчилар аҳволини шундай таърифлаган: «Барча ишчилар ҳеч мустасносиз чидаб бўлмайдиган даражада ўзларининг устбошларини ишлатиб бўлганлар, уларнинг кийим-кечаклари даярли жулдурвақага айланиб кетган. Ҳеч бўлмаса ички кийимлардан бир жуфтани сотиб олишнинг иложи йўқ. Бунинг натижасида ишчиларнинг кўплаб кетиб қолиши содир бўляпти. Ишчиларнинг кўпи кўйлак киймасдан ниманидир, ёки пиджакка, ёки бошқа бир нарсага ўхшаган нарсани ёпиниб юрадилар. Оёқларида эса бутунлай йиртилиб кетган ботинка ва этик, улар ажралиб тушиб қолмаслиги учун сим ва каноп ип билан боғлаб олинган. Кооперация етказиб бераётган озгинагина устки кийим-бош ва пойафзал кўп ҳолларда хизматчиларга сотилмоқда. ...Ошхоналар, кўхнялар ва новвойхоналар ифлос, кўп ҳолларда зарур идиш-товоқлар етишмайди. 1000 та тушлик қилувчилар учун 1-сонли хуторда атиги 40—50 пиёла бор холос. Бунинг оқибати ўлароқ, овқат олиш учун одамлар узоқдан-узоқ навбатда турадилар. Ҳамма хуторлардаги ётоқхоналарда катта хоналар бўлиб, уларда 30, 40, 50 кишигача ёлғизлар ҳам, оилалар ҳам истиқомат қилдилар».

Бу вақтда пахтачилик совхозлари ўз бошидан чуқур бўҳрон даврини кечираётганди. Шу боис Ўзбекистон Компартияси республика пахтачилик совхозларидаги ўпирилишга барҳам бериш штабини тузишга мажбур бўлган. 1931 йил 2 июлда штаб кенгаши «Пахтачилик совхозларини ишчи кучи билан таъминлаш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқади.

Пахтачилик совхозларини ишчи кучи билан таъминлаш мутлақо қониқарсизлиги бу сабабли совхозлар режадаги эҳтиёжга нисбатан бор-йўғи 50 фоиз миқдоридагина ишчи кучи билан таъминланган, Меҳнат халқ комиссарлиги томонидан пахтачилик совхозларига сафарбар қилинган 35.000 кишидан 21.000 киши ишдан кетиб қолган.

Кўпчилик районларда пахтачилик совхозлари учун ишчилар сафарбар қилувчилар пул маблағи билан таъминланмаган совхозларни ишчи кучи билан таъминлаш ҳолати ҳақида районлар маълум маълумотга эга бўлмаган, умуман, кўпчилик районларда пахтачилик совхозларига ишчи кучи жалб қилиш иши қониқарсиз ҳолатда бўлган. Бу совхозларни ишчи кучи билан таъминлаш ишига саботаж қилгани учун Самарқанд шаҳар совети иши Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига топширилган. Андижон район партия комитетига штаб раиси Иброҳимовни ишдан олиб, уни партиявий жавобгарликка тортиш таклиф қилинган.

Штабнинг аввалги кенгашида қабул қилинган пахтачилик совхозларини ишчи кучи билан таъминлаш тақсимоли етарли эмаслиги эътироф этилган, чунки совхозлар пахта чопиғидан анча орқада қолиб кетган. Ишчилар сонининг камлиги туфайли ўпирилишни тугатишга имкон бермаётгани, шу боис топшириқларни икки марта кўпайтириш ва бу ишни 12 соат ичида улдасидан чиқиш Максумов ва Иброҳимовларга топширилади, охириги чопиғини 10 июлга қадар тугаллаш ва пахтачилик совхозларини маълум миқдорда ишчи кучи билан таъминлаш вазифаси топширилади. Бу даврда колхозларда эса пахта чопиғи вазифаси бажарилган эди.

Тошкент шаҳар, район партия комитетлари ва район ижроия комитетлари совхозларни ишчи кучи билан таъминлаш вазифасини бажармаётганликлари, айниқса топшириқни бажаришга Сталин райсовети саботаж қилаётганлиги қайд қилинади. Шу боис бу район партия комитетларига нисбатан тегишли чоралар кўриш ЎзКП(б) Марказий Комитети Ижроия бюросидан сўралади.

Андижондан сафарбар қилинган 1000 колхозчидан 850 таси жўнатиш учун вагон берилмагани оқибатида уйларига тарқалиб кетгани, бу ҳақда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросига хабар етказиш ва республика прокурори Смирновга айбдорларни зудлик билан жавобгарликка тортиш топширилади.

Кенгашда пионерларни чопиққа юбориш мутлақо мақсадга мувофиқ эмаслиги, бундан буён болаларни пахта чопиғига юбор-

маслик, совхозларга юборилган пионерларни тезлик билан қайтариб келишга қарор қилинади.

Кенгаш «ўпирилишга» барҳам беришда пахтачилик совхозлари ишчилари таъминотини узлуксиз таъминлаш тўғрисида»ги масалани ҳам кўриб чиқади. Қабул қилинган қарорда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ҳамда ЎзКП(б) Марказий Комитетининг республика пахтачилик совхозларида банд бўлган ишчиларнинг таъминотини узлуксиз таъминлаш тўғрисидаги қарори шу кунга қадар бажарилмагани кўрсатиб ўтилади. Таъминот халқ комиссарлиги ва «Ўзбекбирлашув» Ўрта Осиёдаги бошқа таъминот ташкилотлари билан пахтачилик совхозларида ишлаётган ишчилар таъминотини яхшилаш учун ҳеч нарса қилмаганликлари қайд қилинади.

Масалага бундай масъулиятсизлик ва ножиддийлик билан қараш натижасида 21000 киши пахтачилик совхозларидан кетиб қолган. Кўплаб совхозларда ишчилар сифатсиз, яроқсиз овқатлар, хусусан, атала билан боқилган. «Боёвут» совхозидagi аҳвол ниҳоятда ёмон бўлгани сабабидан, бу ҳақда ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва ЎзКП(б) МК Ижроия бюросига хабар қилишга қарор қилинади.

Пахтачилик совхозларида ишлаётган ишчилар таъминотидаги бундай ёмон аҳволнинг сабабларини зудлик билан текшириш ва бунда айбдор бўлганларни жавобгарликка тортиш ГПУ ва республика прокурори Смирновга топширилади. Шунингдек, ишчилар таъминотидаги зулишларга йўл қўйган Таъминот комиссарлигига, «Ўзбекбирлашув»га, гўшт, нон, ёғ ишлаб чиқарадиган республика ташкилотларига қарши кескин чоралар кўриш таклиф қилинади.

Файзулин, Калинин, Максумов, Фельдман ва Ниёзовларга бир кун муддат ичида республикадаги барча пахтачилик совхозларидаги таъминот ҳолатини текшириб чиқиб, Ўрта Осиё бюроси ҳамда Марказкомнинг пахтачилик совхозларида ишлаётган ишчилар таъминотини яхшилаш ҳақидаги қарорининг реал бажарилиши учун аниқ чоралар кўриш топширилади.

Мирзачўл, Янгийўл, Пскент, Янги Чирчиқ, Наманган, Норин, Жалолқудуқ, Балиқчи, Марғилон, Кўқон, Икромов, Нарпай, Бухоро, Паттакесар, Жарқўрғон ва Денов район партия комитетларига икки кун муддатда прокуратура, район назорат инспекцияси ва ГПУ ёрдами билан пахтачилик совхозларини текшириб чиқиш, айбдорларни жавобгарликка тортиш вазифаси юклатилади. Республика прокурори Смирновга уч кун муддат ичида «Боёвут» совхозига терговчи юбориб, айбдорларни жавобгарликка тортиш вазифаси топширилади. «Ўзбекбирлашув»га ўз йўли билан «Боёвут» совхозидagi ишчилар таъминотидаги зулиш сабабларини текшириш топширилади¹.

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 7-рўйхат. 831-иш. 37—38-варақлар.

«Далварзин» ва «Боёвут» совхозлари учун ишчи кучини ёллаш мақсадида четдан келиб ишловчиларнинг 1931 йил 25 сентябр-гача бўлган ҳолати таҳлил қилинган. «Далварзин» совхозига ишчи ёллаш учун биркичиб қўйилган районлар ўзларига юклатилган бу вазифани қониқарсиз бажарганлар. Масалан, Қурама 1000 киши бериши керак бўлгани ҳолда 525 киши берган, Боғдод райони 569 киши ўрнига 490 киши берган. Булунғур райони 569 киши ўрнига 490 киши берган.

Дастлабки вақтда бригада ҳеч нарса олмаган, Ўрта Осиё бюроси вакили Давидовнинг 11-куни келиши билан райком фақат 200 киши беришга қарор қилган, бунга районда ишчи кучи йўқлиги баҳона қилинган. Митан районидан 1000 киши ўрнига 14 киши келган. Ишчиларни ёллаш ночор аҳволда. Қудаш районидан 1500 киши ўрнига бирон киши келган эмас. Чунки райком бюроси ўз қарори билан ишчи кучи беришдан бош тортган, аммо ўзининг дастлабки бу қарорини ўзгартириб ёлланма ишчи бериш ҳақида бюрода қарор қабул қилган, қанчалиги номаълум, бироқ 1931 йил 25 сентябрга қадар ишчилар берган эмас.

«Далварзин» совхози ишчиларни қабул қилишга кўп тайёрланган, аммо у бинога эга эмас, овқатланиш жуда хароб, кооперация ёмон ишлаган, маданий-оммавий иш деярли йўқ даражада эди. Маош бўйича қарздорлик катта, ўтган ой учун иш ҳақи бериш ваъда қилинган. Шу боис ишчилар қўнимсизлиги катта, колхозлардан келган 1489 кишидан 231 киши кетиб қолган, айрим колхозчилар билан суҳбатда кетиб қолишдаги юқоридаги сабаблардан ташқари иш ҳақининг пастлиги ҳам роль ўйнагани маълум бўлган.

«Боёвут» совхозига Самарқанд 4500 киши бериши керак эди, аммо ҳеч нарса берилмаган. Вакил Давидов иштирокида 12—17 кунлари, 5 кун муддатда 1486 кишини совхозга бериб режани бажаришга қарор қилинган. Аммо бунга қарамай совхоз учун доимий ишчиларни ёллаш келгуси беш кунликда бажариш мумкинлиги ҳақида ваъда қилинган, холос.

Ургут райони 2500 киши ўрнига 440 киши бериш билан кифояланиб, бундан буён ёлланма ишчи беришдан воз кечилган.

Зомин райони 1000 киши бериши керак эди. Аммо районда касаллик кўплиги боис Марказком бу райондан ишчи кучи ёллашга розилик бермаётганини рўқач қилиб ёлланма ишчи кучи беришдан бош тортган.

Хатирчи районидан 1500 киши ўрнига 360 киши берилган. Ёллаш давом этган. Вобкент 900 кишини бериши керак эди, аммо Марказдан келган бригадага бошқа районлардан аксинча бу районга ишчиларни ёллаш керак деган фикр айтилган.

Меҳнат қилишга келаётган ишчилар учун шароит «Далварзин» совхозидан кўра «Боёвут» совхозига яхшироқ йўлга

қўйилгани ишчиларнинг қўнимсизлиги унчалик сезилмаган. Ушбулардан келиб чиқиб ВКП(б)МК Ўрта Осиё бюроси вакили совхозларни ишчилар билан таъминлаш бўйича шошилинич чоралар кўришни таклиф қилган. Чунки 1931 йил учун пахта йиғим-терими режасини бажариш барбод бўлиш хавфи туғилган эди¹.

Ўрта Осиёнинг ички ҳудудларига қулоқ қилинганларни сургун қилиш айти 1931 йил бошларидан бошланган. Бу ҳақда ҳужжатли материаллар шоҳидлик беради.

1931 йил 9 февраль санаси қўйилган «Округлар ичида 3-тоифали қулоқларни кўчириш тўғрисида» деб номланган маърузаномада Ўрта Осиё бўйича 62 хўжалик кўчирилгани, 10 хўжалик (100 киши) қочиб кетгани қайд этилган².

Ўша маъруза хатида 1930 йил мартада собиқ Бухоро округи Шофиркон районининг Жилвон деган жойига сургун қилинган қулоқлар аҳволи тасвирланган. Бу кўчириб келтирилган қулоқ хўжаликлари аввал бошдан ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Иш ҳайвони, қишлоқ хўжалиги инвентарлари етарли даражада бўлмагани ва район ташкилотлари томонидан назорат қилинмаслиги туфайли ажратиб берилган 304 гектар ерга экин экилмай қолган.

Сургун қилинган қулоқ хўжалиklarининг кўпчилиги қашшоқ ҳолатда кун кечирган. Бир амаллаб топилган иш ҳайвонлари усти очиқ жойда, очлик ҳолатида қолган. Сургун қилинган қулоқлар турар жойга мутлақо эга бўлмаётган палаткаларда кун кечиришган. Жойларда қурилиш материаллари йўқлигидан турар-жой қуришга аҳамият берилмаган. Посёлкалардан қочиб кетишлар катта кўламда юз берган. Посёлка ташкил топган даврдан 1930 йил 15 августгача посёлкадан 11 оила, жами 100 киши қочиб кетган. Посёлка 7 кишидан иборат милиция қисми томонидан қўриқланган. Милиционерлар хизмати яхши йўлга қўйилмаган. Соқчилик фақат тунда олиб борилган, кундузлари эса сургун қилинган қулоқлар милиция рухсатисиз теварак-атрофдаги қишлоқлардаги бозорлар бўйлаб санқиб юришган³.

Ўзбекистондан сургун қилинган дастлабки қулоқларнинг қисмати ҳатто расмий ҳукумат томонидан шундай тасвирланган: «ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакиллиги ахборот бўлими бошлиғи Круковский 1931 йил 23 марта ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси Бауман номига «Жилвон посёлкасига кўчириб келтирилган қулоқ хўжалиklarининг аҳволи тўғрисида» хат йўллади. Унда айтилишича, Бухоро тезкор сектори Шофиркон районидаги Жилвон посёлкасида сургун қилинган 8 та оилалик ва 42 та якка бош, ҳаммаси бўлиб 77 киши яшайди, бу 50 нафар қулоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш қуввати 802 таноб

¹ ЎзР ПДА. 58-фонд. 7-руйхат, 628-иш, 32-варақ.

² Солетская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД. Т. 3. кн. 1. стр. 613.

³ РФХХМА. 2-фонд. 9-руйхат, 20-иш, 103–104-варақлар.

ер, 12 хўкиз, 4 от, 4 эшакдан иборат. Кўрсатилган ҳайвон 19 хўжаликка қарашли. Қишлоқ хўжалиги инвентари эса биргина маҳаллий аҳолига қарашли эски арзимас қурооллардан иборат бўлган ҳолос.

Қулоқлар учун ажратилган 802 таноб ер эгри-бугри қумли тепаликлардан, тупроғи бутунлай қум-шағал аралаш жойлардан иборат бўлган. Ер ости сувлари шўр, ер шўрлашиб кетган. Ёз вақтида гармсел шамоли, Қизилқум саҳросидан иссиқ шамол эсиб туради. Бундай ёмон иқлим, шароит ва қишлоқ хўжалик инвентарларининг йўқлиги ердан яхши фойдаланишга, юқори ҳосил олишга имкон бермайди. Ўтган йили 38 гектар ердан бор-йўғи 0,3 тонна пахта олинган.

Ички районларга сургун қилинган қулоқ хўжаликларидида озиқ-овқат захиралари йўқ. Озиқ-овқат билан таъминлашда район мат-лубот жамиятида бирон-бир норма йўқ. Ҳозирги вақтда барча сургун қилинганлар кунига 200 оби нон олишмоқда.

Ҳайвон учун ўт, ем-хашак йўқ. Бундайлар билан таъминлаш ташқаридан амалга оширилади. Ҳайвонлар жуда ҳам ориқлашиб кетган. Сургундагиларнинг ҳайвонларни ем-хашак билан таъминлаш ҳақидаги қатъий талаблари район ташкилотлари томонидан қониқтирилмаяпти. Ҳатто улар бу талабларга қулоқ осишмаяпти ҳам, чунки раҳбарлар қулоқларга ёрдам берганликда айбланиб қолишдан чўчимоқдалар. Фақат кейинги пайтдагина юқори ташкилотлар аралашуви натижасида ҳайвонларни таъминлаш Шофиркон райони кооператив союзига топширилди. Бу ташкилот эса мутлақо озуқа ресурсларига эга эмаслигидан сургун қилинган қулоқлар ҳайвонлари учун хусусий бозордан қиммат нархда ем-хашак сотиб олиб беришга мажбур бўлмоқда.

Бу қулоқ хўжаликларига район ташкилотлари томонидан пахта экиш қатъий мажбурияти юклатилмаган, чигит уруғи ва минерал ўғитлар йўқ.

1930 йил мартда сургун қилинган қулоқларнинг умумий сони 62 оилага етди. Милиция соқчилиги яхши йўлга қўйилмагани туфайли қулоқлардан 11 киши қочиб кетди, 1 киши вафот қилди. Маълумотларга кўра, қочиб кетган қулоқлар ўзларининг аввалги яшаш жойлари Пастдарғом районида яшириниб юрибди. Қулоқлардан айримлари (Жаббор Қодиров) агар биз қочиб кетсак у ҳолда совет ҳокимияти бизларни очликдан ўлдириб юборади деб айтишмоқда¹.

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси 1931 йил 10 мартда «Пахтачилик совхозларига ташкилий, партиявий гуруҳларни юбориш тўғрисида»ги масалани кўриб чиқади. Баҳорги экиш кампанияси даврида оммавий-партиявий ишларни авж олдириш мақсадида пахтачилик совхозларига масъул ходимларни вакил қилиб юборишга қарор қилинади. Унга кўра «Боёвут» совхозига Макаров,

¹ РИСТДА, 62-фонд, 2-рўйхат, 2520-иш, 1—4-варақлар.

Сальманов, «Далварзин» совхозига Глобин, Турғунбоев, Львова, «Ўзбекистон ССР 5 йиллиги» совхозига Шупа, Турсунмуродов, «Учқўрғон» совхозига Мишерин, «Савай» совхозига Тарудаев, Рупин, «Хазорбоғ» совхозига Димитриев, Саттаров, «Кумқўрғон» совхозига Пашкин, Жамшид, «Кўқон гуруҳига» Иваненколар вакил қилиб юборилганлар. Бу вакиллар 1931 йил 1 июнга қадар белгиланган совхозларда экиш кампаниясига Марказнинг вакили сифатида хизматда бўлганлар¹.

1930 йил 1 январдан ҳозирги Сурхондарё вилояти Денов районида «Хазорбоғ» совхози ўз иш фаолиятини бошлаган эди. Экспедиция «Хазорбоғ» қишлоғида бўлиб, кўплаб кексалар билан учрашиб, уларнинг эсдаликларини ёзиб олди. Уларнинг фикрича, «Хазорбоғ» сўзи «Хазорбоғ» каналининг қурилиши билан боғлиқ экан. Ҳозир «Хазорбоғ» сув омбори қурилган жой Сариосиё туманида жойлашган. Шу сув омборининг ўрнида тожик биродарларимизнинг яхши ният билан қўйган қишлоғининг номи ҳам «Хазорбоғ» деб номланган.

«Хазорбоғ»нинг маъноси минг боғ деган маънога эга. «Хазорбоғ» қишлоғи аҳолиси қўшни қишлоқларга кўчирилган, «Хазорбоғ» эса тўғон қурилгандан кейин сув остида қолган. «Хазорбоғ» сув омбори, «Хазорбоғ» канали, «Хазорбоғ» совхози, «Хазорбоғ» меҳнат посёлкаси бир-бири билан узвий боғлиқдир.

1930 йилда Ўзбекистонда 19 та совхоз ташкил этилган. Уларнинг иккинчиси «Хазорбоғ» эди. Бу жойга 1930 йилларда кўплаб



Пирим Ҳасанов турмуш ўртоғи билан. «Хазорбоғ». 2003 йил, 26 апрель.

¹ РИСТДА. 62-фонд. 1-рўйхат. 738-иш. 23—24-варақлар.

қулоқ қилинганлар сургун қилиниб келтирилган ва улар шу «Хазорбоғ» совхозида мислсиз оғир шароитда яшаб меҳнат қилганлар. Ҳа сургун қилинганлардан бир қанчаси ҳозирда шу жойда яшамокда. «Хазорбоғ»да ҳозирда истиқомат қилаётган Пирим Ҳасановнинг хонадонида 2003 йил 26 апрелда суҳбат қилганимизда у шундай эслади: «Отам Мавлонбой ўғли Ҳасан, онам Ҳақбердиева Ҳожи ая, 6 оға-ини эдик. 1930 йили ер, от-улов, мол-мулк, эчки, ҳамма нарсани олиб Қизилтепадаги Ровонбек кўлига сургун қилишган. Бутун хўжаликни 1931 йил 3 октябрда «Хазорбоғ» меҳнат қишлоғига кўчириб олиб келдилар. 18 жон эдик. Катта акам Рўзи сантехник, Мирзо тракторчи, Мамаражаб ишчи бўлиб ишлаган. Мен ўша 1930 йили озроқ ишладим. 1932 йил 2 февралдан 1942 йилгача бригадир бўлиб ишладим. Ундан кейин 24 йил агроном бўлиб ишладим. Пахта экканмиз. Бу ерга келганимизда фақат қийналганмиз. Кўпчилик ўлиб кетган. Бир у бошдан битта эшик, бу бошдан битта эшик, ертўлага 100 хўжалик жойлашганмиз.



Қизилтепа тумани Оқсоч қишлоғидан
«Хазорбоғ»га сургун қилинган
Жўрабой Баҳромов.

1932—1933 йиллари очарчилик бўлди. Бу ерга Фарғонадан, Самарқанддан, Бухородан, Туркменистондан кўплаб одамлар сургун қилинган, кўпчилик ўлиб кетган. Совхоз директори Дубровский ҳам қулоқ қилинганлардан эди. Шу икки ойдан кейин Зиберов ўлди, бош агроном Павло, 3-бўлимда 14—15 та бригадир бўлган. Бу хўжалик 1937—1939 йиллари Москвадаги кўргазмада қатнашиб Бутуниттифоқ халқ хўжалик кенгашининг мукофотиغا сазовор бўлган. Совхозда 1934 йилларда хизмат қилдим. Ҳашанда совхоз биринчилардан эди. Менда ишлаган эркак-хотинлар ҳаммаси ҳам мукофотланган. Биз 1950—1952 йилларда оқландик. Кейин отам озгина аравакашлик қилди. Отам ишчи эди. Оила аъзоларимизнинг ҳаммаси ҳам ишчи бўлган.

Акамлардан учтаси армияга кетди. Биттаси қайтиб келди, иккитаси ўша ерда қолиб кетди.

Яна қулоқ қилинганлардан Арабов Шамсутдин Самарқанддан келган, ва Маннонов Кундузжон, у ҳам Самарқанддан келган.

«Хазорбоғ» совхозининг 1-бўлими Жамоат кўчасида истиқомат қилувчи ажойиб бир нуруний отахон Отамуродов Бобомурод ака 1922 йили туғилган. Унинг ота-оналари, жами 15 жон



Холтожи Тожибоева Фарғонанинг Учкўпригидан «Хазорбоғ»га сургун қилинган.
Унинг ёнида угли. Хазорбоғ. 2003 йил, 24 апрель.

1931 йили Гиждувон район Сарижон қишлоқ советидан қулоқ қилиниб шу «Хазорбоғ» меҳнат қишлоғига сургун қилинган. Отаси Сафаров Отамурод, онаси Отамуродова Хосият бу ерга келиб далада ишлаган, онам пахта терган. Отам 1945 йил 25 апрелда 50 га кирмай вафот этган. Онам 1950 йили 10 сентябрда вафот этган. Бобомурод совхозда темирчи бўлиб 28 йил ишлаган. 1942 йили кетиб 1,5 йил Челябинскда қурувчи бўлиб ишлаган. 1944 йили яна қайтиб келиб, шу «Хазорбоғ» совхозида қолган. Ҳозир фарзандлари 4 та — 3 қиз, 1 ўғил, нафақа пули 14000 минг сўм, 50 ёшда пенсияга чиққан.

2003 йил 26 апрелда «Хазорбоғ» совхози 3-бўлимида яшаётган, қулоқ қилиниб сургун этилган Халилов Маннон ўғли хонадониди бўлди. Унинг ўғли Қундуз ака 1922 йили туғилган.

Ота-онаси, акалари Самарқанд вилояти Оқдарё туманидан қулоқ қилинганлар.

Маннонов Қундуз ака ўша «қулоқ»лар посёлкасидаги қийинчиликларни, оғир меҳнатни тасвирлаб берди. От, ҳўкиз билан меҳнат қилганмиз, у вақтда от ва ҳўкизлар кам бўлган. Лекин пахтачиликда ҳам, бошқа экинларда ҳам от билан бирга культивация қилганмиз. Мен ўзим от миниб совхозда ишлардим, урушга кетганман, совхозда паранжида ёпиниб юрган аёллар қолган холос. Аёллар пахта теришган, тўқайзорларни ер қилиб ер ҳайда-

ганлар. Бу аёлларнинг ҳаммаси меҳнат билан ўтиб кетдилар. Даст-аввалида катта-катта баракларда яшаганмиз, кейин 1936 йиллари уйлар қурилиб ҳаммасини сургундагиларга тарқатганлар. Совхозда 6 та бўлим бўлган, 6-бўлимда биз жойлашганмиз. «Хазорбоғ»га Самарқанд, Фарғона, Бухоро, Қашқадарё вилоятларидан «қулоқ»лар келтирилган. 1932—1933 йиллардаги очарчилик кўплаб сургундагиларни ёстиғини қуритди. 1940 йиллар охири — 1950-йиллар бошларида эсон-омон қолган меҳнат кўчкиндиларининг катта қисми ўзларининг аввалги жойларига кетиб қолишган, бир қисми шу жойда қолиб кетган.

«Хазорбоғ» совхози ва унинг босиб ўтган шонли ҳаёт йўли тўғрисида шу қишлоқнинг ажойиб фуқароси марҳум Тошпўлат Сувонов жамоатчилик асосида, ўзининг шахсан ташаббуси ва меҳнати билан музей ташкил қилган. Шунингдек, унинг «Хазорбоғ» совхозининг 60 йиллигига бағишлаб ёзилган «Истиқбол йўлидан» номли рисоласи 1990 йилда нашр этилган. «Хазорбоғ» совхози дастлабки деҳқончиликни 2 та ХТЗ трактори ва 2 автомашина, бир неча от ва ҳўкиз арава, омоч ва иш ҳўкизлари билан иш бошлаган.

...1931 йилнинг куз ойларида Ўзбекистон ҳукумати совхозни ишчи кучи билан мустақамлаш учун Фарғона ва Бухородан, Самарқанд ва қўшни Туркманистондан 1000 оила кўчириб келтирилганлар устидан 1953 йилнинг январигача комендатура назорати ўрнатилган¹.

Ўзбекистонда 12 та қулоқлар посёлкалари бўлиб, улардан биринчиси Шофиркон райони Жилвон деган жойда 52 ҳўжаликдан ташкил топган. Меҳнат сурғундагиларга хизмат кўрсатиш ёмон аҳволда бўлган, улар ертўлаларга жойлаштирилган, иш ҳайвони билан 19 ҳўжаликгина таъминланган, европача қишлоқ ҳўжалиги инвентарлари бўлмаган, озиқ-овқат танқис бўлган. Кўчирилганлар орасида бу сургун худога эътиқод қўйганимиз учун ташкил қилинди, деган диний ҳиссиёт, туйғу ўрнашиб қолган, қочиб кетишга даъват этувчи тарғибот кучайтирилган, очлик билан қўрқитиш ҳолатлари юз берган.

Иккинчи посёлка 1930 йил августида Чулпак районининг Қорақалпоқ деган жойида 70 ҳўжаликдан ташкил қилинган. Ўша йили учинчи ва тўртинчи посёлкалар Ғиждувон районининг Районобод деган жойида 73 ҳўжаликдан, Кулёдин деган жойида 101 ҳўжаликдан ташкил этилган. Амударё районининг Сайдин қишлоғида 1931 йил мартада бешинчи посёлка 22 оила таркибида ташкил топган. Бу жойда озиқ-овқат йўқлигидан кўчириб келтирилганлар вақтинчалик қишлоқларда қолдирилган қариндошлари, оила аъзолари келтирган маҳсулотларни истеъмол қилганлар. Қолган 7 қулоқ посёлкалари 1931 йил мартада Қўқон районининг Майдаулгун, Қоракўрпа деган жойларида (Қўқон Шаҳридан шимолроқда 20 км узоқликда) 202 ҳўжаликдан таш-

¹ «Хазорбоғ» совхози — 60 ёшда. Истиқбол йўлидан. 1900 йил, март. Денов, 6-бет.

кил бўлган. Бу посёлкаларни маъмурий йўл билан бошқариш шаҳар советининг махсус ходимиغا юклатилган. Бу ходим шу посёлкада яшаган. Посёлкалар ўзларининг қишлоқ хўжалик инвентарларига эга эмасди, ишчи ҳайвони ҳам йўқ эди, озиқ-овқат билан таъминланмаганди. Қулоқ хўжалиklarининг ўз хусусий озиқ-овқат заҳиралари 65 фоизни ташкил этган. Меҳнат сургунидагилар ўзлари учун ажратилган зовурларни ковлаш, ерларга дастлабки ишлов бериш ва майда суғориш тармоқларини тайёрлаш, пахта экиш бўйича қатъий топшириқлар олмаган 143 хўжалик ўзининг бошлиқларига эга бўлмаган. Улардан қамоққа олинганлар, қочиб кетганлар ҳам бўлган.

Посёлкадаги умумий сони 825 кишидан фақат 173 кишигина меҳнатга лаяқатли. Қаердан сургун қилинган бўлсалар ўша қишлоқдагилар билан алоқаси сақланиб қолган, меҳнат сургунидагиларга қариндошлари, колхозчилар томонидан озиқ-овқат билан ёрдам кўрсатилган, турар-жойлар билан таъминлашга кўмаклашилган. Посёлка қулоқларини тўласинча кўчириш тугалланганича йўқ. Яқинда посёлкалар ташкил топиши сабабидан ГПУ тизимида хизмат кўрсатиш яхши йўлга қўйилмагани, аммо бу борада тегишли чоралар кўриляётгани ҳам хатда айтилган¹.

Тошкентдан 1931 йил 9 апрел соат 8.21 дақиқада Москвага, ОГПУга тўғридан-тўғри сим орқали В. А. Каруцкий имзоси билан узатилган мутлақо махфий хатда Ўрта Осиёда ҳаммаси бўлиб 14 та қулоқ посёлкалари (қишлоқлари) мавжудлиги, Туркманистонда 2 та, бири Шоул Эшон Қирободда, иккинчиси Денов райониди 1930 йили ташкил бўлгани, уларда 64 хўжалик (365 жон) борлиги, бу қишлоқларда ёппасига жамоалаштириш районларидан сургун этилганлар яшайётгани, жорий йилда қўшимча тарзда 317 катта ёшдаги ва 149 нафар бола кўчириб келтирилгани қайд этилган. Бу қулоқ қишлоқларида тиббий ёрдам, болалар муассасалари йўқлиги, уларнинг хўжалик ҳаёти қишлоқ ҳаётидан фарқ қилмаслиги, аёллар оилалари ёмон аҳволдалиги, уларнинг ўзлари деҳқончилик қилаолмаётгани, аёллар ва уларнинг фарзандлари оч эканлиги, аёллар ва болалар оломон бўлиб комендантга келиб нон сўраганлари, ҳеч нима олаолмаганликларидан болаларини комендантга ташлаб кетаётганлари каби воқеалар юз берган.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Г. П. Матсоннинг 1931 йил 7 майда Москвага йўллаган телеграммасида қулоқлар посёлкаларининг жойлашуви хабар қилинган. Ўзбекистонда 25 та посёлка бўлиб, жумладан, Фиждувон райониди Рояобод қишлоғида 73 хўжаликни бирлаштирган битта, Кулёдинода 101 хўжаликдан иборат битта, Қўқон райониди 7, Оқдарё райониди битта, Икромов номли райониди 149 хўжаликни бирлаштирган Дуол Болатош қишлоқ советида, битта, Сарийосиё райониди 82 хўжаликдан иборат битта, Данғара райони Жалигин қишлоқ совети-

¹ РФХХМА, 2-фонд, 9-рўйхат, 332-иш, 20—21-варақлар.

да битта, Сангордода 40 хўжаликдан иборат битта посёлка борлиги қайд этилган.

Шунингдек, телеграммада Тўполонда 10 хўжалик, Оролда 59 хўжалик, Кува районида 61 хўжаликдан иборат иккита, Янгийўлда 16 хўжаликдан иборат битта, Туркменистоннинг Денов районида Эшонработ деган жойда 54 хўжалик, Марв райони Чорлаёб қишлоғида 24 хўжаликни бирлаштирган посёлкалар мавжудлиги кўрсатилган¹.

Г. П. Матсон 15 июндаги телеграммасида эса Ўрта Осиёда 2-тоифали қулоқлар посёлкалари йўқлиги, 3-тоифали қулоқлар жойлашган посёлкалар борлиги ва улар ички кўчириш оқибатида ташкил бўлганлиги хабар қилинган².

Хужжатларда қайд этилишича, 1931 йил 1 май билан 15 июнь оралиғида Ўрта Осиёнинг ўзидан шу минтақанинг ички районларига 1128 оила сургун қилиниб келтирилган ва қулоқ посёлкаларига жойлаштирилган³. Айни вақтда бу қулоқлар посёлкаларига Ўрта осиедан ташқари бошқа минтақалардан ҳам қулоқлар кўчириб келтирилган. ОГПУ Транспорт бўлимига келиб тушган телеграммада Бокудан Красноводскга 1931 йил 28 февраль куни 417 қулоқ оилалари келтирилгани, улар Тошкентга, концлагерга кетаётгани, вагонлар қайноқ сув ва соқчилар билан таъминлангани, қулоқ оилаларини Тошкентга жўнатиш учун Красноводскда 1 март куни вагонларга жойлаштирилган, эшелоннинг ўз вақтида ҳаракат қилишига қаратилган чоралар кўрилгани таъкидланган⁴.

ВКП(б) МК 1931 йил 20 майда ОГПУ зиммасига қулоқлар жойлашатирилган жойларни хўжалик ва маъмурий жиҳатдан тартибга солиш вазифасини юклайди. ОГПУ 1931 йил 3 июнда қулоқлар жойлаштирилган районларни таъминлаш ишини ОГПУ тасарруфига бериш тўғрисида 285/162-сонли буйруқ чиқаради.

ОГПУ органларига ҳам кўчириладиган, ҳам аввал кўчириб келтирилган махсус кўчкиндиларни жойлаштириш, ўрнаштиришга, уларни хўжалик жиҳатдан жойлаштириш, маъмурий ва маданий-маиший турмушини бошқариш, қўриқлаш, таъминлаш, улардан ҳам саноатда, ҳам қишлоқ хўжалигида фойдаланиш каби соҳаларга раҳбарлик қилиш вазифаси юклатилган. Шу муносабат билан махсус кўчириб келтирилганлар бўйича мавжуд хўжалик ҳамда маъмурий аппарат (комендатуралар ва қулоқлар посёлкалари) бутун материаллари ва пул жамғармалари билан ОГПУ тасарруфига ўтказилади. Бу ишни амалда таъминлаш учун ОГПУ худудида махсус кўчириб келтирилганлар бўлган. ОГПУнинг доимий вакиллари қулоқ посёлкалари ва комендатураларини барча материаллари, пул жамғармалари билан ўз тасарруфига олишлари кераклиги буйруқда кўрсатилади.

¹ РФХХМА, 2-фонд, 9-рўйхат, 332-иш, 22-варақ.

² Ўша архив, 28-варақ.

³ Ўша архив, 20-иш, 37-варақ.

⁴ Ўша архив, 332-иш, 16-варақ.

Кулоқ посёлкаларини ташкил қилиш ва хизмат кўрсатиш ишлари бўйича барча ишларга, уларнинг маъмурий, маданий-маиший, турар жой, хўжалик ва ишлаб чиқариш бўйича жойлаштириш, шунингдек, соқчилик ва назоратни ўрнатишга раҳбарлик қилиш ОГПУнинг Лагерлар бош бошқармаси тасарруфига ўтказилади. Унинг таркибида «махсус кўчирилганлар бўйича бўлим» ташкил бўлади. Бундай бўлимлар жойлардаги ОГПУ доимий вакилликларида ташкил бўлади. Бу бўлимлар махсус қишлоқлардаги махсус посёлка комендатураларини бошқарган.

Махсус кўчириб келтирилганларга махфий тезкор хизмат кўрсатиш ОГПУнинг махфий-тезкор бошқармаси, жойларда эса унинг маҳаллий аппарати томонидан амалга оширилган.

Шунингдек, Лагерлар Бош бошқармаси билан ҳамкорликда махсус посёлкалар тўғрисида низом ва йўриқнома ишлаб чиқиш ҳам буйруқда кўрсатилган¹.

Г. Г. Ягода ўзининг юқорига йўллаган маърузаномаларидан бирида кулоқларни хўжалик жиҳатдан жойлаштириш ва уларни маъмурий бошқарув ОГПУ тасарруфига ўтганидан бери комфирқа ва совет давлатининг бу ҳақдаги қарорларини ҳал қилишда кўйидаги масалалар ўз ечимини топгани қайд қилинди:

1. СССР МИКнинг 1931 йил 3 июлдаги қарори билан кулоқларнинг ҳуқуқий аҳволи белгилаб берилди, бу билан советларга қарши фаоллик пасайиб, қочиб кетиш қисқарди.

2. Махсус кўчириб келтирилганлардан фойдаланадиган барча хўжалик ташкилотлари билан шартномалар тузилди, унга кўра хўжалик ташкилотлари қишгача барча қишлоқдагиларни доимий турар жой билан таъминлаш, мактаб ва касалхоналар куриб бериш мажбуриятини олган. Бундан ташқари якка тартибда уй-жой куришда махсус кўчкиндиларга курилиш материаллари ва асбоблар билан ёрдам қилишлари ҳам кўрсатилган.

3. Ишлаётган меҳнат кўчкиндилари ва уларнинг оила аъзолари таъминот нормаси бўйича эркин ёлланган ишчилар билан баробар бўлган. Кооперация марказий союзи кулоқлар жойлашган қишлоқларда махсус савдо тармоқларини ташкил этишлари, махсус кўчкиндилар пассив аъзолик асосида кооперацияга жалб қилинадиган бўлган.

4. Махсус кўчкиндиларнинг иш куни вақти ва ишлаб чиқариш нормалари ҳам ёлланма ишчиларники билан тенглаштирилган.

5. Меҳнат халқ комиссарлиги, Кустарком ва Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги шартнома асосида меҳнат кўчкиндиларига тиббий ва бошқа ёрдам кўрсатишлари ҳам белгилаб қўйилган.

6. Меҳнат кўчкиндисига тўланадиган иш ҳақи миқдори ёлланма ишчиникидан кам бўлмаслиги ҳақида жойларга кўрсатма берил-

¹ Советская деревня глазами ВЧК-ОГПУ-НКВД... Т. 3, книга 1, стр. 589—590.

ган. Иш ҳақи бўйича хўжалик органларининг қарзи асосан тугатилган махсус кўчкдилар иш ҳақидан 15 фоиз ОГПУ ихтиёрига ўтказилиб туриши белгиланган¹.

Халқ Комиссарлари Советининг ва Молия халқ комиссарлигининг қарори билан 1933 йил 1 январгача меҳнат кўчкдилари барча солиқлардан озод этиладиган бўлди.

7. Махсус кўчкдиларнинг ўрнашиб қолган қишлоқларда муқим туриб қолишларини мустақамлаш, улар яшаётган жойларда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари базасини яратиш, махсус кўчириб келтирилганларга инвентарь, ҳайвон ва паррандалар ушлаб туриши, сигир, от, қўй ва бошқа чорва моллари сотиб олиши учун ссудалар бериш кўзда тутилди.

Махсус кўчириб келтирилганлардан турли кустар артеллари ташкил этишни ҳам йўлга қўйиш кўрсатилди.

8. Маориф халқ комиссарлиги, Алоқа халқ комиссарлиги, хўжалик органлари ва ОГПУ маданий муассасалар қуришаётганлиги сабабли ногиронлардан кустар-хунармандчилик артеллари ташкил этиш, ёши 14 гача бўлган болаларни ва меҳнат қобилиятини йўқотган кексаларни қариндошлари, танишлари қарамоғига бериб юборишга рухсат берилган. Болалар, етимлар болалар уйларига жойлаштирилиши ҳам кўрсатилган.

ОГПУ коллегияси томонидан Марказда ва жойларда махсус кўчкдилар ва уларни жойлаштириш бўйича махсус бўлимлар тузилган. Бу ишга 300 га яқин ходимлар сафарбар қилинган, бундан ташқари захирадаги 150 мансабдор ва 150 нафар партия аъзолари шу соҳага жалб этилган.

Бу сингари тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида махсус кўчкдиларнинг аҳволи 1931 йил баҳоридагина нисбатан анча яхшилانган, аммо бир қатор соҳаларда ҳали қониқарсиз ҳолатлар мавжуд эди².

Марказий Комитетнинг махсус кўчкдилар бўйича комиссияси 1931 йил 22 ноябрда ВКП(б) Марказий Комитети Ўрта Осиё бюросининг «Туркменистондан қўшимча равишда 1000 қулоқ-бой оилаларни кўчириш тўғрисидаги илтимоси»ни кўриб чиқади. Комиссия Туркменистондан Ўзбекистонга қўшимча тарзда 1000 қулоқ-бой оилани кўчириш учун Ўзбекистонда пахтачилик совхозлари ҳузурида махсус қишлоқлар ташкил қилиш ва сургун қилинган қулоқ-бой оилаларда шу пахтачилик совхозларида ишчи кучи сифатида фойдаланишга рухсат беради³.

23 ноябрдаёқ ички кўчириш операцияси асосан тугалланади. 1000 хўжалик ўрнига 1035, 6546 киши ўрнига 6863 киши кўчирилади. 23 ноябрда Чоржўйдан Ўзбекистонга иккита эшелон йўлга

¹ 1932 йил февралдан махсус кўчкдилар иш ҳақидан ОГПУнинг харажатлари учун 15 фоиз ўрнига 5 фоиз ажратиладиган бўлди. Бу ҳақда Г. Г. Ягода 1932 йил 31 январда хабар қилган. — Р. Ш.

² РФХХМА, 2-фонд, 10-руйхат, 379а-иш, 70—71-ярақлар

³ РФХХМА, 2-фонд, 10-руйхат, 379а-иш, 92-ярақ.

чиқади, биринчи эшелондаги одамлар ташийдиган 21 та вагонга 130 хўжалик (876 киши) жойлаштирилган ва ёпиқ икки вагондаги Кармана станциясида туширилади. Иккинчи эшелонда одамлар ташийдиган 42 ва 1 ёпиқ, 1 классний вагонларга 947 хўжалик (1649 киши), шундан 441 эркак, 423 аёл, 785 болаларга ярим ойга етадиган озиқ-овқат, қишлик кийим, оёқ кийими олиши айтилган. Уларга тиббий ёрдам кўрсатиш, жойлашадиган пунктгача соқчилик билан таъминлаш чоралари ҳам кўрилган¹.

ОГПУнинг Ўрта Осиёдаги доимий вакили Е. Г. Евдокимов 25 ноябрь соат 13.20 да Г. Г. Ягодага сим орқали тўғридан-тўғри берган хабарида 10.000 оилани ички ҳудудларга кўчириш масаласи Ўзбекистоннинг директив органлари билан келишилгани, учта махсус қишлоқ ташкил бўлгани, яна бири 400 хўжалик жойлашадиган Куйихон совхозида, иккинчиси 300 хўжаликка мўлжалланган «Нарпай» совхозида ва учинчиси «Ангор» совхозида ташкил бўлади. «Туркменистоннинг 22 райони бўйича қулоқбой оилалари қўлга олиниб, Ўзбекистонга келтирилмоқда, 24 ноябрда Чоржўйдан Ўзбекистонга қараб иккита эшелон (63 та одамлар ташийдаган, 3 та ёпиқ, 1 классний вагонларда) 377 хўжалик билан йўлга чиқди», — деб кўрсатилган юқоридаги хабарда².

ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягода 1932 йил 4 январда ВКП(б) МК котиби И. В. Сталин, ВКП(б) МК котиби П. П. Постишевга «ВКП(б) Марказий Комитетининг махсус кўчириб келтирилганларни жойлаштириш бўйича қарорининг бажарилиши тўғрисида» маърузанома йўллайди. Унга тиркалган илова хатида Г. Г. Ягода шундай ёзган: «1. Бизнинг органларимиз ва хўжалик ташкилотларимизнинг махсус кўчириб келтирилганларни тегишли равишда жойлаштириш бўйича олиб бораётган катта ишларимизга қарамасдан бир қатор ўлкаларда махсус кўчириб келтирилганларнинг турмуш шароитлари қониқарсиз ҳолатда, айниқса махсус кўчириб келтирилганларнинг яшаш жойлари ва уларга тиббий-санитария хизмат кўрсатиш ҳолати ачинарлидир.

2. Айрим халқ комиссарликлари ва хўжалик органлари ВКП(б) МКнинг қатор қарорларини ҳозиргача амалга оширганларича йўқ, хусусан:

а) айрим ҳолларда махсус кўчириб келтирилганлардан меҳнатда нораціонал фойдаланилмоқда;

б) иш ҳақи ўз вақтида берилмаяпти;

в) Социал таъминот халқ комиссарлиги томонидан ногиронларни жойлаштириш тўғрисидаги, Халқ маорифи комиссарлиги томонидан эса етимларни, болаларни жойлаштириш тўғрисидаги директивалари бажарилмаяпти;

¹ РФХХМА, 2-фонд, 9-рўйхат, 332-иш, 39-варақ

² Ўша архив, 136-варақ

г) Бутуниттифоқ sanoат союзи кустар-хунармандчиликни жуда суст ривожлантирмоқда;

д) Ўрмончилик кооперацияси жуда ҳам заифдир;

е) жойларда почта алоқаларининг ўрнаштирилиши яхши йўлга қўйилмаган;

ж) ёшлар билан ишлашга зарур эътибор берилмаётир.

Махсус кўчириб келтирилганларни жойлаштиришдаги барча гайритабiiй, ноқулай ҳолатларни тўласинча тугатиш учун бу масалаларнинг ВКП(б) Марказий Комитети комиссиясида муҳокама қилиниши зарурдир»¹.

Г. Г. Ягоданинг Комфирқанинг юқори раҳбариятига йўлланган хатида мамлакатнинг барча минтақаларидаги, жумладан, Шимолий Кавказ, Украина, Ўрта Осиёдаги махсус қишлоқларнинг умумий ҳолатига тавсиф берилган. Унинг ўша маърузаномасидаги Ўрта Осиёдаги махсус қишлоқлар ҳолати қуйидагича тавсифланган: «Ўрта Осиёда 2073 оила — 10.472 киши Ўрта Осиё пахтачилик комитети ихтиёрига берилган. 1931 йилнинг кузигача махсус кўчириб келтирилганлар майда гуруҳларга бўлиниб ҳар томонга ташлаб қўйилган, доимий турар жой йўқ эди. Эндиликда барча махсус кўчирилганлар ўлканинг ичидаги кўчирилганлар билан биргаликда 1000 оиладан иборат бўлиб, 5 та посёлкага тўпланган ва улар асосан бу ердаги иситилган умумий баракларга жойлашган. Доимий яшайдиган уйлар қурилиши бошланган, у 1932 йилнинг қурилиш мавсумигача тугалланади.

Махсус кўчирилганлар тиббий ёрдам кўрсатиш хизмати билан таъминланган. Касалхоналар, амбулаториялар, тиббий ходимлар ва дори-дармонлар етарли миқдорда мавжуд. Ҳар бир посёлкада ҳаммом, дезинфекция камералари бор, посёлкалар сув билан таъминланган.

182 ўлим ҳодисасидан 118 таси болаларга тўғри келган. Махсус кўчирилганлар ишчи кооперативи ташкил қилган ошхоналарда овқатланадилар, аммо баҳоси баланд. Посёлкаларда дўконлар бор, бироқ маҳсулотлар узилишлар билан бўлади. Саноат моллари умуман йўқ. Қисман ОГПУ лагерлари томонидан таъминот олиб борилади. Уй ёшидаги болалар учун овқатлиниш ташкил этилган.

Пахта йиғим-терими даврида меҳнатга қобилиятлиларнинг барчаси, жумладан, ўсмирлардан ҳам фойдаланилмоқда. Пахта бўйича ишлаб чиқаришнинг ўртача нормаси 70—80 фоизни ташкил қилмоқда, унинг пасайиб кетиши кексалар ва болалар ҳисобидан юз бермоқда. Айрим участкаларда махсус кўчирилганларнинг ишлаб чиқариш нормаси эркин ишчиларникига қараганда юқорироқдир. Бригадалар ташкил этилган, меҳнат штаби сайланган, бригадалараро шартномалар тузилган, мусобақа ташкил

¹ РФХХМА, 2-фонд, 1-рўйхат, 379а-иш, 69-варақ.

қилинган. Ишлаётганларнинг 50 фоизидан кўпроғи мусобақачилик, зарбдорлик билан қамраб олинган.

Октябрнинг 14 йиллиги кунларидаги тантанали йиғилишларда махсус кўчирилганлардан 12 киши нормаларини ортиғи билан бажарганликлари учун ўзбекча буюмлар ва этиклар билан мукофотландилар. Махсус кўчирилган аёллардан бири кунига 140 килограммдан пахта териб Ўрта Осиёда рекорд қўйди.

Ўрта Осиё пахтачилиқ комитети иш ҳақи беришни октябрь ойидан бери кечиктирмоқда, ҳисоб дафтарчалари жорий қилинмаган.

Яқинда махсус кўчирилганлар билан тузилган концентрациянинг тугаб қолиши муносабати билан махсус кўчирилганлар орасида маданий ишлар етарли даражада авж олдирилмаяпти. Мактаб ёшидаги болаларни ўқишга тортиш бўйича чоралар кўрилди, ҳозирнинг ўзида 290 ўқувчи ўқийдиган 3 та мактаб ишлаб турибди. Саводсизликни тугатиш мактабларида 1172 киши таълим олмоқда. Иккита посёлкада 145 кишига мўлжалланган болалар яслиси ташкил бўлди. Барча аёллар битта ҳам қолмасдан паранжисини ташлаган.

Баҳорги экиш кампаниясигача махсус кўчирилганлардан 200 нафар тракторчи тайёрлаш таклиф қилинди. Махсус кўчирилган ёшлардан 10 тасини тиббиёт курсларига жўнатиш мўлжалланмоқда. Ёшлардан чеварчилик, косибчилик устахоналари ташкил этилмоқда. 188 кишилик агроном сардор дала ишлари катта ишчилар тайёрлаш курси очилди¹.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистоннинг ички ҳудудларига 3-тоифали «қулоқ»ларни оммавий сургун қилиш 1932 йил майида амалга оширилган. Бу жараён кейинги йилларда ҳам давом этган. Сургун қилинганлар таркибини Ўрта Осиё республикалари Ички ишлар вазирликлари архивларида ҳамда ҳудудида меҳнат қишлоқлари жойлашган вилоятлар ички ишлар бошқармалари архивларида сақланаётган меҳнат сурғунидагиларнинг шахсий ишларидаги ҳужжатлардан билиш мумкин. Тадқиқот давомида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги архивидан, Андижон ички ишлар бошқармаси архивидан, Украинанинг Херсон вилояти ички ишлар бошқармаси архивидан фойдаландик. Сургун қилинган, лекин 1936—1939 йилларда қайтадан қатағон қилинганлар ҳақидаги материаллар эса Ўрта Осиё республикалари Миллий хавфсизлик хизмати архивларида сақланмоқда.

Бу ҳақдаги материалларни аввалги китобимизда қисман баён этган эдик. Эндиликда эса Андижон округида жойлашган биргина «Савай» меҳнат қишлоғидаги меҳнат кўчкиндилари таркибидан айрим мисолларни республика Ички ишлар вазирлиги ва Андижон ички ишлар бошқармаси архивлари материаллари асосида келтирамыз.

¹ РФХХМА, 2-фонд, 10-рўйхат, 379а-иш, 87—88-варақлар.



Файзиёв Абдуҷаббор
(1912—1993) Конибодомдан
«Савай» меҳнат посёлкасига
сурғун қилинган.

Андижон округи Хирабек қишлоғидан Эшонхўжа (1866 йили туғилган, қирғиз, аёли Мухтархон, қирғиз, 1902 йили туғилган) 1932 йили кулоқлар кўзғолонида иштирок этгани учун Бекобод районидаги 3-сон совхозга сурғун қилинган ва аҳли аёли Қамбархон Собирова билан (ўғиллари Иброҳим 1938 йили туғилган, Исроил 1941 йили туғилган) 1952 йил январида меҳнат кўчиндилигидан озод қилиниб Хирабекка қайтиб келади.

Ражабов Отабой (1884 йили туғилган) хотини Исмоилова Кундузхон билан Бекободдаги совхозга сурғун қилинган. 1937 йили ўғли Отабой, 1942 йили қизи Тўхтаҳон дунёга келади. Бу оила ҳам 1946 йили «Савай» совхозига кўчирилган, 1952 йил февралда озод қилинган.

Нуронов Абдуваҳоб (1889 йили туғилган) оиласи Андижон округи Ленин райони Қайрағоч қишлоғидан «Далварзин» 3-сон пахтачилик совхозига, 1945 йил эса пахтачилик «Савай» совхозига сурғун қилинган. Шунда бу оила таркибида Нуронов Абдуваҳоб, хотини Норинса (1890 йили туғилган), қизлари Зайнаб (1932 йил), Хадича (1946 йил), Ҳалима (1947 йил), ўғиллари Насриддин (1921 йил), Зухриддин (1924 йил)лар бор эди. 1932 йили Жалолқудуқ райони, Ойим қишлоғидан Дўмош Усмонов (1892 йил) оиласи «Далварзин» совхозининг 9-булимига сурғун қилинган. 1938 йили эса бу жойдан «Савай» совхозига кўчирилади. Шунда оила таркибида онаси Тўхтабиби (1871 йил), хотини Фотима (1916 йил), уғли Остонакул (1940 йил) бор эди. Бу оила 1952 йил июлида меҳнат кўчиндилигидан озод қилинган.

Диёр қишлоғида 1932 йилда «Далварзин»га сурғун қилинган Тожибой Аҳмедов (1905 йил) оиласи (хотини Хосият, 1905 йил), ўғиллари Эгамназар (1932 йил), Тўлқин (1947 йил) оиласи 1934 йили «Савай» меҳнат қишлоғига қайта сурғун қилинган. Бу оила 1952 йил 17 июлда озод қилинган.

Андижон райони Бўтақора қишлоғида Фани Худойбердиев (1891 йил) хотини Нусратхон (1901 йил) Ойим қишлоғидан Холберди Абдуллаев (1899 йил) оилалари 1932 йили «Савай» совхозга 3-булимига сурғун қилинганлар. 1935 йили Тошбой, 1943 йили Мирза Маҳмуд (1943 йил) туғилади. 1952 йил 12 февралдан бу оила кўчиндилликдан озод қилинади.



«Савай» меҳнат посёлкасида сургун азобини тортганлардан
Баҳриддинов Амриддин, Баҳриддинова Назокат,
Баҳриддинов Шамсиддин (соқолли), Баҳриддинов Жўрабой,
Баҳриддинов Жамолиддин.

Холберди Абдуллаев сургунда онаси Икромбуви (1876 йил) билан бирга бўлган. У пахта йиғим-теримида илғорлар қаторида бўлган. 1938 йили 21,6 центнер, 1939 йили 11,7 центнер пахта терган. 1952 йил июлида махсус кўчкиндиллик рўйхатидан чиқарилган.

Ворошилов райони Хотамшукур қишлоғидан Зулун Қўлдошев (1886 йили туғилган, қирғиз) аёли Адолат (1887 йил), қизи Ойимса (1929 йил), ўғли Мўдин (1931 йил) «Савай» совхози 9-бўлимига сургун қилиб келтирилган ва бу оила 1952 йил июлида озод қилинган. Қорасув қишлоғидан Мамасидиқ Мадалимов (1887 йил) оиласи (хотини Бобожонова Лобар, 1906 йили туғилган, ўғли Ураим (1930 йил) 1932 йили «Савай» совхози 9-бўлимига сургун қилинган. 1952 йил июлида сургундан озод қилинган.

Шу меҳнат қишлоғига Ворошилов райони Бешкелди қишлоғидан 1932 йилда сургун қилинган Маҳмуд Омонқулов (1892 йил), ўғиллари Акбарали (1934 йил), Хонтўра (1937 йил) оиласи 1937 йили ўз аризаси билан сургун муддатини «Савай» совхозига ўташга эришади. Оила бошлиғи 1, 5, 4, 7, 9-бўлимларда бригадирлик қилган. 1952 йил июлида сургунликдан озод қилинган.

Андижон округи Хўжаобод райони Манай қишлоғидан Примберди Кинибеков (1871 йили туғилган, ўғли Олим, 1907 йили туғилган) оиласи 1932 йили Бекобод райони «Далварзин» совхозига сургун қилинган. 1938 йили у жойдан «Савай» совхозига кўчирилган. 1952 йил 31 мартда бу оила сургундан озод қилинади.

Хўжабод райони Найман қишлоғидан Мирзараҳим Бобоев оиласи (миллати қирғиз) ҳам 1932 йили «Савай» совхозига қулоқ сифатида сургун қилинган. Унинг турмуш ўртоғи Исомиддинова Турсунной (1899 йили туғилган), қизи Бобоева Мунаввар (1939 йили туғилган), 1952 йилгача меҳнат кўчкисиди сифатида яшашади. Ворошилов райони Абдуллабий қишлоғидан Қушбеков Усмон (1903 йил), хотини Хосиятбиби (1910 йил) билан бирга 1932 йили «Савай»га сургун қилинган. Сургундалиги чоғида Турдихон (1941 йил), Тўхтасин (1944 йил), Усмон (1947 йил) исмли фарзандлар кўришган. Бу оила ҳам 1952 йил июлида меҳнат кўчкисидилиги рўйхатидан чиқарилади. «Савай» совхозига сургун қилинганлардан Ворошилов районида Усмон Кенжаев (1890 йил), хотини Турғунной (1917 йил) оиласи бор эди. Бу оила аввал Бекободга, сўнгра «Савай»га сургун қилинган, 1952 йил июлида меҳнат қишлоғи рўйхатидан чиқарилган.

Наримон қишлоғидан Абдунаби Собиров (1884 йил) хотини Ханифа (1891 йил) «Савай» совхози 9-бўлимига сургун қилинган. Бу оилада Жабарали (1931 йил), Акбарали (1932 йил), Қосим (1934 йил), Қодир (1940 йил) исмли фарзандлар дунёга келган. Улар ҳам сургун азобини тортганлар. 1952 йил июлида озод қилинганлар. Ўша район Қурама қишлоғидан Шерқул Таваккалов оиласи ҳам 1932 йили Бекободдаги совхозга сургун қилинган, 1934 йилда «Савай»га сургун қилинган.

Андижон округи Пахтабод райони Хайробод қишлоғида Баҳринисо Нурматова (1894 йили Хайрободда туғилган), ўғли Нурматов Турсунмурот (1928 йили туғилган) билан 1932 йили Бекободга сургун қилинган. 1945 йили бу жойдан алоҳида режим билан Хайробод қишлоғи, Иттифоқ қишлоқ советига кўчирилади ва у махсус ҳисобда туради. 1952 йил 17 июлда Б. Нурматовга нисбатан қўлланилган алоҳида режим бекор қилинади, махсус қишлоқда яшашликдан озод қилинади.

Бухоро округи Ромитан райони Рамзе қишлоғидан қулоқ қилиниб 1932 йил майида «Савай» совхози 9-бўлимига сургун қилинган Саломат Иброҳимова (1888 йили туғилган) ҳам 1952 йили 17 июлда 12 ёшли қизи Зайнаб, 10 ёшли ўғли Хайрулло билан биргаликда махсус кўчкисидилар ҳисобидан чиқарилади¹.

Шу район Сарой қишлоғидан Очилов Уроқ (1860 йили туғилган) оиласи ҳам ўша вақтда «Савай»га сургун қилинган. 1949 йил 25 февралда унинг оиласи ўғли Намоз (1888 йили туғилган), келини Гулбиби (1888 йили туғилган), набиралари Тошхон (1938 йили туғилган), Турдихон (1942 йили туғилган), Неъматжон (1947 йили туғилган)лардан иборат бўлган. Бу оила ҳам СССР Министрлар Советининг 1952 йил 10 февралдаги 119—37-сонли қарори

¹ АВИИБА. 16272.

ва СССР Давлат хавфсизлиги вазирининг 1952 йил 23 январдаги 019-сонли буйруғига мувофиқ 1952 йил 17 июлда Андижон вилоят давлат хавфсизлик бошқармасининг қарори билан махсус кўчкиндиликдан озод қилинган¹.

Шофиркон райони Буота қишлоғидан Эргашев Патто (1889 йили туғилган), онаси Адолат (1853 йили туғилган) ва аҳли аёли Рўзвон (1900 йили туғилган) билан 1932 йил майида «Савай»га сургун қилинган. Оила 1935 йили Абдуманноб исмли ўғил, 1936 йили Малоҳот исмли қиз, 1944 йили Абдусаттор исмли ўғил кўради. Эргашев Патто сургундалигида вафот қилади. Балорага етмаган 3 фарзанд билан Рўзвон Эргашева 1952 йил 17 июлда махсус кўчкиндиликдан озод қилиниб ўз қишлоғига қайтади².

Ромитон райони Арапхона қишлоғидан 1932 йили Дониёр Курбоновлар хўжалиги қулоқ қилиниб «Савай»га сургун қилинган. Унинг ўзи, аҳли-аёли шу жойда бақдалиқни бажо келтирган. Қизи Хадия (1927 йили туғилган) турмуш ўртоғи Валиев Аллаёр, ўғли Уроқ билан биргаликда 1952 йил июлида махсус кўчкиндиликдан озод бўлади³.

1892 йили Бухоро округи Акрават қишлоғида ўзбек оиласида туғилган Раззоқова Турдинисо 1932 йил майида қулоқ қилиниб Жалолқудуқ районидаги «Савай» совхозига сургун қилинган. 1952 йил 17 июнда «қулоқлик сургуни»дан озод бўлган. У бир ўзи туғилиб ўсган Акрават қишлоғига қайтиб келган. Уни синглиси Бобомуротова Сарвара ўз бағрига олган.

Шофиркон райони Жўраобод қишлоғидан Мирзаев Сайфулла (1896 йили туғилган) аҳли-аёли Муяссар (1899 йили туғилган) билан биргаликда 1932 йили «Савай» совхозига қулоқ сифатида сургун қилинган. Бу оилада сургун вақтида бир ўғил — Саурадин (1938 йил), бир қиз — Салима (1948 йил) туғилган. Мирзаев Сайфулла шу жойда вафот қилган. 1952 йил 17 июлда Мирзаева Муяссар махсус қишлоқ рўйхатидан чиқарилиб, озод этилган ва ўз қишлоғига қайтиб келган.

Ромитан район Бештўраҳон қишлоғидан Раим Холиқов (1885 йил) бошлиқ оила (аёли Адолат, 1890 йили туғилган, қизи Мукаррам, 1930 йили туғилган) 1932 йили «Савай» совхози 9-бўлимига сургун қилинган. 1942 йили оилада Ботир туғилади. 1952 йил июлида оила меҳнат кўчкиндилигидан озод қилинган. Шу районнинг Қора чорбоғ қишлоғидан Адолат Шукурова (1887 йил) ўғли Олим (1907 йил) билан бирга 1932 йили «Савай» совхози 9-бўлимига сургун қилинган.

Бекобод районидаги «Далварзин» пахтачилик совхозига сургун қилинганлар қаторида Бухоро округи, Ромитан райони

¹ Ўша архив, 16273.

² Ўша архив, 16256.

³ Ўша архив, 16267.

Миршинор қишлоғидан Бозор Жўраев, Самарқанд округи Пастдарғом райони Қорабурғон қишлоғидан Жўрақул Жумаев (1878 йили туғилган) оила аъзолари билан биргаликда қулоқ қилинган.

Бухоро шаҳридан 1932 йил майида «Савай»га қулоқ қилиниб сургун қилинган Жўрабек Султонов (1890 йили туғилган) совхознинг 9-бўлимида ишлаган. Унинг аёли Турсун (1907 йили туғилган) 1952 йил июлида махсус кўчкиндиликдан озод қилинган¹.

Ромитан райони Чартак қишлоғидан ўша йили Раҳим Холиқов (1897 йили туғилган) оиласи қулоқ қилиниб, «Савай»даги махсус посёлкага сургун қилинган. Ўшанда бу оила таркибида хотини Маъмура (1902 йили туғилган), қизи Санобар (1922 йили туғилган), ўғли Толиб (1925 йили туғилган), қизи Мукаррам (1930 йили туғилган) бўлган. Сургун даврида 1935 йили Акбар, 1939 йили Муаззам туғилган (у ўша йили вафот қилган), 1942 йили Бахтиёр туғилган. Бу оиланинг таркиби 1943 йил февралда қўидагича бўлган: Холиқов Раҳим (1897) оила бошлиғи, хотини Маъмура (1902 йили туғилган), ўғли Аҳрор, қизи Мукаррам, ўғли Бахтиёр 1952 йил 17 июлда махсус кўчкиндиликдан озод бўлган².

Пошин райони Багдаш қишлоғидан Саидқул Жумаев оиласи 1932 йил майида «Савай»га сургун қилинган. Оила таркибида Жумаев Саидқул (1898 йили туғилган), хотини Бибиш (1908 йили туғилган), онаси Холбиби (1878 йили туғилган). Сургундалиқ даврида Қумри (1934 йил), Мунаввар (1936 йил) дунёга келади, ammo улар гўдаклигидаёқ нобуд бўлишган. Саидқулнинг укаси Жамил (1907 йили туғилган) 1942 йил 13 июнда фронтга олинган. Оиладagi ўғилларидан Жума, келини, қизи, 1 набираси сургундан қочиб ўз қишлоғига келади. Комендантнинг 1934 йил 30 январдаги тавсифномасида Жумаев Саидқул пахтачиликда ишлаб режа нормаларини ортиғи билан бажаргани, меҳнат интизомини бузмагани, ишга ҳалол муносабатда бўлганлиги, комендатура уюштираётган шанбаликларда фаол иштирок этаётгани қайд этилган. Шунингдек, бу оиладан (1933 йил) 4 киши қочиб кетгани, турар жойи ифлослиги, Жумаев Саидқул ва хотини мактабда ўқиётгани, 1934 йилдаги кузатувга кўра, улар совет ҳокимиятига нисбатан ёмон кайфиятдалиги кўрсатилган. Унга берилган ишлаб чиқариш тавсифномасида, у «Савай» совхозининг 3-бўлимида звеновой бўлиб ишлаётгани, дала ишлари нормаларини 100 фоиз бажарётгани қайд қилинган.

1952 йил 17 июлда Жумаев Саидқул қизлари Ўғилхон Саитқулова ва ўғли Фармонқул билан биргаликда махсус қишлоқдан

¹ Ўша архив. 16254.

² Ўша архив. 16268.

озод қилиниб, унинг 240-сонли шахсий иши Андижон вилоят давлат хавфсизлик бошқармасига топширилган¹.

Арапхона қишлоғидан «Савай» пахтачилик совхози 9-бўлимига Дониёр Курбонов (1896 йили туғилган) оиласи (аёли — Салима Бияруслонова (1924 йили туғилган), қизлари Мелкияxon (1920 йил), Ходияxon (1927 йил), Ўғилxon (1930 йил) 1932 йил майида сургун қилинган. Бу оила 9-бўлимга жойлаштирилган.

1952 йил 17 июлда Дониёрова Ўғилxon, «Савай» совхози, 9-бўлимида қишлоқ хўжалиги ишчиси, меҳнат кўчкиндилigidан озод қилинган.

Шоқулова Позила 1910 йили Ромитан райони Обо қишлоғида туғилган. 1932 йили эри Шоқулов Фозил (1911 йили туғилган) билан «Савай» совхозидаги меҳнат посёлкасига сургун қилинган. Бу оила таркибида ўғиллари Бўри (1937 йили туғилган), Карим (1940 йили туғилган), Қори (1945 йили туғилган), қизи Розия (1939 йили туғилган) Ромитан райони Обо қишлоғида яшаган². Шоқулов Фозил 1934 йил 1 мартдан бригадирлик қилади, унга қадар оддий ишчи ва звеновой бўлган, иш нормаларини бажариб борган, бригадир сифатида меҳнат интизому ва пахтадан юқори ҳосил олиш учун фаол курашган. Бригадининг зарбдор иши 100 кг. буғдой билан тақдирланган, бригадир Шоқуловга эса битта кўй мукофотга берилган. Шоқуловнинг хотини ва укаси оддий ишчи бўлиб ишлаган ва зарбдор ҳисобланган, пахта режаларини ортиғи билан бажарганликлари учун пул мукофотларига сазовор бўлган. 1940 йили ЎзССР Совхозлар халқ комиссарининг махсус буйруғи билан Шоқуловга ташаккурнома ва пул мукофотлари берилган.

1952 йил 17 июлда махсус кўчкинди Шоқулов Фозил оиласи унинг қарамоғидаги ўғиллари Бўрибой (1937 йили туғилган), Карам (1940 йили туғилган), Қорабой (1945 йили туғилган)лар махсус қишлоқ ҳисобидан чиқарилган. 2518-сонли шахсий иш вилоят бошқармасининг «А» архив бўлимига топширишга қарор қилинган³.

Шофиркон райони Жўробод қишлоғидан кулоқ қилиниб «Савай» махсус посёлкасига сургун қилинганлардан яна бири Мирзаев Сайфиддин (1897 йили туғилган) оиласи эди. Унинг оиласи аҳли аёли Муяссар (1908 йили туғилган), ўғли Сайфулло (1931 йили туғилган)дан иборат бўлган, совхознинг 9-бўлимида яшаб, пахтачиликда меҳнат қилган. 1933 йилги қаҳатчилик, очарчиликда ўғли Сайфулло 2 ёшида вафот қилган, 1939 йили Сауриддин, 1942 йили Садриддин исмли ўғиллари туғилган. Сайфиддин Мирзаевга совхоз маъмуриятдан берилган тавсифномада у 1934 йил 14 октябрғача совхозда фаол

¹ Архив, 16269.

² Архив, 16260.

³ Архив, 16260.

ишлагани, сидқидилдан меҳнат қилгани, ҳеч қандай танбеҳ, эътироз олмагани қайд этилган.

1934 йил 15 июлда С. Мирзаевга қочиб кетган меҳнат кўчкиндиси Воҳидовни топгани учун ташаккурнома эълон қилиниб, мукофот тарзида 20 кг. ун берилган. Комендантнинг тавсифномасида С. Мирзаев 1934 йили пахтада ишлагани, йил бошида 4 кун ишга келмай қолгани, бир марта жазолангач, ўзини ўнглаб олгани, иш нормасини ортиғи билан бажараётгани, пахтачилик бригадири бўлгани, 1 қочоқни ушлаб бергани, унинг оиласида қочоқ бўлмагани, совет ҳокимиятига нисбатан ёмон муносабатдалиги, бригадир бўлгани учун мактабга регуляр тарзда қатнай олмаётгани, турмушда танбеҳ олмагани, хонани тоза тутганлиги, қиш учун маккажўхори, арпа ва буғдой жамғариб қўйгани айтилган. Унинг аҳли-аёли Муяссар ҳам «Савай»нинг 9-сонли пахтачилик совхози 2-бўлимида 1932 йил майдан бери ишлаётгани, 1938 йили 2470 кг, 1939 йили 3148 кг пахта тергани тавсифномада қайд этилган.

1943 йил 17 сентябрда С. Мирзаев «Кузбассшахтастрой»да ишлаш учун меҳнат армиясига олинади. Аммо йўлда Арис станциясида эшелонда қолиб кетади ва махсус посёлкага қайтиб келади. Бунинг учун уни жиноий жавобгарликка тортмоқчи бўлишади. Ниҳоят у ўғли Сауридин билан биргаликда 1952 йил 17 июлда сургундан озод қилинади¹.

Ромитан районидаги Шукурова Алолат (1887 йилда туғилган) ўғли Шукуров Алим билан 1932 йилда «Савай»га сургун қилинган. Бу оила 20 йил сургунда бўлиб, 1952 йилда озод қилинган. Шофиркон райони Бобоота қишлоғидан Салом Эргашев оиласи ҳам 1932 йили «Савай»га сургун қилинган.

1932 йили Тошкент округи Бекобод районида Андижон округи Ворошилов районида Абдунаби Собиров (1892 йилда туғилган) оиласи билан сургун қилинган, бу жойдан 1945 йили «Савай» совхозини 9-бўлимига кўчирилган. 5 аъзодан иборат оила (ўғли Жакбарали, 1931 йили туғилган, Акбар 1932 йили туғилган, Қосимжон 1934 йили туғилган, Қодир 1940 йилда туғилган ва аёли Қанди) 1952 йил 31 мартда сургунликдан озод қилинган.

Самарқанд округи Самарқанд райони Дамариқ қишлоғидан Жўрабек Султонов (1890 йилда туғилган, ўзбек, саводсиз, партиясиз) аҳли-аёли Турсун Раҳимова билан биргаликда, Самарқанд округи Бешбеги қишлоғидан Намоз Ғадоев (1907 йилда туғилган, ўзбек, партиясиз, қуйи маълумотли) аҳли-аёли Ойимхон Ғадоева билан биргаликда 1932 йили «Савай» совхозига сургун қилинганлар. Улар 1952 йил июлидагина меҳнат қишлоғи ҳисобидан чиқарилганлар.

«Булунгур» меҳнат қишлоғига, Андижон округи Ворошилов

¹ Ўша архив. 16233.

райони, Султонобод қишлоқ совети Бешкалтак қишлоғидан Маҳмуд Омонқулов қулоқ хўжалиги сифатида мол-мулки мусодара қилиниб сургун қилинган.

1932 йили Самарқанд округи Каттақўрғон райони Турдиқўрғон қишлоғидан Андижон округи Избоскан райони 8-пахтачилик совхози 2-бўлимига қулоқ қилиниб сургун қилинган.

Избоскан районидagi 8-сонли пахтачилик совхозига Қорадарё райони Бўронхажал қишлоғидан Асад Очилов (1900 йил), аёли Ойрўзи (1908 йил), ўғли Нормат (1930 йил) сургун қилинган. 1940 йили Зухро туғилган. 1952 йил июлида оила озод этилган. Шу совхозга Пастдарғом райони Саргул қишлоғидан Хушбек Курбонов (1887 йил) аҳли-аёли Ойбиби (1901 йил) билан бирга сургун қилинган. Каттақўрғон районидagi Иззат Кўчимов, аёли Мукаррам билан бирга, Чошқўрғон қишлоғидан эса Маъмура Мирзаева ҳам сургун қилинган.

Самарқанд округидан Андижон округи Жалолқудуқ районидagi «Савай» номли совхозга 1932 йил майида сургун қилинганлар:

Гадоев Намоз Самарқанд округи Бешбеги қишлоғида 1907 йилда туғилган. 1932 йилда Андижон округи Жалолқудуқ район «Савай» совхози 9-бўлимига сургун қилинган.

1952 йил март ойида меҳнат посёлкаси ҳисобидан чиқарилган оила аъзолари қуйидагилар эди: Гадоева Азаматхон (1904 йил), ўғли Худойберди Гадоев (1924 йил), ўғли Нодирхон Гадоев (1929 йил), қизи Шопоғат Гадоева (1927 йил), ўғли Турсунбой Гадоев (1940 йил).

Пастдарғом қишлоғидан Нурматова Мастура (1888 йил) 1932 йили қулоқ қилиниб «Савай» совхози 9-бўлимига сургун қилинган. Унинг қарамоғида Худоёрова Холбуви (1936 йил) бўлган. 1952 йил 17 июнда Нурматова Мастура меҳнат посёлкасидан озод қилиниб, ўз қишлоғига қайтиб кетган. Шу райондан Холиқов Жума аҳли-аёли Ойша (1901 йили туғилган) билан бирга «Савай» совхозига сургун қилинган ва 1952 йил 17 июлда меҳнат қишлоғидан озод қилинган.

Самарқанд райони Дамариқ қишлоғида Султонов Жўрабек (1890 йил) хотини Раимова Турсун (1903 йил) билан «Савай» совхози 9-бўлимига сургун қилинган, 1952 йил 17 июлда меҳнат қишлоғи рўйхатидан чиқарилган.

Пойариқ район Бешбеги қишлоғидан Луқмонов Бурхон (1894 йил), аёли Луқмонова Азиза (1899 йил) билан бирга 1932 йилда «Савай» совхози 9-бўлимига сургун қилинган. Луқмонова Азиза 1952 йил март ойида меҳнат қишлоғи ҳисобидан чиқарилган. Шунда бу оила таркиби Луқмонов Бурхон (1894 йил), Пошоҳон (1894 йил), Сайфулло (1938 йил), Зарифа (1942 йил)лардан иборат эди.

Самарқанд район Каттақўрғон қишлоғидан Халил Ҳақимов (1911 йил) қулоқ сифатида 1932 йили «Савай» совхози 4-бўли-

мига сургун қилинган. Сургун давомида пахтачилик совхозида 1932—1933 йиллари энг яхши ишчи даражасига кўтарилган. 1952 йил мартида Халил Ҳақимов меҳнат посёлкаси ҳисобидан чиқарилган. Шунда унинг оила аъзолари хотини Ҳақимова Тамара (1917 йил), қизи Ҳақимова Люба (1934 йил), уғли Акбар (1936 йил), қизи Малоҳат (1938 йил), қизи Вилоят (1940 йил), ўғли Эркин (1942 йил)лардан иборат бўлган.

Пастдарғом райони Ингичка қишлоғидан Бабиш Худойқулова (1864 йил) оиласи ҳам «Савай»га сургун қилинган. Унинг Жўраева Шарофат исмли қизи ва набираси Ёрқиной (1937 йил) бўлган. Улар ҳам 1952 йил июлида меҳнат кўчқиндилигидан озод бўладилар.

Фориш райони Горой қишлоғидан Ўтаган Умрзоқов (1870 йил) аёли Мусаллам (1883 йил) билан бирга «Савай»нинг 9-бўлимига сургун қилинган, 1952 йил июлида сургун муддати тугаб озод қилинган. 1952 йил июлида «Савай» меҳнат посёлкаси Хўжа Исмоил қишлоғидан сургун қилиб келтирилган Азаматхон Содиқова қизи Номозова Шарофат (1931 йили), ўғиллари Нодир (1935 йил), Қодир (1942 йил)лар оиласи ҳам 1952 йили озод қилинган.

Қорадарё райони Улуғработ қишлоғидан 1952 йили «Савай»га сургун қилинган Али Бекназаров (1891 йил) оиласи ҳам 1952 йили махсус кўчқиндилекдан озод этилган. Шунда оила таркиби — хотини Зилола (1941 йил), қизлари Ҳикмат (1932), Каромат (1940), ўғиллари Тешабой (1944), Каримжон (1948 йил)лардан иборат бўлган.

Самарқанд вилояти Қорадарё райони Улуғробод қишлоғидан Раҳматуллаева Икромхон (1906 йил) 1932 йилда оиласи билан Избоскан райони 2-бўлим 8-пахтачилик совхозига сургун қилинган. 1952 йилда улар озод қилинган.

Турдиқўрғон қишлоғидан Курбонов Хушбек (1887 йил) 1924—1825 йилларда қўрбоши бўлган, 1929 йилда бой сифатида мулки мусодара қилинган. 1930 йилда қулоқ қилиниб ғалла топшириш мажбуриятини бажармаганлиги учун 5 йилга қамалган. Шундан кейин Самарқанд шаҳрига қочиб келган, ушланиб 1932 йилда Избоскан районидаги 8-сон пахтачилик совхозига сургун қилинган. Афғонистонда бўлган, совет ҳукумати тўғрисида турлича фикрлар юритган. 1952 йили меҳнат сургундалик рўйхатидан озод қилинган. Каттақўрғон районида Кўчимова Мукаррам (1899 йил) ўғли Иззатило (1930 йил) билан бирга Избоскандаги меҳнат қишлоғига сургун қилинган. Буронхўжа қишлоғидан оила аъзолари билан бирга қулоқ қилинган Очилов Асат (1860 йил), ўғли Нормат (1930 йил) 8-совхоз 2-бўлимига сургун қилинган. 1952 йил июлида озод қилинган.

Сурхондарё округи Сариосиё райони Қарамон қишлоғидан 1932 йил май ойида Бердиев Эргаш (1880 йили туғилган, ўзбек, саводсиз, партиясиз) ўғли Тошқул билан бирга қулоқ қилиниб

«Савай» совхози 7-бўлимига сургун қилинган. Кўп ўтмай бу оила «Савай» пахтачилик совхозининг 9-бўлимида ишлайди. Унга берилган тавсифномада ҳамиша меҳнат нормасини бажаргани қайд этилган. Бу оила 1952 йил 23 январда қулоқликдан озод қилинган.

Сариосиё райони Бураниш қишлоғидан Бойматов Худойназар (1887), аҳли-аёли Ашурова Ойиша (1899 йил), ўғли Хўжаназар (1930 йил), қизи Мастура (1931 йил), ўғли Ҳасан (1934 йил), қизи Гулсара (1941 йил)дан иборат оила «Савай» меҳнат қишлоғида яшаган, 1952 йил мартада озод этилган.

Шу район Чортук қишлоғидан Холиқов Раҳим (1885 йил туғилган) оиласи ҳам 1932 йил майида «Савай»га сургун қилинган. Таркибида аёли Адолат (1890), ўғли Ёдгор (1933), қизи Маҳаррам (1931), ўғли Ботир (1942) бўлган оила совхознинг 9-бўлимида 1952 йил апрелига қадар яшаб меҳнат қилган.

Денов райони Сангардон қишлоғидан Ражабов Норбой, аёли Тожиниёз (1889 йил), шу районнинг Шўрчи қишлоғидан Абдураҳмонов Саттор Шоймуротович оиласи (Шоймуротова Онархон (1882 йил) ҳам «Савай»да сургун муддатини ўтаганлар. Сариосиё райони Қорабанка қишлоғидан Юсуп Ашуров (1898 йил), Ашурова Хожар (1889 йил) оиласи ҳам «Савай»га сургун қилинган. Бу оилада Ҳилол (1932 йил), Сулаймон (1938 йил), Қурбон (1942 йил) исмли фарзандлар бўлган. Оила 1952 йил 31 мартда озод этилиб, ўз юртига кетишга рухсат олган.

Умар Жалилов (1881 йил, қирғиз) Султонобод райони Хўжашукур қишлоғидан «Далварзин» совхози 3-бўлимига сургун қилинган. У билан бирга ўғли Суръат (1929 йил) бўлган. Бу оила ҳам 1934 йили «Савай» совхозининг 1-бўлимига сургун қилинган, 1952 йил июлида озод этилган.

Тошкент округи Мирзачўл районидаги «Боёвут» совхози меҳнат лагерига қулоқлар сифатида сургун қилинганлардан қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Йўлдош Жамолов (1889 йили туғилган) Самарқанднинг Ургут райони Эрнийёз қишлоғидан 1931 йил 27 сентябрда 3-тоифали қулоқ сифатида сургун қилинган.

Фарғона округи Қўқон райони Полвонтош қишлоғидан Ҳожимат Бойматов (1882 йил) оиласи 1931 йили «учлик» қарори билан «Ҳазорбоғ»га сургун қилинган. 1942 йил 4 декабрда Ҳожимат Бойматов вафот қилган.

«Савай» меҳнат қишлоғида бошқа республикалардан қулоқ қилинганлар ҳам меҳнат қилган. Жумладан, Курск округи Киров районидан 1932 йили қулоқ қилинган, Карело-Финга сургун қилинган А. Прокофьев оиласи (хотини Бекетова Акулина Степановна, қизи Пелогей, ўғли Виктор) шу «Савай»да меҳнат сургунини ўтказган. 1952 йил июлида сургундан озод этилган.

Туркменистон республикаси Карки округи Холач райони Каберди қишлоғидан Мальян Анеков (1890) хотини Бекниёз (1893)

қулоқ қилиниб «Савай»нинг 9-бўлимига сургун қилинган. Бу меҳнат кўчиндиси оиласида икки қиз — Тўхтагон (1936 йил), Ўғилгон (1940 йил) туғилган. Оила 1952 йил июлида махсус кўчкиндиликдан озод қилинади.

Қирғизистоннинг Ўш округи Қизилқия шаҳридан Олтин Ўрзов (миллати қирғиз) оиласи Бекобод райони пахтачилик совхозига сургун қилинган, 1952 йил апрелида махсус кўчкиндликдан озод қилинган.

Ўрта Осиё худудидаги меҳнат посёлкаларининг ҳар биридаги махсус кўчирилганлар ҳақидаги материаллар тегишли республика ва бу сингари вилоятлар ички ишлар бошқармалари архивларида мавжуддир. Уларни ўрганиб, умумлаштириб, илмий таҳлил ва хулосалар қилиш лозим. Бу масала келажакдаги тадқиқот ишлари учун катта объектдир.

Бу меҳнат сургунидагиларнинг айримларининг эсдаликларидан баъзиларини келтирамыз:

Ғиждувонлик Курбоной Шодиева биз билан 2002 йил 5 октябрдаги суҳбатимизда отаси Миробиддин Шодмуроднинг қулоқ қилиниши, оила аъзоларининг эса «Ҳазорбоғ» меҳнат қишлоғига сургун қилинганини шундай эслаган: «...Отам тахминан 1931 йил май ойларида қулоқ қилинган. Мен у пайтда 13 ёшда, опам Онагон 17 ёшда эди. Акаларим Ҳазратқул, Султонмурод, онам Муҳтарамгон ва бир синглим бор эди. Отам қулоқ қилиниб қамоққа олинган эди. 6 кишидан иборат бизларнинг оиламиз ўша 1931 йили Денов районидаги «Ҳазорбоғ» меҳнат қишлоғига сургун қилинади. Бу жойга пахта экиш учун юборилгандик. Асосий меҳнат қуролимиз кетмон эди.

Сургун қилинганларнинг ҳаммаси Қизилтепада поездга, қизил вагонларга чиқарилган. Сургун қилинганлар аксарият бухоролик, ғиждувонлик, қизилтепалик, шофирконликлардан иборат эди. Поезддан тушганимиздан сўнг 15 та аравага солиб бизларни бир жойга олиб келишди. Атрофимиз тиканзор, чўлу биёбон эди. Шом бўлиб, ҳамма ёқ қоронғи бўлиб қолди. Биттагина жойда чироқ кўринар эди. Ўша ерга бориб нон олиб келасизлар деб айтишди. Акам сатилда ош, 1 хўжаликка аталган думалоқ булка нон олиб келди. Қоронғида биз 6 киши овқатландик. Кеч соат 12 гача ухлай олмадик, тонг отгунча мен, синглим, опам онамнинг кучоғида ётдик. Акамлар ўтириб чиқишди.

Эрталаб ҳар бир хўжаликда 4 тадан бўйра, 4 тадан хода келтириб берилди. Улардан капалар тикилди. Шундай капаларда 4—5 ой яшадик. Ёмғир ёққанда ёмғир бошимизга тушиб пойчамиздан чиқиб кетар эди. Қани энди қуёш чиқа қолса-ю, уст-бошимизни қуритиб олсак.

Кейинчалик ертўла ковлдик. Узунлиги 100, эни 50 метр ҳажмда 3 та ертўла ковланиб, ҳар бирига 80 оила жойлаштирилди, 1 эшик, у ер, бу ерига ёруғ тушсин деб туйнуқлар қўйилган. Меҳнат сургунидагилар ана шундай ертўлалардан 3 тасига жой-

лаштирилган. 3—4 йил ҳамма хўжаликлар ёш-яланг, эркагу аёллар, ёш келинлар, болалар яшадик. Ертўланинг ўртасида йўлакча бўлган. 3—4 йил ўтгач, қатор қилиб пахсадан уйлар солиб беришди. Ҳар бир хўжаликка 1 хоналик пахса уй бердилар. Уша ертўладалигимизда онам вафот қилди. Биз билан қулоқ бўлиб борган Муроджоннинг хотини ювиб, эғнидаги кўйлагини кафан қилиб кўмдик. Бизда устимиздаги кўйлақдан бошқа ҳеч нарсамиз йўқ эди. Беш ака-укалар ўзимиз қолдик. Дадам Амирободда турмада эди. Оз фурсат ўтгандан кейин дадам билан турмада ўтирган гиждувонлик оғайниси оқланиб борди. Оиласи, яъни икки ўғли, келинлари биз билан бирга сургунда эди. Уша одам акамга дадамизнинг кўзи ожиз бўлиб ўлганини, уст-боши билан бирга кўмганлигини айтган.

Шу сургунда мен Қамариддин Файзиев исмли ошхона мудирига турмушга чиққан эдим. Уни Файзулла Хўжаевнинг «думисан» деган айб билан қамашди. Ундан бир қизим бор эди. Эрим кетидан акам уни қамоқдан чиқараман деб борганида акамни ҳам қамашди. Бир ой ичида эрим, акам қамалди. Бир йил ўтгач, суд қилиб икковини ҳам 11 йил қамоқ жазосини бериб Архангельскга жўнатиб юбордилар. У ердан хат олиб турдик. Шу орада уруш бошланди. Худонинг ишини қарангки, бировга ёмонлик қилсангиз унинг жазосини тортаркансиз. Деновда эрим ва акамни қамаганлар ҳаммаси урушга кетди. Омборларда буғдой қолмади. Совхоз ҳамма ер майдонига ялпи буғдой, арпа эктириб юборди. Уруш туфайли 16 ёшдан юқори эркак зоти йиғиштириб олиб кетилган. Дала ишлари аёллар, болалар зиммасига тушди, 10 та, 20 тадан хотинлар комбайнчи бўлиб ишладик. Даладаги донни фақат биз аёллар йиғиштириб олардик. Аммо ҳеч кимга буғдой берилмасди, буғдой фронт учун жўнатиларди. Очарчилик даври бошланди. Шўра қайнатиб ичар эдик. Одамлар тошбақа ҳам еганлар.

Синглимнинг эри бир оёғи чўлоқлиги учун урушга олинмаган эди, бухгалтер бўлиб ишларди. Синглим ундан акамнинг аҳволи оғир, бир иложини қилиб ўз ота юртимизга жўнатиб юборинг, деб илтимос қилган. Шу куёвимиз бизни чақириб, пул бериб, оқшом пайти поездга чиқариб кўйди. Мен, қизим, опам билан бирга тонг отганда Қизилтепага етиб келдик. Опамнинг эридан қора хат келганди у урушда ҳалок бўлган. Унинг ўғиллари ҳам сургундалиқда ўлиб кетганди. Қорнимиз оч, «Хазорбоғ»далигимизда синглимникида тамадди қилган-қилмаганимизни билмаймиз. Номозшомга яқин ўз уйимизни топиб келдик. Қарасак, дадамнинг уйини бузиб юборишибди, ўрнига мактаб қуришибди, пахта ҳам экиб юборишибди.

Колхозга ишга кирдим. Ейишга ҳеч вақо йўқ. Дадамнинг дўсти бригадир экан. Беш ой қизчам билан ишладик. Шундан сўнг ўша бригадир 500 сўм пул, битта кигиз, кўйлақлик кребдишин, 15

кг маккажўхори берди. Жўхорини туйиб зоғора нон қилиб едик. Яшаш учун ҳеч нарсамиз йўқ эди.

500 сўмни олиб Вобкентга пиёда келдим, иккита бўйра олдим. Қўшниларим кўрпа беришди. Бозордан олган нарсаларимни орқага ортиб келаялман. Битта кўйлақдаман. Совуқ қаттиқлигидан юраолмай қолдим. Бир жойга келиб дадамни эслаб роса ҳам йиғладим. Бир амаллаб уйга етиб олдим. Келсам қўшнимиз опанг раҳматли оламдан ўтди деди. Совуқ еганимни кўриб сандалга кирма, ёмон таъсир қилмасин деб, сандалдаги кўрпани олиб мени ўраб қўйишди.

Шу бўйи юрдим. Тез орада эрим муддатини тутатиб қамоқдан келди. Бир ой ўтиб акам ҳам қайтди. Урушдан олдин кетишиб, урушдан кейин келишди. Бу орада Бухорога келиб қолдик. Шу ерда яшаялмиз, Худога шукр. Турмуш ўртоғим бундан 15 йил олдин, 85 йили вафот қилди...»

Ўрта Осиёдаги қишлоқлардаги меҳнат кўчкиндиларининг 1932—1934 йиллардаги кўпайиш ва камайиш кўрсаткичлари қуйидагича бўлган: 1932 йил 1 январда 10471 та меҳнат кўчкиндиси мавжуд эди, 1933 йилга келиб уларнинг миқдори 29559 кишига етди. Шу вақт ичида 499 киши туғилди, 27799 киши янгитдан қўшилди, 217 киши қочоқликдан қайтарилди, 2847 киши бошқа сабаблар билан қўшилди, 4156 киши вафот қилди, 7333 киши қочиб кетган, 755 киши бошқа сабаблар билан қочиб кетган¹.

1933 йил 1 январдаги 29559 меҳнат кўчкиндисидан 1934 йил 1 январга келиб 12039 киши қолган. Туғилиш 241, қочоқликдан қайтарилганлар 2155, бошқа сабаблар билан қўшилганлар 133, вафот этганлар 3469, қочиб кетганлар 15790, бошқа сабаблар билан қочиб кетганлар 790 кишини ташкил қилиб, камайиш 20049 кишига етган².

1934 йил 1 январда Ўрта Осиёда 3608 оилага бирлашган 12939 меҳнат кўчкиндиси бўлган бўлса, 1935 йил 1 январда 3182 оила, 11031 киши қолган. Бу давр оралиғида туғилиш 301, бошқа ўлкалардан келганлар 1042, ўлка ҳудудидаги кўчирилганлар 221, қўшилганлар 132, қочоқликдан қўлга олиниб қайтарилганлар 1825, ўз ихтиёри билан қайтганлар 821, бошқа сабаблар билан қўшилганлар 59 киши, бошқа жамоаларга қўшилганлар 64, бошқалар қарамоғига ўтказилганлар 141, вафот этганлар 518, қочганлар 3897, бошқа сабаблар билан қочганлар 789, жами камайганлар 5409 кишини ташкил қилган³.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Лагерлар бош бошқармаси В. М. Молотовга 1935 йил 20 февралда хат йўллаб Украина, Шимолий Кавказ, Москвадан қулоқ қилинганлардан 36 минг кишини кўчириш, улардан меҳнатда фойдаланишни сўрайди.

¹ РФДА, 9479-фонд. 1-руйхат. 89-иш. 208-варақ.

² РФДА, 9479-фонд. 1-руйхат. 89-иш. 209-варақ.

³ РФДА, 9479-фонд. 1-руйхат. 89-иш. 209-варақ.

Жумладан, 750 оила (3000 киши)нинг меҳнатидан фойдаланиш учун Ўзбекистоннинг пахтачилик совхозларига юборилиши, бу кўчирилган хўжаликларни озиқ-овқат, саноат моллари билан таъминлаш Ўзбекистонда пахтачилик совхозлари бошқармасига, уларни тиббий-санитария ва маданий-тарбиявий жиҳатдан таъминлаш Ер ишлари, Соғлиқни сақлаш ва Маориф комиссарликларига топширилгани қайд этилган¹.

1935 йил 15 июлда СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1935 йил 1 мартдан 8 мартгача Шимолий Кавказ ўлкасининг миллий районларидан 7857 кишидан иборат 1553 қулоқлар оиласини кўчириш ҳақидаги маълумотида келтирилишича, Ўзбекистондаги меҳнат қишлоқларига 837 оила (4560 киши) жўнатилган, Қирғизистонга 490 оила (9178 киши), Тожикистонга 874 оила (3381 киши) келтирилган. Айни вақтда 1935 йил 27 апрелда Ўзбекистоннинг Хоразм округи Хива райони Оқмачит қишлоғидан давлат мажбуриятларини бажаришга саботаж қилаётган, бош тортаётган бутун немисларнинг меннонистлари² колониясидан 78 оила, 323 киши Тожикистондаги Вахш қурилишига жўнатилган³.

СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1935 йил 20 апрелдаги қарорига мувофиқ Ўзбекистонга 3 минг киши кўчириб жойлаштирилади. Улар пахтачилик совхозларига хўжалик жиҳатдан тўласинча жойлаштирилади. Уларга тиббий-санитариявий, маданий-тарбиявий хизмат кўрсатилади, айни вақтда улар барча солиқлардан, тўловлардан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари топширишдан 4 йил муддатга озод қилинадилар⁴.

Меҳнат қишлоқлари бўлимининг катта назоратчиси Карелиннинг 1939 йил 16 апрелдаги маълумотида кўрсатилишича, бу вақтда Ўзбекистондаги 12 меҳнат қишлоқларида 3432 оила жойлашган бўлиб, улардаги меҳнат кўчкіндилари 13775 кишини ташкил этган. Улардан 11993 киши пахтачилик совхозларида, 620 киши боғдорчилик, виночилик тизимида, 811 киши қишлоқ хўжалик артелларида, 116 киши сабзавот совхозларида, қолган 235 киши турли хўжалик ташкилотларида меҳнат билан машғул бўлган⁵.

1941 йил 1 январ ҳолатига кўра, меҳнат қишлоқларида 3347 оила, 12110 киши бўлган бўлса, 1941 йил 1 апрелга келиб 3321 оила, 11947 киши қолган. 3 ой ичида туғилиш 94, фуқароликка тикланиб қайтганлар 9, қочоқликдан қўлга олиниб келтирил-

¹ РФДА. 9479-фонд. 1-руйхат. 29-иш. 19—20-варақлар.

² Меннонистлар — Нидерландияда XVI асрда ташкил топган протестантлар сектаси; меннонистларнинг таййик-таъқиб қилиниши оқибатида уларнинг бир қисми Шимолий Америкага ва Россияга (1789 йилдан) кўчиб келишга мажбур бўлганлар. Улар октябрь «индқлоби»ни душманона қаршилаб олганлар. уларнинг кўпчилиги 1924—1930 йиллари мухожирликка чиқиб кетганлар.

³ Трагедия советской деревни... Т. 4. стр. 550—551.

⁴ РФДА. 5446-фонд. 1-руйхат. 480-иш. 227—229-варақлар.

⁵ РФДА. 9479-фонд. 1-руйхат. 55-иш. 29-варақ

ганлар 6, ўз ихтиёри билан қочоқликдан қайтганлар 19, қамоқдан бўшаб келганлар 5, бошқа сабаблар билан келганлар 9 кишини ташкил қилган.

1933 йил 21 апрелда ОГПУнинг махсус кўчкиндилар бўлими (МКБ) бошлиғи Г. Моланов баҳор фасли келиши билан қатор вилоятларда махсус кўчкиндиларнинг қочиш ҳоллари кучайиб кетди, шу вақтнинг ўзида ушланганлар фоизи эса анча пасайиб кетди, деб ёзган. Шу боис меҳнат қишлоқлари атрофида тўсиқлар ташкил этиш, қочиш йўллари ва усуллари аниқлаш, агентларни сафарбар қилиш йўли билан қочишларга ва ташкилий қочишларга уринишларга қарши кескин кураш олиб боришни кенгайтиришни, ушлаб олинган қочоқларга нисбатан қатағонликларни кучайтиришни, уларга ёрдам берувчиларни аниқлаш ва жавобгарликка тортишни талаб қилувчи меморандум жойларга юборилди. Айни вақтда махсус кўчкиндилар бўлимлари орқали махсус қишлоқларни қўриқлашни кучайтириш юзасидан тadbирлар кўриш, қочоқларга ёрдам берувчиларни аниқлаш, шунингдек, қочишларга сабаб бўлувчи махсус кўчкиндиларнинг моддий-маиший аҳволидаги камчиликларни бартараф қилишга қаратилган тadbирлар кўрилиши талаб қилинди¹.

Жойлардан СССР МИК Марказий сайлов комиссиясининг 1933 йил 17 мартдаги қулоқлар болаларининг фуқаролик ҳуқуқини тиклаш тўғрисида жойлардаги матбуотда эълон қилинган қарори қулоқлар — махсус кўчкиндиларнинг болаларига ҳам тadbиқ этиладими, деган сўровлар билан мурожаатлар кела бошлайди.

ОГПУнинг махсус қишлоқларда бўлган қулоқлар ва уларнинг болалари район ижроия комитетларига қарамаганликлари туфайли Марказий сайлов комиссияси президиумининг 1933 йил 17 март (21-сонли қонунлар тўплами, 117-модда)даги қарори қулоқлар болаларининг сайлов ҳуқуқини тиклаш тўғрисидаги қарорига нисбатан тadbиқ этилмаган. Уларга Марказий сайлов комиссияси президиумининг 1931 йил 3 июлдаги (44-сонли қонунлар тўплами, 298-модда) сургун қилинган қулоқларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисидаги қарори тadbиқ қилинган»².

ССР Иттифоқи Марказий Ижроия Комитети 1934 йил 27 майда «Собиқ қулоқларнинг граждaнлик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида» қарор қабул қилади. СССР МИК Президиумининг 1931 йил 3 июлдаги «Сургун қилинган қулоқларнинг граждaнлик ҳуқуқларини тиклаш тартиби тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ўлка ва вилоят ижроия комитетларига сургун қилингандан сўнг беш йил ўтгандан кейин олтин ва платина саноатида уч йил давомида ишлаганларни ОГПУнинг доимий вакиллари тавсиясига мувофиқ янги яшаш жойларида ўзларининг

¹ РФДА. 9479-фонд, 1с-рўйхат, 17-иш, 6-варақ.

² РФДА. 9479-фонд, 1с-рўйхат, 17-иш, 7-варақ.


«САВАЙ» МЕҲНАТ ПОСЁЛКАСИГА СУРГУН ҚИЛИНГАНЛАРДАН БИР ГУРУҲИ



**Рўзиев Маматқул.
Ворошилов райони.**




**Зулун Қўллошев.
Ворошилов райони.**



**Нуринисо Этамбердиева.
Ворошилов райони.**



**Умар Жалилов.
Ворошилов райони.**



**Санам Бакирова.
Ворошилов райони.**



**Амирқул Ўлжабоев.
Ворошилов райони.**



Зоира Ўлжабоева.
Ворошилов райони.



Ҳосият Қушбекова.
Ворошилов райони.



Кимсанбу Абдуқодирова.
Ворошилов райони.



Баҳринисо Абдуллаева.
Ворошилов райони.



Ҳамроҳон Шералиева.
Ворошилов райони.



Мўмин Зулунов.
Ворошилов райони.



Акбар Набиев.
Ворошилов райони.



Шокирали Набиев.
Ворошилов райони.



Холмирза Очунбеков.
Асака райони.



Ахбарали Розиков.
Асака райони.



Шарапатхон Бадалбоева.
Асака райони.




Бувинисо Темирова.
Асака райони.



Кодир Қосимов.
Асака райони.



Тожибой Мамасидиқова.
Асака райони.



Холберди Абдуллаев.
Ойим қишлоғи.



Иқромбу Абдуллаева.
Ойим қишлоғи.



Ганибой Худойбердиев.
Андижон райони.



Иноят Мамажонова.
Андижон райони.




Рўзихон Нишонова.
Жалолқудуқ райони.



Ўғилхон Дониёрова.
Ромитан райони.



Раҳим Ҳолиқов.
Ромитан райони.



Дониёр Ўғилбеков.
Ромитан райони.



Муҳаррам Ҳолиқова.
Ромитан райони.



Рўзвон Эргашева.
Шофиркон райони.



Сайфиддин Мирзаев.
Шофиркон райони.



Турди Раззоқова.
Свердлов райони.



Турсуной Раҳимова.
Бухоро райони.



Эргаш Бердиев.
Сариосиё райони.



Мухта Шарипова.
Свердлов райони.



Ҳожар Ашурова.
Сариосиё райони.



Ойша Бойматова.
Сариосиё райони.



Алимкул Бекназаров.
Оқларё райони.



Жўрабек Султонов.
Дамариқ қишлоғи.



Азаматхон Содиқова.
Самарқанд райони.



Мусаллам Умурзоқова.
Фориш райони.



Халил Ҳақимов
Самарқанд райони.



Мукаррам Кучимова.
Каттақўрғон райони.




Иззатулло Кўчимов.
Каттақўрғон райони.



Азиза Луқмонова.
Оржоникидзе райони



Бибиш Худойкулова.
Пастдарғом райони.



Мастура Нурматова.
Пастдарғом райони.



Ойша Холиқова.
Пастдарғом райони.

ҳалол меҳнати, совет ҳокимиятининг тadbирларига хайрихоҳлик муносабати ва қўллаб-қувватлаши билан ўзини кўрсатган махсус кўчкиндиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тавсия этилди. Шунингдек, ўлка ва вилоят ижроия комитетларига ОГПУнинг доимий вакилларининг тақдим этишларига мувофиқ ўзини кўрсатган махсус кўчкиндиларни, айниқса, ёшларни, яъни ишлаб чиқаришда зарбдор бўлган ва ижтимоий ишда фаол иштирок этганларнинг фуқаролик ҳуқуқларини муддатидан илгари тиклаш ҳуқуқи берилиши қарорда кўрсатилди¹.

СССР Ички ишлар халқ комиссари Г. Г. Ягода 1935 йил 5 январда Лагерлар бош бошқармасига, Берманга ёзган хатида махсус кўчкиндилар ҳуқуқларини оммавий равишда тиклаш хусусида тўхталиб «Ҳуқуқда тиклаш кетиш ҳуқуқини бермайди», деган кўрсатма бериш кераклигини, агар қонун бўлмаса, у ҳолда Марказий Комитетга ёки Марказий Ижроия Комитетга кириш зарурлигини, шу боис хат ёзиб, унда рақамларни келтириш лозимлигини ўқтиради². 17 январда Г. Г. Ягода И. В. Сталинга бу ҳақда хат билан мурожаат қилади. Мурожаат хатида шундай дейилган: «СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 27 майдаги меҳнат кўчкиндиларининг фуқаролик ҳуқуқларини тиклаш тўғрисидаги қарори шубҳасиз ҳуқуқи тикланганларнинг ўзлари яшаб келаётган жойларда қолиб кетишларини назарда тутган эди. Бироқ, қонунга махсус пункт киритилмаганлиги туфайли ҳуқуқда тиклана борган сайин меҳнат кўчкиндиларининг яшаган жойлардан оммавий равишда кетаётганлари кузатилмоқда, бу ҳол эса ўзлаштирилмаган ерларни ўзлаштириш юзасидан белгиланган тadbирларнинг барбод бўлишига олиб келмоқда.

Шу билан бирга ҳуқуқда тикланган меҳнат кўчкиндиларининг ўз ўлкаларига улар сургунга жўнатилган пайтдаги жойларига қайтиб келишлари сиёсий жиҳатдан мақсадга мувофиқ эмас.

Мен ССР Иттифоқ Марказий Ижроия Комитети томонидан 1934 йил 27 майдаги қарорига қўшимча киритишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайманки, бу қўшимчада меҳнат кўчкиндилари ҳуқуқларининг тикланиши уларга ҳозир яшаб турган жойларини ташлаб кетиш ҳуқуқини бермайди деб кўрсатиб қўйилиши керак»³.

ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягода 1934 йил 21 январда СССР ХКС раиси В. М. Молотовга «Махсус кўчкиндиларга имтиёзлар бериш тўғрисида» махсус қарор қабул қилишни сўраб, бу ҳақдаги қарор лойиҳасини ҳам тақдим қилади. Маълумки, ХКСнинг 1931 йил 16 августдаги қарори билан барча махсус кўчкинди хўжаликлари 1934 йил 1 январгача барча солиқлар, йиғимлар ва тайёрловлардан озод қилинганди. Аммо Қозоғистон

¹ РФДА, 9479-фонд, 1 с-рўйхат, 20-иш, 19-варақ.

² РФДА, 9479-фонд, 1 с-рўйхат, 29-иш, 15-варақ.

³ РФДА, 9479-фонд, 1 с-рўйхат, 29-иш, 10-варақ.

АССР Қараганда вилояти қишлоқ хўжалигида ер ўзлаштирувчи махсус кўчиндилар 1932 йилдаги экинларнинг нобуд бўлишидан ўзига келолмаганлари муносабати билан ОГПУ қайд этиб ўтилган қарорнинг амал қилишини яна бир йилга, яъни 1935 йилгача махсус кўчиндиларга нисбатан чўзиш зарур деб ҳисоблайди.

Қарорда хўжалик ташкилотлари томонидан махсус кўчиндиларнинг ишчи кучидан тўлароқ фойдаланиш ва уларни ўзлаштирилмаган ерларда яхшироқ ўзлаштириш мақсадида ОГПУга саноат махсус посёлкаларида хўжалик органлари билан биргаликда полизчилик-сут йўналишидаги ёрдамчи қишлоқ хўжалиги ташкил этиш тавсия қилинган. Шу мақсадларда ташкил қилинган низомсиз артеллардаги якка хўжаликларда оилаларининг иккинчи ва учинчи аъзолари ишладилар, чунки уларнинг бошлиқлари саноатдаги иш билан банд эдилар.

Оила бошлиқлари қарамоғидагилар оладиган озиқ-овқат маҳсулоти уларнинг эҳтиёжларини кам қондираётгани, ёрдамчи хўжаликлар ҳосили махсус кўчиндиларнинг оилалари истеъмол эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланилаётгани ҳисобга олиниб, саноат соҳасида ўзлаштирилган махсус кўчиндиларнинг ёрдамчи қишлоқ хўжаликлари ҳам солиқ тўлашдан озод қилинадиган бўлди.

Бундан ташқари махсус қишлоқларда чорвачиликни мустаҳкамлаш ва янада ривожлантириш мақсадида 1936 йилгача давлатга чорвачилик маҳсулотлари топширишдан озод қилиш зарур деб ҳисобланди. Фақат қишлоқ хўжалиги билан шуғулланадиган махсус кўчиндилар 1934 йилдан бошлаб бошқа аҳоли билан тенг барча турдаги солиқларни тўлайдиган бўлдилар, чорвачилик соҳасида уларга берилган имтиёзлар ҳисобга олинishi кўзда тутилган¹.

Мазкур таклиф қабул қилинади ва ҳукумат 1934 йил 2 февралда «Махсус кўчиндиларни солиқ ва йиғимлардан ҳамда давлатга чорвачилик маҳсулотлари топширишдан озод қилиш тўғрисида» 328155-сонли қарор қабул қилади. Унда шундай дейилган:

«1. СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1931 йил 16 августдаги Шимолий Қозоғистондаги қишлоқ хўжалигида банд бўлган махсус кўчиндиларни барча солиқлар ва йиғимлардан озод қилиш тўғрисидаги қарорининг ҳаракат қилиш муддати бир йилга — 1935 йил 1 январгача узайтирилсин.

2. Саноатда ишловчи махсус кўчиндилар ёрдамчи қишлоқ хўжалигидан даромадлари бўйича олиннадиган (артель ва якка хўжаликлар) барча солиқ ва йиғимлардан озод қилинсин.

3. Фарбий Сибирь ўлкасидаги Нарим округи ва Шарқий Сибирь ўлкасидаги ва собиқ Урал вилоятидаги ОГПУнинг махсус

¹ РФДА. 9479-фонд, 1с-руйхат. 20-иш, 5-варақ

колонияларидаги махсус кўчиндиларнинг низомсиз қишлоқ хўжалик артеллари 1934 ва 1935 йиллар давомида давлатга чорвачилик маҳсулотлари топширишдан озод қилинсин»¹.

Меҳнат ва мудофаа совети 1934 йил 2 мартда «Шимолий ўлкага махсус кўчиндиларнинг чорвасини таъминлаш учун ем-хашак етказиб бериш тўғрисида» қарор қабул қилади. Унда шундай дейилган: «СССР Халқ Комиссарлари Советининг Тайёрлаш комитетига Шимолий ўлканинг Ижроня Комитети ихтиёрига махсус кўчиндиларнинг чорвасини таъминлаш учун 500 тонна ем-хашак етказиб бериш мажбурияти юклатилсин»².

СССР Халқ Комиссарлари Совети ҳузуридаги Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш комитети 1934 йил 15 мартда «Махсус кўчиндиларни давлатга чорвачилик маҳсулотлари топширишдан озод қилиш тўғрисида» 737/38-сонли қарор қабул қилади.

Фарбий Сибирь ўлкасидаги Нарим округи меҳнат кўчиндиларининг низомсиз қишлоқ хўжалик артеллари ва Шарқий Сибирь ҳамда собиқ Урал вилоятидаги ОГПУнинг махсус колониялари 1934 ва 1935 йилларда давлатга чорвачилик маҳсулотлари топширишдан озод қилинадиган бўлдилар³.

СССР ХКС 1934 йил 23 апрелда «Қулоқ қилинган хўжаликлар учун давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини мажбурий равишда топшириш нормалари тўғрисида» қарор қабул қилади. Унга кўра яширин даромадлари, капиталлари ва мулклари бўлмаган қулоқ қилинган хўжаликлар ҳам яқка хўжаликлар каби давлатга мажбурий равишда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини белгиланган нормалар бўйича топширишлари шарт қилиб кўйилади ва бу хўжаликлар ҳеч қандай имтиёзларга эга эмаслиги кўрсатиб ўтилади⁴.

1934 йил 10 июлда давлат хавфсизлиги ва жамоат тартибини бошқаришнинг марказий органи сифатида СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ташкил бўлади. Бундай ном остида иттифоқчи республикаларда (РСФСРдан ташқари) ҳам халқ комиссарликлари ташкил этилади, мухтор республикалар ва вилоятларда НКВД бошқармалари тузилади. НКВДга СССР ОГПУси тўла таркиби билан қиради, шундан сўнг у Давлат хавфсизлиги бош бошқармаси (ГУГБ) бўлиб шаклланади. Халқ комиссарликларида ишчи-деҳқон милицияси (ГУРКМ), чегара ва ички соқчилик бош бошқармаси, ёнғин соқчилиги бошқармаси, ЗАГС ва бошқа бўлимлар ташкил этилади. 1936 йилдан СССР НКВДси ихтиёрига кўчириш ишлари ҳам ўтади, ўлчов ва тарози бош бошқармаси ташкил этилади.

¹ РФДА. 9479-фонд. 1с-руйхат. 20-иш. 6-варақ.

² РФДА. 9479-фонд. 1с-руйхат. 20-иш. 7-варақ.

³ РФДА. 9479-фонд. 1с-руйхат. 20-иш. 8-варақ.

⁴ Трагедия советской деревни... Т. 4, стр. 107.

1941 йил февралда СССР НКВДси бўлиниб, СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига ва СССР Давлат хавфсизлиги халқ комиссарлигига ажратилади.

Эълон этилаётган бу ҳужжат 1931—1933 йилларда олиб борилган аввалги сиёсий депортациянинг давоми эканини тасдиқлайди. Ушанда СССРнинг шимолий ва узоқ районларига 2 миллиондан зиёд киши сургун қилинганди.

1933 йил 13 февралда ОГПУ раиси ўринбосари Г. Г. Ягода 1933—1934 йиллар давомида қишлоқ ва қисман шаҳарлардан яна 2 миллион кишини Ғарбий Сибирь ва Қозоғистонга сургун қилиш таклифи билан И. В. Сталин ва В. М. Молотовга хат йўзлайди. Унда қуйидаги тоифадагиларни кўчириш таклиф қилинган: а) ёппасига жамоалаштириш районларидан яқка хўжалик — деҳқонлар; б) ғалла тайёрлаш ва бошқа хўжалик-сиёсий кампанияларни барбод қиладиган «саботажчилар»; в) жамоалаштириш ва қулоқ қилиш билан боғлиқ қишлоқлардан қочиб келган ва саноат корхоналарига ўрнашиб олган деҳқонлар; г) паспортизация билан боғлиқ шаҳарлардан кетишни хоҳламаётган «шаҳар унсури»; д) Украина ва Белоруссиянинг чегара чизиги доирасидаги аҳоли; е) ОГПУ томонидан 3 йилдан 5 йилгача қамоқ жазосига ҳукм этилганлар.

Улардан Ғарбий Сибирь ва Қозоғистонда 1 миллион кишилик меҳнат қишлоқлари ташкил этиш таклиф қилинган. Ушбу таклиф билан танишиб чиққан Сталин билан Молотов хатдаги фикрларни маъқуллаган ва ўз мулоҳазаларини билдиришган: Сталин: «Буларнинг ҳаммасидан ташқари турмаларни бўшагиш иши билан боғлаш зарур». Молотов: «Харажатларни ўқиб чиқдим (1394 млн. сўм), кўпол равишда кўпайтириб юборилган. Харажатларга кўчириладиганларни ҳам жалб қилиш керак».

1933 йил 17 апрелда ВКП(б) МК Сиёсий бюроси «ОГПУнинг меҳнат қишлоқларини ташкил этиши тўғрисида» қарор қабул қилади. Унда кўчирилаётганлар тоифалари рўйхати ўзгаришсиз қолдирилган, ammo махсус кўчкіндиларни кўчириш ва жойлаштиришга ажратиладиган маблағ кескин (5,5 баробар) қисқартириб берилган. Кўчириладиганлар контингенти 1930—1931 йиллардаги махсус кўчкіндиларга тенглашиб қолган.

1933 йил 22 майда ОГПУ И. В. Сталинга Ғарбий Сибирь меҳнат қишлоқларига келганлардан ташқари йўлда 138 минг киши, қўшимча равишда 608 минг киши, жумладан, 48 минг қулоқлар ва қамоқхоналардан 173 киши кўчирилмоқда, турмадан юборилганларнинг оилалари ҳам улар олдига юбориладиган бўлса, ОГПУ меҳнат қишлоқларидагиларнинг умумий миқдори 746 минг кишига етади, деб ёзган.

Ташкилий ва моддий-молиявий тартибдаги катта қийинчиликларга дуч келган Сиёсий бюро 1933 йил 17 апрелда қабул қилинган қарорига муҳим ўзгартиришлар киритади: сургун қилинадиганлар сони 2 миллион ўрнига 550 минггача қисқартирила-

диган бўлди (амалда 1933 йили 268091 киши сургун қилинган эди). 1934—1936 йиллари қишлоқдан 305911 киши, жумладан, 1933 йили — 111459, 1935 йили — 117270, 1936 йили — 771182 киши сургун қилинган.

Махсус кўчиндиларнинг умумий миқдори ўлганлар, қочиб кетганлар ва махсус қишлоқлардан озод қилинганларни бирга ҳисоблаганда 1934 йили 1137678 киши, 1935 йили — 1074491 киши, 1936 йили — 976516 киши ва 1936 йил 31 декабрга — 1017133 киши бўлган¹.

Ички ишлар халқ комиссарлиги Лагерлар бош бошқармаси бошлиғи Пленер 1937 йили СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат хавфсизлиги Бош комиссари Ежовга йўллаган хатда шундай деган: «Қатор ўлкалар ва вилоятлар УНКВДлари меҳнат кўчиндилари бўлимлари, хўжалик ташкилотлари касаба уюшмаларидан меҳнат кўчиндиларининг бундан буёнги ҳуқуқий ҳолатлари, ВЦСПСнинг 11 июль қарорига мувофиқ уларни касаба уюшмалари аъзолари қилиб қабул қилиш мумкинлиги тўғрисида саволлар келиб тушмоқда. Мазкур қарорга биноан барча ҳуқуқдан маҳрум қилинганлар, илгариги социал (ижтимоий) аҳволдан қатъи назар, касаба уюшмасига қабул қилинишлари керак.

Бир қатор районларда хўжалик ташкилотлари меҳнат кўчиндилари қишлоқлари комендатуралари эҳтиёжлари ва уларнинг маъмурий-хўжалик харажатларига сарфлаш учун меҳнат кўчиндиларининг ойлик маошларидан 5 фоизини ажратиб тўхтатиб қўймоқдалар. Бундан воз кечишни уларни конституциянинг 135-моддаси билан изоҳламоқдаларки, шу моддага кўра меҳнат кўчиндилари тўла ҳуқуқли фуқаро саналадилар.

Қатор ижроия комитетлари комендатуралардан сайловчилар рўйхатиغا киритиш учун меҳнат кўчиндиларининг рўйхатини беришни талаб қилмоқдалар.

Милиция органлари жойларда ижроия комитетлар, прокуратураларнинг кўрсатмаларига мувофиқ бир қатор районларда меҳнат кўчиндиларига паспорт берганлар. Касаба уюшмалари ташкилотлари курортларда даволанишга бориш учун меҳнат кўчиндиларига йўлланмалар бермоқдалар ва уларга бу ердан кетишга руҳсат беришни талаб қилмоқдалар.

Кейинги уч-тўрт ой мобайнида меҳнат кўчиндиларининг марказий ва маҳаллий ҳокимият муассасаларига шикоят билан мурожаат қилишлари кучайиб кетди. Улар бу шикоятларида янги конституция қабул қилинганлигига қарамай уларнинг ҳуқуқий аҳволида ҳеч қандай ўзгариш юз бермаганлигидан норозилик билдирмоқдалар². Ушбулардан келиб чиқиб Пленер СССР Конституциясининг 135-моддаси билан меҳнат кўчиндилари ҳуқуқда

¹ Трагедия советской деревни... Т. 4. стр. 929—930.

² РФДА, 9479-фонд, 1с-рўйхат, 41-иш, 7—9-варақлар.

тикланган деб ҳисоблаб, қуйидагиларни амалга оширишни зарур деб ҳисоблаган:

1) УНКВДнинг меҳнат кўчкиндилари бўлимлари, район ва қишлоқ комендатуралари тугатилсин.

2) Барча низомсиз қишлоқ хўжалик артеллари ва ҳунарсаноат (касб) артеллари нормал колхоз ва касб-ҳунар артеллари устави (низоми)га ўтказилсин.

3) Собиқ қулоқларга ҳозирги кунда улар яшаб турган жойлардан чиқиб кетишга рухсат бериш мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаб, ҳуқуқда тикланган меҳнат кўчкиндиларига яшаб турган жойларини ташлаб кетишни ман этувчи СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1935 йил 25 январь қарори ўз кучида қолдирилсин ва бу қарор 1940 йилда вилоят чегарасидан чиқиб кетиш ва 1943 йил лавомида Иттифоқ чегарасидан чиқиб кетиш ҳуқуқи берилади деган кўрсатма билан тўлдирилсин.

Меҳнат кўчкиндиларини яшаб турган жойларида бундан буён ҳам хўжалик жиҳатдан ўзлаштириш ва мустақкам ўрнашиб қолишга рағбатлантириш мақсадида:

а) Меҳнат кўчкиндиларининг низомсиз артеллари ва айрим меҳнат кўчкиндилари хўжаликларнинг қишлоқ хўжалик банкларидан ва улар ишлайдиган хўжалик ташкилотларидан олган пул қарзлари бўйича барча қарзлар ва ғалла тайёрлаш ва ер органлари берган натурал ғалла ва уруғлик ссудалари бўйича барча қарзлари кечиб юборилсин;

б) Давлатга ғалла, картошка ва гўшт-сут маҳсулотлари топшириш мажбуриятидан озод қилинсин, шунингдек, меҳнат кўчкиндиларининг ёрдамчи қишлоқ хўжалиги артель ва шахсий хўжаликлари 1937 йилдан бошлаб 3 йил муддатга барча солиқлар ва йиғинлардан озод қилинсин;

в) Шимолий Қозоғистон ва Қараганда вилоятлари, Фарбий Сибирнинг Шимолий районлари, Омск вилоятининг Тарск округи, Красноярск ўлкаси, Шарқий Сибирь вилояти ва Оржоникидзе (Шимолий Кавказ — *Р. Ш.*) ўлкасининг Дивенск районида жойлашган меҳнат кўчкиндиларининг чорвачилик артель ва шахсий хўжаликлари 1937—1938 ва 1939 йилларда давлатга гўшт-сут маҳсулотларини 5 фоиз кам топширишлари белгилансин;

г) Ўрмон хўжалиги халқ комиссарлиги, Оғир саноат халқ комиссарлиги, Ер ишлари халқ комиссарлиги зиммасига бир ой муддат ичида меҳнат кўчкиндиларига ойлик тўлашдаги қарзларини тутатиш ва бундан буён бошқа тоифадаги ишчи ва хизматчилар билан бир вақтда уларга ҳақ тўлаш мажбурияти юклансин.

Фарбий Сибирь, Қозоғистон ва Карелия АССРдаги меҳнат қишлоқларидаги мавжуд тиббий тармоқ ва болалар ясилари соғлиқни сақлаш органлари ихтиёрига, касб-ҳунар артеллари касб-ҳунар кооперацияси уюшмаси ихтиёрига, Фарбий Сибирь

ва Карелия АССРдаги меҳнат қишлоқларидаги савдо тармоғини Центросоюз ихтиёрига бериш зарур деб топилсин»¹.

СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1931 йил 1 июлдаги қарори билан сургун қилиниб меҳнат қишлоқларига жойлаштирилган қулоқ хўжаликлари устидан доимий назорат раҳбарлик қилиб турувчи Ички ишлар вазирлиги тизимида ташкил этилган комендатураларни молиявий жиҳатдан таъминлаб туриш учун зарур бўлган маблағлар меҳнат кўчкиндиларининг ҳаққи — маошидан 5 фоизини ушлаб қолиш ҳисобига амалга ошириладиган бўлган².

ВКП(б) МК ва СССР ХКС 1939 йил октябрида «Меҳнат кўчкиндиларининг ҳуқуқий аҳволи тўғрисида» қарор қабул қилади. И. В. Сталин, В. М. Молотов имзолари билан жойларга юборилган бу ҳужжатда ёппасига жамоалаштириш районларидан сургун қилинган қулоқлар, яъни меҳнат кўчкиндилари ва уларнинг оилалари СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1935 йил 25 январдаги қарорига мувофиқ улар олиб келиниб жойлаштирилган районларда шу районлардан чиқиб кетиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда яшаш учун маҳкам биркитиб қўйилиши ва бундан СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги 1143—280с-сонли қарорига мувофиқ келган ва меҳнат кўчкиндиси бўлмаган аёлга уйланган меҳнат кўчкиндиларининг фарзандлари мустасно эди.

Ўлка (вилоят)ларнинг ичидаги районлардан ташқарига ҳар қандай кўчиришлар фақат ўлка ва район милициясининг руҳсати билан амалга ошириладиган бўлди.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги зиммасига меҳнат қишлоқларидан СССР ХКСнинг 1933 йил 20 апрелдаги 775—146с-сонли қарорига кўра сургун қилинган, суд, ОГПУнинг собиқ органлари ва СССР НКВДси томонидан ҳукм қилиниб жазо муддати тугаган шахсларни озод қилиш, уларга қарорга қўшимчада кўрсатилган жойларда яшаш ҳуқуқи чекланганлиги қайд этилган паспорт бериладиган бўлди.

Меҳнат қишлоқларида жойлаштирилган ва уларга бу меҳнат қишлоқларида яшаш муддатлари белгиланмаган шахсларни ўша жойларда истиқомат қилиш учун қолдириш вазифаси юклатилди. Беш йиллик муддат тугагандан кейин меҳнат кўчкиндиларига уларга чеклашлар назарда тутилган паспорт берилиб, меҳнат қишлоқларидан озод қилинадиган бўлди.

Меҳнат қишлоқларида яшаётган меҳнат кўчкиндиларининг болалари СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги 1143—280с-сонли қарорига кўра меҳнат қишлоқларидан ҳеч қандай тўсиққа учрамай чиқиб кетиш ҳуқуқига эга бўлганлар.

СССР ХКСнинг 1938 йил 22 сентябрдаги 986—236-сонли қарорига мувофиқ меҳнат кўчкиндилари ва уларнинг оилалари,

¹ РФДА, 9479-фонд, 1с-руйхат, 41-иш, 6—9-варақлар.

² РФДА, 9479-фонд, 1с-руйхат, 54-иш, 15-варақ.

шунингдек, маъмурий сургундаликлар ҳолатига ўтказилган меҳнат қишлоқларида яшовчи шахслар мезонли қишлоқ хўжалик ва саноат артелларида аъзо бўлиб туришлари мумкин бўлган.

Мазкур артелларнинг хўжалик ва меҳнат фаолиятлари артель низоми (устави), артель бошқармаси ва артель аъзоларининг умумий мажлиси қарори, ва шунингдек, умумдавлат қарорлари ва фармойишлари билан тартибга солиниб турилиши кўзда тутилган.

Қурилишда, ўрмон кесишда ва бошқа ишлаб чиқаришда ишловчи меҳнат кўчкиндиларинг меҳнат фаолияти хўжалик органлари ва меҳнат кўчкиндилари ўртасида тузилган меҳнат шартномалари билан тартибга солинган. Меҳнат шартномалари бўйича олинган ўз мажбуриятларини қасддан бажармаганлиги учун меҳнат кўчкиндилари РСФСР Жиноят Кодексининг 131-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши кўзда тутилган.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига хўжалик органлари билан меҳнат кўчкиндилари ўртасида тузилган шартномага биноан қурилишда, ўрмон кесишда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ишлаётган меҳнат кўчкиндиларига 10-графада «Мана шу районда яшашга яроқли» деган белги билан паспорт берилган.

Меҳнат кўчкиндиларининг оилаларига ишлаб чиқаришда доимий ишчи сифатида ишлаётган оила бошлиғи билан бирга яшашга рухсат берилган.

СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги зиммасига 1939 йилда меҳнат кўчкиндиларининг устави қишлоқ хўжалик артелларига ердан абадий фойдаланиш актларини беришни тугаллаш мажбурияти юклатилган.

Шахсан ҳеч айб қилмаган, меҳнат кўчкиндиси бўлмаган фуқаро билан никоҳланган меҳнат кўчкиндиларига (СССРнинг ҳамма пунктларида шу қарорга тиркалган қўшимчада қайд этиб ўтилган пунктлар бундан мустасно) шу сургун ўтаётган қишлоқда яшашга рухсат берилган.

Ички ишлар халқ комиссарлигига ана шу шахсларнинг улар хоҳлаган жойда яшашлари учун чиқиб кетишларига ва уларга тегишли паспортлар беришга тўсқинлик қилмаслик тавсия этилган.

Ички ишлар халқ комиссарлигининг меҳнат қишлоқларидаги комендатураларини 1939 йил 1 ноябрдан бошлаб тугатиш зарурлиги ҳам қарорда кўрсатилади. Меҳнат қишлоқларида тартиб устидан назорат олиб бориш, қишлоқлардан қочиб кетишларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар кўриш район милицияси участка ва район аппаратлари зиммасига юклатилади. Шунга мувофиқ меҳнат қишлоқлари районларида НКВД комендантлари штатларининг қисқариши ҳисобига милициянинг сон тартибини кўпайтиришга қарор қилинади.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлигига милициянинг участка ва район аппаратининг қўшимча контингентини маблағ би-

лан таъминлаш учун давлат бюджети бўйича тегишли маблағ ажратишларини кўпайтириш тавсия этилади.

Мазкур қарор билан бундан аввал қабул қилинган СССР ХКСнинг 1931 йил 1 июлдаги 130с-сонли қарори, 1933 йил 20 апрелдаги 775—146с-сонли қарори, 1931 йил 16 августдаги 174с-сонли қарори ва СССР ХКС ва ВКП(б) МКнинг 1936 йил 17 январдаги 91-сонли қарори ўз кучини йўқотди, деб ҳисобланади¹.

Украина, Шимолий Кавказ, Ўрта Осиё ҳудудларидаги меҳнат қишлоқлари ва улардаги меҳнат кўчқиндиларининг ҳам ҳаёти, турмуши, меҳнат фаолияти, ҳақ-ҳуқуқлари, мажбурият ва вазифалари партия ва ҳукуматнинг, ҳуқуқ-тартибот, маъмурий органларнинг юқорида кўрсатилган директив ва кўрсатмалари асосига қурилган.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги қошидаги меҳнат қишлоқлари бўлими бошлиғи, давлат хавфсизлик капитани Конрадов ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг қишлоқда ишлаш бўлимининг 1940 йил 3 августдаги хатига махфий хат билан жавоб беради. Унда қочиб юрган ва СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги қарорига кўра ёши тўғри келадиган ёшларни ўз-ўзидан ҳисобдан чиқариб юбориш мумкин эмаслиги, чунки юқоридаги қарор бўйича ёшлардан фақат сургундалигида 16 ёшга етган ва шахсан ўзининг номини булғаманган (бирон-бир айб қилмаган)ларигина меҳнат қишлоқларидан озод қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши мумкинлиги айtilган. Балоғатга етган ёшда қочиб кетиш меҳнат қишлоғидан озод қилишга катта тўсиқ бўлиб саналади, масала ҳар бир шахс тўғрисида алоҳида ҳал этилиши керак, ҳаммаси бир бўлган ҳолда ҳал қилинмаслиги кераклиги кўрсатилган.

16 ёшга тўлмаган болалар СССР ХКСнинг 1938 йил 22 октябрдаги қарори шартларига тўғри келмайди ва улар меҳнат кўчқиндилари ҳисобидан чиқариб юборилмайди. Агар улар техника ва ёки бошқа махсус ўқув юртларига кириш ҳақида масала қўйсалар, у ҳолда уларга СССР Иттифоқи ХКС ва ВКП(б) МКнинг 1935 йил 15 декабрдаги қарорига кўра ўқишга киришга рухсат берилади. Агар уларнинг ота-оналари меҳнат кўчқиндилари ҳисобидан чиқарилсалар, у ҳолда бу болалар ҳам меҳнат кўчқиндилари ҳисобидан чиқарилишлари ва меҳнат қишлоқларидан озод қилинишлари керак ва бунда уларнинг ота-оналари меҳнат кўчқиндилари ҳисобидан чиқарилганликлари тўғрисидаги қарорда махсус қайд этиб қўйилиши керак, дейилган ўша ҳатда.

Туғилган болаларни ҳисобга олиш қишлоқ комендантери томонидан оилани ҳисобга олиш китоби бўйича қайд этиб борилиши ва ҳисоботда акс эттирилиши (2-форма) кўрсатилган.


¹ РФДА. 9479-фонд. 1с-руйхат. 54-иш. 26—29-варақлар.

Меҳнат кўчиндиларига бериладиган маълумотномани йўқотганлиги ва бузганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортиш мумкин эмас. Бундай ҳол ҳукумат қарори билан фақат паспорти-ни йўқотганлик учун қўлланилади ҳолос¹.

Мазкур 12 та меҳнат қишлоқларида меҳнат кўчиндилари таркибидаги ўзгаришлар қуйидаги жадвалда ифодаланган:

№	Ҳўжаликлар номи	1940 йил 1 январь ҳолатига кўра		Кет-ганлар	Келганлар	1940 йил 1 февраль ҳолатига кўра	
		оилалар	кишилар			оилалар	кишилар
1	«Хазорбо» совхоз	340	1434	9,19	9	343	1444
2	«Боёвут» совхоз	530	2184	3,23	5	481	2202
3	Сталин номли совхоз	423	1717	2,11	6	422	1722
4	«ЎзССР 5 йиллиги» совхоз	349	1649	1,7	18	346	1628
5	«Далварзин» совхоз	621	2758	18	14	560	2762
6	«Савай» совхоз	270	952	2	1	270	953
7	«Норин» совхоз	330	1320	8	10	327	1318
8	Куйбишев номли совхоз	91	375	8	5	91	378
9	10-совхоз	85	285	11	3	85	293
10	«Булунгур» совхоз	99	357	—	—	99	357
11	Пахтачилик илмий-тадқиқот институти совхоз	79	302	9	5	184	650
12	Дзержинский номли совхоз	306	779	3	5	82	306
	Жами:	3523	14112	119	81	3412	14150

¹ РФДА. 9479-фонд. 1-руйхат, 68-иш.



Жалолободдан Янгийўлдаги
СоюзНИХИ («Қирда»)га
сурғун қилинган
Шаҳобилдин Охунжонов
(1878—1976).



Ш. Охунжоновнинг аёли
Бибихажал ая (1878—1976).



Ш. Охунжоновнинг кизи Ҳайтхон
Ҳожи СоюзНИХИда ишчи
бўлган, 1948 йили сурғундан
Жалолободга қайтиб келган. 1997
йили 95 ёшида вафот этган.



Рисолатхон Охунжонова
(1914—1976).

Меҳнат кўчиндилари ишлаб чиқаришнинг қуйидаги соҳаларида меҳнат қилганлар: Совхозлар халқ комиссарлиги тизимида 2781 оила (10525 жон), Озиқ-овқат саноати халқ комиссарлиги тизимидаги боғдорчилик, виночилик трестида 183 оила (565 жон), Ер ишлари халқ комиссарлиги пахтачилик илмий-тадқиқот институтида 64 оила (234 жон), Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги ва Меҳнат тузатув лагерлар бошқармасининг сабзавотчилик совхозида 8 оила (30 жон), 10-сон меҳнат қишлоғидаги уставли қишлоқ хўжалик артелида 292 оила (724 жон), Қуйи Чирчиқ районидаги 1-сон ногиронлар ўйида 19 оила (32 жон) банд бўлган¹.

Шу вақт ичида 226 меҳнат кўчиндиси 1938 йил 22 октябрдаги ҳукумат қарори асосида озод қилинади. 1935 йил 15 декабрдаги партия ва ҳукуматнинг қарорига мувофиқ 187 киши меҳнат кўчиндилигидан озод қилинади, 48 киши қочиб кетади, 11 киши ҳукм этилади, 89 киши вафот қилади².

1934 йил 1 ноябрдаги маълумотномада Ўрта Осиё меҳнат қишлоқларидаги меҳнат кўчиндиларидан 78 нафарининг ҳуқуқи тиклангани, аммо уларнинг ҳаммаси шу вақтгача яшаб келаётган меҳнат қишлоқларида яшаётганликлари қайд этилган³.

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги меҳнат посёлкаларидаги меҳнат кўчиндилари бўйича бош инспектори Ковальнинг маълумотига кўра, 1941 йил январида республика бўйича 3321 меҳнат кўчинди оила (11947 жон) кун кечирган. Ўша йил охиригача туғилиш 105 кишини, бошқа республика ва вилоятлардан келиб қўшилганлар 15 кишини, республика, вилоятларнинг ичидаги кўчиришлар 35 кишини, қочиб кетганлар 33 кишини, озод қилинганлар 4 кишини, янги қўшилганлар 207 кишини ташкил этган. Шу вақт мобайнида улар сафидаги камайиш қуйидагича бўлган: 37 киши қочиб кетган, 19 киши суд қилиниб қамоққа олинган, 74 киши вафот этган. Йил охирига келиб меҳнат кўчиндилари миқдори 3298 оила, 11843 кишидан иборат бўлган⁴.

«Хазорбоғ» меҳнат посёлкасида жойлашган 312 оила, 1148 меҳнат кўчиндиси, шулардан эркаклар 3412, аёллар 951 киши, ёши 3 гача бўлганлар 70, 3 ёшдан 8 ёшгача бўлганлар 187, 8 дан 14 гача бўлганлар 142, 14 дан 18 гача бўлганлар 13 киши бўлган. Посёлка «Хазорбоғ» станциясидан 6 км узоқликда жойлашган. «Хазорбоғ-2» посёлкасидаги меҳнат кўчиндилари ЎзССР Совхозлар халқ комиссарлиги қарамоғидаги «Хазорбоғ» пахтачилик совхозида меҳнат қилганлар.

Мирзачўл станциясидан, район марказидан 18 км узоқликда жойлашган «Боёвут» меҳнат посёлкасида 452 оила, 1841 киши,

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 90-иш, 108—109-варақлар.

² РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 90-иш, 108—109-варақлар.

³ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 29-иш, 14-варақ.

⁴ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 90-иш, 114-варақ.

шундан эркалар 556, аёллар 504, 3 ёшгача болалар 246, 3 дан 8 ёшгача 140, 8 дан 14 ёшгача 335, 14 дан 18 ёшгача 60 болалар истиқомат қилишган. Улар «Боёвут» пахтачилик совхозида меҳнат қилишган.

1941 йил 20 декабрдаги маълумотга кўра Тошкент вилояти-нинг Янгийўл ва Куйи Чирчиқ районларида учта комендатура — Жабҳа вакилиги, 4-сон комендатураси ва посёлка комендатуралари бўлган. Улар 14 жойда жойлашган меҳнат кўчкиндилари устидан назорат олиб борганлар. Ҳар бир меҳнат посёлкасидаги меҳнат кўчкиндиларининг миқдори миллий таркиби, меҳнатга яроқли ва яроқсизлиги, ўртача ойлик маоши берилган. Зангиота сабзавотчилик совхозида 24 меҳнат кўчкиндиси бўлиб, шундан 13 рус, 11 ўзбек бўлган, 10-сон боғдорчилик совхозининг 2-бўлимида 101 киши бўлиб, шундан 68 ўзбек, 23 қирғиз, 10 бошқа миллатларга мансуб эди, 3-бўлимдаги 55 меҳнат кўчкиндисидан 18 ўзбек, 27 рус, 10 бошқа миллатларга мансуб, 4-бўлимдаги 109 меҳнат кўчкиндисидан 56 нафари ўзбек, 34 нафари рус, 19 нафари бошқа миллатларга мансуб, 5-бўлимдаги 99 меҳнат кўчкиндисидан 88 нафари ўзбек, 10 нафари бошқа миллатларга мансуб эди¹.

Иттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институтига қарашли «Қирда» посёлкаси 1-бўлимида сургун қилинганлардан 122 киши меҳнат билан машғул бўлган. Улардан 83 нафари ўзбек, 36 нафари рус, 9 нафари қирғиз эди.

Пахтачилик совхозининг 2-бўлимидаги 178 меҳнат кўчкиндисидан 126 нафари кабардин, 52 нафари ўзбек эди. 3-бўлимда 122 меҳнат кўчкиндиларининг барчаси кабардин миллатига мансуб эди. 1-бўлимдаги 108 меҳнат кўчкиндисидан 6 нафари ўзбек, 41 нафари кабардин, 6-бўлимдаги 248 меҳнат кўчкиндисидан 197 нафари балқарлар, 48 нафари кумик, 3 нафари бошқа миллатларга мансуб бўлган. Шу совхознинг 5-бўлимидаги меҳнат кўчкиндисидан 89 нафари ўзбек, 26 нафари қирғиз, 10-бўлимда эса 120 ўзбек, 89 кабардин яшаган².

1941 йил 1-кварталидаги ҳолатга кўра Ўзбекистондаги 20 меҳнат посёлкасида 3321 оила (11947 жон) яшаган. Шундан меҳнатга яроқли 2889 эркак, 1822 аёл бўлган, болаларнинг жами 4883 жон бўлган. Меҳнат қобилияти чекланганлар сони 2337 киши бўлган, шундан 1027 нафари аёллар эди.

Меҳнат кўчкиндиларининг ўртача ойлик иш ҳақи энг юқорисиники (ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигига қарашли меҳнат лагери) 300 сўмни, энг ками эса («Савай» пахтачилик совхози) 74 сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич «Хазорбоғ»да 130 сўмни, «Боёвут-1»да 133 сўмни, «Боёвут-2»да 120 сўмни, Сталин номли 16-совхозда 168 сўмни, Сталин номли 17-совхозда 168 сўмни, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» номли совхозда 156

¹ ЎзР ИВА, 32-фонд. 1-рўйхат. 27-иш. 208-варақ.

² Ўша архив.

сўмни, «Далварзин-1»да 125 сўмни, «Далварзин-2»да 150 сўмни, «Далварзин-3»да 140 сўмни, «Норин» совхозида 155 сўмни ташкил қилган¹.

Меҳнат кўчкиндилари жойлашган хўжаликлардан энг каттаси «Хазорбоғ» совхози бўлган. Унда 316 оила, 1123 меҳнат кўчкиндиси яшаган, ўртача ойлик маоши 1941 йил 2-кварталида 160 сўм, 3-кварталида 180 сўм бўлган.

1941 йил 2-кварталида «Савай» совхозида анча силжиш юз берган. Бу хўжаликда 264 оила (861 жон) бўлиб, шундан меҳнатга қобилияти бори 474 киши (228 эркак, 177 аёл), меҳнат лаёқати чекланганлар сони 97, болалар 359 кишини ташкил этган, ўртача иш ҳақи 155 сўмга кўтарилган.

Ер ишлари халқ комиссарлиги тасарруфидаги илмий-тадқиқот пахтачилик совхозида 64 оила (237 жон), шундан эркаклар 75, аёллар 58, болалар 107 киши бўлган. Ўртача маош 110 сўмни ташкил қилган. Бу хўжаликда аксарият кўшни Қирғизистондан сургун қилинган оилалар меҳнат қилган. Жалолободлик Шаҳобиддин оиласи ҳам бу жойда 1948 йилгача сургунликда ҳаёт кечирган.

Республика Совхозлар халқ комиссарлиги ихтиёрида 12 хўжалик бўлган. Улар «Хазорбоғ», «Савай», 8-сон пахтачилик совхози, 7-сон «Норин» совхози, «1-Боёвут», «2-Боёвут», 16-сон Сталин номли, 17-сон Сталин номли, «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» номли, «1-Далварзин», «2-Далварзин», «3-Далварзин» пахтачилик совхозлари бўлган.

Озиқ-овқат халқ комиссарлиги тасарруфида «Булуғур» боғдорчилик совхози бўлиб, унда 185 оила (567 жон) истиқомат қилган. Шунингдек, 10-сон боғдорчилик совхози ҳам ўша комиссарликка қараган.

СССР Ер ишлари халқ комиссарлиги ихтиёрига Тошкент вилоятининг Янгийўл районида жойлашган пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва элита хўжалиги қараган. Бу икки хўжаликда 64 оила (228 жон) яшаган. Улардан меҳнатга ярайдигани 115 киши (61 эркак, 66 аёл, 8 ўсмир) бўлган. Бу ерда ўртача иш ҳақи 145—180 сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари Социал таъминот халқ комиссарлигига «Ногиронлар уйи», «Ногиронлар артели» қараган. Бу ҳар икки хўжаликда 12 оила, 33 киши бўлган, улардан фақат 1 эркак, 1 аёл меҳнатга яроқли бўлган.

1941 йил 3-кварталида республикада меҳнат қишлоқлари сони 25 тага етган, уларда 3296 оила (11843 жон, эркаклар 5302 киши, аёллар 1887 киши) бўлиб, шундан 2785 эркак, 162 аёл меҳнат билан банд бўлган².

Республика Ички ишлар халқ комиссарлигининг меҳнат кўчкиндиларига хизмат кўрсатиш бўйича агентура-жанговар иш-

¹ РФДА. 9479-фонд. 1-руйхат. 90-иш, 111-варақ.

² РФДА. 9479-фонд. 1-руйхат. 90-иш, 119-варақ.



Юсупов Отабек (1889—1986).
Конибодомдан «Булунгур» меҳнат
посёлкасига сургун қилинган.



Соипов Раҳмат (1898—1991).
Марғилондан «Булунгур» меҳнат
посёлкасига сургун қилинган.



Оҳунжонов Мўминжон Фарҳона вилояти Аввал қишлоғидан «Булунгур» меҳнат
посёлкасига сургун қилинган. 1951 йили озод қилинган. 1970 йил 30 декабрда 84
ёшида оламдан ўтган. Суратда 1-қатор. ўнгдан иккинчи.



Юсупов Икром Конибодомдан
«Булунгур» меҳнат посёлкасига
сургун қилинган.

лари тўғрисида 1942 йил 1 январгача бўлган ҳолат бўйича махсус ахборотида Ўзбекистон ҳудудида умумий сони 11798 кишидан иборат бўлган 3296 та меҳнат кўчинди хўжаликлари жойлаштирилгани, уларнинг кўп қисмини (2994 киши) собиқ қулоқ унсурлари, бой-помешчик унсурлари ва босмачилик ҳаракатининг собиқ иштирокчилари, жумладан, 283 киши босмачилик ҳаракатининг собиқ иштирокчилари, 129 киши бой-помешчик унсурлари, 24 киши мусулмон руҳонийлари, 103 киши собиқ савдогарлар, 38 киши собиқ дворян-князлар, 8 киши собиқ халқ душманларининг хотинлари ташкил этилгани қайд этилган.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан буён ўтган вақт мобайнида меҳнат кўчиндилари орасидаги советларга қарши унсурларда фаоллик намоён бўлгани, бу ҳол советларга қарши мағлуб бўлиш кайфиятларини ташвиқ қилишда, Германия фашистларини ёқловчи кайфиятларни ва бошқа ифвогарлик уйдурмаларини тарқатишда ўз ифодасини топаётгани ҳам ахборотда таъкидланган. Ҳаммаси бўлиб 1941 йилнинг 1 июлидан 1942 йилнинг 1 январига қадар советларга қарши фаолияти ва турли жиноятлари учун 24 киши қамоққа олинган, улардан 8 киши қочганлиги учун қамоққа олинган ва ҳукм қилинган¹.

Демак, 1941 йилнинг 1 июлидан 1942 йилнинг 1 январигача ўтган вақт ичида 40 киши қочган, улардан 8 киши ушланиб, қайтариб меҳнат посёлкасига олиб бориб жойлаштирилган².

СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1940 йил 2 августдаги 001519-сонли буйруғига мувофиқ темир йўл яқинидаги 5 километрлик зонадан меҳнат қишлоқлари кўчирилаётган бўлади. Унга қўра Ўзбекистондаги 278 оила — 933 меҳнат кўчиндилари темир йўл станцияларидан 7—20 км узоқликдаги жойларга кўчирилиши керак эди. Шунда меҳнат кўчиндиларининг сургундаги жойларидан ўз юртларига, бошқа жойларга, хорижга қочиб кетишларининг олдини олиш мумкин эди. Ўша буйруққа мувофиқ «Ҳазорбоғ» пахтачилик совхозидан меҳнат кўчиндилари Хайробод темир йўл бекатидан 7—8 км нарида 1—2-бўлимларга кўчирилади. Кауфман темир йўл бекатидан 10-сон Ўзбекистон боғ-

¹ Ўша жойда.


² РФДА. 9479-фонд, 1-руйхат, 80-иш.



Ражабов Файзибобо (1898—1990).
Бухоро вилоятидан «Булунғур» меҳнат
посёлкасига сургун қилинган.



Толибов Нозимжон (1910—1998).
Фарғонадан «Булунғур» меҳнат
посёлкасига сургун қилинган.



Жиззахдан қулоқ қилинган Гулом
Назаров оиласи «Булунғур» меҳнат
посёлкасига сургун қилинган. Унинг
ўғли Назаров Раҳмон ҳозирда
Булунғурда яшайди.



Абдуҳалим Жўраев. 1920 йили Асака
тумани Қоратепа қишлоғида туғилган.
Отаси Ғофуров Жўрабой 1931—1932
йиллари Тожикистонга, оила аъзолари
эса Избоскан тумани 8-пахтачилик
совхозига сургун қилинган.

Меҳнат кўчкнкларининг жойлашуви.

Меҳнат посёлкалари	Қайси қишлоқ советига хиради	Миқдори		Шу жумладан		Болалар, усмирлар ва 18 ёшгача бўлганлар				Раён маъмурий марказидан узоқлиги (км)
		ойла	қилин	эркаклар	ёллар	3 ёшгача	3 ёшдан 8 ёшгача	8 дан 14 ёшгача	14 дан 18 ёшгача	
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
«Хазорбоғ»	«Хазорбоғ» посёлка совети	312	1148	341	295	170	187	142	13	16
«Боёвут»	«Боёвут» қишлоқ совети	452	1841	556	504	246	140	335	60	35
Сталин номли	Посёлка совети	393	1405	457	386	148	136	186	92	20
10-сон боғдорчилик совхози	Калинин қишлоқ совети	98	271	100	71	24	25	32	19	9
ЦОС НИХИ'	»	33	103	37	25	15	11	9	6	14
Элита хўжалиги	»	30	122	34	33	18	15	14	8	12
НКВДнинг сабзавотчилик хўжалиги	Свердлов қишлоқ совети	6	18	6413	7	1		1	3	17
«ЎзССР 5 йиллиги» совхози	Пахтачилик совхозини қошидаги посёлка совети	3271	313	413	335	112	102	229	122	31

миқдори ва ёш таркиби

Меҳнат посёлкаси жойлашган жойи				Давлат ҳисобидан қанча км. узоқликда	Посёлка меҳнат қўчиндилари қайси хўжалик таш-ларига фойдаланиш учун берилган	Хўжалик ташкилоти қайси халқ комиссарлиги тизимига киради
Яқин темир йўл станциясидан қанча км. масофада ва станция номи	Темир йўлдан узоқлик масофаси	Посёлкадан район марказигача масофа	Посёлкадан ОИТКгача			
12	13	14	15	16	17	18
«Хазорбо» станцияси, 6 км	6	6	1247	100	«Хазорбо» пахтачилик совхозси	Совхозлар халқ комиссарлиги
Мирзачўл станцияси, 18 км	18		151	500	«Бойвуг» пахтачилик совхозси	•
Сталин номли Пристан	34		80	580	Сталин номли пахтачилик совхозси	•
Кауфман станцияси	8	8	38	620	Ўзбеквинтрес-ти	Озиқ-овқат саноати халқ комиссарлиги
Раз. 55—6 км	6	14	43		ЦОС НИХИ НКЗ ССР	СССР Ер иш-лари халқ комиссарлиги
	6	12	41		Элита хўжали-ги	•
Ўрта овул станцияси, 8 км	2	17	12		УИТЛИ К НКВД	•
Раз. 55—10 км	30	14	3362	620	«ЎзССР 5 йил-лиги» совхозси	ЎзССР ИИХК (НКВД)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
Ногиронлар уйи	Солдат қишлоқ совети	12	20	8	8	1	1	1	1	4
«Булунгур»	Мало-Волин қишлоқ совети	93	306	96	74	29	39	43	25	5
«Далварзин»	Посёлка совети	601	2265	723	590	270	188	373	121	29
«Савай»	Қўрғонтепа посёлка совети	267	848	268	225	105	85	130	35	8
«Норин»	Норин посёлка совети	310	1163	350	280	98	110	255	70	18
9-сон меҳнат посёлкаси	Посёлка совети	80	301	112	83	26	17	43	20	16
Дзержинский номидаги уставли қишлоқ хўжалиги артели	Пушкин қишлоқ совети	282	674	295	143	61	54	74	47	18
		3296	11798	3797	3059	1324	1110	1866	642	

ЎзССР ИИХК махсус меҳнат кўчиндилари бўлими бошлиғи,
РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат,

¹ Пахтачилик илмий-тадқиқот институти марказий тажриба станцияси.

12	13	14	15	16	17	18
Чиноз станцияси	12	50	80		Ногиронлар уйи	Совхозлар халқ комиссарлиги
Красногвардейск станцияси		5	322	480	«Булунгурузбек инторг»	Социал таъминот халқ комиссарлиги
Хилково станцияси, 16 км	40	17	189	540	«Далварзин» совхози	Озиқ-овқат саноати халқ комиссарлиги
Гурунғазор станцияси	8		527	150	«Савай» совхози»	Совхозлар халқ комиссарлиги
Кучай станцияси	12		487	150	«Норин» совхози	«
Пойтуғ станцияси	18		519	140	8-сонли совхоз	«
Хилкова станцияси	15		189	540	Дзержинский номидаги уставли қишлоқ хўжалиги артели	ЎзССР Ер ишлари халқ комиссарлиги

давлат хавфсизлиги катта лейтенанти НЕФЕДОВ
90-иш, 127-варақ.

Ўзбекистон республикаси бўйича меҳнат кучиндиларидан меҳнатда

№	Хўжалик номи	Меҳнатқилар сони	Жойлаштирилганларнинг жами					
			оила	сдам	жумладан			
					16 ёшдан юқори		14 ташдан 16 ёшгача	14 ёшгача болалар
					эркак	аёллар		
1	2	3	4	5	6	7	8	9
1	«Хазорбоғ» пахтачилик совхози	1 3	315	1133	333	290	11	499
2	«Боёвут-1» пахтачилик совхози	0 2	132	528	166	149	18	195
3	«Боёвут-2» пахтачилик совхози	1 4	319	1312	392	356	37	5627
4	16-сон Сталин номли пахтачилик совхози	1 2	254	959	269	272	50	368
5	17-сон Сталин номли пахтачилик совхози	0 2	129	419	171	98	11	139
6	Ўзбекистон 5 йиллиги пахтачилик совхози	1 9	325	1300	428	342	86	444
7	«Далварзин-1» пахтачилик совхози	1 6	229	804	250	206	45	303
8	«Далварзин-2» пахтачилик совхози	0 3	122	443	143	126	17	157
9	«Далварзин-3» пахтачилик совхози	0 6	255	1005	318	276	51	360
10	«Савай» пахтачилик совхози	1 1	264	842	268	225	61	288
11	«Норин» пахтачилик совхози	1 1	308	1131	345	270	63	453
12	8-сон пахтачилик совхози	1 1	80	300	114	84	20	82
13	Жами:	8 4	2742	1076	3197	2694	470	3815
14	10-сон боғдорчилик совхози	0 2	94	262	99	78	16	75
15	«Булунгур» боғдорчилик совхози	1 1	92	304	97	74	25	108
16	Жами:	1 3	186	566	196	146	41	183
17	Пахтачилик илмий-тадқиқот институти марказий тажриба станцияси	0 1	34	105	39	27	4	35
18	Элита хўжалиги	0 1	31	125	37	34	3	51
19	Жами:	0 2	65	230	76	61	7	86
20	Ногиронлар уйи	0 1	12	20	8	9	1	2
21	Ногиронлар артели	0 1		5	5			
22	Жами:	0 1	12	25	13	9	1	2
23	Учқўрғон район халқ маорифи бўлими			4	1	3		
24	Оққўрғон район халқ маорифи бўлими			4	4			
25	Жами:			8	5	3		
26	Дэержинский номли устави қишлоқ хўжалиги артели	1 0	283	713	318	157	49	189
27	Меҳнат тузатув лагеридаги сабзавотчилик совхози	0 1	7	24	7	8	3	6
28	Ишчи кооперативи			47	40	5		2
29	Поликлиника			39	14	17	1	7
30	Посёлка совети			3	3			
		10 8	3296	11843	3852	3106	583	4302

ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус посёлкалар бўйича меҳнат

РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 90-иш, 124—125-варақлар.

фойдаланиш тўғрисида 1941 йил 1-квартали учун маълумот¹

Шулардан													Урғачи иш ҳама	Ишла фойдаланилмаган				
Меҳнатга яроқлилар						Чекланган меҳнатга яроқлилар						ўсимирлар		меҳнат сийланганлар	чекланган меҳнатга яроқлилар			
Яроқли				Иш билан банд		Ҳисобга олинганлар			Ишда бандлар									
жамии	эркак	аял	ўсимирлар	жамии	эркак	айал	ўсимирлар	жамии	эркак	айаллар	жамии					эркак	айаллар	
10	11	12	13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	26	27	
421	218	192	11	410	218	192		213	115	98				180	11		213	
210	113	79	18	177	107	68	2	123	53	70	28	18	10	170	40	16	17	95
408	254	117	37	345	242	95	8	377	138	239	92	64	28	185	10	29	34	285
416	211	155	50	388	205	145	38	175	58	117	69	32	37	185		12	16	106
214	147	56	11	203	145	49	9	66	24	42	27	14	13	185		2	9	39
614	326	202	86	602	325	192	85	242	102	140	81	45	36	175	1	11	161	
349	174	130	45	300	172	128		152	76	76	75	37	38	144	45	4	77	
197	102	78	17	178	101	77		89	41	48	45	21	24	200	17	2	44	
428	206	171	51	371	204	167		217	112	105	105	56	49	150	51	6	112	
457	224	172	61	357	220	137		97	44	53				182	61	39	97	
472	267	142	63	451	263	125	63	206	78	128	80	39	41	216			21	126
178	99	60	20	146	97	49		39	15	24	15	9	6	180	20	13	24	
4365	2341	1554	470	3928	2299	1424	205	1996	856	1140	617	335	282	174	50	265	178	1379
134	75	39	16	128	74	38	16	57	24	33	5	3	2	160		2	62	
171	84	62	25	171	84	62	25	25	13	12	25	13	12	100				
301	159	101	41	299	158	100	41	82	37	45	30	16	14	125	50		2	52
62	34	24	4	61	34	23	4	8	5	3	3	2	1	180		1	5	
54	28	23	3	54	28	23	3	20	9	11	10	4	6	145				10
116	62	47	7	115	62	46	7	28	14	14	13	6	7	164		1	15	
								18	8	10								18
4	4			4	4			1	1		1	1		132	50			
4	4			4	4			19	9	10	1	1		132	50			18
3		3		3		3		1	1		1	1		85				
4	4			4	4													
7	4	3		7	4	3		1	1		1	1		—				
412	240	123	49	357	233	112	12	112	78	34				100	37	18	112	
16	7	6	3	7				2		2				400	3	6	2	
42	39	3		42	39	3		3	1	2	1	1		170				2
26	11	14	1	25	18	7		6	3	3	5	2	3	140	1			1
3	3			3	3										82			
5302	2843	1877	582	4662	2785	1715	162	2239	1009	1230	663	330	303		420	220	1606	

инспекцияси қатта инспектори КОВАЛЬ

Меҳнат посёлкаларида қочганлар сони

№	Командатуралар номлари	Ойлар						Қоч- қинлар
		VII	VIII	IX	X	XI	XII	
1.	Денов районидаги 1-сон меҳ. қишлоғи	1 4	1 1	—	3 12	—	—	5 17
2.	Ховос районидаги 2-сон меҳ. қишлоғи	—	—	—	—	—	—	
3	Оққўрғон районидаги 3-сон меҳ. қишлоғи	—	—	—	—	—	—	
4	Янгийўл районидаги 4-сон меҳ. қишлоғи	—	—	—	—	—	1 2	1 2
5	Булуғур районидаги 5-сон меҳ. қишлоғи	—	—	—	1 1	—	—	1 1
6	Бекобод районидаги 6-сон меҳ. қишлоғи	2 5	—	—	—	2 3	2 2	6 11
7	Жалолқудуқ районидаги 7-сон меҳ. қишлоғи	—	—	—	—	—	—	
8	Учқўрғон районидаги 8-сон меҳ. қишлоғи	1 1	—	—	1 1	—	—	2 2
9	Избоскан районидаги 9-сон меҳ. қишлоғи	1 1	—	—	—	—	—	1 1
10	Бекобод районидаги 10-сон меҳ. қишлоғи	1 1	—	2 4	—	—	—	3 5

дорчилик хужалиги, «Ўбекистон ССР 5 йиллиги» совхози ил-мий-тадқиқот институти қошидаги тажриба станцияси қишлоғидаги меҳнат кўчкиндилари 20 км наридаги жойларга кўчирилади. Красногвардейск темир йўл бекати яқинида жойлашган «Булуғур» совхозидаги меҳнат кўчкиндилари «Боёвут» совхозига кўчирилади.

Қирғизистондаги меҳнат кўчкиндиларидан 239 та оила, 1003 киши, ички ишлар қурилишида ишлаётган 33 меҳнат кўчкиндилари Фрунзе шаҳридан кўчирилади¹.

Иккинчи жаҳон уруши даврида меҳнат кўчкиндилари таркибида катта ўзгаришлар юз беради. Урушгача ва урушнинг дастлабки даврида «қулоқ»лар ва уларнинг армия ёшидаги фарзандлари фронтга олинмайди. Ҳаттоки, 1940 йил 27 февралда ишчи-деҳқон қизил армияси бош бошқармаси «меҳнат учун кўчириб келтирилганлар ва уларнинг фарзандлари қизил армия ва флотга чақирилмасин» деган махсус кўрсатма берган эди.

Уруш арафасида 16 ёшга тўлиб, паспорт олган «қулоқ» фарзандларини меҳнат сурғунидан озод қилиш бошланган эди. Ай-

¹ РФДА. 9479-фонд. 1-руйхат, 57-иш. 84—88-варақлар.

ниқса 7 йиллик ўқишни битирган ёшларга ўз юртларига бориб ўқишга кириш учун имкон берилган. Бироқ уруш бошланиши билан бу жараён тўхтатилади, бунга қадар озод қилинганлар эса яна аввалги сургун қилинган жойига рўйхатдан ўтиш учун ариза бера бошлаганлар. Чунки озод бўлган «қулоқ»лар бусиз ҳарбий хизматга чақирилмас ва фронтга жўнай олмас эдилар.

1942 йил мартда СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги меҳнат сургунидаги ҳарбий хизматга яроқли эркаклардан 100 минг нафарини ҳарбий хизматга чақириш ҳақида Мудофаа давлат комитетига таклиф киритади. Мудофаа давлат комитетининг 1942 йил 11 апрелдаги махсус қарорига мувофиқ 1942 йилнинг 15 апрелида бўлган давр ичида 35 минг нафар собиқ «қулоқ» қизил армияга сафарбар қилинади.

Шу вақтда Ўзбекистондаги меҳнат сургунидагиларнинг 18 дан 55 ёшгача бўлган аскарликка чақириладиганлар контингенти 2710 кишидан иборат эди. Меҳнат сургуни ҳисобида турган 18 дан 40 ёшгача бўлган эркакларнинг умумий сони 1659 киши эди.

Ўрта Осиё ҳарбий округи қўшинлар қўмондонининг Ўрта Осиё бўйича 1600, жумладан, Ўзбекистон бўйича меҳнат сургунидагилар ва уларнинг оила аъзолари контингентидан ёши 40 гача бўлганлардан 1000 кишини ҳарбий хизматга чақиришга буйруқ берди.

Ўзбекистон республикаси ҳарбий комиссарлиги томонидан 1000 кишини аскарликка чақириш эълон қилинди. Шундан Тошкент вилояти бўйича 780 киши, Сурхондарё вилояти бўйича 70 киши, Андижон вилояти бўйича 80 киши, Наманган вилояти бўйича 70 киши ҳарбий хизматга чақирилди.

Меҳнат кўчкиндиларидан чақирилганларни танлаб олиш махсус комиссия томонидан НКВД район бўлимлари вакиллари ва меҳнат қишлоқлари комендантлари иштирокида амалга оширилган. Ҳар бир хизматга чақирилувчи тўғрисида танлаб олувчи комиссия НКВД район бўлими ва меҳнат қишлоқ коменданти иштирокида алоҳида тавсифнома тайёрланган, устидан бадном қилувчи материал тушган шахслар, касаллиги туфайли аскарликка яроқсиз бўлганлар комиссия томонидан аскарликка олинмай қолдирилган.

1942 йил 1 июнда Ўзбекистон бўйича армияга чақирув топшириги ортиги билан бажарилган, чақирув комиссияси томонидан режадаги 1000 киши ўрнига амалда 1152 киши армияга чақирилган. Улардан Тошкент вилояти бўйича 742, Андижон вилояти бўйича 80, Наманган вилояти бўйича 70, Сурхондарё вилояти бўйича 70, Самарқанд вилояти бўйича 90 киши армияга хизматга чақирилган¹. Нарядни бажариш асосан Ўзбекистон пахтачилик совхозларидаги, қишлоқ хўжалик ишларидаги меҳнат кўчкиндилари ҳисобидан бажарилган.

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 57-иш, 84—88-варақлар.

Сурхондарё вилоятидаги 1-сон комендатура «Хазорбоғ» пахтачилик совхозида район ҳарбий комиссариатининг қақурув комиссияси томонидан 83 киши қабул қилинган. Тошкент вилояти «Боёвут» пахтачилик совхози бўйича 185 киши ҳарбий хизматга қақурилган.

«Сталин» номли пахтачилик совхозида (16 ва 17 сон) 3-комендатурада 153 киши, «Далварзин» (1, 2, 3) пахтачилик совхозида (6-комендатура) ва «Дзержинский» номли қишлоқ хўжалик артелида (7-комендатура) 300 киши, «Ўзбекистон 5 йиллиги» номли пахтачилик совхозида 176 киши, 8-сон пахтачилик совхозида (9-комендатура) 53 киши, «Савай» пахтачилик совхозида (10-комендатура) 68 киши, (кейинги икки хўжалик Андижон вилоятига қарашли бўлган), Наманган вилояти «Норин» пахтачилик совхозида (11-комендатура) 47 киши, маълум миқдорда Халқ маорифи комиссарлиги корхоналаридаги меҳнат кўчкиндиладан ҳарбий хизматга олинган.

Мазкур хатда меҳнат кўчкиндиладарини армияга қақуришнинг ўтказилишида қандайдир қийинчилик юз бермагани, аскарлик хизматига қақурилганларнинг кайфияти асосан ижобийлиги, улар ўз сўзларида ватанни ҳимоя қилиш билан боғлиқ ватанпарварлик ҳис-туйғуларини билдираётгани таъкидланган. Улардан айримлари «ҳақиқий совет кишиси сифатида жанг олиб бораман», «Ватанни ҳимоя қилишга ихтиёрим билан бораман» деб чиққанлар. Меҳнат кўчкиндиси Николай Гобуев «Норин» пахтачилик совхозидан бир гуруҳ меҳнат кўчкиндиладарига «Агар фронтга борсам Кўчқор Турдиевга ўхшаб ҳукумат мукофотини олмай уйга қайтмайман», деб айтган.

Бу билан бир қаторда салбий фикр билдирувчи ҳолатлар ҳам юз берган. Масалан, Оққўрғон районидаги Аразмуродов Елий (3-комендатура) ҳарбий комиссариат қақурув комиссиясига кириш учун навбатда туриб шундай деган: «Агар мени армияга олишмаса, улар мени топиша олмайди, мен Афғонистонга қочиб кетиб ўша жойда яшайман. Эронга қочиб кетиб бўлмайди, чунки у жойни ҳам бизнинг қўшинларимиз босиб олган, бу ерда ҳам барибир ушлаб олишади». Аразмуродов қизил армияга олинмай қолдирилган ва НКВД район бўлими томонидан давлатга қаршилар устидан назорат олиб бориш учун рўйхатга олинган.

4-комендатурада қақурув билан боғлиқ меҳнат кўчкиндиладаридан 3 киши қочган. Улардан бири ушлаб олинган. У Украина Республикаси Николаево вилояти Скадовск комендатурасидан эвакуация вақтида меҳнат посёлкасидан қочганлардан бири эди. У Янгийўл меҳнат посёлкасига жойлаштирилган. Қолган қочоқларни қидириш чоралари кўрилган.

Аmmo бу қизил аскарликка қақурилганларнинг ҳаммаси 1942 йил 20 январгача жўнатилган эмас. Улар аввалги жойларидан меҳнат қишлоқлари таъминловчи корхоналарда ишлаётган эдилар.

1942 йилнинг 1-кварталида СССР ХКСнинг 1143—280 с-сонли қарорига кўра озод қилинган меҳнат кўчкиндиларининг болалари 163 киши бўлиб, уларни аскарликка чақириш алоҳида ўтказиладиган бўлади. Озод этилганлардан армияга қақирилганлар миқдори аниқланиб, бу ҳақда кўшимча хабар қилиниши ахборотда кўрсатилган¹.

Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги ёрдамчиси, давлат хавфсизлиги капитани Меер 1942 йил сентябрида Москвага йўллаган сим орқали хатида меҳнат сурғунидагилар ва уларнинг оила аъзоларини қизил армия сафига чақирув тугалланди, деб хабар қилган.

Урта Осиё ҳарбий округи кўшинлари кўмондони буйруғи билан Ўзбекистон республикаси бўйича меҳнат сурғунидагилар контингентидан оилалари билан 500 киши чақирилиши кўзда тутилган эди. Бу наряд 1942 йилнинг 5 сентябрида ортиғи билан бажарилган, амалда 506 киши қақирилган.

Жангларда иштирок этувчилар хизмати сафига аскарликка 35 ёшгача бўлган меҳнат кўчкиндилари қақирилган, ёши 40 дан ўтганлардан 60 га яқин киши қақирилган. Тошкент вилояти бўйича 403, Андижон вилояти бўйича 62, Наманган вилояти бўйича 41 киши аскарликка қақирилган.

Меҳнат кўчкиндиларидан армия сафига танлаб олиш район ҳарбий комиссариатларининг махсус комиссиялари томонидан ички ишлар район бўлими ва меҳнат қишлоқлари комендантлари иштирокида ўтказилган. Ишчи-деҳқон қизил армияси хизматига касаллиги учун яроқсиз бўлган шахслар ва советларга қарши фаол унсурлар қақирилмаган.

Армияга қақирилмай қолган меҳнат кўчкиндиларидан ёши 45 ёшгача бўлганлар Ўзбекистон бўйича 522 киши эди. Улардан 25 ёшгача бўлганлар — 82 киши, 40 ёшгача бўлганлар — 142 киши, 45 ёшгача бўлганлар — 298 киши бўлган.

Ёши 35 га етмаган меҳнат кўчкиндиларининг 60 нафаридан Совхозлар халқ комиссарлиги пахтачилик совхозларидаги ишларда, 22 кишидан озиқ-овқат саноати корхоналарида фойдаланилган.

Пахтачилик совхозларида ёши 40 етмаган меҳнат кўчкиндиларидан 129 киши, озиқ-овқат корхоналарида 13 киши ишлаётганди, ёши 45 га етмаган 273 киши пахтачилик совхозларида, озиқ-овқат корхоналарида 25 киши меҳнат қилган².

Қақирқ комиссиялари томонидан қизил армия сафига танлаб олинган ва қабул қилинган меҳнат кўчкиндилари район ҳарбий комиссариатлари томонидан фронтга турли вақтларда жўнатилган. Меҳнат сурғуни комендатуралари берган маълумотларга кўра, Ўзбекистондан 1943 йил 1 июнигача қизил армияга

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 113-иш, 22-варақ.

² РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 113-иш, 111-варақ.

жўнатилганларнинг ҳақиқий миқдори 1198 кишини ташкил қилган.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1943 йил 15 январдаги 27-сонли директивасига мувофиқ Ўзбекистондаги меҳнат сургуни ҳисобидан 2613 киши чиқарилган, шундан қизил армияга жўнатилганлар 1198 киши, аёллар 482 киши, болалар 933 киши бўлган¹.

Ўзбекистон ҳудудидаги меҳнат қишлоқларининг уруш давридаги ҳолатини тасаввур қилмоқ учун ЎзССР Ички ишлар халқ комиссари ёрдамчиси, давлат хавфсизлиги капитани Меер, Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус меҳнат кўчкиндилари бўлими бошлиғи, давлат хавфсизлиги катта лейтенанти Нефедовнинг 1942 йил 30 июлда юқори органи бошлиғи Жиловга йўллаган «ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлиги меҳнат қишлоқларидаги меҳнат кўчкиндиларининг маъмурий-хўжалик тузилишининг аҳволи тўғрисида ҳисобот»ига мурожаат қилиш ўринлидир.

1942 йилнинг 1 январига ЎзССР НКВДнинг хизмат қилиш қамровига 2 та район комендатураси: 4-Янгийўл райони, 6-Бекобод райони ва 8 та қишлоқ комендатуралари кирган.

1942 йил 1 июлига келиб махсус меҳнат кўчкиндилари бўлими 64 та меҳнат посёлкаларининг алоҳида нуқталарига эга бўлган, улар 11 та қишлоқ комендатурасига хизмат қилган.

Район комендатуралари — Тошкент вилоятидаги 4-Янгийўл ва 6-Бекобод комендатураларини тугатиш ва Қуйи Чирчиқ районида янги қишлоқ комендатурасини ташкил этиш, комендатураларнинг штатларини қисқартириш талаблари, комендатура аппаратларини меҳнат кўчкиндиларининг улар жойлашган ерларда бевосита хизмат қилдиришга яқинлаштириш вазифалари, НКВД район бўлимлари штатларини яқинлаштириш ва меҳнат кўчкиндиларига агенгура-тезкор хизматни яхшилаш манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилди.

Хизмат қилиш ва тезкор талаблардан келиб чиқиб Ички ишлар халқ комиссарлигида меҳнат кўчкиндилари бўлими назорати ўрнида махсус меҳнат кўчкиндиларига тегишли бўлим ташкил қилинди.

1942 йил штатлари 1941 йил штатларига нисбатан СССР НКВДси ГУЛАГнинг 1941 йил 25 ноябрдаги 2-31/739500-сонли кўрсатмасига мувофиқ 9 та бирликка қисқартирилган 2 та район комендатуралари, милиция вакиллари — 4 та, статистлар — 2, инспекторлар—1 тага қисқартирилган. Қуйидаги штатлар киритилган: қишлоқ комендатуралари — 1, Қуйи Чирчиқ қишлоқ комендатурасида йирик қишлоқ милиция вакили—3 та, иш юритувчи-машинистка — 1, бўлим бошлиғи — 1.

Республика Ички ишлар халқ комиссарлигининг буйруқларига мувофиқ ичкиликбозлиги ва меҳнат кўчкиндиларига хиз-

¹ Ўша архив, 213-варақ.

мат кўрсатиш ишларини таъмин этаолмаганлиги, фаолиятсизлиги учун куйидагилар ишдан олинган ва бўшатиб юборилган: 1-сон Денов қишлоқ комендатурасининг собиқ коменданти Первушин, ўша комендатуранинг участка вакили Ключников ва б-Бекобод комендатурасининг қишлоқ коменданти Близнюк.

1942 йилнинг 1 январига 2 та район ва 8 та қишлоқ комендатуралари бўйича 3296 хўжалик (11798 киши) ҳисобда турган. 1942 йил 1 июлига келиб эса 11 та қишлоқ комендатуралари бўйича 3156 хўжалик (10667 киши) ҳисобда турган. Ҳисобот даври ичида 308 киши келган ва 1480 киши кетган. Бу ҳолатни куйидаги жадвалдан ҳам билиш мумкин:

Келди			Кетди		
Т.р	Келганлигининг сабаби	Келганлар сони	Т.р	Кетганлигининг сабаби	Кетганлар сони
1.	Туғилди	183	1.	СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1143—280-с қарори билан озод қилинган ёшлар	278
2.	Бошқа республикалардан келган оилалар билан қўшилганлар		2.	ХКС ва ВКП(б) МКнинг 2665-сонли қарорига мувофиқ озод этилганлар	2
3.	Ушлаб қолинганлар	62	3.	Қочиб кетганлар	35
4.	Ўз ихтиёри билан қайтиб келганлар	18	4.	Бошқаларнинг қарамоғига берилганлар	3
5.	Қамоқ жойларидан озод қилинганлар	19	5.	Ҳукм қилинганлар	28
6.	Бошқа келганлар	24	6.	Ўлганлар	114
	Ҳ а м м а с и	308	7.	Бошқа сабаблар билан, шу жумладан, қизил армияга қақирилганлиги муносабати билан кетганлар	979
	Шу жумладан, душман босиб олган жойлардан кўчириб келтирилганлар	22		Ҳ а м м а с и	1439

Ҳисоб-китоб ва режим аҳволи

Меҳнат кўчкиндиларининг ҳисоби ҳар бир хўжалик учун тутилган шахсий иш бўйича олиб борилган оила карточкалари асосида ҳисобга олинган. Меҳнат кўчкиндиларининг шахсий ишлари Республика Ички ишлар халқ комиссарлиги махсус меҳнат кўчкиндилари бўлимида олиб борилган ва сақланган. Қишлоқ комендатураларида шахсий ишларнинг дубликатлари бўлган ва уларда оила карточкаларининг нусхалари ва характерлаш аҳамиятига эга бўлган материаллар сақланган.

Кўчкиндиларнинг 3756 та шахсий ишларида 1942 йилнинг 1 июлига меҳнат қишлоғида ушлаб туриш учун ҳужжати бўлмаган.

166 нафар кўчкинденинг шахсий иши қолган, шундан ЎзССР бўйича 108 та, бошқа республикалар бўйича 68 та иш қолган.

Охиригача расмийлаштирилмаган ишларнинг мавжудлиги шу билан изоҳланадики, меҳнат кўчкиндилари сургун қилинган жойлардан ҳисобот тўла олинмаган. Ҳисобот даврида барча қишлоқ комендатуралари бўйича ҳисобот маълумотларига мувофиқ меҳнат кўчкиндилари ялпи қайта текширувдан ўтказилди, бунинг натижасида меҳнат кўчкиндилари оила аъзолари сони, уларнинг ёши аниқланди ва айрим ўзгаришлар шахсий ишлардаги оила карточкаларида акс эттирилди.

Қочоқларни излаб топишни енгилаштириш мақсадида қишлоқ комендатуралари бўйича ҳисобда турган барча меҳнат кўчкиндилари аҳолисини шахсан суратга тушириш ўтказилди. Фотокарточкалар махсус меҳнат кўчкиндилари бўлими (ММКБ)да сақланаётган меҳнат кўчкиндиларининг шахсий ишларига ва қишлоқ комендатураларида сақланаётган уларнинг дубликатларига тиркаб кўйилган.

Давлат лагерлар бошқармаси кўрсатмаларига мувофиқ, уруш даври талабларига кўра меҳнат қишлоқларидаги тартиб-шароитлар кучайтирилган.

Ҳисобот даврида қочишга қарши панжаралар — тўсиқлар ўрнатиш борасида ва қочишга мойиллиги бўлган шахсларга нисбатан олдини олиш, тезкор-профилактик тадбирлар ўтказиш юзасидан анча ишлар амалга оширилган. Натижада 1942 йилнинг биринчи ярмида меҳнат кўчкиндиларининг қочиш ҳоллари анча камайган, ушлаб қолинганлар сони эса кўпайган. 1941 йилнинг биринчи ярмида 85 та меҳнат кўчкиндиси қочган ва 35 киши ушлаб қолинган. 1941 йилнинг иккинчи ярим йилида эса 61 киши қочиб кетган, ушлаб қолинганлар 22 кишини ташкил этган¹.

1942 йилнинг биринчи ярмида 35 та меҳнат кўчкиндиси қочиб кетган, 62 киши ушлаб қолинган. Бундан кўпчилик қочоқлар бевосита қочишга уринган пайтларда комендантлар томонидан темир йўлларда ва оддий йўлларда ташкил қилинган тунги пистирмалар ва тўсиқлар томонидан ушлаб қолинган.

Қочоқларнинг қолган қисми комендатура ходимлари томонидан тезликда манзилларни аниқлаш, улар турган жойларни аниқлаш йўли билан ушланган ва қочганлиги учун оила бошлиқларини суд орқали жиноий жавобгарликка тортиб, яна қайтадан улар меҳнат қишлоқларига олиб келиб жойлаштирилган. 1942 йилнинг иккинчи кварталда 6 киши қамоққа олинган ва халқ суди томонидан қочганлиги учун жазога ҳукм қилинган.

1942 йилнинг биринчи ярмида 11 та қишлоқ комендатураларидан 1-кварталда Ховос посёлка 2-комендатураси, 3-сон Оққўрғон посёлка комендатураси, 6-сон Бекобод посёлка комендату-

¹ РФДА. 9479-фонд, 1-руйхат. 80-иш. 81—88-варақлар.

раси ва 10-сон Жалолқудуқ посёлка комендатураси ўзларида биронта ҳам қочоқнинг қочиби кетишига йўл қўймаганлар.

Юқорида қайд этиб ўтилган қочиби кетишлар баъзи қишлоқ комендатураларининг комендантлари ва ички ишлар район бўлимларининг мутлақо лапашанглиги ва тезкор фаолиятсизлиги туфайли содир этилганлиги ҳисоботда қайд этилган.

8-сон Булунғур қишлоқ комендатураси коменданти Волошин томонидан ярим йиллик ҳисобот даврида 11 та кўчкиндининг қочиби кетишига йўл қўйилган, 4-сон Янгийўл районлари қишлоқ комендатураси коменданти Никитин томонидан 7 кишининг қочиби кетишига йўл қўйилган. Булунғур ва Янгийўл районлари ички ишлар бўлимлари бошлиқлари қочоқлар билан курашиш ишларидан ўзларини четлаштириб қўйганлигига урғу берилган. Улар республика Ички ишлар халқ комиссарлигининг комендантлар ҳамда ички ишлар район бўлимлари бошлиқларига қочоқларга қарши тезкор ишларни кучайтириш, қочоқларни зўр бериб излаб топиш, уларнинг манзилларини аниқлаш, ушлаш ва жиноий жавобгарликка тортиш юзасидан қайта-қайта берган кўрсатмаларига қарамай ана шу ҳолга йўл қўйганликлари ҳисоботда қайд этилган.

Ўша ҳисоботда меҳнат кўчкиндиларининг меҳнатидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. 1942 йилда Ўзбекистонда аввалги йиллардагидек меҳнат қишлоқларидаги меҳнат кўчкиндиларидан энг кўп даражада Республика Совхозлар халқ комиссарлигининг пахтачилик хўжаликларида, боғдорчилик совхозларида, озиқ-овқат саноати корхоналарида, Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлигининг айрим кичик муассасаларида фойдаланилаётгани қайд этилган.

1942 йили республика бўйича меҳнат кўчкиндиларининг меҳнатидан фойдаланиш юзасидан 17 та хўжалик ташкилотлари билан шартномалар тузилган. Бу хўжалик ташкилотлари асосан ўзларига олган мажбуриятларни бажарганлар. Шартнома шартларини айрим бузишлар асосан меҳнат кўчкиндиларига ҳақ тўлашни кечиктириш ҳолларида ва СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат лагерлар бошқармаси жорий ҳисобига 5-фоиз ушлаб қолинган пулни ўз вақтида ўтказмаганликда намоён бўлаётгани ҳам кўрсатилган.

Бундай фактлар махсус меҳнат кўчкиндилари бўлими томонидан 1942 йил июнь ойида ўтказилган 5 фоизли пул ажратишининг «Боёвут-2» пахтачилик совхози бўйича аҳволини текшириш ўтказилганда аниқланган. Шу совхозда 322 сўм 85 тийинлик, «Далварзин-1» пахтачилик совхозида 2037 сўм 95 тийинлик 5 фоиз ажратма олинмаган. «Норин» ва «Ўзбекистон ССРнинг 5 йиллиги» пахтачилик совхозларида мунтазам равишда меҳнат кўчкиндиларининг ойлик маошини тўхтатиб туришга 5 фоизли пулни ўтказишни ушлаб туриш ҳолларига йўл қўйилган. Шу боис Меер ва Нефедовлар томонидан республика Совхозлар халқ

комиссари Исамухаммедов номига мактуб юборилади. Унда ўша қарзларни дарҳол тугатиш ва хўжалик ходимлари томонидан шартномада олинган мажбуриятларга қатъий риоя қилиш масаласи қўйилади.

Биринчи ярим йилликда 5 фоиз пул ажратиш режаси бўйича СССР НКВД Лагерлар бош бошқармаси жорий ҳисобига 265 минг сўм пул тушиши назарда тутилган эди, бироқ амалда 222 минг сўм келиб тушган ҳолос.

Кам маблағ олинганлиги сабаб хўжалик ходимлари томонидан биринчи ярим йилликда 1270 киши меҳнат кўчкндиларидан кам фойдаланилган. СССР ХКСнинг 1143-280 с-қарорига мувофиқ 273 киши ёшларни қизил армияга чақариш билан боғлиқ бўлган. Фронтга 1950 нафар меҳнат кўчкндиси жўнатилган. Пахтачилик совхозларидаги меҳнат кўчкндилари (шартномалар шулар билан тузилган) асосий ишчи кучи бўлиб саналганлиги сабабли уларнинг меҳнат унумдорлиги эркин ёлланиб ишловчи ишчиларникидан анча юқори бўлган. Жорий йилнинг биринчи ярмида ҳар бир меҳнат кўчкндисининг ўртача маоши ойига 175—180 сўмни ташкил этган.

Меҳнат кўчкндиларидан тузилган ишлаб чиқариш бригадалари қоида бўйича баъзи ҳоллардан мустасно пахтачилик совхозларида ҳам, боғдорчилик хўжаликларида ҳам ишлаб чиқариш нормаларини бажарганлар, ҳатто ошириб ҳам бажарганлар.

Меҳнат кўчкндилари қишлоқ хўжалик ва хунармандчилик-косибчилик артелларига ҳам жалб қилинганлар. Бекобод районидаги Сретенка қишлоғида меҳнат кўчкндиларидан Дзержинский номли низомли қишлоқ хўжалик артели ташкил қилинган. Унга Бекобод қишлоғидаги 7-сонли комендатура хизмат қилган. 1942 йил 1 июлда ана шу қишлоқ хўжалик артелида 560 кишидан иборат 238 та меҳнат кўчкндилари хўжалиги бўлган. Булардан ташқари артель аъзолари сафига илгари турли сабабларга кўра озод қилинган собиқ меҳнат кўчкндиларидан бир қанчаси ҳам кирган. Дзержинский номли қишлоқ хўжалик артели тез орада қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларини намунали олиб бораётган колхоз сафидан жой олган. 1903, 74 гектар ер майдонига эга бўлган колхоз 1941 йилда 3.907.546 сўмлик фойда билан режаларини бажарган, пахта бўйича ишлаб чиқариш режаси 127,7 фоиз қилиб бажарилган. Колхозда касалхона, туғуриқ уйи, болалар яслиси, болалар майдончаси, дорихона, мактаблар, республикада энг яхши клуб ва дам олиш боғи, радиоузел ва электр станция яратилган. 1941 йилда артель аъзолари ҳар бир меҳнат кунига 10 сўмдан пул, 1 килограммдан ҳар хил дон маҳсулотлари, мева ва сабзавотлар олишган.

Бу артель вужудга келган 1933 йилдан буён сурункасига самарали ишлаб келаётган қишлоқ коменданти Ярошенконинг қишлоқ хўжалик артели ва меҳнатни ташкил этишдаги сермаҳсул

иши ҳисоботда алоҳида қайд этиб ўтилган. Унинг уддабурон ва пухта ўйлаб олиб борган иши, шахсан фаол иштироки билан меҳнат кўчиндиларининг интизоми ва меҳнати шундай яхши ташкил этилган, Дзержинский номли қишлоқ хўжалик артели миллионер колхоз бўлиб қолган. 1942 йил июнь ойида колхозда ЎзССР НКВД махсус савдоси билан колхоз ўртасида шартнома асосида ишловчи меҳнат кўчиндиларининг балиқ овлаш бригадаси ташкил қилинади.

Ҳисоботда меҳнат кўчиндиларининг турар жойлари, маиший турмушлари ҳам кўрсатилган. Барча меҳнат кўчиндилари хўжалик ташкилотлари билан тузилган шартномаларга мувофиқ шахсий уйлар типдаги уй-жой бинолари билан таъминланган. Яққа-ёлғиз кўчиндилар эса ётоқхоналарга жойлаштирилган. 55 фоиз кўчиндилар ўзларининг шахсий уйларига эга бўлган.

Меҳнат кўчиндилари сабзавот, полиз экинлари экадиган ер участкаларига ҳамда мевали дарахтли шахсий боғларига эга бўлиб Ер ишлари халқ комиссарлиги томонидан белгиланган нормаларда ҳайвонлар ва паррандалар боқиш имконига ҳам эга бўлганлар. Аммо баъзи бир уйлар ва бир қанча турар жой бинолари таъмирлашга муҳтож бўлган.

Меҳнат кўчиндилари савдо ташкилотлари томонидан хўжалик корхоналарининг ишчилари ва хизматчилари каби озиқ-овқат ва саноат моллари билан таъминланганлар. Самарқанд вилоятининг Булунғур районида ва Тошкент вилоятининг Янгийўл районида нон таъминотида баъзи узилишлар бўлганлиги илгари ҳам қайд этиб ўтилган. Шу боис мазкур масала юзасидан ички ишлар бошқармаси бошлиқлари орқали зарур чоралар кўриш учун партия ва совет ташкилотларига хабар етказиш кўзда тутилган.

Меҳнат кўчиндиларига тиббий-санитария хизмати кўрсатиш жойларда ЎзССР Соғлиқни сақлаш халқ комиссарлиги муассасалари томонидан амалга оширилганки, у ерларда стационар тарзда даволаш учун шифохоналар ва амбулаториялар ишлаб турган. Ярим йил давомида Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларида юқумли касалликларнинг оммавий тарқалиш ҳоллари юз бермаган. Наманган вилоятидаги «Норин» пахтачилик совхозида жойлашган 8-сон меҳнат посёлкасида шу йилнинг 1 январидан 1 мартигача тошма тиф билан касалланиш 7 марта юз берган. Касаллар ўз вақтида шифохонага ётқизилган, касалланиш ўчоқларига дарҳол санитария жиҳатдан ишлов берилган. Касал бўлган 7 кишидан бири вафот этиб, бошқалари соғайиб кетган.

Тошма тиф касаллиги тарқалишининг олдини олиш (оғир ичак касаллиги билан оғришнинг олдини олиш) мақсадида баҳор, ёз даврида барча меҳнат посёлкаларида касалликнинг олдини олиш характеридаги тадбирлар амалга оширилиб турилган. Меҳнат кўчиндиларининг ишлаб чиқариш бригадалари ишлайдиган

жойларда иссиқ овқатлар бериш ташкил қилинган, иш участкалари қайнаган иссиқ сув билан таъминланган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида меҳнат кўчиндиларидан 114 киши вафот этган, уларнинг аксарияти кексалар бўлган.

Меҳнат кўчиндилари ўртасида маданий-тарбиявий ишлар асосан клубларда, қизил бурчақларда ва чойхоналарда олиб борилган. Бу ишлар совхозлардаги сиёсий бўлимларининг кўрсатмалари ва раҳбарлиги остида олиб борилган. Совхозларда болаларни ўқитиш учун етти йиллик ва ўрта мактаблар фаолият кўрсатган.

Ҳисобот ахборотда меҳнат посёлкаларида сиёсий-маънавий аҳвол қониқарли ва меҳнат кўчиндиларининг кайфияти асосан соғлом бўлгани қайд этилган. Масалан, қизил армияга чақирилган меҳнат кўчиндиларининг кўпчилиги ва уларнинг оила аъзолари ватанпарварлик кайфиятларида бўлиб, жонини ҳам аямай душманга қарши жанг қилажакларини изҳор этганлар.

Меҳнат кўчиндилари орасидаги советларга қарши унсурулар ўзларининг аксилинқилобий фаоллигини йўқотмагани ҳолда меҳнат кўчиндилари ичида советларга қарши ташвиқот олиб бораётганликлари, мағлублик кайфиятларини тарқатаётганликлари ва Ўзбекистонга фашист қўшинлари келиб уларни меҳнат қишлоқларидан озод қилишларига умид боғлаётганлари ҳам борлиги қайд этилган.

Собиқ руҳоний-муллалар, босмачилар томонидан советларга қарши бирмунча фаоллик сезилган. Шу ҳақда олинаётган материаллар комендантлар томонидан НКВДнинг район бўлимларига тегишли тарзда фойдаланиш учун юборилган. Советларга қарши бўлган унсурулар тезкор ҳисобга олингани ҳам кўрсатилган.

Республика ички ишлари махсус меҳнат кўчиндилари бўлими аппарати биринчи ярим йилликда 3 кишидан: бўлим бошлиғи, катта инспектор ва иш юритувчи — машинисткадан иборат бўлган.

Ун битта қишлоқ комендатурасида 11 та қишлоқ комендантлари ва 8 та милиция участка инспекторлари билан қочишларга қарши ташвиқот ишлари олиб борилган ва комендатура аппарати фаолиятини яхшилаш масалалари юзасидан икки марта оператив йўл-йўриқ бериш кенгаши ўтказилган. Шу йилнинг биринчи ярмида Тошкент, Андижон ва Наманган вилоятларида жойлашган меҳнат қишлоқларининг ўзига бориб, 9 та қишлоқ комендатуралари кўрикдан ўтказилган.

1942 йилнинг январиди 8-сон Булунғур қишлоқ комендатураси комендантлари Волошинни ўз вазифасини удалай олмай олиб қўйиладигани учун уни алмаштириш тўғрисидаги масала кўйилади. Шунингдек, 2-сон Ховос посёлкаси комендатураси милиция участка вакили Лисенкони, 3-сон Беқобод посёлкаси комендатураси милиция участка вакили Холиқовни, 11-сон Учқўрғон по-

сёлкаси комендатураси милиция участка вакили Бухтояровнинг участка милицияси вакили лавозимига муносиб эмасликлари ва қочишлар бўйича ҳеч қандай тезкор-милиция иши олиб боришда тажрибаси йўқлиги туфайли уларни алмаштириш масаласи ҳам қўйилади. Аммо биринчи ярим йилликда республика Ички ишлар вазирлиги кадрлар бўлими уларни алмаштиришни амалга оширмаган. Ўз навбатида бу комендантлар, милициянинг меҳнат қишлоқларидаги вакиллари кейинги қатор йиллар давомида на кийим-бош билан, на махсус савдо томонидан саноат моллари билан таъминланган, уларнинг кийим-бошлари жуда эскириб кетгани ва уст-бош ҳамда пойафзал билан таъмин этилишга жуда муҳтожлиги ҳам қайд этилган.

Хуллас, меҳнат посёлкалари комендатураларининг иши 1942 йилнинг биринчи ярмида қоникарли олиб борилган ва улар партия ва ҳукуматнинг давлат хавфсизлигини таъминлаш, меҳнат қишлоқларида тегишли тартиб-қоидаларга риоя қилиш борасида маълум фаолият кўрсатганлар. Бироқ меҳнат кўчкиндиларининг қочиш ҳоллари юз бераётган экан, махсус меҳнат қишлоқлар бўлими ва қишлоқ комендатуралари қочишларга қарши ишларни янада яхши йўлга қўйишлари керак эди. Шу мақсадда қочишлар тўғрисида ахборот бериш тармоғини тўлдириш ва мавжудларининг иш сифатини яхшилаш, 1940—1941 йиллардаги ва 1942 йилнинг биринчи ярмидаги қочқинларни излаб топишни ташкил қилиш, 1942 йил 1 октябрдан қолдирмай меҳнат қишлоқларидан қолдиришга асоси йўқ меҳнат кўчкиндиларини озод қилиш бўйича шахсий ишларини расмийлаштиришни тугаллаш вазифаси илгари сурилади¹.

Республика меҳнат қишлоқлари бўйича меҳнат сургунининг аҳволи тўғрисида 1943 йил 27 февралдаги 157070-сонли ахборот мактубини олиб СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги ГУЛАГи махсус меҳнат қишлоқлари бўлими бошлиғи давлат хавфсизлиги полковниги Жиров жавоб хатида Ўзбекистондаги меҳнат ва махсус қишлоқлар бўлимининг иши анча яхшиланганини, айниқса қочқинга қарши агентура ишлари яхши йўлга қўйила бошланганини, бунинг натижасида махсус қишлоқлардан қочишлар миқдори камайганини эътироф этган. У 6 та қочқини ушлаб қолган комендант Горячекни, 13 та қочқинни ушлаган комендант Никитинни рағбатлантириш зарурлигини кўрсатиб ўтган.

Шу билан бир қаторда ҳали ишдаги қатор камчиликлар бартараф этилиши таъкидланган. 393 та меҳнат кўчкиндилари томонидан ишлаб чиқариш нормаларининг бажарилмаслиги, хўжалик ташкилотлари томонидан ишчи кучидан тўла фойдаланмасликлари, меҳнат кўчкиндиларининг ишга чиқмаслик, дангасалик ҳоллари мавжудлиги, уларнинг меҳнатида уруш даврида фойдаланишга етарли эътибор беришмай келинаётгани қайд этил-

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-рўйхат, 80-иш, 81—88-варақлар.

ган. Меҳнат интизомини бузувчиларни белгилаб қўйилган тартиб асосида жавобгарликка тортиш, комендатуралар хўжалик ташкилотлари ана шундай меҳнат кўчиндиларини жазосиз қолдирмасликлари устидан албатта назорат қилиб боришлари кераклиги уқтирилади. Айни вақтда меҳнат кўчиндиларини қайта ҳисобга олишни ўтказишда ва СССР Ички ишлар халқ комиссари ўринбосарининг 1943 йил 10 мартдаги 104-сонли циркуляр хатига кўра ишчи кучи захираларини аниқлаш борасидаги ишларни ўтказишда амалий ёрдам бериш илтимос қилинган. Шунингдек, яқин вақт ичида комендантлари ишдан олиб ташланган меҳнат қишлоқлари комендантлари ишини текшириб чиқишни амалга ошириш зарурлиги ҳам кўрсатилган.

Шу билан бир вақтда милициянинг меҳнат қишлоқларида аниқ нима билан шуғулланаётганликлари ҳақида хабар қилишини ҳамда танишиб чиқиш учун меҳнат қишлоқларидаги ички тартиб қондаларини юбориш сўралган¹. СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат лагерлар бошқармаси махсус қишлоқлар меҳнат кўчиндилари бўлими бу вақтда Чкалов шаҳрида жойлашган эди. Ўзбекистон Ички ишлар халқ комиссарлиги 1942 йил 5 июлда ўша меҳнат кўчиндилари бўлими бошлиғи Жилова республикадаги меҳнат қишлоқларидаги тезкор-агентура ишларининг аҳволи тўғрисида маъруза хати йўллайди. Унда меҳнат кўчиндиларининг қочишига қарши яширин иш олиб борувчи хабарчилар тармоғи мутлақо етарли эмаслиги асосланади. Масалан, унинг 1942 йил 1 январдаги ҳолати қуйидагича эди:

Тошкент вилояти бўйича

1. Денов қишлоқ комендатураси, 1-сон 612 кишига — 15 хабарчи.
2. Ховос «—»—»—»—» 2-сон, 1064 «—»—»—»—» 7 хабарчи.
3. Оққўрғон «—»—»—»—» 3-сон, 812 «—»—»—»—» хабарчи бўлган эмас.
4. Янгийўл «—»—»—»—» 4-сон, 315 «—»—»—»—» 4 хабарчи.
5. Куйи Чирчиқ «—»—»—»—» 5-сон, 749 «—»—»—»—» хабарчи бўлган эмас.
6. Бекобод «—»—»—»—» 6-сон, 1310 «—»—»—»—» 6 хабарчи.
7. Бекобод «—»—»—»—» 7-сон, 441 «—»—»—»—» 4 хабарчи.

Самарқанд вилояти бўйича

8. Булунғур қишлоқ комендатураси, 8-сон, 170 киши, 4 хабарчи.

Андижон вилояти бўйича

9. Избоскан қишлоқ комендатураси, 9-сон, 195 киши «—»—» хабарчи бўлган эмас.
10. Жалолқудуқ «—»—»—»—» 10-сон, 523 кишига «—»—»—»—» хабарчи бўлган эмас.

¹ РФДА. 9479-фонд, 1-руйхат. 106-иш. 27-парақ.

Наманган вилояти бўйича

11. Учқўрғон қишлоқ комендатураси, 11-сон, 562 киши бўлган эмас.

Меҳнат қишлоқларида қочишга қарши хабарчилик тизимининг янги ҳолатига эришиш 1942 йилнинг биринчи ярмида асосий вазифа сифатида амалга оширилган муҳим ютуқлардан бири бўлган ва қочишга қарши хабарчилик тизими анча ўсганлиги ушбу маълумотда акс этган:

Тошкент вилояти бўйича

1. Денов қишлоқ комендатураси, 1-сон 591 киши учун — 25 хабарчи.
2. Ховос «—»—»—»—» 2-сон, 921 киши учун — 14 хабарчи.
3. Оққўрғон «—»—»—»—» 3-сон, 668 «—»—»—»—» 5 хабарчи.
4. Янгийўл «—»—»—»—» 4-сон, 285 «—»—»—»—» 7 хабарчи.
5. Қуйи Чирчиқ «—»—»—»—» 5-сон, 625 «—»—»—»—» 10 хабарчи.
6. Бекобод «—»—»—»—» 6-сон, 1098 «—»—»—»—» 36 хабарчи.
7. Бекобод «—»—»—»—» 7-сон, 335 «—»—»—»—» 12 хабарчи.

Самарқанд вилояти бўйича

8. Булунғур «—»—»—»—» 8-сон, 154 «—»—»—»—» 5 хабарчи.

Алдижон вилояти бўйича

9. Избоскан қишлоқ комендатураси, 9-сон, 163 киши «—»—» 3 хабарчи.
10. Жалолқудуқ «—»—»—»—» 10-сон, 476 «—»—»—»—» 16 хабарчи.

Наманган вилояти бўйича

11. Учқўрғон «—»—»—»—» 11-сон, 562 «—»—»—»—» 17 хабарчи.

Демак, аввал қочишга қарши хабарчилик тизимида барча меҳнат посёлкалари бўйича 40 киши бўлган бўлса, 1942 йил 1 июлга келиб бу миқдор 151 кишига кўпайган. Айрим ҳолатларда хабарчилик тизимининг кўпайиши СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги Давлат лагерлар бошқармасининг 1941 йил 12 июлдаги кўрсатмасига хилоф равишда амалга оширилди. Унда хабарчилар олиш жойларда ички ишлар район бўлимларининг ваколатида эмаслиги, бу иш жойлардаги меҳнат қишлоқлари комендантларининг фаолият доирасидаги вазифа экани кўрсатилган. Мисол учун Тошкент вилояти Янгийўл посёлкасидаги 4-сон комендатурасида хабарчиларни олиш меҳнат посёлкаси собиқ коменданти Пухачев томонидан амалга оширилган. У 6 кишини хабарчи қилиб олган эди.

Наманган вилояти Учқўрғон 11-сон посёлка комендатураси комендант Бухтояров томонидан 17 хабарчи олинади, бунда район бўлими иштирок этмайди.

Меҳнат қишлоқлари бўйича агентура — хабарчи тармоғи билан таъминланиш ҳолати 1942 йил 1 январида қуйидаги жадвалда ифодаланган:

№	Меҳнат қишлоқларининг номлари	Хужаликлар миқдори	Тезкор ҳисоб бўйича			Мақсадли агентуранинг борлиги			Қочинишга қарши агентуранинг мавжудлиги		
			агентура бўйича	формула иш бўйича	ҳисоб иш бўйича	резидентлар	шөллар	хабарчилар	резидентлар	агентлар	хабарчилар
1.	Денов районидан 1-сон м/қ бўйича	312 1143	—	1	23	—	3	8	—	—	15
2.	Ховос районидан 2-сон м/қ бўйича	452 1841	—	5	22	—	4	17	2	4	—
3.	Оққўрғон районидан 3-сон м/қ бўйича	393 1405	—	2	26	1	1	10	1	—	2
4.	Янги Чирчиқ 4-сон м/қ бўйича	327 1313	3	—	36	1	2	4	—	—	6
5.	Янгийўл районидан 4-сон м/қ бўйича	179 584	—	1	11	1	—	5	1	—	6
6.	Булунғур районидан 5-сон м/қ бўйича	93 306	—	3	12	—	—	10	1	—	8
7.	Бекобод районидан 6-сон м/қ бўйича	601 2265	—	3	46	—	—	17	3	—	9
8.	Жалолқудуқ районидан 6-сон м/қ бўйича	267 848	—	2	7	—	—	10	—	—	2
9.	Учқўрғон районидан 8-сон м/қ бўйича	310 1163	3	4	331	1	1	22	—	—	2
10.	Избоскан районидан 9-сон м/қ бўйича	80 301	—	1	76	1	1	9	1	—	10
11.	Бекобод районидан 10-сон м/қ бўйича	282 674	—	3	49	—	5	12	—	—	—
	Ж а м и:	3296 11798	6	25	639	5	17	124	9	4	60

1 РФДА, 9479-фонд. 1-руйхат, 80-иш, 117—119-варақлар.

Махсус қишлоқ меҳнат сургунидагилар бўлими (МҚМС) бошлиғи, давлат хавфсизлиги майори В. Нефедов сургундагиларнинг аҳволи ва меҳнат фаолияти ҳақида юқорига маълумот йўллайди. Унда комендантлар таркибида юз берган ўзгаришлар қайд этилган. «Дзержинский» совхозидаги 7-сон қишлоқ коменданти Н. К. Ярошенко совхоз директори ёрдамчиси лавозимига, унинг ўрнига А. И. Соболев комендант этиб тайинланган, 5-сон комендатурасига кичик лейтенант Мишунтик тайинланган. 6-сон қишлоқ коменданти Н. С. Шеховцев 1919 йили оқлар томонидан ҳибсга олингани, Ростов турмасида 2 ой ўтиргани, 1936 йили аксилинқилобий фаолияти учун қамоққа олинган кишилар билан маиший алоқада бўлгани ва улар билан ичкиликбозлик қилгани учун вазифасидан олинган. Шу комендатура участка милиция вакили А. А. Закиров йирик қулоқ ўғли бўлгани, отаси қишлоқда совет фаолларига суиқасд қилишда иштирок этгани ва ижтимоий келиб чиқишини яширганлиги маълум бўлгани учун ишдан бўшатишган. Бекободдаги район 6-сон комендатурасига В. К. Борячий, Денов райони 1-сон комендатурасига С. Н. Зеленский тайинланган.

Ўзбекистондаги 11 меҳнат қишлоғида 1943 йил 1 январига келиб 3156 хўжалик ёки 8928 киши мавжуд эди. 1942 йилнинг иккинчи ярмида кетиб қолганлар 1910 кишини, келганлар 164 кишини ташкил қилган. Қизил армияга олинганлар, СССР НКВДнинг 1942 йил 22 октябрдаги буйруғи бўйича озод қилинганлар 1703 кишини ташкил қилган.

Агар 1941 йил иккинчи ярмида қочиб кетганлар 61, ушланиб қайтарилганлар 22 кишини ташкил этган бўлса, 1942 йил иккинчи ярмида бор-йўғи 2 киши қочиб кетган, 33 киши ушланган. Меҳнат кўчкчилари меҳнатидан фойдаланиш 1942 йил биринчи ярим йилидагига қараганда 1942 йил иккинчи ярмида яхши ташкил қилинган. Меҳнатсиз қолган меҳнат сургунидагилар сони кескин қисқарган, меҳнатга яроқдиларнинг ишта жалб қилиниши ўсган.

1942 йил биринчи ярим йиллигида меҳнатга жалб қилинмаган меҳнатга яроқдилар 1006 кишини ташкил этган бўлса, иккинчи ярим йилликда бундайлар 478 кишини ташкил этган. Қисман меҳнатга яроқдиларнинг меҳнатга жалб қилинмаганлар миқдори 1942 йилнинг 1 ва 2-кварталида 2767 кишини, 3 ва 4-кварталида 1994 кишини ташкил қилган.

Меҳнатга яроқли ва меҳнатга қисман яроқдиларнинг меҳнатга жалб қилинмай қолганлари вақтинчалик меҳнатга яроқсиз бўлиб қолганлар, ёш болали аёллар, ногирон эркаклар ва аёллар, кексалар ҳамда мактаб ёшидаги ўсмирлар эди.

Меҳнат сургунидагиларнинг кунлик иш мажбуриятлари унумдорлиги ҳам ортган. Агар 1942 йилнинг 3-кварталида дала ишларида банд бўлганларда кунлик иш нормаларини бажарганлар 50—60 фоизни, айрим жойларда 30—40 фоизни ташкил этган

бўлса, 1942 йил 4-кварталида меҳнатга яроқли 3637 нафар меҳнат сурғунидагилардан фақат 393 нафаригина кунлик нормани бажармаган, яъни 3244 киши, 89,2 фоиз қисми нормани бажарган, 10,8 фоизигина нормани бажармаган. 500 тагача киши кунлик нормани 2—3 барабар ва ундан орттириб бажарган. Меҳнат сурғунидагиларнинг иккинчи ярим йилликдаги маошлари 113 сўмдан 182 сўмгача кўтарилган.

Иккинчи ярим йилликда Давлат лагерлар бошқармасининг жорий ҳисобига 5 фоизлик чегирмалардан жами 265000 сўм тушиши керак эди. Амалда фақат 180324 сўм тушган. 1942 йил давомида эса жорий ҳисобга режага кўра 530 минг сўм тушиши керак бўлгани ҳолда, фақат 402324 сўм тушган. Бу ҳол шу билан изоҳланганки, 1942 йилги сметада 5199 киши меҳнатга яроқли деб қайд қилинган, яроқдилар 4000 кишини ташкил қилган.

Меҳнатга яроқлиларнинг меҳнатга тўла жалб қилинмаганлигига қишлоқ комендантларининг етарли даражада эътибор бермаганлиги, мавжуд имкониятлардан тўла фойдаланмаганлиги, совхозлар маъмурияти сиёсий бўлимлари вакилларининг бу борада назоратни олиб бормаганлиги сабаб бўлган. Бу эса меҳнат сурғунидагиларнинг ишга чиқмаслигига, ялқовлигига, меҳнат мусобақаларининг тўғри йўлга қўйилмаслигига олиб келган. Мазкур ишлар билан қишлоқ комендантлари етарлича шуғулланмаган. Шунингдек, совхозлар сиёсий бўлимлари ҳам бу масалага кам эътибор қаратганлар.

Ишга чиқмаслик ҳолларининг кўпайишига меҳнат сурғунидагиларнинг шахсий томорқалари мавжудлиги ҳам сабаб бўлган. Улар томорқаларида шоли, тамаки экиш билан ҳам шуғулланганлар. Баъзи бирлари етиштирилган маҳсулотлар чайқовчилиги билан ҳам шуғулланганлар. Бундан фойда кўргани учун улар ишга чиқмай ҳам қўйганлар. Шу боис Ўзбекистон ССР Ички ишлар халқ комиссарлиги меҳнат кўчкиндиларини тўла меҳнатга жалб қилиш ва бу борадаги камчиликларга барҳам бериш, меҳнат унумдорлигини оширишга эришиш, мусобақалар ташкил этиш, кунлик нормаларни бажариш юзасидан назоратни кучайтириш ҳақида кўрсатма берган.

Бекобод райони меҳнат қишлоғидаги «Дзержинский» устави қишлоқ хўжалик артели 7-сон Бекобод қишлоқ комендатурасига хизмат кўрсатган. Унда 1943 йил 1 январигача 213 хўжалик (459 киши) бўлган, улардан 246 нафари меҳнатга яроқли, 86 нафари эса меҳнатга қисман яроқли бўлган.

Артель аъзоларининг бир қисми Ички ишлар халқ комиссарлигининг 1942 йил 22 октябрдаги 002303-сонли буйруғи билан озод қилинган ҳамда 1942 йилгача турли сабаблар билан озод қилинган собиқ меҳнат кўчкиндиларидан иборат эди.

1943 йил 1 январида қишлоқ хўжалик артелида колхоздан олинган 1908,74 гектар ер майдони бўлган. Ундан 1942 йилда

экин майдони сифатида (режани бажариш бўйича) фойдаланилгани куйидаги жадвалда ифодаланган:

№ т/р	Экин тури	Режа бўйича		Бажарилган		
		Майдон (гектар)	Ялли ҳосил (центнерда)	Майдон (гектар)	Ялли ҳосил (центнерда)	Бажарилиш (фоизи)
1.	Пахта	763	15103	763	13592,7	90,0
2.	Донли экинлар	593	5843,6	642,0	3211,9	54,8
3.	Мойли экинлар	16	180	4	7,4	4,1
4.	Беда	317	18523	317	10569	57,1
5.	Полиз экинлари	19	2470	90	2542,8	103,0
6.	Огородних	60	5187,5	30	2592,6	51,9
7.	Богдорчилик	14,4	201,2	14,4	211,4	105,5
	Ж а м и:	1782,4	47508,3	1787,4	32827,8	

Жами бўлиб 14,4 минг гектар ерга экин экилган.

1942 йилда ялли пахта етиштириш режаси бажарилмади. Бунинг сабаби пахта учун ажратилган майдоннинг 50 фоизига чигит кеч экилган, бунга иқлим шароити йўл бермаган, биш қисм ерга ишчи кучи етишмагани боис чигитга ишлов бериш кечикиб кетган. Ҳосилдорликнинг камайишига минерал ўғитларнинг етишмаслиги, қатор ораларига ишлов бериш сифатининг пастлиги ҳамда ғўзанинг тўла чеканка қилинмагани ҳам сабаб бўлган.

Донли экинлар режасининг бажарилмаганлигига ғалланинг лалмикор ерларда экилиши, колхоздан яхши уруғ олинмаганлиги сабаб бўлди.

1942 йилда колхоз томонидан давлат мажбурияти куйидагича бажарилган: ғўшт-ёғ мажбурияти — 115 фоиз, тухум — 100 фоиз, буғдой — 100 фоиз, МТСларга буғдой ҳисобидан натурал тўлов — 100 фоиз, қизил армия фондига — 100 фоиз, картошка ва сабзавот мажбурияти 100—109 фоиз, гуруч мажбурияти — 105 фоиз, қизил армия фондига гуруч мажбурияти — 17 фоиз, МТСларга натурал тўлов мажбурияти — 100 фоиз. Қизил армия фондига гуруч мажбуриятининг бажарилмаганлигига шоланинг кеч экилиши, оқибатда ҳосилдорликнинг оз бўлгани сабаб бўлган.

Колхоз томонидан пул харажатлари қўйидагича бажарилган: даромад солиғи — 100 фоиз, (177814 сўм), ихтиёрий суғурта — 100 фоиз (55630 сўм), ҳарбий заём — 100 фоиз (273400 сўм). Колхоз ва колхозчилар томонидан «Совет Ўзбекистони» танк колоннаси қурилиши учун 72909 сўм маблағ берилган.

1942 йилда колхознинг ялпи пул даромади 2 миллион 802 минг сўмни ташкил қилган.

Колхозчиларнинг кунлик пул ва натурал даромади: пулда 5 сўм 27 тийинни, дон маҳсулотларида (асосан буғдой ва арпа) 0,7 кг, сабзавот — 1,2 кгни ташкил этган.

Ҳар бир колхозчи ўзининг шахсий томорқа участкасидан ҳам буғдой, шоли, маккажўхори, сабзавот каби маҳсулотлар етиштириб олган.

1943 йил 1 январидаги ҳолат бўйича колхоз 1 миллион 385 минг 481 сўм 41 тийинлик (давлат баҳосида) умумий мулкка эга бўлган.

Колхоз 33 бош ишчи ҳўкизга, 137 бош от, жумладан, 80 бош ишчи отга, 3 бош зотдор айғирга, 3 бош бияга эга бўлган.

Йирик шохли ҳайвонлар 382 бош, шу жумладан, сигирлар — 111 бош, тойлар — 72 бош, гунажин ва буқачалар — 237 бош, эчки ва қўйлар — 1704 бош, парранда фермасида 206 та товуқ бўлган.

Колхоз электростанция, механик тегирмон, сув тегирмони, 40 гектарлик мева боғи, 17 гектарлик тут экилган майдонлар, пиллачилик, тикувчилик устахонаси, балиқ овлаш, асаларичилик, клуб, парк, касалхона, туғуруқхона, ҳаммом, қизил чойхона, сартарошхона ва новвойхонага эга бўлган.

Колхозчилар томонидан қизил армия жангчиларига совға тариқасида 300 кг гуруч, 500 кг гўшт, 100 литр вино юборилган. 1943 йилда қизил армия фондига ўтказиш учун 20 гектар ерга буғдой экилган.

1942 йилнинг иккинчи ярмида колхозда ишлаётган жами 513 кишидан 98 киши нормани 2 баравар ва ундан орттириб бажарган. 327 киши меҳнат минимумини тўла бажарган. Декрет таътилига чиққанлар, турли сабаблар ва касалликлар билан ишдан озод қилинганлар 64 кишини ташкил қилган.

1942 йилда колхоздаги қишлоқ ҳўжалик ишларидаги энг асосий камчилик пахта ва донли экинларни экишда кечикиш бўлди. Меҳнат кўчкдилари қочиб кетишларининг олдини олишда агентура-тезкор ишлар яхши йўлга қўйилган.

1942 йил 1 январда қочқинликка қарши изкуварлар сони 40 тага етган бўлса, ўша йил давомида уларнинг сони 142 кишига етган. Улардан 8 нафари қишлоқ аёлларидир. Йил мобайнида изкуварлардан 92 нафари кетиб қолган, улардан 71 таси қизил армияга сафарбар қилинган.

1943 йил 1 январигача изкуварлар 141 кишидан иборат бўлиб, улардан 51 таси қочқинликка қарши мақсадларда фойдаланиш

учун Ички ишлар комиссарлиги район бўлими қишлоқ комендантлари ихтиёрига берилган.

Қишлоқ комендантларига маълумот етказиб турган изкуварлар фақат қочқинликка қарши ишлардагина эмас, балки умумий ҳолатни ёритиш, шунингдек, меҳнат кўчкндилари орасида советларга қарши унсурларни аниқлаш мақсадида ҳам фаолият кўрсатган.

1942 йилда қишлоқ комендантлари томонидан қабул қилинган ва район ички ишлар бўлимига берилган жиноий ишлар орасида 306 таси — советларга қарши фаолиятта, 21 таси — жиноий ишга, 101 таси — информацион масалага, 12 таси — қизил армия қочоқларига ва 72 таси — қочоқликка дахлдор ишлар эди. Бу материаллар бўйича район ички ишлар бўлими бир қатор ташвиқий ишлар режасига барҳам бериб, 90 кишини қамоққа олиб, судга берган. Улардан 22 нафари қочқинлик учун, 24 киши аксилинқилобий фаолияти учун қамоқ жазосига, фаол аксилинқилобий фаолият олиб борганлар олий жазога ҳукм қилинганлар, 22 киши жиноий иши учун қамоққа олиниб, суд қилинган, 12 киши прогул қилгани, саботаж уюштиргани ва қочқинлиги учун судга берилган.

Уша материаллар асосида 62 та қочиш ҳолатининг олди олинган. Қамоққа олинган 90 кишидан 28 нафари биринчи ярим йилликда, қолган 62 нафари 1942 йил иккинчи ярмида қамоққа олиниб, жавобгарликка тортилган. 1942 йил иккинчи ярмида комендатуралар томонидан қочқинликнинг олдини олиш ҳолатлари пасайиб борган.

Қочиш ҳолати фақат 1 тани ташкил этган. 1-кварталда 27 та, 2-кварталда 8 та, 3-кварталда 1 та қочиш, 4-кварталда 1 та қочиш ҳолати юз берган.

Иккинчи ярим йилликда Денов қишлоқ коменданти Горячийнинг фаолияти диққатга сазовор бўлган. У аввал қочиб кетган кўчкндилардан 16 кишини ушлаган. Шунингдек, Янгийўл қишлоқ коменданти Никифоров 13 та қочоқни ушлаб келтирган.

Меҳнат кўчкндилари меҳнатидан фойдаланиш ва тартибни сақлаш бўйича комендатураларнинг фаолияти меҳнатга яроқлилар контингентини тўла меҳнатга жалб қилиш, меҳнатга қисман яроқли кишиларни ҳам тегишли ишларга сафарбар қилиш, бригадалар бўйича меҳнат кўчкндилари ўртасида кунлик нормаларни бажариш бўйича мусобақаларни ташкил қилиш, кунлик норма бажарилмагунча қоида бўйича иш жойидан бўшатмаслик, совхозлар маъмурияти ва сиёсий бўлимлар билан ҳамкорликда меҳнат сурғундагиларнинг 100 фоиз ишга чиқишларини таъминлаш ва нормаларни бажариш бўйича назорат ўрнатиш, меҳнат қишлоқларида режимни сақлашга йўналтирилган ички тартиб-қоидаларни йўлга қўйиш каби вазифаларни ҳал қилишга қаратилди.

Қочқинликка қарши кураш ва қочоқларни излаш бўйича ҳам

ишлар олиб борилган. Изкуварлар лаёқати текширувдан ўтказилган, қочқинликка қарши курашнинг унумли тадбирлари ишлаб чиқилган, зарур ҳолларда аёл резидентлар ҳам ишга жалб этилган, станцияларга яқин аҳоли пунктларида, меҳнат қишлоғига туташувчи йўлларда қочқинликка қарши агентура нуқталари ташкил қилинган, участка милиционерларининг ишлари текшириб борилган, уларни қочқинликка қарши ишларга тўла жалб қилишга эътибор берилган. Шунингдек, Ички ишлар халқ комиссарлиги район бўлимлари ва меҳнат қишлоқлари комендантларининг қочқинлик ва бошқа барча жиноятлар бўйича ишларини кўтариш ва 1940—1941 йилларда ҳамда 1942 йилда қочиб кетганлар бўйича қидирув олиб бориб, уларни яқин ойлар ичида жинойий жавобгарликка тортиш вазифаси қўйилган. Қишлоқ комендантлари бу кўрсатмаларни социалистик мусобақа, социалистик мажбурият сифатида қабул қилган ва 1943 йилда меҳнат посёлкаларида бирорта ҳам қочиб кетиш ҳолатига йўл қўймаслик мажбуриятини олганлар¹.

4. «ҚУЛОҚЛАР»НИНГ ОНА ЮРТЛАРИГА ҚАЙТИШИ

Қулоқликка тортилиб, сургун қилинганларнинг лаънати «қулоқлик», «меҳнат учун сургун қилинган» тамгаларидан холос этилиб, эркин фуқаролик мақомига ва паспортга эга бўлиб, ўз юртларига қайтиш жараёни ҳам жуда оғир кечган. Бу жараён қарийб 20 йилдан кўпроқ вақтни қамраб олган ва маълум босқичларни ўз бошидан кечирди.

СССР Марказий Ижроия Комитетининг 1934 йил 27 майдаги махсус қарори билан сургундагиларнинг сайлов ҳуқуқи тикланди. Бу аслида, мантиқан қулоқ қилиниб меҳнат посёлкаларига сургун қилинганларнинг аввалги ўз жойларига, юртларига қайтишини тақозо этарди. Дастлабида ана шу қарор асосида сургундагиларнинг маълум қисми озод қилиниб ўз жойларига қайтиб келди.

Ҳужжатлар гувоҳлиги

Удостоверение

Копия.

РСФСР

Прикумский райиспол. Комитет

Советов К. р. и К. А. депутатов

Сев. Кавк. края.

30/VIII—1934 г.

№ 4991.

Дано настоящее Мухитдинову Якубу 1893 г.р. в том, что он на основании Постановления ЦИК СССР от 27/-V-с.2 и Оргкомитета Советов С. К. края от 31/VII с.г. досрочно восстановлен в избирательных

¹ РФДА, 9479-фонд, 1-руйхат, 106-иш, 20—26-варақлар.

и во всех других гражданских правах. Означенному гражданину и членам его семьи Санавар 1899 г, Нафия 1918 г, Мархабо 1925 г. разрешается свободное проживание в Союзе ССР.

МП.

Пред. Райисполкома
Врид.отв. секретаря РИКа

(Лелюшенко).
(Назарочкин).

Protokoldan ko'chirma

1935 chi yilda rayon ijrokomini prezidiumi majlisi bo'lib MUHIDINOV YaKUBni masalasi ko'rildi:

Eshitildi: 30/VIII—34 y. Parkom Rai. Ijrokomi qarori Muhidinov haqida.

Qaror qilindi: Quloqlikdan zada bo'lgani hamma huquqli bo'lishi uchun quloqlar ro'yxatidan o'chirilsin.

Asliga barobar:

Sam. Rai. Ijrokom ma'sul kotibi:

(JUSUPOV)¹

Ўрта Осиёдан Украина, Шимолий Кавказ ўлкаси, Қозоғистонга ва минтақанинг 4-районларига сургун қилинган «собиқ қулоқларнинг, шунингдек, Ўрта Осиёга бошқа минтақалардан сургун қилинганларнинг ҳам кичик бир қисми ўз ватанларига қайтишга улгуриб қолган эди... Аммо Марказий ҳукумат бундан ваҳимага тушади.

Лагерлар бошқармаси бошлиғи 1935 йил 2 январда Ички ишлар халқ комиссари Г. Г. Ягодага рапорт йўллаб махсус кўчкиндиларнинг фуқаролик ҳуқуқини оммавий равишда тиклашни тақдирлаб кўйиш, ҳуқуқи тикланганларни эса сургун жойларидан ўзларининг аввалги яшаш жойларига юбормасликни талаб қилиб чиқади. Рапорт билан танишган Г. Г. Ягода сайлов ҳуқуқи тикланганларни яна ўзларининг аввалги жойларига қайтармаслик керак, агар бу ҳақда қонун бўлмаса, у ҳолда Марказий Ижроия Комитетга мурожаат қилиш керак, рақамларни келтириб хат тайёрланг, деб резолюция кўяди. Г. Г. Ягода бу билан кифояланмайди. У дарҳол ўзининг «асосланган» далиллари, мулоҳазалари билан И. В. Сталинга мурожаат қилади ва унинг бу ҳақдаги розилигини олишга муваффақ бўлади. Натижада 1935 йил 25 январда СССР Марказий Ижроия Комитетининг қарори эълон қилинади. Унда гарчанд собиқ қулоқларга сайлов ҳуқуқи берилгани билан уларнинг сургун жойларидан ўзларининг аввалги яшаган жойларига кетишга рухсат берилмайди, деб уқтирилади. Хуллас, сургундаги одамлар ҳуқуқи чекланганлича қолаверади. Ҳатто айрим минтақаларда СССР МИКнинг ўша 1934 йил 27 майдаги

¹ Ёқуб Муҳитдиновнинг шахсий архивидан экспедиция чоғида олинган.

қарори асосида ўз юртига қайтиб келганларни яна меҳнат посёлкаларига қайтариб олиб келиш ҳолатлари ҳам кўп бўлган.

ВКП(б) Марказий Комитети ва СССР Халқ Комиссарлари Советининг 1935 йил 15 ноябрдаги қарорига кўра «собик қулоқлар», яъни «меҳнат сургунидагилар»нинг фарзандлари тўлиқсиз ўрта мактабни битирган бўлсалар улар техникум ва бошқа ўрта махсус ўқув юртларига кириш, ўрта мактабларни битирганлар эса олий ўқув юртларига кириш ҳуқуқига эга бўладилар. Натижада меҳнат сургуни қишлоқларида эркин кишилар сони кўпаяверади. Бундайлар 1932 йили 4234 кишини ташкил қилган бўлса, 1936 йилда бу рақам 43228 га етади.

1936 йил 5 декабрда СССР Конституцияси қабул қилинди. «Собик қулоқлар» бундан жуда катта умидвор эдилар. Улар ҳам тенг ҳуқуқли бўламиз, озод бўлиб ўз юртларимизга кетишга эришамиз, деб ўйлардилар. Чиндан ҳам Конституциянинг 135-моддасида «меҳнат кўчкиндилари» ҳам тенг ҳуқуқли фуқаролар деб эълон қилинганди. Шу боис 1936—1937 йиллари чегаралардаги меҳнат посёлкаларида ҳиссий кўтарилиш юз беради, кўплаб меҳнат кўчкиндилари, «мана, энди бизлар ҳам ҳуқуқда тенг бўламиз ва яқинда ўз қишлоқларимизга кетамиз», деб ишонадилар. Аммо уларнинг бу умидлари барбод бўлади. Уларга меҳнат посёлкаларидан кетишлари мумкин эмаслиги тушунтирилади. Меҳнат сургунидагиларнинг тўла тенг ҳуқуқлиги қуруқ декларатив сафсата экани маълум бўлади. Оқибатда улардан кўплаб шикоятлар тушабошлайди, «қулоқлар сургуни»дан қочиш ҳоллари кенг тус олади. Сургундагиларнинг советларга қарши норозиликлари ҳам орта бошлайди. Бу эса уларни қатағон қилиш учун катта ва асосий баҳона бўлади.

Оқибатда меҳнат посёлкаларидаги «собик қулоқлар»нинг катта қисми яна такрор, иккинчи марта қатағон объектларидан бирига айланиб қолади. Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистон, Сибирь ва Ўрта Осиёнинг ўзидаги меҳнат посёлкаларидаги кўплаб меҳнат сургунидагилар ҳар хил арзимас баҳоналар билан айбсиз қатағон қилинадилар.

1938 йил 22 октябрда СССР Халқ Комиссарлари Совети «Махсус кўчкиндилар ва сургун қилинганлар фарзандларига паспорт бериш тўғрисида» қарор қабул қилади. Унга асосан, сургун қилинганларнинг фарзандларига 16 ёшга тўлиши билан умумий қоидага мувофиқ тарзда паспорт бериладиган бўлади. Улар энди ўқишга бориш, ишга кириш, ҳатто меҳнат посёлкасини тарк этиш ҳуқуқига эга бўладилар. Эркин фуқаро билан турмуш қурган махсус кўчириб келтирилганлар «қулоқлар сургуни»ни тарк этишлари ҳам мумкин эди.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги 1939 йил 3 июнда «Меҳнат кўчкиндилари ногиронларини озод қилиш тўғрисида»-ги қарорига мувофиқ ҳам маълум миқдорда «собик қулоқлар» озод этила бошланади.

1941—1945 йиллардаги уруш «қулоқлар сургунли»даги аҳволга ҳолат катта ўзгариш киритади. Аввалида «қулоқлар» ва уларнинг фарзандлари армия сафига олинмайди, совет ҳукумати уларга қурол бериб ватанни ҳимоя қилишларига ишонмайди. Наридан борса улар мамлакат ичкарасига эвакуация қилиниб меҳнат фронтларига сафарбар этилади.

1942 йил 11 апрелда Давлат Мудофаа комитети «собик қулоқлар»ни ҳарбий хизматга чақиритишга қарор қилади. Шундан бошлаб «қулоқлар сургунли» тарихида бутунлай янги бошқича бошланади.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги 1942 йил 22 октябрда 002303-сонли буйруқ эълон қилади. Унда бир ой муддат ичида қизил армияга чақирилган барча меҳнат сургунлидагиларни ва уларнинг оила аъзоларини меҳнат посёлкалари ҳисобидан чиқариш, уларга чекловчи паспорт бериш, улар ойлигидан 5 фоизини ушлаб қолишни бекор қилиш кўрсатилади. Аммо бу директив кўрсатма келгунга қадар немис-фашистлар босқини остида қолган (Шимолий Кавказ, Херсон) ҳудудларда аҳвол бошқача кечган эди. Масалан, Херсон вилояти меҳнат посёлкаларида яшаётган ўзбек, туркман, қирғиз қулоқлари оккупация ҳолатида яшаётганлар. Улар 1944 йил мартдаги оккупация шароитидан халос этилганлар. Шу вақтда 1955 киши турли сабаблар билан меҳнат посёлкаларини тарк этиб юртга қайтганлар. Улардан 273 таси қизил армияга чақирилган ва ҳарбий саноатда ишлаш учун меҳнат фронтга юборилган. 1945 йил апрелида бу вилоят бўйича «қулоқлар сургунли»дагилар сони 5570 кишидан иборат бўлиб, уларнинг кўпчилиги қисми ўзбек «қулоқ»лари эди.

СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги билан СССР Прокуратураси 1946 йил 28 сентябрда «Собик қулоқларни, махсус кўчкиндиларни махсус посёлкалардан озод қилиш тўғрисида» 000868/208-сонли қўшма қарорини эълон қилади. Унга кўра урушда иштирок этган, хизмат ордени ва медаллари билан тақдирланган, махсус кўчкинди бўлмаган кишилар билан турмуш қурган собик қулоқ аёллар меҳнат посёлкаларидан озод қилинадиган бўлади. Собик қулоқларнинг юртларига қайтиши оммавий тус олади. 1949 йил 1 январ ҳолатига кўра «қулоқ сургунли»да бор-йўғи 130463 киши қолган эди. Шу вақтда «ўзбек қулоқлари» ҳам истиқомат қилаётган Херсон вилоятида ҳаммаси бўлиб 379 «қулоқ» қолган. Шундай ҳолат Шимолий Кавказ ўлкасидаги меҳнат посёлкаларида ҳам юз берган. Ўрта Осиёдаги меҳнат посёлкаларидан «қулоқлар»нинг юртга қайтиши 1953 йилларгача давом этади.

Ўрта Осиёдан кетган «собик қулоқлар»нинг Украина, Шимолий Кавказ ўлкаси ҳудудидаги меҳнат посёлкаларидан озод бўлиб юртга қайтиши, айни вақтда Ўрта Осиёнинг ўз ички ҳудудларидаги меҳнат посёлкаларидан «собик қулоқлар»нинг озод бўлиб ўз гўшаларига қайтиш жараёни тегишли республика, ўлка ва вилоятлар ички ишлар бошқармалари архивларида сақланаётган

хужжат ва материалларда ўз аксини топган. Буни биз Украина Республикаси Херсон вилояти ички ишлар бошқармаси архиви, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви, Андижон вилоят ички ишлар бошқармаси архиви хужжатлари, материаллари асосида тадқиқ этиб бундан аввалги китобимизда бу ҳақда ёзган эдик. Хуллас, сургун қилинганларнинг юртга қайтишининг батафсил манзарасини чизиб бериш учун, бир томондан, худудида меҳнат посёлкалари бўлиб, уларда махсус кўчирилганлар яшаган республика, ўлка, вилоят ички ишлар бошқармалари архивларидаги хужжатларни ўрганиш, иккинчи томондан, ўша сургундан озод бўлиб, юртга қайтганларнинг эсдаликларидан фойдаланиш зарур. Бироқ Шимолий Кавказ ўлкаси ички ишлар бошқармалари архивларидаги хужжатлардан фойдаланишнинг имкони бўлмади. Бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, албатта. Шунингдек, Ўрта Осиё республикалари Ички ишлар вазирликлари, бошқармалари архивларидан фойдаланишнинг ҳам имконияти бўлмади. Ўйлаймизки, бу иш кейинчалик тадқиқотчилар томонидан амалга оширилса керак.

«Мерос» экспедицияси йўли билан Украинадан, Шимолий Кавказдан, Ўзбекистондаги меҳнат посёлкаларидан юртга қайтиб келган «собик қулоқлар» ва уларнинг фарзандларининг эсдаликларини тўпладик. Улардан айримларини ҳукмингизга ҳавола қиламиз.

Шаҳрихондаги кўзғолон

Экспедициямиз Шаҳрихонда бўлганида ажойиб инсон, изланувчан ўлкашунос Акрамжон Ваҳобов билан учрашиб қолдик. Мақсадимизни пайқаб, 1930 йил 9 мартда жамоалаштиришга қарши кўтарилган кўзғолон ҳақида билганларини айта бошлади.

Ўша 9 март куни район аҳли аксарият вакиллари хўжаликларни мажбурий жамоалаштиришга қарши оёққа қалқигани, чор атрофдаги қишлоқлар деҳқонлари дарғазаб тарзда отда, туяда, эшакда, аравалар ва пиёда тўп-тўп бўлиб район маркази томон оқиб бораётгани, халойиқ: «Колхоз бўлмаймиз! Бир тўшакда ётмаймиз! Қозон-товоқ, кўрпа-тўшак, бола-чақаларимиз ўртада бўлмайди!» деб бақиргани ҳақида тўхталиб ўтди. Найманлик раҳматли Олимжон бува Болтабоевдан ёзиб олганларини бизга инъом этди. Уни айнан келтирамиз: «Қишлоқ шўроси раислигига сайланганимга уч ойча бўлганди. Янги тузилган кўлхўзчилар, уларнинг чорва ҳайвонлари рўйхати бизда сақланарди. Бираққанда талотўп бўлиб кетди. Қарасам, ҳаммаёқда тумонат одам. Бири кетмон, бири паншаха, бири белкурак кўтарвоган: халқнинг авзойи чатоқ. Одамлар идора эшигига йиғилиб: «колхоз бўлмаймиз! Хатга тушдинг — ўтга тушдинг бўлмаймиз! Хатга олган хужжатларингни йиртиб юбор, бўлмаса кунларингни кўрсата-

миз», — деб бақириб хайқираришарди. Аҳвол чатоқ. Вазият таранг. Салга узулгудек. Ҳуқуқ, бешилиқ ўқталганларни кўриб кайфинг учади. Келинг энди, кўпчилиққа ён бера қолайлиқ, дейдиганлар ҳам чиқди. Тагин бир бошқа балого қолмайлиқ, деб иккиландим. Мундоқ қарасам, кўйнига тош тўлғизиб олганлар ҳам анчагина. Уларга рўпара бўлишга хайиқдим. Шартта белимга аргамчи боғладим. Шерикларим шопа-пиша болахонанинг орқа тарафидан пастга туширишди. Эгарлаб кўйилган отлардан бирига сапчиб миниб, қамчи босдим. Пайқаб қолиб орқамдан тош отганлар ҳам бўлди. Зуввида бориб, милициядан одам олиб қайтдим. Бир томони 4 милиционернинг саловати, дегандек, иккинчи тарафдан, айилни маҳкамлаб қайтгандим, йиғилганларнинг кўнглидагини айтиб: кўлхўз бўлсаларинг хўпа-хўп, бўлмасаларинг, ана катта кўча, деб, рўйхатларни майдалаб йиртиб, устиларидан сочиб, ҳаммаларини яхшилиқ билан тарқатиб юбордик. Тўпалангди каттаси шаҳарларда бўлибди. Кейинчалиқ эшитиб, ёқа ушладик...

Шаҳрихонлиқларнинг важоҳати, айниқса, дарғазаб эди. Гуррас-гуррас халойиқ туман партия кўмитаси биносини ўраб олганди. Кўчалар тўла одам. Пахта тозалаш заводи равот саҳни ва майдонларида оломон уммондаги пуртанадай чайқалади. Раҳбарлар нима қилишларини билмай бошлари қотган. Туман ижроия кўмитаси раиси Охунжон Зиёев Полосон қишлоғига юборилганди. У одамлар ўртасида турган «чарим кўрткали» икки меҳмонни учратади. Улар Акмал Икромов ҳамда республика Ер ишлари халқ комиссари Рустам Исломов эдилар. Танишишади. Ҳол-аҳвол сўрашади. Арбоб Акмал Икромов кўпчилиқнинг раъйига қарайди:

— Колхоз мажбурий эмас. Ҳай, аҳдиларингдан, тўғри йўлдан қайтмоқчи бўлсаларинг, нима ҳам дердик? Колхозга кирмасаларинг-кирманглар, ихтиёрларинг...

— Йўқ, тўғри йўлдан қайтмаймиз! — дейди қипчоққўрғонлик, муқаддам милиция ходимаси бўлиб ишлаган, «Милтиқли аёл» номи билан танилган Мاستонбиби Ҳасанова. Шу баҳона бўлади-ю, кейинчалиқ тузилган бир эмас, икки жамоа хўжалигига «Қайтмас» номи берилади.

Асака-Шаҳрихон темирйўл бекати жойлашган Полосондаги оломон тинчлантирилиб, тарқатиб юборилгач, икки арбоб ва Охунжон Зиёев махсус вагонда Шаҳрихонга келишади. Райком масъули (у пайтда биринчи — масъул ёки жавобгар дейилган) секретари Пирмуҳаммад Шермуҳаммедовга елдирим — телеграмма юборилиб, кўрсатмалар берилган экан. Тонади. Бироқ, ахтартиришса, телеграмма топилиб қолади. Ўша заҳотиёқ Шермуҳаммедов ишдан бўшатилади. Саркотибликка Марказ вакили Мирзахўжа Ўринхўжаев тайинланади. Акмал Икромов ташқарига чиқиб, сўнг завод майдонидаги йиғилганлар қаршисида сўзга чиқиб, тинчланишга, тарқалишга даъват этади.

— Заводдаги исенда Саййидғози Акрамов ўқ тегиб ўлиб кетди... Тенгдошим эди раҳматлик, — дейди чорчаманлик Иброҳимжон (иккинчи исми Урайимхожа) Ҳакимхўжаев. «Қўзғолон» дейишга журъат этишимиз бежиз эмас. Бегуноҳ қон ҳам тўкилганди... Буниси ҳам ҳали холваси экан».

Уша вақтда милицияда хизмат қилган милиция фахрийси ва аълочиси, 2 марта «Қизил юлдуз» ордени соҳиби Салайдин Исмоилов шундай эслаган: «Биз заводда тўпаланг бўлганда томга чиқиб милтиқ ушлаб турганмиз. Пулемёт ўрнатганмиз. Милиция бошлиғимиз Иван Захарович Мишенько қўлида тўппонча ушлаб ичкарига ўтмоқчи бўлиб, маузерини силкитиб:

— Мери бирортаси тилса, тўкиб ташлашасан, — дўб буюрган. Халқ зўрға тинчиган. Кечасиёқ топшириқ бўлди. Яккатутлик Мамаюсуф Понсад Ҳожибува Бобоҳожи ўғли, Маматбойвачча, Мулла Ҳасан Мингбоши ўғиллари Абдувосеъ, Абдулла, яна ҳа... Назарбойвачча ва бошқа бир қанчаларни оёқларини ерга тегизмай олиб келганмиз. Абдулла билан Абдувосеъни ёшбола экан, деб қўйворишган. Бошқалари қамалди».

Эгамберди Раис Ҳайдаров, Абдурахмон Раис Азимов, Баҳодиржон Раис Ҳасанов, Ойимса Йўлбарсова ва бошқалар бундай кўтарилишлар Назармахрам, Найнаво, Чўжа, Насриддинбек, Шерқўргон, Дўрман ва бошқа қишлоқларда ҳам кузатилгани ҳақида шоҳидлик беришган».

Собир Мўминов эсдаликларидан

... Уруш хавфи яқинлашган сари фашизмнинг ёвузлиги, ваҳшийлиги тўғрисида йиғилишларда гапириладиган бўлди. Биз болалар ота ва оналаримиздан Ватанимизга бундай хавф-хатарнинг яқинлашиб келаётгани тўғрисида ҳайратланиб эшитар ва даҳшатга тушардик. Баҳор ойларида фашистлар мамлакатимиз ичкарисига жосуслар, қўпоровчилар юбораётганлиги, қаердадир, уларнинг бир гуруҳи қўлга олинганлиги тўғрисида гапирилиб, халқни сезгирликка, хушёрликка чақирар эдилар. Кечалари қишлоқ ва хуторларда навбатчилар қўйиладиган бўлди. Улар қўлларига ёғочдан ясалган шақилдоқларини шақиллатиб кечалари қишлоқларни қўриқлашарди.

Орадан кўп ўтмай хушхабар тарқалди. Ўрта Осиё республикаларидан сургун қилинганлар муддати тугаганлиги сабабли ўз юртарига жўнатилар экан, деган хабар яшин тезлигида тарқалди. Шунга кўра тайёргарлик ишлари бошланиб кетди. Район марказидан ва қўшни қишлоқлардан икки от қўшилган арава (бричка)лар келабошлади. Ҳамма ўзида йўқ хурсанд, юксак кайфиятда. Араваларга енгил кўч-кўронларни ортиб, бир неча ўнлаб араваларга ўтиришиб, Қримнинг шимолида жойлашган Армянск те-

мир йўл бекатига йўл олишти. Кечга яқин бекатга етиб бордик. Ҳамма ёқни от-арава ва одамлар босиб кетди.

Икки кеча ўша ерда тунадик. Учинчи кун эрта билан қандайдир ҳарбийлар гуруҳи келиб, НКВД ходимлари билан юртга кетадиган эркакларни сафларга тиза бошладилар. Ёшларни бир сафга, кексароқ ёшдагиларни бошқа сафга тизишиб, ҳарбийларга бошлиқ бўлиб келган бир бошлиқ сўзга чиқиб «Фашистлар Германияси Ватанимизга қарши тўсатдан ҳужум бошланганлиги сабабли сизларни ўз юртингизга жўнатишнинг имконияти йўқ. Поезд бўлмайди, эркаклар армия хизматига — фронтга сафарбар этилади, аёллар, кексалар ва болалар ўзлари аввалги яшаган жойларига боришлари керак», деди. Ҳозиргина ҳамма севинчини ичига сиғдираолмай турган пайтда бундай совуқ хабарни эшитганлар дод-фарёд қилиб, қий-чув қилиб йиғлаб юборишти.

Шундай қилиб ёш эркакларни ҳаракатдаги армияга, каттароқ ёшдагиларни ишчилар батальонига сафарбар этишти. Кексалар, аёллар ва болалар араваларга ўтириб, яна ўзимиз яшаган уйларимизга қайтиб келдик.

Дадам билан акамни армия хизматига олиб кетишгач, келинойим, унинг онаси, бувиси, опам ҳаммамиз йиғлаб, ўзимиз яшаган уйимизга қайтиб келдик. Уйимизда ҳеч нарса қолмаган, эски рўзгор буюмлари ҳам ташиб кетилган эди. Шундан сўнг яна ҳамма ерда бир-биридан даҳшатли, ваҳимали гаплар тарқала бошлади, фашистлар босиб олаётган ерлардаги аҳолини қийнаб ўлдираётгани, ўсмирлар ва аёлларни Германияга ҳайдаб кетаётгани тўғрисида гаплар тарқалди. Бу орада 1941 йил 3 июлда Сталиннинг мурожаати чиқиб, унда фашистларга ҳеч нарса қолдирилмасин, техника, моллар ва бошқа бойликлар мамлакат ичкарасига ҳайдаб кетилсин, олиб кетишга имконияти бўлмаганлари бузиб ташлансин ва ёқиб юборилсин, дейилган эди. Шунга кўра совхозда техникани ва молларни мамлакат ичкарасига ҳайдаб кетадиган эвакуация отрядлари тузилди. Ўша пайтда ҳамма жонини ҳовучлаб қандай қилиб бўлмасин фашистларга қул бўлмай мамлакат ичкарасига қочиш тўғрисида ўйларди.

Эвакуация қилинадиганлар икки гуруҳдан иборат бўлиб, бири совхоз молларини ҳайдаб Мелитополь шаҳригача олиб бориб, поездга ортиб, мамлакат ичкарасига жўнатиб, сўнгра ўз юртларига кетишлари керак эди. Иккинчи гуруҳ совхоз техникасини — трактор, комбайн ва шунга ўхшаш қишлоқ ҳўжалик техникаларини мамлакат ичкарасига олиб бориб топшириб, ўз юртларига кетишлари мумкин эди. Шу боис тракторчилар армияга чақирилмаган эди.

Бизнинг оиламиз ҳам бир-иккита қариндошлар билан бирга мол ҳайдайдиган гуруҳга тушдик. Июль ойининг охири кун-

ларида ўнга яқин уч от қўшилган арава (брички)ларга енгил кўч-кўронлар ва 10—15 кунга етадиган озиқ-овқат маҳсулотлари олиб, поезд йўли бекати Мелитополь шаҳрига йўл олдик. Олдинда аравалар, орқада икки-уч отлиқ молларни ҳайдаб боришар эди.

... Бир ойдан ортиқ йўл юриб молларни Мелитополь шаҳрига топшириб уруш билан кетма-кет Ростов-Дон вилоятининг Федоровка районидаги Мариевка қишлоғига етиб борганимизда фашистлар қуршовида қолиб, яна бир ойча йўл юриб, ўзимиз яшаган совхоз ҳудудига қайтиб келдик. Шу тариқа юртга қайта-олмай фашистлар оккупацияси шароитида яшаб қолишга мажбур бўлдик.

Юртга қайтиш саргузаштларини Ҳамробеби Азизова шундай эслайди:

«Вобкентдаги уйимизга қўшни бўлган бир қиз Когон деган темир йўли станциясида ишлаётган Шамсиддин Файбуллаев исмли кишига мени отам Шимолий Кавказда сургунда, сиз йўлларни биласиз, мени ўша ёққа олиб боринг, бориш-келиш харажатларини мен тўлайман деб келади. Бир оёғи йўқ Шамсиддин 1935 йили ўша қўшнимизни Шимолий Кавказга олиб келади. Улар қариндошлари билан кўришадилар. Сургунда турган жойимиздаги 3 ўғли ва бир қизи бўлган қўшнимиз Бухородан одам келибди, бориб юртимиз аҳволини билиб келамиз деб, меҳмонга бизларни олиб боришди.

Муллабақо исмли Эшон домланинг уйида бўлганмиз. Бухородан борган Шамсиддин Муллабақодан мени шу жойда уйлантириб қўйинг, 4 йил бўлдики, хотиним вафот этган дейди. Муллабақо унга жавобан Сиз бу жойда уйланаолмайсиз, бу ердаги хотинларнинг ҳужжатлари йўқ, ватанга олиб кетаолмайсиз, тўғри, бу жойда аёллар, қизлар кўп, эркаклар йўқ, деган. 1936 йили Шамсиддин яна қайтиб келади. Муллабақо Эшоннинг уйига боради, у ҳам қулоқ қилинганлардан эди. Шамсиддин Муллабақо Эшондан уйланиш учун менга бирор аёлни топиб қўйдингизми деб сўрайди. Шунда Муллабақо Эшон бу жойда бир опа-сингиллар бор, яхши аёл, эри йўқ, колхозда ишлайди, деб опам билан бизни тавсия қилган. Шамсиддин Файбуллаев бизникига келди, бизларни Бухорога олиб кетадиган бўлди. Колхоз раиси рус кишиси эди, у бизларга узун от-арава берди, кечаси аравага чиқариб поезд қатнайдиغان станцияга олиб келди. Биз турган жойдан станция тахминан 7 тош, яъни 100 км эди. Станциянинг номи эсимда йўқ. Поезднинг жилишига 2 соат қолган эди. Опам ҳаяжонда эди. Чунки у эрталаб колхозга ишга чиқиши керак эди. Агар ишга чиқмаса уйга одам келарди, уйда йўқлигини билса комендатура орқали дарҳол излашга тушади. Станциядан ҳам қиди-

ришлари мумкин деб хавотирда эди. Ниҳоят поездга ўтирдик. Биз йўлга чиқишдан олдин Муллабақо Эшонни ишонтириб йўл давомида хат ёзиб турамиз, сиз хавотир бўлманг деб тинчлатган эдик. Чунки бундан аввал сургундагиларни уйига олиб бораман, деб йўлда қизларни сотиб юбориш ҳоллари юз берган эди. Шу боис йўл давомида станцияларда тўхтаганимизда Муллабақо Эшонга хат йўллаб турилди. Мен ва опамни Шамсиддин олиб келаётган эди. Фиждувонлик бир аёл ҳам биз билан бирга эди. Уни ҳозир эслай олмайман. Унинг эри, болалари шу сургундалигида ўлиб кетгандилар. Муштипар бу аёл илтижо қилганида Шамсиддин уни ҳам биз билан бирга олган эди. Пароходга чиқмадик. Узоқ бўлса ҳам поезд билан Москва орқали Когонга келдик. Шамсиддиннинг шериклари анча хафа бўлишди, қаерга кетиб қолдинг, сен йўқлигинг учун биз ишладик, деб қойишди. Шамсиддин юк хонасида ҳаммол бўлиб ишларкан. Шунда у шерикларига қараб «мана, мен уч аёлни сургундан қутқазиб олиб келдим», деди. Бизлар Шамсиддиннинг опасиникига тушган эдик. Қариндош-уруғларимизга хабар қилишди. Пешкуга ҳам бордик. Сургундан аввал қочиб келган Сано Назаров ҳам хабар топибди. Пешкуда бир аммам бор экан. Амакиваччам Сано Назаровнинг олдига Шамсиддин бориб, ўзини Шимолий Кавказдан келганини айтганда, бизнинг икки нафар қариндошимиз қолиб кетган эди, деган. Уларнинг исми-шарифларини биласизми деб сўраганида Сано мен Ҳамро ва опам Пўлатой исмларини айтади. Айни уларни мен олиб келдим, дейди Шамсиддин. Сано Назаров бизларни ўлиб кетган деб ўйлаган экан. Шунда Сано Назаров бизларни Пешкуга олиб кетди. Мен уч ой қишлоқда қолиб кетдим. Шамсиддин Ғайбуллаев шу орада яна Шимолий Кавказга бориб келди. У энди мени хотинликка олиш учун қариндошларимга совчи қўйди. Қариндош-уруғларимиз рад жавоб қилдилар. Чунки Шамсиддин мendan анча катта эди, кейин билсам у 1901 йили туғилган, мен эса 1920 йилда туғилганман.

Шунда опам менинг ихтиёрим сизларда бўлса, синглимнинг ихтиёри менда, мен Ҳамрони шу бизни не-не машаққатлар билан ўша сургундан қутқазиб олиб келган Шамсиддинга бир коса сув билан никоҳлаб олинг деб айтаман, деган. Бу ҳам кор қилмаган. Шундан сўнг Шамсиддин Бухородан бир милицияда ишлайдиган катта обрўйли қариндошини олиб келади. У колхоз раиси ва бошқа обрўйли оқсоқол кишиларни тўглаб, агар бу қизни шу Шамсиддинга хотинликка бермасанглар, бу қизни опасига қўшиб яна ўша сургун жойига юборамиз деб айтади. Шундан сўнг рози бўлишади. 1936 йил 3 мартда мени шу ҳозир ўтирган уйга келин қилиб олиб келишади. Биз 9 йил

фарзанд кўрмадик. Хўжайинимнинг акаси ва келинойиси ўлиб 4 фарзанди қолган эди, уларни тарбиялаб уйли-жойли қилдик. 1944 йили қиз кўрдим, унга Пўлатхон деб опам исмини қўйдик. 1950 йили Файзулло, 1952 йили Назрулло, 1955 йили Моҳира туғилди. Хўжайиним 1977 йили 19 июнда қазо қилди. Ҳозир чеварам бор. Тангри таолога минг бор шукур, фарзандларим, набира ва чевараларим билан аҳил-иттифоқда яшаб келмоқдамиз».

Шофиркон районида сургун қилинган Муҳаррам Шукурова шундай эслайди:

«Бизни оила, демак мен, қизларим Қуйсун, Рисолат, набирам 3 ёшли Исоқ 1946 йил сентябрида расмий рухсат билан Шофирконга қайтиб келганмиз. Эркаклар йўқ, амаки ва тоғалар ҳам йўқ, боболар йўқ. Чунки уларнинг бир қисми 1935—1937 йилларда сургунликда қатағон қилинган, кейин урушга кетиб ҳалок бўлганлар».

Юртга қайтиш тафсилотини Марҳабо Эшонқулова шундай эслайди:

«Ниҳоят 1933 йилнинг март ойида комендантимиз бизга муддатидан олдин озод этилганлигимиз тўғрисидаги гувоҳномани келтириб берди. Ёшу қари уйимизга йиғилди. Етти-саккиз киши бўлиб, юқларимизни аравага ортишди. Бу ерда қолаётган дугоналарим, нимжон болалар бизларниям олиб кетинг, уйимизни соғиндик деб этагимизга ёпишар, кучоқлаб ўпишарди.

Отам топган бор бойлигимиз: соғин сигир, бузоқ, ғунажини, 60—70 та ғозу-ўрдак ва товукларни бу ерда қолаётганлар ихтиёрига қолдирди. Фақатгина кўрпа, шолча ва йўлда егулик нарсаларни олдик, холос. Дардимизга шерик бўлган кишилар бизни ярим йўлгача кузатиб қўйишди. Мен эса совуқ, шабодага ҳам қарамай, онамнинг елкаларига суяниб, уларга қўл силтар ва ўзимни қафасдан озод бўлган қушчадай эркин ва бахтиёр ҳис этардим...»¹

Исоқ Мардонович Мардонов Шимолий Кавказдан меҳнат кўчкчиларининг юртга қайтишларини шундай эслайди:

«1943 йил ёзида Шимолий Кавказга немис армияси кириб келади. Бувимнинг айтишича, улар 8 ой турган. Ана шу немислар турган пайтда бир қисм ўзбеклар Ўзбекистонга қочиб келган, чунки немислар қочоқларга индамаган, комендатура йўқ бўлган, колхозни ҳам йўқ қилишган. Колхознинг ҳамма моллари, сигир, қўй, эчкилари одамларга тақсимлаб берилади. Жамоа хўжалиги ерлари ҳам тақсимлаб берилади, ўзларинг ишлаб, ўзларинг кунларингни кўринглар деган немислар. Ўша пайтда кўпгина оилалар Ўзбекистонга қайтиб келган. Ҳеч қанақа рухсатсиз қайтиб

¹ «Қишлоқ ҳаёти», 2002 йил 4 октябрь.

келишган. Лекин айримлари қолаверган, эркаклар фронтда ўлиб кетган, аксарият аёллар қочиб кела бошлаган. 14—15 га кирган уғли ёки 70—80 га кирган чол бобоси бўлса агар ўшалар билан бирга келаверган ёки 4—5 та оилалар биргалашиб қочишган. Ўшаларнинг ичида битта чол бўлса ўша йўл бошловчи бўлиб қочиб келишган. Ўша ердан келиш жуда катта жасорат бўлган. Бизнинг оила, демак, бувим, онам, холам аёллар, мен ўзим фақат бола, ўша вақтда мен 5 яшарман, биз 1946 йил сентябрь ойида қайтиб келдик. Шофирконда эркаклар, амакилар йўқ, тоғалар, боболар йўқ, уларнинг бир қисми ўша 1935—1937 йилларда ўлиб кетган, қолганлари урушга кетиб урушдан қайтиб келмаган. Отамнинг амакиси Шодмонов Тўрани, 1937—1938 йиллар бўлса керак, Оқ денгиз Болтиқ каналига меҳнат армиясига ишга юборишган, ўша ерга бориб 2 йил ишлаган. Шодмонов Тўра Болтиқ канали қурилишидан қайтиб келган, уни армияга олишмаган. Чунки 1939 йилда ўша Оқ денгиз Болтиқ каналида ишлаётганида бели майиб бўлиб эгилиб юрарди, қаддини ростлаб юра олмасди. Шу боис бизнинг оиламиз у киши бошлиқ аксарият аҳли аёллар ҳаммаси юртга қайтиб келган.

**Хужжатлар тилга кирганда
СССР Ички ишлар халқ комиссарлиги
ГУЛАГи меҳнат кўчкиндилари бўлими**

1940 йил 3 август

Махфий.

Меҳнат кўчкиндиларини ҳисобдан чиқариш ва уларни меҳнат посёлкаларидан озод қилиш масаласини ҳал этганда барча ҳолларда, шу жумладан, меҳнат кўчкинди ёшларни озод қилиш масаласи ҳал қилинганда НКВДнинг район бўлимлари, шунингдек, НКВД Иқтисодий бўлимларининг ана шу шахс ҳақидаги материалларини ҳисобга олиш зарур.

Демак, меҳнат кўчкиндисини озод қилиш тўғрисидаги масала қўйилганда бу ҳақдаги материалларга НКВДнинг район (шаҳар) бўлимлари ва НКВД Иқтисодий бўлимларининг ана шу меҳнат кўчкиндисини ҳисобдан чиқариш ва уни меҳнат қишлоғидан озод қилиш мумкинлиги масаласи бўйича ана шу органларнинг фикрини акс эттирувчи маълумотномалар қўшиб борилиши керак.

НКВД ГУЛАГининг меҳнат қишлоқлари бўлими бошлиғи ўринбосари вазифасини бажарувчи, давлат хавфсизлиги катта лейтенанти

Свешников¹.

¹ РФДА. 9479-фонд. 1-рўйхат. 68-иш.

Шимолий Кавказ меҳнат қишлоқларида ҳам меҳнат кўчкиндиларини ҳисобга олиш, оилавий карточкалар, оилаларни ҳисобга олиш китоблари ва шахсий ишлар бўйича алоҳида дафтар тутилган. Ҳар бир оилга иккитадан карточка тутилган: биттаси посёлка комендатурасида, иккинчиси район комендатурасида турган. Оилалар таркибида юз берган ўзгаришлар оила карточкаларида ҳамда шахсий ишларида қайд қилиб борилган. Ново-Романовка посёлкаси комендатураси (комендант Хворостьян) ҳисоботининг аҳволи қониқарли эмаслиги оилавий карточкаларда содир бўлган ўзгаришлар тўғрисида ўз вақтида белгилар қўйилмаётгани, ҳисоботдаги бундай қаровсизлик бошқа посёлка комендатураларида, хусусан, Арзгир район комендатурасида ҳам мавжудлиги, бунга сабаб комендантларнинг чаласаводлиги ва уларнинг идора ишларини олиб боришдаги тажрибасизлиги экани расмий ҳужжатларда қайд қилинган.

1941 йилнинг иккинчи ярми учун 924 та шахсий иш расмийлаштирилган. 1942 йилнинг 1 январига 1203 та оила учун шахсий ишлар расмийлаштирилмай қолган. Бундай аҳволга барҳам бериш учун кўрилган тadbирларга қарамай сургун қилинганликни тасдиқлайдиган ҳужжатлар НКВДнинг район бўлимидан келиши жуда секинлик билан юз бераётгани ҳам таъкидланган¹.

Туркменистоннинг Байрамали, Карки ва Чоржўй районлари ички ишлар бўлимларида 1940 йилдан буён 22 оила учун шахсий ишлар ҳужжатлари расмийлашмагани туфайли бу оилаларни озод қилиш мумкин бўлмаётгани, бир неча бор эслатмаларга қарамай Чоржўй район ички ишлар бўлими 1941 йил 26 ноябрдаги 6738/3-сонли хати билан сургун қилиниши лозим бўлган оилаларни тасдиқловчи оила рўйхатларини юборишни талаб қилаётгани, бу рўйхат эса Шимолий Кавказ ўлкаси ички ишлар бошқармаси томонидан 1941 йил 27 декабрдаги 7—09625-сонли хат билан юборилгани, бироқ ҳозирга қадар биронта ҳам жавоб олинмагани қайд этилган.

Тожикистоннинг ҳам ички ишлар район бўлимлари учун 1941 йил давомида фақат 14 та ҳужжат олинган холос, 65 оила учун бажарилмаган талаблар қолди. Сургун қилинадиган оилаларни тасдиқловчи ҳужжатларни юбориш тўғрисидаги ёзишма 1940 йилдан буён олиб борилган.

¹ РФДА, 9479-фонд. 1-рўйхат, 82-иш

Ички ишлар халқ комиссарлиги
Ворошилов номли район бошлиғига
Қўрғонтепа қишлоқ совети
«Большевик» колхози аъзоси
Каттабоев Мадраҳимдан

Ариза

Аризамнинг қисқача мазмуни шуки, менинг ижтимоий келиб чиқишим ўрта деҳқон синфидан бўлиб, 1891 йилда Қўрғонтепа қишлоқ советида туғилганман.

Менинг қарамоғимда 7 таноб ер, 1 от-арава бўлиб 1930 йилгача ўз кучим билан ишлаб келганман. 1930 йили 7 таноб ерим ва от-аравам билан «Большевик» номли колхозга аъзо бўлиб кирганман. Шу колхозда 1933 йилнинг август ойигача ишлаганман. 1933 йил август ойи охирида бандит, аксилинқилобчи Собиров Курбоннинг ғайри гуруҳбозлик ҳаракати туфайли менинг устимдан ёлғон материаллар тўпланиб Ворошилов райони халқ судига бериб суд орқали мени 3 йил қамоқ ва 2 йил сургун жазосига ҳукм қилган эди. Мен қамоқ жазосини 1936 йилда Зарафшон лагеридида битириб, сўнгра Бекободдаги «Дзержинский» колхозига келиб 2 йил сургун жазосини ҳам тамом қилдим. Шундан кейин ўз ихтиёрим билан ўша колхозда 1943 йилгача ишлаб келдим. 1943 йилда ишчи батальонига кетиб Новосибирскка бориб, бу жойда 1947 йил март ойигача ишлаб, бу хизматни ҳам битириб келдим. 1947 йил апрель ойидан буён ўз қишлоғимдаги «Большевик» колхозидида ҳалол меҳнат билан ишлаб келмоқдаман. Лекин Бекободдаги «Дзержинский» колхозига 1932 йили сиёсий кўчирмага юборилган одамларнинг орасидида суднинг 2 йилги сургун қилган жазосини ҳам тамомлаб, ўша жойдан қайтадан 5 йил ортиқча ишлаб қолишим натижасидида менинг ишим адашиш оқибатидида ўша жойдаги махсус кўчкиндилар қаторига кириб қолибман. Натижада 1936 йилдан буён мен меҳнат кўчкинди хўжаликлари қаторидида рўйхатдан чиқаолмасдан юрмоқдаман. Ҳақиқатда 1933 йил август ойидидаги халқ судининг менинг устимдан чиқарган қарорини топиб кўриш билан ҳақиқат қилиб ва 19 йилдан буён ҳукумат кўрсатган жойларда ҳалол меҳнат билан ишлаб келаётганлигимни назарга олиб зиммамга қандайдир сабаблар билан қўйилган доғларни олиб ташлаб мени махсус меҳнат хўжаликлари ҳисобидан озод қилишларингизни сўрайман.

Юқоридидаги зоҳир қилган сўзларимни исботи учун ишлаб турган жойимдаги колхозда олган № 17, № 105 даги аризамга қўшиб юбордим. Аризада кўрсатилган сўзларимни эътиборга олиб мени

оқлаб юборишларингизга умид қиламан деб, ариза берувчи Каттабоев, имзо.

17/III — 50 йил¹.

Мутлақо махфий

«Тасдиқлайман»

Давлат хавфсизлиги комитети

Жалолқудуқ райони бўлими

бошлиги майор (Неспбоев)

1952 йил «—» январь

Х у л о с а

1952 йил 25 январь

Сўфиқишлоқ қишлоғи

Мен, Давлат хавфсизлиги комитетининг Жалолқудуқ райони бўлими тезкор вакили кичик лейтенант Қамбаров, шу куни собиқ қулоқ Омонқулов Маҳмутнинг, 1892 йилда туғилган, Андижон вилоятининг Ворошилов райони Султонобод қишлоқ совети Бешкалтак қишлоқлик, миллати қирғиз, СССР фуқароси, партиясиз, чаласавод, айтишига кўра илгари судланмаган, Андижон вилояти Жалолқудуқ районидаги «Савай» пахтачилик совхозининг 2-сон бўлимида истиқомат қилади, ҳозирги пайтда ногиронлиги туфайли ҳеч қаерда ишламайди, махсус кўчкиндининг материалларини кўриб чиқиб шундай фикрга келдим:

Махсус кўчкинди Омонқулов Маҳмут жамоалаштириш даврида Ўзбекистон ССР Андижон вилояти Ворошилов районида яшаган фуқаро, қулоқ хўжалиги соҳиби бўлганлиги туфайли ҳукумат қарорига кўра 1932 йилда қулоқ қилиниб, Самарқанд вилоятдан Булунғур районининг «Булунғур» совхозига кўчирилган ва у бу ерда 1937 йилга қадар ишлаган.

Ўзбекистон ССР Андижон вилояти Ворошилов районидаги Султонобод меҳнаткашлар депутатлари қишлоқ советининг 1937 йил 7 февралдаги илтимосномасига мувофиқ ва ЎзССР Ички ишлар халқ комиссарлигининг кўчиб кетишига рухсат берганлиги муносабати билан Омонқулов Маҳмут Ўзбекистон ССР Андижон вилояти Жалолқудуқ районининг «Савай» пахтачилик совхозининг 2-бўлимида яшаш учун кўчиб келган. Ҳозирги кунда Омонқулов Маҳмут ўзини ва оила аъзоларини махсус кўчкиндликдан чиқариб юборишни сўраб илтимоснома берган (Ишнинг 1—6-варақлари).

¹ АВИИБА. 16174-иш.

Омонқулов Маҳмут Андижон вилояти Жалолқудуқ районидаги «Савай» пахтачилик совхозининг 2-бўлимида яшаб турар экан, ўзини ижобий томондан кўрсатди. Улуғ Ватан уруши даврида «Савай» пахтачилик совхозининг 2-бўлимида дала мудири (полевод) бўлиб ишлаган вақтида давлатга пахта топшириш режасини ошириб бажариб келган ва шунинг учун «уруш йилларида «Шавкатли меҳнати учун» медали билан тақдирланган, меҳнати «Савай» совхози маъмурияти томонидан ижобий баҳоланган. Ҳозирги пайтда бетоблиги туфайли ишламайди (Ишнинг 7—9-варақлари).

Давлат хавфсизлиги комитети Жалолқудуқ район бўлимининг 188-сонли махсус комендатураси қошида махсус кўчкиндилар ҳисобида турар экан, Омонқулов Маҳмут махсус кўчкиндилар учун белгиланган режим (тартиб)ни бузишга йўл қўйгани йўқ (10-сон иш), уни айблайдиган материаллар йўқ (12-сон иш варағи).

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқиб, СССР Ички ишлар министрлиги ва СССР Бош прокурорининг биргаликдаги 1946 йил 28 сентябрдаги 00868—208-сон буйруғига амал қилиб, шундай деб ҳисоблар эдим: махсус кўчкинди Омонқулов Маҳмут ва унинг оила аъзолари:

ўғли Омонқулов Акбарали, 1943 йилда туғилган;

ўғли Омонқулов Қантор, 1937 йилда туғилган;

қизи Омонқулова Жонтўра, 1941 йилда туғилган, махсус кўчкиндиликдан озод қилинсин.

Мазкур хулосани текшириш материаллари билан бирга кейинги навбатда қараб чиқиш учун уни УНГБнинг ЎзССР Андижон вилояти бўйича 9-бўлимига юборилсин.

Давлат хавфсизлиги комитети Жалолқудуқ район бўлими тезкор вакили

(Қамбаров).

Розиман:

Давлат хавфсизлиги комитети Жалолқудуқ район бўлими бошлиғи ўринбосари, лейтенант

(Неустроев)¹.

¹ АВИИБА, «Савай» пахтачилик совхози меҳнат қишлоғидаги сургундағилар шахсий ишларидан.

МУНДАРИЖА

Аср фожеаси	5
Кириш	8

И б о б. Жамолаштириш, қулоқлаштириш ва бу сиёсий кампанияларга ҳарши ҳаракатлар

1. Деҳқонлар ҳақ-ҳуқуқларининг чекланиши ва уларнинг сиқиб чиқарилиши	24
2. Жамолаштириш ва қулоқлаштириш қандай ўтказилган?	54
3. «Пахта яккахокимлиги учун кураш» ниқобидаги қулоқлаштириш	116
4. Қишлоқдаги инқилоб	124
5. Аёллар қўзғолонлари	159

II б о б. «Қулоқлар» сургун

1. 1930 йилдаги сургун	164
2. 1931 йилдаги сургун	183
3. 1932 йилдаги сургун	242
4. 1933—1937 йиллардаги сургун	310
5. Муҳожирликдаги «қулоқлар»	327

III б о б. Сургун азоблари

1. Украинага сургун қилинган юртдошларимиз ҳаёти	345
2. Шимолий Кавказ сургундаги юртдошларимиз ҳаёти	406
3. Ўрта Осиёдаги меҳнат посёлкалари	447
4. «Қулоқлар»нинг она юртларига қайтиши	524

О Г Л А В Л Е Н И Е

Г л а в а I. Насильственная коллективизация и раскулачивание: движение против этих политических компаний

1. Ущемление прав крестьян и их вытеснение	24
2. Как проводились коллективизация и раскулачивание	54
3. Раскулачивание под эгидой борьбы за хлопковую монополию	116
4. Восстания в сельских местностях	124
5. Восстания женщин	159

Г л а в а II. «Кулацкая» ссылка

1. Ссылка 1930 года	164
2. Ссылка 1931 года	183
3. Ссылка 1932 года	242
4. Ссылка 1933—1937 годов	310
5. «Кулацкая» эмиграция	327

Г л а в а III. Тягости ссылки

1. Жизнь соотечественников сосланных на Украину	345
2. Жизнь соотечественников сосланных на Северный Кавказ	406
3. Трудовые поселки Средней Азии	447
4. Возвращение «кулаков» на Родину	524

CONTENTS

Chapter I. Forcible collectivization and dispossession of kulaks: movement against these political companies

1. Infringement of peasants' rights and their displacement	24
2. How it all happened: collectivization and dispossession of kulaks	54
3. Dispossession of kulaks under the aegis of struggle for cotton monopoly	116
4. Revolts in rural areas	124
5. Revolts of women	159

Chapter II. «Kulak» exile

1. Exile of 1933	164
2. Exile of 1931	183
3. Exile of 1932	242
4. Exile of 1933—1937	310
5. «Kulak» emigration	327

Chapter III. Difficulties of exile

1. Life of compatriots, exiled to the Ukraine	345
2. Life of compatriots, exiled to the Northern Caucasus	406
3. Labour settlements in Central Asia	447
4. Return of «kulaks» to Motherland	524

«ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ» ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ
«МЕРОС» ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЭКСПЕДИЦИЯ ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

РУСТАМБЕК ШАМСУТДИНОВ

ҚИШЛОҚ ФОЖЕАСИ:

жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургуи
(Ўрта Осиё республикалари мисолида)

«Шарқ» нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
Бош таҳририяти
Тошкент — 2003

Муҳаррирлар *И. Шоймардонов, Д. Исмоилова*
Рассом *М. Самойлов*
Техник муҳаррир *Д. Габдрахманова*
Мусаҳҳиҳ *Ж. Тоирова*

Теришга берилди 5.11.2003. Босишга рухсат этилди 15.12.2003. Бичими 60x90
1/4. Таймс гарнитураси. Офсет босма. Шартли босма табоғи 34,0. Нашриёт-ҳисоб
табоғи 33,5. Адади 2000 нусха. Буюртма № 5567. Баҳоси келишилган нарҳда.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси,
700083, Тошкент шаҳри, Буюк Турон, 41.

Ш 22

Шамсутдинов Рустамбек.

Қишлоқ фожеаси: Жамоалаштириш, қулоқлаштириш, сургун: (Ўрта Осиё республикалари мисолида) /Масъул муҳаррир: Н. Каримов. — Т.: «Шарқ», 2003. — 544 б.

Сарлавҳада: «Шаҳидлар хотираси» хайрия жамғармаси, «Мерос» Халқаро илмий-амалий экспедиция хайрия жамғармаси.

ББК 63.3(5У)